

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИНИНГ
FUҚАРОЛИК КОДЕКСИГА

ШАРҲ

2-ЖИЛД



Yevropada Xavfsizlik
va Hamkorlik Tashkiloti
O'zbekistondagi Loyihalar Koordinatori

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИГА
ШАРҲ**

Тошкент
Baktria press
2013

УДК 347(575.1)(094.4)

ББК 67.404 (5Ў)

Ў-32

Ў-32 Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодексига шарҳ:
Профессионал шарҳлар. Т 2./Ўзбекистон Республикаси Адлия
вазирлиги. — Тошкент: Baktria press, 2013. 912 б.

Ушбу нашрнинг иккинчи томида Фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳ берилган бўлиб, унда фуқаролик қонун ҳужжатларини мажбуриятларнинг алоҳида турлари (олди-сотди, айирбошлаш, ҳадя, мулкий ижара, юк ташиш, қарз, кредит ва бошқа шартномалар) тўғрисидаги асосий қоидалар мазмуни очиқ берилган. Шарҳлар амалиётчи ҳуқуқшунослар, тадбиркорлар, талабалар ва тадқиқотчилар, олий ўқув юртлари ўқитувчилари, фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари билан қизиқувчи барча шахслар учун мўлжалланган.

КБК 67.404 (5Ў)

Ушбу Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳлар нашри Люксембург Буюк Герцоглиги кўмаги билан тайёрланган ва таржима этилган, ҳамда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти ёрдамида чоп этилиб, бепул тарқатилмоқда.

ISBN 978-9943-4062-3-0

© BAKTRIA PRESS

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИГА

ШАРҲ

2-ЖИЛД

2013 йил 1 январга қадар киритилган ўзгартиш
ва қўшимчалар асосида тайёрланган

юримдик фанлари доктори,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг академиги,
профессор

Ҳ. А. РАХМОНҚУЛОВ

юримдик фанлари доктори, профессор

О. ОҚЮЛОВ

тахрири остида



Yevropada Xavfsizlik va
Hamkorlik Tashkiloti
O'zbekistondagi Loyihalar Koordinatorlari



Люксембург
Буюк Герцоглиги

Муаллифлар таркиби:

Раҳманкулов Ходжи-Акбар Раҳманкулович, юридик фанлари доктори, 29 боб 1 §, 29 боб 2 § юридик фанлари номзоди **Огай Дмитрий Алексеевич** билан ҳаммуаллифликда;

Асьянов Шамиль Мударисович, ҳуқуқ доктори, 29 боб 3, 4, 5 §§;

Анартаев Исмоилжон, юридик фанлари номзоди, 29 боб 6, 7, 8 §§; 30–31 боблар юридик фанлари номзоди **Убайдуллаев Зиёдулла Сагдуллаевич** билан ҳаммуаллифликда;

Канъязов Есемурат Султамуратович, юридик фанлари номзоди, 32–34 боблар;

Ахрарова Дильбар Гапаровна, юридик фанлари номзоди, 34–36 боблар;

Рўзиназаров Шухрат Нуралиевич, юридик фанлари доктори, 37-боб;

Жўраев Нодиржон Савриддинович, 38–40 боблар;

Суюнова Дильбар Жолдасбаевна, юридик фанлари номзоди, 41-боб;

Чуллиев Шухрат Асқарович, 42–45 боблар;

Самарходжаев Батыр Билялович, юридик фанлари доктори, 46–49 боблар.

Таржимонлар:

В. Ё. Эргашев, И. Р. Рустамбеков — 29-боб 1–4 § §;

Қ. Мехмонов — 29-боб 5–6 § §;

Б. К. Ходжаев — 29-боб 7–8 § §, 30–31 боблар;

С. Б. Бобоқулов — 32–33 боб, 34-боб 1–2 § §;

О. С. Нарзиев — 34-боб 3–6 § §, 35–36 боблар;

С. Ф. Отахонов — 38–40 боблар;

А. А. Мухаммадиев — 41–42, 45 боблар;

Н. Рустамбаева — 43–44 боблар,

Б. Н. Тошев — 46–49 боблар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИГА ШАРҲ

Иккинчи қисм

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августдаги
256-І-сон Қонуни билан тасдиқланган

3-КИЧИК БЎЛИМ.
МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ АЙРИМ ТУРЛАРИ

29-БОБ ОЛДИ-СОТДИ

1-§. ОЛДИ-СОТДИ ТЎҒРИСИДА УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

386-модда. Олди-сотди шартномаси

Олди-сотди шартномаси бўйича бир тараф (сотувчи) товарни бошқа тараф (сотиб олувчи)га мулк қилиб топшириш мажбуриятини, сотиб олувчи эса бу товарни қабул қилиш ва унинг учун белгиланган пул суммаси (баҳоси)ни тўлаш мажбуриятини олади.

Агар қонунда қимматли қоғозлар ва валюта қимматликларининг олди-сотдисида доир махсус қоидалар белгиланган бўлмаса, уларни олиш-сотишга нисбатан ушбу параграфда назарда тутилган қоидалар қўлланади.

Ушбу Кодексда ёки бошқа қонунда назарда тутилган ҳолларда айрим турдаги товарларни олиш-сотишнинг ўзига хос жиҳатлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган автотранспорт воситаларининг олди-сотди шартномаси нотариал тасдиқланган бўлиши керак, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланган ҳоллар бундан мустасно. (Ўз Р 07.12.2001 й. 320-П-сон Қонуни таҳриридаги қисм)

Ушбу параграфда назарда тутилган қоидалар мулкий ҳуқуқларни сотишга нисбатан қўлланади, агар ушбу ҳуқуқлар мазмуни ёки моҳиятидан бошқача ҳол келиб чиқмаса.

Айрим турдаги олди-сотди (чакана олди-сотди, товарлар етказиб бериш, энергия таъминоти, қорхонани сотиш ва бошқалар) шартномаларига

нисбатан, агар ушбу Кодекснинг бу турдаги шартномаларга доир қоидаларида бошқача ҳол назарда тутилган бўлмаса, ушбу параграфда назарда тутилган қоидалар қўлланади.

1. Олди-сотди шартномаси фуқаролик ҳуқуқининг асосий институтларидан бири ҳисобланади. У жамиятда иқтисодий муносабатларни ташкиллаштириш ва ҳаракатга келтириш воситаси, товар-пул муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш шакли сифатида амал қилади. Шунини ҳисобга олиб олди-сотди шартномасини товар айланмаси соҳасида мулк ҳуқуқи субъектлари ўртасида мажбуриятларнинг юзага келиш асоси сифатида таърифлаш мумкин. Мазкур шартнома жамиятда маҳсулотлар айирбошлашни, уларнинг қийматини баҳолаган ҳолда онгли равишда белгиланишини ўзида ифодалайди. Жамиятда иқтисодий муносабатларни турли, энг аввало, хусусий мулк шакли асосида, иқтисодий методлар ва бозор муносабатларини тартибга солишнинг қийматга доир шакллари ёрдамида ривожлантириш жараёнида олди-сотди шартномаси ўз хусусиятига кўра бундай муносабатларнинг моҳиятини акс эттиради.

Шарҳланаётган модда биринчи қисмининг мазмунидан келиб чиқиб олди-сотди шартномасининг қуйидаги асосий белгиларини қайд этиш мумкин: мулк ҳуқуқини топшириш, икки тарафламалик, тўловлилик, консенсуаллик.

2. Олди-сотди шартномаси мулк ҳуқуқининг сотувчидан сотиб олувчига ўтишини назарда тутлади. Топширилган мол-мулкка (товарга) бўлган мулк ҳуқуқининг бундай ўтиши олди-сотди шартномасининг асосий белгиси ҳисобланади. Айни пайтда шунини қайд этиш лозимки, муайян ҳолларда товарларга нисбатан мулкдор бўлмай туриб мазкур товарларни ўзга шахсга ўтказиш ваколатига эга бўлган шахслар шартномада иштирок этишга ҳақлидирлар. Масалан, ФКнинг 179-моддасига мувофиқ, давлат корхонаси ўзига бириктириб қўйилган мол-мулкни унинг мулкдорининг розилиги билангина бошқа шахсга беришга ёки уни бошқача усулда тасарруф этишга ҳақли. Давлат корхоналари ўртасида олди-сотди шартномаси тузилганида мулк ҳуқуқининг ўтиши юз бермайди, чунки мол-мулкнинг мулкдори давлатнинг ўзи ҳисобланади. Бу ҳолда шартнома мол-мулкни оператив бошқариш ҳуқуқининг ўтишини назарда тутлади. Давлат корхонаси олди-сотди шартномасига кўра ҳар қандай сотувчидан мол-мулкни сотиб олган ҳолларда, бундай сотиб олиш мазкур корхонада (масалан, давлат

унитар ёки муниципал корхоналарида, давлат муассасаларида) чекланган ашёвий ҳуқуқ пайдо бўлиши учун асос бўлиб хизмат қилади.

Умумий қоидага биноан олди-сотди шартномаси бўйича мол-мулкни сотиб олувчида мулк ҳуқуқи, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ашё топширилган пайтдан бошлаб юзага келади. Агар мол-мулкни бошқа шахсга бериш ҳақидаги шартнома давлат рўйхатидан ўтказилиши ёки нотариал тасдиқланиши керак бўлса, мол-мулкни олувчида мулк ҳуқуқи шартнома рўйхатдан ўтказилган ёки тасдиқланган пайтдан бошлаб, шартномани ҳам нотариал тасдиқлаш, ҳам давлат рўйхатидан ўтказиш зарур бўлганида эса — рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади (ФКнинг 185-моддаси, 481-модда биринчи қисми, 488-модда иккинчи қисми, 490-модда биринчи қисми).

3. Олди-сотди шартномаси — икки тарафлама шартнома ҳисобланади. ФК 386-моддасининг биринчи қисмида мустаҳкамланган таърифдан кўришиб турганидек, олди-сотди шартномасида икки тараф — сотувчи ва сотиб олувчи иштирок этади, улар муайян ҳуқуқларга эга бўладилар ва тегишли мажбуриятларни бажарадилар: сотувчига товарни топшириш мажбурияти юкланади, айти пайтда унда товар ҳақини тўлашни талаб қилиш ҳуқуқи юзага келади, сотиб олувчи эса мол-мулк (товар) учун келишилган ҳақни тўлаши лозим бўлади ва унда сотилган мол-мулк ўзига топширилишини талаб қилиш ҳуқуқи вужудга келади. Шартномадаги тараф тушунчасини унинг иштирокчилари тушунчаси билан айниёлаштириш ярамайди. Олди-сотди шартномасида фақат икки тараф — сотувчи ва сотиб олувчи бўлиши мумкин. Олди-сотди шартномасининг иштирокчилари масаласига келсак, уларнинг сони шартнома тарафлари сонидан кўпроқ бўлиши мумкин. Масалан, уч фуқаро биргалашиб яшаш учун битта уйни сотиб олган ҳолда, улардан ҳар бири олди-сотди шартномасининг бир тарафи — сотиб олувчи тарафидаги иштирокчиси ҳисобланади.

4. Олди-сотди шартномаси — тўловлиликка асосланган, яъни ҳақ эвазига тузиладиган шартномадир. Шартнома бўйича сотиб олувчи ҳар доим сотувчи ўзига қарашли бўлган мол-мулкни (товарни) унга топширгани учун белгиланган миқдорда тўловни амалга оширади. Айти пайтда, муносабатларнинг тўловлиликка ишора ўз-ўзича олди-сотди шартномасига хос бўлган белгини, яъни сотиб олувчи товар учун тўлаган ҳақ айнан пул

суммасини (сўмда, валютада) тўлашда ифодаланиши лозимлигини намоён этмайди. Товар пул эвазига бошқа шахсга топширилиши белгисига кўра олди-сотди шартномаси айирбошлаш шартномаси (ФК 497-моддасининг биринчи қисми) ва бартер битимидан фарқ қилади.

5. Олди-сотди шартномаси консенсуал шартномалар гуруҳига киради. Реал шартномадан фарқли ўлароқ, олди-сотди шартномасини тузиш учун тарафлар келишувининг ўзи кифоя қилади. Ашёни топшириш, ҳаракатни бажариш шартномани ижро этиш мақсадида амалга оширилади. ФК 185-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ шартнома асосида мол-мулк олувчида мулк ҳуқуқи, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ашё топширилган пайтдан бошлаб вужудга келади. Ушбу модданинг қонидаси диспозитив норма ҳисобланади. У қонунга ёки тарафларнинг келишувига биноан мулк ҳуқуқи сотиб олувчида мол-мулк топширилган пайтдан бошлаб эмас, балки бошқа пайтдан, масалан, шартнома тузилган пайтдан бошлаб ёки мол-мулк топширилганидан кейин вужудга келиши мумкинлигини назарда тутаяди. Бу қоида асосан хусусий аломатлари билан белгиланадиган моддий ашёларга татбиқ этилиши мумкин, турга хос аломатлар билан белгиланадиган ашёлар эса бошқа шахсга фақат улар топширилган пайтда ўтиши мумкин.

6. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ФКда олди-сотдини қўлланиш соҳаси, яъни мол-мулк айланмасидаги муносабатлар доираси сезиларли даражада кенгайтирилган. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмига мувофиқ, агар қонунда қимматли қоғозлар ва валюта қимматликларининг олди-сотдисида доир маҳсул қоидалар белгиланган бўлмаса, уларни олиш-сотишга нисбатан умумий қоидалар қўлланади. Қимматли қоғозлар соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида» 2008 йил 22 июль Қонуни, «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида» 2001 йил 29 август Қонуни, шунингдек қонун ости норматив ҳужжатлар — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва ҳоказолар билан тартибга солинади.

Қимматли қоғозлар жумласига қуйидагилар облигациялар, векселлар, чеклар, депозит ва жамғарма сертификатлари, банкнинг тақдим қилувчига

пул бериладиган жамғарма дафтарчалари, коносаментлар, акциялар ҳамда мулкый ҳуқуқни тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар киради. Валюта қимматликлари олди-сотдиси ваколатли давлат органлари томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади. Умумий қоидага мувофиқ, ички бозорда сотиб олинadиган товарлар ҳақини тўлаш валютада эмас, балки миллий пул бирлиги — сўмда амалга оширилади. Товарларни валютага сотиш ваколатли давлат органлари томонидан белгиланган тартибда ва ҳолларда амалга оширилиши мумкин.

7. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисмида мустаҳкамланган норма ФКда ёки бошқа қонунда назарда тутилган ҳоллардагина айрим турдаги товарлар олди-сотдисининг ўзига хос жиҳатлари қонун ҳужжатлари ёки бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланиши мумкинлигини кўзда тутади. Хусусан, қимматли қоғозлар олди-сотдисининг ўзига хос жиҳатларини белгилашнинг ФКда назарда тутилган имконияти фақат қонун ҳужжатлари даражасида амалга оширилиши мумкин.

8. Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисмида мустаҳкамланган норма автототранспорт воситаларининг олди-сотдисида шартнома шаклига риоя этиш зарурлиги ҳақидаги талабни белгилайди. Олди-сотди шартномасининг шаклига нисбатан Ўз Р ФКнинг 9 боби («Битимлар»), 27-боби («Шартнома тузиш»), шунингдек 29-бобнинг 1–8-§ нормаларида назарда тутилган қоидалар қўлланади.

9. Ашёлар ва валюта қимматликлари билан бир қаторда қонун олди-сотди нарсалари доирасига мулкый ҳуқуқларни ҳам киритади. Бошқача қилиб айтганда, ФКнинг олди-сотди шартномасининг умумий қоидалари ҳақидаги нормалари, агар ушбу ҳуқуқлар мазмуни ёки моҳиятидан бошқача ҳол келиб чиқмаса, мулкый ҳуқуқларни сотишга нисбатан ҳам қўлланади (ФК 386-моддасининг бешинчи қисми). Мулкый ҳуқуқлар доираси кенг ва ранг-барангдир. Амалда мазкур ҳуқуқларни бошқа шахс томонидан ҳақ эвазига топшириш ҳолларига ҳам дуч келиш мумкин. Интеллектуал мулк объектларига, масалан, ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, фан, адабиёт ва санъат асарларига бўлган мутлақ ҳуқуқларни сотиш айниқса кенг тарқалган. Мутлақ ҳуқуқ патент воситасида сотилган ҳолда, олди-сотди ваколатли давлат органи (Давлат Интеллектуал мулк агентлиги) да расмийлаштирилиши лозим. Мутлақ ҳуқуқларнинг олди-сотди

шартномаси ёзма тарзда тузилиши керак (уни нотариал тасдиқлаш мақсадга мувофиқ).

10. Мулкий муносабатлар айрим турдаги олди-сотди шартномалари, чунончи: чакана ва улгуржи олди-сотди; товарлар етказиб бериш; контрактация; энергия таъминоти; аукцион; товарларни кредитга сотиш шартномалари билан белгиланади. Бу турдаги шартномаларнинг ҳар бири ўз иқтисодий мазмуни, тегишли юридик шакли ва ўз қўлланиш соҳасига эга бўлади. Бунда айрим турдаги олди-сотди шартномалари учун алоҳида ҳуқуқий нормалар назарда тутилиши мумкин. Бу ҳолда олди-сотдига доир умумий нормалар қонунчиликнинг айрим турдаги олди-сотди шартномалари тўғрисидаги махсус нормаларида ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос жиҳатлари назарда тутилмаган тақдирдагина қўлланади (ФК 386-моддасининг олтинчи қисми).

387-модда. Шартноманинг товар тўғрисидаги шarti

Олди-сотди шартномаси бўйича ҳар қандай ашёлар ушбу Кодекснинг 82-моддаси қоидаларига риоя қилган ҳолда товар бўлиши мумкин.

Шартнома, агар қонунда бошқача ҳол белгиланган бўлмаса ёки у товарнинг хусусиятидан келиб чиқмаса, шартномани тузиш пайтида сотувчида мавжуд бўлган товарни, шунингдек келажакда сотувчи яратадиган ёки оладиган товарни олиш-сотиш ҳақида тузилиши мумкин.

Агар шартнома товарнинг номи ва миқдорини аниқлаш имконини берса, товар тўғрисидаги олди-сотди шартномасининг шarti келишилган ҳисобланади.

1. ФКда муомалада бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай ашё сифатида белгиланган товар олди-сотди нарсаси бўлиши мумкин. Олди-сотди нарсалари агар улар муомаладан чиқарилмаган ёки уларнинг муомалада бўлиши чеклаб қўйилмаган бўлса, эркин равишда бошқа шахсларга берилиши ёки универсал ҳуқуқий ворислик (мерос қилиб олиш, юридик шахсни қайта ташкил этиш) тартибида ёхуд бошқа усул билан бир шахсдан иккинчи шахсга ўтиши мумкин (ФК 82-моддасининг биринчи қисми). Айни пайтда муомалада бўлиши чекланган ашёлардан олди-сотди

шартномасининг нарсаси сифатида фойдаланилишига йўл қўйилади, бунда улардан фойдаланиш ва уларни эгаллаш қоидаларига — муомалада бўлиши чекланган ашёларга эгалик қилиш ҳуқуқига ёки бунга ижозат берувчи махсус рухсатномага эга бўлган тегишли шахслар томонидан ушбу ашёларни бошқа шахсларга бериш ва эгаллаш қоидаларига риоя қилиниши шарт.

2. Шартнома сотувчида мавжуд бўлган товарни, шунингдек келажакда сотувчи яратадиган ёки оладиган товарларни олиш-сотиш ҳақида тузилиши мумкин. Демак, бунда биринчи ҳолда шартнома предмети бўлган товар сотувчида нақд, реал ҳолатда мавжуд бўлади ёхуд келгусида у томонидан яратилади ёкинки ишлаб чиқарилади. Иккинчи ҳолда эса сотувчи ушбу товарларни келгусида учинчи шахслардан олади (одатда улгуржи ва чакана савдо ташкилотлари нақд бўлмаган товарлар бўйича шартнома тузишлари учраб туради). Мазкур норма айрим турдаги олди-сотди шартномалари учун қонун ҳужжатларида бошқача қоидалар белгиланмаган ёки бу товарнинг хусусиятига зид бўлмаган ҳолда қўшимча тарзда қўллаш учун мўлжалланган.

3. Маълумки, товар номи ва миқдори олди-сотди шартномасининг тарафлар ўртасида келишилиши мажбурий ҳисобланган муҳим шартларига киради. Товар миқдори унинг номи билан узвий боғлиқ. ФКГа мувофиқ, агар шартнома товарнинг номи ва миқдорини аниқлаш имконини берса, товар тўғрисидаги олди-сотди шартномасининг шarti келишилган ҳисобланади.

Бундай шартлар хусусий ва турга хос аломатлари билан белгиланадиган ашёларнинг ажратилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Биринчи ҳолда ашёнинг барча аломатларини аниқлаш олди-сотди шартномасининг нарсаси ҳисобланади. Масалан, муайян автомашина олди-сотдисиди уни индивидуаллаштирувчи, мазкур автомашинани идентификацияловчи муайян аломатлар — шасси рақами, давлат белгиси ва ҳоказоларни кўрсатиш талаб этилади. Иккинчи ҳолда гап қайси ашёлар ҳақида бораётганини дарҳол тушуниш имкониятини берувчи аниқ аломатларни кўрсатиш талаб қилинади. Масалан, контрактация шартномаси бўйича оддий пахта хом-ашёси эмас, балки муайян вазн, сифат ва ҳоказоларга эга бўлган товар олди-сотди нарсаси бўлиши мумкин. Айни пайтда шуни ҳам эътиборга олиш лозимки, олди-сотдининг умумий қоидаларидан фарқли

ўларок айрим турдаги олди-сотди шартномалари учун муҳим шартларга айрим бошқа шартлар, масалан, маҳсулот етказиб бериш шартномасида муддат, товар, унинг ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан кредитга сотиб олинганида нарх ва ҳоказолар кириши мумкин.

388-модда. Товарни топшириш юзасидан сотувчининг мажбуриятлари

Сотувчи сотиб олувчига олди-сотди шартномасида назарда тутилган товарни топшириши шарт.

Агар олди-сотди шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотувчи сотиб олувчига ашёни бериш билан бир вақтда унга мансуб ашёни, шунингдек қонун ҳужжатларида ёки шартномада назарда тутилган ашёга алоқадор ҳужжатлар (техник паспорти, сифат сертификати, фойдаланиш бўйича йўриқнома ва ҳоказолар) ни топшириши шарт.

1. Олди-сотди шартномаси бўйича сотувчининг асосий мажбурияти шартноманинг тарафлар келишуви билан белгиланган нарсаси саналган муайян товарни сотиб олувчига топширишдан иборат.

2. Шартноманинг нарсасида таърифи ФКнинг 90-моддасида келтирилган мансуб ашёлар ёки қонун ҳужжатларида ёки шартномада назарда тутилган унга алоқадор ҳужжатлар (сифат ёки хавфсизлик сертификати, сифат ёки бутлик тўғрисидаги норматив-техник ҳужжатлар, техник паспорт, фойдаланиш бўйича йўриқнома ва ш.к.) мавжуд бўлган ҳолларда, сотувчи сотиб олувчига товарни бериш билан бир вақтда ҳужжатларни ҳам олди-сотди шартномасида келишилган муддатда топшириши шарт.

389-модда. Товарни топшириш мажбуриятини бажариш муддати

Сотувчининг товарни сотиб олувчига топшириш мажбуриятини бажариш муддати олди-сотди шартномасида белгиланади, агар шартнома бу муддатни аниқлаш имконини бермаса, у ушбу Кодекснинг 242-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ аниқланади.

Белгиланган муддат бузилган тақдирда сотиб олувчида шартноманинг бажарилишига қизиқиш йўқолиши шартномадан аниқ билиниб турса,

олди-сотди шартномаси уни қатъий белгиланган муддатда бажариш шарти билан тузилган ҳисобланади. Сотувчи бундай шартномани унда белгиланган муддатдан олдин ёки бу муддат тугагандан сўнг сотиб олувчининг розилигисиз бажаришга ҳақли эмас.

1. Сотувчи шартномада айтиб қўйилган товарни белгиланган муддатда топшириши шарт. Товарни топшириш муддати олди-сотди шартномасида белгиланади. Шартномада муддатнинг белгиланмаганлиги, умумий қоидага биноан, унинг ҳақиқийлигига таъсир кўрсатмайди, чунки бу ҳолда ФКнинг 242-моддасида назарда тутилган мажбуриятни бажариш муддати тўғрисидаги умумий қоидалар қўлланилиши мумкин. Аммо, шуни эътиборга олиш лозимки, айрим турдаги олди-сотди шартномалари, масалан, маҳсулот етказиб бериш, товарни унинг ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан кредитга сотиш, шунингдек тарафлардан бирининг аризасига кўра, сотувчининг товарни топшириш мажбуриятини бажариш муддати тарафлар келишувини талаб қилувчи муҳим шарт ҳисобланиши мумкин. Мажбуриятни қатъий белгиланган муддатда бажариш шарти шартномада мавжуд бўлмаган ҳолларда олди-сотди шартномаси товарни шартноманинг товарни топшириш муддати тўғрисидаги шартида белгиланган давр муддатида товарни топшириш шарти билан тузилган ҳисобланади. Бинобарин, сотувчида мазкур мажбуриятни шартномада белгиланган даврнинг исталган муддатида бажариш имконияти пайдо бўлади. Муддатнинг белгиланмагани товарни топшириш юзасидан сотувчининг мажбурияти оқилона муддатда бажарилишини назарда тутати. Бундай муддат ҳар бир конкрет ҳолда шартномани бажаришнинг барча ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши лозим.

2. ФКда назарда тутилган сотувчининг товарни топшириш мажбуриятини бажариш муддати тўғрисидаги нормалар диспозитив хусусиятга эга бўлиб, тарафлар келишувига биноан исталган тартибни назарда тутиш имкониятини беради. Хусусан, шартномада уни белгиланган муддатдан олдин ёки бу муддат тугагандан сўнг бажариш имкониятлари назарда тутилиши мумкин.

Шартнома уни қатъий белгиланган муддатда бажариш шарти билан тузилиши мумкин. Бу муддат бузилган тақдирда сотиб олувчида шартноманинг бажарилишига қизиқиш йўқолиши мумкин. Бундай ҳолларда сотувчи мазкур шартномани унда белгиланган муддатдан олдин ёки бу муддат тугагандан

сўнг сотиб олувчининг розилигисиз бажаришга ҳақли эмас. Мажбуриятни қатъий белгиланган муддатда бажариш шarti шундай таърифланган бўлиши керакки, ундан шартнома белгиланган календарь куни ёки календарь даврида бажарилиши лозимлиги ҳақидаги талаб аниқ кўриниб турсин. Бу шартномани унда белгиланган муддатдан олдин ёки кейин бажаришга йўл қўймайди, чунки сотувчининг муддатни бузиши сотиб олувчида шартноманинг бажарилишига қизиқиш йўқолишига олиб келади.

390-модда. Сотувчининг товарни топшириш мажбуриятини бажариш пайти

Башарти, олди-сотди шартномасида бошқача ҳол назарда тутилган бўлмаса, сотувчининг сотиб олувчига товарни топшириш вазифаси қуйидаги пайтларда бажарилган ҳисобланади:

агар шартномада сотувчининг товарни етказиб бериш мажбурияти назарда тутилган бўлса, товарни сотиб олувчига ёки у кўрсатган шахсга топшириш пайтида;

агар товар сотиб олувчига товар турган ерда берилиши лозим бўлса, товарни сотиб олувчи ихтиёрига топшириш пайтида. Шартномада назарда тутилган муддатда товар тегишли ерда сотиб олувчига топшириш учун тайёр бўлган ва сотиб олувчи шартнома шартларига мувофиқ товар топширишга тайёр эканлигидан хабардор қилинган вақтда товар сотиб олувчи ихтиёрига топширилган деб ҳисобланади. Агар товарнинг шартнома мақсадларига мослиги тамғалаш ёки бошқа йўл билан тасдиқланган бўлмаса, товар топшириш учун тайёр деб ҳисобланмайди.

Олди-сотди шартномасидан сотувчининг товарни сотиб олувчига етказиб бериш ёки товарни турган ерида сотиб олувчига топшириш мажбурияти келиб чиқмайдиган ҳолларда, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, товарни сотиб олувчига етказиб бериш учун ташувчига ёки алоқа ташкилотига топшириш пайтида сотувчининг товарни сотиб олувчига топшириш мажбурияти бажарилган ҳисобланади.

1. Олди-сотди шартномаси бўйича мажбурият лозим даражада бажарилишини таъминлаш учун сотувчининг товарни топшириш мажбуриятини

бажариш пайтини белгилаш айниқса муҳимдир. Товарни топшириш мажбуриятини бажариш пайти олди-сотди шартномасида шартноманинг конкрет шартларига қараб белгиланади ва товарни амалда топшириш билан ҳам, рамзий топшириш, масалан, товарни тасарруф этиш хужжати: коносамент, омбор гувоҳномаси ва ҳоказоларни топшириш билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин.

Мажбуриятни бажариш пайтига доир махсус шартлар шартномада мавжуд бўлмаса, сотувчининг сотиб олувчига товарни топшириш вазифаси, шарҳланаётган модданинг биринчи қисмига мувофиқ, қуйидаги пайтларда бажарилган ҳисобланади:

Агар шартномада сотувчининг товарни етказиб бериш мажбурияти назарда тутилган бўлса, товарни сотиб олувчига ёки у кўрсатган шахсга топшириш пайти сотувчининг мажбуриятни бажариш пайти ҳисобланади.

Агар шартномада товарни сотиб олувчига товар турган ерда бериш назарда тутилган бўлса, товар сотиб олувчи ёки у кўрсатган шахс ихтиёрига топширилган пайт сотувчининг товарни топшириш мажбуриятини бажариш пайти ҳисобланади. Сотиб олувчи шартнома шартларига мувофиқ товар топширишга тайёр эканлигидан хабардор қилиниши лозим. Агар товарнинг шартнома мақсадларига мослиги тамғалаш ёки бошқа йўл билан тасдиқланган бўлмаса, товар топшириш учун тайёр деб ҳисобланмайди.

Агар олди-сотди шартномасидан сотувчининг товарни сотиб олувчига етказиб бериш мажбурияти ёки товарни турган ерида сотиб олувчига топшириш шarti келиб чиқмаса, товар сотиб олувчига етказиб бериш учун ташувчига ёки алоқа ташкилотига топширилган пайт сотувчининг товарни сотиб олувчига топшириш мажбуриятини бажариш пайти ҳисобланади.

Товарни сотиб олувчи ихтиёрига топшириш пайтининг мажбуриятни бажариш пайти деб белгиланиши бу турдаги мажбуриятни ҳуқуқий тартибга солишда янгилик ҳисобланади. Товар харидор ихтиёрига топширилган бўлса, сотувчининг товарни топшириш мажбурияти лозим даражада бажарилган деб ҳисобланади. Айни пайтда, товарни харидор ихтиёрига топшириш пайти қайси ҳолатлар, воқеалар ёки тарафларнинг ҳаракатлари билан боғланиши шартнома шартларидан аниқ кўриниб туриши лозим.

391-модда. Сотувчининг сотилган мол-мулкни сақлаш мажбурияти

Мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ мол-мулкни топширишдан олдин сотиб олувчига ўтган ҳолларда, сотувчи мол-мулкнинг ёмонлашишига йўл қўймай, уни топширгунга қадар сақлаши шарт. Бунинг учун қилинган зарур чиқимларни, агар тарафларнинг келишувида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотиб олувчи сотувчига тўлаши шарт.

Мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ мол-мулкни топширишдан олдин сотиб олувчига ўтган ҳолда, сотувчи мол-мулкнинг сифати ёмонлашишига йўл қўймай, уни топширгунга қадар сақлаши шарт. Бундан сотиб олувчининг сотувчи сотилган товар топширилгунга қадар уни сақлаб туриш ва асраш учун қилган харажатларни қоплаш мажбурияти келиб чиқади. Сўнгги зикр этилган қоида диспозитив ҳисобланади. Товар амалда топширилгунга қадар сотувчи уни сақлаш учун қилган харажатларни қоплашнинг бошқача тартиби тарафлар келишуви билан назарда тутилиши мумкин.

392-модда. Товарнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан шикастланиши хавфининг ўтиши

Агар олди-сотди шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, товарнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан шикастланиши хавфи сотувчи товарни сотиб олувчига топшириш бўйича ўз мажбуриятини қонун ёки шартномага мувофиқ бажарган деб ҳисобланган пайтдан бошлаб сотиб олувчига ўтади.

Агар тарафлар келишувида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, йўлда бўлган пайтида сотилган товарнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан шикастланиши хавфи шартнома тузилган пайтдан бошлаб сотиб олувчига ўтади.

Олди-сотди шартномасининг товар тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан шикастланиши хавфи у биринчи ташувчига топширилган пайтдан бошлаб сотиб олувчига ўтиши ҳақидаги шарти, агар шартнома тузилган пайтда сотувчи товар йўқолгани ёки шикастланганини билган

ёки билиши лозим бўлган бўлса ва бу ҳақда сотиб олувчига маълум қилмаган бўлса, сотиб олувчи талабига кўра суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

1. Товарнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан шикастланиши хавфининг ўтишини аниқлаш учун сотувчининг товарни топшириш мажбуриятини бажариш пайти биринчи даражали аҳамият касб этади. Товарнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан шикастланиши хавфи, қоида тариқасида, ашёнинг мулкдорига юкланади. Бунда товар олди-сотдиси учун умумий диспозитив қоида назарда тутилади. Ушбу қоидага мувофиқ, товарнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан шикастланиши хавфи сотувчи товарни сотиб олувчига топшириш бўйича ўз мажбуриятини бажарган деб ҳисобланган пайтдан бошлаб сотиб олувчига ўтади. Бунда сотувчида мулк ҳуқуқи сақланиб қолгани ёки сотувчи товарни топшириш мажбуриятини бажарган пайтда сотиб олувчида мулк ҳуқуқи вужудга келгани аҳамиятга эга эмас. Айни пайтда олди-сотди шартномасининг шартларида товарнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан шикастланиши хавфи сотувчидан сотиб олувчига ўтишининг бошқа ҳар қандай пайти назарда тутилиши мумкин.

2. Агар тарафлар келишувида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, йўлда бўлган пайтида сотилган товарнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан шикастланиши хавфи шартнома тузилган пайтдан бошлаб сотиб олувчига ўтади. Товарларнинг халқаро олди-сотди шартномаларида бу масала ИНКОТЕРМС қоидалари билан тартибга солиниши мумкин.

3. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисмига мувофиқ олди-сотди шартномасининг товар тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан шикастланиши хавфи у биринчи ташувчига топширилган пайтдан бошлаб сотиб олувчига ўтиши ҳақидаги шarti, агар шартнома тузилган пайтда сотувчи товар йўқолгани ёки шикастланганини билган ёки билиши лозим бўлган бўлса ва бу ҳақда сотиб олувчига маълум қилмаган бўлса, сотиб олувчи талабига кўра суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Агар сотувчи товарни топшириш муддати ҳақидаги шартни бузган ёки сотиб олувчи товарни қабул қилиб олиш муддатини ўтказиб юборган бўлса, товар тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан шикастланиши хавфи муддатни кечиктириб юборган тарафга ўтади.

393-модда. Сотувчининг товарни учинчи шахслар ҳуқуқларидан озод ҳолда топшириш мажбурияти

Сотувчи товарни сотиб олувчига учинчи шахсларнинг ҳар қандай ҳуқуқларидан озод ҳолда топшириши шарт, сотиб олувчи учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари бўлган товарни қабул қилишга розилик берган ҳоллар бундан мустасно. Бу қондани бажармаслик сотиб олувчига харид нарҳини камайтиришни ёки олди-сотди шартномасини бекор қилишни ва қўрилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқини беради, сотиб олувчи бу товарга учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари борлигини билгани ёки билиши лозим бўлгани исботланадиган ҳоллар бундан мустасно.

Ушбу моддада назарда тутилган қондалар товарни сотиб олувчига топшириш пайтида унга учинчи шахсларнинг даъволари борлиги сотувчига маълум бўлган ҳолларда ҳам, агар бу даъволар кейинчалик белгиланган тартибда қонуний деб тан олинган бўлса, тегишли равишда қўлланади.

1. Шарҳланаётган моддага мувофиқ, сотувчи товарни сотиб олувчига учинчи шахсларнинг ҳуқуқларидан (масалан, ижарага бериш, гаровга қўйиш, бепул фойдаланиш учун топшириш ва ҳоказолардан) озод ҳолда топшириши шарт, сотиб олувчи учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари бўлган товарни қабул қилишга розилик берган ҳоллар бундан мустасно. Бу қондани бажармаслик сотиб олувчига харид нарҳини камайтиришни ёки олди-сотди шартномасини бекор қилишни ва қўрилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқини беради (сотиб олувчи бу товарга учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари борлигини билгани ёки билиши лозим бўлгани исботланадиган ҳоллар бундан мустасно). Илгари амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ сотувчи шартномани тузиш пайтида сотилаётган ашёга нисбатан учинчи шахсларнинг барча ҳуқуқлари ҳақида сотиб олувчини огоҳлантиришга мажбур бўлган ҳолос, эндиликда шарҳланаётган моддада олди-сотди нарчасига уни сотувчи сотиб олувчига топшираётган пайтда шундай бир императив талаб тўғридан-тўғри назарда тутилганки, унга мувофиқ сотувчи товарни топшириш пайтида билган ёки билиши мумкин бўлган учинчи шахсларнинг ҳуқуқларидан, шу жумладан уларнинг даъволари (эътирозлари)дан озод бўлган товаргина олди-сотди нарчаси бўлиши мумкин.

2. Учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари, шу жумладан, уларнинг даъволари бўлган товар сотиб олувчига фақат унинг розилиги билан топширилиши мумкин. Бу қоида шартномани тузиш пайтида сотувчи учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари бўлган товарни сотишни мўлжаллаган ҳолларга ҳам татбиқ этилади. Бу ҳолда ҳам у бундай товарни сотишга сотиб олувчининг розилигини олиши шарт. Сотувчи учинчи шахсларнинг ҳуқуқларидан озод бўлган товарни топшириш мажбуриятини ва тегишли равишда учинчи шахсларнинг ҳуқуқларидан озод бўлмаган товарни қабул қилишга сотиб олувчининг розилигини олиш мажбуриятини бажармаганлиги сотиб олувчига харид нархини камайтиришни ёки олди-сотди шартномасини бекор қилишни ва кўрилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқини беради. Сотиб олувчи шартномани тузиш ёки товарни қабул қилиш пайтида бу товарга учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари борлигини билган ёки билиши лозим бўлган ҳолларда у мазкур ҳуқуқдан маҳрум қилинади. Сотиб олинган товарга учинчи шахсларнинг даъволари мавжуд бўлган ҳолда сотиб олувчининг харид нархини камайтириш ёки шартномани бекор қилиш ва кўрилган зарарни қоплаш борасидаги талаблари сотувчи шартномани тузиш ёки товарни топшириш пайтида учинчи шахсларнинг бундай даъволари унга маълум бўлмаганини исбот қилиб бермаган тақдирдагина қаноатлантирилади.

394-модда. Товарни олиб қўйиш тўғрисида даъво қилинган тақдирда сотиб олувчи ва сотувчининг мажбуриятлари

Агар учинчи шахс олди-сотди шартномаси бажарилгунга қадар юзага келган асос бўйича товарни олиб қўйиш тўғрисида сотиб олувчига даъво қилса, сотиб олувчи сотувчини ишда қатнашишга жалб қилиши, сотувчи эса бу ишда сотиб олувчи томонида қатнашиши шарт.

Агар сотувчи башарти ишда қатнашганида сотилган товар сотиб олувчидан олиб қўйилишининг олдини олган бўлиши мумкинлигини исботлаб берса, сотиб олувчининг сотувчини ишда қатнашишга жалб қилмаслиги сотувчини сотиб олувчи олдидаги жавобгарликдан озод қилади.

Сотиб олувчи томонидан ишда қатнашишга жалб қилинган, бироқ унда қатнашмаган сотувчи сотиб олувчининг ишни нотўғри юритганлигини исботлаш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

1. Шархланаётган моддада эквиция, яъни олди-сотди шартномаси бажарилгунга қадар юзага келган асос бўйича учинчи шахс сотиб олувчидан товарни қайтаришни суд орқали талаб қилаётган ҳол назарда тутилади. Бу ҳолда сотиб олувчи сотувчини судда низони кўришида иштирок этишга, мазкур мажбуриятни бажармасликнинг юз бериши мумкин бўлган кўнгилсиз оқибатлари билан огоҳлантириб, жалб қилиши шарт.

2. Агар сотувчи башарти ишда қатнашганида сотилган товар сотиб олувчидан олиб қўйилишининг олдини олган бўлиши мумкинлигини исботлаб берса, сотиб олувчининг сотувчини ишда қатнашишга жалб қилмаслиги, сотувчини сотиб олинган товар олиб қўйилганлиги туфайли вужудга келган зарарни қоплаш ҳуқуқидан маҳрум қилиши мумкин.

3. Сотиб олувчи сотувчини ишда иштирок этишга жалб қилиш учун барча зарурий чораларни кўрган бўлса-да, сотувчи ишда иштирок этмаганлиги уни сотиб олувчининг ишни ногўғри юритганлигини исботлаш ҳуқуқидан маҳрум қилади ва товар олиб қўйилганлиги учун унинг сотиб олувчи олдида жавобгарлигини назарда тутати.

395-модда. Сотиб олувчидан товар олиб қўйилган тақдирда сотувчининг жавобгарлиги

Олди-сотди шартномаси бажарилгунга қадар вужудга келган асослар бўйича учинчи шахслар сотиб олувчидан товарни олиб қўйган ҳолларда сотувчи сотиб олувчига у кўрган зарарни қоплаши лозим, сотиб олувчи бундай асосларнинг мавжудлигини билган ёки билиши лозим бўлган ҳоллар бундан мустасно.

Олинган товар учинчи шахслар томонидан сотиб олувчидан талаб қилиб олинадиган ҳолларда тарафларнинг сотувчини жавобгарликдан озод қилиш ёки унинг жавобгарлигини чеклаш тўғрисидаги қелишуви ҳақиқий эмас.

1. ФКнинг 394-моддасида баён этилган қоидаларга мувофиқ, учинчи шахс томонидан сотиб олувчига топширилган товар олди-сотди шартномаси амалга оширилганидан кейин (сотиб олувчи товарни қабул қилгунга қадар юзага келган асос бўйича мол-мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш, гаров нарсасини олиб қўйиш ва ундирувни унга қаратиш

ва х.к.) белгиланган тартибда сотилган товар олиб қўйилган ҳолда, учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва даъволаридан озод бўлган товарни топшириш мажбуриятини бажармаган ёки сотиб олувчининг бундай товарни олишга розилигини олмаган сотувчи сотиб олувчига у қўрган зарарни қоплаши шарт.

2. Олди-сотди тўғрисидаги умумий қоидага мувофиқ тарафларнинг келишуви билан сотувчини бундай жавобгарликдан озод қилишга йўл қўйилмайди ва шу мазмундаги ҳар қандай келишув ҳақиқий эмас. Бундай келишув ФКнинг 114-моддасида назарда тутилган оқибатларни вужудга келтиради.

396-модда. Сотувчи товарни топширишдан бош тортишининг оқибатлари

Агар сотувчи сотилган товарни сотиб олувчига топширишдан бош тортса, сотиб олувчи олди-сотди шартномасини бажаришдан бош тортишга ҳақли.

Сотувчи хусусий аломатлари билан белгиланган ашёни топширишдан бош тортса, сотиб олувчи сотувчига ушбу Кодекснинг 331-моддасида назарда тутилган талабларни қўйишга ҳақли.

1. Шарҳланаётган моддада сотувчи сотилган товарни сотиб олувчига топширишдан бош тортган ҳолда, сотиб олувчининг олди-сотди шартномасини бажаришдан бош тортиш ҳуқуқи мустаҳкамланган. Сотувчи товарни топширишдан бош тортган тақдирда, сотиб олувчи олди-сотди шартномаси бўйича мажбуриятни бажаришдан бир тарафлама тартибда бош тортишга ҳақли. Бу ҳолда сотиб олувчининг шартномани бажаришдан бош тортиши шартномадан воз кечилиши натижасида унга етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқидан уни маҳрум этмайди. Сотиб олувчи топширилган товарни қабул қилишдан бош тортганида, сотувчи у тўлаган пул суммасини қайтариш муддатини кечиктириб юбориши ФКнинг 337-моддасига мувофиқ, сотувчининг сотиб олувчи олдида жавобгарлигига асос бўлади.

2. ФКнинг 331-моддасига мувофиқ, хусусий аломатлари билан белгиланган ашёни кредиторнинг мулки қилиб, унинг хўжалик юритишига, оператив бошқарувига ёки фойдаланишига топшириш мажбурияти бажарилмаган

тақдирда кредитор бу ашёни олиб қўйишни ва мажбуриятда назарда тутилган шартлар асосида ўзига топширишни талаб қилишга ҳақли. Бу ҳуқуқ ашёга нисбатан сотиб олувчи билан бир хил ҳуқуққа эга бўлган учинчи шахсга топширилган бўлса, бекор бўлади. Бироқ, агар ашё ҳали топширилмаган бўлса, ҳуқуқ қайси кредиторнинг фойдасига олдинроқ вужудга келган бўлса, ўша кредитор устунликка эга бўлади, башарти буни аниқлаш мумкин бўлмаса, олдин даъво қўзғатган кредитор устунликка эга бўлади. Шу туфайли ҳам кредитор мажбурият нараси бўлган ашёни ўзига топширишни талаб қилиш ўрнига, зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақли.

397-модда. Товарга мансуб ашёларни ва ҳужжатларни топшириш мажбуриятини бажармаслик оқибатлари

Агар сотувчи қонун ҳужжатларига ёки олди-сотди шартномасига мувофиқ топшириши шарт бўлган (ушбу Кодекс 388-моддасининг иккинчи қисми) товарга мансуб ашёлар ёки ҳужжатларни сотиб олувчига топширмаса ёки топширишдан бош тортса, сотиб олувчи уларни топшириш учун унга оқилона муддат тайинлашга ҳақли.

Товарга мансуб ашёлар ёки ҳужжатлар сотувчи томонидан кўрсатилган муддатда топширилмаса, агар олди-сотди шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотиб олувчи товардан воз кечишга ҳақли.

1. ФК 388-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, агар олди-сотди шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотувчи сотиб олувчига ашёни бериш билан бир вақтда унга мансуб ашёни, шунингдек қонун ҳужжатларида ёки шартномада назарда тутилган ашёга алоқадор ҳужжатлар (техник паспорти, сифат сертификати, фойдаланиш бўйича йўриқнома ва ҳоказолар)ни топшириши шарт. Сотувчи мазкур ҳужжатларни сотиб олувчига топшириш муддатини кечиктириб юборган тақдирда, сотиб олувчи уларни топшириш учун сотувчига оқилона муддат тайинлашга ҳақли.

2. Шундан келиб чиқиб, товарга мансуб ашёлар ёки ҳужжатлар сотувчи томонидан кўрсатилган муддатда топширилмаган тақдирда, агар олди-сотди шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотиб олувчи товардан воз кечишга ҳақли. Бу ҳолда сотиб олувчи товарни қабул қилишдан бош тортгани сотувчи товарни топшириш мажбуриятини

бажармагани билан изоҳланади. Шунингдек сотиб олувчи ушбу моддада назарда тутилган мажбуриятларни сотувчи бажармагани туфайли ўзига етказилган, шу жумладан, шартнома бекор қилиниши натижасида келиб чиққан зарарларни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

398-модда. Товарнинг миқдори

Сотиб олувчига топширилиши лозим бўлган товарнинг миқдори олди-сотди шартномасида тегишли ўлчов бирликларида ёки пулда назарда тутилади. Товарнинг миқдори тўғрисидаги шарт шартномада уни аниқлаш тартибини белгилаш йўли билан келишилиши мумкин.

Агар олди-сотди шартномаси топширилиши лозим бўлган товар миқдорини аниқлаш имконини бермаса, шартнома тузилмаган ҳисобланади.

1. Маълумки, товарнинг номи ва миқдори олди-сотди шартномасининг тарафлар томонидан келишилиши мажбурий бўлган муҳим шартларига киради (ФКнинг 387-моддасига шарҳ). Товар миқдори асл ҳолида қайд этилган миқдорда, товар хоссаларига қараб турли ўлчов бирликларида (доналаб, метрда, граммда, ваттда ёки бошқа ўлчов бирликларида), пулда (маълум пул суммасига нисбатан товар миқдори) ёки товар миқдорини белгилаш тартибини келишиш йўли билан белгиланиши мумкин (масалан, келаси йил ҳосили, ҳисоблагич кўрсаткичига асосан аниқланадиган иссиқлик энергияси ёки электроэнергия миқдори шартнома нарсаси бўлиши мумкин).

2. Шу туфайли ҳам товарнинг миқдори олди-сотди шартномасининг муҳим шартларидан бири ҳисобланади, чунки шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмига мувофиқ, агар олди-сотди шартномаси топширилиши лозим бўлган товар миқдорини аниқлаш имконини бермаса, шартнома тузилмаган ҳисобланади.

399-модда. Шартноманинг товар миқдори тўғрисидаги шартларини бузиш оқибатлари

Сотувчи олди-сотди шартномаси шартларини бузиб, сотиб олувчига шартномада белгиланган миқдордан кам товар топширган бўлса, сотиб

олувчи, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ё товарнинг етишмаётган миқдорини топширишни талаб қилишга, ё топширилган товардан ва унинг ҳақини тўлашдан бош тортишга, борди-ю унинг ҳақи тўланган бўлса, тўланган пул суммасини қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли.

Сотувчи сотиб олувчига олди-сотди шартномасида кўрсатилганидан ортиқ миқдорда товар берган тақдирда, сотиб олувчи бу ҳақда ушбу Кодекс 416-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган тартибда сотувчига маълум қилиши лозим. Агар сотиб олувчидан хабар олганидан сўнг сотувчи оқилона муддатда тегишли товарни тасарруф қилмаса, шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотиб олувчи товарнинг ҳаммасини қабул қилиш ҳуқуқига эга.

Сотиб олувчи олди-сотди шартномасида кўрсатилганидан ортиқ миқдорда товар қабул қилиб олган тақдирда, агар тарафларнинг келишуви билан бошқа баҳо белгиланган бўлмаса, тегишли товар учун шартномада белгиланган баҳода ҳақ тўланади.

1. Шарҳланаётган моддада шартнома мажбуриятининг товар миқдори тўғрисидаги шартларини лозим даражада бажаришга ва улар бажарилмагани ёки лозим даражада бажарилмагани туфайли вужудга келган зарарни қоплашга доир талаблар баён этилган. Шартноманинг товарни белгиланган миқдорда топшириш шarti бажарилмаган ҳолда, сотиб олувчи товарнинг етишмаётган миқдорини топширишни талаб қилишга ёки топширилган товардан ва унинг ҳақини тўлашдан бош тортишга, борди-ю унинг ҳақи тўланган бўлса, тўланган пул суммасини қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли. Сотувчи сотиб олувчига шартномада белгиланган миқдордан кам товар топширган тақдирда, сотиб олувчи сотилган товардан ва унинг ҳақини тўлашдан бош тортиши мумкинлиги ҳақидаги қоидалар шартномада бундай бош тортиш мумкин эмаслиги тўғридан-тўғри назарда тутилмаган ҳолларда қўланади.

2. Сотувчи сотиб олувчига шартномада кўрсатилганидан ортиқ миқдорда товар бергани, умумий қоидага мувофиқ, сотиб олувчига товарни қабул қилиш ва унга ҳақ тўлаш мажбуриятини юкламайди, худди шунингдек, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, унинг товарни қабул қилиш ва унга ҳақ тўлаш ҳуқуқини ҳам белгиламайди. Сотиб олувчи сотувчи ўзига шартномада кўрсатилганидан ортиқ миқдорда товар бергани

ҳақида қонун ҳужжатларида ёки шартномада кўзда тутилган муддатда, агар бундай муддат белгиланган бўлмаса, оқилона муддатда сотувчига маълум қилиши шарт. Сотиб олувчи ўзига шартномада кўрсатилганидан ортиқ миқдорда берилган товарни фақат сотувчи сотиб олувчидан хабар олганидан сўнг оқилона муддатда уни тасарруф қилмаган тақдирда қабул қилиш ҳуқуқига эга.

3. Сотиб олувчи шартномада кўрсатилганидан ортиқ миқдорда қабул қилиб олган товарга, агар тарафларнинг келишуви билан бошқа баҳо белгиланган бўлмаса, тегишли товар учун шартномада белгиланган баҳода ҳақ тўлайди.

4. Сотиб олувчи шартномада кўрсатилганидан ортиқ миқдорда келган товарни қабул қилиш ва унга ҳақ тўлашдан бош тортишга бу ҳақда сотувчига оқилона муддатда хабар қилиш, товар лозим даражада сақланиши ва кўриқланишини таъминлаш, яъни уни асраш учун зарурий харажатларни амалга ошириш орқали ҳақлидир. Сотувчи оқилона муддатда товарни тасарруф қилиши ва товарни сақлаш харажатларини тўлаши шарт. Сотувчи оқилона муддатда товарни қайтариш ёки уни бошқача усулда тасарруф қилиш тўғрисида кўрсатма бермаган тақдирда, сотиб олувчи товарни сотувчига қайтариш чораларини сотувчининг ҳисобига кўришга, товарни қайтариш мумкин бўлмаган ҳамда унинг бузилиш ёки нобуд бўлиш хавфи туғилган ҳолда эса, товарни оқилона нарҳда сотишга ҳақли. Сўнгги зикр этилган ҳолда сотиб олувчи сотилган товар учун олинган пулни ўзининг товарни тасарруф этиш харажатларини чегириб қолган ҳолда сотувчига қайтариши лозим.

400-модда. Товарларнинг ассортименти

Агар олди-сотди шартномасига кўра товарлар тур, модель, ўлчам, ранг ва бошқа белгилари (ассортимент) бўйича муайян нисбатда топширилиши лозим бўлса, сотувчи товарларни сотиб олувчига тарафлар келишган ассортиментда топшириши шарт.

Агар олди-сотди шартномасида ассортимент белгиланмаган ҳамда шартномада уни белгилаш тартиби кўрсатилмаган бўлса, лекин мажбурият моҳиятидан товарлар сотиб олувчига ассортимент бўйича топширилиши лозимлиги келиб чиқса, сотувчи сотиб олувчига товарларни сотиб олувчининг шартнома тузиш пайтида сотувчига

маълум бўлган эҳтиёжларидан келиб чиқадиган ассортиментда топширишга ёки шартномани бажаришдан бош тортишга ҳақли.

1. Товарнинг ассортименти тўғрисидаги шарт айрим турдаги олди-сотди шартномалари учун биринчи даражали аҳамият касб этади. Ассортимент деганда бир товар — турга хос аломатлари билан белгиланадиган, тур, модель, ўлчам, ранг ва бошқа белгилари билан бир-биридан ажралиб турадиган ашёлар номларининг улар миқдори ва муайян нисбати кўрсатилган рўйхати тушунилади. Товар турларининг муайян нисбати ҳақида гапирганда, миқдор (доналаб), фоиз (бир-бирига нисбатан) ва ҳоказолар назарда тутилади. (Масалан: 100 жуфт 40 ўлчамли эркаклар пойафзали, 500 жуфт 37 ўлчамли аёллар пойафзали ва ҳ.к.)

2. Товарнинг ассортименти тўғрисидаги шарт олди-сотди шартномаси нарсасининг муқаррар элементи ҳисобланмайди. Бундай шарт шартномада икки ҳолда назарда тутилади: биринчи — тарафлар келишувига кўра, иккинчи — ушбу шартнинг зарурлиги мажбуриятнинг моҳиятидан келиб чиққанида. Сўнгги ҳолатда шартноманинг ассортименти тўғрисидаги шартларини белгилаш зарурияти товарнинг хоссаларига, шу жумладан, у бир турдаги ашёларнинг неча хили ва миқдоридан таркиб топганлигига боғлиқ бўлади.

401-модда. Шартноманинг товар ассортименти тўғрисидаги шартини бузиш оқибатлари

Сотувчи олди-сотди шартномасида назарда тутилган товарларни шартномага мос келмайдиган ассортиментда топширган тақдирда сотиб олувчи уларни қабул қилишдан ва ҳақини тўлашдан бош тортишга, борди-ю уларнинг ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган пул суммасини қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли.

Агар сотувчи сотиб олувчига ассортименти олди-сотди шартномасига мос келадиган товарлар билан бир қаторда ассортимент тўғрисидаги шартларга мос келмайдиган товарлар ҳам топширган бўлса, сотиб олувчи ўз ихтиёрига кўра:

шартноманинг ассортимент тўғрисидаги шартларига мос бўлган товарларни қабул қилиш ва қолган товарларни қабул қилишдан бош тортиш;

топширилган барча товарларни қабул қилишдан бош тортиш; шартноманинг ассортимент тўғрисидаги шартларига мос бўлмаган товарларни шартномада назарда тутилган ассортиментдаги товарларга алмаштириб беришни талаб қилиш;

топширилган барча товарларни қабул қилиш ҳуқуқига эга.

Сотиб олувчи ассортимент олди-сотди шартномаси шартларига мос келмайдиган товарларни қабул қилишдан бош тортганида ёки ассортимент тўғрисидаги шартларга мос келмайдиган товарларни алмаштиришни талаб қилганида бу товарлар ҳақини тўлашдан бош тортишга, борди-ю уларнинг ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган пул суммасини қайтариб беришни талаб қилишга ҳам ҳақли.

Агар сотиб олувчи шартноманинг ассортимент тўғрисидаги шартларига мос келмайдиган товарларни олганидан сўнг уларни қабул қилишдан бош тортиши тўғрисида оқилона муддатда сотувчига хабар қилмаса, бундай товарлар қабул қилинган ҳисобланади.

Агар сотиб олувчи ассортимент шартномага мос келмайдиган товарларни қабул қилишдан бош тортмаса, бу товарларнинг ҳақини сотувчи билан келишилган баҳода тўлаши шарт. Сотувчи баҳони келишиш бўйича оқилона муддатда зарур чоралар кўрмаган тақдирда, сотиб олувчи товарлар ҳақини одатда шартнома тузиш пайтидаги ўхшаш вазиятларда худди шундай товарларга берилган баҳода тўлайди.

Агар олди-сотди шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ушбу модда қоидалари қўлланади.

1. Ассортимент тўғрисидаги шартларни бузиш товарнинг сифати тўғрисидаги шартларни бузиш билан айнийдир (ФК 401-моддасининг биринчи қисми). Бунда шуни ҳам эътиборга олиш лозимки, мазкур моддада назарда тутилган ассортимент тўғрисидаги шартларни бузганлик учун сотувчининг жавобгарлиги ҳақидаги қоидалар, биринчидан, диспозитив ҳисобланади, яъни олди-сотди шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган ҳолларда қўлланади (ФК 401-моддасининг олтинчи қисми), иккинчидан, мажбуриятни бузганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги умумий қоидалар (ФКнинг 324–337-моддалари)га мувофиқ сотувчининг жавобгарлигини истисно қилмайди.

2. Товар шартноманинг ассортимент тўғрисидаги шартларига мос келмаган тақдирда, сотиб олувчи, агар шартномада бошқача тартиб назарда

тутилган бўлмаса, шартноманинг ассортимент тўғрисидаги шартларига мос бўлмаган товарларни шартномада назарда тутилган ассортиментдаги товарларга алмаштириб беришни талаб қилиш ё шартноманинг ассортимент тўғрисидаги шартларига мос бўлган товарларни қабул қилиш ва қолган товарларни қабул қилишдан бош тортиш ё топширилган барча товарларни қабул қилишдан бош тортиш ё топширилган барча товарларни (шартноманинг товар ассортименти тўғрисидаги шартларига мос келадиган товарларни ҳам, унга мос келмайдиган товарларни ҳам) қабул қилиш ҳуқуқига эга.

3. Сотиб олувчи ассортименти олди-сотди шартномаси шартларига мос келмайдиган товарларни қабул қилишдан бош тортиш ёки ассортимент тўғрисидаги шартларга мос келмайдиган товарларни алмаштиришни талаб қилган ҳолда, бу товарлар ҳақини тўлашдан бош тортишга, борди-ю уларнинг ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган пул суммасини қайтариб беришни талаб қилишга ҳам ҳақли (ФК 401-моддасининг учинчи қисми). Товардан тўлиқ ёки унинг ассортимент тўғрисидаги шартларга мос келмайдиган қисмидан воз кечиш сотиб олувчини сотувчидан неустойка (агар у қонун ҳужжатлари ёки шартнома шартлари билан назарда тутилган бўлса) ҳамда сотувчи олди-сотди шартномасининг шартларини бузиши оқибатида қўрилган зарарни ундиришга, товарни алмаштириш талаб қилинганда эса — товарни топшириш муддати кечиктириб юборилгани туфайли қўрилган зарарни ундиришга бўлган ҳуқуқдан маҳрум қилмайди.

4. Шартноманинг ассортимент тўғрисидаги шартларига мос келмайдиган товарни қабул қилишдан бош тортиш, худди шунингдек товар ассортимент тўғрисидаги шартларга қисман ёки тўла мос келмаганида топширилган барча товарларни қабул қилишдан бош тортиш, шунингдек шартномада келишилган ассортиментга мос келмайдиган товарларни алмаштириб бериш ҳақидаги талаблар сотиб олувчи томонидан товар олинганидан сўнг оқилона муддатда сотувчига билдирилиши лозим (ФК 401-моддасининг тўртинчи қисми).

5. Агар сотиб олувчи товарларни олганидан сўнг уларни қабул қилишдан бош тортиши тўғрисида оқилона муддатда сотувчига хабар қилмаса, бундай товарлар қабул қилинган ҳисобланади. Сотиб олувчи ўзи қабул қилиб олган товарларнинг ҳақини сотувчи билан келишилган баҳода тўлаши шарт.

402-модда. Товарнинг сифати

Сотувчи сотиб олувчига сифати олди-сотди шартномасига мос келадиган товарни топшириши шарт.

Олди-сотди шартномасида товарнинг сифати тўғрисидаги шартлар кўрсатилмаганда, сотувчи сотиб олувчига белгиланган мақсадлар учун яроқли бўлган товарни топшириши шарт.

Агар сотиб олувчи шартнома тузиш пайтида сотувчига товарни қандай аниқ мақсадлар учун сотиб олаётганини хабар қилган бўлса, сотувчи сотиб олувчига ушбу мақсадларда фойдаланиш учун яроқли бўлган товарни топшириши шарт.

Товар намунаси бўйича ва (ёки) таърифи бўйича сотилганда сотувчи сотиб олувчига намуна ва (ёки) таърифга мос келадиган товарни топшириши шарт.

Агар қонунда белгиланган тартибга мувофиқ, сотилаётган товар сифатига нисбатан мажбурий талаблар назарда тутилган бўлса, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган сотувчи сотиб олувчига ушбу мажбурий талабларга жавоб берадиган товарни топшириши шарт.

Сотувчи билан сотиб олувчи ўртасидаги келишувга мувофиқ қонунда назарда тутилган тартибда товарнинг сифатига қўйилган мажбурий талабларга қараганда юқорироқ талабларга жавоб берадиган товар топширилиши мумкин.

1. Олди-сотди шартномасининг товар сифатида ҳақидаги шarti одатдаги ёки муҳим шарт сифатида қаралиши мумкин. Биринчи ҳолда у тарафларнинг бу ҳақда олдиндан келишувисиз тузилган олди-сотди шартномаси билан мувофиқ келади. Иккинчи ҳолда эса у қонун ҳужжатларида ёки шартнома тарафларидан бирининг аризасига кўра товарнинг сифати тўғрисида келишувга эришилиши лозим бўлганида шундай аҳамиятга эга бўлади.

2. Олди-сотди шартномасида товарнинг сифати тўғрисидаги шартларнинг ёки уларни белгилаш тартибининг йўқлиги шартноманинг ҳақиқийлигига таъсир кўрсатмайди, чунки бундай ҳолатлар учун ФКда сотиб олувчига топширилиши лозим бўлган товарнинг сифатини белгилашга доир қўшимча қоидалар назарда тутилади. Агарда сотиб олувчи шартномада товарнинг махсус сифати тўғрисида шарт қўйилган

бўлса, айти ҳолда товарнинг сифати бу турдаги товарлар одатда қайси мақсадларда фойдаланиш учун мўлжалланса, айти шу мақсадларда фойдаланишга яроқли бўлиши лозим. Бунда товарни тайинланиш мақсади бўйича фойдаланиш мумкин бўлган умумий сифатга эга бўлиши кифоя.

3. Агарда сотиб олувчи шартнома тузиш пайтида сотувчига товарни қандай аниқ мақсадлар учун сотиб олаётганини хабар қилган бўлса, товар айти шу мақсадларда фойдаланишга яроқли бўлиши лозим. Бунда, товар қандай аниқ мақсадлар учун сотиб олинаётгани сотувчига маълум бўлмаса, товар бу турдаги товарлардан одатда қайси мақсадларда фойдаланилса, айти шу мақсадларда фойдаланиш учун яроқли бўлиши лозим.

4. Айрим шартномаларда товарнинг сифати унинг муайян стандартларга; тасдиқланган сертификат шартларига; сотилаётган товарлар учун сифат андозаси бўлиб хизмат қилувчи товар намуналарига; техник ҳужжат ҳамда аксарият саноат молларининг мансуб ашёси саналган товар спецификацияси (тавсифи)га мослиги билан белгиланиши назарда тутилиши мумкин. Товарнинг сифатини аниқлашни сотиб олувчи ёки унинг вакили томонидан товарни сотишдан олдин кўздан кечириш йўли билан аниқлаш тавсия этилади. Бунда сотилаётган товарнинг камчиликлари сотиб олувчига маълум қилинган ва у товарни сотиб олишга розилик билдирган ҳолда ҳам товарнинг сифати тўғрисидаги шартларга риоя этилган ҳисобланади.

5. Шарҳланаётган модданинг бешинчи қисмида назарда тутилган ҳолда, агар қонунда белгиланган тартибга мувофиқ, сотилаётган товар сифатига нисбатан мажбурий талаблар назарда тутилган бўлса, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган сотувчи сотиб олувчига ушбу мажбурий талабларга жавоб берадиган товарни топшириши шарт. Масалан, озиқ-овқат маҳсулотлари, уй-рўзғор молларига нисбатан. Сотувчиларнинг тадбиркорлик фаолияти соҳасида сотилаётган товарнинг сифатини тарафлар томонидан белгилаш эркинлиги умумий қонундан муайян истисно ҳолатлар мавжуд. Агар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сотилаётган товар сифатига нисбатан мажбурий талаблар назарда тутилган ва улар, қоида тариқасида, мазкур товарларга доир мажбурий стандартларда мустаҳкамланган бўлса, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган сотувчи сотиб олувчига ушбу мажбурий талабларга жавоб

берадиган товарни топшириши шарт. Мазкур коида императив тусга эга ва товарнинг сифатига кўйиладиган талабларни тарафларнинг келишувчи билан мажбурий талабларга нисбатан пасайтиришга йўл кўймайди.

6. Айти пайтда, сотувчи билан сотиб олувчи ўртасидаги келишувга мувофиқ қонунда назарда тутилган тартибда товарнинг сифатига кўйилган мажбурий талабларга қараганда юқориқ талабларга жавоб берадиган товарнинг топширилишига монелик қилинмайди (ФК 402-моддасининг олтинчи қисми).

403-модда. Товар сифатининг кафолати

Сотувчи сотиб олувчига топшириши лозим бўлган товар уни сотиб олувчига топшириш пайтида ушбу Кодекснинг 402-моддасида назарда тутилган талабларга, агар товарнинг ушбу талабларга мувофиқлигини аниқлашнинг бошқа пайти олди-сотди шартномасида назарда тутилган бўлмаса, жавоб бериши ва оқилона муддат давомида белгиланган мақсадлар учун яроқли бўлиши керак.

Олди-сотди шартномасида сотувчининг товар сифатига кафолат бериши назарда тутилган тақдирда, сотувчи сотиб олувчига шартномада белгиланган муайян вақтда (кафолат муддатида) ушбу Кодекснинг 402-моддасида назарда тутилган талабларга жавоб берадиган товарни топшириши лозим.

Агар олди-сотди шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, товар сифатининг кафолати барча бутловчи буюмларга ҳам тегишли бўлади.

1. Шархланаётган модданинг қоидалари 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 221-И-сон Қонунида атрофлича баён этилган. Қонуннинг 1-моддасида «кафолат муддати» тушунчасига таъриф берилган: «кафолат муддати — товардан (хизматдан) фойдаланишнинг (ойлар ҳисобидаги) норматив муддати ёки товар (хизмат)нинг муайян вазифани (неча соатда, неча иш жараёнида, қанча километр масофани босиб ўтиб ва ҳ.к) бажариш вақти тарзида белгиланган муддати бўлиб, бу муддат ичида ишлаб чиқарувчи (ижрочи), башарти товарни ишлатиш (хизматдан фойдаланиш) қоидаларига

риоя этилган бўлса, товарнинг (хизматнинг) сифатига нисбатан норматив ҳужжатларда назарда тутилган талаблар бажарилишини кафолатлайди ва таъминлайди». Ушбу Қонуннинг 11-моддасига мувофиқ, узоқ муддат фойдаланиладиган барча турдаги товарлар ва хизматларга ишлаб чиқарувчи (ижрочи) кафолат муддати белгилаши лозим. Кафолат муддати товар (хизмат) нинг паспортида ёки товарни сотиш ёхуд хизмат кўрсатиш пайтида товар билан биргаликда истеъмолчига бериладиган бошқа ҳужжатда кўрсатилади. Ишлаб чиқарувчи товардан кафолат муддати ва хизмат муддати мобайнида фойдаланиш имкониятини таъминлаши, товарнинг таъмирланишини ва унга техник хизмат кўрсатилишини ташкил этиши, товарни ишлаб чиқариш муддати мобайнида ҳамда у ишлаб чиқаришдан олиб ташланганидан кейин товарнинг хизмат муддати мобайнида, бундай муддат бўлмаган тақдирда эса, товар ишлаб чиқаришдан олиб ташланган пайтдан эътиборан ўн йил мобайнида етарли ҳажмда ва турда эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариши ҳамда савдо ва таъмирлаш ташкилотларига етказиб бериши шарт. Дори-дармон, озик-овқат ва маиший кимё товарларида улар ишлаб чиқарилган сана ва яроқлилик муддати ҳамда сақлаш шартлари кўрсатилган бўлиши лозим. Сотувчиларнинг яроқлилик муддати кўрсатилмаган ёки бу муддати ўтиб кетган товарларни қабул қилиши ва реализация қилиши ман этилади.

2. Товар, у қайси мақсадлар учун мўлжалланган бўлса, шу мақсадлар учун яроқли бўлган давр муддати, яъни оқилона муддат кафолат муддати деб ҳисобланади (ФК 403-моддасининг биринчи қисми). Яроқлилик муддати каби, кафолат муддати ҳам норматив ҳужжатлар (қонун ҳужжатлари, давлат стандартларининг мажбурий талаблари ва бошқа мажбурий талаблар) билан назарда тутилиши мумкин ва бу қоида товарнинг сифати ҳақидаги умумий нормалар мазмунидан келиб чиқади. Яроқлилик муддатидан фарқли ўларок, кафолат муддати ишлаб чиқарувчи томонидан мустақил равишда ёки олди-сотди шартномаси тарафларининг келишуви билан белгиланиши мумкин. Кафолат муддати норматив ҳужжатларда назарда тутилган ҳолларда, у ишлаб чиқарувчи томонидан ёки шартнома тарафларининг келишуви билан фақат унинг кўпайиши томонга ўзгартирилиши мумкин.

3. Кафолат муддатининг йўқлиги сотувчига шундай бир сифатли товарни сотиб олувчига топшириш мажбуриятини юклайдики, товар топширилганидан сўнг ундан оқилона муддат мобайнида фойдаланиш мумкин бўлсин. Бу ҳолда ҳам оқилона муддат кафолат муддати сифатида, бундан келиб чиқадиган

барча оқибатлар билан амал қилади. Агар қонун ҳужжатлари ёки олди-сотди шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, товар сифатининг кафолати барча бутловчи буюмларга ҳам тегишли бўлади ва асосий буюмнинг кафолат муддатидан кам бўлмаслиги керак.

404-модда. Товарнинг кафолат муддатини ҳисоблаш

Агар олди-сотди шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кафолат муддати товар сотиб олувчига топширилган пайтдан эътиборан ўта бошлайди.

Агар сотиб олувчи сотувчига боғлиқ бўлган ҳолатлар туфайли олди-сотди шартномасида кафолат муддати белгиланган товардан фойдаланиш имкониятидан маҳрум бўлса, сотувчи тегишли ҳолатларни бартараф этмагунча кафолат муддатининг ўтиши бошланмайди.

Агар олди-сотди шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ушбу Кодекснинг 416-моддасида белгиланган тартибда сотувчига товарнинг камчиликлари ҳақида хабар қилиш шarti билан кафолат муддати товарда аниқланган камчиликлар туфайли ундан фойдаланиб бўлмаган вақтга узайтирилади.

Агар олди-сотди шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, бутловчи буюмнинг кафолат муддати асосий буюмнинг кафолат муддатига тенг ҳисобланади ва асосий буюмнинг кафолат муддати билан бир вақтда ўта бошлайди.

Товар (бутловчи буюм) алмаштирилганда кафолат муддати янгидан ўта бошлайди.

1. «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддасига мувофиқ, узок муддат фойдаланиладиган барча турдаги товарлар ва хизматларга ишлаб чиқарувчи (ижрочи) кафолат муддати белгилаши лозим. Кафолат муддати товар истеъмолчига сотилган ёки хизмат кўрсатилган кундан бошлаб ҳисобланади. Агар товар сотилган кунни аниқлашнинг имкони бўлмаса, бу муддат товар ишлаб чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади.

Яроқлилик муддатини ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги императив қоидалардан фарқли ўлароқ, кафолат муддати, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, умумий қоидага биноан, товар сотиб

олувчига топширилган пайтдан бошлаб ҳисобланади (ФК 404-моддасининг биринчи қисми).

2. Айна пайтда, сотиб олувчи сотувчига боғлиқ бўлган ҳолатлар (масалан, мансуб ашёларни, фойдаланиш бўйича техник хужжатларни етказиб бериш муддатини кечиктириб юбориш) туфайли олди-сотди шартномасида кафолат муддати белгиланган товардан фойдаланиш имкониятидан маҳрум бўлса, кафолат муддати сотувчи тегишли ҳолатларни бартараф этган пайтдан бошлаб ҳисобланади (ФК 404-моддасининг иккинчи қисми).

3. Товардан фойдаланиш мумкин эмаслиги унда аниқланган камчиликлар туфайли юз берган ҳолларда эса, умумий қоидага биноан, сотувчига товарнинг камчиликлари ҳақида хабар қилиш шарти билан кафолат муддати товарда аниқланган камчиликлар туфайли ундан фойдаланиб бўлмаган вақтга узайтирилади (ФК 404-моддасининг учинчи қисми).

4. Умумий қоидага биноан, товарнинг кафолат муддати унинг бутлиги таркибига кирувчи тегишли қисмларнинг ҳаммасига, яъни бутловчи буюмларнинг кафолат муддатига татбиқ этилади ва асосий буюмнинг кафолат муддати билан бир вақтда ўта бошлайди (ФК 404-моддасининг тўртинчи қисми). Шартномада бошқача тартиб назарда тутилиши ҳам мумкин.

5. Агарда товар ёки бутловчи буюм, қисм қонунда (ФКнинг 408, 413-моддалари ва х.к.) ёки шартномада белгиланган асослар бўйича сотувчи томонидан алмаштириб берилганда кафолат муддати янгидан ўта бошлайди.

405-модда. Товарнинг яроқлилик муддати

Қонун ҳужжатларида, шу жумладан давлат стандартларида товар ўз вазифаси бўйича фойдаланиш учун яроқсиз ҳолга келиб қолади деб ҳисобланадиган вақт (яроқлилик муддати) белгиланиши мумкин.

Сотувчи яроқлилик муддати белгиланган товарни сотиб олувчига шундай мўлжал билан топшириши керакки, токи ундан яроқлилик муддати тугагунга қадар ўз вазифаси бўйича фойдаланиш мумкин бўлсин.

1. Товарнинг фойдаланишга яроқлилигини аниқлаш билан товарнинг яроқлилик муддати масаласи узвий боғлиқ. Товарнинг яроқлилик муддати товардан унинг вазифаси бўйича нормал фойдаланиш учун товар сифатининг муваққат мезони ҳисобланади. Бунда кафолат муддати тушунчаси, қоида тариқасида, истеъмол қилинмайдиган ашёларга мансуб бўлган товар билан,

яроқлилик муддати эса — истеъмол қилинадиган ашёларга мансуб бўлган товар билан боғланади. Мақсад ва вазифаси умумий бўлган яроқлилик муддати ва кафолат муддати белгиланиш тартиби, юзага келиш асослари ва вақт бўйича ўтиш оқибатларига кўра бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилади.

2. Яроқлилик муддати норматив ҳужжатлар билан белгиланади ва шу боис у ишлаб чиқарувчи томонидан ҳам, олди-сотди шартномасининг тарафлари томонидан ҳам ўзгартирилиши мумкин эмас. Норматив ҳужжатларда яроқлилик муддати товарда кўрсатилиши шарт бўлган ҳолатлар назарда тутилади. «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддасида «яроқлилик муддати» тушунчасига шундай таъриф берилган: «яроқлилик (сақлаш) муддати — муайян давр бўлиб, бу даврда товар фойдаланишга яроқли бўлади ва у тамом бўлгач, товар одамлар ҳаёти ҳамда соғлиғи учун хавф туғдириши мумкин». Муайян давр ҳам ишлаб чиқариш санаси ва яроқлилик муддатини кўрсатиш, ҳам яроқлиликнинг охириги муддатини кўрсатиш йўли билан белгиланиши мумкин. Яроқлилик муддати тугагани товарни реализация қилиш имкониятидан маҳрум этади, чунки товар ундан ўз вазифаси бўйича фойдаланиш учун топширилган пайтда унинг яроқлилиги товарни топширишнинг умумий шартларидан бири ҳисобланади.

406-модда. Товарнинг яроқлилик муддатини ҳисоблаш

Товарнинг яроқлилик муддати товар тайёрланган кундан бошлаб фойдаланиш учун яроқли бўлган давр билан ёки товар фойдаланиш учун яроқли бўлиб турадиган сана билан белгиланади.

Шарҳланаётган моддада товарнинг яроқлилик муддатини ҳисоблаш товарнинг яроқлилик муддатини аниқлашнинг энг муҳим ва ажралмас элементи сифатида қаралади. У товарнинг яроқлилик муддатини ҳисоблашни бошлаш санасини аниқ белгилаш, шунингдек бу муддат амал қиладиган ва тегишли равишда қўлланилиши ёки ишлатилиши мумкин бўлган даврни аниқлаш учун имконият ярагади. Шу туфайли ҳам муайян товарни сотиб олаётганда у ишлаб чиқарилган санага ва унинг яроқлилик муддатига эътиборни қаратиш муҳимдир. Бунда товарни топшираётганда сотувчи, топшириш пайтида товарнинг яроқлилигини таъминлашдан ташқари, товарни сотиб олувчига шундай мўлжал билан

топшириши керакки, товар топширилган пайдан бошлаб оқилона муддат ичида товардан яроқлилик муддати тугагунга қадар ўз вазифаси бўйича фойдаланиш мумкин бўлсин (ФК 405-моддасининг иккинчи қисми).

407-модда. Товарнинг сифатини текшириш

Агар қонун ҳужжатларида ёки олди-сотди шартномасида товарнинг сифатини текшириш назарда тутилган бўлса, текшириш уларда белгиланган талабларга мувофиқ амалга оширилиши лозим.

Давлат стандартларида, стандартлаштириш бўйича бошқа норматив ҳужжатларда товарнинг сифатини текширишга нисбатан мажбурий талаблар белгиланган ҳолларда сифат улардаги кўрсатмаларга мувофиқ равишда текширилиши лозим.

Агар ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида белгиланган тартибда товарнинг сифатини текшириш шартлари назарда тутилган бўлмаса, товарнинг сифати иш муомаласи одатларига ёки олди-сотди шартномаси бўйича топширилиши лозим бўлган товарни текширишнинг одатда қўлланиладиган бошқа шартларига мувофиқ текширилиши лозим.

Агар қонун ҳужжатларида, шу жумладан давлат стандартларида ёки олди-сотди шартномасида сотувчининг сотиб олувчига топшириладиган товар сифатини текшириш (синаш, айнан таҳлил қилиш, кўздан кечириш ва ҳоказо) мажбурияти назарда тутилган бўлса, сотиб олувчининг талаби билан сотувчи унга товар сифати текширилганлигининг исботини тақдим қилиши лозим.

Сотувчи ва сотиб олувчи томонидан товарнинг сифатини текшириш айнан бир хил шартларда амалга оширилиши лозим.

1. Товарнинг сифатини текшириш қонун ҳужжатларининг айрим турдаги олди-сотди шартномаларига нисбатан талабларида, шунингдек товарнинг сифатини текшириш назарда тутилган ҳар қандай турдаги олди-сотди шартномасининг шартларига мувофиқ кўзда тутилиши мумкин.

2. ФКда мустаҳкамланган қоидага биноан товарнинг сифатини текшириш қонун ҳужжатларида ёки шартномада белгиланган талабларга мувофиқ амалга оширилиши лозим. Бу сотилаётган товарнинг сифатини текшириш зарурлиги тўғрисидаги шарт назарда тутилган шартномада ёки қонун ҳужжатларида

бундай текширувларни ўтказиш усулларини ҳам аке эттириш заруриятини белгилайди.

3. Сотилаётган айрим турдаги товарларнинг сифатига доир мажбурий стандартлар ифодаланган норматив ҳужжатларда товарнинг сифатини текшириш юзасидан кўрсатмалар ҳам белгилаб қўйилади. Айни пайтда, шартномада ёки қонун ҳужжатларида текширишни ўтказиш тўғрисидаги шарт белгиланган бўлса-да, лекин текшириш усулларининг йўқлиги шартноманинг ҳақиқийлигига таъсир этмайди. Бундай ҳолларда ФК нормасига мувофиқ товарнинг сифатини текшириш иш муомаласи одатларига ёки олди-сотди шартномаси бўйича топширилиши лозим бўлган товарни текширишнинг одатда қўлланиладиган бошқа шартларига мувофиқ амалга оширилиши лозим.

4. Товарнинг сифатини текшириш, қоида тариқасида, сотиб олувчининг мажбурияти ҳисобланади. Айни пайтда, шартномада ёки стандартлаштириш бўйича қонун ҳужжатларида бундай мажбурият сотувчига юкланиши ҳам мумкин. Бу ҳолда сотувчи сотиб олувчининг талаби билан унга товар сифати текширилганлигининг исботини тақдим қилиши лозим, товарнинг сифатини текширишни амалга оширмаган тақдирда сотувчи олди-сотди шартномасини бажариш мажбуриятини бузган деб ҳисобланади.

5. Товар сифатини текширишнинг аниқ усуллари ФКда кўрсатилмаган. Товарларнинг сифатини текшириш уларни сертификатлаштириш жараёнида ўтказилади. Реализация қилиниши лозим бўлган товарнинг сифати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 318-сон Қарори билан тасдиқланган «Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисида»ги Низомга ва Ўзстандарт бош директорининг 2005 йил 25 февралдаги 59-сон буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 18 мартда 1458-сон билан рўйхатга олинган «Маҳсулотларни сертификатлаш қоидалари»га мувофиқ белгиланади. Хусусан, номи юқорида зикр этилган Низомга биноан, сертификатлаштириш органлари тадбиркорлик субъектларининг ёзма аризасига мувофиқ давлат санитария назорати органларида, давлат ветеринария назорати ва ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати органларида, шунингдек табиатни муҳофаза қилиш давлат органларида сертификатлаштиришни ўтказиш ва барча зарур ҳулосаларни олиш юзасидан агентлик хизматлари кўрсатишга ҳақлидир.

6. Юқорида зикр этилган «Маҳсулотларни сертификатлаш қоидалари»га мувофиқ, сертификатлаштиришни ташкил этиш ва ўтказиш белгиланган тартибда аккредитация қилинган бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаш органлари томонидан амалга оширилади. Сертификатлаштириш жараёнида сертификатлаштирилаётган маҳсулотларга доир норматив ҳужжатларда белгиланган талабларга маҳсулотнинг мувофиқлигини тасдиқлаш амалга оширилади. Норматив ҳужжатларда сертификациявий синовлар тўғрисида бўлим мавжуд бўлмаган ёки давлатларaro стандарт қўлланилган ҳолда, бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаш органлари норматив ҳужжатларда ёки халқaro стандартда белгиланган кўрсаткичлар мажмуидан энг аввало хавфсизлик бўйича талабларни тавсифловчи кўрсаткичларни танлаб оладилар.

408-модда. Тегишли даражада сифатли бўлмаган товарни топшириш оқибатлари

Агар товарнинг камчиликлари сотувчи томонидан маълум қилинмаган бўлса, тегишли даражада сифатли бўлмаган товар топширилган сотиб олувчи ушбу Кодекснинг 434-моддасида назарда тутилган ҳуқуқларга эга бўлади.

Товарнинг бутлилигига кирадиган қисми тегишли даражада сифатли бўлмаса, сотиб олувчи мазкур товарга нисбатан ушбу Кодекснинг 434-моддасида назарда тутилган ҳуқуқларни амалга оширишга ҳақли.

Тегишли даражада сифатли бўлмаган товарни сотган шахс уни тайёрлаган бўлмаса, товарни алмаштириш ёки унинг камчиликларини текинга бартараф этиш ҳақидаги талаблар сотувчига ёки товарни тайёрловчига қўйилиши мумкин.

Ушбу моддада назарда тутилган қоидалар, агар мазкур Кодекс ёки бошқа қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, қўлланилади.

1. Шарҳланаётган модданинг мазмунига мувофиқ, сотувчи сотиб олувчига тегишли даражада сифатли товарни топшириши ёки товарда мавжуд камчиликлар ҳақида сотиб олувчини хабардор қилиши шарт. Ушбу мажбурият бажарилмаган тақдирда, сотиб олувчи ўз хоҳишига кўра ё шартномани бажаришдан бош тортиш ва товар учун тўланган

пул суммасини қайтаришни талаб қилиш ё бундай товарни қабул қилиш ва сотувчи шартноманинг сотилаётган товарнинг сифати тўғрисидаги шартларини бузиши натижасида кўрилган зарарни қоплаш бўйича муайян чоралар кўриш ҳуқуқига эга. Хусусан, сотиб олувчи:

а) сотувчи сотилаётган товарнинг сифати тўғрисидаги шартларни бузганини ҳисобга олиб харид нарҳини мутаносиб равишда камайтиришни;

б) сотувчи товарнинг аниқланган камчиликларини оқилона муддатда текинга бартараф этишини талаб қилиш;

в) бу камчиликларни мустақил равишда бартараф этиш ва бунинг учун қилинган харажатлар қопланишини сотувчидан талаб қилиш;

г) сифати тегишли даражада бўлган товарни қабул қилиб олиш, тегишли даражада сифатли бўлмаган товарни шартнома шартларига мос келувчи товарга алмаштиришни талаб қилиш, товарнинг бутун туркумида камчиликлар мавжуд бўлган ҳолда эса тегишли даражада сифатли бўлмаган товарни сифати тегишли даражада бўлган товарга тўлиқ алмаштиришни талаб қилиш ҳуқуқига эга (ФК 408-моддасининг иккинчи қисми, 434-модданинг биринчи қисми).

2. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисмига мувофиқ, тегишли даражада сифатли бўлмаган товарни сотган шахс уни тайёрлаган бўлмаса, товарни алмаштириш ёки унинг камчиликларини текинга бартараф этиш ҳақидаги талаблар сотувчига ёки товарни тайёрловчига қўйилиши мумкин. Амалдаги қонун ҳужжатларида ёки шартномада товар ўз вазифаси бўйича фойдаланиш учун яроқсиз ҳолга келиб қолади деб ҳисобланадиган вақт белгиланиши мумкин.

409-модда. Товарнинг сотувчи жавобгар бўладиган камчиликлари

Агар сотиб олувчи товардаги камчиликлар товар сотиб олувчига топширилгунга қадар пайдо бўлганлигини ёки шу пайтгача вужудга келган сабаблар туфайли пайдо бўлганлигини исбот қилиб берса, сотувчи товарнинг камчиликлари учун жавобгар бўлади.

Агар сотувчи сифатига ўзи кафолат берган товардаги камчиликлар уни сотиб олувчига топширгандан сўнг сотиб олувчи товардан фойдаланиш ёки уни сақлаш қоидаларини бузганлиги ёки учинчи

шахслар ҳаракати туфайли ёки олдини олиб бўлмайдиган куч таъсирида пайдо бўлганини исботлай олмаса, сотувчи бу товарнинг камчиликлари учун жавобгар бўлади.

1. ФКнинг 408-моддасида кўрсатилган тегишли даражада сифатли бўлмаган товарни топшириш оқибаatlари сотувчи сотиб олувчига товарни топшираётган пайтда камчиликлар аниқланганида қўлланилиши мумкин. Сотиб олувчи камчиликларни тегишли даражада сифатли бўлмаган товар топширилганидан кейин аниқлаган тақдирда, сотувчининг жавобгарлиги, биринчидан, камчиликларни аниқлаш муддатига боғлиқ бўлади, чунки ФК 409-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ сотувчининг жавобгарлиги товарнинг нормал ярқилик муддати билан чекланади, иккинчидан, сотиб олувчи товардаги камчиликлар товар сотиб олувчига топширилгунга қадар пайдо бўлганлигини ёки шу пайтгача вужудга келган сабаблар туфайли пайдо бўлганлигини исбот қилиб бериши талаб этилади.

2. Камчиликларни аниқлаш муддати ва сотилган товарнинг камчиликлари тўғрисида талаблар қўйиш тартиби ўз навбатида кафолат муддати ёки ярқилик муддати мавжудлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Агар сотувчи сифатига ўзи кафолат берган товардаги камчиликлар уни сотиб олувчига топширгандан сўнг сотиб олувчи товардан фойдаланиш ёки уни сақлаш қоидаларини бузганлиги ёки учинчи шахслар ҳаракати туфайли ёки олдини олиб бўлмайдиган куч таъсирида пайдо бўлганини исботлай олмаса, сотувчи бу товарнинг камчиликлари учун жавобгар бўлади.

410-модда. Топширилган товарнинг камчиликларини аниқлаш муддатлари

Агар қонунда ёки олди-сотди шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, товарнинг камчиликлари ушбу моддада белгиланган муддатларда аниқланган тақдирда, сотиб олувчи товарнинг камчиликлари билан боғлиқ талабларни қўйишга ҳақли.

Товарнинг кафолат муддати ёки ярқилик муддати белгиланмаган ҳолларда, камчиликлар билан боғлиқ талаблар сотиб олувчи томонидан, агар қонунда ёки олди-сотди шартномасида бошқа муддатлар белгиланган бўлмаса, камчиликлар оқилона муддатда, бироқ товар сотиб олувчига топширилган кундан бошлаб икки йил давомида аниқлангандагина

қўйилиши мумкин. Ташиб берилиши ёки алоқа ташкилоти орқали жўнатилиши лозим бўлган товарнинг камчиликларини аниқлаш муддати товар белгиланган жойда олинган кундан бошлаб ҳисобланади.

Агар товарга кафолат муддати белгиланган бўлса, товарнинг камчиликлари кафолат муддатида аниқланганида сотиб олувчи товарнинг камчиликлари билан боғлиқ талабларни қўйишга ҳақли.

Агар олди-сотди шартномасида бутловчи буюмга асосий буюмга нисбатан камроқ кафолат муддати белгиланган бўлса, сотиб олувчи асосий буюмнинг кафолат муддатида бутловчи буюмнинг камчиликларини аниқласа, бу камчиликлар тўғрисида талаб қўйишга ҳақли.

Агар олди-сотди шартномасида бутловчи буюмга асосий буюмнинг кафолат муддатига нисбатан узоқроқ кафолат муддати белгиланган бўлса, бутловчи буюмда кафолат муддатида камчиликлар аниқланган тақдирда, асосий буюмнинг кафолат муддати ўтган-ўтмаганлигидан қатъи назар, сотиб олувчи товарнинг камчиликлари тўғрисида талаб қўйишга ҳақли.

Яроқлилик муддати белгиланган товарга нисбатан, агар камчиликлар товарнинг яроқлилик муддатида аниқланган бўлса, сотиб олувчи унинг камчиликлари тўғрисида талаблар қўйиши мумкин.

Товарнинг камчиликлари сотиб олувчи томонидан кафолат муддати ёки яроқлилик муддати тугаганидан сўнг аниқланган ҳолларда, сотиб олувчи товардаги камчиликлар товар сотиб олувчига топширилгунга қадар пайдо бўлганлигини ёки бу пайтгача вужудга келган сабаблар туфайли пайдо бўлганлигини исбот қилиб берса, сотувчи камчиликлар учун жавобгар бўлади.

1. ФҚда товарнинг камчиликларини аниқлаш муддатлари ҳам белгиланган. Хусусан, шарҳланаётган моддага мувофиқ, товарнинг камчиликлари белгиланган муддатларда аниқланган тақдирда, сотиб олувчи товарнинг камчиликлари билан боғлиқ талабларни қўйишга ҳақли. Бундай муддатлар товарнинг кафолат муддати ёки яроқлилик муддати билан боғлиқ.

2. Товарнинг кафолат муддати ёки яроқлилик муддати белгиланмаган ҳолларда, камчиликлар билан боғлиқ талаблар сотиб олувчи томонидан сотилган товарнинг камчиликлари оқилона муддатда аниқлангандагина қўйилиши мумкин. Бунда шуни эътиборга олиш лозимки, оқилона муддат товар сотиб олувчига топширилган кундан бошлаб икки йилдан ошиши мумкин эмас. Айни пайтда, бу қоида императив эмас ва у қонунда ёки

шартномада бошқа муддатлар белгиланмаган ҳолда қўлланади. Ташиб берилиши ёки алоқа ташкilotи орқали жўнатилиши лозим бўлган товарнинг камчиликларини аниқлаш муддати товар белгиланган жойда олинган кундан бошлаб ҳисобланади. Бунда товарни сотиб олувчининг ўзи шахсан олгани ёки у сотиб олувчининг ҳудудига етказиб берилгани аҳамиятга эга эмас.

3. Товарга кафолат муддати белгиланган бўлса, товарнинг камчиликлари кафолат муддатида аниқланганидагина сотиб олувчи товарнинг камчиликлари билан боғлиқ талабларни қўйишга ҳақли. Бу қоида кафолат муддати товар фойдаланишга яроқли бўлган оқилона муддат билан мувофиқ келиши билан белгиланади.

4. Агар шартномада бутловчи буюмга асосий буюмга нисбатан бошқача кафолат муддати белгиланган бўлса, бу муддат асосий буюмнинг кафолат муддатидан камроқ (ФК 410-моддасининг тўртинчи қисми) ёки узоқроқ (ФК 410-моддасининг бешинчи қисми) эканлигига қараб, буюмнинг камчиликлари тўғрисида талаб қўйиш ўзига хос жиҳатларга эга бўлади. Агар асосий буюмнинг таркибига кирувчи бутловчи буюмга камроқ кафолат муддати белгиланган бўлса, сотиб олувчи унинг камчиликлари тўғрисида асосий буюм кафолат муддати доирасида талаб қўйишга ҳақли.

5. Агарда шартнома бўйича бутловчи буюм кафолат муддати асосий буюм кафолат муддатидан узоқроқ белгиланган бўлса, асосий буюм кафолат муддатини ўтиши бутловчи буюм камчиликлари тўғрисида талаб қўйишга тўсқинлик қилмайди.

6. Яроқлилик муддати белгиланган товарга нисбатан сотиб олувчи фақат камчиликлар товарнинг яроқлилик муддатида аниқланганидагина унинг камчиликлари тўғрисида талаблар қўйишга ҳақли ва бу яроқлилик муддати тугаганидан сўнг товар яроқсиз ҳолга келиши билан изоҳланади.

7. Камчиликлари сотиб олувчи томонидан кафолат муддати ёки яроқлилик муддати тугаганидан сўнг аниқланган товарга нисбатан сотувчи фақат сотиб олувчи товардаги камчиликлар товар сотиб олувчига топширилгунга қадар пайдо бўлганлигини ёки бу пайтгача вужудга келган сабаблар туфайли пайдо бўлганлигини исбот қилиб берганидагина жавобгар бўлади. Сотиб олувчи белгиланган тартибда ва юқорида зикр этилган ҳолларда товарнинг камчиликлари тўғрисида талаблар қўйиши сотувчи товарни топшираётган пайтда камчиликлар аниқланган ҳолдаги (ФКнинг 408-моддаси) билан айна бир оқибатларга сабаб бўлади.

411-модда. Товарнинг бутлиги

Сотувчи сотиб олувчига олди-сотди шартномасининг бутлик тўғрисидаги шартларига мувофиқ бўлган товарни топшириши шарт.

Олди-сотди шартномасида товарнинг бутлиги белгиланмаган ҳолларда сотувчи сотиб олувчига бутлиги иш муомаласи одатлари ёки одатда қўйиладиган бошқа талаблар билан белгиланадиган товарни бериши шарт.

1. Олди-сотди шартномасининг талаблари шартноманинг тегишли шартлари — товарнинг бутлиги ва бут товар тўғрисидаги шартларга мувофиқ бўлган товарни сотиб олувчига топшириш мажбуриятини юклайди. Товарнинг бутлиги тушунчаси бут товар тушунчасидан фарқ қилади. Биринчи ҳолда товарнинг бутлиги ундан бевосита мақсадига мувофиқ фойдаланиш имкониятини таъминловчи қисмлар йиғиндиси сифатида тавсифланса, иккинчи ҳолда бут товар анча эркин ҳамда сотиб олувчининг бир-бири билан боғлиқ товарларни ягона гуруҳга бирлаштириш тўғрисидаги талаби билан белгиланган тўплам ҳисобланади. Шундай қилиб, товарнинг бутлиги таркибий қисмларнинг фаолият мақсадининг ягоналиги билан тавсифланувчи зарурий йиғиндисини ўзида ифодалайди.

2. Товарнинг бутлиги тўғрисидаги шарт аксарият ҳолларда норматив-техник ҳужжатлар, хусусан, тармоққа оид давлат стандартлари, товарни ишлаб чиқарувчининг техник ҳужжатлари ва ҳоказолар билан белгиланади. Товарнинг бутлиги тўғрисидаги шарт олди-сотди шартномасида стандартлаштириш бўйича муайян норматив ҳужжатга ҳавола қилиш йўли билан белгиланиши мумкин. Олди-сотди шартномасида товарнинг бутлиги белгиланмаган ҳолларда сотувчи сотиб олувчига бутлиги иш муомаласи одатлари ёки одатда қўйиладиган бошқа талаблар билан белгиланадиган товарни бериши шарт. Бинобарин, товарнинг бутлиги таркибий қисмларнинг бу қисмлар фаолият мақсади билан тавсифланувчи зарурий йиғиндисини (барча зарурий бўғинлар, блоклар, қисмлар ва шу кабиларнинг мавжудлигини) ўзида ифодалайди. Мансуб ашёдан (масалан, автомобилнинг захира ғилдираги) фарқли ўларок, товарнинг бутлигини белгиловчи қисмлар товардан вазифасига кўра бевосита фойдаланиш учун зарур (масалан, автомобилдан двигателсиз вазифасига кўра фойдаланиш мумкин эмас).

412-модда. Бут товарлар

Агар олди-сотди шартномасида сотувчининг сотиб олувчига муайян товарлар тўпламини бут ҳолида (бут товарлар) бериш мажбурияти белгиланган бўлса, бут ҳолдаги барча товарлар берилган пайтдан бошлаб мажбурият бажарилган ҳисобланади.

Агар олди-сотди шартномасида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса ва у мажбуриятнинг моҳиятидан келиб чиқмаса, сотувчи бут ҳолдаги барча товарларни сотиб олувчига бир вақтда топшириши лозим.

1. Шарҳланаётган моддада олди-сотди шартномасининг товар бут ҳолда мавжудлиги тўғрисидаги шарти белгиланган (масалан, дўконда сотиб олинадиган маҳсулотлар тўплами, иш столини ўриндик билан бир тўпланда сотиб олиш). ФКнинг 411-моддасига шарҳда айтиб ўтилганидек, бут товар тушунчаси товарнинг бутлиги тушунчасидан ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Бут товар тўғрисидаги шартлар асосан сотиб олувчининг талабига биноан тарафларнинг келишуви билан белгиланади. Агар олди-сотди шартномасида сотувчининг сотиб олувчига муайян товарлар тўпламини бут ҳолида (бут товарлар) бериш мажбурияти белгиланган бўлса, бут ҳолдаги барча товарлар берилган пайтдан бошлаб мажбурият бажарилган ҳисобланади. Масалан, агар товарнинг асосий қисмлари топширилиб, кичик бир қисми топширилмаса, мажбурият бажарилмаган ҳисобланади ва тегишли оқибатлар вужудга келади.

2. Айни пайтда, шуни таъкидлаш лозимки, бут ҳолдаги товарлар таркиби норматив ҳужжатлар, норматив-техник ҳужжатлар, иш муомаласи одатлари билан белгиланмайди ва белгиланиши мумкин ҳам эмас. Умумий қоида бўйича сотувчи сотиб олувчига асосий товарни ҳам, бутловчи буюмларни ҳам бир вақтнинг ўзида топшириши шарт.

413-модда. Бут бўлмаган товарни топшириш оқибатлари

Бут бўлмаган товар топширилган тақдирда, сотиб олувчи ўз ихтиёрига кўра сотувчидан:

харид нархини мутаносиб равишда камайтиришни;

товарни оқилона муддатда бутлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Агар сотувчи оқилона муддатда сотиб олувчининг товарни бутлаш тўғрисидаги талабини бажармаса, сотиб олувчи ўз ихтиёрига кўра: бутланмаган товарни бут товарга алмаштиришни талаб қилишга; олди-сотди шартномасини бажаришдан бош тортишга ва товар учун тўланган пул суммасини қайтариб беришни, шунингдек етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Агар олди-сотди шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ва у мажбуриятнинг моҳиятидан келиб чиқмаса, ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган оқибатлар сотувчининг сотиб олувчига бут товарларни топшириш мажбурияти бузилган ҳолларда ҳам қўлланилади.

1. Юқорида (ФКнинг 411-моддасига шарҳда) айтиб ўтилганидек, товарнинг бутлиги тўғрисидаги шарт шартномада белгилаб қўйилади. Айти пайтда, шартномада товарнинг бутлиги тўғрисидаги шартларнинг йўқлиги шартноманинг ҳақиқийлигига таъсир этмайди.

2. Шартнома шартларини бузиш оқибатлари товарнинг сифати ёки ассортименти тўғрисидаги шартларни бузиш оқибатларига ўхшаш. Шартноманинг товарнинг бутлиги тўғрисидаги шартлари бузилган тақдирда, сотиб олувчи ўз ихтиёрига кўра сотувчидан товарнинг бутланмаган қисми қийматини ҳисобга олган ҳолда харид нархини мутаносиб равишда камайтиришни; товарни оқилона муддатда бутлашни талаб қилишга ҳақли.

3. Бутланмаган товарни бут товарга алмаштиришни талаб қилиш ёки шартномани бажаришдан бош тортиш, агар харид нархи тўланган бўлса, тўланган пул суммасини қайтариб беришни, шунингдек шартноманинг товарнинг бутлиги тўғрисидаги шартлари бузилиши натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Сотиб олувчи мажбуриятни бажариш муддати кечиктириб юборилиши натижасида етказилган зарарни ундириб олишга ёки юзага келган муддатни кечиктириб юборганлик учун неустойка (агар у шартномада назарда тутилган бўлса) ундиришга ҳам ҳақлидир.

4. Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ёки у мажбуриятнинг моҳиятидан келиб чиқмаса, бут ҳолдаги товар тўғрисидаги шартларнинг бузилиши товарнинг бутлиги тўғрисидаги шартларнинг бузилиши билан айти бир оқибатларга сабаб бўлади (ФК 413-моддасининг учинчи қисми).

414-модда. Идиш ва ўраш

Агар олди-сотди шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ва у мажбуриятнинг моҳиятидан келиб чиқмаса, сотувчи сотиб олувчига товарни идишда ёки ўралган ҳолда топшириши шарт, ўз хусусиятига кўра идишга жойлаш ва (ёки) ўрашни талаб қилмайдиган товар бундан мустасно.

Агар олди-сотди шартномасида идиш ва ўраш ҳақида талаблар белгиланган бўлмаса, товар бундай товар учун одатдаги усулда, у бўлмаганда — сақлаш ва транспортда ташишнинг оддий шароитларида бундай турдаги товарнинг сақланишини таъминлайдиган усулда идишга жойлаштирилиши ва (ёки) ўралиши лозим.

Агар қонунда белгиланган тартибда идиш ва (ёки) ўрашга нисбатан мажбурий талаблар назарда тутилган бўлса, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган сотувчи сотиб олувчига товарни ушбу мажбурий талабларга мос келадиган идишда ва (ёки) ўралган ҳолда топшириши шарт.

1. Сотувчининг товарни сотиб олувчига идишда (ва) ёки ўралган ҳолда топшириш мажбурияти олди-сотди шартномасининг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Идиш ва ўраш тўғрисидаги шартлар товарнинг сифати билан бевосита боғлиқ. Ўз хусусиятига кўра идишга жойлаш ва (ёки) ўрашни талаб қилмайдиган товаргина шартнома бўйича тарафларнинг келишувига мувофиқ ва мажбуриятнинг моҳиятига кўра идишга жойланмаган ёки ўралмаган ҳолда топширилиши мумкин.

2. Шартномада идиш ва ўраш ҳақида талаблар белгиланган бўлмаса, товар бундай товар учун одатдаги усулда, у бўлмаганда — сақлаш ва транспортда ташишнинг оддий шароитларида бундай турдаги товарнинг сақланишини таъминлайдиган усулда идишга жойлаштирилиши ва (ёки) ўралиши лозим.

3. Агар қонунда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида айрим турдаги товарларни сотиш учун идиш ва ўрашга нисбатан мажбурий талаблар назарда тутилган бўлса, тарафлар товарни идишсиз ёки ўралмаган ҳолда топшириш тўғрисида келишувга эришишларига йўл қўйилмайди. Бу ҳолда сотувчи-тадбиркор товарни идиш ва (ёки) ўрашга нисбатан мажбурий талабларга мувофиқ топшириши шарт.

415-модда. Товарни идишсиз ва (ёки) ўрамаган ҳолда ёхуд тегишли идишга жойламаган ва (ёки) тегишли даражада ўрамаган ҳолда топшириш оқибатлари

Идишга жойланиши ва (ёки) ўралиши лозим бўлган товар сотиб олувчига идишсиз ва (ёки) ўрамаган ҳолда ёхуд тегишли идишга жойламаган ва (ёки) тегишли даражада ўрамаган ҳолда топширилган тақдирда, агар олди-сотди шартномасидан, мажбурият моҳияти ёки товарнинг хусусиятидан бошқа ҳол келиб чиқмаса, сотиб олувчи сотувчидан товарни идишга жойлаштириш ва (ёки) ўрашни ёхуд тегишли бўлмаган идиш ва (ёки) ўрашни алмаштиришни талаб қилишга ҳақли. Сотувчига юқоридаги талабларни қўйиш ўрнига, сотиб олувчи унга сифати тегишли даражада бўлмаган товарни топширишдан келиб чиқадиган, ушбу Кодекснинг 434-моддасида назарда тутилган талабларни қўйишга ҳақли.

1. Товарни идишсиз ва (ёки) ўрамаган ҳолда ёхуд тегишли идишга жойламаган ва (ёки) тегишли даражада ўрамаган ҳолда топширилганида муайян ҳуқуқий оқибатлар юз беради. Бундай ҳолларда сотиб олувчи сотувчидан товарни идишга жойлаштириш ва (ёки) ўрашни ёхуд тегишли бўлмаган идиш ва (ёки) ўрашни алмаштиришни талаб қилишга ёки ФКнинг 434-моддасида назарда тутилган талабларни қўйишга, чунончи: идишга жойланмаган ва (ёки) ўралмаган товарни идишга жойланган ва (ёки) ўралган товарга алмаштиришни талаб қилишга; товарни мустақил равишда идишга жойлаш ёки ўраш ва бу билан боғлиқ харажатларни қоплашни талаб қилишга; шартномани бажаришдан бош тортиш ва тўланган пул суммасини қайтаришни талаб қилишга; агар сотиб олувчи бундай товарни қабул қилишга рози бўлса, харид нарҳини мутаносиб равишда камайтиришни талаб қилишга; кўрилган зарар ўрнини қоплаган ҳолда шартномани бекор қилишга ҳақли.

416-модда. Олди-сотди шартномаси тегишли даражада бажарилмагани ҳақида сотувчини хабардор қилиш

Сотиб олувчи олди-сотди шартномасининг товарлар миқдори, ассортименти, сифати, бутлиги, идиши ва (ёки) ўралиши тўғрисидаги

шартлари бузилганлиги ҳақида қонун ҳужжатларида ёки шартномада кўзда тутилган муддатда, агар бундай муддат белгиланган бўлмаса, шартноманинг тегишли шarti бузилганлиги товарлар хусусияти ва вазифасидан келиб чиққан ҳолда аниқланиши лозим бўлганидан сўнг оқилона муддатда сотувчига маълум қилиши шарт.

Сотиб олувчи ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган мажбуриятни бажармаган тақдирда, сотувчи бу ҳол сотиб олувчининг талабларини қаноатлантириб бўлмайдиган қилиб қўйганини ёки сотувчи олди-сотди шартномаси шартлари бузилгани ҳақида ўз вақтида хабардор қилинганда сарфлаши мумкин бўлган маблағларга нисбатан номутаносиб харажатларга олиб келишини исботласа, у сотиб олувчининг тегишли талабларини қондиришдан тўлиқ ёки қисман бош тортишга ҳақли.

Агар сотувчи сотиб олувчига топширилган товарлар олди-сотди шартномаси шартларига жавоб бермаслигини билган ёки билиши лозим бўлган бўлса, у сотиб олувчи ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган мажбуриятни бажармаганлигини важ қилиб кўрсатишга ҳақли эмас.

1. Олди-сотди шартномасининг товарлар миқдори, ассортименти, сифати, бутлиги, идиши ва (ёки) ўралиши тўғрисидаги шартлари сотувчининг товарни сотиб олувчига топшириш мажбурияти билан бевосита боғлиқ бўлган шартлар ҳисобланади. Сотувчи бу мажбуриятни бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги сотиб олувчи шартнома лозим даражада бажарилмаганлиги ҳақида сотувчига маълум қилиш тартибига риоя этганида сотувчининг жавобгарлигига сабаб бўлади. Сотиб олувчи юқорида зикр этилган шартлар бузилганлиги ҳақида қонун ҳужжатларида ёки шартномада кўзда тутилган муддатда сотувчига маълум қилиши шарт. Агар бундай муддат қонун ҳужжатларида ёки шартномада белгиланган бўлмаса, сотиб олувчи шартноманинг шартлари бузилганлиги ҳақида шартноманинг тегишли шarti бузилганлиги товарлар хусусияти ва вазифасидан келиб чиққан ҳолда аниқланиши лозим бўлганидан сўнг оқилона муддатда сотувчига маълум қилиши шарт.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида белгиланган қоидага мувофиқ, сотиб олувчи 416-модданинг биринчи қисмида кўрсатилган мажбуриятни бажармаган тақдирда, сотувчи бу ҳол сотиб олувчининг

талабларини қаноатлантириб бўлмайдиган қилиб қўйганини, масалан, худди шундай туркумдаги товарларни сотилиб кетгани ёки сотувчи олди-сотди шартномаси шартлари бузилгани ҳақида ўз вақтида хабардор қилинганида сарфлаши мумкин бўлган маблағларга нисбатан номутаносиб харажатларга олиб келишини исботласа, у сотиб олувчининг тегишли талабларини қондиришдан тўлиқ ёки қисман бош тортишга ҳақли.

Сотиб олувчи шартнома шартлари бузилгани ҳақида белгиланган тартибда хабар қилиш мажбуриятини бузгани сотувчига сотиб олувчининг тегишли талабларини қондиришдан тўлиқ ёки қисман бош тортиш ҳуқуқини беради. Айни ҳолда сотувчи ўз вақтида хабардор қилмаслик сотиб олувчининг талабларини қаноатлантириб бўлмайдиган қилиб қўйганини исботлаши лозим.

3. Айни пайтда, шарҳланаётган модданинг учинчи қисмида мустаҳкамланган қоидага мувофиқ, агар сотувчи сотиб олувчига топширилган товарлар олди-сотди шартномаси шартларига жавоб бермаслигини билган ёки билиши лозим бўлган бўлса, у сотиб олувчи юқорида зикр этилган мажбуриятни бажармаганлигини ва ж қилиб кўрсатишга ҳақли эмас.

417-модда. Сотиб олувчининг товарни қабул қилиш мажбурияти

Сотиб олувчи ўзига сотувчи томонидан топширилган товарни қабул қилиб олиши шарт, у товарни алмаштириб беришни талаб қилиш ёки олди-сотди шартномасини бажаришни рад этишга ҳақли бўлган ҳоллар бундан мустасно.

Агар қонун ҳужжатларида ёки олди-сотди шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотиб олувчи одатда қўйиладиган талабларга мувофиқ тегишли товарни топшириш ва олишни таъминлаш учун ўзи томонидан зарур бўлган ҳаракатларни амалга ошириши лозим.

Сотиб олувчи қонун ҳужжатлари ёки олди-сотди шартномасини бузган ҳолда товарни қабул қилмаса ёки қабул қилишдан бош тортса, сотувчи шартномани бажаришдан бош тортиш ва зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

1. Олди-сотди шартномаси икки тарафлама битим ҳисобланади. Бинобарин, сотувчи сотиб олувчига товарни топширишга, сотиб олувчи

эса товарни қабул қилиш ва унинг ҳақини тўлашга мажбур. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмига мувофиқ, сотиб олувчи ўзига сотувчи томонидан топширилган товарни қабул қилиб олиши шарт, у товарни алмаштириб беришни талаб қилиш ёки олди-сотди шартномасини бажаришни рад этишга ҳақли бўлган ҳоллар бундан мустасно. Сотувчи ўзи бажариши лозим бўлган мажбуриятни бузгани, масалан, миқдор, сифат, ассортимент, идиш ва ўраш тўғрисидаги шартларни бузгани сотиб олувчига шартномани бажаришни рад этиш ёки шартнома шартларига мувофиқ бўлмаган товарни алмаштиришни талаб қилиш ҳуқуқини беради. Шартномани бажаришни рад этиш ҳуқуқи мажбуриятлар учун умумий ҳисобланмайди. Мажбуриятларни бажариш ҳақидаги умумий қоидага мувофиқ, мажбуриятни бажаришни бир тарафлама тартибда рад этишга йўл қўйилмайди, ушбу ҳуқуқ қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Айнан қонун ҳужжатларида муайян ҳолларда, маълум ҳолатлар юз берганида сотувчи ёки сотиб олувчига олди-сотди шартномасини бажаришни бир тарафлама тартибда рад этиш ҳуқуқи берилади.

2. Одатда сотиб олувчининг товарни қабул қилиш мажбурияти олди-сотди шартномасининг зарурий шarti ҳисобланади. Айни пайтда, сотиб олувчининг мазкур мажбурияти сўзсиз бажарилиши лозим бўлган мажбурият эмас. У ҳақдаги тасаввур мажбуриятларни бажаришнинг умумий принциpidан келиб чиқади. Бу принципга мувофиқ сотиб олувчи шартнома бўйича мажбуриятларнинг сотувчи томонидан амалга оширилган лозим даражадаги ижросини қабул қилиши шарт.

3. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмига мувофиқ, сотиб олувчига одатда қўйиладиган талабларга мувофиқ тегишли товарни топшириш ва олишни таъминлаш учун ўзи томонидан зарур бўлган ҳаракатларни амалга ошириш мажбурияти юкланади. Масалан, шартномада сотувчининг товарни етказиб бериш мажбурияти назарда тутилган бўлса, сотиб олувчи жўнатиш реквизитларини маълум қилиши, товар сотиб олувчига товар турган ерда берилиши лозим бўлса, сотувчи таклиф қилган товарни қабул қилиши ва олиб кетиши лозим.

4. Сотиб олувчи қонун ҳужжатлари ёки олди-сотди шартномасини бузган ҳолда товарни қабул қилмаса ёки қабул қилишдан бош тортса, сотувчи шартномани бажаришдан бош тортиш ва тегишли зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

418-модда. Товарнинг баҳоси

Сотиб олувчи товар ҳақини ушбу Кодекснинг 356-моддасига мувофиқ белгиланадиган баҳода тўлаши, шунингдек қонун ҳужжатлари, олди-сотди шартномаси ёки одатда қўйиладиган талабларга мувофиқ тўловни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳаракатларни ўз ҳисобидан бажариши лозим.

Товарнинг баҳоси унинг оғирлигига қараб белгиланадиган бўлса, агар олди-сотди шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, у соф оғирлиги бўйича аниқланади.

Агар олди-сотди шартномасида товарнинг баҳоси уни белгилайдиган кўрсаткичлар (таннарх, харажатлар ва ҳоказо)га қараб ўзгартирилиши лозимлиги назарда тутилган бўлса, аммо шу билан бирга, баҳони қайта кўриб чиқиш усули белгиланган бўлмаса, баҳо ушбу кўрсаткичларнинг шартнома тузилган пайтдаги ва товарни топшириш пайтидаги ўзаро нисбатидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Сотувчи товарни топшириш мажбуриятини бажаришни кечиктириб юборганида баҳо ушбу кўрсаткичларнинг шартнома тузилган пайтдаги ва шартномада назарда тутилган товар топшириладиган пайтдаги, агар шартномада товарни топшириш пайти назарда тутилган бўлмаса, ушбу Кодекснинг 242-моддасига мувофиқ аниқланган пайтдаги нисбатидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Агар қонун ҳужжатларида ёки олди-сотди шартномасида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса ва у мажбуриятнинг моҳиятидан келиб чиқмаса, ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган қоидалар қўлланади.

1. Сотиб олувчи тўловни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳаракатларни ўз ҳисобидан бажариши лозим. Масалан, пулни почта орқали жўнатиш, пул маблағларини ўтказиш харажатларини тўлаш ва ҳ.к. Харид баҳосини тўлаш мажбурияти олди-сотди шартномасининг ҳақ эвазига эканлиги хусусиятидан келиб чиқади ва сотувчига белгиланган миқдордаги пул суммасини топширишда ифодаланади. Товарнинг харид баҳоси, яъни сотиб олувчи сотувчига топшириши лозим бўлган пул суммасининг миқдори, қоида тариқасида, шартнома тарафлари томонидан белгиланади.

2. Шартномада сотиб олувчи сотувчига бериши лозим бўлган пул суммасининг миқдори бевосита белгиланиши, шунингдек товар баҳосини

белгилайдиган кўрсаткичлар, масалан, товар бирлиги ёки оғирлининг нархи айтиб кўйилиши, сотилаётган товарнинг уни топшириш пайтида муайян биржадаги нархини қўлланилиши тўғрисида келишилиши, товар баҳоси унинг чет эл валютасидаги эквивалентида белгиланиши мумкин.

Товарнинг баҳоси унинг оғирлигига қараб белгиланадиган бўлса, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, у товарнинг соф оғирлиги нетто бўйича аниқланиши мумкин ва бунда товарнинг идиш ёки ўрамдаги оғирлиги брутто ҳисобга олинмайди.

3. Товарнинг баҳоси тўғрисидаги келишув шартноманинг муҳим шarti бўлиб ҳисобланади. Айни пайтда, баҳо тўғрисидаги шартлар, умумий қоидага биноан, олди-сотди шартномаси ҳақ тўлашни талаб қилувчи хусусиятга эга бўлгани туфайли, муҳим ҳисобланмайди. Айни пайтда товарнинг баҳоси қонун ҳужжатларида тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳолларда ёки хусусий аломати билан белгиланадиган ашё сотилганида, масалан, товарни унинг ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан сотишда, корхонани сотишда ва айрим бошқа ҳолларда муҳим шарт бўлиши мумкин. Қолган барча ҳолларда, агар товарнинг баҳоси тўғрисидаги шарт шартномада назарда тутилган бўлмаса, товар учун ҳақ ўхшаш вазиятларда одатда шундай товарлар учун олинадиган баҳо бўйича тўланиши керак (ФК 356-моддасининг тўртинчи қисми).

419-модда. Товар ҳақини тўлаш

Агар қонун ҳужжатлари ёки олди-сотди шартномасининг шартларидан товар баҳосини муайян муддатда тўлаш мажбурияти келиб чиқмаса, сотиб олувчи уни сотувчи ўзига товарни ёки ушбу товарни тасарруф қилиш ҳужжатларини берганидан сўнг кечиктирмасдан тўлаши лозим.

Агар олди-сотди шартномасида товар ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш назарда тутилган бўлмаса, сотиб олувчи сотувчига топширилган товарнинг тўлиқ баҳоси миқдорида ҳақ тўлаши лозим.

Агар сотиб олувчи олди-сотди шартномасига мувофиқ топширилган товар ҳақини ўз вақтида тўламаса, сотувчи товар ҳақини ва ўзганинг пул маблағларидан фойдаланганлик учун фоизлар тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Агар сотиб олувчи олди-сотди шартномасини бузган ҳолда товарни қабул қилиш ва ҳақини тўлашдан бош тортса, сотувчи ўз ихтиёрига кўра товар ҳақини тўлашни талаб қилиш ёки шартномани бажаришдан бош тортиш ҳуқуқига эга.

Сотувчи олди-сотди шартномасига мувофиқ сотиб олувчига ҳақи тўланмаган товарлардан ташқари бошқа товарларни ҳам топшириши лозим бўлганида, агар қонун ҳужжатлари ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, у ушбу товарларни топширишни аввал топширилган барча товарлар ҳақи батамом тўлангунга қадар тўхтатиб қўйишга ҳақли.

1. Товарнинг харид қийматини қонунда ёки шартномада белгиланган муддатда тўлаш сотиб олувчининг алоҳида мажбурияти ҳисобланади. Бунда шартномада сотиб олувчи топширилган товар учун ҳисоб-китоб қилишни амалга оширишининг турли хил тартиби ва шакллари, чунончи: товар ҳақини қисман ёки тўлиқ олдиндан тўлаш, аккредитив билан ҳисоб-китоб қилиш, чек билан ҳисоб-китоб қилиш, товар ҳақини белгиланган муддатдан сўнг тўлаш (товарни кредитга сотиш), товар ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш ва ҳоказолар назарда тутилиши мумкин. Қонун ҳужжатларида айрим турдаги олди-сотди шартномалари учун товар ҳақини тўлашнинг муайян тартиби назарда тутилган бўлса, сотиб олувчи харид баҳосини шу назарда тутилган тартибда тўлаши шарт. Қонун ҳужжатларининг талабларидан ёки шартноманинг шартларидан сотиб олувчининг харид баҳосини муайян муддатда тўлаш мажбурияти келиб чиқмаса, сотиб олувчи уни сотувчи ўзига товарни ёки ушбу товарни тасарруф қилиш ҳужжатларини берганидан сўнг кечиктирмасдан тўлаши лозим (ФК 419-моддасининг биринчи қисми).

2. Агар шартномада товар ҳақини қисмларга бўлиб тўлаш назарда тутилган бўлмаса, товар ўзига топширилганда сотиб олувчи товарни тўлиқ баҳосини тўлаши шарт.

3. Сотиб олувчи ўзининг товар баҳосини тўлаш мажбуриятини бажармаганлиги сотувчида ундан товар ҳақини ва ўзганинг пул маблағларидан фойдаланганлик учун фоизлар тўлашни талаб қилиш ҳуқуқи вужудга келишига сабаб бўлади.

4. Бундан ташқари, сотиб олувчи товарни қабул қилишдан бош тортган ҳолда ҳам, товар ҳақини белгиланган тартибда тўламаганида ҳам сотувчи

сотиб олувчидан товар ҳақини тўлашни талаб қилиш ёки шартномани бажаришдан бош тортиш ҳуқуқига эга бўлади.

5. Сотиб олувчи топширилган товарнинг туркумини (бир қисмини) қабул қилиш ва унинг ҳақини тўлашдан бош тортганида, сотувчи шартномага мувофиқ сотиб олувчига ҳақи тўланмаган товарлардан ташқари бошқа товарларни ҳам топшириши лозим бўлганида, агар қонун ҳужжатлари ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотувчи умумий қоидага биноан ушбу товарларни топширишни аввал топширилган барча товарлар ҳақи батамом тўлангунга қадар тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга бўлади.

420-модда. Товар ҳақини олдиндан тўлаш

Олди-сотди шартномасида сотувчи товарни топширишидан олдин сотиб олувчи унинг ҳақини тўлиқ ёки қисман тўлаш (олдиндан ҳақ тўлаш) мажбурияти назарда тутилган ҳолларда, сотиб олувчи товар ҳақини шартномада назарда тутилган муддатда, агар шартномада бундай муддат назарда тутилган бўлмаса, ушбу Кодекснинг 242-моддасига мувофиқ белгиланган муддатда тўлаши лозим.

Сотиб олувчи олди-сотди шартномасида назарда тутилган товар ҳақини олдиндан тўлаш мажбуриятини бажармаган тақдирда ушбу Кодекснинг 256-моддасида назарда тутилган қоидалар қўлланади.

Олдиндан тўланган суммани олган сотувчи товарни топшириш бўйича мажбуриятни бажармаган тақдирда сотиб олувчи ҳақи тўланган товарни топширишни ёки сотувчи топширмаган товар учун олдиндан тўланган суммани қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли.

Агар сотувчи олдиндан ҳақи тўланган товарни топшириш мажбуриятини бажармаса ва олди-сотди шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, олдиндан тўланган сумма учун ушбу Кодекснинг 327-моддасига мувофиқ, товарни топшириши лозим бўлган кундан бошлаб товар сотиб олувчига топширилган ёки унга олдиндан тўлаган суммаси қайтариб берилган кунгача фоизлар тўланиши лозим. Шартномада сотувчининг олдиндан тўланган сумма учун фоизларни бу сумма сотиб олувчидан олинган кундан бошлаб тўлаш мажбурияти назарда тутилиши мумкин.

1. Сотувчи товарни топширишидан олдин унинг ҳақи тўлиқ ёки қисман тўланган ҳолларда олдиндан ҳақ тўлаш мавжуд бўлади. Олдиндан ҳақ тўлаш шартнома тузилган пайтдан ёки олдиндан ҳақ тўлашни амалга ошириш муддати ҳисобланадиган бошқа пайтдан, масалан, сотувчи товарни жўнатишга тайёрлиги ёки уни сотиб олувчи ихтиёрига топширишга тайёрлиги ҳақида хабар берган пайтдан эътиборан белгиланган муддатда амалга оширилиши лозим бўлган ҳақ тўлаш шаклига киради. Олдиндан ҳақ тўлашни амалга ошириш шартнома шартларида назарда тутилганида, олдиндан ҳақ тўлашни амалга ошириш муддатининг йўқлиги бундай шартноманинг ҳақиқийлигига таъсир этмайди, чунки бу ҳолда ФКнинг 242-моддасида назарда тутилган мажбуриятни бажариш муддати тўғрисидаги умумий қоидаларни қўллаш талаб этилади.

2. Сотиб олувчи шартноманинг товар ҳақини олдиндан тўлаш шартини бузиши, умумий қоидага мувофиқ, сотувчига шартномани бажаришдан бош тортиш ҳуқуқини беради, шу билан биргаликда, агар айрим турдаги олди-сотди битимларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотувчини олди-сотди шартномаси бўйича ўзига юкланган мажбуриятларнинг барчасини бажаришдан озод қилади. Бу ҳолда сотувчининг шартномани бажаришдан бош тортиши сотиб олувчини у шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги туфайли сотувчи кўрган зарарни қоплаш бўйича жавобгарликдан озод қилмайди.

3. Ўз навбатида, олдиндан тўланган суммани олган сотувчи товарни топшириш бўйича мажбуриятни бажармаган тақдирда сотиб олувчи ҳақи тўланган товарни топширилишини ёки сотувчи топширмаган товар учун олдиндан тўланган суммани қайтариб беришни ва шартнома бажарилмаганлиги сабабли етказилган зарарнинг тўланишини талаб қилишга ҳақли.

4. Сотувчи олдиндан ҳақи тўланган товарни топшириш мажбуриятини бажармаган тақдирда, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотиб олувчи шартнома бўйича мажбурият бузилиши натижасида ўзи кўрган зарарни ундириш ҳуқуқига эга бўлади. Сотиб олувчи ФКнинг 327-моддасига мувофиқ тўланган пул суммасини ғайриқонуний ушлаб қолганлик учун фоизлар ундириш ҳуқуқига ҳам эгадир. Бунда сотувчи товарни топшириши лозим бўлган кундан бошлаб товар сотиб олувчига топширилган ёки унга олдиндан тўлаган суммаси қайтариб берилган кунгача фоизлар тўланиши лозим. Шартномада сотувчининг олдиндан тўланган

сумма учун фоизларни бу сумма сотиб олувчидан олинган кундан бошлаб тўлаш мажбурияти назарда тутилиши мумкин.

421-модда. Насияга сотилган товар ҳақини тўлаш

Олди-сотди шартномасида товар ҳақини у сотувчига топширилганидан сўнг маълум вақт ўтгач тўлаш (товарни насияга сотиш) назарда тутилган ҳолларда сотиб олувчи товар ҳақини шартномада кўрсатилган муддатда, агар шартномада бундай муддат назарда тутилган бўлмаса, ушбу Кодекснинг 242-моддасига мувофиқ белгиланган муддатда тўлаши лозим.

Сотувчи товарни топшириш мажбуриятини бажармаса, ушбу Кодекснинг 256-моддасида назарда тутилган қоидалар қўлланади.

Товарни олган сотиб олувчи унинг ҳақини тўлаш бўйича олди-сотди шартномасида белгиланган мажбуриятни бажармаган ҳолларда сотувчи топширилган товар ҳақини тўлашни ёки ҳақи тўланмаган товарни қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли.

Агар сотиб олувчи топширилган товар ҳақини тўлаш мажбуриятини олди-сотди шартномасида белгиланган муддатда бажармаган ва ушбу Кодексда ёки олди-сотди шартномасида бошқа ҳол назарда тутилган бўлмаса, кечикиб тўланган сумма учун ушбу Кодекснинг 327-моддасига мувофиқ шартномага биноан товар ҳақи тўланиши лозим бўлган кундан бошлаб сотиб олувчи товар ҳақини тўлаган кунгача фоизлар тўланиши лозим.

Олди-сотди шартномасида сотиб олувчининг сотувчи томонидан товар топширилган кундан бошлаб товар баҳосига тенг бўлган сумма учун фоизлар тўлаш мажбурияти назарда тутилиши мумкин.

Агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, товарни насияга сотиш у сотилган кундаги нархларда амалга оширилади.

Товар сотиб олувчига топширилган пайтдан бошлаб унинг ҳақи тўлаб бўлингунга қадар насияга сотилган товар сотиб олувчи томонидан товар ҳақини тўлаш мажбурияти бажарилишини таъминлаш учун сотувчида гаровда турган деб ҳисобланади.

1. Товарни насияга сотиш топширилган товар ҳақини кечиктириб тўлашнинг кенг тарқалган шаклларида бири ҳисобланади. Бундай сотиш

товар ҳақини тўлаш у сотиб олувчига топширилганидан сўнг маълум вақт ўтгач амалга оширилганида мавжуд бўлади. Бу ҳолда сотиб олувчи товар ҳақини шартномада кўрсатилган муддатда, агар шартномада бундай муддат назарда тутилган бўлмаса, ФКнинг мажбуриятни бажариш муддати тўғрисидаги 242-моддасига мувофиқ белгиланган муддатда тўлаши лозим.

2. Сотувчи товарни топшириш мажбуриятини бажармаса, ФКнинг 256-моддасида назарда тутилган қоидалар қўлланади, яъни сотиб олувчи ўз ихтиёрига кўра ё сотувчидан шартномани лозим даражада бажаришни талаб қилиш ё сотувчи товарни топшириш мажбуриятини бажармаслигининг оқибатлари ҳақидаги умумий қоидаларга мувофиқ шартномани бажаришдан бош тортиш ҳуқуқига эга бўлади.

3. Ўз навбатида, товарни олган сотиб олувчи унинг ҳақини тўлаш мажбуриятини белгиланган муддатда бажармаган ҳолларда сотувчи ўз ихтиёрига кўра ё сотиб олувчидан олинган товар ҳақини тўлаш мажбуриятини лозим даражада бажаришини талаб қилишга, ё шартномани бажаришдан бош тортиш ва ҳақи тўланмаган товарни қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли. Бундан ташқари, сотувчи сотиб олувчи мажбуриятни бажармаганлиги туфайли ўзи кўрган зарарни ундириш ҳуқуқига ҳам эга.

4. Сотувчи ФКнинг 327-моддасига мувофиқ бировнинг пул маблағларидан қонунсиз фойдаланганлик учун кечикиб тўланган суммага шартномага биноан товар ҳақи тўланиши лозим бўлган кундан бошлаб сотиб олувчи товар ҳақини тўлаган кунгача ёки шартномада сотиб олувчи товарни олган кундан бошлаб фоизлар тўлаш назарда тутилган бўлмаса, ҳақи тўланмаган товар қайтарилган кунгача фоизлар тўланишини талаб қилиш ҳуқуқига ҳам эга.

6. Товарни насияга сотиш, умумий қоидага мувофиқ, тарафлар шартномада белгилаган нархда амалга оширилади. Бундай сотиш шартнома шартларидан келиб чиқиб белгилаш мумкин бўлган нархда амалга оширилиши ҳам мумкин. Агар нарх белгиланмаган бўлса ва уни шартнома шартларидан келиб чиқиб белгилаш мумкин бўлмаса, нарх сотилаётган товарни топшириш пайтида шунга ўхшаш товарнинг нархи бўйича белгиланади. Сотилган товарнинг нархи кейинчалик ўзгарганида нархни қайта ҳисоблаш амалга оширилмайди, башарти бундай қайта ҳисоблашни амалга ошириш имконияти шартнома шартларидан келиб чиқмаса ёки у қонун ҳужжатларида белгиланган бўлмаса.

7. Товар сотиб олувчига топширилган пайдан бошлаб унинг ҳақи тўлаб бўлингунга қадар насияга сотилган товар сотиб олувчи томонидан товар ҳақини тўлаш мажбурияти бажарилишини таъминлаш учун сотувчида гаровда турган деб ҳисобланади ва ушбу ҳолат бўйича гаров қоидалари қўлланилади.

Бу қоида сотиб олувчи (гаровга кўювчи) томонидан товар ҳақини тўлаш мажбуриятининг бажарилишини таъминлайди ва сотувчининг (гаровга олувчининг) ўз товари ҳақини олиши бўйича кафолати бўлиб ҳисобланади.

Сотиб олувчининг, сотувчида гаровда турган товардан фойдаланиши ва уни тасарруф этиши Фуқаролик кодексининг 277-моддаси асосида чекланиши мумкин.

422-модда. Товар ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш

Товарни насияга сотиш шартномасида товар ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш назарда тутилиши мумкин.

Ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан товарни насияга сотиш шартномасида олди-сотди шартномасининг бошқа муҳим шартлари билан бир қаторда товар баҳоси, тўловларнинг тартиби, муддатлари ва миқдори кўрсатилган бўлса, бундай шартнома тузилган ҳисобланади.

Сотиб олувчи ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган ва ўзига топширилган товар учун навбатдаги тўловни шартномада белгиланган муддатда амалга оширмаса, сотувчи шартномани бажаришдан бош тортишга ва сотилган товарни қайтаришни талаб қилишга ҳақли, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотиб олувчидан олинган тўловлар суммаси товар баҳосининг учдан икки қисмидан ортик бўлган ҳоллар бундан мустасно.

1. Товарни насияга сотиш шартномасида товар ҳақини одатда кейинчалик бирваракайига ёхуд бўлиб-бўлиб тўлаш назарда тутилиши мумкин. Товарни насияга сотишда товар ҳақини тўлаш муддатининг шартномада йўқлиги бундай шартноманинг ҳақиқийлигига таъсир этмайди. Бироқ бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан товарни насияга сотишда муддатларнинг белгилаб қўйилмаганлиги шартноманинг ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлиши мумкин.

2. Ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан товарни насияга сотиш шартномасида олди-сотди шартномасининг бошқа муҳим шартлари

(товар номи ва миқдори) билан бир қаторда товар баҳоси, тўловларнинг тартиби, муддатлари ва миқдори кўрсатилган бўлса, бундай шартнома тузилган ҳисобланади.

3. Ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан товарни насияга сотиш шартномасига мувофиқ, сотиб олувчи товар ҳақини тўлашни тўловларнинг шартномада белгиланган даврийлигига риоя этган ҳолда амалга ошириши лозим. Сотиб олувчи ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан сотилган ва ўзига топширилган товар учун навбатдаги тўловни шартномада белгиланган муддатда амалга оширмаса, сотувчи шартномани бажаришдан бош тортишга ва сотилган товарни қайтаришни талаб қилишга ҳақли, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотиб олувчидан олинган тўловлар суммаси товар баҳосининг учдан икки қисмидан ортиқ бўлган ҳоллар бундан мустасно.

423-модда. Товарни суғурталаш

Агар шартномада сотувчи ёки сотиб олувчининг товарни суғурталаш мажбурияти назарда тутилган бўлса, бироқ унда суғурталаш шартлари ва товар суғурталанадиган энг кам сумма белгиланмаган бўлса, суғурталаш шартномасида назарда тутилган суғурта пули товар баҳосидан кам бўлиши мумкин эмас.

Товарни суғурталаши лозим бўлган тараф шартнома шартларига мувофиқ суғурталашни амалга оширмаган ҳолларда бошқа тараф товарни суғурталашга ва суғурталаши лозим бўлган тарафдан суғурта харажатларини қоплашни талаб қилишга ёки шартномани бажаришдан бош тортишга ҳақли.

1. Товарни суғурталаш мажбурияти, агар бу олди-сотди шартномаси тарафларининг келишувига биноан назарда тутилган бўлса, ҳам сотувчига, ҳам сотиб олувчига юкланиши мумкин. Бунда суғурталаш тўғрисидаги шарт шартномада назарда тугилиши мажбурий саналган шартлар жумласига кирмайди. Агар шартномада сотувчи ёки сотиб олувчининг товарни суғурталаш мажбурияти назарда тутилган бўлса, бироқ унда суғурталаш шартлари ва товар суғурталанадиган энг кам сумма белгиланмаган бўлса, суғурталаш шартномасида назарда тутилган суғурта пули товар баҳосидан кам бўлиши мумкин эмас.

2. Шартномани тузиш пайтида суғурталаш тўғрисидаги шарт тарафлардан ҳеч бўлмаса биттасининг аризасига кўра уларнинг келишуви билан назарда тутилган бўлса, у шартноманинг муҳим шартлари жумласига киради.

3. Товарни суғурталашни лозим бўлган тараф шартнома шартларига мувофиқ суғурталашни амалга оширмаган ҳолларда бошқа тараф товарни суғурталашга ва суғурталашни лозим бўлган тарафдан суғурта харажатларини қоплашни талаб қилишга ёки шартномани бажаришдан бош тортишга ҳақли.

424-модда. Мулк ҳуқуқининг сотувчи ихтиёрида сақланиб қолиши

Олди-сотди шартномасида сотувчининг сотиб олувчига топширилган товарга мулк ҳуқуқи товар ҳақи тўлангунга ёки бошқа ҳолатлар юз бергунга қадар сақланиши назарда тутилган ҳолларда, агар қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ёки у товарнинг вазифасидан ва унинг хусусиятларидан келиб чиқмаса, сотиб олувчи мулк ҳуқуқи ўзига ўтгунча товарни ўзгага беришга ёки бошқача тарзда тасарруф этишга ҳақли эмас.

Топширилган товарнинг ҳақи олди-сотди шартномасида белгиланган муддатда тўланмаганда ёки мулк ҳуқуқи сотиб олувчига ўтадиган бошқа ҳолатлар юз бермаганда, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотувчи сотиб олувчидан товарни қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли.

1. Сотувчининг сотиб олувчига топширилган товарга мулк ҳуқуқини ўтиш пайти олди-сотди шартномасининг алоҳида шарти ҳисобланади. Олди-сотди шартномасида сотувчининг сотиб олувчига топширилган товарга мулк ҳуқуқи товар ҳақи тўлангунга ёки бошқа ҳолатлар юз бергунга (масалан, банк кафолати берилгунга) қадар сақланиши назарда тутилган ҳолларда, сотиб олувчи мулк ҳуқуқи ўзига ўтгунча товарни ўзгага беришга ёки бошқача тарзда тасарруф этишга ҳақли эмас. Сўнгги зикр этилган қоида, агар қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ёки у товарнинг вазифасидан ва унинг хусусиятларидан келиб чиқмаса, диспозитив деб ҳисобланади.

2. Топширилган товарнинг ҳақи тўланмаганда ёки мулк ҳуқуқи сотиб олувчига ўтадиган бошқа ҳолатлар юз бермаганда, агар шартномада

бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотувчи сотиб олувчидан товарни қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли.

2-§. ЧАКАНА ОЛДИ-СОТДИ

425-модда. Чакана олди-сотди шартномаси

Чакана олди-сотди шартномасига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган сотувчи сотиб олувчига шахсий мақсадларда, рўзғорда ёки тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиладиган товарни топшириш мажбуриятини олади.

Чакана олди-сотди шартномаси оммавий ҳисобланади.

1. Чакана олди-сотди шартномаси фуқароларга савдо хизматлари кўрсатишнинг асосий ва айниқса кенг тарқалган шакли ҳисобланади. Олди-сотди шартномасининг турларидан бири бўлган чакана олди-сотди шартномаси ўз субъектлари таркиби билан ажралиб туради. Сотувчи томонида ҳар доим тижорат ташкилоти ёки тадбиркорлик фаолиятининг субъекти саналган жисмоний шахс иш кўради. Бошқа тараф — сотиб олувчи томонида фуқаролик ҳуқуқининг ҳар қандай субъекти, яъни тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқарогина эмас, балки юридик шахслар, шу жумладан тижоратчи бўлмаган ташкилотлар ва яқка тадбиркорлар ҳам (агар улар товарни ундан шахсий мақсадларда фойдаланиш учун сотиб олсалар) иш кўришлари мумкин.

2. Амалда товарлар билан ҳам улгуржи, ҳам чакана савдо қилишни амалга оширувчи кўп сонли савдо ташкилотлари, шунингдек ўз маҳсулотларини чакана савдо ташкилотларига етказиб беришни амалга оширадиган ишлаб чиқарувчи-корхоналар мавжуд. Чакана савдо корхоналари улгуржи ташкилотлар билан уларнинг жойлашган еридан қатъи назар ихтиёрийлик принципига мувофиқ шерикчилик асосида шартномалар тузиш ҳуқуқига эга.

Бундай ҳолларда шарҳланаётган параграф қоидалари фақат товарни чаканалаб сотиш ҳолларига татбиқ этилади, товарни улгуржи сотиш ё олди-сотди ҳақидаги умумий қоидалар билан ё маҳсулотни етказиб бериш ҳақидаги қоидалар билан тартибга солинади. Айни пайтда товарларни чаканалаб сотишда сотувчи-тадбиркор фаолияти шарҳланаётган параграф қоидалари билан ҳуқуқий тартибга солинади. Чакана олди-сотди шартномасини

хуқуқий тартибга солиш чакана савдода сотиб олувчининг манфаатларини қаноатлантиришга ва бу турдаги шартноманинг оммавийлиги принципларини мустаҳкамлашга қаратилган.

Моҳият эътибори билан чакана олди-сотди шартномаси товарларни аҳолига донабай ёки унча кўп бўлмаган миқдорда, пировард истеъмол учун, улардан тижорат мақсадларида фойдаланиш ҳуқуқисиз сотишни назарда тутди.

426-модда. Товарнинг оммавий офертаси

Чакана олди-сотди шартномасининг барча муҳим шартларини ўз ичига олган ҳолда товар рекламаси, каталоглар, шунингдек товарнинг номуайян шахслар доирасига қаратилган бошқа таърифлари орқали товар таклиф қилиш оммавий оферта деб ҳисобланади (ушбу Кодекс 369-моддасининг иккинчи қисми).

Товарларни кўрғазмага қўйиш, уларнинг намуналарини намоиш қилиш ёки савдо бўлаётган жойда сотилаётган товарлар ҳақида маълумотлар (таърифлар, каталоглар, фотосуратлар ва ҳоказолар) бериш, сотувчи тегишли товарлар сотишга мўлжалланмаганлигини аниқ белгилаган ҳоллардан ташқари, нархи ва олди-сотди шартномасининг бошқа муҳим шартлари кўрсатилган-кўрсатилмаганидан қатъи назар, оммавий оферта деб ҳисобланади.

1. Чакана олди-сотди шартномасининг ўзига хос жиҳати шундаки, у ўз моҳиятига кўра оммавий шартномалар жумласига киради. Чакана олди-сотди шартномасининг оммавий хусусияти сотувчи офертасининг хусусиятини белгилайди. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмига мувофиқ, чакана олди-сотди шартномасининг барча муҳим шартларини ўз ичига олган ҳолда товар рекламаси, каталоглар, шунингдек товарнинг номуайян шахслар доирасига қаратилган бошқа таърифлари орқали товар таклиф қилиш оммавий оферта деб ҳисобланади.

2. Товарларни пештахтага, кўрғазмага қўйиш, уларнинг намуналарини намоиш қилиш ёки савдо бўлаётган жойда сотилаётган товарлар ҳақида маълумотлар бериш, нархи ва олди-сотди шартномасининг бошқа муҳим шартлари кўрсатилган-кўрсатилмаганидан қатъи назар, оммавий оферта деб ҳисобланади. Сотувчи тегишли товарлар сотишга мўлжалланмаганлигини

аниқ белгилаган, масалан, кўргазмага қўйилган товарлар сотилмаслигини кўрсатган ҳолларгина бундан мустаснодир. Бу муайян товарларни харид қилишни фақат оммавий оферта эълон қилинган ҳолдагина амалга ошириш мумкинлигини англатади. Масалан, савдо зали, витрина ёки пештахтанинг бадий безаги саналган буюмлар, савдо жиҳозлари сотилаётган товарга кирмайди ва уларга нисбатан оммавий оферта ҳақидаги қоидалар қўлланиши мумкин эмас. Товар сотилаётган жойдан бошқа ердаги унинг рекламаси, каталогларда, шунингдек товарнинг номуайян шахслар доирасига қаратилган бошқа таърифларида кўрсатилган ва олди-сотди шартномасининг муҳим шартларини ўз ичига олмаган товар таклифи ҳам оммавий офертага кирмайди.

427-модда. Сотиб олувчига товар ҳақида ахборот бериш

Сотувчи сотишга таклиф қилинган товар тўғрисида сотиб олувчига зарур ва тўғри ахборотни унинг мазмуни ва уни тақдим этиш усулига нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган ёки одатда чакана савдода қўйиладиган талабларга мувофиқ ҳолда бериши шарт.

Сотиб олувчи чакана олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар товарни кўздан кечириш, ўз олдидан товарнинг хоссаларини текширишни ёки товардан қандай фойдаланишни кўрсатишни, агар бу ҳол товарнинг хусусияти туфайли истисно қилинмаса ва чакана савдода қабул қилинган қоидаларга зид бўлмаса, талаб қилишга ҳақли.

Агар сотиб олувчига сотиш жойида ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган товар тўғрисидаги ахборотни дарҳол олиш имкони берилмаган бўлса, у чакана олди-сотди шартномасини тузишдан асосиз бош тортилгани туфайли ўзи кўрган зарарни тўлашни сотувчидан талаб қилишга, агар шартнома тузилган бўлса, оқилона муддатда шартномани бажаришдан бош тортишга, товар учун тўланган суммани қайтаришни ва зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Сотиб олувчига товар тўғрисида тегишли ахборот олиш имконини бермаган сотувчи товар сотиб олувчига топширилганидан сўнг товарда пайдо бўлган камчиликлар учун ҳам, агар сотиб олувчи бу камчиликлар ўзида бундай ахборот бўлмагани сабабли пайдо бўлганини исботласа, жавоб беради.

1. «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасига мувофиқ, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) истеъмолчига ўзи реализация қилаётган товар (иш, хизмат)лар ҳақида ўз вақтида зарур, тўғри ва тушунарли маълумот бериши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сон Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидалари”нинг 14-бандида сотувчи товарлар тўғрисидаги зарурий ва ишончли маълумотларни харидорнинг эътиборига етказишига доир масалалар агрофлича тартибга солинган. Хусусан, сотувчи қуйидаги маълумотларни харидорнинг эътиборига етказиши шарт:

товарнинг номи;

товарнинг штрихли коди (мавжуд бўлганда);

товардан самарали ва хавфсиз фойдаланиш қоидалари ва шартлари;

агар у аниқ бир товар учун белгиланган бўлса — кафолатли муддати;

агар улар аниқ бир товар учун белгиланган бўлса — хизмат қилиш

муддати ёки яроқлилиқ муддати, шунингдек кўрсатилган муддатлар тамом бўлгандан кейин харидор амалга ошириши керак бўлган зарур хатти-ҳаракатлар ҳақидаги, шунингдек, агар товарлар кўрсатилган муддатлар тамом бўлгандан кейин харидорнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки учун хавф туғдирса ёки фойдаланиш учун яроқсиз бўлиб қолса, бундай ҳаракатлар бажарилмаган тақдирда келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлар тўғрисидаги маълумотлар;

товарнинг нархи ва уни сотиб олиш шартлари;

уларнинг мажбурий талабларига товар мувофиқ бўлиши керак бўлган стандартларнинг белгиланиши;

товарнинг асосий истеъмол хоссалари тўғрисидаги маълумотлар (агар улар ўрамда кўрсатилмаган бўлса);

мажбурий тартибда сертификатланиши шарт бўлган маҳсулотларга мувофиқлик сертификати.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмига мувофиқ, сотиб олувчи чакана олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар товарни кўздан кечириш, ўз олдида товарнинг хоссаларини текширишни ёки товардан қандай фойдаланишни кўрсатишни, агар бу ҳол товарнинг хусусияти туфайли истисно қилинмаса ва чакана савдода қабул қилинган қоидаларга зид бўлмаса, талаб қилишга ҳақли. Аммо текширувлар ўтказиш давлат стан-

дартларининг мажбурий талаблари ёки шартноманинг шартлари билан назарда тутилган бўлса, сотувчи сотиш учун таклиф қилинаётган товарнинг бундай текшируви (кўздан кечириш, синов, таҳлил, экспертиза)ни ўтказиши шарт.

3. Сотувчига ишлаб чиқарувчи ҳақидагина эмас, балки энг биринчи навбатда товар ҳақида зарурий ахборот ва маълумотларни сотиб олувчига бериш мажбурияти юкланган. Агар сотиб олувчига сотиш жойида товар тўғрисидаги ахборотни дарҳол олиш имкони берилмаган бўлса, у чакана олди-сотди шартномасини тузишдан асоссиз бош тортилгани туфайли ўзи кўрган зарарни тўлашни сотувчидан талаб қилишга, агар шартнома тузилган бўлса, оқилона муддатда шартномани бажаришдан бош тортишга, товар учун тўланган суммани қайтаришни ва зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли (ФК 427-моддасининг учинчи қисми).

4. Сифат жиҳатидан қўйилган талабларга жавоб берувчи товар чакана олди-сотди шартномасининг нарсаи ҳисобланади. Сотиб олувчига товар тўғрисида (унинг сифати, хоссалари, уни ишлаб чиқарувчилар ва ҳоказолар тўғрисида) тегишли ахборот олиш имконини бермаган сотувчи товар сотиб олувчига топширилганидан сўнг товарда пайдо бўлган камчиликлар учун ҳам жавоб беради. Айни ҳолда сотувчининг айбсизлик презумпцияси назарда тутилади, чунки сотиб олувчи товарнинг камчиликлари у топширилганидан сўнг ва ўзида сотувчи бериши лозим бўлган, лекин бермаган ахборот бўлмагани сабабли пайдо бўлганини исботлаб бериши лозим.

428-модда. Товарнинг сотиб олувчи томонидан белгиланган муддатда қабул қилиниши шarti билан сотиш

Тарафлар сотиб олувчи товарни шартномада белгиланган муддатда қабул қилиб олиши шarti билан чакана олди-сотди шартномаси тузишлари мумкин, бу муддат мобайнида товар бошқа сотиб олувчига сотилиши мумкин эмас.

Агар чакана олди-сотди шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартномада белгиланган муддатда сотиб олувчининг товарни қабул қилиш учун келмаслиги ёки бошқа зарур ҳаракатларни амалга оширмаслигини сотувчи сотиб олувчининг шартномани бажаришдан бош тортиши деб қаралиши мумкин.

Сотувчининг товарни сотиб олувчига чакана олди-сотди шартномасида белгиланган муддатда топширишни таъминлаш борасидаги қўшимча харажатлари, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, товарнинг баҳосига қўшилади.

1. Чакана олди-сотди шартномасига кўра сотувчининг товарни топшириш мажбуриятини тузиш ва уни топшириш пайтлари бир-бири билан мувофиқ келади. Айни пайтда, чакана олди-сотди шартномасининг муайян турлари ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг шартларига кўра мажбуриятни тузиш ва бажариш муддатлари мувофиқ келмаслиги мумкин. Чакана олди-сотди шартномасининг бундай турларига сотиб олувчи товарни белгиланган муддатда қабул қилиб олиши шарт билан тузиладиган шартнома, товарни сотиб олувчига етказиб бериш шарт билан тузиладиган шартнома, товарни намуна бўйича сотиш шартномаси киради.

2. Шархланаётган модданинг мазмунидан кўриниб турганидек, тарафлар сотиб олувчи товарни шартномада белгиланган муддатда қабул қилиб олиши шарт билан чакана олди-сотди шартномаси тузишлари мумкин, бу муддат мобайнида товар бошқа сотиб олувчига сотилиши мумкин эмас (ФК 428-моддасининг биринчи қисми). Шу туфайли ҳам товарга бўлган мулк ҳуқуқининг сотувчидан сотиб олувчига ўтиши юз бермайди ва сотиб олувчи шартноманинг товарни шартномада белгиланган муддатда қабул қилиб олиш тўғрисидаги шартларини бузган тақдирда, сотувчи товарни исталган шахсга сотишга ҳақли.

3. Шартнома шартларининг бузилиши, яъни шартномада белгиланган муддатда сотиб олувчининг товарни қабул қилиш учун келмаслиги ёки бошқа зарур ҳаракатларни амалга оширмаслигини сотувчи сотиб олувчининг шартномани бажаришдан бош тортиши деб қаралиши мумкин.

4. Мазкур шартнома сотиб олувчи товарни шартномада белгиланган муддатда қабул қилиб олиши тўғрисидаги шарт билан тузилгани боис, сотувчи ушбу товар мазкур муддат мобайнида яхши сақланишини таъминлаши шарт. Товарнинг яхши сақланишини таъминлаш учун сотувчи харажатлар қилиши (топшириш муддати келгунча товарни омборда сақлаш учун харажатлар қилиши, товар бузилишининг олдини олиш, уни кўриқлаш чораларини кўриши) мумкин. Сотувчининг товарни сотиб олувчига чакана олди-сотди шартномасида белгиланган муддатда топширишни таъминлаш борасидаги қўшимча харажатлари, агар қонун

хужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, товарнинг баҳосига қўшилади.

429-модда. Товарни намуна бўйича сотиш

Тарафлар товарни намуна (таъриф, каталог ва ҳоказо) бўйича олиш-сотиш шартномасини тузишлари мумкин.

Товарни намуна бўйича сотиш шартномаси ушбу Кодекс 431-моддасининг қоидаларига мувофиқ бажарилади.

Сотиб олувчи товар топширилгунга қадар сотувчининг чакана олди-сотди шартномасини бажаришга қаратилган ҳаракатларни амалга ошириш билан боғлиқ зарур харажатларини қоплаш шarti билан шартномани бажаришдан бош тортишга ҳақли.

1. Товарни намуна бўйича сотиш олди-сотди шартномасининг турларидан бири ҳисобланади. У сотиб олувчи ўзига тақдим этилган намунага ўхшаш товарни харид қилиши билан тавсифланади. Белгиланган қоидаларга мувофиқ, истеъмолчининг товар билан кўздан кечириш орқали танишиш имкониятидан ташқари, сотувчи ҳар бир намунани ишлаб чиқарувчининг номи, товарнинг техник параметрлари ва бошқа истеъмол хоссалари кўрсатилган аннотация билан таъминлаши шарт.

2. Товарни намуна бўйича олиш-сотиш шартномаси товарнинг сотувчи таклиф қилган тавсифи билан каталоглар, проспектлар, буклетлар, фотосуратлар, альбомлар, алоқа воситалари (телевизион алоқа, почта алоқаси, радиоалоқа, интернет ва бошқалар) орқали ёки бундай шартномани тузиш пайтида истеъмолчи товар билан бевосита танишиши имкониятини истисно этувчи бошқа усуллар билан сотиб олувчини таништириши асосида тузилиши мумкин. Товарларнинг намуналари билан таништириш сотувчининг танишув учун намуналар қўйилган савдо биноларида амалга оширилиши ҳам, дистанцион усулда, яъни каталоглар ва бошқа хил таништириш воситалари ёрдамида амалга оширилиши ҳам мумкин.

Товарни намуна бўйича олиш-сотиш шартномасини бажариш товарни сотиб олувчига етказиб бериш шarti билан тузилган олди-сотди шартномасини бажариш билан айни бир тартибда амалга оширилади. Бунда товарни сотиб олувчига етказиб бериш шarti билан тузилган олди-сотди шартномасидан фарқли ўлароқ, товарни етказиб бериш жойи товарни

намуна бўйича сотиш шартномасининг муҳим шарти ҳисобланмайди. Товарни намуна бўйича олиш-сотиш шартномаси бўйича товарни сотиб олувчига етказиб бериш тўғрисидаги шарт диспозитив хусусият касб этади. Агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, товарни намуна бўйича олиш-сотиш шартномаси ёки товарни сотишнинг масофавий (дистанцион) усули билан тузиладиган олди-сотди шартномаси товар шартномада кўрсатилган жойга етказиб берилган пайтдан бошлаб, товарни топшириш жойи бундай шартномада кўрсатилмаган ҳолда эса — товар сотиб олувчи-фуқаронинг яшаш жойига ёки сотиб олувчи — юридик шахснинг жойлашган манзилига етказиб берилган пайтдан бошлаб бажарилган ҳисобланади.

3. Сотиб олувчи товар топширилгунга қадар сотувчининг чакана олди-сотди шартномасини бажаришга қаратилган ҳаракатларни амалга ошириш билан боғлиқ зарур ҳаражатларини қоплаш шарти билан шартномани бажаришдан бош тортишга ҳақли. Бундан ташқари, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун истеъмолчиларга товардан у топширилгунга қадар исталган вақтдагина эмас, балки товар топширилганидан сўнг етти кун мобайнида ҳам воз кечиш ҳуқуқини беради.

430-модда. Автоматдан фойдаланган ҳолда товар сотиш

Товар автоматдан фойдаланиб сотиладиган ҳолларда автомат эгаси сотувчининг номи (фирма номи), у жойлашган манзил, иш тартиби, шунингдек сотиб олувчи товарни олиш учун амалга ошириши зарур бўлган ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотларни автоматга жойлаштириш ёки бошқача усулда сотиб олувчига такдим қилиш йўли билан унга товар сотувчи тўғрисидаги ахборотни етказиши лозим.

Сотиб олувчи товарни олиш учун зарур ҳаракатларни амалга оширган пайтдан бошлаб автоматдан фойдаланган ҳолда чакана олди-сотди шартномаси тузилган ҳисобланади.

Агар сотиб олувчига ҳақи тўланган товар топширилмаса, сотувчи сотиб олувчига товар зудлик билан топширилишини ёки у тўлаган сумма қайтариб берилишини таъминлаши шарт. Бу мажбурият

бажарилмаган тақдирда, сотиб олувчи сотувчидан етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Автоматдан пулни майдалаш, тўлов белгиларини сотиб олиш ёки валюта алмаштириш учун фойдаланилган тақдирда, агар мажбурият моҳиятидан бошқача ҳол келиб чиқмаса, чакана олди-сотди қондалари қўлланади.

1. Товарларни автоматлар орқали чакана олди-сотди қилиш борган сари кенгайиб бормоқда. Автомат деганда, товарларни сотувчи, жисмоний шахснинг бевосита иштирокисиз, сотадиган турли механик ва электрон ускуналар тушунилади.

Олди-сотдида автоматлар қўлланилганда, автоматларга эгалик килувчи шахс ва улардан товарларни сотишда фойдаланувчи шахс бошқа-бошқа бўлиши мумкин. Шу нуқтаи назардан автоматдан фойдаланган ҳолда товар сотишга доир муносабатларда уч шахс: автоматнинг эгаси, сотувчи ва сотиб олувчи иштирок этади. Улар муайян ҳуқуқлар ва бурчлар билан ўзаро боғланади. Шартномага биноан товар сотувчи тўғрисидаги ахборотни сотиб олувчига етказиш автомат эгасининг бурчи ҳисобланади.

2. Сотиб олувчи товарни олиш учун зарур ҳаракатларни амалга оширган пайдан бошлаб автоматдан фойдаланган ҳолда чакана олди-сотди шартномаси тузилган ҳисобланади. Бунда сотувчи сотиб олувчи товар ҳақини тўлаганини тасдиқловчи бирон-бир ҳужжатни бермайди. Шу туфайли ҳам сотиб олувчи товарни олиш учун амалга ошириш зарур бўлган ҳаракатларни бажарар экан, автоматдан фойдаланиш йўли билан товарни сотиш учун таклиф қилган сотувчига нисбатан акцептант сифатида амал қилади.

3. Моддада кўрсатилган ҳолатлар сотувчи ўзининг товарни топшириш мажбуриятини бузганидан далолат бермайди, чунки бу автомат эгасининг айби билан юз берган бўлиши мумкин. Бинобарин, жавобгарлик чоралари сотувчига сотиб олувчининг товарни зудлик билан топшириш ёки тўланган суммани қайтариб бериш ҳақидаги талабларини қондириш сотувчи томонидан рад этилганидан кейингина қўлланади. Бу мажбурият бажарилмаган тақдирда, сотиб олувчи сотувчидан етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

4. Автомат орқали топширилган товарлар идишсиз ёки ўралмаган бўлса, шунингдек, сифати тегишли даражада бўлмаса, сотиб олувчи ФКнинг 415, 434-моддаларига мувофиқ, сотувчидан талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

5. Автоматдан пулни майдалаш, тўлов белгиларини сотиб олиш ёки валюта алмаштириш учун фойдаланилган тақдирда, агар мажбурият моҳиятидан бошқача ҳол келиб чиқмаса, сотувчи ва сотиб олувчи ўртасида юзага келувчи муносабатларга чакана олди-сотди қоидалари қўлланади.

431-модда. Товарни сотиб олувчига етказиб бериш шарти билан сотиш

Чакана олди-сотди шартномаси товарни сотиб олувчига етказиб бериш шарти билан тузилган ҳолларда сотувчи шартномада белгиланган муддатда товарни сотиб олувчи кўрсатган жойга, агар сотиб олувчи товарни етказиб бериш жойини кўрсатмаган бўлса, сотиб олувчи фуқаро истиқомат қиладиган ёки юридик шахс жойлашган манзилга етказиб бериши лозим.

Агар қонун ҳужжатларида, шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ёки у мажбуриятнинг моҳиятидан келиб чиқмаса, товар сотиб олувчига, у бўлмаганда эса — шартнома тузилганидан ёхуд товарни етказиб бериш расмийлаштирилганидан гувоҳлик берадиган квитанция ёки бошқа ҳужжатни тақдим қилган ҳар қандай шахсга топширилган пайдан бошлаб чакана олди-сотди шартномаси сотувчи томонидан бажарилган ҳисобланади.

Чакана олди-сотди шартномасида товарни сотиб олувчига топшириш учун етказиб бериш вақти белгиланмаган ҳолларда товар сотиб олувчидан талаб тушганидан кейин оқилона муддатда етказиб берилиши лозим.

1. Товарни сотиб олувчига етказиб бериш шарти билан тузилган чакана олди-сотди шартномасига биноан сотувчига шартномада белгиланган муддатда товарни сотиб олувчи кўрсатган жойга, агар сотиб олувчи товарни етказиб бериш жойини кўрсатмаган бўлса, сотиб олувчи фуқаро истиқомат қиладиган ёки юридик шахс жойлашган манзилга етказиб бериш мажбурияти юкланади. Бу шартномада сотиб олувчининг товарни қабул қилиш мажбурияти тўғрисидаги масалада умумий қоидалардан бирон-бир истисно ҳолат мавжуд эмас. Шуни эътиборга олиб сотиб олувчи бу мажбуриятни бажармаслиги оқибатлари тўғрисидаги умумий қоидалар қўлланади.

2. Шартноманинг товарни етказиб бериш муддати тўғрисидаги шарти муҳим шарт ҳисобланади, чунки сотувчига товарни сотиб олувчи

белгилаган муддатда етказиб бериш мажбурияти юкланади. Товарни сотиб олувчига етказиб бериш шарти билан тузилган чакана олди-сотди шартномаси товар сотиб олувчига топширилган пайдан бошлаб тузилган, шунингдек бажарилган ҳисобланади. Сотувчининг товарни сотиб олувчига топшириш мажбурияти товар шартнома тузилганидан ёхуд товарни етказиб бериш расмийлаштирилганидан гувоҳлик берадиган квитанция ёки бошқа ҳужжатни тақдим қилган ҳар қандай шахсга топширилганида ҳам бажарилган ҳисобланади. Товарни сотиб олувчига етказиб бериш шарти билан тузилган чакана олди-сотди шартномасини бажариш пайти ҳақидаги қоида диспозитив тусда таърифланган ва шартномани бажаришнинг бошқача тартиби қонун ҳужжатларида, шартномада назарда тутилиши ёки у мажбуриятнинг моҳиятидан келиб чиқиши мумкин.

3. Чакана олди-сотди шартномасининг товарни етказиб бериш муддати тўғрисидаги шарти муҳим шарт ҳисобланади, зеро сотувчига товарни сотиб олувчи белгилаган муддатда етказиб бериш мажбурияти юкланади. Шартномада товарни сотиб олувчига топшириш учун етказиб бериш вақти белгиланмаган ҳолда ҳам сотувчи мажбуриятни бажаришдан озод қилинмайди, товар сотиб олувчидан талаб тушганидан кейин оқилонга муддатда етказиб берилиши лозим.

432-модда. Товар баҳоси ва унинг ҳақини тўлаш

Агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ёки у мажбуриятнинг моҳиятидан келиб чиқмаса, сотиб олувчи товар ҳақини чакана олди-сотди шартномаси тузилган пайтда сотувчи томонидан эълон қилинган баҳода тўлаши лозим.

Чакана олди-сотди шартномасида товарнинг ҳақини олдиндан тўлаш назарда тутилган ҳолларда, агар тарафлар келишувида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотиб олувчининг товар ҳақини шартномада белгиланган муддатда тўламаслиги унинг шартномани бажаришдан бош тортиши деб ҳисобланади.

Товарларни насияга чакана олиш-сотиш ҳақида тузилган, шу жумладан сотиб олувчининг товарлар ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаши шарти билан тузилган шартномаларга нисбатан ушбу Кодекс

421-моддасининг тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган қоидалар қўлланмайди.

Сотиб олувчи товар ҳақини бўлиб-бўлиб тўлашнинг шартномада белгиланган даврида истаган вақтида товар ҳақини батамом тўлашга ҳақли.

1. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида сотиб олувчининг товар ҳақини чакана олди-сотди шартномаси тузилган пайтда сотувчи томонидан эълон қилинган баҳода тўлаш мажбурияти назарда тутилган. Товарнинг сотувчи белгилаган баҳоси сотиб олувчига баҳо тўғрисидаги шартни қабул қилиш ёки товар баҳоси уни қаноатлантирмаган ҳолда шартномани рад этиш ҳуқуқини бериши тўғрисидаги шарт ҳам чакана олди-сотди шартномасининг оммавий моҳиятидан далолат беради.

2. Товарнинг ҳақини олдиндан тўлаш шarti билан тузилган чакана олди-сотди шартномаси бўйича сотиб олувчи товар ҳақини тўлагунга қадар шартномани бажаришдан бир тарафлама тартибда бош тортишга ҳақли ва агар тарафлар келишувида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотиб олувчининг товар ҳақини шартномада белгиланган муддатда тўламаслиги унинг шартномани бажаришдан бош тортиши деб ҳисобланади.

3. Товарни насияга чакана сотиш, шу жумладан товар ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан сотиш тўғрисидаги шарт асосида белгиланган шартномаларга нисбатан ФКнинг 421-моддаси 4 ва 5-қисмлари қўлланмайди. Ушбу шарҳланаётган нормада ҳақ тўлаш муддатини кечиктириб юборганлик учун фоиз тўлаш имконияти истисно этилиши ҳақидаги императив қоида назарда тутилган. Мазкур қоидага мувофиқ товарни насияга сотиш шarti билан тузилган чакана олди-сотди шартномасининг муддати кечиктириб юборилган тўловларга ФКнинг 327-моддасига мувофиқ фоизлар ёзиш тўғрисидаги ҳар қандай шarti ҳақиқий бўлмайди.

4. Товар ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан тузилган чакана олди-сотди шартномаси бўйича сотиб олувчи ўз ихтиёрига кўра товар ҳақини бўлиб-бўлиб тўлашнинг шартномада белгиланган даврида истаган вақтида тўлаш ҳуқуқига эга, бунда у товар ҳақини батамом тўлашни ё муддатидан илгари амалга ошириши, ё даврий тўловлардан бутунлай воз кечиши ва харид баҳосининг ҳаммасини товар ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш учун белгиланган муддатнинг охириги қунида тўлаши мумкин.

433-модда. Тегишли сифатли товарни алмаштириш

Сотиб олувчи ўзига ноозик-овқат товари топширилган пайтдан бошлаб ўн кун мобайнида, агар бундан узоқроқ муддат сотувчи томонидан эълон қилинмаган бўлса, харид қилинган тегишли сифатли товарни харид жойида ёки сотувчи эълон қилган бошқа жойларда ўлчами, шакли, ҳажми, андазаси, ранги, тўплами бошқача бўлган худди шундай товарга алмаштиришга ҳақли, бунда у нархларда фарк бўлган тақдирда сотувчи билан зарур ҳисоб-китобни амалга оширади.

Сотувчида алмаштириш учун зарур товар бўлмаганида сотиб олувчи харид қилинган товарни сотувчига қайтариб бериш ва унга тўланган пул суммасини олиш ҳуқуқига эга.

Агар товардан фойдаланилмаган, унинг истеъмол хусусиятлари сақланган бўлса ва ушбу сотувчидан сотиб олинганининг исботи бўлса, сотиб олувчининг товарни алмаштириш ёки қайтариб олиш ҳақидаги талаби қаноатлантирилиши лозим.

Ушбу моддада кўрсатилган асослар бўйича алмаштирилмайдиган ёки қайтариб олинмайдиган товарлар рўйхати қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда белгиланади.

1. Ноозик-овқат товарлари билан чакана олди-сотди шартномасининг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, сотиб олувчи ўзига сотилган ва сифатга нисбатан талабларга жавоб берадиган, лекин ўлчами, шакли, ҳажми, андазаси, ранги, тўплами ва бошқа шунга ўхшаш кўрсаткичларига кўра ўзига тўғри келмаган товарни алмаштириш ҳуқуқига эга.

2. Сотиб олувчи харид қилинган товарни ўлчами, шакли, ҳажми, андазаси, ранги, тўплами бошқача бўлган худди шундай товарга алмаштириш, сотувчида алмаштириш учун зарур товар бўлмаганида эса, харид қилинган товарни сотувчига қайтариб бериш ва унга тўланган пул суммасини олиш ҳуқуқига эга.

3. Сотиб олувчи ўзига товар топширилган пайтдан бошлаб ўн кун мобайнида, агар бундан узоқроқ муддат сотувчи томонидан эълон қилинмаган бўлса, товардан фойдаланмаган шунингдек, унинг истеъмол хусусиятлари сақланган бўлса ва ушбу сотувчидан сотиб олинганининг исботи бўлса, харид қилинган тегишли сифатли товарни харид жойида ёки сотувчи эълон қилган бошқа жойларда алмаштириш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин.

4. Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли сифатдаги, қайтариб олинмайдиган ёки шунга ўхшаш товарга алмаштирилмайдиган товарлар рўйхатига киритилган товарларгина алмаштирилиши мумкин эмас. Хусусан, қонун ҳужжатларига биноан қимматбаҳо металллардан ясалган буюмлар, шахсий гигиена буюмлари ва айрим бошқа товарлар алмаштирилиши мумкин эмас.

434-модда. Сотиб олувчига сифати тегишли даражада бўлмаган товар сотилганида унинг ҳуқуқлари

Сотиб олувчига сифати тегишли даражада бўлмаган товар сотилганида, агар унинг камчиликлари шартнома тузиш пайтида маълум қилинмаган бўлса, сотиб олувчи ўз хоҳишига кўра:

худди шу маркадаги (моделдаги, артикулдаги) сифати тегишли даражада бўлган товарга алмаштиришни;

харид нарҳини тегишинча қайта ҳисоблаган ҳолда бошқа маркадаги (моделдаги, артикулдаги) сифати тегишли даражада бўлган товарга алмаштиришни;

товарнинг камчиликларини текинга бартараф этишни ёки сотиб олувчи ёхуд учинчи шахс томонидан товарнинг камчиликларини бартараф этиш учун қилинган харажатлар қопланишини;

харид нарҳини мутаносиб равишда камайтиришни;

кўрилган зарар ўрнини қоплаган ҳолда шартнома бекор қилинишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Товар учун тўланган пул суммасини сотиб олувчига қайтариш вақтда сотувчи ундан товардан тўлиқ ёки қисман фойдаланганлиги, товар кўриниши йўқолганлиги ёки бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар туфайли товар қиймати қанча пасайган бўлса, шунча суммани ушлаб қолишга ҳақли эмас.

1. Шарҳланаётган моддадан, шунингдек ФКнинг 408-моддасига шарҳдан ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сон Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидалари”нинг 29-бандидан келиб чиққанда, сотиб олувчига сифати тегишли даражада бўлмаган товар сотилганида, агар унинг камчиликлари шартнома тузиш пайтида

маълум қилинмаган бўлса, сотиб олувчи ўз хоҳишига кўра: худди шу маркадаги (моделдаги, артикулдаги) сифати тегишли даражада бўлган товарга алмаштиришни; харид нархини тегишинча қайта ҳисоблаган ҳолда бошқа маркадаги (моделдаги, артикулдаги) сифати тегишли даражада бўлган товарга алмаштиришни; товарнинг камчиликларини текинга бартараф этишни ёки сотиб олувчи ёхуд учинчи шахс томонидан товарнинг камчиликларини бартараф этиш учун қилинган харажатлар қопланишини; харид нархини мутаносиб равишда камайтиришни; кўрилган зарар ўрнини қоплаган ҳолда шартнома бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

2. ФКнинг 408-моддасида назарда тутилган чакана олди-сотди шартномаси бўйича тегишли даражада сифатли бўлмаган товар сотилганида келиб чиқадиган оқибатлардан ташқари сотувчига тегишли даражада сифатли бўлмаган товарни қайтариш бўйича барча харажатлар юкланади, шунингдек нуқсонлар аниқлангунга қадар сотувчи товардан тўлиқ ёки қисман фойдаланганлиги, товар кўриниши йўқолганлиги туфайли товар қийматининг пасайиши ҳам сотувчи ҳисобига киритилади.

3. «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 15-моддасига мувофиқ, товарда кафолат муддатида топилган нуқсонларни сотувчи истеъмолчи тегишли талаб қўйган пайтдан эътиборан йигирма кун ичида, ишлаб чиқарувчи эса, ўн кун ичида бепул бартараф этиши лозим. Истеъмолчи кафолат муддати тугаганидан кейин товарнинг нуқсонларини бепул бартараф этиш тўғрисида ишлаб чиқарувчига талаб қўйишга ҳақли. Бундай талаб, башарти товарда ишлаб чиқарувчининг айби билан йўл қўйилган жиддий нуқсонлар аниқланган бўлса, белгиланган хизмат муддати мобайнида, агар хизмат муддати белгиланмаган бўлса, ўн йил мобайнида қўйилиши мумкин. Узоқ муддат давомида фойдаланиладиган товарни таъмирлашга кетадиган вақтда фойдаланиб туриш учун истеъмолчининг талабига биноан нуқсонли товар қайтариб берилганидан кейин уч кун ичида унга айна шундай маркали (моделли, артикулли) товар бериб турилади (сотувчининг ҳисобидан унинг ўзи ёки вакили элтиб беради). Бунинг учун ишлаб чиқарувчи сотувчи билан биргаликда шартнома асосида товарларнинг алмашув фондини назарда тутишлари шарт. Мазкур

талаблар татбиқ этилмайдиган узок муддат давомида фойдаланиладиган товарлар рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Хукумати белгилайди. Товардаги нуқсонларни бартараф этиш хусусида талаб қўйилган тақдирда, ундан фойдаланишнинг кафолат муддати истеъмољчининг товардан фойдалана олмаган даврга тенг муддатга узайтирилади. Мазкур муддат истеъмољчи нуқсонларни бартараф этиш талаби билан муружаат этган кундан эътиборан ҳисоблана бошлади. Сотувчи (ишлаб чиқарувчи) истеъмољчининг таъмирлашга кетадиган вақтда фойдаланиш учун шундай товарни бериб туриш ҳақидаги талабини бажариш кечиктирилган ҳар бир кун учун, шунингдек нуқсонларни бартараф этишнинг шартномадан келиб чиқадиган муддатларидан ортиқ кечиктирилган ҳар бир кун учун товар нархининг бир фоизи миқдоридан истеъмољчига неустойка (пеня) тўлайди.

435-модда. Товарни алмаштирганда, харид нархини камайтирганда ва сифати тегишли даражада бўлмаган товарни қайтарганда баҳолардаги фарқни тўлаш

Тегишли даражада сифатли бўлмаган товарни сифати тегишли даражада бўлган бошқа товарга алмаштириш чоғида сотувчи товарнинг чакана олди-сотди шартномасида белгиланган баҳоси билан товарни алмаштириш ёки суд томонидан товарни алмаштириш тўғрисида қарор чиқариш пайтида мавжуд бўлган товарнинг баҳоси ўртасидаги фарқни тўлашни талаб қилишга ҳақли эмас.

Тегишли даражада сифатли бўлмаган товарни худди шундай, бироқ ўлчами, андазаси, нави ва бошқа белгилари ўзгача бўлган тегишли даражада сифатли товарга алмаштириш чоғида алмаштириладиган товарнинг алмаштириш пайтидаги баҳоси билан сифати тегишли даражада бўлмаган товар ўрнига бериладиган товарнинг баҳоси ўртасидаги фарқ тўланиши лозим. Агар сотиб олувчининг талаби сотувчи томонидан қондирилмаса, бу баҳолар суд товарни алмаштириш тўғрисида қарор чиқарган пайт бўйича аниқланади.

Товарнинг харид нархини мутаносиб равишда камайтириш тўғрисида талаб қўйилган тақдирда товарнинг баҳосини пасайтириш тўғрисида талаб қўйилган пайтдаги, агар сотиб олувчининг талаби

ихтиёрий суратда қондирилмаган бўлса, суд баҳони мутаносиб равишда камайтириш тўғрисида қарор чиқарган пайтдаги баҳоси инобатга олинади.

Сотувчига сифати тегишли даражада бўлмаган товарни қайтариб бериш чоғида сотиб олувчи чакана олди-сотди шартномасида белгиланган товарнинг баҳоси билан унинг талаби ихтиёрий суратда қондирилган вақтдаги, агар талаб ихтиёрий суратда қондирилмаган бўлса, суд қарор чиқарган пайтдаги тегишли товарнинг баҳоси ўртасидаги фарқни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

1. Сотувчи (ижрочи) сотиб олувчига тегишли сифатли товарни топшириши шарт. Товарнинг нуқсонлари аниқланган ҳолда, сотиб олувчи ўз ихтиёрига кўра бундай товарни тегишли сифатли товар билан алмаштиришни ёки харид баҳосини мутаносиб равишда камайтиришни талаб қилишга ҳақли. Сифати тегишли даражада бўлмаган товарни алмаштирганда ёки қайтарганда сотиб олувчи зиммасига кўшимча харажатлар юкланмайди. Тегишли даражада сифатли бўлмаган товарни алмаштириш ёки қайтариш чоғида сотувчи товарнинг шартномада белгиланган баҳоси билан товарни алмаштириш пайтида мавжуд бўлган товарнинг баҳоси ўртасидаги фарқни тўлашни талаб қилишга ҳақли эмас. Тегишли даражада сифатли бўлмаган товарни сифати тегишли даражада бўлган бошқа товарга алмаштириш тўғрисида, бу товарлар киймати ўртасидаги фарқ тўғрисида низолашилган ҳолда, масала сотиб олувчи ёки сотувчининг аризасига биноан суд тартибида ҳал қилиниши мумкин.

2. Тегишли даражада сифатли бўлмаган товарни худди шундай, бироқ ўлчами, андазаси, нави ва бошқа белгилари ўзгача бўлган тегишли даражада сифатли товарга алмаштиришнинг бошқача шартлари мустаҳкамланган. Тегишли даражада сифатли товарга алмаштириш чоғида алмаштирилаётган товарнинг алмаштириш пайтидаги баҳоси билан сифати тегишли даражада бўлмаган товар ўрнига берилаётган товарнинг баҳоси ўртасидаги фарқ тўланиши лозим. Агар сотиб олувчининг талаби сотувчи томонидан қондирилмаса, бу баҳолар суд товарни алмаштириш тўғрисида қарор чиқарган пайт бўйича аниқланади (ФК 435-моддасининг иккинчи қисми).

3. «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунда истеъмолчининг нуқсонли товарнинг харид нархини нуқсонга мутаносиб равишда камайтиришни ёки шартномани бекор қилишни талаб қилиш ҳуқуқи

белгиланган (16-модда). Агар сотувчи (ишлаб чиқарувчи) истеъмолчининг товарни алмаштириб бериш ёки ундаги нуқсонларни бартараф этиш ҳақидаги талабларини бажармаган бўлса, истеъмолчи товарнинг харид нархини нуқсонга мутаносиб равишда камайтиришни ёки шартномани бекор қилиб, етказилган зиён ва маънавий зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Мазкур Қонуннинг 17-моддасида истеъмолчига нуқсонли товар сотилган тақдирда у билан ҳисоб-китоб қилиш назарда тутилган. Нуқсонли товар айна шундай маркали (моделли, артикулли) товарга алмаштириб берилган вақтда товарнинг нархи ўзгарган бўлса, қайта ҳисоб-китоб қилинмайди. Нуқсонли товар бошқа маркали (моделли, артикулли) товарга алмаштириб берилётганда, агар алмаштирилиши керак бўлган товар нархи унинг ўрнига берилётган товар нархидан паст бўлса, истеъмолчи нархлардаги фарқни кўшимча равишда тўлаши лозим, алмаштирилиши керак бўлган товар нархи унинг ўрнига берилётган товар нархидан юқори бўлса, истеъмолчига нархлардаги фарқ қайтарилади. Бундай ҳисоб-китоб чоғида алмаштирилиши керак бўлган товар нархи ошган тақдирда, унинг талаб қўйилган пайтдаги нархи, нархи пасайган тақдирда эса, харид қилинган пайтдаги нархи қўлланилади. Шартнома бекор қилинаётганда товар нархи ошган бўлса, истеъмолчи билан ҳисоб-китоб товарнинг тегишли талаб қўйилган пайтдаги қийматига қараб, нархи пасайган тақдирда эса, харид қилинган пайтдаги қийматига қараб амалга оширилади.

4. Сотувчига товарни қайтариб бериш чоғида сотиб олувчи чакана олди-сотди шартномасида белгиланган товарнинг баҳоси билан унинг талаби ихтиёрий суратда кондирилган вақтдаги, агар талаб ихтиёрий суратда кондирилмаган бўлса, суд қарор чиқарган пайтдаги тегишли товарнинг баҳоси ўртасидаги фарқни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

436-модда. Сотувчининг жавобгарлиги ва мажбуриятни асл ҳолида бажариш

Сотувчи чакана олди-сотди шартномаси бўйича мажбуриятини бажармаган тақдирда зарарни қоплаш ва неустойка тўлаш сотувчини мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод қилмайди.

Шарҳланаётган моддада чакана олди-сотди шартномаси бўйича сотувчининг жавобгарлиги ва унинг мажбуриятни асл ҳолида бажариши масалалари

махсус тартибга солинган. Шунингдек сотувчи ҳатто зарарни қоплаган ва неустойка тўлаган ҳолда ҳам мажбуриятни асл ҳолида бажариши лозимлиги назарда тутилган. Бу мажбурият чакана олди-сотди шартномасининг умумий мазмунидан келиб чиқади, яъни тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган сотувчи сотиб олувчига шахсий мақсадларда, рўзғорда ёки тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиладиган товарни топшириш мажбуриятини олади.

3-§. МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ

437-модда. Маҳсулот етказиб бериш шартномаси

Маҳсулот етказиб бериш шартномасига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган маҳсулот етказиб берувчи — сотувчи шартлашилган муддатда ёки муддатларда ўзи ишлаб чиқарадиган ёхуд сотиб оладиган товарларни сотиб олувчига тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш учун ёки шахсий, оилавий мақсадларда, рўзғорда ва шунга ўхшаш бошқа мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш учун топшириш, сотиб олувчи эса товарларни қабул қилиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

1. Маҳсулот етказиб бериш шартномаси — тадбиркорлик фаолиятида айниқса кенг қўлланиладиган шартномалардан бири. Шартномаларнинг ФКда қабул қилинган таснифига кўра бу шартноманинг мустақил тури эмас, балки олди-сотди шартномасининг бир тури. Олди-сотди шартномаси каби, у ҳам мулк ҳуқуқини (бошқа хил ашёвий ҳуқуқни) сотувчидан (маҳсулот етказиб берувчидан) сотиб олувчига ўтказишни назарда тутди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида ҳам, ундан ташқарида ҳам товар айланмасининг каттагина қисми айти шу шартнома воситасида амалга оширилади.

Шарҳланаётган моддада маҳсулот етказиб бериш шартномасини бошқа турдаги олди-сотди шартномаларидан ажратиш имкониятини берувчи асосий белгилар (ўзига хос жиҳатлар) айтиб ўтилган. Уларга маҳсулот етказиб берувчининг ҳуқуқий мақоми ва товарни эгаллаш (харид қилиш) мақсади киради.

Маҳсулот етказиб бериш шартномасида сотувчи (маҳсулот етказиб берувчи) сифатида тадбиркор амал қилади. У тижорат ташкилоти ёки фуқаро — яқка тадбиркор бўлиши мумкин (Ўз. Р. ФКнинг 2-моддасига қаранг).

Маҳсулот етказиб берувчи ё ўзи ишлаб чиқараётган товарларни, ё ўзи сотиш учун харид қилган товарларни сотади.

Маҳсулот етказиб беришни ҳуқуқий тартибга солиш муҳим хусусиятларга эга. Бу хусусиятларнинг аксарияти маҳсулот етказиб беришни олди-сотди шартномалари орасидан ажратиш имконини берувчи алоҳида белгилар билан боғлиқ. Бу хусусиятлар ёки белгилар хўжалик судларига тарафларнинг муносабатларини тегишли тарзда тавсифлаш ва шартноманинг номидан, унинг тарафлари қандай аталишидан ёки товарни топшириш усулининг ҳужжат матнидаги ифодасидан қатъи назар маҳсулот етказиб бериш шартномаси ҳақидаги нормаларни қўллаш имконини беради.

2. Маҳсулот етказиб бериш шартномасининг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, мазкур шартнома учун субъектларнинг махсус таркиби назарда тутилган. Маҳсулот етказиб берувчи сифатида ҳар доим тадбиркор бўлган шахс амал қилиши лозим, яъни бу ё тижоратчи юридик шахс, ё ўзининг уставда белгиланган мақсадларига эришиш учун тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган тижоратчи бўлмаган юридик шахс, ё фуқаро-тадбиркор, ё юридик шахсларнинг шартномавий бирлашмалари (концернлар, консорциумлар ва ш.к.) бўлиши мумкин. Маҳсулот етказиб берувчи ё тегишли товарни ўзи ишлаб чиқариши, ё уни ўз контрагентларидан кейинчалик сотиш мақсадида харид қилиши мумкин. Аммо сотувчи чакана савдога маҳсулот етказиб бериш бўйича тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган бўлса, тарафларнинг муносабатлари чакана олди-сотди тўғрисидаги нормалар билан тартибга солинади.

Товарлар тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш учун ёки шахсий, оилавий мақсадларда, рўзғорда ва шунга ўхшаш бошқа мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш учун топширилади, бу эса сотиб олувчи тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши лозимлигини англатади. Бунда шахсий фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадлар деганда, шу жумладан, сотиб олувчининг ташкилот ёки фуқаро-тадбиркор сифатида ўз фаолиятини таъминлаш

учун товарлар (ташкилий техника, офис жиҳозлари, транспорт воситалари, таъмирлаш ишлари учун ашёлар ва ш.к.) сотиб олишини тушуниш лозим.

3. Маҳсулот етказиб бериш шартномасида етказиб бериш объекти ҳам ўзига хос жиҳатлар билан тавсифланади. Кенг маънода моддий объект, истеъмол қийматига эга бўлган ва бозорда сотиш учун ишлаб чиқарилган меҳнат маҳсули сифатида тушуниладиган товар етказиб бериш объекти ҳисобланади. Етказиб бериш объектлари сифатида кўпинча бир турдаги товарларнинг туркумлари, улгуржи туркумлар ва шу кабилар амал қилади. Ўз-ўзидан равшанки, айтиб бериш товар ҳам маҳсулот етказиб бериш шартномасининг, ҳам олди-сотди шартномасининг объекти бўлиши мумкин. Аммо ҳар қандай ашё олди-сотди объекти бўлиши мумкин, маҳсулот етказиб беришда эса у тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш учун яроқли бўлиши лозим.

4. Маҳсулот етказиб бериш шартномасининг ўзига хос жиҳати сифатида тарафлар ўзаро муносабатларининг давомлилигини ҳам кўрсатиш мумкин. Бундай муносабатлар товарни топшириш бир марталик ҳаракат билан эмас, балки муайян давр, масалан, бир йил мобайнида, босқичма-босқич, шартномада айтиб қўйилган туркумлар билан амалга оширилган ҳолларда юзага келади. Босқичма-босқичлик товарни ишлаб чиқариш технологияси ёки ундан сотиб олувчининг тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш эҳтиёжлари билан белгиланиши мумкин.

5. Топшириладиган товар миқдори шартноманинг муҳим шarti ҳисобланмайди. Топширилиши лозим бўлган товарнинг миқдори тўғрисидаги шарт шартномада уни белгилаш тартибини ўрнатиш йўли билан келишилиши мумкин.

6. Маҳсулот етказиб бериш шартномасига баъзан хизматлар кўрсатиш ёки ишлар бажариш тўғрисидаги шартлар киритилади. Масалан, ишлаб чиқарувчи фирма дўкони билан тузаётган шартномада, товарни етказиб бериш тўғрисидаги шартлар билан қаторда, товарга бўлган талабни шакллантириш ва ўрганиш тўғрисидаги шартлар ҳам белгиланади ёки мураккаб ускунани етказиб бериш шартномасига шефмонтаж тўғрисидаги шартлар киритилади. Бундай шартнома аралаш деб ҳисобланиши ва Ўз. Р ФК 354-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ тарафларнинг муносабатларига ҳам маҳсулот етказиб бериш шартномаси тўғрисидаги нормалар, ҳам хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги нормалар қўлланиши лозим.

438-модда. Маҳсулот етказиб бериш шартномасининг амал қилиш муддати

Маҳсулот етказиб бериш шартномаси бир йилга, бир йилдан ортиқ муддатга (узок муддатли шартнома) ёки тарафлар келишувида назарда тутилган бошқа муддатга тузилиши мумкин.

Агар маҳсулот етказиб бериш шартномасида унинг амал қилиш муддати белгиланмаган бўлса, шартнома бир йилга тузилган деб ҳисобланади.

Агар узок муддатли шартномада етказиб берилиши лозим бўлган товарлар миқдори ёки шартноманинг бошқа шартлари бир йилга ёки ундан ортиқ муддатга белгиланган бўлса, шартномада тарафларнинг бу шартларни шартноманинг амал қилиш муддати тугагунга қадар кейинги даврлар учун келишиб олиш тартиби белгиланиши лозим. Шартномада бундай тартиб бўлмаса, шартнома тегишинча бир йилга ёки шартнома шартлари келишилган муддатга тузилган ҳисобланади.

Узок муддатли шартнома тарафларидан бири етказиб берилиши лозим бўлган товарлар миқдорини ёки шартноманинг бошқа шартларини кейинги даврлар учун шартномада белгиланган тартибда келишиб олишни рад қилган ёки ундан бош тортган тақдирда бошқа тараф тегишли даврларда товарларни етказиб бериш шартларини белгилаш тўғрисидаги ёхуд шартномани бекор қилиш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

1. Шарҳланаётган модданинг 1-қисмига мувофиқ, маҳсулот етказиб бериш шартномаси бир йилга, бир йилдан ортиқ муддатга (узок муддатли шартнома) ёки тарафлар келишувида назарда тутилган бошқа муддатга тузилиши мумкин. Агар маҳсулот етказиб бериш шартномасида унинг амал қилиш муддати белгиланмаган бўлса, шартнома бир йилга тузилган деб ҳисобланади.

Маҳсулот етказиб бериш шартномасини тузиш ва уни ижро этиш муддатлари одатда бир-бирига тўғри келмайди: маҳсулот етказиб бериш шартномаси унинг бажарилишидан олдин тузилади. Шартнома унинг бажарилиши билан айна бир вақтда тузилиб, ўша заҳоти амалга оширилса, у олди-сотди шартномаси деб тан олинади.

Маҳсулот етказиб бериш шартномаси махсус олди-сотди шартномаси сифатида товар ишлаб чиқарувчилар, хом-ашё, материаллар ёки бутловчи буюмлар тайёрловчилар билан улгуржи савдо ташкилотлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солиб туришда қўл келади. Мазкур муносабатлар барқарорлиги билан ажралиб туриши ва узоқ муддатли тус олиши зарур. Шу боисдан ҳам маҳсулот етказиб бериш шартномасининг амал қилиш муддатларини тартибга солишда бир туркум товарни сотиш юзасидан тузилган бир галлик битимларга эмас, балки узоқ муддатли шартномавий алоқаларга хос қоидалар аҳамиятлидир.

2. Узоқ муддатли шартномалар мустаҳкам алоқаларни, улар амал қилиши учун зарур бўлган шартларнинг барқарорлигини юзага келтиради. Узоқ муддатли шартноманинг иқтисодий аҳамияти шундан иборатки, уларда иштирок этувчи томонлар маҳсулот етказиб бериш муддати ҳақидаги шартларни ўзаро келишиб олиши, бир неча йилларга мўлжалланган истиқболли шартларни назарда тутиши ҳамда шу омиллар орқали ҳаражатлар тежалишига эришиши мумкин.

Узоқ муддатли маҳсулот етказиб бериш шартномаси муваффақиятли амал қилиши учун тарафлар вақти-вақти билан товарлар сифати, ассортименти, навбатдаги давр учун маҳсулот етказиб бериш муддатларини келишиб олиши зарур. Бундай келишув тартиби шартномаларда белгиланиши керак. Шартномада бундай тартиб назарда тутилмаган бўлса, маҳсулот етказиб бериш шартномаси бир йилга ёки шартнома шартлари келишилган муддатга тузилган ҳисобланади.

3. Агар тарафлардан бири навбатдаги давр учун узоқ муддатли маҳсулот етказиб бериш шартномасига оид шартларни бажаришдан воз кечса ёки бўйин товласа, низо манфаатдор тараф даъвоси бўйича хўжалик судида кўриб чиқилиши лозим.

439-модда. Маҳсулот етказиб бериш шартномасини тузиш вақтида келиб чиқадиган келишмовчиликларни ҳал қилиш

Бир тарафнинг товарлар етказиб бериш шартномасини тузиш ҳақидаги таклифи шартнома лойиҳаси шаклида бошқа тарафга юборилган тақдирда, иккинчи тараф шартномани бошқа шартларда тузишга рози бўлса, лойиҳани олганидан сўнг кечи билан ўттиз кун

ичида келишмовчиликлар баённомасини тузади ва уни имзоланган шартнома билан қайтаради, келишмовчиликлар баённомасини олган тараф ўттиз кунлик муддатда шартнома шартларини келишиш чораларини кўриши (имконият бўлса, бошқа тараф билан биргаликда) ёки шартнома тузишни рад этишини бошқа тарафга ёзма равишда билдириши лозим.

Маҳсулот етказиб бериш шартномаси шартлари бўйича келишмовчиликлар баённомасини олган, бироқ шартнома шартларини келишиш чораларини кўрмаган ва шартнома тузишни рад этишини ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган муддатда бошқа тарафга маълум қилмаган тараф шартнома шартларини келишиб олишдан бош тортиш оқибатида етказилган зарарни қоплашга мажбур.

1. Маҳсулот етказиб бериш шартномаси иқтисодиётнинг барча соҳаларида кенг қўлланилади, аксарият ҳолларда у узоқ муддатларга тузилади. Шу туфайли ҳам шартномани тузиш чоғида тарафларнинг бирига мос келмайдиган манфаатларини мувофиқлаштириш биринчи даражали аҳамият касб этади. Маҳсулот етказиб берувчининг мажбурий шартнома тузиш мажбурияти Ўз. Р ФКнинг 377-моддасида мустаҳкамланган.

2. Маҳсулот етказиб бериш шартномаси юридик шахс иштирокидаги битим сифатида оддий ёзма шаклда тузилиши лозим (Ўз. Р ФКнинг 108-моддаси). Шартноманинг мазмуни баён этилган ва тегишли шахслар томонидан имзоланган ҳужжат шартноманинг шакли сифатида амал қилиши мумкин. Шартномани тузишнинг ёзма шакли ва у узоқ муддатга тузилишини назарда тутувчи тартиб бунда тарафлар ўртасида юзага келувчи келишмовчиликларни бартараф этиш таомилини белгилайди. Яна шуни ҳам эътиборга олиш лозимки, тарафлардан ҳар бирининг таклифлари бошқа тарафга Ўз. Р ФКнинг 366-моддасига мувофиқ почта, телеграф, телетайп, электрон алоқа ёки ҳужжат шартномадаги тарафдан чиққанлигини ишончли сураатда аниқлаш имконини берадиган бошқа алоқа ёрдамида юборилиши мумкин.

Амалда баъзан фуқаролик муомаласи иштирокчилари шартномаларни прайс-варақлар асосида тузишлари боис, маҳсулот етказиб бериш шартномаларини тузиш ва бажариш жараёнида мураккаб вазиятлар юзага келади. Бундай ҳолларда суд амалиёти прайс-варақларни оммавий оферта сифатида, буюртмани эса — акцепт сифатида тан олмайди, чунки прайс-варақларда муҳим шартлар

йўк, уларда фақат сотиш учун таклиф қилинаётган товарлар ҳақида ахборот берилади. Бу ҳужжатлардан маҳсулот етказиб берувчининг ҳар қандай манфаатдор шахс билан шартнома тузиш нияти англашилмайди.

Шартнома тузиш ва келишмовчиликларни бартараф этиш босқичида юристнинг иши потенциал етказиб берувчида конкрет сотиб олувчи пайдо бўлган ва етказиб берувчи дастлабки музокараларга киришган пайтдан бошланади. Бунда юрист шартнома турини, уни тузиш шаклини, шартноманинг таркибий тузилишини танлаш, шартноманинг аниқ шартларини шакллантириш, шунингдек маҳсулот етказиб бериш ва ҳақ тўлаш муддатларининг ўзаро нисбатини аниқлаш, мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг самарали воситаларини танлаш масалаларини ҳал қилиши лозим. Айни шу йўналишларда иш олиб бориш ва маҳсулот етказиб берувчи билан сотиб олувчи ўртасидаги келишмовчиликларни бартараф этиш мақсадга мувофиқдир.

3. Маҳсулот етказиб бериш шартномасига аниқ ва изчил тус бериш учун «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғриси»даги Қонун қуйидаги шартларни ўз ичига олган намуналарни таклиф қилади: шартноманинг предмети, товарнинг сифати ва бутлиги, товарни етказиб бериш муддатлари ва тартиби, товар нархи ва уни тўлаш тартиби, идиш ва ўраш, мулкый жавобгарлик ва яқунловчи қоидалар.

4. Шарҳланаётган модда муайян ҳаракатларни бажариш муддатлари тўғрисидаги процедуравий кўрсатмалар ва фармойишларни ўз ичига олади. Биринчидан, шартнома шартлари хусусида эътирозлар ёки бошқача шартларни келишиш ҳақида таклиф (келишмовчиликлар баённомаси, хат, телеграмма ва ҳоказолар шаклида) олган тарафнинг шартноманинг бундай шартларини келишиш чораларини кўриш мажбурияти назарда тутилган; иккинчидан, агар тарафлар бошқача шартни белгиллаган бўлмаса, тегишли шартларни келишиш учун ўттиз кунлик муддат белгиланган; учинчидан, шартларни келишиш ҳақида таклифни олган ва келишишни мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблаган тарафнинг таклиф қилинган шартларда шартнома тузишни рад этишини бошқа тарафга айни шу муддатда ёзма равишда билдириш мажбурияти назарда тутилган.

Бу муддат тугаганидан сўнг моддада кўрсатилган талабларни бажармаган тараф учун ўз контрагенти кўрган зарарни қоплаш мажбурияти

сифатидаги кўнгилсиз оқибатлар келиб чиқиши мумкин. Бундай зарар шу жумладан музокаралар олиб бориш даврида нархларнинг кўпайиш томонга ўзгаришида ифодаланиши мумкин. Шартнома тузишга розилик тўғрисидаги хабарномани унинг шартларини келишиш ҳақидаги таклифга кўшиб юборган тарафнинг харажатлари, агар улар оферта юборган шахс акцептни бошқача шартларда олган санадан эътиборан ўттиз кунлик муддат тугаганидан сўнг амалга оширилган мазкур шартномани бажаришга тайёргарлик кўриш ва уни ташкил этиш муносабати билан қилинган бўлса, зарарлар деб топилиши мумкин.

5. Шарҳланаётган моддада белгиланган мажбуриятларни бузиш, яъни шартларни келишиб олишдан бош тортиш, шартнома тузишни рад этишни бошқа тарафга маълум қилмаслик ушбу тараф томонидан зарарни қоплаш талабини қўйиш учун асос сифатида қаралади (масалан, тарафнинг шарҳланаётган моддада назарда тутилган фаол ҳаракатлари бажаришдан бош тортиши товарларни ишлаб чиқаришга буюртмани бошқа маҳсулот етказиб берувчига юбориш муддатининг кечиктириб юборилишига олиб келган бўлса, товарлар баҳосидаги фарқни қоплаш ҳақидаги талабни).

440-модда. Маҳсулот етказиб бериш даврлари

Агар тарафлар товарларни шартноманинг амал қилиш муддати мобайнида туркум-туркум қилиб етказиб беришни назарда тутган бўлсалар ва унда алоҳида туркумларни етказиб бериш муддатлари (етказиб бериш даврлари) белгиланмаган бўлса, товарлар ҳар ойда бир хил туркумларда етказиб берилиши лозим, башарти қонун ҳужжатларидан, мажбуриятнинг моҳиятидан ёки иш муомаласи одатларидан бошқача тартиб англашилмаса.

Шартномада маҳсулот етказиб бериш даврларини белгилаш билан бир қаторда товарларни етказиб бериш (ўн кунлик, суткалик, соатлик ва ҳоказо) жадвали ҳам белгиланиши мумкин.

Товарларни муддатидан олдин етказиб бериш сотиб олувчининг розилиги билан амалга оширилиши мумкин. Муддатидан олдин етказиб берилган ва сотиб олувчи томонидан қабул қилинган товарлар кейинги даврда етказиб берилиши лозим бўлган товарлар миқдорига киритилади.

1. Маҳсулот етказиб бериш даврлари — бу шундай бир вақт оралиқларики, улар ўтганидан сўнг ёки уларнинг ўтиши мобайнида товарнинг муайян туркумларини топшириш амалга оширилади ва маҳсулот етказиб бериш шартномасини бажариш мол-мулкни ўзга шахсга мулк қилиб топшириш ёки бошқача ашёвий ҳуқуқни ўтказишга қаратилган бошқа турдаги шартномаларнинг деярли барчасидан айни шу белгига кўра фарқ қилади. Бу вақт оралиқлари кўпинча шартномада белгилаб қўйилади, лекин шаклланган амалиёт билан белгиланиши ҳам мумкин. Амалда маҳсулот етказиб беришнинг чораклик, ойлик, ўн кунлик муддатлари айниқса кўп қўлланилади. Агар шартномада бундай муддатлар белгиланмаган бўлса, лекин унинг мазмунидан товарларни бир хил туркумларда етказиб бериш лозимлиги англашилса, у ойма-ой амалга оширилади.

Маҳсулот етказиб бериш даври жўнатиш разнарядқасини тақдим этиш муддатларини белгилловчи диспозитив нормани (Ўз. Р ФКнинг 441-моддаси), тўлиқ етказиб берилмаган товарлар ўрнини тўлдириш тартиби назарда тутилган нормани (Ўз. Р ФКнинг 443-моддаси) қўлланиш учун аҳамиятга эгадир. Маҳсулотни муддатидан илгари етказиб бериш ёки маҳсулот етказиб бериш муддатини кечиктириб юбориш ҳам шартномада белгиланган ёки шарҳланаётган нормада назарда тутилган маҳсулот етказиб бериш давридан келиб чиқиб аниқланади.

2. Маҳсулот етказиб бериш даврлари аксарият ҳолларда шартномада тегишли жадвалларни келтириш йўли билан белгиланади. Бу жадвалларда, қоида тариқасида, товарни жўнатиш ёки товарни танлаб олишнинг аниқ календарь куни кўрсатилади ёки мазкур ҳаракатларни бажаришнинг энг сўнгги муддати кўрсатилади. Жадваллар маҳсулот етказиб бериш шартномасига илова ҳисобланади. Уларнинг вазифаси товарлар, шу жумладан сақлаш учун сиғимлар зарур бўлган тез бузиладиган товарлар бир текис топширилишини таъминлашдан иборат. Агар жадвални бузиш учун жавобгарлик шартномада белгиланган бўлмаса, унинг бузилиши бошқа тарафга зарарни қоплаш ҳақида талаб қўйиш ҳуқуқини беради.

Шартномада мустаҳкамланган маҳсулот етказиб бериш даврлари тегишли товарлар сотиб олувчига унинг ишлаб чиқариш жараёни ташкил этилиши, ишга туширилаётган қувватлар ва ҳоказоларга қараб изчил ва бир текис топширилишини таъминлайди. Шу туфайли ҳам мажбуриятни

муддатидан илгари бажариш тўғрисидаги қоида (Ўз. Р ФКнинг 243-моддаси) шарҳланаётган моддада биров бошқача баён этилган.

3. Шарҳланаётган моддада товарни муддатидан олдин етказиб бериш имконияти назарда тутилган. Товарни муддатидан олдин етказиб беришга сотиб олувчининг розилиги шартномада тўғридан-тўғри айтиб қўйилиши ёки у муайян етказиб бериш бўйича маҳсулот етказиб берувчига ёзма шаклда маълум қилиниши мумкин.

Товарни муддатидан олдин етказиб бериш — бу шартномада назарда тутилган товарни топшириш календарь санаси ёки маҳсулот етказиб бериш давридан илгари товарни етказиб бериш.

Умумий қоидаларга мувофиқ қарздор мажбуриятни башарти бу қонунга, бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга ёки иш муомаласи одатларига зид келмаганда муддатидан илгари бажариши мумкин бўлса, маҳсулот етказиб бериш шартномасига нисбатан мажбуриятларни муддатидан илгари бажаришга фақат кредиторнинг розилиги билан йўл қўйилади. Бу мутлақо тушунарли ва асослидир, чунки товарни сақлаш, ундан ишлаб чиқаришда фойдаланиш сотиб олувчининг технологик имкониятлари ва бизнес-режаси билан мувофиқ келиши лозим.

Муддатидан олдин етказиб берилган товарлар кейинги даврда етказиб берилиши лозим бўлган товарлар миқдорига киритиладики, бу шаклланган амалиёт учун қулай ҳолат ҳисобланади.

Шаклланган амалиётга мувофиқ товарлар сотиб олувчининг розилигисиз муддатидан олдин етказиб берилганида у товарларни масъулиятли сақлашга қабул қилади. Бунда товарлар ҳақи уларни етказиб бериш муддати келгунга қадар бўлган пайтда амалда бўлган нарх бўйича тўланиши лозим.

4. Шартномани тузиш ва бажариш муддатлари мувофиқ келмаган, товарни етказиб бериш муддати тарафлар томонидан кўрсатилмаган ва шартномадан у алоҳида туркумлар билан амалга оширилиши лозимлиги келиб чиқмаган ҳолларда товарни етказиб бериш муддати Ўз. Р ФКнинг ва 242-моддаларида белгиланган қоидаларга мувофиқ аниқланади.

441-модда. Товарларни етказиб бериш тартиби

Товарларни етказиб бериш маҳсулот етказиб берувчи томонидан товарларни шартнома бўйича сотиб олувчига ёки шартномада олувчи

сифатида кўрсатилган шахсга жўнатиш (топшириш) йўли билан амалга оширилади.

Маҳсулот етказиб бериш шартномасида товарларни олувчиларга жўнатиш тўғрисида сотиб олувчининг сотувчига кўрсатмалар бериш ҳуқуқи (жўнатиш разнарядкаси) кўзда тутилган ҳолларда, маҳсулот етказиб берувчи товарларни жўнатиш разнарядкасида кўрсатилган олувчиларга жўнатади (топширади).

Жўнатиш разнарядкасининг мазмуни ва уни сотиб олувчи томонидан маҳсулот етказиб берувчига юбориш муддати маҳсулот етказиб бериш шартномасида белгиланади. Агар жўнатиш разнарядкасини юбориш муддати шартномада назарда тутилган бўлмаса, у маҳсулот етказиб берувчига маҳсулот етказиб бериш даври бошланишидан камида ўттиз кун олдин юборилиши лозим.

Сотиб олувчининг белгиланган муддатда жўнатиш разнарядкасини тақдим қилмаслиги маҳсулот етказиб берувчига ё маҳсулот етказиб бериш шартномасини бажаришдан бош тортиш, ёки сотиб олувчидан товарлар ҳақини тўлашни талаб қилиш ҳуқуқини беради. Бундан ташқари маҳсулот етказиб берувчи жўнатиш разнарядкасини тақдим қилмаслик туфайли етказилган зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

1. Шарҳланаётган моддада маҳсулот етказиб бериш шартномаси мураккаб тузилишга эга эканлиги кўрсатиб ўтилган. Бу маҳсулот етказиб берувчининг томонида тегишли товарга мухтож бўлган, иқтисодий манфаатларини сотиб олувчи ифода этаётган олувчи (яъни товарни қабул қилиб олувчи) иш кўрган ҳолларда намоён бўлади. Шунга ўхшаш вазият сотиб олувчи айрим олувчиларга нисбатан товар айланмасининг ташкилотчиси бўлган ҳолларда ҳам кузатилиши мумкин.

Ҳар қандай ҳолда ҳам олувчи маҳсулот етказиб берувчи билан шартнома муносабатларида бўлмайди. Сотиб олувчи ва олувчига нисбатан маҳсулот етказиб бериш шартномасидан ташқарида ётувчи асослардан келиб чиқадиган ранг-баранг ҳуқуқлар ва бурчлар мавжуд бўлиши мумкин.

2. Шарҳланаётган модданинг биринчи ва иккинчи қисмлари мазмунидан сотиб олувчининг товарларни олувчиларни (уларнинг жўнатиш реквизитларини) бевосита шартномада кўрсатиш ёки жўнатиш разнарядкасини тақдим этиш тартиби ва муддатларини назарда тутиш ҳуқуқи келиб чиқади.

Жўнатиш разнарядкаси — сотиб олувчи товарларни олувчиларни ва уларнинг жўнатиш реквизитларини кўрсатувчи хужжат.

3. Жўнатиш разнарядкасини юбориш муддатлари, унинг мазмуни, товар миқдори бўйича чеклашлар, олувчилар шартномада белгиланиши мумкин.

4. Шарҳланаётган модданинг сотиб олувчи жўнатиш разнарядкасини тақдим қилмаслиги оқибатлари назарда тутилган тўртинчи қисмида бошқача оқибатларни шартномада белгилаш имконияти тўғрисида изоҳот мавжуд эмас. Аммо шарҳланаётган модданинг биринчи ва иккинчи қисмларига киритилган нормаларнинг диспозитивлигини ҳисобга олиб, тўртинчи қисмда ифодаланган норма ҳам диспозитив хусусиятга эга, деб тахмин қилиш мумкин. Шу туфайли ҳам шартномада жўнатиш разнарядкасини тақдим қилмаслик ёки жўнатиш разнарядкасини тақдим қилиш муддатини кечиктириб юбориш, шу жумладан маҳсулот етказиб бериш муддатини кейинги даврга ўтказишнинг бошқача оқибатлари назарда тутилиши мумкин. Жўнатиш разнарядкасини тақдим қилмаслик ёки жўнатиш разнарядкасини ўз вақтида тақдим қилмаслик оқибатларини аниқлашда ФКнинг 256-моддаси қўлланади.

Жўнатиш разнарядкасини тақдим қилиш сотиб олувчи шартномани бажаришни (товарни қабул қилиш ва унинг ҳақини тўлашни) товарни олувчилар — учинчи шахсларга юклашининг айрим кўриниши ҳисобланади (Ўз. Р ФКнинг 241-моддаси). Шу туфайли ҳам товарни қабул қилиш, шартнома лозим даражада бажарилмаганини маҳсулот етказиб берувчига маълум қилиш, товар ҳақини тўлаш ва бошқа мажбуриятларни бажармагани ёки лозим даражада бажармагани учун жавобгарлик сотиб олувчига юкланади.

5. Олувчи — бу сотиб олувчи ўз мажбуриятларининг бир қисмини бажаришни юклаган учинчи шахс. Бинобарин, Ўз. Р ФКнинг 313-моддасига мувофиқ кредитор (маҳсулот етказиб берувчи) олувчидан айрим ҳолларда у иштирок этишга мажбур бўлган товарларни қабул қилиш мажбуриятининг ижросини ҳам, товар ҳақини ҳам қабул қилиши шарт. Аммо бунда жавобгарлик олувчига ўтмайди, Ўз. Р ФКнинг 334-моддасига мувофиқ, башарти, махсус қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотиб олувчининг зиммасида қолади.

442-модда. Товарларни олиб бориб бериш

Товарларни олиб бориб бериш етказиб берувчи томонидан уларни маҳсулот етказиб бериш шартномасида назарда тутилган транспортда ва унда белгиланган шартларда жўнатиш йўли билан амалга оширилади.

Маҳсулот етказиб бериш шартномасида олиб бориб бериш қайси транспорт турида ёки қандай шартларда амалга оширилиши белгиланган бўлмаса, олиб бориб берувчи транспорт турини танлаш ёки товарни олиб бориб бериш шартларини белгилаш ҳуқуқига эга бўлади, башарти қонун ҳужжатларидан, мажбуриятнинг моҳияти ёки иш муомаласи одатларидан бошқача тартиб англашилмаса.

1. Шарҳланаётган модда маҳсулот етказиб бериш шартномасини бажариш усулларини конкретлаштиришга қаратилган ва сотувчининг товарни топшириш мажбуриятини бажариш пайти ва бу мажбуриятни бажариш тартиби ҳақидаги умумий қоидаларни белгиловчи Ўз. Р ФКнинг 390-моддасини маҳсулот етказиб бериш шартномасига нисбатан аниқлаштиради. «Олиб бориб бериш» атамаси модданинг иккинчи қисмида маҳсулот етказиб берувчи товарни сотиб олувчига топшириш мажбуриятини бажаришининг усулларидан бирини, яъни товарларни сотиб олувчига олиб бориб бериш учун транспорт органига топширишни ифодалаш мақсадида қўлланган. Ўз. Р ФКнинг 390-моддасига мувофиқ «олиб бориб бериш» атамаси маҳсулот етказиб берувчи товарни сотиб олувчига турган ерида топширишига ҳам, товарни алоқа ташкилотига сотиб олувчига олиб бориб бериш учун топширишга ҳам қўлланиши мумкин.

2. Маҳсулот етказиб бериш шартномасини бажариш усули энг аввало маҳсулот етказиб берувчи ва сотиб олувчи томонидан шартномада белгиланади. Тарафлар амалиётда маълум бўлган ва шарҳланаётган моддада мустаҳкамланган икки усулдан бирини белгилашлари мумкин: а) товарларни олиб бориб бериш муайян турдаги транспортда (масалан, маҳсулот етказиб берувчининг ташаббуси билан маҳсулот етказиб бериш даврларига мувофиқ темир йўл транспортида) амалга оширилади; б) ё товарни сотиб олувчининг ўзи ёки унинг кўрсатмасига биноан олувчи оморда ёки маҳсулот етказиб берувчи белгилаган бошқа жойда олади ва

сотиб олувчи (олувчи) жойлашган манзилга мустақил равишда транспортда ташиш амалга оширилади.

Иккала ҳолда ҳам шаклланган иш муомаласи одатларига (агар улар шартнома бўйича тарафларнинг манфаатларига мувофиқ келса) амал қилиш мақсадга мувофиқдир.

Қоида тариқасида, бир аҳоли яшайдиган пункт доирасида товарларни етказиб бериш (шаҳар ичида маҳсулот етказиб бериш) автомобиль транспортида амалга оширилади, шаҳардан ташқарига маҳсулот етказиб бериш темир йўл, дарё ёки ҳаво транспортида амалга оширилади.

3. Шартномада транспортда ташиш шартлари назарда тутилган бўлмаса, транспорт турини танлаш ҳуқуқи маҳсулот етказиб берувчига берилган. Бу маҳсулот етказиб бериш тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжатлар учун янги норма, чунки илгари автомобиль ва ҳаво транспортида, яъни қимматроқ транспортда товарларни олиб бориб бериш сотиб олувчининг талабига биноан ёки унинг розилиги билан, шунингдек мажбурий қоидаларда назарда тутилган ҳолларда амалга оширилар эди.

Транспорт турини танлашда иш муомаласи одатлари, шунингдек товарларни олиб бориб бериш харажатлари қайси томон зиммасида эканлиги эътиборга олинishi лозим.

Маҳсулот етказиб берувчининг транспорт турини танлаш ҳуқуқи маҳсулот етказиб бериш шартномасида товарни олиб бориб бериш хусусида ҳеч қандай кўрсатма мавжуд бўлмаган ҳолларда вужудга келади. Табиийки, бундай ҳолларда товарларни олиб бориб бериш маҳсулот етказиб берувчининг ташаббуси билан амалга оширилиши лозим.

Транспорт турини танлашда маҳсулот етказиб берувчи оқилона ва адолат билан ҳаракат қилиши (Ўз. Р ФКнинг 9-моддаси), товарларни олиб бориб бериш бўйича асоссиз харажатларни сотиб олувчига юкламаслиги керак.

Шартномада товарни олиб бориб бериш қайси транспорт турида ёки қандай шартларда амалга оширилиши белгиланган бўлмаса ва шу туфайли ҳам транспорт турини танлаш ёки товарни олиб бориб бериш шартларини белгилаш ҳуқуқига олиб бориб берувчи эга бўлса, олиб бориб бериш харажатлари тарафлар ўртасида шартномага мувофиқ тақсимланади. Бу хусусда бирон-бир кўрсатма мавжуд бўлмаганида ва низолар юзага келганида ушбу масалани суд ҳал қилади.

4. Товарни олиб бориб бериш усулларига қараб маҳсулот етказиб бериш шартномаси тўлиқ ёки қисман бажарилган деб, мулк ҳуқуқи эса — сотиб олувчига топширилган ёки унинг тарафида вужудга келган деб ҳисобланадиган пайтни ҳам таҳлил қилиш лозим. Маҳсулот етказиб берувчининг ташаббуси билан у белгилаган ёки танлаган турдаги транспортда олиб бориб берилганида, мажбурият товар ташувчига уни кредиторга олиб бориб бериш учун топширилган пайтда бажарилган деб ҳисобланади. Товарлар сотиб олувчи ёки олувчи томонидан танлаб олинганида мажбурият товарлар танлаб олиш учун тегишли ва зарурий бўлган, яъни тамғаланган, ўралган, маҳсулот етказиб берувчида мавжуд бўлган тайёр маҳсулотнинг умумий тўпламидан ажратилган ҳолатда тақдим этилган пайтда бажарилган деб ҳисобланади. Шу туфайли ҳам ишлаб чиқарилган ёки сотиб олинган товарни топширишга тайёрлик ҳақида маълум қилиш фақат ахборот-ташқилий функцияни бажаради. Бинобарин, у маҳсулот етказиб берувчи томонидан шундай муддатларда жўнатилиши лозимки, товарни амалда топшириш маҳсулот етказиб беришнинг шартномада белгиланган муддатлари билан мувофиқ келсин. Агар товарларни олиб бориб бериш жадвалларга мувофиқ туркумма-туркум амалга оширилаётган бўлса, хабарнома юбориш шарт эмас.

Сотиб олувчи товарларни ўзи турган жойда олиши муддати (танлаб олиш муддати) маҳсулот етказиб бериш жадвалини келишиш йўли билан назарда тутилиши мумкин (440-моддага шарҳ). Бу ҳолда тайёрлик ҳақида хабар бериш талаб этилмайди, чунки маҳсулот етказиб берувчи товарни сотиб олувчининг ихтиёрига тарафлар белгилаган ва жадвалда қайд этилган муддатда тақдим қилиши шарт.

443-модда. Тўлиқ етказиб берилмаган товарлар ўрнини тўлдириш

Товар етказиб беришнинг айрим даврида уни тўлиқ етказиб бермаган товар етказиб берувчи, агар товар етказиб бериш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, етказиб берилмаган товарлар миқдорини шартнома амал қилиш муддати доирасидаги кейинги даврда (даврларда) тўлдириши лозим.

Узоқ муддатли шартномага мувофиқ товар етказиб беришнинг айрим даврида маҳсулот етказиб берувчи томонидан тўлиқ етказиб

берилмаган товарлар ўрни, агар маҳсулот етказиб бериш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, товарлар тўлиқ етказиб берилмаган йилнинг кейинги даврида (даврларида) тўлдирилиши лозим.

Товарлар маҳсулот етказиб берувчи томонидан маҳсулот етказиб бериш шартномасида ёки сотиб олувчининг жўнатиш разнарядкасида кўрсатилган бир неча олувчига жўнатиш тақдирда бир олувчига шартномада ёки жўнатиш разнарядкасида назарда тутилганидан ортиқ миқдорда етказиб берилган товарлар бошқа олувчиларга тўлиқ етказиб берилмаган товарлар ўрнини қоплаш учун ҳисобга олинмайди ва агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, товар етказиб берувчи томонидан тўлдирилиши лозим.

1. Шарҳланаётган моддада товарлар тўлиқ етказиб берилмаганида қўлланиладиган қоидалар ифодаланган. Бунда тўлиқ етказиб бермаслик деганда, маҳсулот етказиб бериш шартномасини лозим даражада бажармасликнинг икки турини тушуниш лозим: 1) шартлашилган миқдордаги товарни муддатларни бузган ҳолда етказиб бериш (товарни ўз вақтида етказиб бермаслик, яъни шартномада белгиланган муддатда товар умуман етказиб берилмагани); 2) товарларни етказиб бериш муддатлари ёки даврларига риоя қилган ҳолда, лекин шартномада кўзда тутилганидан камроқ миқдорда етказиб бериш. Бу ҳолатларнинг иккаласи ҳам «тўлиқ етказиб бермаслик» тушунчасига бирлаштирилгани табиий бир ҳолдир, чунки бунда сотиб олувчи белгиланган муддатда зарур миқдордаги товарга эга бўлмайди. Айни пайтда, маҳсулот етказиб бериш ҳам муддат, ҳам миқдор тўғрисидаги шартларни бузиб амалга оширилиши ҳам мумкин.

2. Шарҳланаётган моддада белгиланган қоидага мувофиқ, товар етказиб беришнинг айрим даврида маҳсулот етказиб берувчи томонидан тўлиқ етказиб берилмаган товарлар ўрни товарлар тўлиқ етказиб берилмаган йилнинг кейинги даврида тўлдирилиши лозим. Бу товарларни тўлиқ етказиб бермаганлик ёки етказиб бериш муддатини кечиктириб юборганлик учун неустойкани ҳисоблашда биринчи даражали аҳамият касб этади (Ўз. Р ФКнинг 454-моддаси).

Тўлиқ етказиб бермаслик ё маҳсулот етказиб берувчи етказиб бериш даврида товарларни шартномада белгиланганидан камроқ миқдорда

топширишида, ё шартномада белгиланган миқдордаги товарларнинг ҳаммасини топшириш мажбуриятини бажармасликда ифодаланади. Тўлиқ етказиб бермаслик нафақат миқдор тўғрисидаги шартлар, балки муддат тўғрисидаги шартлар ҳам бузилганини англатади, бинобарин, у айна пайтда маҳсулот етказиб бериш муддатини кечиктириб юбориш ҳам ҳисобланади. Маҳсулот етказиб бериш муддатини кечиктириб юбориш атамаси одатда миқдор бўйича мажбуриятни муддатни бузган ҳолда бажариш ҳолатига қўлланади.

3. Шарҳланаётган моддада бир олувчига меъёрдан ортиқ миқдорда етказиб берилган товарларни бошқа олувчига нисбатан мажбуриятлар ҳисобига ўтказиш тақиқлангани табиий бир ҳолдир. У маҳсулот етказиб берувчини интизомга риоя қилишга ва уни маҳсулот етказиб бериш мажбуриятини шартномада белгиланганидек (масалан, унча катта бўлмаган туркумлар билан) бажаришга мажбурлашни назарда тутди. Акс ҳолда маҳсулот етказиб берувчи товарларни сотиб олувчилар (олувчилар) нинг ҳаммасига жўнатиш бўйича ўз мажбуриятларини улардан бирига юклагандек бўлиб чиқар эди. Ваҳоланки, бунга йўл қўйилиши мумкин эмас. Маҳсулот етказиб бериш шартномасида бу қоидадан истисно ҳолат назарда тутилиши ҳам мумкин. Масалан, олувчиларнинг барчаси бир ерда жойлашган ва муайян мажбуриятлар билан боғланган ҳолларда шундай қилиш мақсадга мувофиқдир.

4. Шартномага мувофиқ белгиланган муддатларда амалга ошириладиган товарларни етказиб бериш, энг аввало, сотиб олувчи ёки олувчининг эҳтиёжларини қондириши лозим.

Шартлашилган муддатдан сўнг сотиб олувчи у ёки бу товарни олишдан манфаатдор бўлмаслиги ёки товар унга керак бўлмаслиги ҳам мумкин. Бундай ҳолларда сотиб олувчи маҳсулот етказиб берувчини хабардор қилган ҳолда товардан воз кечиши мумкин.

5. Тўлиқ етказиб берилмаган товарлар ўрнини тўлдириш мажбурияти шартноманинг амал қилиш муддати мобайнида сақланиб қолади. Узок муддатли маҳсулот етказиб бериш шартномасида тарафлар тўлиқ етказиб берилмаган товарлар ўрнини тўлдиришнинг чегаравий муддатини ушбу шартларни шартнома мазмунига киритиш орқали чеклашга ҳақли. Шарҳланаётган модданинг диспозитив хусусиятидан шартномага маҳсулот етказиб берувчининг товарларнинг етказиб берилмаган миқдори ўрнини

сотиб олувчининг розилигисиз тўлдириш мажбуриятини истисно қилувчи шарт киритиш имконияти ҳам келиб чиқади.

444-модда. Етказиб бериш муддати ўтказиб юборилган товарларни қабул қилишни рад этиш

Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотиб олувчи, товар етказиб берувчини хабардор қилган ҳолда, етказиб бериш муддати ўтказиб юборилган товарларни қабул қилишни рад этишга ҳақли. Товар етказиб берувчи билдириш хатини олгунча етказиб берилган товарларни сотиб олувчи қабул қилиши ва уларнинг ҳақини тўлаши лозим.

1. Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотиб олувчи, товар етказиб берувчини хабардор қилган ҳолда, етказиб бериш муддати ўтказиб юборилган товарни қабул қилишни рад этишга ҳақли.

Товар етказиб берувчи билдириш хатини олгунча етказиб берилган товарни сотиб олувчи қабул қилиши ва унинг ҳақини тўлаши лозим.

Сотиб олувчи товарларни олишдан бош тортиши ҳақида маҳсулот етказиб берувчини ёзма тарзда хабардор қилиши шарт. Рад этиш ҳақида хабарнома юборилмаганда муддатнинг ўтказиб юборилгани факти ўз-ўзича сотиб олувчига маҳсулот етказиб бериш муддати тугаганидан сўнг, лекин шартноманинг амал қилиш муддати доирасида жўнатишган товарларни қабул қилишни рад этиши ва уларнинг ҳақини тўлашдан бош тортиш ҳуқуқини бермайди.

2. Агар етказиб бериш муддатини ўтказиб юбориш сотиб олувчининг айби билан юз берган бўлса, у ўзининг бундай товарларни қабул қилишдан бош тортиш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин эмас. Агар етказиб бериш муддатини ўтказиб юбориш сотиб олувчи аккредитив тақдим этиш, ҳақни олдиндан тўлаш ва бошқа мажбуриятларни бажармаганлиги туфайли юз берган бўлса, суд амалиётида сотиб олувчининг товарни қабул қилишдан бош тортиш ва товарларга келгуси етказиб бериш даврида ҳақ тўлаш ҳуқуқи тан олинмайди.

Агар шартномада товарларни аниқ белгиланган муддатда етказиб бериш назарда тутилган бўлса ёки шартномадан уни бажариш муддати бузилганида сотиб олувчида шартномага қизиқиш йўқолиши аниқ англа-

шилса (масалан, янги йил арчалари, муайян байрамга совғаларни етказиб бериш), етказиб бериш муддатини ўтказиб юбориш тўғрисидаги масалага бошқача ёндошув талаб этилади.

445-модда. Тўлиқ етказиб берилмаган товарлар ўрнини тўлдириганда уларнинг ассортименти

Тўлиқ етказиб берилмаган товарларнинг ўрни тўлдирилиши керак бўлганида уларнинг ассортименти тарафлар келишуви билан белгиланади. Бундай келишув бўлмаганида маҳсулот етказиб берувчи тўлиқ етказиб берилмаган товарлар ўрнини тўлиқ етказиб бермасликка йўл қўйилган давр учун белгиланган ассортиментда тўлдиришга мажбур.

Бир номдаги товарларни маҳсулот етказиб бериш шартномасида назарда тутилгандан кўпроқ миқдорда етказиб бериш шу ассортиментга кирадиган бошқа номдаги тўлиқ етказиб берилмаган товарлар ўрнини тўлдириш сифатида ҳисобга олинмайди ва унинг ўрни тўлдирилиши лозим, бундай етказиб бериш сотиб олувчининг олдиндан берган ёзма розилиги билан амалга оширилган ҳоллар бундан мустасно.

1. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида тўлиқ етказиб берилмаган товарлар ўрнини тўлдириш тартиби, Ўз. Р ФК 443-моддасининг иккинчи қисмида эса тўлдириш муддатлари белгиланган. Тўлиқ етказиб берилмаган товарларнинг ўрни тўлдирилиши керак бўлганида уларнинг ассортименти тўғрисидаги қоида тарафлар уларнинг ассортименти келишиш ҳуқуқидан фойдаланмаган ҳолдагина қўлланади. Шарҳланаётган модданинг диспозитив хусусияти сотиб олувчига тўлиқ етказиб берилмаган товарларнинг ўрни тўлдирилиши керак бўлганида уларнинг ўз эҳтиёжларига мос келадиган ассортиментини келишиш ёки тўлиқ етказиб берилмаган товарлар ўрнини тўлдиришдан воз кечиш имкониятини беради.

2. Етказиб берилаётган товарлар ассортименти шартномада етказиб бериш даврларига бўлинган ҳолда назарда тутилиши лозим. Тўлиқ етказиб берилмаган товарлар ўрни кейинги даврда тўлдирилганида етказиб бериладиган товарлар ассортименти қандай бўлиши керак — аввалги даврдагига мос келиши керакми ёки тўлдириш амалга оширилаётган

даврдагигами, деган савол туғилади. Шарҳланаётган моддада барча турдаги товарлар учун ягона тартиб белгиланган: ўрни тўлдирилиши керак бўлган товарлар ассортименти тўлиқ етказиб бермасликка йўл қўйилган давр билан белгиланади. Агар тарафлар бу қоидани ўзгартирмоқчи бўлсалар, шартномада бошқача қоидани ёки тўлдиришнинг аниқ ассортиментини назарда тутишлари лозим.

3. Ассортимент тўғрисидаги шартлар бузилиши натижасида юзага келувчи ассортимент бўйича оғишлар, чекинишлар ҳам сотиб олувчининг ҳуқуқларини бузиши мумкин. Шу туфайли ҳам қонунда бир номдаги товарларни шу ассортиментга кирадиган бошқа номдаги тўлиқ етказиб берилмаган товарлар ўрнини тўлдириш сифатида ҳисобга олиш мумкин эмаслиги назарда тутилган. Аммо сотиб олувчининг касбий фаолияти доираси кенглиги туфайли уни бир турдаги товарлар қаноатлантириши мумкин бўлган вазият юзага келиши ҳам мумкин.

Бир номдаги товарларни шу ассортиментга кирадиган бошқа номдаги тўлиқ етказиб берилмаган товарлар ўрнини тўлдириш сифатида ҳисобга олиш фақат сотиб олувчининг олдиндан берган ёзма розилиги билан амалга оширилиши мумкин. Ёзма розилик ассортимент маҳсулот етказиб берувчининг ташаббуси (таклифи) билан алмаштирилганида ҳам, ташаббус сотиб олувчидан чиққанида ҳам талаб этилади, чунки бундай келишув моҳият эътибори билан шартноманинг товарлар ассортименти тўғрисидаги шартларини ўзгартириш ҳисобланади.

4. Маҳсулот етказиб берувчи етказиб берилаётган товарлар ассортиментини бузган ҳолда сотиб олувчи Ўз. Р ФКнинг 401-моддаси қоидаларига амал қилади. Чунончи, сотиб олувчи ассортимент тўғрисидаги шартларга мос келмайдиган товарларни ҳам, топширилган барча товарларни ҳам қабул қилишдан бош тортишга ҳақли. Бундай бош тортиш мажбуриятни бажаришдан бош тортиш ҳисобланмайди ва шартнома бекор қилинишига сабаб бўлмайди. Бу ҳолда сотиб олувчи товарларнинг бутун туркумини тўлиқ етказиб бермаганлик учун неустойка тўлашни талаб қилишга ҳақли. Агар сотиб олувчи ассортимент тўғрисидаги шартга мос келмайдиган товарларни қабул қилишдан бош тортмаган ва бу номдаги товарларни етказиб бериш шартномага биноан етказиб беришнинг кейинги даврларида амалга оширилиши лозим бўлса, мазкур товарлар шу даврларнинг ҳажмларига қўшиб ҳисобланмайди.

446-модда. Товарларнинг сотиб олувчи томонидан қабул қилиниши

Сотиб олувчи (олувчи) шартномага мувофиқ етказиб берилган товарларнинг қабул қилинишини таъминлайдиган барча зарур ҳаракатларни амалга ошириши лозим.

Сотиб олувчи (олувчи) ўзи қабул қилган товарни қонун ҳужжатларида, маҳсулот етказиб бериш шартномасида ёки иш муомаласи одатларида белгиланган муддатда кўздан кечириши лозим.

Сотиб олувчи (олувчи) худди шу муддатда қабул қилинган товарларнинг миқдори ва сифатини қонун ҳужжатларида, маҳсулот етказиб бериш шартномасида ёки иш муомаласи одатларида белгиланган тартибда текшириши ва товарнинг аниқланган номувофиқликлари ва камчиликлари тўғрисида товар етказиб берувчини дарҳол ёзма равишда хабардор қилиши лозим.

Етказиб берилган товарлар транспорт ташкилотидан олинган тақдирда сотиб олувчи (олувчи) товарларнинг транспорт ва юк ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларга мувофиқлигини текшириши, шунингдек бу товарларни транспорт ташкилотидан белгиланган қоидаларга риоя этган ҳолда қабул қилиши лозим.

1. Шарҳланаётган моддада сотиб олувчининг шартнома шартларига мувофиқ етказиб берилган (топширилган) товарларни қабул қилиш, шунингдек уларни кўздан кечириш, қабул қилинган товарлар миқдори ва сифатини текшириш мажбурияти белгиланган.

Маҳсулот етказиб бериш шартномасида етказиб берувчининг товарни ишлаб чиқариш, сотиб олиш ва топшириш мажбурияти сотиб олувчининг уни қабул қилиш мажбурияти билан узвий боғлиқ. Етказиб бериш чоғида маҳсулот ва товарларнинг сақланишини таъминлаш, олувчилар уларни ўз вақтида ва тўғри қабул қилишлари учун шароит яратиш мақсадида жўнатувчи қуйидагиларни таъминлаши шарт: а) маҳсулотни ўраш ва идишларга қуйиш, тамғалаш ва айрим жойларни пломбалашнинг белгиланган қоидаларига қатъий риоя қилиш; б) жўнатиш маҳсулот миқдорини (оғирлик, ўринлар, кутилар, коплар, тахламлар ва ҳоказолар сонини) аниқ белгилаш; в) маҳсулотни унинг номи ва миқдорини кўрсатувчи тегишли ҳужжатлар билан таъминлаш; г) жўнатиш ва ҳисоб-китоб ҳужжатларини

аниқ ва тўғри расмийлаштириш; д) юкларни ташиш учун топшириш, уларни юклаш ва маҳкамлашнинг амалдаги қоидаларига қатъий риоя қилиш; е) жўнатилаётган маҳсулот миқдорини аниқлаш ва унга жўнатиш ва ҳисоб-китоб ҳужжатларини расмийлаштириш билан банд бўлган шахслар ишини мунтазам назорат қилиш.

2. Қабул қилинган товарлар сифатини текшириш тартиби шартномада текшириш тўғрисидаги тегишли шартларни киритиш ёки текшириш тартибини белгилловчи стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар (давлат стандартлари, корхоналарнинг стандартлари ва ш.к.)ни шартномада кўрсатиш йўли билан белгиланиши мумкин.

3. Идишсиз, усти очиқ идишда етказиб берилаётган маҳсулотни қабул қилиш, шунингдек идишда етказиб берилаётган маҳсулотни брутто оғирлиги ва ўринлар сонига кўра қабул қилиш қуйидагича амалга оширилади: а) олувчининг омборида — маҳсулотни етказиб берувчи олиб бориб берганида; б) маҳсулот етказиб берувчининг омборида — маҳсулотни олувчи олиб чиқиб кетганида; в) пломбаланган транспорт воситалари ва контейнерларни очиш жойида ёки пломбаланмаган транспорт воситалари ва контейнерлардаги юкларни тушириш жойида ёхуд транспорт идорасининг омборида — темир йўл, сув, ҳаво ёки автомобиль транспорти идораси маҳсулотни олиб бориб берганида.

Транспортда амалда бўлган қоидаларга мувофиқ, олувчи транспорт органидан тижорат далолатномаси тузишни (товар-транспорт юкхатида белги қўйишни ёки далолатнома тузишни — юк автомобиль транспортида олиб бориб берилганида) талаб қилиши шарт.

4. Мавжуд амалиёт ва иш муомаласи одатларига мувофиқ маҳсулотни қабул қилиш қуйидаги муддатларда амалга оширилади: а) идишсиз, усти очиқ идишда ва шикастланган идишда келган маҳсулотни — у етказиб берувчидан ёки транспорт идорасининг омборидан олинган пайтда ёки пломбаланган транспорт воситалари ва контейнерларни очиш ва пломбаланмаган транспорт воситалари ва контейнерлардан юкни тушириш пайтида, лекин улардан юкни тушириш учун белгиланган муддатлардан кечиктирмасдан; б) соз идишда келган маҳсулотни: брутто оғирлиги ва ўринлар сонига кўра — олиш пайтида, нетто оғирлиги ва ҳар бир ўриндаги товар бирликлари миқдорига кўра — идишни очиш билан бир пайтда, лекин 10 кундан кечиктирмасдан, тез бузиладиган

маҳсулот бўйича эса маҳсулот олинган пайтдан бошлаб 24 соатдан кечиктирмасдан.

5. Савдо ташкилотлари товарлар сифати текширилган ёки текширилмаганидан қатъи назар товарларни чакана савдога тайёрлаш чоғида ёки чакана сотиш пайтида товар олинганидан кейин тўрт ой мобайнида аниқланган ишлаб чиқариш нуқсонлари тўғрисида далолатнома тузиш ҳуқуқига эга.

Маҳсулотнинг яширин нуқсонлари тўғрисидаги далолатнома улар аниқланганидан сўнг беш кун мобайнида, лекин маҳсулот яширин камчиликларни аниқлаган олувчининг омборига келган санадан эътиборан тўрт ойдан кечиктирмасдан тузилиши лозим, тарафлар учун мажбурий қоидаларда бошқача муддатлар белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

6. Сотиб олувчи транспорт ташкилотидан товарлар олган тақдирда, товарларни юк ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларга мослигини текшириши лозим ҳамда товарларни транспорт уставларида белгиланган тартибда қабул қилиши керак.

Ташиш пайтида товарлар йўқолгани ва (ёки) шикастлангани ёки амалда олинган товарлар миқдори юк ҳужжатлари билан мувофиқ эмаслиги аниқланган барча ҳолларда сотиб олувчи ташувчидан тижорат далолатномаси тузишни талаб қилиши лозим.

447-модда. Сотиб олувчи қабул қилмаган товарни масъулиятли сақлаш

Сотиб олувчи (олувчи) қонун ҳужжатларига ёки маҳсулот етказиб бериш шартномасига мувофиқ маҳсулот етказиб берувчи топширган товарни рад этган тақдирда у бу товарнинг бут сақланишини таъминлаши (масъулиятли сақлаш) ва бу ҳақда товар етказиб берувчини дарҳол хабардор қилиши шарт.

Маҳсулот етказиб берувчи сотиб олувчи (олувчи) масъулиятли сақлашга олган товарни олиб чиқиб кетиши ёки оқилона муддат ичида тасарруф этиши шарт. Агар маҳсулот етказиб берувчи шу муддатда товарни тасарруф этмаса, сотиб олувчи товарни реализация қилишга ёки маҳсулот етказиб берувчига қайтариб юборишга ҳақли.

Сотиб олувчининг товарни масъулиятли сақлашга қабул қилиш, товарни реализация қилиш ёки уни маҳсулот етказиб берувчига қайтариб юбориш билан боғлиқ зарур харажатлари маҳсулот етказиб берувчи томонидан қопланиши лозим. Бунда товарни реализация қилишдан тушган пул суммаси, сотиб олувчига тегишли қисми чегириб қолинган ҳолда, маҳсулот етказиб берувчига топширилади.

Сотиб олувчи қонун ҳужжатларида ёки шартномада белгиланган асосларсиз маҳсулот етказиб берувчидан товарни қабул қилиб олмаган ёки товарни рад этган ҳолларда маҳсулот етказиб берувчи сотиб олувчидан товар ҳақини тўлашни талаб қилишга ҳақлидир.

1. Шарҳланаётган моддада сотиб олувчи товарни қабул қилишдан асосли бош тортганида тарафларнинг ҳуқуқлари ва бурчлари белгиланган. Бундай бош тортиш турли асослар, масалан, товарни янглиш етказиб бериш, керагидан ортиқ миқдорда етказиб бериш ва ҳоказоларга кўра юзага келиши мумкин.

Қонун бу ҳолда товарнинг бут сақланиши ҳар қандай шароитда таъминланиши лозимлигидан келиб чиқади. Бунинг учун сотиб олувчининг товарни масъулиятли сақлашга қабул қилиш мажбурияти назарда тутилган. Бунда масъулиятли сақлаш билан боғлиқ барча харажатлар маҳсулот етказиб берувчи зиммасига юкланади. Бундан ташқари, сотиб олувчи масъулиятли сақлаш режими жорий этилгани ҳақида маҳсулот етказиб берувчини хабардор қилиши шарт.

2. Хабарни олгач, маҳсулот етказиб берувчи товарни олиб чиқиб кетиши ёки уни оқилона муддатда тасарруф этиши лозим. Бу оқилона муддат товарнинг тури, у ёки бу хабарларни беришнинг давомлилиги, товар тақдири ҳақида қарор қабул қилиш учун зарур муддатга қараб белгиланиши даркор.

Оқилона муддат чексиз бўлиши мумкин эмаслиги, сақлаш эса серчиқим операция ҳисоблангани боис, муддат тугаганидан сўнг сотиб олувчи товарни мустақил тасарруф қилиш, тушган пуллардан ўзининг сақлаш харажатларини қоплаш ҳуқуқига эга, пулларнинг қолган қисмини эса у маҳсулот етказиб берувчига топшириши шарт.

Масъулиятли сақлашнинг моҳияти шундаки, сотиб олувчи товар барча параметрлар, масалан, температура, жойлаштириш ва ҳоказолар бўйича бут сақланишини таъминлаши лозим.

3. Маҳсулот етказиб берувчи масъулиятли сақлашда бўлган товарни олиб чиқиб кетиш ёки уни тасарруф қилиш мажбуриятини бузганида, сотиб олувчида ё товарни реализация қилиш, ё уни маҳсулот етказиб берувчига қайтариш ҳуқуқи вужудга келади. Бундан ташқари, сотиб олувчи маҳсулот етказиб берувчидан товарларни қабул қилиш, сотиш ёки қайтариш чоғида қилинган харажатларни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

4. Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисмида сотиб олувчи қонун ҳужжатларида ёки шартномада белгиланган асосларсиз товарни қабул қилиб олмаган ёки товарни рад этган ҳолларда маҳсулот етказиб берувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш воситалари назарда тутилган. Сотиб олувчи товарни рад этгани аниқ ифодаланган бўлиши лозим.

Сотиб олувчи қонун ҳужжатларида ёки шартномада белгиланган асосларсиз товарни қабул қилиб олмаган ёки товарни рад этган ҳолларда маҳсулот етказиб берувчи сотиб олувчидан товар ҳақини тўлашни талаб қилишга, талаб қаноатлантирилмаган ҳолда эса — тегишли даъво билан судга арз қилишга ҳақли.

448-модда. Товарларни танлаб олиш

Агар маҳсулот етказиб бериш шартномасида сотиб олувчи (олувчи) нинг етказиб берувчи жойлашган ерда товарларни танлаб олиши назарда тутилган бўлса, сотиб олувчи (олувчи) ўзига топшириладиган товарларни улар топшириладиган жойда кўздан кечириши лозим. Товарларнинг шартномага номувофиқлиги аниқланганда, у бундай товарларни олишдан бош тортишга ҳақли.

Сотиб олувчи (олувчи)нинг товарларни маҳсулот етказиб бериш шартномасида белгиланган муддатда, бундай муддат белгиланмаган бўлса, товарларнинг тайёрлиги тўғрисида маҳсулот етказиб берувчининг билдириш хатини олганидан сўнг оқилона муддатда танлаб олмаслиги маҳсулот етказиб берувчига шартномани бажаришдан бош тортиш ёки сотиб олувчидан товарлар ҳақини тўлашни талаб қилиш ҳуқуқини беради.

1. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида сотиб олувчининг маҳсулот етказиб берувчи унга улар турган жойда (товарларни танлаш

пайтида) топширилаётган товарларни кўздан кечириш мажбуриятини назарда тутати. Бу ҳолда кўздан кечириш муддати ва товарларни топшириш муддати мос келади.

Товарни топшириш жойида уни қабул қилиш ва кўздан кечиришда сотиб олувчи шартноманинг миқдор, ассортимент, бутлик, идиш ва (ёки) ўраш тўғрисидаги шартларига товарнинг мувофиқлигини аниқлайди. Агар сотиб олувчи топширилаётган товарларнинг шартномага номувофиқлигини аниқласа, у шартномадан чекиниш ҳолларини бартараф этишни талаб қилиш ёки бундай товарларни олишдан бош тортишга ҳақли. Масалан, сотиб олувчи товарни қабул қилиш ва кўздан кечириш чоғида ўзига шартномада белгиланган миқдордан кам товар топширилганини аниқлаган бўлса, у ё товарнинг етишмаётган миқдорини топширишни талаб қилишга, ё топширилган товардан ва унинг ҳақини тўлашдан бош тортишга ҳақли (Ўз. Р ФКнинг 399-моддаси). Товар шартлашилган ассортиментни бузган ҳолда топширилганида ҳам шундай оқибатлар юз беради. Ўз. Р ФКнинг 401-моддаси сотиб олувчига фақат ассортимент тўғрисидаги шартга мос келувчи товарни қабул қилиш ва қолган товарларни қабул қилишдан бош тортиш ёки ушбу моддада назарда тутилган ҳаракатларнинг бошқача вариантини танлаш ҳуқуқини беради.

2. Шарҳланаётган модда Ўз. Р ФКнинг товарларнинг сотиб олувчи томонидан қабул қилиниши тартибини белгиловчи 446-моддаси билан бевосита боғлиқ. Бу ерда шартномада товарларни танлаб олиш назарда тутилган ҳолдаги ҳуқуқий муносабатлар тартибга солинади ва товарни маҳсулот етказиб берувчи турган жойда қабул қилиш тартиби белгиланади.

Маҳсулот етказиб берувчи турган жойда товарларни тўлиқ етказиб бермаслик ёки тегишли бўлмаган ассортимент ёки сифатли товарларни етказиб бериш ҳолларини бартараф этиш учун айниқса тежамли шароитлар мавжуд бўлгани боис, сотиб олувчига товарларни улар топширилаётган жойда кўздан кечириш мажбурияти юкланган. Кўздан кечириш, агар товарлар миқдори имкон берса, тўлиқ ёки танлаш асосида, таклиф қилинаётган товарлар тўплами орасидан айрим нусхаларни кўздан кечириш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

3. Товарларни танлаб олиш тўғрисидаги шарт шартномага киритилган бўлса, у сотиб олувчининг муайян мажбуриятларига сабаб бўлади. Бинобарин, маҳсулот етказиб берувчининг ҳуқуқларини таъминловчи ва сотиб олувчини

ўз мажбуриятларини бажаришга рағбатлантирувчи ҳуқуқий воситалар талаб этилади. Гап шундаки, маҳсулот етказиб берувчи тадбиркор сифатида товарнинг доимий ҳаракатини, бинобарин, сақлаш учун жойларнинг тўлиши ва бўшабини ҳисобга олган ҳолда ўз фаолиятини режалаштиради. Шу туфайли ҳам у сотиб олувчи ёки олувчи шартномада назарда тутилган товарни ўз вақтида танлаб олишини талаб қилишга ҳақли. Агар улар ўз мажбуриятларини бажармаса, маҳсулот етказиб берувчи ўз ихтиёрига кўра ё шартномани бажаришдан бош тортиши ва етказиб беришга тайёрлаб қўйилган товарларни бошқа харидорларга реализация қилиши, ё товар ҳақини тўлашни талаб қилиши мумкин. Агар маҳсулот етказиб берувчи товарни сақлаш муносабати билан қўшимча харажатлар қилган бўлса, у мажбуриятни ўз вақтида бажармаганлик учун жавобгарлик чораси сифатида ушбу харажатларни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

4. Сотиб олувчи товарларни шартномада белгиланган муддатда, бундай муддат белгиланмаган бўлса, товарларнинг тайёрлиги тўғрисида маҳсулот етказиб берувчининг билдириш хатини олганидан сўнг оқилона муддатда танлаб олмаса, маҳсулот етказиб берувчи шартномани бажаришдан бош тортишга ҳақли. Аммо давомли муносабатларда, яъни товарлар шартноманинг амал қилиш муддати мобайнида туркум-туркум қилиб етказиб берилганида, маҳсулот етказиб берувчи шартномани бажаришдан қисман, яъни товарларнинг фақат сотиб олувчи олиши (танлаши) лозим бўлган қисмини топширишдан бош тортишга ҳақли.

5. Маҳсулот етказиб берувчи товарлар топширишга тайёрлиги тўғрисида маҳсулот етказиб бериш даври мобайнида хабар бермаганида ёки топшириш жойида шартнома шартларига мос келувчи товарлар бўлмаганида Ўз. Р ФКнинг 443-моддасида назарда тутилган товарларни тўлиқ етказиб бермаслик ва етказиб бериш муддатини ўтказиб юборганлик оқибатлари юз беради, яъни сотиб олувчи тўлиқ етказиб берилмаган товарлар ўрнини тўлдиришни талаб қилишга ёки товарларнинг тегишли даврда ўз ихтиёрига берилиши лозим бўлган қисмини рад этишга ҳақли.

449-модда. Етказиб бериладиган товарлар учун ҳисоб-китоблар

Сотиб олувчи етказиб бериладиган товарлар ҳақини шартномада назарда тутилган ҳисоб-китоблар тартиби ва шаклига амал қилган

ҳолда тўлайди. Агар тарафлар келишуввида ҳисоб-китоблар тартиби ва шакли белгиланмаган бўлса, ҳисоб-китоблар тўлов топшириқномалари билан амалга оширилади.

Агар шартномада товарларни тўпламга кирадиган алоҳида қисмлар бўйича етказиб бериш назарда тутилган бўлса, сотиб олувчи товарлар ҳақини, башарти шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тўпламга кирадиган сўнгги қисм жўнатилганидан (танлаб олинганидан) кейин тўлайди.

Агар маҳсулот етказиб бериш шартномасида товарлар ҳақи олувчи (тўловчи) томонидан тўланиши назарда тутилган бўлса ва у ҳақ тўлашдан асоссиз бош тортса ёки товарлар ҳақини шартномада белгиланган муддатда тўламаган бўлса, етказиб берувчи сотиб олувчидан етказиб берилган товарлар ҳақини тўлашни талаб қилишга ҳақли.

1. Маҳсулот етказиб бериш шартномасида товарлар ҳақини тўлаш муддатлари ва тартиби биринчи даражали аҳамият касб этади. Бунда товар ҳақини у топширилишидан олдин ҳам ёки у топширилганидан кейин ҳам тўлаш назарда тутилиши мумкин.

Агар шартномада товарлар ҳақини олдиндан (сотувчи уларни топширгунга қадар) тўлаш назарда тутилган бўлса, тарафлар тўлов муддатини назарда тутаётиб пул суммаси маҳсулот етказиб берувчининг ҳисоб-китоб варағига келиб тушган кундан бошлаб ҳисобланадиган товарларни топширишнинг аниқ муддатини белгилашлари мумкин.

Ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган товарларни етказиб беришда тарафлар шартномада ҳақ тўлаш тартиби ва муддатларини белгилайдилар. Бу шартлар Ўз. Р ФКнинг 422-моддасида муҳим шартлар сифатида эътироф этилган.

Шартномада товар ҳақини олдиндан тўлаш, насияга сотилган товар ҳақини тўлаш ёки товар ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш тўғрисидаги шартлар бўлмаган ҳолда, товар ҳақини тўлаш Ўз. Р ФК 419-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ товар топширилганидан сўнг амалга оширилади.

Агар тарафлар ҳисоб-китоб тартиби ва шаклини белгиламаган бўлсалар, ҳисоб-китоблар тўлов топшириқномалари билан амалга оширилади.

2. Товар ҳақини тўлаш муддатлари, қоида тариқасида, шартномада белгиланади ва календарь кунларида эмас, банк кунларида ҳисобланади. Агар тўлов муддати шартномада ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда

тутилган бўлмаса, тўловни амалга ошириш мажбурияти бевосита товар олиншидан олдин ёки кейин вужудга келади (Ўз. Р ФКнинг 419-моддаси).

Товарни етказиб бериш сотиб олувчининг розилиги билан муддатидан илгари амалга оширилаётган ҳолларда, тўловни амалга ошириш муддатлари муддатидан илгари етказиб беришга розилик тўловнинг бошқача муддатларига киритилган-киритилмаганига боғлиқ бўлади. Агар шартномада ёки муддатидан илгари етказиб беришга розилиқда тўлов муддати ҳақида кўрсатма мавжуд бўлмаса, сотиб олувчи товарлар олинган пайтдан бошлаб кейинги кундан кечиктирмасдан товарлар ҳақини тўлаш учун зарур ҳаракатларни бажариши шарт.

3. Агар сотиб олувчи қабул қилинган товар ҳақини тўлашни амалга оширган бўлмаса, маҳсулот етказиб берувчи товар кийматинигина эмас, балки тўловни кечиктирганлик учун пеня тўлашни ҳам талаб қилишга ҳақли. Шартномада сотувчи товарни топширган кундан бошлаб сотиб олувчининг товар баҳосига тенг бўлган суммага фоизлар тўлаш мажбурияти назарда тутилиши мумкин. Товар ҳақини тўлаш амалга оширилган кунга қадар (агар шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса) ундириладиган мазкур фоизлар Ўз. Р ФКнинг 748-моддасига мувофиқ тижорат кредити учун тўлов ҳисобланади.

4. Воситачилик ташкилотлари билан шартнома тузилган ҳолда маҳсулот етказиб берувчи шартномада ёки сотиб олувчининг жўнатиш разнарядкасида кўрсатилган товарларнинг олувчилари билан бевосита ҳисоб-китобларни амалга ошириши мумкин. Сотиб олувчи товарлар ҳақини тўлашни учинчи шахс — товарларни олувчи ҳисобланмайдиган тўловчига юклаш ҳуқуқига ҳам эга.

Ўз. Р ФКнинг 334-моддасига мувофиқ олувчи (тўловчи) товар ҳақини тўлашдан асоссиз бош тортгани учун ва тўлов муддатини кечиктириб юборганлик учун сотиб олувчи жавобгар бўлади, яъни олувчи (тўловчи) товар ҳақини тўламаган тақдирда сотиб олувчи унинг ҳақини тўлаши шарт.

Сотиб олувчининг товар ҳақини тўлаш мажбурияти қуйидаги ҳолларда вужудга келади: а) олувчи (тўловчи) топширилган товар ҳақини тўлашдан асоссиз бош тортганида; б) товар ҳақини тўлашни кечиктириб юборганида; в) тўлашдан бўйин товлаганида (ҳақни олдиндан тўлашни амалга оширмаганида ва х.к.).

Агар маҳсулот етказиб берувчи сотиб олувчи билан тузилган шартнома шартларига риоя қилган бўлса, олувчининг (тўловчининг) товар ҳақини тўлашдан бош тортиши ёки бўйин товлаши асоссиз деб топилади.

5. Бутлиги шартномада белгиланган товарлар ёки товарлар тўплами етказиб берилганида, тарафлар товарларни алоҳида қисмлар бўйича етказиб беришни, шунингдек тўплагма кирувчи ҳар бир қисм ҳақини тўлашни назарда тутишлари мумкин. Алоҳида қисмлар бўйича етказиб бериладиган товар ҳақини тўлаш тартиби шартномада белгиланган бўлмаса, шарҳланаётган модданинг учинчи қисмида назарда тутилган қоида қўлланади.

6. Товар ҳақини тўлаш мажбурияти олувчига юкланган бўлса, бу сотиб олувчи ушбу мажбуриятдан озод қилинганини англамайди. Аммо у олувчи тўловни амалга оширмаган ҳолдагина мажбуриятни бажариши лозим.

450-модда. Идишлар ва ўраш материалларини қайтариш

Агар маҳсулот етказиб бериш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, сотиб олувчи (олувчи) товар келтирилган кўп марта ишлатиладиган идиш ва ўраш материалларини етказиб берувчига қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва муддатларда қайтариши шарт.

Бошқа идиш ва ўраш материаллари фақат маҳсулот етказиб бериш шартномасида назарда тутилган

1. Идишлар ва ўраш материалларини қайтариш маҳсулот етказиб бериш шартномасининг шартларидан ҳисобланади. Товарларнинг тегишлича идишлар ва ўраш материалларида етказиб берилиши учун ташиш пайтида лозим тарзда сақланишини таъминлайди, ортиш, тушириш ва сақлаш пайтида бузилишидан ҳамда товарга зарар етказилишидан асрайди.

Илгари амалда бўлган тартибдан фарқли ўлароқ, идишни қайтариш мажбурияти, масалан, қайтариш иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлмаган, ҳаддан ташқари кўп вақтни эгаллаган ва ҳоказо ҳолларда тарафларнинг келишуви билан чиқариб ташланиши мумкин. Бунинг учун маҳсулот етказиб берувчи ва сотиб олувчи маҳсулот етказиб бериш шартномасида кўп марта ишлатиладиган ёки қайтариладиган идиш қайтарилиши керак эмаслигини кўрсатишлари лозим. Бу сотиб олувчи кейинчалик олинган идишдан мустақил

фойдаланиши мумкин бўлган ҳолларда ҳам мақсадга мувофиқдир. Бунда идиш қиймати маҳсулот етказиб бериш шартномасида алоҳида акс эттирилади.

2. Кўп марта ишлатиладиган идишни қайтариш тартиби ФКда тартибга солинмаган, бунда қонун ҳужжатларига ҳавола этилади. Хусусан, унда маҳсулот етказиб берувчи идишга товар номи, миқдори ва идишни қайтариш муддати кўрсатилган сертификатни сотиб олувчига юбориши лозимлиги белгиланган. Идишларнинг аксарият қисмига нисбатан уларни қайтаришнинг ўттиз кунлик муддати ва ўз вақтида қайтармаганлик учун жавобгарлик белгиланади.

3. Кўп марта ишлатилмайдиган бошқа идишлар ва ўраш материаллари шартномада назарда тутилган ҳоллардагина маҳсулот етказиб берувчига қайтарилиши мумкин.

4. Одатда сертификат идишлар ва ўраш материалларини қайтариш учун асос бўладиган ҳужжат деб ҳисобланади. Унда идишлар ёки ўраш материалларининг номи, қайтарилиши лозим бўлган идишлар ва ўраш материалларининг миқдори, уларни қайтариш муддатлари кўрсатилади. Бу ҳақда 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги қонунда тегишли қоидалар белгиланган.

5. Идишни ўз вақтида қайтармаганлик учун сотиб олувчининг жавобгарлиги жарима тўлашдан иборат. Жарима миқдори ё қонун ҳужжатларида (масалан, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонун), ё шартномада белгиланади ва идиш қийматининг 100–300% атрофида бўлади. Бунда маҳсулот етказиб берувчининг айби ҳисобга олиниши мумкин.

451-модда. Тегишли даражада сифатли бўлмаган товарларни етказиб бериш оқибатлари

Тегишли даражада сифатли бўлмаган товарлар етказиб берилган сотиб олувчи (олувчи) маҳсулот етказиб берувчига ушбу Кодекснинг 434-моддасида назарда тутилган талабларни қўйишга ҳақли, етказиб берилган товарларнинг сифатсизлиги тўғрисида сотиб олувчидан билдириш олган маҳсулот етказиб берувчи етказиб берилган товарларни тегишли даражада сифатли товарлар билан дарҳол алмаштирган ҳоллар бундан мустасно.

Ўзига етказиб берилган товарларни чаканалаб сотадиган сотиб олувчи (олувчи), агар маҳсулот етказиб бериш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, истеъмолчи томонидан қайтарилган тегишли даражада сифатли бўлмаган товарни оқилона муддат ичида алмаштиришни талаб қилишга ҳақли.

1. Етказиб берилаётган маҳсулот сифат жиҳатидан стандартларга, техник шартларга, маҳсулот сифатиغا қўйиладиган талабларни белгиловчи бошқа ҳужжатларга, намуналарга (андозаларга) мувофиқ бўлиши лозим. Шартномада маҳсулот сифатиغا нисбатан стандартлар, техник шартлар, бошқа ҳужжатлар, намуналар (андозалар)дагига қараганда юксакроқ талаблар назарда тутилиши мумкин. Стандартлар, техник шартлар ва бошқа ҳужжатларнинг рақамлари ва индекслари шартномада кўрсатилади.

Ишлаб чиқарувчи (маҳсулот етказиб берувчи) етказиб берилаётган маҳсулот сифатини сифат ҳақидаги тегишли ҳужжат билан тасдиқлайди.

2. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми маҳсулот етказиб берувчи етказиб берилган товарларни тегишли даражада сифатли товарлар билан дарҳол ва сотиб олувчининг розилигисиз алмаштирган ҳол Ўз. Р ФКнинг 408-моддасида назарда тутилган тегишли даражада сифатли бўлмаган товарларни сотиб олувчига топшириш оқибатлари қўлланишини истисно этади. «Дарҳол» сўзи муайян ҳолдаги шароитларда мумкин бўлган қисқа муддат ичида алмаштириш сифатида тушунилиши лозим. Бу муддат Ўз. Р ФКнинг 416-моддасига мувофиқ юборилган товарнинг камчиликлари тўғрисидаги билдириш (хабарнома) олинган пайтдан бошлаб ҳисобланади.

3. Стандартлар ва техник шартларда маҳсулотга кафолат муддатлари белгиланади. Агар стандартлар ёки техник шартларда кафолат муддатлари белгиланган бўлмаса, улар шартномада назарда тутилиши мумкин. Тарафлар шартномада стандартлар ёки техник шартларда назарда тутилганидан узоқроқ кафолат муддатларини белгилашлари мумкин.

Ишлаб чиқарувчи (маҳсулот етказиб берувчи) бутун маҳсулот, шу жумладан таркибий қисмлар ва бутловчи ашёлар сифатини кафолатлайди. Таркибий қисмлар ва бутловчи ашёларнинг кафолат муддати асосий маҳсулотнинг кафолат муддати билан тенг бўлади.

Ишлаб чиқарувчи (маҳсулот етказиб берувчи) маҳсулотда кафолат муддати мобайнида аниқланган нуқсонларни ўз ҳисобидан бартараф этиши ёки, нуқсонлар сотиб олувчи (олувчи) маҳсулотдан фойдаланиш

ёки уни сақлаш коидаларини бузиши натижасида вужудга келганини исботлаб беролмаса, маҳсулотни алмаштириб бериши шарт. Нуқсонларни бартараф этиш ёки маҳсулотни алмаштириб бериш, агар стандартлар, техник шартлар, бошқа ҳужжатлар ёки тарафларнинг келишуви билан бошқача муддат белгиланган бўлмаса, сотиб олувчининг (олувчининг) аниқланган нуқсонлар тўғрисидаги хабари олинганидан сўнг йигирма кунлик муддатда амалга оширилади.

Фойдаланишнинг кафолат муддати белгиланган маҳсулот нуқсонлари бартараф этилган ҳолда ушбу муддат аниқланган нуқсонлар туфайли маҳсулотдан фойдаланилмаган вақтга узайтирилади. Бутун маҳсулот алмаштириб берилганида, кафолат муддати алмаштириш санасидан бошлаб қайта ҳисобланади. Яроқлилиқ ва сақлаш кафолат муддатлари маҳсулот ишлаб чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади.

Агар маҳсулот сифати стандартлар, техник шартлар, бошқа ҳужжатлар, намуналар (андозалар)га ёки шартнома шартларига мувофиқ бўлмаса, сотиб олувчи (олувчи) маҳсулотни қабул қилиш ва унинг ҳақини тўлашдан бош тортишга, борди-ю товар ҳақи тўланган бўлса, тўланган суммаларни қайтариш ва маҳсулотни алмаштиришни белгиланган тартибда талаб қилишга ҳақли. Маҳсулот етказиб берувчи сотиб олувчининг талабини оқилона муддатда асл ҳолида бажариши шарт. Товарни алмаштириб берганлик сифати тегишли даражада етказиб берганлик учун сотиб олувчи кўрган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

4. Ишлаб чиқарувчи (маҳсулот етказиб берувчи)нинг айби билан вужудга келган ва шу жойда бартараф этилиши мумкин нуқсонли маҳсулот етказиб берилган ҳолда, ишлаб чиқарувчи (маҳсулот етказиб берувчи) сотиб олувчининг (олувчининг) талабига биноан нуқсонларни, агар стандартлар, техник шартлар, бошқа ҳужжатларда ёки тарафларнинг келишуви билан бошқача муддат назарда тутилган бўлмаса, сотиб олувчининг (олувчининг) талаби олинганидан сўнг йигирма кун ичида ўзи танлаган усулда (шу жумладан алмаштириш йўли билан) бартараф этиши ёки сотиб олувчи (олувчи) нуқсонларни ўз маблағларига бартараф этиш чоғида қилган харажатларни қоплаши шарт. Маҳсулотдаги нуқсонлар бартараф этилгунга қадар сотиб олувчи (олувчи) унинг ҳақини тўлашдан бош тортишга, маҳсулот ҳақи тўланган бўлса, тўланган суммаларни қайтаришни белгиланган тартибда талаб қилишга ҳақли.

5. Агар сотиб олувчи (олувчи) сифат жиҳатидан стандартлар, техник шартлар, бошқа хужжатлар, намуналар (андозалар) ёки шартнома шартларига мувофиқ бўлмаган маҳсулотни қабул қилишдан бош торгган бўлса, ишлаб чиқарувчи (маҳсулот етказиб берувчи) ушбу маҳсулотни сотиб олувчининг (олувчининг) маҳсулотни қабул қилишдан бош тортиш ҳақидаги хабари олинган пайтдан бошлаб ўн кунлик муддат ичида, тез бузиладиган маҳсулотни эса — 24 соат мобайнида тасарруф қилиши шарт. Агар ишлаб чиқарувчи (маҳсулот етказиб берувчи) маҳсулотни кўрсатилган муддатларда тасарруф қилмаса, сотиб олувчи (сотувчи) уни шу жойда реализация қилиш ёки ишлаб чиқарувчига (маҳсулот етказиб берувчига) қайтаришга ҳақли. Тез бузиладиган маҳсулот барча ҳолларда шу жойда реализация қилиниши лозим.

6. Модданинг иккинчи қисмида сотувчи тегишли даражада сифатли бўлмаган ҳар қандай товарни алмаштириб бериши шарт бўлган ҳолатлар назарда тутилган. Бундай талабни, чаканалаб сотадиган сотиб олувчи, унга истегъмолчи томонидан сотиб олинган товар қайтарилган тақдирда, қўйиши мумкин. Бу норма чакана олди-сотди шартномаси бўйича сотиб олувчининг ҳуқуқларини кенгрок ҳимоя қилишга қаратилган. Бу қоида фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлашга ва тегишли даражада сифатли бўлмаган ҳар қандай сотилган товарни сифатли товарга алмаштириш талабини кафолатлашга қаратилган.

Шунингдек, етказиб берувчи, яъни товарни сотувчи, чаканалаб сотадиган сотиб олувчининг тегишли даражада сифатли бўлмаган товарни алмаштириш тўғрисидаги талабини оқилона муддат ичида бажариши керак. Сотувчи томонидан товарнинг алмаштирилиши, уни етказилган зарарни қоплаш мажбуриятидан озод қилмайди.

7. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида ҳам, иккинчи қисмида ҳам Ўз. Р ФКнинг 408 ва 435-моддаларида назарда тутилган тегишли талабларни қўйиш ҳуқуқи шартнома тарафи бўлган сотиб олувчигагина эмас, балки сотиб олувчининг кўрсатмасига биноан товар топширилган учинчи шахс — олувчига ҳам берилган.

452-модда. Бут бўлмаган товарлар етказиб бериш оқибатлари

Маҳсулот етказиб бериш шартномасининг шартлари, қонун хужжатларининг талаблари ёки товарларнинг бут бўлишига қўйиладиган

одатдаги талабларни бузган ҳолда товарлар етказиб берганида сотиб олувчи (олувчи) маҳсулот етказиб берувчига ушбу Кодекснинг 413-моддасида назарда тутилган талабларни қўйишга ҳақли, маҳсулот етказиб берувчи етказиб берилган товарларнинг бут эмаслиги тўғрисида сотиб олувчидан билдириш олганидан кейин товарларни дарҳол бутлаган ёки уларни бут товарлар билан алмаштирган ҳоллар бундан мустасно.

Товарларни чакана нархларда сотаётган сотиб олувчи (олувчи), агар маҳсулот етказиб бериш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, истеъмолчи томонидан қайтарилган бут бўлмаган товарларни оқилона муддат ичида бут товарлар билан алмаштиришни талаб қилишга ҳақли.

1. Товарнинг бутлиги тўғрисидаги шарт, сифат ва миқдор тўғрисидаги шартлар каби, агар у тегишли стандарт билан қамраб олинган бўлмаса, шартномада таърифланади. Стандартга қўшимча тарзда тарафлар маҳсулот етказиб бериш шартномасида товарнинг бутлигини яхшиловчи шартларни назарда тутишлари мумкин. Товарнинг бутлиги у товардан белгиланган мақсадда фойдаланишни таъминловчи барча қисмлар ва элементлар билан топширилиши лозимлигини англатади.

Маҳсулот етказиб берувчи товарнинг бутлиги шартини бузгани ёки товарларни уларнинг шартномада келишилган бут ҳолатини бузиб топширгани Ўз. Р ФКнинг 452-моддасида назарда тутилган оқибатларга сабаб бўлади. Аммо маҳсулот етказиб берувчи бут бўлмаган товарни бут ҳолдаги товар билан алмаштирганида ёки товарларни бутлаганида бундай оқибатлар юз бермайди. Ўз. Р ФКнинг 451-моддасида назарда тутилган нормадаги каби, товарларни бут товарлар билан алмаштириш ёки бутлаш уларнинг бут эмаслиги тўғрисида билдириш олинганидан кейин маҳсулот етказиб берувчининг ташаббуси билан мумкин қадар тезроқ (дарҳол) амалга оширилиши лозим.

Товар бутланган ёки бут товар билан алмаштирилган ҳолда сотиб олувчи (олувчи) Ўз. Р ФКнинг 413-моддасида назарда тутилган талабларни қўйишга ҳақли эмас, зарарни қоплаш ҳақидаги талаб бундан мустасно.

Товарнинг бутлиги тўғрисидаги шартни бузиш ўз оқибатларига кўра сифат тўғрисидаги шартларни бузиш билан тенглаштирилади, чунки бу ҳолда сотиб олувчи товардан вазифасига кўра фойдаланиш имкониятидан амалда маҳрум бўлади.

2. Бут бўлмаган товарлар етказиб бериш оқибатларини икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳни товарларнинг аниқланган бут бўлмаган ҳолатини мумкин қадар оз харажатлар билан бартараф этишга қаратилган оператив оқибатлар ташкил этади. Бунинг учун сотиб олувчи бут бўлмаган товарлар ҳақида маҳсулот етказиб берувчига зудлик билан маълум қилиши лозим, маҳсулот етказиб берувчи эса дарҳол товарни бутлаши ёки уни бут товар билан алмаштириши шарт. Бундай ҳолларда Ўз. Р ФКнинг 434-моддасига мувофиқ сотиб олувчи товарни бутлашни эмас, балки унинг баҳосини мутаносиб равишда камайтиришни талаб қилиши мумкин. Етишмаётган бутловчи ашёларни у мазкур тафовут ҳисобидан бошқа маҳсулот етказиб берувчидан сотиб олиши мумкин.

Оқибатларнинг иккинчи гуруҳини маҳсулот етказиб берувчига у бут бўлмаган товарни бутлаш мажбуриятини бажармаган ёки товар баҳосини камайтириш хусусида келишувга эришилмаган ҳолда қўлланадиган мулкый жавобгарлик чоралари ташкил этади.

3. Маҳсулот етказиб берувчи товарни сотиш пайтида унинг бутлиги тўғрисидаги шартларни бажармагани нуқсонли товарни сотиш тушунчаси билан мувофиқ келади. Шу туфайли ҳам сотиб олувчи — фуқаро Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 221-И-сон Қонунининг 14-моддасига мувофиқ бут бўлмаган товарни бут бўлган товар билан алмаштиришни сотувчидан талаб қилишга ёки бут бўлмаган товарни сотувчига қайтаришга ҳақли. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми бу ҳолда товарлар билан чакана савдо қилувчи сотувчига маҳсулот етказиб берувчидан бут бўлмаган товарни оқилона муддатда алмаштиришни (ёки уни бутлашни) талаб қилиш ҳуқуқини беради.

453-модда. Товарлар тўлиқ етказиб берилмаган, товарларнинг камчиликларини бартараф этиш ёки товарларни бутлаш тўғрисидаги талаблар бажарилмаган ҳолларда сотиб олувчининг ҳуқуқлари

Агар маҳсулот етказиб берувчи товарларни маҳсулот етказиб бериш шартномасида назарда тутилган миқдорда етказиб бермаган бўлса ёхуд сотиб олувчининг (олувчининг) тегишли даражада сифатли бўлмаган

товарларни алмаштириш ёки товарларни бутлаш тўғрисидаги талабларини белгиланган муддатда бажармаса, сотиб олувчи етказиб берилмаган товарларни бошқа шахслардан олиб, уларни олиш билан боғлиқ барча зарур ва оқилона харажатларни маҳсулот етказиб берувчи зиммасига юклаш ҳуқуқига эга.

Маҳсулот етказиб берувчи товарларни тўлиқ етказиб бермаган ёки сотиб олувчининг товарларнинг камчиликларини бартараф этиш ёки товарларни бутлаш тўғрисидаги талабларини бажармаган ҳолларда сотиб олувчининг бошқа шахслардан товарлар олишга қилган харажатлари ушбу Кодекс 456-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ ҳисоблаб чиқарилади.

Сотиб олувчи (олувчи) товарларнинг камчилиги бартараф этилгунча ва улар бутлангунча ёки алмаштирилгунча тегишли даражада сифатли бўлмаган ва бут бўлмаган товарлар ҳақини тўлашдан бош тортиш, борди-ю, товарлар ҳақи тўланган бўлса, — тўланган суммани қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

1. Шарҳланаётган модда инсофсиз маҳсулот етказиб берувчи ўзининг йўл қўйилган ҳуқуқбузарликни бартараф этиш ҳуқуқидан фойдаланмаган ҳолда тарафларнинг ҳуқуқий муносабатларини тартибга солиди. Бунинг учун қонунда сотиб олувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чоралари назарда тутилган. Хусусан, унинг ўзи ишлаб чиқариш ва технологик жараёни таъминлаш бўйича оқилона ва мақсадга мувофиқ ҳаракатларни бажариш (яъни товарларни, бутловчи қисмларни бошқа шахслардан олиш ва х.к.) ва сўнгра қилинган харажатларни маҳсулот етказиб берувчи ҳисобидан қоплаш ҳуқуқи берилган.

2. Бозор иқтисодиёти шароитида сотиб олувчи, агар маҳсулот етказиб берувчи товарларни белгиланган муддатда топшириш ёки топширилган нуқсонли товарларни тегишли сифатли ёки бут бўлган товарлар билан алмаштириш мажбуриятини бузган бўлса, товарларни бошқа шахслардан сотиб олиш ҳуқуқигагина эмас, балки имкониятига ҳам амалда эга бўлди.

Бундай ҳуқуқ қуйидаги ҳолларда вужудга келади:

1) маҳсулот етказиб берувчи товарларни шартномада назарда тутилганидан камроқ миқдорда ёки муддатларни бузган ҳолда етказиб берганида;

2) маҳсулот етказиб берувчи сотиб олувчининг сифатсиз товарларни тегишли даражадаги сифатли товарлар билан алмаштириш ҳақидаги талабини бажармаганида;

3) сотиб олувчининг талабига биноан товарларни бутламаганида.

Товарларни бошқа шахслардан сотиб олиш учун барча зарурий ва оқилона харажатларни сотиб олувчи қўрилиши мумкин бўлган бошқа зарарларни қоплаш ҳақида талаблар қўйиш билан бир қаторда маҳсулот етказиб берувчидан ундириб олишга ҳақли.

Шунга ўхшаш ҳуқуқлар сотиб олувчида маҳсулот етказиб берувчи шартнома мажбуриятларини бузгани туфайли сотиб олувчининг ташаббуси билан шартнома бекор қилинганида товарларни у бошқа шахслардан сотиб олган ҳолда вужудга келади. Шу туфайли ҳам шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида бошқа шахслардан товарлар олишга қилинган харажатларнинг қопланиши лозим бўлган миқдорини аниқлашда Ўз. Р ФК 456-моддасининг биринчи қисмида белгиланган қоидалар қўлланиши назарда тутилган.

3. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисмида сотиб олувчининг тадбиркорлик амалиётида яхши маълум бўлган ҳуқуқи мустаҳкамланган: у тегишли даражада сифатли бўлмаган ва бут бўлмаган товарлар ҳақини тўлашдан бош тортиш ёки тўланган суммани қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Бундай талаблар суд орқали қўйилиши мумкин.

4. Маҳсулот етказиб бериш шартномаси бўйича сотиб олувчига (товарларни олувчига) тегишли даражада сифатли бўлмаган ва бут бўлмаган товарлар етказиб берилган ҳолда Ўз. Р ФКнинг 451 ва 452-моддаларида назарда тутилган бундай ҳуқуқбузарликларнинг оқибатларига қўшимча тарзда шартноманинг товар сифати ва бутлиги тўғрисидаги шартларига мувофиқ бўлмаган товарлар ҳақини тўлашдан бош тортиш, борди-ю, товарлар ҳақи тўланган бўлса, тўланган суммани қайтаришни камчиликлар бартараф этилгунга қадар талаб қилиш ҳуқуқи берилган.

Товарлар ҳақини тўлашдан бош тортиш ҳуқуқидан сотиб олувчи шартномада товарлар ҳақини улар топширилганидан сўнг орадан муайян муддат ўтгач тўлаш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш назарда тутилган ҳолда, шунингдек товарларнинг талабга мувофиқ эмаслигини сотиб олувчи уларнинг ҳақини тўлаш муддати келгунга қадар аниқлаган бошқа ҳолларда фойдаланиши мумкин.

454-модда. Товарларни тўлиқ етказиб бермаганлик учун неустойка

Товарларни тўлиқ етказиб бермаганлик ёки етказиб бериш муддатларини кечиктириб юборганлик учун қонунда ёки шартномада белгиланган неустойка, агар неустойкани ундиришнинг бошқача тартиби қонунда ёки шартномада белгиланмаган бўлса, маҳсулот етказиб берувчидан шартноманинг амал қилиш муддатида мажбурият амалда бажарилгунга қадар ундирилади.

1. Товарларни тўлиқ етказиб бермаганлик ёки етказиб бериш муддатларини кечиктириб юборганлик учун маҳсулот етказиб берувчи сотиб олувчига неустойка тўлайди. Неустойка миқдори маҳсулот номенклатураси (ассортименти)даги айрим товарлар бўйича ўз вақтида етказиб берилмаган маҳсулот қийматига боғлиқ бўлади. Маҳсулот номенклатураси (ассортименти) шартномада назарда тутилмаган ҳолларда неустойка ўз вақтида етказиб берилмаган маҳсулотнинг умумий қийматидан ундирилади. Неустойка бир марта ундирилади. Тўлиқ етказиб берилмаган маҳсулот ҳажми кейинги даврларда ундирилиши лозим бўлган неустойка миқдорини аниқлашда ҳисобга олинади. Маҳсулотнинг тўлиқ етказиб берилмаган миқдори ўрни кейинги даврларда тўлдирилган ҳолда, башарти маҳсулот етказиб бериш мажбуриятлари тўлиқ етказиб берилмаган маҳсулот ўрни тўлдирилган даврда тўлиқ бажарилган бўлса, товарларни тўлиқ етказиб бермаганлик ёки етказиб бериш муддатларини кечиктириб юборганлик учун ундирилиши лозим бўлган неустойка миқдори камайтирилиши мумкин.

2. Неустойка миқдори “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунида ва бошқа қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган. Товарларни тўлиқ етказиб бермаганлик ёки етказиб бериш муддатларини кечиктириб юборганлик учун неустойкани товар ҳақи олдиндан тўланган ҳолда пул маблағларидан фойдаланганлик учун ундириладиган фоизлар билан адаштирмаслик керак. Ўз. Р ФК 420-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ, агар сотувчи олдиндан ҳақи тўланган товарни топшириш мажбуриятини бажармаса ва олди-сотди шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, олдиндан тўланган сумма учун Ўз. Р ФКнинг 327-моддасига мувофиқ, товарни топшириши лозим бўлган кундан бошлаб товар сотиб олувчига топширилган ёки унга олдиндан тўлаган суммаси қайтариб берилган

кунгача фоизлар тўланиши лозим. Шартномада сотувчининг олдиндан тўланган сумма учун фоизларни бу сумма сотиб олувчидан олинган кундан бошлаб тўлаш мажбурияти назарда тутилиши мумкин. Бу ҳолда фоизлар ўз. Р ФКнинг 748-моддасига мувофиқ берилган тижорат кредити учун тўлов сифатида ундирилади.

3. Маҳсулот етказиб берувчи товарларни шартномада белгиланган муддатда топшириш мажбуриятини бажармаганлик учун неустойка тўлагани уни товарларнинг тўлиқ етказиб берилмаган миқдори ўрнини кейинги даврларда ёки шартномада назарда тутилган бошқа муддатларда асл ҳолида тўлдириш мажбуриятидан озод қилмайди.

Бу ҳолда, шарҳланаётган нормага мувофиқ, олдинги даврда тўлиқ етказиб берилмаган товарлар қийматидан неустойка, агар товарлар сотиб олувчига топширилган бўлмаса, иккинчи марта ундирилади, чунки олдинги даврда сотиб олувчига топширилмаган товарлар миқдори кейинги даврда топширилиши лозим бўлган товарга қўшилади ва мажбурият бажарилмаганида неустойка айна шу миқдордан ҳисобланади. Шундай қилиб, неустойка, агар шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, шартноманинг амал қилиш муддатида мажбурият амалда бажарилгунга қадар ундирилади.

4. Сотиб олувчи ўзининг ёзма розилигисиз номенклатурани (ассортиментни) бузган ҳолда етказиб берилган маҳсулотни фойдаланиш учун қабул қилган ва шартномада назарда тутилган товарларни етказиб бериш умумий қиймат бўйича бажарилган ҳолларда, маҳсулот етказиб берувчи сотиб олувчига жарима тўлайди.

455-модда. Маҳсулот етказиб бериш шартномасини бажаришдан бир томонлама бош тортиш

Маҳсулот етказиб бериш шартномасини бажаришдан бир томонлама (тўлиқ ёки қисман) бош тортишга тарафларнинг бири шартномани жиддий бузган тақдирда йўл қўйилади.

Маҳсулот етказиб берувчининг маҳсулот етказиб бериш шартномасини бузиши қуйидаги ҳолларда жиддий деб ҳисобланиши мумкин:

тегишли даражада сифатли бўлмаган, сотиб олувчи учун мақбул муддатда бартараф қилиб бўлмайдиган камчиликларга эга бўлган товарларни етказиб бериш;

товарларни етказиб бериш муддатларини бир неча бор бузиш.

Сотиб олувчининг маҳсулот етказиб бериш шартномасини бузиши қуйидаги ҳолларда жиддий деб ҳисобланиши мумкин:

**товарлар ҳақини тўлаш муддатларини бир неча бор бузиш;
товарларни бир неча бор олиб кетмаслик.**

Тарафларнинг келишувида маҳсулот етказиб бериш шартномасини бажаришдан бир томонлама бош тортиш ёки уни бир томонлама ўзгартиришнинг бошқа асослари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Агар маҳсулот етказиб бериш шартномасини бекор қилиш ёки ўзгартиришнинг бошқа муддати билдириш хатида назарда тутилмаган ёки тарафлар келишувида белгиланмаган бўлса, шартнома бир тараф бошқа тарафдан шартномани бажаришдан тўла ёки қисман бир тарафлама бош тортиш тўғрисида билдириш хати олган пайдан бошлаб ўзгартирилган ёки бекор қилинган ҳисобланади.

1. Фуқаролик қонунчилиги шартномаларни бажаришдан бир тарафлама бош тортишга йўл қўйилмаслиги ҳақидаги умумий принципдан келиб чиқади. Бу принцип товар муомаласи ва умуман иқтисодиётнинг барқарорлиги ва ишончилигини таъминлашни назарда тутаяди. Аммо ушбу умумий қоидадан айрим истисно ҳолатлар мавжуд бўлиб, улар шартнома бўйича тарафлардан бири бошқа тараф шартнома шартларини жиддий бузганида қўллайдиган оператив санкциялар сифатида қаралиши мумкин.

Шарҳланаётган модда Ўз. Р ФКнинг бошқа нормаларида назарда тутилмаган баъзи бир асослар бўйича кўрсатмаларни ўз ичига олади. Ассортиментни маълум қилмаслик, жўнатиш разнарядкасини тақдим қилмаслик, товар ҳақини тўлашдан асоссиз бош тортиш, белгиланган муддатда товарларни танлаб олмаслик шулар жумласидан. Қонун санаб ўтилган ҳаракатлардан айримлари бир неча бор, яъни икки ва ундан ортиқ марта бажарилган бўлишини талаб қилади.

2. Ўз. Р ФКнинг айрим моддаларида тарафларнинг ҳар бирига шартномани бошқа тараф бузганида уни бажаришдан тўлиқ ёки қисман бош тортиш ҳуқуқи берилган. Чунончи, сотиб олувчи товар шартномада белгиланганидан камроқ миқдорда (399-модда), ассортиментни бузган ҳолда (401-модда), товарнинг сифатига (408-модда) ва бутлигига (413-модда) нисбатан талабларни жиддий бузган ҳолда топширилганида,

маҳсулот етказиб бериш муддати кечиктириб юборилганида (444-модда) шартномани бажаришдан бош тортишга ҳақли.

Маҳсулот етказиб берувчи сотиб олувчи етказиб берилиши лозим бўлган товарлар ассортиментини маълум қилмаганида (Ўз. Р ФКнинг 400-моддаси), сотиб олувчи товарни қабул қилишдан (417-модда) ёки унинг ҳақини тўлашдан (419-модда) асоссиз бош тортиганида, сотиб олувчи жўнатиш разрядкасини тақдим қилмаганида (441-модда), сотиб олувчи товарларни белгиланган муддатда танлаб олмаганида (448-модда) шартномани бажаришдан бош тортиши мумкин.

Санаб ўтилган ҳолларнинг аксариятида маҳсулот етказиб бериш шартномасига татбиқан сотиб олувчи ёки маҳсулот етказиб берувчининг шартномани бажаришдан товарларнинг етказиб бериш чоғида шартнома шартларини бузишга йўл қўйилган қисмига (товарлар туркумига) нисбатан бош тортиш ҳуқуқи назарда тутилган. Шартномани бажаришдан бундай (қисман) бош тортиш уни ўзгартиришни англадади.

Шарҳланаётган модданинг иккинчи ва учинчи қисмларига мувофиқ шартномани бузиш жиддий деб ҳисобланиши учун у бир неча бор содир этилган, тегишли даражада сифатли бўлмаган товарлар етказиб берилганида эса — сотиб олувчи учун мақбул муддатда бартараф қилиб бўлмайдиган камчиликларга эга бўлиши лозим. Тарафлардан бири шартнома шартларини жиддий бузгани иккинчи тарафга шартномани бажаришдан тўлиқ бош тортиш ҳуқуқини беради. Бундай бош тортиш шартномани бекор қилиш деб топилади (Ўз. Р ФКнинг 382-моддаси).

3. Маҳсулот етказиб берувчига сотиб олувчининг шартномани бажаришдан бир томонлама бош тортиши тарикасидаги оператив чоралар кўрилиши учун асос бўлиб, энг аввало, тегишли даражада сифатли бўлмаган, сотиб олувчи учун мақбул муддатда бартараф қилиб бўлмайдиган камчиликларга эга бўлган товарларни етказиб бериш хизмат қилади. Бундан ташқари, сотиб олувчи товарларни етказиб бериш муддатлари бир неча бор (икки ва ундан ортиқ марта) бузилганида ҳам шартномани бажаришдан бош тортиши мумкин.

Маҳсулот етказиб берувчи ҳам, сотиб олувчи ҳам ўз қарорига биноан, давлат органларига мурожаат қилмасдан, лекин кўрилган чоралар тўғрисида ўз контрагентини хабардор қилган ҳолда шартномани бажаришдан бир

томонлама бош тортишни қўллашга ҳақли. Айни шу сабабли улар оператив чоралар деб ҳисобланиши лозим.

4. Тарафлардан бири шартномани бошқа тарафга уни бажаришдан бир томонлама бош тортиш ҳуқуқини берадиган тарзда бузиши ўз-ўзидан шартноманинг ўзгартирилиши ёки бекор қилинишига сабаб бўлмайди. Бу тараф шартномани бажаришдан тўлиқ ёки қисман бош тортиши ҳақида иккинчи тарафга билдириши лозим. Билдириш ёзма шаклда юборилади ва шартномани тузиш, ўзгартириш ёки бекор қилишга ваколатли шахс томонидан имзоланади. Маҳсулот етказиб бериш шартномаси, агар унда бошқача муддат белгиланган бўлмаса, бошқа тараф шартномани бажаришдан бош тортиш тўғрисидаги билдириш хатини олган пайтдан бошлаб ўзгартирилган ёки бекор қилинган ҳисобланади.

Тарафлардан бирига шартномани бажаришдан бир томонлама бош тортиш ҳуқуқи берилган ҳолларда, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилишнинг Ўз. Р ФКнинг 384-моддасида назарда тутилган тартиби тарафларнинг муносабатларига қўлланиши мумкин эмас.

456-модда. Шартномани бекор қилиш вақтида зарарни ҳисоблаш

Агар сотувчи томонидан мажбурият бузилганлиги оқибатида шартнома бекор қилинганидан кейин оқилона муддат ичида сотиб олувчи шартномада назарда тутилган товар ўрнига бошқа шахсдан бирмунча юқори, аммо оқилона баҳода товар сотиб олса, сотиб олувчи сотувчидан шартномада белгиланган баҳо билан унинг ўрнига тузилган битимдаги баҳо ўртасидаги фарқдан иборат зарарни қоплашни талаб қилиши мумкин.

Агар сотиб олувчи томонидан мажбурият бузилганлиги оқибатида шартнома бекор қилинганидан кейин оқилона муддат ичида сотувчи товарни бошқа шахсга шартномада назарда тутилганидан бирмунча пастроқ, бироқ оқилона баҳода сотган бўлса, сотувчи сотиб олувчидан шартномада белгиланган баҳо билан унинг ўрнига тузилган битимдаги баҳо ўртасидаги фарқдан иборат зарарни қоплашни талаб қилиши мумкин.

Агар ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган асослар бўйича шартнома бекор қилинганидан кейин унинг

ўрнига бошқа битим тузилмаган ва товарнинг жорий баҳоси мавжуд бўлса, тараф шартномада белгиланган баҳо билан шартнома бекор қилинган пайтдаги жорий баҳо ўртасидаги фарқдан иборат зарарни қоплаш тўғрисида талаб қўйиши мумкин.

Товар топширилиши лозим бўлган жойда одатда ўхшаш шaroитларда бир хил товар учун ундириладиган баҳо жорий баҳо деб эътироф этилади. Агар бу жойда жорий баҳо мавжуд бўлмаса, товарни ташиш харажатларидаги фарқни ҳисобга олган ҳолда бошқа жойдаги унинг ўрнини боса оладиган оқилона жорий баҳодан фойдаланиш мумкин.

Ушбу моддада назарда тутилган талабларни қондириш ўз мажбуриятини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тарафни бошқа тарафга етказган ўзга зарарни ушбу Кодекснинг 14-моддасига асосан қоплашдан озод қилмайди.

1. Шарҳланаётган моддада қонун чиқарувчи халқаро савдо амалиётида тан олинган зарар тушунчасидан келиб чиқади. Бундай зарарларни икки гуруҳга ажратиш мумкин: а) Ўз. Р ФКнинг 14-моддаси қоидаларига мувофиқ аниқланадиган ҳақиқий зарар ва бой берилган фойда; б) баҳолар ўртасида контрагент етказиб бермаган ёки ҳақини тўламаган товарларни дарҳол сотиб олиш ёки сотиш зарурияти туфайли келиб чиқадиган фарқда ифодаланувчи абстракт зарар. Бундай зарарларни ҳисоблашда баҳолар шартнома бекор қилинган пайт бўйича аниқланади.

Зарарни ҳисоблаш учун баҳо шартнома бажарилмаганидан у бекор қилингунга қадар бўлган давр учун инфляция индексини қўллаш ёки индексация қилиш йўли билан аниқланиши ҳам мумкин. Аммо инфляция индекси ўз-ўзидан қўлланилмаслиги керак.

2. Моддада шартнома бекор қилинганида жабрланган тарафга қуйидаги икки йўлдан бирини танлаш имкониятини бериб, кўрилган зарарни исботлашни осонлаштирувчи қоидалар мустаҳкамланган:

а) аниқ зарарни (бекор қилинган шартномада белгиланган баҳо билан унинг ўрнига тузилган битимдаги баҳо ўртасидаги фарқдан иборат зарарни) қоплашни талаб қилиш;

б) агар мазкур товарнинг жорий баҳоси бўлса, бекор қилинган шартномада белгиланган баҳо билан шартнома бекор қилинган пайтдаги жорий баҳо ўртасидаги фарқдан иборат бўлган ўзига етказилган зарарни

аниклаб, «абстракт зарар»ни қоплашни талаб қилиш (бекор қилинган шартнома ўрнига бошқа шартнома тузилмаганида).

Юқорида баён этилган қоидаларни қўллашда баъзи бир ҳолатларни эътиборга олиш лозим. Биринчидан, бекор қилинган шартнома ўрнига тузилган шартнома шартларини ҳисобга олиш мумкин бўлиши учун бу шартноманинг ўзи зарарни қоплаш талаби қўйилаётган шартнома бекор қилинганидан сўнг оқилона муддатда тузилган ва унда белгиланган баҳо оқилона бўлиши лозим (Ўз. Р ФК 456-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмлари). Иккинчидан, жорий баҳо тушунчасининг мазмуни Ўз. Р ФК 456-моддасининг тўртинчи қисмида баён этилган. Товар топширилиши лозим бўлган жойда одатда ўхшаш шароитларда бир хил товар учун тўланадиган нарх жорий баҳо деб эътироф этилади. Айни ҳолда асосан ҳақ тўлашни назарда тутадиган шартномада баҳо назарда тутилмаган ва шартнома шартлари бўйича белгиланиши мумкин бўлмаган ҳолларда баҳони белгилаш билан айни бир мезонлардан фойдаланилган (Ўз. Р ФК 356-моддасининг тўртинчи қисмига қаранг). Учинчидан, агар товарни топшириш жойида жорий баҳо (масалан, биржа баҳоси) мавжуд бўлмаса, товарни ташиш харажатларидаги фарқни ҳисобга олган ҳолда бошқа жойдаги унинг ўрнини боса оладиган оқилона жорий баҳодан фойдаланиш мумкин.

3. Маҳсулот етказиб бериш шартномасини бекор қилиш вақтида зарарни ҳисоблашда таянч нуқтаси сифатида қуйидаги қоидаларни кўрсатиш мумкин: 1) бировнинг пул маблағларидан фойдаланганлик учун фоизлар ундиришга йўл қўйилади; 2) ундириш ҳақидаги талаб пул маблағларидан амалда фойдаланган шахсга юборилиши лозим; 3) ундириш имконияти тўловчининг шу жумладан муқобил мажбуриятлар бўйича ҳаракатларининг қонунийлигига боғлиқ бўлади; 4) агар бировнинг пул маблағларидан фойдаланганлик учун фоизлар ундириш шартномани бекор қилиш билан бирга амалга оширилаётган бўлса, бундай ундириш маҳсулот етказиб берувчининг мажбуриятни асл ҳолида бажариш мажбуриятини бекор қилади.

4. Тегишли даражада сифатли бўлмаган товар қийматини истеъмолчига қоплаш муносабати билан зарар кўрган сотувчи ишлаб чиқарувчидан кўрилган зарарни тўлиқ қоплашни регресс тартибида талаб қилиш ҳуқуқига эга.

5. Ушбу модда қоидаларига мувофиқ ҳисобланган зарарни қолаш ҳақидаги талабларнинг қондирилиши жабрланган тарафни бошқа зарарлар қопланишини ФКнинг умумий қоидаларига мувофиқ талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди (Ўз. Р ФКнинг 14-моддаси). Муайян ҳолларда бошқа зарарлар жумласига, масалан, сотувчининг сотиб олувчи қабул қилмаган товарни сақлаш харажатлари ёки сотиб олувчининг сотувчи маҳсулотни етказиб бермагани туфайли сотиб олувчи воз кечишга мажбур бўлган тоннажни фрахтлаш харажатлари кири-тилиши мумкин.

4-§. ТОВАРЛАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТЎҒРИСИДАГИ ДАВЛАТ КОНТРАКТИ

457-модда. Давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш

Давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш бўйича давлат контракти асосида, шунингдек унинг асосида тузиладиган давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномаларига мувофиқ амалга оширилади. Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланадиган, давлат бюджети ва молиялашнинг бюджетдан ташқари манбалари ҳисобига таъминланадиган, Ўзбекистон Республикасининг эҳтиёжлари давлат эҳтиёжлари дейилади.

Давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш борасидаги муносабатларга ушбу Кодекс 437–456-моддаларининг қоидалари ҳам татбиқ этилади. Ушбу Кодекс билан тартибга солинмаган муносабатларга нисбатан давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб беришни тартибга соладиган бошқа қонун ҳужжатлари татбиқ этилади.

1. Шарҳланаётган модда давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб беришга оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш хусусиятларини белгилаб беради. Мазкур муносабатлар маҳсулот етказиб беришга доир муносабат сифатида тан олинади. Бунда давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартнома (давлат контракти ва унинг асосида тузиладиган давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномалари) асосида амалга оширилади.

Давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномаси (давлат контракти) маҳсулот етказиб беришга оид бошқа шартномалардан ўзининг сотиш ва товарларни олиш мақсади ҳамда маҳсулот етказиб беришда давлат органлари — давлат буюртмачилари ёки улар ваколат берган шахсларнинг иштирок этиши билан фарқланади. Бунда маҳсулот етказиб бериш давлат бюджети ва молиялашнинг бюджетдан ташқари манбалари ҳисобига таъминланади.

2. Давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш фуқаролик қонунчилигида нисбатан янги ҳолат ҳисобланади. Шарҳланаётган модда мазмунидан фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиш доираси тарафлар ўртасидаги икки шартнома яъни, давлат контракти ва маҳсулот етказиб бериш шартномасини қамраб олиб, уларнинг ҳуқуқий табиати ва тузиш тартиби бир биридан кескин фарқ қилади. Айрим ҳолатлар чунончи, давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб беришни таъминлаш бўйича дастурларни шакллантириш ва амалга ошириш, уни молиялаштириш, алоҳида турдаги товарларни етказиб бериш хусусиятларининг белгиланиши кабилар фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиш доирасидан четда қолади. Ушбу шартномалар иқтисодий эҳтиёжларни қондиришни ҳуқуқий тартибга солишнинг барча фаолиятини қамраб олади.

3. Давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш давлат бюджети ва молиялашнинг бюджетдан ташқари манбалари ҳисобидан таъминланади.

Давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш қуйидаги мақсадларда амалга оширилади: а) Ўзбекистон Республикасининг давлат моддий заҳираларини шакллантириш ва сақлаб туриш; б) Ўзбекистон Республикасининг мудофаси ва хавфсизлигини зарур даражада сақланиши; в) Ўзбекистон Республикасининг халқаро иқтисодий, шу жумладан, валюта кредит мажбуриятларини бажариш мақсадида экспорт қилинадиган маҳсулотларни таъминлаш; г) давлатнинг мақсадли дастурларини амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикасининг ҳудудларда зарур бўлган масалаларни ечиш ва ҳудудий мақсадли дастурлар (ҳудудлар эҳтиёжлари учун маҳсулот етказиб бериш) учун зарур бўлган маҳсулотларга бўлган эҳтиёжлари давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланади.

4. Давлат эҳтиёжларини таъминлаш билан боғлиқ муносабатлар ўз табиатига кўра мураккаб саналади. Шу сабабли уни тартибга солишда

турли ҳуқуқ соҳалари нормаларини мослаштириш муаммоси юзага келади. Шарҳланаётган модда бу борада ФК нормалари бошқа ҳуқуқий ҳужжатлардан устуворлигини белгилаб беради. Мазкур ҳуқуқий муносабатларга нисбатан бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар ФК нормалари билан тартибга солинмаган ҳоллардагина қўлланилиши мумкин.

5. Шарҳланаётган модданинг 2 қисмига мувофиқ, давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш муносабатларига ФКнинг маҳсулот етказиб беришга доир қоидалари қўлланилади. ФК 29 бобида тегишли қоидалар мавжуд бўлмаган тақдирда, давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномаларидан келиб чиқадиган муносабатларга ФК 386-моддасининг 6-қисмига асосан олди-сотдига оид умумий қоидалар қўлланилади.

Давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб беришга нисбатан контрактация шартномасининг тегишли нормалари ҳам қўлланилиши мумкин.

458-модда. Давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш юзасидан давлат контракти

Давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш юзасидан давлат контракти бўйича (бундан буён матнда давлат контракти деб юритилади) маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи) давлат буюртмачисига ёки унинг кўрсатмасига биноан маҳсулот етказиб бериш шартномаси асосида бошқа шахсга шартлашилган муддатда товарлар етказиб беришни, давлат буюртмачиси эса, етказиб берилган товарлар ҳақи белгиланган муддатда тўланишини таъминлашни ўз зиммасига олади.

1. Давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш маҳсулот етказиб бериш шартномасининг бир тури бўлиб, ҳақ эвазига тузиладиган, консенсуал ва икки томонлама шартнома сифатида тавсифланади.

Давлат контракти давлат эҳтиёжларини таъминлаш юзасидан давлат буюртмачиси ва маҳсулот етказиб берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб беради ҳамда давлат контрактини бажариш бўйича маҳсулот етказиб берувчининг давлат буюртмачиси билан ўзаро муносабатларини тартибга солади.

Давлат контрактида давлат буюртмачиси томонидан давлат контрактини бажарилиши юзасидан амалга оширилаётган ишларни боришини назорат қилиш ва маҳсулот етказиб берувчининг оператив хўжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда унга маслаҳат ва бошқа ёрдамларни кўрсатиш назарда тутилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорига мувофиқ, давлат буюртмачиси давлат контрактига зарур ўзгартиришлар киритиши ёки қонунга мувофиқ маҳсулот етказиб берувчига етказилган зарарларни қоплаш шарти билан давлат контрактини бекор қилиши мумкин.

2. Давлат мақсадли дастурлари ва давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етказиб беришни таъминлаш билан боғлиқ ишларни ташкил этиш ва бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати давлат буюртмачиларини тасдиқлайди. Давлат буюртмачиси бўлиб давлат ҳокимияти ижроия органи, давлат корхонаси ёки давлат муассасаси иштирок этиши мумкин. Давлат мақсадли дастурларини бажариш, давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етказиб бериш ва уни сотиб олиш бўйича буюртмалар давлат буюртмачилари томонидан давлат контрактларини тузиш йўли билан корхона, ташкилот ва муассаса (маҳсулот етказиб берувчи) ларда жойлаштирилади. Давлат буюртмачиси Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан давлат буюртмачиларини тасдиқлашда назарда тутилган шартларга мувофиқ ўз функцияларининг бир қисмини шартнома асосида муайян корхона, ташкилот ва муассасаларга ўтказиши мумкин. Давлат буюртмачилари давлат бюджетда белгиланган ҳажмда молиявий заҳиралар билан таъминланади ва давлат мақсадли дастурларини амалга оширилиши ҳамда давлат эҳтиёжларини таъминланиши учун жавобгар ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар доирасида давлат буюртмачисининг мажбуриятлари юзасидан кафолат беради.

3. Давлат буюртмачисининг шериги (контрагенти) бўлиб маҳсулот етказиб берувчи саналади. Давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш бўйича буюртмаларни жойлаштириш жараёнида иштирок этиш учун юридик шахслар ва якка тадбиркорлар муайян малака талабларига жавоб бериши лозим.

– Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 14 августдаги 397-сонли «Давлат эҳтиёжлари учун асосий озиқ-овқат турларини харид қилиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ:

- давлат эҳтиёжлари учун давлат таъминоти муассасалари, махсус истеъмолчилар ва давлат захираси учун асосий озиқ-овқат турларини харид қилиш, қоида тариқасида, танлов асосида амалга оширилади;
- мазкур маҳсулотларни харид қилиш энг аввало, маҳаллий товар ишлаб чиқарувчилар билан бевосита шартномалар бўйича, шунингдек уларнинг маҳсулотини «Ўзулгуржибиржасавдо» тизимининг ярмарка ва биржа савдоларида сотиб олиш йўли билан таъминланади. Бунда контрактлар фақат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (нарх масалалари бўйича) ёки унинг жойлардаги органлари билан келишилган ҳолда тузилади;
- импорт маҳсулот харид қилиш давлат эҳтиёжлари учун импорт бўйича четдан озиқ-овқат олиб келишни босқичма-босқич қисқартириб боришни назарда тутган ҳолда, маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларнинг ресурслар билан таъминланмаган қисмигина тендер асосида амалга оширилади.

4. Давлат контракти асосида етказиб бериладиган маҳсулот давлат стандартларида белгиланган мажбурий талабларга мувофиқ бўлиши ва мазкур контрактда белгиланадиган махсус шартларга мувофиқ бўлиши лозим. Мажбурий талабларга маҳсулот сифати, унинг аҳолининг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминлаши, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиши кабилар киради. Давлат контракти асосида етказиб бериладиган маҳсулот Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ мажбурий сертификацияланиши лозим бўлган ҳолларда, ваколатли органлар томонидан бериладиган ва тан олинадиган тегишли сертификатга ва мувофиқлик белгиларига эга бўлиши лозим.

459-модда. Давлат контрактини тузиш асослари

Давлат контракти давлат буюртмачисининг маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи) қабул қилган давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш тўғрисидаги буюртмаси асосида тузилади.

Берган буюртмаси маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи) томонидан қабул қилинган давлат буюртмачиси учун давлат контракти тузиш шарт ҳисобланади.

Давлат контрактини тузиш қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллардагина ва давлат контрактини бажариш туфайли маҳсулот

етказиб берувчи (ижрочи) кўриши мумкин бўлган барча зарарни давлат буюртмачиси қоплаган тақдирдагина маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи) учун мажбурий ҳисобланади.

Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган зарарни қоплаш тўғрисидаги шарт давлат корхонасига татбиқ этилмайди.

Агар давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш тўғрисидаги буюртма танлов бўйича жойлаштирилса, танлов ғолиби деб эълон қилинган маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи) билан давлат контрактини тузиш давлат буюртмачиси учун мажбурий ҳисобланади.

1. Давлат контрактини давлат буюртмачисининг маҳсулот етказиб берувчи қабул қилган буюртмасига асосан яъни, унинг эркин равишда эрк иродасини ифода этиши йўли билан тузилади. Бироқ, маҳсулот етказиб берувчи томонидан рад этиш ҳоллари бундан мустасно. Шарҳланаётган модданинг 1 қисмига асосан, маҳсулот етказиб берувчи томонидан буюртманинг қабул қилиниши буюртмачининг зиммасига давлат контрактини тузиш мажбуриятини юклайди. Давлат буюртмасини жойлаштириш ва уни келгусида ижрочи томонидан қабул қилинишини ҳукукий оқибат келтириб чиқарувчи шартнома олди муносабатлари (дастлабки шартнома) сифатида кўриш мумкин.

Қоида тариқасида давлат буюртмачилари давлат манфаатларидан келиб чиқиб, давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етказиб беришга буюртмаларни очиқ ва (ёки) ёпик танловлар ёки савдоларни ташкил этиш йўли билан таъминлайди.

Давлат буюртмачиси учун давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етказиб бериш юзасидан ўтказилган танлов ғолиби билан шунингдек, буюртма жойлаштирилгандан сўнг уни қабул қилган маҳсулот етказиб берувчи билан шартнома тузиш мажбурий ҳисобланади.

2. Давлат контрактини тузиш мажбурий бўлган шахслар доираси мавжуд бўлиб, улар давлат буюртмасини рад этишга ҳақли бўлмайди. Давлат корхоналари учун Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати зарур ҳолларда давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етказиб бериш бўйича давлат контрактини тузишни мажбурийлигини белгиловчи қондан киритиши мумкин.

3. Давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етказиб бериш бўйича давлат контрактини тузиш, ўзгартириш, бекор қилиш ва ижро қилиш юзасидан

давлат буюртмачиси ва маҳсулот етказиб берувчи ўртасида вужудга келадиган низолар қонунда белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади. Бошқа одатдаги маҳсулот етказиб берувчиларни давлат буюртмачиси билан давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етказиб бериш бўйича шартнома тузишга мажбур қилиш бўйича низолар судлар томонидан кўриб чиқилмайди. Ушбу ҳолатдан истисно тариқасида, маҳсулот етказиб берувчининг давлат контрактини тузиш мажбурияти қонунда назарда тутилган ҳолларда белгиланган тақдирда шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етказиб бериш жорий қилинган давлат корхоналари билан боғлиқ низоларни кўрсатиш мумкин. Ушбу маҳсулот етказиб берувчиларни давлат контрактини тузишни рад этиши юзасидан давлат буюртмачисининг даъвоси хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

460-модда. Давлат контрактини тузиш тартиби

Агар тарафлар келишувида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, давлат контрактини лойиҳаси давлат буюртмачиси томонидан ишлаб чиқилади ва маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи)га юборилади.

Давлат контрактини лойиҳасини олган тараф кечи билан ўттиз кунлик муддатда уни имзолайди ва давлат контрактининг бир нусхасини бошқа тарафга қайтаради, давлат контрактини шартлари юзасидан келишмовчиликлар мавжуд бўлса, худди шу муддатда келишмовчиликлар баённомасини тузади ва уни имзоланган давлат контрактини билан бошқа тарафга юборади ёки унга давлат контрактини тузишдан бош тортишини маълум қилади.

Давлат контрактини билан келишмовчиликлар баённомасини олган тараф ўттиз кун ичида келишмовчиликларни кўриб чиқиши, контракт шартларини бошқа тараф билан мувофиқлаштириш чораларини кўриши ва унга давлат контрактини келишилган тахрирда қабул қилиши ёки келишмовчиликлар баённомасини рад этиши ҳақида хабар бериши лозим. Бу муддат тугагач, манфаатдор тараф ҳал қилинмаган барча келишмовчиликларни ўттиз кунлик муддатда суд муҳокамасига топшириши мумкин.

Давлат контракти давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш тўғрисидаги буюртмани жойлаштириш танлови натижалари бўйича тузиладиган ҳолларда давлат контракти танлов ўтказилган санадан бошлаб ўттиз кун ичида тузилиши лозим.

Агар давлат контрактини тузиши мажбурий бўлган тараф уни тузишдан бош тортса, иккинчи тараф бошқа тарафни давлат контрактини тузишга мажбур қилиш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

1. Шарҳланаётган модда давлат контрактини тузиш тартибини белгилайди. Унда контракт тузиш жараёнида шартнома лойиҳасини давлат буюртмачиси ёки маҳсулот етказиб берувчи томонидан юбориш тартиби ва муддати, иккинчи тарафнинг контрактни имзолаганидан сўнг қайтариши, келишмовчиликларни келишиб олиши ва келишилмаган шартларни суд томонидан кўриб чиқиш учун мурожаат қилиши ҳақида қоида белгиланган.

ФК 377-моддасида тарафлардан бири учун шартнома тузиш мажбурий бўлган ҳолларда шартнома тузиш тартибини белгилаган бўлса ҳам, ушбу тартиб бир ёки иккала тарафнинг ҳам давлат контрактини тузиш мажбурияти мавжудлиги ёки мавжуд бўлмаслигидан қатъий назар қўлланилади. Шунинг назарда тутиш керакки, маҳсулот етказиб берувчи давлат контрактини ижро қилишга учинчи шахсларни ҳам жалб этиши мумкин.

2. Очiq танлов ўтказиш афзал жиҳатларга эга ҳисобланади. Танловни ўтказиш баённомасида танлов ташкилотчисининг танлов турини танлаганлиги ҳақидаги қарори ифодаланган асос мавжуд бўлиши керак.

Агар давлат контрактида сотиб олувчи (сотиб олувчиларга) маҳсулот етказиб бериш назарда тутилган бўлса, бундай маҳсулот етказиб бериш маҳсулот етказиб берувчи ва сотиб олувчи (сотиб олувчилар) ўртасида тузиладиган ва буюртмачи томонидан белгиланадиган давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етказиб бериш шартномаси асосида амалга оширилади. Мазкур шартнома давлат контракти билан қамраб олинмайди, бироқ давлат контракти асосида тузилади.

3. Шарҳланаётган модданинг 3 қисми келишмовчиликлар билан давлат контрактини олган тараф зиммасига уни мувофиқлаштириш билан боғлиқ фаол ҳаракатларни амалга оширишни, шунингдек белгиланган тартибда давлат контрактини тузишга розилиги ҳақидаги келишмовчиликлар баённомасини тузган тарафни ёки тақдим қилинган келишмовчиликларни

рад этиш ҳақида огоҳлантириш мажбуриятини юклайди. Мазкур талабнинг бузилиши ФК 439-моддаси 2-қисмида назарда тутилган оқибатларни келтириб чиқаради.

4. Давлат буюртмачиси шартнома тузишга мажбур қилиш бўйича судга мурожаат қилишдан ташқари маҳсулот етказиб берувчиларни жалб қилишнинг бошқа, жумладан давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етказиб беришни рағбатлантириш чораларини ҳам кўриши мумкин. Давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етказиб берувчиларни иқтисодий рағбатлантириш мақсадида уларга фойдадан солиқ тўлаш бўйича имтиёзлар, мақсадли дотациялар ва субсидиялар, имтиёзли шартларда кредитлар тақдим қилиниши мумкин. Иқтисодий ва бошқа имтиёзлар бериш тартиби амалдаги қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Ўзбекистон Республикасининг мудофаа қобилиятини ва хавфсизлигини таъминлаш учун маҳсулот етказиб берувчиларни иқтисодий рағбатлантириш мақсадида моддий техник заҳиралар турини ишлаб чиқарувчи корхоналар учун ушбу заҳираларни давлат буюртмачиси ва маҳсулот етказиб берувчига мажбуран сотилиши бўйича махсус квоталар (давлат томонидан бронлаш) белгиланиши ҳам мумкин. Давлат томонидан бронланадиган моддий техник заҳиралар ҳажми ва рўйхатини белгилаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан белгиланади.

461-модда. Давлат контрактини бажариш

Давлат контрактини шартларига мувофиқ товарлар бевосита давлат буюртмачисига ёки унинг кўрсатмаси (жўнатиш разнарядкаси)га мувофиқ бошқа шахс (олувчи)га етказиб бериладиган ҳолларда контрактни бажариш бўйича тарафларнинг муносабатлари ушбу Кодекснинг 437–456-моддаларида назарда тутилган қоидалар билан тартибга солинади.

Агар давлат контрактда сотиб олувчиларга товарлар етказиб бериш маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи) томонидан давлат буюртмачиси белгиладиган давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномаларига мувофиқ амалга оширилиши назарда тутилган бўлса, давлат буюртмачиси давлат контрактини тузилган кундан бошлаб кечи билан ўттиз кунлик муддатда сотиб олувчининг

етказиб берувчи (ижрочи)га бириктирилгани тўғрисида маҳсулот етказиб берувчи — ижрочи ва сотувчига билдириш хати юборади.

Сотиб олувчи етказиб берувчи (ижрочи)га бириктирилгани тўғрисидаги билдириш хати давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномасини тузишга асос бўлиб хизмат қилади.

Давлат эҳтиёжлари учун товарлар жўнатиш разнарядкаларида кўрсатилган олувчиларга етказиб берилган ҳолларда, агар давлат контрактида бошқача ҳисоб-китоб тартиби назарда тутилган бўлмаса, товарлар ҳақи давлат буюртмачиси томонидан тўланади.

Товарлар сотиб олувчиларга давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномаси бўйича етказиб берилган ҳолларда, агар давлат контрактида баҳо белгилаш ва ҳисоб-китобларнинг бошқача тартиби назарда тутилган бўлмаса, сотиб олувчилар товарлар ҳақини давлат контрактига мувофиқ белгиланадиган баҳоларда тўлайдилар.

Давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш тўғрисидаги давлат контракти бўйича товарлар ҳақи сотиб олувчи томонидан тўланганда давлат буюртмачиси сотиб олувчининг ушбу мажбурияти бўйича кафил деб ҳисобланади.

1. Шарҳланаётган моддада давлат эҳтиёжларини қаноатлантириш фақат давлат контракти асосида амалга оширилиши билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни белгилловчи кўрсатмалар назарда тутилган. Бундай ҳолда давлат буюртмачиси иккита ролда яъни, ФК 459, 460-моддаларига мувофиқ муайян талаблар асосида буюртмаларни жойлаштирувчи давлат буюртмачиси сифатида ҳамда кўрсатилган модданинг нормалари билан тартибга солинадиган маҳсулот етказиб бериш шартномасида сотиб олувчи сифатида иштирок этади. Бунда маҳсулотни учинчи шахс, олувчи манзилига етказилиши ҳолати аҳамиятга эга эмас. Чунки, у шартнома тарафи ҳисобланмайди ва маҳсулот етказиб берувчи билан шартномавий алоқага киришмаган бўлади. Ушбу маҳсулот олувчи зиммасига, агар давлат контрактида назарда тутилган бўлса, фақат товарлар ҳақини тўлаш юклатилиши мумкин.

2. Қонунда товарлар бевосита давлат буюртмачисига ёки унинг кўрсатмаси (жўнатиш разнарядкаси)га мувофиқ бошқа шахс (олувчи)га етказиб бериладиган ҳолларда контрактни бажариш бўйича тарафларнинг муносабатлари маҳсулот етказиб бериш шартномаси учун назарда тутилган қоидалар билан тартибга солинишини назарда тутати. Маҳсулот етказиб

бериш шартномасида товарларни олувчиларга жўнатиш тўғрисида сотиб олувчининг сотувчига кўрсатмалар бериш ҳуқуқи (жўнатиш разнарядкаси) назарда тутилган ҳолларда, маҳсулот етказиб берувчи товарларни жўнатиш разнарядкасида кўрсатилган олувчиларга жўнатади (топширади). Жўнатиш разнарядкаси — маҳсулот етказиб берувчига ёзма шаклда сотиб олувчи томонидан белгиланган шахсларга топшириш учун етказиб берилиши керак бўлган товарларни бир йўла ёки белгиланган график асосида ортиб юбориш (жўнатиш) ёки топшириш бўйича кўрсатмасини мужассамлайди. Бу эса ўз навбатида, маҳсулот етказиб берувчига ҳам қулайликларни келтириб чиқаради. Жумладан, маҳсулот етказиб берувчи товарларни аниқ, ўз вақтида етказиб бериши белгиланса бошқа томондан қулайлиги ўз ишини тартибли олиб боришга асос бўлади. Бу эса, бир йўла бир неча мижоз буюртмасини вақт ва транспорт харажатларини камроқ қилган ҳолда етказиб берилишига олиб келади.

3. Давлат эҳтиёжларини бундай усулда қаноатлантиришнинг амалий масалалари етказиб берилган маҳсулот учун ҳақ тўлаш босқичида юзага келади. Агар бундай ҳақ тўлаш товар олувчи зиммасига юклатилмаган бўлса, у ҳолда унинг ҳақини тўлаш давлат буюртмачиси томонидан амалга оширилиши лозим.

Бундай шароитларда маҳсулот етказиб берувчи манфаатларини қаноатлантириш учун мавжуд ҳуқуқий конструкцияларни кўллаш имкониятини топиш ёки ишлаб чиқиш зарур бўлади. Чунончи, муқобил талабни ҳисобга ўтказиш усулини кўрсатиб ўтиш мумкин. Талабни ҳисобга ўтказиш етказиб берилган маҳсулот учун ҳақ тўлашни давлатга нисбатан ва давлат маҳсулот етказиб берувчига нисбатан талабини кўйиши мумкин.

4. Давлат контракти бўйича маҳсулот белгиланган муддатларда етказиб берилмаса маҳсулот етказиб берувчи етказиб берилмаган маҳсулотнинг 50% ҳажмида неустойка тўлайди. Неустойка олдинги давр учун етказиб берилмаган маҳсулот ҳажмини ҳисобга олган ҳолда амалда мажбурият бажарилгунигача ундирилади. Давлат контракти бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ҳолларда неустойка тўлашдан ташқари маҳсулот етказиб берувчилар сотиб олувчи томонидан кўрилган зарарни ҳам қоплаб беради. Қонунда кўрсатилган талабларга мувофиқ бўлмаган маҳсулот шунингдек, бут бўлмаган маҳсулот етказиб берилмаган ҳисобланади.

462-модда. Давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномасини тузиш

Агар давлат контрактида шартнома лойиҳасини тайёрлашнинг бошқача тартиби назарда тутилган бўлмаса ёки шартнома лойиҳаси сотиб олувчи томонидан тақдим қилинган бўлмаса, маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи) бириктириш тўғрисидаги билдириш хатида кўрсатилган сотиб олувчига давлат буюртмачисидан билдириш хати олинган вақтдан бошлаб ўттиз кундан кечиктирмай давлат эҳтиёжлари учун товар етказиб бериш шартномасининг лойиҳасини йўллаши лозим.

Давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномасининг лойиҳасини олган тараф кечи билан ўттиз кунлик муддатда уни имзолайди ва шартноманинг бир нусхасини иккинчи тарафга қайтаради, шартнома шартлари бўйича келишмовчиликлар бўлганда эса худди шу муддатда келишмовчиликлар баённомасини тузади ва уни имзоланган шартнома билан биргаликда бошқа тарафга юборади.

Давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномасини келишмовчиликлар баённомаси билан олган тараф ўттиз кун ичида келишмовчиликларни кўриб чиқиши, шартнома шартларини бошқа тараф билан мувофиқлаштириш чораларини кўриши ва унга шартномани келишилган тахрирда қабул қилиши ёки келишмовчиликлар баённомасини рад этиши ҳақида хабар бериши лозим. Манфаатдор тараф ҳал қилинмаган келишмовчиликларни ўттиз кунлик муддатда суд муҳокамасига топшириши мумкин.

Агар маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи) давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномасини тузишдан бош тортса, сотиб олувчи маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи)ни сотиб олувчи ишлаб чиққан шартнома лойиҳаси шартларида шартнома тузишга мажбур қилиш ҳақидаги талаб билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

1. Шарҳланаётган модда давлат эҳтиёжларини таъминлаш мустақил давлат контракти ва маҳсулот етказиб бериш шартномаси тузиш йўли билан амалга оширилган ҳолларда учта тараф (давлат буюртмачиси, маҳсулот етказиб берувчи ва сотиб олувчи) ўртасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган. Бунда давлат буюртмачиси ва маҳсулот етказиб берувчи ўртасидаги ҳуқуқий муносабат давлат контракти асосида,

маҳсулот етказиб берувчи ва сотиб олувчи ўртасидаги муносабат маҳсулот етказиб бериш, давлат буюртмачиси ва сотиб олувчи ўртасидаги муносабат эса, ижрочининг бириктирилганлиги ҳақидаги билдириш хати ва илгари берилган буюртма (мақсадли дастурларни ишлаб чиқишда ва ҳ.к.) асосида тартибга солинади.

2. Давлат контрактини тузишда тарафлар маҳсулот етказиб беришнинг қандай тартибини қўллаш ҳақида келишиб олади. Бундай тартиблар жумласига:

- товарларни топшириш (маҳсулот етказиб бериш) бевосита давлат буюртмачисига ФК 390, 442-моддасида белгиланган усуллардан бирида амалга оширилади;

- товарлар давлат буюртмачисининг жўнатиш разнарядкасида кўрсатилган шахсларга берилади (етказиб берилади);

- давлат контракти бўйича маҳсулот етказиб берувчи товарларни давлат буюртмачиси томонидан бириктирилганлик ҳақидаги хабарда кўрсатилган бошқа шахс билан тузиладиган маҳсулот етказиб бериш шартномаси асосида етказиб бериши мумкин.

Давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномасида сотиб олувчи сифатида кўрсатилган шахс билан давлат контракти бўйича маҳсулот етказиб берувчи ўртасида шартнома тузилиши товарнинг миқдори ва ассортиментни ва бошқа шартларини бевосита шартнома ижрочиси бўлган шахс билан келишиб олиш ва шартномада товарларга нисбатан амалдаги эҳтиёжларни ифодалаш имконини беради.

3. Агар давлат контрактида бошқа тартиб белгиланган бўлмаса, маҳсулот етказиб бериш тўғрисидаги шартнома тузиш таклифи билан шартнома лойиҳасини ишлаб чиқувчи ва сотиб олувчига йўлловчи маҳсулот етказиб берувчи чиқади. Бунинг учун унга 30 кунлик муддат берилган ва бу муддат бириктирилгани тўғрисида билдириш олгандан бошлаб ҳисобланади. Бириктирилганлик тўғрисидаги хабар шартномавий алоқаларни йўлга қўйишнинг воситаси бўлиб хизмат қилади. Давлат буюртмачиси томонидан юборилган давлат контракти бўйича маҳсулот етказиб берувчига сотиб олувчининг бириктирилганлиги тўғрисидаги хабар агар давлат контрактида давлат буюртмачисининг бириктириш ҳақида хабар юбориш ҳуқуқи назарда тутилмаган бўлса, маҳсулот етказиб берувчига шартнома тузиш мажбуриятини

келтириб чиқармайди. Демак, давлат буюртмачиси томонидан бириктириш ҳақидаги хабарда кўрсатилган маҳсулот етказиб берувчининг давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш тўғрисида сотиб олувчи билан шартнома тузиш мажбурияти давлат контракти бўйича ўз хоҳиши билан зиммасига олган мажбуриятдан келиб чиқади (ФК 354-моддаси). Бириктириш ҳақидаги хабар сотиб олувчи учун ҳам мажбурият келтириб чиқармайди. Демак, бириктириш ҳақидаги хабар режали ҳужжат хусусиятига эга.

4. Агар маҳсулот етказиб берувчининг давлат контракти бўйича бириктириш ҳақидаги хабарда кўрсатилган шахс билан шартнома тузиш мажбурияти вужудга келса ва маҳсулот етказиб берувчи бундай шартнома тузишдан бош тортса у ҳолда сотиб олувчи маҳсулот етказиб берувчини шартнома тузишга мажбур қилиш ҳақида даъво қилиши мумкин.

5. Шарҳланаётган модда давлат буюртмачисини маҳсулот етказиб берувчига сотиб олувчини бириктириш ҳақидаги хабар асосида тузиладиган давлат контрактини маҳсулот етказиб бериш шартномаси мазмунига бевосита таъсир кўрсатишини белгилайди.

Давлат контрактини тузишда келишилган товарнинг қиймати тарафлар ўртасида маҳсулот етказиб бериш шартномасини тузишда қўлланилиши лозим. Маҳсулот етказиб бериш шартномасини тузган товарларни сотиб олувчи товарлар ҳақини ўзи тўлайди. Бу жиҳати билан жўнатиш разнарядкаси асосида маҳсулот етказиб беришдан фарқланади.

Бироқ ушбу диспозитив норма тарафларнинг давлат контрактда кўрсатилгандан бошқача тартибда ҳисоб-китоб қилишни ва бошқа қийматни белгилаш имкониятидан маҳрум қилмайди.

Давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномасига мувофиқ, ҳақ тўлаш сотиб олувчи томонидан амалга оширилса, у ҳолда давлат буюртмачиси ушбу мажбурият юзасидан кафолатчи деб тан олинади. Ушбу қоида агар сотиб олувчи ҳақ тўлашдан бош тортса ёки тўлаш муддатини бузса у ҳолда кафолат берувчи давлат буюртмачиси маҳсулот етказиб берувчи олдида агар давлат контрактда бошқача ҳолат белгиланган бўлмаса, сотиб олувчи билан бирга солидар жавобгар бўлишини англатади (ФК 293-моддаси).

6. Давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етказиб бериш шартномасини тузишдан маҳсулот етказиб берувчининг асоссиз бош тортиши қонунда

бундай мажбурият белгиланган ҳолларда, сотиб олувчи маҳсулот етказиб берувчи (ижрочини) шартнома тузишга мажбур қилиш ҳақида ва шартнома тузишдан маҳсулот етказиб берувчини бош тортиши оқибатида етказилган зарарни тўлашни сўраб судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

463-модда. Сотиб олувчининг давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномасини тузишдан бош тортиши

Сотиб олувчи бириктириш ҳақидаги билдириш хатида кўрсатилган товарлардан ҳамда уларни етказиб бериш шартномасини тузишдан тўлиқ ёки қисман бош тортиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолда маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи) бу ҳақда дарҳол давлат буюртмачисига маълум қилиши лозим ва давлат буюртмачисидан бошқа сотиб олувчини ўзига бириктириш тўғрисида билдириш хати беришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Давлат буюртмачиси маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи)нинг билдириш хатини олган кундан бошлаб кечи билан ўттиз кун ичида ё маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи)га бошқа сотиб олувчини бириктириш тўғрисида билдириш хати беради, ёки маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи) га товарларни ким олиши кўрсатилган жўнатиш разнарядкасини юборади, ёхуд товарларни қабул қилиш ва ҳақини тўлашга розилигини хабар қилади.

Давлат буюртмачиси ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган мажбуриятларини бажармаган тақдирда, маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи) ё давлат буюртмачисидан товарларни қабул қилиш ва ҳақини тўлашни талаб қилиш, ёки товарларни ўз ихтиёри билан реализация қилиб, товарларни реализация қилиш билан боғлиқ оқилона харажатларни давлат буюртмачисига юклаш ҳуқуқига эга.

1. Сотиб олувчи бириктириш ҳақидаги билдириш хатида кўрсатилган товарлардан ҳамда уларни етказиб бериш шартномасини тузишдан, бу ҳақда сабабларни кўрсатмаган ҳолда, тўлиқ ёки қисман бош тортиш ҳуқуқига эга, яъни, бириктириш ҳақидаги билдириш хати сотиб олувчи учун ҳеч қандай мажбурият юкламайди. Маҳсулот етказиб берувчи сотиб

олувчининг рад этиши ҳақида давлат буюртмачисини хабардор қилади. Бундай ҳолда давлат буюртмачиси хабар олган кундан ўттиз кундан кечиктирмасдан давлат контрактини ижро қилиш йўлини танлайди. Яъни, маҳсулот етказиб берувчига янги сотиб олувчини бириктирилганлиги ҳақида хабар юборади ёки жўнатиш разнарядкасини юбориб, товарларни қабул қилиш ва ҳақини тўлашини маълум қилади.

2. Давлат буюртмачисининг шарҳланаётган модданинг 1 қисмида кўрсатилган ҳаракатларни қилишдан бош тортиши, маҳсулот етказиб берувчига муқобил йўл тутиш имконини беради. Яъни, давлат буюртмачисидан давлат контрактда кўрсатилган товарларни қабул қилиш ва ҳақини тўлашни ёки товарларни ўз хоҳишига кўра сотиши ҳамда бу билан боғлиқ зарарларни (оқилона харажатларни) давлат буюртмачисига юклаш ҳуқуқига эга.

3. Маҳсулот етказиб берувчи ва сотиб олувчи манфаатларини мувофиқлаштирувчи субъект бўлиб давлат буюртмачиси ҳисобланади ва у маҳсулот етказиб берувчига янги сотиб олувчини бириктиради. Бу ҳолат тўғри ҳисобланади, чунки айнан давлат буюртмачиси давлат контрактини тузилиши ташаббускори бўлиб ҳисобланади ва унга муайян мажбуриятлар юклатилган бўлади.

Бунинг учун давлат буюртмачиси: ўзи мустақил равишда товарларни қабул қилиши ва ҳақини тўлаши ёки 30 кунлик муддат мобайнида маҳсулот етказиб берувчисига бошқа сотиб олувчини топиши ёки бошқа олувчига товарларни жўнатиш разнарядкасини юбориши лозим.

Агар давлат буюртмачиси ўз мажбуриятларини бажармаса, маҳсулот етказиб берувчи ишлаб чиқарилган товарларни мустақил реализация қилиши ва агар бундай реализация жараёнида унга зарар етса, оқилона равишда зарар қисмини давлат буюртмачисидан қоплатиши мумкин.

464-модда. Давлат контрактининг бажарилиши ёки бекор қилиниши муносабати билан етказилган зарарни қоплаш

Агар давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ёки давлат контрактда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, давлат контрактининг бажарилиши муносабати билан маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи)га етказилган зарар (ушбу

Кодекс 459-моддасининг учинчи қисми) давлат контрактига мувофик товар топширилган кундан эътиборан кўпи билан ўттиз кун ичида давлат буюртмачиси томонидан қопланиши лозим.

Давлат контрактининг бажарилиши муносабати билан маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи)га етказилган зарар давлат контрактига биноан қопланмаган тақдирда маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи) давлат контрактини бажаришдан бош тортишга ва давлат контракти бекор қилинганлиги туфайли келиб чиққан зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақли.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган асослар бўйича давлат контракти бекор қилинганда маҳсулот етказиб берувчи давлат эҳтиёжлари учун товар етказиб бериш шартномасини бажаришдан бош тортишга ҳақли. Маҳсулот етказиб берувчининг бундай бош тортиши туфайли сотиб олувчига етказилган зарар давлат буюртмачиси томонидан қопланади.

1. Давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш тўғрисидаги қонунчилик тарафлар ўртасидаги муносабатни маҳсулот етказиб бериш шартномаси объекти бўлиб зарур бўлган, яъни ҳар қандай ҳолатда ҳам, хатто ишлаб чиқариш ўзини оқламаган ҳолларда ҳам ишлаб чиқариладиган маҳсулот бўлганлиги нуқтаи назаридан тартибга солади. Давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб беришда маҳсулот етказиб берувчига етказилган зарарни қоплаш мажбурияти давлат буюртмачиси зиммасида бўлади.

2. Давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномасини бажариш муносабати билан етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини давлат буюртмачиси томонидан бузилиши маҳсулот етказиб берувчига келгусида давлат контрактини бажаришни рад этиш ва нафақат давлат буюртмачисини бажариш билан боғлиқ зарарларни қоплашни балки, шартномани бекор қилиш билан боғлиқ зарарларни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқини ҳам беради. Шартномани бажаришдан бош тортиш тўғрисида маҳсулот етказиб берувчи давлат буюртмачисини хабардор қилиши лозим. ФКнинг 455 моддасига мувофик, давлат буюртмачисини маҳсулот етказиб берувчи томонидан давлат контрактини бажаришдан бош тортиши тўғрисида хабардор қилинган вақтдан бошлаб контракт бекор қилинган ҳисобланади.

3. Шарҳланаётган модданинг 1 қисми давлат контрактини бажариш муносабати билан маҳсулот етказиб берувчига етказилган зарарни давлат буюртмачиси томонидан қоплаши учун ўттиз кунлик муддатни белгилайди. Зарарни қоплаш муддати товарлар топширилган кундан бошлаб ҳисобланади.

4. Давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етказиб бериш тўғрисидаги давлат контрактини бекор қилиш ва бажариш бўйича давлат буюртмачиси ва маҳсулот етказиб берувчи ўртасидаги низо, шунингдек етказилган зарарларни қоплаш қонунда белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

5-§. КОНТРАКТАЦИЯ

465-модда. Контрактация шартномаси

Контрактация шартномасига мувофиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ёки сотиш учун бундай маҳсулотни харид қиладиган шахсга — тайёрловчига шартлашилган муддатда топшириш (топшириб туриш) мажбуриятини олади, тайёрловчи эса бу маҳсулотни қабул қилиш (қабул қилиб туриш), унинг ҳақини шартлашилган муддатда муайян баҳода тўлаш (тўлаб туриш) мажбуриятини олади.

Агар ушбу Кодексда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса ёки у мажбурият моҳиятидан келиб чиқмаса, контрактация шартномасига нисбатан маҳсулот етказиб бериш шартномаси тўғрисидаги қоидалар, тегишли ҳолларда эса давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб беришга доир давлат контракти тўғрисидаги қоидалар қўлланади.

1. Контрактация шартномасига асосан бир тараф-қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи (ишлаб чиқарувчи) қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ёки сотиш учун бундай маҳсулотни харид қиладиган иккинчи тараф, яъни — тайёрловчига шартлашилган муддатда топшириш мажбуриятини олади, тайёрловчи эса бу маҳсулотни қабул қилиш, унинг ҳақини шартлашилган муддатда муайян қийматда тўлаш мажбуриятини олади. Мазкур нормада барча олди-сотди шартномаларига

мос бўлган умумий жиҳатлар (ФК 386-моддаси) ҳамда контрактация шартномасининг ўзига хос хусусиятига эътибор берилган.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи бўлиб юридик шахс (буларга ҳозирги кунда асосан, фермер хўжаликлари киради) ёки тадбиркорликни ушбу тури билан шуғулланувчи жисмоний шахс, шу жумладан деҳқон хўжалиги раҳбари бўлиши мумкин. Тайёрловчи сифатида эса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ёки сотиш учун бундай маҳсулотни харид қиладиган тадбиркор (тижоратчи ташкилот ёки якка тадбиркор) ҳисобланади. Шартномада белгиланган тарафларга оид қоидадан сотиб олиш (контрактация)нинг мақсади яъни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини тадбиркорлик фаолиятида ёки ушбу маҳсулотни шахсий, оилавий, рўзғор мақсадлари билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш лозимлиги келиб чиқади. Маҳсулот етказиб бериш шартномаси сингари контрактация шартномаси ҳам тадбиркорлик, яъни тадбиркорлик фаолиятида қўлланиладиган шартнома сифатида кўриш мумкин.

2. Контрактация шартномасига мувофиқ фақат сотувчи томонидан шартномада назарда тутилган миқдорда ва ассортиментда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти реализация қилинади. Бу келгусида олинadиган ҳосил ёки шартнома тузишда товар ишлаб чиқарувчида мавжуд бўлган маҳсулот бўлиши мумкин. Маҳсулот етказиб бериш шартномасига асосан, ҳам сотувчи томонидан ишлаб чиқилган, ҳам сотиб олинadиган маҳсулот реализация қилиниши мумкин.

Контрактация шартномаси бўйича бирон бир тарзда қайта ишланмаган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти реализация қилинади. Қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти саноат маҳсулоти жумласига киради ва маҳсулот етказиб бериш ёки чакана олди сотди шартномасига асосан реализация қилинади.

Бир тарафдан контрактация шартномаси олди сотди шартномасининг бир кўриниши, бошқа тарафдан эса, олди сотди шартномасининг бошқа бир кўриниши бўлган маҳсулот етказиб бериш шартномасининг бир тури сифатида намоён бўлади. Тарафлар контрактация шартномасини тузиш ва ижро қилишда умумий ва махсус қоидаларни ҳисобга олган ҳолда дастлаб ушбу шартнома учун хос бўлган қоидаларни, сўнгра маҳсулот етказиб бериш ёки давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш

шартномасига доир, улар мавжуд бўлмаганда эса, олди сотди шартномаси тўғрисидаги умумий қоидаларни қўллайди.

3. Контрактация шартномасининг ўзига хос хусусияти бўлиб топшириладиган товар ҳисобланади. Ушбу хусусиятлар қуйидагиларда кўринади: биринчидан, ушбу товарлар келгусида етиштирилади (дон, пахта ва ҳ.к.); иккинчидан, етиштириш қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқаришнинг турли босқичлари, яъни уруғ экиш, ер ҳайдаш ва ҳ.к.лар, айрим ҳолларда эса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи эрк иродасига боғлиқ бўлмаган (қурғоқчилик, сув тошқини ва ҳ.к.) билан боғлиқ бўлади. Ушбу хусусиятлардан шартнома тузиш вақтида мавжуд бўлган ва ижро қилишдаги ҳолатлар бир бирига мос келмаслиги ва вақт оралиғи ўтишга улгурганлиги, топшириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти аниқ рақамларда ифодалаб бўлмаслиги ҳамда етиштириладиган товарлар ассортиментини эса, қоида тариқасида тайёрловчи томонидан уруғ ерга экилгунга қадар аниқланиши келиб чиқади.

Шартноманинг ушбу белгиларидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчининг маҳсулот топшириш мажбуриятини бажармаганлик учун жавобгарлик хусусиятлари келиб чиқади.

4. Тайёрловчи ўзи томонидан сотиб олинган ёки қайта ишланган (агар зарурат бўлмаса қайта ишланмаган ҳолдаги) қишлоқ хўжалиги маҳсулотини давлат эҳтиёжлари учун етказиб берса, у ҳолда давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномаси (ФК 457-моддаси) конструкциясидан фойдаланилади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи томонидан етиштирилган маҳсулот давлат эҳтиёжлари учун сотиб олинса, у ҳолда ушбу муносабатлар шарҳланаётган модданинг нормаларига мос келади. Давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етказиб бериш шартномаси ишлаб чиқарувчи томонидан қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини сотиб олишда ҳам қўлланилади.

5. Контрактация шартномасини ҳуқуқий тартибга солиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда унинг миқдор ҳақидаги шартлари ФК 398-моддаси, ассортиментини эса ФК 400-моддасида белгиланган тартибда аниқланади. Чунончи, топшириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг миқдори аниқ бўлмаган ҳажмда (тонналарда ва ҳ.к.) аниқланиши, бироқ «кам бўлган» ва «кўп бўлган» (яъни, «дан», «гача») деган жумлада ифодаланган ҳамда келишиб олинган бўлади. Тайёрловчи (сотиб олувчи)

кўп бўлган миқдорни қабул қилишни рад этиш ҳуқуқига эга эмас, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи эса, шартномада кўрсатилгандан кам бўлмаган миқдордаги маҳсулотни топшириш ҳуқуқига эга. Бундай тарзда миқдорнинг келишиб олинishi ФК 398-моддасида белгиланган тегишли ўлчов бирликларида ёки пулда назарда тутилиши ҳақидаги қоидага зид келмайди.

6. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш ва харид қилиш юзасидан шартномалар тузиш ва ижро қилиш билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги 383-Қарори билан тасдиқланган «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида»ги Низоми билан ҳам тартибга солинади.

Низомда нарх ҳамда тарафлар ўртасидаги ҳисоб-китоб масаласига ҳам эътибор қаратилган бўлиб, унга асосан, маҳсулотни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари зиммасида бўлади. Маҳсулот хўжалик транспортида етказиб берилса, тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари хўжаликка маҳсулотни ташиш харажатларини ҳақиқий вазни (идишни ҳам қўшиб) бўйича қоплайди.

Маҳсулотни ташиш харажатлари йўлнинг бутун масофаси учун қопланади. Контракция шартномалари бўйича харажатлар маҳсулот етиштирувчидан жўнатишдан жойдан бошлаб (саралаш пункти, бригада, бўлим, чорвачилик фермаси, яйлов, марказий омбор, хўжаликнинг марказий қўرғони ва ҳоказолар), шартномада назарда тутилган қабул қилиш пунктигача қопланади. Моддий-техника ресурслари етказиб бериш шартномалари бўйича харажатлар маҳсулотни қабул қилиш пунктидан шартномада назарда тутилган етказиб бериш жойигача қопланади.

Етиштирувчиларнинг транспортда ташиш ва тушириш харажатлари қонун ҳужжатларига мувофиқ тасдиқланган нормалар ва тарифлар бўйича ёхуд томонларнинг келишувига кўра белгиланади. Тайёрлов ташкилотининг қўшимча талабларига риоя қилган ҳолда маҳсулот жўнатиш билан боғлиқ шартномада белгиланмаган харажатлар тегишли равишда тайёрловчи ҳисобига тўланади.

Тайёрлов ташкилоти томонидан стандарт талабларига мувофиқ бўлмаган, шунингдек қонунга мувофиқ қўйиладиган талабларга (кондицияга) мувофиқ бўлмаган маҳсулот қабул қилинган тақдирда қўшимча равишда сортларга ажратиш тайёрловчи томонидан бажарилади, ишларни бажариш бўйича харажатлар эса қўшимча битим бўйича қопланади. Хўжаликлар билан тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасидаги олдиндан ҳақ тўлаш ва якуний ҳисоб-китоблар шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, шаклда ва муддатларда амалга оширилиши белгиланган.

466-модда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчининг мажбуриятлари

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи ўстирилган (ишлаб чиқарилган) қишлоқ хўжалиги маҳсулотини тайёрловчига контрактация шартномасида назарда тутилган миқдор ва ассортиментда топшириши шарт.

Агар маҳсулот етиштирувчи ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган мажбуриятларини бажармаганлиги оқибатида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти контрактация шартномасида назарда тутилган миқдор ва ассортиментда олинмаслиги олдиндан маълум бўлиб қолса, тайёрловчи шартномани бекор қилишни ёки ўзгартиришни ва зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

1. Тарафлар шартномада товарни топшириш мажбуриятини бажариш тартибини (ФК 390-модда), идиш ва ўраш тартибини (ФК 414-моддаси), товарни топшириш муддати ва даврларини (ФК, 440-моддалари) ва маҳсулотни топшириш мажбуриятини бажаришга доир бошқа шартларни белгилаб олади.

2. Мавжуд амалиётдан келиб чиққан ҳолда шартномада топшириш муддати билан боғлиқ бўлган, тайёрловчининг етиштирувчини идиш ва ўраш билан билан таъминлаши, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти учун олдиндан ҳақ тўлаши ва ҳ.к. юзасидан муқобил мажбуриятлари назарда тутилиши мумкин.

3. Топширилиши лозим бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг миқдори шартномада аниқ белгиланган бўлиши лозим. Олди-сотдига

оид умумий қоидаларга мувофиқ, агар олди сотди шартномасида топширилиши лозим бўлган товар миқдорини аниқлаш имконини бермаса, шартнома тузилмаган ҳисобланади. Ушбу шартни амалга ошириш учун мазкур шарт контрактация шартномасига киритилган бўлиши зарур.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги 383-Қарори билан тасдиқланган «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида»ги Низомда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчининг қуйидаги алоҳида мажбуриятларини ҳам назарда тутди:

- маҳсулотнинг муайян турларини тайёрловчи ташкилотга шартномада белгиланган миқдорларда ва ассортиментда ҳамда муддатларда тегишли сифат билан етказиб бериш;

- илова қилинаётган ҳужжатларни тўғри расмийлаштириш ва маҳсулотни топширишда қўйиладиган бошқа талабларга (идишга жойлаш, қадоқлаш, қорамолларни тамғалаш ва бошқаларга) риоя этиш;

- маҳсулотни тайёрлов ташкилотига топшириш учун ўз вақтида тайёрлаш;

- етказиб берилган моддий-техника ресурслари ва кўрсатилган хизматлар (бажарилган ишлар) учун тўловни (ҳисоб-китобларни) хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан тузилган шартномаларга мувофиқ ўз вақтида амалга ошириш.

Хўжалик қонун ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади.

467-модда. Тайёрловчининг мажбуриятлари

Агар контрактация шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тайёрловчи етиштирувчи жойлашган ерда ундан қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қабул қилиши (қабул қилиб туриши) ва олиб кетишни таъминлаши (таъминлаб туриши) шарт.

Агар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти тайёрловчи жойлашган ерда ёки у кўрсатган бошқа ерда қабул қилинса, тайёрловчи етиштирувчи

томонидан контрактация шартномасига мувофиқ ва шартлашилган муддатда келтирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қабул қилишдан бош тортишга ҳақли эмас.

Тайёрловчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини олиб кетишни ёки қабул қилиб олишни таъминламаган тақдирда етиштирувчига қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг қийматини ва уни келтириш харажатларини тўлайди.

Контрактация шартномасига мувофиқ олинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлайдиган тайёрловчи етиштирувчининг талабига кўра қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш чиқиндиларини тарафлар келишган нархда етиштирувчига қайтариши шарт.

1. Тайёрловчининг мажбуриятлари ҳақидаги модда шарҳланаётган бўлимнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи (сотувчи) ҳақидаги моддасидан кейинга жойлаштирилган. Бунда контрактацияга оид муносабатларни тартибга солишга нисбатан ёндашув намоён бўлади ва унда тайёрловчига (сотиб олувчига) нисбатан қатъий талаблар қўйилади, чунки қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятига кўра, иқтисодий жиҳатдан нисбатан заиф тараф ҳисобланади. Шу боисдан унинг ҳуқуқлари тегишли ҳуқуқий ҳимояни талаб қилади.

2. Тайёрловчининг мажбуриятларини нисбатан қатъий тартибга солиниши шунда кўринадики, маҳсулотни топшириш тартибини диспозитив норма билан белгилашда тайёрловчи зиммасига нафақат у (маҳсулотни етиштирувчи) жойлашган жойда маҳсулотни қабул қилиш балки, уни олиб кетишни таъминлаш мажбуриятини юклатилишида ҳам намоён бўлади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги 383-Қарори билан тасдиқланган «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида»ги Низомда тайёрловчининг қуйидаги алоҳида мажбуриятларини ҳам назарда тутати:

– қонун ҳужжатларига мувофиқ хўжаликлар билан томонлар келишган ҳажмларда ўз вақтида шартномалар тузиш;

– хўжаликларга шартномада белгиланган даврларда, кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш муддатларига мувофиқ маҳсулотлар қийматининг камида 50 фоизи миқдорида (чорвачилик маҳсулотлари бўйича — шартномаларда кўрсатилган ҳажмлар қийматининг 25 фоизи миқдорида) аванс маблағлари тўлаш, кишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг айрим турларини давлат эҳтиёжлари учун харид қилиш бундан мустасно; (Ўз Р ВМ 26.05.2005 й. 133-сон Қарори таҳриридаги хат боши)

– харид қилинадиган маҳсулотнинг вазни ва сифатини тўғри аниқлаш;
– хўжаликлар томонидан етказиб бериладиган кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини шартномада назарда тутилган миқдорларда ва муддатларда харид қилиш, уларнинг узлуксиз қабул қилиб олинишини таъминлаш;

– хўжаликлар ихтиёрида қоладиган маҳсулотларни шартномада назарда тутилган ҳолларда давлат стандартлари ва техник шартлар талабларига мувофиқ сақлаш ҳамда уларнинг ҳолати тўғрисида хўжаликларга мунтазам равишда хабар қилиб туриш;

– хўжаликлар ихтиёрида қолдириладиган маҳсулотлар сифатининг ёмонлашиши оқибатида хўжаликларга етказилган зарарни қоплаш;

– агар шартномада ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини келишилган жадвалга мувофиқ қабул қилиб олишни ва ташишни таъминлаш;

– харид қилинаётган маҳсулот сифатини амалдаги стандартлар талабларига мувофиқ аниқлаш, шартномада белгиланган нархларга мувофиқ ва муддатларда маҳсулот учун ҳисоб-китоб қилиш;

– кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, тайёрлаш, ташиш ва қайта ишлашда улар нобуд бўлишининг олдини олиш;

– маҳсулотларни амалдаги стандартларга мувофиқ қайта ишлаш, сотишга тайёрлаш ва уларни сотишга тааллуқли ҳужжатларни расмийлаштириш;

– хўжаликларни идишлар, ўраш материаллари ва норматив-техник ҳужжатлар (стандартлар, техник шартлар, маҳсулотларнинг айрим турларини харид қилиш, қабул қилиб олиш, сифатини баҳолаш тартибини тартибга солувчи қоидалар) билан шартномаларга мувофиқ таъминлаш;

– шартномаларда назарда тутилган ҳолларда хўжаликларни уруғлик ва экиш материаллари билан таъминлаш;

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлов ташкилоти жойлашган жойда ёки улар кўрсатган бошқа жойда қабул қилиб олинган тақдирда хўжаликлар томонидан контрактация шартномасига мувофиқ етказиб берилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини белгиланган муддатларда қабул қилиб олиш;

– хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш) юзасидан тузилган шартнома бўйича бажарувчи ташкилот хўжалик буюртмасига биноан механизациялашган ишларни бажариш, сервис, агрокимё, агротехника хизматлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан боғлиқ бошқа хизматлар кўрсатишни таъминлаш мажбуриятини олади, хўжалик эса ушбу ишлар (хизматлар)ни қабул қилиб олиш ва улар учун белгиланган ёки келишилган нархлар бўйича ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

4. Агар шартномада маҳсулот етказиб берувчи жойлашган жойдан товарларни олиш назарда тутилган бўлмаса, маҳсулот етказиб бериш шартномасида товарларни етказиб бериш маҳсулот етказувчи томонидан амалга оширилади (ФК 442-моддаси). Контрактация шартномасида бунга қарама-қарши тартиб назарда тутилган: Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тайёрловчи етиштирувчи жойлашган ерда ундан қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қабул қилиши ва олиб кетишни таъминлашга мажбур. Маҳсулот у жойлашган жойда қабул қилинган ҳолларда товарларни танлаб олишини назарда тутувчи ФКнинг 448-моддаси қўлланилади.

Шунга алоҳида эътибор қаратиш керакки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчиларнинг ишлаб чиқариш хўжалик фаолияти ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, тайёр маҳсулотлар омбори унинг юридик манзили жойлашган жой бўлмасдан балки, етиштириш (ишлаб чиқариш) майдонларида жойлашган бўлади ва агар шартномада бошқача ҳол назарда тутилган бўлмаса, у ердан тайёрловчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини олиб кетиши шарт.

5. Шарҳланаётган модданинг 2-қисмига мувофиқ, агар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти тайёрловчи жойлашган ерда ёки у кўрсатган бошқа ерда қабул қилинса, тайёрловчи етиштирувчи томонидан контрактация шартномасига мувофиқ ва шартлашилган муддатда келтирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қабул қилишдан бош тортишга ҳақли эмаслиги ҳақидаги қоида қишлоқ хўжалиги маҳсулотини тайёрловчи жойлашган ёки у кўрсатган жойда

қабул қилишга нисбатан қўллашни назарда тутлади. Бироқ, қишлоқ хўжалиги маҳсулотни у жойлашган ерда қабул қилинишида ҳам маҳсулотни қабул қилишни рад этишга ҳақли эмас. Ушбу муносабатга нисбатан қўлланиши мумкин бўлган ФК 448-моддасига мувофиқ, сотиб олувчи (олувчи)нинг товарларни маҳсулот етказиб бериш шартномасида белгиланган муддатда, бундай муддат белгиланмаган бўлса, товарларнинг тайёрлиги тўғрисида маҳсулот етказиб берувчининг билдириш хатини олганидан сўнг оқилона муддатда танлаб олмаслиги маҳсулот етказиб берувчига шартномани бажаришдан бош тортиш ёки сотиб олувчидан товарлар ҳақини тўлашни талаб қилиш ҳуқуқини беради.

Етиштирувчи томонидан шартномада белгиланган топшириш ҳақидаги муддатнинг бузилиши ФКнинг 444-моддасига мувофиқ тайёрловчига етказиб берилган, фақат у агар ишлаб чиқарувчи (етиштирувчи)ни маҳсулотни қабул қилишни рад этиш ҳақида хабардор қилган ва ушбу хабар маҳсулот етказиб берилгунга қадар олинган ҳолларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қабул қилишни рад этишга ҳақли бўлади.

6. Шарҳланаётган модданинг 4-қисмида қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш хусусиятини намоён қилиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлайдиган тайёрловчи етиштирувчининг талабига кўра қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш чиқиндиларини (иккиламчи маҳсулотларни) тарафлар келишган нархда етиштирувчига қайтариши шартлигини назарда тутлади. Бундан кўринадики, чиқиндиларни (иккиламчи маҳсулотларни) қайтариш рад этилганда, бунинг имкони йўқлигини исботлаш тайёрловчи зиммасида бўлади. Бунда тайёрловчи чиқиндиларни қайтаришни кўп харажат талаб қилишини баҳона қилишга ҳақли эмас, чунки нархни белгилашда тегишли харажатлар ҳам назарда тutilади. Чиқиндиларни (иккиламчи маҳсулотларни) қайтаришни иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаш ёки оқламаслиги қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи томонидан белгиланади.

3-§. ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИ

468-модда. Энергия таъминоти шартномаси

Энергия таъминоти шартномасига мувофиқ энергия билан таъминловчи ташкилот туташтирилган тармоқ орқали абонентга

(истеъмолчига) энергия бериб туриш мажбуриятини олади, абонент эса қабул қилинган энергия ҳақини тўлаш, шунингдек шартномада назарда тутилган энергия истеъмол қилиш тартибига риоя этиш, тасарруфидаги энергетика шохобчаларидан фойдаланиш хавфсизлигини ҳамда ўзи фойдаланадиган энергия истеъмол қилувчи асбоб ва ускуналарнинг созлигини таъминлаш мажбуриятини олади.

1. Ўзбекистон Республикаси ФК 29-бўлим 6-параграфи истеъмолчиларни электр энергияси билан таъминлаш билан боғлиқ муносабатларга нисбатан қўллашга қаратилган. Бу борада электрэнергетика соҳасининг шаклланиши ва электр энергия бозорида янги субъектларнинг вужудга келиши билан энергия истеъмолчилар иштирокидаги шартномаларнинг янги тизими шаклланишини ҳам ҳисобга олиш лозим. Энергия таъминоти шартномаси ФКда олди-сотди шартномасининг алоҳида тури сифатида кўрсатилган бўлиб, унга кўра энергия билан таъминловчи ташкилот абонентга (истеъмолчига) энергия бериб туриш, абонент эса қабул қилинган энергия ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

Энергия таъминоти шартномасининг алоҳида шартнома тури сифатида ажралиб чиқиши мазкур шартноманинг ўзига хос объекти — энергия ва уни узатиш усули — туташтирилган тармоқ орқали юборилиши билан бевосита боғлиқ. Энергия ўзида материянинг муайян хусусиятини — фойдали ишни амалга ошириш, тадбиркорлик ва бошқа фаолият турлари учун шарт-шароит яратиб бериш имкониятини ифодалайди. Суд амалиёти ҳам ушбу шартномани олди-сотди шартномасининг алоҳида кўриниши сифатида кўради: энергия таъминоти шартномаси — бу олди-сотди шартномасининг туридир. Оммавий шартнома сифатида мазкур шартнома энергия истеъмолчиларининг барчаси билан тузилади, бироқ бунда айрим шарт-шароитлар ҳисобга олинади. Улар, энг аввало, шартнома предмети — ишлаб чиқириш жараёни истеъмол билан чамбарчас боғлиқ бўлган энергиянинг хусусиятлари ва табиий хоссаларидан келиб чиқади. Масалан, электрэнергияни кўп миқдорда жамлаш, (омборларга) жойлаштиришнинг деярли имкони йўқ, унинг олиниши (ишлаб чиқилиши) истеъмол қилиниши билан тенг. Шу жиҳатдан энергия таъминоти шартномасининг олди-сотди шартномаси бошқа турларидан, авваламбор, маҳсулот етказиб бериш шартномасидан фарқловчи бир қатор хусусиятларини кўриш мумкин.

Энергияни энергия билан таъминловчи ташкилотдан истеъмолчига бериб туриш туташтирилган тармоқ мавжуд бўлгандагина амалга оширилиши мумкин. Ўзининг иқтисодий манфаатларини ишлаб чиқилган энергияни сотиш ҳақи ҳисобига қондириш, атрофдагиларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида энергия билан таъминловчи ташкилот унинг шериги — истеъмолчида энергия истеъмол қилувчи асбоб, ускуналар, тармоқнинг созлиги, энергия истеъмол қилишнинг белгиланган тартибига риоя қилинишидан объектив манфаатдордир. Бундан истеъмолчининг ўзи ҳам манфаатдор, чунки бусиз унинг энергияга бўлган эҳтиёжларини қондиришнинг имкони йўқ.

Бундай ўзига хослик ва тарафлар манфаатларини ҳисобга олиб, энергия таъминоти шартномаси куйидаги қўшимча шартларни ўзида камраб олади: энергия истеъмол қилишнинг белгиланган тартибига ва энергия сифатининг келишилган кўрсаткичларига риоя қилиш мажбурийлиги, туташтирилган тармоқнинг баланс бўйича тегишлилиги чегарасини аниқлаш, истеъмолчиларни энергияга ҳақ тўлаш бўйича муайян тариф гуруҳига мансублигини белгилаш, истеъмолчида мавжуд электртехник тармоқ, энергия истеъмол қилувчи асбоб ва ҳисобловчи ускуналарнинг созлиги ҳамда улардан фойдаланиш хавфсизлигини таъминлаш.

2. Шартнома абонентда энергия билан таъминловчи ташкилот тармоқларига туташтирилган энергия қабул қилувчи асбоб, энергия истеъмолини ҳисобловчи ускуна ва белгиланган техник талабларга жавоб берадиган бошқа зарур ускуналар мавжуд бўлган ҳоллардагина тузилади. Башарти истеъмолчи энергия қабул қилувчи ускунани мавжуд энергия тармоқларига улаш бўйича техник шартларни бажарса, бу ҳолат давлат энергоназорат органлари томонидан тасдиқланса, шунингдек, истеъмол қилинадиган энергия ҳисобланишини таъминлаш шароитлари мавжуд бўлган тақдирда энергия таъминоти шартномаси тузилиши мумкин.

Шартнома бўйича абонент ўз майиши ва ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун энергия қабул қилиб олувчи фуқаролар ва ҳар қандай юридик шахс бўлиши мумкин. Энергиянинг хусусиятлари абонентга бошқа олди-сотди шартномалари бўйича харидор эга бўлмаган бир қатор мажбуриятларни юклаш учун асос бўлади: шартномада назарда тутилган энергияни истеъмол қилиш тартибига риоя қилиш, ўз фойдаланувидаги асбоб ва ускуналар созлигини ҳамда тармоқлар хавфсизлигини таъминлаш.

3. Энергия таъминоти соҳасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 сентябрдаги «Электр энергетикаси тўғрисида»ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 8 сентябрдаги «Аҳолига сотиладиган электр энергияси тарифлари тўғрисида»ги 453-сонли, 1993 йил 1 декабрдаги «Электр энергияси бўйича имтиёзли тарифлардан фойдаланадиган аҳоли учун электр истеъмол қилиш ҳажмини меъёрлаш тўғрисида»ги 582-сонли Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 22 августдаги 245-сонли қарори билан тасдиқланган «Электр энергиясидан фойдаланиш коидалари» ва бошқа бир қатор қонун ости норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

469-модда. Энергия таъминоти шартномасини тузиш ва муддатини узайтириш

Энергия таъминоти шартномаси энергия билан таъминловчи ташкилот тармоқларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уланган энергия қурилмаси, шунингдек энергия истеъмолини ҳисобга олиш ускуналари ва асбоблари мавжуд бўлган абонент билан тузилади.

Энергия таъминоти шартномасига мувофиқ энергиядан турмушда фойдаланадиган фуқаро абонент бўлган тақдирда, абонент тармоққа белгиланган тартибда амалда биринчи марта уланган пайтдан бошлаб у билан шартнома тузилган ҳисобланади.

Энергия таъминоти шартномасининг муддати тугагач, тарафлардан бири уни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақида ариза бермаса, у шартномада назарда тутилган муддатга ва шартларда узайтирилган ҳисобланади. Шартнома янги муддатга узайтирилганида унинг шартлари тарафлар келишувига биноан ўзгартирилиши мумкин.

Агар тарафлардан бири шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан олдин янги шартнома тузиш ҳақида таклиф киритса, тарафларнинг ўзаро муносабатлари янги шартнома тузилгунга қадар аввал тузилган шартнома билан тартибга солиб турилади.

1. Абонентни электр энергияси билан таъминлаш шартнома бўйича амалга оширилади. Энергия таъминоти шартномаси оммавий шартнома ҳисобланиб (Ўзбекистон Республикаси ФК 358-модда), бунда энергия

билан таъминловчи ташкилот унга мурожаат қилган, техник имкониятлари мавжуд бўлган ҳар қандай шахс билан шартнома тузишга мажбур ҳисобланади. Энергия билан таъминловчи ташкилот шартнома тузишдан асосиз равишда бош тортган тақдирда, абонент шартнома тузишга мажбур қилиш талаби билан суд органларига мурожаат қилишга ҳақли. Шартнома тузиш мажбурияти энергия билан таъминловчи ташкилотнинг энергия етказиб бериш фаолияти билан шуғулланувчи табиий монополия субъекти эканлиги факти билан ҳам боғлиқдир.

2. Шарҳланаётган моддада аҳоли билан энергия таъминоти шартномасини тузиш ва узайтиришнинг махсус тартиби белгиланган. Абонент туташтирилган тармоққа биринчи марта фактик уланган пайтдан бошлаб шартнома тузилган ҳисобланади. Фуқаро маиший эҳтиёжлари учун энергиядан фойдаланишни бошлаган тақдирда, шу пайтдан бошлаб у энергия билан таъминловчи ташкилот билан шартномавий муносабатга киришади ва айнан шу пайтдан бошлаб шартнома мажбуриятларини лозим даражада бажариш бўйича тарафларнинг жавобгарлиги вужудга келади, тарафлар уларга берилган ҳуқуқлардан фойдаланишга ҳақли ва уларга юклатилган мажбуриятларни бажаришга мажбур ҳисобланади.

Агар тарафлар томонидан шартномада бошқача ҳолат белгиланмаган бўлса, фуқаро билан шартнома номуайян муддатга тузилган ҳисобланади. Фуқаро-абонент билан энергия таъминоти шартномаси қўшилиш шартномаси ҳисобланади ва унга нисбатан ФКнинг 360-моддаси қоидалари қўлланилади, чунки бунда фуқаро шартнома тузиш вақтида унинг шартларини келишиш имкониятига эга бўлмайди.

Абонентни тармоққа уланиш тартиби, энергия таъминоти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив ҳужжатларга мувофиқ қабул қилинган қоидалар билан белгиланади.

3. Юридик шахс-абонент билан шартнома ёзма шаклда тузилиши керак. Шартнома тузиш ФКнинг 377-моддаси қоидаларига мувофиқ амалга оширилиб, унинг 1, 2-қисмига кўра ушбу Кодексга ёки бошқа қонунларга мувофиқ оферта (шартнома лойиҳаси) йўлланган тараф учун шартнома тузиш мажбурий бўлган ҳолларда бу тараф оферта олинган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бошқа тарафга акцепт тўғрисида ёки акцептдан бош тортиши тўғрисида ёхуд офертани бошқа шартларда акцептлаши тўғрисида

(шартнома лойиҳасига келишмовчиликлар баённомаси) билдириш йўллаши керак. Келишмовчиликларни бартараф этиш ва шартнома тузиш бўйича тарафларнинг кейинги ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ФК 377-моддасига мувофиқ белгиланади.

4. Абонент фуқаро билан ҳам, юридик шахс билан ҳам муайян муддатга тузилган шартномани узайтириш шарҳланаётган модданинг 3-қисмидаги диспозитив қоида билан тартибга солинади. Агар шартнома муддати тугагунга қадар тарафлардан ҳеч бири шартномани бекор қилиш ёки ўзгартириш ёхуд янги шартнома тузиш тўғрисида таклиф киритмаса, шартноманинг амал қилиши ўша шартлар асосида ва ўша муддатга узайтирилади.

5. Энергия таъминоти узлуксизлигини таъминлаш мақсадида шарҳланаётган модданинг 4-қисмида аввал тузилган шартноманинг янги шартнома тузилгунга қадар тарафларнинг энергия таъминоти бўйича муносабатларига қўлланилиши тўғрисидаги қоида белгиланган.

470-модда. Энергия миқдори

Энергия билан таъминловчи ташкилот туташтирилган тармоқ орқали абонентга энергия таъминоти шартномасида назарда тутилган миқдорда ва тарафлар келишган энергия бериш тартибига амал қилган ҳолда энергия бериши лозим. Энергия билан таъминловчи ташкилот берган ва абонент қабул қилган энергия миқдори ўлчов асбоблари кўрсаткичлари билан аниқланади.

Энергия таъминоти шартномасида абонентнинг ўзи қабул қиладиган энергиянинг шартномада белгиланган миқдорини энергия билан таъминловчи ташкилотнинг энергияни шартномада белгиланмаган миқдорда беришни таъминлаш билан боғлиқ харажатларини қоплаш шarti билан ўзгартириш ҳуқуқи назарда тутилиши мумкин.

Энергиядан турмушда фойдаланадиган фуқаро энергия таъминоти шартномасига мувофиқ абонент бўлган тақдирда у энергиядан ўзи учун зарур бўлган миқдорда фойдаланишга ҳақли.

1. Энергия миқдори ва уни узатишнинг тарафлар томонидан келишилган режими энергия таъминоти шартномасининг муҳим шартларига киради.

Электр энергияси миқдори электр энергиясини узатиш ва туташтириш ҳажми ёки кучига мувофиқ киловатт-соат билан белгиланади. Иссиқлик энергиясининг ҳажми ҳар бир иссиқлик ташувчи тури бўйича энг юқори соат юкламаси кўрсатилган ҳолдаги гигакалориялар билан белгиланади. Иситиш ва вентиляция учун узатиладиган иссиқлик энергияси миқдори ташқи ҳаво ҳароратига қараб белгиланади. Энергия билан таъминловчи ташкилотнинг энергия узатиш миқдори билан боғлиқ мажбуриятини лозим даражада бажарганлиги, фактик фойдаланилган энергия миқдоридан қатъи назар, абонентга шартномада белгиланган энергия миқдорини мунтазам қабул қилиб олиш имкониятини берганликда кўринади. Агар шартнома тараф юридик шахс ёки яқка тартибдаги тадбиркор — фуқаро бўлса, у шартномада кўрсатилган уланиш ҳажми ва кучи доирасида электр энергияси миқдорини қабул қилиб олиш ҳуқуқига эга.

Энергия билан таъминловчи ташкилот томонидан шартномада белгиланган миқдордан кам бўлган энергия узатилган тақдирда, абонент Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 477-моддасига мувофиқ етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

2. Ушбу модданинг 2-қисмида абонентнинг қабул қилиб оладиган энергиянинг шартномада кўрсатилган миқдорини ўзгартириш ҳуқуқи назарда тутилган. Бунда тарафлар шартномавий ҳолатларни ўзгартириш муддати ва тартибини шартномада кўрсатадилар. Агар энергия билан таъминловчи ташкилот томонидан шартномада белгиланмаган миқдорда энергияни узатиш билан боғлиқ қўшимча харажатлар қилинган бўлса, бунда улар абонент томонидан қопланади. Бундай харажатлар миқдори энергия ишлаб чиқариш ва узатишнинг умумий балансига боғлиқ бўлиб, улар энергия билан таъминловчи ташкилот томонидан исботланган бўлиши керак.

Табиий монополия субъектлари фаолиятини тартибга солувчи орган томонидан энергия узатишнинг энг кам даражаси аниқланган тақдирда, абонент энергия билан таъминловчи ташкилотдан белгиланган энг кам даражадан кам бўлмаган энергия миқдорини шартномада белгилашни талаб қилиши мумкин.

Энергия узатиш тартиби деб турли вақтларда узатиладиган энергиянинг миқдори ва сифати тушунилиб, у шартномада тарафлар томонидан келишилган бўлиши лозим. Қоида тариқасида, абонентга энергияни

узатиш узилишларсиз (узлуксиз) бўлиши керак, бироқ шартномада энергия узатишда узилишлар, тўхтатишлар ва чекловлар кўрсатилиши мумкин, Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 476-моддаси 1 ва 2-қисмларида назарда тутилган шартномани бир томонлама ўзгартириш ҳолатлари бундан мустасно.

3. Шархланаётган модданинг 3-қисмига кўра фуқаро фойдаланадиган энергиянинг миқдорини белгилашда чекловлар мавжуд бўлмасдан, у энергияни ўлчовчи асбоблари кўрсаткичлари билан ҳисоб даврининг охири бўйича белгиланади.

Энергия билан таъминловчи ташкилот томонидан узатилган ва абонент томонидан фойдаланилган энергия миқдори ўлчов асбобларидаги унинг фактик истеъмоли тўғрисидаги маълумотларга мувофиқ аниқланади. Электр ва иссиқлик энергияси узатишнинг ўлчови, қоида тариқасида, энергия билан таъминловчи ташкилот ва абонентнинг электр ва иссиқлик тармоқларининг баланс бўйича тегишли чегараси туташган жойда аниқланади. Истеъмол қилинаётган энергоресурсларнинг ўлчови белгиланган давлат стандартлари ва аниқ ўлчов нормалари билан белгиланади. Ўлчаш тартиби идоровий норматив ҳужжатлар билан белгиланади.

471-модда. Энергия таъминоти шартномасининг энергия миқдори тўғрисидаги шартини бузиш оқибатлари

Агар энергия билан таъминловчи ташкилот томонидан туташтирилган тармоқ орқали абонентга энергия таъминоти шартномасида назарда тутилгандан кам миқдорда энергия берилган бўлса, башарти қонун ҳужжатларида, шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ёки у мажбурият моҳиятидан келиб чиқмаса, ушбу Кодекснинг 399-моддасида назарда тутилган қоидалар қўлланади.

1. Етказиб бериладиган энергиянинг миқдори, ФКнинг 470-моддасидан келиб чиқиб, агарда абонент юридик шахс ёки фуқаро энергияни тадбиркорлик мақсадида фойдалансагина, шартноманинг муҳим шарти ҳисобланади. Энергия таъминоти шартномасининг миқдор тўғрисидаги шартининг хусусияти шундан иборатки, унда абонентнинг олиши мумкин бўлган энергия миқдори чегараси назарда тутилади. Амалда фойдаланилган энергиянинг миқдори ўрнатилган энергия ҳисоблагич асбобининг

кўрсаткичига биноан аниқланади. Аксарият ҳолатларда энергия таъминоти шартномаси абонентга, сотувчининг қўшимча харажатларини қоплаш шarti билан, қабул қилиб олинадиган энергия миқдорини бир томонлама ўзгартириш ҳукуки беради. Энергиядан маиший мақсадларда фойдаланувчи фуқаро энергияни зарур миқдорларда олишга ҳақли. Бинобарин, бундай энергия таъминоти шартномасида миқдор тўғрисидаги шарт¹ муҳим шарт ҳисобланмайди. Шунга қарамадан энергия таъминоти-шартномаси олди-сотди шартномасининг бир тури бўлганлиги учун ҳам сотувчи-етказиб берувчи узатиладиган энергия миқдори тўғрисидаги шарт бузилган тақдирда (масалан, энергия билан таъминловчи ташкилотнинг шартномада назарда тутилган миқдордан кўра камроқ энергия абонентга туташ тармоқ орқали етказиб берилган бўлса) товарнинг миқдори тўғрисидаги шартнома шarti бузилганлиги оқибатларининг умумий қоидалари қўлланилади (ФК 399-моддасига қаранг).

2. Энергиянинг физик хусусияти унинг миқдорий ва сифатий хоссаларининг ўзаро чамбарчас боғлиқлигида намоён бўлади. Шунинг учун шартномада назарда тутилган энергиянинг миқдори ҳақидаги шартлар бузилган тақдирда, (тенг равишда) унинг сифати ўзгаришига олиб келади. Шундай қилиб, энергия билан таъминловчи ташкилот томонидан энергия таъминоти шартномасида назарда тутилган миқдордан кам энергиянинг берилиши бу энергия беришдаги узилиш ёки энергия сифатининг ёмонлашувини англатади. Шундан келиб чиқиб ҳам бундай қоидабузарликнинг оқибатларини аниқлаш мумкин. Шу билан бирга, турли вақтларда етказиб бериладиган энергиянинг миқдори ва сифати ҳақидаги тарафлар келишувига биноан белгиланадиган ҳолатларда, энергия етказиб беришнинг алоҳида тартибини ҳам қўллашга йўл қўйилади. Умумий қоидага биноан, энергия билан таъминлаш абонентга энергияни узлуксиз етказиб бериш йўли билан амалга оширилиши лозим. Бироқ, шартномада энергия етказиб беришдаги узилиш (тўхтатиш)лар ҳамда чекловлар ҳам назарда тутилиши мумкин. Энергия билан таъминловчи ташкилот куйидаги ҳолатларда энергия таъминотини тўхтатмасдан туриб кам миқдорда энергия етказиб бериши мумкин: қувурда газ харорати ёки

1 Электр энергиясининг ўлчов бирлиги киловат соат, киловат амперда, иссиқлик энергиясининг ўлчов бирлиги газ ёки сувга нисбатан куб метрда ҳисобланади.

иссиқлик даражасини (химик таркибини ўзгартирган ҳолда) камайтириш орқали; истеъмолчи фойдаланиши мумкин бўлган даражада иссиқлик энергиясинининг кувватини тушириш орқали (бунинг натижасида босим камаяди); қувурларида иситиш воситаларида иссиқ сув ҳарорати ёки босимини камайтириш орқали. Бундай ҳолатларда, энергия етказиб бериш миқдори тўғрисидаги шартнинг бузилиши энергия сифати тўғрисидаги шартнинг бузилишига олиб келади ва аксинча. Шунингдек, энергия билан таъминловчи ташкилот томонидан фавқулотда ва авария ҳолатини олдини олиш мақсадида энергия таъминоти бир томонлама узилиши (тўхтатилиши) ёки чекланиши мумкин (ФКнинг 476-моддасига қаранг).

3. Олди-сотди шартномасида етказиб бериш даврийлиги ва товар ассортиментини шартларидан фарқли равишда, энергия етказиб бериш тартиби (графиги) энергия таъминоти шартномасининг муҳим шarti ҳисобланади (агар абонент юридик шахс ёки яқка тартибдаги тадбиркор бўлса). Энергиядан маиший мақсадларда фойдаланувчи фуқаро, уни турли тартибларда истеъмол қилиши мумкин. Энергия етказиб беришнинг келишилган тартибини бузганлик энергия билан таъминловчи ташкилотнинг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлигини келтириб чиқаради.

472-модда. Энергия сифати

Энергия билан таъминловчи ташкилот берадиган энергиянинг сифати стандартлаштириш бўйича қонун ҳужжатларида ёки энергия таъминоти шартномасида белгиланган талабларга жавоб бериши лозим.

Энергия билан таъминловчи ташкилот энергия сифатига қўйиладиган талабларни бузган тақдирда, агар қонун ҳужжатларида, энергия таъминоти шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ёки у мажбурият моҳиятидан келиб чиқмаса, ушбу Кодекснинг 408-моддасида назарда тутилган қоидалар қўлланади.

1. Электр энергиясининг сифати электр токининг кучланиш даражаси ва частотаси билан, иссиқлик энергиясининг сифати буғнинг ҳарорати ва босими, иссиқ сувнинг ҳарорати билан белгиланади. Энергия билан таъминловчи ташкилот томонидан абонентга етказиб берилаётган электр энергияси давлат стандарти ва бошқа мажбурий қоидалар талабларига мувофиқ бўлиши лозим. Электр энергияси сифатининг айрим кўрсаткичлари

(токнинг кучланиш даражаси) тарафлар томонидан шартномада белгиланади. Иссиқлик ташувчи қувурнинг параметрлари (иссиқлик суви ва буғ) иссиқлик энергиясини етказиб беришда шартнома шарларига мувофиқ бўлиши лозим.

2. Энергиянинг ўзига хос хусусияти унинг сифат ва миқдорий жиҳатлари ўзаро боғлиқлигидан келиб чиқиб, бунинг натижасида етказиб бериладиган энергия миқдорининг бузилиши унинг сифат кўрсаткичларининг бузилишига олиб келади ва аксинча (масалан, энергия билан таъминловчи ташкилот томонидан абонент фойдаланидаган энергия қуввати камайтирилса, тармоқда кучланиш даражасининг пасайишига олиб келади).

Энергия таъминоти шартномасида электр энергияси сифатининг муҳим кўрсаткичларига риоя қилиш бўйича шартлар энергия билан таъминловчи ташкилот томонидан белгиланади ва шунга биноан энергия сифати кўрсаткичлари камайтирилган тақдирда, ушбу кодекснинг 408 ва 434-моддаларига мувофиқ энергия билан таъминловчи ташкилотнинг жавобгарлиги назарда тутилади.

3. Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида энергия билан таъминловчи ташкилот томонидан энергия сифатига кўйилган талаблар бузилган тақдирда, абонентнинг энергия ҳақини тўлашдан бош тортишга бўлган махсус ҳуқуқи назарда тутилган, бироқ бундай ҳолларда абонент сифати бузилган энергиядан фойдаланишга ҳақли эмас. Акс ҳолда энергия билан таъминловчи ташкилот абонентдан асоссиз равишда фойдаланилган энергия қийматини қоплашни талаб қилишга ҳақли. Шунингдек, энергия билан таъминловчи ташкилот томонидан шартноманинг энергия сифатига оид шарт бузилган ҳолларда, абонент ФКнинг 477-моддасида белгиланган жавобгарликни қўллаш ҳуқуқига эга.

Шу билан бирга, қонун чиқарувчи абонент томонидан сифатсиз энергиядан фойдаланиш орқали асоссиз равишда тежалишига йўл қўймаслик механизмини ҳам белгилаб қўйган: энергия билан таъминловчи ташкилотга абонентдан бундай энергиядан фойдаланиш натижасини уни асоссиз равишда тежаган қисми қийматини қоплашни талаб қилиш ҳуқуқи берилган. Бундай ҳолатларда, абонентнинг сифатсиз энергиядан фойдаланганлигини ҳисобга олиб, у шартномада назарда тутилган тарифлардан чегирма тарзида тегишлича камроқ ҳақини тўлаши лозим.

473-модда. Тармоқлар, асбоб ва усқуналарни сақлаш ва ишлатиш бўйича абонентнинг мажбуриятлари

Абонент ишлатилаётган энергетика тармоқлари, асбоб ва усқуналарнинг зарур техникавий ҳолати ва хавфсизлигини таъминлаши, энергия ишлатишнинг белгиланган тартибига амал қилиши, шунингдек авариялар, ёнғинлар, энергияни ўлчаш асбобларидаги носозликлар ва энергиядан фойдаланиш пайтида келиб чиқадиган бошқа бузилишлар тўғрисида энергия билан таъминловчи ташкилотга дарҳол хабар бериши лозим.

Энергия таъминоти шартномасига мувофиқ энергиядан турмушда фойдаланадиган фуқаро абонент бўлган тақдирда, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, энергетика тармоқлари, шунингдек энергия истеъмолини ҳисобга олиш асбобларининг зарур техник ҳолати ва хавфсизлигини таъминлаш мажбурияти энергия билан таъминловчи ташкилот зиммасига юклатилади.

Энергетика тармоқлари, асбоб ва усқуналарнинг техник ҳолатига ва уларни ишлатишга қўйиладиган талаблар, шунингдек уларга риоя этилишини назорат қилиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

1. Шарҳланаётган модданинг 1-қисмида абонент-ташкилотнинг энергия ишлатишнинг белгиланган тартибига риоя қилиш, унга мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида тегишли бўлган энергетика тармоқлари, асбоб ва усқуналарнинг зарур техникавий ҳолати ва хавфсизлигини лозим даражада таъминлаш мажбурияти юклатилган. Бундай шартномавий муносабатларда абонентнинг мажбуриятлари ўрнатилганлиги энерготизимда энергия билан таъминлашнинг узлуксиз жараёни истеъмолчиларнинг энергиядан фойдаланишнинг белгиланган тартибига ва энергия асбоб-усқуналарини ишлатиш қоидаларига риоя қилиш билан бевосита боғлиқлигини англатади. Тузилган энергия таъминоти шартномасига электр ва иссиқлик тармоқларининг баланс бўйича тегишлилигини белгилаш далолатномаси илова қилинади. Шунга биноан, энергия усқуналарининг техник ҳолати юзасидан энергия билан таъминловчи ташкилот ҳамда абонентнинг жавобгарлик чегараси белгиланади.

2. Фуқароларни энергия билан таъминлаш жараёнида турар жой ичида бўлмаган энергия усқуналарининг ва тармоқларнинг тегишли техник

ҳолатда бўлишини таъминлаш мажбурияти энергия билан таъминловчи ташкилот зиммасига юклатилади.

Турар жой ичидаги электр тармоғи ва ҳисоблаш ускуналарининг техник ҳолати ва хавфсизлигини таъминлаш эса фуқароларнинг ўзига юклатилади (Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 174-моддаси).

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасида белгиланган турар жой дахлсизлигидан келиб чиқиб, шартномага мувофиқ абонентнинг розилиги ва унинг иштирокида турар жой ичида жойлашган электр ускуналарининг хавфсизлигини таъминлаш энергия билан таъминловчи ташкилот зиммасига юклатилиши мумкин.

3. Авария, ёнғин ва энергиядан фойдаланиш натижасида юзага келган бошқа фавқулодда ҳолатлар (қоидабузарликлар) бўйича тезкор чора кўрилиши учун абонент энергия билан таъминловчи ташкилотни бундай ҳолатлар ҳақида дарҳол хабардор қилиши лозим.

474-модда. Энергия ҳақини тўлаш

Агар қонун ҳужжатларида ёки энергия билан таъминлаш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, энергия ҳақи абонент амалда қабул қилган энергия миқдори учун тўланади, бу миқдор ушбу Кодекснинг 470-моддасига мувофиқ аниқланади.

1. Харидорнинг қабул қилган энергия учун ҳақ тўлаши унинг асосий мажбурият ҳисобланади. Умумий қоидага биноан харидорнинг амалда қабул қилиб олган энергия миқдори учун ҳақ энергия ҳисоблагич кўрсаткичларига мувофиқ тўланади.

Абонентнинг қабул қилган энергия учун ҳақ тўлаши унинг асосий мажбуриятларидан бири ҳисобланади. Тижоратчи ташкилотлар томонидан етказиб бериладиган электр ва иссиқлик энергияси учун ҳақ тўлашнинг тарифлари «Истеъмолчиларнинг электр ва иссиқлик энергияси учун ҳақ тўлашнинг тариф гуруҳлари тўғрисида»ги (23.06.2000 й.) Қарорга асосан давлат томонидан тартибга солинади ва энергия билан таъминловчи ташкилотларнинг табиий монополия эканлигидан келиб чиқади.

Шарҳланаётган моддада энергия ҳақи энергия ҳисоблагич кўрсаткичларига мувофиқ ҳолда абонент томонидан амалда қабул қилиб олган энергия миқдори

учун тўланиши мустаҳкамлаб қўйилган. Қонун ҳужжатларида ёки шартномада ўзгача ҳолатлар ҳам назарда тутилиши мумкин.

Энергия учун ҳақ тўлашнинг махсус шартлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган қоидаларда назарда тутилиши, шунингдек, тарафлар томонидан шартномада кўрсатилиши лозим.

2. Ҳақ тўлашнинг тартиби ва муддати шартномада белгиланади. Бундан шартлар шартномада назарда тутилмаган бўлса, харидорлар (истъомолчи-фуқаролар ва энергия билан таъминлаш бўйича коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотлардан ташқари) ойнинг 15-санасига қадар шартномада назарда тутилган энергия миқдорининг ярми учун тўловни амалга оширишлари лозим.

Истъомолчи-фуқаролар ва энергияни коммунал хизмат кўрсатиш мақсадида сотиб олувчи ташкилотлар (энергия таъминоти шартномаси асосида етказиб берилган) электр энергияси учун ҳақ тўлашни Вазирлар Маҳкамасининг 22.08.2009 й.даги 245-сонли қарорига 1-илова сифатида тасдиқланган “Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари”га биноан амалга оширишлари лозим.

3. Агар шартномада бошқача ҳолат кўрсатилмаган бўлса, харидор томонидан фойдаланилган электр энергияси учун ва кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлаш мажбурияти икки ёки ундан ортиқ ҳисобот даврида бажарилмаган тақдирда, агарда харидор сифатида энергия билан таъминловчи ташкилот томонидан икки ёки ундан ортиқ тўлов муддати сурункасига бузилган бўлса, бу ҳолда энергия етказиб берувчи ташкилот энергиядан фойдаланишни чеклаш тартибини қўллаш ҳуқуқига эга бўлади.

Энергиядан фойдаланишни чеклаш тартиби “Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари”нинг 10-бўлимида белгиланган. Бунда фойдаланувчиларнинг алоҳида тоифалари (алоҳида объектлар)га нисбатан авария бронеидан паст даражада бўлган электр энергиядан фойдаланишни чеклашга йўл қўйилмайди (“Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари”нинг 129-банди).

4. Электр энергияси билан таъминлаш бўйича коммунал хизмат кўрсатиш доирасида электр энергия етказиб беришни тўхтатиш “Ўзбекистон Республикасида аҳолига коммунал хизматлар кўрсатиш Қоидалари” (Адлия вазирлигидан 648-рақам билан 20.02.1999 йилда рўйхатдан ўтказилган)

билан тартибга солинади. Бундай тўхтатишнинг асоси бўлиб истеъмолчининг коммунал хизматлар ва тарифлардан фойдаланиш нормативларига мувофиқ аниқланган олти ойдан кўп бўлган муддатда тўлов бўйича қарздорлигининг мавжудлиги ҳамда унга тегишли хабарнома юборилган пайтдан бошлаб бир ой ичида қарздорликнинг тўланмаганлиги ҳисобланади.

Харидорнинг тўлов бўйича мажбурияти пул кўринишида бўлганлиги учун ҳам, тўловни амалга ошириш тартибини бузиш натижасида ФКнинг 327-моддасига биноан фоизлар тўлаш мажбурияти вужудга келади.

475-модда. Абонент томонидан энергиянинг бошқа шахсга берилиши

Абонент энергия билан таъминловчи ташкилотдан туташтирилган тармоқ орқали қабул қилиб олган энергияни бошқа шахс (қўшимча абонент)га фақат энергия билан таъминловчи ташкилот розилиги билан бериши мумкин.

Агар қонун ҳужжатларида ёки энергия таъминоти шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, абонент томонидан энергияни қўшимча абонентга бериш шартномасига нисбатан ушбу параграф қоидалари қўлланади.

Агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, энергияни қўшимча абонентга бериш чоғида абонент энергия билан таъминловчи ташкилот олдида жавобгар бўлиб қолаверади.

1. Шарҳланаётган модда энергия билан таъминловчи ташкилот абонентининг электр тармоғига бошқа шахсларнинг (субабонентнинг) назоратсиз уланишини тақиқлайди. Субабонент — бу электр жихозлари билан абонентнинг электр тармоғига уланган ва шу абонент билан шартнома муносабатларида бўлган юридик ёки жисмоний шахс.

2. Амалиётда абонентдан субабонентга туташтирилган тармоқ орқали энергия узатишда бир катор муаммолар юзага келади. Кўпинча абонент ушбу фаолият унинг асосий фаолияти эмаслигини ва унинг оммавий тусда бўлмаганлигини асоси сифатида келтириб субабонентларга энергия беришдан бош тартади. Фуқаролик кодексида абонентнинг электр тармоқлар орқали субабонентга энергия узатиши унинг мажбурияти сифатида эмас, балки ҳуқуқи сифатида белгиланган. Абонент билан

субабонент ўртасидаги ўзаро муносабатлар шарҳланаётган моддада умумий тарзда тартибга солинган. Қонунчиликда субабонент тушунчаси берилмаган, шунинг учун субабонент ижарачи ёки энергияни қабул қилиб олиш учун махсус ускунага эга бўлмаган энергиянинг бошқа истеъмолчиси билан тенглаштирилади. Бу борада абонентни энергия билан таъминловчи ташкилот сифатида белгилаш ва шунга мувофиқ абонент ва субабонент ўртасидаги шартномани энергия таъминоти шартномаси сифатида баҳолаш лозимлиги тўғрисида фикрлар ҳам мавжуд. Бироқ, бундай қарашлар мазкур субъектлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар мазмунига тўғри келмайди. Шунинг учун қонунчиликда энергия билан таъминловчи ташкилотдан абонент томонидан олинган энергияни субабонентга туташтирилган тармоқ орқали узатилишини ҳақ эвазига амалга ошириладиган абонентнинг мажбурияти сифатида белгилаш мақсадга мувофиқдир. Шунга кўра субабонентдан бошқа истеъмолчиларга туташтирилган тармоқ орқали энергия узатиш бўйича шартномавий муносабатларнинг мураккаброқ тузилишини қўллашда бундай мажбурият субабонент зиммасига юклатилиши лозим.

3. Шарҳланаётган моддада абонентнинг субабонентга энергия узатишида энергия билан таъминловчи ташкилотнинг розилиги олиниши кераклиги назарда тутилган, бунда энергия ишлаб чиқаришнинг техник имкониятлари ҳисобга олинган.

476-модда. Энергия таъминоти шартномасини ўзгартириш ва бекор қилиш

Энергия беришдаги узилишларга, энергия беришни тўхтатиш ёки чеклашга тарафлар келишувига мувофиқ йўл қўйилади, абонентга қарашли энергетика қурилмаларининг қоникарсиз ахволи авария хавфини келтириб чиқариши мумкинлиги ёки фуқаролар ҳаёти ва хавфсизлигига таҳдид туғдираётгани давлат энергетика назорати органи томонидан тасдиқланган ҳоллар бундан мустасно. Энергия билан таъминловчи ташкилот абонентни энергия беришдаги узилишлар, энергия беришни тўхтатиш ёки чеклаш тўғрисида огоҳлантириши лозим.

Абонент билан келишмасдан ва уни огоҳлантирмасдан, бироқ унга дарҳол хабар берган ҳолда энергия беришни вақтинча узиб қўйиш,

тўхтатиш ёки чеклашга энергия билан таъминловчи ташкилот тизимида авариянинг олдини олиш ёки уни тугатиш учун кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш зарур бўлган ҳолларда йўл қўйилади.

Энергия таъминоти шартномасига мувофиқ энергиядан турмушда фойдаланадиган фуқаро абонент бўлган тақдирда у энергия билан таъминловчи ташкилотга маълум қилиш ва фойдаланилган энергия ҳақини тўлиқ тўлаш шarti билан шартномани бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эга.

Энергия таъминоти шартномасига мувофиқ энергиядан турмушда фойдаланадиган фуқаро абонент бўлган тақдирда абонент ўзи фойдаланган энергия ҳақини тўламагани туфайли энергия билан таъминловчи ташкилот шартномани бажаришдан бир томонлама бош тортиш ҳуқуқига эга, бунда у шартномани бажаришдан бош тортишдан камида бир ой олдин абонентни бу ҳақда огоҳлантириши лозим.

Энергия таъминоти шартномасига мувофиқ юридик шахс абонент бўлган ҳолларда энергия билан таъминловчи ташкилот ушбу Кодекснинг 455-моддасида назарда тутилган асосларга кўра шартномани бажаришдан бир томонлама бош тортишга ҳақли, қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган ҳоллар бундан мустасно.

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 237-моддасига биноан шартнома мажбуриятини бажаришдан бир томонлама бош тортиш ва унинг турғунлигини таъминловчи шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Истисно тариқасида шарҳланаётган модданинг 3-қисмида электр энергиясидан турмушда фойдаланадиган фуқароларга энергия таъминоти шартномасини бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқи берилган.

2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 455-моддасига биноан энергия билан таъминловчи ташкилот шартномани бажаришдан, шартнома шартлари юридик шахс томонидан бир неча маротаба бузилган тақдирда, бош тортиши мумкин. Бунда кодекснинг 455-моддасида энергия таъминоти шартномасига нисбатан қўланиладиган фақат битта асос кўрсатиган бўлиб, бу асос товар ҳақини тўлаш муддатларини бир неча маротаба бузиш ҳисобланади. Бироқ, қонунда ёки бошқа норматив ҳужжатларда, энергия ҳақини тўламаганлигидан қатъи назар, юридик шахсга электр энергияси етказиб беришдан бош тортишга йўл қўйилмайдиган ҳолатлари назарда тутилиши мумкин.

3. Шарҳланаётган модданинг 1-қисмида назарда тутилган ҳолатларда абонентнинг энергия қабул қиладиган қурилмаси техник жиҳатдан қониқарсиз аҳволда бўлган тақдирда, энергия беришда узилишлар, чекловлар ва тўхтатишларга абонент розилигисиз йўл қўйилади. Бундай ҳолат давлат энергия назорати органлари томонидан «Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси (Ўздавэнергоназорат) тўғрисида»ги Низомга мувофиқ тасдиқланиши керак (ВМнинг 01.03.2004 йилдаги 96-сонли қарорига 4-илова).

“Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари”нинг 10-бўлими (ВМнинг 22.08.2009 йилдаги қарори)га кўра, электр энергиясини узатишдаги узилишлар шартномани бекор қилиш деб баҳоланиши мумкин эмас. Электр энергиясини етказиб беришдаги чекловлар ёки вақтинчалик тўхтатишлар Қоидаларга асосан олдиндан тузилган графикларга асосан амалга оширилиб, ушбу ҳолат Фуқаролик кодекси, «Электрэнергетика тўғрисида»ги, «Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунлардаги қоидаларга зид ҳисобланади. Бундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22.08.2009 йилги 245-сонли қарорининг 10-бўлими, 17.05.2010 йилги 92-сонли қарордаги ўзгартиришлар билан қонунга ҳамда фуқаролар ва юридик шахсларнинг қонуний манфаатларига зид бўлганлиги учун зудлик билан бекор қилиниши лозим. Графикларни ишлаб чиқариш ва қўллаш тартиблари «Ўзбекэнерго» ДАК томонидан тасдиқланади. Вазирлар Маҳкамасининг 17.05.2010 йилдаги қарорига кўра бундай графиклар вилоятларда истеъмолчилар иштирокида² энергия билан таъминловчи ташкилот томонидан ишлаб чиқилади ва тегишли ижро ҳокимияти органлари билан келишилган ҳолда энергия билан таъминловчи ташкилот бошқарувчиси томонидан тасдиқланади ва қўлланилади.

4. Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида энергия билан таъминловчи ташкилотлар нафақат ушбу модданинг 1-қисмида назарда тутилган ҳолатларда, балки энергия таъминоти тизимидаги авария ҳолатларида, шу жумладан, йўл қўйиладиган миқдордан паст ҳолатларда электр энергияси частотасининг камайишида ҳам шартномани бажаришдан бир томонлама бош тортишга ҳақли. Абонентни электр энергияси етказиб

2 Электр энергияси узатишни тўхтатиш тўғрисидаги графикларни минглаб одамлар билан тузишнинг имконияти ҳақиқатда мавжуд эмас.

бериш тўхтатилганлиги ҳақида хабардор қилиш муддати Энергиядан фойдаланиш қоидаларида назарда тутилади.

Энергия таъминоти шартномаси бўйича абонент юридик шахс бўлган тақдирда, энергия билан таъминловчи ташкилот ФКнинг 455-моддасида назарда тутилган асосларга кўра шартнома мажбуриятини бажаришдан бир томонлама бош тортишга ҳақли, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

477-модда. Энергия таъминоти шартномаси бўйича жавобгарлик

Энергия таъминоти шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда, энергия билан таъминловчи ташкилот шу туфайли етказилган зарарнинг, абонент эса етказилган ҳақиқий зарарнинг ўрнини қоплаши шарт.

Агар энергия беришдаги узилишлар қувват ва энергия етишмаслиги сабабли энергия билан таъминловчи ташкилот томонидан қонун ҳужжатлари асосида истеъмолни тартибга солиш натижасида юз берган бўлса, энергия билан таъминловчи ташкилот айбдор бўлган тақдирдагина шартнома мажбуриятларини бажармагани ёки тегишли даражада бажармагани учун жавоб беради.

1. Энергия таъминоти шартномаси мажбуриятларини бузган ҳар бир тараф Фуқаролик кодексининг умумий қоидаларига кўра, шунингдек, шартнома шартларини бузганлик учун шартномада тарафлар томонидан белгиланган ёки бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган нормаларга асосан жавобгарликка тортилади.

Шарҳланаётган моддада электр энергия шартномаси мажбуриятларини бузганлик учун энергия билан таъминловчи ташкилотнинг ҳамда абонентнинг жавобгарлик доираси белгиланган. Унга кўра электр энергияси таъминоти шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда абонент фақат реал зарарни, яъни сарфланган харажатлар ва шикастланган ёки нобуд бўлган мол-мулкнинг қийматини қоплаши, энергия билан таъминловчи ташкилот эса шартнома бузилганлиги натижасида етказилган зарарнинг ўрнини тўлиқ қоплаши керак. Бунда қонунчилик мазкур ҳолатда абонентга нисбатан чекланган жавобгарлик тамойили бўйича ёндашган.

2. Энергия таъминоти ташкилоти томонидан истеъмол (истеъмол чекланиши ёки энергия ўчирилиши)нинг тартибга солиниши фақат қонун ҳужжатларига асосан амалга оширилиши мумкин. Бундай тартибга солиш натижасида электр энергиясини абонентга етказиб беришда узилишларга йўл қўйилган тақдирда, энергия билан таъминловчи ташкилотнинг айби мавжуд бўлгандагина абонент олдида жавоб беради. Айбнинг мавжуд эмаслиги энергия билан таъминловчи ташкилот томонидан исботлаб берилиши керак (Фуқаролик кодексининг 333-моддаси 2-қисмига қаранг).

Абонентни огоҳлантирмасдан электр энергиясини етказиб беришда узилишга йўл қўйган энергия таъминоти ташкилоти истеъмолчига бундай ҳаракатлар натижасида етказилган зарарни қоплаб бериши лозим.

Энергия таъминоти соҳасида юзага келадиган низоларнинг аксарияти абонентлар томонидан энергия ҳақини тўламаганлик билан боғлиқдир. Истеъмол қилинган энергия ҳақини вақтида тўламаганлик учун шартномада неустойка ундириш назарда тутилиши мумкин. Энергия таъминоти шартномаси олди-сотди шартномасининг бир кўриниши ҳисобланганлиги учун ҳам, Фуқаролик кодексининг 419-моддасига мувофиқ абонент пул мажбуриятларини бузганлиги учун кодекснинг 327-моддасига асосан жавобгар бўлади.

478-модда. Энергия таъминоти шартномаси қоидаларини туташтирилган тармоқ орқали таъминлаш борасидаги бошқа муносабатларга нисбатан қўллаш

Агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, туташтирилган тармоқ орқали иссиқлик энергияси билан таъминлаш муносабатларига нисбатан ушбу параграф қоидалари қўлланади.

Агар қонун ҳужжатларида, шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ёки у мажбурият моҳиятидан келиб чиқмаса, туташтирилган тармоқ орқали газ, нефть ва нефть маҳсулотлари, сув ва бошқа товарлар билан таъминлаш муносабатларига нисбатан ушбу параграф қоидалари қўлланади.

1. Шарҳланаётган моддада энергия таъминоти шартномаси қоидаларининг туташтирилган тармоқ орқали иссиқлик энергияси, газ, нефть ва нефть маҳсулотлари, сув ва бошқа товарлар билан таъминлаш муносабатларига нисбатан ҳам қўлланилиши назарда тутилган. Бунда товарлар туташтирилган

тармоқ орқали истеъмолчига етказиб бериш усули таъминот (етказиб бериш) шартномасининг умумий хусусияти ҳисобланади. Шу билан бирга, мазкур модда Фуқаролик кодекси олдида махсус норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг устуворлигини белгилаб, шу аснода юқорида назарда тутилган ресурсларни туташтирилган тармоқ орқали етказиб беришнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш имконини беради.

7-§. КЎЧМАС МУЛКНИ СОТИШ

479-модда. Кўчмас мулкни сотиш шартномаси

Кўчмас мулкнинг олди-сотди шартномасига (кўчмас мулкни сотиш шартномасига) биноан сотувчи ер участкаси, бино, иншоот, квартира ёки бошқа кўчмас мулкни сотиб олувчига мулк қилиб топширишни (ушбу Кодекснинг 83-моддаси) ўз зиммасига олади.

Корхоналари сотишга нисбатан, башарти корхонани сотиш шартномаси тўғрисидаги қоидаларда (ушбу Кодекснинг 489–496-моддалари) бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ушбу параграф қоидалари қўлланади.

1. Кўчмас мулкни сотиш шартномаси олди-сотди шартномасининг бир тури ҳисобланади. Ўз. Р ФК 386-моддасининг 6-қисмига асосан мазкур шартномани тузиш тартиби, шунингдек, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига нисбатан ФК 29-боб 7-§ қоидалари қўлланилади, ушбу параграф билан тартибга солинмаган масалаларга эса олди-сотди тўғрисидаги умумий қоидалар қўлланилади (ФК 29-боб 1§). Ушбу шартномани бошқа шартномалардан ажратиб турувчи белгиси унинг объекти, яъни кўчмас мулк ҳисобланади (ФК 83-м).

Кўчмас мулкни сотиш шартномаси тушунчасида унинг предметининг қуйидаги рўйхати намоён бўлади: ер участкаси, бино, иншоот, квартира. Бироқ бу рўйхат қатъий ҳисобланмасдан, шартнома предмети сифатида ўзининг табиий хусусиятларига нисбатан кўчмас деб ҳисобланадиган (ердан ажралмас ва унга зарар етказмасдан туриб кўчириб бўлмайдиган) ҳар бир мулк ёки қонунда тўғридан-тўғри кўчмас мулк доирасига киритилган денгиз ва ҳаво кемалари, сув ости кемалари, космик объектлар ва бошқалар белгиланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 83-моддасида кўчмас мулк алоҳида турларининг намунавий рўйхати назарда тутилган бўлиб, улар: ер участкаси, ер ости бойликлари, бино, иншоот, кўп йиллик дов-дарахтлар ва юқорида кўрсатилган белгиларга эга бўлган бошқа мол-мулклар ҳисобланади.

Юқорида назарда тутилган кўчмас мулк рўйхати ФКда фақат кўчмас мулк белгиларига оид қондани белгилаш учунгина эмас, балки у мустақил аҳамиятга эга эканлиги учун киритилган. Ушбу рўйхатга кўчмас мулк белгиларини қиёслаш орқали нафақат унинг матнини балки унинг мазмуни ва моҳиятини тушуниш мумкин. Мазкур рўйхатнинг берилиши кўчар ва кўчмас мулк чегарасини белгилайди. Шундан келиб чиқиб, ердан ажратиб бўлмайдиган бино ва боғ скамейкасини мантиқан бир тоифага киритиб бўлмайди. Чунки боғ скамейкаси юқорида назарда тутилган белгиларган эга бўлса ҳам, кўчмас мулк ҳисобланмайди.

2. Кўчмас мулкни сотиш тўғрисидаги ФКнинг 29-боб 7-§ қоидалари кўчмас мулкка умумий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган улушни сотишга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин. Бунда имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи қоидаларига риоя қилиниши лозим (ФК 224-м).

3. Шартнома предмети сифатида «келажакдаги» кўчмас мулклар, яъни ҳали умуман мавжуд бўлмаган ёки сотувчига тегишли бўлмаган ашёлар белгиланиши мумкин. Бу қоидадан истисно ҳолатлар қонун билан ўрнатилиши мумкин.

4. Предмет тўғрисидаги шарт кўчмас мулкни сотиш шартномасининг муҳим шarti ҳисобланади, бунда қонун чиқарувчи мазкур шартнома предмети янада аниқлаштиришга оид алоҳида талабларни ўрнатган.

Умумий қоидага кўра шартнома тарафи сифатида фуқаролик ҳуқуқининг ҳар бир субъекти иштирок этиши мумкин. Шу билан бирга, шартномавий муносабатда субъектнинг иштирок этиш имконияти қонун билан чекланиши мумкин.

5. Агар шартнома предмети, эр-хотиннинг умумий биргаликдаги кўчмас мулки бўлса (Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 23-моддаси), бундай шартномани тузиш учун эр ёки хотиннинг нотариал тартибда тасдиқланган розилиги керак бўлади (Ўзбекистон Республикаси ОК 24-м). Бундан ташқари, умумий биргаликда мулк сифатида турар жой сотиб олинаётганда ҳам, эр (хотиннинг) нотариал тартибда тасдиқланган розилиги талаб этилади. Бундай розиликнинг

мавжуд эмаслиги битимнинг ҳақиқий эмас деб топилишига олиб келиши мумкин.

6. Суд амалиётида кўчмас мулкни сотиш шартномасини тузишга оид чекловларни ҳам кузатиш мумкин. Мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтганлиги давлат рўйхатидан ўтказулгунга қадар, сотиб олувчи кўчмас мулкни тасарруф этиш ҳуқуқига эга эмас, чунки ушбу мулкка бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилгунга қадар сотувчида сақланади. Сотиб олувчига кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилгунга қадар кўчмас мулк сотиб олувчига топширилган бўлса-да, сотувчи уни тасарруф этиш ҳуқуқига эга эмас, чунки мазкур мулк мажбуриятни бажариш предмети бўлиб, сотиб олувчи унинг қонуний эгаси ҳисобланади.

480-модда. Кўчмас мулкни сотиш шартномасининг шакли

Кўчмас мулкни сотиш шартномаси тарафлар имзолаган ёзма шаклдаги битта ҳужжат тарзида тузилади (ушбу Кодекс 366-моддасининг тўртинчи қисми).

Кўчмас мулкни сотиш шартномасининг шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлади.

1. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида кўчмас мулкни сотиш шартномаси шаклига оид махсус қоидаларни назарда тутилган. Бундай шартнома тарафлар имзолаган ёзма шаклдаги битта ҳужжат тарзида тузилади. Миллий қонунчилигимизда назарда тутилган шартнома ёзма шаклининг бошқа кўринишлари, масалан, почта, телеграф, электрон ва бошқа алоқалар ёрдамида ҳужжатлар алмашиш, уни тузиш учун етарли бўлмайди (Ўзбекистон Республикаси ФК 366 м 4-қ).

Шарҳланаётган модда бир қатор махсус талабларни белгилайди:

а) кўчмас мулкни сотиш шартномасининг шакли ҳар қандай ҳолатда ҳам ёзма шаклда бўлиши лозим, ҳаттоки тарафлар фуқаролар бўлган ҳам;

б) шартноманинг ёзма шаклига риоя қилиш усуллари ичидан ФК 480-моддаси фақат битта ҳужжат тузишга рухсат беради, агар тарафлар фақат почта, телеграф, телетайп, электрон ва бошқа алоқа воситалари ёрдамида ҳужжатлар алмашишган бўлса, бундай ҳолда шартноманинг ёзма шаклига риоя қилинмаган ҳисобланади.

в) кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқнинг ўтиши давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида кўчмас мулкни сотиш шартномасининг шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келиши белгиланган. Шу билан бир қаторда кўчмас мулкка оид битимнинг ҳақиқий саналиши учун қуйидаги талабларга риоя этилиши лозим:

а) битим мазмуни қонунга зид бўлмаслиги лозим. Умумий фойдаланишдаги бино-иншоотнинг бир қисмини, жумладан, офиснинг техник ертўласини ёки ёки хонадоннинг ошхонасини тасарруф қилишга қаратилган битимлар тузишга йўл қўйилмайди;

б) тарафлар ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга бўлишлари лозим;

в) сотувчи ёки меросхўрга кўчмас мулк мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлиши лозим. Агар мазкур мулкни тасарруф этувчи давлат ёки муниципал ташкилотлар бўлса, бунда кўчмас мулк давлат корхонаси ёки муассасасига оператив бошқарув асосида ёхуд хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида тегишли бўлиши лозим. Кўчмас мулкка қонуний эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи буни тасдиқловчи ҳужжат, яъни олди-сотди шартномаси, топшириш ҳужжати ва шу каби бошқа ҳужжатлар билан белгиланади.

г) битим иштирокчисининг эрк-иродаси унинг хоҳишига мос бўлиши керак, яъни битимни тушуниш тўғри бўлиши, уни тузиш ва бажариш эса ихтиёрий бўлиши лозим;

д) бундай битим ёзма шаклдаги битта ҳужжат тарзида расмийлаштирилиши керак;

е) бунда вужудга келган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт. Агар шартнома бир тарафнинг кўчмас мулкни мулк қилиб топшириши ва иккинчи тараф уни қабул қилиб олишига қаратилган бўлса, бунда сотиб олувчининг мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади. Мулк ҳуқуқининг вужудга келиши билан бир вақтда кўчмас мулкнинг шикастланиш ва нобуд бўлиш хавфи ҳам сотиб олувчига ўтади.

Кўп квартирали уйнинг хонадонини ёки офиснинг хонасини сотиб олувчи шахс уй фундаменти, томи ва бошқа тегишли қисмининг мулкдорига айланиб, бундай хонадан фойдаланиш учун зарур бўлган ва умумфойдаланишга оид ҳудуддан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Юқорида кўрсатилган шартларга риоя қилмаслик битимнинг ҳақиқий эмас деб ҳисобланишига сабаб бўлади.

481-модда. Кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтганлигини давлат рўйхатидан ўтказиш

Кўчмас мулкни сотиш шартномасига биноан кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқининг сотиб олувчига ўтганлиги давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтганлиги давлат рўйхатидан ўтказилгунга қадар тарафларнинг кўчмас мулкни сотиш шартномасини бажариши уларнинг учинчи шахслар билан муносабатларини ўзгартириши учун асос бўлмайди.

Агар тарафлардан бири кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтганлигини давлат рўйхатдан ўтказишдан бўйин товласа, бошқа тарафнинг талабига биноан суд мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтганлигини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақли. Мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтганлигини давлат рўйхатидан ўтказишдан асосиз равишда бўйин товлаётган тараф бошқа тарафнинг рўйхатдан ўтказиш кечикканлиги туфайли кўрган зарарини қоплаши шарт.

1. Давлат рўйхатидан ўтказиш — бу кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ ва унинг вужудга келиш, чекланиши, ўтиши ва бекор бўлишининг давлат томонидан тан олиниши ва тасдиқланиши билан боғлиқ юридик ҳаракатдир. У ҳар бир кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги қайдни реестрга киритиш йўли билан амалга оширилади ҳамда қайд қилинган ҳуқуқ мавжудлигининг ягона далил ҳисобланади.

Кўчмас мулкка нисбатан ашёвий ҳуқуқларни, шунингдек улар билан боғлиқ битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш давлат муассасалари томонидан амалга оширилади. Бу эса ўз навбатида қайд қилинган ҳуқуқ эгалари учун ҳам, учинчи шахслар учун ҳам ҳуқуқни белгиловчи характерда ҳисобланади. Давлат рўйхатидан ўтказиш учинчи шахслар учун очик (ошқора) бўлиши керак. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ ва у билан боғлиқ битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби шарҳланаётган модда қоидалари, Ўзбекистон Республикасининг 28.08.1998 йилги «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги

Қонуни ҳамда (ВМнинг 02.06.1997 йилдаги 278-қарорига 1-илова сифатида тасдиқланган) «Бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисида»ги низом билан белгиланади. Низомга мувофиқ, бинолар ва иншоотлар давлат кадастри ҳудудий принцип бўйича ташкил этилади ва бу объектларнинг ҳуқуқий, хўжалик ва архитектура-қурилиш мақоми тўғрисидаги маълумотлар тизимини мужассамлаштиради.

Бинолар ва иншоотлар давлат кадастри бинолар ва иншоотлардан самарали фойдаланишни ва уларни муҳофаза қилишни, мулк эгаларининг ва бу объектлардан бошқа фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини, шунингдек бинолар ва иншоотларга эгалик ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилишини (кейинги ўринларда бинолар ва иншоотларни давлат рўйхатидан ўтказиш деб аталади) таъминлаш учун юритилади.

Мулк эгаси бўлган бинолар ва иншоотларга ашёвий ҳуқуқларга эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар уларга тегишли бинолар ва иншоотлар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳужжатларга эга бўлишлари шарт.

Бино ва иншоотни давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти мулк эгасига ёхуд бино ёки иншоотга ашёвий ҳуқуқларга эга бўлган шахсга юкланади. Улар бино ёки иншоотни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича барча ёки айрим мажбуриятларини учинчи шахсларга юклашлари мумкин. Бу ҳуқуқларни ва мажбуриятларни рўёбга чиқариш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Қайд қилинган ҳуқуқ фақат суд тартибида бекор бўлиши мумкин. Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги бекор бўлгунга қадар, кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқи эгаси реестрда кўрсатилган шахс ҳисобланади.

Қонун кўчмас мулкка нисбатан у ёки бу ҳуқуқнинг вужудга келиши ва бекор бўлишини айнан давлат рўйхатидан ўтказиш пайти билан боғлайди, яъни давлат рўйхатидан ўтказиш техник эмас, балки юридик (ҳуқуқни вужудга келтирувчи) аҳамиятга эга ҳисобланади. Ҳар қандай шахснинг эгалик ҳуқуқи юридик таркиб асосида вужудга келиб, у ўз ичига икки юридик фактни, яъни битим ҳамда ҳуқуқни рўйхатдан ўтказиш ҳаракатини қамраб олади. Давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейингина сотиб олувчи мулк ҳуқуқига эга бўлади ва шунга мувофиқ ўз хоҳишига кўра кўчмас мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш имконига эга бўлади.

Ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ ва у билан боғлиқ битимлар тўғрисидаги қайдни ягона давлат реестрига киритишнинг қонунда белгиланган тизими асосида амалга оширилади.

Ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш санаси бўлиб Ягона давлат реестрига ҳуқуқлар тўғрисида тегишли қайдлар киритилган кун ҳисобланади. Ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш кўчмас мулк жойлашган жойда рўйхатга олиш округи доирасида амалга оширилади. Давлат рўйхатидан ўтказишни рад қилиш ёки тегишли органнинг давлат рўйхатидан ўтказишдан бўйин товлаши устидан манфаатдор шахс томонидан судга ёки хўжалик судига шикоят қилиниши мумкин.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмига кўра, тарафлар давлат рўйхатидан ўтказилгунга қадар кўчмас мулк олди-сотди шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бажарган бўлсалар-да (масалан, сотиб олувчи ҳақини тўлаган, сотувчи кўчмас мулкни сотиб олувчининг эгаллигига берган ва бошқа ҳолатлар), кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқи ўтганлигини англатмайди. Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 185-моддасига мувофиқ, кўчмас мулкнинг олди-сотди шартномаси бўйича мулк ҳуқуқи, бундай ҳуқуқнинг бошқа шахсга ўтиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

Шуни ҳисобга олиб, тарафларнинг кўчмас мулк билан боғлиқ учинчи шахслар (ижарачи, гаровга олувчи ва бошқалар) билан муносабатини (объектга бўлган мулк ҳуқуқининг ўтиши рўйхатдан ўтказилмагунча) шартномага ҳавола қилган ҳолла ўзгартирилиши мумкин эмас.

3. ФКнинг 481-моддаси 3-қисми тарафлардан бири давлат рўйхатидан ўтказиш учун барча муҳим шартларни бажарган (масалан, барча зарур ҳужжатларни йиғган, божини тўлаган), иккинчи тараф эса рўйхатдан ўтказишдан бўйин товланган ҳолатларига бағишланган. Бунда бўйин товланишнинг шакли ҳам ва мақсади ҳам ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Шартнома шартлари тарафлар томонидан бажарилган (ҳақи тўланган, квартира эгалари томонидан банд қилинган ва шу каби) ҳолатлар ҳам ҳеч қандай роль ўйнамайди. Бироқ ҳар қанадй ҳолатда ҳам, тарафлардан бири мулк ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтишини давлат рўйхатидан ўтказишдан бўйин товлаётган бўлса, иккинчи тараф судга мурожаат этишга ҳақлидир. Агар суд мулк ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтишини давлат рўйхатидан ўтказиш

тўғрисида қарор қабул қилса, ушбу қарор давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос ҳисобланади (Ўзбекистон Республикаси ФК 112-модда3-к).

Мулк ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказишдан асоссиз равишда бўйин товлаган тараф, бошқа тарафга етказилган зарарни ва бой берилган фойдани қоплаб бериши лозим (Ўзбекистон Республикаси ФК 14, 324-м).

4. Шартнома бўйича мулк ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтишини давлат рўйхатидан ўтказишни, шартноманинг ўзини давлат рўйхатидан ўтказишдан фарқлаш керак. Умумий қоидага кўра, кўчмас мулкни сотиш шартномани давлат рўйхатидан ўтказиш талаб этилмайди ва у имзоланган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади. Истисно тариқасида, қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳолат сифатида корхонани сотиш шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим (Ўзбекистон Республикаси ФК 490-модда 2-к). Бундай ҳолатларда шартномани давлат рўйхатидан ўтказиш пайти у тузилган пайт ҳисобланади. Шундай қилиб, корхонани сотиш шартномасини тузишда тарафлар рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ қўйидаги икки ҳаракатни амалга ошириши лозим: 1) олди-сотди шартномасини рўйхатдан ўтказиш; 2) сотиб олувчига ҳуқуқнинг ўтишини рўйхатдан ўтказиш.

6. 84-моддадан ташқари Ўзбекистон Республикаси ФК кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ ва у билан боғлиқ битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш зарурлигини назарда тутувчи бир қатор нормаларни, шу жумладан, 111-модда (битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш), 185-модда (шартнома асосида мол-мулк олувчида мулк ҳуқуқининг вужудга келиш пайти), 365-модда (шартноманинг тузилиш пайти), шунингдек, кодекснинг биринчи ва иккинчи қисмида акс этган бошқа нормалар ҳамда шарҳланаётган ушбу моддани ҳам белгилаб берган.

482-модда. Бино, иншоот ёки бошқа кўчмас мулк сотилганида улар жойлашган ер участкасига бўлган ҳуқуқ

Бино, иншоот ёки бошқа кўчмас мулкни сотиш шартномасига биноан сотиб олувчига бундай кўчмас мулкка эғалик ҳуқуқини топшириш билан бир вақтда ушбу кўчмас мулк жойлашган ва ундан фойдаланиш учун зарур бўлган ер участкасининг муайян қисмига бўлган ҳуқуқлар ҳам топширилади.

Сотувчи сотилаётган кўчмас мулк жойлашган ер участкасининг мулкдори бўлган тақдирда сотиб олувчига ер участкасининг тегишли қисмига мулк ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи ёхуд кўчмас мулкни сотиш шартномасида назарда тутилган бошқа ҳуқуқ берилади.

Агар шартномада кўчмас мулкни сотиб олувчига топшириладиган тегишли ер участкасига бўлган ҳуқуқ белгиланган бўлмаса, сотиб олувчига ер участкасининг кўчмас мулк жойлашган ва бу кўчмас мулктан фойдаланиш учун зарур бўлган муайян қисмига мулк ҳуқуқи ўтади.

Сотувчига мулк ҳуқуқи асосида қарашли бўлмаган ер участкасида жойлашган кўчмас мулкни, агар бундай участкадан фойдаланишнинг қонун ёки шартномада белгиланган шартларига зид бўлмаса, ана шу ер участкаси мулкдорининг розилигисиз сотишга йўл қўйилади. Бундай кўчмас мулк сотилганида сотиб олувчи кўчмас мулкни сотаётган шахс ер участкасининг тегишли қисмидан қандай шартларда фойдаланган бўлса, ўша шартларда фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритади.

1. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида бино, иншоот ва ер участкасида жойлашган бошқа кўчмас мулк сотилаётган пайтда сотиб олувчига кўчмас мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи ўтиши билан бир вақтда ер участкасига бўлган ҳуқуқ ҳам мос равишда ўтиши тўғрисида умумий қоидалар назарда тутилган.

Ер участкасидан доимий фойдаланиш ва эгалик қилиш ҳуқуқининг ўтиши тўғрисидаги қоида Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 22-моддасида ҳам белгиланган бўлиб, унда нафақат ер участкасида жойлашган кўчмас мулкнинг олди-сотди жараёнида, балки ер участкасида жойлашган бино ва иншоотга нисбатан мулк ҳуқуқининг ўтиши вақтида ҳам ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг ўтиши назарда тутилган.

Шарҳланаётган модданинг умумий қоидалари асосида, олди-сотди жараёнида сотиб олувчига кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқи билан бир вақтда ер участкасига тегишли ҳуқуқлар ҳам ўтади, шунингдек, Ер кодексининг 22-моддасининг талабларини ҳисобга олиб, улар айирбошлаш, ҳадя, кўчмас мулкни хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг устав капиталига киритиш ҳолатларига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

2. Бино, иншоот ва бошқа ер участкасида жойлашган кўчмас мулк ҳамда ер участкасининг ўзи бошқа-бошқа шахсларга тегишли бўлган

ҳолларда, шарҳланаётган модданинг 1-қисми қоидалари ва Ер кодексининг 22-моддаси тағбиқ этилади. Унга кўра, сотиб олувчи бино, иморат, иншоот жойлашган ер участкасига бўлган ҳуқуқни расмийлаштириш билан бирга олдинги мулкдор эга бўлган шароитлар ва ҳажмдан кам бўлмаган ҳолда ундан фойдаланишни талаб қилишга ҳақли

3. Агар ер участкасида жойлашган бино, иморат, иншоот ва ер участкасининг ўзи мулк ҳуқуқи асосида бир шахсга тегишли бўлса, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 22-моддаси қоидалари амал қилади: Уй-жойга, чорбоғга бўлган мулк ҳуқуқи (сотиб олиш, ҳадя ёки мерос бўйича олиш ва бошқа ҳолларда) жисмоний шахсга ўтган тақдирда, ана шу иморатларга мулк ҳуқуқи билан биргаликда мазкур иморатлар жойлашган барча ер участкасига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқлари ҳам ўтади.

Шунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 22-моддаси талабларидан келиб чиқиб, бино, иморат, иншоотни ер участкасидан алоҳида ажратган ҳолда сотишга қаратилган битим ўз-ўзидан ҳақиқий ҳисобланмайди.

4. Ер кодексининг 10-моддаси бешинчи қисмига асосан ер участкасини бўлишнинг имкони бўлмаса, умумий эгаликдаги ер участкаси ёки бир неча юридик ва жисмоний шахсларнинг биргаликда фойдаланадиган ер участкаси деб топилиб, бундай ҳолат ер участкаларига доимий эгалик қилиш ҳуқуқини ёки ундан доимий фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи давлат ҳужжатларида акс эттирилади.

5. Шарҳланаётган модданинг 4-қисмида назарда тутилган шартларда кўчмас мулк сотилганида ер участкаси мулкдорининг розилиги талаб этилмайди. Бироқ олди-сотди ер участкасидан фойдаланишнинг шартнома ёки қонунда назарда тутилган шартларига (масалан, табиатни муҳофаза қилиш учун ундан мақсадли фойдаланишга) зид бўлса, кўчмас мулкни сотувчи бино, иншоот, иморатни сотиш учун ер эгасининг розилигини олиши лозим. Ушбу талабга риоя этмаслик кўчмас мулк олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлади.

483-модда. Ер участкаси сотилганида кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ

Сотувчига қарашли бино, иншоот ёки бошқа кўчмас мулк жойлашган ер участкаси ана шу кўчмас мулкни сотиб олаётган шахсга мулк

килиб топширмаган ҳолда сотилса, ер участкасининг кўчмас мулк жойлашган ва кўчмас мулкдан фойдаланиш учун зарур бўлган қисмидан сотувчининг фойдаланиш ҳуқуқи сотиш шартномасида белгиланган шартларда сақлаб қолинади.

Агар ер участкасининг тегишли қисмидан фойдаланиш шартлари уни сотиш шартномаси билан белгиланган бўлмаса, сотувчи ер участкасининг кўчмас мулк жойлашган ва бу кўчмас мулкдан кўзланган мақсадларда фойдаланиш учун зарур бўлган қисмидан чекланган ҳолда фойдаланиш (сервитут) ҳуқуқини сақлаб қолади.

1. Мулкдор ер участкасини, унда мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган бошқа кўчмас мулк қолган бўлса ҳам, сотиши мумкин.

Шарҳланаётган модда бино, иншоот ва бошқа кўчмас мулк мулкдори ҳисобланган сотувчида ер участкасининг мазкур кўчмас мулк жойлашган қисмидангина фойдаланиш ҳуқуқи мавжудлигини назарда тутди. Бунда сотувчининг сотилган участканинг тегишли қисмидан фойдаланиш ҳуқуқи олди-сотди шартномасида белгиланади. Бундай ҳуқуқлар сифатида ижара ҳуқуқи, текинга муддатли фойдаланиш ҳуқуқини кўрсатиш мумкин. Бундай ҳолларда, ер участкасининг мулкдори бўлган сотиб олувчи ва участкада жойлашган кўчмас мулк мулкдори ҳисобланган сотувчи ўртасида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ тегишли шартнома тузилиши лозим.

2. Агар кўчмас мулк олди-сотди шартномасида ер участкасидан фойдаланиш шартлари назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси ФК 173-моддаси ва Ер кодексининг 30-моддасида белгиланган умумий қоидага кўра, сотувчи ундан сервитут ҳуқуқи асосида фойдаланиши мумкин, яъни у кўчмас мулк объектига пиёда ёки транспортда ўтиши, алоқа ва коммуникация линияларини ўтказиш ва шунга ўхшаш ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга. Бироқ шуни ҳисобга олиш керакки, бу борада Ўзбекистон Республикаси ФК 173-моддаси ва Ер кодексининг 30-моддаси фақат ер участкасининг кўчмас мулк объекти жойлашган ва ундан мақсадли фойдаланиш учун зарур бўлган қисминигина назарда тутди.

Сервитутнинг белгиланиши кўчмас мулкка оид (ер участкаси қисми) билан боғлиқ битим ҳисобланганлиги учун ҳам у ёзма шаклда тузилиши керак, сервитут эса қонунда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

484-модда. Кўчмас мулкни сотиш шартномасида шартнома нарсасини белгилаш

Кўчмас мулкни сотиш шартномасида шартнома бўйича сотиб олувчига топширилиши лозим бўлган кўчмас мулкни аниқ белгилаш имконини берадиган маълумотлар, шу жумладан кўчмас мулк тегишли ер участкасида ёки бошқа кўчмас мулкнинг таркибида қандай жойлашганлигини белгилаш имконини берадиган маълумотлар кўрсатилган бўлиши шарт.

Шартномада бундай маълумотлар бўлмаса, бошқа шахсга топширилиши лозим бўлган кўчмас мулк тўғрисидаги шартни тарафлар ўзаро келишиб олмаган, тегишли шартнома эса тузилмаган ҳисобланади.

1. Шарҳланаётган модда сотиш объекти(кўчмас мулкни олди-сотди шартномаси қаратилган нарса)ни белгилаш қоидаларини назарда тутди. Шу билан бирга, шарҳланаётган модда таҳлили шуни кўрсатадики, унда кўчмас мулк олди-сотди шартномасининг бир неча муҳим шартлари ҳам кўрсатилган. «Шартноманинг муҳим шартлари» тушунчаси Ўзбекистон Республикаси ФК 363-моддаси 2-қисмида белгиланган.

Мазкур модда шартноманинг муҳим шarti сифатида унинг предмети ҳақидаги шартни назарда тутди.

Шартномада қонун ҳужжатларида кўрсатилган ёки тарафлардан бирининг талабига кўра келишиб олиниши зарур бўлган барча шартлар, яъни асосий шартлар кўрсатилмаган бўлса ва уларни белгилаш учун имконият бўлмаса, шартнома тузилган деб ҳисобланмайди. Бундай ҳолда келиб чиққан низолар бўйича судлар шартноманинг ёзма шаклига риоя қилмасдан (оғзаки келишув асосида) мажбуриятлар бажарилишига оид қоидаларни қўллашга ҳақлидирлар.

(Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 1999 йил 4 мартдаги «Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунини хўжалик судлари амалиётида қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги 103-сонли қарори 5-банди).

Кўчмас мулкни сотиш шартномасининг нарсасини аниқлашда шарҳланаётган модданинг 1-қисмида назарда тутилган барча ҳолатларга

алоҳида эътибор бериш лозим. Хусусан, ер участкасини сотишда унинг жойлашган жойи, ер тоифаси, фойдаланиш мақсади, умумий майдони; бино, иншоот ва нотураар жойларни сотишда эса унинг жойлашган жойи, номи, мақсади, майдони ва бошқа ҳолатлари кўрсатилиши лозим.

2. Кўчмас мулк олди-сотди шартномаси бўйича кўчмас мулк тўғрисидаги шартлар муҳим шартлар ҳисобланар экан, бу борада келишувга эришмаслик шартнома тузилмаганлигини билдиради. Ўз навбатида, шарҳланаётган модданинг 2-қисми қоидаларига асосан, кўчмас мулк олди-сотди шартномасида қуйидагилар кўрсатилмаган бўлса, кўчмас мулк тўғрисидаги шарт келишилмаган ҳисобланади:

– объект номи, кўчмас мулк тури (бино, иншоот, кўп йиллик дов-дарахтлар, қазилма участкалари ва бошқалар) унинг жойлашган жойи, тавсифи (масалан, бир кириш эшикли, шифер қопламали уч қаватли ғиштли бино), объект йўналтирилган мақсад (масалан, иситилмайдиган ёпиқ омбор биноси) тўғрисидаги маълумотлар;

– «кўчмас мулкнинг тегишли ер участкасида жойлашганлиги тўғрисидаги» маълумотлар, одатда кўчмас мулк олди-сотди шартномасида оғзаки тасвирланади ва кўчмас мулк олди-сотди шартномасига чизмалар, схемалар, экспликациялар, режалар кўринишида илова қилинади;

– бошқа кўчмас мулк таркибидаги сотиладиган объект тўғрисидаги маълумотлар, яъни унинг аниқ жойлашган жойи, масалан сотиладиган офис биноси тўғрисидаги маълумот (қават, подъезд, бино қисми ва ҳ.к.), бир қанча бинолардан иборат бўлган архитектура ансамблидаги сотиладиган бино тўғрисидаги маълумот ва бошқалар.

Предмет тўғрисидаги юқорида кўрсатилган маълумотлар бўлмаса, шартнома тузилмаган ҳисобланади.

485-модда. Кўчмас мулкни сотиш шартномасида баҳо

Кўчмас мулкни сотиш шартномасида ана шу мулкнинг баҳоси назарда тутилган бўлиши лозим.

Шартномада тарафлар ёзма равишда келишган кўчмас мулкнинг баҳоси тўғрисидаги шарт бўлмаса, уни сотиш тўғрисидаги шартнома

тузилмаган ҳисобланади. Бунда ушбу Кодекс 356-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган баҳо белгилаш қондаси қўлланмайди.

Агар қонунда ёки кўчмас мулкни сотиш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ер участкасида жойлашган бино, иншоот ёки бошқа кўчмас мулкнинг шартномада белгиланган баҳоси ана шу кўчмас мулк билан бирга топшириладиган ер участкаси тегишли қисмининг баҳосини ёки унга бўлган ҳуқуқни ўз ичига олади.

Кўчмас мулкни сотиш шартномасида кўчмас мулкнинг баҳоси унинг майдон бирлигига ёки бошқа миқдор кўрсаткичига қараб белгиланган бўлса, бундай кўчмас мулкнинг тўланиши лозим бўлган умумий баҳоси сотувчига топширилган кўчмас мулкнинг амалдаги миқдорига асосланган ҳолда белгиланади.

1. Шартнома баҳоси унинг предмети каби Ўзбекистон Республикаси ФК 364-моддаси 2-қисмига мувофиқ шартноманинг муҳим шarti ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ФК 356-модда 1-қисмига кўра, сотиладиган кўчмас мулк баҳоси тарафлар келишуви билан белгиланади. Агар баҳо тарафлар келишуви билан белгиланмаса, Ўзбекистон Республикаси ФК 356-моддаси 4-қисми қондаси қўлланилмайди.

Яъни, кўчмас мулкни сотишда, одатда шунга ўхшаш товарлар баҳоси билан таққослаш натижасида келиб чиққан ҳолда баҳони аниқлашга йўл қўйилмайди.

Сотиладиган кўчмас мулк баҳосини келишишда тарафлар баҳони аниқлашни бунга ихтисослаштирилган тижорат ташкилотига-баҳоловчига топширишлари мумкин.

Баҳо (кўчмас мулк олди-сотди шартномаси матнида) пул суммасини аниқ кўрсатиш йўли билан ёки преysкурант баҳога ҳавола қилиш орқали белгиланиши мумкин, бунда махсус тасдиқланган преysкурантларга риоя қилиш тарафлар томонидан келишилган бўлиши керак. Шунга ўхшаш ҳолат кўчмас мулк олди-сотди шартномасида баҳони ҳисоблаш усулидан фойдаланиш йули билан (масалан, квартиранинг фақат 1 кв. м жойи баҳоси белгилаб, квартиранинг умумий майдони кўрсатиш билан) боғлиқ ҳолатларда ҳам қўлланилади.

2. Бино, иншоот ва ер участкасида жойлашган бошқа кўчмас мулкни сотишда, ер участкасига нисбатан қандай ҳуқуқлар сотиб олувчига ўтишига

кўп нарса боғлиқ. Агар ер майдони бино, иншоот ва бошқа кўчмас мулк билан биргаликда сотиладиган бўлса (Ўзбекистон Республикаси ФК 482-м), кўчмас мулкнинг баҳоси ер участкаси тегишли қисмининг баҳосини ҳам ўз ичига олади.

Агар шартномада кўчмас мулк баҳоси бутун объектга қараб эмас, балки унинг майдон бирлиги ёки бошқа миқдор кўрсаткичига қараб белгиланган бўлса, умумий баҳони аниқлашда сотиб олувчига сотилаётган кўчмас мулкнинг амалдаги миқдори ҳисобга олинади.

Кўчмас мулкни сотиш шартномаси сингари баҳо ёки уни ўзгартириш тўғрисидаги ҳар қандай келишув тарафлар томонидан имзоланадиган битта ҳужжат шаклида ифодаланган бўлиши керак.

3. Ўзбекистон Республикаси ФК 421-моддаси 7-қисми мувофиқ, агар олди-сотди шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, кредитга сотилган кўчмас мулк, сотиб олувчига топширилган пайтдан бошлаб ва унинг ҳақи тўлиқ тўлаб бўлингунга қадар, сотувчида гаров(ипотека)да турган деб ҳисобланади. Кредитга сотилган кўчмас мулк, шартномада унинг ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш назарда тутилган ҳолларда ҳам, сотувчида гаровда турган ҳисобланади.

4. Ўзбекистон Республикаси ФК 485-моддасига кўра, сотилаётган кўчмас мулк баҳоси шартномада кўрсатилмаган тақдирда, бундай шартнома тузилмаган ҳисобланади. Бунда баҳонинг нима сабабдан кўрсатилмаганлиги аҳамиятга эга эмас (масалан, тарафларнинг бепарволиги ва ҳ.к.).

486-модда. Кўчмас мулкни топшириш

Кўчмас мулкнинг сотувчи томонидан топширилиши ва сотиб олувчи томонидан қабул қилиниши тарафлар имзолайдиган топшириш далолатномаси ёки топшириш тўғрисидаги бошқа ҳужжатга биноан амалга оширилади.

Агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотувчининг кўчмас мулкни сотиб олувчига топшириш мажбурияти бу мулк сотиб олувчига топширилганидан ва топшириш тўғрисидаги тегишли ҳужжатни тарафлар имзолаганидан кейин бажарилган ҳисобланади.

Тарафлардан бирининг кўчмас мулкни шартномада назарда тутилган шартларда топшириш тўғрисидаги ҳужжатни имзолашдан бўйин товлаши, тегишли равишда сотувчининг мулкни топшириш мажбуриятини бажаришдан, сотиб олувчининг эса мулкни қабул қилиб олиш мажбуриятини бажаришдан бош тортиши деб ҳисобланади.

Сотиб олувчининг кўчмас мулкни сотиш шартномасининг шартларига мос бўлмаган кўчмас мулкни қабул қилиб олиши, шу жумладан бундай мос келмаслик ҳусусида кўчмас мулкни топшириш тўғрисидаги ҳужжатда айтиб ўтилган ҳолларда ҳам, сотувчини шартномани тегишли даражада бажармаганлик учун жавобгарликдан озод қилиш учун асос бўлолмайди.

1. Шарҳланаётган модданинг 1-қисми сотувчи ва сотиб олувчининг кўчмас мулкни сотиш шартномасини бажариш вақти ва тартиби, хусусан, мулкни сотиб олувчига топшириш билан боғлиқ ҳолатларни белгилайди.

Шарҳланаётган модданинг 1, 2-қисмига мувофиқ, сотувчи юридик жихатдан иккита муҳим ҳаракатни амалга оширганида ўз мажбуриятини бажарган ҳисобланади:

а) тарафлар томонидан топшириш тўғрисидаги битта ёзма ҳужжат (топшириш далолатномаси, топшириш-қабул қилиш тўғрисидаги далолатнома, қабул қилиш далолатномаси)нинг имзоланиши. Шундай қилиб, кўчмас мулкнинг сотиб олувчига амалда топширилиши, агар бу тўғрисида далолатнома имзоланмаган бўлса, сотувчининг кўчмас мулкни топшириш бўйича ўз мажбуриятини бажарган деб топиш учун етарли асос ҳисобланмайди.

б) кўчмас мулкнинг сотиб олувчига топширилиши.

Бунда Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 186-моддасига мувофиқ, ашё сотиб олувчи ёки у вакил қилган шахснинг эгалигига берилган пайтдан бошлаб топширилган ҳисобланади.

2. Агар тараф (сотувчи ёки сотиб олувчи) далолатномани имзолашдан бўйин товласа, унга нисбатан мажбуриятни бажаришдан бир томонлама бош тортганлиги учун Ўзбекистон Республикаси ФК 14, 324, 392, 417-моддаларида назарда тутилган оқибатлар, хусусан, товарнинг тасодифан нобуд бўлиш хавфи, бошқа тарафга етказилган зарарни қоплаш мажбурияти қўлланилади; иккинчи тараф эса кўчмас мулкни сотиш шартномасини бажаришдан бош тортишга ҳақли.

Бўйин товлаш деганда нафақат топшириш далолатномасини имзолашдан бош тортиш, балки ушбу жараённи чўзиш, ҳужжат тузиладиган жойга келмаслик, кўчмас мулкни сотиш шартномасига алоқаси бўлмаган асоссиз шартларни кўрсатиш ва бошқалар тушунилади.

3. Кўчмас мулкни сотиш шартномаси бўйича сотиладиган объектларнинг муҳимлиги ва қимматлилигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 486-моддаси ўз мажбуриятларини лозим даражада бажарган сотиб олувчига бир қатор ҳуқуқий кафолатларни назарда тутати:

- кўчмас мулкни сотиш шартномаси шартларига мос бўлмаган кўчмас мулкнинг амалда сотиб олувчи томонидан қабул қилиниши (масалан, бино уч қаватли эмас, икки қаватли бўлса ва ҳ.к.) сотувчининг шартномани лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилинишини билдирмайди;

- кўчмас мулк шартнома шартларига мувофиқ эмас деб топилган топшириш далолатномаси сотиб олувчи томонидан имзоланган ҳолатларда ҳам вазият ўзгармайди: бунда сотувчи кўчмас мулкни сотиш шартномасини лозим даражада бажармаганлиги учун жавоб беради;

- сотиб олувчининг кўчмас мулкни сотиш шартномаси шартларига мувофиқ бўлмаган кўчмас мулкни қабул қилиб олганлиги ёки топшириш далолатномасини имзолашда розилик берганлик сабаблари ҳам (алдаш, зўрлик, кўркитиш, бир тараф вакилининг иккинчи тараф билан ёмон ниятда келишиши ёки оғир ҳолатлар) аҳамиятга эга эмас, бироқ мазкур сабаблар битимни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги масалани ҳал қилишда инобатга олинади.

4. Кўчмас мулкни сотиш шартномасини бажариш пайтини кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқининг ўтиши пайтидан фарқлаш лозим. Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 185 ва 481-моддаларига асосан, кўчмас мулкка нисбатан мулк ҳуқуқининг ўтиши кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ ва у билан боғлиқ битимлар рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган пайтидан бошланади.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 175-моддасига асосан, мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиш ёки шикатсланиш хавфи, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мулк эгасининг зиммасида бўлади. Шарҳланаётган модда кўчмас мулкнинг тасодифан нобуд бўлиш ёки шикастланиш хавфининг ўтишини мулкнинг сотиб

олувчига топширилиши факти билан боғламайди, шунинг учун ҳам умумий қоидага кўра, хавф мулк ҳуқуқи рўйхатдан ўтказилган пайтда ўтади.

Шу билан бирга, тарафлар шартномага мулкнинг тасодифан нобуд бўлиш ёки шикатсланиш хавфи мулк топширилган пайтда, яъни давлат рўйхатидан ўтказишдан олдин ёки кейин ўтиши тўғрисидаги шартни киритиш ҳуқуқига эга.

5. Агар кўчмас мулкни сотиб олувчи мулк ҳуқуқини ўтишини рўйхатдан ўтказган, бироқ уни ҳақини тўламаган бўлса, сотувчи Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 419-моддаси 3-қисмига асосан кўчмас мулк ҳақини тўлаш ва ФКнинг 327-моддасига мувофиқ фоизларни ундиришни талаб қилишга ҳақли.

Шунингдек, сотиб олувчи кўчмас мулк ҳақини тўламаган тақдирда, сотувчида ФКнинг 382-моддасига асосан шартномани бекор қилиш тўғрисида даъво киритиш имконияти мавжуд. Жумладан, кўчмас мулкни сотиш шартномасида ёки қонунда шартнома бекор қилинганида мулкни қайтариб бериш ҳолати назарда тутилган бўлса (ФК 385-м), мулк ҳуқуқи сотиб олувчига ўтишининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ФКнинг 382-моддасига кўра шартномани бекор қилишга тўсқинлик қилмайди. Бундай ҳолларда сотувчи, мажбуриятни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик туфайли ёхуд шартномани бекор қилиш натижасида сотиб олувчи томонидан етказилган зарарни қоплаш ва мулкнинг ўзини қайтаришни талаб қилишга ҳақли.

487-модда. Тегишли даражада сифатли бўлмаган кўчмас мулкни топшириш оқибатлари

Агар сотувчи сотиб олувчига кўчмас мулкни сотиш шартномасининг кўчмас мулк сифати тўғрисидаги шартларига мос бўлмаган кўчмас мулкни топширса, ушбу Кодекс 434-моддасининг қоидалари қўлланилади, сотиб олувчининг тегишли даражада сифатли бўлмаган товарни тегишли даражада сифатли бўлган бошқа товарга алмаштириб беришни талаб қилиш ҳуқуқи тўғрисидаги қоидалар бундан мустасно.

1. Шарҳланаётган модда сотувчи томонидан шартноманинг сифат тўғрисидаги шартига мос бўлмаган кўчмас мулк топширилиши ҳолатларида шартномани лозим даражада бажармаслик оқибатларини

белгилайди. Сотиб олувчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ушбу моддада тўғридан-тўғри кўрсатилмаган бўлиб, сифати тегишли даражада бўлмаган товарларни сотиш оқибатлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 434-моддасига ҳавола қилинган.

Кўчмас мулкни сотиш шартномаси матнида сифат тўғрисидаги шарт аниқ белгиланган бўлиши лозим. Умумий қоидага кўра, бундай ҳолларда техник регламентлар бўйича кўрсатмаларга, давлат стандартларига, товар кўрсаткичларига, шунингдек, сифат мувофиқлиги бўйича мажбурий талабларга бир пайтнинг ўзида мурожаат қилиш қийин (бирок, масалан олди-сотди объекти денгиз кемаси ёки самолёт бўлган тақдирда, техник регламентларга ҳам, давлат стандартларига ҳам, товар кўрсаткичларига ҳам ҳавола қилиниши мумкин). Одатда тарафлар кўчмас мулк сифати айнан қандай талабларга мос бўлиши кераклигини кўрсатишади (масалан, кўчмас мулк объекти сифатида «ғиштли бино», унинг материали, устки том қисми ва қандай ҳолатда эканлиги кўрсатилади).

Ҳар қандай ҳолатда ҳам, ФКнинг 487-моддасида назарда тутилган оқибатлар тўғрисида, топшириш далолатномаси тарафлар томонидан имзоланганидан кейингина гапириш мумкин. Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 487-моддаси қоидаларини қўллаш учун, сотиб олувчининг кўчмас мулк объектини сифат камчиликлари билан қабул қилишга розилиги ҳолати, бундай камчиликлар топшириш далолатномасида кўрсатилган бўлса ҳам, аҳамиятга эга эмас (Ўзбекистон Республикаси ФК 486-моддаси 4-қисм).

2. Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 434-моддасига мувофиқ, кўчмас мулкнинг сифатига оид талабларнинг жиддий бузилишини ва кўчмас мулкнинг сифати бўйича бошқа камчиликларни бир-биридан фарқлаш лозим. Ҳуқуқбузарликнинг туридан келиб чиқиб сотиб олувчига турли хил ҳуқуқлар берилган.

Сотилаётган турар ва нотурар жойларининг сифатига оид талабларнинг жиддий бузилишига қоронғилашиб қолиши, етарли даражада иситиш имкони йўқлигини, ортиқча намлик ҳолати ва ҳ.к.ларни киритиш мумкин. Бундай ҳолатлар аниқланганда, сотиб олувчи шартномани бажаришдан бош тортиш ва кўчмас мулк учун тўланган суммани қайтаришни талаб қилишга ҳақли. Бирок, у кўчмас мулкни алмаштириб беришни талаб қилиш ҳуқуқига эга эмас, чунки ушбу мулк индивидуал-белгиловчи хусусиятга эга.

3. Кўчмас мулк сифатига оид камчиликлар билан топширилганида сотиб олувчи танлаш асосида қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:

– кўчмас мулк баҳосини ундаги камчиликларга мутаносиб равишда камайтиришни талаб қилиш. Бундай ҳолларда кўчмас мулкни сотиш шартномасига баҳо тўғрисидаги муҳим шартга тегишли ўзгартириш киритиш зарур;

– кўчмас мулк объектидаги камчиликларни оқилона муддатда бартараф этишни талаб қилиш, бундай муддат эса камчиликларнинг ҳажми ва хусусиятларидан ҳамда кўчмас мулк объекти туридан келиб чиқиб белгиланади;

– сифатга оид камчиликларни бартараф этиб бўлмайдиган ёки уларни бартараф этиш жиддий харажат ва вақт сарфланишини талаб қиладиган тақдирда, шунингдек, кўчмас мулк объектидаги бундай камчиликлар қонун билан жиддий деб топиладиган ҳолатларда, сотиб олувчи кўчмас мулкни сотиш шартномасини бажаришдан бир томонлама бош тортишга ва тўланган суммани қайтаришни ёзма равишда талаб қилишга ҳақли.

4. Олди-сотди шартномасининг предмети сифатида кўчмас мулкнинг алоҳида хусусияти шундаки, унинг сифатига оид камчиликларини аниқлаш учун оқилона муддат белгиланган бўлиб, ушбу муддат умумий қоидага кўра 2 йилдан кўп бўлмаган муддатни ташкил этади. Қонун ёки шартномада узайтирилган муддатлар ҳам назарда тутилиши мумкин (ФКнинг 410-модда).

488-модда. Уй-жой биноларини сотишнинг хусусиятлари

Сотувчи сотиб олганидан кейин қонунга мувофиқ уй-жой биносидан фойдаланиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қоладиган шахслар яшаб турган уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини сотиш шартномасининг муҳим шarti — бу шахсларнинг рўйхатини сотилаётган уй-жой биносидан фойдаланиш ҳуқуқлари кўрсатилган ҳолда тузишдан иборатдир.

Уй, квартирани, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини сотиш шартномаси нотариал тартибда тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

1. Шарҳланаётган моддада турар жой, квартира (ёки уларнинг бир қисми) сотилаётган кўчмас мулк олди-сотди шартномасининг муҳим

шартларидан бири сифатида унда яшаб турган шахслар рўйхати эканлиги белгиланган. Юқорида кўрсатилган рўйхатга кирувчи шахслар доирасига қуйидагилар кирази:

- ушбу квартира улар учун турар жой эмас, балки яшаш жойи ҳисобланган шахслар;

- квартирани сотиш пайти унда яшамайдиган, бироқ ундан фойдаланиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолувчи шахслар (масалан, Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларига чақирилган, бошқа шаҳарга ўқиш учун кетган, жазони ўтаётган шахслар);

- вояга етмаган шахслар. Шуни ҳисобга олиш керакки, бола ота-онасининг қайси бири билан доимий яшаётган бўлса, ўша жойдаги яшаш майдонига нисбатан ҳуқуқга эга бўлади. Уй-жой кодексининг 32-моддаси 2-қисмига асосан, турар жой мулкдорининг оила аъзолари деб у билан доимий бирга яшаётган хотини (эри) ва уларнинг фарзандлари тан олинади. Шунинг учун бу квартирани сотишда вояга етмаган шахс Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 488-моддасида кўрсатиб ўтилган рўйхатга киритилиши лозим. Агар (кўчмас мулк олди-сотди шартномаси бўйича сотиладиган) квартира хусусийлаштириш тартибида сотувчининг мулкига айланган тақдирда, вояга етмаган шахслар унда яшаш ҳуқуқига эга (агар вақтинча яшамаган бўлсалар, масалан, болалар уйда турган бўлса, бундай ҳуқуқни сақлаб қолган) ҳисобланадилар, шунинг учун ҳам бундай ҳолларда уларни кўрсатилган рўйхатга киритиш керак бўлади.

2. Шарҳланаётган модданинг 2-қисмига асосан, уй-жойни сотиш шартномаси кўчмас мулк жойлашган жойдаги кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органда мажбурий тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Шартнома тарафлар томонидан имзоланган битта ҳужжат тузиш йули билан ёзма шаклда тузилади. Тарафларнинг хоҳишига кўра у нотариал тартибда тасдиқланаши ҳам мумкин (ФКнинг 110-моддаси).

Бундан ташқари, турар жойга нисбатан мулк ҳуқуқининг ўтиши мажбурий тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши керак (ФКнинг 481-моддаси 1-қисми).

3. Турар жойнинг мақсадли эканлиги шартнома предметининг қўшимча белгиси ҳисобланади. Уй-жой сотиладиган пайтда унда яшаш учун барча шарт-шароит бўлиши керак, яъни:

а) бошқа уй-жойдан алоҳида бўлиши;

б) шахсларнинг унда доимий яшаши учун яроқли бўлиши (ўрнатилган барча санитар ва техник қоида ҳамда нормаларга, шунингдек, қонунчиликда белгиланган бошқа талабларига жавоб бериши), умуман, кўчмас мол-мулкга қўйилган талабларга жавоб бериши лозим (ФК 83-модда). Бинони турар жой деб топиш ва унга қўйилган талабларга Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан белгиланади.

4. Кўп квартирали уйдаги турар жойларни сотишда шуни эътиборга олиш лозимки, турар жойни сотиш билан биргаликда сотиб олувчига шу уйнинг умумий жойлари, таянч ва тўсиқ конструкциялари, биттадан ортик жойга хизмат кўрсатадиган механик, электр, санитария-техника ускуналари ва қурилмалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 124-моддасида санаб ўтилган бошқа ускуналар ва қурилмаларни ўз ичига олган умумий мол-мулк улушли мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлади. Шу билан бирга, уйга туташ кўкаламлаштириш ва ободонлаштириш элементлари бўлган ер участкаси, турар жойга қўшимча хизмат кўрсатиш ва фойдаланишга мўлжалланган жойлар ҳам улушли мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлади.

Бунда квартира эгаси турар жойдаги умумий мулк ҳуқуқи асосида тегишли улушини ҳамда ер участкасига бўлган мулк ҳуқуқининг тегишли улушини турар жойдан ажратган ҳолда алоҳида сотишга ҳақли эмас (Ўзбекистон Республикаси ФК 211-м, Уй-жой кодекси 125-м). Бундан ташқари, у умумий мулк ҳуқуқидан ўз улушини ажратиб олишга қаратилган ҳаракатларни амалга оширишга ҳам ҳақли эмас (Уй-жой кодекси 125-м).

8-§. КОРХОНАНИ СОТИШ

489-модда. Корхонани сотиш шартномаси

Корхонани сотиш шартномасига мувофиқ сотувчи сотиб олувчига бутун корхонани мулккий мажмуа сифатида топшириш мажбуриятини олади, сотувчи бошқа шахсларга беришга ҳақли бўлмаган ҳуқуқ ва мажбуриятлар бундан мустасно.

Фирма номи, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва сотувчини ҳамда унинг маҳсулотини, у бажарадиган иш ёки

кўрсатадиган хизматларни шахсийлаштирадиган бошқа воситалардан фойдаланиш ҳуқуқлари, агар корхонани сотиш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотиб олувчига ўтади.

Сотувчининг тегишли фаолият билан шуғулланиши учун берилган махсус рухсатнома (лицензия) асосида олган ҳуқуқлари, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, корхонани сотиб олувчига берилмайди. Шартнома бўйича топшириладиган корхона таркибига махсус рухсатнома (лицензия)га эга бўлмагани туфайли сотиб олувчи бажара олмайдиган мажбуриятларни киритиш сотувчини кредиторлар олдидаги тегишли мажбуриятлардан озод қилмайди. Бундай мажбуриятларни бажармаганлик учун сотувчи ва сотиб олувчи кредиторлар олдида солидар жавобгар бўладилар.

1. ФК 489-моддасининг 1-қисмига кўра, корхона айнан мулкый мажмуа сифатида сотишнинг объекти бўлиб ҳисобланади. Бу мажмуа таркибига сотилаётган корхона фаолияти учун мўлжалланган барча мулк турлари, шу жумладан, ер участкалари, бинолар, иншоотлар, ускуна, инвентар, хом ашё, маҳсулот, талаб қилиш ҳуқуқи, қарзлар ва бошқа мутлақ ҳуқуқлар қиради (ФКнинг 85, 97-моддалари).

Корхонанинг сотувчиси фақат унинг мулкдори бўлиши мумкин. Давлат ва муниципал корхоналарни олди-сотдисида мулк ҳуқуқининг ўтиши 19.11.1991 йилдаги «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан тартибга солинади.

Корхонани сотиш шартномаси бўйича сотиб олувчи сифатида муомала лаёқатига эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, юридик шахслар, шунингдек, Фуқаролик кодекси ҳамда бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган чекловларни ҳисобга олган ҳолда чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, хорижий инвесторлар иштирокидаги корхоналар, халқаро ташкилотлар ва бирлашмалар, хорижий давлатлар бўлиши мумкин.

2. ФК 489-моддасининг 2-қисмида сотувчининг шахсийлаштирадиган воситалардан фойдаланиш ҳуқуқининг ўтишига оид махсус қоидалар белгиланган:

а) товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси — бу бир юридик ва жисмоний шахслар товарлари ва хизматларини бошқа юридик ва жисмоний

шахсларнинг шу турдаги товарларидан фарклаш учун хизмат қиладиган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган белгилардир. (Ўзбекистон Республикасининг 30.08.2001 йилги «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида» Қонуни).

б) фирма номи — юридик шахс бўлган тижорат ташкилотининг индивидуал номи бўлиб, унга доир мутлақ ҳуқуқ юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган вақтда юзага келади (Ўзбекистон Республикасининг 18.09.2006 йилги «Фирма номлари тўғрисида»ги Қонуни). Агар корхонани сотиш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, бу ҳуқуқлар сотиб олувчига ўтади.

3. Корхона сотувчиси тегишли фаолият билан шуғулланиши учун берилган лицензия асосида олган ҳуқуқларини сотиб олувчига бера олмайди. Давлат лицензияси асосида олинган ҳуқуқ сотувчининг шахси билан боғлиқ бўлиб, унинг фуқаролик ҳуқуқий лаёқатининг таркибий қисми ҳисобланади. Шунинг учун, сотилаётган корхона лицензияланган фаолият билан шуғулланишга мўлжалланган бўлса ҳам, бундай ҳуқуқлар сотиб олувчига ўтмайди. Сотиб олувчига фақат шу фаолиятдан келиб чиққан сотувчининг учинчи шахслар олдида мажбуриятлари ўтиши мумкин. Бирок, тегишли лицензияга эга бўлмаган сотиб олувчи бундай мажбуриятни бажара олмаслик ҳолатида эмаслигини ҳисобга олиб, ФК сотувчи ва сотиб олувчининг ушбу мажбуриятлар бўйича солидар жавобгарлигини кредиторлар ҳуқуқларининг қўшимча кафолати сифатида белгилайди.

490-модда. Корхонани сотиш шартномасининг шакли ва уни давлат рўйхатидан ўтказиш

Корхонани сотиш шартномаси тарафлар имзолаган ёзма шаклдаги битта ҳужжат тарзида тузилиб, унга ушбу Кодекснинг 491-моддаси иккинчи қисмида кўрсатилган ҳужжатлар албатта илова қилинади ва у нотариал гувоҳлантирилиши ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Ваколатли давлат органининг қарорига биноан танлов (тендер) асосида тузиладиган корхонани сотиш шартномаси нотариал гувоҳлантирилиши шарт эмас, ушбу Кодекснинг 110-моддаси иккинчи қисмининг 2-бандида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. (Ўзбекистон Республикаси 20.08.1999 й. 832–1-сон Қонуни таҳриридаги жумла)

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган талабларга риоя қилмаслик шартноманинг ҳақиқий бўлмаслигига олиб келади. Бундай шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим ҳисобланади, уни бажаришга йўл қўйилмайди ва унга нисбатан ушбу Кодекс 112-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган қоидалар қўлланмайди.

1. Корхона кўчмас мулк ҳисоблангани сабабли (ФКнинг 83-моддаси), олди-сотди шартномасининг шаклига кўчмас мулкни сотиш шартномасидаги каби жиддий талаблар қўйилган.

2. Шарҳланаётган модда корхонани сотиш шартномасини тузишнинг қўйидаги шартларини белгилайди:

а) шартнома тарафлар имзолаган ёзма шаклдаги битта ҳужжат тарзида тузилиб, керакли ҳужжатлар албатта илова қилинади ва у нотариал гувоҳлантирилиши ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим (ФК 490-модда 2-қисми). Танлов (тендер) асосида тузиладиган корхонани сотиш шартномаси нотариал гувоҳлантирилиши шарт эмас, аммо давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

б) шартномага инвентаризация далолатномаси, бухгалтерия баланси, мустакил аудиторнинг корхона таркиби ва унинг қиймати тўғрисидаги хулосаси, кредиторлар ва уларнинг талаблари хусусияти, миқдори ва муддатлари кўрсатилган қарзлар (мажбуриятлар) рўйхати илова қилиниши шарт (ФК 491-моддаси 2-қисми).

3. Корхонани сотиш шартномаси ёзма шаклда бўлишидан ташқари, давлат рўйхатидан ўтказилиши ҳам керак. Шартнома айнан давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб тузилган деб ҳисобланади. Шартномани (корхона жойлашган жой бўйича) давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ҳуқуқ эгасининг илтимосига кўра махсус ҳужжат бериш орқали ёки корхонани сотиш шартномасига устхат ёзиш йўли билан давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқлаши шарт (ФК 84-моддаси 2-қисми).

491-модда. Сотиладиган корхона таркибини аниқлаш ва қийматини баҳолаш

Сотиладиган корхона таркиби ва унинг қиймати корхонани сотиш шартномасида инвентаризациялашнинг белгиланган қоидаларига

мувофиқ ўтказиладиган корхонани тўлиқ инвентаризациялаш асосида аниқланади.

Корхонани сотиш шартномаси имзолангунга қадар инвентаризация далолатномаси, бухгалтерия баланси, мустақил аудиторнинг корхона таркиби ва унинг қиймати тўғрисидаги хулосасини, шунингдек кредиторлар, улар қўяётган талаблар хусусияти, миқдори ва муддатлари кўрсатилган ҳолда корхона таркибига киритиладиган барча қарз (мажбурият)лар рўйхатини тарафлар тузган ва кўриб чиққан бўлиши керак. Номлари айтиб ўтилган ҳужжатларда кўрсатилган мол-мулк, ҳуқуқ ва мажбуриятлар, агар ушбу Кодексининг 489-моддасидан бошқача тартиб келиб чиқмаса ҳамда у корхонани сотиш шартномасида белгиланган бўлмаса, сотувчи томонидан сотиб олувчига топширилиши лозим.

1. Корхона мураккаб объект бўлганлиги ва унинг таркиби тарафлар келишувига кўра ўзгариши мумкин бўлган турли хил элементлардан иборат бўлишини инобатга олиб, шартномани тузиш учун бундай мулкий мажмуа таркибини аниқ белгилаш лозим. Бусиз шартнома предмети аниқланмаган, шартнома эса тузилмаган деб ҳисобланади. Мазкур модда ФКнинг 484-моддаси билан боғлиқ бўлиб, унга кўра кўчмас мулкни сотиш шартномасида шартнома бўйича сотиб олувчига топширилиши лозим бўлган кўчмас мулкни аниқ белгилаш имконини берадиган маълумотлар бўлмаса, бошқа шахсга топширилиши лозим бўлган кўчмас мулк тўғрисидаги шартни тарафлар ўзаро келишиб олмаган, тегишли шартнома эса тузилмаган ҳисобланади.

2. ФКнинг 491-моддаси корхонани сотиш шартномасини имзолашнинг муҳим шарти сифатида бир қатор ҳужжатларни тузишни назарда тутаяди:

- инвентаризация далолатномаси;
- бухгалтерия баланси (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бухгалтер ҳисоботлари шакллари тўлдириш кўрсатмалари асосида тузилади);
- мустақил аудиторнинг корхона таркиби ва унинг қиймати тўғрисидаги хулосаси;
- кредиторлар олдидаги барча қарз (мажбурият)лар рўйхати. Бунда барча кредиторларни аниқлаш, яъни уларнинг номланиши, яшаш жойи, турар жойи, улар қўяётган талаблар хусусияти, миқдори ва бажариш муддатларини кўрсатиш керак.

Ушбу ҳужжатларнинг барчаси корxonани сотиш шартномасига илова қилиниши шарт (ФК 491-моддаси 1-қисми).

3. Агар корxonани сотиш шартномасида унинг қиймати белгиланмаган бўлса, шартнома тузилмаган ҳисобланади. Бундай ҳолатда кўчмас мулкни сотиш шартномасининг баҳоси ҳақидаги умумий қоидалари қўлланилади. (ФКнинг 485-моддаси). Сотиладиган корxonанинг қиймати корxonани тўлиқ инвентаризациялаш ва корxона таркиби ва унинг қиймати тўғрисидаги аудитор хулосаси асосида тарафлар томонидан эркин белгиланади. Корxonанинг қийматини аниқлаш учун мустақил аудитор жалб қилиш тўғрисидаги махсус қоида сотиб олувчи манфаатларини кўзлаб белгиланганки, бунда сотиб олувчи сотувчи билан нархни келишишда корxonанинг ҳақиқий қиймати тўғрисида тўғри маълумотга эга бўлади.

492-модда. Корxonани сотишда кредиторларнинг ҳуқуқлари

Сотиладиган корxона таркибига киритилган мажбуриятлар бўйича кредиторлар корxона сотиб олувчига топширилгунга қадар сотувчи томонидан унинг сотилиши тўғрисида ёзма равишда хабардор қилинишлари лозим.

Қарзнинг бошқа шахсга ўтказилишига розилигини сотувчига ёзма равишда билдирмаган кредитор корxона сотилиши тўғрисида билдириш хати олган кундан бошлаб уч ой мобайнида ё мажбуриятни бажаришни тўхтатишни ёки муддатидан олдин бажаришни ва сотувчи томонидан зарар қопланишини, ё бўлмаса корxonани сотиш шартномасини бутунлай ёхуд унинг тегишли қисмини ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Корxonанинг сотилиши тўғрисида ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган тартибда хабардор қилинмаган кредитор сотувчи корxonани сотиб олувчига топширгани тўғрисида хабар топган ёки хабар топиши лозим бўлган кундан бошлаб бир йил мобайнида ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган талабларни қондириш ҳақида даъво қўзғатиши мумкин.

Корxона сотиб олувчига топширилганидан сўнг сотувчи ва сотиб олувчи топширилган корxона таркибига киритилган, сотиб олувчига

кредиторнинг розилигисиз ўтказилган қарзлар бўйича солидар жавобгар бўладилар.

1. Корхонани сотишда унинг таркибига кирувчи мажбуриятларни тартибга солиш муҳим аҳамиятга эга. Биринчи навбатда бу пассив мажбуриятларга тегишли бўлиб, унга кўра корхона сотувчиси қарздор ҳисобланади. Аксарият ҳолларда корхонани сотганидан кейин муҳим ишлаб чиқариш-техник базадан маҳрум бўлган сотувчи ўз мажбуриятларини бажара олмайдиган аҳволда бўлади. Қарзни сотиб олувчига ўтказиш эса, ФКнинг 322-моддаси умумий қоидаларига кўра, амалиётда амалга оширилмаслиги мумкин, чунки сотувчининг кредиторлари сони (масалан, махсулот етказиб бериш шартномаси) юзталаб бўлиши мумкин. Шарҳланаётган моддада ушбу муаммони ечиш механизмини таклиф қилинган.

2. Шарҳланаётган модданинг 1-қисмида кўрсатилган мажбуриятлар — бу сотувчининг корхонани сотиш шартномасини тузишдан олдин келиб чиққан мажбуриятларидир. Улар корхонанинг таркибига мулкӣ мажмуа сифатида киради.

Бу борада қуйидагиларни ҳисобга олиш лозим:

- хабар ёзма равишда билдирилиши керак;
- хабар бир неча муҳим маълумотлардан иборат бўлиши керак:

корхонани сотиш шартномасининг тарафлари, шартномани тузиш санаси, корхонани топшириш муддатлари, манзиллар, тарафларнинг банк реквизитлари ва ҳ.к.

3. Қарзнинг бошқа шахсга ўтказилишига розилигини сотувчига ёзма равишда билдирмаган кредитор корхона сотилиши тўғрисида билдириш хати олган кундан бошлаб уч ой мобайнида қуйидагилардан бирини талаб қилиш ҳуқуқига эга:

- мажбуриятни бажаришни тўхтатишни (бу ерда сотувчининг корхонани сотишдан олдин келиб чиққан мажбуриятлари назарда тутилган);
- муддатидан олдин мажбуриятни бажаришни ва сотувчи томонидан етказилган зарар қопланишини;
- корхонани сотиш шартномасини бутунлай ёхуд унинг тегишли қисмини ҳақиқӣ эмас деб топишни.

4. Корхонани сотилиши ҳақида хабардор қилинмаган кредитор юқорида назарда тутилган талабларни қаноатлантириш тўғрисидаги даъво ариза билан

(кўчмас мулк турган жойидаги) судга муурожаат қилиши мумкин. Бундай ҳолларда умумий 3 йиллик даъво муддати эмас (ФКнинг 150-моддаси), балки қисқартирилган муддат қўлланилади, яъни сотувчи корхонани сотиб олувчига топширгани тўғрисида хабар топган ёки хабар топиши лозим бўлган кундан бошлаб бир йил мобайнида кредитор даъво кўзғатиши мумкин.

5. ФК 492-моддасининг 4-қисмида назарда тутилган қоидалар кредитор қарзни ўтказиш учун розилик бермаган ҳоллардагина қўлланилади. Корхона сотиб олувчига топширилганидан сўнг сотувчи ва сотиб олувчи кредитор олдида солидар жавобгар бўладилар, кредитор эса ўз хоҳишига кўра мажбуриятни бажаришни сотувчидан ёки сотиб олувчидан талаб қилишга ҳақли ҳисобланади.

493-модда. Корхонани топшириш

Сотувчининг корхонани сотиб олувчига топшириши топшириш далолатномасига мувофиқ амалга оширилади, унда корхонанинг таркиби ва кредиторлар корхона сотилиши тўғрисида хабардор қилинганлиги, шунингдек топширилган мол-мулкда аниқланган камчиликлар ҳақида маълумотлар ва йўқолганлиги туфайли топшириш мажбуриятлари вужудга келиши мумкин бўлмайдиган мол-мулкнинг рўйхати кўрсатилади.

Корхонани топширишга тайёрлаш, шу жумладан топшириш далолатномасини тузиш ва имзолашга тақдим этиш, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотувчининг мажбурияти ҳисобланади ва унинг ҳисобидан амалга оширилади.

Иккала тараф топшириш далолатномасини имзолаган кундан бошлаб корхона сотиб олувчига топширилган ҳисобланади. Шу пайтдан бошлаб корхона таркибида топширилган мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан бузилиши хавфи сотиб олувчига ўтади.

1. Мазкур модда корхонани топширишни расмийлаштириш тартибини ва унинг зарурлигини белгилаб беради, чунки биринчидан, корхона кўчмас мулкка киради, иккинчидан, корхона мураккаб мулккий мажмуа ҳисобланиб, унинг топширилганлик ҳолатини фақат ушбу тартибни бажаргандан сўнг белгилаш мумкин.

2. Корхонани топшириш учун тарафлар ёзма топшириш далолатномасини тузишлари шарт. Шархланаётган модданинг 1-қисмида далолатномада қўйидаги муҳим маълумотлар акс этиши кўрсатиб ўтилган:

– корхонанинг таркиби тўғрисидаги маълумот (бу маълумотлар инвентаризация далолатномаси, бухгалтерия баланси, мустақил аудиторнинг корхона таркиби ва унинг қиймати тўғрисидаги хулосаси ва ФКнинг 491-моддаси 2-қисмида назарда тутилган бошқа ҳужжатларга мувофиқ бўлиши керак).

– корхона сотилиши тўғрисида кредиторлар хабардор қилинганлиги тўғрисидаги маълумот;

– топширилган мол-мулкнинг аниқланган барча камчиликлари тўғрисидаги маълумот (бу борада мулкни топшириш, уни кўздан кечириш, синовдан ўтказиш, мулкнинг яроқлилигини текшириш пайтида аниқланган камчиликлар назарда тутилган);

– мулккий мажмуа таркибига кирган, бироқ корхонани топшириш жараёнигача йўқолган мол-мулкнинг рўйхати.

Шархланаётган модданинг 2-қисмидаги умумий қоидага кўра, корхонани топширишга тайёрлаш, шу жумладан топшириш далолатномасини тузиш ва имзолашга тақдим этиш сотувчининг мажбурияти ҳисобланади ва унинг ҳисобидан амалга оширилади. Корхонани сотиш шартномаси шартларига кўра, бундай мажбуриятлар тўлиқ ёки қисман сотиб олувчининг зиммасига ҳам юклатилиши мумкин.

3. Шархланаётган модданинг 3-қисмидаги қоидаларни қўллашда қўйидагиларни ҳисобга олиш керак:

корхонани фактик топшириш вақти топшириш далолатномасини имзолаш вақтига тўғри келмаслиги мумкин;

топшириш далолатномаси тарафлар томонидан турли вақтларда имзоланиши мумкин (масалан, бир тараф далолатномани имзолаб, уни иккинчи тарафга почта орқали юборган бўлиши мумкин). Бундай ҳолларда топшириш далолатномасини иккинчи тараф имзолаган кундан бошлаб корхона сотиб олувчига топширилган ҳисобланади;

топшириш далолатномасини имзолаш (яъни корхонани топшириш) вақти корхонага бўлган мулк ҳуқуқининг ўтиши вақти билан тўғри келмаслиги мумкин. Бироқ корхонани топшириш пайтидан бошлаб корхона таркибидаги мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиши

ёки тасодифан бузилиши хавфи сотиб олувчига ўтади (ФКнинг 175-моддаси), яъни шарҳланаётган норма олди-сотди шартномаси бўйича мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан бузилиши хавфига оид умумий қоидадан тубдан фарқ қилади (ФКнинг 392-моддасига қаранг).

494-модда. Корхонага мулк ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши

Корхонага мулк ҳуқуқи бу ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб сотиб олувчига ўтади.

Сотиб олувчининг корхонага мулк ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш, башарти корxonани сотиш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, корхона сотиб олувчига топширилганидан сўнг бевосита амалга оширилади.

Корxonани сотиш шартномасида корхона ҳақи тўлангунича ёки бошқа ҳолатлар юз бергунча сотувчининг сотиб олувчига топширилган корхонага мулк ҳуқуқи сақланиб қолиши назарда тутилган ҳолларда сотиб олувчи мулк ҳуқуқи ўзига ўтгунча топширилган корхона таркибига кирадиган мол-мулкни мулккий мажмуа сифатида корхона фаолиятини таъминлаш учун зарур даражада тасарруф қилишга, шунингдек ҳуқуқлардан фойдаланишга ҳақли бўлади.

Корхонага бўлган мулк ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши, мулк ҳуқуқининг вужудга келишининг умумий қоидаларидан фарқли ўларок, муҳим хусусиятларга эга. Бундай хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

биринчидан, мулк ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиш пайти шартнома билан белгиланиши мумкин, бироқ у ҳар қандай ҳолатда ҳам давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ;

иккинчидан, мулк ҳуқуқи вужудга келиши корхона ҳақини тўлаш ёки шартномада белгиланган корxonанинг самарали фаолият юритиши, қарзларнинг қопланиши ва шу каби бошқа ҳолатлар билан бевосита боғлиқ қилиб қўйилиши мумкин;

учинчидан, мулк ҳуқуқининг вужудга келиши корxonани топшириш билан боғлиқ бўлмасдан, қоида тариқасида, корхона топширилганидан кейин амалга оширилади;

тўртинчидан, мулк ҳуқуқи вужудга келишидан олдин узоқ вақт ўтиши мумкин, бу вақт ичида эса корхона топшириш далолатномаси асосида сотиб олувчида бўлиши ва у томондан мулкый ҳуқуқларсиз фойдаланилиши мумкин; бундай босқичда сотиб олувчининг ваколат доираси мулкдор ҳуқуқларидан ҳам кўпроқ ҳисобланади: у фақат топширилган мол-мулкни тасарруф қилиш билан боғлиқ мақсадли битимлар тузишга ҳақли, яъни ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиш, солиқ тўлаш ва бошқа харажатлар қилиш эвазига фойда олиш, бинобарин, сотиб олувчи бундай вақт ичида корxonанинг ишчанлик ҳолатини қўллаб-қувватлаш учун бошқа зарур харажатларни амалга оширишга ҳам ҳақли, бироқ шартномани бекор қилиш ёки уни тузишдан бош тортиш ҳолларида у мулкнинг титул эгаси сифатида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиши мумкин.

495-модда. Корxonани камчиликлар билан топшириш ва қабул қилиш оқибатлари

Топшириш далолатномаси бўйича сотувчи томонидан таркиби, шу жумладан топширилган мол-мулкнинг сифати, корxonани сотиш шартномасида назарда тутилган талабга мувофиқ бўлмаган корxonанинг топширилиши ва сотиб олувчининг қабул қилиши оқибатлари, агар шартномадан бошқача тартиб келиб чиқмаса ва у ушбу модданинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган бўлмаса, ушбу Кодекснинг 393–395, 399, 402, 408, 412-моддаларида назарда тутилган қоидалар асосида аниқланади.

Корхона топшириш далолатномасига мувофиқ топширилган ва қабул қилинган бўлиб, унда корxonанинг аниқланган камчиликлари ва йўқотилган мол-мулки тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган тақдирда, агар корxonани сотиш шартномасида бундай ҳолларда бошқа талабларни қўйиш ҳуқуқи назарда тутилган бўлмаса, сотиб олувчи корxonанинг харид нархини тегишинча камайтиришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Сотиб олувчига корхона таркибида сотувчининг корxonани сотиш шартномасида ёки топшириш далолатномасида кўрсатилмаган қарзлари (мажбуриятлари) ҳам топширилган тақдирда, агар сотиб

олувчи шартнома тузиш ва корхонани топшириш вақтида бундай қарз (мажбурият)лар борлигини билганини сотувчи исботламаса, сотиб олувчи харид нархини камайтиришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Сотувчи корхона таркибида топширилган мол-мулкдаги камчиликлар тўғрисида ёки топширилиши лозим бўлган айрим турдаги мол-мулкнинг бу таркибда йўқлиги тўғрисида сотиб олувчидан билдириш хати олган ҳолларда тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулкни дарҳол алмаштириши ёки сотиб олувчига етишмаётган мол-мулкни бериши мумкин.

Агар корхонанинг сотувчи жавобгар бўлган камчиликлар туфайли корхонани сотиш шартномасида айтиб ўтилган мақсадлар учун яроқсизлиги ва бу камчиликлар ушбу Кодексга, қонун ҳужжатлари ёки шартномага мувофиқ белгиланган шартларда, тартиб ва муддатларда сотувчи томонидан бартараф қилинмаганлиги ёки бундай камчиликларни бартараф қилиб бўлмадлиги аниқланган бўлса, сотиб олувчи корхонани сотиш шартномасини бекор қилиш ёки ўзгартиришни ва тарафлар шартномага мувофиқ бажарганларини қайтаришни суд тартибида талаб қилиш ҳуқуқига эга.

1. Шарҳланаётган модда 1-қисмининг диспозитив нормаси олди-сотди тўғрисидаги умумий қоидаларга ҳавола қилиб, сотувчининг товарни учинчи шахслар ҳуқуқларидан озод ҳолда топшириш мажбурияти, сотиб олувчидан товар олиб қўйилган тақдирда сотувчининг жавобгарлиги, товарни олиб қўйиш тўғрисида даъво қилинган тақдирда сотиб олувчи ва сотувчининг мажбуриятлари, товарнинг миқдори, сифати ва бутлиги тўғрисидаги шартларни бузиш оқибатлари каби масалаларни тартибга солади. Корхонани сотиш шартномаси предметининг хусусиятидан келиб чиқиб ушбу шартномага товар сифати билан боғлиқ нормадан ташқари бошқа айтилган нормаларни қўллаш қийин. Бу борада корхонани камчиликлар билан топшириш ва қабул қилиш оқибатларини аниқлашда, биринчи навбатда, ушбу модданинг бошқа қисмларида кўрсатилган махсус нормалари амалий аҳамият касб этади. Шу билан бирга, ушбу моддада кўрсатилган олди-сотди шартномасининг умумий қоидаларига ҳавола

қилиниши бундай муносабатларга олди-сотди шартномасининг 1-қисмда кўрсатилмаган бошқа умумий қоидаларни қўллашни истисно этмайди. Хусусан, шарҳланаётган модданинг 5-қисмида корхона шартномада кўрсатилган мақсадлар учун яроксиз бўлиб қолган ҳолларда сотувчининг жавобгарлигини келтириб чиқарадиган корхонани камчиликлар билан топшириш оқибатлари кўрсатилган. Бунда сотувчи ФКнинг 409-моддасида белгиланган қоидага биноан товарнинг камчиликлари учун жавобгар ҳисобланади.

2. Топширилган корхонани таркиби ёки топширилган мол-мулкининг сифати корхонани сотиш шартномаси шартларига мувофиқ эмаслиги аниқланса, сотиб олувчи қуйидаги шахслар ҳуқуқларидан фойдалана олади:

а) учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари бўлган товар топширилган шахс (ФКнинг 393–395-моддалари);

б) миқдор тўғрисидаги шартлар бузилган ҳолда товар топширилган шахс (ФКнинг 399-моддаси);

в) сифатсиз товар топширилган шахс (ФКнинг 408–409-моддалари);

г) бут бўлмаган товарлар топширилган шахс (ФКнинг 412, 413-моддалари).

3. Топширилаётган корхонада камчиликлар аниқланган тақдирда, шарҳланаётган модданинг 2-қисмида назарда тутилган қоидаларни қўллашда, қуйидагиларни ҳисобга олиш керак:

– -сотиб олувчи шартномага ўзгартириш киритиш йўли билан корхонанинг харид нарҳини камайтиришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Бу талабни сотиб олувчи умумий қоида асосида, яъни корхонани сотиш шартномасида сотиб олувчи бошқа талаблар қўйиш ҳуқуқини тарафлар келишиб олмаган ҳолларда, қўйиши мумкин. Бироқ, шартномада тарафлар сотиб олувчининг харид нарҳини камайтиришни талаб қилиш ҳуқуқи билан бир вақтда бошқа талабларни ҳам қўйишни (яъни барча талабларни биргаликда белгилашни) назарда тутишлари мумкин. Корхонани сотиш шартномасида бошқа ҳолатлар ҳам белгиланиши мумкин: харид нарҳини камайтиришни талаб қилиш ҳуқуқи ёки бошқа талабни қўйиш ҳуқуқи (масалан, йўқотилган мулк эвазига бошқа шунга ўхшаш мулкни топшириш), бу борада харид нарҳини камайтиришни талаб қилиш ҳуқуқи шартнома шартларида кўрсатилмаслиги ҳам мумкин.

4. Мулкка учинчи шахслар ҳуқуқлари мавжудлигини аниқлаган сотиб олувчи, бу ҳақда корxonани сотиш шартномасида ёки топшириш далолатномасида ҳеч қандай қоида назарда тутилмаган ҳолларда, сотувчини ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Сотиб олувчига бундай мажбурият мулк ФКнинг 493-моддаси қоидаларига мувофиқ ҳолда топширилган ҳоллардагина юклатилади.

Сотиб олувчининг ушбу қарз ҳақида билганини исботлаш мажбурияти қонун бўйича сотувчига юклатилади (ФКнинг 333-моддаси).

Бунда сотувчи сотиб олувчининг ушбу қарз ҳақида корxonани сотиш шартномасини тузган пайтида ҳам, корxonани топширган пайтида ҳам билганлигини исботлаши керак.

Сотиб олувчига корxона таркибида корxonани сотиш шартномасида ёки топшириш далолатномасида кўрсатилмаган сотувчининг қарзлари (мажбуриятлари) ҳам топширилган тақдирда, бунда сотувчи сотиб олувчининг бундай қарз (мажбурият)лари ҳақида билганлигини исботлаб бера олмаса, сотиб олувчи харид нархини камайтиришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

5. Сотувчи сотиб олувчидан билдириш хати олган ҳолларда тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулкни дарҳол алмаштира ёки сотиб олувчига етишмаётган мол-мулкни берса, сотиб олувчи харид нархини камайтиришни талаб қилишга ёки шарҳланаётган модданинг 1-қисмида кўрсатилган бошқа талабларни қўйишга ҳақли ҳисобланмайди.

6. Шарҳланаётган модданинг 5-қисмида сотиб олувчининг махсус ҳуқуқлари кўрсатилган бўлиб, бунда қуйидаги муҳим ҳолатларга эътибор бериш лозим:

- сотиб олувчи шарҳланётган модданинг 5-қисмида кўрсатилган ҳоллардагина ўз ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиши мумкин;

- судга даъво қилиш вақтида сотиб олувчи корxonанинг камчиликлари билан бирга, унинг шартномада кўрсатилган мақсадларда фойдаланиб бўлмаслигини ҳам аниқлаши шарт;

- шарҳланаётган модданининг 5-қисмида назарда тутилган камчиликлар учун сотувчи жавобгар бўлган ҳоллардагина (масалан, камчиликларни яширган, камчиликларни келтириб чиқарувчи ҳаракатлар содир қилган бўлса), бу камчиликлар даъво келтириш учун асос ҳисобланади;

- сотиб олувчи судга даъво билан мурожаат қилишдан олдин бундай талабларни сотувчига билдириши керак;
- мулкнинг камчиликларини бартараф этиш имкони бўлмаган ҳоллардагина талаб билан судга мурожаат қилиш мумкин;
- корхонани сотиш шартномасининг шартлари сотувчи томонидан бузилганлигини ҳисобга олиб, ўзининг айбсизлигини исботлаш мажбурияти сотувчига юклатилади. Бундан ташқари, корхонани сотиш шартномасининг тарафлари тадбиркорлар бўлганлиги учун ҳам, енгиб бўлмайдиган куч туфайли мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тараф жавобгарликдан озод қилинади (ФКнинг 333-моддаси).

496-модда. Корхонани сотиш шартномасига нисбатан битимларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатлари ва шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги қоидаларнинг қўлланилиши

Ушбу Кодекснинг битимларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатлари ва олди-сотди шартномасини ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги, шартнома бўйича бир ёки иккала тарафдан олинган нарсаларни қайтаришни ёки асл ҳолида ундиришни назарда тутадиган қоидалари, агар бундай оқибатлар сотувчи ва сотиб олувчининг кредиторларининг, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини жиддий бузмаса ва ушбу Кодекс 116-моддасининг қоидаларига зид келмаса, корхонани сотиш шартномасига нисбатан қўлланади.

1. Шарҳланаётган моддада битимларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатлари тўғрисидаги қоидалар деб, ФК 116-моддасидаги қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ бўлмаган битимлар ҳақидаги нормалари, ФК 124-моддасидаги қалбаки ва кўзбўямачилик учун тузилган битимлар тўғрисидаги нормалари, шунингдек, ФК 122, 123, 125-моддаларидаги нормалари тушунилади. Бу нормаларнинг барчасида назарда тутилган оқибатлар бир хил, яъни шартнома бўйича олинган нарсаларни қайтариш ёки асл ҳолида ундириш ҳисобланади.

Бу қоидалар фақат сотувчи ва сотиб олувчининг кредиторларининг, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини жиддий бузмаса қўлланилиши мумкин.

2. Агар кўчмас мулкни олди-сотди шартномасининг ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши ҳам шартнома бўйича бир ёки иккала тарафдан олинган нарсаларни қайтариш ёки асл ҳолида ундиришга сабаб бўлса, ФКнинг 496-моддасининг қоидаларига кўра амалга оширилади.

3. Шартнома бўйича олинган нарсани асл ҳолда ундириш ҳуқуқи битимларнинг ҳақиқий эмаслиги умумий оқибати сифатида келтирилган (ФКнинг 114-моддаси). Бу ҳақидаги махсус қоидалар ФКнинг 116 ва 123-моддаларида белгиланган.

30-БОБ. АЙИРБОШЛАШ

497-модда. Айирбошлаш шартномаси

Айирбошлаш шартномасига мувофиқ ҳар бир тараф бошқа тарафга бир товарни бошқа товарга алмаштириш йўли билан мулк қилиб топшириш мажбуриятини олади.

Айирбошлаш шартномасига нисбатан тегишинча олди-сотди тўғрисидаги қоидалар қўлланади, башарти бу ушбу боб қоидаларига ва айирбошлаш моҳиятига зид келмаса. Бунда ҳар қайси тараф алмаштириш йўли билан топшириш мажбуриятини олган товарни сотувчи ва қабул қилиш мажбуриятини олган товарни сотиб олувчи ҳисобланади.

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган автотототранспорт воситаларини айирбошлаш шартномаси нотариал тасдиқланган бўлиши керак.

1. Ушбу модда 1963 йилдаги ФҚда келтирилган айирбошлашнинг анъанавий тушунчасини сақлаб қолган ва умумий қоидалар бўйича айирбошлашни олди-сотди шартномаси моддаларига бўйсундиради (ФКнинг 29 боби).

Алмаштириладиган товарлар сифатида ҳамма ашёлар бўлиши мумкин, муомаладан чиқарилган ва муомалада бўлиши чекланган ашёлар бундан мустасно.

Айирбошлаш шартномасига олди-сотди шартномасининг пул ҳисоб-китоблар тўғрисидаги нормалари (ФКнинг 419–422-моддалари) қўлланилмайди, чунки айирбошлашда пул ҳисоб-китоблари амалга оширилмайди, ФК 498-моддасининг 2-қисмидаги ҳолат бундан мустасно.

2. Шарҳланаётган моддада айирбошлаш шартномасининг тарафлари фақат мулк эгалари (ёки қонунга мувофиқ тарзда улар томонидан белгиланган шахслар) бўлишлари мумкин деб аниқ кўрсатилган. Аммо бу, унитар корхоналар, муассасалар (бошқа мулк ҳуқуқига эга бўлмаган юридик шахслар) айирбошлаш шартномасининг тарафлари бўла олмайдилар дегани эмас: (фақат мулк эгасининг розилигини олганидан кейин). ФКнинг 176–180-моддаларини шарҳлаганда шундай хулосага келиш мумкин.

Шарҳланаётган модданинг 1-қисмида ҳар бир тараф бошқа тарафга бир товарни бошқа товарга алмаштиради дейилган бўлса ҳам, бу томон-

лар фақат бир хил товарларни алмаштиришлари шарт дегани эмас. «Бир товар» сўз бирикмаси, бир товар тури бошқа товар турига алмаштирилади деган маънони англатади ва бу товарлар миқдори ҳар-хил бўлиши мумкин.

3. Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида айирбошлаш шартномасига нисбатан тегишинча олди-сотди тўғрисидаги қоидалар қўлланади дейилган. Лекин, қуйидагиларни ҳисобга олиш керак:

ФКнинг 497–501-моддалари ва айирбошлаш моҳиятига зид келадиган олди-сотди шартномасининг қоидалари, айирбошлаш шартномасига қўлланилмайди, чунки бу шартномага кўра бир товар ўрнига айнан бошқа товар топширилади, аммо пул суммаси эмас;

айирбошлаш шартномасига товарнинг ассортименти, миқдори ва сифати тўғрисидаги нормалар қўлланилиши мумкин;

бир томон фақат сотувчи иккинчиси эса фақат сотиб олувчи бўладиган олди-сотди шартномасидан фарқли ўлароқ, айирбошлаш шартномасида бир тараф ҳам сотувчи (товарни топшириш мажбуриятини олганида) ҳам сотиб олувчи (товарни қабул қилиш мажбуриятини олганида) ҳисобланади.

Шу боис тараф бир вақтнинг ўзида ФК 30-бобининг ҳам сотувчи (товарни топширганида) ҳам сотиб олувчи (товарни қабул қилганида) тўғрисидаги нормаларини қўллаши керак. Тадбиркорлар (юридик шахслар ва фуқаролар) учун бу муҳим аҳамиятга эга, чунки бир шахснинг ўзида иккала тараф ҳам мужассамлашади, солиқларни тўлашда махсус қоидаларни ҳисобга олишни талаб қилади.

4. Унитар корхона ёки муассаса айирбошлаш шартномаси бўйича вужудга келган мол-мулк корхона ёки муассасанинг хўжалик юритишига ёки оператив бошқаришига ўтади.

498-модда. Айирбошлаш шартномаси бўйича баҳо ва харажатлар

Агар айирбошлаш шартномасидан бошқача тартиб келиб чиқмаса, айирбошланадиган товарлар тенг қийматли деб тахмин қилинади, уларни топшириш ва қабул қилиш харажатларини эса ҳар бир ҳолда тегишли мажбуриятларни бажарадиган тараф амалга оширади.

Айирбошлаш шартномасига мувофиқ айирбошланадиган товарлар тенг қийматли эмас деб тан олинган тақдирда баҳоси айирбошлашга тақдим қилинаётган товар баҳосидан паст бўлган товарни топшириши лозим бўлган тараф, агар шартномада ҳақ тўлашнинг бошқача тартиби назарда тутилган бўлмаса, товар ёки товарни тасарруф қилиш

ҳужжатлари топширилгандан сўнг кечиктирмасдан баҳолардаги фарқни тўлаши лозим.

Агар айирбошланадиган товарлар тенг қийматли эмас деб тан олинса, бироқ уларнинг баҳоларидаги фарқ айирбошлаш шартномасида назарда тутилган бўлмаса ва шартнома шартларига қараб белгиланиши мумкин бўлмаса, нархлардаги фарқ ушбу Кодекс 356-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ аниқланади.

1. Шарҳланаётган моддада белгиланган айирбошланадиган товарларни тенг қийматлилиқ презумпцияси айирбошлаш шартномаси моҳиятига жавоб беради ва уни амалиётда қўллашни енгиллаштиради, чунки томонлар ўртасида келиб чиқиши мумкин бўлган айирбошланадиган товарларнинг ҳақиқий қиймати борасидаги низоларини бартараф қилади.

Шарҳланаётган модданинг 1-қисмида кўрсатилган умумий қоида бўйича айирбошланадиган товарлар тенг қийматли деб тахмин қилинади. Бу қўйидаги маънони англатади:

айирбошлаш шартномасига кўра топшириладиган иккала товарнинг ҳам баҳоси тенг;

тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахслар, товар нархини белгилашда унинг баланс нархидан эмас, балки олди-сотди шартномаси бўйича қабул қилинаётган нархидан келиб чиқишлари зарур;

топшириш харажатлари товарни топшираётган шахсга юклатилади ва бу харажатлар (шарҳланаётган модданинг мазмунига кўра) товар нархига кирмайди, бу қоида худди шу товарни қабул қилиш харажатларига ҳам тегишли;

бу харажатлар ҳажми бўйича тенг келмасликлари ҳам мумкин.

Шартноманинг шартларига кўра ёки томонларнинг келишилган хоҳишидан келиб чиқиб, айирбошланаётган товарлар тенг қийматли эмас деб тан олинishi мумкин. Агар айирбошлаш шартномасида томонлар бир-бирига топшираётган товарларнинг нархи тенг эмаслиги тўғрисидаги шартлар бўлмаса, бу товарлар тенг қийматли деб ҳисобланади.

2. Ушбу моддада кўрсатилган айирбошланаётган товарларни топшириш ва қабул қилиш харажатлари, шу мажбуриятлар билан боғлиқ барча харажатларни ўз ичига олади (ташиш харажатлари, айирбошланаётган мулкка тегишли ҳуқуқларни расмийлаштириш ва ҳ.)

3. Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида баҳолардаги фарқни пул эвазига тўлаш ҳуқуқи кўрсатилган. Баҳолардаги фарқ айирбошланаётган товарларни баҳолаш оқибатидан келиб чиқмаслиги керак, балки шартномани тузишда олдиндан келишилган бўлиши шарт.

4. Товарларни айирбошлашда, тарафлар товарлар баҳоси тенг эмаслигини аниқлашлари мумкин. Бу ҳолатда қуйидагиларни инобатга олиш керак:

баҳодаги фарқни тарафлар айирбошлаш шартномасида белгилашлари шарт. Бунда шартнома ёзма шаклда тузилиши керак (масалан, тарафлар юридик шхс бўлганлари ва товарларни топшириш вақти тенг келмагани сабабли) ва баҳолардаги фарқни тўлаш шarti (фарқнинг ўзи ҳам) ҳам ёзма шаклда бўлиши керак;

баҳодаги фарқни тараф ўз товарини контрагентига топширишидан олдин ёки мажбуриятни бажарганидан сўнг дарҳол тўлаши керак (яъни, худди ўша пайт ёки товар топширилганидан сўнг ёки ҳар ҳолда, энг қисқа вақт ичида, масалан, товар яқшанба куни топширилган бўлиб ва тўлов нақд пулсиз шаклда амалга оширилиши керак бўлса, бу сумма банкнинг энг яқин иш куни тўланиши керак);

шарҳланаётган модданинг 2-қисмида кўрсатилган баҳо фарқини тўлаш қоидалари умумий характерга эга. Лекин, тарафлар бошқа тулаш қоидаларини ҳам шартномада белгилашлари мумкин. Масалан, айирбошлаш шартномасида қайси тарафга баҳодаги фарқни тўлаш мажбурияти юклатилган бўлса, ўша тараф, контрагентидан товарни қабул қилганидан сўнг, ўн кундан кечиктирмасдан тўловни амалга ошириши керак, деб кўсатилиши мумкин. Тўловнинг бошқа вариантлари ҳам мумкин, аммо улар шартномада кўрсатилган бўлишлари керак.

499-модда. Айирбошлаш шартномасига мувофиқ товарни топшириш мажбуриятини муқобил бажариш

Айирбошлаш шартномасига мувофиқ айирбошланадиган товарларни топшириш муддатлари бир-бирига тўғри келмаган тақдирда, товарни топшириш мажбуриятини бошқа тараф товарни топширганидан сўнг бажариши лозим бўлган тарафнинг товарни топшириш мажбуриятини бажаришига нисбатан мажбуриятни муқобил бажариш тўғрисидаги қоидалар қўлланади.

1. Шарҳланаётган моддада айирбошланадиган товарларни топшириш муддатлари бир-бирига тўғри келмайдиган ҳолатлар ёритиб берилган, масалан бир тараф ўз контрагентига товарни топширдию, аммо бунинг эвазига контрагентдан товарни қайтариб олмади. Бу ҳолатларда қуйидагиларни ҳисобга олиш керак:

– ФКнинг 499-моддасида берилган муддатлар, ФК 145–148-моддаларининг қоидалари бўйича ҳисобланади;

– шарҳланаётган моддада кўрсатилган оқибатлар фақатгина айирбошлаш шартномасининг ҳеч бўлмаганда бир тарафи томонидан товар топширилганидан сўнг вужудга келади;

– топшириш муддатини ЎЗР ФК 390, 428, 440-443, 486, 493-моддаларининг қоидалари бўйича белгилаш лозим.

2. Мазкур модданинг қоидалари айирбошлаш шартномаси бўйича бошқа тарафдан товар олгунига қадар биринчи бўлиб товарни топширган тарафнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Бунда биринчи бўлиб айирбошлаш шартномасини ижро этаётган контрагент ЎЗР ФКнинг 256-моддаси томонидан унга тақдим этилаётган қарши ижро этиш тўғрисидаги ҳуқуқларидан фойдаланиши ва мажбуриятини ижро этишни тўхтатиб туриши ёки шартномадан воз кечиши ҳамда агар бошқа тараф томонидан ижро этиш белгиланган муддатда амалга оширилмаслигини яққол кўрсатувчи ҳолатлар мавжуд бўлганда зарарларни қоплашни талаб қилиши мумкин.

3. Товарни топшириши лозим бўлган тараф (контрагентдан олинган товар эвазига) ўз мажбуриятини ўз вақтида бажариши лозим (яъни айирбошлаш шартномасида кўрсатилган муддатда). Агар у товарни топшириш мажбуриятини ижро этмаса, агар айирбошлаш шартномасида бошқача ҳолат белгиланмаган бўлса, иккинчи тараф (яъни, товарни топшириб бўлган тараф) айирбошлаш шартномасини бажаришдан бош тортишга (яъни ушбу шартномани бир томонлама бекор қилишга) ва зарарларни қоплашни талаб қилишга ҳақли. Контрагент (яъни товарни олиб бўлган тараф) айирбошлаш шартномасида белгиланган муддатларда товарни унга топширмаслигини (ёки умуман топширмаслигини) яққол кўрсатувчи ҳолатлар мавжуд бўлганда ҳам ушбу тараф худди шундай ҳуқуқларга эга бўлади. Бундай ҳолатларнинг яққол кўриниб турган-турмаганлиги ҳақидаги қарорга ҳар бир аниқ ҳолатни таҳлил қилиш орқали келиш мумкин. Масалан, мажбуриятни бажараётган тараф топширилиши лозим бўлган товар (у томонидан топширилган товар эвазига берилиши лозим бўлган) контрагент томонидан бошқа шахсга сотилганлиги ҳақида билиб қолганда.

500-модда. Айирбошланадиган товарларга бўлган мулк ҳуқуқининг ўтиши

Агар қонунда ёки айирбошлаш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, айирбошланадиган товарларга мулк ҳуқуқи

айирбошлаш шартномасига мувофиқ сотиб олувчи ҳисобланадиган тарафларга иккала тараф тегишли товарларни топшириш мажбуриятини бажарганидан сўнг бир вақтда ўтади.

1. Шарҳланаётган моддада умумий қоида тарихида, айирбошланадиган товарларга нисбатан мулк ҳуқуқи бир вақтда ва ҳар иккала тараф товарларни топшириш мажбуриятини бажарганидан сўнг ўтиши назарда тутилган. Бу айирбошлаш шартномасининг ҳар иккала иштирокчиси манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган, аммо ушбу муддатни белгилаш осон эмас, айниқса, айирбошланадиган товарлар қарама-қарши томондан юборилганда. Шу сабабли қонун ва шартнома орқали бошқача тартиб белгиланишига йўл қўйилган.

2. Бошқача ҳолатлардан бири бу мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган ва бундай рўйхатдан ўтказилганидан сўнг ҳуқуқий аҳамият касб этадиган кўчмас мулкни айирбошлаш ҳисобланади (481-модда). Шунинг учун кўчмас мулк айирбошланаётганида айирбошлаш иштирокчиларининг мулк ҳуқуқи бир вақтда эмас, балки ҳар бир тараф томонидан рўйхатдан ўтказиш амалга оширилганидан сўнг ўтиши белгиланиши лозим.

3. Шарҳланаётган моддадаги умумий қоидага қўра, мулк ҳуқуқи ҳар бир тарафга қуйидаги ҳолатларда ўтади:

- бир тараф ўз мулкни контрагентга топширганида, иккинчи тараф эса уни қабул қилганида;
- товарни топширган тараф контрагентдан товарни олганида ва уни қабул қилганида;
- бунда бир товарни топшириш ва иккинчисини қабул қилиш муддатлари бир-бирига мувофиқ бўлиши лозим.

Қуйидаги ҳолларда мулк ҳуқуқининг ўтиши бошқача тарзда белгиланиши мумкин:

- ёки қонуннинг ўзида (масалан, мулк айирбошланаётганда мулкнинг фактик топширилиши ва контрагентдан унинг эвазига мулк қабул қилиниши мулк ҳуқуқининг ўтганлигини англатмаганда; бунинг учун ФК 486-моддаси қоидаларига риоя этилиши лозим). Шарҳланаётган модда бошқа ҳуқуқий актларнинг нормалари (яъни қонундан ташқари бўлган) орқали бошқа қоидалар белгиланишига йўл қўймайди.

- ёки тарафлар томонидан айирбошлаш шартномасида. Тарафлар иш ҳолатларидан келиб чиқиб, айирбошлаш шартномасида мулк ҳуқуқи ўтишининг бошқача кўринишини белгилашлари (агар бу ФК нормаларига зид бўлмаса) мумкин (масалан, мулк ҳуқуқи тегишли тараф у томонидан

топширилган ва қабул қилинган товарнинг баҳосидаги фарқни тўлаганидан сўнг ўтишини белгилашлари мумкин).

4. Кўчар мулкка нисбатан шарҳланаётган модда айирбошлаш шартномаси иштирокчиларига ҳар бир тараф томонидан топшириладиган товарларга нисбатан мулк ҳуқуқининг ўтишини алоҳида белгилашга рухсат беради. Агар тарафлар шартномада мулк ҳуқуқи ўтишининг бошқача пайтини белгилаган бўлмаса, умумий қоидага мувофиқ бундай пайт товарни бошқа тарафга топширган пайт ҳисобланади (ЎЗР ФК 185 ва 186-моддалари).

5. Айирбошладиган товарларга нисбатан мулк ҳуқуқининг ўтиши билан айирбошладиган мулкнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки унга шикаст етиши таваккалчилиги ҳам ўтади (ЎЗР ФК 175-моддаси).

6. Мулк ҳуқуқининг ўтиши ҳақидаги модданинг қоидалари хўжалик юритиш ва оператив бошқариш ҳуқуқининг ҳам айирбошлаш шартномаси бўйича ўтишига нисбатан ҳам қўлланилади (ЎЗР ФК 181-моддаси).

501-модда. Айирбошлаш шартномаси бўйича олинган товарни олиб қўйганлик учун жавобгарлик

Айирбошлаш шартномаси бўйича олган товарни учинчи шахслар олиб қўйган тараф, ушбу Кодекснинг 395-моддасида назарда тутилган асослар мавжуд бўлса, бошқа тарафдан айирбошлаш асосида олинган товарни қайтаришни ва (ёки) зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

1. Шарҳланаётган модда ЎЗР ФК 393-моддасида белгиланган ва ҳар бир тараф бошқа тарафга учинчи шахсларнинг ҳар қандай ҳуқуқларидан (масалан, гаров, ашёвий ҳуқуқлар ва б.) озод бўлган товарни топшириши лозимлигидан иборат бўлган умумий қоидадан келиб чиқади.

Фақатгина учинчи шахсларнинг ҳуқуқларидан озод бўлмаган товарни топшираётган тараф учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ҳақида контрагентни огоҳлантирган ва у (товарни қабул қилаётган тараф) шунга қарамай бундай товарни қабул қилишга рози бўлган бўлсагина шарҳланаётган моддада ва ЎЗР ФК 393, 394-моддаларида назарда тутилган оқибатларни қўллаш учун асос бўлмайди. Шунингдек, топшириладиган товарга нисбатан (у топшириладиган вақтда) учинчи шахсларнинг даъволари бўлса, бунда ҳам бундай товарни топшираётган тараф виждонсизларча ҳаракат

қилаётган бўлади. Бирок, бундай даъволар кейинчалик белгиланган тартибда қонуний деб топилиши лозим. Ниҳоят, шарҳланаётган моддада ва ЎзР ФК 395-моддасида назарда тутилган оқибатлар ҳар иккала тараф айирбошлаш шартномасига мувофиқ бир-бирларига учинчи шахсларнинг ҳуқуқларидан озод бўлмаган ва (ёки) бу товарларга нисбатан уларнинг даъвоси бўлган товарларни топширганда ҳам вужудга келиши лозим (ЎзР ФК 393-моддаси).

2. Шарҳланаётган модда товарни олиб қўйишнинг қуйидаги оқибатларини белгилайди:

а) ҳақ бўлган тараф ундан олинган товарни айирбошлаш учун топширилган товарни қайтариб беришни талаб қилиш ҳуқуқига эга;

б) етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Мазкур ҳолатда зарар деганда, ҳақиқий зарар (масалан, ҳақ тараф томонидан товарни етказиб бериш, сақлаш, юклаш учун қилинган харажатлар), шунингдек, бой берилган фойда тушунилади.

31-БОБ. ҲАДЯ

502-модда. Ҳадя шартномаси

Ҳадя шартномасига мувофиқ бир тараф (ҳадя қилувчи) бошқа тараф (ҳадя олувчи)га ашёни текинга мулк қилиб беради ёки бериш мажбуриятини олади ёхуд унга ўзига ёки учинчи шахсга нисбатан мулк ҳуқуқи (талаби)ни беради ё бериш мажбуриятини олади, ёхуд уни ўзи ёки учинчи шахс олдидаги мулкӣ мажбуриятдан озод қилади ёинки озод қилиш мажбуриятини олади.

Ашё ёки ҳуқуқ муқобил берилганида ё бўлмаса, муқобил мажбурият мавжуд бўлганида шартнома ҳадя деб тан олинмайди. Бундай шартномага нисбатан ушбу Кодекс 124-моддасининг иккинчи қисми қоидалари қўлланади.

Бирон-бир шахсга ашёни ёки мулк ҳуқуқини текинга беришни ёки бирон-бир шахсни мулкӣ мажбуриятдан озод этишни ваъда қилиш (ҳадя этишни ваъда қилиш), агар ваъда тегишли шаклда берилган бўлса ва келажакда аниқ шахсга ашё ёки мулкӣ ҳуқуқни текинга бериш ёки уни мулкӣ мажбуриятдан озод қилиш мақсади аниқ кўриниб турган бўлса, ҳадя шартномаси деб тан олинади.

Ашё, мулк ҳуқуқи ёки мулкӣ мажбуриятдан озод қилиш шаклида ҳадя нарчасини аниқ кўрсатмасдан ўзининг мол-мулкни ёки мол-мулкнинг бир қисмини ҳадя этишни ваъда қилиш ўз-ўзидан ҳақиқӣ эмас.

Ҳадяни ҳадя олувчига ҳадя қилувчининг вафотидан кейин топширишни назарда тутувчи шартнома ўз-ўзидан ҳақиқӣ эмас. Бундай ҳадяга нисбатан ушбу Кодекснинг ворислик тўғрисидаги қоидалари қўлланади.

1. Шархланаётган модда фуқаролик-ҳуқуқӣ шартномаларнинг анъанавӣ турларидан бири бўлган ҳадя шартномасига бағишланган. Ушбу шартнома олди-сотди шартномасидан ҳам, айирбошлаш шартномасидан (улар бўйича ҳам товарнинг бошқа шахсга топширилиши ва товарга нисбатан мулк ҳуқуқининг ўтиши рўй беради) ҳам фарқ қилади. Ушбу фарқларни куйидагича ажратиб олиш мумкин:

– ҳадя шартномаси – текин шартномадир. Бошқача айтганда, бошқа тарафга мулкни топшираётган тараф бунга жавобан бошқа тарафдан ҳеч қандай эквивалент (на ҳуқуқ ва на мулк) олмайди. Акс ҳолда, бу ҳадя шартномаси бўлмайди. Ҳаттоки, агар тарафлар тузилган шартномани ҳадя шартномаси деб белгилаб, лекин бунга жавобан бирор-бир ашёнинг ёки мулкнинг ҳуқуқнинг ўтишини белгиласалар ҳам ҳадя шартномаси юзага келмайди, бунда қайсидир бошқа шартнома тузилган ҳисобланади (аксарият ҳолларда олди-сотди шартномаси);

– умумий қоидалар бўйича ҳадя шартномасига биноан нафақат ашё, балки мулкнинг ҳуқуқ (талаб қилиш) ҳам топширилади. Шунини инобатга олиш лозимки, ЎЗР ФК 81-моддасига биноан буюм ва мулкнинг талаблар мол-мулкнинг турли кўринишлари ҳисобланади. Бошқа томондан умумий қоидага, олди-сотди ва айирбошлаш шартномаларига кўра товарлар (ашёлар) ўтказилади, мулкнинг ҳуқуқлар эса уларнинг мазмуни ва ушбу ҳуқуқларнинг ўзига хос жиҳати бунга қай даражада йўл қўйган тарзда товар сифатида қабул хизмат қилиши мумкин (ЎЗРФК 386-модда);

– олди-сотди ва айирбошлаш шартномаларида тараф бўла олишлари мумкин бўлган айрим шахслар ҳадя шартномасида тараф (умуман ҳадя олувчи) бўла олмайдилар (ЎЗР ФК 505-моддаси);

– ҳадя шартномаси нафақат мулкнинг (ёки мулкнинг ҳуқуқнинг) топширилишига, балки ҳадя олувчининг мулкнинг мажбуриятлардан озод қилишига ҳам қаратилади, бу эса ўз навбатида олди-сотди ва айирбошлаш шартномаларига мувофиқ эмасдир;

2. Шартноманинг тарафлари ҳадя қилувчи ва ҳадя олувчи ҳисобланади. Биринчи тараф ихтиёрий равишда тегишли мулкни ўзидан соқит қилади, иккинчиси эса бу мулкни эгаллайди. Агарда шартноманинг предмети ашё бўлса, унда ҳадя олувчи унга нисбатан мулк ҳуқуқини қўлга киритади.

Ҳадя — фуқаролик-ҳуқуқий шартномадир, шунинг учун ҳам ҳадя қилувчи ва ҳадя олувчи муомалага лаёқатли бўлишлари шарт. Муомалага лаёқатсиз шахслар номидан битимларни уларнинг қонуний вакиллари тузади. Бунда олти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган ёш болалар ҳадя олувчи бўлишлари мумкинлигини, сабаби улар текин фойда кўришга қаратилган ва нотариал тасдиқлашни ёки давлат рўйхатидан ўтказишни талаб қилмайдиган битимлар тузишлари мумкинлигини белгиллаган ФК 29-моддаси истисно ҳолат бўлиб ҳисобланади.

– шархланаётган модда ҳадя шартномасини ашё берилаётган вақтда тузилиши ҳақидаги қондани рад этади. Аксинча, агар ҳадя шартномасининг шакли тўғрисидаги талабларга риоя қилинган бўлса (ФК 504-моддаси 3-қисми), унда ҳаттоки ашёни келажакда бериш (мажбуриятни бажаришдан озод қилишни талаб қилиш ҳуқуқи) назарда тутилган бўлса ҳам шартнома тузилган деб ҳисобланади. Бунда, агар тарафлар томонидан шартноманинг барча аҳамиятли шартлари борасида келишувга эришилган бўлса, шартнома тузилган ҳисобланагини ҳақидаги умумий қоида амал қилади;

– ҳадя қилувчининг эрки-иродаси яққол эканлиги ҳақида биринчидан, ҳар бир ҳолатдан келиб чиқиб, иккинчидан, тарафнинг эрки-иродаси ҳадя шартномасининг ёзма шаклида қандай ифода этилишидан келиб чиқиб ҳулоса қилиш мумкин. ЎЗР ФК 502-моддаси 2-қисмидаги қоидаларини қўллаётганда икки муҳим жиҳатга эътибор қаратиш лозим: сўз бу ерда ашёни (талаб қилиш ҳуқуқини) истаган шахсга эмас, балки аниқ бир шахсга бериши ҳақида бормоқда (яъни, ҳадя шартномаси оммавий шартномалар турига кирмайди); талаб қилиш ҳуқуқига келсак, мажбуриятлардан озод қилиш ваъдаси конкрет бўлиши лозим;

– тенг даражада конкрет шахсга ўзининг ҳамма мулкани (ёки унинг бир қисмини, масалан, 1/2, 1/3 қисмини ва ҳ.з.) конкрет ашёларни кўрсатмасдан берилишини назарда тутувчи битим ҳақиқий эмас деб топилади.

503-модда. Ҳадя олувчининг ҳадяни қабул қилишни рад этиши

Ҳадя олувчи ўзига ҳадя топширилгунга қадар истаган вақтида уни рад этишга ҳақли. Бундай ҳолда ҳадя шартномаси бекор қилинган ҳисобланади.

Агар ҳадя шартномаси ёзма шаклда тузилган бўлса, ҳадяни рад этиш ҳам ёзма шаклда амалга оширилиши керак. Агар ҳадя шартномаси рўйхатдан ўтказилган бўлса, ҳадяни қабул қилишни рад этиш ҳам давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Агар ҳадя шартномаси ёзма шаклда тузилган бўлса, ҳадя қилувчи ҳадя олувчидан ҳадяни олишни рад этиши оқибатида етказилган ҳақиқий зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Шархланаётган модданинг 1-қисми ҳадя олувчига ҳадяни олишдан олдин чекланмаган бир тарафлама бекор қилиш имкониятларини беради.

Бу ҳолат фақатгина шартнома тузиш ва уни бериш орасида маълум бир муддат бўлганидагина мумкиндир. «Ҳадяни беришдан олдин» сўзларини кенгайтирилган ҳолатда изоҳлаш керак. Улар ҳадя қилувчининг ҳадя олувчини мулкый мажбуриятдан озод қилиши тўғрисидаги ваъдасига ҳам мансубдир. Ҳадя қабул қилиш мулк ҳуқуқининг берилишига оид маълум бир ҳаракатларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, бу ҳаракатлар тугамасдан олдин ҳадя қабул қилинган деб ҳисобланмайди ва ҳадя олувчи шартномани бекор қилиш ҳуқуқини сақлаб қолади. Модда ҳадядан қисман воз кечишни назарда тутмайди. Бу ҳолатда шартнома шартларини ўзгартириш лозим бўлади, бунга эса ҳадя олувчининг розилиги керак бўлади, яъни тарафлар розилиги (ФК 382 м).

2. Шарҳланаётган модданинг 2-қисми қоидаларига биноан, ҳадяни рад этиш қонунда бу шартномага нисбатан ўрнатилган шаклда амалга оширилади. Агарда давлат рўйхатидан ўтказиш амалга оширилган бўлса, у ҳолатда ҳадяни рад этиш ҳам давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Шундан сўнггина шартнома бекор қилинган деб ҳисобланади.

Қонун қайси пайтдан бошлаб мулкый ҳуқуқ(талаб) берилганлигини аниқламайди. Аммо ФКнинг 81-моддаси мулкый ҳуқуқни мол-мулк қаторида ашёнинг тури деб ҳисоблайди, бундан келиб чиқадиган бўлсак уларнинг берилиш вақтини ашёнинг берилиш вақти билан аниқлаш мумкин.

3. Агарда ҳадя қабул қилишни рад этиш ҳадя берувчига зарар етказса, у ҳолатда у ҳадя олувчидан етказилган реал зарар қоплашни талаб қилиши мумкин, мисол учун, ҳадя қилувчининг ашёнинг сақланиши ва транспортировкаси учун харажатлари. Бу қоида, агарда шартнома оғзаки тарзда тузилган бўлса қўлланилмайди. Аммо шарҳланаётган модданинг 3 қисми императив тарзда ифодаланган, реал зарарни қоплаш тўғрисидаги масалани мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарликнинг умумий қоидаларидан келиб чиқиб ҳал этиш лозим.

504-модда. Ҳадя шартномасининг шакли

Ҳадя қилиш, айти пайтда ҳадяни ҳадя олувчига топшириш оғзаки амалга оширилиши мумкин, ушбу модданинг учинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ҳадяни топшириш уни тақдим қилиш, рамзий топшириш (калит ва ҳоказоларни тақдим қилиш) ёки ҳуқуқни белгилайдиган ҳужжатларни тақдим этиш йўли билан амалга оширилади.

Кўчар мулкни ҳадя қилиш шартномаси:

ҳадя қилувчи юридик шахс бўлганида;

фуқаролар ўртасида энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ортик суммага шартнома тузилаётганда;

шартномада келажакда ҳадя этиш ваъда қилинган ҳолларда оддий ёзма шаклда тузилиши лозим.

Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда оғзаки тузилган ҳадя шартномаси ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Кўчмас мулкни ҳадя қилиш шартномаси нотариал тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган автомобилотранспорт воситаларини ҳадя қилиш шартномаси нотариал тасдиқланган бўлиши керак.

1. Шарҳланаётган модданинг 1-қисми, агарда ҳадя битим тузилаётган пайти берилаётган бўлса, унда шартнома оғзика тарзда тузилиши тўғрисидаги умумий қоидаларни белгилаган.

Шарҳланаётган модданинг 1-қисми ҳадянинг берилишини фақатгина ҳадяни топширилиши билан (яъни ашёни қўлдан қўлга топширилиши) боғламай, бошқа йўллари ҳам назарда тутган:

- рамзий топшириш (хонадоннинг, автомобилнинг калитини топшириш, мулкый ҳуқуқни ўтказиш ва ҳоказо);
- Ҳуқуқни берувчи ҳужжатларни топшириш (коносамент, автомобилнинг техпаспорти ва ҳоказо).

2. Кўчар мол-мулк топширилаётган вақтда тузиладиган реал ҳадя шартномаси оғзаки тарзда тузилиши мумкин. Агарда ҳадя берувчи сифатида юридик шахс тилга олинса ёки фуқаролар ўртасидаги ҳадя шартномаси бўйича ҳадя предметининг умумий нархи энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баробаридан кўп бўлса, шарҳланаётган модданинг 3-қисми шартномани ФКнинг 107, 108-моддаларида кўрсатилган тартибда ёзма шаклда тузилишини талаб қилади.

Тарафларнинг таркиби ва ҳадянинг нархига боғлиқ бўлмаган ҳолатда, агар ҳадя шартномаси ҳадяни келажакда амалга ошириш тўғрисидаги ваъдани ўз

ичига олса, бу ҳолатда у ёзма шаклда бўлиши лозим. Шу билан биргаликда тарафлар ҳады шартномасини нотариал тарзда гувоҳлантиришлари ҳам мумкин.

Шарҳланаётган моддага ва ФКнинг умумий қоидаларига (84-модда) мувофиқ, кўчмас мулкнинг ҳады шартномаси нотариал тарзда тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтиши лозим. Худди шундай қоидалар автомобилотранспорт воситаларининг ҳадысига нисбатан ҳам қўлланилади.

505-модда. Ҳадыни чеклаш

Юридик шахс хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи асосида ўзига қарашли бўлган ашёни, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мулкдорнинг розилиги билан ҳады этишга ҳақли. Бу чеклаш қиймати катта бўлмаган одатдаги совғаларга тааллуқли эмас.

Умумий биргаликдаги мулкни ҳады қилишга ушбу Кодекснинг 225-моддасида назарда тутилган қоидаларга амал қилган ҳолда умумий биргаликдаги мулкнинг барча иштирокчилари розилиги билан йўл қўйилади.

Ҳады қилувчига тегишли учинчи шахсдан талаб қилиш ҳуқуқини ҳады қилиш ушбу Кодекс 313–317, 319 ва 320-моддаларида назарда тутилган қоидаларга риоя этган ҳолда амалга оширилади.

Ижара ҳуқуқини ёки бошқаларнинг ашёсига ўзгача ҳуқуқни унинг мулкдорининг ёки унга нисбатан хўжалик юритиш ёхуд оператив бошқариш ҳуқуқига эга бўлган шахснинг розилигисиз ҳады қилишга, агар бундай ҳуқуққа асос бўлган қонунда ёки шартномада уни мазкур шахслар розилигисиз бошқа шахсларга бериш тақиқланмаган бўлса, йўл қўйилади.

Ҳады олаётган шахс ўрнига унинг учинчи шахс олдидаги мажбуриятини бажариш йўли билан ҳады қилиш ушбу Кодекс 241-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган қоидаларга риоя этган ҳолда амалга оширилади.

Ҳады олувчининг учинчи шахсдан қарзини ҳады қилувчининг ўзига олиши йўли билан ҳады қилиш ушбу Кодекс 322-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган қоидаларга риоя этган ҳолда амалга оширилади.

Ҳады олувчининг номи ва ҳады нарсаси кўрсатилмаган ҳадыни вакил томонидан амалга ошириш ишончномаси ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

1. 505-модданинг 1-қисмида ўрнатилган чекловлар давлат ва маҳаллий ташкилот ва муассаларнинг ҳуқуқий лаёқатини ўрнатишда муҳим аҳамиятга эга, лекин бу қоида «йирик қийматда бўлмаган оддий ҳадялар» учун татбиқ этилмайди.

Хўжалик юритуви ва оператив бошқарув асосида юридик шахсларга тегишли бўлган мол-мулкнинг ҳады этилишининг чекланиши ФКнинг 177-моддасида кўрсатилган умумий қоидалардан мустасно ҳисобланади. Бу қоида корхонанинг фақатгина кўчмас мол-мулкнинг тасарруф қилиш ҳуқуқини чеклайди. Қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари корхона қолган барча мол-мулкни ўзи бошқарганлиги сабабли бу шарҳланаётган қоида истисно сифатида кўрилиши мумкин.

2. Умумий мулкда бўлган предметларнинг ҳады шартномаси умумий мулкнинг режимида бўйсунди. Улушли мулкда барча иштирокчиларнинг розилиги талаб этилади (ФКнинг 218-моддаси). Агарда ашё биргаликдаги мол-мулкнинг предмети бўлса бу ҳолда иштирокчиларнинг розилиги назарда тутилиши мумкин (ФКнинг 225 м). Охириги қоида Оила кодексининг 24-моддасида назарда тутилган эр-хотиннинг биргаликдаги мол-мулки тўғрисидаги қоидага мувофиқ. Бунда, эр-хотиндан бирининг умумий мол-мулкни тасарруф этиш юзасидан амалга оширган битими бошқасининг бунга розилиги бўлмаганлиги сабаблигина билдирган талабига биноан ва фақат битимни амалга оширган иккинчи томон амалга оширилган битим юзасидан эр (хотин) рози эмаслигини олдиндан билгани ёки билиши лозим бўлганлиги исботланган ҳолларда суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Эр (хотин) ўзининг номига расмийлаштирган умумий кўчмас мол-мулкни тасарруф этиш бўйича битим тузиши учун хотин (эр)нинг нотариал тартибда тасдиқланган розилигини олиши лозим. Кўрсатилган битимни тузишга нотариал тартибда тасдиқланган розилиги олинмаган эр ёки хотин мазкур битим амалга оширилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб бир йил давомида бу битимни суд тартибда ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилишга ҳақлидир.

3. Ҳады қилувчи томонидан талаб қилиш ҳуқуқини ҳады олувчига берилиши талабдан воз кечиш шартида ва қоидаларида бажа-

рилиши лозим(ФК 502 м). Учинчи шахсни ҳуқуқлар ҳада олувчига ўтаётганлиги тўғрисида хабардор қилиш керак. Бундай талаб қилиб ҳуқуқини ўтказиш қонунларга ёки шартномага зид бўлмаса амалга оширилади. Кредиторнинг шахси қарздор учун муҳим аҳамиятга эга бўлган мажбурият бўйича талабдан қарздорнинг розилигисиз бошқа шахс фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайди. 3-қисмда кўрсатилган нормаларда манфаатдор бўлган шахсларнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатиб ўтилган.

4. Шарҳланаётган модданинг 6-қисмида ҳада олувчининг қарзи ҳада олувчига ўтказилаётганида ҳаданинг хусусиятлари кўрсатиб ўтилган. Бу фақатгина ҳада олувчининг кредитори розилиги билан амалга оширилиши мумкин ва даставвалги битимда кўрсатилган шаклда амалга оширилиши лозим. Ҳада қилувчи битим бўйича ҳада олувчининг барча мажбуриятларини ўз зиммасига олиши даркор. У ҳада олувчининг кредиторга нисбатан бўлган барча эътирозларни билдириш ҳуқуқига эга.

5. Шарҳланаётган модданинг 7-қисми ФКнинг 502-моддасидаги ҳада қилувчи конкрет ашёни бериш тўғрисидаги аҳдини аниқ тарзда аниқлаб олиши лозимлиги тўғрисидаги қонидани кенгайтиради. Агарда ҳада вакил томонидан амалга оширилса, унда бу ҳақдаги маълумотлар ишончномада кўрсатиб ўтилиши керак, бу эса вакиллик ва кафилилик тўғрисидаги умумий қоидаларга мувофиқ бўлади.

506-модда. Ҳада шартномасини бажаришдан бош тортиш

Агар шартнома тузилгандан сўнг ҳада қилувчининг моддий аҳволи жиддий ёмонлашган бўлса, у келажакда ҳада олувчига ашёни ёки мулк ҳуқуқини бериш ё бўлмаса, уни мулкий мажбуриятдан озод этиш ваъда қилинган шартномани бажаришдан бош тортишга ҳақли.

Ушбу Кодекс 507-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган асосларда ҳада қилувчи келажакда ҳада олувчига ашёни ёки мулк ҳуқуқини бериш ё бўлмаса, уни мулкий мажбуриятдан озод этиш ваъда қилинган шартномани бажаришдан бош тортишга ҳақли.

Ушбу моддада назарда тутилган асосларда ҳада қилувчининг ҳада шартномасини бажаришдан бош тортиши ҳада олувчига зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқини бермайди.

1. Олдинги моддалардагидек ҳадя қилувчининг манфаатида шартномани бажаришдан бош тортиш нормалари, яъни бир тарафлама бекор қилиш новелла деб ҳисобланади. Шубҳасиз, қонун бу ерда амалга оширилган консенсуал шартномани назарда тутган, лекин ижро ҳали бўлмаган. Ҳадя қилувчининг рад этиши ҳаққоний бўлиши учун шартнома тузилгандан сўнг ҳадя қилувчининг моддий, оилавий аҳволи ҳамда соғлиғи жиддий ёмонлашган бўлиши лозим.

Моддий аҳволнинг ёмонлашиши ҳар хил оқибатда намоён бўлиши мумкин(мисол, тадбиркор фуқаро банкрот деб тан олинди, фуқаро уй-жой, кийим, овқат ва ҳоказоларга бўлган эҳтиёжини қондира олмаяпти). Аммо булар фақатгина фуқаро-тадбиркорнинг ҳаётий тарзининг жиддий ёмонлашишига олиб келиши лозим. Шубҳасиз, қонун ҳадя этувчи — юридик шахсни назарда тутмаган, чунки юридик шахснинг ҳаёт даражаси тушиб кетганлиги тўғрисида гапириш мумкин эмас.

Ҳаёт даражасининг жиддий тарзда ёмонлашиши сифатида нима ҳисобланиши тўғрисида конкрет вазиятдан келиб чиққан ҳолда муҳокама қилиш мумкин. Ҳар ҳолда бу ҳолат шундайин муҳим бўлиши керакки, унда ҳадя берувчи ҳадя шартномасини тузаётган пайтда бу ҳолни билганда бу шарномани тузмаслиги лозим.

2. Шарҳланаётган модданинг 1 ва 2-қисмларида кўрсатиб ўтилган шароитларнинг одатдан ташқари хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қонун умумий қоидалардан келиб чиқиб, жуда муҳим истисно белгилаган(ҳадя олувчи унга рад этишдан етказилган зарарларни қоплашни талаб этиши мумкин бўлган қоида): бу ҳолатда ҳадя олувчи реал зарарни қоплаш учун талаб қилиш ҳуқуқига эмас.

– Ҳадя шартномасини бажаришдан бош тортиш, бу ўз-ўзидан унинг бекор қилинишидир, шунинг учун ҳам ҳадя шарномасининг шакли қандай бўлса у ҳам шундай бўлади.

507-модда. Ҳадяни бекор қилиш

Ҳадя олувчи ҳадя қилувчининг, унинг оила аъзолари ёки яқин қариндошларининг ҳаёти ёки соғлиғига қарши атайлаб жиноят содир қилган ҳолларда ҳадяни бекор қилишга суд тартибида йўл қўйилади.

Ҳады олувчи ҳады қилувчини қасдан ўлдирган тақдирда ҳады қилувчининг ворислари судда ҳадыни бекор қилишни талаб этиш ҳуқуқига эга.

Агар ҳады олувчининг ҳады қилувчи учун катта номулкий қийматга эга бўлган ҳады буюмга нисбатан муомаласи унинг бутунлай йўқ бўлиб кетиши хавфини солса, ҳады қилувчи ҳады бекор этилишини суд тартибида талаб қилишга ҳақли.

Манфаатдор шахснинг талабига биноан суд якка тадбиркор ёки юридик шахснинг банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қоидаларини бузиб, банкрот деб эълон қилинишидан олдинги бир йил ичида тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ маблағлар ҳисобидан қилган ҳадысини бекор қилиши мумкин.

Ҳады шартномасида ҳады олувчи ҳады қилувчидан олдин вафот этган тақдирда ҳады қилувчининг ҳадыни бекор қилиш ҳуқуқи шарт қилиб қўйилиши мумкин.

Ҳады бекор қилинган тақдирда ҳады олувчи ҳады қилинган ашёни, агар у ҳады бекор қилинган пайтда асл ҳолатда сақланиб қолган бўлса, қайтариши лозим.

1. Ушбу модда ҳады этувчи ва бошқа манфаатдор шахсларга муайян ҳолатда ҳады қилишни бекор қилишни талаб қилиш ҳуқуқини беради. Ҳады қилишни бекор қилиш истисно яъни, шарҳ қилинаётган моддада кўрсатилган ҳолатларда, ёки битимни Фуқаролик кодексида эътироф этилган умумий асосларга кўра ҳақиқий эмаслиги тан олинган ҳолатларда амалга оширилади.

Ҳадыни бекор қилишнинг махсус асоси сифатида ҳады қилувчининг, ёки унинг яқинларининг жонига қасд қилинганлиги, ҳады қилувчининг соғлиғига зиён етказилганлиги, ўлдирилганлиги аниқланган ҳолатларда ҳады олувчининг шак-шубҳасиз номуносиблиги бўлади. Охирги ҳолатда ҳадыни бекор қилишни меросхўр талаб қила олади. Ҳадыни бекор қилиш учун қонун дастлабки муҳокамани талаб қилмайди.

2. Шарҳланаётган модданинг 3-қисмида кўрсатилган сабабга кўра, ҳадыни бекор қилиш ҳадыни авайлаш ва бутлигини таъминлашга мажбур этадиган шартнома предмети ҳады қилувчи учун қандай баҳога эга эканлиги ҳады олувчига маълум деб тахмин қилади.

3. Шарҳланаётган модданинг 4-қисми тўловга лаёқатсиз қарздоларга кредиторлардан ўз мулкларини яширишларига имконият яратмаслигини

таъминлашга қаратилган. Бунда кредиторлар манфаати танлов асосида қондирилишини унутмаслик лозим.

4. Шарҳланаётган модданинг 5-қисми бўйича, тузилган шартномадаги ҳадя қилувчининг ҳадя олувчидан кўпроқ яшаши ҳадяни бекор қилиш сабаби деб эътироф этилиши, у ҳадя олувчидан кўпроқ яшаса ҳадяни бекор қилиш ҳукуқи шарт-шароитлари белгиланган.

5. Агарда ҳадя бекор қилинса, ашё ҳадя қилувчига бекор қилинган вақтда қандай бўлган бўлса шундай қайтариб берилади. Ҳадя олувчи томонидан ашёдан олинган ҳосил ва даромад унда қолади. Агарда ашё учинчи шахсга бегоналаштирилган бўлса, уни қайтариш имкони мавжуд эмас. Лекин ҳадя олувчининг ашёни бегоналаштиришдаги ва уни ҳадя қилувчига қайтариб бермаслик мақсадида йўқ қилишдаги айби исботланганда зиён етказиш натижасида келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича зарарни ундириш ҳақида даъво бериш мумкин.

508-модда. Ҳадя шартномасини бажаришдан бош тортиш ва ҳадяни бекор қилиш мумкин бўлмаган ҳоллар

Ҳадя шартномасини бажаришдан бош тортиш ва ҳадяни бекор қилиш тўғрисидаги қоидалар оғзаки тузилган ҳадя шартномаларига нисбатан қўлланмайди.

1. ФКнинг 504-моддасига биноан ҳадя қонунда кўрсатилган маълум бир ҳолатларда оғзаки амалга оширилиши мумкин. Жумладан, ҳадя амалга ошириляётган пайти фуқароларнинг энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баробаридан кўп бўлмаган совғалари.

2. Шарҳланаётган модданинг нормасидан келиб чиқадиган бўлсак, қуйидагилар қўлланилмайди:

– ФКнинг 506-моддасидаги ҳадя шартномасини бажаришдан бош тортиш тўғрисида қоидалари. Бу ҳолда, ФКнинг 506-моддаси 1-қисмида кўрсатилган ҳолатлар, яъни соғлиқ аҳволи ва бошқа ҳолатлар аҳамиятга эга эмас.

– ФК 507-моддаси қоидалари. Хаттоки ҳадя қилувчининг ҳаёти қасддан жудо қилинган бўлса ҳам ҳадяни суд бекор қилиш ҳукуқига эга эмас (меросхўрларнинг талабларига биноан). Аммо бу ҳол совғанинг суд томонидан амалга оширилган қонунбузарлик учун мусодара қилинишига ҳалақит қилмайди.

509-модда. Камчиликлари бўлган мол-мулкни ҳа­ қилиш оқибатлари

Ҳа­дя қилинган ашёдаги камчиликлар туфайли ҳа­дя олувчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарар, агар бу камчиликлар ашё ҳа­дя олувчига топширилгунга қадар пайдо бўлгани аниқ кўриниб турган камчиликлар жумласига кирмаслиги ва ҳа­дя қилувчи бу ҳақда билган бўлса-да, ҳа­дя олувчини огоҳлантирмаганлиги исбот қилинган бўлса, ушбу Кодекс 57-бобида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ ҳа­дя қилувчи томонидан қопланиши лозим.

1. Шарҳланаётган модданинг қоидалари фақатгина ҳа­дя олувчи фуқаро, шу жумладан, яққа тартибдаги тадбиркор бўлганда қўлланилади.

Шуни айтиб ўтиш керакки, айнан ҳа­дя этилган ашёнинг камчиликлари ҳа­дя олувчига етказилган зарарнинг сабаби ҳисобланади. Бу камчиликлар конструктив, рецептур ва ҳоказо бўлиши мумкин, шунингдек ашёнинг ҳолати, ҳа­дянинг эскириши даражаси, унинг техник, технологик ва бошқа камчиликларидан келиб чиқиши мумкин. Бу камчиликларнинг асосий хусусиятлари уларнинг яққол кўринмайдиган хусусиятга эга бўлиши зарурлигида акс этади, бошқача айтганда, улар оддий кўрикда, тортишда, синовда ва бошқаларда ҳа­дя олувчи томонидан фош қилинмайди(масалан, касал ҳайвон топширилган бўлса, унда унинг аломатларини махсус ветеринар кўригисиз фош қилиб бўлмайди).

2. Шарҳланаётган моддадаги оқибатлар келишининг муҳим шарт-шароитларига қуйидагилар киради:

А) Ҳа­дя қилувчининг ашёнинг барча камчиликларини сўзсиз билиши. Шу билан бирга, шарҳланаётган модда императив тарзда баён этилган:ҳа­дя қилувчи билган бўлса(яъни бу ерда ҳа­дя қилувчи билиши лозимлиги ҳақида гапириб ўтилмаган). Бошқача қилиб айтганда, ҳа­дя қилувчига ашёнинг камчиликлари тўғрисида аниқ маълум бўлганлигини исботлаб бериш лозим бўлади.

Б) Ашёнинг камчиликлари борлиги тўғрисидаги огоҳлантиришнинг йўқлиги. Бу ҳолатда бундай огоҳлантиришнинг шакли рол ўйнамайди: ҳаттоки ҳа­дя шартномаси ёзма шаклда тузилган бўлса, ҳа­дя қилувчи ҳа­дя олувчини оғзаки тарзда камчиликлар тўғрисида огоҳлантирган бўлса, бу ҳолатда огоҳлантириш борасидаги мажбурият бажарилган деб ҳисобланади.

3. Шарҳланаётган модданинг қоидаларини тўғри қўллаш билан боғлиқ бўлган кўпгина алоҳида вазиятларга эътибор бериш лозимдир:

- исботлаш мажбурияти ҳада қилувчига қўйилади. Бошқача айтганда, акси исботланмагунча, ҳада берувчи мажбуриятни бузганлиги учун у виждонсиз муносабатда бўлган деб ҳисобланади;
- агарда ҳада қилувчи камчиликлар тўғрисида билганлиги исботланиб берилса, унда у айбдан ташқари жавобгарликга тортилади (ФК 1017-м).

510-модда. Ҳада ваъда қилинганда ҳуқуқий ворислик

Агар ҳада шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ҳада шартномасига мувофиқ ҳада ваъда қилинган ҳада олувчининг ҳуқуқлари унинг меросхўрларига (ҳуқуқий ворисларига) ўтмайди.

Агар ҳада шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ҳада шартномасига мувофиқ ҳада беришни ваъда қилган шахснинг мажбуриятлари унинг меросхўрларига (ҳуқуқий ворисларига) ўтади.

Шарҳланаётган ушбу модданинг биринчи қисми қуйидаги қоидани назарда тутаяди, яъни ҳада этувчининг ҳуқуқлари меросхўр ва ворисга ўтмайди. Лекин ҳада шартномасини ўзида бошқа қоида назарда тутилиши мумкин.

Биринчи қисмдаги қоида ҳада ваъда қилинган, лекин ҳали тақдим этилмаган ҳолатларга қўлланилади. Лекин ҳада берилганда ва шартнома бажарилган ҳолатларда, ушбу шарҳланаётган модда қоидалари эмас, балки юридик шахсларнинг меросхўрлиги ва ҳуқуқий ворислиги тўғрисидаги қонунчилик қоидалари қўлланилади.

2. Ушбу шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми ўзига хос хусусиятга эга:

– умумий қоида бўйича ҳада берувчининг мажбурияти унинг меросхўрларига ўтади (ёки юридик шахс ҳуқуқий ворисларига). Бунда мажбуриятларнинг ўтиш тартиби ва меросхўрларнинг бу мажбуриятларни қай даражада бажариши мерос қонунчилиги бўйича тартибга солинади.

– тақдим этувчининг мажбуриятлари юридик шахснинг ҳуқуқий ворисларига ўтаётганида, бу мажбуриятлар кимга ва қай даражада

ўтаётганини аниқлаштириш учун топшириш далолатномаси ва тақсимлаш баланси мазмунидан келиб чиқмоқ лозим;

– ҳада шартномасида тақдим этувчининг мажбуриятлари унинг меросхўрларига (юримдик шахс ҳуқуқий ворисларига) ўтмаслиги тўғрисида шарт бўлиши мумкин. Шартномада тақдим этувчининг мажбуриятлари маълум бир қисми ворислик бўйича ўтиши мумкинлиги назарда тутилиши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳада шартномаси мазмунидан келиб чиқиш лозим.

511-модда. Хайр-эхсон

Умумфойдали мақсадларда қилинган ҳада хайр-эхсон ҳисобланади.

Хайр-эхсон фуқароларга, даволаш, тарбия, ижтимоий ҳимоя муассасаларига ва шунга ўхшаш бошқа муассасаларга, хайрия, илмий ва ўқув муассасаларига, фондларга, музейлар ва бошқа маданият муассасаларига, жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотларга, шунингдек давлатга ва бошқа фуқаролик ҳуқуқи субъектларига қилиниши мумкин.

Хайр-эхсонни қабул қилишга бирор кимсанинг руҳсати ёки розилиги талаб қилинмайди.

Хайр-эхсон қилувчи мол-мулкни фуқарога хайр-эхсон қилганида бу мол-мулкдан маълум бир мақсадда фойдаланишни шарт қилиб қўйиши лозим, юридик шахсларга хайр-эхсон қилганда эса бу шартни қўйиши мумкин. Бундай шарт бўлмаганида мол-мулкни фуқарога хайр-эхсон қилиш оддий ҳада деб ҳисобланади, қолган ҳолларда эса хайр-эхсон қилинган мол-мулкдан ҳада олувчи унинг вазифасига мувофиқ фойдаланади.

Аниқ мақсадда фойдаланишга мўлжалланган хайр-эхсонни қабул қилиб олаётган юридик шахс хайр-эхсон қилинган мулкдан фойдаланиш бўйича амалга оширилган операцияларнинг алоҳида рўйхатини юритиши лозим.

Агар хайр-эхсон қилинган мулкдан хайр-эхсон қилувчи кўрсатган мақсадда фойдаланиш вазият ўзгарганлиги туфайли мумкин бўлмай қолса, мулкдан бошқа мақсадда фақат хайр-эхсон қилувчининг розилиги билан, мол-мулкни хайр-эхсон қилган фуқаро вафот этган бўлса

ёки мулкни хайр-эхсон қилган юридик шахс қайта ташкил этилган ёхуд тугатилган бўлса — суд қарорига мувофиқ фойдаланиш мумкин.

Хайр-эхсон қилинган мулкдан хайр-эхсон қилувчи кўрсатган мақсадга зид ҳолда фойдаланиш ёки ушбу мақсадни мазкур модда олтинчи қисмининг қоидаларини бузган ҳолда ўзгартириш хайр-эхсон қилувчига, унинг меросхўрларига ёки бошқа ҳуқуқий ворисига хайр-эхсонни бекор қилишни талаб қилиш ҳуқуқини беради.

Ушбу Кодекс 507 ва 510-моддаларининг қоидалари хайр-эхсонга нисбатан қўлланмайди.

1. Ушбу шарҳланаётган модданинг биринчи қисмидан келиб чиқиб, хайр-эхсоннинг қуйидаги хусусияларини ажратиш мумкин:

а) мазмунан у ҳадянинг бир тури. Лекин оддий ҳадядан фарқли тарзда хайр-эхсон маълум бир мақсадга йўналтирилади (масалан кутубхонани қўллаб-қувватлаш мақсадига); юридик шахснинг бошқа мол-мулкларидан алоҳида ҳисобга олинади; шарҳланаётган ушбу моддада назарда тутилган ҳолатларда бекор қилиниши мумкин; оддий ҳадя бекор қилиниши мумкин бўлган асослар (Ўз. Р ФК 507-моддаси) бўйича бекор қилиниши мумкин эмас.

б) хайр-эхсоннинг предмети сифатида фақатгина мол-мулк бўлиши мумкин, лекин мулкний мажбуриятларни бажаришдан озод этиш эмас;

в) хайр-эхсоннинг мақсади — умумфойдали ҳисобланади, яъни ашё ёки ҳуқуқ маълум бир шахсга нафақат шахсий, оилавий, кундалик истеъмол учун, балки аниқ шахслар доираси (масалан санъат музейига сурат эҳсон қилинганда) ёки ноаниқ шахслар доираси (мактаб-интернат тарбияланувчилари учун) манфаатлари йўлида фойдаланиш учун берилади.

2. Қуйидагилар хайр-эхсонни қабул қилувчилар бўлишлари мумкин:

– фуқаролар. Ёш болалар, вояга етмаганлар, муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар учун хайр-эхсонни уларнинг қонуний вакиллари, васийлари, ҳомийлари олишлари мумкин;

– соғлиқни сақлаш, тарбия ва таълим масканлари (ҳар қандай кўринишдаги ва мулк шаклидаги);

– ижтимоий ҳимоя муассасалари. Бунда нафақат давлат ва муниципал, балки кўп болали оилалар, нафақахўрлар, ногиронлар, қочоқлар, кўчиб ўтганлар ва бошқаларга ижтимоий ёрдам беришни ўз олдига мақсад қилиб олган хусусий, қўшма, кооператив муассасалари ҳам бўлиши мумкин;

– хайрия ташкилотлари. У ёки бу муассаса хайрия ташкилоти эканлиги масаласи унинг фаолиятининг «Ҳомийлик тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлигидан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкин;

– илмий муассасалар (Ўзбекистон Республикасининг соҳавий ва хусусий илмий текширув институтлари);

– фондлар. Бунда фонд деганда, фаолияти «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги» Қонун ва ФК нормаларига мувофиқ келадиган нотижорат ташкилотлар тушунилади;

– жамоат ва диний ташкилотлар;

– музейлар, кўргазмалар, суратлар галереяси, панорамалар, театрлар ва бошқа маданият масканлари;

– агар қонунда назарда тутилган бўлса, бошқа нотижорат ташкилотлари;

Хайрия ташкилотларига берилган хайр-эҳсонлар фақатгина хайрия мақсадларида фойдаланилиши мумкин бўлиб, уларнинг фаолиятини таъминлашга қаратилиши мумкин эмас (Ўз Рнинг 02.05.2007 йилги «Ҳомийлик тўғрисида»ги Қонунининг 5-моддаси).

Ўз Р номидан, унинг субъектлари номидан хайр-эҳсонни давлат органлари қабул қилади, маҳаллий муассасалардан эса фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қабул қилади.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, юқорида санаб ўтилган субъектлар эҳсонни қабул қилмаслик ҳуқуқига эга. Бунда эҳсонни қабул қилиш учун ҳеч қандай руҳсат ёки розилик талаб қилинмайди.

3. Ушбу шарҳланаётган модданинг 2-қисми қоидаларин қўллашда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

а) мулк (яъни, ашё ва мулкый ҳуқуқ) фуқарога маълум бир мақсадда фойдаланиш шarti билан эҳсон қилиниши керак. Бу мақсадни эҳсон қилувчининг ўзи ўрнатишга ҳақли ёки у эҳсоннинг мақсади сифатида эҳсон қабул қилувчи таклиф қилган мақсадни кўрсатиши мумкин. Бундан ташқари эҳсон қабул қилувчининг ўзи офертада эҳсоннинг мақсадини кўрсатиб, хайр-эҳсон шартномаси ташаббусқори бўлиши мумкин.

б) юридик шахс фойдасига хайр-эҳсон қилиш ҳақидаги шартномада унинг мақсади кўрсатилмаслиги ҳам мумкин. Лекин бунда ҳам эҳсондан мақсадга мувофиқ ҳолда фойдаланиш лозим (масалан, одам ташиш учун мўлжалланган автобус шу мақсадларда ишлатилиши лозим бўлиб, унда юкларни ташиш учун мослаштириш мумкин эмас)

в) агар юридик шахсга хайр-эхсон қилиш шартномасида мулкдан фойдаланиш мақсади назарда тутилган бўлса, қонун ушбу мулкдан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган қуйидаги барча алоҳида амалларни бажаришни талаб этади:

– эхсон қилувчи бундай фойдаланишни назорат қилиши мумкин. У мулкдан фойдаланишни ўзгартиришга розилик бериш ҳуқуқига эга.

– ҳаттоки мулкдан шартномада назарда тутилган мақсадларда кейинчалик фойдаланиш мумкин бўлмаган ҳолларда ҳам ундан фойдаланишни ўзгартириш учун розилик талаб қилинади. Шуни ҳам назарда тутиш керакки, ушбу модданинг 4-қисмида мулкдан ўз мақсадида фойдаланишнинг имкони йўқлиги ўзгарган шароит натижаси эканлиги назарда тутилган. Бундай ҳолатлар эхсон предметининг ўзига (масалан, тураржой биноси бошқа мақсадларда фойдаланилиши мумкин эмас) ёки эхсон қилувчининг ўзига (масалан, унинг фаолияти йўналиши ўзгариши), шу билан бирга бошқа шароитларга (масалан, кўргазма биносига ёнгин натижасида зарар етиши) боғлиқ бўлиши мумкин.

– агар хайр-эхсон шартномаси ёзма тузилган бўлса, эхсон берувчининг розилиги ёзма равишда бўлиши лозим (тегишли вазиятларда давлат рўйхатидан ўтказилиши керак);

– агар эхсон берувчи юридик шахс тугатилганда ёки фуқаро вафот этганда мулкдан ҳадядан фойдаланишни ўзгартиришга розилик суд томонидан берилади.

4. Эхсон ашёсидан (мулкый ҳуқуқдан) белгиланган мақсадга мувофиқ фойдаланмаслик қуйидаги турли кўринишларда бўлиши мумкин: фойдаланиш хусусиятининг тўлиқ ва қисман ўзгариши, айрим ҳолларда эса умуман фойдаланиб бўлмаслиги. Ушбу ҳолатларнинг барчаси эхсонни бекор қилиш учун асос бўла олади. Шарҳланаётган модданинг 4-банди қоидаларининг бузилиши ҳам турли кўринишларда бўлиши мумкин: вазият ўзгарганлиги ҳақида эхсон қилувчини хабардор қилмаслик ва мулкдан қасддан бошқа мақсадларда фойдаланиш, уни сотиб юбориш ва бошқалар.

5. Хайр-эхсонга нисбатан Ўз. Р ФК 507–510-моддалари қоидалари қўлланилмайди.

32-БОБ. РЕНТА

1-§. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

512-модда. Рента шартномаси

Рента шартномасига мувофиқ бир тараф (рента олувчи) кўчмас ёки кўчар мол-мулкни бошқа тарафга (рента тўловчига) мулк қилиб беради, рента тўловчи эса олинган мол-мулк ўрнига рента олувчига вақти-вақти билан белгиланган пул суммаси ёки уни таъминлаш учун бошқа шаклда маблағ бериш тарзида рента тўлаш мажбуриятини олади.

Рента шартномасига мувофиқ рентани муддатсиз (доимий рента) ёки рента олувчи ҳаёт бўлган муддат мобайнида тўлаш (умрбод рента) мажбуриятини белгилашга йўл қўйилади. Умрбод рента фуқарони ўз қарамоғига олган ҳолда умрбод таъминлаш шарти билан белгиланиши мумкин.

1. Рента шартномаси олди-сотди, айирбошлаш, ҳада шартномалари каби, мол-мулкни бегоналаштиришга қаратилган шартномалар тоифасига киради. Бироқ, ҳада шартномасидан ўзининг ҳақ бараварига тузилиши, яъни бегоналаштирилаётган мулк учун муқобил мажбурият бажариш назарда тутилади. Олди-сотди, айирбошлаш шартномаларида товар муайян ҳақ бараварига бегоналаштирилса, рента шартномаси бўйича топширилган мол-мулк эвазига рента олувчига тўланиши лозим бўлган рента тўловларининг умумий қиймати номаълум бўлади, чунки шартноманинг амал қилиш муддати олдиндан маълум бўлмайди.

Рента олувчи сифатида фақат фуқаролар ва нотижорат ташкилотлар иштирок этади (ФК 518, 525-моддалар шарҳига қаранг). Қонунда рента тўловчи сифатида иштирок этувчи шахсларга нисбатан чекловлар назарда тутилмайди. Рента тўловчи сифатида фуқаролар ҳамда таъсис ҳужжатларида бундай фаолият тури билан шуғулланиш таъқиқланмаган ҳар қандай ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

Рента тўлаш шарти билан кўчмас мулк ҳам, кўчар мулк ҳам бегона-лаштирилиши мумкин (ФК 83-моддаси шарҳига қаранг).

Рента тўловлари рента олувчининг муайян муддатларда оладиган доимий даромади бўлиб ҳисобланади. Ушбу даромад пул кўринишида ҳам, натура (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш, уй-жой, овқатлантириш, кийим-кечак, парваришlash, диний хизматларга ҳақ тўлаш ва ҳ.к.га бўлган эҳтиёжини таъминлаш) шаклида ҳам бўлиши мумкин.

2. Рента шартномаси давомий характерга эга, чунки рента олувчи ҳаёт бўлган муддатга (умрбод рента) ёки муддатсиз (доимий рента) тузилади ва шартнома амалда бўлган муддат давомида доимий (тизимли) равишда рента тўловчи ўз мажбуриятларини бажариши лозим. Рента олувчи вафот этган тақдирда рента тўлаш мажбурияти тугайди.

Шу муносабат билан рента шартномаси тарафлари муайян таваккалчиликка қўл уради, чунки мазкур шартнома муддатидан олдин тугатилиши ҳам мумкин. Бу хусусияти билан рента шартномаси ҳады шартномасидан фарқ қилади, чунки ҳады шартномаси ашё мулк қилиб топширилгандан сўнг тугалланган ҳисобланади.

Умрбод рента фуқарони ўз қарамоғига олган ҳолда умрбод таъминлаш шарти билан уй жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шарти билан ҳам белгиланиши мумкин (ФК 33-боби шарҳига қаранг).

513-модда. Рента шартномасининг шакли

Рента шартномаси нотариал тасдиқланиши, кўчмас мол-мулкни рента тўлаш шарти билан бошқа шахсга беришни назарда тутадиган шартнома эса бундан ташқари давлат рўйхатидан ҳам ўтказилиши лозим.

1. Рента шартномаси бегоналаштирилаётган мол-мулк туридан қатъий назар нотариал тасдиқланиши лозим. Яъни, мазкур шартнома ёзма шаклда тузилади ва тарафлар уни имзолайдилар ҳамда нотариал тартибда шартнома тасдиқланади. Агар рента тўлаш шарти билан кўчмас мулк бегоналаштирилса, мазкур шартнома нотариал тартибда тасдиқланиш билан бирга давлат рўйхатидан ҳам ўтказилиши талаб қилинади. Ушбу тартиб кўчмас мулкларни давлат рўйхатидан ўтказишга доир умумий қоидаларга мос келади (ФКнинг 111-моддаси шарҳига қаранг).

2. Рента тўлаш шарти билан кўчмас мулк топширилса, ушбу шартномани нотариал тартибда тасдиқлашда кўчмас мулкка нисбатан тақиқ ва хатлов бор ёки йўқлиги текширилиши лозим. Рента шартномаси кўчмас мулк жойлашган худуддаги давлат нотариал идорасида тасдиқланади. Кўчар мулк рента шартномасини тасдиқлаш жойи тарафларнинг хоҳишига кўра белгиланади. Доимий рента шартномасини тасдиқлашда нотариус доимий рента тўлаш шарти билан бепул топширилган мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиш ёки тасодифан шикастланиши хавфи рента тўловчи зиммасида бўлишини тушунтиради. Рента тўлаш шарти билан ер участкаси ёки бошқа кўчмас мулк берилганида, рента олувчи рента тўловчи ўз мажбуриятларини бажаришини таъминлаш мақсадида бу мулкка гаров ҳуқуқини олади. Бу ҳолда рента шартномаси бўйича рента тўловчи томонидан рента олувчига рента тўловини вақти-вақти билан тўлаш мажбурияти кўрсатилган бўлса, рента тўловчи томонидан мажбурияти тўлиқ бажарилгунга қадар нотариус ушбу кўчмас мулкка тақиқ қўяди (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 30 мартда 2090-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган «Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида Йўриқнома» 14-§).

3. Рента шартномаси шаклига доир юқоридаги талабларга риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаради. Бундай шартнома ўз ўзидан ҳақиқий саналмайди.

514-модда. Мол-мулкни рента тўлаш шарти билан бошқа шахсга бериш

Рента тўлаш шарти билан бошқа шахсга бериладиган мол-мулк рента олувчи томонидан рента тўловчига ҳақ эвазига ёки текинга мулк қилиб берилиши мумкин.

Рента шартномасида мол-мулкни ҳақ эвазига топшириш назарда тутилган тақдирда тарафларнинг мол-мулкни топшириш ва унинг ҳақини тўлаш бўйича муносабатларига нисбатан олди-сотди шартномаси тўғрисидаги қоидалар, бундай мол-мулк текинга берилган ҳолларда эса ҳада шартномаси тўғрисидаги қоидалар қўлланилади, башарти ушбу бобнинг қоидаларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса ва бу ҳол рента шартномасининг моҳиятига зид келмаса.

1. Рента тўловчи рента олувчининг мол-мулкини ҳақ эвазига ёки текинга мулк қилиб олади. Хатто мол-мулк рента тўлаш шарти билан текинга мулк қилиб берилган тақдирда ҳам, шартнома ҳақ эвазига тузилган ҳисобланади, чунки ҳар қандай ҳолатда ҳам пул суммаси кўринишида ҳам, натура шаклида ҳам рента тўловларини тўлашга оид муқобил талаб мавжуд бўлади (ФК 512-моддаси шарҳига қаранг).

2. Рента шартномаси тарафларининг ўзаро муносабатларига рента тўлаш шарти билан бериладиган мол-мулкнинг ҳақ эвазига ёки текинга берилишига қараб олди-сотди ёки ҳады шартномасига доир қоидалар қўлланилади. Бирок, олди-сотди ёки ҳады шартномасига доир қоидалар фақат ФК 32-бобда бошқа қоидалар белгиланган бўлмаса ва рента шартномаси моҳиятига зид келмасагина қўлланилади. Чунончи, кўчар мол-мулкни олди-сотди шартномаси нотариал тартибда тасдиқланмаса ҳам, ФКнинг 513-моддасида рента шартномаси нотариал тартибда тасдиқланиши лозимлигини белгилайди.

515-модда. Кўчмас мулкдан рента олиш

Рента тўлаш шарти билан берилган ер участкаси, корхона, бино, иншоот ёки бошқа кўчмас мол-мулкдан рента олинади. Рента тўловчи бундай мол-мулкни бошқа шахсга берган тақдирда рента шартномаси бўйича унинг мажбуриятлари мол-мулкни олувчига ўтади.

Рента олинадиган кўчмас мулкни бошқа шахсга мулк қилиб берган шахс, агар ушбу Кодексда, бошқа қонунда ёки шартномада бу мажбурият бўйича солидар жавобгарлик назарда тутилмаган бўлса, рента олувчининг рента шартномаси бузилгани туфайли келиб чиққан талаблари бўйича бошқа шахс билан субсидиар жавобгар бўлади.

1. Рента тўловчи олган кўчмас мулкни тасарруф этиш ҳуқуқига эга. Шарҳланаётган модданинг мазмунига кўра, рента тўловчи бундай мол-мулкни бошқа шахсга берган тақдирда рента шартномаси бўйича шартнома тузиш орқали унинг мажбуриятлари мол-мулкни олувчига ўтади. Бунда мол-мулкни олувчилар бир нечта бўлиши мумкин ва бу ҳолат ФКнинг 522-моддасида назарда тутилган яъни, рента тўлаш шарти билан топширилган кўчмас мулк умумий мулкка айланиши ёки бир неча шахс ўртасида тақсимланиши мумкин. Табиийки, бундай ҳолда рента тўловчи

олдиндан кўчмас мулк объектини олувчи шахсни рента тўлаш мажбурияти билан мол-мулк олинганлиги ҳақида хабардор қилиши лозим.

Таъкидлаш лозимки, кўчар мол-мулкдан рента олинмаслиги ҳам мумкин. Рента тўловларини тўлаш мажбурияти мол-мулк унда бўлиш-бўлмаслигидан ёки уни сотганлигидан қатъий назар рента тўловчи зиммасида қолади.

2. Қонун рента тўлаш шарти билан берилган мол-мулкни бошқа шахсга беришда рента олувчининг розилигини талаб қилмайди. Бироқ, шахс рента тўлаш шарти билан берилган мол-мулкни бошқа шахсга мулк қилиб берган тақдирда, у рента олувчининг рента шартномаси бузилгани туфайли келиб чиққан талаблари бўйича бошқа шахс билан субсидиар жавобгар бўлади (ФК 329-моддаси шарҳига қаранг). Шу билан бирга ушбу норма диспозитив норма бўлиб, субсидар жавобгарлик агар қонун ёки шартнома бўйича солидар жавобгарлик назарда тутилмаган ҳолларда қўлланилади (ФК 252-моддаси шарҳига қаранг).

Шарҳланаётган модда рента шартномаси бўйича «заиф тараф» ҳисобланган — рента олувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган.

516-модда. Рента тўлашни таъминлаш

Рента тўлаш шарти билан ер участкаси ёки бошқа кўчмас мулк берилганида рента олувчи рента тўловчи ўз мажбуриятларини бажаришини таъминлаш мақсадида бу мулкка гаров ҳуқуқини олади.

Рента сифатида пул суммаси ёки бошқа кўчар мол-мулкни беришни назарда тутадиган шартноманинг муҳим шарти шуки, унда рента тўловчи ўз мажбуриятларини бажаришининг гаровини тақдим этишга ёки ушбу мажбуриятларни бажармаслик ёхуд лозим даражада бажармаслик хавфини рента олувчи фойдасига суғурталашга мажбур бўлади.

Рента тўловчи ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган мажбуриятларни бажармаса, шунингдек рента олувчи жавобгар бўлмайдиган ҳолатларда таъминлаш йўқотилган ёки таъминлаш шароитлари ёмонлашган тақдирда рента олувчи рента шартномасини бекор қилишга ва шартнома бекор қилиниши туфайли кўрган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

1. Шарҳланаётган моддада белгиланган коида рента шартномаси бўйича «заиф тараф» ҳисобланган — рента олувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда кўшимча восита вазифасини бажаради. Рента тўлашни таъминлашнинг турли механизмлари назарда тутилган бўлиб, рента тўлаш шарти билан топширилган мол-мулкнинг кўчар ёки кўчмас мулклигига қараб белгиланади.

Агар рента тўлаш шарти билан кўчмас мулк топширилган бўлса, рента олувчи берган мол-мулкка нисбатан гаров ҳуқуқини олади. ФК 264-моддаси 4-қисмига кўра, гаров шартнома ёки қонун асосида вужудга келади. Ушбу ҳолатда гаров қонун асосида рента тузиш факти туфайли вужудга келади. Шунга қарамасдан, қонунда белгиланган тартибда кўчмас мулк гарови шартномаси — ипотека шартномаси (ФК 271-моддаси) тузилиши лозим. Рента тўловчи томонидан рента тўлаш билан боғлиқ мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда рента олувчи ўз талабларини гаровга олинган мулк қийматидан бошқа кредиторларига қараганда имтиёзли суратда қаноатлантириши мумкин (ФКнинг 264-моддаси шарҳига қаранг).

2. Агар рента тўлаш шарти билан кўчар мулк берилган ҳолларда, рента шартномасининг муҳим шарти сифатида рента тўланишини таъминлаш усуллари бевосита рента шартномасида кўрсатиб ўтилиши лозим. Акс ҳолда рента шартномаси тузилмаган ҳисобланади (ФК 364-моддаси шарҳига қаранг).

Рента тўлаш мажбуриятини бажарилишини таъминлаш усуллари бўлиб, ФКнинг 259-моддаси талабларига кўра неустойка, гаров, ушлаб қолиш, кафиллик, кафолат, закат ва ҳ.к. бўлиши мумкин.

Рента шартномаси тарафлари рента тўланишини таъминлаш мақсадида шартномада рента тўловчининг рента олувчи фойдасига мажбуриятларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик хавф-хатарини суғурталашни назарда тутишлари мумкин. Бунда мажбурий суғурта ҳақида сўз юритилади (ФК 914-моддаси).

3. Рента тўловчининг рента тўлаш билан боғлиқ мажбуриятларни бажармаслиги унинг учун ноқулай оқибатларни келтириб чиқаради. Рента олувчи бир томонлама рента шартномасини бекор қилиш ва суд тартибида рента шартномасини бекор қилиш билан боғлиқ зарарларни қопланишини талаб қилиш қилиши мумкин.

517-модда. Рента тўлашни кечиктирганлик учун жавобгарлик

Рента тўлашни кечиктирганлик учун рента тўловчи рента олувчига, агар рента шартномасида бошқача фоизлар миқдори назарда тутилган бўлмаса, ушбу Кодекснинг 327-моддасида назарда тутилган фоизларни тўлайди.

1. Шарҳланаётган модда қоидаси ҳам рента олувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга хизмат қилади. Унда рента тўловчи зиммасига рента олувчи фойдасига рента тўлашни кечиктирганлик учун фоизлар тўлаш мажбурияти белгиланган. Бунда рента тўловлари қандай шаклда тўланиши (пул бериш, ашё топшириш, хизмат кўрсатиш ва ҳ.к.) дан қатъий назар тўловни кечиктириш рента тўловчининг ҳар қандай ҳолатда ҳам пул мажбуриятини бажармасликка оид жавобгарлиги билан боғлиқ (ФК 327-моддаси шарҳига қаранг). Агар рента шартномасида тўлашни кечиктирганлик учун фоизлар тўлашнинг бошқача тартиби назарда тутилган бўлмаса, ФК 327-моддасида назарда тутилган фоизлар тўланади.

2-§. ДОИМИЙ РЕНТА

518-модда. Доимий рентани олувчи

Доимий рентани фақат фуқаролар ва нотижорат ташкилотлари олишлари мумкин, башарти, бу ҳол қонунга зид келмаса ва уларнинг фаолият мақсадига мос бўлса.

Агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, доимий рента шартномаси бўйича рента олувчининг ҳуқуқлари ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахсларга талабдан воз кечиш йўли билан топширилиши ва ворислик бўйича ёки юридик шахслар қайта ташкил қилинганда бошқа шахсларга ўтиши мумкин.

1. Доимий рентани олувчи сифатида ёши, соғлиғи, меҳнатга лаёқатлилигидан қатъий назар ҳар қандай фуқаро қатнашиши мумкин.

Доимий рентани олувчи сифатида башарти, қонунга зид келмаса ва уларнинг фаолият мақсадига мос бўлса, нотижорат ташкилотлар ҳам иштирок этишлари мумкин. ФКнинг 40-моддасига кўра, фойда

олишни асосий мақсад қилиб олмаган ташкилот нотижорат ташкилоти ҳисобланади. Улар жамоат бирлашмаси, ижтимоий фонд ва мулкдор томонидан молиявий таъминлаб туриладиган муассаса шаклида, шунингдек қонунларда назарда тутилган бошқача шаклда ташкил этилиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги» қонуннинг 2-моддасига кўра, нодавлат нотижорат ташкилот жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, бошқа демократик кадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш, маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш, хайрия фаолиятини амалга ошириш учун ҳамда бошқа ижтимоий фойдали мақсадларда тузилади.

Нотижорат ташкилотларнинг аниқ мақсадлари уларнинг таъсис ҳужжатларида ташкилотнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклига мос равишда белгиланади (ФК 43, 73–78-моддалари).

Қонунда доимий рента олувчилар сони чекланмаган яъни, улар бир нечта бўлишлари мумкин.

2. Доимий рента бирон бир муддат билан белгиланмаганлиги боис, уни олиш бошқа фуқаро ва нотижорат ташкилотларга ўтиши мумкин. Жумладан, рента олиш ҳуқуқи талабдан воз кечиш йўли билан топширилиши (ФК 23-боби) ва ворислик бўйича (ФК 66–69-боби) ёки юридик шахслар қайта ташкил қилинганда (ФК 49–52-моддалари) бошқа шахсларга ўтиши мумкин. Қонун ёки шартномада доимий рентани олувчининг ҳуқуқлари бошқа шахсларга бериш таъқиқланиши мумкин ва бундай ҳолларда ушбу ҳуқуқларни бошқа шахсларга ўтказишга йўл қўйилмайди.

519-модда. Доимий рента шакли ва миқдори

Доимий рента пул билан тўланиб, у рента тўлаш шарти билан топширилган мол-мулкка ўхшаш мол-мулкни ижарага беришда қўлланиладиган мол-мулкдан фойдаланиш ҳақининг ўртача ставкаси доирасида шартнома билан белгиланадиган миқдорда, рента тўлаш шарти билан пул суммаси топширилганда эса ушбу Кодекснинг 327-моддасида назарда тутилган банк фоизининг тегишли даражада жорий этилган ставкаси доирасида бўлади.

Шартномада рентанинг пул суммасига тенг қийматдаги ашёларни бериш, ишларни бажариш ёки хизмат кўрсатиш йўли билан ҳам рента тўлаш назарда тутилиши мумкин.

Агар доимий рента шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мол-мулкдан фойдаланиш ҳақининг тегишли ставкаси ёки банк фоизи ставкаси ўзгарса, тўланадиган рента миқдори ҳам мутаносиб равишда ўзгаради.

1. Шарҳланаётган модда доимий рента учун тўлов сифатида пул маблағлари тўланишини белгилайди. Бунда қонун қандай мулк берилаётганига қараб рента тўловларининг энг юқори миқдорини аниқлаб беради. Чунончи, агар кўчмас ёки кўчар мулк топширилса, доимий рента учун тўланадиган ҳақнинг миқдори рента тўлаш шarti билан топширилган мол-мулкка ўхшаш мол-мулкни ижарага беришда қўлланиладиган мол-мулкдан фойдаланиш ҳақининг ўртача ставкасидан ортиқча бўлмаслиги лозим (ФК 544-моддаси шарҳига қаранг). Агар доимий рента тўлаш шarti билан пул суммаси топширилса ФКнинг 327-моддасида назарда тутилган банк фоизининг тегишли даражада жорий этилган ставкаси доирасида бўлиши лозим.

2. Қонун доимий рента шартномаси тарафларига рента тўлашда пул маблағлари тўлашдан бошқача шаклни танлаш имкониятини беради. Булар жумласига ашёлар бериш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатишни киритиш мумкин. Бирок, бундай ҳолларда шартномада доимий рентанинг пулдаги қиймати аниқланиши лозим. Доимий рентада аралаш тарзда ҳақ тўлаш яъни, пул шаклида ҳам ва натура шаклида ҳам тўлаш назарда тутилиши мумкин.

3. Қонунда доимий рентанинг энг кам миқдори белгиланмаган. Бирок, рента тўловлари миқдори мутаносиб равишда мол-мулкдан фойдаланиш ҳақининг тегишли ставкаси ёки банк фоизи ставкаси ўзгаришига қараб ўзгариши мумкин. Ушбу қоида диспозитив ҳисобланади ва тарафлар доимий рента шартномаси бўйича тўланадиган рента тўловларини қайта ҳисоблаш тартибини мустақил белгилашлари ёки қайта ҳисоблашдан воз кечишлари ҳам мумкин.

520-модда. Доимий рентани тўлаш муддатлари

Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, доимий рента йилнинг ҳар бир календарь чораги тугаши билан тўланади.

Қонунда доимий рента тўлаш муддатига доир диспозитив норма белгиланган. Қоидага кўра, доимий рента ҳар бир календарь чораги тугаши билан, яъни кейинги чорак бошлангунига қадар тўланади. Тарафлар келишувига мувофиқ доимий рента шартномасида бошқача даврлар, масалан ҳар бир ой ёки йилнинг тугаши билан тўлов тўлаш назарда тутилиши мумкин.

521-модда. Тўловчининг доимий рентани сотиб олиш ҳуқуқи

Доимий рентани тўловчи уни сотиб олиш йўли билан бундан буён рента тўлашдан бош тортишга ҳақли. Агар рента тўловчи рента тўлашдан бу тарзда бош тортишини рента тўлашни тўхтатишидан камида уч ой ёки шартномада назарда тутилганидек ундан ҳам аввалроқ ёзма равишда маълум қилган бўлса, бундай бош тортиш ҳақиқий ҳисобланади. Бунда рента тўлаш мажбурияти, агар шартномада сотиб олишнинг бошқача тартиби назарда тутилган бўлмаса, рента олувчи сотиб олиш суммасининг ҳаммасини олиб бўлгунга қадар тўхтатилмайди.

Шартноманинг доимий рента тўловчи уни сотиб олиш ҳуқуқидан воз кечиши тўғрисидаги шарт иътибордан ҳақиқий эмас.

Шартномада доимий рентани сотиб олиш ҳуқуқини рента олувчи ҳаётлигида ёки шартнома тузилган пайтдан бошлаб ўттиз йилдан ошмайдиган муддат мобайнида амалга ошириб бўлмаслиги назарда тутилиши мумкин.

1. Доимий рента шартномаси муддатсиз ҳисобланса ҳам, қонунда тўловчининг доимий рентани сотиб олиш билан рента тўлаш мажбурияти тугатилиши мумкинлигини назарда тутати. Бунда сотиб олиш рента тўловчи томонидан ҳам рента олувчининг ташаббуси билан ҳам амалга оширилиши мумкин (ФК 522-моддаси шарҳига қаранг).

Қонун доимий рента тўловчи томонидан доимий рентани сотиб олиш ташаббусини кўрсатиши учун муайян ҳолат юз беришини талаб қилмайди. Бу масала фақат доимий рента тўловчининг ўзи томонидан ҳал қилинади.

Рента тўловчининг доимий рентани сотиб олишга бўлган ўз ҳуқуқларини амалга ошириши бир қатор шартларга риоя қилиш асо-

сида амалга оширилади. Биринчидан, у рента олувчига ёзма равишда келгусида рента тўлашдан воз кечишни билдириши лозим. Иккинчидан, келгусида рента тўлашдан воз кечиш тўғрисидаги ариза рента тўлашни тўхтатишидан камида уч ой олдин берилиши керак. Доимий рента шартномасида бундай воз кечиш ҳақида ариза беришнинг узокроқ муддати ҳам белгиланиши мумкин. Учинчидан, доимий рента тўловчи рента олувчига доимий рента қийматига тенг келадиган миқдордаги ҳақни бир йўла ёки шартномада кўрсатилган бошқа усулда тўлиқ тўлаши шарт (ФК 523-модда шарҳига қаранг).

2. Қонун доимий рента шартномаси матнига доимий рента тўловчининг ренти сотиб олиш ҳуқуқидан воз кечиши ҳақидаги шартларнинг киритилишини таъкиқлайди. Бундай шартларнинг киритилиши шартноманинг ўз-ўзидан ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаради.

3. Тарафлар доимий рента шартномасини тузишда доимий ренти сотиб олиш ҳуқуқи рента олувчи ҳаётлигида мавжуд бўлмаслигини келишиб олишлари мумкин. Шунингдек, улар шартнома тузилган пайтдан бошлаб ўттиз йилдан ошмайдиган муддат мобайнида амалга ошириб бўлмаслигини белгилашлари ҳам мумкин.

522-модда. Рента олувчининг талабига қўра доимий ренти сотиб олиш

Қуйидаги ҳолларда доимий рента олувчи тўловчидан ренти сотиб олишни талаб қилишга ҳақли:

агар шартномада бошқача муддат белгиланган бўлмаса, рента тўловчи уни тўлаш муддатини бир йилдан ортик кечиктириб юборган тақдирда;

рента тўловчи ренти тўлашни таъминлаш бўйича ўз мажбуриятларини бузган тақдирда;

рента тўловчи тўловга қодир эмас деб топилган ёки у ренти шартномада белгиланган миқдор ва муддатларда тўламаслигини кўрсатадиган бошқа вазиятлар вужудга келган тақдирда;

**рента тўлаш шarti билан топширилган кўчмас мулк умумий мулкка айланган ёки бир неча шахс ўртасида тақсимланган тақдирда;
шунингдек, шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда.**

Шарҳланаётган моддадан маълум бўлишича, 521-моддадан фарқли равишда доимий рента олувчининг ташаббуси билан доимий рентани сотиб олишни талаб қилиш учун асос бўлувчи муайян ҳолатлар бўлиши зарур.

Ушбу моддада кўрсатилган ҳолатлар санаб ўтилади ва улар доимий рента тўловчининг шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бузиши ёки доимий рента олувчи манфаатларининг бузилиши билан боғлиқ.

Ушбу ҳолатларни батафсил кўриб чиқамиз.

Доимий рента тўловчи томонидан тўлов тўлаш муддатининг кечиктириб юборилиши. Агар доимий рента шартномасида бошқача муддат белгиланган бўлмаса, рента тўловчи уни тўлаш муддатини бир йилдан ортиқ кечиктириб юбориши тўловни кечиктириш ҳисобланади. Тўлаш муддатини кечиктириб юбориш доимий рента шартномаси бўйича тўловчи томонидан шартноманинг бузилиши ҳисобланади ва бу ҳолат рента олувчининг зарар кўриши ёки бошқа салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Бунда тўлов муддатининг ўтказиб юборилиш оқибатлари аҳамиятга эга эмас, чунки рента олувчи томонидан талаб қўйиш учун тўлов муддатини кечиктириш фактининг ўзи кифоя қилади.

Рента тўловчи рентани тўлашни таъминлаш бўйича ўз мажбуриятларини бузиши. Бундай ҳолатда доимий рента олувчи шартномани бекор қилиши ва унинг оқибатида ўзига етказилган зарарларни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Рента тўловчини тўловга қодир эмас деб топиш. Тўловга қобилиятсиз деб топиш суд тартибида амалга оширилади. Доимий рента тўловчининг тўловга қобилиятсизлик факти ҳам низони кўриш жараёнида суд тартибида амалга оширилиши мумкин. Қонун доимий рента тўловчини тўловга қобилиятсиз деб топишни у рентани шартномада белгиланган миқдор ва муддатларда тўламаслигини кўрсатадиган бошқа вазиятлар вужудга келишини ҳам тенглаштиради. Бунда шартномада белгиланган миқдор ва муддатларда рента тўловлари тўланмаслигини кўрсатадиган вазиятлар яққол кўриниб туриши лозим.

Рента тўлаш шarti билан топширилган кўчмас мулк умумий мулкка айланган ёки бир неча шахс ўртасида тақсимланиши. Ушбу ҳолатда бир неча доимий рента тўловчилар вужудга келади ва рента олувчининг манфаатига мос келмаслиги мумкин.

Юқорида кўрсатилган ҳолатлардан ташқари доимий рента шартномасида доимий рента олувчи рента тўловчидан доимий рентани сотиб олишни талаб қилишга ҳақли бўладиган ҳолатлар назарда тутилиши мумкин.

523-модда. Доимий рентани сотиб олиш баҳоси

Ушбу Кодекснинг 521 ва 522-моддаларида назарда тutilган ҳолларда доимий рента шартномада белгиланган баҳода сотиб олинади.

Рента тўлаш шarti билан мол-мулк ҳақ эвазига топширилган доимий рента шартномасида сотиб олиш баҳоси тўғрисида шарт бўлмаганида сотиб олиш йиллик рента тўловлари суммасига мос баҳода амалга оширилади.

Рента тўлаш шarti билан мол-мулк текинга берилган доимий рента шартномасида сотиб олиш баҳоси тўғрисида шарт бўлмаганида сотиб олиш баҳосига йиллик рента тўловлари суммаси билан бир қаторда топширилган мол-мулкнинг ушбу Кодекс 356-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тutilган қоидалар бўйича аниқланадиган баҳоси ҳам киритилади.

1. Шарҳланаётган модда ФК 521 ва 522-моддаларда кўрсатилган асосий шартларни яъни, доимий рентани сотиб олиш баҳосини аниқлаш тартибини белгилайди. Умумий қоидага кўра, доимий рентани сотиб олиш доимий рента шартномасида яъни, тарфлар келишувида белгиланган баҳода амалга оширилади. Ушбу ҳолат ҳар икки тарафнинг ҳам манфаатини ҳисобга олади. Сотиб олиш баҳосини аниқлашда тарафлар бир қатор ҳолатларни, жумладан, рента тўлаш шarti билан берилган мол-мулкнинг қиймати, рента миқдори, мол-мулкдан фойдаланиш натижасидаги табиий эскиришларни ҳисобга олишлари лозим. Шу билан бирга доимий рентани сотиб олиш баҳоси қонунда шартноманинг муҳим шартлари жумласига киритилмаган. Демак, мазкур шартнома матнида сотиб олиш баҳоси ҳақидаги шартлар мавжуд бўлмаганда ҳам шартнома тузилган ҳисобланади.

2. Агар доимий рента шартномасида бирон бир сабаб туфайли сотиб олиш шартлари киритилмаган бўлса, уни сотиб олиш баҳоси

шархланаётган модда қоидаларига мувофиқ аниқланади. Ушбу ҳолатда доимий рентани сотиб олиш баҳоси мулкни ҳақ эвазига ёки текинга бегоналаштирилганига боғлиқ бўлади.

Агар доимий рента шартномасида мол-мулк ҳақ эвазига тоширилган бўлса, у ҳолда сотиб олиш йиллик рента тўловлари суммасига мос баҳода амалга оширилади.

Агарда доимий рента шартномасига мувофиқ мол-мулк рента тўлаш шarti билан текинга берилган бўлса, у ҳолда сотиб олиш баҳоси таркибига йиллик рента тўловлари билан бир қаторда ушбу мулкнинг қиймати ҳам киритилади. Бунда тоширилган мол-мулкнинг баҳоси ФК 356-моддаси 4-қисми қоидаларига мувофиқ аниқланади, яъни ўхшаш вазиятларда одатда шундай товарлар, ишлар ёки хизматлар учун тўланадиган баҳо ҳисобга олинади.

524-модда. Доимий рента тўлаш шarti билан топширилган мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиш ёки тасодифан бузилиш хавфи

Доимий рента тўлаш шarti билан бепул топширилган мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиш ёки тасодифан бузилиш хавфи рента тўловчи зиммасида бўлади.

Доимий рента тўлаш шarti билан ҳақ эвазига топширилган мол-мулк тасодифан нобуд бўлганда ёки тасодифан бузилганда тўловчи рента тўлаш мажбуриятини тегишли равишда тўхтатишни ёки уни тўлаш шартларини ўзгартиришни талаб қилишга ҳақли.

ФКнинг 175-моддасига мувофиқ, мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиш ёки бузилиш хавфи, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мулк эгасининг зиммасида бўлади. Ушбу умумий норма доимий рента шартномасига нисбатан мол-мулкнинг ҳақ эвазига ёки текинга берилганига қараб қўлланилади.

Агар доимий рента шартномаси бўйича мол-мулк текинга берилган бўлса, унинг тасодифан нобуд бўлиши ёки бузилиши хавфи рента тўловчи зиммасида бўлади. Бу императив норма бўлиб ҳисобланади. Ушбу ҳолатда рента тўлаш мажбурияти тугатилмайди.

Агар доимий рента шартномасига асосан мол-мулк ҳақ эвазига топширилган бўлса, у ҳолда унинг тасодифан нобуд бўлиши ёки бузилиши

хавфи учун ҳам рента тўловчи жавобгар бўлади. Бирок, бу ҳолатда тўловчи рента тўлаш мажбуриятини бекор қилишни ёки уни тўлаш шартларини ўзгартиришни талаб қилишга ҳақли. Яъни, бу диспозитив норма ҳисобланади.

3-§. УМРБОД РЕНТА

525-модда. Умрбод рента олувчилар

Умрбод рента мулкини рента тўлаш шarti билан топшираётган фуқаро ҳаёт бўлган даврга ёки у кўрсатган бошқа фуқаро ҳаёт бўлган даврга белгиланиши мумкин.

Умрбод ренти бир неча фуқаро фойдасига белгилашга йўл қўйилади, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, рента олиш ҳуқуқида уларнинг улушлари тенг деб ҳисобланади.

Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, рента олувчиларнинг бири вафот этган тақдирда унинг рента олиш ҳуқуқидаги улуши ундан кейин ҳаёт бўлган рента олувчиларга ўтади, охириги рента олувчи вафот этган тақдирда рента тўлаш мажбурияти бекор бўлади.

Шартнома тузилган пайтгача вафот этган фуқаро фойдасига умрбод рента белгилайдиган шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

1. Доимий рента шартномасидан фаркли равишда умрбод рента олувчи бўлиб фақат фуқаро иштирок этиши мумкин. Фуқаронинг ёши, соғлиғининг аҳволи, меҳнатга лаёқатлилиги аҳамиятга эга эмас.

Умрбод рента олувчи сифатида рента тўлаш шarti билан мол-мулкни берувчи шахс ҳам, бошқа фуқаро (масалан, она, ўғил, буви ва ҳ.к.) ҳам бўлиши мумкин. Умрбод рента олувчи бошқа фуқаро бўлган ҳолларда учинчи шахс фойдасига шартнома тузилган бўлади ва шу муносабат билан тарафлар тузган умрбод рента шартномасини учинчи шахснинг розилигисиз бекор қилиши ёки ўзгартириши мумкин эмас. Агар ушбу фуқаро умрбод рента ҳуқуқидан воз кечса у ҳолда, умрбод рента шартномасини тузган шахс рента олиш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам умрбод рента шартномасини амал қилиш муддати рента олувчининг ҳаёт бўлган давр билан белгиланади.

Умрбод рента олувчилар сони бир неча кишидан иборат бўлиши мумкин. Бундай ҳолда рента олиш ҳуқуқида уларнинг улушлари шартнома асосида белгиланади, яъни улушлар тенг бўлмаслиги ҳам мумкин. Агар шартномада умрбод рента олувчилар улуши аниқланмаган бўлса, у ҳолда рента олиш ҳуқуқида уларнинг улушлари тенг деб ҳисобланади.

Умрбод рента олувчилардан бирининг вафот этиши унинг улуши ундан кейин ҳаёт бўлган рента олувчиларга ўтади. Ушбу ҳолда шарҳланаётган модданинг 2-қисми мазмунига кўра, вафот этган рента олувчининг улуши қолган рента олувчиларга тенг равишда тақсимланади. Умрбод рента шартномасида вафот этган умрбод рента олувчининг улушининг тақдири бошқача ҳал қилиниши ҳам мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам охириги рента олувчи вафот этган тақдирда рента тўлаш мажбурияти бекор бўлади.

2. Умрбод рентанинг доимий рентадан фарқловчи яна бир хусусияти шундаки, умрбод рента олувчи рента олишга бўлган ўз ҳуқуқларини талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечиш йўли билан ёки мерос тариқасида бошқа шахсга ўтказиши мумкин эмас. Бу шу билан изоҳланадики, умрбод рента олиш ҳуқуқи рента олувчи шахси билан боғлиқ ва унинг ҳаёт даври учун белгиланади.

Агар умрбод рента шартномаси тузилган пайтгача вафот этган фуқаро фойдасига умрбод рента белгиланса ушбу шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий ҳисобланмайди. Умрбод рента шартномаси тегишлича нотариал тартибда тасдиқланган ёки мол-мулкнинг хусусиятидан (кўчмас мулк бўлганда) келиб чиқиб давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг тузилган ҳисобланади.

526-модда. Умрбод рента миқдори

Умрбод рента шартномада рента олувчи ҳаёт бўлган даврда унга вақти-вақти билан тўланадиган пул суммаси сифатида белгиланади.

Умрбод рентанинг шартномада белгиланадиган бир ойлик миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақидан оз бўлмаслиги керак, ушбу Кодекснинг 247-моддасида назарда тутилган ҳолларда эса оширилиши лозим.

1. Умрбод рента пул суммаси сифатида белгиланиб, рента олувчи ҳаёт бўлган даврда унга вақти-вақти билан тўлаб турилиши лозим. Бу хусусият ҳам умрбод рента шартномасини доимий рентадан фарқлайди ва яъни, доимий рента тўлаш натура шаклида яъни, рентанинг пулдаги қийматига мос келувчи ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш шаклида ҳам тўланиши мумкин.

2. Умрбод рента миқдори шартномада тарафлар томонидан белгиланиши мумкин, акс ҳолда шартнома тузилмаган ҳисобланади. Бунда қонун томонидан унинг энг оз миқдори белгилаб қўйилган. Яъни, қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақидан оз бўлмаслиги керак. Ушбу миқдор ошган ҳолларда унга мутаносиб равишда умрбод рента миқдори ҳам ошади. Мазкур қоида императив норма бўлиб, тегишлича тарафларнинг келишуви билан ўзгартирилиши мумкин эмас.

527-модда. Умрбод рентани тўлаш муддатлари

Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, умрбод рента ҳар бир календарь ой тугаши билан тўланади.

Қонунда умрбод рента шартномаси бўйича рента тўлаш муддатлари белгилаб берилган. У ҳар бир календарь ой тугаши билан (кейинги ойнинг 1-санасидан кечикмасдан) тўланиши лозим.

Бироқ, қонунда белгиланган муддат умрбод рента шартномасида рента тўлашнинг бошқа муддатлари назарда тутилмаган ҳолларда қўлланилади. Масалан, тарафлар келишувига кўра, ҳар бир календар ой ёки чорак тугаши билан рента тўлаш назарда тугилиши мумкин.

528-модда. Умрбод рента шартномасини рента олувчининг талаби билан бекор қилиш

Рента тўловчи умрбод рента шартномасини жиддий бузган ҳолларда рента олувчи рента тўловчидан рентани ушбу Кодекснинг 523-моддасида назарда тутилган шартларда сотиб олишни ёки шартномани бекор қилиш ва зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Агар умрбод рента тўлаш шарти билан текинга квартира, уй ёки бошқа мол-мулк топширилган бўлса, рента тўловчи шартноманинг

муҳим шартларини жиддий бузган тақдирда рента олувчи бу мол-мулкни унинг қийматини сотиб олинадиган рента ҳисобига қўшган ҳолда қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

1. Умрбод рента олувчининг манфаатларини ҳимоя қилиш чораларидан бири бу унинг умрбод рента шартномасини бекор қилишни талаб қилиш ҳуқуқи ҳисобланади. Умрбод рента шартномасида рента тўловчи доимий рента шартномасидан фарқли равишда бундай ҳуқуқларга эга эмас. Шартномани бекор қилишни талаб қилишга асос бўлиб рента тўловчининг шартномани жиддий равишда бузиши ҳисобланади. ФК 382-моддасига кўра, тарафлардан бирининг шартномани бузиши иккинчи тарафга у шартнома тузишда умид қилишга ҳақли бўлган нарсадан кўп даражада маҳрум бўладиган қилиб зарар етказиши шартномани жиддий бузиш ҳисобланади. Бирок, шарҳланаётган модда бундай ҳолатларни белгиламайди.

Бундай ҳолатлар жумласига тизимли равишда шартнома мажбуриятларини бажармаслик ёки рента олувчи учун ноқулай оқибатлар келтириб чиқарадиган даражада ушбу мажбуриятларни бузиш каби ҳолатларни кириштиш мумкин. ФК 354-моддаси талабидан келиб чиқиб, тарафлар умрбод рента шартномасида шартномани жиддий равишда бузиш ҳолатларини кўрсатиб ўтишлари мумкин. Бу тарафларнинг манфаатига мос келади. Шу сабабли умрбод рента шартномасида бундай ҳолатларнинг тахминий рўйхатини назарда тутиш мақсадга мувофиқ.

2. Шу билан бирга қонунда умрбод рента шартномасини рента олувчининг талабига кўра бекор қилиш усуллари белгилаб қўйилган ва рента олувчи ушбу усуллардан ўз хоҳишига кўра фойдаланади.

Биринчидан, рента олувчи рента тўловчидан уни сотиб олишни талаб қилишга ҳақли. Бунда умрбод рента сотиб олиш баҳоси доимий рента учун белгиланган қоидага мувофиқ аниқланади. Ушбу ҳолатда агар рента тўлаш эвазига рента олувчи текинга мулк берган бўлса, у тўловчи томонидан шартноманинг муҳим шартларини бузган ҳолларда ушбу мол-мулкни қайтаришни талаб қилишга ҳақли.

Иккинчидан, рента олувчи тўловчидан рента сотиб олишни талаб қилиш ўрнига умрбод рента шартномасини бекор қилиш ва етказилган зарарларни тўлашни талаб қилиши мумкин. Умрбод рента шартномаси доимий рентадан фарқли равишда рента сотиб олинмасдан ҳам бекор қилиниши мумкин.

529-модда. Рента тўлаш шарти билан топширилган мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиш ёки тасодифан бузилиш хавфи

Умрбод рента тўлаш шарти билан топширилган мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан бузилиши рента тўловчини рентани шартномада назарда тутилган шартларда тўлаш мажбуриятдан озод қилмайди.

Умрбод рента тўлаш шарти билан топширилган мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан бузилиши рента тўловчини рентани шартномада назарда тутилган шартларда тўлаш мажбуриятдан озод қилмайди. Ушбу қоида ФК 175-моддасига ҳам мос келади. Яъни, унга мувофиқ, мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиш ёки бузилиш хавфи, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мулк эгасининг зиммасида бўлади. Мазкур қоида умрбод рента ҳақ эвазига ёки текинга берилганидан қатъий назар амал қилади. Бунда умрбод рента олувчи доимий рента олувчига нисбатан кўпроқ химояланган химояланади. Ушбу ҳолат умрбод рента хусусияти билан белгиланади.

33-БОБ. УМРБОД ТАЪМИНЛАШ ШАРТИ БИЛАН УЙ-ЖОЙ (КВАРТИРА)НИ БОШҚА ШАХСГА БЕРИШ

530-модда. Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномаси

Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми) ни, квартирани бошқа шахсга бериш шартномасига мувофик, бир тараф (олувчи) ёши ёки соғлиғи туфайли меҳнатга лаёқатсиз бўлган бошқа тараф (бошқа шахсга берувчи)ни натура ҳолида (уй-жой бериш, овқатлантириш, парваришlash ва зарур ёрдам кўрсатиш тарзида) умрбод моддий таъминлаш мажбуриятини олади, бошқа шахсга берувчи эса олувчига уй-жой (уйнинг бир қисми)ни, квартирани мулк қилиб бериш мажбуриятини олади.

Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми)ни, квартирани бошқа шахсга бериш шартномаси умрбод рента шартномаси билан умумий ўхшаш жиҳатларга эга. Жумладан, мазкур шартнома ҳам таъминот олувчининг шахси билан боғлиқ яъни, уй-жой (уйнинг бир қисми)ни, квартирани берувчи ҳаёти давомида шартнома амал қилади. Шу билан бирга ушбу шартномалар ўзига хос хусусиятларга ҳам эга бўлиб, умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми)ни, квартирани бошқа шахсга бериш чекланган характер касб этади.

Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми)ни, квартирани бошқа шахсга бериш шартномаси тарафлари бўлиб фақат фуқаролар иштирок этади. Бунда моддий таъминот олувчи, яъни уй-жой (уйнинг бир қисми)ни, квартирани бошқа шахсга берувчи бўлиб ёши ёки соғлиғи туфайли меҳнатга лаёқатсиз бўлган фуқаро қатнашади.

Шарҳланаётган моддада кўрсатилишча, умрбод таъминлаш шарти билан топшириладиган мол-мулк фақат кўчмас мулкнинг бир тури бўлган уй-жой (уйнинг бир қисми), квартира ҳисобланади. Бунда уйнинг

бир қисми шартнома предмети сифатида берилиши мумкин. Уй-жой кодексининг 9 ва 10-моддаларига кўра, фуқароларнинг доимий яшашига мўлжалланган, белгиланган санитария, ёнғинга қарши, техник талабларга жавоб берадиган, шунингдек белгиланган тартибда махсус уйлар сифатида фойдаланишга мўлжалланган жойлар турар жой ҳисобланади.

Уй-жой (уйнинг бир қисми)ни, квартирани бошқа шахсга берувчига бериладиган моддий таъминот қоида тариқасида натура тарзида берилади. Бундай таъминот уй-жой (уйнинг бир қисми)ни, квартирани бошқа шахсга берувчини уй-жой бериш, овқатлантириш, парваришlash ва унга зарур бўлган бошқа ёрдам тарзида берилиши мумкин. Фақатгина уй-жой (уйнинг бир қисми)ни, квартирани оловчи томонидан шартнома юзасидан мажбуриятларини бажармаса ёки тегишли даражада бажармаса, бошқа шахсга берувчи таъминотни вақти-вақти билан ҳақ тарзида тўлаб туришга алмаштиришни талаб қилиши мумкин. Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми)ни, квартирани бошқа шахсга бериш шартномасида рента шартномаси бўйича рента тўловчи ва рента оловчидан фарқли равишда уй-жой (уйнинг бир қисми)ни, квартирани бошқа шахсга берувчи ва таъминот берувчи ўртасидаги алоқа нисбаган яқин бўлиши назарда тутилади.

531-модда. Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномасининг шакли ва шартлари

Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномасида бошқа шахсга берувчига қандай моддий таъминот турлари берилиши, уларнинг пул билан ифодаланган бир ойлик баҳоси ва уй-жой (уйнинг бир қисми), квартиранинг қиймати кўрсатилиши лозим.

Бериладиган уй-жой (уйнинг бир қисми), квартира ва моддий таъминот қиймати тарафлар келишуви билан белгиланади.

Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани бошқа шахсга бериш шартномаси ушбу Кодекс 110-моддасининг қоидаларига риоя этган ҳолда ёзма шаклда тузилиши ва нотариал тасдиқланиши лозим.

1. Қонунда умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномасининг муҳим шарти жумласига тақдим

қилинадиган моддий таъминот тури, уларнинг пул билан ифодаланган бир ойлик баҳосини, шунингдек, уй-жой (уйнинг бир қисми), квартиранинг қийматини белгилаб беради.

ФКнинг 530-моддасида бериладиган моддий таъминотнинг тахминий турлари — уй-жой, овқатлантириш, парваришlash кўрсатиб ўтилган. Таъминот олувчининг эҳтиёжи учун тақдим қилинадиган уй-жой таъминот олувчининг ўзи бегоналаштирадиган уй-жойда ҳам шунингдек, у ердан бошқа жойда жойлашган ҳам бўлиши мумкин. Бегоналаштириладиган уй-жой уни олувчига мулк сифатида ўтиши сабабли, умрбод таъминот берувчи ушбу уй-жой билан боғлиқ барча мажбурий тўловларни, жумладан, солиқлар, коммунал тўловлар тўлаши ҳамда уй-жойни сақлаш билан боғлиқ харажатларни амалга ошириши шарт. Тақдим қилинадиган моддий таъминотнинг тахминий рўйхати тарафлар учун мажбурий характерга эга эмас. Чунки, улар шартномада таъминот олувчи учун зарур бўлган бошқа моддий таъминот турини, масалан кийим-кечак, дори-дармон билан таъминлаб туриш мажбуриятини ҳам белгилашлари мумкин.

2. Қонунда умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани бошқа шахсга бериш шартномаси умрбод рента шартномасидан фаркли равишда бериладиган моддий таъминотнинг энг кам миқдорини белгилаб бермайди. Бирок, бериладиган моддий таъминотнинг бир ойлик миқдорини белгилаш талаб қилинади. Ушбу қоида шартномада «заиф тараф» ҳисобланган уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани бошқа шахсга берувчининг манфаатларини ҳимоялашга хизмат қилади ҳамда у қонунда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи оширилиши муносабати билан ўзига бериладиган таъминот миқдорини тегишлича кўпайтиришни талаб қилишига имкон яратади. Ҳақиқатан ҳам шартномада тақдим қилинадиган моддий таъминотни кўпайтириш ёки камайтириш ҳақида шарт назарда тутилиши мумкин.

Тарафлар шартнома предмети бўлган уй-жой (уйнинг бир қисми), квартира қийматини аниқлашда баҳоловчи ташкилотларни жалб қилиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги қонунининг 18-моддасига мувофиқ, баҳоловчи ташкилот томонидан баҳоланадиган объектнинг қиймати қоида тариқасида тавсиявий характер касб этади. Объектни баҳолашда унинг бозор қиймати ўрганилиши, ўхшаш объектлар билан солиштирилиши, жойлашган ҳудуднинг ижтимоий

инфратузилмаси, ободонлаштирилганлиги, транспорт қатнови тизими ва бошқа жиҳатларга эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ.

3. Уй-жойларни тасарруф этиш билан боғлиқ бошқа битимлар каби умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани бошқа шахсга бериш шартномаси ҳам ёзма шаклда тузилиши ва нотариал тасдиқланиши лозим (ФК 488, 497, 504-моддалари). Бундан ташқари ФК 84 ва 111-моддалар талабига кўра, мазкур шартнома уй-жой (уйнинг бир қисми), квартира жойлашган худуддаги ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизматида рўйхатдан ўтказилиши лозим. Кўрсатиб ўтилган талабларга риоя қилмаслик умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани бошқа шахсга бериш шартномасини ҳақиқий бўлмаслигини келтириб чиқаради.

532-модда. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани бошқа шахсга бериш шартномасига мувофиқ, олувчи шартнома амал қилиб турган даврда бу уйни (уйнинг бир қисмини), квартирани сотиш, ҳадя қилиш, гаровга қўйишга ва уй (уйнинг бир қисми), квартирага мулк ҳуқуқини оғирлаштирадиган бошқа ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли эмас. Бу уй (уйнинг бир қисми), квартирага олувчининг қарзлари бўйича ундириш қаратилмайди.

Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномаси бўйича бошқа шахсга берувчидан олинган уй-жой (уйнинг бир қисми), квартиранинг тасодифан нобуд бўлиши олувчини шартнома бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятлардан озод қилмайди.

1. Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани бошқа шахсга берувчи учун муҳим кафолат бўлиб, уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани олувчи — уй-жой мулкдорининг тасарруф қилиш ҳуқуқининг чекланиши ҳисобланади. Таъминот берувчи кўрсатиб ўтилган уй-жойга нисбатан ҳуқуқларни чегараланишига олиб келиши мумкин бўлган уй-жойни тасарруф этиш билан боғлиқ битимларни (олди-сотди, ҳадя, айирбошлаш) туза олмайди. Ушбу императив норма шартнома хусусиятидан келиб чиқади. Тегишлича, уй-жойни олувчи ҳатто таъми-

нот олувчининг розилиги билан ҳам ушбу битимларни тузишга ҳақли эмас. Бундан ташқари, қонун умрбод таъминлаш шарти билан берилган уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирага нисбатан олувчининг қарзлари бўйича ундириш қаратилишини тақиқлайди.

2. Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани бошқа шахсга бериш шартномаси бўйича олувчининг мажбуриятлари уй-жойнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки шикастланган ҳолларда ҳам сақланиб қолади. Чунки, уй-жойнинг мулкдори бўлиб уй-жойни олувчи ҳисобланади ва унинг зиммасида мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиши, шикастланиши шунингдек, келгусида мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ хавф-хатарлар бўлади.

533-модда. Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномасини ўзгартириш ёки бекор қилиш

Агар уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани олувчи умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бажармаса ёки тегишли даражада бажармаса, бошқа шахсга берувчи таъминотни вақти-вақти билан ҳақ тарзида тўлаб туришга алмаштиришни ёки шартномани бекор қилишни талаб қилиши мумкин.

Агар олувчининг моддий аҳволи ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра бошқа шахсга берувчига шартлашилган таъминотни бера олмайдиган даражада ўзгарса ёки бошқа шахсга берувчи меҳнат қобилиятини тикласа, умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномаси олувчининг талабига кўра бекор қилиниши мумкин.

Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномаси ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган асослар бўйича бекор қилинган тақдирда уй (уйнинг бир қисми), квартира бошқа шахсга берувчига қайтарилиши лозим.

Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномаси бошқа шахсга берувчининг талабига кўра бекор қилинган тақдирда олувчи шартнома амалда бўлган вақтда

бошқа шахсга берувчини таъминлаш ва уйни (уйнинг бир қисмини), квартирани сақлаб туришга қилган харажатларини қоплашни талаб қилишга ҳақли.

1. Умумий қоидага кўра, умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани бошқа шахсга бериш шартномасини ўзгартириш ва бекор қилиш тарафлар келишувига мувофиқ амалга оширилади (ФК 382-модда). Тарафлар бундай келишувга эриша олмасалар, шартнома тарафлардан бирининг талабига кўра суд тартибида ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Бунда қонун тарафларга шартномани ўзгартириш ёки бекор қилишни талаб қилиш билан боғлиқ тенг имкониятларни беради. Ушбу ҳолат умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани бошқа шахсга бериш шартномасининг моҳиятидан келиб чиқади ва унинг асосий мақсади меҳнатга лаёқатсиз шахсни умрбод таъминлаш ҳисобланади.

Уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани олувчи томонидан шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик ҳолларида уй-жойни бошқа шахсга берувчида иккита имконият пайдо бўлади ва улардан бирини у ўз хоҳишига кўра танлайди. Жумладан, у натура ҳолида бериладиган таъминотни пул билан ҳақ тўлашга алмаштиришни талаб қилиши мумкин. Қонун шартнома бўйича бериладиган моддий таъминотнинг бир ойлик миқдорини кўрсатишни белгиласада, даврий тўловларни тўлаш билан боғлиқ аниқ муддатларни белгиламайди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам даврий тўловлар умрбод тўланиши лозим бўлади. Уй-жойни бошқа шахсга берувчининг яна бир имконияти бу таъминотни вақти-вақти билан ҳақ тўлаш тарзида тўлаб туришга алмаштириш ўрнига шартномани бекор қилишни талаб қилишидир.

Қонун умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани бошқа шахсга бериш шартномасини бекор қилишни нафақат уй-жойни олувчининг шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаганлик учун уй-жойни бошқа шахсга берувчининг талабига кўра балки, бошқа ҳолатларда ҳам шартнома бекор қилишни назарда тутди. Ушбу хулоса шарҳланаётган модданинг 4-қисми мазмунидан келиб чиқади.

2. Уй жойни бошқа шахсга берувчидан фарқли равишда уй-жойни олувчи умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми),

квартирани бошқа шахсга бериш шартномасини ўзгартиришни талаб қила олмайди. У фақат шартномани бекор қилишни талаб қилиши мумкин. Бунда қонун суд томонидан уй-жойни олувчининг талабига кўра шартнома бекор қилиниши учун иккита асосни белгилайди. Биринчи асос уй-жойни олувчининг моддий аҳволининг ёмонлашуви, иккинчи асос эса, уй-жойни берувчининг меҳнат қобилятининг тиклаши ҳисобланади.

Уй-жойни олувчининг моддий аҳволини ёмонлашуви натижасида у шартнома бўйича уй-жойни берувчига етарлича моддий таъминот бера олмай қолади. Бундай тарзда уй-жойни олувчининг моддий аҳволининг ёмонлашуви унга боғлиқ бўлмаган сабаблар натижасида вужудга келади. Шу сабабли агар кўрсатилган ҳолатларни уй-жойни олувчи ушбу ҳолатлар вужудга келгандан сўнг оқилоналик ва эҳтиёткорлик билан бартараф эта олиши мумкин эди деб ҳисобланса суд томонидан шартномани бекор қилиш рад этилиши мумкин ва у шартнома бўйича зиммасига олган мажбуриятлардан озод бўлмайди.

Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани бошқа шахсга бериш шартномаси бўйича уй-жойни берувчи сифатида ёши ёки соғлиги туфайли меҳнатга лаёқатсиз фуқаро бўлганлиги боис, унинг кейинчалик соғлиғини тиклаши уй-жойни олувчига шартномани бекор қилишни талаб қилиш ҳуқуқини беради. Ушбу ҳолатда уй-жойни берувчининг соғлиғини тиклаши унинг ўзгаларнинг ёрдамига муҳтож бўлмаслигини англатади.

3. Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани бошқа шахсга бериш шартномасининг бекор қилиниши оқибати шартномани бекор қилиш асосларига боғлиқ бўлади.

Агар шартномани бекор қилишга уй-жойни олувчининг шартномани бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги асос бўлса, ёки олувчининг моддий аҳволи ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра бошқа шахсга берувчига шартлашилган таъминотни бера олмайдиган даражада ўзгариши натижасида шартнома бекор қилинса, у ҳолда уй-жойни берувчига уй-жой қайтарилиши лозим. Бунда уй-жойни олувчи таъминот олувчини таъминлаш учун қилган харажатлар қопланишини талаб қилишга ҳақли бўлмайди.

Уй жойни берувчининг талабига кўра, уй-жойни олувчи томонидан мажбуриятларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик билан

боғлиқ бўлмаган ҳолларда шартноманинг бекор қилиниши натижасида муайян ҳуқуқий оқибатлар вужудга келади. Ушбу ҳолат ФК 9, 14 ва 385-моддалари коидаларидан ҳамда умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани бошқа шахсга бериш шартномаси моҳиятидан келиб чиқади. Ушбу ҳолатда олувчи шартнома амал қилган даврда уй-жойни берувчининг таъминоти ва уй-жой учун қилган ҳаражатларини қоплашни талаб қилишга ҳақли.

534-модда. Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира) ни бошқа шахсга бериш шартномаси бўйича мажбуриятларнинг ворисларга ўтиши

Олувчи вафот этган тақдирда умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани бошқа шахсга бериш шартномаси бўйича мажбуриятлар унинг ворисларига ўтади. Олувчининг ворислари бўлмаганида ёки улар умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани бошқа шахсга бериш шартномасини бажаришдан воз кечганларида олувчига берилган уй-жой (уйнинг бир қисми), квартира уни бошқа шахсга берувчига қайтарилади.

Умумий қоидага кўра, қонун умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани бошқа шахсга бериш шартномаси бўйича уй-жойни бошқа шахсга ўтишига йўл қўймайди. Бу шартноманинг хусусиятидан келиб чиқади ва уй-жойни берувчининг манфаатларига мос келади.

Шу билан бирга олувчи вафот этган ҳолларда уй-жой унинг ворисларига ўтади. Тегишлича, умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани бошқа шахсга бериш шартномаси бўйича мажбуриятлар ҳам ўтади. Ушбу қоида бир томондан уй-жойни берувчининг манфаатларини ҳимоялайди, чунки у (олувчи вафот этган бўлса ҳам) моддий таъминот олишни давом эттиради, бошқа тарафдан эса, шартнома бўйича тараф сифатида янги шахс кириб келади, уй-жойни берувчи у ҳақда тасаввурга эга бўлмаслиги ҳамда бу ҳолат унинг манфаатларига мос келмаслиги ҳам мумкин. Умуман олганда, шарҳланаёган модда моддий таъминот олишга муҳтож бўлган уй-жойни берувчининг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Уй-жойни олувчининг ворислари бир нечта бўлса, улар ўзларининг меросдаги улушларига мутаносиб равишда мажбуриятларни бажарадилар. Улардан биронтаси меросдан воз кечган тақдирда, унинг мажбуриятлари бошқа меросхўрларга ўтади.

Уй-жойни олувчининг ворислари бўлмаса ёки улар умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани бошқа шахсга бериш шартномасини бажаришдан воз кечганларида олувчига берилган уй-жой (уйнинг бир қисми), квартира уни бошқа шахсга берувчига қайтарилиши лозим.

34-БОБ. МУЛК ИЖАРАСИ

1-§. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

535-модда. Мулк ижараси шартномаси

Мулк ижараси шартномаси бўйича ижарага берувчи ижарага олувчига ҳақ эвазига мол-мулкни вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш ёки фойдаланиш учун топшириш мажбуриятини олади.

1. Мулк ижараси шартномаси мулкдор томонидан мол-мулкни тасарруф этиш усулини ўзида ифодалайди. Мулк ижараси шартномаси мулкдорга мулкни ижарага бериш орқали муайян даромад кўриш имкониятини беради. Мазкур шартнома тадбиркорлик фаолияти ҳам, бошқа, шу жумладан маиший соҳаларда ҳам кенг қўлланилади. Бунда мулкдор ўзи томонидан вақтинча фойдаланилмаётган ёки бошқа шахсларга беришга мўлжалланган мол-мулкни ижарага беради.

Умумий қоидага кўра, мулк ижараси шартномасида мол-мулк ижарага берувчи томонидан ижарага олувчига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун топширилади. Масалан, транспорт воситалари ижараси шартномаси, прокат шартномаси (ФК 558 ва 564-моддалар). Шу билан бирга, алоҳида ҳолларда ижарага мол-мулк фақат фойдаланиш учун топширилиши мумкин. Масалан, бино ва иношоотлар ижарасида объект ижарага олувчига фақат фойдаланишга топширилиши мумкин (ФК 573-моддаси).

Мол-мулкни топширишга қаратилган бошқа шартномалардан (олдиди, айирбошлаш, ҳадя, қарз) фарқли равишда мулк ижараси шартномаси бўйича эгалик қилиш ва фойдаланиш ёки фақат фойдаланиш вақтинчалик бўлади.

Мулк ижараси шартномаси ҳақ эвазига тузилади. Мулк ижараси шартномаси объектлари ижарага олувчига ҳақ эвазига топширилади. Акс ҳолда, мол-мулкдан текин фойдаланиш (ФК 36-бобининг шарҳига қаранг) юз беради.

**536-модда. Ижарага олувчининг ижарага олинган
мол-мулкдан олинадиган маҳсулот, мевалар
ва даромадларга бўлган мулк ҳуқуқи**

Агар қонун ёки мулк ижараси шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ижарага олувчи ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш натижасида оладиган маҳсулот, мева ва бошқа даромадлар унинг мулки ҳисобланади.

Вақтинчалик эгалик қилиш ва фойдаланиш шартлари мулк ижараси шартномаси билан белгиланади. Агар шартнома ижарага олувчи томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун тузилган бўлса, у ҳолда ижарага олинган мол-мулкдан тегишли даромад олишни назарда тутати. Бундай даромад агар бу шартномага зид бўлмаса, бошқа ҳолатларда ҳам олинishi мумкин. Умумий қоида бўйича бундай ҳолларда олинган даромад, шу жумладан, маҳсулот ва мевалар ижарага олувчининг мулки ҳисобланади. Шу билан бирга қонунда ёки мулк ижараси шартномасида ушбу мол-мулкни ижарага олиб фойдаланишдан олинадиган даромадларни кимга тегишли бўлиши ҳақида бошқача шартлар ҳам белгиланиши мумкин. Жумладан, ФК 177-моддасига кўра, мулкдор корхонанинг хўжалик юритишида бўлган мол-мулкни ишлатишдан келган фойданинг бир қисмини олиш ҳуқуқига эга.

537-модда. Мулк ижарасининг объектлари

Ер участкалари, ер ости бойликлари жойлашган участкалар ва бошқа алоҳида табиий объектлар, корхоналар ва бошқа мулккий комплекслар, бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари ва фойдаланиш жараёнида ўзининг табиий хусусиятларини йўқотмайдиган бошқа ашёлар (истеъмол қилинмайдиган ашёлар) мулк ижарасига берилиши мумкин.

Қонун ҳужжатларида мулк ижарасига берилиши мумкин бўлмаган ёки чекланган корхоналар турлари (гурӯҳлари) ва мол-мулк турлари белгилаб қўйилиши мумкин.

1. Мулк ижараси шартномасига мувофиқ мол-мулк вақтинчалик эгалик қилиш ва фойдаланишга ёки фақат фойдаланишга топширилади ва ушбу муддат тугагандан сўнг мол-мулк қайтарилиши лозим. Бундан келиб

чиққан ҳолда қонун мулк ижараси шартномаси объектлари жумласига истемол қилинмайдиган, яъни қайта-қайта фойдаланишга мўлжалланган, бунда ўзининг дастлабки ҳолатини узоқ вақт давомида сақлаб қоладиган ҳамда аста-секин емирилиб борадиган ашёларни киритади (ФК 89-моддаси шарҳига қаранг).

Шарҳланаётган моддада мулк ижараси шартномаси бўйича топширилиши мумкин бўлган объектларнинг тахминий рўйхати келтирилган. Жумладан, ер участкалари, ер ости бойликлари жойлашган участкалар ва бошқа алоҳида табиий объектлар, корхоналар ва бошқа мулкӣ комплекслар, бинолар, иншоотлар, усқуналар, транспорт воситалари. Демак, мулк ижараси шартномасининг объекти бўлиб кўчмас мулк ҳам, кўчар мулк ҳам бўлиши мумкин.

2. Қонунчиликда мулк ижарасига берилиши мумкин бўлмаган ёки чекланган мол-мулк турлари белгилаб кўйилиши мумкин. Бундай мол-мулклар жумласига аввало, муомаладан чиқарилган ёки муомалада бўлиши чекланган объектлар (ФК 82-моддаси шарҳига қаранг) киради. Масалан, табиатдан махсус йўсинда фойдаланиш юридик ва жисмоний шахсларга ишлаб чиқариш ва ўзга хил фаолиятни амалга ошириш учун табиий ресурслар ҳақ олиб ижарага берилиши мумкин (Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунининг 6-моддаси).

538-модда. Ижарага берувчи

Мол-мулкни ижарага бериш ҳуқуқи шу мол-мулк эгасига тегишлидир. Қонун ёки мулкдор томонидан мол-мулкни ижарага бериш ваколати берилган бошқа шахслар ҳам ижарага берувчи бўлишлари мумкин.

Мол-мулкни тўлиқ тасарруф этиш ҳуқуқи мулкдорга тегишлидир. Шу сабабли мулкни ижарага бериш ҳуқуқи биринчи навбатда, унинг мулкдори бўлган — жисмоний ва юридик шахсга (шу жумладан, хорижий шахсларга ҳам) тегишли бўлади.

ФК 79, 214 ва 215-моддаларига асосан, давлат номидан мулк ижараси муносабатларида давлат ҳокимияти органлари ва бошқа махсус ваколатли органлар иштирок этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги 102-сонли «Давлат мулкни ижарага бериш тартибини такомил-

лаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитасининг вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бошқармалари ҳузурида давлат унитар корхоналари шаклида давлат мулкни ижарага бериш марказлари ташкил қилинган. Давлат мулки юридик ва жисмоний шахсларга ижарага ушбу марказлар томонидан берилади, яъни улар қонунда бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, давлат мулкни ижарага берувчилар бўлиб ҳисобланади. Бу ҳолатлар жумласига, уй-жойлар, ер участкалари, ер ости бойликлари кабилар киритилган.

Ер кодексининг 23-моддасига кўра, шартнома асосида ер участкалари: Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахсларга туман ва шаҳар ҳокимлари томонидан; чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар, халқаро ташкилот ва бирлашмалар, хорижий юридик ва жисмоний шахсларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан берилади.

Қонун ёки мулкдор томонидан мол-мулкни ижарага бериш ваколатига эга бўлган шахслар жумласига хўжалик юритиш ҳуқуқи ёки оператив бошқариш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар, унитар корхона (шу жумладан давлатга қарашли бўлган) ва муассасалар кириши мумкин. Хўжалик юритиш ҳуқуқига асосланган унитар корхона ўзига бириктириб берилган кўчар мулкни мустақил равишда, кўчмас мулкни эса мулкдорнинг розилиги билан ижарага беришга ҳақли (ФКнинг 178-моддаси шарҳига қаранг). Оператив бошқарув ҳуқуқига асосланган давлат унитар корхона ўзига бириктириб берилган кўчар ва кўчмас мулкни фақат мулкдорнинг розилиги билан ижарага бериши мумкин (ФК 179-моддаси шарҳига қаранг). Муассаса таъсис ҳужжатларига мувофиқ, муассасага даромад келтирадиган фаолиятдан олинган даромад ҳисобидан олинган мол-мулкни мустақил равишда ижарага беришга ҳақли (ФК 180-моддаси шарҳига қаранг).

539-модда. Мулк ижараси шартномасининг шакли

Мулк ижараси шартномаси бир йилдан ортиқ муддатга мўлжалланган бўлса, тарафлардан биронтаси юридик шахс бўлган ҳолларда эса, муддатидан қатъи назар, ёзма шаклда тузилиши шарт.

Кўчмас мулк ижараси шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Мулк ҳуқуқининг келгусида ижарачига ўтишини назарда тутувчи мулк ижараси шартномаси, бундай мулкнинг олди-сотди шартномаси учун назарда тутилган шаклда тузилади.

1. Мулк ижараси шартномаси оғзаки ва ёзма, шу жумладан нотариал тартибда тасдиқланадиган шаклда бўлиши мумкин. Бунда ёзма шаклга нисбатан қонунда қўшимча талаблар, шунингдек шартномани давлат рўйхатидан ўтказишга доир талаблар қўйилиши мумкин. Мулк ижараси шартномасининг шакли шартноманинг муддати, унинг тарафлари бўлиб кимлар иштирок этиши, ижарага берилаётган мол-мулкнинг тури, мол-мулкнинг тақдирига доир шартларга боғлиқ бўлади.

Мулк ижараси шартномаси жисмоний шахслар ўртасида оғзаки шаклда фақат бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга тузилиши мумкин. Бунда битим баҳоси аҳамиятга эга эмас. Бирок, агар мулк ижараси шартномасининг алоҳида турларига нисбатан қонунда ёзма шакл белгиланган бўлса, у ҳолда жисмоний шахслар ўртасида тузиладиган мулк ижараси шартномаси муддатидан қатъий назар оғзаки тузилиши мумкин эмас.

Ёзма шаклни талаб қиладиган мулк ижараси шартномасини батафсилроқ кўриб чиқамиз.

Юридик шахслар ўртасида ёки юридик ва жисмоний шахслар ўртасида тузиладиган мулк ижараси шартномаси ёзма шаклда тузилиши лозим.

Бир йилдан ортиқ муддатга тузиладиган мулк ижараси шартномаси шартнома тарафлари бўлиб кимлар иштирок этишидан қатъий назар ёзма шаклда тузилиши керак.

Кўчмас мулк ижараси шартномаси тарафлари бўлиб кимлар иштирок этишидан қатъий назар ёзма шаклда тузилиши ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилиши талаб қилинади.

ФК 556-моддасига мувофиқ агар мулк ижараси шартномаси келгусида ушбу мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи ижарага олувчига ўтишини назарда тутса, у ҳолда мазкур шартнома ушбу мол-мулкларни олди-сотди шартномаси учун талаб қилинадиган шаклда тузилиши лозим. Чунончи, кўчмас мулк олди-сотди шартномаси тарафлар имзолаган ёзма шаклдаги битта ҳужжат тарзида тузилиши назарда тутилган (ФК 480-модда). Демак, ушбу

ҳолатда ҳужжатлар алмашиш тарзида почта, телефон ёки бошқа алоқа воситасида ёзма шаклда шартнома тузиб бўлмайди.

2. ФКнинг тегишли моддаларида мулк ижараси шартномаси шаклига доир қўшимча талаблар ҳам белгиланган. Жумладан, прокат шартномаси ёзма шаклда тузилади (ФК 558-моддаси).

Транспорт воситалари ижараси шартномаси ёзма шаклда тузилиши лозим. Бунда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган транспорт воситалари ижараси шартномаси нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши лозим (ФК 565-моддаси).

Бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномаси тарафлар имзолайдиган битта ҳужжат тарзида ёзма шаклда тузилади, агар шартнома муддати бир йилдан кам бўлмаган муддатга тузилса, шартнома давлат рўйхатидан ўтказилиши ҳам лозим (ФК 574-моддаси).

Корхонани ижарага бериш шартномаси тарафлар имзолаган битта ҳужжат тарзида ёзма шаклда тузилади ва у нотариал гувоҳлантирилиши ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим (ФК 580-моддаси).

540-модда. Мулк ижараси шартномасининг муддати

Мулк ижараси шартномаси шартномада белгиланган муддатга тузилади.

Агар мулк ижарасининг муддати шартномада белгиланмаган бўлса, шартнома номуайян муддатга тузилган ҳисобланади. Бунда тарафлардан ҳар бири бошқа тарафни бир ой олдин, кўчмас мулк ижарасида эса — уч ой олдин ёзма равишда огоҳлантириб, истаган пайтда шартномадан воз кечиши мумкин. Қонун ёки шартномада номуайян муддатга тузилган мулк ижараси шартномасини бекор қилиш ҳақида олдиндан огоҳлантиришнинг бошқа муддатлари ҳам белгилаб қўйилиши мумкин.

Қонунда мулк ижарасининг айрим турлари учун, шунингдек мол-мулкнинг айрим турларини ижарага олиш учун энг кўп (охирги) муддатлар белгилаб қўйилиши мумкин. Бундай ҳолларда, башарти ижара муддати шартномада белгиланган бўлмаса ва қонунда белгиланган охирги муддат тугагунича тарафлардан ҳеч қайсиси шартномадан воз кечмаса, охирги муддат ўтиши билан шартнома бекор

бўлади. Қонунда белгиланган охириги муддатдан ортиқ муддатга тузилган бундай мулк ижараси шартномаси охириги муддатга тенг муддатга тузилган ҳисобланади.

1. Мулк ижараси шартномаси бўйича мол-мулк ижарага олувчига вақтинчалик эгалик қилиш ва фойдаланиш ёки фойдаланишга топширилганлиги сабабли шартнома муддати мулк ижараси шартномаси шартларидин бири бўлиб ҳисобланади. Умумий қоидага кўра, мулк ижараси шартномаси тарафлар келишувига мувофиқ белгиланадиган муддатга тузилади. Шу билан бирга қонун ижара муддатини шартноманинг муҳим шартлари жумласига киритмайди. Шу сабабли шартнома уни амал қилиш муддатини белгиламаган ҳолда ҳам тузилиши мумкин.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги 102-сонли қарорига илова билан тасдиқланган «Давлат мулкани ижарага бериш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ, давлат мулки ижарасининг энг кўп муддати қоида тариқасида беш йилни ташкил қилади.

2. Агар мулк ижарасининг муддати шартномада белгиланмаган бўлса, шартнома номуайян муддатга тузилган ҳисобланади. Бу тарафлардан ҳар бирига истаган пайтда шартномадан воз кечиш ҳуқуқини беради. Фақат тарафлар бир бирини бир ой олдин, кўчмас мулк ижарасида эса — уч ой олдин ёзма равишда огоҳлантириши талаб қилинади. Кўрсатилган муддат диспозитив хусусиятга эга, яъни қонун ёки шартномада огоҳлантиришнинг бошқа муддатлари ҳам белгиланиши мумкин.

3. Мулк ижараси шартномасининг алоҳида турлари учун қонунда шартнома амал қилишининг энг кўп муддати белгиланиши мумкин. Масалан, ФК 559-моддасига мувофиқ, прокат шартномаси бир йил муддатгача тузилиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуннинг 11-моддасига кўра, ер участкасини ижарага беришнинг энг кўп муддати 50 йилгача бўлиши мумкин.

Агар қонунда шартнома амал қилиши учун энг кўп муддат белгиланган ва бунда мулк ижараси шартномаси бўйича муддат аниқланмаган бўлса, агар тарафлардан бири қонунда белгиланган ушбу муддат ичида шартномадан воз кечиш истагини билдирмаса, у ҳолда шартнома қонунда белгиланган энг кўп муддатгача амал қилади. Агар шартнома қонунда белгиланган энг кўп муддатдан ортиқ бўлган муддатга тузилган бўлса, у ҳолда шартнома

ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқармайди. Бундай ҳолларда шартнома қонунда белгиланган энг кўп муддатга тузилган ҳисобланади.

541-модда. Ижарага олувчига мол-мулкни топшириш

Ижарага берувчи ижарага олувчига мол-мулкни шартнома шартлари ва мол-мулкнинг вазифасига мувофиқ ҳолатда топширмоғи лозим.

Мол-мулкни топширишга тайёрлаш, шу жумладан топшириш далолатномасини тузиш ва имзолашга тақдим этиш ижарага берувчининг бурчи бўлиб, унинг ҳисобидан амалга оширилади.

Агарда шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мол-мулк барча мансуб ашёлари ва унга алоқадор ҳужжатлар (техник паспорт, сифат сертификати ва ҳоказолар) билан бирга ижарага топширилади. Агарда бундай мансуб ашёлар ва ҳужжатлар топширилган бўлмаса ва уларсиз ижарага олувчи мол-мулкдан унинг ўз вазифаси бўйича фойдалана олмаса ёхуд шартнома тузиш пайтида мўлжаллашга ҳақли бўлган анча нарсасидан маҳрум бўлса, у ижарага берувчидан бундай мансуб ашёлар ва ҳужжатларни топширишни ёхуд шартномани бекор қилишни, шунингдек зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Агар ижарага берувчи ижарага олувчига ижарага берилган мол-мулкни шартномада кўрсатилган муддатда, башарти шартномада бундай муддат кўрсатилган бўлмаса, оқилона муддатда топширмаган бўлса, ижарага олувчи ушбу Кодекснинг 331-моддасига мувофиқ бу мол-мулкни ундан талаб қилиб олиш ва ижронинг кечикканлиги туфайли етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ёки шартномани бекор қилиш ва унинг бажарилмаганлиги сабабли етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

1. Шарҳланаётган модда ижарага берувчига нисбатан мол-мулкни ижарага олувчига қандай шартларда ва ҳолатда топширишга доир талабларни белгилайди.

Мол-мулкнинг ҳолати шартнома шартларига ва мол-мулкнинг вазифасига мувофиқ бўлиши лозим. Бунда мол-мулкнинг техник хусусияти (сифати) ва вазифасига мувофиқ ҳолда бўлиши ҳақида сўз боради. Маса-

лан, ижарага берувчи ижарага олувчига мулк ижараси шартномасида назарда тутилгандан камроқ қувватга эга бўлган ускунани беришга ҳақли эмас. Ёки бўлмаса, ишлаб чиқариш мақсади учун уй-жой берилиши мумкин эмас.

2. Мулкни ижарага беришда қоида тариқасида мол-мулк билан биргаликда унга мансуб ашёлар ва унга тегишли ҳужжатлар ҳам қўшиб берилади. Масалан, автотранспорт воситаси ижараси шартномаси бўйича автомобилга техник хизмат кўрсатишга мўлжалланган асбоб-ускуналар (домкрат, калит ва ҳ.к.) ҳам тақдим қилинади. Кир ювиш машинаси ижарага берилганда, ундан фойдаланиш бўйича йўриқнома ҳам тақдим қилинади. Шу билан бирга тарафлар шартномада мол-мулкни унга мансуб ашёлар ва унга тегишли ҳужжатларни бермасликни ҳам назарда тутишлари мумкин.

Ижарага берувчи томонидан ижарага берилаётган мол-мулкка тегишли ашёлар ва ҳужжатларни бериш тўғрисидаги талабларни бузиши ва бунинг натижасида ижарага олувчи ушбу мол-мулкдан фойдалана олмаслиги ижарага олувчи учун ноқулай оқибатлар келтириб чиқаради. Масалан, ижарага берувчи автомобилни фойдаланиш учун ижарага бериб, автомобилни рўйхатдан ўтказганлик ҳақидаги гувоҳномани бермади. Кўриниб турибдики, ушбу ҳужжатсиз ижарачи автомобилдан фойдалана олмайди ва тегишлича ижара шартномасини тузишда умид қилган фойдани ҳам кўра олмайди. Бундай ҳолларда ижарага олувчи хоҳишига кўра, шу жумладан суд тартибида ҳам ижарага олинган мол-мулк учун керакли бўлган ашёлар ҳамда ҳужжатларни ўзига беришни ёки шартномани бекор қилишни талаб қилиш ҳуқуқи мавжуд (ФК 14-моддаси шарҳига қаранг).

3. Ижарага берувчи учун ноқулай оқибатлар шунингдек, мол-мулкни шартномада кўрсатилган муддатда ижарачига тақдим қилмаган ҳолларда ҳам келиб чиқади. Мол-мулк ижарага олувчига шартномада кўрсатилган муддатда, агар шартномада бундай муддат кўрсатилган бўлмаса, оқилона муддатда, яъни амалга оширишнинг аниқ имкони бўладиган муддатда тақдим қилиниши лозим.

Агар мол-мулк кўрсатилган муддатда тақдим қилинмаса, у ҳолда ижарага олувчи ўз хоҳишига асосан, ФК 331-моддасида белгиланган қоидага мувофиқ, ижарага берувчидан ушбу мол-мулкни беришни талаб қилиши ёки шартномани бекор қилишни сўраб мурожаат қилиши мумкин.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам ижарага олувчи шунингдек, ўзига етказилган зарарнинг қопланишини суд тартибида талаб қилиши мумкин.

542-модда. Ижарага топширилган мол-мулкдаги камчиликлар учун ижарага берувчининг жавобгарлиги

Ижарага берувчи ижарага топширилган мол-мулкнинг ундан фойдаланишга тўлиқ ёки қисман тўсқинлик қиладиган камчиликлари учун, ҳатто у шартнома тузиш вақтида булар ҳақида билмаган бўлса ҳам, жавобгардир. Бундай камчиликлар аниқланганда ижарачи ўз хоҳишига кўра:

ижарага берувчидан ё мол-мулкдаги камчиликларни текинга бартараф этишни ёки мол-мулкдан фойдаланганлик ҳақини мутаносиб камайтиришни ёхуд мол-мулкдаги камчиликларни бартараф этиш учун қилган ўз харажатларини қоплашни талаб қилишга;

ижарага берувчини олдиндан огоҳлантирган ҳолда ўша камчиликларни бартараф этишга сарфлаган харажатлари суммасини мол-мулкдан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақдан бевосита чегириб қолишга;

шартномани муддатидан олдин бекор қилишни талаб қилишга ҳақли.

Ижарага олувчининг талабларидан ёки унинг мол-мулкдаги камчиликларни ижарага берувчи ҳисобидан бартараф этиш ниятидан хабардор қилинган ижарага берувчи ижарага топширилган мол-мулкни тегишли ҳолатда бўлган бошқа шундай мол-мулк билан дарҳол алмаштириб бериши ёки мол-мулкдаги камчиликни текинга бартараф этиши мумкин.

Агар ижарага олувчининг талабларини қаноатлантириш ёхуд унинг камчиликларни бартараф этиш харажатларини мол-мулкдан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақдан чегириб қолиши ижарага олувчи кўрган зарарни қопламаса, у зарарнинг қопланмаган қисмини тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Шартнома тузиш вақтида ижарага берувчи олдиндан айтиб қўйган ёки ижарага олувчига олдиндан маълум бўлган ёхуд шартномани тузишда ёки мол-мулкни ижарага топшириш пайтида уни кўздан кечирганда

ёхуд унинг созлигини текширганда ижарага олувчи аниқлаши керак бўлган камчиликлар учун ижарага берувчи жавобгар бўлмайди.

1. Юқорида шарҳланган моддада кўрсатилганидек, ижарага берувчи ижарага олувчига мол-мулкни шартнома шартларига ва вазифасига мувофиқ ҳолда топшириши лозим. Шу муносабат билан шарҳланаётган ушбу моддада ижарага берилган мол-мулкдаги камчиликлар учун агар бу ҳолат мол-мулкдан шартнома шартларига мос равишда фойдаланишни қийинлаштираётган бўлса ёки тўсқинлик қилаётган бўлса, жавобгарликни асосан ижарага берувчи зиммасига юклайди. Бунда ижарага берувчи ҳатто ижарага бераётган вақтда булар ҳақида билмаган бўлса ҳам жавобгар саналади.

2. Бундай камчиликлар аниқланган тақдирда ижарага берувчи ўз манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган чоралардан бирини танлаш ҳуқуқига эга. Чунончи, у ижарага берувчидан:

а) мол-мулкдаги камчиликларни текинга бартараф этишни;

б) мол-мулкдан фойдаланганлик ҳақини мутаносиб равишда камай-тиришни;

в) мол-мулкдаги камчиликларни бартараф этиш учун қилган ўз харажатларини қоплашни талаб қилиши мумкин. Бунда ижарачи ушбу харажатларни мол-мулкдан фойдаланган учун тўланадиган ҳақ миқдоридан чегириб қолиши ҳам мумкин, бироқ мазкур ҳолатда бу ҳақда олдиндан ижарага берувчини огоҳлантириши лозим;

г) шартномани муддатидан олдин бекор қилишни талаб қилишга ҳақли. (ФК 382-моддаси шарҳига қаранг).

2. Қонун ижарага берувчи ижарага олувчи томонидан огоҳлантирилганидан сўнг қўйилган ёки ушбу камчиликларни ижарага берувчи ҳисобидан бартараф этиш нияти ҳақидаги талабларни олгандан кейин ўз хоҳишига кўра камчиликларни бартараф этиш бўйича муайян ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқини танлаш имконини беради. Чунончи, ижарага берувчи:

а) ижарага берувчи ижарага топширилган мол-мулкни тегишли ҳолатда бўлган бошқа шундай мол-мулк билан дарҳол алмаштириб бериши;

б) мол-мулкдаги камчиликни текинга бартараф этиши мумкин.

Ижарага олувчи талабларни қаноатлантириш ёки унинг камчиликларни бартараф этишга сарфлаган харажатлари суммасини мол-мулкдан фой-

даланганлик учун тўланадиган ҳақдан бевосита чегириб қолиши унга етказилган зарарни тўлиқ қопламаслиги мумкин. Бундай ҳолларда шартнома мажбуриятларини бузилишига йўл қўйган ижарага берувчи ижарага олувчининг талабига кўра қопланмаган зарар қисмини тўлаши лозим.

3. Фақат қуйида кўрсатилган ҳолларда ижарага берувчи ижарага берилган мол-мулкдаги камчиликлар учун жавобгарликдан озод қилинади:

а) камчиликлар шартнома тузиш вақтида ижарага берувчи олдиндан айтиб қўйилган бўлса;

б) камчиликлар ижарага олувчига олдиндан маълум бўлган бўлса;

в) агар камчиликлар шартномани тузишда ёки мол-мулкни ижарага топшириш пайтида уни кўздан кечирганда ёхуд унинг созлигини текширганда ижарага олувчи аниқлаши керак бўлган бўлса. Бу ўринда одатдагидек эътибор қилган ҳолда ёки ижарага олинаётган ашёни кўздан кечирганда яққол кўришиб турадиган, яширин бўлмаган камчилик хусусида сўз боради.

Демак, шарҳланаётган моддада белгиланган қоида бир тарафдан ижарага олувчини шартнома тузишда ва шартномани амалга оширишда инсофли ва эътиборли бўлишга ундаса, иккинчи тарафдан ижарага берувчини инсофсиз ижарачи томонидан қўйилиши мумкин бўлган асоссиз эътирозлардан ҳимоя қилади.

543-модда. Ижарага топширилаётган мол-мулкка нисбатан учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари

Мол-мулкнинг ижарага топширилиши бу мол-мулкка нисбатан учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари бекор бўлиши ёки ўзгариши учун асос бўлмайди.

Шартнома тузишда ижарага берувчи ижарага олувчини ижарага топширилаётган мол-мулкка нисбатан учинчи шахсларнинг барча ҳуқуқлари (сервитут, гаров ҳуқуқи ва ҳоказолар) ҳақида огоҳлантириши лозим. Ижарага берувчи томонидан бу мажбуриятнинг бажарилмаслиги ижарага олувчига мол-мулкдан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақни камайтиришни ёхуд шартномани бекор қилиш ва зарарни тўлашни талаб қилиш ҳуқуқини беради.

1. Қонун ёки шартномага асосан мол-мулкка нисбатан бошқа шахсларнинг ҳуқуқларининг мавжуд бўлиши чунончи, гаров, сервитут

хуқуқининг мавжудлиги мол-мулкнинг мулкдорига уни тасарруф қилиш, шу жумладан уни ижарага бериш хуқуқидан маҳрум қилмайди (ФК 173, 277-моддалари шарҳига қаранг). Шу билан бирга мулкни ижарага бериш кўрсатиб ўтилган учинчи шахсларнинг хуқуқларини бузмаслиги лозим (ФК 9-моддаси). Шу муносабат билан мулк ижарага берилганда учинчи шахсларнинг хуқуқлари тўлиқ сақланиб қолинади. Масалан, гаровга олувчи хатто гаров шартномаси тузилгандан сўнг ушбу мол-мулк ижарага берилган тақдирда ҳам белгиланган тартибда ундирувни гаровга олинган мол-мулкка қаратиши мумкин.

Ижарага берилаётган мол-мулкка учинчи шахсларнинг хуқуқлари билан чегараланганлиги ижарага олувчи манфаатларига мос келмаслиги мумкин. Шу муносабат билан қонун ижарага олувчи томонидан шартнома тузаётганда ижарага олувчини ушбу мол-мулкка нисбатан учинчи шахсларнинг барча хуқуқлари ҳақида огоҳлантириб қўйиш мажбуриятини юклайди. Бундай огоҳлантиришга тегишли маълумотларни шартнома матнига киритиш мақсадга мувофиқ. Агар ижарага олувчи учинчи шахслар хуқуқлари ҳақида огоҳлантирилган бўлмаса, у ижарага берувчидан ижарага олинган мол-мулк учун тўланадиган ҳақ миқдорини камайтиришни ёки шартномани бекор қилиш ва ўзига етказилган зарарларни қоплашни талаб қилиши мумкин.

544-модда. Мол-мулкдан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш

Ижарага олувчи мол-мулкдан фойдаланганлик учун ҳақни ўз вақтида тўлаб туриши шарт.

Мол-мулкдан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш тартиби, шартлари ва муддатлари мулк ижараси шартномаси билан белгиланади. Булар шартномада белгиланмаган ҳолларда одатда худди шундай мол-мулкни ўхшаш ҳолатларда ижарага беришда қўлланиладиган тартиб, шартлар ва муддатлар белгиланган деб ҳисобланади.

Мол-мулкдан фойдаланганлик учун ҳақ ижарага олинган барча мол-мулк учун яхлит ҳолда ёки унинг ҳар бир таркибий қисми учун алоҳида-алоҳида ҳолда қуйидаги кўринишларда белгиланади:

вақти-вақти билан ёки бир йўла тўланадиган қатъий суммада белгиланган тўловлар тариқасида;

ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш натижасида олинган маҳсулот, мевалар ёки даромадларнинг белгиланган улуши тариқасида;

ижарага олувчи томонидан кўрсатиладиган маълум хизматлар тариқасида;

ижарага олувчи томонидан ижарага берувчига шартномада келишилган ашёни мулк қилиб ёки ижарага топшириш тариқасида;

ижарага олинган мол-мулкни яхшилаш бўйича шартномада келишилган харажатларни ижарага олувчи зиммасига юклаш тариқасида.

Тарафлар мулк ижараси шартномасида мол-мулкдан фойдаланганлик учун ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатиб ўтилган ҳақ шакллари аниқлаш амалга оширишни ёки ҳақ тўлашнинг бошқа шакллари назарда тутишлари мумкин.

Агар мулк ижараси шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мол-мулкдан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақ миқдори шартномада белгиланган муддатларда, бироқ бир йилда кўпи билан бир марта тарафларнинг келишуви билан ўзгартирилиши мумкин. Қонун ҳужжатларида мулк ижарасининг айрим турлари учун, шунингдек айрим мол-мулк турларининг ижараси учун ҳақ миқдорини қайта кўриб чиқишнинг бошқача энг кам муддатлари назарда тутилиши мумкин.

Агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ижарага олувчи ўзи жавобгар бўлмаган ҳолатларга кўра, шартномада назарда тутилган фойдаланиш шартлари ёки мол-мулкнинг ҳолати жиддий ёмонлашган бўлса, у мол-мулкдан фойдаланганлик учун ижара ҳақини тегишли равишда камайтиришни талаб қилишга ҳақли.

Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мол-мулкдан фойдаланганлик учун ижара ҳақини тўлаш муддатлари ижарага олувчи томонидан жиддий бузилган тақдирда, ижарага берувчи ундан ижара ҳақини муддатидан олдин, ижарага берувчи белгилаган муддатда тўлашни талаб қилишга ҳақли. Бунда ижарага берувчи мол-мулкдан фойдаланганлик учун кўпи билан икки муддатнинг ҳақини муддатидан олдин тўлашни талаб қилишга ҳақли.

1. Ижарага олувчининг асосий мажбуриятларидан бири бу — мол-мулкдан фойдаланганлик учун ўз вақтида тўловларни тўлаш ҳисобланади, чунки мулк ижараси шартномаси — ҳақ эвазига тузиладиган шартнома бўлиб ҳисобланади.

Мулк ижараси шартномасида тарафлар ўз хоҳишига қараб мол-мулкдан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш тартиби, шартлари ва муддатларини белгилайди. ФК 354-моддасига кўра, мазкур шартнинг мазмуни қонунчиликда императив норма тарзида кўрсатиб қўйилиши мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги 102-сонли «Давлат мулкни ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкалари Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан тақдим этилган ҳамда Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги билан келишилган ижаранинг энг кам ставкаларини ҳисоблаб чиқиш асосида тегишли коэффицентлар белгиланган ҳолда ҳар йили 31 декабргача Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тасдиқланиши белгиланган. Мол-мулкнинг бошқа турлари учун ижара тўлови ставкаси:

агар ижарага топшириладиган мулкдан амалда фойдаланилган муддат ундан самарали фойдаланиш муддатидан ортиқ бўлмаса ёки ушбу муддатга тенг бўлса, ёки амалда фойдаланилган муддатни аниқлаш мумкин бўлмаса — мол-мулк тикланиш қийматининг 30 фоизидан;

агар ижарага топшириладиган мол-мулкдан амалда фойдаланилган муддат ундан самарали фойдаланиш муддатидан ортиқ бўлса — мол-мулк тикланиш қийматининг 20 фоизидан кам бўлиши мумкин эмас.

Шу билан бирга қонун мол-мулкдан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақ тўғрисидаги шартни шартноманинг муҳим шарти сифатида белгиламайди, бино ёки иншоотлар ижараси шартномаси бундан мустасно (ФК 577-моддаси шарҳига қаранг). Шу муносабат билан агар шартномада мол-мулкдан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш тартиби, шартлари ва муддати белгиланмаган бўлса, ҳар бир муайян ҳолатда шундай мол-мулк учун ўхшаш вазиятларда қўлланиладиган ҳақ бўйича аниқланади.

2. Шарҳланаётган моддада мол-мулкдан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақнинг турлари ва шакллари назарда тутади. Кўрсатиб

ўтилган усулда ҳақ тўлаш тугал бўлмасдан, тарафлар шартномада бошқача тарзда ҳақ тўлашни ҳам белгилашлари мумкин.

Мол-мулкдан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақ ижарага олинган мулкларнинг барчаси учун ёки уларнинг ҳар бир қисми бўйича алоҳида тўланиниши мумкин. Жумладан, мазкур қоида бўлинадиган ва мураккаб ашёларга нисбатан қўлланилади (ФК 88, 91-моддалари шарҳига қаранг).

Мулк ижараси шартномаси юзасидан пул тўловларини тўлаш энг қўп тарқалган тўлов шакли бўлиб, қоида тарзида вақти-вақти билан ёки бир йўла тўланади. Ушбу ҳолатда ҳақ тўлашда масалан, давлат мулки ижараси бўйича ижара тўлови тенг равишда вақти-вақти билан (ҳар чоракда, ҳар ойда ва ҳ.к.) тўланади. Тўлов ҳар бир давр (чорак, ой) учун олдиндан ҳақ тўлаш тарзида амалга оширилади. Агар давлат мулкини ижарага олувчи ушбу мол-мулкни капитал ёки жорий таъмирдан чиқарса, у ҳолда унинг харажатлари ижара тўловларини камайтириш ҳисобига қопланади («Давлат мулкини ижарага бериш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 23-банди).

Ижарага олинган мол-мулкни яхшилаш бўйича ижарага олувчи зиммасига шартномада келишилган харажатлар юкланиши ижарага берувчига ижарага олувчи ҳисобидан бино ва иншоотларни капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилишига имкон беради.

3. Ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланганлик учун тўланадиган тўлов миқдори тарафлар ўртасида шартномада назарда тутилган муддатларда, бироқ бир йилда кўпи билан бир марта қайта кўриб чиқиши мумкин. Агар қонунчиликда мол-мулкларнинг алоҳида турлари учун ҳақ тўлаш миқдорини қайта кўриб чиқишнинг бошқача муддатлари белгиланган бўлса, ушбу муддат қўлланилмайди.

Шарҳланаётган моддада кўрсатиб ўтилган ижарага олинган мол-мулк бўйича тўлов миқдорини бир йилда кўпи билан бир марта қайтадан кўриб чиқиш ҳақидаги норма диспозитив ҳисобланади. Яъни, ундаги қоида агар мулк ижараси шартномасида бошқача ҳолат белгиланмаган бўлса қўлланилади.

4. ФКнинг 542-моддасида ижарага берувчининг ижарага топшириладиган мол-мулкни камчиликлари билан топширганлик учун жавобгарлик белгиланганидек, шарҳланаётган моддада ҳам ижарага олувчига мол-мулкдан фойдаланганлик учун тўловни камайтириш талабини қўйиш ҳуқуқини беради. Ушбу ҳолатда ижарага олувчининг бундай ҳуқуқи

ижарага олувчи ўзи жавобгар бўлмаган ҳолатларга кўра (масалан, енгиб бўлмайдиган куч таъсирида), шартномада назарда тутилган фойдаланиш шартлари ёки мол-мулкнинг ҳолати жиддий ёмонлашган ҳолларда вужудга келади. Бунда ижара ҳақини камайтирилиши фойдаланиш шартлари ёки мол-мулкнинг ҳолати жиддий ёмонлашувига мутаносиб равишда бўлиши лозим.

5. Шарҳланаётган моддада ижарага олувчи томонидан ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланганлик учун тўловларни ўз вақтида тўланишини таъминлашга қаратилган яна бир диспозитив норма мавжуд. Бу мол-мулкдан фойдаланганлик учун ижара ҳақини тўлаш муддатлари ижарага олувчи томонидан жиддий бузилган тақдирда, яъни бир мартадан кўп ёки узоқ муддат ижара ҳақини тўламаслик ҳисобланади. Ижарага олувчи мол-мулкдан фойдаланганлик учун кўпи билан икки муддатнинг ҳақини муддатидан олдин тўлашни талаб қилишга ҳақли. Ушбу қоидалар агар шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса қўлланилади.

Агар ижарага олувчи шартномада белгиланган муддат тугагандан сўнг кетма-кет икки мартадан кўп мол-мулкдан фойдаланганлик учун ҳақни тўламаса, ижарага олувчи суд тартибида мулк ижараси шартномасини муддатидан олдин бекор қилишни талаб қилиши мумкин.

545-модда. Ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш

Ижарага олувчи мол-мулкдан шартнома шартларига мувофиқ, агар бундай шартлар шартномада белгиланган бўлмаса — мол-мулкнинг вазифасига мувофиқ фойдаланиши лозим.

Агар ижарага берувчининг ёзма огоҳлантиришига қарамай, ижарага олувчи мол-мулкдан шартнома шартларига ёки мол-мулкнинг вазифасига номувофиқ фойдаланса, ижарага берувчи шартномани муддатидан олдин бекор қилишни ва зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақли.

1. Мол-мулкдан фойдаланиш мулк ижараси шартномасининг асосий мазмунини белгилайди (ФК 535-моддаси шарҳига қаранг). Шу сабабли қонун ижарага олувчига ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш бўйича талабларни кўяди ва бу талаблар мол-мулкни сақланишини ҳамда ижарага берувчи манфаатларининг ҳимояланишини таъминлашга

қаратилган. Ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш шартномага мувофиқ амалга оширилиши лозим. Чунончи, фермер хўжаликларига ер участкалари ижара шартномасига мувофиқ берилганда, фермер хўжалиги ўз зиммасига қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги (уч йил учун ўртача йиллик ҳосил ҳисобида) ернинг кадастр баҳосидан кам бўлмаслигини таъминлаш мажбуриятини олади. (“Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддаси).

Агар шартномада ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш шартлари белгиланган бўлса, ижарага олувчи ижарага олинган мол-мулкдан вазифасига мувофиқ фойдаланиши лозим. Вазифасига номувофиқ ҳолда мол-мулкдан фойдаланишга — офис учун берилган бинодан яшаш ёки омборхона ёхуд ишлаб чиқариш ва ҳ.к. мақсадларида фойдаланишни мисол сифатида кўрсатиш мумкин.

2. Юқорида кўрсатиб ўтилган мажбуриятларнинг ижарага олувчи томонидан бузилиши ижарага берувчининг талабига кўра мулк ижараси шартномасининг ўзига етказилган зарарларни қоплатган ҳолда муддатидан олдин бекор қилишинишига асос бўлади. Бунда шартномани бекор қилиш ҳақида талаб қўйилишидан олдин ёзма равишда ижарага олувчини огоҳлантириш лозим. Ушбу огоҳлантиришда ижарага олувчи томонидан оқилона муддатда мол-мулкдан фойдаланиш тартиби бузилиши ҳолати бартараф қилиниши, агар ушбу талаблар бажарилмаса, ижарага олувчи томонидан етказилган зарарларни қоплатган ҳолда ижарага берувчининг муддатидан олдин шартномани бекор қилиш мақсади ифодаланган бўлиши лозим.

546-модда. Ижарага олинган мол-мулкни тасарруф қилиш

Агар ушбу Кодексда, бошқа қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ижарага олувчи ижарага олинган мол-мулкни ижарага берувчининг розилиги билан иккиламчи ижарага (қўшимча ижарага) топширишга, мулк ижараси шартномаси бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа шахсга ўтказишга (қайта ижара), ижарага олинган мол-мулкни текин фойдаланиш учун беришга, шунингдек бу ҳуқуқларини гаровга қўйишга ва уларни хўжалик ширкатлари ва жамиятлари устав фондига (капиталига) ҳисса сифатида ёки

ишлаб чиқариш кооперативига пай бадали сифатида топширишга ҳақли. Кўрсатиб ўтилган ҳолларда ижарага олувчи шартнома бўйича ижарага берувчи олдида жавобгар бўлиб қолаверади, қайта ижара бундан мустасно. Мол-мулкни бошқа шахсларга топшириш ҳақидаги шартнома ижара шартномасининг амал қилиш муддатидан ортик муддатга тузилиши мумкин эмас.

Агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ижарага олинган мол-мулкни иккиламчи ижарага топшириш ҳақидаги шартномага нисбатан мулк ижараси шартномаси ҳақидаги қоидалар қўлланилади.

Ижарага берувчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида қонун ижарага олувчи томонидан ижарага олинган мол-мулкни тасарруф қилиш ҳуқуқини чеклайди. Ушбу чеклов шунда кўринадики, ижарага олувчи ижарага олинган мол-мулкка нисбатан муайян ҳаракатларни фақат ижарага берувчининг розилиги билан амалга оширади.

Шарҳланаётган моддада ушбу ҳаракатлар жумласига:

1) ижарага олинган мол-мулкни иккиламчи ижарага (қўшимча ижарага) топшириш. Иккиламчи ижара шартномаси моҳиятан мулк ижараси шартномаси ҳисобланади ва бунда ижарага олувчи ижарага берувчи сифатида, иккиламчи ижарага олувчи эса, ижарага олувчи бўлиб қатнашади. Иккиламчи ижара шартномасига нисбатан агар қонунчиликда бошқача ҳол белгиланган бўлмаса, мулк ижараси шартномаси ҳақидаги қоидалар қўлланилади;

2) мулк ижараси шартномаси бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа шахсга ўтказиш (қайта ижара). Қайта ижарада ижарага олувчи ўзгаради ва бунинг натижасида биринчи ижарага олувчи ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини йўқотган ҳолда ўз ўрнига бошқа шахсни қолдирган ҳолда мажбуриятдан чиқиб кетади (ФК 241-моддаси шарҳига қаранг). Ижарага берувчи ва янги ижарага олувчи ўртасида айнан ўша мол-мулк бўйича аввалги шартлар асосида янги мажбурият вужудга келади;

3) ижарага олинган мол-мулкни текин фойдаланиш учун бериш. Ушбу ҳолатда ижарага олувчи мол-мулкдан текин фойдаланиш шартномаси бўйича текин фойдаланишга берувчи ҳисобланади (ФК 617-моддаси);

4) ижарага олувчи ҳуқуқларини гаровга қўйиш. ФК 267-моддасига кўра, гаров нарсаи бўлиб ҳар қандай мол-мулк шу жумладан, ашёлар ва мулкый ҳуқуқлар бўлиши мумкин;

5) ижарага олувчи ҳуқуқларини хўжалик ширкатлари ва жамиятлари устав фондига (капиталига) ҳисса сифатида ёки ишлаб чиқариш кооперативига пай бадали сифатида топшириш. ФКнинг 58-моддасига мувофиқ, хўжалик ширкати ёки жамиятининг мол-мулкига пул, қимматли қоғозлар, пул билан баҳоланадиган бошқа буюмлар ёки мулкӣ ҳуқуқлар ёхуд бошқа шахсга ўтказиладиган ўзга ҳуқуқлар ҳисса сифатида қўшилиши мумкин.

Шу билан бирга қонунчиликда ижарага олинган мол-мулкни тасарруф қилиш бўйича ижарага олувчи ҳуқуқларини кенгайтирувчи ёки чекловчи бошқа қоидалар белгиланиши ҳам мумкин. Чунончи, ФК 563-моддаси кўра, прокат шартномаси бўйича ижарага берувчи топширилган мол-мулкни иккиламчи ижарага беришни тақиқлайди. «Фермер хўжаликлари тўғрисида»ги қонуннинг 13-моддасига кўра, фермер хўжаликларига берилган ер участкалари иккиламчи ижарага берилиши мумкин эмас. ФК 583-моддасига мувофиқ эса, ижарага олинган корхона таркибига кирувчи моддий қимматликларни иккиламчи ижарага беришга имкон беради.

Ижарага берувчининг розилиги билан ёки розилигисиз ижарага олинган мол-мулкка нисбатан кўрсатиб ўтилган ҳаракатлар амалга оширилган ҳолларда ижарага олувчи шартнома бўйича ижарага берувчи олдида жавобгар бўлиб қолаверади. Бунда мол-мулкни бошқа шахсларга топшириш ҳақидаги шартнома ижара шартномасининг амал қилиш муддатидан ортиқ муддатга тузилиши мумкин эмас.

547-модда. Ижарага берувчининг ижарага олинган мол-мулкни сақлаш мажбуриятлари

Агар қонун ҳужжатлари ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ижарага берувчи ижарага топширилган мол-мулкни ўз ҳисобидан капитал таъмирлаши шарт.

Ижарага олувчи жавобгар бўлмаган ҳолатлар натижасида келиб чиққан шошилиш зарурат туфайли ўтказиладиган таъмирлашни ижарага берувчи ўз ҳисобидан амалга ошириши шарт.

Капитал таъмирлаш мулк ижараси шартномасида белгиланган муддатда, агар бу муддат шартномада белгиланмаган ёки шошилиш зарурат туфайли ўтказилса, оқилона муддатда амалга оширилмоғи лозим.

Ижарага берувчининг капитал таъмирлаш мажбуриятини бажармаслиги ижарага олувчига ўз хоҳишига кўра:

шартномада белгиланган ёхуд шошилинич зарурат тақозо этаётган капитал таъмирлашни амалга ошириб, таъмирлаш қийматини ижарага берувчидан ундириб олиш ёхуд мол-мулкдан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақ ҳисобига ўтказиш;

ҳақни тегишинча камайтиришни талаб қилиш;

шартномани муддатидан олдин бекор қилиш ва зарарнинг қопланишини талаб қилиш ҳуқуқини беради.

1. ФКнинг 174-моддасида ўзига қарашли мол-мулкни сақлаш, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мулкдор зиммасида бўлиши белгиланган. Шундан келиб чиқиб, шарҳланаётган моддада ижарага берувчи ҳамда ижарага олувчи ўртасидаги ижарага олинган мол-мулкни сақлаш мажбурияти аниқлаб берилади. Бунда мол-мулкдан вақтинчалик фойдаланиш эътиборга олинади.

Умумий қоидага кўра, капитал таъмирлаш мажбурияти ижарага берувчи зиммасида бўлади, яъни у ўз ҳисобидан уни амалга оширади. Капитал таъмирлаш шартномада белгиланган муддатларда, агар ушбу муддат шартномада белгиланмаган бўлса, оқилона муддатда амалга оширилиши яъни, мол-мулкдан вазифасига мувофиқ фойдаланишга яроқли ҳолда сақланишини таъминлаши лозим. Шу билан бирга қонунчилик ёки шартномада ушбу мажбурият ижарага олувчи зиммасига юкланиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда ижарага олувчи тегишли ҳаражатларни амалга оширади. Масалан, ФК 568-моддаси ижарага олинган транспорт воситасини капитал таъмирлашни ижарага олувчи зиммасида бўлишига имкон беради.

Шарҳланаётган моддада ижарага олувчи жавобгар бўлмаган ҳолатлар натижасида келиб чиққан шошилинич зарурат туфайли ижарага берувчининг ўз ҳисобидан капитал таъмирлашни амалга оширишига доир императив норма белгиланган. Масалан, агар юқори қаватдан сув тошиши натижасида офис биноси жиддий шикастланса, у ҳолда ижарага берувчи капитал таъминлашни амалга оширишга мажбур бўлади. Бундай таъмирлаш оқилона муддатда яъни, кечиктирмасдан амалга оширилиши англашилади.

Агар капитал таъмирлаш вақтида ижарага олувчи мол-мулкдан фойдаланмаса, у ҳолда ижарага берувчи ижарага олувчидан мол-мулкдан фойдаланганлик учун ҳақ тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлмайди.

2. Қонунда ижарага берувчи томонидан капитал таъмирлаш бўйича мажбуриятларни бажармаганлик оқибатлари назарда тутилган. Ижарага олувчи ижарага берувчига нисбатан қўлланиладиган чоралардан бирини танлаши мумкин. Улар ижарага берилган мол-мулкдаги камчиликлар учун назарда тутилган чораларга ўхшайди (ФК 542-модда). Демак, ижарага олувчи:

– -шартномада белгиланган ёхуд шошилиш зарурат тақозо этаётган капитал таъмирлашни амалга ошириб, таъмирлаш қийматини ижарага берувчидан ундириб олиш ёхуд мол-мулкдан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақ ҳисобига ўтказиш;

– -ижара шартномаси бўйича тўланадиган ҳақни тегишинча камай-тиришни талаб қилиш.

– -шартномани муддатидан олдин бекор қилиш ва зарарнинг қопланишини талаб қилиш ҳуқуқини беради (ФК 324, 382-моддалар шарҳига қаранг).

548-модда. Ижарага олувчининг ижарага олинган мол-мулкни сақлаш мажбуриятлари

Агарда қонун ёки шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ижарага олувчи мол-мулкни яхши ҳолда сақлаши, уни ўз ҳисобидан жорий таъмирлаши ва сақлаш бўйича бошқа харажатларни қилиши лозим.

1. Шарҳланаётган модда ижарага олинган мол-мулкни соз ҳолда сақланишини таъминлашга қаратилган. Олдинги моддадан фаркли равишда ушбу моддада ижарага олувчи мажбуриятлари белгиланган. Ушбу моддада белгиланган нормалар диспозитив характерга эга яъни, агар бошқача ҳол қонун ёки шартномада назарда тутилмаган бўлса қўлланилади.

Умумий қоидага кўра, ижарага олувчи ижарага олувчи зиммасига мол-мулкни яхши ҳолда сақлаш мажбурияти юклатилган яъни, ижарага олинган мол-мулк ҳолатини ёмонлаштирмаслиги лозим. Шу мақсадда ижарага олувчи қонунда ва шартномада назарда тутилган тартибда мол-мулкдан фойдаланиш ва уни сақлаш бўйича барча талаблар бажарилишини таъминлаши лозим. Ижарага олувчи шунингдек, ўз ҳисобидан жорий таъмирлашни, яъни ижарага олинган мол-мулкнинг муддатидан олдин эскириши ва носоз аҳволга келиб қолишининг олдини оладиган таъмирлашларни амалга ошириши зарур.

Бундан ташқари, ижарага олувчи мол-мулкни сақлаш бўйича харажатларни, яъни ижарага олинган бинони тозалаш, мол-мулкни суғурталаш, коммунал тўловларни тўлаш ва ҳ.к. харажатларни амалга оширади.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, шарҳланаётган модда нормалари диспозитив ҳисобланади. Кодекснинг тегишли моддаларига жорий таъмирлаш мажбуриятларига доир қоидалар мавжуд. ФК 563-моддасига кўра, прокат шартномаси бўйича ижарага берилган мол-мулкни жорий таъмирлаш ижарага берувчининг мажбурияти бўлиб ҳисобланади. ФК 566-моддасига мувофиқ, ижарага берувчи ижарага берилган транспорт воситасини соз ҳолда сақлаши, шу жумладан жорий таъмирлашни амалга ошириши зарур.

549-модда. Тарафлар ўзгарганда мол-мулк ижараси шартномасининг ўз кучида қолиши

Ижарага топширилган мол-мулкка нисбатан мулк (хўжалик юришти, оператив бошқариш, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгаллик қилиш) ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши мулк ижараси шартномасининг ўзгартирилиши ёхуд бекор қилиниши учун асос бўлмайди.

Кўчмас мулкни ижарага олган фуқаро вафот этган тақдирда, агар қонун ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, ушбу мол-мулкни ижарага топшириш шартномаси бўйича унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ворисга ўтади. Шартноманинг тузилиши ижарага олувчининг шахсий фазилатлари билан боғлиқ бўлган ҳоллардан ташқари ижарага берувчи бундай вориснинг шартнома амал қилишининг қолган муддатида шартномага қўшилишини рад этишга ҳақли эмас.

1. Мол-мулкни ижарага бериш мулкдорнинг ушбу мол-мулкни тасарруф қилишига доир ҳуқуқларини чекламайди. Бунда ФК 9-моддасига кўра, фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги лозим. Шундан келиб чиққан ҳолда шарҳланаётган модда ижарага топширилган мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши ҳолатларида ижарага олувчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимояланишига қаратилган. Бундай тарзда мулк ҳуқуқини бошқа шахсга ўтиши мулк ижараси шартномасини ўзгартирилиши ёки бекор қилинишини келтириб чиқармайди. Ушбу қоида шунингдек, мулкдор бўлмаган шахсларнинг ашёвий (хўжалик

юритиш, оператив бошқариш, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш) ҳуқуқларини бошқа шахсга ўтиш ҳолларида ҳам амал қилади.

2. Агар мулк ижараси шартномасининг объекти бўлиб кўчмас мулк ҳисобланса ва уни ижарага олувчи сифатида фуқаро иштирок этса, у ҳолда ижарага олувчи вафот этган ҳолларда мулк ижараси юзасидан унинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари мерос таркибига киритилади (ФК 1113-моддаси). Бу диспозитив норма ҳисобланади, яъни қонун ёки шартномада бошқача ҳол белгиланмаган бўлса қўлланилади. Ижарага олувчининг меросхўри мулк ижараси бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларни қабул қилиши ҳам, қабул қилмаслиги ҳам мумкин (ФК 1145 ва 1147-моддалари шарҳига қаранг). Бундан ташқари, у нолойиқ меросхўр сифатида, шу жумладан мулк ижараси шартномаси бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларга доир меросдан четлаштирилиши ҳам мумкин (ФК 1119-моддаси шарҳига қаранг).

Ижарага берувчи ижарага олувчининг меросхўрларидан мулк ижараси шартномасини давом эттиришни талаб қилишга ҳақли эмас. Аксинча, ижарага берувчи шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларни қабул қилган меросхўрларга шартнома амал қилишининг қолган даври учун меросхўрлар қатнашишини рад қилишга ҳақли эмас. Бунда истисно ҳолат ҳам мавжуд. Яъни, агар мулк ижараси шартномаси ижарага олувчининг шахсий фазилатлари, жиҳатлари билан боғлиқ бўлган бўлса, масалан, ижарага олувчи расом бўлиб кўчмас мулкдан фойдаланганлик учун ижара ҳақи сифатида муайян санъат асарини чизиб бериш мажбуриятини олган бўлса, ижарага берувчи меросхўрларга шартномани давом эттиришни рад қилиши мумкин.

550-модда. Мулк ижараси шартномаси муддатидан олдин бекор қилинганида иккиламчи ижара шартномасининг бекор бўлиши

Агар мулк ижараси шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мулк ижараси шартномасининг муддатидан олдин бекор қилиниши унга мувофиқ тузилган иккиламчи ижара шартномасининг бекор бўлишига олиб келади. Бу ҳолда иккиламчи ижарага олувчи иккиламчи ижаранинг қолган муддати давомида иккиламчи ижара шартномасига мувофиқ ўзи фойдаланиб келган мол-мулкни бекор бўлган мулк ижараси шартномасининг тегишли шартлари асосида ижарага олиш ҳақида шартнома тузиши мумкин.

Агар мулк ижараси шартномаси ушбу Кодексда назарда тутилган асослар бўйича ҳақиқий эмас деб топилса, унга мувофиқ тузилган иккиламчи ижара шартномалари ҳам ҳақиқий эмас деб топилади.

1. Иккиламчи ижара ўз мазмунига кўра мулк ижараси шартномасидан келиб чиқади. Жумладан, мазкур шартнома мулк ижараси шартномаси муддатидан ортиқ муддатга тузилиши мумкин эмас. Бундан келиб чиқиб, шарҳланаётган моддада диспозитив норма белгиланган бўлиб, унга кўра мулк ижараси шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш унга асосан тузилган иккиламчи ижара шартномасининг бекор қилинишига олиб келади. Шу билан бирга, мулк ижараси шартномасининг муддатидан олдин бекор бўлиши иккиламчи ижарага олувчининг манфаатлари ҳисобга олинмаслигини англатмайди, чунки иккиламчи ижара шартномаси ижарага берувчининг розилиги билан тузилади. Шу сабабли иккиламчи ижара шартномаси тугатилса ҳам, иккиламчи ижарага олувчи ижарага олувчидан иккиламчи ижаранинг қолган муддати давомида иккиламчи ижара шартномасига мувофиқ ўзи фойдаланиб келган мол-мулкни бекор бўлган мулк ижараси шартномасининг тегишли шартлари асосида ижарага олиш ҳақида шартнома тузишни талаб қилиш ҳуқуқини олади.

2. Иккиламчи ижара шартномаси мулк ижараси шартномасидан келиб чиқишини эътиборга олиб, мулк ижараси шартномасининг ҳақиқий эмас деб топиллиши иккиламчи ижаранинг ҳам ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаради. Бу ФК 114-моддасига кўра, ҳақиқий бўлмаган битим унинг ҳақиқий эмаслиги билан боғлиқ бўлган оқибатлардан ташқари бошқа юридик оқибатларга олиб келмаслиги билан боғлиқ. Иккиламчи ижара у тузилган вақтдан бошлаб ҳақиқий саналмайди.

551-модда. Ижарага берувчининг талаби бўйича мулк ижараси шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш

Мулк ижараси шартномаси ижарага берувчининг талаби билан суд томонидан муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин, агар ижарага олувчи:

ижарага берувчининг ёзма огоҳлантиришига қарамасдан мол-мулкдан шартнома шартларини ёки мол-мулкнинг вазифаларини жиддий равишда бузган ёхуд бир неча марта бузган ҳолда фойдаланса;

мол-мулкни жиддий ёмонлаштира;

шартномада белгиланган тўлов муддатини кетма-кет икки мартадан ортиқ бузиб, мол-мулкдан фойдаланганлик учун ҳақ тўламаса; қонун ҳужжатларига ёки шартномага мувофиқ капитал таъмирлаш ишларини бажариш ижарага олувчи зиммасидаги мажбурият бўлган ҳолларда шартномада белгиланган муддатларда, шартномада бундай муддат белгиланган бўлмаса, оқилона муддатларда мол-мулкни капитал таъмирлашни амалга оширмаса.

Мулк ижараси шартномасида ушбу Кодекснинг 382-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ ижарага берувчининг талаби билан шартномани муддатидан олдин бекор қилишнинг бошқа асослари ҳам белгиланиши мумкин.

Ижарага берувчи ижарага олувчини ёзма равишда огоҳлантириганидан ва унга ўз мажбуриятларини бажариш учун имконият берганидан кейингина шартнома муддатидан олдин бекор қилинишини талаб қилишга ҳақли.

1. ФК 382-моддаси 2 қисмида агар шартнома бўйича тарафлардан бири шартномани жиддий равишда бузса иккинчи тарафнинг талаби билан шартнома суд томонидан бекор қилиниши мумкин.

ФК 551 ва 552-моддаларида мулк ижараси шартномаси тарафларидан бирининг талаби билан шартномани муддатидан олдин бекор қилиш асослари кўрсатиб ўтилган.

Ижарага берувчи ижарага олувчи ўз мажбуриятларини бажармаса, суд тартибида қуйидаги ҳолларда талаб қилиши мумкин:

1) ижарага берувчининг ёзма огоҳлантиришига қарамасдан мол-мулкдан шартнома шартларини ёки мол-мулкнинг вазифаларини жиддий равишда бузган ёхуд бир неча марта бузган ҳолда фойдаланса (ФК 545-моддаси шарҳига қаранг);

2) мол-мулкни жиддий ёмонлаштира, бу ўз навбатида ижарага олинган мол-мулкни сақлаш мажбуриятини бузиш натижасида юз беради (ФК 548-моддаси шарҳига қаранг);

3) шартномада белгиланган тўлов муддатини кетма-кет икки мартадан ортиқ бузиб, мол-мулкдан фойдаланганлик учун ҳақ тўламаса. Ушбу чора ФК 544-моддаси 7-қисмида белгиланган чоралар самара бермаган ҳолларда, шунингдек ушбу чора тўғридан-тўғри ҳам қўлланилиши мумкин.

4) қонун ҳужжатларига ёки шартномага мувофиқ капитал таъмирлаш мажбуриятини амалга оширмаса. Ушбу мажбурият ижарага олувчи зиммасига фақат қонун ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда юклатилиши мумкин.

Юқорида кўрсатиб ўтилган тўртта асос императив норма бўлиб тарафлар келишуви билан ўзгартирилиши мумкин эмас. Бунда тарафлар шартномада мулк ижараси шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш асосларини назарда тутишлари мумкин.

Кўрсатиб ўтилган асослардан бирининг мавжуд бўлиши шартномани муддатидан олдин бекор қилишни талаб қилиш учун етарли бўлиб ҳисобланади.

2. Ижарага берувчи судга шартномани муддатидан олдин бекор қилишни талаб қилиб мурожаат қилишидан олдин ижарага олувчини оқилона муддатда мажбуриятларни бажариши зарурлиги ҳақида ёзма равишда огоҳлантириши лозим. Бунда судга мурожаат қилингунча ижарага олувчи томонидан йўл қўйилган бузилишларни бартараф этиш муддати ўтган бўлиши лозим. Акс ҳолда ижарага олувчи ушбу камчиликларни бартараф этиш имкониятидан маҳрум бўлган бўлади ва суд томонидан даъво аризасини қабул қилиш рад қилинишига асос бўлади.

552-модда. Ижарага олувчининг талаби билан мулк ижараси шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш

Ижарага олувчининг талаби билан мулк ижараси шартномаси суд томонидан муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин, агар:

ижарага берувчи мол-мулкни фойдаланиш учун ижарага олувчига бермаса ёки мол-мулкдан шартнома шартларига ёхуд мол-мулкнинг вазифасига мувофиқ фойдаланишга тўсқинлик қилса;

ижарага олувчига топширилган мол-мулкда ундан фойдаланишга тўсқинлик қиладиган камчиликлар бўлиб, уларни ижарага берувчи шартнома тузиш вақтида айтиб ўтмаган, ижарага олувчига олдиндан маълум бўлмаган ва шартнома тузаётганда мол-мулкни кўздан кечириш ёхуд унинг созлигини текшириш вақтида аниқланиши мумкин бўлмаган бўлса;

ижарага берувчи шартномада белгиланган муддатларда, агарда шартномада муддат белгиланган бўлмаса, оқилона муддатларда

ўз зиммасидаги мол-мулкни капитал таъмирлаш мажбуриятини бажармаса;

ижарага олувчи жавобгар бўлмаган ҳолатлар туфайли мол-мулк фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолса.

Мулк ижараси шартномасида ушбу Кодекс 382-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ ижарага олувчининг талаби билан шартномани муддатидан олдин бекор қилишнинг бошқа асослари ҳам белгиланиши мумкин.

1. Суд тартибида ижарага олувчи асосан, ижарага олувчи томонидан мажбуриятларни бажармаганлик учун мулк ижараси шартномасини бекор қилишни куйидаги ҳолларда талаб қилиши мумкин:

1) ижарага берувчи мол-мулкни фойдаланиш учун ижарага олувчига бермаса ёки мол-мулкдан шартнома шартларига ёхуд мол-мулкнинг вазифасига мувофиқ фойдаланишга тўсқинлик қилса (ФК 541-моддаси шарҳига қаранг);

2) ижарага олувчига топширилган мол-мулкда ундан фойдаланишга тўсқинлик қиладиган камчиликлар бўлиб, ушбу камчиликлар учун ижарага олувчи жавобгар бўлмаган ҳолларда. (ФК 542-моддаси шарҳига қаранг);

3) ижарага берувчи ўз зиммасидаги мол-мулкни капитал таъмирлаш мажбуриятини бажармаса. (ФК 547-моддаси шарҳига қаранг);

4) ижарага олувчи жавобгар бўлмаган ҳолатлар туфайли мол-мулк фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолса. Ушбу ҳолатда сўз мол-мулкни яроқсиз бўлиб қолиши тасодифий ҳолатлар ёки енгиб бўлмас куч таъсирида юз бериши ҳақида боради. Ваҳоланки, мол-мулкни яроқсиз бўлиб қолиши ижарага берувчи томонидан капитал таъмирлаш ишларини бажармаслик оқибатида ҳам келиб чиқиши мумкин.

Ижарага берувчи томонидан мол-мулк ижарага топширилаётган вақтда ушбу мол-мулкка нисбатан учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари мавжудлиги ҳақида ижарага олувчини огоҳлантирмаслиги ижарага олувчининг талабига кўра мулк ижараси шартномасини суд тартибида бекор қилишга асос бўлади (ФК 543-моддаси шарҳига қаранг).

ФК 541-моддасида белгилангани каби юқорида кўрсатиб ўтилган барча асослар императив характерга эга. Мулк ижараси шартномаси тарафлари томонидан ижарага олувчининг талабига кўра шартномани муддатидан олдин бекор қилишнинг қўшимча асослари белгиланиши мумкин.

2. ФК 551-моддасидан фарқли равишда ижарага олувчи ижарага берувчига ёзма огоҳлантириш юбориш ёки унинг мажбуриятларни бажариши учун имконият беришга мажбур эмас. Шу билан бирга ФК 384-моддасига кўра, ижарага олувчи судга қадар бўлган босқичда шартномани муддатидан олдин бекор қилиш масаласини ҳал қилиш чораларини кўриши лозим. Яъни, мулк ижараси шартномасини бекор қилиш ҳақидаги талаб билан ижарага олувчи судга мурожаат қилишдан олдин ижарага берувчи томонидан шартномани бекор қилиш ҳақидаги талаб рад қилинган бўлиши ёки қонунда ёки шартномада ёхуд таклифда белгиланган муддатда унга жавоб олмаган бўлса, унда ушбу муддат белгиланмаган бўлса ўттиз кунлик муддат ўтган бўлиши лозим.

553-модда. Янги муддатга мулк ижараси шартномаси тузишда ижарага олувчининг имтиёзли ҳуқуқи

Агарда қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ўз мажбуриятларини лозим даражада бажарган ижарага олувчи шартнома муддати тугаганидан кейин янги муддатга мулк ижараси шартномасини тузишда шароитлар тенг бўлган ҳолларда бошқа шахсларга нисбатан имтиёзли ҳуқуққа эга бўлади. Ижарага олувчи ижарага берувчини мулк ижараси шартномасида белгиланган муддатда, агар шартномада бундай муддат белгиланган бўлмаса, шартноманинг амал қилиши тамом бўлгунча оқилона муддатда бундай шартномани тузиш истаги ҳақида ёзма равишда огоҳлантириши лозим.

Мулк ижараси шартномасини янги муддатга тузишда шартнома шартлари тарафларнинг келишуви асосида ўзгартирилиши мумкин.

Агар ижарага берувчи ижарага олувчи билан янги муддатга шартнома тузишни рад этса-ю, аммо у билан тузилган шартнома муддати тугаганидан кейин бир йил ичида бошқа шахс билан мулк ижараси шартномасини тузса, ижарага олувчи ўз хоҳишига кўра ё тузилган шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар ўзига ўтказилишини ва ўзи билан шартномани янгилашни рад этиш оқибатида ўзига етказилган зарарнинг тўланишини ёки фақат зарарнинг ўзи тўланишини суд орқали талаб қилишга ҳақли.

Агар мулк ижараси шартномасининг муддати тамом бўлганидан кейин ҳам ижарага олувчи мулкдан фойдаланишни давом эттирса ва ижарага берувчи бунга эътироз билдирмаган бўлса, шартнома аввалги шартлар асосида номаълум муддатга қайтадан тузилган ҳисобланади.

1. Шархланаётган модданинг нормалари мулк ижараси шартномаси бўйича муносабатлар барқарор бўлишини таъминлашга қаратилган. Бунда шартноманинг ҳар иккала тарафининг манфаатлари етарли даражада таъминланади.

Ижарага олувчининг манфаатлари бошқа шахслар олдида янги муддатга шартнома тузишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўлишида намоён бўлади.

Ижарага берувчининг манфаатлари эса, конунда ижарага олувчи муайян шартларга риоя қилган ҳолларда имтиёзли ҳуқуққа эга бўлиши белгиланиши билан таъминланади. Ушбу шартларга риоя қилинмаса, у ҳолда ижарага берувчи ўз хоҳишига кўра бошқа шахслар билан шартнома тузишга ҳақли.

2. Ижарага олувчининг мулк ижараси шартномасини янги муддатга тузишда имтиёзли ҳуқуқи кўйидаги шартларга риоя қилинган ҳолларда амалга оширилиши мумкин:

1) аввал тузилган шартнома бўйича мажбуриятларни лозим даражада бажарганлик. Булар жумласига мол-мулкдан фойдаланганлик учун ўз вақтида ҳақ тўлаш (ФК 544-моддаси), мол-мулкдан шартнома шартларига (мол-мулкнинг вазифасига) мувофиқ фойдаланиши (ФК 545-модда), мол-мулкни соз ҳолда сақлаши, жорий таъмирлашни амалга ошириши ва мол-мулкни сақлаш бўйича ҳаражатларни амалга ошириши (ФК 548-модда). Ижарага олувчи томонидан ўз мажбуриятларини бажармаслиги шу жумладан, ФК 551-моддасида назарда тутилган мажбуриятларни бажармаган ҳолларда у имтиёзли ҳуқуқдан маҳрум бўлади;

2) бошқа шахслар билан шароитлар тенг бўлган ҳолларда мулк ижараси шартномасини тузишга тайёр бўлиши. Бу мол-мулкдан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақ миқдорида (ФК 544-моддаси), мол-мулкни капитал таъмирлашни амалга ошириши (ФК 547-моддаси), ижарага олувчи томонидан амалга оширилган ажратилиши мумкин бўлган яхшилашлар тақдири (ФК 555-моддаси) ва ҳ.к. даҳлдор бўлиши мумкин;

3) ижарага олувчи ижарага берувчини мулк ижараси шартномасида белгиланган муддатда, агар шартномада бундай муддат белгиланган

бўлмаса, шартноманинг амал қилиши тамом бўлгунча оқилона муддатда бундай шартномани тузиш истаги ҳақида ёзма равишда огоҳлантириши лозим. Оқилона муддат бўлиши учун ушбу муддат янги муддатга ижарага шартномасини тузиш имконини бериши лозим.

Ижарага олувчининг мулк ижараси шартномасини дастлабки шартларда номуайян муддатга тузиш ҳуқуқи қуйидаги шартларга риоя қилинганда амалга оширилиши мумкин:

1) шартнома муддати тугагандан сўнг ижарага олувчи томонидан мол-мулкдан фойдаланиш давом этса;

2) ижарага берувчи томонидан ижарага олувчининг мол-мулкдан фойдаланишда давом этишига эътироз билдирмаслиги.

ФК 540-моддасига кўра, номуайян муддатга тузилган мулк ижараси шартномасининг ҳар икки тарафи ҳам ёзма равишда улардан бирининг талаби билан бир ой олдин, кўчмас мулк ижарасида эса уч ой олдин огоҳлантирган ҳолда истаган вақтда шартномадан воз кечиши мумкин.

3. Янги муддатга мулк ижараси шартномаси тузишда ижарага олувчининг имтиёзли ҳуқуқи ҳақидаги қоида диспозитив бўлиб, бошқача қоида қонун ёки шартномада назарда тутилмаган ҳолларда қўлланилади. Масалан, кўрсатилган қоида прокат шартномасига (ФК 559-модда), транспорт воситалари ижараси шартномасига (ФК 564-модда) қўлланилмайди.

Янги муддатга мулк ижараси шартномасини тузиш тарафларга унинг шартларини ўзгартириш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди ва бу ҳолат ФК 354-моддаси қоидасига мос келади.

4. Агар юқорида кўрсатиб ўтилган барча шартларга ижарага олувчи томонидан риоя қилинган бўлса, ижарага берувчи ижарага олувчига янги муддатга мулк ижараси шартномасини тузишни рад қилиши мумкин эмас. Ушбу қоида шартнома муддати тугагандан сўнг бир йил давомида амал қилади.

Агар кўрсатилган муддатда ижарага берувчи ушбу мол-мулк юзасидан мулк ижараси шартномаси дастлабки ижарага олувчи билан эмас, балки бошқа шахс билан тузилган бўлса, у ҳолда ноқулай оқибатлар келтириб чиқаради. Ижарага олувчи ижарага олувчини янги муддатга мулк ижараси шартномасини тузишга мажбур қилишни ҳамда етказилган зарарларни қоплашни сўраб судга мурожаат қилишга ҳақли. Ижарага олувчи янги муддатга мулк ижараси шартномасини тузишни рад қилганлик учун ўзига етказилган зарарни қоплаш билан чекланиши ҳам мумкин.

554-модда. Мол-мулкни ижарага берувчига қайтариш

Мулк ижараси шартномаси бекор бўлганидан кейин ижарага олувчи ижарага берувчига мол-мулкни ўзига топширилган ҳолатда, нормал эскиришни ҳисобга олиб ёки шартномада келишилган ҳолатда қайтариши лозим.

Агар ижарага олувчи ижарага олган мол-мулкни қайтармаса ёки кечиктириб қайтарса, ижарага берувчи кечиктирилган барча вақт давомида мол-мулкдан фойдаланганлик учун ҳақ тўлашни талаб қилишга ҳақли. Бу ҳақ ижарага берувчи кўрган зарарни қопламаган тақдирда зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Ижарага олинган мол-мулк ўз вақтида қайтарилмаганлиги учун шартномада неустойка ундириш назарда тутилган тақдирда, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, неустойкадан ташқари зарар тўлиқ миқдорда ундирилиши мумкин.

1. Мулк ижараси шартномаси шартнома амал қилишининг тугаши билан ёки тарафларнинг келишувига кўра ёхуд суд қарорига асосан бекор қилиниши мумкин (ФК 382, 383, 551, 552-моддалар).

Ижарага олувчи зиммасига шартнома шартларига (мол-мулкнинг вазифасига) мувофиқ фойдаланиш, мол-мулкни соз ҳолда сақлаш, ўз ҳисобидан жорий таъмирлашни амалга ошириш мажбурияти юклатилган.

Кўрсатиб ўтилган мажбуриятлардан келиб чиқиб, мулк ижараси шартномаси тугатилганда ижарага олувчига зиммасига мол-мулкни соз ҳолда сақлаш мажбурияти юклатилади. Бу ижарага олувчи ижарага берувчига мол-мулкни ўзига топширилган ҳолатда, нормал эскиришни ҳисобга олиб ёки шартномада келишилган ҳолатда қайтариши лозимлигини англатади. Жумладан, шартномада ижарага олувчи томонидан мол-мулкни қайтариш вақтида мол-мулкка тегишлича яхшиланишлар киритиш назарда тутилиши мумкин (ФК 555-моддаси шарҳига қаранг).

2. Ижарага олувчи томонидан мулк ижараси шартномаси тугагандан сўнг ижарага олган мол-мулкни қайтармаслик ёки кечиктириб қайтариши ижарага берувчи манфаатларини бузади. Шу боисдан мулк ижараси шартномаси тугагандан сўнг ижарага берувчига кечиктирилган барча вақт давомида мол-мулкдан фойдаланганлик учун ҳақ тўлашни талаб қилиш ҳуқуқи берилади.

Ижарага олувчи томонидан кечиктириш натижасида етказилган зарарни тўлиқ қоплаш мақсадида ижарага берувчи етказилган зарарларни, шу жумладан бой берилган фойдани қоплашни талаб қилишга ҳақли. Ушбу зарарлар ижарага олинган мол-мулкни тасодифан нобуд бўлган ҳолларда ҳам келиб чиқиши мумкин (ФК 337-моддаси шарҳига қаранг).

Мулк ижараси шартномасида ижарага олинган мол-мулкни ўз вақтида қайтармаганлик учун неустойка тўлаш назарда тутилиши мумкин ва уни ундириш учун ижарага берувчи томонидан унга етказилган зарарни исботлаш талаб қилинмайди. Шарҳланаётган моддада диспозитив норма белгиланган бўлиб, у шартномавий неустойкадан ортиқча суммадаги зарарларни қоплашга қаратилган, яъни, неустойка жазолаш функциясини (жаримали неустойка) бажаради. Шартномада неустойка ундириш ва зарарларни қоплашга доир бошқа шарт белгиланиши ҳам мумкин.

555-модда. Ижарага олинган мол-мулкни яхшилаш

Агарда мулк ижараси шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ижарага олувчи томонидан мол-мулкнинг ажратиб олса бўладиган тарзда яхшиланиши унинг мулки ҳисобланади.

Ижарага олувчи ижарага олинган мол-мулкни ўз маблағлари ҳисобидан ва ижарага берувчининг розилиги билан яхшилаган, бу яхшилашни мол-мулкка зарар етказмаган ҳолда ажратиб олиш мумкин бўлмаган тақдирда, ижарага олувчи шартнома бекор бўлганидан кейин, башарти шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, бу яхшилашлар қийматини тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ижарага олувчи томонидан ижарага берувчининг розилигисиз амалга оширилган ва ижарага берилган мол-мулкдан ажратиб олиб бўлмайдиган яхшилашларнинг қиймати тўланмайди.

Ижарага олинган мол-мулкдан амортизация ажратмалари ҳисобига амалга оширилган, мол-мулкдан ажратиб олиш мумкин бўлган ва мумкин бўлмаган яхшилашлар ижарага берувчининг мулки бўлади.

1. Ижарага олинган мол-мулкка эгалик қилиш ва фойдаланиш жараёнида ижарага олувчи томонидан мол-мулкнинг ажратиб олса

бўладиган тарзда ва ижарага берилган мол-мулкдан ажратиб олиб бўлмайдиган яхшилашларни қилиши мумкин. Ажратиб олса бўладиган тарздаги яхшилашлар жумласига бундай тарзда ажратиб олиш натижасида мол-мулкка зарар етказмасликни киритиш мумкин. Бошқа яхшилашлар эса, ажратиб олиб бўлмайдиган яхшилашлар ҳисобланади яъни, яхшиланишлар ажратиб олинishi натижасида мол-мулкка зарар етишига олиб келади. Бундай яхшиланишлар жумласига, қонун ёки шартномага мувофиқ ижарага олувчи зиммасига юклатилган мажбурият бўлмаган ҳолда ижарага олувчи томонидан бинони капитал таъмирлашга доир яхшилашларини мисол қилиш мумкин.

Яхшилашлар ижарага берувчининг розилиги билан ҳам, унинг розилигисиз ҳам амалга оширилиши мумкин.

Яхшилашлар тақдири уларни ажратиб олиш мумкин ёки мумкин эмаслигига, шунингдек ижарага берувчи розилиги билан ёки розилигисиз амалга оширилганига боғлиқ бўлади.

Мол мулкдан ажратиб олинishi мумкин бўлган яхшилашлар ижарага олувчининг мулки ҳисобланади. Ушбу қоида мулк ижараси шартномасида ўзгартирилиши мумкин.

2. Агар мол-мулкдан ажратиб олса бўлмайдиган яхшилашлар ижарага олувчи маблағлари ҳисобидан ва ижарага олувчи розилиги билан амалга оширилган бўлса, у ҳолда шартнома тугагандан сўнг, ушбу яхшилашлар қиймати ижарага берувчи томонидан қопланиши лозим. ушбу қоида ҳам диспозитив бўлиб, яъни тарафлар бошқа қоида ҳам белгилашлари масалан, ижарага олувчи амалга оширган яхшилашлар ҳақини ижарага берувчи тўлаш мажбуриятидан озод қилишни назарда тутишлари мумкин.

Агар ушбу яхшилашлар ижарага берувчи розилигисиз амалга оширилган бўлса, бошқа ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқаради. Бундай яхшилашлар қопланмайди. Қонун фақат ижарага берувчининг розилигисиз амалга оширилган яхшилашлар қийматини қоплаб бериш мажбуриятини юклаши мумкин. Масалан, ФК 584-моддаси корхонани ижарага олиш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, корхонани ижарага олувчи ижарага берувчининг руҳсатидан қатъи назар, ижарага олинган мол-мулкни ажратиб бўлмайдиган тарзда яхшилаш қийматини олишга ҳақли бўлишини назарда тутлади.

3. Ижарага олинган мол-мулкка қилинган ҳар қандай яхшилашлар агар у ижарага олувчи томонидан амортизация ажратмалари ҳисобига амалга оширилган бўлса, ижарага берувчининг мулки ҳисобланади. Бунда ушбу яхшилашлар ижарага берувчининг розилиги билан амалга оширилган ёки розилигисиз амалга оширилгани аҳамиятга эга эмас.

Амортизация фойдали хизмат муддати мобайнида активнинг амортизацияланадиган қийматини асосий воситаларнинг вазифасидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига ёки давр харажатларига мунтазам тақсимлаш ва ўтказиш кўринишида эскиришнинг қиймат ифодаси ҳисобланади. Амортизация ажратмалари объект фойдаланишга туширилгандан кейинги ойдан бошлаб ҳисобланади. Амортизация ажратмалари суммаси ташкилотнинг алоҳида ҳисобварағига ҳисобга олинади (Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” ги қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БХМС № 5, адлия вазирлигида 2004 йил 20 январда № 1299 сон билан рўйхатга олинган). Демак, амортизация ажратмалари суммаси ижарага берувчи мулки ҳисобланади.

556-модда. Ижарага олинган мол-мулкни сотиб олиш

Мулк ижараси шартномасида ижарага олинган мол-мулк ижара шартномасининг муддати тамом бўлганидан кейин ёки тамом бўлмасдан олдин ижарага олувчи шартномада келишилган сотиб олиш баҳосининг ҳаммасини тўлаган тақдирда унинг мулкига айланиши назарда тутилиши мумкин.

Агар ижарага олинган мол-мулкни сотиб олиш шarti шартномада назарда тутилмаган бўлса, у тарафларнинг қўшимча келишуви билан белгиланиши мумкин, бунда тарафлар мол-мулкдан фойдаланганлик учун илгари тўланган ҳақни харид нархига киритиш тўғрисида келишишга ҳақлидирлар.

Қонуларда ижарага олинган мол-мулкни сотиб олишни тақиқлаш ҳоллари белгилаб қўйилиши мумкин.

1. Ижарага олинган мол-мулкни сотиб олиш, яъни ижарага олувчига уни мулк қилиб топшириш фақат шартномада назарда тутилган ҳоллардагина амалга оширилади. Бунда сотиб олиш мулк ижараси шарт-

номаси тугагандан сўнг, шунингдек ушбу муддат тугашидан олдин ҳам амалга ошиши мумкин. Сотиб олишнинг мажбурий шarti бўлиб ижарага олувчи томонидан шартномада белгиланган сотиб олиш баҳосини тўлиқ тўлаш ҳисобланади.

Ижарага олинган мол-мулкни сотиб олиш шarti мулк ижараси шартномасида, шунингдек ижарага олувчи ва ижарага берувчи ўртасида тузиладиган қўшимча шартномада ҳам назарда тутилиши мумкин яъни, ҳар қандай ҳолатда ҳам ушбу масала тарафлар келишуви билан ҳал қилинади. Агар мол-мулкни сотиб олиш тарафлар ўртасида тузилган қўшимча келишувга мувофиқ амалга оширилса, у ҳолда улар мол-мулкдан фойдаланганлик учун илгари тўланган ҳақни сотиб олиш ҳақи ҳисобига ўтказиш ҳақида келишишга ҳақли.

Агар қонун ҳужатларида ижарага олинган мол-мулкни сотиб олишга тақиқ ўрнатилган бўлса, бундай шартни мулк ижараси шартномасига киритиш ҳамда бу юзасидан қўшимча келишувга эришиш мумкин бўлмайди. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги» қонунига кўра, давлат тасарруфидан чиқарилиши ва хусусийлаштирилиши мумкин бўлмаган мол-мулк сотиб олиниши мумкин эмас. Чунончи, ер (қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно), ер ости бойликлари, ички сувлар, ҳаво бўшлиғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, ўқ отар қуролларни ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва сотишни амалга оширувчи корхона ва ташкилотлар, портловчи ва заҳарли моддаларни ташишга ихтисослашган корхоналар шулар жумласидандир.

557-модда. Мулк ижараси айрим турларининг ва айрим турдаги мол-мулкни ижарага беришнинг хусусиятлари

Мулк ижараси шартномасининг айрим турларига ва айрим турдаги мол-мулкни ижарага бериш шартномаларига (прокат, транспорт воситалари ижараси, корхоналар ижараси, молиявий маблағлар ижараси ва ҳоказолар), агарда ушбу Кодекснинг қоидаларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ушбу параграфда назарда тутилган қоидалар қўлланади.

1. Шарҳланаётган модда мулк ижараси муносабатларини тартибга солувчи умумий ва махсус нормаларнинг ўзаро нисбатани белгилайди. Бунда устуворлик махсус нормаларга яъни, умумий қоидалар (ФК 535–556-моддалари) мулк ижараси шартномасининг алоҳида турларига нисбатан, агар Кодекснинг прокат (ФК 558–563-моддаси), транспорт воситалари ижараси (ФК 564–572-моддаси), корхона ижараси (ФК 579–586-моддаси), лизинг (ФК 587–599-моддаси ва ҳ.к.ларда бошқа қоида белгиланмаган бўлса қўлланилади.

Мулк ижараси шартномаси шакли (ФК 539-моддаси), ижарага олинган мол-мулкни тасарруф қилиш (ФК 547, 548-моддаси), янги муддатга мулк ижараси шартномаси тузишда имтиёзли ҳуқуқ (ФК 553-моддаси), мулк ижарасининг алоҳида турларига доир қоидаларда мулк ижараси шартномаси умумий нормаларидан фарқ қилувчи қоидалар ўрнатилган (ФК 559, 563, 565, 566, 574, 580-моддалари).

2-§. ПРОКАТ

558-модда. Прокат шартномаси

Прокат шартномаси бўйича доимий тадбиркорлик фаолияти сифатида мол-мулкни ижарага берувчи ҳақ эвазига ижарага олувчига вақтинчалик эгаллик қилиш ва фойдаланиш учун кўчар мол-мулкни топшириш мажбуриятини олади.

Прокат шартномаси бўйича топширилган мол-мулкдан, агар шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса ёки у мажбурият моҳиятидан келиб чиқмаса, истеъмол мақсадларида фойдаланилади.

Прокат шартномаси ёзма шаклда тузилади. Прокат шартномаси оммавийдир.

1. Прокат шартномаси мулк ижараси шартномасининг бир тури ҳисобланади. Мулк ижарасининг ушбу тури шартнома мақсади, субъектлар таркиби, шартнома тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шартнома объекти билан боғлиқ бўлган ўзига хос хусусиятларга эга.

Прокат шартномаси бўйича ижарага берувчи сифатида тадбиркорлик фаолияти субъектлари — юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбир-

корлар иштирок этиши мумкин. Бунда ижарага берувчининг фаолияти бир марталик бўлмасдан, балки тизимли равишда амалга ошириладиган фаолият бўлиши лозим. Бунда ижарага берувчи фаолияти асосий (масалан, прокат пунктлари), шунингдек кўшимча фаолият (масалан, меҳмонхоналар, дам олиш зоналари, спорт клублари) бўлиши ҳам мумкин.

Прокат шартномасининг нарсаси фақат кўчар мол-мулк ҳисобланади (ФК 83-моддасига қаранг). Прокат шартномаси бўйича мол-мулк қоида тариқасида истеъмол мақсадида тақдим қилинади. Ушбу мақсадда масалан, уй-жой анжомлари, маиший техника, мусиқа асбоблари, видео ва аудио техника воситалари берилиши мумкин. Прокат шартномасида агар мажбурият моҳиятидан бошқа ҳол англашилмаса, мол-мулк истеъмол мақсадида берилмаслиги ҳам мумкин. Бундай ҳолларда прокат объекти бўлиб масалан, асбоблар, жиҳозлар ҳамда бошқа техника воситалари бўлиши мумкин.

Прокат шартномаси бўйича мол-мулкни бериш мақсадидан келиб чиқиб, ижарага олувчи сифатида жисмоний шахслар, шу жумладан якка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда юридик шахслар ҳам иштирок этиши мумкин.

2. Ижара шартномаси ҳар қандай ҳолатда ҳам ёзма шаклда тузилади ва бу ҳолат унинг ўзига хос хусусияти саналади. Умумий қоида бўйича, жисмоний шахслар ўртасида бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга тузиладиган мулк ижараси шартномаси оғзаки шаклда тузилиши мумкин (ФК 539-моддаси шарҳига қаранг). Одатда прокат шартномаси бўйича ашёни бериш мажбурияти патта тақдим қилиш асосида расмийлаштирилади.

Прокат шартномаси оммавий ҳисобланади ва тегишлича унга нисбатан ФКнинг 358-моддаси қоидалари қўлланилади. Шу сабабли доимий тадбиркорлик фаолияти сифатида мол-мулкни ижарага бериш хизматини кўрсатиш билан шуғулланувчи ташкилот ёки якка тартибдаги тадбиркор ўзига мурожаат қиладиган ҳар қандай шахсга ушбу хизматларни кўрсатишга мажбур. Акс ҳолда манфаатдор шахс мажбурий тартибда шартнома тузишни ҳамда прокат шартномаси тузишни рад этиши натижасида ўзига етказилган зарарларни қоплашни сўраб судга мурожаат қилишга ҳақли бўлади.

559-модда. Прокат шартномасининг муддати

Прокат шартномаси бир йилгача муддатга тузилади.

Мулк ижараси шартномасини номуайян муддатга қайтадан тузиш ва ижарага олувчининг мулк ижараси шартномасини қайтадан тузишга имтиёзли ҳуқуқи ҳақидаги қоидалар прокат шартномасига нисбатан қўлланмайди.

Ижарага олувчи прокат шартномасини бажаришни истаган вақтида рад этишга ҳақли.

1. Прокат шартномаси амал қилишининг энг узок муддати бир йилни ташкил қилади. Бу ФК 540-моддаси қоидаларини эътиборга олган ҳолда, тарафлар прокат шартномаси муддатини мустақил равишда бироқ, бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга белгилашлари мумкинлигини англайди. Агар шартнома бир йилдан ортиқ муддатга тузилган бўлса, у ҳолда мазкур шартнома бир йил муддатга тузилган ҳисобланади. Агар прокат шартномасида муддат белгиланмаган бўлса ва тарафлардан биронтаси ҳам бир йил муддат ўтгунича шартномадан воз кечмаса, у ҳолда шартнома бир йил ўтгандан сўнг тугатилади.

2. ФК 553-моддасида белгиланган умумий қоидалардан фарқли равишда, шарҳланаётган моддада ижарачига прокат шартномасини янги муддатга қайта тузишда имтиёзли ҳуқуқ берилмайди. Шунингдек, ижарачига агар у шартнома муддати тугагандан кейин ҳам ижарага берувчи томонидан эътироз бўлмаган ҳолларда мол-мулкдан фойдаланишни давом эттираётган бўлса, унга мулк ижараси шартномасини номуайян муддатга қайтадан тузиш ҳақидаги қоидалар қўлланилмайди.

Шу билан бирга прокат шартномаси муддати тугагандан сўнг ижарага олувчи умумий асосларда янги муддатга шартнома тузишга ҳақли.

3. ФКнинг 237-моддасига мувофиқ, мажбуриятни бажаришдан бир томонлама бош тортишга йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларида ёки шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Ушбу умумий қоидадан истисно тариқасида прокат шартномаси бўйича ижарага олувчи истаган вақтда шартномани бажаришни рад этишга ҳақли. ФКнинг 382-моддасига асосан ижарага олувчи шартномадан бир томонлама бош тортган ҳолларда прокат шартномаси бекор қилинган ҳисобланади.

Прокат шартномасини бажаришни бир томонлама рад қилиш қоида тариқасида, мол-мулкни ижарага берувчига қайтариш амалга ошириладиган шаклда ифодаланиши лозим. Акс ҳолда шартноманинг амал қилиши давом этади ва бунда ижарага олувчи амалда мол-мулкдан фойдаланаётганлиги ёки фойдаланмаётганлиги аҳамиятга эга бўлмайди ҳамда мол-мулкдан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш тегишлича мол-мулк ижарага олувчи эгалигида бўлган бутун давр учун тўланиши лозим (ФК 562-моддасига шарҳига қаранг).

560-модда. Ижарачига мол-мулкни топшириш

Прокат шартномасини тузган ижарага берувчи ижарага топширилаётган мол-мулкнинг созлигини ижарага олувчи иштирокида текшириши, шунингдек уни мол-мулкдан фойдаланиш қоидалари билан таништириши ёки унга бу мол-мулкдан фойдаланиш ҳақидаги ёзма қўлланмани бериши шарт.

Умумий қоидага кўра, ижарага берувчи ижарага олувчига мол-мулкни шартнома шартлари ва мол-мулкнинг вазифасига мувофиқ ҳолатда топшириши лозим (ФК 541-моддаси шарҳига қаранг). Ушбу қоида прокат шартномасига ҳам қўлланилади.

ФК 558-моддаси 1-қисмига асосан, прокат шартномаси бўйича ижарага берувчи ўз фаолиятини амалга оширишда мутахассис эканлигини ҳисобга олган ҳолда, қонун томонидан унга мол-мулкни ижарага берувчига топшириш билан боғлиқ қўшимча мажбуриятларни юклайди. Ушбу мажбуриятлар биринчи навбатда ижарага олувчининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган. Қоидага мувофиқ, ижарага олувчи ижарага берувчидан фаркли равишда ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш бўйича махсус билимларга эга эмас. Шарҳланаётган модда прокат шартномасини тузган ижарага берувчининг қуйидаги қўшимча мажбуриятларини белгилайди:

1) Ижарага топширилаётган мол-мулкнинг созлигини ижарага олувчи иштирокида текшириши. Бу ўз навбатида ижарага олинган мол-мулкни ишлатишга яроқлилигини ижарага олувчига топширишда аниқлаш имконини беради.

2) Ижарага олувчини мол-мулкдан фойдаланиш қоидалари билан таништириши ёки унга бу мол-мулкдан фойдаланиш ҳақидаги ёзма

қўлланмани бериши. Ушбу мажбурият шунингдек, мураккаб ашёлардан тўғри фойдаланишни ҳамда уни эҳтиётсизлик натижасида шикастланишининг олдини олишни таъминлашга қаратилган.

Ижарага олувчи томонидан юқорида кўрсатилган қўшимча мажбуриятларни бажарилиши ижарага берувчи учун ҳам, ижарага олувчи учун ҳам муҳим ҳуқуқий аҳамият касб этади. Ижарага берувчи томонидан ушбу мажбуриятларни бажармаслик, келгусида камчиликлар аниқланган ҳолларда ушбу камчиликлар ижарага олувчи томонидан фойдаланиш ва уни сақлаш қоидаларини бузилиши натижасида юзага келганлигини важ қилиб кўрсатиш ҳуқуқидан маҳрум қилади.

561-модда. Ижарага топширилган мол-мулкдаги камчиликларни бартараф этиш

Агар ижарага топширилган мол-мулкдаги камчиликлар ижарага олувчи томонидан мол-мулкдан фойдаланиш ва уни сақлаш қоидаларининг бузилиши натижасида вужудга келган бўлса, ижарага олувчи ижарага берувчига мол-мулкни таъмирлаш ва транспортда ташиш харажатларини тўлайди.

Прокат шартномаси бўйича ижарага топширилган мол-мулкдаги камчиликлар агар ижарага олувчи томонидан мол-мулкдан фойдаланиш ва уни сақлаш қоидалари бузилиши натижасида вужудга келган тақдирда жавобгар ҳисобланади. ФК 560-моддаси қоидаларидан келиб чиқиб, ижарага олувчи томонидан мол-мулкдан фойдаланиш ва уни сақлаш қоидалари бузилиши ҳолати ижарага берувчи томонидан исботланиши лозим.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам мол-мулкдаги камчиликларни бартараф қилиш, шу жумладан мол-мулкни таъмирлаш ва транспортда ташиш харажатлари ижарага берувчи, яъни мол-мулкнинг мулкдори зиммасида бўлади. Бирок, кўриб чиқилаётган ҳолатда мол-мулкдаги камчиликларни батараф этиш мол-мулкдан фойдаланиш ва уни сақлаш қоидаларини бузган ижарага олувчи ҳисобидан амалга оширилади.

Ижарага олувчи томонидан мол-мулк тўлиқ яроқсиз ҳолга келтирилган ҳолларда ижарага берувчи ижарага олувчидан ўзига етказилган барча зарарларни шу жумладан, бой берилган фойдани ҳам қоплашни талаб қилишга ҳақли (ФК 14 ва 324-моддалари шарҳига қаранг).

562-модда. Прокат шартномаси бўйича мол-мулкдан фойдаланганлик ҳақи

Прокат шартномаси бўйича мол-мулкдан фойдаланганлик ҳақи вақти-вақти билан ёки бир йўла тўланадиган қатъий суммадаги тўловлар шаклида белгиланади.

Ижарага олувчи мол-мулкни муддатидан олдин қайтарган тақдирда ижарага берувчи унга мол-мулкдан фойдаланганлик учун олинган ҳақдан тегишли қисмини мол-мулк амалда қайтарилган куннинг эртасидан бошлаб ҳисоблаган ҳолда қайтаради.

Мол-мулкдан фойдаланганлик ҳақи бўйича ижарага олувчининг қарзлари нотариуснинг ижро устхати асосида сўзсиз ундириб олинади.

1. Шарҳланаётган моддада прокат шартномаси учун ФКнинг 544-моддасида белгиланган мол-мулкдан фойдаланганлик учун тўланадиган бир неча турдаги тўловлардан фақат биттасини назарда тутати. Бу вақти-вақти билан ёки бир йўла тўланадиган қатъий суммадаги тўлов ҳисобланади. ФК 544-моддасига мувофиқ, тўловларни вақти-вақти билан ёки бир йўла тўланиши шу жумладан, тўловни амалга ошириш муддати прокат шартномасига мувофиқ белгиланади. Жумладан, мол-мулкдан фойдаланганлик учун ҳақ ижарага олувчи томонидан олдиндан, яъни мол-мулкка эгалик қилиш ва фойдаланиш бошланишидан олдин ёки ундан фойдаланишнинг навбатдаги муддати келгунига қадар тўланиши мумкин.

2. ФК 559-моддасида кўрсатилганидек, ижарага олувчи прокат шартномасини истаган вақтда рад этиши, яъни мол-мулкни муддатидан олдин қайтариши мумкин. Бунда мол-мулкдан фойдаланганлик учун олдиндан тўлов амалга оширилганда, ижарага берувчи ижарага олувчи томонидан мол-мулкдан фойдаланмаган ҳолда олдиндан тўлаган ҳақнинг тегишли қисмини қайтариши лозим. Ушбу давр мол-мулк амалда қайтарилган куннинг эртасидан бошлаб ҳисобланади.

3. Прокат шартномаси бўйича мол-мулкдан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш ижарага олувчининг асосий мажбуриятларидан бири ҳисобланади ва қонунда белгилаб қўйилган. Бунда шартнома амалда бўлган бутун давр мобайнида мол-мулк ижарага олувчи эгалигида бўлади. Прокат шартномаси оммавий шартнома бўлганлиги боис, ижарага берувчининг турли мол-мулкларини ижарага олувчилар сони кўпчиликни ташкил қилади.

Прокат шартномаси хусусиятидан келиб чиқувчи бу ва бошқа ҳолатлар ижарага берувчининг қонуний манфаатларини ҳимоялаш заруриятини келтириб чиқаради.

Шу боисдан шарҳланаётган моддада прокат шартномаси бўйича ижарага олувчидан мол-мулкдан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақни ундиришнинг соддалаштирилган тартиби белгиланган. Ундирув низосиз тартибда нотариуснинг устхат ёзуви асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 18 январдаги 26-сон қарорига илова билан «Нотариусларнинг ижро хатларига асосан қарзни ундириш сўзсиз амалга ошириладиган ҳужжатлар рўйхати» тасдиқланган бўлиб, унга кўра, прокат шартномаси бўйича фуқароларга берилган мулкдан фойдаланганлик, уларни ишдан чиқарганлик ёки қайтармаганлик учун тўловлар бўйича қарзни фуқаролардан ундириш мақсадида нотариусдан ижро хати олиш учун қуйидагилар тақдим этилади:

а) ижарага бериш шартномасининг нусхаси, ижарага берилган буюм баҳоси энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан кўп бўлган ҳолларда эса ундириладиган сумма кўрсатилган квитанциянинг нусхаси;

б) қарздорнинг огоҳлантириш олганлиги ҳақидаги тилхати бор қарзни тўлаш тўғрисида қарздорни ёзма огоҳлантириш нусхаси.

563-модда. Ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш

Прокат шартномаси бўйича ижарага топширилган мол-мулкни капитал ва жорий таъмирлаш ижарага берувчининг бурчидир.

Прокат шартномаси бўйича ижарага олувчига топширилган мол-мулкни иккиламчи ижарага беришга, ижарага олувчи прокат шартномаси бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа шахсга ўтказишига, бу мол-мулкнинг бепул фойдаланиш учун бериб қўйилишига, ижарага олувчининг ҳуқуқларини гаровга қўйишга ва уларни хўжалик ширкатлари ва жамиятларининг устав фондига (капиталига) ҳисса тариқасида, ишлаб чиқариш кооперативларига пай бадаллари тариқасида қўшишга йўл қўйилмайди.

1. Прокат шартномаси бўйича ижарага олувчи қоида тариқасида, ижарага олинган мол-мулкни сақлаш учун зарур бўлган билим ҳамда техник воситаларга эга бўлмайди. Ундан фарқли равишда ижарага берувчи

доимий равишда юридик ва жисмоний шахсларга мол-мулкни ижарага бериш хизматларини кўрсатади ва шу сабабли ўз фаолияти соҳасида мутахассис бўлиши лозим.

Прокат шартномасига доир муносабатлар хусусиятидан келиб чиқиб, ижарага топширилган мол-мулкни капитал ва жорий таъмирлаш ижарага берувчи зиммасига юклатилган. Бу императив норма бўлиб, прокат шартномаси бўйича ижарага топширилган мол-мулкни капитал ва жорий таъмирлаш ижарага олувчи зиммасига юклатилиши мумкин эмас.

2. Прокат шартномаси бўйича мол-мулк қоида тарикасида, истеъмор мақсадида, яъни ижарага олувчи томонидан шахсан фойдаланишни назарда тутати. Шу боисдан шархланаётган моддада ижарага олувчи учун ижарага олинган мол-мулкни тасарруф этиш билан боғлиқ чеклов белгиланган ва у ФК 546-моддасида белгиланган қоидадан истисно ҳолат бўлиб ҳисобланади.

Прокат шартномаси бўйича ижарага олувчига топширилган мол-мулк иккиламчи ижарага берилишига, ижарага олувчи прокат шартномаси бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа шахсга ўтказишига, бу мол-мулкни бепул фойдаланиш учун бериб қўйилишига йўл қўйилмайди. Бундан ташқари, ижарага олувчининг ҳуқуқларини гаровга қўйишга ва уларни хўжалик ширкатлари ва жамиятларининг устав фондига (капиталига) ҳисса тарзида, ишлаб чиқариш кооперативларига пай бадаллари тарикасида қўйишга ҳам йўл қўйилмайди. Ушбу чекловлар ҳам императив норма ҳисобланади, яъни тарафлар келишувчи билан мазкур қоида ўзгартирилиши мумкин эмас.

3-§. ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ИЖАРАСИ

564-модда. Транспорт воситасини ижарага бериш шартномаси

Транспорт воситасини экипажи билан ижарага бериш шартномаси бўйича ижарага берувчи транспорт воситасини вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш учун ҳақ эвазига ижарага олувчига беради ва ўз кучи билан уни бошқариш ҳамда техник фойдаланиш бўйича хизмат кўрсатади.

Транспорт воситасини экипажсиз ижарага бериш шартномаси бўйича ижарага берувчи транспорт воситасини бошқариш ва техник фойдаланиш бўйича хизмат кўрсатмаган ҳолда вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш учун ижарага олувчига ҳақ эвазига беради.

Ушбу бобнинг ижара шартномасини номуайян муддатга қайта тузиш ва ижарага олувчининг ижара шартномасини янги муддатга қайтадан тузишга имтиёзли ҳуқуқи ҳақидаги қоидалари транспорт воситасини ижарага бериш шартномасига нисбатан қўлланмайди.

Транспорт воситасини ижарага бериш объектининг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, уни махсус тартибга солиш зарурати унга тегишли қоидаларни Ўз. Р. ФК алоҳида параграфига ажратишни белгилаб берди. Ўз навбатида, қонун ҳужжатлари билан ушбу қоидалар йиғиндиси ижарага берувчи томонидан ижарага олувчига мазкур транспорт воситасини бошқариш ва техник фойдаланиш бўйича хизмат кўрсатиш мажбурияти юклатилганлиги ёки юклатилмаганлигини ҳисобга олган ҳолда икки гуруҳга ажратилган.

1. Шарҳланаётган модданинг 1-қисми транспорт воситасини экипажи билан ижарага бериш шартномасини тузиш бўйича асосий йўналишларни белгилайди. Ўз. Р. ФК 3-параграфининг мазкур моддалари (566-модда, 571-модданинг 1-қисми) ижарага берувчини ижарага олувчига транспорт воситаси шаклидаги мулкни бериш ҳамда унга транспорт воситасини бошқариш ва техник фойдаланиш бўйича хизмат кўрсатиш мажбуриятини назарда тутувчи бирлаштирилган (комбинацияланган) мажбуриятларни тартибга солади. Шартнома ўзининг қонуний расмийлаштирилиши бўйича аралаш хусусиятга эга эмас, балки махсус шартнома сифатида мустақиллик ва яхлитликни ўзида сақлаб қолади. Ижарага берувчи ушбу хизматларни у билан меҳнат муносабатларида бўлган шахслар (персонал, ходимлари) орқали кўрсатади.

Ўз. Р. ФК 564-моддасининг 1-қисмида ифодаланган транспорт воситасини экипажи билан ижарага бериш шартномасининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унга кўра ижарага берувчи ижарага олувчига ўз кучи билан шартнома предметини бошқариш ҳамда техник фойдаланиш бўйича хизмат кўрсатади. Бу тарафлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларга хизмат кўрсатиш шартномаси элементини киритади, аммо бу кўриб чиқиладиган шартномани (юримдик адабиётларда баъзан қайд қилинганидек) аралаш

шартномага айлантирмайди, чунки транспорт воситаларини бошқариш ва техник фойдаланиш масалалари бўйича тарафларнинг муносабатлари Ўз. Р ФК 38 боби билан эмас, балки Ўз. Р ФК 34 боби 3 параграфи билан тартибга солинади.

Шартнома предмети бирлаштирилган (комбинацияланган) хусусиятга эга бўлиб, биринчи компонент (элемент) сифатида ашъдан — хусусий аломатлари билан белгиланадиган транспорт воситасидан (автомобиль, дарё, денгиз ёки ҳаво кемаси ва ҳ.к.) фойдаланиш ҳукуқини, иккинчиси сифатида эса — уни бошқариш (транспорт воситаларини бошқариш, учиш, шу жумладан навигация хизматлари, алоқа хизмати ва бошқалар) ва техник фойдаланишни ўз ичига қамраб олади.

Шарҳланаётган модданинг 1-қисми транспорт воситасини экипажи билан ижарага бериш шартномасининг тушунчасини белгилайди. Ушбу тушунчага кўра, ижарага берувчи транспорт воситасини вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш учун ҳақ эвазига ижарага олувчига беради ва ўз кучи билан уни бошқариш ҳамда техник фойдаланиш бўйича хизмат кўрсатади.

Ўз. Р ФК 34 боби 3 параграфи (Ўз. Р ФК 564-модданинг 3 қисми, 565, 567, 569, 570, 572-моддалари) транспорт воситаларини ижарага беришнинг ҳар икки турини бирлаштирувчи умумий нормаларни белгилайди. Бундан ташқари, мазкур шартноманинг у ёки бу турига хос бўлган хусусиятларини ажратиш мумкин.

Биринчидан, шартнома предмети — транспорт воситаси бўлиб, у малакали экипаж томонидан бошқариш ва тегишли тартибда техник фойдаланишни талаб қилади. Ўз. Р ФК 34 боби 3 параграфи нормалари биринчи навбатда денгиз, дарё ва ҳаво кемаларини ижарага бериш учун зарур. Албатта бу нормалар мотоцикл, велосипед ва шунга ўхшаган транспорт воситаларига тадбиқ қилинмайди. Улар бўйича мулк ижараси муносабатлари ижара ҳақидаги Умумий нормалар (Ўз. Р ФК 34 боби 1 параграфи) ёки ушбу бобнинг 2 параграфи нормалари билан (агарда ижарага берувчи сифатида тадбиркорлик фаолиятининг ушбу тури билан доимий равишда шуғулланувчи прокат ташкилоти қатнашаётган бўлса) тартибга солинади.

Иккинчидан, транспорт воситасини ижарага олувчига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун бериш. Ҳаттоки, транспорт воситасини бошқариш

ва техник фойдаланиш ижарага берувчининг экипажи томонидан амалга оширилаётганда ҳам шартнома предметига эгалик қилиш ҳуқуқи ижарага олувчига тегишли бўлади, чунки айнан у транспорт воситасидан тижорат мақсадларида фойдаланади.

Учинчидан, шартнома предметидан мақсадли фойдаланиш: транспорт воситаси пассажирлар, юклар, почта, багажларни ташиш ва буксировка учун ижарага олинади. Ижарага олувчи транспорт воситасини шартномада кўрсатилган мақсадли фойдаланишни ўзгартирмаган ҳолда ижарага берувчининг розилиги билан иккиламчи ижарага бериши мумкин.

Ўз. Р ФК 564-моддаси 1-қисмида транспорт воситасини экипажи билан ижарага бериш шартномаси реал шартнома сифатида белгиланган. Шунга қарамай, ушбу шартноманинг тури сифатида денгиз транспортда қўлланиладиган вақтинчалик (тайм-чартер) кемани юк ташиш учун ёллаш (фрахтлаш) консенсуал шартнома моделига эга.

Консенсуал шартнома уни тузишга тарафларни ўзаро розилигидан бошқа уни расмийлаштириш ва бажариш бўйича қандайдир шартларни талаб қилмайди.

Транспорт воситасидан техник фойдаланишни амалга оширувчи персонал экипаж деб юритилади. Шунга кўра шартнома нисбатан қисқа — транспорт воситасини экипажи билан ижарага бериш номи билан аталади. Ушбу шартнома шунингдек вақтинчалик юк ташиш учун ёллаш (фрахтлаш) шартномаси ёки тайм-чартер шартномаси (инглиз тилидан time-charter) деб ҳам юритилади. У денгиз кемачилигида денгиз кемаси ижара объекти бўлганда ишлатилади.

Тайм-чартер шартномасидан, шунингдек, ҳаво кемаси ижарасида ҳам фойдаланилади. Вақтинчалик (тайм-чартер) юк ташиш учун ёллаш (фрахтлаш) шартномасини йўловчи (багаж, юк) ташиш шартномасининг тури бўлган чартер шартномасидан фарқлаш лозим. Уни тузиш, шунингдек, унинг шакли ва турлари транспорт уставлари ва кодексларида белгиланади.

Ижара шартномасининг объекти ерда юрадиган транспорт воситаси бўлса, “ижара” термини, агарда ҳаво, денгиз ёки дарё транспорти воситаси бўлса “фрахт” термини ишлатилади. Шунга боғлиқ равишда тарафлар тегишлича — ижарага берувчи ва ижарага олувчи ёки фрахтга берувчи ва фрахтга олувчи деб номланади.

Тартибга солиш предмети бўлиб, рейс ёки бир неча рейсларни фрахтлашдан (Ўз. Р ФК 712-моддаси) фаркли равишда, тегишлича транспорт воситаси ижараси ёки уни вақтинчалик фрахтлаш бўйича муносабатлар ҳисобланади. Мажбуриятнинг моҳияти у ёки бу ҳолатда ҳам бир хил, яъни ижрага берувчи томонидан транспорт воситасини вақтинчалик фойдаланишга беришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодексининг (Ўз. Р ФК) 99-моддасига мувофиқ, чартер (ҳаво кемасини кира қилиш) шартномаси бўйича бир томон (кирага берувчи) иккинчи томон (кирага олувчи)га ҳақ эвазига бир ёки бир неча ҳаво кемасини йўловчилар, қўл юки, юк ва почта ташиш ёхуд бошқа мақсадларда фойдаланишга бир ёки бир неча парвоз учун тўлиқ бериб туриш мажбуриятини олади.

Ўз. Р ФК транспорт воситасини ушбу шартнома предметининг ашёвий компоненти сифатида умумий тушунчасини ҳам, транспорт воситаларининг тегишли турга кўра классификацияси бўйича махсус тушунчасини ҳам бермайди. Бу ҳолатлар ҳуқуқнинг бошқа манбаларида, хусусан транспорт уставлари, кодекслари ва техник қоидаларда ўз ифодасини топган. Масалан, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан 1999 йил 18 июлда тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 9 июлда 769-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси ички кема йўллари бўйича сузиш Қоидалари”га мувофиқ “кема” — одамлар, юклар ташиш ёки сувда бошқа ишларни бажариш учун махсус мўлжалланган сузувчи восита ҳисобланади.

Шу билан бирга майдонда ҳаракатланиш учун махсус мўлжалланган транспорт воситаларини ишлаб чиқаришга йўналтирилган ўз-ўзидан ҳаракат қилувчи машиналардан — ер қазииш машиналари, экскаваторлар, бульдозерлар, рельс ётқизувчи машиналар, тракторлар, қишлоқ хўжалиги комбайнлари ва бошқалардан ажратиш муҳим. Ушбу машиналар мазкур шартноманинг предмети бўла олмайди, чунки уларнинг майдонда ҳаракат қилиши техник зарурат туфайли ушбу воситалардан мақсадли фойдаланиш нуктаи назаридан ёрдамчи хусусиятга эга.

Ўз. Р ФК шарҳланаётган параграфи билан тартибга солинадиган объект сифатидаги транспорт воситаларига трубопровод транспорти, шунинг-

дек, техник жиҳатдан мураккаб бўлмаган, махсус давлат рўйхатидан (ҳисобидан) ўтиш талаб қилинмайдиган механик транспорт воситалари — велосипедлар, қайиқлар, мопедлар ва бошқалар кирмайди.

Шартнома ҳуқуқи доктринасида шаклланган нуқтаи назарга кўра 34 бобнинг ушбу параграфи билан тартибга солиш мазмунига кўра транспорт воситалари ижара шартномаси объекти бўлиб фақат экипаж томонидан бошқариш талаб қилинадиган транспорт воситалари (масалан, денгиз, дарё, ҳаво кемалари) ҳисобланади. Чунки бундай шартномаларнинг асосий белгиси ва бир вақтнинг ўзида унинг ички турланишига асос шартнома тарафларидан бирига транспорт воситасини бошқариш ва ундан техник фойдаланиш мажбуриятини юклаш ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан, автомобиль транспорти, хусусан оғир юк кўтарадиган юк машиналари ва пассажирлар ташийдиган автобусларга нисбатан унча катта бўлмаган истиснолар билан албатта таълуқли бўлиши мумкин. Уларни профессионал бошқариш ва уларга техник хизмат кўрсатиш кўп сонли ходимларни (командани, экипажни) талаб қилмасда, улардан тадбиркорлик мақсадида фойдаланиш ушбу муносабатларга нисбатан шарҳланаётган параграфнинг ижарага оид нормаларини татбиқ этишни талаб қилади.

Шартнома предметининг иккинчи компоненти — хизмат кўрсатиш. Улар икки кўринишда бўлади: транспорт воситасини бошқариш бўйича хизмат кўрсатиш ва ундан техник фойдаланиш бўйича хизмат кўрсатиш.

Транспорт воситасини бошқариш бўйича хизмат кўрсатиш ўз ичига ҳайдаш, учиш каби ҳаракатларни, шунингдек бунинг учун зарур бўлган хизматларни, масалан, навигация, алоқа хизматларини ва бошқаларни олади. Бу хизматлар комплекси транспорт воситасининг тури ва техник хусусиятига боғлиқ равишда аниқланади.

Техник фойдаланиш деганда транспорт воситасини техник жиҳатдан нормал, фойдаланиш учун яроқли ҳолатда (мойлаш, деталларини алмаштириш, механизмларни созлаш, приборларни назорат қилиш ва ҳ.к.) сақлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш тушунилади.

Хизмат кўрсатишнинг ҳар икки тури бир-бири билан чамбарчас боғланган бўлиб, уларни амалий жиҳатдан ажратиш мақсадга мувофиқ эмас. Шунинг учун ҳам шартномада уларни комплекс тарзда кўрсатиш назарда тутилади.

Шарҳланаётган моддада қайд қилинган шартноманинг тушунчасида тарафларнинг юридик мақоми махсус белгиланмаган. Шундай экан, умумий қоида бўйича тараф сифатида юридик шахслар ҳам, жисмоний шахслар ҳам, тадбиркорлар ҳам, тадбиркор бўлмаганлар ҳам иштирок этишлари мумкин. Бирок, айрим ҳолларда қонунлар билан шартнома тарафларига қўшимча талаблар белгиланиши мумкинлигини назарда тутиш муҳим.

Хусусан, Ўз. Р ХК 44-моддасига мувофиқ ҳаво кемасига мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида эгалик қилувчи, шу ҳаво кемасидан фойдаланишни амалга ошириш қобилияти эксплуатант сертификати билан тасдиқланган юридик ёки жисмоний шахс ҳаво кемасининг эксплуатанти деб эътироф этилади. Эксплуатант сертификати Авиация маъмурияти томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда берилади. Бунда хусусий ва ижарадаги ҳаво кемаларининг, парвозга оид ва техника хизматлари тузилмаларининг мавжудлиги бундай сертификатни олиш учун мажбурий шартдир.

Сетификация масалалари Ўз. Р ХК 44–46-моддалари билан тартибга солинади. Бундан ташқари Ўз. Р ХК ички ҳамда халқаро ҳаво йўналишларида йўловчиларни ва юкларни ташиш, аэропортларда ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш бўйича ҳаво транспортида ташиш билан боғлиқ бўлган фаолият учун ҳамда авиация ишларини бажариш учун лицензиялар талабларини ҳам белгилайди (Ўз. Р ХК 95, 96-моддалари, Ўзбекистон Республикасининг «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 августда 360-сон Қарори билан тасдиқланган «Маҳаллий ва халқаро ҳаво йўналишлари бўйича йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги Низом, «Аэропортларда ҳаво кемаларига ташиш ишлари билан боғлиқ хизмат кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги Низом, «Авиация ишларини бажариш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги Низом).

Ўз. Р ХК 95-моддасига мувофиқ, ҳаво транспортида ташиш ёки авиация ишларини бажариш истагини билдирган ҳаво кемасининг эксплуатанти тегишли фаолиятни амалга ошириш учун рухсатнома (лицензия) олиши лозим.

Ички ҳамда халқаро ҳаво йўналишларида йўловчиларни ва юкларни ташиш, аэропортларда ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш бўйича ҳаво

транспортида ташиш билан боғлиқ бўлган фаолият учун ҳамда авиация ишларини бажариш учун лицензиялар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда берилади. Бутунлай ёки қисман Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бажариладиган ҳаво транспортида ташиш ва авиация ишлари учун рухсатнома бериш ушбу Кодекс, ҳудудда бундай фаолият юритиладиган давлат конунлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро битимларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Тижорат асосида амалга ошириладиган авиация ишларини бажариш фаолияти лицензияланиши керак.

Лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда «Дававианазорат» инспекцияси томонидан амалга оширилади

Ушбу талабларнинг барчаси транспортда хавфсизликни таъминлашга қаратилган бўлиб, улар ижарага берувчига тааллуқлидир, чунки у транспорт воситасидан техник фойдаланишни давом эттиради. Бундан ташқари у ўз кучи билан транспорт воситасини бошқариш ҳамда техник фойдаланиш бўйича хизмат кўрсатишни у билан меҳнат муносабатларида бўлган шахслар (персонал, ходимлари) орқали амалга ошириши лозим. Шартноманинг бу қисмини учинчи шахслар томонидан бажарилишига йўл қўйилмайди.

Транспорт хизматларини лицензиялаш ва сертификациялаш ҳақидаги талаблар ижарага олувчига татбиқ қилинмайди, чунки у транспорт воситасидан техник фойдаланишни амалга оширмайди.

2. Шарҳланаётган модданинг 2-қисми транспорт воситасини экипажсиз ижарага бериш шартномасига бағишланган. Транспорт воситасини ижарага бериш шартномасининг мазкур тури классик типдаги мажбуриятни — ашё шаклидаги мулкни ижарага беришни келтириб чиқаради. Шарҳланаётган моддада акс этган шартнома тушунчасига кўра, ижарага берувчи транспорт воситасини бошқариш ва техник фойдаланиш бўйича хизмат кўрсатмаган ҳолда вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш учун ижарага олувчига беради. Ижара предмети бўлиб транспорт воситаси ҳисобланади. У ўз ичига транспорт воситасини бошқариш ва техник фойдаланиш бўйича хизмат кўрсатиш каби компонентларни олмайди. Бундан келиб чиқадики, транспорт воситасини бошқариш ва ундан (тижо-

рат ва техник) фойдаланишни ижарага олувчининг ўзи — ўз ходимлари (персонали, экипажи) орқали амалга оширади.

Шартноманинг тушунчасида тарафларнинг махсус хусусияти кўрсатилмаган ва уларга нисбатан ҳеч қандай талаблар белгиланмаган. Бироқ, шуни назарда тутиш лозимки, транспорт воситаси, айрим ҳолларда эса ундан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган фаолият (масалан, хавфли юкларни ташиш) атрофдагиларга юқори даражадаги хавф туғдириши мумкин.

Шунинг учун ҳам шартноманинг ҳар икки тарафи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган махсус малака талабларига, яъни транспорт уставлари, кодекслари ва бошқа қонун ҳужжатларидаги лицензиялаш, сертификатлаш ва аттестация ҳақидаги норма талабларига жавоб беришлари шарт.

3. Ўз. Р ФК 34 боби 3 параграфида ижара ҳақидаги умумий қоидаларни ўзгартирувчи бир қатор нормалар мавжуд. Шундай нормалардан бири Ўз. Р ФК 564-моддасининг 3-қисмидир. У шартномани номуайян муддатга қайта тузиш ҳақидаги умумий қоида бекор қилади ва Ўз. Р ФК 553-моддаси ушбу шартномага нисбатан қўлланмаслигини белгилайди.

Бундан келиб чиққан ҳолда ижарага олувчи янги муддатга айнан шундай шартномани тузишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўлмайди. Аммо, бу тарафларга янгидан шартномавий муносабатларга киришишга ҳалақит бермайди. Агарда ижарага олувчига рад жавоби берилиб, шартнома бошқа шахс билан тузилса, ижарага олувчи янги тузилган шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўзига суд орқали ўтказиш ҳуқуқига эга эмас.

565-модда. Транспорт воситасини ижарага бериш шартномасининг шакли

Транспорт воситасини ижарага бериш шартномаси, унинг муддатидан қатъи назар, ёзма шаклда тузилиши шарт. (Ўз. Р нинг 2006 йил 27 сентябрдаги қонуни таҳририда Ўз. РҚ-56)

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган автотототранспорт воситаларини ижарага бериш шартномаси нотариал тасдиқланган бўлиши керак. (Ўз. Рнинг 2001 йил 7 декабрдаги қонуни билан ушбу қисм киритилган № 320-11)

1. Ўз. Р ФК 34 боби 3-параграфи билан тартибга солинадиган шартномавий муносабатларнинг предмети бўлиб фуқаролик муомиласида иқтисодий нуқтаи назардан муҳим аҳамиятга эга бўлган транспорт воситаси ҳисобланади. Бундан ташқари, транспорт воситасини ижарага бериш шартномаси кўпинча узоқ муддатга (бир неча ой, ларга баъзан — йилга) тузилади. Шунинг учун ҳам тарафларнинг муносабатлари аниқ ва батафсил ёзма шаклда белгиланиши лозим.

Транспорт воситасини ижарага бериш (экипаж билан ёки экипажсиз) шартномаси, унинг муддатидан қатъи назар, барча ҳолларда ёзма шаклда тузилиши шарт.

Ушбу қоида ҳам юридик шахсларга, ҳам жисмоний шахсларга таллуқли бўлиб, Ўз. Р ФК 539-моддасида назарда тутилган (яъни жисмоний шахслар ўртасида бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга тузиладиган шартномаларни оғзаки шаклда тузишга йўл қўядиган) нормани истисно қилади.

Шарҳланаётган моддада бундай ёзма шаклнинг турлари чекланмаган. Шундай қилиб, у Ўз. Р ФК 366-моддаси 4-қисмига мувофиқ тарафлар имзолаган битта ҳужжатни тузиш йўли билан, шунингдек почта, телеграф, телетайп, телефон, электрон алоқа ёки ҳужжат шартномадаги тарафдан чиққанлигини ишончли суратда аниқлаш имконини берадиган бошқа алоқа ёрдамида ҳужжатлар алмашиш йўли билан тузилиши мумкин.

Агар шартнома тузиш ҳақидаги ёзма таклиф ушбу Ўз. Р ФК 370-моддасининг 4 қисмида назарда тутилган тартибда олинган бўлса, яъни агар ижарага берувчи (фраҳтга берувчи) офертани олиб, унга акцепт учун белгиланган муддатда транспорт воситасини бериш — конклюдент ҳаракат (тарафларнинг шартнома тузишга розилиги ҳақида хулосага келиш мумкин бўлган ҳаракатлари) йўли билан акцептни амалга оширса, шартноманинг ёзма шаклига риоя қилинган ҳисобланади. Бунда оферта ёзма шаклда берилган бўлиши ва шартноманинг барча асосий шартларини ўзида ифодалаган бўлиши зарур.

Шарҳланаётган модда ёзма шаклга риоя қилмасликнинг уни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш каби оқибатини ўзида акс эттирмаган. Шундай қилиб, ёзма шаклга риоя қилмаслик Ўз. Р ФК 108-моддасида назарда тутилган оқибатларга олиб келади, яъни тарафларни низо бўлган тақдирда битимни ва унинг шартларини гувоҳлар кўрсатмалари билан тасдиқлашга

доир ҳуқуқидан маҳрум қилади, лекин уларнинг ёзма ёки бошқа далиллар келтириш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

Қонун ҳужжатлари кемаларни рўйхатдан ўтказиш ва уларга нисбатан ҳуқуқ тўғрисидаги нормаларни белгилаган.

Ўз. Р. ХҚнинг ҳаво кемаларини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги 39-моддасига мувофиқ, фуқаролик ва давлат ҳаво кемалари рўйхатдан ўтказилиши лозим. Фуқаролик ҳаво кемалари Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳаво кемалари Давлат реестрида, давлат кемалари эса Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳаво кемалари Реестрида рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Тегишли реестрга киритилган ҳаво кемасининг эгасига рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома берилади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳаво кемалари Давлат реестри ва Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳаво кемалари Реестрини юриштиш тартиби, шунингдек, рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномани бериш тартиби тегишлича Авиация маъмурияти ва Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланади.

Синовдаги (экспериментдаги) ҳаво кемалари Давлат реестрига киритилмайди, бироқ Авиация маъмуриятида ҳисобда туради.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳаво кемалари Давлат реестри ёки Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳаво кемалари Реестрига киритилган ҳаво кемалари, шунингдек Авиация маъмуриятида ҳисобда турган синовдаги (экспериментдаги) ҳаво кемалари Ўзбекистон Республикасига тегишли субъект ҳисобланади.

Чет эл ҳаво кемалари Ўзбекистон Республикасининг тегишли реестрига тегишли чет эл ҳаво кемалари реестридан чиқарилгандан кейин киритилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳаво кемасини ҳар қандай чет эл давлати ҳаво кемалари реестрига киритиш ушбу кема Ўзбекистон Республикасининг тегишли реестридан белгиланган тартибда чиқарилмаган бўлса тан олинмайди. (қаранг, Дававианазорат бошлиғи буйруғи билан тасдиқланган АВда 2005 йил 16 февралда 1452-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси экспериментал ҳаво кемалари давлат ҳисоби Қоидаси (Ўз. Р. АҚ-46), Ўзбекистон Республикаси Авиация қоидаси “Фуқаролик ҳаво кемаларини Давлат рўйхатига олиш (Ўз. Р. АҚ-45) Дава-

вианазорат бошлиғи буйруғи билан тасдиқланган ва АВда 2003 йил 29 апрелда 1239-сон билан рўйхатга олинган).

Ўзбекистон Республикаси ички сув транспорти Уставининг 24-моддасига мувофиқ, кемани бошқа ташкилот бошқарувига бериш, кемага нисбатан эгалик ҳуқуқини ўтказиш ёки бир йилдан ортиқ муддатга ижарага бериш кема реестрида ва кема гувоҳномасида қайд этилиши лозим.

Кемага нисбатан янги ҳуқуқий муносабатларни ўрнатиш тегишли белгиларни кема реестрига киритилгандан кейин учинчи шахсларга нисбатан мажбурийдир.

Шахсланаётган модданинг 2-қисми қонунда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурий бўлган автотранспорт воситаларини ижара бериш шартномасига нисбатан нотариал тасдиқланиш қоидасини белгилайди.

Ўз. Р ФК 366-моддаси талабини ҳисобга олиб, давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурий бўлган автотранспорт воситаларини ижара бериш шартномасига нисбатан нотариал тасдиқланиш, у рўйхатдан ўтказилганда тамомланган ҳисобланади.

Автотранспорт воситаларини ижарага бериш шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ёки нотариал шаклга риоя қилмаслик Ўз. Р ФК 112-моддасига мувофиқ, унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади. Бундай битим аҳамиятсиз ҳисобланади.

566-модда. Транспорт воситаси уни сақлаш, бошқариш ва техник фойдаланиш бўйича хизмат кўрсатган ҳолда ижарага берилганда ижарага берувчининг мажбуриятлари

Ижарага берувчи шартнома амал қилиб турган бутун муддат давомида ижарага берилган транспорт воситасини тегишли ҳолатда сақлаши, шу жумладан жорий ва капитал таъмирлаши ҳамда зарур асбоб-ускуналарни бериши шарт.

Ижарага берувчининг транспорт воситасини бошқариш ва техник фойдаланиш бўйича ижарага олувчига кўрсатадиган хизматлари ҳажми транспорт воситасининг шартномада кўрсатилган ижара мақсадларига мос равишда нормал ва хавфсиз ишлатили-

шини таъминлаши шарт. Ижара шартномасида ижарага олувчига кўрсатиладиган хизматларнинг янада кенгроқ доираси назарда тутилиши мумкин.

Транспорт воситаси экипажининг таркиби ва унинг малакаси тарафлар учун мажбурий бўлган қоидаларга ва шартномада белгиланган шартларга, борди-ю, тарафлар учун мажбурий бўлган қоидаларда бундай талаблар белгилаб қўйилмаган бўлса, — шундай турдаги транспорт воситасини ишлатишнинг одатдаги амалиёти талаблари ва шартнома шартларига жавоб бериши лозим.

Экипаж аъзолари ижарага берувчи билан меҳнат муносабатларини сақлаб қоладилар. Улар ижарага берувчининг транспорт воситасини бошқариш ва техник фойдаланишга доир кўрсатмаларига ва ижарага олувчининг транспорт воситасини тижорат мақсадида ишлатишга доир кўрсатмаларига бўйсундилар.

Агар транспорт воситасини ижарага бериш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, экипаж аъзоларининг хизматига ҳақ тўлаш, шунингдек уларни сақлаш харажатлари ижарага берувчи зиммасида бўлади.

Агар транспорт воситасини ижарага бериш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, транспорт воситасини суғурта қилиш ва (ёки) унинг томонидан ёки уни ишлатиш муносабати билан етказилиши мумкин бўлган зарар учун жавобгарликни суғурталаш мажбурияти, бундай суғурталаш қонун ёки шартномага мувофиқ мажбурий бўлса, ижарага берувчи зиммасига юклатилади.

1. Ижара муносабатларини бошқариш ёки йўналтириш тарафлар ўртасидаги ижарага олинган мулкни сақлаш, энг аввало, уни таъмирлаш (жорий ва капитал) мажбуриятларининг бўлишини ўз ичига олади.

Шарҳланаётган моддада умумий ҳолатлардан (Ўз. Р ФК 547-548-моддалари) фарқли махсус мажбуриятларни тақсимлаш ўрнатилган. Шарҳланаётган модда мазмунидаги норма императив бўлиб, тарафлар ўзларининг келишуви бўйича уни ўзгартиришга ҳақли эмас.

Ижарага берувчи ушбу шартнома шартига кўра, транспорт воситасини уни техник фойдаланиш хизматлари билан тақдим этар экан, унинг мажбуриятига ушбу воситани сақлаш мажбуриятини ҳам киритиш тўғри

бўлади. Сақлаш деганда, ушбу мулкни тегишлича (нормал фойдаланиш учун яроқли) ҳолатда техник жиҳатдан ҳам, ҳуқуқий маънода ҳам сақлаш бўйича зарурий чоралар кўриш тушунилади.

Биринчисида, жорий ва капитал таъмирлашни, тузатиш, тозалаш, транспорт воситасини тартибга солиш тушунилади.

Иккинчисида, ундан фойдаланишга рухсат берувчи назорат органларида тегишли зарурий жараёнларни амалга ошириш тушунилади.

Транспорт воситасини сақлаб туриш тушунчасига зарурий асбоб-ускуналарни тақдим қилиш киритилади. Асбоб-ускуналар бўлиб асосий ашёга хизмат қиладиган ва у билан умумий мақсадда боғланган ашёлар ҳисобланади (Ўз. Р. ФК 90-модда). Асбоб-ускуналарнинг хусусияти транспорт воситасининг тури, русуми ва ишлатилиш мақсади билан боғлиқдир. Хусусан, юкларни ташиш мақсадида фойдаланиладиган дарё кемаси учун булар ортиш-тушириш механизмлари, тақеллаж агар кема балиқ ушлаш мақсадида фойдаланиладиган бўлса, булар траль, тўр ва балиқ ови учун бошқа жиҳозлар ҳисобланади.

Агар мураккаб техник объектлар тўғрисида гапириладиган бўлса, ижарага берувчининг мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ техник ташкилий ва бошқа тадбирлар, шунингдек, уларни амалга ошириш муддатлари, техник норма ва қоидалар шу жумладан хавфсизлик қоидаларидан келиб чиқиб белгиланади.

2. Шарҳланаётган модда ижарага берувчининг транспорт воситасини техник фойдаланиш бўйича хизматларни тақдим этиш мажбуриятини аниқлаштиради. Ушбу модданинг 2-қисми хизмат сифатини белгиловчи иккита баҳолаш мезонидан келиб чиқиб, шакллантирилади.

Биринчиси — ижарага берувчини транспорт воситасидан нормал фойдаланиш имкониятини таъминлаш. Бу ерда энг аввало, транспорт воситасини техник жиҳатдан яроқли ҳолатда сақлаш тўғрисида сўз юритилмоқда. Ушбу мажбурият шарҳланаётган модданинг олдинги 1-қисми нормаларини ижро қилиш йўли билан амалга оширилади.

Иккинчи мезон — транспорт воситасидан хавфсиз фойдаланишни таъминлаш. Бу ижара объектининг хусусиятини ва унинг алоҳида ҳуқуқий режимини кўрсатади. Чунки, улардан фойдаланиш Ўз. Р. ФК 999-моддаси мазмунига кўра, теварак-атрофдагилар учун ошиқча хавфни вужудга келтиради (ошиқча хавф манбалари ҳисобланади).

Агар, ушбу мезонларни техник маънода кўрайдиган бўлсак, техник норма ва талаблардан келиб, чиқиб хизмат сифатини зарур ва етарлича баҳолаш лозим. Тарафлар ушбу мезонларга мажбурий тарзда сўзсиз бўйсунушлари керак. Аммо, транспорт воситасини ижарага бериш мақсади — тарафларнинг иқтисодий ва бошқа эҳтиёжларини қондиришдир.

Ижарага олувчи учун бу ижарага олинган мулкдан юқори даражада тўлиқ равишда ўзининг тадбиркорлик ва бошқа фаолиятида фойдали хусусиятларни чиқариб олиш имкониятидир.

Шунинг учун юқорида қайд қилинган мезонларни транспорт воситасини техник нормал ва хавфсиз ишлатилишини баҳолаган ҳолда шартномада қайд қилинган тарзда ундан хўжалик, тижорат мақсадида фойдаланиш лозим. Бир турдаги транспорт воситасидан амалдаги қонунчиликка зид бўлмаган ҳолда турли мақсадларда фойдаланиш мумкин.

Масалан, денгиз ёки дарё кемаси юкларни, йўловчиларни, юк ва почталарни ташиш учун, балиқ ёки бошқа денгиз овларига, бошқа кема ёки ўзга сузувчи объектларни тортишга, махсус хизматларни амалга оширишга (овлашни қўриқлаш бўйича, санитар ёки карантин хизматлари ва ҳ.к.) илмий, ўқув, маданий, спорт ва бошқа мақсадлар учун ишлатилиш мумкин.

Транспорт воситасини бошқариш ва техник фойдаланиш бўйича хизматларни тақдим қилиш ижарага берувчининг қонунда белгиланган мажбурияти ҳисобланади. Аммо тарафлар шартномада ижарага берувчининг ижарага олувчига тақдим этайдиган хизматларнинг кенгроқ доирасини белгилашлари мумкин.

Шартномага мажбурий (бошқариш ва техник фойдаланиш бўйича хизматлар) бўлганлардан ташқари, бошқа хизматларни тақдим этиш шартларини киритиш, тарафларнинг бу қисмга доир муносабатларини қўшимча йўналтиришни талаб қилади.

3. Транспорт воситасини бошқариш ва ундан техник фойдаланишни транспорт воситасининг экипажи амалга оширади. Шарҳланаётган модданинг 3-қисми экипаж таркибига тарафлар учун мажбурий бўлган қоидалар ва шартнома шартларига доир талабларни қўяди. Тарафлар ушбу шартларни мустақил равишда, фақат улар транспорт қонунчилигида белгиланган, йўл қўйилган бўлсагина белгилашга ҳақлидирлар. Бирок,

кўпчилик ҳолатларда транспорт уставлари ва кодекслари нормалари императив мазмунга эга.

Транспорт уставлари ва кодекслари “Экипаж” тушунчасига унинг таркибига, аъзолари ва бошқаларга нисбатан талаб қўяди. Ўз. Р ХК 51-моддаси Ҳаво кемасининг экипажи — командир, ҳаво учиш таркибидаги бошқа шахслар ва хизмат кўрсатувчи персоналдан иборат эканлигини кўрсатади.

Фуқаролик ва давлат ҳаво кемаларининг экипажлари таркиби ҳаво кемасининг тури ва тайинланиши билан боғлиқ ҳолда мақсади ва улардан фойдаланиш шартларидан келиб чиқиб, ишлаб чиқарувчи ва буюртмачи томонидан белгиланади ва ҳар бир турдаги ҳаво кемасининг учишда фойдаланилиши бўйича ҳужжатларда кўрсатилади.

Ҳаво кемалари экипажлари таркибига ушбу ҳаво кемасидан фойдаланиш билан боғлиқ, Ўз. Рнинг тегишлича Авиация маъмурияти ёки Мудофаа вазирлиги белгилайдиган тартибда бошқа авиация персоналлари киритилиши мумкин. Ўз. Р ХК 48-моддаси авиация персонали таркибига учиш таркибидаги шахсларни, ҳаво ҳаракатини ташкил қилувчи ва хизмат кўрсатувчи ишларни амалга оширувчи шахсларни, ҳаво кемалари учишини ташкил қилувчи шахсларни, ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатувчи шахсларни, ҳаво кемаларини учишини таъминловчи шахсларни киритади.

Фуқаролик, давлат ва экспериментал авиацияси авиация персоналига ўтказиладиган шахсларнинг вазифалар рўйхатини Ўз. Р ВМ белгилайди. (қаранг. ВМ 2002 йил 4-сентябрдаги 313-сонли қарори билан тасдиқланган Ўз. Р Фуқаролик ва экспериментал авиацияси авиация персоналига тааллуқли вазифалар рўйхати, ВМ 2002 йил 21 октябрдаги 361-сонли қарори билан тасдиқланган Ўз. Р Давлат Авиацияси авиация персоналига таллуқли вазифалар рўйхати).

Ўз. Р ХК 49-моддаси ҳаво кемалари учишини таъминлаш ва бажариш билан бевосита боғлиқ авиация персонали касбга доир фаолиятга, шундай фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига доир гувоҳнома мавжуд бўлган ва белгиланган талабларга соғлиғи ҳолати мувофиқ бўлган тақдирда йўл қўйилишини белгилайдиган қондани ўрнатган.

Авиация персоналини касбга доир фаолиятга йўл қўйиш ва уни амалга ошириш ҳуқуқига гувоҳнома бериш, шунингдек, соғлиғи ҳолатига доир

талаблар тиббий гувоҳлантириш тартибини фуқаролик ва экспериментал авиация учун авиация маъмурияти, давлат авиацияси учун Ўз. Р Мудофаа вазирлиги белгилайди. Фуқаролик авиациясининг авиация персонали касбий фаолиятни амалга оширишда амалдаги гувоҳномага эга бўлиши керак. (қаранг, “Ўз. Р Фуқаролик авиациясида учиб ишларини ташкил қилиш бўйича қоида” Ўз. Р авиация қоидалари (Ўз. Р АҚ-92).)

Агар экипаж таркибига ва унинг мутахассислигига тарафлар учун мажбурий шарт ўрнатилмаган бўлса, улар шу турдаги транспорт воситасидан фойдаланишдаги одатдаги амалиёти ва шартнома шартлари талаблари билан белгиланади.

Шундай қилиб, ҳуқуқ норматив манбаининг тартибга солмаслик ҳолатида тарафлар томонидан Ўз. Р ФК 354-моддаси 7-қисми ва 6-моддаси 3-қисми талаблари риоя қилинган одатлар ишлатилади.

Экипаж аъзолари бўлиб, ижарага берувчининг яъни, у билан меҳнат муносабатларида бўлган, меҳнат ҳуқуқи (фуқаролик эмас) нормалари билан тартибга солинадиган ходимлари ҳисобланади. Бунинг натижасида экипаж аъзолари ижарага берувчининг бошқариш ва техник фойдаланишга доир фармойишларига бўйсунадилар.

Шунинг билан бирга, транспорт воситасини тижоратда фойдаланиш билан боғлиқ масалаларда улар ижарага олувчининг фармойишларига бўйсинадилар. Чунки, денгиз, дарё кемасини муддатли фрахтлаш (тайм-чартер) шартномаси бўйича капитан кемани тижоратда фойдаланишда фрахтга берувчига кемани юритиш, кемадаги ички тартиб ва кема экипажи таркибидан ташқари масалаларда бўйсунди

Аммо, ушбу кўрсатмаларни кеманинг хавфсизлиги талабидан келиб чиқиб, бажариш имконияти бўлмаса (масалан, кема юритиш ман этилган сузиш районларига кириш мумкин бўлмаганлиги натижасида, об-ҳаво юзасидан кемаларнинг чиқиши ман этилганда, юк оғирлигининг кема сиғимига номувофиқлиги ва ҳ.к.) капитан бундай кўрсатмаларни бажармасликка ҳақли.

5. Экипаж аъзолари хизматига тўлов (иш ҳақи маоши) бўйича харажатларни, шунингдек, уларни сақлаш юзасидан харажатларни (суткалик, хизмат сафари ва ҳ.к.) ижарага берувчи қоплайди. Аммо, ушбу норманинг диспозитивлиги натижасида тарафлар бошқа ҳолатларни ҳам кўзда тутишлари мумкин. Хусусан, тарафлар келишувига биноан

ушбу харажатлар ижарага олувчига тўлиқ ёки қисман юкланиши мумкин. Бунга тегишлича ижара тўлови камайтирилиши керак, чунки бундай ижаранинг баҳоси ҳисобига, экипаж хизмати тўлов харажатлари ва уларни сақлаш фақат бундай мажбуриятлар ижарага берувчига юклангандагина киритилади.

6. Шарҳланаётган модданинг 6-қисмида транспорт воситасининг ижара шартномасида бошқача ҳолат кўзда тутилмаган бўлса, бундай ҳолатда транспорт воситасини суғурталаш ва (ёки) етказилиши мумкин бўлган зарар учун ёки фойдаланиш натижасида зарар етказилса ижарага берувчига фақат бундай суғурталаш қонунда ёки шартномада белгиланган бўлса юкланади.

Транспорт воситасини суғурталаш ва унга етказилиши мумкин бўлган ёки фойдаланиш натижасида етказилган зарар учун жавобгарлик масалалари Ўз. Р ФК 918, 922, 923-моддалари, “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисида”ги Қонун билан назарда тутилган.

567-модда. Транспорт воситасини тижорат мақсадида ишлатиш билан боғлиқ харажатларни тўлаш бўйича ижарага олувчининг мажбурияти

Агар транспорт воситасини ижарага бериш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, транспорт воситасини тижорат мақсадида ишлатиш муносабати билан ёнилғи ва ишлатиш жараёнида сарфланадиган бошқа материаллар ҳақини тўлаш, йиғимлар ва бошқа чиқимларни тўлаш ижарага олувчи зиммасида бўлади.

Транспорт воситасини тижорат мақсадида фойдаланиш — бу унинг техник имкониятларини тижорат мақсадидаги хўжалик талабларини қондириш учун фойдаланишдир (фойда олиш мақсадида). У транспорт воситасидан ҳаракатланиш воситаси сифатида энг аввало (юк, йўловчи ва жиҳозларни) ташиш учун фойдаланишни назарда тутади.

Транспортнинг айрим турларидан, шунингдек, хўжалик тайинланишидаги бошқа мақсадларда ҳам фойдаланилиши мумкин (масалан, денгиз ва дарё кемаси балиқ овлаш учун). Шунинг учун тижорат мақсадида ишлатиш техник фойдаланишдан фарқ қилади.

Шуни назарда тутиш мумкин бўладики, “тижорат мақсадида ишлатиш” терминининг ўрнига луғавий маъносига мос келадиган аниқ, масалан “фойдаланиш” (тегишлича “фойдаланиш билан боғлиқ харажатлар”) терминини, ишлатиш мақсадга мувофиқдир.

Бундай термин ижарага олувчини тадбиркорлик хусусиятига доир бевосита чеклашлар билан боғламайди. Унда транспорт воситасининг ижараси билан боғлиқ илмий-изланиш мақсадида, атроф-муҳит ҳолатини назорат қилиш билан боғлиқ мақсадлар, об-ҳаво кузатишлари ва ҳ.к. билан боғлиқ мақсадларга эҳтиёж юзага келиши мумкин.

Транспорт воситасини тижорат мақсадида ишлатишга доир харажатлар уни техник нормал ҳолатда сақлаб туриш бўйича чора-тадбирлар ўтказиш билан боғлиқ бўлмаган ижарага олувчи томонидан транспорт воситасидан фойдаланиш даражасидан келиб чиқадиган (масалан, ёнилғи тўлови) харажатлардир. Шунинг учун, транспорт воситасининг ишлаши давомида мунтазам алмаштирилиши лозим бўлган ёнилғи, мой, бошқа материаллар, қисмлар ва транспорт воситасининг рейси давомида зарур бўлган бошқа материаллар харажатлари ундан тижорат мақсадида фойдаланишга доир харажатлар қаторига киради.

Жорий ва капитал таъмирлаш, шунингдек транспорт воситасини унинг техник фойдаланилиши (масалан, мойлаш ашёлари, коррозияга қарши қопламалар) ярқлигини қўллаб туришга доир сақлаш учун зарур қисмлар ва материаллар қиймати бундай харажатларга кирмайди.

Тижорат мақсадида ишлатиш харажатларига рейс давомида мажбурий тўланадиган хусусан, давлат ва ҳудудий ҳокимият органлари томонидан ўрнатилган мажбурий йиғимлар каби бошқа харажатлар ҳам киритилади.

Мазкур норма диспозитив хусусиятга эга бўлиб, агар тарафлар шартномада бошқача белгиламаган бўлсалар қўлланилади.

568-модда. Транспорт воситаси уни сақлаш, бошқариш ва техник фойдаланиш бўйича хизмат кўрсатмаган ҳолда ижарага берилганида ижарага олувчининг мажбуриятлари

Ижарага олувчи транспорт воситасини ижарага бериш шартномаси амал қилиб турган бутун муддат давомида ижарага олинган транспорт воситасини тегишли ҳолатда сақлаб туриши, жумладан уни жорий

таъмирлашни, шунингдек, агар шартномада бошқача ҳол назарда тутилган бўлмаса, капитал таъмирлашни ҳам амалга ошириши шарт.

Ижарага олувчи ижарага олинган транспорт воситасини ўз кучи билан бошқаради, шунингдек ундан тижорат мақсадида ва техник фойдаланишни амалга оширади.

Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ижарага олувчи ижарага олинган транспорт воситасини сақлаш, уни суғурталаш, шу жумладан ўз жавобгарлигини суғурталаш, транспорт воситасини ишлатиш билан боғлиқ харажатларни амалга оширади.

1. Шарҳланаётган модда транспорт воситасини сақлаш бўйича мажбуриятни ижарага олувчига юклайди. Бу мажбурият шартноманинг бутун муддати давомида амал қилади.

Ушбу шартномага нисбатан транспорт воситасини сақлаш деганда, транспорт воситасини нормал, техник яроқли ҳолатда сақлаб туришга қаратилган чоралар (ҳаракатлар) мажмуи тушунилади. Бундай чораларга таъмирлашни (жорий, агарда шартномада бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса капитал таъмирлаш) амалга ошириш, кўздан кечириш, транспорт воситаси қарови бўйича чоралар (тозалаш) киради.

Юзага келган муносабатларни тартибга солишда тарафлар улар учун мажбурий бўлган капитал таъмирлашга киритилган ишлар рўйхати, уни ўтказиш даврийлиги, мажбурий кўрикдан ўтказиш ва уларни амалга ошириш усулларига доир техник нормалар ва қоидаларга амал қилишлари лозим.

Бу эса транспортнинг ишлаши хавфсизлигини таъминлайди. Бундай мажбурий талаблардан ташқари, тарафлар ижарага олувчига қўшимча мажбуриятлар юклаши мумкин (масалан, тозалашнинг даврийлигини) ёки ушбу транспорт турини сақлаш учун амалиётда қўлланиладиган оддий талабларга амал қилишлари мумкин.

Шарҳланаётган модда жорий, агар шартномада бошқача ҳол белгиланмаган бўлса капитал таъмирлашни ижарага олувчига юклаш мажбуриятини аниқ белгилаган ҳолда, уни том маънода талқин қилиш мумкин эмас. Айрим ҳолатларда модда аниқ тузилган шартномага нисбатан чеклашлар билан талқин қилиниши мумкин.

Ҳар бир аниқ ҳолатда бундай мажбуриятларнинг мазмуни транспорт воситасининг туридан ташқари, ижара шартномаси муддати билан ҳам

боғлиқ бўлади. Бундай ҳолатларда ижара муддати билан мажбурий нормалар ва талаблардаги норматив муддатлар бўйича (даврийлик) аниқ турдаги транспорт воситасининг таъмирлаш ва кўздан кечириш муддатлари мувофиқлашади.

Масалан, режавий капитал таъмирлаш жорийга нисбатан кам ўтказиладиган ҳолда, бундай мажбурият ижарага олувчининг қисқа муддатли ижарадаги мажбуриятига киритилмайди. Шундай қоида жорий таъмирлаш ва кўздан кечиришга нисбатан ҳам қўлланилади (агарда уларни ўтказиш муддатлари ижара муддати билан тўғри келмаса).

Бунинг натижасида ижарага берувчи транспорт воситасини қисқа муддатли ижарага беришга, агар унинг капитал таъмирлаш муддати келган бўлса ҳақли эмас, чунки ижарага берувчи ижарага олувчига мол-мулкни шартнома шартлари ва мол-мулкнинг вазифасига мувофиқ ҳолатда топширишга доир мажбурият бузилган бўлади. (Ўз. Р ФК 541-модда 1-қисми)

Шарҳланаётган модда нормаси императив бўлиб, тарафлар ўзларининг келишувига биноан уни ўзгартиришга, ушбу мажбуриятларни ижарага берувига ёки уларни ўзаро бўлиб олишган ҳақли эмаслар.

2. Ижарага берувчи ижарага олувчига фақат транспорт воситасини беришга мажбур, лекин уни бошқариш ва техник фойдаланиш бўйича хизмат кўрсатмайди. Шунинг учун ижарага хизмат кўрсатган ҳолда беришдан фарқли равишда ижарага олувчи ўзининг кучи билан ушбу объектни бошқариш, техник ва тижорат мақсадида ишлатишни амалга оширади.

Ушбу модда маъносига кўра, ижарага олувчи транспорт воситасини бошқаришни ва ишлатишни ўзи, ўзининг ходимлари ҳаракатлари ёки ижарага олувчи билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда, агарда ушбу мажбуриятларни бажаришга фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар доирасида жалб қилинган шахслар билан транспорт уставлари ва кодексларнинг маъмурий нормаларини бузмаган бўлса, амалга ошириши керак.

“Транспорт воситасини бошқариш”, “техник фойдаланиш” ва транспорт воситасини “тижорат мақсадида ишлатиш” тушунчалари Ўз. Р ФК 566–567 моддалари шарҳларида назарда тутилган.

3. Шарҳланаётган модда 3-қисми мазмуни, ушбу модда 2-қисмида кўзда тутилган нормаларнинг мантиқий давоми ҳисобланади ва ижарага олувчига мажбуриятларни эмас, балки ижарага олинган транспорт

воситасини сақлаш, уни суғурталаш, шу жумладан ўз жавобгарлигини суғурталаш, транспорт воситасини ишлатиш билан боғлиқ харажатларни амага ошириш ҳуқуқини беради, чунки ижарага берувчи билан шартнома тузишда бошқача шарт ҳам назарда тутилиши мумкин.

569-модда. Транспорт воситасидан фойдаланиш ҳақида учинчи шахслар билан тузиладиган шартномалар

Агар ижара шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ижарага олувчи ижарага олинган транспорт воситасини экипаж билан ёки экипажсиз ижара шартномаси шартлари асосида ижарага берувчининг розилиги билан қўшимча ижарага беришга ҳақли.

Ижарага олувчи ижарага берувчининг розилигисиз ўз номидан, агар ижара шартномасида назарда тутилган транспорт воситаларидан фойдаланиш мақсадларига, борди-ю бундай мақсадлар белгилаб қўйилган бўлмаса, транспорт воситасининг вазифасига ҳилоф бўлмаса, учинчи шахслар билан ташиш шартномаларини ва бошқа шартномаларни тузишга ҳақли.

1. Ижара муносабатлари ижарага олинган мулкни ёки унинг қисмини кейинчалик қўшимча ижарага беришни назарда тутати. Аммо умумий қоидаларга биноан ижарага олувчи бундай мулкни қўшимча ижарага(иккиламчи ижара) агарда ФК, бошқа қонун ёки ҳуқуқий ҳужжатларда бошқача тартиб ўрнатилмаган бўлса, ижарага берувчининг розилиги билан бериши мумкин.

Шарҳланаётган модда бу муносабатларни бошқача тартибга солади. Бунга мувофиқ ижарага олувчи ижарага берувчининг розилиги билан транспорт воситасининг экипаж билан ёки экипажсиз қўшимча ижараси юзасидан шартнома тузишга ҳақли.

Аммо, ушбу норма диспозитив бўлганлиги учун тарафлар ижара шартномасида ижара муносабатларини тартибга солувчи бошқа қоидаларни ҳам белгилашлари мумкин.

Масалан, транспорт воситасини қўшимча ижарага беришни таъқиқлашлари ёки ижарага олувчига ижарага берувчининг розилигисиз транспорт воситасини бундай беришга рухсат беришлари мумкин.

Умуман бундай қўшимча ижарага бериш шартномаси ижара шартномаси билан унинг барча ўзига хос хусусиятлари билан биргаликда боғлиқ бўлади, чунки унинг амал қилиши ашёвий таркибий қисмни ўрнатади. Хусусан, транспорт воситасини ижарага бериш шартномасининг муддатидан олдин тугатилиши транспорт воситасининг (экипаж билан ёки экипажсиз) қўшимча ижара шартномасини бекор қилинишига олиб келади.

Шарҳланаётган бобнинг 1-параграфида кўзда тутилган қўшимча ижара тўғрисидаги тартиблар транспорт воситасининг қўшимча ижарасига транспорт воситасини бошқариш ва техник фойдаланиш хизматлари билан бирга ёки бундай хизматларсиз тақдим этишга фақатгина улар транспорт уставлари ва кодекслари билан тақиқланмаган бўлсагина, таллуқлидир.

2. Агар ижарага олувчи транспорт воситасини тижорат мақсадида ишлатишга шартнома тузадиган бўлса (Ўз. Р ФКнинг 567-моддаси шарҳларига қаранг), унда бундай ишлатишнинг имкониятларидан бири бўлиб, транспорт воситасини учинчи шахсларга транспорт хизмати кўрсатиш бўлиши мумкин. Шунинг учун шарҳланаётган модданинг 2-қисми эркин ҳолда (ўзининг номидан ва ижарага берувчининг розилигисиз) учинчи шахслар (хизматлар олувчилар) билан тегишли шартномалар тузишга ҳуқуқни ўрнатади.

Қонунчилик бунда фақат ягона чекловни, яъни ижарага олинган мулкни мақсадли ишлатишни ўрнатади яъни бундай шартноманинг мақсадли ишлатишга доир қарама-қаршилиги бўлмаслиги керак.

Ижарага олувчи шартнома тузганда транспорт воситасини ушбу транспорт воситасининг мақсадига мувофиқ ишлатиши лозим. Агар улар шартномада кўрсатилмаган бўлса, бундай мезон бўлиб ушбу транспорт воситасининг вазифаси ҳисобланади.

Масалан, юк транспорт воситаси юк ташиш учун ишлатилиши керак, йўловчиларни ташишга мўлжалланган транспорт воситаси эса йўловчиларни ва багажни ташишга, балиқ овловчи кемалар эса балиқ овлаш учун ишлатилиши ва ҳ.к.

Юк ташувчи транспорт воситаларини ишлатиш уларнинг тегишлича тури ва русумига қараб, махсус мақсадлар билан чегараланади. Хусусан, қуйиладиган маҳсулотларни ташиш учун танкерлар ишлатилади, бошқалар учун эса қуруқ юк ташувчилар.

570-модда. Транспорт воситасига етказилган зарар учун жавобгарлик

Ижарага берилган транспорт воситаси ҳалокатга учраган ёки шикастланган тақдирда, агар ижарага берувчи транспорт воситаси қонун ёки шартномага мувофиқ ижарага олувчи жавобгар бўладиган ҳолатларда ҳалокатга учраганини ёки шикастланганлигини исбот қилса, ижарага олувчи етказилган зарарни ижарага берувчига тўлаши шарт.

Ижарга олинган транспорт воситасини бошқариш ва техник фойдаланиш ижарага берувчи ходимлари томонидан амалга оширилганлиги учун уларнинг ҳаракатлари билан транспорт воситаси ҳалокатга учраган ёки шикастланган тақдирда бу ижарага берувчи ва ижарага олувчилар ўртасида жавобгарлик муносабатларини вужудга келтирмайди.

Шунинг учун ижарага берувчи транспорт воситаси қонун ёки шартномага мувофиқ ижарага олувчи жавобгар бўладиган ҳолатларда ҳалокатга учраганини ёки шикастланганлигини исбот қилса, ижарага олувчидан етказилган зарарни талаб қилиши мумкин.

Ижарага олувчига нисбатан жавобгарликни юкловчи ҳолатлар ва шароитлар тўғрисидаги тегишли қонун ёки шартнома мавжуд бўлмаганда ҳамда ушбу ҳолатларнинг мавжудлигини ёки шартноманинг тегишли шартлари бузилганлигини исботлаш мумкин бўлмаганда, ижарага олувчининг жавобгарлиги келиб чиқмайди ва зарарни ижарага берувчи қоплайди.

571-модда. Транспорт воситаси билан етказилган зарар учун жавобгарлик

Экипаж билан ижарага берилган транспорт воситаси, унинг механизмлари, қурилмалари, жиҳозлари ва шу кабилар билан учинчи шахсларга етказилган зарар учун жавобгарлик, ушбу Кодекснинг 57-боби қоидаларига мувофиқ, ижарага берувчи зиммасида бўлади. Ижарага берувчи зарар ижарага олувчининг айби билан етказилганлигини исботласа, учинчи шахсларга тўланган пул суммасини қоплашни ижарага олувчидан регресс тартибида талаб қилишга ҳақли.

Транспорт воситаси сақлаш, бошқариш ва техник фойдаланиш бўйича хизмат кўрсатмаган ҳолда ижарага берилганида транспорт воситаси, унинг механизмлари, қурилмалари, жиҳозлари ва шу кабилар билан учинчи шахсларга етказилган зарар учун ушбу Кодекснинг 57-боби қоидаларига мувофиқ ижарага олувчи жавобгар бўлади.

Мазкур шартноманинг предмети ҳисобланган транспорт воситаси, айрим ҳолларда унинг ишлатилиши (масалан хавфли юк ташиш) билан боғлиқ фаолият ҳам юқори хавфли манбани билдиради.

Бундай ҳолатда ижарага олувчи ошиқча хавф манбаининг эгаси ҳисобланади. Ошиқча хавф манбаи тушунчаси транспорт воситасига, шунингдек, у билан боғлиқ ягона техник ва фойдаланиш босқичида ишлатиладиган бошқа объектларга ҳам тааллуқлидир. Булар турли механизмлар, қурилмалар, жиҳозлар (масалан, юк солувчи механизмлар, траллар, тиркамалар ва ҳ.к.) Бундай объектлар ЎзР ФКнинг 90-моддаси мазмунига кўра мансуб ашё сифатида қаралади.

Ўз. Р ФКнинг 999-моддасига мувофиқ, ошиқча хавф манбаи натижа-сида етказилган зарар учун жавобгарлик унинг эгасига юкланади. Эгаси деганда қонуний (титул) эга тушунилади. Умумий қоидаларга кўра, бундай эгалар қаторига ижарага олувчи ҳам киритилган. Аммо унга нисбатан жавобгарлик фақат ошиқча хавф манбаи ижарага берувчининг техник ва тезкор назоратидан чиқиб, ижарага олувчига ўтказилгандагина юкланади.

1. Шарҳланаётган модданинг 1-қисмида назарда тутилган ҳолатда транспорт воситаси ижарага берувчининг назоратидан чикмайди, чунки уни бошқариш ва техник фойдаланиш унинг ходимлари (экипажи) томонидан амалга оширилади. Шунинг учун ижарага олинган транспорт воситаси билан учинчи шахсларга нисбатан етазилган зарар учун жавобгарлик ижарага берувчига юкланади.

Агар ушбу зарар экипаж аъзоларининг ҳар қайсисининг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги натижасида юзага келган бўлса, унда ижарага берувчи иш берувчи сифатида юридик шахс ёки фуқаронинг унинг ўз ходимлари томонидан меҳнат (хизмат, мансабдорлик) мажбуриятларини бажаришда етказилган зарар учун жавобгарликни белгилувчи Ўз. Р ФКнинг 989-моддасида белгиланган тартибда уларнинг ҳаракати учун жавоб беради.

Ижарага берувчининг транспорт воситаси билан етказилган зарар учун жавобгарлиги унинг ошиқча хавф манбаи эгаси сифатида айби билан боғлиқ бўлмаганда ҳам келиб чиқади.

Ўз. Р ФКнинг 1001-моддаси қоидаларидан фойдаланиб ва уни ривожлантириб шарҳланаётган модда ижарага берувчини ижарага олувчидан учинчи шахсларга тўланган маблағни регресс тартибида (қайтарма талаб) талаб қилишга агар зарар ижарага олувчининг айби билан етказилганлигини исботласа ҳақлидир деб кўрсатади.

2. Шарҳланаётган модданинг 2-қисми ҳам Ўз. Р ФКнинг 999-моддаси қоидаларидан келиб чиқиб ошиқча хавф манбаидан етказилган зарарни унинг қонуний асосда, шу жумладан, ижара ҳуқуқи бўлган ҳолатда ҳисобланган юридик шахс ёки фуқарога қоплашни юклашдан келиб чиқади. Ижарага олувчининг жавобгарлиги муқаррардир чунки, у унинг айби бўлмаганда ҳам келиб чиқади.

Шарҳланаётган моддада ўрнатилган жавобгарлик масаласини тартибга солиш Ўз. Р ФКнинг 57-бобида белгиланган, зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларга доир қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.

Шарҳланаётган модда императив бўлиб, ўз навбатида тарафлар ўзларининг келишуви билан уни ўзгартира олмайдилар.

572-модда. Айрим турдаги транспорт воситаларини ижарага бериш хусусиятлари

Айрим турдаги транспорт воситаларини ижарага бериш хусусиятлари, ушбу параграфда назарда тутилган ҳоллардан ташқари, қонун ҳужжатлари билан белгиланиши мумкин.

ФКнинг транспорт воситалари ижараси тўғрисидаги ушбу кўрилаётган шарҳлардаги нормаларидан ташқари ижара муносабатлари транспорт уставлари ва кодекслари нормалари билан ҳам тартибга солинади. Улардаги қоидалар айрим турдаги транспорт воситаларининг ижараси хусусиятларини намоён қилади.

Транспорт уставлари ва кодекслари транспортнинг айрим — темир йўл, автомобиль, ички сув, денгиз ва ҳаво объекти ҳисобланган турлари махсус тартибга солувчи манбалар ҳисобланади.

Ижара тўғрисидаги умумий қоидалар транспорт воситаларини бошқариш ва техник фойдаланиш бўйича хизматлар билан ёки хизматларсиз ҳам Ўз. Р ФКнинг 557-моддаси талабларига мувофиқ тартибга солинади. Транспорт воситаларининг ижараси хусусиятлари транспорт

уставлари, кодекслари ва бошқа қонун ости ҳужжатлари билан белгиланиши мумкин.

4-§. БИНОЛАР ВА ИНШООТЛАР ИЖАРАСИ

573-модда. Бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномаси

Бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномаси бўйича ижарага берувчи ижарага олувчига бино ёки иншоотни вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш ёхуд вақтинча фойдаланиш учун топшириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Агар ушбу Кодекснинг қорхонани ижарага бериш тўғрисидаги қоидаларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ушбу параграфнинг қоидалари қорхоналар ижарасига татбиқ этилади.

1. Бинолар ва иншоотлар ижараси шартномаси ижара шартномаларининг турларидан бири бўлиб, унинг махсус хусусиятларини тартибга солиш, унинг объекти хусусиятидан келиб чиқади. Шунинг учун Ўз. Р ФКнинг 34-боби 1 параграфидagi ижара тўғрисидаги умумий қоида ушбу шартномага фақатгина ушбу бобнинг 4 параграфидa бошқача ҳол кўзда тутилмаган бўлсагина тааллуқлидир.

Шартнома объекти бўлиб, бинолар ва иншоотлар ҳисобланади. Бино — унда одамлар туриши мўлжалланган архитектура-қурилиш қурилмасининг кўринишларидан бири.

Ўз. Р Шаҳарсозлик кодексининг 2-моддасида берилган тушунчага кўра бино—функционал мақсадига қараб одамлар яшаши ёки бўлишига ва хар хил турдаги ишлаб чиқариш жараёнларини бажаришга мўлжалланган, ёпиқ хажмни ташкил этувчи таянч, тўсма ёки хар иккала мақсадга хизмат қилувчи конструкциялардан иборат қурилиш тизими.

Туриш мақсадига қараб улар турар жойларга ва нотурар жойларга бўлинади. Тураржой биносидан бутунлигича ёки аҳамиятли қисмидан одамлар яшаши учун фойдаланилади. Уни шундай деб тан олиш учун у яшаш жойларига нисбатан белгиланган санитар-техник нормалар ва қоидалар талабларига мувофиқ келиши керак.

Ўз. Р Уй-жой кодексининг 9-моддасига мувофиқ –фуқароларнинг доимий яшаши учун мўлжалланган, белгиланган санитария, ёнғинга

қарши, техник талабларига жавоб берадиган, шунингдек белгиланган тартибда махсус уйлар (ётоқ хоналар, вақтинчалик уй-жой фонди уйлари, ногиронлар, фахрийлар, ёлғиз қариялар учун интернат-уйлар, шунингдек болалар уйлари ва бошқа махсус мақсадли уйлар) сифатида фойдаланишга мўлжалланган жойлар турар-жой деб ҳисобланади. Турар-жой худди бинога ўхшаб кўчмас мулк ҳисобланади.

Ўз. Р Уй-жой кодексининг 9-моддаси 3-қисми кўп квартирали уйлардаги турар-жойларни саноат эҳтиёжлари учун ишлатиш, ижара ёки арендага беришни ман этади. Кўп турар квартирали уйдаги турар-жойга бошқа корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни ушбу жой яшаш учун мўлжалланмаган жойлар туркумига белгиланган тартибда ўтказилганидан кейингина жойлаштириш мумкин (Ўз. Рнинг 2007 йил 8 январдаги ЎРҚ-77-сон қонуни қисмида).

Нотурар-жой деб бутунлигича фуқаролар яшаши мақсадидан ташқари ишлаб чиқариш ёки ижтимоий (маъданий, тиббий, таълим) ва бошқа мақсадларда ишлатиладиган, бино тушунилади.

Бинонинг қисми хона деб номланади. Нотурар-жой биноси ўзига турар-жой хонасини ҳам, нотурар-жой хонасини ҳам киритиши мумкин. Шунинг учун бинони турар-жойга ёки нотурар-жойга ўтказишнинг қўшимча мезони бўлиб, унинг турар-жой ва нотурар-жой қисмларининг ўзаро мувофиқлиги ҳисобланади

Қурилма деганда--бинодан (ўйдан) ташқари ҳар қандай қурилиш-архитектура ёки техник объект шу жумладан гидротехник (шлюзлар, акведуклар, маёқлар ва бошқалар), транспорт шу жумладан транспорт инфраструктураси-темир йўл ва автомобил йўллари, кўприклар, пристанлар, электр узатувчи линиялар, труба проводлар ва бошқалар тушунилади.

Ўз. Р ШКнинг 2-моддасида белгиланган тушунчага мувофиқ иншоот-ҳар хил турдаги ишлаб чиқариш жараёнларини бажаришга, материаллар, буюмлар, асбоб-ускуналарни сақлашга, одамларнинг вақтинча бўлишига, одамлар, юклар ва бошқа нарсаларни олиб ўтишга мўлжалланган, таянч, тўсма ёки ҳар иккала мақсадга хизмат қилувчи конструкциялардан иборат ҳажмий, ясси ёки чизик тарзидаги қурилиш тизими.

Аниқ бир объектни маълум турдаги иншоот деб аниқлаш тушунчаси тегишли объектнинг умум техноген табиати ва унинг техник хусусиятидан келиб чиқиб, тегишли норматив ҳужжатларда кўзда тутилган.

Иншоот ишлаб чиқариш-техник каби бошқа ижтимоий вазифага ҳам эга бўлиши мумкин.

Шартноманинг предмети бўлиб, бино тўлиқлигича ёки унинг хона деб номланувчи алоҳида қисми бўлиши мумкин. Бино ва хоналар ишлатилиш мақсадларига боғлиқ равишда турар-жой ва нотурар-жойларга бўлинади.

Турар-жой хоналарини фуқароларга вақтинчалик эгаллаш ва яшаш учун фойдаланишга бериш турар-жой хоналарининг ижара шартномаси тўғрисидаги нормалар билан тартибга солинади. Турар-жой хоналарини тўлов учун юридик шахсларга фуқароларнинг яшаш учун вақтинчалик эгаллаш ва (ёки) фойдаланишга бериш ижара шартномаси асосида амалга оширилади.

Шартнома тушунчаси шахслар доираси бўйича чекловларни кўзда тутмайди. Ўз навбатида ижарага олувчи тарафидан ҳам, ижарага берувчи тарафидан ҳам фаолияти мақсадидан қатъий назар, ҳам жисмоний ҳам юридик шахслар, бўлишлари мумкин. Аммо, муайян бир ҳолатда бундай истиснолар ҳам бўлиши мумкин. Энг аввало, бу бино ёки иншоотнинг вазифаси, улардан фойдаланиш мақсадига боғлиқ. Агар ижарага олувчи ишлаб чиқариш, омбор, техник объектларни тадбиркорлик мақсадида ишлатмоқчи бўлса, бунда шартнома тарафлари-тадбиркорлардир.

Ижтимоий-маданий вазифадаги нотижорат мақсадида фойдаланиладиган объектлар предмети сифатида бўлганда шартноманинг тарафлари бўлиб, нотижорат ташкилотлари ҳисобланади. Қўшимча талаб бўлиб у ёки бошқа техник объект эгаллиги учун, хусусан, агарда объектнинг ўзи ёки ундан фойдаланишда амалга ошириладиган фаолият агрофдагиларга ошиқча хавф туғдирса лицензиянинг мавжудлиги ҳисобланади.

Шартнома консенсуал, икки тарафлама ва ҳақ эвазига тузилади. Шарҳланаётган модданинг 1-қисмидаги шартнома тушунчаси унинг текинга тузилишини кўзда тутмайди, у ижара шартномасининг умумий тушунчаси мазмунидан келиб чиқади (Ўз. Р ФК 535-модда). Бундан ташқари Ўз. Р ФК 577-моддаси ижара тўғрисидаги шартни шартноманинг муҳим шarti деб кўрсатади.

2. Бино ёки иншоотлар корxonанинг мулкxий комплекси таркибий қисми ҳисобланганлиги боис, шарҳланаётган параграф нормалари корxonаларнинг ижарасига, агарда корxonаларнинг ижараси тўғрисидаги махсус

нормаларда бошқача қоидалар кўзда тутилмаган бўлса, таллуқлидир. (Шарҳланаётган боб 5-параграфига қаранг).

Корхоналар ижарасига Ўз. Р ФК 575, 576-моддаларининг бино ёки иншоот жойлашган ер участкаларига бўлган ҳуқуқ, Ўз. Р ФК 577-моддасидаги ижара тўлови миқдорлари тўғрисидаги, шунингдек Ўз. Р ФК 578-моддасидаги бино ёки иншоотларни бериш тўғрисидаги қоидалари қўлланилади.

Шу билан бирга бино ёки иншоотларнинг ижараси шартномасининг шакли ва давлат рўйхатидан ўтказилиши тўғрисидаги қоидалар корхоналар ижараси тўғрисидаги шартномалар шаклига қўлланилмайди, чунки Ўз. Р ФК 580-моддаси 1-қисми алоҳида норма билан мустаҳкамланган.

Бино ёки иншоотларнинг ижара шартномаси давлат рўйхатидан фақатгина уларнинг муддати бир йилга тенг ва ундан ортиқ бўлганидагина ўтказилади, корхоналар ижараси шартномаси эса, ижара муддатидан қатъий назар нотариал тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт.

574-модда. Бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномасининг шакли ва уни давлат рўйхатидан ўтказиш

Бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномаси тарафлар имзолайдиган битта ҳужжат тарзида ёзма шаклда тузилади.

Бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномасининг шаклига роя этмаслик унинг ҳақиқий бўлмаслигига олиб келади.

Фуқаролар ўртасида тузилган бино ёки иншоотни ёхуд унинг бир қисмини ижарага бериш шартномаси нотариал тасдиқланган бўлиши керак.

(574-модда Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-313-сон Қонунига мувофиқ 3-қисм билан тўлдирилган — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 52-сон, 556-модда)

Бир йилдан кам бўлмаган муддатга тузилган бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим ва рўйхатдан ўтказилган пайдан бошлаб тузилган ҳисобланади.

1. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмига мувофиқ бино ва иншоотларни ижарага бериш шартномаси тарафлар имзолайдиган битта ҳужжат тарзида ёзма шаклда тузилади.

Тарафлари юридик шахслар ҳисобланган, шунингдек юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахслар ижара шартномалари ёзма шаклда тузилади (Ўз. Р ФК 107, 539-моддалари, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни 11-моддаси).

ФК 111-моддасига кўра, кўчмас мулкнинг узоқ муддатли ижараси, яъни бино ёки иншоотларнинг бир йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага бериш шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим (ФК 574-моддаси).

Ўз. Р ФК 366-моддаси 4-қисмида белгиланган шартномаларнинг ёзма шаклига доир барча кўринишларидан фақатгина битта усулга йўл қўйилади: тарафлар томонидан имзоланадиган битта ҳужжат тузилиши. Бундай усул иккала тарафнинг ҳоҳиш истагининг ягона ҳужжат матнида қайд этилишини кўрсатади.

Шартноманинг бундай шаклида Ўз. Р ФК 107-моддасидаги муносабатларнинг иштирокчилари юридик шахсми ёки фуқароми, тарафлар ижаранинг қисқа ёки узоқ муддатларига келишаётганлигидан қатъий назар битта ҳужжат шаклдаги ёзма ва оддий шаклдаги битим тўғрисидаги талаби қўлланилади.

Шартнома тарафлари томонидан шартномани факсимиле ишлатмасдан имзоланиши керак. Имзонинг бошқа шакли фақатгина Ўз. Р ФК 366-моддаси 4-қисмида белгиланган ҳолларда қўлланилиши мумкин. Электрон рақамли имзо электрон ҳужжатда қоғоз ҳужжатдаги матнда каби ўз қўли билан қўйилган имзога Ўз. Р 2003 йил 11 декабрдаги № 562-11 сонли “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги қонуни 7-моддасида қайд этилган шартларга бир вақтда риоя қилинган ҳолдагина тенг ҳисобланади.

2. Шарҳланаётган модданинг 2-қисми бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномасининг шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий бўлмаслигига олиб келиши қондасини назарда тутати.

Умумий нормалардан фарқли равишда (Ўз. Р ФК 539-моддаси 1-банди шарҳига қаранг) шарҳланаётган модда бино ёки иншоотларни ижарага бериш шартномаси ёзма равишда тузилмаса унинг ҳақиқий бўлмаслиги хавфини назарда тутати. Битимнинг оддий ёзма шаклининг бузилиши

бундай ҳолатда модда кўрсатилган қоида асосида(битимнинг қийматидан ва шартноманинг иштирокчиларидан қатъий назар) унинг ҳақиқий бўлмаслигига олиб келади. (Ўз. Р ФК 108, 115-116-моддалари, 574-моддаси 2-қисми).

3. Фуқаролар ўртасида тузилган бино ёки иншоотни ёхуд унинг бир қисмини ижарага бериш шартномаси нотариал тасдиқланиши шарт бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 159-1-моддасига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга асосан мазкур қоидага амал қилмаганлик, яъни уй-жой фуқаролар ўртасида ижарага берилганда нотариал гувоҳлантирилган шартноманинг мавжуд эмаслиги, 2012 йил 1 февралдан бошлаб энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга асос бўлади.

4. Бундай битимнинг предмети бўлиб кўчмас мулк ҳисобланади. Яъни, Ўз.Р ФК 83-моддаси 2-қисмига кўра бино ва иншоотлар ушбу мулк турига киради. Кўчмас мулк билан бўлган битим Ўз.Р ФК 111-моддасига кўра давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

Шарҳланаётган моддада қонун чиқарувчи томонидан мажбурий давлат рўйхати тўғрисидаги масала бошқача ечилган. (Ўз. Р ФК 539-моддаси 2-қисми). Унга мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказиш бино ёки иншоотларнинг ижараси шартномалари фақат муддатлари 1 йилдан ортиқ бўлганлари учун шартдир. Агар шартнома 1 йил ёки ундан камга амал қилса, у давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт эмас.

Узоқ муддатли ижара қонун чиқарувчи томонидан Ўз. Р ФК 111-моддаси 1-қисмида кўзда тутилган, давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган битимлар рўйхатига киритилган.

Бино ёки иншоотларнинг 1 йилдан кам бўлмаган муддатга тузиладиган ижара шартномаси у давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланса, давлат рўйхатидан ўтказилмагани унинг тузилмаган деб топилишини англатади.

Ўз. Р ФК нинг 112-моддаси 1-қисми умумий характердаги қоидани назарда тутиб, унга мувофиқ битимнинг давлат рўйхатидан ўтказилиши тўғрисидаги талабнинг бузилиши унинг ҳақиқий бўлмаслигига олиб келади.

Ўз. Р ФК 111-моддаси 2-қисмига мувофиқ, кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган битимларни рўйхатдан ўтказиш тартиби ва тегишли реестрларни юритиш қонунчилик томонидан белгиланади. (қаранг, Ўз. Рнинг 2000

йил 15 декабрдаги №171-II “Давлат кадастрлари тўғрисида”ги, “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги қонунлари; ВМнинг 1998 йил 31 декабрдаги № 543-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат ер кадастрини юритиш тартиби тўғрисида”ги Низом; ВМнинг 1997 йил 02.06 даги 278-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида бинолар ва иншоотларнинг давлат кадастрини юритиш тўғрисида”ги Низом; АВда 1998 йил 07. 01 да 387-сон билан рўйхатга олинган “Био ва иншоотларнинг давлат рўйхати тартиби тўғрисида”ги Қўлланма, АВ да 1997 йил 27-майда 736-сон билан рўйхатга олинган “Ўз. Рда ер участкаларига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Йўриқнома).

Ўз. Рнинг 2000 йил 15-декабрдаги 171-II-сонли «Давлат кадастрлари тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ, давлат кадастрларининг ягона тизими таркибига бошқалар қатори давлат ер кадастри ва бино ва иншоотларнинг давлат кадастри киради.

Қайд этилган қонуннинг 12-моддасига мувофиқ, давлат кадастрларини юритиш ўзида кадастр объектларига нисбатан эгалик ва бошқа ҳуқуқларини, кадастр объектларининг сон ва сифат хусусиятларини ҳисобга олишни, кадастр объектларининг сифат ва қиймат баҳосини давлат рўйхатидан ўтказилишини назарда тутади.

Био ва иншоотларга нисбатан эгалик ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар, ушбу ҳуқуқларнинг вужудга келиши, ўтказилиши, чекловлар ва бу ҳуқуқларнинг тугатилиши Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 84-моддасига мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт.

Ижарага бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилиши қонунчиликда ижарага берувчининг эгалик ва бошқа ашёвий ҳуқуқининг 3-шахслар ҳуқуқлари билан чекловини (тўхтатилишини) рўйхатдан ўтказиш сифатида қаралади.

Бунда ижарага бўлган ҳуқуқнинг қайд этилиши қайд этилган ҳуқуқнинг мустақил давлат рўйхатидан ўтказилиши ҳисобланмасдан, био ва иншоотларнинг давлат кадастрида кўчмас мулкнинг ижара шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги қайд этилишини билдиради.

Ижара шартномасининг давлат рўйхатидан ўтказилиши шартнома объектига нисбатан олдиндан юзага келган — давлат кадастрларининг Ягона тизимидаги эгалик ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқнинг давлат

рўйхати мавжуд бўлгандагина мумкин. Бу жуда ҳам муҳим ҳаракатлар давомийлигидир.

Ўз. Р ВМнинг 2004 йил 14-октябрдаги 483-сонли Қарори (3-банди) билан туман ва шаҳарлардаги бино ва иншоотларнинг давлат кадастрларини юритиш Ўзбекистон Республикасининг ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри Давлат қўмитасининг туманлар (шаҳарлар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимларига юкланган, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси 84-моддасида кўзда тутилган бино ва иншоотларга нисбатан ҳуқуқларнинг ва улар билан боғлиқ бўлган битимларнинг давлат рўйхатидан ўтказилишини амалга ошириш эса Ўзбекистон Республикасининг ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри Давлат қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳардаги ер ресурслари ва давлат кадастри бўйича бошқармаларига юкланган.

Адлия Вазирлигида 1998 йил 07-январда 387-сон билан рўйхатга олинган “Бино ва иншоотларнинг давлат рўйхати тартиби тўғрисида”ги Йўриқноманинг (кейинчалик Йўриқнома) 2-бандига мувофиқ, бино ва иншоотларга нисбатан эгалик ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар, ушбу ҳуқуқларнинг вужудга келиши, ўтказилиши, чекловлар ва бу ҳуқуқларнинг тугатилиши Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 84-моддасига мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт.

Юридик ва жисмоний шахсларга, шу жумладан чет эллик шахсларга эгалик ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқ билан тегишли бўлган, Ўз. Р ҳудудида жойлашган барча бино ва иншоотлар давлат ҳисобидан ва кадастр рўйхатидан ўтказилиши керак.

Турар жой ҳисобланган биноларни ва иншоотларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳар бир шаҳар ва шаҳардаги қўрғондаги, ҳар бир туман эса туман техник инвентаризация бюроси реестр китобларини, (№6-Йўриқномага илова, турар жой ҳисобланмайдиган бино ва иншоотлар бўйича эса туман, шаҳардаги қўчмас мулк давлат кадастр хизматлари — кадастр китобларини (№7-Йўриқномага илова) юритади.

Давлат рўйхатидан ўтказилишида кадастр (реестр) китобида бино ва иншоотларга нисбатан бўлган эгалик ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар тўғрисида (вужудга келиши, ўтказилиши, чекловлар ва бу ҳуқуқларнинг тугатилиши) ҳамда объектни тавсифловчи бошқа маълумотлар қайд этилади.

Бино ва иншоотларни эгаларини давлат рўйхатидан ўтказиш кўчмас мулк кадастри ёки техник инвентаризация (ТИБ) бюроси хизматида ҳуқуқни ўрнатувчи ҳужжатларнинг асли тақдим этилганда амалга оширилади. Нотурар жой бино ва иншоотларининг давлат рўйхатидан ўтказилиши туман (шаҳар) бино ва иншоотлари кадастр китобида, турар жой бино ва иншоотлари — туман (шаҳар)нинг реестр китобида амалга оширилади.

Агар бино ва иншоотларни давлат рўйхатидан ўтказиш техник инвентаризация бюроси томонидан амалга оширилса, улар давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги маълумотларни кўчмас мулк давлат кадастрининг тегишли хизматида бино ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш учун зарур бўлган ҳажмда берадилар.

Рўйхатдан ўтказиш тизими, тузилишига мувофиқ ҳар бир объектга: кўчмас мулк объектининг (бино ва иншоот) техник, иқтисодий ва юридик тавсифидаги, кўчмас мулк объектининг эгалари тўғрисидаги зарурий маълумотлар, тўхтатилиши ва огоҳлантирилишидан иборат 3 та бўлимли кадастр иши шакллантирилади.

Тўхтатилиши ва огоҳлантириш тўғрисидаги 3-бўлим бино ва иншоотга нисбатан 3-шахсларнинг ҳамма ҳуқуқлари — гаров тўғрисидаги маълумотлар, тўхтатилиши, банд солиш, ижара, сервитутлар, огоҳлантиришлар, бино ва иншоотларни бошқариш ҳуқуқига таъсир қилувчи кафиликлар ёки чекловлар тўғрисидаги маълумотларни сақлайди.

Кадастр кўрсаткичлари асл ҳужжатлар ёки тегишлича расмийлаштирилган нусхалар: давлат органлари қарорлари, шартномалар, (олди-сотди, ҳадя, айрбошлаш, ижара, рента ва ҳ.к.), бино ва иншоотларнинг лойиҳа смета ҳужжатлари, муқаддам амалга оширилган рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги маълумотлар асосида тузилади.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ ва битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатларнинг асли тақдим этилиб, улар ва уларнинг нусхалари рўйхатдан ўтказилгандан кейин эгасига қайтарилади. 1 йилдан кам бўлган муддатга бино ва иншоотларни ижарага бериш шартномаси унинг барча муҳим шартлари бўйича тарафларнинг келишувига эга бўлган пайтдан ва у ёзма шаклда тузилганда, яъни ҳужжат имзолангандан кейин тузилган ҳисобланади. 1 йил ва ундан кўп муддатга тузилган шартнома уни давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг тузилган ҳисобланади.

Давлат рўйхатидан ўтказишнинг мавжуд эмаслиги шартномани тузилмаган деб ҳисобланишига олиб келади. Бундай шартнома тарафларидан бири уни давлат рўйхатидан ўтказишдан бош тортса, иккинчи тараф Ўз. Р ФК 112-моддаси 3-қисми асосида суд тартибида шартномани давлат рўйхатидан ўтказишга мажбурлаш ҳуқуқига эга. Кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш институти исботловчи кучи фавқулодда алоҳида аҳамиятига эга.

Бино ва иншоотларни рўйхатдан ўтказишнинг АВ да 1998 йил 07-январда 387-сон билан рўйхатга олинган “Бино ва иншоотларнинг давлат рўйхати тартиби тўғрисида”ги Йўриқноманинг 13-бандида қайд этилган асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

Низолашмаслик тамойили. Эгалик ҳуқуқининг давлат рўйхатидан ўтказиш тизимининг асосий мақсади — эганинг бундай ҳуқуқнинг низолашмаслиги ҳисобига ҳуқуқларини ҳимоя қилинишини таъминлашдир. Эгаликнинг тортишмаслик ҳуқуқи нольга оборилиши, бекор қилиниши, юридик кучидан маҳрум қилиниши мумкин эмас. Ушбу рўйхатдан қайд этилган субъект мол-мулк мулкдори ҳисобланади.

Бундан келиб чиқадики, қайд этилган ҳуқуқ суд тартибида низолашмагунча, ҳамма фуқаролик ҳуқуқ муносабатларида давлат рўйхатидан ўтказилган ҳуқуқнинг қатъийлиги тамойили амал қилишидир.

Рўйхатдан ўтказилиш тамойили 2 та элементдан иборат.

Реестр ўзида асосий ҳужжат сақланиш жойини кўрсатади ва унга кириш имконини беради.

Эгалик ҳуқуқини ўтказиш бир эганинг иккинчисига ҳужжатларни оддий бериш билан эмас, балки реестрда қайд этиш орқали юзага келади. Битим қайд этилмагунга қадар у юридик кучга эга эмас.

Хабардор бўлишни бекор қилиш тамойили. Агар ҳуқуқ қайд этилмаган бўлса, бунда у амалда мавжуд бўлмайди. Мулк ҳуқуқига таъсир қилувчи қайд этилган барча ҳуқуқлар ҳақида унинг эгаси билиши лозим.

Ҳуқуқнинг (ҳуқуқдаги улуш) бошқа ҳуқуқ эгасига ўтиши ҳуқуқ турининг ўзгариши, чекловлар тўхтатилиши, ҳуқуқнинг амал қилиш муддатлари ҳақида рўйхатдан ўтказувчи кадастр (реестр китобида) “жорий рўйхатдан ўтказувчи” бўлимида тегишли қайдни амалга оширади, шундан кейин кучини йўқотган барча ёзувлар қизил рангли сиёҳ ёки шарикли ручка билан битта ингичка чизик орқали ўчирилади.

Рўйхатдан ўтказиш буюртма берилган кундан бошлаб бир ойлик муддатда амалга оширилади.

Бино ва иншоотларга эгалик ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ вужудга келиши, ўтказилишини давлат рўйхатидан ўтказиш учун юридик шахслардан энг кам ойлик иш ҳақининг иккидан бир, жисмоний шахслардан эса, 10 дан бир қийматидаги тўлов ундирилади. Объектнинг ҳуқуқий режими ўзгарган ҳолда ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ субъектининг ўзгарган ҳолларда қийматларнинг ярми олинади. Давлат рўйхатидан ўтказиш гувоҳномаси бланкаси учун тўлов алоҳида амалга оширилади.

Бино ва иншоотлар кадастр ёки реестр китобида давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин ҳуқуқ ўрнатовчи ҳужжатларда тегишли рўйхатдан ўтказиш ёзишмалари амалга оширилади ва бу ҳужжатлар уларнинг эгаларига ёки фойдаланувчиларига (14-сонли Қўлланмага илова) берилади. Асл кадастр ишида ҳуқуқ ўрнатовчи ҳужжатнинг нусхаси қолади. Бино ва иншоотларни бошланғич рўйхатдан ўтказишда бундан ташқари эгасига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 07.06 даги 278-сонли “Ўзбекистон Республикасида кўчмас мулк давлат кадастрини юритиш тўғрисида”ги Қарори билан тасдиқланган шакл бўйича бино ва иншоотларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида гувоҳнома берилади. Бино ва иншоотга эгалик ҳуқуқини бошланғич рўйхатдан ўтказилгандан кейин рўйхатдан ўтказувчи орган бино ва иншоотлар ҳуқуқий режими ўзгаришининг кейинги жорий рўйхатдан ўтказилишини олиб боради.

Бино ва иншоотларнинг ҳуқуқий режимини кейинги рўйхатдан ўтказилиши (ижара, гаров, сервитут ёки эгалик ҳуқуқи ёки бошқа ҳуқуқларнинг бошқача чекловлари) ҳужжатлар (шартномалар, суд ёки хўжалик суди қарорлари ва бошқалар) тақдим қилинишига қараб амалга оширилади.

Бино ва иншоотларнинг ҳуқуқий режимини ўзгариши кадастр ёки реестр китобида №15, 16, 17-сонли Йўриқномаларга иловалардаги тегишли реестрларда махсус графада белгиланади.

Ўз. Р ВМ 1997 йил 2 июндаги 278-сонли қарори билан тасдиқланган (2005 йил 16-февралдаги киритилган ўзгартиришлар билан) “Бино ва иншоотларнинг давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга (кейинчалик Низом) мувофиқ бино ва иншоотларнинг давлат кадастри худудийлик тамойили бўйича ташкил этилади ва ўзида ушбу объектлар-

нинг ҳуқуқий, хўжалик, архитектура қурилиш мақомлари тўғрисидаги маълумотлар тизимини ўз ичига олади.

Бино ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш бино ва иншоотларни самарали ишлатишни, ушбу объектлар эгалари ва бошқа фойдаланувчилар ҳуқуқларини, шунингдек, бино ва иншоотларга эгалик ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни таъминлаш учун олиб борилади.

Бино ва иншоотга эга ҳисобланган ёки уларга ашёвий ҳуқуқга эга бўлган барча юридик ва жисмоний шахслар уларга тегишли бўлган бино ва иншоотларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳужжатларга эга бўлишлари шарт.

Бино ва иншоотларни рўйхатдан ўтказиш бўйича мажбурият мулкдорга ёки бино ва иншоотга нисбатан ашёвий ҳуқуқга эга бўлган шахсга юкланади. Улар бино ва иншоотга бўлган эгалик ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ юзага келган, ўзгарган, тугатилган ёхуд бино ва иншоотларнинг ҳуқуқий ҳолати ўзгарган вақтдан бошлаб бир ойлик муддатда шахарлар, туманлар ҳудудларидаги бино ва иншоотларни давлат рўйхатидан ўтказишини амалга оширувчи органларга бино ва иншоотларнинг кадастр, реестр китобларида рўйхатдан ўтказиш учун ҳужжатларни тақдим этишга мажбурдирлар.

575-модда. Бино ёки иншоот ижарага берилганида улар жойлашган ер участкасига бўлган ҳуқуқлар

Бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномаси бўйича ижарага олувчига бундай кўчмас мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқларини топшириш билан бир вақтда ер участкасининг ана шу кўчмас мулк жойлашган ва ундан фойдаланиш учун зарур қисмига бўлган ҳуқуқлар ҳам топширилади.

Ижарага берувчи ижарага берилаётган бино ёки иншоот жойлашган ер участкасининг мулкдори бўлса, ижарага олувчига ер участкасининг тегишли қисмига бўлган ижара ҳуқуқи ёхуд бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномасида назарда тутилган бошқа ҳуқуқ топширилади.

Агар ижарага олувчига топшириладиган тегишли ер участкасига бўлган ҳуқуқ шартномада белгилаб қўйилган бўлмаса, ер участка-

сининг бино ёки иншоот жойлашган ва улардан ўз вазифасига мувофиқ фойдаланиш учун зарур бўлган қисмидан фойдаланиш ҳуқуқи бино ёки иншоот ижарага берилган муддатга ижарага олувчига ўтади.

Ижарага берувчига мулк ҳуқуқи асосида қарашли бўлмаган ер участкасида жойлашган бино ёки иншоотни ижарага беришга, агар бундай участкадан фойдаланишнинг қонунда ёки ер участкасининг мулкдори билан тузилган шартномада белгиланган шартларига зид бўлмаса, ушбу участка мулкдорининг розилигисиз йўл қўйилади.

1. Шарҳланаётган модда ижарага олинган бино ёки иншоот жойлашган ер участкасига бўлган ҳуқуқ борасидаги муносабатларни тартибга солишга бағишланган. Бино ёки иншоот бевосита бошқа кўчмас объект — ер билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, уларга эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи, шунингдек, ер участкасидан ҳам фойдаланиш ҳуқуқини англатади. Ер участкаси деганда, сув ҳавзаси ост қисми ҳам тушунилиб, унда гидротехник қурилма мавжуд бўлади.

Агар бино ва ер участкасини ёки иншоот ва ер участкасини мажмуининг ўзаро боғлиқлиги белгисига кўра қаралса, у ҳолда улар ўзларида асосий ашё ва мансуб ашёни, яъни асосий ашё — бу бино ёки иншоот, мансуб ашё эса — ер участкаси, сабаби унинг мақсади — қурилишга доир мақсадидан келиб чиқиб бош объектга хизмат кўрсатишни англатади. Бу нисбатни ер ижараси муносабатларининг предмети бўлган қишлоқ хўжалик мақсадларида ерларни ижарага бериш шартномасида ишлатиб бўлмайди, аммо ундаги қурилма хизмат қилиш вазифасини бажаради.

Ўз. Р ФКнинг 90-моддаси қоидасига кўра, мансуб ашё асосий ашё тақдирига агар қонунчилик ҳужжатлари ва шартномаларда бошқача тартиб ўрнатилмаган бўлса, боғлиқ бўлади. Ўз навбатида, асосий ашёни фойдаланишга бериш мансуб ашёни ҳам (хизмат қилувчи ашёлар) беришни билдиради.

Шунинг учун шарҳланаётган модданинг 1-қисмига мувофиқ бино ёки иншоотни ижарага олувчига ижара шартномаси бўйича бир вақтнинг ўзида ушбу кўчмас мулкка фойдаланиш ва эгалик ҳуқуқи билан биргаликда, кўчмас мулк ва ундан фойдаланиш учун зарур бўлган ер участкасига бўлган ҳуқуқ ҳам ўтказилади.

Шундай қилиб, ер участкасининг майдони 2 та таркибдан шаклланади:

а) участка майдони, режадаги бино ёки иншоотнинг тегишли майдони;

б) қурилиш ва бошқа техник нормалар ва қоидалар билан аниқланадиган ўлчами ва периметр бўйича бинога яқин участка майдони.

Бино ёки иншоотга яқин участканинг миқдори, норматив ҳужжатларда аниқланмаган бўлса, улар ижара объектнинг вазифасига мувофиқ ишла-тилишидаги зарурият тамойилидан келиб чиқиб аниқланади. Айрим турдаги бино ва иншоотлар (юқори хавfli саноат объекти сифатидаги) учун санитар ва муҳофаза ҳудудлари кўзда тутилади, уларнинг ҳудудлари ҳам хизмат кўрсатувчи ер участкаси майдонига кўшилади.

2. Ижарага олувчига тегишли ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини ўтказилишига асос бўлиб, тарафларнинг бу тўғридаги келишуви ёки қонун ҳисобланади. Агар ижарага берувчи ижарага берилаётган бино ёки иншоот жойлашган ер участкасининг эгаси бўлса, бунда асос бўлиб ҳам шартнома, ҳам қонун ҳисобланади.

Биринчи ҳолатда тарафлар шартномада тегишли ер участкасини ўтказиш тўғрисида шартларни киритишади. Унинг энг кам ўлчами шарҳланаётган модданинг 1-қисмига мувофиқ аниқланади. Лекин, тарафлар агар ундан фойдаланиш ернинг мақсадли вазифасига қарама-қарши келмаса катта ер участкасининг берилиши ҳақида келишишлари мумкин. Бино ёки иншоотни ижарага олувчига ер участкасини бериш фақатгина ижара ҳуқуқи билан эмас, балки бошқа ҳуқуқ билан ҳам ўтказилиши мумкин. Шарҳланаётган модда бундай имкониятга йўл қўйиб, бундай ҳуқуқнинг аниқ турларига доир кўрсатмаларни ўзида назарда тутмайди.

Демак, ер участкасини ҳар қандай ҳуқуқ, шу жумладан, муддатли текин фойдаланишга бериш, доимий (муддатсиз) фойдаланишга бериш (Ер кодекси билан киритилган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда) ёки мулк ҳуқуқи билан ҳам ўтказилиши мумкин. Бу ижарага олинган мулкни кейинчалик сотиб олишга доир ижара шартномасида мақсадга мувофиқ ҳолда бўлади. (Ўз. Р ФК 556-моддаси шарҳига қаранг)

3. Иккинчи ҳолатда, агар тарафлар ер участкасига бўлган ҳуқуққа доир муносабатларни ўзларининг келишуви билан тартибга солмасалар, улардан фойдаланиш ҳуқуқи ижарага олувчида бевосита қонундан келиб чиқиб, шарҳланаётган модданинг 3-қисми билан юзага келади. Худди шу асосда ижарага олувчи ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини ижарага

берувчи унинг эгаси бўлмаган ҳолда ва тегишлича уни бошқа шахсга ўтказиш бўйича келишувга эришишга ҳақли бўлмаган ҳолатда ҳам олади.

Бундай ҳолатларда ижарага олувчи фойдаланиши мумкин бўлган участка майдони шарҳланаётган модданинг 1-қисми коидалари бўйича аниқланади.

4. Шарҳланаётган модданинг 4-қисми бошқа ер участкасида жойлашган кўчмас мулк эгасининг бу кўчмас мулкдан ўз хоҳишига кўра мутлок эркин ҳолда бўлмаган равишда, эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф қилиш ҳуқуқига эгалигини назарда тутаяди, чунки бу мазкур участкадан қонунда ёки бу ер участкаси эгаси билан шартномада белгиланган шартларга зид бўлмайди.

Шунинг учун ер участкаси эгаси ҳисобланмаган бино ёки иншоотнинг эгаси бошқа участкада жойлашган бино ёки иншоотни ушбу участка эгасининг розилигисиз бундай “зид бўлмаслик” талабларига риоя қилганда ижарага бериши мумкин.

Масалан, агар бунда ер участкасининг мақсадли фойдаланилиши тўғрисидаги ер қонунчилиги талаблари бузилмаса.

576-модда. Ер участкаси сотилганида ундан фойдаланиш ҳуқуқининг бино ёки иншоотни ижарага олувчида сақланиб қолиши

Ижарага олинган бино ёки иншоот жойлашган ер участкаси бошқа шахсга сотилган ҳолларда ер участкасининг бино ёки иншоот жойлашган ва ундан фойдаланиш учун зарур бўлган қисмидан фойдаланиш ҳуқуқи ушбу ер участкаси сотилгунига қадар амалда бўлган шартлар билан ана шу бино ёки иншоотни ижарага олувчи шахсда сақланиб қолади.

Бино ёки иншоотни ижарага олувчи шахснинг Ўз. Р ФК 575-моддасида кўзда тутилган ер участкасининг қисмидан фойдаланиш ҳуқуқи ер участкаси эгасига чекловлар юклайди. Бундай чекловлар бу бино ва иншоот эгасининг ҳуқуқидан келиб чикувчи хусусиятга эга бўлсада, унинг табиати ер участкасини ижарага берувчи ҳуқуқи табиати билан бир хилдир. Бу ўзганинг ашёсига нисбатан ҳуқуқ бўлиб бу ушбу ашё эгасига мажбурият юклайди.

Бундан ташқари ижарага олувчининг ҳуқуқи ҳажми ижарага берувчининг ҳуқуқи ҳажмидан юқори бўлмайди. Шунинг учун ижарага олувчи ҳуқуқи билан тўхтатилган ер участкасининг эгасининг алмашишида “ашё ҳуқуқ орқасидан эмас, балки ҳуқуқ ашё орқасидан юради” деган умумий қоида ишлатилиши керак. Ушбу ҳолатда ер участкаси эгаси тарафидаги шахсни алмаштириш ижарага олувчини ушбу ер участкасидан бундай алмашиш амал қилгунча бўлган шартларда фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

Бундан ташқари ушбу ҳолат Ўз. Р ФКнинг 393-моддасидаги сотувчи сотиб олувчига ер участкасини учинчи шахслар ҳуқуқидан эркин ҳолда фақатгина сотиб олувчи уни бундай мажбурият билан қабул қилишга рози бўлгандагина алмаштиришга мажбурлиги тўғрисидаги қоидалар билан мувофиқдир.

Ўз навбатида агарда у бундай ер участкасини олса, демак у буни учинчи шахслар ҳуқуқларидан ҳоли бўлмаган ҳолда қабул қилаётганлигини билган ва уни шундай ҳолатда қабул қилишга рози бўлган. Агарда у учинчи шахслар ҳуқуқлари тўғрисида билмаган бўлса, бу унга сотиб олиш баҳосини камайтириш ёки олди-сотди шартномасини бекор қилишни талаб қилиш ҳуқуқини бергани ҳолда, ижарага олувчининг ҳуқуқини тугатишни талаб қилиш ҳуқуқини ҳеч бир ҳолатда бермайди. Ушбу норма олди-сотди шартномаси бўйича ер участкасига эгалик ҳуқуқи алмашган ҳолатлардагина амал қилади. Бу эса эгаликнинг алмашиши бошқа асослар билан (мерос, юридик шахсни-эганинг қайта ташкил этилиши, реквизиция, мусодара, ҳады ёки рента шартномалари ва бошқалар) амалга оширилганда қўлланилмайди. Бундай чеклов ҳамма вақт ҳам ўзини оқламайди.

Ижарага олувчининг ер участкасидан фойдаланишга бўлган ҳуқуқини саклаш тўғрисидаги қоидаларни Ўз. Р ФК 549-моддаси нормасидаги ўхшашликлар бўйича ерни ажратишнинг ҳамма ҳолатларига қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

577-модда. Ижара ҳақининг миқдори

Бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномасида ижара ҳақининг миқдори назарда тутилиши лозим. Ижара ҳақининг миқдори тўғрисида тарафлар ёзма шаклда келишган шартлар

бўлмаган тақдирда, бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномаси тузилмаган ҳисобланади. Бунда ушбу Кодекс 356-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган нарх белгилаш қоидалари қўлланмайди.

Бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномасида белгиланган бино ёки иншоотдан фойдаланганлик ҳақиға, агар қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, бино ёки иншоот жойлашган ер участкасидан ёхуд ер участкасининг бино ёки иншоот билан бирга топшириляётган тегишли қисмидан фойдаланганлик ҳақи ҳам қиради.

Шартномада бино ёки иншоотнинг ижара ҳақи бино (иншоот) майдонининг бирлиги ёки унинг бошқа ўлчов кўрсаткичлари бўйича белгиланган бўлса, ижара ҳақи ижарага олувчига топширилган бино ёки иншоотнинг ҳақиқий ўлчовига қараб аниқланади.

1. Ушбу шартнома мазмуни бўйича бошқа ҳар қандай ижара шартномаси каби тўлов хусусиятига эға. Шарҳланаётган модда ижара ҳаққи миқдори тўғрисидаги шартлар шартноманинг тарафлар томонидан ёзма шаклда келишув шарт бўлган муҳим шарти ҳисобланади. Бундай шартнинг шартномада ёзма қайд этилиши мавжуд бўлмаганда шартнома тузилмаган деб ҳисобланади.

Шундай қилиб тўлов хусусиятидаги шартномада баҳо кўзда тутилмаган бўлса ва аниқланиши мумкин бўлмаса, шартнома шартларидан келиб чиқиб шартномани ижро этиш шунга ўхшаш товар маҳсулот ва ишлар ёки хизматлар учун ўхшаш ҳолатларда олинадиган нархлар бўйича тўланиши лозимлиги тўғрисидаги Ўз. Р ФК 356-моддаси 4-қисми ҳаракати амал қилади.

Ижара ҳаққини ҳисоблашда: бино қиймати, йиллик амортизация чегирмалари миқдори (агар капитал таъмирлаш ижарага берувчи томонидан амалға оширилса), ижарага олинган хоналар ва яқин жойлашган ҳудудларнинг (агар у қисман ёки тўлиқ равишда ижарага берувчи томонидан амалға оширилса), мулкни сақлаш билан боғлиқ бошқа устама ҳаражатлар (солиқлар, суғурта бадаллари) ва шунингдек маҳсулотлар таннархига таъсир қиладиган айрим бошқа кўрсаткичлар ҳисобға олинади.

Шартноманинг предмети бўлиб мулк ҳисобланиши, уни баҳолаш маълум қийинчиликларни туғдиришини ҳисобға олиб тарафлар ваколатли

давлат органлари томонидан ишлаб чиқилган услубларни қўллашлари мумкин. Улар агар ижара шарномаси объекти (предмети) бўлиб давлат эгалигида бўлмаган кўчмас мулк ҳисобланганда тавсия хусусиятига эга.

Агар ижара предмети бўлиб давлат эгалигида бўлган мулк ҳисобланганда ижара ҳаққи миқдорини аниқлашда улар учун мажбурий бўлган нормативларга амал қилиш мумкин. Нотурар жой бинолар (хоналар) учун ижара ҳақи даражасини аниқлаш бўйича услублар давлат бошқарувининг жойлардаги органлари томонидан аниқланади.

Бундай нормативлар хусусан давлат бошқарувининг жойлардаги органлари томонидан тасдиқланган давлат эгалигида бўлган бинолар, қурилишлар, қурилмалар ва алоҳида хоналардан фойдаланганлик учун ижара ҳаққи ҳажмларини аниқлаш Тартибида кўзда тутилган.

Масалан, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2010 йил 25 февралдаги 113-сонли Қарори билан «2010 йилга Тошкент шаҳридаги давлат мулки ҳисобланган кўчмас мулклардан фойдаланилганликлари учун қўлланиладиган ижара ҳақларининг энг кам фоизлари» 1-иловага мувофиқ, «Ижара ҳаққини ҳисоблаш Тартиби» 2-иловага мувофиқ, шунингдек, ижара ҳаққини ҳисоблаш бўйича қўшимча коэффициент қўлланиладиган «Тошкент шаҳрининг марказий магистрал кўчалари Рўйхати», 3-иловага мувофиқ тасдиқланган.

Ушбу Қарорга мувофиқ Тошкент шаҳрининг давлат мулкани ижарага бериш Маркази ижара ҳақларининг энг кам фоизлари сифатида 1-иловада кўрсатилганлардан фойдаланади.

2. Ижарага олинган бино ва иншоотлардан фойдаланганлик учун ижара ҳаққи ҳисобига Ўз. Р ФК 575-моддасига мувофиқ ижарага олувчига мажбурий тартибда тақдим этиладиган ер участкаси учун ижара ҳаққи ҳам киритилади. Бундай участканинг чегараси бино ёки иншоот ўзи эгаллаган, шунингдек, унга яқин жойлашган, фойдаланилиши учун зарур бўлган ер участкасидан кам бўлиши мумкин эмас. Агар тарафлар катта ер участкасини фойдаланишга бериш тўғрисида келишсалар, бу ҳам тегишлича шартнома баҳосига таъсир қилади.

Шарҳланаётган модда 2-қисмида кўрсатилган қоида қонун ёки шартнома билан бошқача кўзда тутилмаган бўлса амал қилади. Бу хусусан, тарафлар бино (иншоот) ва ер участкаси учун алоҳида ижара ҳаққи белгилашга келишсалар амал қилмайди.

3. Ижара ҳаққи шартномада объект учун тўлиқ ёки шундай унинг маълум миқдорини белгиловчи қисми бўйича ҳам ўрнатилиши мумкин. Бундай ҳисобдаги бирлик бўлиб бино ёки иншоотнинг майдони бирлиги — метр квадрат хизмат қилади. Шу билан бирга, бино ёки иншоотнинг турига боғлиқ ҳолда миқдорнинг бошқа масалан ҳажм кўрсаткичлари ҳам ишлатилиши мумкин. Бундай ҳолатда ҳисоб бирлиги бўлиб — метр куб ҳисобланади.

Агар ижара ҳаққи бинонинг миқдори ҳажми ёки бошқа кўрсаткичининг майдон бирлиги бўйича ўрнатилган тақдирда ижарага олувчи бино ёки иншоотнинг миқдори (майдон, ҳажм ва х.к.) ва кўрсатилган бирлик учун тўланган ижара ҳаққига тенг суммани тўлашга мажбур. Агар бино ёки иншоотнинг ҳақиқий миқдори унинг расмий миқдори билан (ҳужжатларда қайд этилган) мувофиқ келмаса, ижара ҳаққи ҳақиқий миқдоридан келиб чиқиб аниқланади.

578-модда. Бино ёки иншоотни топшириш

Бино ёки иншоотни ижарага берувчи томонидан топшириш ва ижарага олувчи томонидан қабул қилиб олиш тарафлар имзолайдиган топшириш далолатномаси ёки топширишга доир бошқа ҳужжат бўйича амалга оширилади.

Агар қонунда ёхуд бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ижарага берувчининг бино ёки иншоотни ижарага олувчига топшириш мажбурияти бино ёки иншоот ижарага олувчининг эгалигига ёки фойдаланишига топширилганидан ва тарафлар топшириш тўғрисидаги тегишли ҳужжатни имзолаганларидан кейин бажарилган ҳисобланади.

Тарафлардан бирининг бино ёки иншоотни шартномада назарда тутилган шартларда топшириш тўғрисидаги ҳужжатни имзолашдан бош тортиши тегишли бўлишига қараб, ижарага берувчининг мол-мулкни топшириш бўйича ўз мажбуриятларини, ижарага олувчининг эса, мол-мулкни қабул қилиб олиш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бош тортиши деб қаралади.

Бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномаси бекор қилинганида ижарага олинган бино ёки иншоот ушбу моддада назарда тутилган қоидаларга риоя этган ҳолда ижарага берувчига қайтарилиши лозим.

1. Бир шахс томонидан иккинчи шахсга юқори қийматдаги объектларни ижарага топшириш қоида тариқасида тегишли ҳужжатлар тузиладиган ва имзоланадиган махсус жараёнда расмийлаштирилади. Бундай ҳужжат бўлиб иштирокчилар сонига мос нусхаларда тузилган, бир хил юридик кучга эга бўлган, топшириш далолатномаси, топшириш-қабул қилиш далолатномаси ва ҳ.к. деб номланадиган ҳужжат бўлиши мумкин.

Шарҳланаётган модда шунингдек, тарафларга бино ёки иншоотларни ижарага топширишни расмийлаштиришни, топшириш далолатномани ёки бошқа ҳужжатни тузиш ва имзолашни расмийлаштириш талабини қўяди.

Топшириш далолатномаси ёки бошқа ҳужжат хусусан қандай аниқ мулк, қандай ҳолатда ва қачон ижарага олувчига топширилганлигини ёзма тасдиғи бўлиб ҳисобланади. Бундай актни имзолаган пайтдан бошлаб ижарага олувчи унинг сақланиши ва бошқа мажбуриятларни бажарилиши учун шартнома бўйича, қонун бўйича ҳам унга топширилган мулкнинг титул (қонуний) эгаси сифатида (хусусан, ижарага олинган мулкдан фойдаланиш билан боғлиқ фаолиятида учинчи шахсларга етказилган зиён учун жавобгарликни зиммасига олади) жавобгарликни зиммасига олади.

2. Ижарага берувчи томонидан бино ёки иншоотни топшириш бўйича ўзининг мажбуриятларини бажариш уни топшириш пайтидан ҳисобланади, агарда бунда тарафларнинг топшириш далолатномасини имзолашлари билан бир вақтда амалга оширилганда. Агарда қонун ёки ижара шартномасида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса.

Ўз навбатида амалда топшириш пайтининг топшириш актини имзолаш пайти билан мувофиқ келиши ижарага берувчининг ижарага олувчига объектни топшириш мажбурияти ижро этилганлигини тасдиғи ҳисобланади.

3. Ижарага олувчининг ижарага берувчи ёки ижарага олувчининг шартномадаги шартларда кўзда тутилган бино ёки иншоотнинг топшириш актини ёки бошқа ҳужжатни имзолашдан бўйин тортиши ижарага берувчининг мулкни топшириш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришидан, ижарага олувчи томонидан эса-уни қабул қилишдан бош тортиши ҳисобланади.

Тарафларнинг бундай ҳаракатларининг ҳуқуқий натижалари ҳужжатни имзолашдан бош тортишнинг ҳаққонийлиги ёки йўқлигидан келиб чиқиб турлича бўлиши мумкин.

Хусусан, ижарага берувчининг топшириш актини имзолашдан бош тортиши, агар ижарага олувчи унга бино ёки иншоотни топширишни шартловчи мажбуриятларни бажармаганда ҳаққоний бўлиб ҳисобланади. (Масалан аванс ҳақини киритиш бўйича мажбурият).

Ижарага олувчига нисбатан эса, унинг томонидан топшириш актини имзолашдан бош тортиши агарда бино ёки иншоотнинг ҳолати шартнома шартларига мувофиқ келмаган тақдирда ҳақли ҳисобланади. Мажбуриятларнинг бажарилишидан бош тортиш бир тарафлама бўлишлигига қонунда ёки шартномада кўзда тутилган ҳолатларда мумкин. (масалан, агар шартнома тузиш ва мулкни топшириш даврлари ўртасида ижарага олувчида ижара объектдан фойдаланиш учун зарур бўлган лицензиянинг амал қилиш муддати тугаган бўлса).

Охириги ҳолатда бундай бош тортишга тарафларнинг Ўз. Р. ФК нинг 24, 237-моддаларидаги тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ ижара мажбуриятлари амал қилган тақдирда йўл қўйилади.

Бошқа ҳолатларда бундай бош тортиш тарафларнинг ноқонуний ҳаракатларини ифодалайди ва жавобгарликни келтириб чиқаради.

4. Ижара шартномасининг тугатилиши бино ёки иншоотнинг ижарага олувчи томонидан ижарага берувчига топширилиш жараёнини назарда тутати. Бундай жараён шарҳланаётган модданинг 1-қисмидаги қоидалар бўйича, яъни топшириш акти ёки бошқа ҳужжатнинг тузилиши ва имзоланиши йўли билан амалга оширилади. Бироқ бундай ҳолатда ушбу жараёни ҳуқуқий натижаси бошқача бўлади. Улар бошқача тўсиқлар мавжуд бўлмаганда мажбуриятларни тўлиқ тугатадилар. Бундай тўсиқлар бўлиб, ижарага олувчи томонидан шартнома шартларини бажариш бўйича йўл қўйилган қонунбузилишлар, хусусан, агар мулк камчиликлар билан қайтарилиши ёки унинг таъминланиши амалга оширилмаганлиги, ҳисобланади.

5-§. КОРХОНАНИ ИЖАРАГА БЕРИШ

579-модда. Корхонани ижарага бериш шартномаси

Корхонани ижарага бериш шартномаси бўйича ижарага берувчи ижарага олувчига вақтинча эгаллик қилиш ва фойдаланиш учун мулк

кий комплекс сифатида бутун корхонани ёки унинг бир қисмини ҳақ эвазига бериш мажбуриятини олади, ижарага берувчи бошқа шахсларга ўтказиши мумкин бўлмаган ҳуқуқ ва мажбуриятлар бундан мустасно.

Ижарага берувчи ўз қарзларини ижарага олувчининг зиммасига ўтказиши ҳақида кредиторларини ёзма равишда огоҳлантириши шарт, кредиторлар бунга рози бўлмасалар, огоҳлантиришни олган вақтдан бошлаб уч ой давомида ижарага берувчидан тегишли мажбуриятларни бекор қилишни ёки муддатидан олдин бажаришни ва шу туфайли етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли. Агар шу муддатда мазкур талаблардан биронтаси билдирилмаса, кредитор тегишли қарзнинг ижарачига ўтказилишига розилик берган деб ҳисобланади.

Ижарага берувчидан мажбуриятларни бекор қилишни ёки муддатидан олдин бажаришни ва зарарни қоплашни талаб қилган кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиб бўлинганидан кейингина корхона ижарачига топширилиши мумкин.

Корхона мулкӣ комплекс сифатида ижарага берилганидан кейин ижарага берувчи билан ижарага олувчи топширилган корхона таркибига киритилган ва ижарага олувчига кредиторнинг розилигисиз ўтказилган қарзлар бўйича солидар жавобгар бўладилар.

Агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ижарага берувчининг тегишли фаолият билан шуғулланиш учун махсус рұхсатнома (лицензия) асосида олган ҳуқуқлари ижарага олувчига берилиши мумкин эмас. Ижарачи махсус рұхсатнома (лицензия)си бўлмаганлиги сабабли бажара олмайдиган мажбуриятларни шартнома бўйича топшириляётган корхона таркибига киритиш ижарага берувчини кредиторлар олдидаги тегишли мажбуриятлардан озод қилмайди.

1. Корхонани ижарага бериш шартномаси учун унинг предмети бўлиб алоҳида тоифадаги мулк — корхона ҳисобланганлиги боис махсус тартибга солиш кўзда тутилган. Корхона ижарасига бино ва иншоотларнинг ижараси тўғрисидаги 4-параграф қоидалари, қўлланилади, агар ушбу параграф қоидаларида бошқача назарда тутилмаган бўлса.

Ижара тўғрисидаги умумий ҳолатларга келсак, улар ушбу шартномага субсидиар тартибда қўлланилади, агар корхона, бино ва иншоотлар ижараси нормаларида бошқача кўзда тутилмаган бўлса.

Ушбу мажбуриятда корхона — фуқаролик ҳуқуқи объекти ва Ўз. Р ФК 85-моддасига мувофиқ, корхона бутун бир мулкӣ комплекс сифатида кўчмас мулк ҳисобланади. У ўзида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун фойдаланиладиган мулкӣ мажмуани билдиради.

РФ ФК 607-моддаси 3 пунктида тарафлар ижара шартномасида ижарага берувчига бериладиган ижара объекти сифатидаги мулкни тавсифловчи аниқ

маълумотларни кўрсатишлари кераклиги белгиланган. Ушбу талабни бажармаслик шартнома предмети тўғрисидаги шартларнинг тарафлар томонидан келишилмаганлигига, тегишли шартнома эса тузилмаган деб ҳисобланишига асос бўлади. Бизнинг қонунчилигимизда бундай ҳолатнинг мавжуд эмаслиги, катта камчилик ҳисобланади.

Ушбу мажмуага кирадиган мулкнинг (ҳам ашёвий, ҳам мулкӣ ҳуқуқлар) рўйхати Ўз. Р ФК 85-моддасида кўрсатилган, аммо Ўз. Р ФК 579-моддаси шарҳларига киритилмаган. Ўз. Р ФК 85-моддасидаги рўйхат тугалланган хусусиятга эга эмас.

Мулкнинг бундай тури ҳисобланган корхона комплекс (мураккаб) хусусиятга эга бўлиб, ашёвий ва мажбурий алоҳида элементлардан иборат. Мажбурий элемент ўзида идеал объектга бўлган ҳуқуқни ҳам ифодалайди.

Шундай қилиб, шартнома мазмунида бир элемент ашё шаклидаги мулк ижараси шартномасига мос хусусиятларга эга ҳолда намоён бўлади. Булар ижарага берувчига эгалик ҳуқуқида ёки хўжалик юритиш ҳуқуқида тегишли бўлган корхона таркибига кирувчи ер участкалари, бинолар, иншоотлар, ускуналар, асосий воситалар, айланма воситалар (ҳом ашё захиралари, ёнилғи, материаллар ва бошқалар).

Мазкур элемент аниқ ашё ҳақида махсус тартибга солувчи нормаларни кўзда тутиши мумкин. Бунда қуйидаги асосий қоидаларни назарда тутиш лозим.

1) Қонун билан ижарага бериш мумкин бўлмаган мулк турлари ўрнатилган бўлиши мумкин. Демак, бундай мулк мулкӣ мажмуа таркибига кириши мумкин эмас. Бундан ташқари, агар худди шу элемент корхона учун функционал зарурий бўлса, бундай ҳолат корхона ижараси шартномаси мақсадлари учун объектни бўлинадиган ашёликдан, (ФК 88-моддаси 2-қисми), тарафларни эса бундай шартномани тузишдан маҳрум қилади.

2) Қонун билан ижарага бериш мумкин бўлган мулк турлари чекланган бўлиши мумкин. Демак, ижара шартномаси қонуннинг чеклов талаблари бузилмаган ҳолатдагина тузилиши мумкин.

3) Мазкур шартномага субсидиар тартибда бино ва иншоотларнинг ижараси тўғрисидаги ФК 34-моддаси 4 параграфи қўлланилади.

Мулкый мажмуанинг бир элементини ташкил қилувчи ашёга нисбатан ижарага берувчида ижара шартномаси тавсифига кўра классик, одатий мажбурият, яъни ижарага берувчига ушбу ашёни эгалик ва фойдаланиш учун тақдим қилиш мажбурияти пайдо бўлади.

Шартноманинг иккинчи эленменти бўлиб, ушбу корхона билан боғлиқ мулкый ҳуқуқларнинг топширилиши бўйича шартлар ҳисобланади. Улар мажбурият ҳуқуқини худди шу каби чекланган ашёвий ҳуқуқни (ўзганинг мулкидан фойдаланиш) назарда тутаяди. Уларни топшириш уларнинг қандай асосларда ижарага берувчига тегишлилиги билан боғлиқдир.

Шу каби, мажбурият ҳуқуқи асосидаги талаблар (масалан, хом-ашё ва материалларни етказиб берувчиларга, жўнатилган маҳсулотни сотиб олувчиларга) тўлиқ равишда уларни бошқа шахс фойдасига воз кечиш нормалари (цессиялар) билан тартибга солинади, агарда ижарага берувчида ҳуқуқлари пайдо бўлишга асос бўлган қонун ёки шартномада бошқача назарда тутилмаган бўлса. (Ўз. Р ФК 313–323-моддалари)

2. Корхона мулкнинг таркибига ижарага берувчининг корхона билан боғлиқ қарзлари ҳам мавжудлиги учун, уларни ижарага олувчига топшириш умумий қоидаларга кўра (Ўз. Р ФК 322-моддаси) кредиторларнинг розилигини олишни ҳам тақоза этади. Бироқ, бундай ҳолатда Ўз. Р ФК 579-моддасидаги махсус қоидаларга мувофиқ қарзни топшириш қорхонани топшириш пайтида шартнома тузилгандан кейин амалга оширилади.

Шарҳланаётган модда қонун чиқарувчига кредиторларга ижарага олувчига қарзни ўтказишга норози бўлган ҳолатда ижарага берувчидан ёзма хабар олинган кундан бошлаб уч ойлик муддат давомида ижарага берувчига тегишли мажбуриятларни ва булар натижасида етказилган зарарни тугатиш ёки муддатидан олдин ижро этиш талабини қўйиш ҳуқуқини беради.

Кредитор ўзининг розилигини бермасдан, бундай мажбуриятларни ва булар натижасида етказилган зарарни тугатиш ёки муддатидан олдин ижро

этиш талабини қўйиши мумкин бўлганлиги учун уни корхона таркибида ушлаб туриш муаммоли ҳисобланади.

3. Шарҳланаётган модданинг 3-қисмида корхона ижарага олувчига фақатгина кредиторлар билан уларнинг ижарага берувчидан мажбуриятларни ва булар натижасида етказилган зарарни тугатиш ёки муддатидан олдин ижро этиш талабини қўйганлиги учун ҳисоб-китоб қилингандан кейин топширилишини назарда тутаяди. Бу эса ҳам қонуний ва мантиқий асосга эга ҳам қонуний ва мазмунлидир. Бу қоида кредиторлар билан ишларни тугатиш бўйича тайёргарлик ишларни якунлашга, қарзлар билан аниқлик киритишга, топширилаяётган корхона таркибига уларни киритиш ёки йўқлигини якуний баҳолашга олиб келади.

4. Агар кредитор қарзларини ўтказишга ўз розилигини бермаган бўлса, шунинг билан биргаликда мажбуриятларни тугатиш ёки уни муддатидан олдин ижро этишни талаб ҳам қилмаган бўлса, ижарага берувчи топширилаяётган корхона таркибига тегишли қарзларни киритиши мумкин. Аммо, бундай ҳолатда у ижарага олувчи билан кредиторлар олдида мазкур мажбуриятлар бўйича биргаликда солидар жавобгарлик бўлади, бунинг натижасида кредитор уларни тўлиқ ёки қисман бажаришга доир уларнинг ҳар биридан талаб қилиш ҳуқуқини Ўз. Р. ФК 252–254-моддалари қоидаларига мувофиқ олади.

Корхона таркибига ижара шартномаси предмети сифатида эгаллик ва фойдаланиш ҳуқуқини киритиш имконияти нафақат тарафларнинг эркига боғлиқ бўлмасдан, шу билан биргаликда тегишли мулкнинг эгалари бўлган — учинчи шахслар эркига ҳам боғлиқдир.

Буни тушуниш учун бундай ҳуқуқларнинг табиати ва турини билиш керак. Агар булар чекланган ашёвий ҳуқуқ бўлса, уларни топшириш имконияти ва усуллари ФК 11 бўлими «Мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар» нормалари билан аниқланади. Агар улар мажбурият хусусиятга эга бўлса, бу тегишли шартномалар шартларига боғлиқ бўлади. Масалан, бу ижара шартномаси бўйича эгаллик ва фойдаланиш ҳуқуқи бўлса, бундай шартнома ижарага берувчининг розилигисиз мулкни субарендага топширишни ман қилувчи шартларни кўзда тутиши мумкин.

Мулк таркибидаги иккинчи элементга нисбатан (ҳуқуқлар ва қарзлар) корхона ижараси шартномасида ижарага берувчининг мажбуриятларига

ижарага олувчига шартномада белгиланган шартлар ва чегаралар доирасидаги тартибда эгаллик ва фойдаланиш ҳуқуқини, шунингдек, талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечиш ва корхона билан боғлиқ қарзларни унга топиришни киритиш ҳам кўзда тутилиши мумкин.

Ўз. Р ФК 85-моддаси 2-қисмини ҳисобга олган ҳолда корхона ижараси шартномаси бўйича ижарага берувчи ижарага олувчига шартномада белгиланган шартлар ва чегаралар доирасидаги тартибда корхона фаолиятини ягоналаштирадиган, белгиладиган ҳуқуқини ва бошқа мутлоқ ҳуқуқларини ҳам топшириш мажбуриятини олади.

Шундай қилиб, шартноманинг учинчи элементи бўлиб, фойдаланиш учун алоҳида тоифадаги мулкӣ ҳуқуқларни топшириш ҳисобланади. Ижарага берувчи ижарага олувчига ижарага олинган корхонани тижоратда ишлатиш жараёнида мутлоқ ҳуқуқлар мажмуасини топшириш мажбуриятини ҳам олади. Бу тадбиркорлик фаолиятида ишлатиладиган идеал объектларга нисбатан мутлоқ ҳуқуқлар (саноат мулки) ҳисобланади. Булар қаторида хусусан, ишлаб чиқарувчи ва маҳсулотларни шахсийлаштириладиган воситаларни ишлатишган нисбатан бўлган ҳуқуқ — фирма номланишга ва (ёки) тижорат рамзи, товар белгисига, хизмат кўрсатиш белгисига нисбатан бўлган ҳуқуқ, патент билан кўриқланадиган ёки олдиндан фойдаланиш ҳуқуқи билан шахсга тегишли (ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси) шунингдек, кўриқланадиган тижорат маълумотларига нисбатан мутлоқ бўлмаган ҳуқуқ (ноу-хау) ва олдиндан фойдаланиш ҳуқуқлари мавжуд.

Ушбу барча ҳуқуқларни топширишда тарафлар интеллектуал мулк хусусан лицензияли шартномалар ва тижорат концессияси шартномаси тўғрисидаги қонунчилик нормаларига ҳам риоя этишлари шарт.

Шарҳланаётган моддада берилган корхона ижараси шартномаси мазмунидан келиб чиқиб, унинг консенсуал, ўзаро, тўловли эканлиги тўғрисида хулоса қилиш мумкин. У ўзида саноат мулкчилиги объектларидан фойдаланишга бўлган ҳуқуқ билан боғлиқ чекловчи шартларни назарда тутиши мумкин. Шартномада тарафлар бўлиб доимо тадбиркорлар ҳисобланади. Мазкур шартноманинг мазмунида жисмоний шахслар — тадбиркорларга нисбатан чекловлар мавжуд бўлмасада, улар бошқа қонунларда, хусусан фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги қонунда мавжуд бўлиши мумкин.

5. Корхонани ишлатиш билан боғлиқ фаолиятни юритиш учун қоида тариқасида давлат лицензияси (рухсатномаси) талаб қилинади. Ижарага берувчи бундай лицензия билан олинган ҳуқуқни топширишга ҳақли эмас, агарда қонун ёки бошқа ҳуқуқий акт билан бошқача белгиланмаган бўлса. Ушбу қоида бундай ҳуқуқлар уларни эгалари шахси билан бевосита боғлиқлигига асосланган, бунинг натижасида умумий қоидаларга кўра топширилишга киритилмаган.

Бундан келиб чиқадики, ижарага олувчи лицензияни (рухсатномани) шахсан олиши керак. Аммо, шарҳланаётган модда мазмунидан, лицензияни олиш унинг шартнома бўйича мажбурияти эканлиги келиб чиқмайди. Бу ФК умумий, шунингдек маъмурий ҳуқуқнинг нормаси, шу билан биргаликда хавфли ишлаб чиқариш амалга оширилаётган саноат объектларини ишлатишда ҳалокатлар хавфини камайтириш билан боғлиқ бўлган талабидир.

Шунинг билан биргаликда шарҳланаётган моддада агар шартнома бўйича топширилаётган корхона таркибига ижарага олувчи лицензия бўлмаганлиги учун бажара олмайдиган мажбурият киритилса, бундай мажбуриятлар бўйича жавобгарлик ижарага берувчига юкланади. Бу табиийдир, чунки ижарага олувчида лицензиянинг мавжуд эмаслиги уни лицензияланадиган фаолият тури билан шуғулланиш ҳуқуқидан, айрим ҳолатларда эса ижарага олинган корхонага эгалик қилишдан ҳам маҳрум қилади. Бунинг билан қонун чиқарувчи кредиторларнинг топширилаётган корхона билан боғлиқ мажбуриятларидаги манфаатларини ҳимоя қилади.

Шу билан бирга ижарага берувчи ҳам ўзининг манфаатларини агар ижарага олувчи айбли ҳаракатлари билан лицензияни олмаган ёки кечиктириб олганда ҳимоя қилади.

Хусусан, корхонани топшириш ижарага олувчида лицензия мавжуд эмаслиги ва бунда унинг айби бўлганда, ижронини кечиктирилиши (Ўз. Р ФК 337-моддаси 3 қисми, 338, 339-моддалари) сабабли мумкин бўлмаганда, ижарага берувчи булар билан боғлиқ келиб чиққан зарарларни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Аммо, тарафлар ўртасидаги ижарага олувчи томонидан лицензия олинмаганлиги билан боғлиқ муносабатларни янада аниқ тартибга солиш лозим, чунки бундай сабаб билан шартномани тўғридан-тўғри бекор

қилиш ёки ижарага олувчи томонидан лицензия олинмаганлиги билан боғлиқ келиб чиққан зарарларни қоплашга доир талаб ижарага берувчида ФК тегишли хусусан, ижарага олувчи мажбуриятига лицензия олиш киритилган нормалари асосида вужудга келиши мумкин.

Бундай ҳолатда Ўз. Р ФК 382-моддаси 2-қисмини қўллаш мумкин, чунки унга мувофиқ ижарага берувчи бир томонлама тартибда шартномани бекор қилиш ва келтирилган зарарларни қоплашни талаб қилиши мумкин.

580-модда. Корхонани ижарага бериш шартномасининг шакли

Корхонани ижарага бериш шартномаси тарафлар имзолаган битта ҳужжат тарзида ёзма шаклда тузилади ва у нотариал гувоҳлантирилиши ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Корхонани ижарага бериш шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади.

Корхонани ижарага бериш шартномасининг шаклига риоя этмаслик унинг ҳақиқий бўлмаслигига олиб келади.

1. Корхонани ижарага бериш шартномаси учун мажбурий ёзма шакл бўлиб, унга риоя қилмаслик унинг эмаслигини келтириб чиқаради. Корхонани ижарага бериш шартномаси Ўз. Р ФК 366-моддаси 4-қисмидаги барча қайд имкониятлардан шартномага ёзма шакл беришни эмас, балки тарафлар томонидан имзоланган битта ҳужжатни тузишга йўл қўяди.

2. Ушбу шартнома мажбурий равишда нотариал гувоҳлантирилиши ва кўчмас мулк ҳисобланган корхона билан бўлган битим сифатида давлат рўйхатидан ўтказилиши керак. Корхонани ижарага бериш шартномаси бундай рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади. (қаранг, Ўз. Р ФК 84, 110, 111-моддалари, 366-моддаси 2-қисми).

Ушбу шартнома бўйича фойдаланишга интеллектуал мулкнинг айрим объектлари ва шахсийлаштириш воситаларга нисбатан ҳуқуқлар ҳам топширилади. Умумий қоидаларга кўра уларни топшириш шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Хусусан, масалан ихтиродан фойдаланиш, фойдали моделлар ва саноат намуналаридан фойдаланишга нисбатан лицензияланган ҳуқуқларни топшириш Ўз. Р 1994 йил 6 майдаги № 1062-ХП сонли қонуни 32-моддаси,

янги тахрирда тасдиқланган Ўз. Р 2002 йил 29 августдаги № 392–11 сонли «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги қонуни ва Ўз. Р ФК 1089-моддасига мувофиқ интеллектуал мулк агентликда мажбурий рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Шу ернинг ўзида товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисидан фойдаланишга доир ҳуқуқ топширилиши ҳам қайд этилади, ўзганинг фирма номини ишлатишга доир лицензияланган шартномага (Ўз. Р ФК 1101-моддаси) мувофиқ бўлган ҳуқуқни топшириш ушбу ҳуқуқнинг эгаси ҳисобланган юридик шахсни рўйхатдан ўтказган давлат органида рўйхатдан ўтказишни билдиради.

Шарҳланаётган моддада, ушбу шартноманинг давлат ҳокимиятининг қайси органида рўйхатдан ўтказилиши кўрсатилмаган бўлсада, масалан комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасига (Ўз. Р ФК 863-моддаси) нисбатан унинг юридик шахсни ёки яққа тартибдаги тадбиркорни, рўйхатдан ўтказган орган томонидан шартномада лицензиар сифатида чиққанлиги муносабати билан шу органда рўйхатдан ўтказиши белгиланган бўлсада, таъкидлаш лозимки қонун чиқарувчи ижаранинг объекти сифатида кўчмас мулкга доир умумий тавсифга таянганлигини тахмин қилиш мумкин.

Шундай қилиб, ушбу шартномани рўйхатдан ўтказиш кўчмас мулк билан боғлиқ битимларни рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан ўтказилиши лозим.

3. Шарҳланаётган модданинг 3-қисми шундай қайдани белгилаганки, унга кўра корхона ижараси шартномаси шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади. Шарҳланаётган модданинг 1-қисмига мувофиқ корхонани ижарага бериш шартномаси тарафлар имзолаган битта ҳужжат тарзида ёзма шаклда тузилиши белгиланганлиги сабабли Ўз. Р ФК 366-моддаси 4-қисмида кўзда тутилган бошқа шаклдан фойдаланиш мумкин эмас. (қаранг, Ўз. Р ФК 114, 115-моддалари).

581-модда. Ижарага олинган корхонани топшириш

Ижарага олинган корхона ижарага олувчига топшириш далолатномаси бўйича топширилади.

Агар ижара шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ижарага олинган корхонани топширишга тайёрлаш, шу

жумладан топшириш далолатномасини тузиш ва имзолашга тақдим этиш ижарага берувчининг зиммасидаги мажбурият ҳисобланади ва унинг ҳисобидан амалга оширилади.

1. Корхонани топшириш ижарага берувчининг мулкни фақат тарафлар ўртасида топшириш далолатномаси тузиш йўли билан амалга ошириш мажбуриятини қоплаган тарздаги юридик ҳаракатдир.

Топшириш далолатномаси — ижарага берувчининг ижарага олувчига корхонани ижарага бериш шартномаси бўйича топширилаётган мулкнинг таркибини тасдиқловчи ҳужжатдир.

2. Корхонани топширишга уни амалга оширишга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ чора-тадбирларнинг бутун бир мажмуаси зарурий бўлади. Хусусан, моддий қимматликларнинг инвентаризациясини амалга ошириш (мулкий мажмуанинг ашёвий элементи) зарур, эгалик ва фойдаланиш ҳуқуқларини топширишга зарурий рухсатнома олиш, қарзни ўтказишга кредиторларнинг розилигини олиш.

Мол-мулк нормал ҳолатида, ундан фойдаланиш мақсадига яроқли ҳолда топширилиши лозим бўлганлиги боис, ижарага берувчи ишламайдиган станокларни, жиҳозларни ва бошқаларни таъмирлаш ва алмаштириш бўйича зарурий ишларни амалга ошириши, ижарага олувчига топширилмайдиган мулкларни корхона хоналаридан олиб чиқиши, шунингдек, корхона мажбуриятларига кирмайдиган мажбуриятларнинг ҳақиқийлиги ишонч ҳосил қилиши лозим. Бундан ташқари, у корхона таркибидаги активлар ва пассивларни кўрсатувчи баланс тузиши керак.

Тайёргарлик ишларининг якуний босқичи бўлиб, топшириш далолатномасини тузиш ва имзолаш ҳисобланади.

Корхонани топширишга тайёргарлик кўриш, шунингдек топшириш далолатномасини тузиш ва имзолаш ижарага берувчининг мажбурияти ҳисобланади ва унинг ҳисобидан амалга оширилади агарда бундай мажбуриятларнинг бошқача бўлиниши шартномада кўзда тутилган бўлмаса.

Шарҳланаётган модда корхонани топшириш ўзидан ўзи бўлишига доир нормаларни назарда тутмайди, бу жараён бино ва иншоотларни топшириш тўғрисидаги Ўз. Р ФК 578-моддасидаги нормалар билан тартибга солинади, чунки унинг ҳаракати Ўз. Р ФК 573-моддаси 2-қисмидаги

куўрсатмалар бўйича корхона ижараси бўйича шунга ўхшаш муносабатларга ҳам таъллуқлидир.

582-модда. Ижарага олувчининг корхонани сақлаш ва уни ишлатиш харажатларини тўлаш бўйича мажбуриятлари

Корхонани ижарага олувчи ижара шартномаси амал қилиб турган бутун вақт мобайнида корхонани тегишли техник ҳолатда сақлаб туриши, шу жумладан уни жорий таъмирлаши ва шартномада назарда тутилган ҳолларда капитал таъмирлаши шарт.

Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ижарага олинган корхонани ишлатиш билан боғлиқ харажатлар, шунингдек ижарага олинган мол-мулкни суғурталаш бўйича тўловлар, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ижарага олувчи зиммасига юклатилади.

1. Қонун ҳужжатлари императив норма билан ижарага олувчига корхонани ижара шартномаси амал қилиб турган бутун вақт мобайнида корхонани тегишли техник ҳолатда сақлаб туриши, шу жумладан уни жорий таъмирлаши ва шартномада назарда тутилган ҳолларда капитал таъмирлаш мажбуриятини юклайди. Бу ўринда сўз фақат мулкый мажмуа сифатида ишлаб чиқаришга доир бино, иншоот, станоклар ва ускуналар, шунингдек меъёрда бўлишлари табиатдан фойдаланиш тўғрисидаги қонунчилик билан ўрнатилган нормативлар билан аниқланадиган ер участкалари ва бошқа табиий ресурслари каби асосий воситалар сифатида тақдим этиладиган корхонанинг ашёвий компоненти тўғрисида юритилади.

2. Корхонани техник ва тижоратда фойдаланиш ижарага олувчи томонидан амалга оширилиши муносабати билан унинг билан боғлиқ харажатлар ҳам унга юкланади. Корхонани тегишлича техник ҳолатда сақлаб туриш бўйича мажбуриятдан фарқли равишда ушбу мажбурият ижарага олувчига фақат тарафлар шартномада тарафлар ўртасидаги харажатларни бошқача бўлмаган тақдирдагина юкланади. Агар қонунда ёки шартномада корхонанинг мажбурий суғуртаси мажбурияти кўзда тутилган бўлса, ундан фойдаланиш харажатларига ижарага олинган мулкни суғурталаш бўйича тўловлар ҳам киритилади.

Ижарага олувчига шунингдек, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланиши ҳам юклатилади.

583-модда. Ижарага олинган корхона мол-мулкидан фойдаланиш

Агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ижарага олувчи ижарага олинган корхона мол-мулки таркибига кирувчи моддий бойликларни ижарага берувчининг розилиги билан сотиш, айирбошлаш ва унинг розилигисиз вақтинча фойдаланишга ёхуд қарзга, қўшимча ижарага беришга, шунингдек корхона баҳосини пасайтирмаслик ва ижара шартномасининг бошқа бандларини бузмаслик шarti билан бундай бойликларга нисбатан ижара шартномаси бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа шахсларга ўтказишга ҳақли.

Агар корхонани ижарага бериш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ижарага олувчи ижарага олинган корхонани ижарага берувчининг розилигисиз қайта қуришга, уни кенгайтириб, техник қайта жиҳозлаб қийматини оширишга ҳақли.

Корхонани ижарага бериш ўзининг мақсади сифатида ижарага олувчини ижарага олинган мулкдан иқтисодий фойдаланишишини таъминлашни, яъни у билан ҳақиқий ва юридик ҳаракатларни юқори даражада эркин амалга оширишни назарда тутди.

1. Шарҳланаётган модданинг 1-қисми ижарага олувчининг мулкий мажмуадан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлардан даромад олиш каби усуллари билан боғлиқ имкониятларини белгилайди. Ушбу усул ижарага олувчини ижарага олинган мулни бошқариш бўйича ҳуқуқларини беришни назарда тутди.

Ҳақиқатдан ҳам унга ишлаб чиқариш жараёнида хом-ашё, ёнилғи захираларини тиклаш, тайёр маҳсулотларни сотиш, товар ва тижорат кредитлари ва бошқалар бўйича операцияларни амалга ошириш зарур.

Шарҳланаётган модда агар қонунда ёки шартномада бошқача назарда тутилган бўлмаса, ижарага олувчига ижарага берувчининг розилиги билан ва унинг розилигисиз ижарага олинган корхона мулки таркибига кирувчи моддий қимматликларни сотиш, алмаштириш, вақтинча фойдаланишга ёки қарзга бериши, уларни субижарага бериши ва ижара шартномасига мувофиқ ушбу қимматликларга нисбатан ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини агарда улар корхона қийматини пасайтиришга олиб келмаса ва шартноманинг бошқа ҳолатларини бузмаса бошқа шахсларга топшириш имкониятини беради.

Аммо, бу билан ижарага олувчи корхонанинг ҳар бир мулкани эркин тарзда бошқа шахсларга топшириш ҳуқуқини олмасдан, фақат айланма воситалар сифатидаги (бир ёки бир неча ишлаб чиқариш жараёнида ишлатиладиган ашёлар, масалан, хом-ашё, ёнилғи, яримфабрикатлар, бутловчи қисмлар, инструментлар ва х.к.), тайёр маҳсулот, бошқа ашёлар каби моддий қимматликларни сотиш ҳуқуқини олади.

Бундай мулк доирасига биринчидан ер ва бошқа табиий ресурслар, иккинчидан қонун билан бундай ҳаракатлар содир этилиши мумкин бўлмаган мол-мулк кирмайди. «Ижара тўғрисида»ги 1991 йил 19 ноябрдаги № 427–11 сонли Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси қонунларида ва ижара шартномасида ўзгача шартлар кўзда тутилмаган бўлса ижарага олувчи ижарага олинган мол-мулкни, ер ва бошқа табиий ресурсларидан ташқари ижарага берувчининг рухсати билан иккиламчи ижарага топширишга ҳақлидир. Бунда ижарага олувчи шартномага мувофиқ ижарага берувчи олдида жавобгар бўлиб қолаверади.

Моддадаги «моддий қимматликлар» термини қонун чиқарувчи томонидан шарҳланмаганлиги учун унинг фақат корхона таркибидаги ашёвий компонентини ўзидан ўзига қамраб олиши ёки мулкий мажмуанинг — талаб қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи, қарзлари, интеллектуал мулк объектларидан фойдаланиш ҳуқуқи бошқа компонентларига тегишли эканлигини айтиш қийин.

Бироқ, шарҳланаётган моддада умумий қоидалардан фарқли равишда ижара ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан эркин тасарруф қилиш ҳуқуқи шакллантирилади (Ўз. Р ФК 546-моддаси).

Ижарага олувчи томонидан моддий қимматликлар ва ижара ҳуқуқлари билан эркин тасарруф қилиш қуйидаги шартларда мумкин:

- биринчидан, ижара шартномасида бошқача кўзда тутилмаган бўлса хусусан, бундай ҳаракатларга ижарага берувчининг розилигини мажбурий олиш кўзда тутилмаган бўлса қайсики унинг розилигисиз вақтинча фойдаланишга ёки қарзга ижарага олинган корхона мулки таркибига кирувчи моддий қимматликларни топшириш;

- иккинчидан, агар бундай ҳаракатлар корхона қийматининг пасайишига олиб келмаса;

- учинчидан, агар бунда корхонани ижарага бериш шартномасининг бошқа ҳолатлари бузилмаса.

2. Шарҳланаётган модда биринчи қисмида кўзда тутилган ҳаракатлар давоми сифатида корхона таркибининг ўзгартирилиши мумкин. Таркибнинг ўзгартирилиши ижарага олувчининг бошқа, масалан, ишлаб чиқаришни яхшилаш ҳаракатлари натижасида ҳам бўлиши мумкин. Корхонага нисбатан бундай яхшилаш ҳаракатларига йўл қўйилиши, масалан, корхонани реконструкциялаш, кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш мумкин.

Корхонани реконструкциялаш комплекс лойиҳа асосида бутунлигича, қоида бўйича мавжуд бино ва иншоотларни уларнинг техник-иқтисодий даражасини илмий-техник ривожланиш ютуқлари асосида қайта қуришни назарда тутди.

Корхонани кенгайтириш — бу янги цех ва участкаларни жойлаштириш учун янги қўшимча ишлаб чиқариш хоналарини қуришдир. Корхонани техник жиҳатдан қайта қуроллантириш — бу айрим ишлаб чиқариш участкалари, цехларнинг техник иқтисодий даражасининг ошириш бўйича чора-тадбирлар мажмуасидир. Қурилиш ишларининг турлари билан боғлиқ равишда улар монтаж, ишга тушириш ва булар билан бевосита ажралмас бошқа ишларни ташкил қилади.

Ижарага олувчи ижарага берувчининг рухсатсиз ижарага олинган мол-мулк мажмуасининг таркибига ўзгартиришлар киритишга, шунингдек, ижарага олинган корхонани яхшилашни амалга оширишга ҳақлидир. Бу норма ижарага олувчининг ишлаб чиқариш эҳтиёжларини ва унинг тадбиркорлик эркинлигини юқори даражада тўлиқ кондиришга қаратилган.

Шу билан бирга қонунчиқарувчи ижарага берувчининг манфаатлари тўғрисида ҳам мазкур нормага диспозитив хусусият бериб, ғамхўрлик қилган. Шунинг учун тарафлар шартномада бошқача тартибни, хусусан, ижарага олувчининг ижарага олинган мол-мулк комплекси таркибини тўлиқ ёки унинг бирон бир қисми бўйича ўзгартириш ҳуқуқини бекор қилиш, ижарага берувчи тарафидан эса бундай ҳаракатларга розилик бериш тўғрисидаги шартларини киритиш ҳуқуқини кўзда тутишлари мумкин.

«Ижара тўғрисида»ги 1991 йил 19 ноябрдаги № 427–11 сонли Қонуннинг 11-моддасида ушбу ҳолат ҳам ўз аксини топган. «Ижара тўғрисида»ги Қонуннинг ушбу моддасига мувофиқ, ижарага олувчи, башарти шартномада ўзгача шартлар кўзда тутилмаган бўлса, ижарага олинган мол-мулк таркибига унинг қийматини оширадиган ўзгартиришларни мустақил

равишда киритиш, мол-мулкни реконструкциялаш, кенгайтириш, техник жиҳатдан қайта қуроллантиришга ҳақлидир.

Агар ижарага олинган мулк ижарага берувчининг ижозати билан яхшиланган бўлса, шартноманинг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг ёки шартнома бекор қилинган, ижарага олувчи шу мақсад йўлида сарфланган барча харажатлари қайтарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

Ижарага берувчининг рухсатисиз амалга оширилган яхшилашларни ижарага берилган мол-мулкка зарар етказмаган ҳолда ажратиб олиш мумкин бўлса, ижарага берувчи уларнинг таннархини тўлашга рози бўлмаса, бундай ҳолда ижарага олувчи уларни ўзига олиши мумкин.

584-модда. Ижарачининг ижарага олинган корхонани яхшилаши

Корхонани ижарага олиш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, корхонани ижарага олувчи ижарага берувчининг рухсатидан қатъи назар, ижарага олинган мол-мулкни ажратиб бўлмайдиган тарзда яхшилаш қийматини олишга ҳақли.

Агар ижарага берувчи ижарага олувчининг бундай яхшилашга қилган харажатлари ижарага олинган мол-мулкнинг қийматини унинг сифати ва (ёки) ундан фойдаланиш хусусиятларини яхшилашга қараганда бекиёс даражада ошириб юборганлигини ёки бундай яхшилашни амалга ошириш вақтида ҳалоллик ва оқилоналик тамойиллари бузилганлигини исботласа, суд уни бундай яхшилаш ҳақини ижарага олувчига тўлаш мажбуриятдан озод қилиши мумкин.

Шарҳланаётган модда Ўз. Р ФК 583-моддасида назарда тутилган нормаларнинг мантикий давомидир. Аммо унинг номланиши модда мазмунига мувофиқ келмаганлиги учун ўринли эмас. Ижарага олувчи томонидан ижарага олинган мол-мулкни яхшилаш ҳуқуқи бу моддадан эмас, балки Ўз. Р ФК 583-моддасидан хусусан, унда кўрсатилган ижарага олувчи ижарага берувчининг розилигисиз корхонани реконструкциялаш, кенгайтириш, техник жиҳатдан қайта қуроллантириш ҳуқуқи мавжудлигидан келиб чиқади. Бундай ҳаракатларнинг натижаси — корхонани узлуксиз яхшилашдир.

Қайд этилган моддада ижарага олувчи корхонанинг мулкый таркибини ўзгартиришга ҳақли эканлиги билдирилган, бунинг натижаси бўлиб эса,

уни узлуксиз яхшилаш (масалан, айрим турдаги станокларни ёки ускуналарни унумлироғига алмаштириш) бўлиши мумкин.

Шарҳланаётган модда эса кўрсатилган муносабатлардан ҳосила келиб чиқадиган муносабатларни тартибга солиди. Бунда ижарага олувчида ижарага берувчининг бундай яхшилашга розилиги бўлмаган ҳолда ҳам ижарага олинган мол-мулкни узлуксиз яхшилашнинг қийматини ундириш ҳуқуқи мавжуд.

Бу қоида агар ижара шартномасида тарафлар ўзлари ўртасидаги харажатларни корхонани узлуксиз яхшилашга доир бўлишни кўзда тутмаган ёки улар учун техник-иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлари бўйича чекловларни ўрнатмаган бўлсалар, амал қилади.

Шу билан биргаликда ижарага берувчининг манфаатларини ҳимоя қилиб, шарҳланаётган модда судга уни бундай яхшилашлар қийматини тўлашдан озод қилиш ҳуқуқини беради, агарда ижарага олувчи бу ерда олинган фойданинг амалга оширилган харажатларига мувофиқ тузилган тежамкорлик тамойилини бузган бўлса.

Бошқача айтганда агарда бундай харажатлар натижасида ижарага олинган мол-мулк қиймати мол-мулк сифати ва ишлатилиши хусусиятларига нисбатан анча сезиларли кўтарилиб, ижарага олувчи томонидан тежамкорлик тамойилининг бузилганлигини исботлаш юки (бремя) ижарага берувчига юклатилади.

Ижарага берувчи ҳам ўзини ижарага олувчига нисбатан узлуксиз яхшиланиш қийматини тўлашдан озод қилиш талаби билан судга мурожаат қилиши мумкин, агарда ижарага олувчи томонидан уларни амалга оширишда халоллик ва оқилоналик тамойили бузилган бўлса. Бундай ҳолатда суд Ўз. Р ФК 9-моддаси 3-қисмида белгиланган ижарага олувчининг халоллик ва оқилоналик призумпциясига (тахмин) таяниб қарор қабул қилади, даъвогар эса ижарага олувчининг ноҳалоллиги ва нооқилоналигини исботлаб, буни рад қилиши лозим.

585-модда. Корхонани ижарага бериш шартномасига итимларнинг ҳақиқий эмаслиги ҳамда шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш оқибатлари ҳақидаги қоидаларнинг татбиқ этилиши

Ушбу Кодекснинг битимлар ҳақиқий эмаслигининг оқибатлари тўғрисидаги, шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш ҳақидаги

шартнома бўйича олинган нарсани бир тарафдан ёки ҳар иккала тарафдан қайтариб олишни ёки асли ҳолида ундириб олишни назарда тутувчи қоидалари, агар бундай оқибатлар ижарага берувчи ва ижарага олувчининг кредиторларининг, бошқа шахсларнинг муҳим ҳуқуқлари ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини жиддий бузмаса ва ушбу Кодекс 116-моддасининг қоидаларига зид келмаса, корхонани ижарага бериш шартномасига нисбатан қўлланади.

Шарҳланаётган модда нормаси корхонани сотиш тўғрисидаги Ўз. Р ФК 496-моддаси нормасидаги мазмунни такрорлайди ва битимларнинг ҳақиқий эмаслиги натижалари тўғрисидаги, ижара шартномасига нисбатан шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш тўғрисидаги умумий қоидалардан алоҳида мазмунни келтириб чиқаради.

Бундай алоҳидалик битимларнинг ҳақиқий эмаслигининг, шартномани ўзгартириш ва бекор қилишнинг мол-мулкнинг аслича қайтарилиши ва ундирилиши билан боғлиқ натижаларига тегишли. Бундай қайтариш Ўз. Р ФК 114-моддаси 2-қисмида белгиланган қоидаларга кўра икки томонлама реституцияда (дастлабки ҳолда қайтариш) мумкин.

Баъзан мол-мулкни аслича қайтариш шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш натижаси бўлиб ҳисобланади.

Агар бундай асосларда мол-мулкни қайтариш ёки уни аслича ундириш ижарага берувчи ва ижарага олувчининг кредиторлари, бошқа шахслар ҳуқуқларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини сезиларли даражада бузадиган бўлса ва қонунчилик талабларига мувофиқ келмаса, бунда ФК битимларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатлари тўғрисидаги умумий қоидалар корхонани ижарага бериш шартномасига нисбатан қўлланилмайди.

Ушбу норма мол-мулкни аслича қайтариш тўғрисидаги умумий қоидаларни бутунлигича эмас, балки биргина элементга нисбатан ўзгартиради. Демак, ижарага берувчида қолган барча ҳуқуқлар сақланиб қолади. Масалан, реституция тўғрисида сўз юритсак, бунда агар олинганларни аслича қайтариш имконияти бўлмаганда, уни қиймати пул ҳисобида тўланиши тўғрисидаги норма амал қилади.

Шарҳланаётган моддада шаклланган норма ижара предметининг кейинги тақдирини белгиламаганлиги учун тугалланмаган ҳисобланади.

Сўзсиз, унинг қўлланилиши ижарага берувчида мулк ҳуқуқининг мажбурий тугалланиши натижасидир, аммо бунда Ўз. Р ФК 197-моддасида қайд этилган мулк ҳуқуқининг тугалланиши асосларидан қайси бирига уларнинг тугалланган рўйхатини ҳисобга олиб, бу таълуқли эканлигига савол туғилади?

Ҳар қандай ҳолатда ҳам ушбу норма ижарага берувчининг мулкдор сифатида таваккалчилик даражасини сезиларли қўтаради, чунки юқори қийматдаги объектни аслича қайтаришни ман этиш унинг қийматини пул билан тўлиқ ҳажмда олинишини ҳам мураккаблаштиради.

586-модда. Ижарага олинган корхонани қайтариш

Корхонани ижарага бериш шартномаси бекор бўлганида, ижарага олинган мулккий комплекс ушбу Кодекснинг 579 ва 581-моддаларида назарда тутилган қоидаларга амал қилган ҳолда ижарага берувчига қайтарилиши шарт.

Корхонани қайтариш — ижарага олувчининг шартнома бекор бўлганда, унинг бекор қилиниши асосларидан қатъи назар (муддатнинг ўтиши, шартноманинг муддатидан олдин тугатилиши ва бошқалар) асосий мажбуриятларидан биридир.

Шарҳланаётган модда ижарага олувчини корхонани ижарага бериш шартномаси бекор қилинганда мулккий комплексни ижарага берувчига Ўз. Р ФК 579, 581-моддаларида кўзда тутилган қоидаларга риоя қилган ҳолда қайтаришга мажбурият юклайди. Мол-мулкни қайтариш тўлиқ ҳажмда, корхона таркибига кирувчи барча объектлар, тегишли ҳуқуқлар ва мажбуриятлар билан биргаликда қайтарилиши шарт. Бунда, ижарага олувчидан қарзларни ижарага берувчига топшириш, кредиторлар билан ўзаро муносабатларни тартибга солиш ва ҳ.к. масалалар ҳал қилиниши лозим (қаранг, Ўз. Р ФК 579-моддасига шарҳлар).

Ижарага берувчига ўзининг корхона фаоллияти билан боғлиқ қарзларини топширишда, ижарага олувчи Ўз. Р ФК 579-моддаси қоидаларини ҳисобга олиши керак. Ижара берилган корхонани, шунингдек, топшириш далолатномасини тузиш ва имзолаш жараёнларига риоя қилиш тартиби Ўз. Р ФК 579, 581-моддалари қоидалари билан белгиланади.

Ушбу шартнома учун иккала тарафлар томонидан имзоланадиган топшириш далолатномаси бўйича корxonани қайтариш жараёни назарда тутилган. Жараённинг ўзи ижарага олувчига корxonани топшириш билан бир хил. Шунинг ҳисобга олиб, ушбу жараёнга Ўз. Р ФК 581-моддаси қоидалари қўлланилади.

6-§. ЛИЗИНГ

587-модда. Лизинг шартномаси

Лизинг шартномаси бўйича лизинг берувчи (ижарага берувчи) бир тараф лизинг олувчи (ижарага олувчи) иккинчи тарафнинг топшириғига биноан сотувчи учинчи тараф билан ундан лизинг олувчи учун мол-мулк сотиб олиш ҳақида келишиш мажбуриятини олади, лизинг олувчи эса бунинг учун лизинг берувчига лизинг тўловларини тўлаш мажбуриятини олади.

1. Шарҳланаётган модда мазмунидан келиб чиқиб, лизинг шартномаси бўйича муносабатларда қоида тариқасида уч шахсдан кам бўлмаган — лизинг берувчи (ижарага берувчи), лизинг олувчи (ижарага олувчи) ва сотувчи иштирок этади.

Бундай «учталиқ иттифок» тарафларнинг ўзаро муносабатларига алоҳида белги бериб, лизинг шартномаси бўйича лизинг берувчини (ижарага берувчини) ва лизинг олувчини (ижарага олувчини) ижара шартномаси бўйича ижарага берувчи ва ижарага олувчига нисбатан ва лизинг шартномаси бўйича муносабатларда иштирок этувчи сотувчини оддий олди-сотди шартномасидаги сотувчидан фарқлайди.

2. «Лизинг» термини инглиз тилидан келиб чиққан (leasing). Ўз навбатида «leasing» сўзи инглиз тилидан ташкил бўлиб, «lease» — ижарага бериш ва олишни билдиради. «Лизинг» номини олган муносабатлар олдиндан маълум бўлиб, унинг қаерда ва қачон дастлаб пайдо бўлганлиги ҳақида — (Рим империясида, Ўрта аср Англиясида ёки ўтган асрда АҚШда) ягона фикр мавжуд эмас. Аммо, замонавий лизинг XX асрнинг 60-йилларида АҚШдан «келтирилган ҳолда» Континентал Европада, кенг тарқалганлиги ҳақидаги фикр ҳукмронлик қилади (Буюк Британия мутахассислари уларнинг мамлакатидан лизинг бундан анча олдин ишлатилганлигини билдирадilar).

3. Лизингнинг Европада 1960 йилларда тез тарқалганлигининг сабабларидан бири бўлиб, бундай шаклдаги муносабатларнинг ғайриоддий бўлмаган мослашувчанлиги ҳисобланади — у мустақил вазифаларни ҳал этиш, ҳамкорларнинг турлича мақсадларига биргаликда эришиш учун ва турли иқтисодий шароитларда ишлашга мос келади.

Лизинг асосида мол-мулкдан фойдаланувчи ва лизинг компанияси ўртасидаги муносабатлар бўлиб, унга зарурий мол-мулк учун у мурожаат қилади ва у махсус равишда шу мақсад учун уни сотиб олади (бундай муносабатлар тарафлари турли мамлакатларда турлича номланади). Лизингда ушбу иштирокчилардан ташқари бошқа субъектлар ҳам иштирок этишлари мумкин (масалан, қарз берувчилар, кафиллар), аммо лизингда кўпроқ учта тараф иштирок этади.

4. Лизингдан ҳам миллий ва ҳам ҳалқаро даражада кенг фойдаланиш молиявий лизинг тўғрисида ҳалқаро Конвенция ишлаб чиқишига олиб келган.

1988 йил 28 майда (2002 йил 29 январдаги таҳрир) Оттавада ҳалқаро молиявий лизинг тўғрисида УНИДРУА Конвенцияси қабул қилинди ва унга Ўзбекистон Республикаси Ўз. Р Олий Мажлисининг 2000 йил 26 майдаги № 84 — 11 сонли Қарорига мувофиқ қўшилишган. Ушбу Конвенцияда кўпгина мамлакатларнинг лизингдан фойдаланиш ва ҳуқуқий тартибга солиш бўйича бой тажрибаси ўз ифодасини топган. Энди унинг ўзи турли мамлакатларда тегишли қонунчилик ишлаб чиқиши учун қўлланилиши мумкин.

5. Лизинг шартномасига ФК барча турдаги ижара муносабатларини тартибга солувчи умумий нормалари, агарда ФК лизинг тўғрисидаги (Ўз. Р ФК 557-моддаси ва унга шарҳлар) низомларида бошқача ўрнатилмаган бўлса, қўлланилади.

ФК лизинг шартномаси тўғрисидаги нормаларидан ташқари, кўрсатилган муносабатлар Ўз. Рнинг 1999 йил 14 апрелдаги № 756–1 сонли, 2007 йил 28 декабрдаги киритилган ўзгартиришлар билан «Лизинг тўғрисида»ги Қонуни билан ҳам тартибга солинади. Ҳар бир иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва уларнинг ўзаро муносабатлари хусусиятлари ФК мазкур параграфи моддаларида келтирилган, бундан ташқари Ўз. Рнинг «Лизинг тўғрисида»ги Қонунида аниқлаштирилган ва батафсил қайд этилганлиги учун ҳар иккала кўрсатилган норматив актлар қоидалари биргаликда қўлланилиши лозим.

6. «Лизинг тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, тарафлардан бири (лизинг берувчи) бошқа тарафнинг топшириғига биноан (лизинг олувчи) учинчи тарафдан (сотувчи) лизинг шартномаси билан келишилган мол-мулкни қўлга киритади ва уни лизинг олувчига бундай шартнома билан белгиланган шартларда тўлов эвазига унинг эгалиги ва фойдаланишига ўн икки ойдан ошган муддатга тақдим этади. Бунда лизинг шартномаси қуйидаги талаблардан бирига жавоб бериши керак.

– лизинг шартномаси муддати тугаганидан кейин лизинг объекти лизинг олувчининг эгалигига ўтади,

– лизинг шартномаси муддати лизинг объекти хизмати муддатининг 80 фоиздан ошиши ёки лизинг объектининг қолдиқ қиймати лизинг шартномаси тугагандан кейин унинг бошланғич қийматидан 20 фоиздан кам бўлиши керак.

– лизинг шартномаси муддати тугаганидан кейин лизинг олувчи лизинг объектини лизинг объекти қийматининг бозор баҳосидан кам нархда сотиб олиш ҳуқуқини бундай ҳуқуқни амалга ошириш қунига нисбатан олади.

– лизинг тўловларининг лизинг шартномаси даври учун жорий дисконт қиймати лизинг объектининг лизингга бериш вақтига нисбатан жорий қийматидан 90 фоиз ошиқ бўлади.

– жорий дисконт қиймат бухгалтерлик ҳисоби тўғрисидаги қонунчилик билан белгиланади.

Қонун лизингни амалга ошириш ҳуқуқини уч тарафлама (сотувчи — лизинг берувчи — лизинг олувчи) ёки икки тарафлама (лизинг берувчи — лизинг олувчи) лизинг шартномаси бўйича беради.

Икки тарафлама лизинг шартномаси тузишда лизинг берувчи билан сотувчи ўртасида қўшимча равишда лизинг объектининг олди-сотди шартномаси тузилади.

7. Шарҳланаётган модда лизинг шартномасини тузишнинг ташаббускори сифатида лизинг олувчи (ижарага олувчи) ҳисобланишини белгилайди ва у лизинг берувчига (ижарага берувчига) қайси мол-мулкка эҳтиёжи борлигини шунингдек бу мол-мулкнинг сотувчисини айтади. Тарафлар бошқача ҳам келишишлари мумкин. Ким сотувчини аниқлаши масаласи — лизинг берувчимиз ёки лизинг олувчимиз турли ҳуқуқий оқибатлари бўлиши мумкинлиги жиҳатидан муҳим бўлиб, Ўз. Р. ФК 598-моддасида бу ҳақда сўз юритилади.

Лизинг қатнашчилари ролларининг бундай тақсимланишини шундай тушунтириш мумкинки, лизинг келишувларининг турли хиллигига қарамасдан лизинг берувчининг роли қоида тариқасида битимни молиялаш билан чекланилади. Лизинг берувчи кўпчилик ҳолатларда кейинчалик лизинг олувчига вақтинчалик фойдаланишга бериладиган мол-мулкни фақат тўлайди ва мол-мулк билан боғлиқ ҳеч қандай техник ва бошқа муаммоларни ҳал қилмайди ва ҳал ҳам қилолмайди. Бундан ташқари лизинг берувчи кўпчилик ҳолатларда ўзи эгаси ҳисобланган қурилмани ҳам кўрмайди (қоида тариқасида улар кўпинча лизинг олувчига топширилади.) Бундай ҳолатда лизинг берувчига хусусан, мол-мулкнинг сифати бутунлиги, уни ўз вақтида етказиб бериш учун жавобгарликни юклаш ҳақиқатга тўғри келмайди ва мантиқсиздир. Кўпчилик мамлакатларда лизинг шартномасини ишлатиш амалиётида шундай хулосага келинди.

8. Лизинг берувчининг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қонун чиқарувчи «Лизинг тўғрисида»ги Қонунда махсус (20-моддаси) модда кўзда тутган ва унга мувофиқ лизинг шартномаси билан сарфланган маблағларини қайтариш кафолати сифатида лизинг берувчи лизинг олувчидан таъминотни тақдим этишни, шу жумладан гаров, банк кафолати ёки учинчи шахснинг кафилигини талаб қилиши мумкин.

Аммо «Лизинг тўғрисида»ги Қонуннинг 21-моддасига мувофиқ лизинг берувчи лизинг объектини гаров сифатида лизинг олувчининг олдиндан розилигисиз ишлатишга ҳақли эмас. Ўз навбатида лизинг олувчи лизинг объектини гаров сифатида ишлатишга ҳақли эмас, бу эса қонунийдир. Жаҳон тажрибасида лизинг шартномалари шартнома муддати, тарафларнинг мажбуриятлари ҳажми ва бошқалар каби ҳолатлар билан боғлиқ равишда ҳар хил турларга бўлинади. «Лизинг тўғрисида»ги Қонуннинг 2-моддасида берилган таъриф бундай шартномавий шаклнинг барча эҳтимоли бўлган кўринишларини қамраб олади ва юқорида қайд этилган талабларни объект хизматининг муддати билан боғлиқ шартнома муддатига, объектнинг қолдиқ қийматига ва тарафларнинг бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларига нисбатан, агарда уларнинг бирортасига лизинг шартномаси жавоб берса, қўлланадиган кераклигини белгилайди.

9. Шунини айтиш керакки, лизингнинг (Ўз. Р ФК 589-моддаси 4-қисми, «Лизинг тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддаси) шаклларида яна бири сифатида қайтариладиган лизинг кўпчилик мамлакатларнинг тажрибасида кенг ишлатилмоқда. Қайтариладиган лизингда мол-мулк эгаси уни лизинг компаниясига сотади ва бир вақтнинг ўзида шу мулкнинг ўзини вақтинчалик фойдаланишга олади.

Бундай шартнома шартлари билан эгалик ва фойдаланишга аниқланган муддат 12 ойдан юқори бўлиши шарт. Шундай қилиб, сотувчи ва лизинг олувчи мос ҳолда бир шахснинг ўзи бўлиб қолади. Бундай операцияларни амалга оширишнинг заруриятининг келиб чиқиши шундан иборатки, эга у ёки бу мол-мулкни сақлай олмайди, шунинг билан биргаликда ундан маҳрум бўлишни ҳам хохламайди.

«Лизинг тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддасига мувофиқ лизинг шартномаси қонунчиликда ўрнатилган тартибда ёзма равишда тузилади ва шартноманинг бирон бир тарафи талаби бўйича нотариал гувоҳлантирилиши керак, бундан ташқари, қонун томонидан лизинг объекти бўлиб ҳисобланган мол-мулк билан бўлган битимлар нотариал гувоҳлантирилиши талаб қилинган ҳолатларда ҳам.

10. «Лизинг тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ давлат органларида рўйхатдан ўтказилиши талаб этиладиган лизинг объектлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лизинг берувчининг ёки лизинг олувчининг номига расмийлаштирилади.

Лизинг шартномасининг муҳим шартлари қуйидагилардир:

- Лизинг объектининг таърифи (лизинг объектининг сони, сифати, рўйхати, контракт қиймати ва бошқа параметрлари) ва шартноманинг умумий пул қиймат кўрсаткичи;
- тарафларнинг лизинг объектини олиш ва топшириш билан боғлиқ мажбуриятлари
- лизинг объектини топшириш шу жумладан, лизинг объектини етказиш, монтаж қилиш ва фойдаланишга киритиш тартиби,
- лизинг тўловларини тўлаш шартлари, қийматлари, муддатлари ва тартиби,
- тарафларнинг лизинг объектини ишлатиш, сақлаш, ушлаб туриш ва таъмирлаш мажбуриятлари,
- шартноманинг амал қилиш муддати,

– лизинг объектини ва сотувчини танлашга жавобгар томон кўрсатмаси.

– Тарафларнинг келишуви бўйича лизинг шартномасига қуйидаги шартлар киритилиши мумкин:

– лизинг объектини сотиб олиш тартиби ва муддатлари; лизинг шартномасини ўзгартириш ва бекор қилиш,

– лизинг объектини суғурталаш,

– форс-мажор ҳолатлари,

– лизингга берувчининг лизинг объектидан фойдаланиш мумкин бўлмайдиган қўшимча хизматларини кўрсатиш,

– лизинг субъектлари томонидан лизинг шартномаси шартларига риоя қилиш устидан назорат қилиш тартиби.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ лизинг шартномасига бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкин. Лизинг шартномасини ўзгартириш ва бекор қилиш агар қонун ҳужжатларида ва шартномада бошқа тартиб назарда тутилган бўлмаса, тарафлар келишуви билан амалга оширилиши мумкин. («Лизинг тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддаси).

Лизингнинг асосий хусусияти шундаки, лизинг берувчи томонидан фақат ижарага бериш мақсадида олинган мол-мулк ижарага берилади.

Молия ижараси учун унинг муддати қурилма хизмати муддатига тенглаштирилиши хусусиятлидир. Ижара муддати тугагандан кейин шартнома шартларига ёки қонун нормаларига мувофиқ ижарага олувчи мол-мулкни ўз эгалигига олишга (Ўз. Р ФК 556-моддаси), шартномани янада имтиёзли шартларда тиклашга ёхуд мол-мулкни лизинг берувчига қайтаришга ҳақлидир.

Ижарага олинган мол-мулкни сотиб олиш лизинг шартномасининг (молия ижараси) ўзига хослиги эмас. ФК (Ўз. Р ФК 556-моддаси) сотиб олиш ҳуқуқи ижара шартномасининг ҳар хил турлари шартларида ўрнатилиши мумкинлигини назарда тутатди.

11. Молия ижарасининг тарихий шартномаси учта шахсни боғлайди: мол-мулк сотувчисини (тайёрловчи), уни қўлга киритувчини (лизинг берувчи) ва лизинг олувчини. Аммо молиявий ижара иштирокчилари ўзаро битта эмас, қоида бўйича иккитта шартномалар билан боғлиқдирлар. Лизинг берувчи сотувчи билан лизинг олувчи танлаган мол-мулкни олиш-сотиш шартномасини, лизинг олувчи билан эса лизинг шартномасини (молия ижараси) тузади.

Ҳар иккала шартнома ҳам ўзаро боғлиқдир: қоида тариқасида сотувчини лизинг берувчи эмас, лизинг олувчи танлайди ва олди-сотди шартномасининг барча шартларини келишади. Лизинг олувчи олди-сотди шартномасининг предмети, унинг баҳоси, муддати ва етказиш жойини шартлашади.

Лизинг олувчи мол-мулк сотувчиси билан шартномавий муносабатларда бўлсада, аммо унга нисбатан бир қатор ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга. (Ўз. Р ФК 592, 598-моддалари).

12. «Лизинг тўғрисида»ги Қонун ва ФК молиявий ёки оператив (фойдаланиш) лизингни назарда тутмайди. Шунинг билан бирга чет эл қонун ҳужжатлари ва ташқи иқтисодий амалиёт лизингнинг турли кўринишлари билан боғлиқ равишда тарафларинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

Молиявий лизинг учун ижара муддатини қурилма хизмати муддатига яқинлаштириш хусусиятлидир. Ижара муддати тугагандан кейин шартнома шартларига ёки қонун нормаларига мувофиқ ижарага олувчи мол-мулкни ўз эгалигига олишга, шартномани янада имтиёзли шартларда тиклашга ёхуд мол-мулкни лизинг берувчига қайтаришга ҳақлидир.

Оператив лизинг ижарага берувчига шартноманинг амал қилиш муддати тугаганига қадар қурилманинг бутун қийматини олишга имкон бермайди, чунки, у ижарага қисқа давр учун берилади.

Ушбу қурилмани фойдаланишга қайтадан топшириш эса ижара шартномаси бўйича мумкин, чунки лизинг учун хусусиятли бўлган — ижарага берувчи томонидан ижарага олувчига зарур бўлган махсус қурилмани олиш элементи мавжуд эмас.

Оператив лизинг револьвер лизинг шаклида мумкин бўлиб, ижарага олувчига техник кетма-кетликда турли ускуналар зарур бўлади. Бундай ҳолатларда шартнома шартларига мувофиқ ижарага олувчи маълум муддат тугагандан кейин ижарага олинган мол-мулкни лизингнинг бошқа объектга алмаштиришга ҳақлидир. Амалиётда молиявий ижара шартномаларида ҳар хил турдаги лизинг элементлари учраши мумкин.

588-модда. Лизинг объекти

Истеъмол қилинмайдиган, тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган ҳар қандай ашёлар лизинг объекти бўлиши мумкин, ер участкалари ва бошқа табиат объектлари бундан мустасно.

1. Лизинг шартномаси предмети бўлиши мумкин бўлган ашёлар доираси етарлича кенгдир. Бошқа ижара турлари каби (Ўз. Р ФК 537-моддаси) лизинг объекти, истеъмом қилинмайдиган, яъни фойдаланиш жараёнида ўзининг табиий хусусиятларини йўқотмайдиган ҳар қандай ашё бўлиши мумкин. Ушбулар Ўз. Р ФК 83-моддасида таърифланган тадбиркорлик фаолиятида ишлатиладиган кўчар ва кўчмас ашёлардир. Истеъмом қилинмайдиган ашёлар тушунчаси Ўз. Р ФК 589, 537-моддаларида берилган. Улар қаторига «Фойдаланиш жараёнида ўзининг табиий хусусиятларини йўқотмайдиган» ашёлар киради.

2. «Лизинг тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддаси лизинг объекти сифатида тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган, истеъмом қилинмайдиган ҳар қандай ашёлар, шу жумладан корхоналар, мулкӣ комплекслар, биналар, иншоотлар, усқуналар, транспорт воситалари ҳамда бошқа кўчар ва кўчмас мулкни белгилайди.

Кўриб чиқилаётган модданинг ижарага олинган ашёларни тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиш талаби шарҳланаётган шартноманинг (янги усқуналар ва механизмларнинг жадал амортизацияси, эркин капитални киритиш ва ҳ.к.) вазифаларига мувофиқ келади. «Лизинг тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасида лизинг объектини жадал амортизация қилишни қўллаш назарда тутилган бўлиб, бунга кўра лизинг берувчи ва лизинг олувчи ўзаро келишган ҳолда қонун ҳужжатларига мувофиқ лизинг объектини жадал амортизация қилиш ҳуқуқига эга.

Ер участкалари, ер ости бойликлари жойлашган участкалар ва бошқа алоҳида табиий объектлар ижара шартномасининг предмети бўлиши мумкин, (Ўз. Р ФК 537-модда) аммо молиявий ижарага берилиши мумкин эмас. («Лизинг тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддаси 2-қисми).

Ушбу қонун билан эркин муомалада бўлиши қонун ҳужжатлари билан таъқиқланган ёки муомалада бўлишининг алоҳида тартиби белгиланган мол-мулк лизинг объектлари бўлиши мумкин эмаслиги белгиланган.

Бундай чеклаш ер ва бошқа табиий объектларни тадбиркорлик мақсадида фойдаланиш биринчи навбатда ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан белгиланишидан келиб чиққан. Қонун шунингдек, («Лизинг тўғрисида»ги Қонуннинг 21-моддаси) лизинг берувчига лизинг объектини лизинг олувчининг олдиндан розилигисиз гаров сифатида ишлатишини, лизинг олувчига эса лизинг объектини гаров сифатида ишлатишни ман қилади.

«Лизинг тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасидаги қоидалар бухгалтерлик ҳисоби ва солиқ солиш мақсадлари учун аҳамият касб этиб лизинг объекти кимнинг, лизинг берувчининг ёки лизинг олувчининг балансида эканлиги ҳал қилиш масаласини қўяди. Бу қоидага кўра лизинг объекти лизинг олувчининг балансида қайд этилиши керак.

Шу модда белгилаган қоидага мувофиқ, давлат органларида рўйхатдан ўтказилиши талаб қилинадиган лизинг объектлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лизинг берувчи ёки лизинг олувчининг номига қайд этилади.

3. «Лизинг тўғрисида»ги Қонуннинг 18-моддаси билан лизинг объектини суғурталаш назарда тутилиб, унга кўра нобуд бўлиш, йўқолиш, ўғирлаш, шикастланиш, бузилиш ва барвақт эскириш хавфи билан боғлиқ бўлган тарздаги ҳар қандай етказилиши мумкин бўлган зарардан лизинг объектини суғурталаш тарафларнинг келишувига биноан амалга оширилиши мумкин. Бундай келишув бўлмаган тақдирда лизинг олувчи лизинг объекти суғуртаси учун жавобгар бўлади.

Лизинг объекти билан боғлиқ барча хавфлар, шу жумладан унинг тасодифан йўқолиши (нобуд бўлиши) ёки тасодифан бузилиши, шунингдек ўғирланиши, барвақт эскириши, шикастланиш хавфлари лизинг шартномасида назарда тутилган тартибда лизинг олувчига ўтади. Хавфлар лизинг олувчига ўтган дақиқадан эътиборан лизинг олувчи лизинг объекти ҳар қандай тарзда йўқотилиши ёки шикастланиши учун лизинг шартномаси амал қиладиган муддат давомида жавобгар бўлади.

Қонуннинг 19-моддасидаги қоидага кўра, агар хавфлар лизинг берувчидан лизинг олувчига ўтадиган вақт лизинг шартномасида белгиланган бўлмаса, хавфлар лизинг олувчига у лизинг объектини олган дақиқадан ўтади.

Агар таклиф этилган лизинг объекти лизинг шартномасига мос келмаса ва бу лизинг олувчига лизинг объектидан воз кечиш ҳуқуқини берса, ана шундай номувофиқлик бартараф этилгунга қадар ёки лизинг олувчи лизинг объектини олгунга қадар барча хавфлар лизинг берувчи зиммасида бўлади.

Сотувчининг ночорлиги ёки лизинг объектининг ундан фойдаланиш мақсадларига номувофиқлиги хавфлари лизинг олувчининг зиммасида бўлади, лизинг берувчининг сотувчини ёки лизинг объектини танлаш ёхуд лизинг берувчи лизинг олувчини муайян сотувчини ёки лизинг объектини танлашга ғайриқонуний тарзда мажбурлаш ҳоллари бундан мустасно.

4. «Лизинг тўғрисида»ги Қонуннинг 15-моддасига мувофиқ лизинг объектига бўлган мулк ҳуқуқи лизинг олувчи томонидан сотиб олингунга қадар лизинг берувчига тегишлидир, аммо молиявий лизингда лизинг шартномасининг амал қилиш муддати тугагунга қадар, барча лизинг тўловлар тўланган тақдирда, агар лизинг шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, лизинг объектига бўлган мулк ҳуқуқи лизинг олувчига ўтиши мумкин.

Лизинг олувчи банкрот бўлган унинг мол-мулки хатга олинган ёки мусодара қилинган тақдирда, лизинг объекти лизинг олувчининг умумий мол-мулкидан ажратилади ва лизинг берувчига қайтарилиши лозим, у мол-мулкни ўз хоҳишига кўра тасарруф этиши мумкин.

Лизинг шартномаси бекор қилинганда лизинг олувчи лизинг объектини лизинг берувчидан қандай ҳолатда олган бўлса, шундай ҳолатда нормал эскириш ва тарафларнинг келишувида шартлашилган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, қайтариши шарт, ушбу модданинг 2-қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Қонунга мувофиқ учинчи шахс ундирувни лизинг объектига қаратганда лизинг олувчи лизинг шартномасини бекор қилиш ва лизинг объектини мулк қилиб олиш билан бир пайтда лизинг шартномаси бўйича тегишли лизинг тўловларининг қолдиғини бир йўла тўлашга ҳақли.

589-модда. Лизинг субъектлари

Келажакда лизинг олувчига лизинг бўйича топшириш мақсадида мол-мулкни ўзига мулк қилиб олувчи шахс лизинг берувчи деб тан олинади.

Эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг объектини оладиган шахс лизинг олувчи деб ҳисобланади.

Лизинг берувчи лизинг объектини кимдан олаётган бўлса, шу шахс сотувчи деб эътироф этилади.

Лизинг берувчи мол-мулкни бўлажак фойдаланувчидан сотиб олган тақдирда ёхуд лизинг берувчи келажакда мол-мулкни сотувчига лизинг бўйича топшириш учун ундан шу мол-мулкни сотиб олиш мақсадида уни маблағ билан таъминлаган тақдирда бир шахснинг ўзи ҳам лизинг олувчи, ҳам сотувчи бўлишига йўл қўйилади.

«Лизинг тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ лизинг берувчи, лизинг олувчи ва сотувчи лизинг субъектларидир.

Лизинг шартномаси бўйича лизинг олувчига келгусида топшириш мақсадида лизинг объектини мулк қилиб олувчи шахс лизинг берувчи деб эътироф этилади.

Эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг шартномаси бўйича лизинг объектини олаётган шахс лизинг олувчи деб эътироф этилади.

Ушбу шартномада лизинг олувчи бўлиб, махсус субъект — одатда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи шахс ҳисобланади.

Лизинг берувчи лизинг объектини кимдан олаётган бўлса, шу шахс сотувчи деб эътироф этилади.

2. «Лизинг тўғрисида»ги Қонун билан (4-модда) аниқ лизинг объектига нисбатан қуйидагиларнинг бир шахс тимсолида иш кўришига йўл қўйилмайди: лизинг берувчи ва лизинг олувчининг лизинг объектини лизинг олувчининг кредитори кредити (қарзи) ҳисобига олинганда. (Ўз. Р 2002 йил 13 декабрь 447-II таҳриридаги қисм)

3. Шарҳланаётган модданинг 4-қисми лизинг олувчи ва сотувчининг бир шахс тимсолида иш кўришига агарда лизинг берувчи мулкни кейинги фойдаланувчидан олаётган ёки лизинг берувчи сотувчини ундан мулкни олишга молиялаштириб кейинчалик лизинг бўйича шу шахсга бераётган бўлса йўл қўяди.

Шарҳланаётган модданинг ушбу қисми нормаси қайтариладиган лизингни назарда тутиб тавсифлайди ва бу тўғрида «Лизинг тўғрисида»ги Қонунда белгиланиб (лизинг шакли ҳақидаги 5-модда) ҳам белгиланиб, унга кўра лизинг унинг учта субъекти иштирок этадиган тўғридан-тўғри шаклда ҳам, лизинг олувчи ва сотувчи бўлиб бир шахснинг ўзи иштирок этадиган қайтариладиган шаклда ҳам амалга оширилиши мумкин. (Ўз. Р ФК 587-моддаси Шарҳларига қаранг).

590-модда. Лизинг тўлови

Лизинг тўлови лизинг берувчига лизинг объекти қийматининг лизинг олувчи томонидан қопланишидан, шунингдек лизинг берувчининг фоизли даромадидан иборат бўлади.

1. Лизинг шартномасининг муҳим элементи бўлиб, лизинг тўловларини тўлаш қоидалари ҳисобланади. Ўз. Р «Лизинг тўғрисида»ги Қонуннинг 22-моддасига мувофиқ, лизинг тўловлари шартноманинг бутун амал қилиш

муддатига тақсимланади ва бўлиб-бўлиб тўланади. Лизинг тўловларининг миқдорлари, тартиби ва даврийлиги лизинг шартномаси билан ўрнатилади. Одатда лизинг олувчининг лизинг тўловларини тўлаш бўйича мажбурияти агар лизинг шартномасида бошқача белгиланган бўлмаса, лизинг предметидан фойдаланиш бошланган вақтдан келиб чиқади.

«Лизинг тўғрисида»ги Қонунда кўрсатиб ўтилган талаблардан бирига лизинг шартномаси мувофиқ келиши лизинг тўловларининг лизинг шартномаси даври учун жорий дисконт қиймати лизинг объектининг лизингга бериш вақтига нисбатан жорий қийматидан 90 фоиз ошиқ бўлишидир. Жорий дисконт қиймат «Бухгалтерлик ҳисоби тўғрисида»ги қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланади.

2. 595-модданинг 2-қисми билан қонун ҳужжатларида лизинг шартномаси муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда лизинг олувчи илгари бўнак сифатида тўлаган пулларини, лизинг объектдан фойдаланишдан олган фойданинг қийматини чегириб ташлаб, ўзига қайтариб беришга ҳақлилиги белгиланган.

Ўз навбатида ФК 597-моддаси 3-қисмига мувофиқ, лизинг олувчи лизинг тўловларини тўлаш мажбуриятларини бажармаган тақдирда, лизинг берувчи ўзига тегиши керак бўлган тўловларни фоизи билан олиши мумкин.

3. Лизинг тўловларининг товар шаклида тўлови имконияти 2001 йил 30 августдан кучга кирган 1998 йил 25 ноябрдаги «Давлатлараро лизинг тўғрисида»ги МДҲ мамлакатлари Конвенциясида кўзда тутилган. (Ўзбекистон қатнашчиси ҳисобланмайди.).

Конвенциянинг 3-моддаси нормалари билан лизингнинг оддий 3 та (молиявий, оператив ва қайтариладиган) туридан ташқари лизинг тўловлари сифатида лизинг ускуналари билан ишлаб чиқилган товарлар лизинг тўлови сифатида чиқадиган компенсацияли ва тарафлар томонидан келишилган ҳар қандай товарни етказиб беришни лизинг тўлови сифатида қабул қилишга йўл қўядиган бартер лизинглари тартибга солинади.

591-модда. Мол-мулкни лизингга топшириш тўғрисида сотувчини хабардор қилиш

Лизинг берувчи лизинг олувчи учун мол-мулк сотиб олаётганда мол-мулк муайян шахсга лизингга беришга мўлжалланганлигини сотувчига билдириши шарт.

1. Сотувчини у томонидан сотилаётган мулкнинг келгуси «тақдири» тўғрисида хабардор қилиш талаби молиявий ижара муносабатларининг уч томонлама хусусиятини яна бир бор кўрсатади. Сотувчи олдиндан тузилаётган молиявий ижара (лизинг) шартномасини билиши керак, чунки бу унинг олди-сотди шартномаси бўйича мажбуриятлари ва жавобгарлигига муҳим таъсир қилади.

Сотувчи лизинга берувчи билан олди-сотди шартномасини тузаётиб бу шартноманинг бир неча масалаларини ижро этишда лизинг олувчи билан бевосита мулоқотга киради (қаранг Ўз. Р ФК 598-моддаси ва унга шарҳлар). Агар сотувчи олдиндан тузилаётган лизинг шартномасини билмаса, бу унинг лизинг олувчи билан ўзаро муносабатларини мураккаблаштириши мумкин.

Буни ҳисобга олиб, ушбу ҳолатларни қонун чиқарувчи «Лизинг тўғрисида»ги Қонуннинг тегишли моддаларига киритган.

Хусусан, қонуннинг 11-моддаси 3-қисмида лизинг берувчи лизинг олувчи учун мол-мулк олаётганда мол-мулк муайян шахсга лизингга беришга мўлжалланганлигини сотувчига маълум қилиши, лизинг объектини, агар шартномада шундай шартлар назарда тутилган бўлса, сақлаб туриш, таъмирлаш ва унга техник хизмат кўрсатиш бўйича лизинг олувчи олдида ўз зиммасига олинган мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариши шартлиги ҳақида хабардор қилишга мажбур.

Қонуннинг 14-моддаси 3-қисмида лизинг объекти олди-сотди шартномасини тузиш пайтида лизинг берувчи лизинг объектини қайси мақсадда олинаётганлигидан сотувчини олдиндан хабардор қилиши, буни олди-сотди шартномасида қайд этиши шартлиги ёзилган. Лизинг шартномасининг хусусияти ҳам мана шундадир.

2. Бу қонунчилик нормаларини тўғри қўллаш учун муҳим бўлиб, молиявий ижара бўйича муносабатларнинг аниқлигига шароит яратади.

Мулкни олиш мақсади тўғрисида кўрсатманинг мавжуд бўлмаслиги шартноманинг ҳақиқийлигига таъсир қилмайди, аммо зарарларни қоплаш учун асос бўлиши мумкин.

Ўз. Р ФК 592-моддаси 1-қисмига мувофиқ лизинг шартномаси объекти бўлган мол-мулк сотувчи томонидан бевосита лизинг олувчига у турган жойда топширилади, шунингдек, Ўз. Р ФК 598-моддаси 1-қисмига мувофиқ лизинг олувчи лизинг шартномасининг нарсаи бўлган мол-

мулкни сотувчига сотувчи билан лизинг берувчи ўртасида тузилган олди-сотди шартномасидан келиб чиқадиган талабларини қўйиш ҳуқуқига эгалигидан келиб чиқиб,

Шарҳланаётган модда лизинг берувчига сотувчини лизинг олувчининг шахси ҳақида хабардор қилиш мажбуриятини юклайди. Бундай мажбуриятни бажармаслик лизинг берувчига бунинг натижасида ижарага олувчида ҳам, сотувчида ҳам кейинчалик келиб чиқиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш мажбуриятини юклайди.

592-модда. Лизинг шартномаси нарасини лизинг олувчига топшириш

Агар лизинг шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ушбу шартнома объекти бўлган мол-мулк сотувчи томонидан бевосита лизинг олувчига у турган жойда топширилади.

Агар лизинг шартномасининг нараси бўлган мол-мулк шу шартномада кўрсатилган муддатда, башарти шартномада бундай муддат кўрсатилмаган бўлса, оқилона муддатда лизинг олувчига топширилмаган бўлса, лизинг берувчи жавобгар бўладиган ҳолатлар туфайли муддат ўтказиб юборилган тақдирда, лизинг олувчи шартномани бекор қилишни ва зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақли.

1. Шарҳланаётган модда диспозитив характерга эга бўлиб, лизинг қатнашчилари муносабатларининг хусусиятлари аниқ ифодаланган. Лизинг шартномасида лизинг берувчининг, алоҳида ўрин эгаллашидан келиб чиқиб аъъанавий ўзаро муносабатлар тузилиши лизинг берувчини мол-мулк билан боғлиқ мажбуриятлардан озод қилишга қаратилган. Бу лизинг берувчининг кўпинча сотувчидан олаётган мол-мулкни кўрмаслигида ҳам кўринади ва у қоида тариқасида агар бу қайтарма лизинг бўлмаса олди-сотди шартномасининг тарафи ҳисобланмаган лизинг олувчига топширилади.

2. Умумий қоида бўйича, агар лизинг шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ушбу шартнома объекти бўлган мол-мулк сотувчи томонидан бевосита лизинг олувчига у турган жойда топширилади, яъни Ўз. Р.ФК 592-моддаси 1-қисмига мувофиқ мол-мулкни лизинг

олувчига топшириш бўйича мажбуриятни бажариш жойи бўлиб лизинг олувчининг турган жойи ҳисобланади.

Лизинг берувчи лизинг олувчига объектни лизинг шартномасига ва мол-мулк вазифасига мувофиқ келадиган ҳолатда тақдим этишга мажбурдир. Лизинг объекти лизингга агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, барча тегишли жиҳозлари ва ҳужжатлари (техник паспорти ва бошқалар) билан берилади.

3. Шартнома объекти ҳисобланган мол-мулк лизинг шартномасида кўрсатилган муддатда, агар бундай муддат белгиланмаган бўлса, муайян оқилона муддатда лизинг олувчига топширилади. Бу шартнинг бузилиши, агар лизинг берувчи жавоб берадиган ҳолатлардан келиб чиққан бўлса, лизинг олувчига лизинг шартномасини бекор қилиш ва умумий қоидалар билан ҳисоблаб чиқиладиган (Ўз. Р ФК 14, 324-моддалари ва 21 боби қоидалари) етказилган зарарларни қоплаш ҳуқуқини беради. Бунда лизинг берувчи сотувчининг камчилигига худди ўзиникидек жавоб беради.

593-модда. Мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан бузилиши хавфининг лизинг олувчига ўтиши

Лизинг бўйича ижарага олинган мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан бузилиши хавфи, агар лизинг шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, лизинг олувчига бу мол-мулкни топшириш пайтида ўтади.

1. Шарҳланаётган модда умумий қоидалардан мустасноларни белгилаши жиҳатидан муҳимдир. Ўз. Р ФК 175-моддасига мувофиқ мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиш ёки бузилиш хавфи, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мулк эгасининг зиммасидадир.

Ушбу норманинг диспозитивлигига қарамасдан, мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан бузилиши хавфи умумий қоида тариқасида унинг эгаси зиммасида бўлади. Ижара тўғрисидаги ФК 34 боби 1-параграфида келтирилган умумий қоидаларда бу тўғрида бирон-бир изох берилмаган, бу эса ушбу умумий қоидаларни ижара шартномасига нисбатан ҳам сақлаб қолишни, яъни мол-мулкнинг тасодифан

нобуд бўлиши ёки тасодифан бузилиши хавфи мол-мулк эгаси сифатида ижарага берувчи зиммасида эканлигини англатади.

2. Лизинг шартномасида эса бошқача вазият — бу ерда барча хавфлар лизинг берувчидан (мол-мулк эгасидан) лизинг шартномаси асосида мол-мулкга эгалик қилувчи ва ундан фойдаланувчи лизинг олувчига ўтказилади. Бундай қоида лизинг шартномаси учун чуқур маъно касб этади.

Юқорида лизинг шартномасида лизинг берувчининг «молиявий» ўрни ҳақида ва унинг давоми сифатида тарихий ижара шартномасидаги ижарага олувчига нисбатан лизинг олувчини солиштирганда унинг фаол ҳаракат ўрни борлиги таъкидланган эди.

Баъзи мамалкатларда лизинг шартномасида лизинг олувчини (ижарага олувчи) иқтисодий мулкдор, лизинг берувчини (ижарага берувчи) эса юридик мулкдор деб номлашлари тасодиф эмас ва бу лизингда келиб чиқадиган реал вазиятларни ишончли ифода этади.

Одатдаги шароитларда мол-мулк эгаси жавоб бериши керак бўлган ҳолатда, хавфларинг лизинг берувчидан лизинг олувчига ўтказилиши ва унга жавобгарлик белгиланиши ҳақидаги нормага мажбуриятларинг худди шундай тақсимоти мувофиқ келади.

Шуни эслатиш жойизки, шартнома тарафлари ўзларинг ҳоҳишлари билан тавакалчилик хавфлар тақсимотининг бошқача тартибини ҳам белгилашлари мумкин.

Шундай қилиб, шарҳланаётган модда Ўз. Р ФК 175-моддасида белгиланган, мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиш ёки бузилиш хавфи эгасининг зиммасида бўлишлиги ҳақидаги умумий қоидалардан мустасноларни белгилаб, лизинг шартномасида бу вазифа лизинг олувчига ўтказилган.

Аммо, ижарага олинган мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиш ёки бузилиш хавфи учун жавобгарлик лизинг олувчига унга мол-мулк топширилган пайтдан бошлаб ўтади. («Лизинг тўғрисида»ги Қонун 19-модда 1 банд).

Лизинг олувчининг тавакалчилик хавфи шундаки, ижарага олинган мол-мулк тасодифан нобуд бўлганда ёки бузилганда у лизинг берувчига ижара объектини қайтариш мумкин бўлмаганлиги учун етказилган зарарни қоплашга мажбур.

3. «Лизинг тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддасида лизинг объекти билан боғлиқ хавфларни ўтказишга доир қуйидаги қоидалар белгиланган:

Лизинг объекти билан боғлиқ барча хавфлар, шу жумладан унинг тасодифан йўқолиши (нобуд бўлиши) ёки тасодифан бузилиши, шунингдек ўғирланиши, барвақт эскириши, шикастланиши хавфлари лизинг шартномасида назарда тутилган тартибда лизинг олувчига ўтади.

Хавфлар лизинг олувчига ўтган дақиқадан эътиборан лизинг олувчи лизинг объекти ҳар қандай тарзда йўқотилиши ёки шикастланиши учун лизинг шартномаси амал қиладиган муддат давомида жавобгар бўлади.

Агар хавфлар лизинг берувчидан лизинг олувчига ўтадиган вақт лизинг шартномасида белгиланган бўлмаса, хавфлар лизинг олувчига у лизинг объектини олган дақиқадан эътиборан ўтади.

Агар таклиф этилган лизинг объекти лизинг шартномасига мос келмаса ва бу лизинг олувчига лизинг объектидан воз кечиш ҳуқуқини берса, ана шундай номувофиклик бартараф этилгунга қадар ёки лизинг олувчи лизинг объектини олгунга қадар барча хавфлар лизинг берувчи зиммасида бўлади.

Сотувчининг ночорлиги ёки лизинг объектининг ундан фойдаланиш мақсадларига номувофиклиги хавфлари лизинг олувчининг зиммасида бўлади, лизинг берувчининг сотувчини ёки лизинг объектини танлаш ёхуд лизинг берувчи лизинг олувчини муайян сотувчини ёки лизинг объектини танлашга ғайриқонуний тарзда мажбурлаш ҳоллари бундан мустасно.

«Лизинг тўғрисида»ги Қонун (18-модда) лизинг предметини унинг йўқолиши (нобуд бўлиши) ўғирланиши ёки шикастланиши хавфларидан суғурталашни назарда тутди. Суғурталаш даври ва бошқа шартлар лизинг шартномасида белгиланади.

594-модда. Лизинг берувчининг мажбурияти ва жавобгарлиги

Лизинг берувчи лизинг объектини лизинг олувчига шартнома шартларига жавоб берадиган ҳолатда ва унда келишилган муддатда топшириши шарт.

Агар лизинг берувчининг айбли ҳаракатлари ёки йўл қўйган камчиликлари туфайли мол-мулк етказиб берилмаган, тўлиқ етказиб берилмаган, муддати кечиктириб етказиб берилган ёки тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулк етказиб берилган бўлса, бунинг учун у лизинг олувчи олдида жавобгардир.

1. Шарҳланаётган модда ва «Лизинг тўғрисида»ги Қонун (11-модда 2-қисми) агар, лизинг объекти лизинг берувчининг айби билан етказиб берилмаган бўлса ёки лизинг шартномаси шартларига номувофиқ бўлса, лизинг берувчи лизинг олувчининг розилиги билан ўзи лозим даражада бажармаган лизинг шартномаси шартларини тузатиб бажаришга ёки лизинг олувчига бошқа лизинг объектини таклиф этишга ҳақли эканлиги назарда тутатди.

«Лизинг тўғрисида»ги Қонуннинг ушбу моддаси 3-қисмида лизинг берувчи учун бир қатор мажбуриятлар назарда тутилиб, хусусан у:

Лизинг шартномаси бўйича мол-мулкни олиши ва уни лизинг олувчига эгалик қилиш ҳамда фойдаланиш учун бериши;

Лизинг олувчи учун мол-мулк олаётганда мол-мулк муайян шахсга лизингга беришга мўлжалланганлигини сотувчига маълум қилиши;

Лизинг объектини, агар шартномада шундай шартлар назарда тутилган бўлса, сақлаб туриш, таъмирлаш ва унга техник хизмат кўрсатиш бўйича лизинг олувчи олдида ўз зиммасига олинган мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариши шарт.

Бундан ташқари қонунда шундай қоида билдирилганки, унга кўра, лизинг берувчи қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва ўзга мажбуриятларни бажариши мумкинлиги таъкидланган.

2. «Лизинг тўғрисида»ги Қонуннинг 24-моддаси ўзининг 1-қисмида шарҳланаётган модданинг 2-қисмидаги лизинг берувчининг лизинг олувчи олдидаги жавобгарлиги ҳолатлари тўғрисида такрорлаб, лизинг берувчи лизинг олувчига нисбатан лизинг объектига доир жавобгарликни зиммасига олмаслигини ҳаққоний равишда назарда тутати. Лизинг объекти сотувчиси ва лизинг объектининг ўзи лизинг берувчи томонидан танланган ва лизинг олувчи шу туфайли зарар кўрганлиги исботланган ҳоллар бундан мустасно.

Сотувчига нисбатан лизинг берувчи ва лизинг олувчи лизинг объектини олди-сотди шартномаси бўйича биргаликдаги кредитор сифатида чиқишади, бу тўғрида қонуннинг 24-моддаси ва Ўз. Р ФК 598-моддаси 2-қисмида таъкидланган.

Лизинг берувчи лизинг объектининг лизинг шартномасини тузишда қайд этиб ўтилган камчиликлари учун жавоб бермайди.

Шартнома объекти ҳисобланган мол-мулк лизинг шартномасида кўрсатилган муддатда, агар бундай муддат белгиланмаган бўлса, муайян оқилона муддатда лизинг олувчига топширилади. Бу шартнинг бузилиши, агар лизинг берувчи жавоб берадиган ҳолатлардан келиб чиққан бўлса, лизинг олувчига лизинг шартномасини бекор қилиш ва умумий қоидалар билан ҳисоблаб чиқиладиган (Ўз. Р ФК 14, 324-моддалари ва 21 боби қоидалари) етказилган зарарларни қоплаш ҳуқуқини беради. Бунда лизинг берувчи сотувчининг камчилигига худди ўзиникидек жавоб беради.

3. Ўз. Р ФК 592-моддаси 2-қисми шуни таъкидлайдики, агар лизинг шартномасининг объекти бўлган мол-мулк лизинг берувчи томонидан лизинг берувчининг айби билан кечиктирилиб лизинг олувчига топширилса, лизинг шартномаси бекор бўлиши мумкин.

595-модда. Лизинг олувчининг ҳуқуқлари

Мол-мулк етказиб берилмаган, тўлиқ етказиб берилмаган, муддати кечиктириб етказиб берилган ёки унинг сифати тегишли даражада бўлмаган тақдирда, лизинг олувчи, агар шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса (Ўз. Р 2002 йил 13 декабрдаги № 447-II Қонуни таҳриридаги абзац):

лизинг тўловларини тўхтатиб туриш;

етказиб берилаётган мол-мулкни рад этиш ва лизинг шартномасини бекор қилишни талаб қилишга ҳақли.

Лизинг шартномаси муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда лизинг олувчи илгари бўнак сифатида тўлаган пулларини, лизинг объектидан фойдаланишдан олган фойданинг қийматини чегириб ташлаб, ўзига қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли (Ўз. Р 2002 йил 13 декабрдаги № 447-II Қонуни таҳриридаги абзац).

Лизинг шартномасининг муддати тугагач, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, лизинг объекти лизинг олувчининг мулки бўлиб қолади.

1. Шарҳланаётган модда ва «Лизинг тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддаси қоидаларига мувофиқ лизинг олувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- лизинг объектини мустақил аниқлаш ва сотувчини танлаш;

- лизинг берувчидан лизинг шартномасини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик туфайли етказилган зарар қопланишини талаб қилиш;
- сотувчига лизинг объекти олди-сотди шартномасидан келиб чиқувчи талабларни, жумладан унинг сифати ва бутлиги, топшириш муддати, кафолатли таъмирлаши ва ҳ.к. хусусида талаблар қўйиш;
- лизинг объекти етказиб берилмаган, тўлиқ етказиб берилмаган, етказиб бериш муддати ўтказиб юборилган ёкт сифати талаб даражасида бўлмаган лизинг объекти етказиб берилган тақдирда агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, лизинг тўловларини тўлашни тўхтатиб туриш, етказиб бериладиган лизинг объектидан воз кечиш ва лизинг шартномасини бекор қилинишини талаб қилиш.

2. Шарҳланаётган моддада қонун ҳужжатлари билан лизинг олувчига агар лизинг шартномаси муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда, ўзи вақти-вақти билан аванс сифатида тўлаган тўловларни лизинг объектидан фойдаланиш даврида олган фойданинг қийматини чегириб ташлаб, ўзига қайтариб беришни талаб қилиш ҳуқуқи берилган.

«Лизинг тўғрисида»ги Қонун билан (12-модда 2-қисми) учинчи шахс ундирувни лизинг объектига қаратганда лизинг олувчи лизинг шартномасини бекор қилиш ва лизинг объектини мулк қилиб олиш билан бир пайтда лизинг шартномаси бўйича тегишли лизинг тўловларининг қолдиғини бир йўла тўлашга ҳақли.

Шарҳланаётган модданинг хулосасида (3-қисм) мантиқан қонуний қоида келтирилиб, унга кўра лизинг шартномаси муддати тугагандан кейин агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, лизинг объекти лизинг олувчининг эгалигига ўтиши белгиланган.

3. «Лизинг тўғрисида»ги Қонун билан (12-модда 6-қисми) лизинг олувчи қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва ўзга мажбуриятларни бажариши мумкин.

596-модда. Қўшимча лизинг

Лизинг олувчи лизинг берувчи олдида шартнома юзасидан жавобгар бўлиб қолгани ҳолда, лизинг шартномаси бўйича олган мол-мулкни лизинг берувчининг розилиги билан қўшимча лизингга топширишга ҳақли.

Шарҳланаётган моддада қонун ҳужжатлари лизинг олувчига лизинг шартномаси бўйича лизинг объектини вақтинчалик эгаллик қилиш ва фойдаланиш учун учинчи шахсга қўшимча лизингга бериш ҳуқуқини беради.

Қонун ҳужжатлари лизинг олувчига лизинг объектини учинчи шахсга қўшимча лизингга бериш ҳуқуқини бераётиб бунинг учун лизинг берувчининг розилигини олишни ва лизинг олувчи олдида лизинг шартномаси бўйича жавобгарлигини белгилайди.

Бундан ташқари «Лизинг тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасига мувофиқ лизинг берувчининг розилиги ёзма шаклда бўлиши керак. «Лизинг тўғрисида»ги Қонун билан яна шу нарса ўрнатилганки, қўшимча лизинг шартномасида ушбу қонуннинг мазкур қоидалари қўшимча лизинг берувчига, қўшимча лизинг олувчига ва сотувчига тегишли лизинг берувчига, лизинг олувчига ва сотувчига нисбатан мувофиқ равишда қўлланилади. Қўшимча лизинг шартномасини амал қилиш муддати лизинг шартномасининг амал қилиш муддатидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Қўшимча лизингга қўшимча ижара тўғрисидаги умумий қоида (Ўз. Р ФК 546-модда) қўлланилиб, унга қўра ижарага олувчи қўшимча ижара шартномасини ижара муддати доирасида ижарага берувчининг агар у қўшимча ижарага розилик бериб, лекин унинг чекланган муддатини келишмаган бўлса, қўшимча розилигисиз тиклаш ҳуқуқига эга.

597-модда. Лизинг олувчининг мажбурияти ва жавобгарлиги

Агар лизинг шартномасида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, лизинг олувчи лизинг тўловларини ўз вақтида тўлаши, мол-мулкдан уни етказиб бериш шартларига мувофиқ фойдаланиши, уни соз ҳолда сақлаши, ўз ҳисобидан жорий таъмирлаш ишларини бажариши, сақлаш бўйича бошқа харажатларни амалга ошириши шарт.

Лизинг шартномаси бекор қилинганида лизинг олувчи мол-мулкни лизинг берувчидан олган ҳолатида унинг нормал эскиришини ва тарафларнинг келишувида шартлашилган ўзгаришларни ҳисобга олиб, қайтариб беришга мажбур.

Лизинг олувчи лизинг тўловларини тўлаш мажбуриятларини бажармаган тақдирда, лизинг берувчи ўзига тегиши керак бўлган тўловларни фоизи билан олиши мумкин.

Лизинг олувчи ўз мажбуриятларини жиддий равишда бузган тақдирда, агар лизинг шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, лизинг берувчи бўлажак лизинг тўловларини тезлаштиришни ёки лизинг объектини қайтариб олган ва зарарни ундирган ҳолда шартномани бекор қилишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

1. Шарҳланаётган модда ва «Лизинг тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддаси қоидаларига мувофиқ лизинг олувчи қуйидаги мажбуриятларга эга:

Лизинг объектини қабул қилиб олиши ва ундан лозим даражада фойдаланиши, уни шартнома шартларига мувофиқ сақлаб туриши;

Лизинг тўловларини ўз вақтида тўлаб туриши, агар лизинг шартномасида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, лизинг объектини ўз ҳисобидан жорий таъмирлаши, уни сақлаб туришга доир бошқа харажатлар қилиши шарт.

Лизинг шартномаси бекор қилинганда лизинг олувчи лизинг объектини лизинг берувчидан қандай ҳолатда олган бўлса, шундай ҳолатда, нормал эскириш ва тарафларнинг келишувида шартлашилган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда қайтариши шарт.

Лизинг олувчининг лизинг объектини таъмирлаш ва унга техник хизмат кўрсатишга доир ҳуқуқи ва мажбурияти сотувчи билан алоҳида тузилган шартномада белгиланиши мумкин.

2. «Лизинг тўғрисида»ги Қонун билан (12-модда 6-қисми) лизинг олувчи қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва ўзга мажбуриятларни бажариши мумкин.

«Лизинг тўғрисида»ги Қонуннинг 24-модда 3-қисмига мувофиқ лизинг берувчи ва лизинг олувчи сотувчига нисбатан лизинг объектининг олди-сотди шартномаси бўйича солидар кредиторлар сифатида иш кўрадилар.

3. Лизинг олувчининг айби билан лизинг объектининг йўқолиши ёки лизинг объектининг ўз вазифасига доир аҳамиятини йўқотиши, агар лизинг шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, лизинг олувчини лизинг берувчи олдидаги жавобгарлигини келтириб чиқаради.

Лизинг берувчи («Лизинг тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддаси 2-қисми) лизинг олувчи лизинг шартномасини жиддий тарзда бузган тақдирда барча лизинг тўловларини муддатидан илгари тўлашни ёхуд етказилган зарарни ундириб ва (ёки) лизинг объектини қайтариб олган тарзда шартномани бекор қилишни талаб этиш ҳуқуқига эга.

«Лизинг тўғрисида»ги Қонуннинг 15-моддасида белгиланган қоидага кўра, лизинг олувчи банкрот бўлган, унинг мол-мулки хатга олинган ёки мусодара қилинган тақдирда, лизинг объекти лизинг олувчининг умумий мол-мулкидан ажратилади ва лизинг берувчига қайтарилиши лозим, у мол-мулкни ўз хоҳишига кўра тасарруф этиши мумкин. Лизинг берувчига зарарни қоплаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

598-модда. Сотувчининг жавобгарлиги

Лизинг олувчи лизинг шартномасининг нарсаси бўлган мол-мулкни сотувчига сотувчи билан лизинг берувчи ўртасида тузилган олди-сотди шартномасидан келиб чиқадиган талабларни, хусусан мол-мулкнинг сифати ва бутлиги, уни етказиб бериш муддатлари ҳақидаги талабларни ва шартнома сотувчи томонидан зарур даражада бажарилмаётган бошқа ҳоллардан келиб чиқадиган талабларни қўйишга ҳақли. Бунда лизинг олувчи, мазкур мол-мулкнинг олди-сотди шартномасидаги тарафлардан бири бўлгани каби, ушбу Кодексда сотиб олувчи учун назарда тутилган ҳуқуқларга эга бўлади ва мажбуриятларни ўз зиммасига олади (сотиб олинган мол-мулк ҳақини тўлаш мажбурияти бундан мустасно). Бироқ лизинг олувчи сотувчи билан олди-сотди шартномасини лизинг берувчининг розилигисиз бекор қила олмайди.

Сотувчи билан бўладиган муносабатларда лизинг олувчи ва лизинг берувчи солидар кредиторлар бўлади.

Агар лизинг шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, лизинг берувчи олди-сотди шартномасидан келиб чиқадиган талабларнинг сотувчи томонидан бажарилиши учун лизинг олувчи олдида жавобгар бўлмайди, сотувчи танлаш бўйича жавобгарлик лизинг берувчининг зиммасида бўлган ҳоллар бундан мустасно. Сотувчини лизинг берувчи танлаган тақдирда, лизинг олувчи олди-сотди шартномасидан келиб чиқадиган талабларни ўз хоҳишига қараб, солидар жавобгар бўлган мол-мулк сотувчи олдида ҳам, лизинг берувчи олдида ҳам қўйишга ҳақли.

1. Шарҳлалаётган модда лизинг (молия ижараси) бўйича уч тарафлама (ёки кўп) муносабатларнинг ўзаги ҳисобланади. Ушбу шартномада лизинг олувчининг фаол ўрни уни мол-мулк эгаси билан тенглаш-

тирган ҳолда унга мол-мулк билан боғлиқ масалаларни бевосита сотувчи билан тартибга солиш бўйича ҳуқуқ берилишини талаб қилади.

Сотувчи билан муносабатларда лизинг олувчини сотиб олувчига тенглаштириш лизинг олувчига бевосита сотувчига мол-мулк юзасидан эътирозлар билан муносабат билдириш имкониятини беради ва шунинг билан бир вақтда сотувчига ушбу эътирозларни кўриб чиқиш мажбуриятини юклайди. Жавобгарликнинг бундай тузилишида лизинг шартномасидан келиб чиқадиган муносабатларнинг ўзига хос хусусияти кўпроқ аниқ кўринади.

2. Лизинг олувчига сотиб олувчи ҳуқуқини бериш билан биргаликда сотувчини лизинг берувчи ва лизинг олувчининг бир хил эътирозларидан ҳимоя қилиш ҳам зарур. Шунинг учун шарҳланаётган модда 2-қисмида сотувчи билан бўладиган муносабатларда лизинг олувчи ва лизинг берувчи солидар кредитор бўлишлари белгиланган.

Ўз. Р ФК 255-моддасига мувофиқ ҳар қандай солидар кредитор қарздорга тўла ҳажмда талаб қўйишга ҳақли. Ўз. Р ФК 255-моддаси 3-қисмида мажбуриятни солидар кредитордан бирига нисбатан тўла бажариш қарздорни мажбуриятни бошқа солидар кредиторларга нисбатан бажаришдан озод қилишлиги белгиланган. Шундай қилиб, сотувчининг лизинг олувчи (ёки лизинг берувчи) билдирган талабни бажариш уни лизинг олувчининг (ёки лизинг берувчи) шундай талабни ижро этишни такроран юклаш хавфидан озод этади.

3. Шарҳланаётган модда Ўз. Р ФК 587-моддаси (қаранг, ушбу модда шарҳига) ва «Лизинг тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддаси 3-қисми, 24-моддаси билан бевосита боғлиқ. 587-модда шарҳларида сотувчини ким танлаши билан боғлиқ равишда олди-сотди шартномаси бўйича сотувчининг ўз мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ масалалардаги жавобгарлиги ҳал этилиши таъкидланган эди.

587-модда ва шарҳланаётган моддада белгиланган схемага мувофиқ агар сотувчини лизинг олувчи танласа, унда лизинг берувчи сотувчининг ўз мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ масалалардаги жавобгарлигидан озод этилади, агар сотувчини лизинг берувчи танласа унга сотувчининг лизинг олувчи олдидаги ҳаракатлари учун жавобгарлик юкланади.

Бундай ҳолатда, лизинг олувчи олди-сотди шартномаси билан боғлиқ талабни солидар қарздорлар сифатида чиқадиган ёки сотувчига ёки лизинг берувчига билдириш имкониятига эга бўлади. Бундай ҳолатда Ўз. Р ФК

254-моддаси 1-қисмига мувофиқ солидар мажбуриятнинг қарздорлардан бири томонидан тўлиқ бажарилиши қолган қарздорларни кредитор олдидаги мажбуриятни бажаришдан озод қилади.

4. Лизинг шартномасининг алоҳидалиги лизинг олувчининг сотувчи ва лизинг берувчи ўртасидаги олди-сотди шартномаси юзасидан келиб чиқадиган лизинг шартномаси предметини ташкил қилувчи мол-мулк сифати ва бутунлиги, уни етказиб бериш муддатлари тўғрисида ва бошқа талабларни бевосита мол-мулк сотувчисига билдириш ҳуқуқи ҳисобланади.

Бошқача айтганда, лизинг олувчи худди ўзи тегишли мол-мулкнинг олди-сотди шартномасида (қаранг, Ўз. Р ФК 29-боб) сотиб олувчи сифатида ҳуқуқларни ва мажбуриятни ўз зиммасига олади. (қўлга киритилган мулкни ҳақини тўлаш мажбуриятидан ташқари)

Аммо, сотувчи томонидан ўзининг мажбуриятларини бузганлиги (масалан, сифатсиз мол-мулкни етазиб берганлиги) лизинг олувчига лизинг бурувчининг розилигисиз олди-сотди шартномасини бекор қилиш ҳуқуқини бермайди. Шартномани уларнинг тарафлари — сотувчи ва лизинг берувчи бекор қилишлари мумкин.

Кўпчилик ҳолатларда сотувчини танлаганлик учун жавобгарлик лизинг олувчида бўлганлиги учун, сотувчининг олди-сотди шартномаси бўйича жавобгарлигини бажармаганлиги учун лизинг берувчи жавоб бермайди, молиявий ижара шартномаси шартларига мувофиқ сотувчини танлаш лизинг берувчи томонидан амалга оширилгандан ташқари. Сотувчи лизинг берувчи томонидан танланган тақдирда, у лизинг олувчи олдида сотувчи билан солидар тартибда олди-сотди шартномаси шартларини бажармаганлик учун жавобгар бўлади.

Лизинг тўғрисидаги шартнома билан сотувчини ким танлаганлигидан қатъи назар, сотувчининг лизинг объекти сифати юзасидан жавобгарлиги кўзда тутилган.

599-модда. Лизинг объекти бошқа мулкдорга ўтганида лизинг шартномасининг ўз кучида қолиши

Лизинг бўйича топширилган мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи лизинг берувчидан бошқа шахсга ўтганида лизинг шартномаси янги мулкдор учун ўз кучини сақлаб қолади.

Лизинг берувчи лизинг олувчини хабардор қилган ҳолда лизинг шартномаси бўйича ўз ҳуқуқларидан тўлиқ ёки қисман учинчи шахслар фойдасига воз кечиши мумкин, лизинг олувчи эса лизинг берувчининг рухсати билан молиявий лизинг бўйича ўз ҳуқуқларидан тўлиқ ёки қисман учинчи шахслар фойдасига воз кечиши мумкин.

Биринчи ҳолатда лизинг берувчи ўз ҳаракатлари ҳақида лизинг олувчини хабардор қилиши шарт бўлса, иккинчи ҳолатда эса лизинг олувчига шартнома бўйича ўз ҳуқуқларидан учинчи шахслар фойдасига воз кечиши учун лизинг берувчининг розилигини олиш зарур.

Мулкка нисбатан эгаллик ҳуқуқи лизинг шартномаси бўйича бошқа шахсга амалга оширилган битим ёки банкротлик келиб чиққанлиги натижасида ўтганда, лизинг шартномаси янги мулкдор учун ўз кучини сақлаб қолади, чунки янги мулкдорга ўтказилган мулкка нисбатан ҳуқуқ билан биргалликда ушбу мулкка нисбатан олдинги мулкдорнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам ўтказилади.

35-БОБ. УЙ-ЖОЙ ИЖАРАСИ

600-модда. Уй-жойни ижарага бериш шартномаси

Уй-жойни ижарага бериш шартномасига биноан бир тараф-уй-жойнинг мулкдори ёки у ваколат берган шахс (ижарага берувчи)-бошқа тараф (ижарага олувчи)га уй-жойда яшаш учун уни ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланишга топшириш мажбуриятини олади.

Уй-жой юридик шахсларга ижара шартномаси ёки бошқа шартнома асосида эгалик қилиш ва (ёки) фойдаланиш учун топширилиши мумкин. Юридик шахс уй-жойдан фақат фуқароларнинг яшаши учун фойдаланиши мумкин.

1. Шарҳланаётган модда уй-жойни ижарага бериш муносабатларини тартибга солади, шунга кўра «тижорат ижараси» ҳисобланади. «Тижорат ижараси» атамаси қонунчиликда мустаҳкамланмаган, бироқ давлат уй-жой фонди (кейинги ўринларда — муниципал, корхона ихтиёридаги уй-жой фонди ва мақсадга қаратилган коммунал уй-жой фонди)га қарашли уй ижарасини уй-жой ижараси шартномасидан фарқлаш учун қўлланилади (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 601-моддасига шарҳга қаранг).

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида уй-жой тижорат ижараси шартномасига аниқлик киритилган. Шартнома бўйича ижарага берувчи сифатида уй-жойнинг мулкдори ёки у ваколат (масалан, ишончнома) берган шахс бўлиши мумкин. Ижарага олувчи сифатида фақатгина жисмоний шахс иштирок этиши мумкин. Фуқароларнинг уй-жойни ижарага бериш ҳуқуқи тўғрисида гапирганда, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 14.09.2001 й. № 22-сонли «Уй-жой низолари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги Қарори (5-банднинг биринчи хат боши)га кўра, фуқаролар ўз шахсий мулки ҳисобланган уй-жой ёки квартирани ўзи билан бирга яшаётган вояга етган оила аъзоларининг розилиги билан бошқа шахсларни кўчириб киргизиши, шунингдек ўрнатилган тартиб бўйича юридик ёки жисмоний шахсларга ижарага бериши мумкин.

Тижорат ижараси уй-жой мулкдорига даромад келтиради. Шунинг учун, қонун чиқарувчи уй-жойни ижарага берувчи ҳақ эвазига беришини кўрсатади. Уйнинг қайси қисми ижарага берилаётгани (уй ёки унинг бир қисми, квартира ёки унинг бир қисми)ни, шунингдек шуни ҳам назарда тутиш керакки кўшимча хоналар (ошхона, йўлак, омборхона) шартнома предмети бўлмайди. Тарафлар шартномага кўра ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шартнома муддатини, ижара ҳақини, шунингдек буларга коммунал тўловлар киришини аниқлайдилар. Агар ким тўлаши назарда тутилмаган бўлса, тўловлар давомийлиги аниқланади, шунингдек бошқа шартлар ҳам, агар қонунда бошқа ҳол назарда тутилмаган бўлса. Бу масалалар Фуқаролик Кодексининг 610–612-моддалари билан ҳал қилинади.

2. Турар жой арендаси шартномаси юридик шахслар билан тузилмайди.

Мазкур модданинг иккинчи қисми турар жой юридик шахсларга ижара шартномаси ёки бошқа шартнома асосида эгаллик қилиш ва (ёки) фойдаланиш учун топширилиши мумкин (масалан, текин фойдаланиш шартномаси)лиги тўғрисидаги қонундан ўз ичига олади. Юридик шахс уй-жойдан фақат фуқароларнинг яшаши учун фойдаланиши мумкин. Бу масала тўлиқроқ Уй-жой Кодексининг 86-моддасида ёритилган.

Шундай қилиб, турар жой арендаси шартномаси — фақат юридик шахсларнинг уй-жойга эгаллик қилиш ва (ёки) фойдаланиши учун асос бўлиб хизмат қилади.

Бу масала тўлиқроқ Уй-жой Кодексининг 86-моддасида ёритилган.

Уй-жой Кодексининг 86-моддасига кўра, турар жой арендаси шартномаси ёзма шаклда тузилиши ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда (қаранг Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 84-моддаси: «Кўчмас мулкни давлат рўйхатидан ўтказиш», Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 2 июндаги 278-сонли қарори билан тасдиқланган «Бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 16–22-бандлари; Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 7 январда 387-сон билан рўйхатга олинган, Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, архитектура ва қурилиш давлат қўмитаси, макроэкономика ва статистика вазирлиги Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган «Бино ва иншоотларни

давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Йўриқнома) ҳисобга олинаши (рўйхатдан ўтказилиши) лозим.

Туман, шаҳар бино ва иншоотлари туман бино ва иншоотларининг кадастр китобида, бино ва иншоотларнинг қисмлари эса туман реестр китобида давлат рўйхатига олинади.

Давлат рўйхатидан ўтказишда кадастр ёки реестр китобида, бино ёки иншоотга нисбатан мулк ҳуқуқи (вужудга келиш, ўтказиш, чеклов ва тугатиш) шунингдек, объектни характерловчи бошқа белгилар қайд этилади.

Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 7 январда 387-сон билан рўйхатга олинган «Бино ва иншоотларни (ижара, гаров, сервитут ёки эгалик ҳуқуқининг чекланиши) давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Йўриқноманинг 55-моддасига кўра, бино ва иншоотларни бундан кейин рўйхатга олиш ҳуқуқий режими (ижара, гаров, сервитут ёки мулк ёки бошқа ҳуқуқларнинг чегараланишлари) ҳужжатларни тақдим этилиши билан баробар олиб борилади (шартномаларни, суд ва хўжалик судининг қарорларини ва бошқалар). Кўчмас мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақда тузиладиган битимларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган амалга оширилган рўйхатдан ўтказиш ҳамда рўйхатдан ўтказилган ҳуқуқлар ҳақидаги ахборотни ҳар қандай шахсга бериши шарт (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 84-модданинг 3-қисми).

Уй-жой Кодексининг 86-моддасига кўра, турар жой арендаси шартномаси қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

турар-жойни арендага бериш тартиби ва унинг қиймати;

турар жой арендасининг муддатлари;

турар жойни арендага бериш шартлари ва аренда ҳақи миқдори, уни тўлаш муддатлари;

арендага берувчи арендага бераётган турар жойнинг, муҳандислик қурилмаларининг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар;

шартнома муддати ўтиши билан турар жойни арендага берувчига қайтариш тартиби;

арендага берилган турар жойга қараш, хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш бўйича тарафларнинг мажбуриятлари;

арендага берилган турар жойни ижарага бериш ёки иккиламчи арендага бериш имкониятлари, шартлари ва тартиби;

тарафларнинг жавобгарлиги.

Турар жой арендаси шартномасига тарафларнинг келишуви бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкин.

601-модда. Аниқ мақсадга қаратилган коммунал уй-жой

фондидаги уй-жойни ижарага бериш шартномаси

Аниқ мақсадга қаратилган коммунал уй-жой фондидаги уй-жойлар фуқароларга уй-жойни ижарага бериш шартномасига биноан берилади. Уй-жойни ижарага беришнинг бундай шартномаси бўйича ижарага олувчи билан бирга яшайдиган унинг оила аъзолари уй-жойни ижарага бериш шартномаси бўйича барча ҳуқуқлардан ижарага олувчи билан тенг фойдаланадилар ва барча мажбуриятларни бажарадилар.

Ижарага олувчи ва унинг оила аъзоларининг талабига биноан шартнома оила аъзоларининг биттаси билан тузилиши мумкин. Ижарага олувчи вафот этган ёки уй-жойдан чиқиб кетган тақдирда, шартнома уй-жойда яшаб турган оила аъзоларининг бири билан тузилади.

Аниқ мақсадга қаратилган коммунал уй-жой фондидаги уй-жойни ижарага бериш шартномаси уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар, шартлар ва тартибда тузилади. Бундай шартномага нисбатан ушбу Кодекс 603, 604, 607, 609, 610-моддаларининг, шунингдек 613-модда биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларининг қоидалари қўлланади. Ушбу Кодекснинг бошқа қоидалари, агар уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, аниқ мақсадга қаратилган коммунал уй-жой фондидаги уй-жойни ижарага бериш шартномасига нисбатан қўлланади.

1. Шарҳланаётган модда аниқ мақсадга қаратилган коммунал уй-жой фондидаги уй-жойни ижарага бериш шартномасига бағишланган. Қонунчилик уй-жойни фуқароларга аниқ мақсадга қаратилган коммунал уй-жой фондидаги уй-жойни ижарага бериш шартномасида алоҳида тартиб ва шартлар ўрнатган, яшаш шароитини яхшилашга муҳтож бўлганларга имтиёзли асосдаги уй-жойлар билан таъминланади.

Аниқ мақсадга қаратилган коммунал уй-жой фондидаги уй-жойни ижарага бериш шартномаси тўлиқроқ Ўзбекистон Республикасининг

Уй-жой Кодекси, шунингдек Фуқаролик Кодексининг қоидаларини аниқлаштирилувчи бошқа нормалар билан тартибга солинади. Уй-жой Кодексининг 40-моддасига кўра, аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондидан турар жой олиш ҳуқуқига уй-жой шароитларини яхшилашга мухтож ва турар жой олиш учун ҳисобда турган ижтимоий жиҳатдан ҳимояланмаган, кам таъминланган фуқаролар эгадирлар.

Хусусийлаштириш ҳуқуқисиз ижарага бериладиган мақсадли коммунал уй-жой фонди, давлат ҳокимияти идоралари томонидан жойлардаги ишга лаёқатсизлар, ёлғизлар, қариялар, нафақахўрлар ва уларнинг оила аъзолари, янги тузилган кам таъминланган ёш оилалар, бошқа кам таъминланган фуқаролар учун, жон бошига ўртача ойлик даромади энг кам иш ҳақидан паст бўлган тақдирда ташкил этилади, уларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан (Вазирлар Маҳкамасисининг 1994 йил 28 июндаги 325-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси коммунал уй-жой фонди тўғрисида»ги Низом) аниқланади, улар қуйидагилар:

- Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва байналмилалчи жангчилар.
- Офицерлар ва муддатдан ташқари хизматдан заҳирага бўшатишган ёки истеъфога чиққан ҳарбий хизматчилар.
- Касалликнинг оғир шаклларида чалинган фуқаролар, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлаган рўйхат бўйича.
- 16 ёшгача ва ундан зиёд болалари бўлган кўп болали оилалар.
- Васийликка олинмаган 16 ёшга етган ғирт етим болалар.
- Ғирт етим болаларни васийликка олган оилалар.
- Уч ва ундан зиёд меҳнатга лаёқатсиз оила аъзолари бўлган, боқувчисини йўқотган оилалар.
- Ишламайдиган I ва II гуруҳ, ногиронлар.
- Кексайиб қолган ёлғиз пенсионерлар.
- Болалиқдан ногирон бўлиб қолган 16 ёшгача ёки болалиқдан I ва II гуруҳ ногирон бўлиб қолган болалари бўлган оилалар.
- Биринчи марта қурилган ёш оилалар, агар улар яшаб турган жойда икки томонлама турар жой шароитларини яхшилашга мухтож деб топилсалар.

Уй-жойга мухтож етим болалар, ота-она қарамоғида бўлмаган болаларга коммунал уй-жой фондидаги уй-жой билан қонун ҳужжатларига биноан

таъминланади (Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 02.08.2010 йилги 164-сонли қарори билан тасдиқланган «Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни турар жойлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Низомга 1-Илова).

Аниқ мақсадга қаратилган коммунал уй-жой фондидаги уй-жой фуқароларга ижтимоий нормаларда ўрнатилган меъёردа ер майдони берилади.

Уй-жой майдонининг ижтимоий нормаси ҳақида Уй-жой Кодексининг 42-моддасида айtilган. Уй-жой майдонининг ижтимоий нормаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан бир киши ҳисобига ўн олти квадрат метрдан кам бўлмаган умумий майдон ҳажмида, кресло-аравада ҳаракатланадиган ногиронлар учун эса — йигирма уч квадрат метрдан кам бўлмаган ҳажмда белгиланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 28 июндаги 325-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси коммунал уй-жой фонди тўғрисида»ги Низомнинг 4-қисмига кўра, коммунал уй-жой фондидаги уй-жойни ижарага олувчи Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодексида ўрнатилган нормалар бўйича бир кишига 9 квадрат метрдан кам бўлмаган миқдорда белгиланади.

Алоҳида тоифадаги фуқароларга меъёрдан хона шаклидаги ортиқча уй-жой майдони ёки 10 метр квадрат кўшимча яшаш майдони берилади.

Уй-жойга муҳтож, шунингдек уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқаролар ҳокимият томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 28 июндаги 325-сонли қарорининг 2-Иловасига кўра рўйхатга олинади.

Коммунал уй-жой фондидан уй-жой билан таъминланиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган рўйхатга кўра берилади.

Қуйидаги шахслар уй-жой майдони олиш учун навбат эгаллашлари мумкин:

- ёши, касаллиги ёки ногиронлик бўйича пенсияга чиққанлар;
- боқувчисини йўқотган оилалар учун;
- Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари сафига ҳарбий хизматни ўташ учун кетганда;

– чет элга ишга таклиф қилинганлар.

Туман (шаҳар) ҳокимияти томонидан қабул қилинган фуқароларнинг аризалари ҳисобга олиш ва тақсимлаш комиссияси томонидан олдинроқ кўриб чиқилади, қайсики аризачининг уй-жойи текширилиб, кузатув акти тузилгандан сўнг, рўйхатга олиш ёки олмаслик ҳақида ҳокимиятга таклиф беради, тегишли ҳокимият ўз навбатида қарор чиқаради.

Ҳокимиятнинг коммунал уй-жой фондидан уй-жой билан таъминлаш тўғрисидаги қарорига кўра, тегишли ҳокимият фуқарога уй-жойга кўчиб кириш учун ягона намунага эга бўлган ордер тақдим қилади.

Ордер фақатгина алоҳида бўш турган уй-жойга нисбатан берилиши мумкин.

Биринчилар қатори уй-жой билан авария ҳолатидаги уй-жойларда, ертўла, алоҳида жойларда, бир одамга 5 метр квадратдан кам яшаш майдонига эга квартираларда яшаётган фуқаролар таъминланади.

Мақсадли коммунал уй-жой фондидаги уй-жойлардан фойдаланиш бир қатор юридик фактларга асосланади, улардан бири маъмурий ҳужжат (тегишли туман (шаҳар) ҳокимиятлари томонидан рўйхатга олиш ва уй-жой билан таъминлаш тўғрисидаги қарор ва ҳ.к.) ҳисобланади, бошқа юридик фактлар фуқаролик ҳуқуқий характер касб этади (уй-жой ижараси шартномаси).

Уй-жой ва уй атрофидаги ерлардан фойдаланиш тартиби, унинг мулк шаклидан қатъий назар Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 28 июндаги 325-сонли қарори билан ўрнатилган Қоидаларга кўра амалга оширилади.

Муниципал уй-жой, корхонага тегишли уй-жой ва мақсадли коммунал уй-жой фондининг мулкдорлари, арендаторлари ва ижарачилари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган намунавий шартнома (контракт) асосида эксплуатация-таъмирлаш корхоналари билан шартнома (контракт) тузишади.

Коммунал уй-жой фондига хизмат кўрсатиш тегишли ҳокимиятга қарашли коммунал уй-жой фондига хизмат кўрсатувчи корхона томонидан амалга оширилади.

Коммунал уй-жой фондига хизмат кўрсатувчи корхона унинг бутлиги ва тегишли тарзда фойдаланилаётганлигини таъминлайди, шунингдек фуқаролар томонидан уй-жой ҳамда ҳовли майдончасини тартибга биноан фойдаланилишини назорат қилади, мулкдор томонидан ўрнатилган тартиб

бўйича ордер олган ижарачи билан уй-жой ижараси шартномаси тузади ва унинг бажарилишини назорат қилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 28 июндаги 325-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси коммунал уй-жой фонди тўғрисида»ги Низомнинг 4 бўлим 14 бандига кўра, коммунал уй-жой фондига қарашли уй-жой мулкдор сифатида уй-жой фондига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш корхонаси ва шу уй-жойга эгалик қилиш ордери берилган фуқаро билан уй-жой ижараси шартномасига кўра расмийлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодексининг 35-моддасига кўра, давлат уй-жой фондининг (бундан буён матнда муниципал, идоровий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фонди деб юритилади) уйларидаги турар жойни ижарага бериш шартномасига биноан бир тараф — турар жойнинг мулкдори ёки у ваколат берган шахс (ижарага берувчи) бошқа тараф (ижарага олувчи)га турар жойда яшаш учун уни ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланишга топшириш мажбуриятини олади. Ижара шартномасида тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда фуқаролик қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шартлар белгилаб қўйилади. Ижара шартномасида ижарага олувчи билан доимий яшаётган фуқаролар кўрсатилган бўлиши керак. Шартномада ана шундай кўрсатмалар бўлмаган тақдирда, бундай шахсларни кўчириб киритиш фуқаролик қонун ҳужжатларида ва ушбу Кодекснинг 51-моддасида назарда тутилган қондаларга мувофиқ амалга оширилади.

2. Шарҳланаётган модданинг 2-қисмига кўра, ижарага олувчи ва унинг оила аъзолари талабига биноан шартнома оила аъзоларининг биттаси билан тузилиши мумкин. Ижарага олувчи вафот этган ёки уй-жойдан чиқиб кетган тақдирда, шартнома уй-жойда яшаб турган оила аъзоларининг бири билан тузилади.

Бу қоида Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодексининг 66-моддасида бошқачароқ кўринишда берилган, унда турар жой ижараси шартномаси турар жойда яшайдиган вояга етган бирор оила аъзоси билан ҳам тузилиши мумкин. Бундан ташқари нафақат ижарага олувчининг, балки у билан доимий яшаётган фуқароларнинг талаблари ҳам инобатга олинади.

3. Шарҳланаётган модданинг 3-қисми ҳаволаки характерга эга бўлиб, унга кўра аниқ мақсадга қаратилган коммунал уй-жой фондидаги уй-жойни ижарага бериш шартномаси уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар, шартлар ва тартибда тузилади.

Шарҳланаётган моддада қонунчилик томонидан аниқ мақсадга қаратилган коммунал уй-жой фондидаги уй-жойни ижарага бериш шартномасига нисбатан қўлланиладиган моддалар аниқланган ва санаб ўтилган.

Уй-жойни ижарага бериш шартномаси ёзма шаклда жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари, ташкилот ёки ваколатли органлар билан қонун нормаларига кўра турар жойга эга бўлган фуқаролар ўртасида тузилади. Уй-жойни ижарага бериш шартномасининг ёзма шаклда тузилмаслиги шартномани ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлади (Қаранг: Фуқаролик Кодексининг 114, 603-моддалари; Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 28 июндаги 325-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси коммунал уй-жой фонди тўғрисида»ги Низомнинг 3, 4 бўлимлари).

Турар жой ижараси шартномаси бўйича эгалланаётган турар жойга нисбатан мулк ҳуқуқининг бошқага ўтиши шартноманинг ўзгартирилиши ёки бекор бўлишига олиб келмайди. Бунда янги мулкдор олдин тузилган турар жой ижараси шартномаси шартларига кўра ижарачи бўлиб қолади.

Муниципал, идоровий уй-жой фондидаги ва мақсадли коммунал уй-жой фондидаги турар жойларда ижараси шартномасининг намунавий қоидалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган низом асосида амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамаси 1994 йил 28 июндаги 325-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси коммунал уй-жой фонди тўғрисида»ги Низомнинг 4-бўлим (12–24-бандлари)да турар жой ижараси шартномаси қоидалари ўрнатилган.

Муниципал, идоровий уй-жой фондидаги ва мақсадли коммунал уй-жой фондидаги турар жойлар ижараси шартномасининг объекти бўлиб яшаш учун шароитга эга бўлган бўш уй-жойлар (уй-жой, квартира) ҳисобланади.

Алоҳида объектлар — хонанинг бир қисми ёки умумий кириш жойи бўлган хона (кўшилган хоналар), шунингдек кўшимча хона (ошхона, йўлак, омборхона ва х.к.)лар турар жой ижараси шартномасининг объекти бўла олмайди.

Кўп квартирали уйдан турар жой олган ижарачи турар жойдан фойдаланиш билан бир қаторда ўрнатилган тартиб бўйича уйдаги умумий фойдаланиш жойлари (уйнинг умумий ҳажми, ташувчи ва ажратувчи конструкциялар, квартиралар орасидаги зинапоя майдонлари, зиналар,

лифт, лифтинг ёки бошқа нарсаларнинг шахталари, коридор, техник қаватлар, ертўла, чердак ва томлар, уй ичидаги муҳандислик ва коммуникация тармоқлари, уй ичидаги ёки ташқарисидаги бир ва ундан ортиқ турар жойга хизмат кўрсатувчи механик, электр, санитар-техник ва бошқа асбоб ускуналар, шунингдек, кўп квартиралли уйда кўчмас мулкка хизмат кўрсатишга мўлжалланган бошқа объектлар).

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодексининг 36-моддасида уй-жой ижараси шартномаси муддати аниқланган унга кўра, муниципал, идоравий уй-жой фонди ва мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жойни ижарага бериш шартномаси беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга тузилади. Агар шартномада муддат кўрсатилмаган бўлса, у беш йилга тузилган деб ҳисобланади.

Бир йилгача муддатга тузилган турар жойни ижарага бериш (қисқа муддатли ижара) шартномасига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси қоидалари қўлланилади.

Янги муддатга шартнома тузишда ижарага олувчи имтиёзли ҳуқуққа эга бўлади.

Ижарага берувчи томонидан эътироз бўлмаган тақдирда, ижарага олувчи шартнома муддати тугаганидан кейин ҳам турар жойдан фойдаланишни давом эттирса, шартнома аввалги шартларда қайта тузилган деб ҳисобланади.

Давлат уй-жой фондидан ижарага берувчи, агар турар жойни ижарага бермасликка қарор қилган бўлса, бу ҳақда ижарага олувчини камида бир йил олдин хабардор этиб, янги муддатга шартнома тузишдан воз кечиши мумкин, мақсадли коммунал уй-жой фонди бундан мустасно.

Агар турар жойни ижарага олиш шартномаси муайян муддатга тузилган бўлса, ижарага олувчи шартнома муддати тамом бўлгандан кейин коммунал уй-жой фондида яшаш ҳуқуқини берадиган ҳужжатларни тақдим этганда шартномани янгилаш ҳуқуқига эга бўлади. Ижарага берувчи томонидан бу ҳуқуққа ижарага олувчи шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда суд орқали эътироз билдирилиши мумкин (Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 28 июндаги 325-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси коммунал уй-жой фонди тўғрисида»ги Низомнинг 17-банди).

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодексининг 50-моддасида ижарачининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқланган, унга кўра муниципал,

идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жойни ижарага олувчи оила аъзолари ва ўзи билан доимий яшаётган фуқароларнинг турар жойни ижарага бериш шартномаси шартларини бузганликлари учун ижарага берувчи олдида жавобгар бўлади.

Уй-жой Кодексининг 32-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида кўрсатилган шахслар турар жойни ижарага олувчининг оила аъзолари деб тан олинади.

Турар жойни ижарага бериш шартномасига бошқа фуқароларни киритиш муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жойни ижарага беришнинг намунавий шартномаси тўғрисидаги низомларга мувофиқ амалга оширилади. Агар бошқа фуқароларнинг ижара шартномасига киритилиши бу ерда яшаётганларнинг уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож деб тан олинашига олиб келса, шунингдек мулк ҳуқуқи асосида турар жойи бўлган шахслар уй-жой майдонининг ижтимоий нормасидан кам бўлмаган майдонга эга бўлса, бундай фуқароларни ижарага бериш шартномасига киритиш мумкин эмас. Оила таркибининг ўзгариши ижара шартномаси тегишли қисмининг ўзгаришига олиб келади.

Ижарага олувчининг оила аъзолари ва у билан доимий яшаётган фуқаролар турар жойдан фойдаланишда ижарага олувчи билан тенг ҳуқуқларга эгадирлар.

Ижарага олувчининг вояга етган оила аъзолари ҳамда у билан доимий яшаётган фуқаролар ижарага берувчини хабардор қилган ҳолда турар жойда доимий яшаётган барча фуқаролар ижарага берувчи олдида ижарага олувчи билан солидар жавобгар эканликлари тўғрисида ижарага олувчи билан шартнома тузишлари мумкин. Бундай ҳолларда ижарага олувчининг оила аъзолари ва у билан доимий яшаётган фуқаролар шерик ижарага олувчи деб ҳисобланадилар (Уй-жой Кодексининг 50-моддаси).

Олий Суд Пленумининг 2001 йил 14 сентябрдаги «Уй-жой низолари бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 22-сон қарорининг 16-бандига кўра, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодексининг 50-моддаси талабига кўра ижарага олувчининг оила аъзолари ва у билан доимий яшаётган фуқаролар турар-жойдан фойдаланишда ижарага олувчи билан тенг ҳуқуқга эгадир ва бу шахслар ижарага бериш шартномаси мажбуриятлари юзасидан ижарага берувчи олдида жавобгардирлар.

Бошқа шахсларни оила аъзоси деб топиш масаласини ҳал этишда (хотини, эри, болалари, ота-оналаридан ташқари) суд уларнинг ижарачи ва унинг оила аъзолари билан муносабатларини, умумий хўжалик юритганликларини, бир-бирига ўзаро ёрдам кўрсатиб келганликлари ва оилавий муносабатлари мавжудлигини гувоҳлантирувчи ҳолатларни аниқлаши лозим.

Ижарачининг у билан бирга яшаётган собиқ оила аъзолари ҳам ижарачи каби ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

Ижарага олувчи, ижарага олувчининг оила аъзолари ва у билан доимий яшаётган фуқаролар:

кўп квартиралари уйнинг турар жойларидан, умумий фойдаланишдаги мол-мулкидан белгиланган мақсадда, бошқа фуқаролар ва юридик шахсларнинг уй-жой ҳуқуқи, ўзга ҳуқуқларини камситмаган ҳолда фойдаланиши;

турар жойларнинг асралишини таъминлаши, шунингдек уларни тегишли техник ҳамда санитария ҳолатида сақлаб туриши;

авария юз берган тақдирда, ўзлари эгаллаб турган турар жойга тегишли авария-таъмирлаш хизматлари вакиллари киришларини таъминлаши;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган техник, санитария, экологик ва ёнғинга қарши талабларни бажариши;

ижара шартномаси бўйича турар жойлар ҳақини ва коммунал хизматлар ҳақини ўз вақтида тўлаши шарт.

Вазирлар Маҳкамаси 1994 йил 28 июндаги 325-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси коммунал уй-жой фонди тўғрисида»ги Низомнинг 25, 26-бандларига кўра, коммунал уй-жой фондидаги турар жойдан фойдаланганлик, унга хизмат кўрсатганлик ва уни тузатганлик учун ҳақ тўлаш ижарага олувчи томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган ставкалар бўйича амалга оширилади. Ижарага олувчи турар жойни сақлаганлик, уни тузатганлик ва ундан фойдаланганлик учун ҳақни коммунал уй-жой фонди уйларидаги турар жойни ижарага олиш шартномасида назарда тутилган муддатларда ўз вақтида тўлашга мажбурдир.

Шарҳланаётган мақсадли коммунал уй-жой фондидаги уй-жойни ижарага бериш шартномасидан асоси тижорат бўлган турар жой ижараси шартномасини (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг

602–616-моддалари) фарқлаш лозим. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 28 июндаги 325-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси коммунал уй-жой фонди тўғрисида»ги Низомнинг 1-Иловасига кўра, агар уй-жой ижараси шартномаси давлат уй-жой фондидаги уй-жой билан тузилган бўлса, мажбурий шарт сифатида уй-жойга, шунингдек яшаш шароитини яхшилашга мухтож фуқарони тегишли ҳокимиятга рўйхатга қўйиш асосида берилади. Уй-жой ижараси шартномасининг умумий асоалари (тижорат ижараси)да бу талаблар мажбурий эмас.

Шунингдек бу шартномаларни фарқловчи яна бир хусусият турар жой майдони ва тўланадиган ҳақ миқдори ҳамдир. Аниқ мақсадга қаратилган коммунал уй-жой фондидаги уй-жойни ижарага бериш шартномасига кўра турар жой майдони ва тўланадиган ҳақ миқдори ўрнатилган меъёрлар бўйича берилади, уй-жой ижараси шартномасида эса бундай меъёрлар мавжуд бўлмай, балким улар тарафларнинг ўзаро келишувига кўра белгиланади. Шу билан бир қаторда аниқ мақсадга қаратилган коммунал уй-жой фондидаги уй-жойни ижарага бериш шартномаси ва уй-жой ижараси шартномасининг ўхшаш характерли хусусиятлари мавжуд. Булар, аниқ мақсадга қаратилган коммунал уй-жой фондидаги уй-жойни ижарага бериш шартномаси ва уй-жой ижараси шартномалари ёзма шаклда тузилиши керак (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 603-моддаси). Ижарачи яшаб турган уй-жойнинг мулкдори ўзгариши сабабли янги мулкдор учун ижара шартномаси қайта тузилмайди (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 604-моддаси). Ижарачига уй-жойдан фойдаланишда бир қатор умумий мажбуриятлар юкланган: турар жой бутлигини сақлаш, кундалик таъмир, ҳақни ўз вақтида тўлаш ва ҳ.к. (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 607, 610-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодексининг 62-моддаси). Ижарачи уй-жойни вақтинча яшовчиларга беришга (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 609-моддаси), шунингдек уй-жойни иккиламчи ижарага (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 613-моддаси) беришга ҳақли. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг бошқа қоидалари агар қонун нормаларида бошқача тартиб кўзда тутилмаган бўлса аниқ мақсадга қаратилган коммунал уй-жой фондидаги уй-жойни ижарага бериш шартномасига нисбатан қўлланилади.

602-модда. Уй-жойни ижарага бериш шартномасининг объекти

Доимий яшаш учун яроқли бўлган алоҳида уй-жой (квартира, уй, квартиранинг ёки уйнинг бир қисми) уй-жойни ижарага бериш шартномасининг объекти бўлиши мумкин.

Уй-жойнинг яшаш учун яроқлилиги уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланади.

Кўп квартиралли уйдаги уй-жойни ижарага олган шахс ундан фойдаланиш билан бир қаторда ушбу Кодекснинг 211-моддасида кўрсатилган мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади.

1. Турар жой — кўчмас мулкнинг муҳим турларидан биридир. Турар жой муаммоларини ҳал қилишда инсоннинг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондирадиган объектга — моддий неъматга мулк ҳуқуқи кимга тегишли эканлигини юридик аниқлаш муҳим масалалардан саналади. Бундай неъматлар қаторига турар жойлар ҳам киради, лекин Фуқаролик Кодексининг 83-моддасида у кўчмас мулкнинг тури сифатида қайд этилмаган.

Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой Кодексиди «турар жой» тушунчаси қўлланилган. Бу атама Уй-жой Кодексининг 11-моддаси — турар жойга бўлган мулк ҳуқуқиди ўз ифодасини топган. Турар жойга бўлган мулк ҳуқуқи муддатсиз бўлиб, фуқаролар ва юридик шахсларнинг, давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаган ҳолда шахснинг ўзига тегишли турар жойга ўз хоҳиши ва манфаатларига кўра эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқи бузилишини бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир. Турар жойларнинг кўринишини ўзгартиришга, уларни қайта қуриш ёки бузишга маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тегишли руҳсатномаси бўлган тақдирда йўл қўйилади.

Шуни ҳам қайд этиш керакки, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳам «турар жой» тушунчаси — турар жой дахлсизлиги (27-м.) сифатида қўлланилган. Конституцияда қўлланилган «турар жой» тушунчаси бошқа турар жой тушунчаларига қараганда кенгроқ бўлиб, ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этади.

Турар жой сифатида, масалан фақат ижара шартномасининг объекти бўлувчи биногина ҳисобланмайди.

Шундай қилиб, турар жой — қандайдир юридик аломатларга эга бўлмаган ижтимоий-иқтисодий категория бўлмай, инсоннинг яшаш учун муҳим эҳтиёжини қаноатлантиришга қаратилган объектдир. Турар жойни турар жой биноларини алоҳида турларини бирлаштирувчи, умумлаштирувчи тушунча сифатида ҳам қараш мумкин, бунда турар жой биноси — муайян уй-жой ва фуқаролик ҳуқуқи объекти бўлса, улар қонунда ўз нормаларига эга.

2. Турар жой бинолари улар қурилган ер билан узвий бирга бўлиб, бинолар ва иморатлар орқали боғлиқдир. Улар ўрнатилган санитария, ёнғин хавфсизлиги, шаҳарсозлик ва техник талабларга жавоб бериши шарт. Турар жой ҳар доим фуқаронинг яшаш жойи билан боғлиқ бўлиб, фуқаро бу жойда доимий ёки вақтинча яшаши мумкин. Демак, айти пайтда кишилар яшаши учун мўлжалланган бўлади.

Уй-жой Кодексида (9-модда, 1-қисм) турар жойга қуйидагича таъриф берилган: фуқароларнинг доимий яшашига мўлжалланган, белгиланган санитария, ёнғинга қарши, техник талабларга жавоб берадиган, шунингдек белгиланган тартибда махсус уйлар (ётоқхоналар, вақтинчалик уй-жой фонди уйлари, ногиронлар, фахрийлар, ёлғиз қариялар учун интернат-уйлар, шунингдек болалар уйлари ва бошқа махсус мақсадли уйлар) сифатида фойдаланишга мўлжалланган жойлар турар жой деб ҳисобланади.

Турар жой кўчмас мулк ҳисобланади.

Шарҳланаётган модданинг 3-қисми Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 211-моддасига ҳавола қилади (унинг шарҳига қаранг). Бу моддада кўп квартирали уйлардаги квартира мулкдорига квартиранинг ўзи, қўшимча конструкциялари, механик, электрик, санитар-техник ва квартира ичи ёки ташқарисидаги бирдан ортик квартираларга хизмат кўрсатувчи мосламалар тегишли бўлиши таъкидланган.

Қвартира мулкдори ўзининг умум фойдаланиш майдонлари ва қурилмаларига нисбатан ҳуқуқларини бошқа шахсларга ўтказиб беришга, шунингдек бу улушни квартира мулки сифатида бериш ва бошқа бегоналаштириш ҳаракатларини содир этишга ҳақли эмас.

Уй-жой Кодексининг 10-моддасига кўра турар жойларга қуйидагилар қиради: уйлар, кўп квартирали уйлардаги квартиралар, бошқа иморатлардаги яшаш учун мўлжалланган хоналар ва ўзга турар жойлар.

Кўп квартиралли уйлардаги турар жойларни саноат эҳтиёжлари учун ишлатиш, ижара ёки арендага бериш ман этилади. Кўп квартиралли уйдаги турар жойга бошқа корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни ушбу жой яшаш учун мўлжалланмаган жойлар туркумига белгиланган тартибда ўтказилганидан кейингина жойлаштириш мумкин (Уй-жой Кодексининг 9-м.).

Фуқароларга турар жой ижараси шартномасига кўра берилган уй-жой санитар, енгин хавфсизлиги, шахарсозлик ва техник талабларга ҳамда яшаш учун яроқли бўлиши керак.

3. Шарҳланаётган модданинг 2-қисмига кўра, турар жойнинг яроқлилиги уй-жой конунчилиги билан ўрнатилган нормалар асосида (қаранг, ВМ 2000 й. 20 январда 18-сон қарори билан тасдиқланган «Уйлар ва турар жойларни турар жой фондига киритиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 3-Иловаси); (Адлия вазирилиги томонидан 1999 йил 1 февралда 616 сон билан рўйхатга олинган, КХКВ томонидан тасдиқланган «Уй-жой фондининг техник эксплуатацияси қоидалари ва нормалари»нинг 3, 1 банд) белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодексининг 21-моддасига кўра, уй-жой фондидан фойдаланиш ва уни сақлаш устидан давлат назорати, шунингдек норматив-техник талабларга турар жойлардан фойдаланиш ва сақлаш талабларига жавоб беришни давлат ҳокимияти органлари ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари томонидан амалга оширилади.

Муниципал, идоравий уй-жой фондининг ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйлардаги доимий яшаш учун яроқли бўлган алохида турар жой (уй, квартира) турар жойни ижарага бериш шартномаси объекти бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодексининг 35-моддасига кўра, хонанинг бир қисми ёки битта умумий кириш жойи орқали бошқа хона билан боғланган хоналар туташ хоналар, шунингдек ёрдамчи хоналар (ошхона, йўлак, хужра ва шу кабилар) ижара шартномасининг мустақил объекти бўла олмайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 28 июндаги 325-сонли қарори билан тасдиқланган «Турар жойларни ва уй атрофидаги ерларни сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидалари» тўғрисидаги Низомнинг 15–16-бандига кўра, бир ёки бир неча хонадан иборат атрофи ўраб олинган турар жой, квартира ижара шартномаси асосида берилиши

мумкин (15-б.), шунингдек хона ёки хонанинг бир қисми бошқа хона билан умумий кириш жойи орқали боғланган хоналар ҳам ижара шартномасининг мустақил предмети бўлиб ҳисобланади (бирлашган хоналар (16-б.)).

Ижарачига берилган турар жойдаги шароит даражаси мазкур аҳоли пункти шароитидан, хусусан, сув қувурлари, канализация, марказий иси-тиш тизимига, газ билан уланганлик даражасидан келиб чиқиб аниқланади.

Фуқароларга ижарага бериладиган хусусий уй-жой фондидаги турар жойлар бу каби юқори талабларга жавоб бериши шарт эмас. У маълум шароитларга жавоб бера олмаслиги мумкин, лекин санитар ва техник талабларга мос бўлиши керак.

4. Кўп квартирالي уйларда турар жойлар фуқароларга давлат уй-жой фондидаги уйларни ижарага олиш ҳамда шундай уйлардаги хусусийлаштирилган уйлар мулкдорлари томонидан ижара асосида берилиши мумкин. Кўп квартирالي уйларда турар жойлардан фойдаланиш бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга.

Кўп квартирالي уйдан турар жой ижарага олган фуқаро уй билан бир қаторда ўрнатилган қоида бўйича шу уйнинг умумий жойлари (шу уйнинг умумий жойларини, таянч ва тўсиқ конструкциялар, квартиралар оралигидаги ихоталанган (ўралма) пиллапоялар, зинапоялар, лифтлар, лифтнинг шахталари ва бошқа шахталар, дахлизлар, техник қаватлар, ертўлалар, чердақлар ва томлар, уй ичидаги муҳандислик тармоқлари ва коммуникациялари, жойлар ташқарисида ёки ичида жойлашган ва биттадан ортиқ жойга хизмат кўрсатадиган механик, электр, санитария-техника ускуналари ва қурилмалари ҳамда бошқа ускуналар ва қурилмаларни ўз ичига олган умумий мол-мулк) дан фойдаланса бўлади (Қаранг, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 211-моддаси, Вазирлар маҳкамасининг 1994 йил 28 июндаги 325-сонли қарори билан тасдиқланган «Турар жойларни ва уй атрофидаги ерларни сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидалари»).

603-модда. Уй-жойни ижарага бериш шартномасининг шакли

Уй-жойни ижарага бериш шартномаси ёзма шаклда тузилади.

Фуқаролар ўртасидаги уй-жойни ижарага бериш шартномаси нотариал гувоҳлантирилиши керак.

Уй-жойни ижарага бериш шартномаси учун қонун ҳужжатларида мажбурий ёзма шакл ва нотариал гувоҳлантириш белгиланган. Шарҳланаётган модда ёзма шаклнинг айнан қайси бири қўлланилиши масаласида аниқлик киритмаса-да, ундан иккала тараф томонидан имзоланадиган ягона ҳужжат ҳақида сўз бораётганлиги англанади.

Мазкур моддага киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга асосан фуқаролар ўртасидаги уй-жойни ижарага бериш шартномаси нотариал гувоҳлантирилиши керак. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 159–1-моддасига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга асосан мазкур қоидага амал қилмаганлик, яъни уй-жой фуқаролар ўртасида ижарага берилганда нотариал гувоҳлантирилган шартноманинг мавжуд эмаслиги, 2012 йил 1 февралдан бошлаб энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга асос бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодексининг 25-моддаси кўра, турар жой ижараси ёки арендаси шартномаси ёзма шаклда тузилади ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисобга олинishi (рўйхатдан ўтказилиши) лозим. Мазкур модданинг 4-қисмига асосан турар жой ижараси ёки арендаси шартномасига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодексининг қоидалари қўлланилади. Турар жой ижараси ёки арендаси шартномасининг Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодекси билан тартибга солинмаган муносабатлари фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. (Қаранг: ФКнинг 84, 574, 603-моддалари; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 2 июндаги 278-сонли қарори билан тасдиқланган «Бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 16–22-бандлари; Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 7 январда 387-сон билан рўйхатга олинган, Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, архитектура ва қурилиш давлат қўмитаси, макроэкономика ва статистика вазирлиги Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган «Бино ва иншоотларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Йўриқнома).

Турар жойни ижарага бериш шартномаси маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ёки улар ваколат берган органлар билан турар жойни олаётган фуқаролар ўртасида

ёзма шаклда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилади. (Ўз. Р ФКнинг 108, Уй-жой Кодексининг 35-моддалари). Уй-жой Кодексининг 35-моддасига асосан турар жойни ижарага бериш шартномасининг ёзма шаклда бўлишига риоя этмаслик шартноманинг ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлади.

Ижарага берувчи (муниципал уй-жой ташкилоти ёки турар-жой мулкдори) ва ижарага олувчи ўртасида турар жойни ижарага бериш шартномасининг ёзма шаклда тузилиши тарафларнинг турар-жойдан фойдаланиш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлаштиради.

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 28 июндаги 325-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси коммунал уй-жой фонди тўғрисида»ги Низомнинг 14-бандига асосан коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жойдан фойдаланиш уй-жой эгасидан ваколат олган уй-жой фондига хизмат кўрсатиш ва уни тузатиш бўйича тегишли корхона билан турар жойни эгаллаш ҳуқуқини берувчи ордер берилган фуқаро ўртасида турар жойни ижарага олиш шартномасини тузиш орқали расмийлаштирилади.

Мазкур низомга кўра турар жойни ижарага бериш шартномаси маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ёки улар ваколат берган органлар билан турар жойни олаётган фуқаролар ўртасида ёзма шаклда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилади. Турар жойни ижарага бериш шартномасининг ёзма шаклда бўлишига риоя этмаслик шартноманинг ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлади.

Муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги мулкдорлари, арендаторлари ва ижарачилари таъмирлаш корхоналари билан намунавий шакли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган турар жойларга техник хизмат кўрсатиш шартномасини тузадилар.

Муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жойни ижарага беришнинг намунавий шартномаси тўғрисидаги низомлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодексининг 86-моддасига мувофиқ, турар жой арендаси шартномаси ёзма шаклда тузилиши ҳамда қонун

хужжатларида белгиланган тартибда ҳисобга олиниши (рўйхатдан ўтказилиши) лозим.

Биолар ва иншоотларни давлат рўйхатидан ўтказиш туман, шаҳар кадастр дафтарида, турар-жой биолари ва иншоотлари туман реестр дафтарида амалга оширилади.

Давлат рўйхатидан ўтказишда кадастр ёки реестр дафтарида биолар ва иншоотларга эгалик ҳуқуқини ёхуд бошқа ашёвий ҳуқуқлар (уларнинг пайдо бўлиши, бошқа шахсга ўтиши, чекланиши ва тўхтатилиши) ҳақидаги, шунингдек объектни тавсифловчи бошқа маълумотлар тўғрисидаги маълумотлар ёзиб қўйилади.

Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 7 январда 387-сон билан рўйхатга олинган «Био ва иншоотларни (ижара, гаров, сервитут ёки эгалик ҳуқуқининг чекланиши) давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Йўриқноманинг 55-моддасига кўра, био ва иншоотларни бундан кейин рўйхатга олиш ҳуқуқий режими (ижара, гаров, сервитут ёки мулк ёки бошқа ҳуқуқларнинг чегараланишлари) хужжатларни тақдим этилиши билан баробар олиб борилади (шартномаларни, суд ва хўжалик судининг қарорларини ва бошқалар). Кўчмас мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақда тузиладиган битимларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ҳуқуқ эгасининг илтимосига кўра амалга оширилган рўйхатдан ўтказишни рўйхатдан ўтказилган ҳуқуқ ёки битим тўғрисида хужжат бериш ёхуд рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган хужжатга устхат ёзиш йўли билан тасдиқлаши шарт (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 84-модданинг 3-қисми).

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодексининг 86-моддасига мувофиқ турар жой арендаси шартномаси қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

турар-жойни арендага бериш тартиби ва унинг қиймати;

турар жой арендасининг муддатлари;

турар жойни арендага бериш шартлари ва аренда ҳақи миқдори, уни тўлаш муддатлари;

арендага берувчи арендага бераётган турар жойнинг, муҳандислик қурилмаларининг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар;

шартнома муддати ўтиши билан турар жойни арендага берувчига қайтариш тартиби;

арендага берилган турар жойга қараш, хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш бўйича тарафларнинг мажбуриятлари;

арендага берилган турар жойни ижарага бериш ёки иккиламчи арендага бериш имкониятлари, шартлари ва тартиби;
тарафларнинг жавобгарлиги.

Турар жой арендаси шартномасига тарафларнинг келишуви бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкин.

Муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жойни ижарага беришнинг намунавий шартномаси тўғрисидаги низомлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодексининг 76-моддаси ҳам хизмат турар жойи ижара шартномасининг ёзма шаклда тузилишини назарда тутди. Хизмат турар жойи ижара шартномаси шу турар жой мулкдори ёки у вакил қилган орган билан иш, хизмат вақтида ундан фойдаланиш учун топширилаётган шахс ўртасида тузилади. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 27 январдаги 24-сон қарори билан «Хизмат турар жойини ижарага олиш намунавий шартномаси» тасдиқланган.

604-модда. Уй-жойга бўлган мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтганида уй-жойни ижарага бериш шартномасининг сақланиши

Ижара шартномаси бўйича эгаллаб турилган уй-жойга бўлган мулк ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши шартноманинг ўзгартирилиши ёки бекор қилинишига олиб бормайди. Бунда янги мулкдор илгари тузилган ижара шартномаси шартлари асосида ижарага берувчига айланади.

Ижара шартномаси бўйича эгаллаб турилган уй-жойга бўлган мулк ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши шартноманинг ўзгартирилиши ёки бекор қилинишига олиб бормайди. Бунда янги мулкдор илгари тузилган ижара шартномаси шартлари асосида ижарага берувчига айланади, яъни уй-жой ёки квартиранинг мулкдори алмашганда янги мулкдор учун илгари тузилган ижара шартномаси шартлари зарур ва муҳим аҳамиятга эга. Бу қоида давлат ва муниципал уй-жой фондидаги ва хусусий мулкдорларнинг уй-жойининг ижарага олувчилари учун бир хил тарзда амал қилади. Ушбу меъёр ижарага олувчининг мажбурият ҳуқуқлари, янги мулкдорнинг ашёвий ҳуқуқларидан устун қўйилганлигини англатади. Шундай қилиб, мазкур норма ижарага

олувчилар манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган. Кўрсатилган кафолатнинг ҳақиқийлиги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 488-моддасининг 1-қисми билан таъминланади.

Мазкур шартноманинг муҳим шартларидан бири, турар жой, квартиранинг олди-сотди шартномасини тузишда унинг харидор томонидан харид қилинганидан сўнг ҳам, қонун доирасида бу турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган ҳолда, турар жойи ёки квартиранинг қисмларида яшаб турган шахслар бўлса, шартномага ушбу шахсларнинг сотилаётган турар жойдан фойдаланишга бўлган ҳуқуқлари кўрсатилган рўйхат илова қилиниши кераклигида кўринади.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодексининг 92-моддасида мазкур қоида турар жой ижараси шартномасига нисбатан татбиқ этилган. Унга кўра арендага берилган турар жойга нисбатан мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқнинг ўзга шахсга ўтиши аренда шартномасининг ўзгариши ёки бекор қилиниши учун асос бўлмайди.

605-модда. Уй-жойни ижарага берувчининг мажбуриятлари

Ижарага берувчи ижарага олувчига доимий яшаш учун ярқли бўш уй-жойни бериши лозим.

Ижарага берувчи ижарага берилган турар жой жойлашган уйдан тегишли даражада фойдаланишни амалга ошириши, ижарага олувчига ҳақ эвазига зарур коммунал хизмат кўрсатиши ёки хизмат кўрсатилишини таъминлаши, кўп квартирали уйнинг умумий фойдаланиладиган мол-мулки ва турар жой биносида жойлашган коммунал хизмат кўрсатиш қурилмалари таъмирланишини таъминлаши лозим.

1. Шарҳланаётган моддада ижарага берувчининг турар жойни ижарага бериш шартномаси бўйича асосий мажбуриятлари санаб ўтилган. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида «Ижарага берувчи ижарага олувчига доимий яшашга лойиқ ҳолатда бўлган, эркин турар жойни тақдим этишга мажбур». Шундай қилиб, қонун чиқарувчи турар жойнинг тақдим қилиниш вақтида, унда нафақат бошқа фуқаролар, жумладан жой эгаси истиқомат қилиши, ҳаттоки унинг ҳуқуқий жиҳатдан эркин бўлиши, яъни гаровга қўйилмаган, таъқиқ ёки бошқа муаммога эга бўлмаслиги кераклигини кўзда тутган. Унда яшашга лойиқ ҳолат деб

қўйидаги назарда тутилади. Биринчидан, у ташқи муҳитдан ўралган бўлиши керак; иккинчидан, унинг санитар ва техник соғлиқ даражаси унда доимий яшаш имконини берадиган бўлиши керак.

2. Тарафлар шартнома тузишда турар жой учун тўлов миқдорини белгилашади, шунингдек, унга коммунал тўловлар кириш-кирмаслигини келишиб олишади. Агар шартномада бу ҳол назарда тутилмаса, бу тўловларни ким, қай тартибда бажариши кўрсатилади.

Ижарага берувчининг муниципал, идоровий уй-жой фонди ва мақсадли коммунал уй-жой фондининг турар жойларини вақтинчалик фойдаланишга бериш шартномаси бўйича асосий мажбуриятлари худди шу тартибда Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодексининг 49-моддасида кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодексининг 62-моддасига биноан ижарага берилган турар жойни капитал таъмирлаш, агар шу турар жойни ижарага бериш шартномасида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, ижарага берувчининг мажбуриятига киради.

Ижарага берилган турар жойни ижарага олувчининг розилигисиз қайта куришга, ўзгартиришга, агар бундай қайта куриш ва ўзгартириш уй-жойдан фойдаланиш шароитларини тубдан ўзгартирса, йўл қўйилмайди.

Ижарага берувчининг турар-жойни ижарага бериш жараёнидаги мажбуриятларига тўхталадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодексининг 87-моддасига асосан, арендага берувчи турар жойни арендага олувчига яшаш учун яроқли ҳолатда ҳамда ушбу Кодекснинг 9-моддасига биноан турар жойларга нисбатан қўйиладиган талабларга жавоб берадиган ҳолатда арендага бериши шарт.

Арендага берувчи арендага берилаётган турар жойнинг муҳандислик қурилмалари ва конструкцияларидаги шартнома тузилаётган пайтда аниқланган ёки аниқланмаган барча нуқсонлар, носозликлар учун жавобгар бўлади.

606-модда. Ижарага олувчи ва у билан бирга доимий яшайдиган фуқаролар

Уй-жойни ижарага олиш шартномасига биноан фақатгина фуқаро ижарага олувчи бўлиши мумкин.

Шартномада уй-жойда ижарага олувчи билан бирга доимий яшайдиган фуқаролар кўрсатилиши лозим. Шартномада бундай кўрсатмалар бўлмаса, мазкур фуқароларни уй-жойга қўйиш ушбу Кодекс 608-моддасининг қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

Ижарага олувчи билан бирга доимий яшайдиган фуқаролар уй-жойдан фойдаланиш бўйича у билан тенг ҳуқуқларга эгадирлар. Ижарага олувчи билан бундай фуқаролар ўртасидаги муносабатлар қонунда белгиланади.

Ижарага олувчи ўзи билан бирга доимий яшаб, уй-жойни ижарага бериш шартномасининг шартларини бузаётган фуқароларнинг хатти-ҳаракатлари учун ижарага берувчи олдида жавобгар бўлади.

Ижарага олувчи билан бирга доимий яшайдиган фуқаролар ижарага берувчини хабардор қилган ҳолда уй-жойда доимий яшайдиган фуқароларнинг ҳаммаси ижарага олувчи билан бирга ижарага берувчи олдида солидар жавобгар эканликлари тўғрисида ижарага олувчи билан шартнома тузишлари мумкин. Бундай ҳолда ушбу фуқаролар биргаликда ижарага олувчи бўладилар.

1. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми ижарага олувчи фақат фуқаро бўлиши мумкинлиги ҳақидаги императив қоида белгилайди. Бу тушунча ўз ичига фақатгина Ўзбекистон Республикаси фуқароларини эмас, балки хориж фуқаролари ҳамда фуқаролиги йўқ шахсларни ҳам қамраб олади. Турар жойлардан мақсадга мувофиқ фойдаланилиши лозим, яъни у ишлаб чиқариш корхоналари, офис ва бошқаларнинг жойлашуви учун эмас, балки фуқароларнинг истиқомат қилишлари учун хизмат қилиши керак. Шунинг учун, турар-жойни ижарага олиш шартномасининг субъекти фақат фуқаро бўлиши мумкин.

2. Шарҳланаётган модданинг 2 ва 3 қисмлари ижарага олувчи билан бир қаторда «ижарага олувчи билан бирга яшовчи фуқаролар» деб номланувчиларни алоҳида назарда тутди. Бу шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатининг ўзига хослиги шундаки, улар ижарага олувчи бўлмай туриб, ижарага олувчи билан тенг равишда турар-жойдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Мазкур ҳолатда аввало, ижарага олувчи билан биргаликда турар-жойга кўчиб келган шахслар кўзда тутилган.

Доимий яшовчи мақомини қонун доирасида ижарага олувчидан кечроқ кўчиб келганлар ҳам олиши мумкин. Лекин, бунинг учун икки шарт

бажарилиши лозим. Биринчидан — кўчиб кириш учун иккала тараф (ижарага берувчи ва олувчи)нинг розилини олиш. Иккинчи шарт, бундай кўчиб кириш турар-жойнинг бир кишига нисбатан белгиланган энг кам нормаси ҳақидаги қонунчилик талабларининг (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 608-моддасининг шарҳига қаранг) бузилишига олиб келмаслиги лозим. Фақатгина истисно тарзида иккала шартнинг ҳам вояга етмаган болаларга тааллуқли бўлмаслиги белгиланган. Сўнгги қоида вояга етмаган боланинг яшаш жойи ота-онасининг яшаш жойи билан бир бўлиши билан изоҳланган (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 21-модда, 2-қисмига қаранг).

3. Давлат уй-жой фонди тасарруфидаги турар-жой ижараси шартномасини тузишда ижарага олувчи доимий фойдаланувчилар сифатида ўз оила аъзоларини (турмуш ўртоғи, болалари, ота-онаси, қармоғидагилар) кўрсатади. Бундан фарқли равишда тижорат шаклдаги турар-жойнинг ижара шартномасида фойдаланувчилар сифатида ижарага олувчи билан яшовчи исталган фуқаро кўрсатилиши мумкин. Таъкидлаш жоизки, шартномага мунтазам яшовчилар сифатида киритилган фуқаролар турар-жойдан фойдаланишда ижарага олувчи билан тенг ҳуқуққа эга бўладилар.

4. Шарҳланаётган модданинг 4 ва 5-қисмларида ижарага олувчи ўзи билан доимий яшовчи фуқароларнинг ижара шартномаси шартларини бузиш билан боғлиқ ҳаракатлари учун жавобгарлиги ҳақида сўз боради. Шу билан бирга шартномада уларнинг солидар қарздор бўлишлари ҳам кўрсатилиши мумкин. Бундай ҳолатда, ушбу фуқаролар биргаликда ижарага олувчи ҳисобланади ва тегишинча ижарага олувчининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўлиқ бажарадилар.

Давлат уй-жой фонди тасарруфидаги турар-жой ижараси шартномасига кўра ижарага олувчи ижарага берувчи олдида турар-жой ижараси шартномасининг шартларини бузган оила аъзолари ва ўзи билан мунтазам яшовчи фуқароларнинг хатти-ҳаракатлари учун жавобгар бўлади.

5. Ижарага олувчининг вояга етган фарзандлари ва у билан доимий яшовчи фуқаролар ижарага берувчини хабардор қилган ҳолда, ижарага олувчи билан доимий яшовчи барча фуқаролар ижарага берувчи олдида ижарага олувчи билан тенг миқдорда жавобгарликка эга эканликлари ҳақида шартнома тузишлари мумкин.

Шу билан бирга турар-жой ижараси шартномасига кўра ижарага олувчи шартнома шартларини бузган ўзи билан доимий яшовчи фуқароларнинг хатти-ҳаракатлари учун жавобгар бўлади. Бу табиий, чунки турар жой мулкдори учун ижарага олувчи билан доимий яшовчилардан қайси бири шартнома шартларини бузишидан қатъий назар, ижарага олувчининг шартнома шартларига тўлиқ риоя этиши муҳим саналади.

Солидар жавобгарликда (Ўз. Р ФКнинг 252, 252-моддалари) ижарага берувчи ижара шартномасининг шартларини бузган (масалан, уй тўловини тўламаган) ижарага олувчининг вояга етган оила аъзоларини бутунлай ёки қисман жавобгарликка тортиш ҳуқуқига эга.

Ижарага олувчининг вояга етган оила аъзоларининг ижарага берувчи олдидаги солидар жавобгарлиги турар жойни ижарага олиш шартномасининг ўзида назарда тутилган.

607-модда. Уй-жойни ижарага олувчининг мажбуриятлари

Ижарага олувчи уй-жойдан фақат унинг вазифаси бўйича фойдаланиши, уй-жойнинг сақланишини таъминлаши ва уни яхши ҳолда тутиши шарт.

Ижарага олувчи ижарага берувчининг розилигисиз уй-жойни қайта қуришга ва тузилишини ўзгартиришга ҳақли эмас.

Ижарага олувчи уй-жой ҳақини ўз вақтида тўлаб туриши шарт. Агар шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ижарага олувчи коммунал хизматлар ҳақини мустақил тўлаши шарт.

1. Турар-жойни ижарага олиш шартномасига кўра ижарага олувчи қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади: турар-жойдан мақсадига мувофиқ фойдаланиш; турар-жойга, санитар-техник қурилмаларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, уларнинг бутунлигини таъминлаш; турар-жойнинг юзага келган носозликларини ўз ҳисобидан бартараф этиш, бузилган санитар-техник қурилма ёки бошқа қурилмани ижарага олувчи ёки у билан турар-жойда доимий яшовчи бошқа шахслар айбига кўра бузилган бўлса, таъмирлаш ёки ўзгартириш.

2. Турар-жой ва умумий фойдаланиш жойлари қурилмаларини янгилаш ва қайта лойиҳалаштириш, иситиш ва санитар-техник мосламаларнинг

ўрнини ўзгартириш фақатгина ижарага берувчининг ёзма розилиги асосида амалга оширилиши мумкин.

Чўмилиш ва ювиниш хоналарини яшаш жойига мослаштириш, ёнгинда чиқишга мўлжалланган йўлакларни беркитиш, шунингдек, терраса, лоджия, верандаларни яшаш жойига айлантириш қатъиян маън этилади.

3. Ижарага олувчи уй-жой тўловини, жумладан сув таъминоти, газ, электр ва иссиқлик энергияси ва бошқа коммунал тўловларни ўз вақтида тўлашга мажбур. (Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодексининг 50-моддасининг саккизинчи қисм, олтинчи хат боши, 134, 130-моддалари; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 28 июндаги 325-сонли қарори билан тасдиқланган «Турар жойларни ва уй атрофидаги ерларни сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидалари» тўғрисидаги Низомнинг 5 бўлими).

608-модда. Уй-жойни ижарага олиш шартномасига ижарага олувчининг янги оила аъзоларини киритиш

Уй-жойни ижарага олувчи, шунингдек унинг оила аъзолари бошқа фуқароларни оила аъзоси сифатида уй-жойни ижарага олиш шартномасига киритишни талаб қилишга ҳақли. Бундай фуқароларни уй-жойни ижарага олиш шартномасига киритиш тартиби ва шартлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

1. Шарҳланаётган моддага биноан турар-жойни ижарага олувчи оила аъзолари билан бир қаторда бошқа фуқароларнинг ҳам оила аъзоси сифатида ижара шартномасига киритишни талаб қилишга ҳақли. Бу каби фуқароларнинг ижара шартномасига киритиш тартиби ва шартлари қонунчилик билан белгиланади.

Бунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодексининг 51-моддасига кўра ижарага олувчи ижарага берувчи розилиги билан белгиланган тартибда ўз оила аъзоларини, барча вояга етган оила аъзоларининг ёзма розилиги билан эса, бошқа фуқароларни ҳам ижарага олинган муниципал, идоравий ва мақсадли коммунал уй-жой фондининг турар-жойига кўчириб келишга ҳаққи борлиги тўғрисида қоида ўрнатилган. Вояга етмаган оила аъзоларини киритиш учун бундай розилик талаб этилмайди. (Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил

28 июндаги 325-сонли қарори билан тасдиқланган «Турар жойларни ва уй атрофидаги ерларни сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидалари» тўғрисидаги Низомнинг 23-банди).

Турар жойга бошқа шахсларни кўчириб киритишга қонун ҳужжатларининг ҳар бир кишига мўлжалланган уй-жой майдонининг ижтимоий нормаси тўғрисидаги талабларига риоя этилган ҳолда йўл қўйилади, вояга етмаган болаларни ва меҳнатга қобилиятсиз ёлғиз ота-оналарни кўчириб киритиш ҳоллари бундан мустасно.

Ижарага олувчининг оила аъзолари деб, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодексининг 3-моддаси, 2 ва 3-қисмларида кўрсатилган шахслар тан олинади.

Турар жойни ижарага бериш шартномасига бошқа фуқароларни киритиш муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жойни ижарага беришнинг намунавий шартномаси тўғрисидаги низомларга мувофиқ амалга оширилади. Агар бошқа фуқароларнинг ижара шартномасига киритилиши бу ерда яшаётганларнинг уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож деб тан олиншига олиб келса, шунингдек мулк ҳуқуқи асосида турар жойи бўлган шахслар уй-жой майдонининг ижтимоий нормасидан кам бўлмаган майдонга эга бўлса, бундай фуқароларни ижарага бериш шартномасига киритиш мумкин эмас.

Оила таркибининг ўзгариши ижара шартномаси тегишли қисмининг ўзгаришига олиб келади.

Ижарага олувчининг оила аъзолари ва у билан доимий яшаётган фуқаролар турар жойдан фойдаланишда ижарага олувчи билан тенг ҳуқуқларга эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 28 июндаги 325-сонли қарори билан тасдиқланган «Турар жойларни ва уй атрофидаги ерларни сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидалари» тўғрисидаги 6-бандига асосан турар жойларни ижарага олувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлади: ўзи билан бирга турадиган вояга етган оила аъзоларининг розилиги билан ўзи эгаллаб турган турар жойга ўзининг рафиқасини, болалари ва ота-онасини белгиланган тартибда кўчириб киритиш. Ота-онаси олдида уларнинг вояга етмаган болаларини, болалар олдида эса уларнинг меҳнатга лаёқатсиз ёлғиз ота-онасини кўчириб киритиш учун

оила аъзоларининг розилиги талаб қилинмайди; Турар жойга бошқа фуқаролар бир кишига тўғри келадиган уй-жой майдонининг ижтимоий нормаси ҳақидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилинган тақдирда қўйилади, вояга етмаган болаларни ва меҳнатга лаёқатсиз ёлғиз ота-оналарни қўйиш бундан мустасно.

2. Фуқарога мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган турар-жойни ижарага бериш шартномасида бу масала биров бошқача ҳал этилади (Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодексининг 33-моддаси).

Фуқарога мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган уйдан, квартирадан турар жойни ижарага, арендага олувчи ўзи ижарага, арендага олган хонага уй, квартира мулкдорининг розилигидан қатъи назар, вояга етмаган фарзандларини, агар у алоҳида хонани эгаллаётган бўлса ва ижарага ёки арендага бериш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шунингдек эри(хотини) ва меҳнатга қобилиятсиз вояга етган фарзандлари ҳамда ота-онасини кўчириб киритиш ҳуқуқига эга. Фуқарога мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган уй, квартирадаги турар жойни ижарага, арендага олувчи билан бирга яшаётган оила аъзолари ижарага ёки арендага бериш шартномасидан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларга ижарага, арендага олувчининг ўзи билан тенг равишда эга бўладилар.

Бошқа фуқароларни фақат уй мулкдорининг розилиги билан кўчириб киритиш мумкин ва ижарага, арендага олувчи томонидан ўз оила аъзоси сифатида кўчириб киритилган ушбу фуқаролар, агар кўчириб киритишда улар ўртасида бошқача келишув бўлмаган бўлса, ижарага, арендага олувчи ҳамда унинг бошқа оила аъзолари билан турар жойдан фойдаланишда тенг ҳуқуққа эга бўладилар.

Турар жойни ижарага бериш шартномасига бошқа фуқароларни киритиш муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жойни ижарага беришнинг намунавий шартномаси тўғрисидаги низомларга мувофиқ амалга оширилади. Агар бошқа фуқароларнинг ижара шартномасига киритилиши бу ерда яшаётганларнинг уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож деб тан олинишига олиб келса, шунингдек мулк ҳуқуқи асосида турар жойи бўлган шахслар уй-жой майдонининг ижтимоий нормасидан кам бўлмаган майдонга эга бўлса, бундай фуқароларни ижарага бериш шартномасига киритиш мумкин эмас.

Оила таркибининг ўзгариши ижара шартномаси тегишли қисмининг ўзгаришига олиб келади.

3. Ижарага олувчининг оила аъзолари ва у билан доимий яшаётган фуқаролар турар жойдан фойдаланишда ижарага олувчи билан тенг ҳуқуқларга эгадирлар.

Олий Суд Пленумининг 2001 йил 14 сентябрдаги «Уй-жой низолари бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 22-сон қарорининг 16-бандига кўра, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодексининг 50-моддаси талабига кўра ижарага олувчининг оила аъзолари ва у билан доимий яшаётган фуқаролар турар-жойдан фойдаланишда ижарага олувчи билан тенг ҳуқуқга эгадир ва бу шахслар ижарага бериш шартномаси мажбуриятлари юзасидан ижарага берувчи олдида жавобгардирлар.

Бошқа шахсларни оила аъзоси деб топиш масаласини ҳал этишда (хотини, эри, болалари, ота-оналаридан ташқари) суд уларнинг ижарачи ва унинг оила аъзолари билан муносабатларини, умумий хўжалик юритганликларини, бир-бирига ўзаро ёрдам кўрсатиб келганликлари ва оилавий муносабатлари мавжудлигини гувоҳлантирувчи ҳолатларни аниқлаши лозим.

Турар-жойни ижарага олиш шартномасида бу биров фарқ қилади. Турар-жойга доимий яшовчи сифатида ижара шартномасида кўрсатилмаган бошқа фуқароларни киритиш фақатгина ижарага берувчи — мулкдор, шунингдек, ижарага олувчи ва у билан доимий яшовчилар розилиги билан яшаш жойи нормасига амал қилган ҳолда амалга оширилади (вояга етмаган фарзандларни киритиш ҳоллари бундан мустасно).

Қонун вояга етмаган фарзандларни кўчириб киритишда ижарага берувчи, ижарага олувчи ва доимий яшовчи фуқароларнинг розилигини талаб қилмайди. Бу вояга етмаган фарзандларнинг яшаш жойи ота-онасининг яшаш жойи деб тан олинганидан келиб чиқади (Ўз. Р ФК 20-моддасига қаранг).

609-модда. Вақтинча яшовчилар

Ижарага олувчи ва у билан бирга доимий яшайдиган фуқаролар умумий келишувга биноан ва ижарага берувчини олдиндан хабардор қилган ҳолда вақтинча яшовчиларга (фойдаланувчиларга) уй-жойда

беул яшаб туришлари учун рухсат этишга ҳақлидирлар. Башарти, қонун ҳужжатларининг жон бошига тўғри келадиган уй-жой майдони нормаси ҳақидаги талабларига риоя этилмаса, ижарага берувчи вақтинча яшовчиларнинг яшаб туришларини тақиқлаб қўйиши мумкин. Вақтинча яшовчиларнинг яшаб туриш муддати олти ойдан ошмаслиги керак.

Вақтинча яшовчилар уй-жойдан фойдаланишда мустақил ҳуқуққа эга бўлмайдилар. Уларнинг хатти-ҳаракатлари учун ижарага берувчи олдида ижарага олувчи жавобгардир.

Вақтинча яшовчилар улар билан келишилган яшаб туриш муддати ўтганидан кейин, агарда бундай муддат келишилмаган бўлса, ижарага олувчи ёки у билан бирга доимий яшайдиган ҳар қандай фуқаро томонидан тегишли талаб қўйилган кундан эътиборан кўпи билан етти кун ичида уй-жойни бўшатишлари шарт.

1. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми ижарага олувчи ва у билан бирга доимий яшайдиган фуқаролар умумий келишувга биноан ва ижарага берувчини олдиндан хабардор қилган ҳолда вақтинча яшовчиларга (фойдаланувчиларга) уй-жойда беул яшаб туришлари учун рухсат этишга ҳақли экани ҳақидаги қонун киритади. Шундай қилиб, вақтинча яшовчини киритиш учун ижарага олувчининг ҳам ва у билан доимий бирга яшовчи фуқароларнинг ҳам розилиги талаб этилади. Бунда қонунчиликдаги (Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодексининг 42-моддаси) бир шахсга белгиланган энг кам турар жой нормасига амал қилиш даркор, акс ҳолда ижарага берувчи вақтинча яшовчиларнинг истиқомат қилишини таъқиқлаб қўйиши мумкин.

2. Вақтинча яшовчилар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодексининг 61-моддасида сўз боради. Унга биноан вақтинча яшовчилар ижарага олувчи билан доимий бирга яшовчи фуқаролардан турар-жойдан мустақил равишда фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлмасликлари билан фарқланадилар. Бундан ташқари, ижарага олувчининг доимий бирга яшовчи фуқароларга нисбатан бу шахсларга жавобгарлиги ҳам кенгрок белгиланган. Бу ерда ижарага олувчи вақтинча яшовчиларнинг нафақат ижара шартномасини бузганига балки, умуман, яшаш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай хатти-ҳаракатига жавобгар экани назарда тутиляпти.

Вақтинча яшовчини киритиш учун ижарага олувчини ҳам, у билан бирга яшовчи фуқароларнинг ҳам розилиги керак. Ижарага берувчига келсак, унинг розилиги талаб этилмайди, кўчиб келганлик факти ҳақида хабардор қилишнинг ўзи кифоя қилади. Бу ҳолатда бир кишилик яшаш жойи нормасига амал қилиш талаб этилади (Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодексининг 42-моддаси).

3. Вақтинча яшовчиларнинг истиқомат қилиши учун максимал муддат белгиланган бўлиб, у олти ойга тенг.

Агар истиқомат қилиш муддати келишилмаган бўлса, ижарага олувчи ҳам мунтазам биргаликда яшовчи фуқаролар ҳам вақтинча яшовчиларнинг турар-жойни бўшатишларини талаб қилишлари мумкин. Аммо, буни улар ижарага олувчи ва у билан доимий бирга яшовчи исталган фуқаро томонидан керакли талабнома қўйиладиган етти кунлик муҳлат ўтиши билан амалга оширишлари лозим. Вақтинча яшовчилар бундай талабга норози бўлган тақдирда, суд тартибида бошқа яшаш жойи берилмасдан кўчириб чиқариладилар.

610-модда. Ижарага берилган уй-жойни таъмирлаш

Ижарага берилган уй-жойни жорий таъмирлаш, агар уй-жойни ижарага бериш шартномасида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ижарага олувчининг зиммасидадир.

Ижарага берилган уй-жойни капитал таъмирлаш, агар уй-жойни ижарага бериш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ижарага берувчининг зиммасидадир.

Ижарага берилган уй-жой жойлашган уйни қайта жиҳозлашга, агар бундай қайта жиҳозлаш уй-жойдан фойдаланиш шарт-шароитларини жиддий равишда ўзгартирса, ижарага олувчининг розилигисиз йўл қўйилмайди.

Шарҳланаётган моддада ижарага бериш шартномаси учун анъанавий бўлган ижарага берилган уй-жойни таъмирлаш бўйича мажбуриятларни ва ушбу жойдан фойдаланиш шартларини тақсимлаш жорий таъмирлашда ижарага олувчининг, капитал таъмирлашда эса ижарага берувчининг розилиги билан амалга оширилиши мумкинлиги белгиланган.

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 28 июндаги 325-сонли қарори билан тасдиқланган «Турар жойларни ва уй атрофидаги ерларни сақлаш ва улардан фойдаланиш» Қоидаларининг 43 бандида жорий таъмирлашга тегишли ишлар рўйхати берилган бўлиб, уларга хусусан қуйидагилар киритилган: ойна қўйиш; тиркишларни замаскалар билан тўлдириш ёки штапиклар қоқиш; квартирадаги турар жойлар ва ёрдамчи хоналарнинг поллари ва эшикларини бўйаш; радиаторлар, марказий иситиш, сув таъминоти қувурларини ва квартира ичидаги бошқа қувурларни ҳамда печларнинг металл ғилофларини бўйаш; деразалар ва эшикларнинг приборларини алмаштириш. Уй-жойни ижарага олиш шартномаси бўйича мазкур ишлар ижарага олувчи томонидан амалга оширилади. Лекин, мазкур ишларни амалга ошириш турар жойнинг алоҳида конструктив қисмлари ёки унинг ускуналарининг носозлиги ёхуд турар жойнинг капитал таъмири билан боғлиқ бўлса, улар ижарага берувчи томонидан амалга оширилади.

Хусусий уй-жой фондидаги турар жой ижарага олинганда, тарафлар ижарага берилган турар жойни жорий таъмирлашнинг бошқа шартларини белгилашлари ва юқорида кўрсатилган таъмирлаш ишлари ижарага берувчи — турар жой мулкдори томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Қайд этиб ўтилган таъмирлаш ишлари ижарага олувчи, ижарадор, турар жой эгасининг хоҳишига кўра белгиланган тартибда тасдиқланган нархлар бўйича ҳақ тўланган ҳолда уй-жойлардан фойдаланиш ёки таъмирлаш — қурилиш ташкилотлари томонидан амалга оширилиши мумкин.

2. Капитал таъмирлаш турар жойнинг асосий қисмлари, эшик ва ромлар, полни алмаштириш, санитар-техник ускуналарни таъмирлашни қамраб олади.

Капитал таъмирлашга қуйидагилар киради: уйнинг асосий қурилмалари емирилганлиги сабабли эшиклар, деразалар ва марказий иситиш тизими мавжуд бўлмаган уйларда иситиш қурилмаларини алмаштириш, марказий иситиш, водопровод, канализация, иссиқ сув таъминоти, шамоллатиш, лифт хўжалиги, газ, ошхона плитаси, асосий электр ўтказиш тизимини таъмирлаш.

Турар жой ижараси шартномасига кўра мазкур ишлар ижарага берувчи ҳисобидан амалга оширилади.

Хусусий уй-жой фондидаги турар жой ижарага олинганда, тарафларга ижарага берилган турар жойни капитал таъмирлашнинг бошқа шартларини белгилаш ва юқорида кўрсатилган таъмирлаш ишларини ижарага олувчи зиммасига юклаш ҳуқуқи берилади. Лекин бу моҳияти жиҳатидан ўзини окламайди. Капитал таъмирлаш мулк ҳуқуқи объектнинг қийматини жиддий равишда оширади ва мулкдорнинг мулки ўсишига олиб келади, бу эса ижарага олувчи ҳисобидан амалга оширилиши адолатли ва тўғри бўлмайди. Шунинг учун турар жойнинг капитал таъмири ижарага олувчи томонидан эмас, балки ижарага берувчи — турар жойнинг мулкдори томонидан амалга оширилиши лозим.

3. Турар жойни қайта жиҳозлаш тушунчаси шарҳланаётган моддада ҳам, Уй-жой Кодексида ҳам келтирилмаган. Уй-жой Кодексининг 24-моддаси, 5-қисми ва 62-моддаси, 3-қисмида ўз моҳиятига кўра қайта жиҳозлаш тушунчаси билан қамраб олинадиган қайта қуриш ва ўзгартириш атамалари қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 607-моддасида турар жойни қайта қуриш ва ўзгартириш ҳақида сўз бориб, ижарага олувчи ижарага берувчининг розилигисиз уй-жойни қайта қуришга ва тузилишини ўзгартиришга ҳақли эмаслиги белгиланган.

Турар жой ҳамда ёрдамчи хоналарни қайта қуриш, ўзгартириш фақатгина уларни янада обод қилиш мақсадида амалга оширилиши мумкин. Турар жойларни қайта жиҳозлаш ижарага олувчиларнинг яшаш шароитларини ёмонлаштирмаслиги керак. Шунинг учун ижарага берилган турар жой ва ундан фойдаланиш шартларини жиддий равишда ўзгартирадиган қайта жиҳозлаш фақатгина ижарага олувчининг розилиги билан амалга оширилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 28 июндаги 325-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси коммунал уй-жой фонди тўғрисида»ги Низомнинг 43 бандига мувофиқ турар жойни ва ёрдамчи хоналарни бузиб, бошқатдан қуриш ва қайта режалаштириш квартирани янада обод қилиш мақсадини кўзлабгина амалга оширилиши мумкин ва бу ишга ижарага олувчи, унинг оила аъзолари, коммунал уй-жой фонди эгаси вакилининг розилиги ва тегишли ҳокимликнинг рухсатномаси билан йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодексининг 24-моддасида эса кўп квартиралар уйдаги квартира мулкдори маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан тегишли рухсатнома олмасдан ўзига қарашли жойни ўзбошимчалик билан қайта қурган ёки ўзгартирган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади ҳамда бу жойни ўз ҳисобидан аввалги ҳолатига келтириши шартлиги тўғрисидаги қоида белгиланган.

611-модда. Уй-жой учун тўланадиган ҳақ

Уй-жой учун тўланадиган ҳақнинг миқдори тарафларнинг ўзаро келишувига биноан уй-жойни ижарага бериш шартномасида белгилаб қўйилади. Башарти қонунга мувофиқ уй-жой учун тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдори белгилаб қўйилган бўлса, шартномада белгиланган ҳақ ана шу миқдордан ошиб кетмаслиги лозим.

Уй-жой учун тўланадиган ҳақнинг миқдори бир томонлама ўзгартирилишига йўл қўйилмайди, қонун ёки шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Уй-жой учун ҳақ ижарага олувчи томонидан уй-жойни ижарага олиш шартномасида назарда тутилган муддатларда тўлаб турилиши лозим. Агар шартномада бундай муддатлар назарда тутилган бўлмаса, ҳақ ижарага олувчи томонидан ҳар ойда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлаб турилиши шарт.

1. Тарафлар келишувига кўра белгиланадиган турар-жой учун тўлов миқдори кўриб чиқилаётган шартноманинг муҳим шarti бўлиб ҳисобланади. Одатда, тўлов миқдори турар-жойнинг сифати ва жойлашувига қараб белгиланади. Ҳозирги кунгача қонун билан ҳам, қонуности ҳуқуқий ҳужжатлар билан ҳам турар-жой учун энг кўп тўлов миқдори кўрсатилмаган. Лекин, шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида бундай имконият мавжуд эканлиги кўзда тутилган.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида қонун чиқарувчи томонидан шартномада иккала тараф манфаатларини ҳам ҳимоя қилувчи қоида киритилган. Бу қоида турар-жой учун тўлов миқдорининг бир томонлама ўзгартирилишига чеклов қўйилади. Бунда ижарага берувчи томонидан тўловнинг оширилиши ёки ижарага олувчи томонидан унинг

пасайтирилиши назарда тутилаяпти. Аммо, бу коида диспозитив характерга эга ва тарафлар шартномада бу имкониятни кўрсатиб ўтишлари мумкин. Бундан ташқари, бу имконият махсус қонун билан ҳам белгиланиши мумкин.

3. Шарҳланаётган модданинг 3-қисмида ижарага олувчи турар-жойдан фойдаланганлик учун тўловни киритиши керак бўлган муҳлат ҳақида сўз боради. Умумий қоидага кўра бу тўлов ойма-ой амалга оширилади, лекин, шартномада бошқа муддат кўрсатилиши ҳам мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодексининг 34-моддасига биноан фуқарога мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган турар жойни ижарага, арендага бериш ҳақи тарафлар келишувига биноан шартномада, ижара ҳақини тўлаш тартиби, шартлари ва муддатлари эса, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодексининг 90-моддасига кўра турар-жой ижараси шартномаси билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой Кодексида турар-жой учун тўлов тартиби 129–134-моддаларда кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодексининг 129-моддасига биноан муниципал, идоравий уй-жой фонди уйларидаги турар жойни ижарага бериш шартномаси бўйича тўланадиган ҳақ миқдори уйни ва умумий фойдаланишдаги мол-мулкни сақлаш харажатларининг ўрнини қоплашни таъминлайдиган, ижарага берувчи томонидан турар жой умумий майдонининг бир квадрат метри ҳисобида белгиланган ставкалардан келиб чиқиб белгиланади.

Муниципал ва идоравий уй-жой фондини тиклашга ажратмалар ҳамда ижарага берувчининг норматив фойдаси турар жойнинг ижара ҳақига қиради.

Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой Кодексининг 130-моддасида белгиланган аниқ мақсадли коммунал уй-жой фонди турар жойлари учун тўланадиган ҳақ ижарага бериш шартномаси бўйича уйга қараш, унга хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш учун кетадиган харажатларни ўз ичига олади. Турар жойни ижарага олувчи турар жой ҳақини ҳар ойда яшалган ойдан кейинги ойнинг ўнинчи кунидан кечиктирмай тўлаши шарт.

Аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг турар жойи учун ҳақ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда олинади.

Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой Кодексининг 135-моддасига асосан фуқароларнинг айрим тоифаларига уй-жойни сақлаш ва коммунал хизматлар ҳақини тўлаш харажатлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади. (Қаранг: Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича имтиёзлар бериладиган шахслар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 мартдаги «2003 йилнинг 1 апрелидан бошлаб уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига компенсация пул тўловларини жорий этиш тўғрисида»ги ПФ-3227-сонли Фармони билан тасдиқланган)

Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой Кодексининг 136-моддаси турар жойлар ва коммунал хизматлар ҳақини тўлашда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ҳимояланмаган ва кам таъминланган тоифаларини қўллаб-қувватлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилишини назарда тутди. (Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.03.2003 й.даги ПФ-3227-сонли Фармони).

612-модда. Уй-жойни ижарага бериш шартномасининг муддати

Уй-жойни ижарага бериш шартномаси беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга тузилади. Агар шартномада муддат кўрсатилган бўлмаса, у беш йилга тузилган ҳисобланади.

Бир йилгача муддатга тузилган уй-жойни ижарага бериш (қисқа муддатли ижара) шартномасига нисбатан, агар шартномада бошқа ҳол назарда тутилган бўлмаса, ушбу Кодекс 606-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 609-моддасида, ушбу модданинг учинчи қисмида, 613 ва 614-моддаларида назарда тутилган қоидалар қўлланмайди.

Ижарага олувчи янги муддатга шартнома тузишда имтиёзли ҳуқуққа эга.

Агар ижарага берувчи уй-жойни бир йилдан кам бўлмаган муддатда ижарага бермасликка қарор қилган бўлса, у янги муддатга шартнома тузишни рад қилишга ҳақли.

1. Турар-жойнинг ижара шартномаси муддатли хусусиятга эга, негаки мулкдор томонидан турар-жойни ижарага муддатсиз топшириш, моҳиятига кўра унинг учун мулк ҳуқуқини чеклашга олиб келган бўларди. Шунинг учун турар-жойни ижарага бериш тартиби, муддати ва шартлари ижарага

олувчи ва ижарага берувчи ўртасида тузиладиган шартнома билан белгиланади. Шарҳланаётган модданинг биринчи моддасига кўра, турар-жой ижараси шартномаси беш йилдан ошмаган муддатга тузилади. Агар шартномада у тузилган муддат белгиланмаган бўлса, у беш йилга тузилган деб ҳисобланади.

2. Турар-жой ижараси шартномаси бир йилгача (қисқа муддатли) тузилган бўлса, бу ҳолда ижарага олувчининг ҳуқуқлари чегараланадиган бўлади. Қонун чиқарувчи томонидан белгиланган қоидага асосан турар-жойнинг бир йилгача (қисқа муддатли) ижараси шартномасига нисбатан мазкур Кодекс 606-моддасининг 2 ва 3 қисмлари, 609-модда, бу модданинг 3 қисми, 613, 614-моддаларида кўрсатилган қоидалар, агар шартномада бошқа нарса кўрсатилмаган бўлса, қўлланилмайди.

Жумладан, ижарага олувчи ижарага олган жойга вақтинчалик яшовчиларни киритиши; ижарага олинган жойни қайта ижарага шартли равишда топшириши; шартномада ўзини бошқа ижарага олувчи билан алмаштириши таъқиқланади, шунингдек, шартномада бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, янги муддатга шартнома тузишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўлмайди.

Шунга ўхшаш қоида Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой Кодексининг 36-моддасида белгиланган бўлиб, унга кўра муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жойни ижарага бериш шартномаси беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга тузилади. Агар шартномада муддат кўрсатилмаган бўлса, у беш йилга тузилган деб ҳисобланади.

Турар-жой ижараси шартномасига биноан турар-жой мулкдори ҳам ижарага олувчига турар-жойни беш йилдан ошмаган маълум муддатга беради. Ижара шартномасида уй-жой қонун муносабатларида барқарорликни яратиш мақсадида қонунда ижарага олувчига шартномани янги муддатга тузишда шарҳланаётган модданинг 3-қисмида назарда тутилган имтиёзли ҳуқуқ берилган. Аммо, бу ҳуқуқ чекланган характерга эга, чунки, уй мулкдори ўз мулкни ўз хоҳишига кўра тасарруф этиши мумкин. Шунинг учун, уй мулкдори турар-жойни бир йилдан кам бўлган муҳдат ичида келгусида ижарага бермасликка қарор қилса, у ижарага олувчини турар-жойни ижарага олиш шартномаси тугашидан камида уч ой олдин огоҳлантириб, ижарага олувчига шартномани узайтиришда рад жавобини беришга ҳақли.

Уй эгаси ижарага олувчи билан шартномани янги муддатга узайтиришга қарор қилган тақдирда ҳам бу масаладаги ташаббус мулкдорнинг ўзидан чиқиши керак. У ижарага олувчига турар-жойни ижарага олиш шартномаси тугашига камида уч ой қолганида янги муддатга ўша шартларда ёки янги кўринишда шартнома тузишни таклиф этиши лозим. Агар мулкдор бу мажбуриятини бажармаган бўлса, ва ижарага олувчи муддатнинг узайтирилишига қаршилиги бўлмаса, шартнома худди ўша шартлар билан янги муддатга узайтирилган деб ҳисобланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 553-моддасига кўра, агар қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ўз мажбуриятларини лозим даражада бажарган ижарага олувчи шартнома муддати тугаганидан кейин янги муддатга мулк ижараси шартномасини тузишда шароитлар тенг бўлган ҳолларда бошқа шахсларга нисбатан имтиёзли ҳуқуққа эга бўлади. Ижарага олувчи ижарага берувчини мулк ижараси шартномасида белгиланган муддатда, агар шартномада бундай муддат белгиланган бўлмаса, шартноманинг амал қилиши тамом бўлгунча оқилона муддатда, бундай шартномани тузиш истаги ҳақида ёзма равишда огоҳлантириши лозим.

Ижара шартномасига келадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси «Ижара тўғрисидаги» Қонунининг 14-модда, 2-қисмига биноан шартнома муддати тугагач, шартномадаги ўз мажбуриятларини лозим даражада бажарган ижарачи шартномани қайта тиклашда бошқа шахсларга нисбатан устун ҳуқуққа эга бўлади.

Ер участкалари масаласида эса, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 24-моддаси, 7-қисмига биноан ижарачи ер участкалари ижара шартномасининг амал қилиш муддати тугаганидан кейин шартномани янгилашда бошқа тенг шароитларда устун ҳуқуққа эга.

Мулкни ижарага бериш шартномасини янги муддатга тузишда шартнома шартлари тарафлар розилиги билан ўзгартирилиши мумкин.

4. Агар ижарага берувчи ижарага олувчига шартномани янги муддатга тузишга рад жавобини берган бўлса, лекин, у билан тузилган шартноманинг муддати тугаганидан сўнг бир йил ичида бошқа ижарага олувчи билан турар-жойни ижарага олиш шартномаси тузган бўлса, ижарага олувчи ўз танловига кўра суддан тузилган шартномага асосан ўзига тааллуқли бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларни унга ўтказилиши ва шартноманинг

узайтирилиши рад қилингани туфайли келтирилган зарарни қоплашни ёки фақатгина шундай зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Ижарага олувчи турар-жойни ижарага олиш шартномасининг муддати тугаганидан сўнг ҳам ижарага берилган мулкдан ижарага берувчининг эътирозсиз фойдаланишда давом этаётган бўлса, шартнома ўша шартларда номамуайян муддатга узайтирилган деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой Кодексининг 36-моддасига кўра, ижарага берувчи томонидан эътироз бўлмаган тақдирда, ижарага олувчи шартнома муддати тугаганидан кейин ҳам турар жойдан фойдаланишни давом эттирса, шартнома аввалги шартларда қайта тузилган деб ҳисобланади.

Давлат уй-жой фондидан ижарага берувчи, агар турар жойни ижарага бермасликка қарор қилган бўлса, бу ҳақда ижарага олувчини камида бир йил олдин хабардор этиб, янги муддатга шартнома тузишдан воз кечиши мумкин, аниқ мақсадли коммунал уй-жой фонди бундан мустасно.

613-модда. Уй-жойни иккиламчи ижарага бериш

Уй-жойни иккиламчи ижарага бериш шартномасига биноан ижарага олувчи ижарага берувчининг розилиги билан ўзи ижарага олган бинонинг бир қисмини ёки ҳаммасини муайян муддатга иккиламчи ижарага олувчига беради. Иккиламчи ижарага олувчи уй-жойдан мустақил фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлмайди. Уй-жойни ижарага бериш шартномасига биноан ижарага олувчи ижарага берувчи олдида жавобгар бўлиб қолаверади.

Уй-жойни иккиламчи ижарага бериш шартномаси қонун ҳужжатларининг жон бошига тўғри келадиган уй-жой майдони нормаси ҳақидаги талабларига риоя этилган тақдирдагина тузилиши мумкин.

Уй-жойни иккиламчи ижарага бериш шартномаси ҳақ эвазига амалга оширилади.

Уй-жойни иккиламчи ижарага бериш шартномасининг муддати уй-жойни ижарага бериш шартномасининг муддатидан кўп бўлиши мумкин эмас.

Уй-жойни ижарага бериш шартномаси муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда бир вақтнинг ўзида уй-жойни иккиламчи ижарага бериш шартномаси ҳам бекор қилинади.

Янги муддатга шартнома тузишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тўғрисидаги қоида уй-жойни иккиламчи ижарага бериш шартномасига нисбатан татбиқ этилмайди.

Ижарага олувчининг ижара шартномасидан келиб чиқадиган субъектив ҳуқуқларидан бири ўзи томонидан ижарага олинган жойни ёки унинг маълум қисмини бошқа шахс — иккиламчи ижарага олувчига иккиламчи ижарага бериш тўғрисидаги шартномани тузган ҳолда бериш ҳуқуқидир.

1. Шарҳланаётган модданинг 1-қисмида иккиламчи ижарага бериш шартномасини тузиш учун ижарага олувчи ижарага берувчининг розилиги олинishi талаб этилади. Шу билан бирга унда бундай розиликни олмасликнинг оқибатлари келтирилади. Демак, бундай битим қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаганлиги сабабли ҳақиқий эмас саналади.

Қонун шартноманинг шакли ҳақида бирор норма белгиламаган. Лекин, қонун билан ижара шартномасининг ёзма шакли белгиланганидан келиб чиққан ҳолда унинг ёзма тарзда тузилиши кераклигини, ёзма шаклга амал қилмаслик эса, шартноманинг тузилганлигини гувоҳ кўрсатмалари билан исботлаш имкониятидан маҳрум этишини аңглатади.

Уй-жойни ижарага бериш шартномасига биноан ижарага олувчи ижарага берувчи олдида жавобгар бўлиб қолаверади.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида иккиламчи ижарага бериш шартномаси қонун ҳужжатларининг жон бошига тўғри келадиган уй-жой майдони нормаси ҳақидаги талабларига риоя этилган тақдирдагина тузилиши мумкинлиги тўғрисидаги қоида ўрнатилган.

Яшаш жойининг ижтимоий нормаси ҳақида Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой Кодексининг 42-моддасида сўз боради. Муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондидан турар жойлар фуқароларга уй-жой майдонининг ижтимоий нормасига мувофиқ берилади.

Уй-жой майдонининг ижтимоий нормаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан бир киши ҳисобига ўн олти квадрат метрдан кам бўлмаган

умумий майдон ҳажмида, кресло-аравачада ҳаракатланадиган ногиронлар учун эса — йигирма уч квадрат метрдан кам бўлмаган ҳажмда белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 28-июндаги 325-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси коммунал уй-жой фонди тўғрисида»ги Низомнинг 4-бандига кўра, коммунал уй-жой фондидаги уй-жойни ижарага олувчи Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодексида ўрнатилган нормалар бўйича бир кишига 9 квадрат метрдан кам бўлмаган миқдорда олади.

Эр-хотиндан ташқари турли жинсга мансуб шахслар бир хонага ёки бир хонали квартирага жойлаштирилишига йўл қўймаслик мақсадида муниципал, идоровий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондидан уй-жой майдонининг ижтимоий нормасидан ортиқча турар жой берилиши мумкин.

Фуқароларнинг айрим тоифаларига уй-жой майдонининг ижтимоий нормасидан ортиқча қўшимча уй-жой майдони бир хона тарзида ёки ўн саккиз квадрат метрли умумий майдон миқдорида берилади. Айрим сурункали касалликларнинг оғир турлари билан касалланган фуқароларга, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлаган рўйхат бўйича, шунингдек бажараётган иш шароитлари ва хусусиятига кўра қўшимча майдон зарур бўлган фуқароларга бундай майдон миқдори кўпайтирилиши мумкин.

3. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисмида қонун чиқарувчи иккиламчи ижарага бериш шартномасининг молиявий томонига алоҳида урғу беради. Бу иккиламчи ижарага бериш шартномаси ва ижарачиларни кўчириб келишга чегаралар қўйиш мақсадида қилинганга ўхшайди.

4. Иккиламчи ижарага бериш шартномасига нисбатан қатор чекловлар мавжуд. Масалан, унинг муддати уй-жойни ижарага бериш шартномаси муддатидан ошмаслиги керак.

5. Уй-жойни ижарага бериш шартномаси муддатдан олдин бекор қилинганда у билан уй-жойни ижарага бериш шартномаси ҳам бекор бўлади. Уй-жойни иккиламчи ижарага бериш шартномасига нисбатан янги муддатга шартнома тузишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тўғрисидаги қоида татбиқ этилмайди.

Аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жойларни иккиламчи ижарага беришга йўл қўйилмайди. (Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодексининг 57-моддаси, 7-қисми)

Муниципал ва идоравий уй-жой фонди турар-жойларини иккиламчи ижарага бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодексининг 57, 58, 59-моддаларида кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодексининг 58-моддасига биноан Муниципал ва идоравий уй-жой фондининг уйларидаги турар жойни иккиламчи ижарага беришга қуйидаги ҳолларда йўл қўйилмайди: агар иккиламчи ижарага олувчининг кўчиб кириши оқибатида ҳар бир яшовчига тўғри келадиган умумий майдон белгиланган нормадан камайиб кетса; агар унда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган рўйхатдаги айрим сурункали касалликларнинг оғир турлари билан касалланган шахслар яшаётган бўлса; ижарага берувчининг розилиги бўлмаса; ижарага олувчининг унинг вояга етган оила аъзоларининг, у билан доимий яшаётган фуқароларнинг розилиги бўлмаса; турар жойни иккиламчи ижарага бериш қоидаларида белгиланган бошқа ҳолларда.

Муниципал ва идоравий уй-жой фонди турар-жойларини иккиламчи ижарага бериш қоидалари қонунчилик билан белгиланади (ФКнинг 613-моддасига қаранг).

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодексининг 59-моддасида муниципал ва идоравий уй-жой фондининг уйларидаги турар жойлардан иккиламчи ижарага бериш шартномаси бўйича фойдаланганлик ва коммунал хизматлар учун тўланадиган ҳақ миқдори тарафлар келишувига мувофиқ белгиланади, лекин унинг миқдори шу жой учун ижарага олувчи томонидан тўланаётган ҳақ ҳамда коммунал хизматлар ҳақидан ошиб кетмаслиги кераклиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодексининг 60-моддаси иккиламчи ижарага бериш шартномасини бекор қилиш тартибини белгилайди.

Муниципал ва идоравий уй-жой фондининг уйларидаги турар жойни иккиламчи ижарага бериш шартномасининг муддати тугагандан сўнг иккиламчи ижарага олувчи шартномани қайта тиклашни талаб қилишга ҳақли эмас ва у эгаллаб турган турар жойни ижарага олувчининг талабидан кейин ҳам бўшатиб бермаса, унга бошқа турар жой берилмаган

ҳолда суд тартибида кўчирилади. Ижарага бериш шартномаси бекор қилинган ҳолларда ҳам иккиламчи ижарага олувчи унга бошқа турар жой берилмаган ҳолда худди шу тартибда кўчирилади.

Агар иккиламчи ижарага бериш шартномаси муддати кўрсатилмай тузилган бўлса, ижарага олувчи иккиламчи ижарага бериш шартномаси бекор қилиниши ҳақида иккиламчи ижарага олувчини уч ой олдин огоҳлантириши шарт.

Иккиламчи ижарага бериш шартномаси, шунингдек Уй-жой Кодексининг 69-моддаси ҳамда 119-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган асосларга кўра ҳам бекор қилиниши мумкин.

6. Шарҳланаётган модданинг 6 қисми уй-жойни иккиламчи ижарага бериш шартномасида шартномани янги муддатга тузишдаги имтиёзли ҳуқуқ қондаси амал қилмаслигини белгилайди. Шарҳланаётган модданинг мазкур қондаси унинг юқоридаги иккиламчи ижарага олувчи турар-жойдан ўз истагига кўра фойдаланиш ҳуқуқини қўлга кирита олмаслиги, ва турар-жойни ижарага бериш шартномасига кўра ижарага берувчи олдида ижарага олувчининг жавобгар бўлиб қолиши тўғрисидаги қисмларидан келиб чиқади. Қолаверса, иккиламчи ижарага бериш муддати уй-жой ижараси шартномаси муддатидан ошмаслиги, шартноманинг муддатдан аввал бекор қилиниши билан уй-жой ижараси шартномаси ҳам бекор бўлиши ҳам бунга асос бўлади.

614-модда. Уй-жойни ижарага бериш шартномасида ижарага олувчини алмаштириш

Ижарага олувчи ва у билан бирга доимий яшайдиган бошқа фуқароларнинг талабига биноан ва ижарага берувчининг розилиги билан уй-жойни ижарага бериш шартномасидаги ижарага олувчи у билан бирга доимий яшайдиган вояга етган бошқа бир фуқаро билан алмаштирилиши мумкин.

Ижарага олувчи вафот этган ёки у уй-жойдан кетиб қолган тақдирда, шартнома аввалги шартларда амал қилаверади, аввалги ижарага олувчи билан бирга доимий яшайдиган фуқароларнинг умумий келишувига биноан улардан бири ижарага олувчи бўлади. Агар бундай келишувга эришилган бўлмаса, уй-жойда биргаликда

доимий яшайдиган фуқароларнинг ҳаммаси биргаликда ижарага олувчи бўладилар.

1. Шарҳланаётган моддада турар-жойнинг ижарага бериш шартномасининг ижарага олувчининг вояга етган, у билан бирга доимий яшайдиган фуқаро билан алмаштирилган тақдирда ўзгартирилиши ҳақида сўз боради. Бундай ўзгартиришнинг асосий шarti — ижарага олувчи ва ижарага олувчи билан бирга доимий яшайдиган фуқароларнинг уни ўзгартириш тўғрисидаги талаблари ва розиликларидир. Бу ўринда ижарага олувчи ва у билан бирга доимий яшовчи фуқароларнинг ариза ёзишлари, ижарага берувчининг вакили эса ёзма розилик бериши ҳақида гап борапти.

2. Уй-жойни ижарага бериш шартномаси ижарага олувчининг ўлими ёки унинг уй-жойдан чиқиб кетиши билан бекор қилинмайди. Бундай шартнома аввалги шартларда ўз кучида бўлаверади. Бу ҳолда ижарага олувчи аввалги ижарага олувчи билан бирга доимий яшайдиган фуқароларнинг умумий келишувига биноан улардан бири ижарага олувчи бўлади. Акс ҳолда, уй-жойда доимий бирга яшовчи фуқароларнинг ҳаммаси биргаликда ижарага олувчига айланади.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодексининг 66-моддасига биноан муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жойни ижарага бериш шартномаси фақат ижарага олувчи, унинг вояга етган оила аъзолари, у билан доимий яшаётган фуқаролар ҳамда ижарага берувчининг розилиги билан ўзгартирилиши мумкин.

Ижарага олувчи, унинг вояга етган оила аъзолари ва у билан доимий яшаётган фуқароларнинг талаби бўйича шартнома вояга етган оила аъзоларидан бири билан тузилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 614-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодексининг 66-моддаси 2 қисмидаги умумий талаблардан фарқли равишда бунда ижарага олувчи турар жойдан кўчиб кетган ёки у вафот этган тақдирда шартнома ушбу турар жойда яшаётган вояга етган оила аъзоларидан бири билан тузилишига оид қоида назарда тутилади.

615-модда. Ижара шартномасини бекор қилиш

Уй-жойни ижарага бериш шартномаси тарафларнинг келишуви билан бекор қилинади.

Уй-жойни ижарага олувчи ўзи билан бирга доимий яшайдиган бошқа фуқароларнинг розилиги билан ижарага берувчини уч ой аввал ёзма равишда огоҳлантириб, исталган вақтда ижара шартномасини бекор қилишга ҳақли.

Уй-жойни ижарага бериш шартномаси:

агар шартномада узоқроқ муддат белгиланган бўлмаса, ижарага олувчи томонидан уй-жой учун олти ой мобайнида, қисқа муддатли ижарада эса шартномада белгиланган ҳақ тўлаш муддати ўтганидан кейин икки мартадан кўпроқ ҳақ тўланмаган бўлса;

ижарага олувчи ёки хатти-ҳаракатлари учун ижарага олувчи жавобгар бўлган бошқа фуқаролар томонидан уй-жой вайрон қилинса ёки унга путур етказилса, ижарага берувчининг талабига биноан суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

Уй-жойни ижарага бериш шартномаси:

агар уй-жой доимий яшаш учун яроқли бўлмай қолса, шунингдек авария ҳолатига келиб қолса;

уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда шартномадаги исталган тарафнинг талабига биноан суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

Агар уй-жойни ижарага олувчи ёки хатти-ҳаракатлари учун ижарага олувчи жавобгар бўлган бошқа фуқаролар уй-жойдан унинг вазифасига биноан фойдаланмасалар ёхуд мунтазам равишда кўшнилари хуқуқлари ва манфаатларини бузсалар, ижарага берувчи ижарага олувчини қоидабузарликларга барҳам бериш зарурлиги тўғрисида огоҳлантириши мумкин.

Агар ижарага олувчи ёки хатти-ҳаракатлари учун ижарага олувчи жавобгар бўлган бошқа фуқаролар огоҳлантириш олганлардан кейин ҳам уй-жойдан унинг вазифасига биноан фойдаланмасликни ёки кўшнилари хуқуқ ва манфаатларини бузишни давом эттирсалар, ижарага берувчи уй-жойни ижарага бериш шартномасини суд тартибида бекор қилишга ҳақли.

Уй-жойни ижарага бериш шартномасини бекор қилиш учун асос бўлган қоидабузарликларга барҳам бериш тартиби ва муддатлари қонун билан белгилаб қўйилади.

1. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмига асосан уй-жойни ижарага бериш шартномаси иккала тарафнинг розилиги билан бекор қилинади. У тарафлар томонидан исталган вақтда судга мурожаат қилмасдан амалга оширилиши мумкин.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми ижарага олувчи томонидан исталган вақтда, судга мурожаатсиз ижара шартномасини бир тарафлама бекор қилиш мумкинлигини назарда тутди. Бунинг учун бирга доимий яшовчи бошқа фуқароларнинг ёзма розилиги ва ижарага берувчини уч ой олдиндан огоҳлантириш талаб қилинади.

3. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисмидан тижорат шаклидаги ижара шартномасининг ижарага берувчининг талабига кўра суд орқали бекор қилиш асослари ва тартибига бағишланган махсус қоидалар ўрин эгаллаган.

Улардан бири — ижарага олувчи томонидан ўзининг турар-жой учун тўлов мажбуриятини олти ой мобайнида бажармаслик (агар шартномада бундан узокроқ муддат кўрсатилмаган бўлса). Бу қоида турар-жойни қисқа муддатли ижарага олишда бироз ўзгаради (шартнома билан белгиланган тўлов муддати ўтгандан кейин икки мартадан ортиқ тўлов амалга оширилман ҳолатда).

Мазкур ҳолатда турар-жойдан чиқариб юбориш тўғрисида қарор қабул қилиш учун шартномада белгиланган ҳақ тўлаш муддати ўтганидан кейин икки мартадан кўпроқ ҳақ тўланмаганлиги асос бўлади.

Шу каби чиқариб юборишга яна бир сабаб — ижарага олувчи ёки хатти-ҳаракатлари учун ижарага олувчи жавобгар бўлган бошқа фуқаролар томонидан уй-жой вайрон қилиниши ёки унга путур етказилишидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 28 июндаги 325-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси коммунал уй-жой фонди тўғрисида»ги Низомнинг 58-бандига кўра шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда ижарага берувчи ижарага олувчини эгаллаб турган турар жой майдонидан бошқа турар жой бермасдан, суд йўли билан мажбурий равишда кўчириб юбориш ҳуқуқига эгадир.

4. Тарафлардан бирининг талабига кўра шартноманинг бекор қилиш имкони мавжудлиги ижарага олувчи ижарага берувчи, шунингдек учинчи

шахслар ёки таъсир ўтказиб бўлмайдиган (енгиб бўлмайдиган) кучлар ҳаракатининг натижасида юзага келадиган шароитлар билан боғлиқ. Шарҳланаётган моддада тарафлардан бирининг талабига кўра уй-жой ижараси шартномасининг суд орқали бекор қилинишига боғлиқ шундай ҳолатлардан бири — уй-жойнинг унда доимий яшашга яроқсиз ҳолга тушиб қолгани (масалан, авариявий ҳолат) мисол бўлади.

5. Шарҳланаётган модданинг бешинчи қисмига кўра ижарага олувчи, ҳамда у жавобгар бўлган ҳар қандай шахс турар-жойдан белгиланмаган тартибда фойдаланса, мунтазам равишда қўшниларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини бузсалар, ижарага берувчи ижарага олувчини қоидабузарликларга барҳам бериш зарурлиги тўғрисида огоҳлантириши мумкин.

6. Шарҳланаётган модданинг олтинчи қисмида ижарага берувчи томонидан уй-жой ижараси шартномасининг суд орқали бекор қилинишига қатор қатъий асослар ўрнатилган.

Улардан бир ҳақида юқорида тўхталдик: ижарага олувчи, ҳамда у жавобгар бўлган ҳар қандай шахснинг уй-жойдан белгиланмаган тартибда фойдаланиши (Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодексининг 607-моддасига қаранг).

Иккинчи ҳолат — мунтазам равишда қўшнилар ҳуқуқ ва манфаатларининг бузилиши. Бунда конун чиқарувчи сўз нима ҳақида бораётганига изоҳ бермаган, лекин одатда маст ҳолдаги жанжаллар, тунда баланд мусиқа эшитиш ва бошқа шу каби жамоат жойида ноўрин бўлган ҳаракатлар ҳақида гапирилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 28 июндаги 325-сонли қарори билан тасдиқланган «Турар-жойларни ва уй атрофидаги ерларни сақлаш ва фойдаланиш Қоидалари»нинг 17-банди билан белгиланган қоидага кўра квартираларда осойишталик сақланиши керак. Проигривателлар, магнитофонлар ва телевизорлар ва ҳар қил баланд товуш чиқарувчилардан фойдаланишга соат 23.00 дан бошлаб эрталаб соат 7.00 гача қўшниларнинг осойишталигини бузмайдиган даражада паст товушда қўйиш шарти билан йўл қўйилади.

7. Иккала ҳолат учун ҳам ўзига хос тартиб ўрнатилган. Аввало, ижарага берувчи ижарага олувчи, ёки у жавобгар бўлган шахс томонидан йўл қўйилган хатоларни кўрсатиб, бу каби ҳаракатларни тўхтатиш зарурлиги ҳақида огоҳлантириши лозим. Қоидабузарликлар тузатилмай қолаверган

тақдирдагина ижарага берувчи шарҳланаётган моддада кўзда тутилган тартибда судга мурожаат қилишга ҳақли.

161-модда. Уй-жойни ижарага бериш шартномасини бекор қилишнинг оқибатлари

Уй-жойни ижарага бериш шартномаси бекор қилинган тақдирда, ижарага олувчи ва шартнома бекор қилинган вақтда уй-жойда яшаб турган бошқа фуқаролар суднинг қарорига асосан уй-жойдан кўчириб чиқарилиши лозим.

1. Шарҳланаётган моддага биноан ижарага олувчи, ҳамда шартнома бекор қилинган вақтда уй-жойда яшаб турган бошқа фуқароларнинг шартнома предмети бўлган уй-жойдан суд қарорига асосан чиқариб юборилиши, уй-жойни ижарага бериш шартномасини бекор қилишнинг оқибати бўлади.

Муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги эгаллаб турилган турар жойдан кўчиришга Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодексининг 70-моддасига асосан қонунда белгиланган асослар бўйича йўл кўйилади.

Чиқариб юборишга ижарага олувчининг ижара шартномасини бузганлиги учун кўриладиган чора сифатида қараш керак.

2. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодексининг 74-моддасида фуқароларга бошқа турар-жой ажратилмасдан чиқариб юборишга асослар санаб ўтилган. Айбдорларнинг чиқариб юборилиши ижарага берувчи ёки бошқа манфаатдор шахсларнинг талабига биноан бошқа турар-жой ажратилмасдан амалга оширилади, агарда муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жойни ижарага олувчи, унинг оила аъзолари ёки у билан доимий яшаётган фуқаролар турар жойни бузаётган ёхуд шикастлантираётган ёки ундан ўз мақсади бўйича фойдаланмаётган ёхуд турмуш қодаларини мунтазам бузиб бошқаларнинг у билан бир квартира ёки бир уйда яшаш имконини бермаётган бўлсалар, бунда огоҳлантиришлар ва жамоат таъсир чоралари натижа бермаган бўлса, шунингдек шартномада узоқроқ муддат белгиланмагани ҳолда ижарага олувчи турар жой ҳақини олти ой тўламаган бўлса, қисқа муддатли ижарада эса шартномада белгиланган

тўлов муддати ўтганидан сўнг икки мартадан ортиқ тўланмаган ҳолда амалга оширилади.

Турар-жой арендаси шартномасига келадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодексининг 93-моддасига кўра Турар жой арендаси шартномаси, агар шартномада ёки қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тарафлар келишуви бўйича ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Шартнома шартлари бир тарафнинг айби билан бузилганда, шунингдек шартномада ёки қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда турар жой арендаси шартномаси иккинчи тарафнинг талабига биноан, суд қарорига кўра ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

36-БОБ ТЕКИН ФЙДАЛАНИШ

617-модда. Текин фойдаланиш шартномаси тушунчаси

Текин фойдаланиш (ссуда) шартномаси бўйича бир тараф (ссуда берувчи) иккинчи тарафга (ссуда олувчига) ашёни вақтинча текин фойдаланиш учун бериш мажбуриятини олади ёки беради, иккинчи тараф эса бу ашёни қандай олган бўлса, нормал ейилишни ҳисобга олиб худди шундай ҳолатда ёки шартномада назарда тутилган ҳолатда қайтариб бериш мажбуриятини олади.

Текин фойдаланиш шартномасига нисбатан ушбу Кодекс 537-моддасида, 540-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 545-моддасида, 553-моддасининг тўртинчи қисмида, 555-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган қоидалар қўлланади.

1. Мол-мулкдан амалдаги қонунчиликка асосан вақтинчалик текин фойдаланиш турар-жойни ижара ва вақтинчалик фойдаланишга олиш билан бир қаторда унинг эксплуатациясига, бу каби ҳаракатларнинг фойдали томонларини олишга йўналтирилган шартномалар гуруҳига киради.

Мазкур келишув ссуда шартномаси, деган ном билан ҳам аталади. Янги Фуқаролик Кодекси қабул қилингунига қадар бу термин шартли ва фуқаролик қонунчилигида кўриб чиқиладиган муносабатларга нисбатан қўлланмас эди. Замоनावий шароитда «ссуда» сўзи фуқаролик ишларида ва норматив ҳужжатларда шунингдек, биров бошқа маънода — қарз (жумладан, қисқа муддатли ва узоқ муддатли ссуда) сўзининг синоними сифатида ҳам кенг ишлатилади.

Худди шу маънода мазкур атамани қонунчилик мулоқотда ҳам ишлатишади. Бундан ташқари, турли имловий луғатларда берилишича ва одатга айланган амалиётга кўра ссуда молиявий ёки натура тарзида берилган қарзни англатади. Шунга қарамай, тўғри қўлланилишига қараб «ссуда» ҳозирда янги маънога эга бўлди.

Ссуда шартномаси тарафлари бу — ссуда берувчи ва ссуда олувчи. Ссуда шартномаси объекти — турга хос аломатли ашёдир.

2. Текин фойдаланиш шартномасининг тушунчасидан кўринадики, у (ҳада каби) консенсул ва реал бўлиши мумкин. Биринчи шаклда шартнома икки тарафлама ҳисобланади, чунки, мажбуриятлар иккала тарафда ҳам юзага келади, иккинчи шаклда эса — бир тарафлама бўлади (мажбурият фақат ссуда олувчига юкланади). У вақтинча фойдаланишга олган нар-сасини қайтаришга мажбур.

3. Қонунда ссудага олинган ашёнинг нормал ейилишни ҳисобга олиб худди шундай ҳолатда ёки шартномада назарда тутилган ҳолатда қайтарилиши кераклиги қайд этилганлигини алоҳида тушунтириш талаб этилади.

Ссуда ва ижара шартномаларининг алоҳида олинганда турга хос аломатли ашёни вақтинчалик фойдаланишга беришни англатувчи ўхшашлиги (биринчиси — фойда кўриш мақсадида, иккинчиси — текинга) сабабли ссуда шартномасига ижара тўғрисидаги қатор умумий қоидалар кўлланилади.

Фуқаролик Кодекси текин фойдаланиш мулк ижараси тўғрисидаги қатор нормалар билан тартибга солинишини назарда тутди. Улар ўртасидаги ўхшашлик салмоқли бўлишига қарамай, қатор фарқлар мавжуд. Асосий фарқ сифатида кўпинча бирининг текинга тузилиш, иккинчисининг эса фойда кўриш мақсадида эканлиги деб кўрилади.

Мазкур қоида фойдаланишга берилаётган объектлар (ФК 537-моддаси), шартнома муддати (ФК 540-моддаси), фойдаланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари (Ўз. Р ФК 545, 548, 615-моддалари) шартномани номуайян мудатга янгидан тузилган деб тан олиш имконияти (Ўз. Р ФК 553-моддаси), фойдаланишга топширилган мулкни яхшилашга кетадиган харажатларни тарафлар ўртасида тақсимланиш тартибини (Ўз. Р ФК 55-моддаси) белгиловчи тегишли моддаларни санаб ўтади.

Мазкур бўлимнинг куйида шарҳланаётган моддалари текин фойдаланиш тўғрисидаги энг муҳим қоидаларни батафсил баён этади.

618-модда. Ссуда берувчи

Ашёни текин фойдаланишга бериш ҳуқуқига унинг мулкдори ва қонун ёки мулкдор томонидан ваколат берилган бошқа шахслар эга бўлади.

Тижорат ташкилоти ўз муассиси, иштирокчиси (акциядори), раҳбари, ўз бошқарув ёки назорат органларининг аъзоси бўлган шахсга ашёни текин фойдаланишга беришга ҳақли эмас.

1. Шарҳланаётган модда тарафларнинг бирига махсус тааллуқли бўлган нормаларни алоҳида ажратади.

Мулқдорнинг нарсани бошқа шахсга бериш ҳуқуқи унинг ўзига тегишли ваколатдир. У ўз мулкини тасарруф этиш ҳуқуқини амалга оширишни хусусий кўринишини ўзида ифодалайди (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 164-моддаси). Бундай ҳуқуққа қонун ёки мулқдор томонидан ваколат берилган шахслар ҳам эга бўладилар. Мулқдор розилиги билан ҳаракат қилувчи шахсга келадиган бўлсак, бундай ҳуқуқ ишончнома бериш ёки бошқа қандайдир келишувнинг амалга оширилиши натижасида қўлга киритилиши мумкин.

2. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодексининг 88-моддасига асосан арендага олувчи арендага берувчининг розилиги билан арендага берилган турар жойни иккиламчи арендага (ижарага) беришга ва аренда шартномаси бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа шахсга ўтказишга (қайта ижара), арендага берилган турар жойни текин фойдаланишга беришга ҳақлидир. Бундай ҳолларда арендага олувчи арендага берувчи олдида шартнома бўйича жавобгар бўлиб қолади. Қолаверса, текин фойдаланиш шартномаси муддати ижара шартномаси муддатидан узокроқ муддатга тузилиши мумкин эмас.

«Гаров тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Қонунининг 21-модда, 3-қисми, учинчи хатбошиси гаровга олувчининг розилиги билан гаров нарсасини бошқа шахсга бериш, уни ижарага ёки бепул фойдаланиш учун бошқа шахсга топшириш ёхуд уни бошқача тарзда тасарруф этишга рухсат беради.

3. Алоҳида ҳолларда қонун баъзи чекловларни киритган ҳолда шахсга мулкни текинга фойдаланишга рухсат беради. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 184-моддасига асосан васий васийлик органларининг аввалдан берилган рухсатисиз бундай келишувларни амалга оширишга ҳаққи йўқ.

Тижорат ташкилотларига мулкни шарҳланаётган моддада келтирилган шахсларга текин фойдаланишга топширишни тақиқлашдан мақсад, бу шахсларнинг тижорат ташкилотлари билан ўзаро муносабатларда суи-

стеъмол ҳолатларининг олдини олишдан иборат. Агар бундай ҳаракатлар содир этилса, улар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 116-моддасига асосан қонун ҳужжатларига мувофиқ келмайдиган битим деб топилиб, ўз-ўзидан ҳақиқий саналмайди.

619-модда. Ашёни текин фойдаланиш учун бериш

Ссуда берувчи ашёни ундан текин ҳамда вазифасига мувофиқ фойдаланиш шартларига жавоб берадиган ҳолатда топшириши шарт.

Агар шартномада бошқа тартиб назарда тutilган бўлмаса, ашё ундан текин фойдаланиш учун барча мансуб ашёлари ва тегишли ҳужжатлари (фойдаланиш бўйича йўриқномалар, техник паспорти ва шу кабилар) билан бирга берилади.

Агар бундай ашёлар ва ҳужжатлар берилмаган бўлиб, уларсиз ашёдан вазифасига мувофиқ фойдаланиб бўлмаса ёки ундан фойдаланиш ссуда олувчи учун ўз аҳамиятини анча йўқотса, ссуда олувчи бундай ашёлар ва ҳужжатлар берилишини ёки шартнома бекор қилиниб, ўзи кўрган ҳақиқий зарарнинг ўрнини қоплашни талаб қилишга ҳақли.

«Ссуда берувчи ашёни. топшириши шарт» ибораси гап бу ерда фақатгина консенсуал шартнома тўғрисида бораётганини билдирмайди. Ўрганилаётган вазиятда нарсанинг топширилиши эмас, унинг текин фойдаланишга берилиши тўғрисида дейиш тўғрироқ бўларди (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 617-моддасига қаранг). Бу ерда аслини олганда ссуда берувчининг ашёни кам-қўстсиз, шикастланмаган ҳолда топшириш мажбурияти қайд этилади. Қолаверса, ашё билан бирга унга мансуб барча ашёлар ва тегишли ҳужжатлар берилиши керак (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 90-моддаси). Баён этилган норма диспозитив ҳисобланади. Ундан кейин, қонунда ашёни фойдаланиш имкони бўлмаган ёки маълум даражада бу имконият йўқоладиган ашёни ускуналарисиз ва ҳужжатларисиз тақдим қилиниш икки хил оқибати берилади. Бундай ҳолда ссуда олувчи шартноманинг амалда қўлланилишини ёки бекор қилилишини ва у томонидан кўрилган реал зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли. Сўнгги банд ашёни нормал эксплуатацияси учун кетган харажатларни ўз ичига олади.

Жавобгарликнинг қисман чегараланганлиги (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 14-моддаси) мазкур шартноманинг текинлиги билан белгиланади.

620-модда. Ашёни текин фойдаланишга бермаслик оқибатлари

Агар ссуда берувчи ашёни ссуда олувчига бермаса, ссуда олувчи шартномани бекор қилиш ва етказилган ҳақиқий зарарнинг ўрнини қоплашни талаб қилишга ҳақли.

1. Олдинги моддадан фарқли ўлароқ мансуб ашёлар ва ҳужжатларнинг тақдим қилинмаслиги тўғрисидаги, шарҳланаётган моддада асосий урғу ашёни тақдим қилинмаслиги оқибатларига қаратилади. Бу ҳолатда шартномани (натура тарзида ижро этиш тўғрисидаги шартномадан ташқари) бекор қилишни талаб қилиш ва фақат реал зарарни (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 14-моддаси, 2-қисми) қоплашга йўл қўйилади. Яъни ҳуқуқлари бузилган шахснинг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши керак бўлган харажатлари, унинг мулкининг йўқолиши ёки зиён кўришини (реал зарар) қоплайди.

2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 382-моддасига асосан агар ушбу Кодексда, бошқа қонунларда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартнома тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

Тарафлардан бирининг талаби билан шартнома суд томонидан фақат қуйидаги ҳолларда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин:

- 1) иккинчи тараф шартномани жиддий равишда бузса;
- 2) ушбу Кодекс, бошқа қонунлар ва шартномада назарда тутилган ўзга ҳолларда.

Тарафлардан бирининг шартномани бузиши иккинчи тарафга у шартнома тузишда умид қилишга ҳақли бўлган манфаатдан кўп даражада маҳрум бўладиган қилиб зарар етказиши шартномани жиддий бузиш ҳисобланади.

Бир тараф шартномани бажаришдан тўла ёки қисман бош тортиб, қонун ёхуд тарафларнинг келишувидан бунга йўл қўйилса, шартнома тегишлича бекор қилинган ёки ўзгартирилган ҳисобланади.

621-модда. Текин фойдаланиш учун берилган ашёнинг камчиликлари учун жавобгарлик

Ссуда берувчи текин фойдаланиш шартномасини тузиш пайтида қасддан ёки қўпол эҳтиётсизлик билан ашёнинг камчиликларини айтиб қўймаган бўлса, бу камчиликлар учун жавоб беради.

Бундай камчиликларни аниқлаганида ссуда олувчи ўз хоҳишига қараб, ссуда берувчидан ашёдаги камчиликларни текин бартараф этишни ёки ашёнинг камчиликларини бартараф этишга қилинган харажатларни қоплашни ёхуд текин фойдаланиш шартномасини муддатидан олдин бекор қилиб, ҳақиқий зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Ссуда олувчининг талабларидан ёки унинг ашёдаги камчиликларни ссуда берувчининг ҳисобидан бартараф этиш ниятидан хабардор қилинган ссуда берувчи бузуқ ашёни кечиктирмасдан тегишли ҳолатдаги худди шундай ашё билан алмаштириши мумкин.

Ашёнинг текин фойдаланиш шартномасини тузиш вақтида кўрсатиб ўтилган ёки ссуда олувчига олдиндан маълум бўлган ёхуд у ашёни кўздан кечириш ёки шартнома тузиш ёхуд ашёни топшириш вақтида унинг созлигини текшириш чоғида аниқлаши лозим бўлган камчиликлари учун ссуда берувчи жавобгар бўлмайди.

1. Ссуда берувчи атайин ёки қўпол эҳтиётсизлик натижасида шартноманинг тузилиш вақтида айтиб ўтилмаган ҳолатлардагина нарсанинг камчиликларига жавоб беради. Бошқа ҳолатларда жавобгарлик юзага келмайди.

Шартнома тузилаётган вақтда билмаган камчиликлар учун ссуда берувчи ижарага берувчидан фарқли равишда жавобгарликка тортилмайди (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 542-моддасининг биринчи қисмига қаранг).

Ссуда олувчи ссуда берувчи жавобгар бўлган камчиликларни аниқласа, ўз хоҳишига қараб қуйидагиларни талаб қилишга ҳақли:

уларнинг текинга бартараф этилиши;

ўзининг камчиликларни баратараф этишга кетган харажатларини қоплашни;

шартноманинг муддатдан олдин бекор қилинишини ва у томондан кўрилган реал зарарнинг қопланишини.

Ссуда олувчи томонидан нарса камчиликларининг аниқланиши унга уч оқибатдан бирини танлаш имконини беради. Шу ўринда уларнинг биринчиси — ссуда берувчи томонидан ашёдаги камчиликларнинг текин бартараф этилишини ўзининг ҳуқуқий табиатига кўра жавобгарлик ҳисобланмаслигини таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 621-моддаси, 3-қисми ссуда берувчига бузук ашёни кечиктирмасдан тегишли ҳолатдаги худди шундай ашё билан алмаштириш имконини беради.

2. Шарҳланаётган модданинг 3 ва 4 қисмларида ссуда берувчининг фойдаланишга тақдим этилган нарсанинг камчиликлари учун жавобгарликдан озод қилиниш ҳоллари санаб ўтилган. Бу у томонидан ашёни дарҳол алмаштириш ҳоллари (ссуда олувчининг талаблари ҳақида огоҳлантирилгандан кейин), шунингдек, нарсанинг камчиликлари шартнома тузишда айтиб ўтилган ёки ссуда олувчига маълум бўлган, ёки ссуда олувчи томонидан шарҳланаётган моддада белгиланган тартибда (шартнома тузиш ёки ашёнинг тақдим этилишида ашёни кўриб чиқиш ёки унинг носозлигини текшириш) аниқланган вазиятлар бўлиши мумкин.

622-модда. Текин фойдаланишга топширилаётган ашёга учинчи шахсларнинг ҳуқуқи

Ашёнинг текин фойдаланишга топширилиши бу ашёга учинчи шахсларнинг ҳуқуқларини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлмайди.

Текин фойдаланиш шартномасини тузишда ссуда берувчи бу ашёга учинчи шахсларнинг барча ҳуқуқлари (сервитут, гаров ҳуқуқи ва бошқалар) тўғрисида ссуда олувчини огоҳлантириши шарт. Бу мажбуриятни бажармаслик ссуда олувчига шартномани бекор қилиш ва ҳақиқий зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқини беради.

7. Шарҳланётган модданинг қоидаси кўрсатилган ном билан қонунчиликда илк маротаба ишлатилган. У ашёнинг текин фойдаланишга тақдим этилаётганида учинчи шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга

қаратилган. Бу каби ҳаракат уларнинг ҳуқуқларини ўзгартиришга ёки тугатишга олиб келмаслиги керак (масалан, ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш (сервитут) — Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 173-моддаси, гаров ҳуқуқи — Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 264-моддаси).

Айни пайтда ссуда берувчи ссуда олувчини текин фойдаланишга берилаётган ашёга учинчи шахсларнинг ҳар қандай ҳуқуқи тўғрисида огоҳлантириши лозим. Ссуда берувчи ссуда олувчини тақдим этилган ашёга мавжуд ҳуқуқлар тўғрисида огоҳлантирмаган тақдирда, ссуда олувчи нафақат шартноманинг бекор қилинишини балки, реал зарарнинг қопланишини ҳам талаб қилишга ҳақли.

623-модда. Ссуда олувчининг ашёни сақлаш мажбуриятлари

Ссуда олувчи текин фойдаланиш учун олинган ашёни соз ҳолатда сақлаши шарт. Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ссуда олувчи ашёни жорий ва капитал таъмирлаши ва уни сақлаш билан боғлиқ ҳамма харажатларни тўлаши шарт.

Ссуда олувчига қабул қилиб олинган ашёни соз ҳолатда тутиш, яъни, биринчидан нафақат жорий, балки капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш, иккинчидан, уни сақлаш бўйича барча харажатларни тўлаш мажбурияти юкланади. Шу ўринда мазкур норманинг диспозитив эканини таъкидлаш лозим: мазкур қоида шартномада бошқа ҳол назарда тутилмаган тақдирдагина қўлланилиши мумкин.

624-модда. Ашёнинг тасодифан нобуд бўлиш ёки тасодифан бузилиш хавфи

Агар ссуда олувчи ашёдан шартномага ёки унинг вазифасига номувофиқ ҳолда фойдаланиши ёхуд уни ссуда берувчининг розилигисиз учинчи шахсга бериши туфайли ашё нобуд бўлса ёки бузилса, текин фойдаланиш учун олинган ашёнинг тасодифан нобуд бўлиш ёки тасодифан бузилиш хавфи ссуда олувчининг зиммасида бўлади. Ссуда олувчи ўз ашёсидан воз кечиб, ссудага берилган ашёнинг нобуд бўлиши ёки бузилишини баргараф қилиш имкониятига эга бўлган

бўлса ҳам, ашёнинг тасодифан нобуд бўлиш ёки тасодифан бузилиш хавфи унинг зиммасида бўлади.

1. Мазкур қоидаларни Фуқаролик Кодекси иккинчи бўлимининг умумий қоидаларидан бири — «Мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар»ни ҳисобга олган ҳолда қўллаш керак. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 175-моддасига асосан мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиш ёки бузилиш хавфи, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мол-мулк эгасининг зиммасидадир.

2. Умумий қоидадан истисно ҳам, шарҳланаётган моддада қайд этилган. Унда кўрсатилган уч вазиятда мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиш ёки бузилиш хавфига мулк эгаси эмас ссуда олувчи жавоб беради. Бу унинг тақдим этилган ашёдан шартнома шартларига тўғри келмайдиган тарзда фойдаланган бўлса ёки ашёнинг мақсадига зид равишда ишлатган бўлса, ёхуд ссуда берувчининг розилигисиз ашёни учинчи шахсга берган, ёки шароитга кўра ўз ашёсини қурбон қилиб, унинг нобуд бўлиши ёки бузилишининг олдини олган бўлса, қўлланилиши мумкин.

625-модда. Ашёдан фойдаланиш натижасида учинчи шахсга етказилган зарар учун жавобгарлик

Ссуда берувчи ашёдан фойдаланиш натижасида учинчи шахсга етказилган зарар учун, башарти бу зарар ссуда олувчи томонидан ёки бу ашё ссуда берувчининг розилиги билан қўлига тушиб қолган шахс томонидан қасддан ёхуд қўпол эҳтиётсизлик туфайли етказилганини ёинки зарар ссуда олувчининг эгалигидан ссуда берувчининг розилигисиз чиқиб кетган ашёдан фойдаланиб етказилганини исбот қилмаса, жавобгар бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексидаги ссуда берувчининг ашёнинг камчиликлари учун контрагент-ссуда олувчи олдида жавобгарлигини белгилайдиган 621-моддасидан фарқли равишда шарҳланаётган модда ссуда берувчининг учинчи шахсга етказган зарарига нисбатан жавобгарлигини (илгари фуқаролик қонунларида учрамаган) кўзда тутди. Жавобгарликдан озод қилиниш ҳолати зарарнинг ссуда олувчи ёки ссуда берувчининг розилиги билан ашё қўлига тушиб қолган бошқа шахс томонидан қилинган ҳуқуқбузарлик (қасддан ёки қўпол эҳтиётсизлик

туфайли) натижасида келтирилганида бўлади. Бу ҳолатни исботлаш бурчи ссуда берувчига юкланади.

Ссуда олувчи эгалиги ва фойдаланишида оширилган хавф манбаи мавжуд бўлган ҳолат ўзига хос бўлади. У томонидан етказилган зарарни қоплаш мажбурияти шу манбага қонуний асосда эгалик қилувчи шахсга юкланади. Бундай шахс Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 999-моддасига кўра «Теварак-атрофдагиларга ошиқча хавф туғдирадиган фаолият туфайли етказилган зарар учун жавобгарлик» нормасига кўра ссуда олувчи бўлиши мумкин.

626-модда. Текин фойдаланиш учун олинган ашёни учинчи шахсга топшириш

Ссуда олувчи текин фойдаланиш учун олган ашёни учинчи шахсга фойдаланиш учун фақат ссуда берувчининг розилиги билан ва унинг олдида масъул бўлиб қолган ҳолда беришга ҳақли.

Шарҳланаётган моддада қонун чиқарувчи ссуда олувчини текин фойдаланиш учун олинган ашёни учинчи шахсга бериш ҳуқуқи билан таъминлаб, бундай топширишнинг шартларини изохлаб ўтади: ссуда берувчининг розилиги ва ссуда олувчининг у олдида жавобгарлигининг мажбурийлиги; лекин, ссуда берувчининг розилиги қандай кўринишда бўлиши кераклиги белгилаб қўйилмаган.

Ссуда берувчининг розилиги ашёдан текин фойдаланиш шартномаси каби ёзма равишда тақдим этилиши керак, деган қоида бу борада ўринли бўлган бўлур эди.

627-модда. Текин фойдаланиш шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш

Ссуда берувчи қуйидаги ҳолларда шартномани муддатидан олдин бекор қилишни талаб қилишга ҳақли, агар ссуда олувчи:

ашёдан шартномага ёки ашёнинг вазифасига мувофиқ фойдаланмаса;

ашёни соз ҳолатда сақлаш ёки уни асраш мажбуриятларини бажармаса; ашёнинг ҳолатини анча ёмонлаштира;

ссуда берувчининг розилигисиз ашёни учинчи шахсга берган бўлса.

Ссуда олувчи қуйидаги ҳолларда текин фойдаланиш шартномасини муддатидан олдин бекор қилишни талаб қилишга ҳақли:

ашёдан нормал фойдаланишни мумкин бўлмайдиган ёки қийин қилиб қўядиган нуқсонларни аниқлаган бўлса, бу нуқсонлар хусусида шартнома тузиш пайтида билмаган ва билиши мумкин бўлмаган тақдирда;

агар ўзи жавобгар бўлмаган ҳолатларга кўра ашё ундан фойдаланиш мумкин бўлмайдиган ҳолатга келиб қолса;

агар шартнома тузишда ссуда берувчи уни топширилайётган ашёга нисбатан учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида огоҳлантирмаган бўлса;

ссуда берувчи ашёни ёки унга мансуб ашёларни ва тегишли хужжатларни бериш мажбуриятини бажармаса.

1. Мазкур шартномани муддатидан олдин бекор қилиниши тўғрисидаги жуда батафсил баён этилган қоидалар Фуқаролик Кодексининг 28-бобидаги шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш тўғрисидаги умумий қоидаларга мос келади (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 382-моддасига қаранг). Шарҳланаётган моддада ҳар икки тарафнинг шартномани муддатдан олдин бекор қилиш ҳуқуқи ҳақида сўз боради. Кўп шарҳларда бунинг суд қарорига асосан бўлиши мумкинлиги таъкидлаб ўтилади. Аммо, суд аралашувидан аввал тарафлар томонидан келишув асосида ҳал этишга ҳаракат қилиш тартиби белгиланган.

Қонундан аён бўладиги, шартноманинг бекор қилиниши фақатгина иккала тарафдан бири унинг шартларидан бирини кўпол бузганлигида мумкин бўлади. Ссуда берувчи талабларининг асослилиги ссуда олувчининг ғайриҳуқуқий ҳаракатларига боғлаб қўйилган. У ашёнинг шартномада кўзда тутилмаган тарзда ёки мақсадига зид равишда ишлатилиши, ашёни соз ҳолатда сақлаш ҳақидаги мажбуриятларнинг бажарилмаслиги, ашё ҳолатининг сезиларли ёмонлашишида, учинчи шахсга ссуда берувчи розилигиз бериб юборилишида намоён бўлиши мумкин.

2. Ссуда олувчининг шартномани бекор қилиш тўғрисидаги талаби қуйидаги тўрт ҳолатда асосли деб тан олинади. Уларнинг дастлабки иккиси нарсдан фойдаланишни имконсиз ёки фойдаланиш жараёнини ноқулай қиладиган камчиликларни аниқлашга боғлиқ. Бунда ссуда олувчи кам-

чиликларнинг мавжудлиги тўғрисида шартнома тузиш вақтида билмаган ва билиши лозим бўлмаган бўлиши керак. Ундан ташқари, ссуда олувчи шартнома тузишда унга тақдим этилган ашёга учинчи шахсларнинг ҳуқуқи тўғрисида огоҳлантирилмаган бўлса, шунингдек, ссуда берувчи томонидан ашёни (унга мансуб ашёлар ва ҳужжатларни) тақдим қилиш мажбурияти бажарилмаганда шартномани бекор қилишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

628-модда. Текин фойдаланиш шартномасидан воз кечиш

Агар ашёдан текин фойдаланиш муддати шартномада белгилаб қўйилган бўлмаса ва шартномада хабар қилишнинг бошқа муддати назарда тутилмаган бўлса, ҳар қайси тараф иккинчи тарафни бир ой олдин хабардор қилиб, шартномадан хоҳлаган пайтда воз кечишга ҳақли.

Агар текин фойдаланиш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ссуда олувчи муддати кўрсатиб тузилган шартномадан ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган тартибда ҳар қачон воз кечишга ҳақли.

1. Шарҳланаётган модда иккала нормасининг ҳам диспозитивлигини ҳисобга олган ҳолда, ҳар икки тараф шартноманинг амал қилишини тугатишга ҳақли.

2. Шартнома муддат кўрсатилмасдан тузилган бўлса, тарафлар исталган вақтда иккинчи тарафни бу ҳақида огоҳлантириб, шартномадан воз кечиши мумкин. Ссуда олувчи ҳам, гарчи шартноманинг амал қилиш муддати белгиланган бўлса, муддатидан олдин юқоридаги тартибда шартномадан воз кечиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолатда ссуда берувчига бир ойдан кеч бўлмаган муддатда олдиндан хабар юборилиши керак.

629-модда. Текин фойдаланиш шартномасидаги тарафларнинг ўзгариши

Ссуда берувчи ашёни бошқа шахсга беришга ёки уни ҳақ эвазига фойдаланиш учун учинчи шахсга топширишга ҳақли. Бунда аввал тузилган текин фойдаланиш шартномаси бўйича ҳуқуқлар янги мулкдор ёки фойдаланувчига ўтади, унинг ашёга нисбатан ҳуқуқлари қаторига ссуда олувчининг ҳуқуқлари қўшилади.

Ссуда берувчи фуқаро вафот этган ёхуд ссуда берувчи юридик шахс қайта ташкил этилган ёки тугатилган тақдирда текин фойдаланиш шартномаси бўйича уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари меросхўрга ёки бошқа ҳуқуқий ворисга ёхуд ашёга мулк ҳуқуқи ёки ашёни текин фойдаланиш учун топширишга асос бўлган ўзга ҳуқуқ ўтган бошқа шахсга ўтади.

Ссуда олувчи юридик шахс қайта ташкил этилган тақдирда, текин фойдаланиш шартномасида бошқа тартиб назарда тутилган бўлмаса, унинг шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳуқуқий ворисга ўтади.

1. Шарҳланаётган моддада илгари амалда бўлган қонунчиликка номаълум бўлган қоидалар ақс этган. У ссуда олувчиларни ҳар тарафлама ҳимоя қилишга йўналтирилган.

2. Ссуда берувчи мулкдор ёки бошқа ваколатли шахс сифатида (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 618-моддаси) ссуда олувчи фойдаланишида бўлган ашёни тасарруф этиш, уни бегоналаштириш ёки ҳақ эвазига фойдаланиш учун учинчи шахсларга бериш ҳуқуқига эга. Бунда олдин тузилган текинга фойдаланиш шартномаси бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар янги мулкдор ёки ижарага олувчига ўтади. Шу билан бирга текинга фойдаланиш шартномасининг тарафи бўлиб қолувчи ссуда олувчининг ҳуқуқлари ҳам бузилмайди.

3. Шарҳланаётган моддада ссуда берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари унинг ворисларига (ҳуқуқий ворисларига) ёки ссуда олувчи фуқаро вафот этган, юридик шахс эса қайта ташкил этилган ёхуд тугатилган ҳолларда бошқа шахсга ўтиши тўғрисидаги қоидалар ўрнатилган. Мазкур норма Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 351 ва 352-моддаларида мустақамланган, фуқаронинг вафоти ёки юридик шахснинг тугатилиши муносабати билан мажбуриятнинг бекор бўлиш ҳолларидан тубдан фарқ қилади.

4. Ссуда олувчи юридик шахс қайта ташкил этилганда унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, агар шартномада бошқа ҳол назарда тутилмаган бўлса, унинг ҳуқуқий ворисига ўтади. Ссуда олувчи фуқаронинг ворисларига келадиган бўлсак, агар шартномада бошқа вазият кўзда тутилмаган бўлса, улар бундай ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўла олмайдилар.

630-модда. Текин фойдаланиш шартномасининг бекор бўлиши

Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ссуда олувчи фуқаро вафот этган ёки ссуда олувчи юридик шахс тугатилган ҳолларда текин фойдаланиш шартномаси бекор бўлади.

Шарҳланаётган модданинг номи ва жойлашувидан текин фойдаланиш муносабатларини назорат қилиш қоидаларининг якунини кўрамиз. Амалдаги диспозитив норма бошқа шарт шартномада кўрсатилмаган бўлса, ссуда олувчи фуқаро ўлими ёки юридик шахснинг тугатилишидан кейин мажбуриятларнинг тугатилишини назарда тутади. Юридик шахс қайта ташкил этилса, ҳуқуқ ва мажбуриятлари унинг ҳуқуқий ворисига ўтиши мумкин. (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 629-моддасига қаранг).

37-БОБ. ПУДРАТ

1§. ПУДРАТ ТЎҒРИСИДА УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

631-модда. Пудрат шартномаси

Пудрат шартномаси бўйича бир тараф (пудратчи) иккинчи тараф (буюртмачи)нинг топшириғига биноан маълум бир ишни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига белгиланган муддатда топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса иш натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади. Агар қонун ҳужжатларида ёхуд тарафлар келишувида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ишни бажариш учун пудратчи таваккал қилади.

Пудрат шартномасининг айрим турлари (маиший пудрат, қурилиш пудрати, лойиҳалаш ёки қидирув ишлари пудрати, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технология ишлари пудрати)га, агар ушбу Кодекснинг бундай турдаги шартномалар тўғрисидаги қоидаларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ушбу параграфда назарда тутилган қоидалар қўлланади.

1. Пудрат бу шундай ҳуқуқий муносабатки, унга кўра бир тараф (пудратчи) иккинчи тараф (буюртмачи)нинг топшириғига биноан маълум бир ишни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига белгиланган муддатда топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса иш натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1963 йилги Фуқаролик кодексида пудрат шартномасининг икки хил кўриниши мавжуд бўлган бўлиб, унинг 32-боби «Пудрат», 33-боби эса «Капитал қурилишга оид пудрат» деб номланган. Қайд этилган 33-бобнинг нормаларидаги тушунчалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, нафақат қурилиш ишлари шартномасининг предмети билан, балки ушбу жараёнда вужудга келадиган муносабатлар иккала контрагентлари учун ҳам мажбурий бўлган режанинг мавжуд бўлиши билан ажралиб турган.

Бунда иккита алоҳида бобнинг мавжудлиги тегишли шартномаларнинг ўзаро мустақиллигини тасдиқлайди.

Таъкидлаш жоизки, Фуқаролик кодексининг 631-моддасида пудратнинг предмети бўлиб аниқ натижага эришиш — буюртмачининг топшириғига мувофиқ бўлган аниқ моддий натижа ҳисобланади. Буюртмачининг топшириғида энг муҳими охирги иш натижани белгилаш муим бўлиб ҳисобланади. Ёрдамчи пудрат шартномасининг предмети пудрат шартномасининг предметига қараганда анча тор ва фарқ қилади, зеро у пудрат шартномасининг бир бўлагидир (бутуннинг қисми).

2. Фуқаролик кодекси 631-моддаси 1-қисмида акс этирилган пудрат шартномасига мувофиқ бир тараф (пудратчи) иккинчи тарафнинг (буюртмачи) топшириғига биноан маълум бир ишни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига белгиланган муддатда топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса иш натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади. Лойиҳа ва қидирув ишларини бажариш шартномасига мувофиқ пудратчи (лойиҳаловчи, қидирувчи) ижрочи лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва (ёки) қидирув ишларини бажариш мажбуриятини олади, илмий-текшириш, тажриба-конструкторлик ва технологик ишларни бажариш шартномаси бўйича эса — янги маҳсулот намунасини, унга тегишли конструкторлик ҳужжатларини ёки янги технологияларни ишлаб чиқиш, буюртмачи пудратчига (ижрочига) техникавий топшириқ бериш ишини қабул қилиб олиш ва унинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олади (ФК 693-моддаси).

Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, 37-бобда белгиланган пудрат шартномаларидан ҳар бирини тузишда тегишли параграфларнинг қоидалари пудрат шартномасига доир умумий нормага нисбатан махсус қоида вазифасини ўтайди. Бунда шуни назарда тутиш керакки, махсус ва умумий хусусиятли параграфлар ўртасида коллизия келиб чиққанда махсус нормаларга қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

3. Ҳар қандай пудрат шартномаси учун умумий белги бўлиб унинг асосий мазмуни, яъни тарафларнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари хизмат қилади. Пудратчи учун ишнинг буюртмачи топшириғига қатъий мос келадиган натижаси, буюртмачи учун эса ишни қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш муҳимдир.

Пудрат шартномаси билан ишларни бажариш жараёни тартибга солинади ва ушбу жараёнда вужудга келадиган тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланади. Илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технология ишларини бажариш шартномаларининг предмети бўлиб у ёки бу натижани қўлга киритиш ёки киритмасликдан қатъий-назар, ушбу ишларни бажариш жараёни ҳисобланади, бу эса ўз навбатида уларни пудрат шартномасидан ажратиш имконини беради.

Тарафларнинг қўшимча ҳуқуқ ва мажбуриятлари турли пудрат ишларининг ўзига хос жиҳатлари билан боғлиқ бўлиб, лекин ушбу ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг заруратига таъсир этмайди.

Пудрат шартномаси олди-сотди шартномаси билан ўхшаш, бироқ ундан фарқли ўлароқ шартнома предмети бўлиб товар эмас, балки муайян иш ҳажми ва унинг натижаси ҳисобланади. Шу боис иш ҳажми, вақти буюртмачининг топшириғига ва унга мувофиқ бўлиши шарт.

632-модда. Пудрат шартномаси бўйича бажариладиган ишлар

Пудрат шартномаси ашёни тайёрлаш ёки уни қайта ишлаш (ишлов бериш) ёхуд бошқа ишни бажариб, натижасини буюртмачига бериш ёки бошқача тарзда топшириш ҳақида тузилади.

Агар пудрат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, иш пудратчининг материаллари, унинг кучи ва маблағлари ҳисобидан бажарилади.

Агар пудрат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, буюртмачининг топшириғини бажариш усулларини пудратчи мустақил белгилайди.

Пудратчи ўзи берган материаллар ва ускуналарнинг сифати лозим даражада бўлмаганлиги учун, шунингдек учинчи шахслар ҳуқуқлари бўлган материаллар ва ускуналарни берганлиги учун жавобгар бўлади.

1. Ушбу модданинг асосий мақсади бўлиб пудрат шартномаси предметини аниқлаштириш ҳисобланади. Фуқаролик кодексининг 632-моддасида пудрат шартномасини ташкил қилувчи ишлар рўйхати ашёни тайёрлашдан бошланади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 185-моддасига мувофиқ мол-мулк олувчида мулк ҳуқуқи,

агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ашё топширилган пайтдан бошлаб вужудга келади. Қоида тарикасида буюртмачининг пудрат ишларининг натижасига нисбатан мулк ҳуқуқи вужудга келиши ва ушбу ҳуқуқнинг вужудга келиш вақти бўлиб иш натижаларини қабул қилиш пайти ҳисобланади, кўчмас мулкка нисбатан эса — ҳуқуқни давлат рўйхатига олиш пайти ҳисобланади.

Иккинчи қисмга мувофиқ, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, иш пудратчининг хом-ашёси, кучи ва асбоб-ускуналаридан фойдаланган ҳолда бажарилади. Бунда учинчи қисмга мувофиқ, агар пудрат шартномасида бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, пудратчи буюртмачининг топшириғини бажариш усулларини мустақил танлайди.

2. Ушбу моддада келтирилган пудратнинг бошқа турида унинг предмети бўлиб ашёни қайта ишлаш (ишлов бериш) ҳисобланади. Шундай қилиб, бунда ишнинг натижаси бўлиб қайта ишланган (ишлов берилган) ашё ҳисобланади. Бу ерда сўз пудратчи буюртмачидан қабул қилиб оладиган ашё (қайта ишлаш ёки ишлов бериш учун) тўғрисида бормоқда. Агар қайта ишлаш ёки ишлов бериш учун пудратчига топширилган ашё учинчи шахсдан олинган бўлса, бунда у тайёрланган ашё деб баҳоланиши керак. Фуқаролик кодексининг 632-моддасига биноан бошқа ашёни топшириш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай ишларни бажаришга оид шартномаларни тузиш имконини беради. (масалан, монтаж, созлаш-ишга тушириш шартномаси).

3. Халқаро ҳуқуқ нуқтаи-назаридан олиб қаралганда «ишлар» бино, иншоот ёки объектнинг қурилиши, қайта қурилиши, бузилиши, таъмирланиши ёки янгиланиши, шу жумладан қурилиш майдонларини тайёрлаш, ер қовлаш, жиҳоз ёки материалларни ўрнатиш, қуриш, монтаж, пардозлаш ва жиҳозлаш шунингдек, қурилиш билан биргаликда олиб бориловчи бурғулаш, геодезия ишлари, сунъий йўлдош орқали расмга олиш, сейсмик ва шунга ўхшаш маҳсулот хариди шартномаси бўйича кўрсатиладиган бошқа хизматларни билдиради, башарти уларнинг ҳақи умумий қурилиш ишлари учун тўланадиган ҳақдан кўпаймаган бўлса (ЮНСИТРАЛнинг товарлар (ишлар ва хизматлар) хариди тўғрисидаги намунавий Қонуннинг 2-моддаси d-банди).

Пудратда ишни ташкил қилиш катта аҳамиятга эга. Шуни таъкидлаш жоизки, агар пудрат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, пудратчи буюртмачининг топшириғини бажариш усулларини пудратчи мустақил белгилайди (632-модда 3-қисми).

4. Тўртинчи қисмда пудратчининг ўзи тақдим этган материал ва асбоб ускуналар сифати етарли даражада бўлмаслиги ёки уларга нисбатан учинчи шахсларнинг ҳуқуқи мавжудлиги билан чекланганлиги учун жавобгарлиги белгиланган. Шунингдек, таъкидлаб ўтиш керакки, пудратчининг нафақат ўзи тақдим этган материал ва асбоб ускуналар сифати етарли даражада бўлмаслиги ёки уларга нисбатан учинчи шахсларнинг ҳуқуқи мавжудлиги билан чекланганлиги, балки ишнинг сифати лозим даражада бўлмаганлиги учун ҳам жавобгарлиги белгиланган.

Материаллар ва асбоб ускуналар етишмаганлиги билан боғлиқ ҳолда шартнома бажарилмаган ёки керакли даражада бажарилмаганда, башарти пудратчи ўзининг бунда айбсизлигини исботловчи далилларни (масалан, буюртмачи берган материаллар яширин камчиликка эга бўлса, ёки шартномада келишилган материалларни буюртмачи бермаса) шартноманинг бажарилмаганлигини ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун жавобгар ҳисобланади.

633-модда. Материалларнинг тасодифан nobud бўлиш ёки тасодифан бузилиш хавфи

Материалларнинг тасодифан nobud бўлиш ёки тасодифан бузилиш хавфи, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, пудратчининг пудрат шартномасида шартлашилган ишни топшириш муддати келгунча материалларни берган тараф зиммасида, бу муддатдан кейин эса ишни топширишни кечиктириб юборган тараф зиммасида бўлади.

1. Шарҳланаётган модда пудрат шартномаси тарафлари ўртасида хавф-хатарларнинг тақсимланиш тартибини белгилайди.

Ушбу норманинг моҳиятидан англашнинг, буюртмачининг иш натижасини қабул қилиб олгунга қадар пудратчи иши натижасининг тасодифан nobud бўлиши ёки тасодифан бузилиши учун жавобгарлиги белгиланганлигини кўриш мумкин, чунки башарти пудрат шартномасида

бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, иш пудратчининг материалли-дан фойдаланган ҳолда бажарилади. Бундан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, буюртмачи иш натижасини қабул қилгунга қадар пудратчи пудрат предметини тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан бузилиши учун, шунингдек, бунинг натижасида пудрат шартномасини бажариш имконининг йўқолиши учун ҳам жавобгар бўлади.

Пудратчи учун хавф шундан иборатки, у буюртмачидан пудрат предмети тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан бузилиши ёхуд бажариш имкони йўқолгунига қадар бажарган ишлари учун ҳақ талаб қилиш ҳуқуқига эга эмас. Пудратчи ўзининг айби ёки объектив ҳолатларда юзага келган пудрат объектининг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан бузилиши учун мулкый жавобгар бўлади.

Таъкидлаш жоизки, ушбу қоида мажбурият ҳуқуқидагитаваккалчилик бурчини тегишли муддатни ўтказиб юборган тараф зиммасига юклаш ҳақидаги умумий нормага мос келади.

Шу билан бирга буюртмачи материалларидан ишни бажариш масаласи очиклигича қолмоқда. Шарҳланаётган моддага биноан пудратчининг айби билан иш материалининг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан бузилиши учун жавобгарлик буюртмачига юкланган бўлиб, бу эса албатта мантиққа ва қонунга хилофдир. Бизнингча, 633-модданинг 1-қисми пудратчининг айби билан иш материалининг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан бузилиши учун жавобгарликдан буюртмачини озод этишга қаратилган ўзгартиришлар киритишга муҳтождир.

634-модда. Бош пудратчи ва ёрдамчи пудратчи

Агар қонун ҳужжатларида ёки пудрат шартномасида пудратчининг шартномада кўрсатилган ишни шахсан ўзи бажариш мажбуриятлари келиб чиқмаса, пудратчи ўз мажбуриятларининг бир қисмини бажариш учун бошқа шахслар (ёрдамчи пудратчилар)ни жалб қилишга ҳақли. Бундай ҳолларда пудратчи бош пудратчи ҳисобланади.

Ушбу Кодекс 241-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларига ва 334-моддасига мувофиқ, бош пудратчи буюртмачининг пудрат шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун ёрдамчи пудратчи олдида жавобгар

бўлади, буюртмачи олдида эса, ёрдамчи пудратчи ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлигининг оқибатлари учун жавобгар бўлади.

Агар қонун ёки пудрат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, буюртмачи ва ёрдамчи пудратчининг ҳар бири бош пудратчи билан тузган шартномалар бузилиши билан боғлиқ талабларни бир-бирига қўйишга ҳақли эмас.

Ушбу модданинг биринчи қисмидаги қоидаларни ёки пудрат шартномасини бузиб, шартномани бажариш учун ёрдамчи пудратчини жалб қилган пудратчи ушбу ёрдамчи пудратчи шартномани бажаришда қатнашиб, етказган зарар учун буюртмачи олдида жавобгар бўлади.

Бош пудратчининг розилигини олган ҳолда буюртмачи айрим ишларни бажариш учун бошқа шахслар билан шартнома тузишга ҳақли. Бу ҳолда мазкур шахслар ишни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун бевосита буюртмачи олдида жавобгар бўладилар.

Шарҳланаётган модданинг қоидалари буюртмачи ва пудратчи ўртасида вужудга келадиган учинчи шахсларни ишга жалб қилиш бўйича муносабатларга нисбатан татбиқ этилади. Учинчи шахсларни ишга жалб қилиш шартномавий алоқадорликнинг мураккаблиги билан изоҳланади. Бош ёрдамчи пудрат шартномаси доирасида тузиладиган ёрдамчи пудрат шартномасининг ўзига хос хусусияти бўлиб унинг субъектив таркиби ҳисобланади. Ушбу шартноманинг субъекти фақат ихтисослашган қурилиш ташкилотлари бўлиши мумкин. Тузилган шартнома бўйича пудратчи учинчи шахсларни жалб қилмай буюртмачининг топшириғини бажариши белгиланган ҳолат шартноманинг бир даражали тузилишдаги (буюртмачи — пудратчи) шартнома эканлигидан далолат беради. Агар шартнома бўйича буюртмачининг топшириғини бажаришга учинчи шахсларни жалб қилиш имконияти мавжуд бўлса ва улар ишга жалб қилинган бўлса, унда икки даражали тузилишдаги шартнома ҳақида сўз боради, дейиш мумкин (буюртмачи — бош пудратчи — ёрдамчи пудратчи).

Ушбу моддада пудратчи томонидан бошқа шахсларни (ёрдамчи пудратчи) ўз мажбуриятларининг бир қисмини бажаришга жалб қилиш имконияти ва бош пудратчи, ёрдамчи пудратчи, буюртмачиларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солувчи асосий қоидалар белгиланган.

Шархланаётган модданинг 1-қисмига мувофиқ, агар қонун ҳужжатларида ёки пудрат шартномасида пудратчининг шартномада кўрсатилган ишни шахсан ўзи бажариш мажбуриятлари келиб чиқмаса, пудратчи ўз мажбуриятларининг бир қисмини бажариш учун бошқа шахслар (ёрдамчи пудратчилар)ни жалб қилишга ҳақли. Таъкидлаш жоизки, тарафларнинг муносабатларини шартномавий тартибга солиш буюртмачи — бош пудратчи ва бош пудратчи — ёрдамчи пудратчи даражадаги тузулиши бўйича амалга оширилади. 4-қисмга мувофиқ, пудрат шартномасини ёки ушбу модда 1-қисми қоидаларини бузиб, ишга учинчи шахсни жалб қилиши оқибатида етказилган зарарлар учун пудратчининг жавобгарлиги белгиланган. Қоидага кўра, буюртмачи — ёрдамчи пудратчи шартномавий муносабатлари мавжуд эмас. Гап бу ерда бош пудратчининг буюртмачи олдида ёрдамчи пудратчи ҳаракатлари учун, ёрдамчи пудратчи олдида буюртмачининг ҳаракатлари учун жавобгарлиги ҳақида кетмоқда. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, ушбу муносабатларга нисбатан Фуқаролик кодекси 241 ва 334-моддаларининг мажбуриятни бажаришни учинчи шахс зиммасига юклаш ва уларнинг ҳаракатлари учун қарздорнинг жавобгарлиги ҳақидаги нормалари қўлланилади.

635-модда. Ишни бажариш муддатлари

Пудрат шартномасида ишни бажаришнинг бошланғич ва охириги муддатлари кўрсатилади. Тарафлар ўртасидаги келишувга мувофиқ, шартномада ишнинг айрим босқичларини тугаллаш муддатлари (оралиқ муддатлар) ҳам назарда тутилиши мумкин.

Пудрат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, пудратчи ишни бажаришнинг бошланғич ва охириги, шунингдек оралиқ муддатларини бузганлик учун жавобгар бўлади.

Пудрат шартномасида кўрсатилган ишни бажаришнинг бошланғич, охириги ва оралиқ муддатлари шартномада назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ўзгартирилиши мумкин.

Ушбу Кодексе 337-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган ижро муддатини кечиктириш оқибатлари ишни бажаришнинг охириги муддатига риюя этилмаган ҳолларда юзага келади.

Шарҳланаётган модда нормаларида пудрат шартномаси асосида ишни бажаришда муддатларни белгилаш тартиби ва муддат бузилган тақдирда жавобгарлик назарда тутилган.

Модданинг 1-қисмига мувофиқ ишни бажаришнинг бошланғич ва охириги муддатлари пудрат шартномасининг шартларига киритилиши лозим. Бунда қонун ишнинг алоҳида қисмларини бажариш босқичлари муддатини («Оралик муддат») белгилаш имконини яратиб берган.

Ишни бажариш муддатини белгилашнинг аҳамияти шундаки, ушбу муддатда пудратчи ишнинг тугалланмаганлиги учун жавобгар бўлади. Буюртмачи ишни ўз вақтида бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни пудратчидан ундиришга ёки шартномани бекор қилишга ҳақли.

Шуни эътиборга олиш керакки, Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунида ишларни ўз вақтида бажармаслик ёки бажармаслик учун жавобгарлик тартиби белгиланган. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи (пудратчи) сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

636-модда. Ишнинг баҳоси

Пудрат шартномасида бажариладиган ишнинг баҳоси ёки уни аниқлаш усуллари кўрсатилади. Улар шартномада кўрсатилган бўлмаса, ишнинг баҳоси ушбу Кодекс 356-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ белгиланади.

Пудрат шартномасидаги ишнинг баҳоси пудратчининг чиқимларини ва унга тўланадиган ҳақни ўз ичига олади.

Ишнинг баҳоси смета тузиш йўли билан аниқланиши мумкин.

Иш пудратчи томонидан тузилган смета бўйича бажарилган тақдирда, смета буюртмачи томонидан тасдиқланган пайтдан бошлаб кучга эга бўлади ва пудрат шартномасининг бир қисми бўлиб қолади.

Ишнинг баҳоси (смета) тахминий ёки қатъий бўлиши мумкин. Пудрат шартномасида бундай кўрсатма бўлмаса, ишнинг баҳоси (смета) қатъий ҳисобланади.

Агар қўшимча ишларни бажариш зарур бўлиб қолса ва шу сабабли ишнинг тахминан белгиланган баҳосини (тахминий сметани) анча оширишга тўғри келса, пудратчи бу ҳақда буюртмачини вақтида огоҳлантириши шарт. Буюртмачи пудрат шартномасида кўрсатилган ишнинг баҳосини (сметани) оширишга рози бўлмаган тақдирда, шартномадан воз кечишга ҳақли. Бундай ҳолларда пудратчи буюртмачидан ишнинг бажарилган қисмининг баҳосини тўлашни талаб қилиши мумкин.

Буюртмачини пудрат шартномасида кўрсатилган ишнинг баҳосини (сметани) ошириш зарурлиги тўғрисида ўз вақтида огоҳлантирмаган пудратчи иш учун шартномада кўрсатилган баҳо бўйича ҳақ олиш ҳуқуқини сақлаб қолган ҳолда шартномани бажариши шарт.

Пудратчи, қоида тариқасида, қатъий баҳо (қатъий смета)ни оширишни, буюртмачи эса уни камайтиришни талаб қилишга, шу жумладан бажарилиши керак бўлган ишнинг тўла ҳажмини ёки бунинг учун зарур харажатларни пудрат шартномаси тузилаётган пайтда назарда тутиш имконияти бўлмаган ҳолларда ҳам, ҳақли эмас.

Пудратчи томонидан тақдим қилиниши керак бўлган материаллар ва ускуналар, шунингдек учинчи шахслар томонидан унга кўрсатиладиган хизматлар баҳоси анча ошган ва буни шартнома тузиш вақтида назарда тутиш мумкин бўлмаган ҳолларда ушбу Кодекснинг 383-моддасига биноан пудратчи белгиланган иш баҳосини (сметани) оширишни талаб қилишга, буюртмачи бу талабни бажаришдан бош тортган тақдирда эса, шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақли.

Мазкур модда пудрат шартномасида баҳони аниқлаш тартибини белгилайди. Баҳони белгилашнинг асосий шarti унинг шартнома шартларига киритилганлигидадир. Агарда шартномада бундай шартлар

кўрсатилмаган бўлса, баҳо Фуқаролик кодексининг 356-моддаси 4-қисми асосида аниқланади.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ишнинг баҳоси смета тузиш йўли билан аниқланиши мумкин. Смета — бу алоҳида олинган ишлар баҳоси ва ҳажми бирлиги кўрсатилган, буюртмачининг топшириғига биноан пудратчи томонидан амалга оширилиши лозим бўлган иш рўйхати. Ишнинг ҳажми ва бунинг учун смета баҳодан келиб чиқиб пудрат шартнома баҳоси белгиланади. Баҳо шартномани тузиш пайтида ёки унинг бажарилиши даврида белгиланиши мумкин. Пудратчи томонидан тузилган смета асосида иш бажарилганда, смета буюртмачи томонидан тасдиқланган пайтдан эътиборан кучга киради ва пудрат шартномасининг бир қисми ҳисобланади. Бунда пудрат ишлари баҳосини аниқлашнинг икки хил усулини эътиборга олиш керак. Биринчи усул — шартнома тузилган вақтда белгиланган баҳо шартномада белгиланган муддат бўйича амалда бўлади, ишчи кучи ва товарлар баҳолари ўзгариши шартнома баҳосига таъсир қилмайди. Иккинчи усул — баҳони қоплашнинг хорижда «cost plus» номи билан таниқли бўлган усулига биноан пудратчи ишига келишилган баҳога у томонидан буюртмачига устама харажатларни тўлаш учун исботлаган ҳолда ҳужжат тақдим этилиши талаб этилади. Ишлаб чиқариш харажатлари келишилган ҳолдаги рағбатлантиришни ўз ичига олган ҳужжатларни буюртмачига қўшимча тақдим этади. Бунда шартнома баҳоси тўлиқ ишлар бажарилганидан сўнг аниқ бўлади.

Иш баҳоси (смета) тахминий ёки қатъий белгиланган бўлиши мумкин. Шартномада юқоридаги кўрсатилганлар мавжуд бўлмаса, пудрат шартномасининг баҳоси (смета) қатъий деб ҳисобланади.

Шу билан бирга, пудратчи томонидан етказиб берилиши лозим бўлган материал ва ускуналарнинг, шартномада назарда тутиб бўлмайдиган учинчи шахслар томонидан пудратчига кўрсатилган хизматлар учун харажатлар шартнома баҳосидан кўп миқдорда ортиб кетган тақдирда пудратчи буюртмачидан белгиланган иш баҳосини (смета) оширишни талаб қилишга, буюртмачи ушбу талабни бажаришдан бош тортган тақдирда эса ушбу Кодекснинг 383-моддасига биноан шартномани бекор қилишга ҳақли.

Шарҳланаётган модданинг 6-қисмига мувофиқ, агар қўшимча ишларни бажариш зарур бўлиб қолса ва шу сабабли ишнинг тахминан белгиланган

баҳосини (тахминий сметани) анча оширишга тўғри келса, пудратчи бу ҳақда буюртмачини вақтида огоҳлантириши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 356-моддасининг 3-қисмига биноан шартнома тузилганидан кейин баҳони ўзгартиришга қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда ва шартларда йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2002 йил 4 мартдаги 103-сонли қарорининг (Олий ҳўжалик суди Пленумининг 28.12.2007 йил 28 декабрдаги 176-сон қарорига мувофиқ киритилган ўзгартиришлар билан) 6-бандига мувофиқ Фуқаролик кодексининг 356-моддасига биноан, ҳақ тўлаш назарда тутилган шартномаларда баҳо кўрсатилмаган ва шартнома шартлари бўйича уни белгилаш имкони бўлмаган ҳолларда судлар шартномани бажармаганлик учун ўхшаш вазиятларда одатда шундай товарлар (ишлар, хизматлар) учун ўша жойда мавжуд бўлган ўртача бозор баҳоси бўйича ҳақ тўланишини белгилашлари лозим.

Шуни эътиборга олиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августдаги 305-сонли қарорига (5 ва 7-бандлари) мувофиқ:

давлат бюджети ва ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига республика инвестиция дастурига киритилган объектлар қурилиши учун қурилиш материалларини харид қилиш воситачилар сонидан қатъи назар, транспорт харажатлари ҳисобга олинган ва уларга нисбатан 20 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда чекланган тайёрлов-омбор ва воситачилик устамалари қўлланган ҳолда тайёрловчи корхонанинг улгуржи-сотиш баҳолари (ёки импорт маҳсулотнинг харид қиймати) бўйича амалга оширилади. Ушбу қонданинг амал қилиши улар бўйича шартномалар (контрактлар) танлов савдолари (тендерлар) натижаларига кўра тузилган қурилиш объектларига татбиқ этилмайди.

қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қуриш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳалаш-қидирув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари ҳамда кичик корхоналар ягона солиқ тўловини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ва Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларни ўз кучлари билан бажарилган ишлар ҳажмларидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқадилар.

Суд амалиётида қурилиш пудрати шартномалари бўйича амалга оширилган ишларга ҳақ тўлаш билан боғлиқ низолари учраб туради.

Хусусан, даъвогар «Sport Elit Servis» МЧЖ жавобгар «Қашқадарёнефтьгазсаноатқурилиш» ОАЖнинг 6-сонли ваколатхонасидан 114 522 000 сўм миқдорида асосий қарз, 87 370 800 сўм пеня, жами 218 522 550 сўм қарз суммасини ундириш бўйича даъво аризаси билан хўжалик судига мурожаат қилган.

Биринчи инстанция суди томонидан даъво қисман қаноатлантирилган бўлиб, жавобгардан даъвогар фойдасига 14 045 000 сўм асосий қарзни ундириш, даъво аризининг қолган қисмини рад қилиш тўғрисида қарор қабул қилган.

Иш апелляция инстанциясида кўриб чиқилмаган.

«Қашқадарёнефтьгазсаноатқурилиш» ОАЖнинг 6-сонли ваколатхонаси ушбу иш бўйича қабул қилинган қарорни бекор қилиш ва даъво аризасини кўрмасдан қолдириш тўғрисида кассация тартибида Олий хўжалик судига ариза билан мурожаат қилган.

Кассация инстанцияси суди аризани кўриб чиқиб, биринчи инстанция судининг қарорини ўзгаришсиз қолдириш тўғрисида қарорни қуйидаги асосларга мувофиқ қабул қилган. Жумладан, Хўжалик процессуал кодексининг 186-моддасига мувофиқ хўжалик суди ишни кассация инстанциясида кўрганида моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари биринчи инстанция ва апелляция инстанцияси судида тўғри қўлланилганлигини текширади. Кассация инстанцияси судининг ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш асослари Хўжалик процессуал кодексининг 188-моддасида белгиланган.

Кассация инстанцияси судига тақдим этилган 2007 йил 15 январдаги давлат реестр рақами 401-сон билан рўйхатдан ўтказилган Уставнинг 1-бандига мувофиқ «Қашқадарёнефтьгазсаноатқурилиш» ОАЖнинг 6-сонли ваколатхона мажбуриятларини ўз зиммасига олиб, мустақил юридик шахс сифатида фаолият юритади. Ушбу ҳужжат мазмунидан келиб чиқадики, пудрат шартномаси бўйича ишлар тўлиқ бажарилган, сифат ва сон хусусияти бўйича тарафларнинг бир-бирига эътирози йўқ.

Иш материалларидан кўринишича, 6-сонли Ваколатхона ва «Sport Elit Servis» МЧЖ ўртасида 2006 йил 3 январда Қарши шаҳридаги «Стадион» объектида «Politan WS» туридаги спорт қопламасини ётқизиш, ўлчаш

ва белгилаш каби қурилиш ишларини бажариш бўйича 20-сонли пудрат шартномаси тузилган. Шартноманинг 2.1-бандига асосан бажариладиган ишлар қиймати 364 045 000 сўмни ташкил этган. Шартноманинг 1 ва 2-сон иловаларига мувофиқ ўрнатилган баҳолар тарафлар шартнома мажбуриятларини бажариб бўлмагунга қадар ўзгартирилмайди. 2.3-бандига асосан 1 ва 2-сонли иловаларда кўрсатилган барча материалларни олиб келиш, спорт қопламасини қўйиш ва белгилаш, спорт қопламасини қўйиш ва бегилаш, спорт анжомларини ўрнатиш киритилган. 2.4-бандда шартнома қийматига божхона харажатлари, ҚҚС, божлар ва акцизлар киритилмаган. Шартноманинг 1-иловасига асосан «пудратчи» «буюртмачи»дан қуйидаги турдаги ишларни бажариш бўйича топшириқ олган: югуриш йўлакчаларига «Politan WS» кизил рангли қопламалари, қоплаш майдони 7000 кв.м., қоплаш қалинлиги 13 мм ҳар бир кв. мга 50900 сўм баҳода, умумий қиймати 356 300 000 сўм. Шартноманинг 2-иловаси шартларига асосан «пудратчи» ўзига 7 745 000 сўм қийматидаги спорт анжомлари етказиб бериш мажбуриятини олган. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 66-моддасида пудрат шартномаси бўйича бажариладиган ишнинг баҳоси ёки уни аниқлаш усуллари кўрсатилади, 356-моддасига мувофиқ эса шартномани бажарганлик учун тарафларнинг келишуви билан белгиланган баҳода ҳақ тўланиши белгиланган.

Шундай қилиб, шартнома ва унинг 1- ва 2-иловаларида тарафлар нафақат шартнома баҳолари, балки уни шакллантириш усуллари ҳам белгилаб қўйилган.

Юқоридагиларга асосан, кассация инстанцияси суди жавобгарнинг «буюртмачи», «пудратчи» нинг бажарилган ишлар ва етказиб берилган анжомлар бўйича иқтисодий асослашга билдирган эътирозларини асосиз ҳисоблайди.

Югуриш йўлакчаларини қоплаш республика миқёсидаги «Умид ниҳоллари-2006» спорт тадбирлари ўтказиш билан боғлиқ бўлганлиги сабабли «пудратчи» томонидан ишлар шартномага ҳилоф равишда 100 % лик олдиндан ҳақ тўламасдан бажарилган. «Буюртмачи» томонидан иш ҳақи 250 000 000 сўм миқдоридан босқичма-босқич амалга оширилган. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 237 ва 238-моддаларига биноан мажбуриятни бажаришдан бир томонлама бош тортиш ва

шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, мажбурият келишилган ва тарафлар учун мақбул усулда бажарилиши шарт.

Жавобгарнинг даъвогар «Sport Elit Servis» МЧЖнинг олдидаги 114 045 000 сўмлик қарзи қолмоқда. Ушбу қарз иш материаллари билан тўлиқ тасдиқланади. Шу сабабли, кассация инстанцияси суди биринчи инстанция суди томонидан «Sport Elit Servis» МЧЖ фойдасига жавобгардан 114 045 000 сўм маблағ ундириш тўғрисида қарор қабул қилишда тарафлар томонидан тузилган пудрат шартномаси ва унинг шартларига қонуний асосланган ва тўғри баҳо берилган деб ҳисоблаган.

Суд «Sport Elit Servis» МЧЖнинг даъво талабларини қаноатлантиришда моддий ва қисман процессуал ҳуқуқ меъёрлари тўғри қўлланилган ва шу сабабли кассация инстанцияси томонидан суд қарорини бекор қилишга асос йўқ, деб топади. Юқоридагиларга асосан «Қашқадарёнефтогазаноатқурилиш» ОАЖнинг 6-сонли ваколатхонасининг кассация шикоятни қаноатлантирилмасдан, суд қарори ўзгаришсиз қолдирилган (*Қаранг*: Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Кассация инстанциясининг 2007 йил 19 февралдаги 18-0601/14936-сонли қарори).

637-модда. Пудратчининг тежами

Пудратчининг амалдаги харажатлари иш баҳосини аниқлаш вақтида (смета тузилаётганда) назарда тутилган харажатлардан кам бўлган ҳолларда, башарти буюртмачи пудратчининг тежами бажарилган иш сифатига таъсир этганлигини исботлай олмаса, пудратчи ишлар учун пудрат шартномасида кўрсатилган баҳо бўйича ҳақ олиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Пудрат шартномасида пудратчининг тежами тарафлар ўртасида тақсимланиши назарда тутилиши мумкин.

Шарҳланаётган моддада пудратчининг тежами оқибатлари аниқланган ва бунда пудратчининг ишни мустақил тарзда бажариш ҳуқуқи эътиборга олинган. Пудратчи ўз хавфи ва таваккалчилиги асосида иш олиб бориб, ишни тежамлироқ бажариш имконини берадиган жиҳозлардан, ускуналардан ва техник воситалардан фойдаланиши мумкин. Бу эса ўз навбатида пудратчини илғор технологиялардан ва ишлаб чиқаришнинг тежамли

турларидан фойдаланишга рағбатлантиради. Бирок, бундай тежамли иш усуллари ишнинг сифатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин эмас.

Умумий қоидаларга кўра, агар пудратчи иш баҳосидан кам харажат асосида ишни бажариш имконини топса, бундай ҳолда у келишилган баҳо бўйича иш ҳақини олиш мумкин. Лекин агарда буюртмачи унинг тежами ишнинг сифатига салбий таъсир кўрсатганлигини исботлаб берса, унда пудратчи ушбу ҳуқуқдан маҳрум бўлиши мумкин. Бунда пудратчи нафақат шартнома бўйича келишилган баҳодан тежалган суммани олиш имконидан маҳрум бўлади, балки бу ҳолда ФК 647-моддасида назарда тутилган оқибатлар ҳам келиб чиқиши мумкин (ФК 647-моддаси ва шарҳига қаранг).

Шундай қилиб, инсофли пудратчининг ҳуқуқи, акс ҳолда эса буртмачининг манфаатлари таъминланади. Бунда пудрат шартномасида тежамли тарзда ишни бажариш оқибатида иш баҳосидан ортиб қолган суммани тарафлар ўртасида ўзаро бўлишиб олиш ҳақидаги диспозитив норма ҳам назарда тутилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 мартдаги 135-сонли қарори билан тасдиқланган «Объект муддатидан илгари фойдаланишга топширилганлиги ва шартнома қийматига нисбатан маблағлар тежалганлиги учун пудратчи ташкилотни буюртмачи томонидан мукофотлаш Тартиби»га мувофиқ маблағлар тежалган ва объект муддатидан илгари фойдаланишга топширилган тақдирда қурилиш қатнашчиларини мукофотлаш шартлари ва тартибини белгиланган бўлиб, бу инсофли пудратчи ва инсофсиз пудратчи билан ишлаганда буюртмачининг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилганлигини айтиб ўтиш жоиз.

638-модда. Ишга ҳақ тўлаш тартиби

Агар пудрат шартномасида бажарилган ишга ёки унинг айрим босқичларига олдиндан ҳақ тўлаш назарда тутилган бўлмаса, буюртмачи пудратчига шартлашилган ҳақни иш тегишли тарзда ва келишилган муддатда ёхуд буюртмачининг розилиги билан муддатидан олдин бажарилиб, унинг натижалари узил-кесил топширилганидан кейин тўлаши шарт.

Пудратчи қонун ҳужжатларида ёки пудрат шартномасида назарда тутилган ҳолларда ва миқдордагина ўзига бўнак ёки закат берилишини талаб қилишга ҳақли.

ФК 638-моддаси пудрат шартномаси бўйича ишга ҳақ тўлаш тартибига доир умумий қоидаларни ўзида акс эттирган. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, пудрат шартномаси бўйича ишга ҳақ тўлаш тартиби ушбу муносабатларда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, сабаби ишларни бажариш жараёнидаги харажатлар доимо пудратчининг маъсулиятида бўлади. Пудратчининг айниқса қурилиш ишларини бажаришда, мураккаб жиҳозларни буюртма асосида тайёрлашда харажатларнинг катта эканлигидан келиб чиқиб, одатда кўра пудрат шартномасида олдиндан буюртмачи ҳисобидан ишларни молиялаштиришга оид нормалар белгиланади. Пудрат шартномаси бўйича ишларни молиялаштириш тартиби авваламбор бажариладиган ишларнинг ва бунинг учун етказиб бериладиган материал ҳамда жиҳозларнинг хусусиятига боғлиқ бўлади.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмига мувофиқ иш учун ҳақ, башарти иш лозим даражада ва белгиланган муддатда ёхуд буюртмачининг розилиги билан муддатидан олдин бажарилган бўлса иш бажариб, топширилгандан сўнг тўланади.

Шу билан бирга, пудратчи иш бажаришдан олдин қонун ҳужжатларида ёки пудрат шартномасида назарда тутилган ҳолат ва миқдордагина ўзига бўнак ёки закатат берилишини талаб қилишга ҳақли.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.05.1995 йил 12 майдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг маъсулиятини ошириш буюртмасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-1154-сонли Фармонининг 1-бандига биноан қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллардан ташқари, турли мулкчилик шаклларидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг истеъмолчилар ва буюртмачиларга, агар улар етказиб бериладиган (бажариладиган ишлар, хизматлар) қийматининг камида 15 фоизини олдиндан тўламасалар, маҳсулот жўнатиши, ишларни бажариши ва хизматлар кўрсатиши тақиқланади.

Шунингдек, Олий хўжалик суди Пленумининг 2002 йил 4 мартдаги «Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунини хўжалик судлари амалиётида қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги 103-сонли қарори (Олий хўжалик суди Пленумининг 2007 йил 28 декабрдаги 176-сонли қарори асосида киритилган ўзгартиришлар билан) 12, 13 ва

14-бандларига мувофиқ, Қонуннинг 32-моддаси 1-қисмини қўллашда судлар қарздорнинг ҳақиқатда товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини тўлашдан бош тортганлиги ҳолатларини (жумладан, тўлаш имконияти бўла туриб, тўловни амалга оширмаганлиги, қарзини тан олмаганлиги, кредиторлик-дебиторлик қарзлари ҳақида солиштириш далолатномалари тузишдан бўйин товлаганлиги, ўзини атайлаб тўловга қобилиятсиз қилиб кўрсатганлиги ва ҳ.к) далиллар асосида аниқлаши лозим. Агар қарздор товар (ишлар, хизматлар) ҳақини тўлаш учун иқтисодий имкони бўлмаса, қарзни тан олиб, уни тўлашга ҳаракат қилаётган бўлса, судлар унинг хатти-ҳаракатларини тўловдан бош тортиш, деб баҳоламасликлари зарур.

Қарздорнинг товар (ишлар, хизмат) ҳақини тўлашдан бош тортганлиги исботланган ҳолларда, судлар унга нисбатан Қонуннинг 32-моддаси 2-қисмида кўрсатилган пеня қўлланилган ёки қўлланилмаганлигидан қатъи назар, ҳақ тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима ундиришга ҳақли бўлади.

Бунда назарда тутилган пеня ишлар, хизматлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик ҳолатлари учун ҳам қўлланилади. Пенянинг миқдори шартнома баҳосига эмас, балки бажарилмаган мажбуриятлар суммасига (тўланмаган ёки кечиктирилган тўлов, бажарилмаган ишлар, хизматлар суммаси) нисбатан фоиз миқдорида ҳисобланади.

Юқорида кўрсатилган Қонуннинг 34-моддасига биноан неустойканинг ундирилиши шартнома талабларини бузган тарафни мажбуриятларни лозим даражада бажармаслик оқибатида етказган зарарини қоплашдан озод этмайди. Иккинчи тараф кўрган зарарга шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги муносабати билан қилинган харажатлар, мол-мулк йўқолиши ёки шикастланиши, шунингдек, иккинчи тараф шартнома мажбуриятларини бажарганида олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлар ҳам киради.

639-модда. Пудратчининг ушлаб қолиш ҳуқуқи

Шартноманинг бажарилиши муносабати билан буюртмачи пудратчига белгиланган тегишли ҳақни ёки бошқа суммани тўлаш мажбуриятини бажармаган тақдирда, буюртмачи томонидан тегишли сумма тўлангунга қадар пудратчи ишнинг натижаларини, шунингдек

буюртмачига тегишли ускуналарни, қайта ишлаш (ишлов бериш) учун берилган ашёларни, фойдаланилмай қолган материал қолдиғи ва пудратчининг ихтиёридаги бошқа мол-мулкни ушбу Кодекснинг 290 ва 291-моддаларига мувофиқ ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

Шарҳланаётган модда шартноманинг бажарилиши муносабати билан буюртмачи пудратчига белгиланган тегишли ҳақни ёки бошқа суммани тўлаш мажбуриятини бажармаган тақдирда, буюртмачи томонидан тегишли сумма тўлангунга қадар пудратчи ишнинг натижаларини, шунингдек буюртмачига тегишли ускуналарни, қайта ишлаш (ишлов бериш) учун берилган ашёларни, фойдаланилмай қолган материал қолдиғи ва пудратчининг ихтиёридаги бошқа мол-мулкни тегишли тартибда ушлаб қолиш ҳуқуқини назарда тутлади.

Асбоб-ускуналар, материаллар ва бошқа мулкнинг буюртмачига тегишли бўлган ишлар натижаларини пудратчи томонидан ушлаб қолиш ҳуқуқи, шартноманинг шартлари билан мувофиқ ҳолда меҳнат учун тўлаш бўйича ўз мажбуриятларини буюртмачи томонидан бузилганда пайдо бўлади. Иш учун ҳақ тўлаш мажбурияти бажарилмагунча, пудратчи белгиланган мулкни ушлаб қолиш ҳуқуқига эга. Ушбу ҳуқуқ билан пудратчи фойдаланишги мумкин, агар шартнома томонидан пудратчи ушлаб қолиш ҳуқуқидан воз кечиши кўзланмаган бўлса фойдаланиши мумкин. Мажбуриятни таъминлаш усули сифатида ушлаб қолиш тўғрисидаги умумий қоидалар Фуқаролик кодексининг 290–291-моддаларида ўз ифодасини топган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2002 йил 4 мартдаги «Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунини хўжалик судлари амалиётида қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги 103-сонли қарори 11-бандига биноан шартнома мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун, агар қонун ҳужжатлари ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавобгарлик қарздорнинг айби бўлсагина қўлланилади. Қарздор мажбуриятни лозим даражада бажариши учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма чораларни кўрганлигини исботласа, у айбсиз деб топилади (ФКнинг 333-моддаси).

Шартнома тузилганлиги ва унинг мазмуни далиллар билан исботланган ҳолларда судлар кредиторнинг талаби билан қонуний неустойкани (ФКнинг 263-моддаси) ҳамда мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёхуд

лозим даражада бажарилмаганлиги туфайли етказилган зарарни (ФКнинг 324-моддаси) ундириб беришга ҳақлидирлар.

Судлар мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик чораларини қўллашда неустойка аввало, мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик оқибатида етказилган зарарни қоплаш учун қўлланилишига аҳамият бермоқлари лозим. Шу сабабли, бу тоифадаги ишларни кўришда шартнома мажбуриятларини бузганлик оқибатида кредиторга етказилган зарар миқдорини аниқлаш чораларини кўришлари, зарур ҳолларда тарафларнинг илтимосномалари билан суд экспертизаси тайинлашлари ва натижалари бўйича етказилган зарар ва неустойканинг мутаносиблигидан келиб чиққан ҳолда, неустойка миқдорини аниқлаш ва қўллаш масаласини ҳал этишлари лозим.

640-модда. Ишни буюртмачининг материалидан фойдаланиб бажариш

Пудратчи буюртмачи берган материалдан тежаб-тергаб ва режали фойдаланиши, иш тугаганидан сўнг ишлатилган материал тўғрисида буюртмачига ҳисобот бериши, шунингдек унинг қолдиғини қайтариб бериши ёхуд ўз ихтиёридаги фойдаланилмай қолган материалнинг қийматини ҳисобга олиб, буюртмачининг розилиги билан ишнинг баҳосини камайтириши шарт.

Башарти пудратчи буюртмачи берган материални тегишли суратда қабул қилиб олаётганида ундаги камчиликларни аниқлаш мумкин бўлмаганлигини исбот қила олмаса, у буюртмачи берган материалнинг камчиликлари туфайли ишнинг лозим даражада бажарилмаганлиги учун жавобгар бўлади.

Ушбу моддада буюртмачининг материалидан фойдаланиб пудратчи томонидан ишни бажариш тартиби белгилаб берилган.

Буюртмачининг материалидан ишни бажаришда пудратчи дастлабки қайта ишлаб чиқиш (мослаштириш) учун буюртмачининг мулки бўлган материалдан фойдаланади. Бу буюртмачи томонидан тақдим этилган битта ашё — материалдан муайян ишлов натижасида бошқа ашё вужудга келишини билдиради, шунга кўра дастлабки материал ўз хусусиятини материал сифатида йўқотади.

Гарчи, энг кўп тарқалган ҳолат пудратчининг ўз материалдан фойдаланиб ишни бажариши бўлсада, қонун ҳужжатларида куйидаги шартларда ўзининг материалдан фойдаланиш имкони белгиланган:

пудратчи буюртмачи берган материалдан тежаб-тергаб ва режали фойдаланиши лозим;

иш тугаганидан сўнг ишлатилган материал тўғрисида буюртмачига ҳисобот бериши зарур;

иш бажарилганидан сўнг, материал қолдиғини қайтариб бериши ёхуд ўз ихтиёридаги фойдаланилмай қолган материалнинг қийматини ҳисобга олиб, буюртмачининг розилиги билан ишнинг баҳосини камайтириши шарт.

Башарти буюртмачи томонидан тақдим этилган материалнинг камчилиги ишнинг лозим даражада бажарилмаслигига олиб келган ва уларни қабул қилишда ушбу камчиликларни аниқлаш имкони йўқлигини пудратчи исботлаб беролса, унда у бажарган иши учун ҳақни тўлиқ талаб қилишга ҳақли.

Фуқаролик кодекси 643-моддасига биноан, буюртмачи тақдим қилган материалларнинг камчилиги аниқланган тақдирда, бу ҳақда пудратчи буюртмачини дарҳол хабардор қилиши шарт. Агарда бундай хабарга буюртмачи тегишли тарзда жавоб қилмаган ва тегишли ғаракатларни амалга оширмаган бўлса, унда пудратчи шартномадан воз кечишга ва зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли (643-модда ва унга шарҳга қаранг).

641-модда. Буюртмачи берган мол-мулкнинг сақланмаганлиги учун пудратчининг жавобгарлиги

Пудрат шартномасини бажариш муносабати билан буюртмачи берган материал, ускуна, қайта ишлашга (ишлов беришга) топширилган ашё ва пудратчи ихтиёрига ўтган бошқа мол-мулк сақланмаганлиги учун пудратчи жавобгар бўлади.

Ушбу модданинг нормаларига биноан буюртмачи берган мол-мулкни сақланмаганлик учун пудратчининг жавобгарлиги белгиланган. Таъкидлаш жоизки, буюртмачи ишни бажариш пайтида пудратчи ва ўзи ўртасида тузилган шартноманинг шартига кўра пудратчига шартланган материалларни, асбоб-ускуналарни, мол-мулкни, пудрат ишларини бажариш учун

эгаллаш ва фойдаланишга бериши мумкин. Агарда пудрат шартномаси хусусиятига кўра буюртмачига тегишли бўлган ашёни қайта ишлаш талаб қилинса, унда буюртмачи буюмни пудратчига эгаликка беради. Шундан келиб чикиб айтиш жоизки, буюртмачи ва пудратчи ўртасидаги муносабатларни бошланишининг пайдо бўлишини ФК 641-моддаси билан тартибга солишни қонунчилик боғлайдиган юридик факт, буюртмачи ишни бажариш учун зарур мол-мулкни пудратчига ўтказилиши ҳисобланади. Бундай муносабатларга ФКнинг 51-бобида белгиланган, пудратнинг моҳиятига зид бўлмаган сақлаш ҳақидаги қоидалар қўлланилиши мумкин.

Пудратнинг бир нечта турларини бажариш билан боғлиқ ҳолда, айниқса қурилишда, эгалик қилиш учун, яъни, пудратчининг фактик эгалигига буюртмачининг кўплаб мулкый бойликлари берилади. Шарҳланаётган моддада кўрсатилган мол-мулкдан ташқари, пудратчининг эгалигида яна буюртмачи томонидан тақдим қилинган қурилиш бинолари, транспорт воситалари, маданий-маиший инвентарлар ва бошқалар мол-мулклар бўлиши мумкин.

Шуни таъкидлаш жоизки, пудратчи Ўзбекистон Республикаси ФК 333-моддасида назарда тутилган асослар бўйича пудратчи унинг эгалигида бўлган буюртмачининг мол-мулкига зарар етказиланлиги ёки йўқотилганлиги учун жавобгар ҳисобланади. Буюртмачидан қабул қилиб олинган мол-мулкка зарар етказиланлиги ёки йўқотилганлиги учун, буюртмачига мол-мулкни қайтиб олишда шартномага ёки шаклланган муомала одатларига биноан мажбурият юклатилгандан сўнг, пудратчи фақат у томонидан қасддан ёки қўпол эҳтиётсизлиги туфайли етказилган зарар учун жавобгар бўлади.

Пудратчи буюртмачинининг қайд этилган мол-мулкни, унинг ҳуқуқий асоси қандай бўлишидан (пудрат шартномаси, ижара ва х.к.), ҳатто лозим даражадаги ҳуқуқий асосларда расмийлаштириш бўлмаганлигидан қатъий назар, сақланиши учун жавобгар бўлади. Бунда ушбу мол-мулкнинг пудратччида фактик равишда бўлишининг ўзи етарли ҳисобланади. Унинг жавобгарлиги умумий асосларга кўра нафақат шартномавий, балки деликт жавобгарлик тусига эга бўлиши мумкин.

Хусусан, 641-моддага мувофиқ пудратчининг жавобгарлигини баҳолашда, шартномада, айниқса объектни қайта таъмирлаш устида иш олиб бориш, қурилиш майдонининг ва у ерда жойлашган мулкни ҳимоя

қилиш ҳақидаги шартлар назарда тутилишини эътиборга олиш зарур. Фақат агарда пудратчи томонидан содир этилган ҳаракатлар оқибатида мулкка зарар етказилганлиги исботлансагина пудратчи жавобгарликка тортилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июлдаги «Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулккий жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги 163-сонли қарорига мувофиқ мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулккий жавобгарлик қораларини қўллаш ҳақидаги низоларни ҳал қилишда ҳўжалик судлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (бундан буён матнда ФК деб юритилади), «Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларига қатъий амал қилишлари лозим.

Шартномада жарима ёки пеня шаклида белгиланадиган неустойка тарафлар томонидан қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усулларида бири ҳисобланади. Судлар неустойкани ундириш тўғрисидаги даъволарни ҳал қилишда неустойка миқдорининг қонун талабларига мувофиқ ҳисобланганлиги, унинг асослилиги, мажбурият бузилиши оқибатларига мутаносиблиги каби ҳолатларни ҳар томонлама ва чуқур муҳокама қилиб, талаб қилинган неустойканинг адолатли миқдорини белгилашлари шарт.

Агар шартномада айнан битта мажбуриятнинг бузилиши учун неустойкани ҳам жарима, ҳам пеня қўринишида тўлаш назарда тутилган бўлса, судлар шуни эътиборга олишлари лозимки, қонунчиликда бошқача ҳоллар назарда тутилмаган бўлса, даъвогар фақатгина бир шаклдаги неустойка қўллашни талаб қилишга ҳақли.

ФКнинг 326-моддасига мувофиқ суд қарздор томонидан мажбуриятларнинг бажарилиш даражасини, мажбуриятда иштирок этувчи тарафларнинг мулккий аҳволини, шунингдек кредиторнинг манфаатларини эътиборга олиб, неустойка миқдорини қамайтиришга ҳақли.

Шу билан бирга судлар шуни эътиборга олишлари лозимки, неустойканинг энг кам миқдори ФКнинг 327-моддасида кўрсатилган фойзлар миқдоридан кам бўлмаслиги лозим.

ФКнинг 263-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ тарафларнинг келишуви билан қонунда аниқланган неустойка (қонуний неустойка) миқдорининг оширилиши ўз-ўзидан ундирилаётган неустойкани камай-тиришга асос бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас.

642-модда. Пудратчи ишни бажарётган вақтда буюртмачининг ҳуқуқлари

Буюртмачи пудратчининг фаолиятига аралашмаган ҳолда исталган вақтда ишнинг боришини ва сифатини текширишга ҳақли.

Агар пудратчи пудрат шартномасини бажаришга ўз вақтида киришмаса ёки ишни сует бажариши натижасида уни белгиланган муддатда тугатиш мумкин эмаслиги аниқ бўлиб қолса, буюртмачи шартномадан воз кечиб, етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли. Шу билан бирга агар иш кечиктириб бажариладиган бўлса, буюртмачи шартномага нисбатан ўз қизиқишини йўқотганлигини исбот қилиши лозим.

Агар ишни бажариш вақтида унинг лозим даражада бажарилмаслиги аниқ бўлиб қолса, буюртмачи пудратчига камчиликларни йўқотиш учун оқилона муддат белгилашга ва бу талабни пудратчи белгиланган муддатда бажармаган тақдирда пудрат шартномасидан воз кечишга ёхуд бу камчиликларни пудратчи ҳисобидан тузатишни бошқа шахсга топширишга, шунингдек етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Агар пудрат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, буюртмачи иш натижаси ўзига топширилгунга қадар истаган вақтда шартномадан воз кечиб, белгиланган баҳонинг буюртмачи шартномадан воз кечганлиги тўғрисидаги огоҳлантириш олингунга қадар бажарилган ишга мутаносиб қисмини тўлаши мумкин. Буюртмачи пудратчига шартноманинг бекор қилиниши туфайли етказилган зарарни ҳам бажарилган ишнинг баҳоси билан ҳамма иш учун белгиланган баҳо ўртасидаги фарқ доирасида тўлаши шарт.

Шарҳланаётган модданинг маъносидан келиб чиқадики, ушбу норманинг биринчи қисмига асосан буюртмачи пудратчининг фаолиятига аралашмаган ҳолда исталган вақтда ишнинг боришини ва сифатини

текширишга ҳақли. Бунда буюртмачи ўз ҳуқуқларини пудратчининг фаолиятига аралашувисиз амалга ошириши лозим, зеро уларни тарафларнинг тенглигига асосланувчи фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар негизлари ўзаро боғлаб туради (ФК 1-моддаси).

Пудратчи ўзи мустақил равишда ишни ташкил қилади, якуний натижага эришиш учун тегишли восита ва усулларни, иш қисмларини бажариш навбатларини мустақил белгилайди. Пудрат шартномаси асосида пудратчи ишнинг асосий кўрсаткичларини белгилаб берувчи буюртма мазмуни, шунингдек унга эришиш воситалари, фойдаланадиган материал ва ускуналар билан чегараланиши мумкин.

Агар пудратчи пудрат шартномасини ўз вақтида бажаришга киришмаса ёки ишни суғ бажариши натижасида ёки белгиланган муддатда тугатиш мумкин эмаслиги аниқ бўлиб қолса, буюртмачи шартномадан воз кечиб, етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Модданинг 3-қисмига мувофиқ агар ишни бажариш вақтида унинг лозим даражада бажарилмаслиги аниқ бўлиб қолса, буюртмачи пудратчига камчиликларни йўқотиш учун оқилона муддат белгилашга ва бу талабни пудратчи белгиланган муддатда бажармаган тақдирда пудрат шартномасидан воз кечишга ёхуд бу камчиликларни пудратчи ҳисобидан тузатишни бошқа шахсга топширишга, шунингдек етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Модданинг 4-қисми диспозитив хусусиятдаги нормаларни ўз ичига олади. Норманинг мазмунига кўра агар пудрат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, буюртмачи иш натижаси ўзига топширилгунга қадар истаган вақтда шартномадан воз кечиб, белгиланган баҳонинг буюртмачи шартномадан воз кечганлиги тўғрисидаги огоҳлантириш олингунга қадар бажарилган ишга мутаносиб қисмини тўлаши мумкин. Бундан ташқари, буюртмачи пудратчига шартнома бекор қилиниши туфайли етказилган зарарни ҳам бажарилган ишнинг баҳоси билан ҳамма иш учун белгиланган фарқ доирасида тўлаши шарт.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг «Қурилиш соҳасида ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарликлари тўғрисида»ги Қонуни 3-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида лойиҳалаш, қурилиш-монтаж ишларини амалга оширувчи, бинокорлик материаллари, конструкциялари ва буюмларини ишлаб

чиқарувчи, қурилишда буюртмачи ҳисобланувчи ёки бир йўла буюртмачи ва пудратчи вазифаларини бажарувчи юридик шахсларга қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун белгиланган тартибда жарима солинади. Юридик шахснинг жавобгарликка тортилиши уни ўзи йўл қўйган қоидабузарликларни бартараф этиш ва зарарнинг ўрнини қоплаш мажбуриятидан, шунингдек айбдор мансабдор шахсларни интизомий, маъмурий, фуқаровий-ҳуқуқий ва жиноий жавобгарликка тортишдан озод этмайди.

643-модда. Пудратчи буюртмачини огоҳлантириб қўйиши шарт бўлган ҳолатлар

Пудратчи қуйидагиларни аниқлаган тақдирда дарҳол буюртмачини огоҳлантириши ва ундан кўрсатмалар олгунга қадар ишни тўхтатиб туриши шарт:

буюртмачи берган материал, ускуналар, техник ҳужжатлар ёки қайта ишлаш (ишлов бериш) учун топширилган ашёнинг яроқсизлиги ёки сифатсизлигини;

буюртмачининг ишни бажариш усули тўғрисидаги кўрсатмаларини бажариш унинг учун ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлигини;

пудратчига боғлиқ бўлмаган, бажарилаётган иш натижаларининг яроқчилиги ёки пишиқлигини хавф остига қўядиган ёхуд ишни белгиланган муддатда ниҳоясига етказиш мумкин бўлмайдиган қилиб қўядиган бошқа ҳолатларни.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳолатлар тўғрисида буюртмачини огоҳлантирмаган ёки огоҳлантиришга жавоб олиш учун шартномада кўрсатилган муддат ўтишини, бундай муддат кўрсатилмаган бўлса, оқилона муддат ўтишини кутмасдан ёхуд буюртмачи ишни тўхтатиб туриш тўғрисида ўз вақтида кўрсатма берган бўлишига қарамасдан ишни давом эттираверган пудратчи буюртмачи унга ёки пудратчи буюртмачига тегишли талаблар қўйганида мазкур ҳолатларни важ қилиб келтиришга ҳақли эмас.

Агар буюртмачи пудратчининг ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар тўғрисида ўз вақтида ва асосли огоҳлантирганига қарамасдан, оқилона муддатда яроқсиз ёки сифатсиз материални алмаштирмаса, ишни бажариш усули

тўғрисидаги кўрсатмаларини ўзгартирмаса ёхуд ишнинг яроқлилиги ёки пишиқлигини хавф остига қўядиган ҳолатларни бартараф этиш учун зарур бўлган бошқа чораларни кўрмаса, пудратчи шартномани бажаришдан бош тортишга ва етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Шарҳланаётган моддага мувофиқ пудратчи мутахассис сифатида буюртмачидан олган мол-мулк ва кўрсатмаларнинг камчиликлари тўғрисида, шунингдек пудрат ишларини нормал бажариш учун хавф туғдирадиган ўзга ҳолатлар ҳақида буюртмачини огоҳлантириши керак. Бунда пудрат иши учун қулай бўлмаган ҳар қандай ҳолатлар ҳам назарда тутилмоқда. Буюртмачини огоҳлантириш умумий тусда бўлмасдан, балки ўз вақтида асосли (ушбу модданинг 3-қисмига қаранг), яъни, тегишли ахборотлар ва техник далиллар билан исботланган бўлиши лозим. Пудратчи камчиликлар аниқланган тақдирда буюртмачини огоҳлантирмасдан ва ундан кўрсатмалар олгунга қадар ишни тўхтатиб турмасдан ишни давом эттириши уни кейинчалик ушбу ноқулай ҳолатларни важ қилиб келтириш ҳуқуқидан маҳрум этади (модданинг 2-қисми). Бошқа томондан, агарда шундай хабарни олган буюртмачи зарур бўлган бошқа чораларни кўрмаса, пудратчи шартномани бажаришдан бош тортишга ва етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли. (модданинг 3-қисми).

Моддада ишлатилган айрим тушунчалар (буюртмачини зудлик билан огоҳлантириш, жавоб учун асосли муддат, буюртмачининг ўз вақтидаги кўрсатмаси) низо келиб чиққан тақдирда, бажариладиган ишнинг мураккаблиги, хусусияти, бажариш муддати, пудратчи ва буюртмачининг манзили, уларнинг ўзаро ахборот алмашиш бўйича шаклланган тартиб каби аниқ ҳолатлар ҳисобга олиниб изоҳланиши керак. Бундай шароитларда қайд этилган муддатлар энг қисқа тарзда тушунилиши ва тегишли ҳаракатлар пудратчи ва буюртмачи томонидан кечиктирмасдан бажарилиши керак.

644-модда. Буюртмачининг пудрат шартномаси бўйича муқобил мажбуриятларни бажармаслиги

Буюртмачи пудрат шартномаси бўйича ўзининг муқобил мажбуриятларини бажармаганлиги, хусусан материал, ускуналар, техник ҳужжатларни ёки қайта ишланиши (ишлов берилиши)

керак бўлган ашёни бермаганлиги пудратчининг шартномани бажаришига тўсқинлик қилган ҳолларда, шунингдек мазкур мажбуриятлар белгиланган муддатда бажарилмаслигини яққол кўрсатиб турган ҳолатлар мавжуд бўлганида (ушбу Кодекснинг 256-моддаси) пудратчи ишга киришмасликка, бошланган ишни эса тўхтатиб қўйишга ҳақли.

Агар пудрат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, пудратчи ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, шартномани бажаришдан бош тортишга ва зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақли.

Фуқаролик кодексининг 256-моддасига мувофиқ тарафлардан бири шартномага мувофиқ бошқа тарафнинг ўз мажбуриятларини бажаришига боғлиқ қилиб қўйилган мажбуриятни бажариши муқобил бажариш ҳисобланади. Масалан, қурилиш пудрати шартномасида пудратчининг мажбурияти бўлиб шартномада ишни бошлаш учун кўрсатилган муддат бошлангунга қадар унга буюртмачи қурилиш майдонини бериши лозим бўлмаса пудратчи ишни бошлаш имкониятига эга бўлмайди. Шунинг учун ушбу ҳолатда пудратчининг ўз вақтида ишни бошлаш мажбурияти буюртмачининг қурилиш майдонини бериб юбориш мажбуриятига нисбатан муқобил бажариш сифатида тан олинади ёки иш ҳажми билан таъминланади.

Умумий қоидага кўра шартноманинг ўзгариши ва бекор қилиниши тарафларнинг келишувига кўра бўлиши мумкин. *Биринчидан*, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 642-моддасининг шартларига кўра буюртмачига ишнинг натижасини топшириш пайтига қадар бўлган ҳар қандай вақтда бир тарафлама тартибда шартномани бажаришдан воз кечиш ҳуқуқи берилган, пудрат шартномасида белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Пудратчи бундай ҳуқуққа эга эмас.

Иккинчидан, буюртмачи томонидан шартномадан бир тарафлама воз кечишга буюртмачи пудратчи томонидан буюртмачининг шартномани бажаришдан воз кечганлиги тўғрисидаги ёзма билдиришни олган пайтига қадар бажарилган ишлар учун тўлиқ ҳақ олган ҳолдагина йўл қўйилади.

Учинчидан, шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда пудратчи шартномани бажаришдан воз кечиши ва етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

645-модда. Буюртмачининг ёрдами

Пудратчининг ишни бажаришига буюртмачи пудрат шартномасида назарда тутилган ҳолларда, ҳажмда ва тартибда ёрдам бериши шарт.

Буюртмачи бу мажбуриятни бажармаса, пудратчи кўрилган зарарни, шу жумладан бекор туриб қолганлик оқибатидаги қўшимча чиқимларни қоплашни ёки ишни бажариш муддатини ўзгартириш ёхуд пудрат шартномасида кўрсатилган иш баҳосини оширишни талаб қилишга ҳақли.

Буюртмачининг ҳаракати ёки йўл қўйган ҳатоси туфайли пудрат шартномаси бўйича ишни бажариш мумкин бўлмайд қолган тақдирда, пудратчи ишнинг бажарилган қисмини ҳисобга олган ҳолда шартномада кўрсатилган баҳони олиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Шарҳланаётган моддага биноан пудратчининг ишни бажаришига буюртмачи пудрат шартномасида назарда тутилган ҳолларда, ҳажмда ва тартибда ёрдам бериши шартлиги ҳақидаги нормани ўз ичига олади. Буюртмачининг бундай мажбурияти пудрат шартномасида белгиланган бўлади, зеро кўп ҳолларда тегишли ишнинг бажарилиш сифати айнан буюртмачи томонидан ишни бажариш бўйича пудратчига кўрсатиладиган ёрдамга боғлиқ бўлади. Буюртмачининг кўрсатилган мажбуриятни бажармаслиги ўз навбатида модда иккинчи қисмида кўрсатилган ҳуқуқий оқибатларнинг келиб чиқишига олиб келади.

Пудратчининг ишни бажаришига буюртмачи томонидан пудрат шартномасида назарда тутилган ёрдамни кўрсатиш мажбуриятини қуйидагича тавсифлаш мумкин:

биринчидан, буюртмачи айнан шартномада кўрсатилган ҳолатларда ва ҳажмда ёрдам кўрсатиши лозим. Бу пудратчининг буюртмачи билан тузилган шартномада кўрсатилмаган ҳолатлар бўйича ёрдамни талаб қилишга ҳақли эмаслигини билдиради;

иккинчидан, пудратчи айнан шартномада кўрсатилган ҳолатларда буюртмачининг ёрдам кўрсатмаганлиги оқибатида юзага келадиган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли;

учинчидан, буюртмачининг айби билан шартнома шартларини бажариш имконияти бўлмаган ҳолатда, пудратчи бажарилган иш қисми учун тўловни олиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

646-модда. Буюртмачининг бажарилган ишларни қабул қилиши

Буюртмачи бажарилган ишни (унинг натижасини) пудрат шартномасида назарда тутилган муддатда ва тартибда пудратчи иштирокида кўриб чиқиши ва қабул қилиши, иш натижасини ёмонлаштирадиган даражада шартномадан чекиниш ёки бошқа камчиликлар аниқланган тақдирда эса, бу тўғрида пудратчига дарҳол маълум қилиши шарт.

Ишни қабул қилиш вақтида унинг камчиликларини аниқлаган буюртмачи бу камчиликлар ёхуд уларни тузатиш тўғрисида кейинчалик талаб қўйиш мумкинлиги далолатнома ёки қабул қилишни тасдиқловчи бошқа ҳужжатда кўрсатилган ҳоллардагина уларни важ қилиб келтиришга ҳақли.

Буюртмачи ишни текширмасдан қабул қилган бўлса, уни қабул қилишнинг оддий усулида аниқланиши мумкин бўлган камчиликлар (очиқ кўриниб турган камчиликлар)ни далил қилиб келтириш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Буюртмачи иш қабул қилиб олинганидан сўнг унда пудрат шартномасидан чекинишлар ёки ишни қабул қилишнинг оддий усулида аниқланиши мумкин бўлмаган бошқа хил камчиликлар (яширин камчиликлар)ни, шу жумладан, пудратчи қасдан яширган камчиликларни аниқласа, улар аниқланганидан сўнг ўн кунлик муддат ичида бу тўғрида пудратчига хабар қилиши шарт.

Буюртмачи билан пудратчи ўртасида бажарилган ишнинг камчиликлари ёки уларнинг сабаблари юзасидан низо келиб чиққан тақдирда, истаган тарафнинг талаби бўйича экспертиза тайинланиши керак. Экспертиза ўтказиш харажатлари пудратчи зиммасида бўлади, экспертиза пудрат шартномаси бузилмаганлигини ёки пудратчининг ҳаракатлари билан аниқланган камчиликлар ўртасида сабабий боғланиш йўқлигини аниқлаган ҳоллар бундан мустасно. Бундай ҳолларда экспертиза харажатларини экспертиза ўтказишни талаб қилган тараф, агар экспертиза тарафларнинг ўзаро келишуви билан тайинланган бўлса, иккала тараф тенг миқдорда тўлайди.

Агар пудрат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, буюртмачи бажарилган ишни қабул қилишдан бош торт-

ганида, пудратчи шартномага биноан иш натижаси буюртмачига топширилиши керак бўлган кундан бошлаб бир ой ўтгач ва шундан кейин буюртмачини икки марта огоҳлантирган ҳолда иш натижасини сотиб юборишга, тушган пулни эса, пудратчига тегишли ҳамма тўловларни чегириб ташлаб, нотариал идоранинг депозитига буюртмачининг номига киритиб қўйишга ҳақли. Пудратчи пудрат нарчасини сотиш ўрнига уни ушлаб туриш ёки келтирилган зарарни буюртмачидан ундириб олиш ҳуқуқидан фойдаланишга ҳақли.

Агар буюртмачининг бажарилган ишни қабул қилишдан бош тортиши ишни топшириш кечикиб кетишига сабаб бўлган бўлса, тайёрланган (қайта ишланган) ашёнинг тасодифан нобуд бўлиш хавфи ашё топширилиши лозим бўлган пайтда буюртмачига ўтган деб ҳисобланади.

Шарҳланаётган моддада пудратчи томонидан бажарилган ишни қабул қилиш мажбуриятини, бундай қабул қилишнинг тартиби ва қоидасини назарда тутати. Айтиб ўтиш керакки, бунда буюртмачи иш натижасини ёмонлаштирадиган даражада шартномадан чекиниш ёки бошқа камчиликлар аниқланган тақдирда эса, бу тўғрида пудратчига дарҳол маълум қилиши шарт. Шунинг таъкидлаш жоизки, пудратчи томонидан бажарилган ишларни қабул қилиш буюртмачи ва пудратчи иштирокида далолатномани тузиш орқали ёки қабул қилишни тасдиқловчи бошқа ҳужжатни расмийлаштириш асосида амалга оширилади.

Ишни қабул қилиш далолатномасида унинг камчиликлари қайд этилиши лозим. Бу ҳолатда шунинг қайд этиш керакки, агар аниқланган камчиликлар қабул қилиш далолатномасига киритилмаган бўлса, буюртмачининг бу камчиликлар ёхуд уларни тузатишни талаб қилиш ва бунинг учун исбот-далилларга, шу жумладан гувоҳлар кўрсатмаларига ҳавола қилиш ҳақли эмас. Бундан ташқари, буюртмачи ишни текширмасдан қабул қилган бўлса, уни қабул қилишнинг оддий усулида аниқланиши мумкин бўлган, очик кўриниб турган камчиликларни далил қилиб келтириш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Топшириш-қабул қилишда томонларнинг Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 646-моддасида белгиланган мажбуриятлари келиб чиқади. Иш натижасини қабул қилиб олишда буюртмачида шартномада белгиланган муддатда кўриб чиқиш ва қабул қилиб олиш масъу-

ляти юкланади. Пудратчи буюртмачидан унинг мажбуриятларини ўз вақтида бажаришни талаб қилишга ҳақли. Ўз навбатида, буюртмачи ҳам бажарилган ишдан шартномада кўрсатилган мақсадда фойдаланиш ва уларни бартараф этиш имкони бўлмаган камчиликлар аниқланганда иш натижасини қабул қилиб олишни рад қилишга ҳақли.

Шу билан бирга қайд этиш жоизки, буюртмачи билан пудратчи ўртасида бажарилган ишнинг камчиликлари ёки уларнинг сабаблари юзасидан низо келиб чиққан тақдирда, истаган тарафнинг талаби бўйича экспертиза тайинланиши керак. Экспертиза ўтказиш харажатлари пудратчи зиммасида бўлади, экспертиза пудрат шартномаси бузилмаганлигини ёки пудратчининг ҳаракатлари билан аниқланган камчиликлар ўртасида сабабий боғланиш йўқлигини аниқлаган ҳоллар бундан мустасно. Бундай ҳолларда экспертиза харажатларини экспертиза ўтказишни талаб қилган тараф, агар экспертиза тарафларнинг ўзаро келишуви билан тайинланган бўлса, иккала тараф тенг миқдорда тўлайди. Шунингдек, агар пудрат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, буюртмачи бажарилган ишни қабул қилишдан бош тортганида, пудратчи шартномага биноан иш натижаси буюртмачига топширилиши керак бўлган кундан бошлаб бир ой ўтгач ва шундан кейин буюртмачини икки марта огоҳлантирган ҳолда иш натижасини сотиб юборишга, тушган пулни эса, пудратчига тегишли ҳамма тўловларни чегириб ташлаб, нотариал идоранинг депозитига буюртмачининг номига киритиб қўйишга ҳақли. Пудратчи пудрат нарчасини сотиш ўрнига уни ушлаб туриш ёки келтирилган зарарни буюртмачидан ундириб олиш ҳуқуқидан фойдаланишга ҳақли.

647-модда. Ишнинг сифати

Пудратчи бажарган иш пудрат шартномасининг шартларига, шартлар бўлмаганида ёки тўлиқ бўлмаганида эса, одатда тегишли турдаги ишларга қўйиладиган талабларга мос келиши керак. Агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, бажарилган иш натижаси буюртмачига топшириш пайтида шартномада кўрсатилган ёки одатда қўйиладиган талаблар билан белгиланган хусусиятларга эга бўлиши ва оқилона муддат давомида

шартномада назарда тутилганидек фойдаланиш учун, агар у шартномада белгиланган бўлмаса, бундай турдаги ишнинг натижасидан одатдагидек фойдаланиш учун яроқли бўлиши керак.

Агар қонун ҳужжатларида пудрат шартномаси бўйича бажариладиган ишга қўйиладиган мажбурий талаблар назарда тутилган бўлса, тадбиркор сифатида иш олиб бораётган пудратчи ишни бундай мажбурий талабларга амал қилган ҳолда бажариши шарт.

Пудратчи белгиланган мажбурий талабларга нисбатан сифат жиҳатидан бирмунча юқори талабларга жавоб берадиган ишни бажаришни пудрат шартномаси асосида ўз зиммасига олиши мумкин.

Бажарилаётган ишнинг сифати пудрат шартномасининг шартларидан бири ҳисобланади. Бажарилаётган ишнинг сифатига бўлган асосий талаблардан бири бўлиб, биринчидан, қонун ёки бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар сифатига оид талабларда ифодаланади. Пудратчи мажбурий талабларга риоя қилиши шарт ва у бузилган тақдирда қонун олдида, яъни қонун билан ваколат берилган ваколатли органи орқали давлат олдида жавобгар бўлади. Пудратчи мажбурий талабларга нисбатан ўз зиммасига ишни юқори сифатли даражада бажаришни мажбурият деб олади. Иккинчидан, тузилган пудрат шартномаси шартларига ишнинг сифатига қўйилган талаблар ҳам киради. Қоидага кўра ишнинг натижасини белгилашда, унинг келгусида фойдаланиши хусусиятларидан келиб чиқиб, шартномани тузишда ушбу талаблар буюртмачи томонидан билдирилади. Учинчидан, бундай талабларга шаклланган муомала одатларига мос келадиган, турли ишларга доир сифат талаблари киради. Фуқаролик кодексининг 6-моддаси 1-қисмига мувофиқ тадбиркорлик фаолиятининг бирон-бир соҳасида вужудга келган ва кенг қўлланиладиган, қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган хулқ-атвор қондаси, бирон-бир ҳужжатда ёзилганлиги ёки ёзилмаганлигидан қатъи назар, иш муомаласи одати деб ҳисобланади. Иш муомала одатлари — бу мажбурий ҳуқуқнинг манбаидир. Иш муомаласи одати ҳам мажбурият ҳуқуқий муносабатларни белгилаб берувчи нормалар сифатида қўлланилиши (ФК 236, 239 ва 243-моддалари), ҳам шартнома шартларини изоҳлашда қўлланилиши мумкин (ФК 363-моддаси). Айтиб ўтиш керакки, иш муомала одати ҳуқуқи нормаларидан фойдаланиш зарурати сифат бўйича талабларни белгилайдиган шартноманинг йўқлиги ёки тўлиқ бўлмаганлиги ҳолатида юзага келади.

Ушбу модданинг 1-қисмига мувофиқ, ишнинг сифати пудрат шартномасида бегиланиши керак, шартларнинг тўлиқ эмаслиги ҳолатларида эса — одатий талабларга мос бўлиши лозим. Пудратнинг предметдан келиб чиқиб, ишнинг сифати шартноманинг ўзида, иловасида (тавсиф, чизма ва ҳ.к.) белгиланган бўлиши керак ёки бошқа хужжатга (стандарт, қўлланма ва ҳ.к.) ҳавола кўринишида шаклланган бўлиши мумкин. Намуна (расм) асосида пудратни бажариш ҳам мумкин.

Биринчи қисмда айрим иш сифатига оид умумий мезонлар келтирилган: одатда ушбу ишларга доир талаблар, муддат чегарасида яроқлилиги, одатда ундан фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги. Ушбу мезонлардан тўғри қўллаш учун шартнома шартлари, шартнома предметининг ўзига хосликлари ва тарафлар ҳуқуқий мақомини эътиборга олиш лозим бўлади.

Модданинг 2-қисмида пудрат шартномаси бўйича бажариладиган ишга қўйиладиган мажбурий талаблар назарда тутилган бўлса, тадбиркор — пудратчи ишни бундай мажбурий талабларга амал қилган ҳолда бажариши шартлиги белгиланган. Тадбиркорлик фаолиятини олиб борадиган пудратчи учун бундай талаблар мажбурий эмас.

648-модда. Ишнинг сифатига кафолат бериш

Қонун ҳужжатларида ёки пудрат шартномасида пудратчи буюртмачига ишнинг сифатига кафолат бериши назарда тутилган бўлса, пудратчи бутун кафолат муддати давомида ушбу Кодекс 647-моддасининг биринчи қисми талабларига мос келадиган иш натижаларини буюртмачига топшириши шарт.

Агар пудрат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ишлар натижасининг сифатига берилган кафолат ишнинг натижасини ташкил этувчи ҳамма нарсага тегишли бўлади.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмини кўриб чиқиш билан боғлиқ ҳолда шуни айтиш керакки, пудрат шартномасида кафолат муддати деганда буюртмачи томонидан ишлар натижасидан тегишли фойдаланиш қоидаларига амал қилиш шarti билан пудратчи амалга оширган ишларининг сифатини кафолатлайдиган муддат тушунилади. Кафолат муддати мобайнида камчиликлар топилган тақдирда пудратчи текинга ва оқилона муддатда аниқланган камчиликларни бартараф этиши, буюртмачи

эса пудратчидан уларни ўз вақтида бартараф этишни талаб қилишга ҳақли. Қилинган ишлар натижасининг кафолат муддатлари қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар, иш муомаласи одатлари, шунингдек тарафлар ўртасидаги келишувга кўра белгиланади.

Ушбу модданинг 1-қисмига мувофиқ ишнинг сифати бўйича кафолатни қонун ҳужжатларида ёки пудрат шартномасида назарда тутилган ҳолларда буюртмачига пудратчи томонидан тақдим этилиши назарда тутилади, пудратчи ушбу Кодекснинг 674-модданинг 1-қисмидаги талабларига мос келадиган иш натижаларини топшириши шарт.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, низо туғилган тақдирда исбот қилиш бурчи даъвогар зиммасида бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 55-моддасига мувофиқ ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаб ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 651-моддасига мувофиқ буюртмачи кафолат муддати даврида аниқланган иш натижасидаги камчиликлар билан боғлиқ талабларни қўйишга ҳақли.

Шартномада назарда тутилган кафолат муддати икки йилдан кам бўлиб, буюртмачи иш натижасидаги камчиликларни кафолат муддати тамом бўлгач, бироқ ушбу модданинг бешинчи қисмида назарда тутилган пайтдан эътиборан икки йил давомида аниқлаган ва бу камчиликлар иш натижаси ўзига топширилгунича ёки топшириш пайтига қадар юзага келган сабабларга кўра пайдо бўлганлигини исбот қилса, улар учун пудратчи жавобгар бўлади.

649-модда. Кафолат муддатини ҳисоблаш тартиби

Агар пудрат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кафолат муддати буюртмачи бажарилган иш натижасини қабул қилган ёки қабул қилиши лозим бўлган пайтдан ўта бошлайди.

Агар қонун ҳужжатларида ёки тарафларнинг келишувида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ёхуд у пудрат шартномасининг хусусиятларидан келиб чиқмаса, пудрат шартномаси бўйича кафолат муддатини ҳисоблаш учун ушбу Кодекс 404-моддасининг иккинчи,

учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларида кўрсатилган қоидалар тегишинча татбиқ этилади.

Пудрат муносабатларида муддатлар, шу жумладан кафолат муддатлари шартнома шартларидан бири ҳисобланади. Шунга кўра таъкидлаш жоизки, муддат юридик фактлардан бири сифатида маълум бир ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради. Ушбу модда кафолат муддатларини ҳисоблаш тартибига оид диспозитив нормани назарда тутди.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмига мувофиқ, агар пудрат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кафолат муддати буюртмачи бажарилган иш натижасини қабул қилган ёки қабул қилиши лозим бўлган пайтдан ўта бошлайди.

Бунда, пудрат шартномасига мувофиқ пудрат шартномаси бўйича кафолат муддатини ҳисоблашда ушбу Кодекс 404-моддасининг иккинчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлари қоидалари қўлланилади.

Фуқаролик кодексининг 404-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган нормаларга мувофиқ агар сотиб олувчи сотувчига боғлиқ бўлган ҳолатлар туфайли олди-сотди шартномасида кафолат муддати белгиланган товардан фойдаланиш имкониятидан маҳрум бўлса, сотувчи тегишли ҳолатларни бартараф этмагунча кафолат муддатининг ўтиши бошланмайди.

Фуқаролик кодексининг 404-моддаси учинчи қисмида эса агар олди-сотди шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ушбу Кодекснинг 416-моддасида белгиланган тартибда сотувчига товарнинг камчиликлари ҳақида хабар қилиш шarti билан кафолат муддати товарда аниқланган камчиликлар туфайли ундан фойдаланиб бўлмаган вақтга узайтирилиши ҳақидаги норма белгиланган.

Шунингдек, Фуқаролик кодекси 404-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ агар олди-сотди шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, бутловчи буюмнинг кафолат муддати асосий буюмнинг кафолат муддатига тенг ҳисобланади ва асосий буюмнинг кафолат муддати билан бир вақтда ўта бошлаши мустаҳкамланган.

Бундан ташқари, Фуқаролик кодекси 404-моддасининг тўртинчи қисмида товар (бутловчи буюм) алмаштирилганда кафолат муддати янгидан ўта бошлаши белгиланган.

Фуқаролик кодексининг шарҳланаётган нормаси, агар қонун ҳужжатлари ёки тарафларнинг келишувида бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса

ёхуд пудрат шартномасининг хусусиятларидан ўзгача англашилмаса, кўлланилади.

Зеро, шарҳланаётган моддада кафолатлар ва уларнинг амал қилиш доираси белгиланмаган бўлсада, бироқ унда пудрат шартномаси бўйича кафолат муддатини ҳисоблаш тартиби акс эттирилган. Кафолат муддатининг ўта бошлаш пайти шунингдек Фуқаролик кодекси 651-моддасининг бешинчи ва олтинчи қисмларида белгиланган. Шунини таъкидлаш жоизки, Фуқаролик кодекси 649-моддаси ва 651-модданинг бешинчи ва олтинчи қисмлари бир-бирини такрорловчи нормалар бўлиб, бу эса ўз навбатида қонунчилик техникаси талабларига зиддир. Шунга кўра, қонун чиқарувчига ушбу нормаларни такомиллаштиришда юқоридаги ҳолатларни назарда тутиш тавсия этилади.

Шарҳланаётган модданинг маъно-мазмунини бўйича пудрат шартномасида иш ва натижа асосий ҳисобланишидан келиб чиқиб, кафолат муддати ўтмаслиги ёки товардан фойдаланиш имконияти бўлмаганда узайтирилмаслиги тушунилади.

650-модда. Ишнинг сифати лозим даражада бўлмаганлиги учун пудратчининг жавобгарлиги

Агар иш пудратчи томонидан пудрат шартномасидан четга чиққан ҳолда бажарилиб, иш натижасини ёмонлаштирган бўлса, ёки уни шартномада назарда тутилган мақсадлар учун ёхуд шартномада яроқсизлик ҳақида тегишли шартлар бўлмаган тақдирда, одатдаги мақсадлар учун фойдаланишга яроқсиз қилиб қўядиган бошқа камчиликлар билан бажарилган бўлса, буюртмачи, башарти қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ўз хоҳишига кўра пудратчидан:

**камчиликларни оқилона муддатда бепул бартараф этишни;
иш учун белгиланган баҳони мутаносиб равишда камайтиришни;
шартномада буюртмачининг камчиликларни бартараф этиш ҳуқуқи назарда тутилган бўлса, уларни бартараф этишга қилган ўз харажатларини қоплашни талаб қилишга ҳақли.**

Пудратчи ишдаги ўзи жавобгар бўлган камчиликларни бартараф этиш ўрнига, буюртмачига шартномани бажаришни кечиктирганлик

натижасида етказган зарарни қоплаган ҳолда ишни янгидан бепул бажариб беришга ҳақли. Бундай ҳолда буюртмачи илгари ўзига топширилган иш натижасини, агар ишнинг хусусиятига кўра уни қайтариб бериш мумкин бўлса, пудратчига қайтариб бериши шарт.

Агар ишдаги пудрат шартномаси шартларидан четга чиқишлар ёки бошқа хил камчиликлар жиддий ва бартараф этиб бўлмайдиган даражада бўлса ёхуд аниқланган камчиликлар буюртмачи томонидан белгиланган оқилона муддатда бартараф этилмаган бўлса, буюртмачи шартномани бажаришдан бош тортишга ва келтирилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Пудрат шартномасининг муайян камчилик учун пудратчини жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги шarti, агар бундай нуқсонлар пудратчининг айбли ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги туфайли вужудга келганлиги исботланса, пудратчини жавобгарликдан озод қилмайди.

Ишни бажариш учун материал берган пудратчи унинг сифати учун сотувчининг сифати лозим даражада бўлмаган товар учун жавобгарлиги тўғрисидаги қоидалар бўйича жавобгар бўлади.

ФКнинг 650-моддасида ишнинг сифати лозим даражада бўлмаганлиги учун пудратчининг жавобгарлиги белгиланган. Ушбу норманинг мазмунидан келиб чиқадики, агар иш пудратчи томонидан пудрат шартномасидан четга чиққан ҳолда бажарилиб, иш натижасини ёмонлаштирган бўлса, ёки уни шартномада назарда тутилган мақсадлар учун ёхуд шартномада яроқсизлик ҳақида тегишли шартлар бўлмаган тақдирда, одатдаги мақсадлар учун фойдаланишга яроқсиз қилиб қўядиган бошқа камчиликлар билан бажарилган бўлса, буюртмачи, башарти қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, агар бошқаси қонун ёки пудратчи томонидан белгиланмаган бўлса, буюртмачи ўз хохишига кўра пудратчидан қуйидагиларни талаб қилишга ҳақли: биринчидан, камчиликларни оқилона муддатда бепул бартараф этиш; иккинчидан, иш учун белгиланган баҳони мутаносиб равишда камайтириш; учинчидан, шартномада буюртмачининг камчиликларни бартараф этиш ҳукуқи назарда тутилган бўлса, уларни уларни бартараф этишга қилган ўз харажатларини қоплаш.

ФК 650-моддаси қоидалари ишнинг сифатини ёмонлаштирадиган ҳолатга олиб боровчи шартнома шартларидан четга чиққан ҳолда ишни бажаришда тарафларнинг муносабатларини етарлича батафсил тар-

тибга солади. Шарҳланаётган модданинг санаб ўтилган буюртмачининг ҳуқуқларидан фойдаланиш зарарларни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқи билан тўлдирилади, пудратчи лозим даражада ишни бажармаган тақдирда қоплашга мажбур. Пудрат шартномасининг муайян камчилик учун пудратчини жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги шarti, агар бундай нуқсонлар пудратчининг айбли ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги туфайли вужудга келганлиги исботланса, пудратчини жавобгарликдан озод қилмайди. Бундай ҳолатларда исботлаш мажбурияти буюртмачи зиммасига юклатилади, шунинг учун шартномага шунга ўхшаш шартларни белгилашга эътибор билан ёндашиш талаб этилади.

Бундан келиб чиқиб шуни таъкидлаш жоизки, пудратчи ишдаги ўзи жавобгар бўлган камчиликларни бартараф этиш ўрнига, буюртмачига шартномани бажаришни кечиктирганлик натижасида етказган зарарни қоплаган ҳолда ишни янгидан бепул бажариб беришга ҳақли. Бундай ҳолда буюртмачи илгари ўзига топширилган иш натижасини, агар ишнинг хусусиятига кўра уни қайтариб бериш мумкин бўлса, пудратчига қайтариб бериши шарт. Агар ишдаги пудрат шартномаси шартларидан четга чиқишлар ёки бошқа хил камчиликлар жиддий ва бартараф этиб бўлмайдиган даражада бўлса ёхуд аниқланган камчиликлар буюртмачи томонидан белгиланган оқилона муддатда бартараф этилмаган бўлса, буюртмачи шартномани бажаришдан бош тортишга ва келтирилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

382-модданинг 3-қисмига биноан тарафлардан бирининг шартномани бузиши иккинчи тарафга у шартнома тузишда умид қилишга ҳақли бўлган нарсадан кўп даражада маҳрум бўладиган қилиб зарар етказиши шартномани жиддий бузиш ҳисобланади.

Ушбу модданинг 4-қисмида эса пудрат шартномасининг муайян камчилик учун пудратчини жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги шarti, агар бундай нуқсонлар пудратчининг айбли ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги туфайли вужудга келганлиги исботланса, пудратчини жавобгарликдан озод қилмаслиги белгиланган.

Шунингдек, шарҳланаётган модданинг 5-қисмида ишни бажариш учун материал берган пудратчи унинг сифати учун сотувчининг сифати лозим даражада бўлмаган товар учун жавобгарлиги тўғрисидаги қоидалар бўйича жавобгар бўлишини белгиловчи норма акс этган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг 2007 йил 15 июндаги «Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкый жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги 163-сонли қарорига мувофиқ судлар шунга эътибор беришлари лозимки, ФКнинг 333-моддасига асосан, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқа тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавоб беради. Қарздор мажбуриятни лозим даражада бажариш учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма чораларни кўрганлигини исботласа, у айбсиз деб топилади.

Мажбуриятлар бўйича қарзни тўлаш учун зарур бўлган пул маблағларининг қарздорда мавжуд эмаслиги, унинг шартлашувчи шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун керак товарларнинг бозорда йўқлиги қарздорни ФКнинг 327-моддасида назарда тутилган фоизларни ёки қонун ҳужжатларида ёхуд шартномада келишилган неустойкаларни тўлашдан озод этиш учун асос бўла олмайди.

Шартномалардан келиб чиқувчи пул мажбуриятларида, хусусан қарздорнинг товарлар, ишлар, хизматлар тўловини амалга ошириш ёхуд пул маблағларини қайтариш, тўлов кечиктирилган суммани тўлаш шarti билан олинган мажбуриятларда ФКнинг 327-моддасига асосан фоизлар ҳисобланиши лозим.

Қонунда ёхуд тарафлар келишувида пул мажбуриятларини бажаришни кечиктирганлик учун қарздорнинг неустойка (пеня) тўлаш мажбурияти назарда тутилиши мумкин. Бундай ҳолатларда суд шундан келиб чиқиши керакки, агар қонунда ёки шартномада тўғридан-тўғри бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кредитор пул мажбуриятини бажармаганлиги учун зарар етказилганлиги ҳолатини ва зарарнинг миқдорини исботламаса ҳам, ушбу чоралардан бирини қўллаш ҳақидаги талабни қўйишга ҳақли.

651-модда. Иш натижасининг лозим даражада сифатли эмаслигини аниқлаш муддатлари

Агар қонун ёки пудрат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, буюртмачи ушбу моддада белгиланган муддатларда

иш натижасининг лозим даражада сифатли эмаслигини аниқлаган тақдирда, ишнинг натижаси лозим даражада сифатли эмаслиги билан боғлиқ талабларни қўйишга ҳақли.

Иш натижасига кафолат муддати белгиланмаган ҳолларда иш натижаларидаги камчиликлар оқилона муддатда, бироқ иш натижаси топширилган кундан бошлаб икки йил мобайнида аниқланган тақдирда, агар қонунда, шартномада ёки иш муомаласи одатларида бошқа муддатлар белгиланган бўлмаса, буюртмачи иш натижасидаги камчиликлар билан боғлиқ талабларни қўйиши мумкин.

Буюртмачи кафолат муддати мобайнида аниқланган иш натижасидаги камчиликлар билан боғлиқ талабларни қўйишга ҳақли.

Шартномада назарда тутилган кафолат муддати икки йилдан кам бўлиб, буюртмачи иш натижасидаги камчиликларни кафолат муддати тамом бўлгач, бироқ ушбу модданинг бешинчи қисмида назарда тутилган пайтдан эътиборан икки йил давомида аниқлаган ва бу камчиликлар иш натижаси ўзига топширилгунича ёки топшириш пайтига қадар юзага келган сабабларга қўра пайдо бўлганлигини исбот қилса, улар учун пудратчи жавобгар бўлади.

Агар пудрат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кафолат муддати бажарилган иш натижаси буюртмачи томонидан қабул қилиб олинган ёки қабул қилиб олинishi лозим бўлган пайтдан эътиборан ўта бошлайди.

Пудрат шартномаси бўйича кафолат муддатини ҳисоблашда, агар қонун ҳужжатларида, тарафлар ўртасидаги келишувда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ёки у пудрат шартномасининг хусусиятларидан келиб чиқмаса, ушбу Кодекс 404-моддаси иккинчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларининг қоидалари тегишинча қўлланади.

Шарҳланаётган моддада иш натижасининг камчиликлари аниқланиши билан боғлиқ буюртмачининг талаб қилиш ҳуқуқини белгиловчи муддатлар назарда тутилган.

Қонунчиликда иш натижасининг лозим даражада сифатли эмаслигини аниқланганида буюртмачи томонидан тегишли талабларни қўйиш ҳуқуқининг амал қилиш муддатларининг белгилаб берилиши пудратчи ва буюртмачи ўртасидаги кафолат муддатларини аниқлаш ва буюртмачининг ҳуқуқларини

химоя қилиш билан боғлиқ бўлган шартномавий муносабатларни шартномавий тартибга солишдаги бўшлиқларни тўлдириш билан боғлиқдир.

Шу билан бирга, иш натижасига кафолат муддати белгиланмаган ҳолларда иш натижаларидаги камчиликлар оқилона муддатда, бироқ иш натижаси топширилган кундан бошлаб икки йил мобайнида аниқланган тақдирда, агар қонунда, шартномада ёки иш муомаласи одатларида бошқа муддатлар белгиланган бўлмаса, буюртмачи иш натижасидаги камчиликлар билан боғлиқ талабларни қўйиши мумкин. Буюртмачи кафолат муддати мобайнида аниқланган иш натижасидаги камчиликлар билан боғлиқ талабларни қўйишга ҳақли. Шартномада назарда тутилган кафолат муддати икки йилдан кам бўлиб, буюртмачи иш натижасидаги камчиликларни кафолат муддати тамом бўлгач, бироқ ушбу модданинг бешинчи қисмида назарда тутилган пайтдан эътиборан икки йил давомида аниқлаган ва бу камчиликлар иш натижаси ўзига топширилгунича ёки топшириш пайтига қадар юзага келган сабабларга кўра пайдо бўлганлигини исбот қилса, улар учун пудратчи жавобгар бўлади.

Шарҳланаётган модданинг бешинчи ва олтинчи қисмлари нормалари Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 649-моддасига ҳос бўлиб, пудрат шартномасида кафолат муддатларини ҳисоблаб чиқиш қоидаларини белгилайди (Ўз. Р ФК 649-моддаси ва шарҳига қаранг).

652-модда. Иш сифатининг лозим даражада эмаслиги хусусида даъво қўзғатиш муддати

Иш сифатининг лозим даражада эмаслиги туфайли келиб чиққан талаблар учун даъво қўзғатиш муддати ушбу Кодекс 150-моддасининг қоидаларига биноан белгиланади.

Агар қонун ҳужжатлари ёки пудрат шартномасида пудратчининг иш сифатига кафолат бериши назарда тутилган, кафолат муддати белгиланган ва ишдаги камчиликлар хусусидаги ариза кафолат муддатида берилган бўлса, даъво қўзғатиш муддати камчиликлар хусусида ариза берилган кундан эътиборан ўта бошлайди.

Агар пудрат шартномасига мувофиқ буюртмачи иш натижасини қисмларга бўлиб қабул қилган бўлса, даъво муддати иш натижаси бутунлай қабул қилиб олинган кундан эътиборан ўта бошлайди.

Ушбу модда пудрат шартномаси бўйича иш сифатининг лозим даражада эмаслиги хусусида даъво қўзғатиш муддатлари ва унинг ўтиш пайти бошланиш вақтини белгилайди.

Даъво муддати деганда суд органларига даъво қўзғатиш йўли билан фуқаролар ҳуқуқини мажбурий амалга ошириш имконияти мавжуд бўлган вақт оралиғи тушунилади.

Бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилиш учун даъво қўзғатиш имконияти моддий маънода даъво ҳуқуқи билан ифодаланади, бу эса ўз навбатида одатда у ёки бу муддатларда мурожаат қилиш ҳуқуқи, суд ёки ҳакамлик судларига даъво билан мурожаат қилиш ҳуқуқининг ўзидан фарқланади. Пудрат шартномаси бўйича бажарилган иш сифатининг лозим даражада эмаслиги буюртмачининг иш натижаларидан фойдаланишга доир субъектив ҳуқуқлари бузилишидир. Буюртмачининг ушбу ҳуқуқи етарлича узоқ вақт мобайнида ҳимоя қилиниши лозим. Аммо қонун чиқарувчи кўчмас мулк объектларидан ташқари, бошқа ҳолатларда ушбу муддатни 1 йил муддат билан чегаралаб қўйган. Бу ўз навбатида пудрат шартномаси иштирокчиларининг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларини тартибга солиш, буюртмачи томонидан узоқ муддат мобайнида ўз субъектив ҳуқуқларидан фойдалана олмаслик ҳолатини келтириб чиқариши мумкин бўлган беқарорликларни бартараф этиш билан боғлиқ. Ушбу норманинг императивлиги оммавий тартибни таъминлаш мақсадида, давлатнинг пудрат шартномаси бўйича тарафлар томонидан ишнинг барча иштирокчилари манфаатлари йўлида уларнинг ўз ҳуқуқ ва ваколатларини ўз вақтида амалга оширишидаги манфаати, шунингдек пудрат шартномаси бўйича қилинган ишларнинг лозим даражада эканлиги ҳақидаги низони ҳал қилиш учун қулай шарт-шароит яратиш билан ифодаланади. Қулай шарт-шароитлар муддатлар ўтганлиги сабабли исботлар эскирган ва аниқ белгилаб бўлмайдиган ҳолга келган талабларни бартараф этиш йўли билан вужудга келади.

Қонун чиқарувчи томонидан бино ва иншоотларга нисбатан иш сифатининг лозим даражада эмаслиги хусусида даъво қўзғатишнинг умумий муддати сифатида уч йиллик умумий даъво муддати қўлланилишини белгилаб берган (ФК 150-моддаси). Даъво муддати шахс ўзининг ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан ўта бошлайди. Бу қоидадан истиснолар ушбу Кодекс ва бошқа қонунлар

билан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 652-моддаси учинчи қисми нормалари худди кўрсатилан истисно сифатида баҳоланади, чунки унга биноан даъво муддати иш натижаси бутунлай қабул қилиб олинган кундан эътиборан ўта бошлайди. Бунда иш қисман ёки тўлиқ қабул қилинишидан қатъий-назар, даъво муддатининг ўтиш даври фақатгина ишни тўлиқлигича қабул қилиш кунидан бошланади.

Бундан ташқари, ушбу моддада кафолат муддати мавжуд бўлганда, ишдаги камчиликлар хусусида арз қилиниши мумкинлиги ва бу ҳолатда даъво кўзғатиш муддати камчиликлар хусусида ариза берилган кундан эътиборан ўта бошлаши ҳақидаги нормалар ҳам назарда тутилади.

653-модда. Пудратчининг буюртмачига ахборот бериш мажбурияти

Агар шартномада назарда тутилган бўлса ёки ахборотнинг хусусиятидан иш натижасидан пудрат шартномасида назарда тутилган мақсадларда ушбу ахборотсиз фойдаланиш мумкин эмаслиги англашилса, пудратчи буюртмачига ишнинг натижаси билан бирга пудрат шартномасининг нарсасини ишлатиш ёки ундан бошқача тарзда фойдаланишга тааллуқли бўлган ахборотни ҳам бериши шарт.

Ушбу моддада пудратчининг буюртмачига ахборот бериш мажбурияти ҳақидаги норма ифодаланган. Шунини қайд этиш керакки, ахборот беришнинг қандай шакли бўлишидан қатъий-назар, шахслар, предметлар, далиллар, воқеа ҳодиса ва жараёнлар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олиши мумкин.

Буюртмачига пудратчи пудрат объекти ҳақида ахборотни юбориши мажбурияти баён этилган моддада ахборот умуммажбурий хусусиятга эга бўлмасдан ва икки ҳолда вужудга келади:

- а) шартномада кўрсатилган ҳолларда;
- б) ушбу ахборотсиз тегишли мақсадларга эришиш имкони бўлмаган ҳолларда.

Юқоридаги ҳолатларнинг биринчисида ахборот ҳажми шартномада кўрсатилган бўлиши, иккинчисида эса пудрат объектининг техник мураккаблиги ва янгилиги билан боғлиқ ҳолда, шуингдек шартнома шартлари

билан аниқланади. Тарафлар буюртмачининг пудрат иши натижасидан фойдаланиш жараёнида керакли бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай ахборотни оқилона муддатларда талаб қилиб олиш ҳуқуқига эа эканлигидан келиб чиқишлари лозим.

Айтиб ўтиш керакки, соҳада аҳамиятли бўлган «Капитал қурилишга оид пудрат шартномалари»га доир Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (17-сонли БХМС) асосан қурилиш пудрати шартномалари билан боғлиқ бўлган даромадлар ва харажатларнинг бухгалтерия ҳисоби услубиятини белгилашда қўлланилади. Бунда таъкидлаш жоизки, мазкур стандарт ўз эҳтиёжлари учун капитал қурилишни амалга ошираётган (хўжалик усули) субъектлар — қурувчиларга тааллуқли эмас, чунки улар бундай фаолиятдан даромад олмайдилар, улар қилган харажатларнинг ҳаммаси эса капиталлаштирилади.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрдаги «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги 719-І-сонли Қонуни 25-моддасига мувофик, инвестиция фаолияти субъектларининг манфаатларига муайян тарзда дахлдор умум мажбурий тусдаги қонун ҳужжатларидан улар эркин фойдалана олишлари лозим. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва давлат бошқаруви органлари инвестиция фаолияти субъектларининг сўровларига кўра уларни қизиқтирган ахборотни қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда беришлари шарт.

654-модда. Тарафлар олган ахборотнинг махфийлиги

Агар бир тараф пудрат шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бажарганлиги туфайли иккинчи тарафдан янги ечимлар ва техникавий билимлар, жумладан ҳуқуқий муҳофаза қилинмайдиган ечим ва билимлар, шунингдек тижорат сири деб ҳисобланиши мумкин бўлган ахборотлар олса, у бу маълумотларни иккинчи тарафнинг розилигисиз учинчи шахсларга маълум қилишга ҳақли эмас. Бундай ахборотдан фойдаланиш тартиби ва шартлари тарафларнинг келишуви билан белгиланади.

Шарҳланаётган модданинг мақсади тарафлар олган ахборотнинг махфийлиги даражасини аниқлаш ҳисобланади. Кўпинча тарафлар шартнома тузишдан олдин тегишли ахборотларни ўзаро алмашадилар.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, фуқаролик қонун ҳужжатлари хизмат ёки тижорат сири бўлган ахборотни, башарти бу ахборот учинчи шахсларга номаълумлиги сабабли ҳақиқий ёки нисбий тижорат қимматига эга бўлган, қонун йўли билан ундан эркин баҳраманд бўлиш мумкин бўлмаган ҳамда ахборот эгаси унинг махфийлигини сақлашга доир чоралар кўрган ҳолларда ҳимоя этади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, агар ахборот хизмат ва тижорат сири ҳисобланса, ахборот ҳақиқатан тижорат сири бўлиб, учинчи шахсларга номаълум бўлиб, уни ошкор этиш мумкин бўлмаса, унинг махфийлиги таъминланади. Демак, ҳар қандай ахборот ҳам тижорат сири бўлавермайди. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси нормаларига биноан хизмат ва тижорат сирлари Ўз. Р ФК ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган усуллар воситасида ҳимоя қилинади. Бундан хулоса қилиш мумкинки, тижорат сирини ошкор қилишга йўл қўйган бошқа тарафга етказилган зарарни қоплаши шарт.

Тарафлар олган ахборотнинг махфийлиги ҳақидаги норманинг мазмуни шундаки, агар бир тараф пудрат шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бажарганлиги туфайли иккинчи тарафдан янги ечимлар ва техникавий билимлар, жумладан ҳуқуқий муҳофаза қилинмайдиган ечим ва билимлар, шунингдек тижорат сири деб ҳисобланиши мумкин бўлган ахборотлар олса, у бу маълумотларни иккинчи тарафнинг розилигисиз учинчи шахсларга маълум қилишга ҳақли эмас. Бундан келиб чиқадики, қонун чиқарувчи томонидан махфий саналиши мумкин бўлган ахборотлар рўйхатини батафсил келтириб ўтмаган. Бундай маълумотларга биринчидан, муаммонинг янги ечим ва техник масалалар ҳақидаги маълумотлар, иккинчидан, ҳуқуқий ҳимояланмайдиган маълумотлар, учинчидан, тижорат сири сифатида қараладиган ахборотлар. Ушбу норманинг диспозитивлиги шундаки, бундай маълумотлардан фойдаланиш тартиби ва шартлари тарафлар келишуви асосида белгиланади.

655-модда. Буюртмачига материал ва ускуналарни қайтариб бериш

Агар буюртмачи ушбу Кодекс 642-моддасининг тўртинчи қисмига ёки 650-моддасининг учинчи қисмига асосан пудрат шартномасини бажаришдан воз кечса, пудратчи буюртмачи томонидан берилган материалларни, ускуналарни, қайта ишлаш (ишлов бериш) учун берилган

ашё ва бошқа мол-мулкни буюртмачига қайтариб бериши ёки буюртмачи кўрсатган шахсга топшириши, агар бунинг иложи бўлмаса — материаллар, ускуналар, ашё ва бошқа мол-мулкнинг қийматини тўлаши шарт.

Шарҳланаётган моддада буюртмачининг пудрат шартномасини бажаришдан воз кечганда, пудратчи буюртмачи томонидан берилган материалларни, ускуналарни, қайта ишлаш (ишлов бериш) учун берилган ашё ва бошқа мол-мулкни буюртмачига қайтариб бериши ёки буюртмачи кўрсатган шахсга топшириши, агар бунинг иложи бўлмаса — материаллар, ускуналар, ашё ва бошқа мол-мулкнинг қийматини тўлаши шартлиги ҳақидаги норма мустаҳкамланган.

Фуқаролик кодексининг 642-моддасига биноан агар пудратчи пудрат шартномасини бажаришга ўз вақтида киришмаса ёки ишни султ бажариши натижасида уни белгиланган муддатда тугатиш мумкин эмаслиги аниқ бўлиб қолса, буюртмачи шартномадан воз кечиб, етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли. Кодекснинг 650-моддаси нормаларига биноан агар иш пудратчи томонидан пудрат шартномасидан четга чиққан ҳолда бажарилиб, иш натижасини ёмонлаштирган бўлса, ёки уни шартномада назарда тутилган мақсадлар учун ёхуд шартномада яроқсизлик ҳақида тегишли шартлар бўлмаган тақдирда, одатдаги мақсадлар учун фойдаланишга яроқсиз қилиб қўядиган бошқа камчиликлар билан бажарилган бўлса, буюртмачи ўз хоҳишига кўра шартномадан воз кечиши мумкин.

Фуқаролик кодексининг 340-моддаси иккинчи қисмига биноан мажбуриятни тарафлардан бирининг талаби билан бекор қилишга қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади. Шунга кўра, ўхшаш ҳолатларда пудратчи унга берилган мулкни қайтаришга ёки уни қайтариш имкони бўлмаган тақдирда унинг қийматини қоплашга мажбурдир.

2-§. МАИШИЙ ПУДРАТ

656-модда. Маиший пудрат шартномаси

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган пудратчи маиший пудрат шартномаси бўйича буюртмачи-фуқаронинг топшириғи билан унинг маиший ёхуд бошқа шахсий эҳтиёжларини қондиришга

қаратилган маълум ишларни бажариш мажбуриятини, буюртмачи эса ишни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

Агар қонун ҳужжатлари ёхуд шартномада, шу жумладан буюртмачи кўшилган формулярлар ёки бошқа стандарт шаклларнинг шартларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, пудратчи буюртмачига патта ёки буюртма қабул қилинганлигини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатни берган пайдан бошлаб маиший пудрат шартномаси тузилган ҳисобланади.

Мазкур ҳужжатларнинг буюртмачида бўлмаслиги, уни маиший пудрат шартномаси тузилганлигини ёки унинг шартларини тасдиқловчи гувоҳлар кўрсатмаларини важ қилиб келтириш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

Маиший пудрат шартномаси оммавий шартномалар жумласига киради.

Шарҳланаётган моддада маиший пудрат шартномасининг норматив ҳуқуқий таърифи келтирилган. Мазкур моддада маиший пудрат шартномасининг томонлари аниқ белгилаб берилган. Шартнома бўйича буюртмачи сифатида фақат фуқаро, пудратчи сифатида эса фақат тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи ташкилот ёки фуқаро бўлишлари мумкин. Маиший пудрат шартномаси оммавий шартнома турига киради, шунга кўра, пудратчи унга мурожаат қилган ҳар қандай субъектга маиший пудрат иши бўйича тегишли ҳаракатларни амалга ошириши лозим ва маиший пудрат шартномасини тузишда бирор субъектга нисбатан бошқасига қараганда афзаллик беришга ҳақли эмас. Маиший пудрат шартномаси предмети буюртмачининг фақат маиший ёки бошқа шахсий эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган иш ҳисобланади. Қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан тарафлар томонидан оммавий шартномаларни тузиш ва улар бўйича ишларни бажаришдаги қоидалар (намунавий шартномалар, низомлар ва ҳ.к.) ўрнатилиши мумкин.

Маиший пудрат шартномаси уни мустақил шартнома тури сифатида ажратиш имконини берувчи бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга.

Биринчидан, шартнома аниқ мақсадли мазмунга эга ва буюртмачининг топшириғи билан унинг маиший ёхуд бошқа шахсий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган маълум ишларни бажариш билан ифодаланади; иккинчидан, маиший пудрат шартномаси бўйича ҳуқуқий муносабатлар субъ-

ектлари, бир томондан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи пудратчи, бошқа томондан — пудратчининг маиший ёхуд бошқа шахсий эҳтиёжларини қондиришга оид ҳаракатлари йўналтирилган буюртмачи-фуқаро ҳисобланади.

Учинчидан, маиший пудрат шартномаси оммавий шартнома сифатида унга шу турдаги шартномалар қоидалари қўлланилади. Ташкилот қонунда ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган ҳоллардан ташқари оммавий шартномани тузишда бир шахсга нисбатан иккинчи шахсни афзал кўриш ҳуқуқига эга эмас.

Фуқаролик кодекси билан тартибга солинмайдиган маиший пудрат шартномасига доир муносабатларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни нормалари қўлланилади. Жумладан, ушбу Қонуннинг ишни бажариш, хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартнома шартлари бузилган тақдирда истеъмолчининг ҳуқуқларига бағишланган 19-моддаси нормалари ФК нормаларини, хусусан маиший пудрат шартномасига нисбатан ишларни ўз муддатида бажариш ва бажармаганлик учун жавобгарликка доир муносабатларни тартибга солишда аҳамиятга эга.

Маиший пудрат шартномаси баҳосини аниқлашда қонун ҳужжатларида белгиланган шартнома тузиш эркинлиги чекланган ҳолда давлат органларининг томонидан белгиланган ёки тартибга солинган меъёрдан шартнома баҳосини кўпайтириш мумкин эмас.

Мазкур модданинг иккинчи қисмидаги диспозитив норма мазмунан шуни билдирадики, агар қонун ҳужжатлари ёхуд шартномада, шу жумладан буюртмачи кўшилган формулярлар ёки бошқа стандарт шаклларнинг шартларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, пудратчи буюртмачига патга ёки буюртма қабул қилинганлигини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатни берган пайтдан бошлаб маиший пудрат шартномаси тузилган ҳисобланади. Мазкур ҳужжатларнинг буюртмачида бўлмаслиги уни маиший пудрат шартномаси тузилганлигини ёки унинг шартномаларини тасдиқловчи гувоҳлар кўрсатмаларига ҳавола қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

657-модда. Буюртмачи ҳуқуқларининг кафолатлари

Пудратчи маиший пудрат шартномасига ҳақ эвазига бажариладиган қўшимча ишлар ёки хизматларни киритишга буюртмачини

мажбур қилишга ҳақли эмас. Бу талаб бузилган тақдирда, буюртмачи тегишли иш ёки хизматга ҳақ тўлашдан бош тортишга ҳақли.

Буюртмачи иш унга топширилгунча истаган вақтда белгиланган ҳақнинг у пудрат шартномасини бажаришдан воз кечганлиги тўғрисидаги билдиришни пудратчи олгунга қадар бажарилган ишга мутаносиб қисмини ва шартномани бажариш мақсадида шу пайтгача қилинган харажатларни пудратчига тўлаб, агар бу харажатлар иш учун тўланадиган ҳақнинг кўрсатиб ўтилган қисмига кирмаса, маиший буюртма шартномасини бажаришдан воз кечишга ҳақли. Шартноманинг буюртмачини бундай ҳуқуқдан маҳрум қилувчи шартлари ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Мазкур моддада маиший пудрат шартномаси бўйича буюртмачининг ҳуқуқлари учун қўшимча кафолатлар белгиланган. Аввало, пудратчи маиший пудрат шартномасига ҳақ эвазига бажариладиган қўшимча ишлар ёки хизматларни киритишга буюртмачини мажбур қилишга ҳақли эмас. Бу талаб бузилган тақдирда, буюртмачи тегишли иш ёки хизматга ҳақ тўлашдан бош тортишга ҳақли. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми буюртмачига сабабларини тушунтирмасдан шартномани бажаришдан бош тортиш ҳуқуқини беради. Аммо, бундай воз кечиш ишни топширганга қадар мумкин. Бунда буюртмачи шартномадан воз кечиш оқибатида бевосита келиб чиққан зарарнинг ўрнини қоплашга мажбур.

Ушбу моддани кўриб чика туриб, шунини айтиб ўтиш керакки, буюртмачи маиший пудрат шартномаси бўйича ишлар (хизматлар) юзасидан унга пудратчи маиший пудрат шартномасига ҳақ эвазига бажариладиган қўшимча ишлар ёки хизматларни киритишга буюртмачини мажбур қилган ҳолда, ушбу ишлар учун қўшимча ҳақни тўлашдан бош тортишга ҳақли. Шунини эътиборга олиш керакки, иш тугагунча буюртмачини хоҳлаган пайтда шартномадан воз кечиш ҳуқуқидан маҳрум қилувчи шартнома шартлари ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

658-модда. Таклиф этилаётган иш тўғрисида буюртмачига ахборот бериш

Маиший пудрат шартномаси тузилгунга қадар пудратчи таклиф қилинаётган иш, унинг турлари ва хусусиятлари, баҳоси, ҳақ тўлаш

шакли тўғрисида буюртмачига зарур ва ишонarli ахборотни топшириши, шунингдек буюртмачининг илтимосига биноан шартномага ва тегишли ишга доир маълумотларни унга бериши шарт. Агар ишнинг хусусияти бўйича аҳамияти бўлса, пудратчи уни бажарадиган аниқ шахсни кўрсатиши керак.

Пудратчидан олинган ахборотнинг тўлиқ ёки ишончли бўлмаганлиги оқибатида буюртмачи назарда тутган хусусиятларга эга бўлмаган ишни бажариш тўғрисида шартнома тузилган бўлса, буюртмачи бажарилган ишга ҳақ тўламаган ҳолда маиший пудрат шартномасини бекор қилишни ва етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Шарҳланаётган модда маиший пудрат шартномасини тузишда пудратчининг буюртмачига иш ҳақидаги зарур ва ишонarli ахборотларни ҳамда буюртмачининг илтимосига биноан бошқа маълумотларни бериш бўйича мажбуриятларини белгилайди. Бунда шуни ҳисобга олиш керакки, пудратчи ишнинг хусусиятидан келиб чиқиб, башарти бу муҳим бўлса, унда шартномани бажарувчи шахсни аниқ кўрсатиши лозим. Бу ерда пудратчи маиший пудрат шартномаси тузилгунга қадар буюртмачига қандай маълумотларни бериш лозимлиги ҳақидаги савол туғилади. Бу маълумотларга бажарилган иш тури ва хусусиятлари, тўлов баҳоси ва шакли, бажарувчи шахс ҳақидаги маълумотлар киради.

Мазкур модданинг иккинчи қисмида пудратчидан олинган ахборотнинг тўлиқ ёки ишончли бўлмаганлиги оқибатида буюртмачи назарда тутган хусусиятларга эга бўлмаган ишни бажариш тўғрисида шартнома тузилган бўлса, буюртмачи бажарилган ишга ҳақ тўламаган ҳолда маиший пудрат шартномасини бекор қилишни ва етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли эканлиги акс эттирилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни 6-моддасига биноан ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) истеъмолчига ўзи реализация қилаётган товар (иш, хизмат)лар ҳақида ўз вақтида зарур, тўғри ва тушунarli маълумот бериши шарт.

Товар (иш, хизмат) ҳақидаги маълумотда қуйидагилар кўрсатилиши шарт: товар (иш, хизмат) мажбурий талабларига мувофиқ келиши шарт бўлган норматив ҳужжатнинг номи;

товар (иш, хизмат)нинг асосий истеъмол хусусиятлари, шу жумладан, ўзига хос хусусиятлари рўйхати;

баҳоси (тарифи) ва сотиб олиш шартлари;

айрим турдаги товарларнинг ишлаб чиқарилган санаси;

ишлаб чиқарувчи (ижрочи)нинг кафиллик мажбуриятлари;

товардан самарали ва хавфсиз фойдаланиш қоидалари ҳамда шартлари;

товарнинг хизмат (яроқлилик) муддати ва ушбу муддат тугаганидан кейин истеъмолчи нима ишлар қилиши зарурлиги, шунингдек бундай ишларни бажармаслик натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлар тўғрисидаги маълумотлар;

ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг номи ва мулкчилик шакли, рўйхатга олиш ва лицензия гувоҳномасининг номери;

ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг ҳамда улар истеъмолчидан даъво қабул қилишга ваколат берган, шунингдек таъмирлаш ишларини бажарадиган ва техникавий хизмат кўрсатадиган корхоналарнинг манзиллари;

товарларни сақлаш, хавфсиз утилизация қилиш усуллари ҳамда қоидалари;

театр-концерт тадбирлари ўтказилаётганда фонограммадан фойдаланилиши тўғрисидаги ахборот.

Сертификатланиши шарт бўлган товар ҳақида истеъмолчига унинг сертификатланганлиги тўғрисида маълумот тақдим этилиши лозим.

Товар (иш, хизмат) ҳақидаги зарур ахборотнинг йўқлиги бундай товарни (иш, хизмат) реализация қилиш маълумот берилгунга қадар тегишли давлат бошқаруви органининг кўрсатмаси бўйича тўхтатиб турилишига сабаб бўлади.

659-модда. Бажарилган ишдан фойдаланиш шартлари тўғрисида буюртмачини огоҳлантириш

Пудратчи буюртмачига ишни топшириш вақтида иш натижасидан самарали ва хавфсиз фойдаланиш учун риоя этилиши зарур бўлган талабларни, шунингдек тегишли талабларга риоя қилмаслик буюртмачининг шахсан ўзи ва бошқа шахслар учун қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини маълум қилиши шарт.

Шарҳланаётган моддада пудратчининг бажарилган ишдан фойдаланиш шартлари тўғрисида буюртмачига маълум қилиш мажбурияти белгиланган. Бинобарин, буюртмачи иш натижасидан хавфсиз фойдаланиш ҳуқуқига эга. Бундан ташқари, буюртмачи иш натижасидан самарали фойдаланиш ҳуқуқига ҳам эга. Белгиланган муддат давомида иш натижасидан самарали фойдаланишни таъминлаш учун риюя этилиши зарур бўлган қоидалар тўғрисида буюртмачини хабардор қилиш пудратчининг мажбуриятидир. Ахборотнинг ушбу тоифаси жумласига сервис дафтарлари, фойдаланиш бўйича йўриқномалар ва бошқа шунга ўхшаш ҳужжатлар киради. Ушбу норманинг мазмун-моҳияти шундан иборатки, иш натижасидан самарали ва хавфсиз фойдаланиш учун риюя этилиши зарур бўлган талабларни, шунингдек тегишли талабларга риюя қилмаслик буюртмачининг шахсан ўзи ва бошқа шахслар учун қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини буюртмачига маълум қилиш пудратчининг мажбуриятидир.

Ушбу модда Фуқаролик кодекси 658-моддасининг пудратчининг буюртмачига маълум қилиши шарт бўлган ахборотга дахлдор қоидаларини тўлдирди. Бирок, пудратчи шартнома тузишга қадар буюртмачига маълум қилиши шарт бўлган ишнинг хусусиятига доир маълумотлардан фарқли равишда, иш натижасидан самарали ва хавфсиз фойдаланиш учун зарур маълумотларни пудратчи буюртмачига ишни топшириш вақтида маълум қилиши шарт. Таъкидлаш жоизки, пудратчининг ўз зиммасидаги ана шу мажбуриятни бажармаслиги ёки лозим тарзда бажармаслиги оқибатлари Фуқаролик кодексининг 427-моддаси қоидаларига мувофиқ пудратчининг жавобгарлигига сабаб бўлади, яъни буюртмачи оқилона муддат ичида шартномани бажаришни рад этишга, тўланган суммалар қайтарилишини ва бошқа зарарлар ўрни қопланишини талаб қилишга ҳақли.

Бунда буюртмачига иш натижаси тўғрисида тегишли ахборотни тақдим этмаган пудратчи, агар буюртмачи бундай нуқсонлар тегишли ахборотга эга бўлмаганлиги билан боғлиқ ҳолда юзага келганлигини исбот қилса, иш буюртмачига топширилганидан кейин юзага келган иш натижаларидаги нуқсонлар учун ҳам жавобгар бўлади. Агар пудратчининг ана шундай ҳатти-ҳаракатлари оқибатида буюртмачи ёки бошқа шахснинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига ёхуд юридик шахснинг мол-мулкига етказилганда Фуқаролик кодексининг 1017-моддасига мувофиқ пудратчи зарарни ўз

айбидан ва жабрланувчи улар билан шартнома муносабатларида бўлгани ёки бўлмаганидан қатъи назар, қопланиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни 12-моддаси олтинчи қисмида агар товар (иш, хизмат)дан хавфсиз фойдаланиш ёки уни шу тарзда ташиш ва сақлаш учун махсус қоидаларга риоя этиш зарур бўлса, ишлаб чиқарувчи (ижрочи) бундай қоидаларни ишлаб чиқиши, сотувчи (ижрочи) эса, уларни истеъмолчилар эътиборига етказиши шартлиги белгиланган.

660-модда. Ишни пудратчининг материалидан фойдаланиб бажариш

Агар маиший пудрат шартномаси бўйича иш пудратчининг материалидан фойдаланиб бажарилса, буюртмачи материал ҳақининг ҳаммасини шартнома тузиш вақтида тўлайди ёки унинг шартномада кўрсатилган қисми тўланиб, пудратчи бажарган ишни буюртмачи қабул қилиб олаётганида тўла ҳисоб-китоб қилинади.

Маиший пудрат шартномасига биноан материал пудратчи томонидан насияга берилиши, шу жумладан буюртмачи томонидан материалнинг ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан ҳам берилиши мумкин.

Пудратчи томонидан берилган материал баҳосининг маиший пудрат шартномаси тузилганидан сўнг ўзгариши қайта ҳисоб-китоб қилишга сабаб бўлмайди.

Ушбу моддада иш буюртмачининг материалидан фойдаланиб бажарилганида маиший пудрат шартномаси бўйича ҳисоб-китоб қилиш тартиби белгиланган. Таъкидлаш зарурки, Фуқаролик кодексининг 638-моддаси умумий қондасига мувофиқ иш пудратчига узил-кесил топширганидан кейин ушбу ишга буюртмачи томонидан ҳақ тўланади. Ишга ҳақ тўлашдан фарқли ўлароқ (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 662-моддаси шарҳига қаралсин), пудратчининг материалига буюртмачи томонидан тўлиқ ёки агар шартнома тузилган бўлса, шартномада кўрсатилган қисми бўйича ҳақ тўланади. Агар шартнома тузилиши вақтида материал ҳақи тўлиқ тўланмаган бўлса, унинг учун узил-кесил ҳисоб-китоб буюртмачи бажарилган ишни қабул қилиши вақтида амалга оширилади. Тарафларга маиший пудрат шартномаси бўйича ҳисоб-китоб тартибини танлаш ҳуқуқи берилган.

Материални пудратчи кредитга бериши мумкин. Материални кредитга бериш тартиби, кредитни узиш муддати ва тартиби маиший буюртма шартномасида ёки тарафларнинг қўшимча келишувида белгиланади.

Маиший пудрат шартномасида кўрсатилган пудратчига тегишли материал баҳосининг ўзгартирилишига йўл қўйилмайди. Шунинг учун агар шартнома тузилганидан кейин ўхшаш материалларнинг баҳоси ошган ёки тушган бўлса, шартномада кўрсатилган баҳолар қайта ҳисоб-китоб қилинмайди.

Ушбу норма маиший пудрат шартномаси бўйича буюртмачининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун муҳим аҳамиятга эга. Иш пудратчининг материалидан бажарилгани тақдирда, пудрат ишлари бўйича ҳам, ишни бажариш учун зарур материалнинг олди-сотдиси бўйича ҳам буюртмачи ва пудратчи ўртасида муносабатлар юзага келади. Тарафларнинг ўзаро келишувига биноан шартнома муддатидан олдин бекор қилинганда ёки бир томонлама бекор бўлганда пудратчи буюртмачининг талабига биноан ҳақи тўланган материални унга бериши шарт. Агар; шартнома шартларига кўра буюртмачи материал ҳақини бўлиб-бўлиб тўласа, буюртмачи томонидан тўлиқ ҳақ тўланмагунига қадар пудратчи материални ўзига сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунида белгиланишича, башарти буюртмачи ўзи тақдим этган материалдан иш бажарилишини талаб қилмаса, унда пудратчи ишни ўз материалидан бажариши керак.

661-модда. Ишни буюртмачининг материалидан фойдаланиб бажариш

Агар маиший пудрат шартномаси бўйича иш буюртмачининг материалидан фойдаланиб бажарилса, шартнома тузилаётганда буюртмачига пудратчи томонидан бериладиган паттада ёки бошқа ҳужжатда материалнинг аниқ номи, таърифи ва тарафларнинг келишуви бўйича белгиланадиган баҳоси кўрсатилиши керак. Патта ёки шунга ўхшаш бошқа ҳужжатдаги материалнинг баҳоси хусусида буюртмачи кейинчалик судда низолашиши мумкин.

Шарҳланаётган моддада буюртмачи материалларини пудратчига беришни расмийлаштириш тартиби белгиланган.

Ушбу норманинг ўзига хослиги шундаки, пудратчи ишни буюртмачининг материалларидан фойдаланиб бажаришда келгусида буюртмачининг топшириғига биноан унинг материалларига қайта ишлов бериш (мослаштириш) мақсадида ушбу материалларни буртмачидан қабул қилиб олади, натижада эса дастлабки материал ўз хусусиятини йўқотади. Демак, шартнома тузилиш вақтида бериладиган материал етарли даражада тавсифланиб, у ҳақдаги тўла маълумотлар, яъни номи ва тавсифи, миқдори ва сифати буюртмачига бериладиган патта ёки бошқа бирор ҳужжатда аниқ кўрсатилиши зарур. Пудратчига бериладиган материал баҳоси буюртмачи билан биргаликда аниқланиб, уни тасдиқлайдиган хулоса шартнома ёки бошқа бирор ҳужжатда (патта, буюртма) кўрсатилади.

Бу пудратчига маиший пудрат шартнома тузиш вақтида бериладиган патта ва шунга ўхшаш бошқа ҳужжатда буюртмачи берадиган материалнинг икки томон келишуви асосида белгиланган аниқ номи ва баҳоси кўрсатилиши кераклигини билдиради. Агар патта ёки шунга ўхшаш бошқа ҳужжатда материал миқдори ва баҳоси кўрсатилмаса ёки унинг миқдори ёки баҳоси ҳақида келишмовчилик юзага келганда буюртмачи томонидан судда ушбу баҳо исботлаб берилиши мумкин.

662-модда. Ишнинг баҳоси ва уни тўлаш

Маиший пудрат шартномасида ишнинг баҳоси тарафларнинг келишуви билан белгиланади ва у пудратчи эълон қилган прејскурантда кўрсатилганидан юқори бўлиши мумкин эмас. Пудратчи ишни бутунлай топширганидан сўнг буюртмачи унга ҳақ тўлайди. Тарафларнинг келишувига мувофиқ буюртмачи шартнома тузилаётганда иш учун ҳақни тўлиқ ёки бўнак бериш йўли билан тўлаши мумкин.

Шарҳланаётган моддада маиший пудрат шартномасида ишнинг баҳоси ва тўловини аниқлаш тартиби белгиланган. Баҳо, биринчидан, икки томон келишуви асосида белгиланади, иккинчидан, пудратчи эълон қилган прејскурантдагидан юқори бўлиши мумкин эмас. Мазкур модда нормасига биноан тарафларнинг келишувига биноан буюртмачи шартнома тузилаётганида иш учун тўлиқ ёки бўнак бериш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Маиший пудрат шартномаси ҳақ эвазига тузиладиган шартномалар сирасига киради. Фуқаролик кодексининг 355-моддасига

биноан шартнома бўйича тараф ўз бурчларини бажарганлиги учун ҳақ олиши ёки унга бошқа муқобил тўлов тўланиши лозим бўлса, бундай шартнома ҳақ эвазига тузилган шартнома бўлади (355-модда ва унга шарҳга қаранг). Бундан ташқари, айтиб ўтиш керакки, баҳо ҳақ эвазига тузиладиган шартномаларнинг энг муҳим хусусиятларидан бири ҳисобланади. Маиший пудрат шартномаси баҳоси томонлар келишувига кўра эркин асосда белгиланади. Бундай ҳолларда баҳо юзасидан давлат ваколатли органи томонидан белгиланган нарх (тариф), ставка ва ҳоказолар қўлланилади. Шартнома тузилганидан кейинги баҳоларни ўзгартириш қонун ҳужжатлари ва шартнома билан белгиланган шартларга биноан амалга оширилиши мумкин. Шартномада баҳо кўрсатилмаган ёки аниқлаб бўлмаган ҳолда шартноманинг бажарилиши шунга ўхшаш иш, товар ва хизматлар каби амалга оширилиши мумкин. Юқоридагилар асосида айтиш мумкинки пудратчига тўлов аванс шаклида ёки босқичма-босқич тўланиши мумкин. Мазкур турдаги шартнома тузилишида баҳони смета тузиш йўли билан аниқлаш шарт эмас. «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун 19-моддасига биноан буюртмачи ёки пудратчи талабига кўра сметалар тузилиши мажбурий.

Агар иш баҳоси ваколатли давлат органлари томонидан белгиланса, томонлар келишувига кўра, ундан юқори баҳо қўйилиши мумкин эмас. Умумий қоидага кўра ишга ҳақ тўлаш буюртмачи томонидан унинг натижалари қабул қилинган амалга оширилиши лозим. Тўловнинг бошқача тартиби фақатгина буюртмачи розилиги билан қўлланилиши мумкин. Мамлакатимизда «Буюртмачилар ва пудрат ташкилотлари томонидан давлат бюджети маблағлари ва ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига молияланадиган қурилиш объектлари учун харид қилинадиган ускуналар, бинокорлик материаллари ва конструкцияларининг энг юқори нархларини белгилаш тартиби тўғрисида»ги Низомда (26.05.2011 йилдаги рўйхат рақами 1035) буюртмачилар ва пудрат ташкилотлари томонидан давлат бюджети маблағлари ва ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига молияланадиган қурилиш объектлари учун харид қилинадиган ускуналар, бинокорлик материаллари ва конструкцияларининг энг юқори нархларини белгилаш тартиби назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги «Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада

бажармаганлик учун мулкый жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги 163-сонли қарори 15–17-бандларига мувофиқ товарларни уларнинг қийматидан камида 15 фоизи олдиндан тўланмасдан бериб юборилганлиги (ишлар ва хизматлар бажарилишининг бошланганлиги) бериб юборилган товарлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар тўловининг кечиктирилганлиги учун талаб қилинган неустойкани ёки банк фоизини ундиришни рад этиш учун асос бўла олмайди.

Мажбуриятни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун пеня, жарима ёки фоизларнинг ҳисобланиши мажбуриятни бажариш муддати тугаган куннинг эртасидан, бундай муддат белгиланмаган ҳолларда эса, кредитор томонидан мажбуриятларни бажариш талаб қилинган кундан етти кунлик муддат ўтиши билан бошланади.

Агар кредитор қарздор томонидан таклиф қилинган лозим даражадаги ижрони қабул қилишдан бош тортган бўлса ёки ўзи амалга ошириши керак бўлган ва амалга оширилгунича қарздор ўз мажбуриятини бажара олмаган ҳаракатларни бажармаган бўлса (маблағлар ўтказилиши лозим бўлган ҳисоб рақами ҳақидаги маълумотларни хабар қилмаган бўлса ва ҳ.к.), кредиторнинг ўзи муддатни кечиктириб юборган ҳисобланади ва ФК 338-моддасининг иккинчи қисмига асосан, қарздор пул мажбурияти бўйича кредитор кечиктирган вақт учун фоиз тўлашга мажбур эмас.

663-модда. Бажарилган ишда камчиликлар борлигини аниқлаш оқибатлари

Буюртмачи иш натижасини қабул қилиб олаётган ёки пудрат нарчасидан фойдаланаётган пайтда камчиликларни аниқласа, ушбу Кодекснинг 650-моддасида назарда тутилган ҳуқуқларидан бирини ушбу Кодекс 652-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган умумий муддат давомида, кафолат муддати бўлганида эса, шу муддат давомида амалга ошириши мумкин.

Маиший пудрат шартномаси бўйича бажарилган ишнинг буюртмачининг ўзи ва бошқа шахслар ҳаётига ёки соғлиғига хавф туғдириши мумкин бўлган камчиликларини текин бартараф этиш тўғрисидаги талаб, агар қонунда белгиланган тартибда узоқроқ

муддат (хизмат муддати) назарда тутилган бўлмаса, буюртмачи ёки унинг қонуний вориси томонидан иш натижаси қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб ўн йил давомида қўйилиши мумкин. Бундай талаб ушбу камчиликлар қачон аниқланганлигидан қатъи назар, шу жумладан улар кафолат муддати тугагандан сўнг аниқланган бўлса ҳам, қўйилиши мумкин. Мазкур талаб пудратчи томонидан бажарилмаса, буюртмачи юқорида кўрсатилган муддат давомида ё иш учун тўланган ҳақнинг тегишли қисмини қайтаришни ёхуд ўз кучи билан ёки учинчи шахслар ёрдамида камчиликларни бартараф этиш билан боғлиқ харажатларини қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Шарҳланаётган модда буюртмачи бажарилган ишда камчиликлар борлигини аниқлашининг оқибатларини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 651-моддаси 1-қисмида лозим даражада бўлмаган пудрат шартномаси иши учун жавобгарликнинг умумий масалаларига бағишланган 650-моддага нисбатан бир қатор ўзига хосликларни назарда тутуди (қаранг: Ўз. Р. ФК 650-моддасига шарҳ). Агарда умумий қоидаларга биноан пудратчининг хоҳиши билан иш такроран бажарилиши мумкин бўлса, буюртмачи томонидан зарарларни қоплаш учун берилганлиги шартнома бўйича камчиликларни бартараф қилиш имконини пудратчига бериш ёки бермаслигига боғлиқ бўлса, унда маиший пудрат шартномаси бўйича буюртмачи Фуқаролик кодексининг 650-моддаси биринчи қисмидаги ҳуқуқларидан фойдаланиш билан биргаликда ўз танлови бўйича пудратчидан текинга ишни такроран бажариб бериш ёки унга у ёки учинчи шахслар томонидан етказилган зарарни қоплашни талаб қилиши мумкин.

Қоида тариқасида товар (иш, хизмат)нинг нуқсони сифатида товар (иш, хизмат)нинг норматив ҳужжатларнинг мажбурий талабларига, шартнома шартларига ёхуд товар (иш, хизмат)нинг сифатига одатда қўйиладиган талабларга номувофиқлиги тушунилади («Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддаси). Нуқсонлар фақат иш натижаси камчилиги ёки иш натижасининг жиддий нуқсони бўлиши мумкин. Жиддий нуқсон сифатида бартараф этиб бўлмайдиган нуқсон ёки жуда катта маблағ ёрдамида бартараф этиш мумкин бўлган ёхуд бир неча мартаба бартараф этилишига қарамасдан қайта юзага келган нуқсонлар тушунилади. Бунда қарздор ҳисобидан мажбуриятларни бажаришни

назарда тутувчи ФК 328-моддасининг (ушбу модданинг шарҳига қаранг) умумий нормалари ҳам тушунилади. «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддасига мувофиқ ижрочи айрим турдаги ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) қоидаларида ёки шартномада белгиланган муддатда, ҳажмда ва сифатда ишни бажариши (хизмат кўрсатиши) шарт. Агар ижрочи шартнома шартларини иш (хизмат)ни ёмонлаштирган даражада жиддий бузган бўлса ёхуд ишда (хизматда) бошқа жиддий нуқсонларга йўл қўйган бўлса, истеъмолчи ўз хоҳишига кўра нуқсонлар бепул бартараф этилишини, бажарилган иш (кўрсатилган хизмат) баҳоси нуқсонларга мутаносиб равишда камайтирилишини, худди шундай сифатли шу хилдаги материалдан бошқа буюм бепул тайёрлаб берилишини ёхуд ишнинг такроран бажарилишини ёнки шартнома бекор қилиниб, кўрилган зарар тўлиқ қопланишини талаб қилишга ҳақли.

Иш бажариш (хизмат кўрсатиш) жараёнида аниқланган нуқсонларни бартараф этиш муддатлари шартномада белгилаб қўйилади. Бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)даги нуқсонлар, агар шартномада бир мунча қисқароқ муддат белгиланмаган бўлса, истеъмолчи талаб қилган кундан эътиборан йигирма кун ичида ижрочи томонидан бартараф этилиши керак. Нуқсонлар белгиланган муддатда бартараф этилмаган, шунингдек иш бажаришни (хизмат кўрсатишни) бошлаш ва тугаллаш кечиктирилган тақдирда, ижрочи истеъмолчига ҳар бир кечиктирилган кун, соат (агар муддат соатларда белгиланган бўлса) учун иш (хизмат) қийматининг ёки буюртма қийматининг (агар унинг қиймати алоҳида белгиланмаган бўлса) бир фоизи миқдоридан неустойка (пеня) тўлайди. «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 20-моддасига биноан ҳар қандай товар (иш, хизмат)нинг нуқсони мавжудлиги оқибатида зарар кўрган жабрланувчи, башарти у сотувчи (тайёрловчи, ижрочи) билан шартномавий муносабатага киришган ёки киришмаганлигидан қатъий-назар, зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Сўнги вазият иш натижасида нуқсонлар мавжуд бўлган ҳолларда вужудга келиши мумкин ва уларни бартараф қилиб бўлмайди. Фуқаролик кодексининг 434-моддасида буюртмачининг иш натижасини алмаштириш ёки баҳосини мутаносиб камайтириш ёки шартномани бекор қилиш,

кўрилган зарарни қоплашни талаб қилиши мумкинлиги белгиланган. Ушбу 434-модда қоидаларини қўллаш 665-модда қоидаларидан келиб чиқади (ФК 665-модда шарҳига қаранг). «Истемолчилар ҳуқуқларини ҳимояси қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 15-моддаси иккинчи қисмига биноан истемолчи кафолат муддати тугаганидан кейин товарнинг нуқсонларини бепул бартараф этиш тўғрисида ишлаб чиқарувчига талаб қўйишга ҳақли. Бундай талаб, башарти товарда ишлаб чиқарувчининг айби билан йўл қўйилган жиддий нуқсонлар аниқланган бўлса, белгиланган хизмат муддати мобайнида, агар хизмат муддати белгиланмаган бўлса, ўн йил мобайнида қўйилиши мумкин.

664-модда. Буюртмачи иш натижасини қабул қилиш учун келмаслигининг оқибатлари

Буюртмачи бажарилган иш натижасини қабул қилиш учун келмаган ёки ишни қабул қилишдан бошқача тарзда бўйин товлаган тақдирда, пудратчи буюртмачини ёзма равишда огоҳлантириб, бундай огоҳлантиришдан кейин икки ой ўтгач, ишнинг натижасини оқилона нархда сотишга, тушган пулни эса, ундан ўзига тегишли бўлган бутун тўловларни чегириб қолиб, ушбу Кодекснинг 249-моддасига мувофиқ буюртмачининг номига депозитга ўтказишга ҳақли.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳолларда пудратчи иш натижасини сотиш ўрнига уни ушлаб туриш ёки келтирилган зарарни буюртмачидан ундириб олиш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин.

Буюртмачи бажарилган иш натижасини қабул қилиш учун келмаган тақдирда бажарувчида иш натижасини сақлаш каби қўшимча харажат билан боғлиқ муаммо пайдо бўлади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 664-моддасида пудратчининг манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ҳолда ишнинг натижасини муайян муддат ўтгандан сўнг оқилона нархда сотиш ҳуқуқи кўрсатилган. Пудратчи бундай ҳуқуқни буюртмачини ёзма равишда огоҳлантиришни йўллаб амалга ошириши мумкин, бу ўз навбатда шундай усул бўлиши лозимки, буюртмачи томонидан огоҳлантиришни қабул қилиши фактининг объектив исботи бўлиб ҳисоланиши зарур.

665-модда. Маиший пудрат шартномаси бўйича иш лозим даражада ёки умуман бажарилмаган тақдирда буюртмачининг ҳуқуқлари

Маиший пудрат шартномаси бўйича иш лозим даражада ёки умуман бажарилмаган тақдирда буюртмачи ушбу Кодекснинг 434–436-моддаларига мувофиқ сотиб олувчига берилган ҳуқуқлардан фойдаланиши мумкин.

Шарҳланаётган модда сифат тегишли даражада бўлмаган товарни сотиш, сотувчининг талабларини қаноатлантиришдаги баҳолардек фарқни тўлаш ва мажбуриятни асл ҳолида бажариш ҳақидаги чакана олди-сотди шартномасининг қоидаларини маиший пудратга қўллашни назарда тутди. Аммо шуни назарда тутиш керакки, барча кўрсатилган қоидалар маиший пудрат шартномаси билан боғлиқ ҳолда унинг предмети ва уни яратиш шароитининг алоҳида хусусиятларига кўра ҳамма қоидаларини ҳам маиший пудрат муносабатларининг барчасига нисбатан қўллаб бўлмайди. Худдий шундай, тегишли сифатда бажарилмаган ишни алмаштиришга доир қоидаларни пудрат шартномасига нисбатан қўллаб бўлмайди. Алмаштириш ўрнига буюртмачи такроран ишни бажарилишини талаб қилишга ҳақли.

«Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддасига мувофиқ ижрочи айрим турдаги ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) қоидаларида ёки шартномада белгиланган муддатда, ҳажмда ва сифатда ишни бажариши (хизмат кўрсатиши) шарт.

Ишни бажариш (хизмат кўрсатиш) муддати иш бажарилиши (хизмат кўрсатилиши) лозим бўлган санага (даврга), шунингдек ижрочи ишни бажаришга (хизмат кўрсатишга) киришиши лозим бўлган санага (даврга) қараб белгиланиши мумкин. Агар иш бажариш, хизмат кўрсатиш шартноманинг амал қилиш муддати давомида қисмларга бўлиб-бўлиб адо этиладиган бўлса (вақтли матбуотни етказиб бериш, техник хизмат кўрсатиш ва бошқалар), ишлар бажариш (хизматлар кўрсатиш)нинг босқичма-босқич муддатлари (давралари) назарда тутилиши керак.

Агар ижрочи шартномани ижро этишга ўз вақтида киришмаса ёки шартноманинг белгиланган муддатда бажарилмаслиги аён бўлиб қолса, истеъмолчи ишни бажариш, хизмат кўрсатиш тўғрисидаги

шартномадан воз кечишга ва етказилган зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақли.

Агар ижрочи шартнома шартларини иш (хизмат)ни ёмонлаштирган даражада жиддий бузган бўлса ёхуд ишда (хизматда) бошқа жиддий нуқсонларга йўл қўйган бўлса, истеъмолчи ўз хоҳишига кўра нуқсонлар бепул бартараф этилишини, бажарилган иш (кўрсатилган хизмат) баҳоси нуқсонларга мутаносиб равишда камайтирилишини, худди шундай сифатли шу хилдаги материалдан бошқа буюм бепул тайёрлаб берилишини ёхуд ишнинг такроран бажарилишини ёинки шартнома бекор қилиниб, кўрилган зарар тўлиқ қопланишини талаб қилишга ҳақли.

3-§. ҚУРИЛИШ ПУДРАТИ

666-модда. Қурилиш пудрати шартномаси

Қурилиш пудрати шартномаси бўйича пудратчи шартномада белгиланган муддатда буюртмачининг топшириғи билан муайян объектни қуриш ёки бошқа қурилиш ишини бажариш мажбуриятини олади, буюртмачи эса пудратчига ишни бажариш учун зарур шароит яратиб бериш, ишни қабул қилиш ва келишилган ҳақни тўлаш мажбуриятини олади.

Қурилиш пудрати шартномаси корхонани, бинони (жумладан уй-жой биносини) иншоотни ёки бошқа объектни қуриш ёки қайта қуриш ҳақида, шунингдек монтаж, созлаш-ишга тушириш ва қурилаётган объект билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа ишларни бажариш ҳақида тузилади. Қурилиш пудрати шартномаси тўғрисидаги қоидалар, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, бино ва иншоотларни капитал таъмирлаш ишларига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Қурилиш пудрати шартномасида назарда тутилган ҳолларда объектни буюртмачи қабул қилиб олганидан кейин уни шартномада кўрсатилган муддатда ишлатишни таъминлаш мажбуриятини пудратчи ўз зиммасига олади.

Тугалланмаган қурилишнинг мулкдори у буюртмачига топширилгунча ва унинг ҳақи тўлангунча пудратчи ҳисобланади.

Фуқаролик кодексининг 666-моддасида қурилиш пудрати шартномаси ва ундан келиб чиқадиган муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга доир нормалар ўз ифодасини топган. Ҳуқуқий табиатига кўра ушбу шартнома икки томонлама, консенсуал ва ҳақ эвазига тузиладиган шартнома ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексининг 16-моддасига биноан ўз фаолиятини қонун ҳужжатлари асосида олиб борувчи юридик ва жисмоний шахслар объектлар қурилиши бўйича пудратчилар бўлиши мумкин

Қурилиш пудрати энг кенг тарқалган фуқаровий-ҳуқуқий шартнома турларидан бири бўлиб, уни амалга ошириш жараёнида турли хилдаги субъектлар ўзаро муноабатларга киришадилар, хусусан буюртмачи, пудратчи, лойиҳа ташкилотлари, қурилишни молиялаштирувчи банклар ва ҳ.к. Энг аввало шуни қайд қилиш лозимки, қурилиш пудрати шартномасининг тузилиши ёки ушбу қурилишни ташкилий-ҳуқуқий асослантириш икки ўзига хосликка эга: биринчидан, қурилиш пудрати шартномаси фуқаровий-ҳуқуқий хусусиятга эга, иккинчидан унинг тузилиши барча бошқа ташкилий-ҳуқуқий асослар ва уларнинг қонунийлигини текшириш имконини беради. Қурилиш пудрати шартномаси бир эмас, бир неча фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятнинг юзага келишига асос бўлади.

Қурилиш пудрат шартномасига биноан, биринчидан пудратчи шартномада белгиланган муддатда буюртмачининг топшириғи билан муайян объектни қуриш ёки бошқа қурилиш ишини бажариш мажбуриятини олади. Иккинчидан, юқоридагидан келиб чиқиб, буюртмачи пудратчига ишни бажариш учун зарур шароит яратиб бериш, ишни қабул қилиш ва келишилган ҳақни тўлаш мажбуриятини олади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида қурилиш пудрати шартномасининг корхонани, бинони, шу жумладан уй-жой биносини)иншоотни ёки бошқа объектни қуриш ёки қайта қуриш ҳақида, шунингдек монтаж, созлаш-ишга тушириш ва қурилаётган объект билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа ишларни бажариш учун тузиладиган турлари мавжудлиги келтирилган. Бундан ташқари, ушбу моддада пудратчининг қўшимча мажбуриятлари ҳам белгиланган. Жумладан, шартномада назарда тутилган ҳолларда объектни буюртмачи қабул қилиб олганидан кейин уни шартномада

кўрсатилган муддатда ишлатишни таъминлаш мажбуриятини пудратчи ўз зиммасига олади.

Бу норманинг янгилиги шундан иборатки, қурилиши тугалланмаган объект то топширилгунига қадар унинг мулкдори буюртмачи эмас, балки пудратчи ҳисобланади.

Объектлар қурилиши бўйича пудратчилар:

бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларнинг янги амалий ечимларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчи, шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги махсус ваколатли давлат органининг тегишли таркибий бўлинмаси ва буюртмачи билан келишган ҳолда шаҳарсозлик ҳужжатларига бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларнинг архитектура-бадий кўриниши ҳамда амалий ечимини ёмонлаштирмаган тарзда техник-иқтисодий кўрсаткичларни яхшилайдиган ўзгартишлар киритиш;

шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчидан зарур техник маслаҳат олиш;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Объектлар қурилиши бўйича пудратчилар шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этишлари шарт.

Қурилиш пудрат шартномаси бошқалардан фарқ қиладиган в уни алоҳида шартнома турига ажратадиган хусусиятларга эгадир.

Биринчидан, қурилиш пудрати муносабатларни тартибга солувчи нормаларнинг предмет бўйича амал қилиш кучи у ёки бу даражада кўчмас мулкни вужудга келиши ёки ўзгартиришга тегишли бўлади.

Иккинчидан, пудратчи ўзида тегишли ваколатли давлат органи томонидан берилган рухсатнома-лицензия билан белгиланган соҳада ўз ҳаракатлари билан боғлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиш имкони-ятини билдирувчи махсус ҳуқуқ лаёқатига эга бўлиши лозим.

Учинчидан, пудратчи томонидан ишни бажариш учун буюртмачи томонидан етарлича шарт-шароитлар яратиб бериш мажбурияти белгиланган. Бу, аввало, қурилиши мўлжалланаётган объект жойлашган ер участкаси ёки объектнинг мулкдори буюртмачи бўлишидан келиб чиқади.

«Қурилиш пудрати»га бағишланган ФК 37-боби § 3-параграфи пудрат муносабатларини тартибга солишга қаратилгандир. Қурилиш пудрати

шартномаси ҳақидаги ФК қоидаларида бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, унда ушбу бобнинг 1-параграфида акс этган пудрат ҳақидаги умумий нормалари қўлланилади.

Қурилиш пудрати соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи нормалар бошқа бир қатор норматив ҳужжатларда мустаҳкамлангандир. Уларга куйидагиларни киритиш мумкин:

- Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси (Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 4 апрелдаги 353-П-сон Қонуни билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2002 йил 4 апрелдаги 354-П-сон Қарори билан амалга киритилган);

- Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрдаги «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги 719-И-сонли Қонуни;

- Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги 713-П-сонли Қонуни;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 26 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида архитектура ва шаҳар қурилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-2595-сонли Фармони;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 29 январдаги «Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1051-сонли Қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 30 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш («Давархитектқурилиш») кўмитасини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида»ги 441-сонли қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 27 апрелдаги «Архитектура ва қурилиш соҳасидаги ишларни ташкил этиш ва назоратни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 165-сонли қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 14 августдаги «Шаҳарлар, туман марказлари ва шаҳар типидagi посёлкаларнинг бош режаларини ишлаб чиқиш ва уларни қуриш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 320-сонли қарори;

– Объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришга доир Намунавий пудрат шартномаси (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сон қарорига 3-илова);

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 538-сонли қарори.

Қурилиш пудрати (ёрдамчи пудрат) шартномасининг предмети бўлиб пудратчи (ёрдамчи пудратчи) нинг ушбу шартнома бўйича фаолияти натижаси ҳисобланади. Пудрат шартномаси бўйича — бу пудратчи томонидан буюртмачига топшириладиган қурилиш объекти (корхона, бино, иншоот), ёрдамчи пудрат шартномаси бўйича эса — ёрдамчи пудратчи томонидан бош пудратчига топшириладиган умумий ишнинг қисмини ташкил қилувчи муайян ишлар мажмуасидир (санитария-техник, монтаж ва ҳ.к.). Қурилишни аралаш тартибда амалга ошириш шарти билан тузилган тўғридан-тўғри пудрат шартномасининг предмети бўлиб ҳам муайян ишлар мажмуаси ҳисобланади.

Қурилиш пудрат шартномаси бошқа ишларни бажаришга доир шартномалардан фарқланувчи бир қатор ўзига хос хусусиятларга эгадир:

– ушбу шартнома бўйича ишлар бевосита объект (меҳнат предмети) жойлашган жойда амалга оширилади;

– шартнома предмети (корхона, бино, иншоот) ёки фаолият натижаси бўлган бошқа кўчмас мулк ёхуд қурилиш объекти бўйича муайян ишлар мажмуаси) ва унинг субъектив таркиби (шартнома тарафлари — қурилиш соҳасидаги инвестиция фаолияти иштирокчилари) ўзига хос хусусиятга эгадир.

– буюртмачи ва пудратчи ўртасидаги шартномавий алоқадорликнинг узоклиги, шартномавий мажбуриятларни лозим даражада бажаришда уларнинг ҳамкорлиги;

– бош пудрат тизимининг кенг қўлланилиши;

– қурилиш бўйича муносабатларни тартибга солувчи махсус ҳуқуқий тартибга солувчи ҳужжатларнинг мавжудлиги.

Қурилиш пудрат шартномасининг қуйидаги турлари ажратилади:

– объектда қурилишмонтаж ишларини бажариш бўйича шартнома: янги қурилишда, шу жумладан, объектларни тайёр ҳолда топшириш,

фаолият юритаётган корхона, бино ва иншоотларни кенгайтириш, қайта тиклаш ёки техник қайта жиҳозлашга. Бундай шартномалар буюртмачи томонидан одатда асосий қурилиш ишларини (бетон, ер, тош ва бошқалар) бажарувчи қурилиш ташкилотлари бўлмиш бош пудратчи билан тузилади.

– алоҳида монтаж ва бошқа махсус қурилиш ишларини бажариш бўйича шартномалар: технологик, энергетик ва бошқа асбобускуналарни монтаж қилиш, металл, ёғоч ва бошқа қурилиш конструкциялари монтажи, изоляцион, пардоз ва бошқа махсус қурилиш ишларини бажариш. Қоида тарикасида бу ишлар ёрдамчи пудрат шартномасига киради. Созлаш-ишга тушириш бўйича ишлар асосан бевосита пудрат шартномаси орқали амалга оширилади. Ушбу шартномалар одатда махсус созлаш-ишга тушириш бўйича ишларни амалга оширувчи ташкилотлар билан ёки асбоб-ускуналарни етказиб берувчи ташкилотлар (уларнинг махсус ташкилотлари) билан тузилади.

Қурилиш пудрат шартномаси ёзма шаклда тузилади. Пудрат (ёрдамчи пудрат) шартномаси бўйича тарафлар учун белгиланган типовой ёки намунавий қурилиш пудрати (ёрдамчи пудрат) мавжуд эмас. Шартнома эркин, тарафлар ихтиёрига қўра ёзма шаклда тузилиши мумкин. Тарафлар шартномани тузиш чоғида юқоридаги Объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришга доир Ўзбекистон Республикасида Намунавий пудрат шартномасига илова қилинган шаклдан (намуна) фойдаланишлари мумкин.

Таъкидлаб ўтиш керакки, марказлаштирилган манбалар ҳисобига маблағ билан таъминланадиган объектлар қурилиши бўйича шартнома тузиш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сон қарори билан тасдиқланган Марказлаштирилган манбалар ҳисобига қурилишни ташкил этиш, молиялаштириш ва кредитлаш тартиби тўғрисида Низом билан белгиланган.

667-модда. Пудрат объектининг тасодифан нобуд бўлиш ёки тасодифан шикастланиш хавфи

Агар пудрат объекти нобуд бўлса ёки шикастланса, объект қабул қилиб олингунга қадар унинг тасодифан нобуд бўлиш ёки тасодифан шикастланиш хавфи пудратчи зиммасида бўлади.

Шархланаётган моддада пудрат объектининг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан шикастланиш хавфи белгиланган.

Ушбу норма Ўзбекистон Республикаси ФК 175-моддасининг, мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиш ёки бузилиш хавфи, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мулк эгасининг зиммасида эканлиги ҳақидаги нормани шархлайди. Шуни таъкидлаш лозимки, бу қоида императив тусга эгадир. Бунга кўра пудратчи ёки буюртмачи материалларидан қурилиш амалга оширилишидан қатъий-назар хавф пудратчи зиммасида бўлади. Шартномада кўрсатилган предмет ёки объектининг нобуд бўлиши, тасодифан шикастланиши буюртмачи айбдор бўлиб, агар пудратчи олдиндан уни огоҳлантирган бўлса, бажарувчи ундан сметада кўрсатилган барча тўловларини ундириш ҳуқуқига эгадир. Бундан келиб чиқадики, агар пудрат объекти нобуд бўлса ёки шикастланса, объект қабул қилиб олингунга қадар унинг тасодифан нобуд бўлиш ёки тасодифан шикастланиш хавфи пудратчи зиммасида бўлади. Шундан келиб чиқиб хулосага келиш мумкинки, пудратчининг таваккалчилиги ўзига хос хусусиятларга эга. Ушбу хавфни моҳияти шундан иборатки бу объект тасодифан шикастланиш пайтида ёки уни нобуд бўлишида пудратчи буюртмачидан бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни талаб қилишга ҳақли эмас.

668-модда. Бажарилаётган ишларнинг хавфсизлиги учун жавобгарлик

Бажарилаётган ишларнинг хавфсизлиги учун пудратчи жавобгар бўлади.

Ушбу моддада бажарилаётган ишларнинг хавфсизлиги учун пудратчи жавобгар бўлиши белгиланган.

Бу императив норманинг мазмуни шундан иборатки, барча ҳолатларда жавобгарлик пудратчига юклатилади. «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддасига биноан истеъмолчи ўзи сотиб олган товар (иш, хизмат) санитария-гигиена, шу жумладан радиология, эпидемияга қарши талабларга ва амалдаги бошқа нормалар ҳамда қоидаларга риоя этган ҳолда ишлаб чиқарилган ёки бажарилган бўлишига ва унинг ҳаёти, соғлиғи, атроф-муҳит учун хавфсиз бўлишига,

шунингдек унинг мол-мулкига зарар етказмаслигига кафолат берилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Товар (иш, хизмат)нинг истеъмолчилар ҳаёти, соғлиғи, мол-мулки ва атроф-муҳит учун хавфсиз бўлишига доир талаблар қонун ҳужжатлари билан белгиланади. «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 20-моддасида товар (иш, хизмат)нинг нуқсонлари туфайли етказилган зарар учун мулкий жавобгарлик масалалари белгиланган. «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасига мувофиқ барпо этилиши ва фойдаланилиши қонун ҳужжатларида белгиланган санитария-гигиена, радиация, экология, архитектура-шаҳарсозликка оид ва бошқа талабларга жавоб бермайдиган, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган объектларга инвестиция киритиш тақиқланади. Таъкидлаб ўтиш керакки, қурилиш ишларининг хавфсизлиги ҳақидаги масалалар шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан тасдиқланган СНиПлар билан ҳам тартибга солинади.

Шуни таъкидлаш керакки, республикамызда алоҳида «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги Қонун амал қилади. Жумладан, ушбу Қонунга мувофиқ, юридик шахслар томонидан аҳоли пунктларини, бинолар ва иншоотларни режалаш ва қуриш бош режаларининг, лойиҳаларининг бузилиши, давлат стандартлари, қурилиш нормалари ва қоидалари, техник шартларига, лойиҳалаш ва қурилиш, шунингдек бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш соҳасидаги бошқа норматив ҳужжатларнинг талабларига бинолар, иморатлар, иншоотларнинг, уларнинг қисмлари ёки конструкция айрим элементларининг чидамлилиги, мустаҳкамлиги, пухталиги, ишлаб чиқарилаётган бинокорлик материаллари, конструкциялари ва буюмларининг чидамлилиқ параметрлари пасайиши ва йўқотилишига сабаб бўлган тарзда риоя этилмаслиги, шунингдек объектларни қуриш ва уларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган тартибини бузадиган хатти-ҳаракат қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарлик деб тан олинади.

«Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддасида корхоналар ва объектларни лойиҳалаш, қуриш ва ишлатишда, ишлаб чиқариш воситаларини тайёрлаш ва таъмирлашда меҳнатни муҳофаза

қилиш талабларига риоя этилишини таъминлаш назарда тутилган. Жумладан, стандартлар, эргономика, меҳнатни муҳофаза қилишга доир қондалар ва меъёрлар талабларига жавоб бермайдиган ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларини лойиҳалаш, қуриш ҳамда қайта қуриш, ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқиш, тайёрлаш, таъмирлаш, технологияларни жорий этишга, шу жумладан, хориждан сотиб олинганларини жорий этишга йўл қўйилмайди.

Ҳеч бир янги ёки қайта қуриладиган корхона, ишлаб чиқариш воситалари, агар улар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда бериладиган хавфсизлик шаходатномасига эга бўлмаса, фойдаланишга қабул қилиниши ва ишга туширилиши мумкин эмас.

Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган корхоналар Ўзбекистон Республикасининг тегишли назорат идоралари берадиган фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини таъминловчи рухсатномани олдиндан тақдим этишлари шарт. Корхонанинг кўрсатилган рухсатномани олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Меҳнат хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган ва ишловчилар соғлиғи ҳамда ҳаётига хавф туғдирувчи корхоналар фаолияти ёки ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш, улар меҳнат хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтирилгунга қадар, Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда ваколатли идоралар томонидан тўхтатиб қўйилиши керак.

Йўл қўйиладиган энг кўп меъёрлари (концентрацияси) ишлаб чиқилмаган ва белгиланган тартибда экспертизадан ўтмаган зарарли моддаларни ишлаб чиқаришда қўллаш тақиқланади.

Маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлиги — маҳсулотнинг, уни ишлаб чиқариш, ишлатиш (ундан фойдаланиш), сақлаш, ташиш, реализация қилиш ва утилизация қилиш жараёнларининг, бажариладиган ишлар, кўрсатиладиган хизматларнинг ҳолати бўлиб, бунда инсоннинг ҳаётига, соғлиғига, атроф-муҳитга, юридик, жисмоний шахсларнинг ва давлатнинг мол-мулкига зарар етказилиши эҳтимоли билан боғлиқ йўл қўйилмайдиган хавф мавжуд бўлмайди (Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 23 апрелдаги «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги ЎРҚ-213-сонли Қонуни 3-моддаси).

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси шаҳарсозлик фаолиятида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги, маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир мажбурий талабларга тааллуқли ишларнинг бажарилишини ташкил этади ва таъминлайди (Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 23 апрелдаги «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги ЎРҚ-213-сонли Қонуни 9-моддаси иккинчи қисми).

669-модда. Қурилиш объектини суғурталаш

Агар шартномада тарафлар бошқача тартиб ва шартларни белгилаб қўйган бўлмасалар, шартномада назарда тутилган объектни ёки ишлар мажмуини пудратчи ўз ҳисобидан суғурталаш шарт.

Суғурталаш мажбурияти юклатилган тараф қурилиш пудрати шартномасида назарда тутилган тартибда иккинчи тарафга шартнома шартларига мувофиқ суғурта шартномаси тузганини тасдиқловчи далилларни, шу жумладан суғурта қилувчи, суғурта суммаси миқдори ва суғурталанган таваккалчиликлар тўғрисидаги маълумотларни тақдим қилиши керак.

Суғурталаш тегишли тарафни суғурта ҳодисаси юз беришининг олдини олиш чора-гадбирларини кўриш мажбуриятидан озод қилмайди.

Қурилиш ишларини хавф-хатардан суғурталаш қурилишда авария ҳолати юзага келганда шартнома субъектлари ва (ёки) бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мулкига, шунингдек атроф муҳитга зарар етганда келиб чиққан зарарларни тезкорлик билан қоплашнинг аъъанавий воситасидир.

Ушбу модда қурилиш объектини суғурталашни назарда тутди. Аввало айтиб ўтиш керакки, қурилиш объектини суғурталаш мажбурияти нафақат қурилиш пудрат шартномаси, балки тегишли қонун ҳужжатлари талабларидан ҳам келиб чиқиши мумкин.

Ушбу норма диспозитивлигининг моҳияти шундаки, башарти бошқача тартиб ва шартлар шартномада назарда тутилган бўлмаса, пудратчи ўз ҳисобидан шартномада назарда тутилган объект ёки ишлар мажмуасини хавф-хатардан суғурталаш лозим. Ушбу модданинг иккинчи қисмида

суғурталаш мажбурияти юклатилган тараф қурилиш пудрати шартномасида назарда тутилган тартибда иккинчи тарафга шартнома шартларига мувофиқ суғурта шартномаси тузганини тасдиқловчи далилларни, шу жумладан суғурта қилувчи, суғурта суммаси миқдори ва суғурталанган таваккалчиликлар тўғрисидаги маълумотларни тақдим қилиши кераклиги ҳақидаги норма кўрсатилган.

Шарҳланаётган модданинг учинчи қисмига мувофиқ суғурталаш тегишли тарафни суғурта ҳодисаси юз беришининг олдини олиш чоратадбирларини кўриш мажбуриятидан озод қилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 20 декабрдаги «Объектларни давлат маблағлари ва Ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига барпо этишда қурилиш таваккалчиликларини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги 532-сонли қарорига мувофиқ 2000 йил 1 январдан бошлаб: мулкчилик шаклларида қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектлар — пудратчилар давлат бюджети маблағлари ва Ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига маблағ билан таъминланаётган объектларни қуриш учун пудрат шартномаларини тузишда Объектларни давлат маблағлари ва Ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига барпо этишда қурилиш таваккалчиликларини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги Низомга мувофиқ, таваккалчиликларни мажбурий суғурта қиладилар; қурилиш пудрати шартномалари бўйича маблағ билан таъминлаш фақат шартномалар суғурта полислари мавжуд бўлган тақдирда бошланади. Суғурта полиси суғурталовчи томонидан суғурта қилдирувчига суғурта шартномасида белгиланган суғурта мукофоти тўлангандан кейин тақдим этилади.

670-модда. Лойиҳа-смета ҳужжатлари

Пудратчи қурилиш ва у билан боғлиқ бўлган ишларни ишнинг ҳажми, мазмуни ва уларга қўйиладиган бошқа талабларни белгиладиган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириши шарт.

Қурилиш пудрати шартномасида бошқа кўрсатмалар бўлмаса, пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатларида кўрсатилган ҳамма ишларни бажариши шарт, деб тахмин қилинади.

Қурилиш пудрати шартномасида лойиҳа-смета ҳужжатларининг таркиби ва мазмуни аниқланган, шунингдек қайси тараф ва қанча

муддатда тегишли ҳужжатларни тақдим қилиши лозимлиги назарда тутилган бўлиши керак.

Пудратчи қурилиш давомида лойиҳа-смета ҳужжатларида ҳисобга олинмаган ишларни ва шу муносабат билан қўшимча ишларни бажариш ва қурилишнинг смета қийматини ошириш зарурлигини аниқласа, бу тўғрида буюртмачига хабар бериши шарт.

Пудратчи буюртмачидан ўн кун ичида ўз хабарига жавоб олмаган тақдирда, агар қонунда ёки қурилиш пудрати шартномасида бунинг учун бошқа муддат назарда тутилган бўлмаса, тегишли ишларни тўхтатиб, бекор туриб қолиш натижасида кўрилган зарарни буюртмачининг зиммасига юклаши шарт. Агар буюртмачи қўшимча иш бажариш зарурати йўқлигини исботласа, бу зарарни қоплашдан озод этилади.

Ушбу модданинг тўртинчи ва бешинчи қисмларида белгиланган мажбуриятларни бажармаган пудратчи, агар буюртмачининг манфаатини кўзлаб, хусусан ишнинг тўхтатилиши қурилиш объектининг нобуд бўлишига ёки шикастланишига олиб келиши мумкин бўлганлиги муносабати билан дарҳол ҳаракат қилиш зарур бўлганлигини исботлай олмаса, у бажарган қўшимча иши учун буюртмачидан ҳақ тўлашни ва шу туфайли кўрилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Қўшимча иш бажариш ва унга ҳақ тўлашга буюртмачи рози бўлса, бу ишлар пудратчининг касб фаолияти соҳасига кирмайдиган ёки у ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра уларни бажара олмаган ҳоллардагина пудратчи мазкур ишларни бажаришдан бош тортишга ҳақли.

670-моддада пудратчининг қурилиш ва у билан боғлиқ бўлган ишларни ишнинг ҳажми, мазмуни ва уларга қўйиладиган бошқа талабларни белгилайдиган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириш бўйича мажбурияти белгиланган.

Қурилиш соҳасидаги вазифаларни бажаришнинг энг муҳим шартларидан бири бўлиб пудрат ишларига тайёргарлик кўришдаги зарурий босқичлардан бири сифатида лойиҳалаш ишлари ҳисобланади. Лойиҳа ҳужжатлари лойиҳалаштирилаётган объектни техник-иқтисодий асослантириш, лойиҳадаги қурилишни амалга оширишнинг мақсадга

мувофиқлиги, шунингдек ишнинг баҳосини асослантириш кабиларни ўз ичига олади. Бундан ташқари, лойиҳа-смета ҳужжатлари ўз ичига қурилиш-монтаж ишларини олиб боришни белгилаб берувчи қурилиш режасини олади. Бошқача қилиб айтганда, лойиҳа-смета ҳужжатлари бажариладиган ишларнинг хусусиятини белгилаб беради, яъни қурилиш пудратининг мазмунини очиқ беради. Лойиҳа-смета ҳужжатлари шартнома асосида қурилиш ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш билан боғлиқ барча ташкилий-ҳуқуқий ва мулкӣ муносабатлар учун ҳуқуқӣ база бўлиб хизмат қилади.

Пудратчи қурилиш ва у билан боғлиқ бўлган ишларни ишнинг ҳажми, мазмуни ва уларга қўйиладиган бошқа талабларни белгилайдиган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириши шарт, ушбу ҳужжатлар қурилиш юзасидан объектнинг баҳосини белгиловчи муҳим ҳужжатдир. Чунки, сметада нафақат қилинган ишларнинг баҳоси, балки сотиб олинган асбоб-ускуналар, материаллар, энергия манбалари ва бошқа харажатлар акс эттирилади. Техник ҳужжатлар ва смета қурилиш бўйича муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжатлар ва тузилган қурилиш пудрат шартномаси талабларига мос бўлиши лозим. Бунда қурилиш пудрат шартномасида лойиҳа-смета ҳужжатларининг таркиби ва мазмунини белгилаш шартлигини мустаҳкамловчи норма муҳим аҳамиятга эгадир. Бундан ташқари, шартномада тегишли ҳужжатларни қайси тараф ва қандай муддатларда тақдим этиши ҳақидаги норма ҳам белгиланиши лозим. Бундан келиб чиқиб таъкидлаш керакки, техник ҳужжатларнинг таркиби ва мазмуни қурилиш пудрат шартномасининг муҳим шартларидан биридир. Демак, қўшимча харажатларни талаб қилувчи, шунга кўра қурилишнинг смета баҳосини оширувчи, сметада инобатга олинмаган қурилиш бўйича қўшимча ишларни аниқлаган пудратчи бу ҳақда буюртмачига хабар бериши шарт. Ушбу модданинг бешинчи қисмига биноан пудратчи буюртмачидан ўн кун ичида ўз хабарига жавоб олмаган тақдирда, агар қонунда ёки қурилиш пудрати шартномасида бунинг учун бошқа муддат назарда тутилган бўлмаса, тегишли ишларни тўхтатиб, бекор туриб қолиш натижасида кўрилган зарарни буюртмачининг зиммасига юклаши шарт. Агар буюртмачи қўшимча иш бажариш зарурати йўқлигини исботласа, бу зарарни қоплашдан озод этилади. Модданинг олтинчи қисмида белгиланишича, ушбу модданинг тўртинчи ва бешинчи қисмларида

белгиланган мажбуриятларни бажармаган пудратчи, агар буюртмачининг манфаатини кўзлаб, хусусан ишнинг тўхтатилиши қурилиш объектининг нобуд бўлишига ёки шикастланишига олиб келиши мумкин бўлганлиги муносабати билан дарҳол ҳаракат қилиш зарур бўлганлигини исботлай олмаса, у бажарган кўшимча иши учун буюртмачидан ҳақ тўлашни ва шу туфайли кўрилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Ушбу ҳолатнинг мазмуни шундан иборатки, кўшимча иш бажариш ва унга ҳақ тўлашга буюртмачи рози бўлса, бу ишлар пудратчининг касб фаолияти соҳасига кирмайдиган ёки у ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра уларни бажара олмаган ҳоллардагина пудратчи мазкур ишларни бажаришдан бош тортишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикасининг «Қурилиш соҳасида ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарликлари тўғрисида»ги Қонуни 4-моддасига кўра, аҳоли пунктларини режалаш ва қуришнинг бош режаларини, лойиҳаларини, тарихий иморатлар жойлашган даҳаларни қайта қуриш режаларини, тураржой даҳалари, кичик даҳалар ва шаҳарларнинг саноат зоналари, қишлоқ аҳоли пунктларини қуриш ва ободонлаштириш сифатини, шунингдек бинолар ва иншоотларнинг меъморчилик ечимларини бузиш — энг кам иш ҳақининг етмиш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 28 октябрдаги «Капитал қурилишни ташкил этишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-1875-сонли Фармонида мувофиқ 1997 йил 1 ноябрдан бошлаб:

молиявий таъминот манбаларидан қатъи-назар, қиймати 25 миллион сўм ва ундан ортиқ бўлган (1991 йил нарҳида) объектлар;

ҳар йили давлат бюджети билан биргаликда тасдиқланадиган республика инвестицион дастурига киритилган объектлар;

лойиҳа қийматидан қатъи назар, ҳукумат кафилигида хорижий инвестициялар ва кредитлар жалб этилган ҳолда барпо этилаётган объектлар бўйича қурилиш, реконструкция қилиш ҳамда техник қайта жиҳозлашга қаратилган инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асослари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Қабул қилинган халқаро битимларда техник-иқтисодий асосларни тасдиқлашнинг бошқача тартиби назарда тутилган бўлса, ана шу битимларда белгиланган тартиблар қўлланилади.

Инвестицион лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асослари ва лойиҳа ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаганига қадар белгиланган тартибда экспертзадан ўтказилиши лозим.

Корхоналарнинг, жойлардаги давлат органларининг ўз маблағи, тижорат банклари кредитлари ҳамда бевосита хорижий инвестициялар ҳисобига амалга оширилаётган бошқа инвестицион лойиҳалар бўйича техник-иқтисодий асослар кўрсатилган органлар, корхоналар ёки уларнинг юқори ташкилотлари томонидан тасдиқланади.

Лойиҳа-тадқиқот ишларининг қиймагини аниқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2008 йил 10 ноябрдаги 22-сонли қарори билан тасдиқланган Низом (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 9 декабрда 1879-сон билан рўйхатга олинган) билан белгиланган.

Хўжалик судлари амалиётида лойиҳа-смета ҳужжатлари талаблари бузилиши билан боғлиқ низолар ҳам учраб туради. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси хўжалик судига «S&V» қўшма корхонасидан 72 579 644 сўмни ундириш ҳақидаги даъво билан мурожаат қилган.

Биринчи инстанция судининг қарори билан даъво аризасини қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг қарори бекор қилиниб, Давлат божхона қўмитаси хўжалик суди фойдасига «S&V» қўшма корхонасидан 72 579 644 сўмни ундириш ҳақида қарор чиқарилган.

«S&V» қўшма корхонаси Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судига кассация тартибда апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиш ва ишни қайта кўриб чиқиш учун қайтариш ҳақидаги даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Кассация инстанцияси суди кассация шикоятдаги даъво талабларини муҳокама қилиб қуйидагиларга асосан апелляция инстанцияси судининг қарорини ўзгартиришсиз қолдириш лозим деб ҳисоблайди.

«S&V» қўшма корхонаси вакиллари кассация инстанцияси судига шуни маълум қиладики, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ ходимларининг ДБҚ ходимлари билан биргаликда тузилган далолатномаси бир томонлама,

«S&V» қўшма корхонаси вакиллари иштирокисиз тузилган бўлиб, шунинг учун «S&V» қўшма корхонаси далолатномани мутахассис бўлмаган шахслар томонидан тузилган ва у биринчи инстанция суди қарорини бекор қилиш учун асос бўлолмайди, шунингдек қўшма корхона директори Метин Четин таржимон билан таъминланмаган, суд томонидан суд мажлиси баённомасига қилинган қўшимчалар ва бошқа фикр-мулоҳазалар суд томонидан инобатга олинмасдан қолдирилган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 17 октябрдаги 573-Ф-сонли Фармойишига мувофиқ Давлат божхона бошқармаси томонидан Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани Қозирабод кўчаси 2-тор кўчада 2002 йилда бошланиб 2004 йил мартида тугатилган Олий ҳарбий божхона институтининг қурилиши амалга оширилган. Фармойишга биноан қурилиш уни лойиҳалаштириш билан параллел равишда олиб борилган. «Маъмурий-ўқув биноси» ва «Яшаш блоки» объектларида қайта қуриш ва қурилиш ишларини амалга ошириш учун ДБК томонидан «S&V» қўшма корхонаси билан бир қатор шартномалар ва қўшимча келишувлар тузилган.

Шартноманинг 2.4-бандига биноан объект қиймати «очик» тарзида 1991 йиллик қиймат базаси асосида шакллантирилган.

Буюртмачи ва пудратчи ўртасида қуйидаги шартнома ва қўшимча битимлар тузилган:

- 1) 30.05.2002 йилдаги 12-сонли 62 712 000 сўмлик;
- 2) 30.05.2002 йилдаги 13-сонли 35 000 000 сўмлик;
- 3) 04.09.2002 йилдаги 14-сонли 41 265 000 сўмлик
- 4) 14.03.2003 йилдаги 2-сонли 274 939 000 сўмлик шартномалар.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 666-моддаси биринчи қисмига биноан қурилиш пудрати шартномаси бўйича пудратчи шартномада белгиланган муддатда буюртмачининг топшириғи билан муайян объектни қуриш ёки бошқа қурилиш ишини бажариш мажбуриятини олади, буюртмачи эса пудратчига ишни бажариш учун зарур шароит яратиб бериш, ишни қабул қилиш ва келишилган ҳақни тўлаш мажбуриятини олади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 670-моддаси биринчи қисмига мувофиқ пудратчи қурилиш ва у билан боғлиқ бўлган ишларни ишнинг ҳажми, мазмуни ва уларга қўйиладиган бошқа тала-

бларни белгилайдиган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириши шарт. Қурилиш пудрати шартномасида бошқа кўрсатмалар бўлмаса, пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатларида кўрсатилган ҳамма ишларни бажариши шарт, деб тахмин қилинади.

ДБК ва «S&V» қўшма корхоналари ўртасида тузилган шартноманинг 3.1-бандида пудратчи томонидан объектнинг қурилишини томонлар ўзаро келишган ва лойиҳа-смета ҳужжатлари ҳамда СНИП билан белгиланган талаблар ва шартнома 5.1-бандида белгиланган муддатларда қурилишини таъминлаш мажбурияти белгиланган. Даъвогар ва жавобгар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар пудратчи томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ва бажарилган ишлар ҳисобидан (Ф-2, Ф-3) келиб чиқиб амалга оширилган. Ўзбекистон Республикаси ДБК томонидан бажарилган ишлар бўйича охириги ҳисоб-китоблар 2005 йил 30 мартида амалга оширилган.

Ўзбекистон Республикаси ДБК раҳбарияти томонидан Давлат комиссияси далолатномасини тасдиқлаш олдидан 2005 йил 13 март кунинда Ўз Р ДБК назорат тафтиш бошқармасига «Ўзбекистон Республикаси ДБК ОХБИ» қурилишида тақдим этилган пул маблағларининг мақсадли ишлатилганлиги ва амалда бажарилган ишларга тўғри келишини текшириш бўйича топшириқ берилган.

Текширув жараёнида назорат тафтиш бошқармаси томонидан бажарилган ишлар баҳосини 72 579 644 сўмга ошириб кўрсатиш аниқланган. Ушбу ҳолат назорат тафтиш бошқармасининг 2005 йил 4 апрелдаги текширув далолатномаси билан тасдиқланган.

2006 йил 13 июлдаги апелляция суди инстанциясининг ажримига мувофиқ 2006 йил 10 ноябрдаги назорат ўлчов натижаси ҳулосасига кўра банк ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси ДБК нинг «Маъмурий-ўқув биноаси» ва «Яшаш блоки» объектлари биносининг олди томони қурилиш ишларини амалга оширишда 72 579 644 сўмга ошириб кўрсатиш аниқланган.

Қурилиш-монтаж ишларига биноан бинонинг олди қисмида таъмирлаш ишлари олиб борилган майдон 2900 кв. м қилиб кўрсатилган, бажарилган ишлар далолатномасида (Ф-2) эса ушбу ишлар 6258 кв. м қилиб кўрсатилган — бунда ҳаммаси 3358 кв. мга ошириб кўрсатиш ҳоллари аниқланган. Пардозлаш ва юқори сифатли бўйаш ишлари бўйича ишлар

сметадаги 1311 кв. м ўрнига 3176 кв. мни ташкил қилади. Бинонинг 3176 кв. м майдони деярли юқори сифатли тарзда пардозаланмаган.

«S&V» қўшма корхонаси вакили суд мажлисида юқорида кўрсатилган бажарилган ишлар ва кўрсаткичлар ўртасидаги фарқ бир ишнинг икки марта бажарилиши оқибатида келиб чиққанлигини таъкидлаган. Масалан, бино олд қисмини пардозлаш. Аммо пудратчи томонидан бир иш қўшимча равишда такроран фақатгина буюртмачининг топшириғига биноан бажарилган.

Амалда юқори қилиб кўрсатилган Ф-2 ва Ф-3 формаларидаги кўрсаткичларга қурилиш-монтаж ишларида келтирилган ишлар кўрсаткичлари тўғри келмайди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 636-моддаси олтинчи қисмига мувофиқ агар қўшимча ишларни бажариш зарур бўлиб қолса ва шу сабабли ишнинг тахминан белгиланган баҳосини (тахминий сметани) анча оширишга тўғри келса, пудратчи бу ҳақда буюртмачини вақтида огоҳлантириши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 356-моддаси учинчи қисмига мувофиқ шартнома тузилганидан кейин баҳони ўзгартиришга қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда ва шартларда йўл қўйилади.

Юқоридагилардан келиб чиқадикки, қўшимча бажарилган ишлар ва уларнинг баҳоси «S&V» қўшма корхонаси томонидан қўшимча келишув билан расмийлаштирилмаган.

Шунга кўра «S&V» қўшма корхонасининг қўшимча ишлар буюртмачи томонидан қурилиш-монтаж ишларини қабул қилиш далолатномасининг тасдиқланиши ҳақидаги вазлари асоссиздир, чунки бу ушбу ишларнинг ўзаро келишилганлигини эмас, балки фақатгина бажарилганлигини тасдиқлайди.

Бажарилган ишлар ҳажмини ошириб кўрсатиш факти нафақат банк ходимлари томонидан амалга оширилган назорат ўлчов далолатномаси билан балки Ўзбекистон Республикаси ДБК назорат тафтиш бошқармасининг текширув далолатномаси, қурилиш-монтаж ишлари, Ф-2 ва иш бўйича бошқа ҳужжатлар билан ҳам тасдиқланган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, «S&V» қўшма корхонасининг кассация тартибидаги даъво аризасини қаноатлантирмасдан, апелляция судининг қарорини ўзгартиришсиз қолдириш учун асос бўлади.

(Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг 2007 йил 26 февралдаги 10-0508/4563-сонли Кассаця инстанцияси Қарори).

671-модда. Лойиҳа-смета ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш

Агар техник ҳужжатларга ўзгартишлар киритиш туфайли бажарилиши керак бўладиган қўшимча ишлар қиймати жиҳатидан сметада кўрсатилган қурилиш умумий қийматининг ўн фоизидан ошиб кетмаса ва қурилиш пудрати шартномасида назарда тутилган ишларнинг хусусиятини ўзгартирмаса, буюртмачи техник ҳужжатларга ўзгартишлар киритишга ҳақли.

Техник ҳужжатларга ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилганига нисбатан каттароқ ҳажмда ўзгартишлар киритиш тарафлар келишган қўшимча смета асосида амалга оширилади.

Агар ишнинг қиймати пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра сметадан камида ўн фоиз ошган бўлса, пудратчи ушбу Кодекснинг 382-моддасига мувофиқ сметани қайта кўриб чиқишни талаб қилишга ҳақли.

Пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатларидаги камчиликларни аниқлаш ва йўқотиш билан боғлиқ оқилона харажатларни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Шарҳланаётган моддада қурилиш пудрати шартномасининг шартномага муайян ҳолатларда бир томонлама ўзгартириш киритиш имконияти каби ўзига хос хусусиятларидан бири мустаҳкамланган. Шунини таъкидлаб ўтиш керакки, техник ҳужжатлардаги киритилган ўзгартириш шартнома шarti ўзгартирилиши деб қабул қилинади, чунки Фуқаролик кодексининг 670-моддасига биноан техник ҳужжат шартноманинг ажралмас шarti сифатида қабул қилинади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланишича, агар техник ҳужжатларга ўзгартишлар киритиш туфайли бажарилиши керак бўладиган қўшимча ишлар қиймати жиҳатидан сметада кўрсатилган қурилиш умумий қийматининг ўн фоизидан ошиб кетмаса ва қурилиш пудрати шартномасида назарда тутилган ишларнинг хусусиятини ўзгартирмаса, буюртмачи техник ҳужжатларга ўзгартишлар киритишга ҳақлидир. Бундан келиб чиқиб хулосага келиш мумкинки, техник ҳужжатлардаги

Ўзгартириш киритилиши тарафларнинг келишувига биноан амалга оширилади. Модданинг учинчи қисмида ишнинг қиймати пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра сметадан камида ўн фоиз ошган бўлса, пудратчи Фуқаролик кодексининг 382-моддасига мувофиқ сметани қайта кўриб чиқишни талаб қилишга ҳақли эканлиги ҳақидаги нормани кузатиш мумкин. Шу билан бирга пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатларидаги камчиликларни аниқлаш ва йўқотиш билан боғлиқ оқилона харажатларни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Техник ҳужжатлардаги ўзгартиришлар бўйича келишув ёзма равишда амалга оширилиши лозим. Пудратчи томонидан қурилиш объектини техник ва лойиҳа-смета ҳужжатлари билан таъминланганлик ҳолатида унга ўзгартиришлар фақатгина қурилиш пудрат шартномасида келишилган муддатларда буюртмачи (инвестор) билан келишилган ҳолдагина ўзгартириш киритиш мумкин. Буюртмачи томонидан лойиҳа-смета ҳужжатларига ўзгартириш киритиш ёки қурилиш ишларни назорат қилувчи органлар томонидан объектни жойлаштириш ёхуд тегишли ҳужжатлар экспертизаси, келишуви жараёнида ҳужжатларга ўзгартириш киритишни талаб қилиниши бўйича охириги қарор тарафлар келишуви билан қабул қилинади, қурилиш объектининг бундай талабларга номувофиқлиги исботланган ҳоллар бундан мустасно.

Шартномада ижрочи томонидан у бўйича иш бошланганидан кейин смета техник ҳужжатларига киритилган ўзгартиришларни келишиб олиш артиби ва муддатлари белгиланади.

Пудратчининг сметани қайта кўриб чиқиш ҳақидаги талаби етарли даражада асослантирилган ва шартномада назарда тутилган муддатларда ёзма равишда буюртмачига тақдим этилган бўлиши лозим.

Шуни қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 8 сентябрдаги «Қишлоқ жойларда уй-жойларни лойиҳалаштиришни такомиллаштириш ва қурилишни яхшилаш бўртасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1403-сонли Қарорида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ва ўрмон фонди категориясига киритилмаган ерларни қишлоқ жойларда яқка тартибда уй-жойлар қуриш учун ҳар бир иморат солувчига 0,06 гектардан ер участкалари ажратиб бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан талабларга

жавоб бермайдиган қишлоқ уй-жойларининг намунавий лойиҳалари бекор қилинди ҳамда уйларнинг умумий майдони ва хоналар баландлигини ошириш, гаражлар ҳамда ҳовли иморатлари қуриш, ҳовлининг хўжалик қисмида буғ қозонхонасини жойлаштириш ва бошқаларни назарда тутган ҳолда иморат солувчи учун зарур қулайликларни таъминлайдиган, шинамлиги яхшиланган уч, тўрт ҳамда беш хонали якка тартибдаги уйларнинг янги намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилиб, тасдиқланганлиги эътироф этилган.

Суд ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидан кўринишича, қурилиш пудрат шартномаси бўйича қурилиш баҳоси билан боғлиқ низолар одатда буюртмачи ва пудратчининг ўзаро келишмаслик оқибатида келиб чиқади.

Жумладан, «Maxsusqurmonservis» хусусий корхонаси хўжалик судига Паркент тумани туман марказий шифохонаси (ТМШ) ҳисобидан ўз фойдасига 20644200 сўм маблағини ундириб беришни сўраб мурожаат қилган.

Суд қарори билан даъво тўлиқ қаноатлантирилган.

Иш апелляция инстанциясида кўрилмаган.

Паркент тумани ТМШ биринчи суд инстанцияси қарорини бекор қилишни сўраб кассация инстанциясига даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Тошкент вилоят прокуратураси Олий хўжалик судига кассация инстанцияси судига қарорни бекор қилиш ва даъвони рад қилиш тўғрисидаги даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Кассация инстанцияси суди кассация тартибидаги шикоят ва кассация протести важларини муҳокама қилиб, биринчи инстанция судининг қарорини қуйидаги асосларга кўра бекор қилиш лозим, деб ҳисоблайди.

Иш метриалларидан кўринишича, «Maxsusqurmonservis» ХК қурилиш ташкилоти сифатида Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти танлов савдолар ва нархлар бўйича Худудий консалтинг маркази томонидан ўтказилган қурилишлар бўйича тендерда иштирок этган.

«Maxsusqurmonservis» ХК ушбу тендерда ғолиб бўлиб, бу борада икки хабарнома олган, бири — 2005 йил 18 июлдаги 2-сонли таклиф суммаси 45 341 186 сўмлик бўлган «Тошкент вилояти Паркент тумани ТМШ тез ёрдам бўлими капитал таъмири» ва иккинчиси — 2005 йил 18 июлдаги 3-сонли суммаси 90 634 754 сўмлик бўлган «Тошкент вилояти Паркент тумани ТМШ терапия корпуси капитал таъмири»га оид хабарномалар.

Иккала шартноманинг умумий тендер нархи 135 975 940 сўмни ташкил қилади.

«Maxsusqurmonservis» ХК ва Паркент тумани ТМШ ўртасида юқоридаги тендер қарори асосида икки шартнома тузилган бўлиб, бири 2005 йил 25 августдаги 3-сонли, 45 341 186 сўмлик бўлган «Тошкент вилояти Паркент тумани ТМШ тез ёрдам бўлими капитал таъмири» хусусидаги ва иккинчиси — 2005 йил 25 августдаги 4-сонли суммаси 56 212 000 сўмлик бўлган «Тошкент вилояти Паркент тумани ТМШ терапия корпуси капитал таъмири»га оид шартномалардир. Имзоланган иккала шартноманинг умумий баҳоси 101 553 186 сўмни ташкил қилган.

«Maxsusqurmonservis» ХК томонидан Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти танлов савдолар ва нархлар бўйича Худудий консалтинг марказига буюртмачи билан тузилган шартнома ҳамда эълон қилинган тендер нархи ўртасидаги етишмаётган 34 422 754 сўмлик фарқ ҳақида хат йўлланган. Ушбу хат юзасидан «Maxsusqurmonservis» ХК томонидан шартнома нархи ва танлов комиссияси баённомасида қайд этилган баҳолар ўзаро мос келиши лозимлиги ҳақидаги жавоб олинган.

Аммо буюртмачи «Maxsusqurmonservis» ХК томонидан билдирилган танлов комиссияси белгиланган нархда шартномаларни тузиш ҳақидаги фикрини рад этган. Лекин «Maxsusqurmonservis» ХК ҳам ушбу ҳолатни мажбурий равишда тартибга солиш ҳақида ҳеч қандай ҳаракатни амалга оширмаган.

Кассация инстанцияси суди мажлисида иштирок этган жавобгар тараф вакиллари ушбу қурилишлар маҳаллий бюджет маблағлари асосида амалга оширилишини баён қилдилар. Шу муносабат билан маҳаллий бюджетда етарли маблағ етишмасдан, шартнома суммаси кўрсатилган 101 553 186 сўм миқдорида белгиланган. «Maxsusqurmonservis» ХК қурилиш бўйича 95 млн. сўм доирасида қилишни кафолатлаган, шунинг учун у тендерда ғолиб бўлганлигини билдиришган. Объектлар бўйича қурилиш ишлари 101 553 186 сўм доирасида амалга оширилган, ҳеч қандай қўшимча, айниқса буюртмачи билан келишилган ҳолда ҳеч бир бошқа иш амалга оширилмаган.

Тарафлар томонидан тузилган 3, 4-сонли шартномаларнинг 4-бандида келтирилишича, шартнома баҳоси қатъий ва ўзгартириш киритилиши мумкин эмас.

«Maxsusqurmonservis» ХК томонидан Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти танлов савдолар ва нархлар бўйича Худудий консалтинг марказига йўлланган хатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июлдаги «Капитал қурилишда танлов савдолари тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 302-сонли қарорига ҳавола қилинган. Ушбу Қарорнинг 2-банди тўртинчи қисмига мувофиқ танлов савдолари натижалари бўйича тузилган шартномада назарда тутилган шартларнинг ўзгариши, буюртмачи билан пудратчи ўртасида келишув мавжудлигидан қатъи назар, фақат улар белгиланган тартибда танлов комиссияси томонидан кўриб чиқилгандан ва тасдиқлангандан кейин қабул қилинган деб ҳисобланади.

Иш материаллари билан тендер асосида иккала объектнинг қурилиши баҳоси 135 975 940 сўм сифатида аниқланган, аммо ушбу объектлар бўйича имзоланган шартномаларнинг умумий суммаси 101 553 186 сўмни ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 636-моддасига мувофиқ пудрат шартномасида бажариладиган ишнинг баҳоси ёки уни аниқлаш усуллари кўрсатилади, 356-моддасига мувофиқ эса шартномани бажарганлик учун тарафларнинг келишуви билан белгиланган баҳода ҳақ тўланади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, тарафлар томонидан «Тошкент вилояти Паркент тумани ТМШ тез ёрдам бўлими капитал таъмири» (45 341 186 сўмлик) ва «Тошкент вилояти Паркент тумани ТМШ терапия корпуси капитал таъмири»га (56 212 000 сўмлик) оид шартномаларда қатъий ҳамда ўзгартирилмайдиган баҳолар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 356-моддаси учинчи қисмига мувофиқ шартнома тузилганидан кейин баҳони ўзгартиришга қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда ва шартларда йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси 55-моддаси биринчи қисмига мувофиқ ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаб ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак.

Аммо даъвогар «Maxsusqurmonservis» ХК қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда қўшимча 20644200 сўмлик бажарилган иш учун жавобгар билан алоҳида келишув тузганлигини исботлай олмаган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 636-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ пудратчи, қоида тариқасида, қатъий баҳо (қатъий смета)ни оширишни, буюртмачи эса уни камайтиришни талаб қилишга, шу жумладан бажарилиши керак бўлган ишнинг тўла ҳажмини ёки бунинг учун зарур харажатларни пудрат шартномаси тузилаётган пайтда назарда тутиш имконияти бўлмаган ҳолларда ҳам, ҳақли эмас.

Даъвогар «Maxsusqurmonservis» ХКнинг Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 671-моддасига қилган ҳаволаси ҳам асоссиз, чунки ушбу Кодекс 671-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ агар ишнинг қиймати пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра сметадан камида ўн фоиз ошган бўлса, пудратчи ушбу Кодекснинг 382-моддасига мувофиқ сметани қайта кўриб чиқишни талаб қилишга ҳақли.

Бундан келиб чиқадики, пудратчи «Maxsusqurmonservis» ХК 3 ва 4-сон шартномаларга тегишли ўзгартиришларни киритиш ва буни буюртмачи билан келишишга доир барча ҳаракатларни амалга ошириши лозим эди.

Бундай ҳолатлардан келиб чиқиб, суд икки объектда амалга оширилган 20 644 200 сўмлик ишлар шартнома суммасидан четга чиққан бўлсада, тендер баҳоси бўлмиш 135 975 940 сўмдан четга чиқмаганлиги ҳақидаги биринчи суд инстанциясининг қарорига қўшила олмайди.

Биринчи инстанция суди томонидан тарафлар ўртасидаги 2005 йил 30 декабрдаги, даъвогар жавобгар томонидан 101 553 180 сўмлик бажарилган ишлар суммасининг 95%и тўланиб, қолган 5%, яъни кафолат муддати охиригача тўланиши кафолатланган 5 077 659 сўмлик сумма қолганлиги тан олинган ўзаро ҳисоб-китоблар текширув далолатномасига етарли даражада эътибор берилмаган.

Бундай ҳолатларда кассация инстанцияси суди биринчи инстанцияси судининг «Maxsusqurmonservis» ХК ҳисобига Паркент тумани марказий шифохонаси (ТМШ) ҳисобидан 20 644 200 сўм маблағини ундириш тўғрисидаги қарорини чиқаришда моддий ҳууқ нормалари нотўғри қўлланган деб ҳисоблайди. Шу муносабат билан, суд қарори бекор қилиниб, даъвогарнинг даъволари асоссиз деб топилиб, рад этиш ҳақидаги хулосага келинган.

Юқоридагиларга биноан Тошкент вилояти прокуратураси кассация инстанция протести тўлиқ қаноатлантирилиб, Тошкент вилояти

Паркент тумани марказий шифохонаси кассация шикоятни эса қисман қаноатлантирилди. (Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг 2007 йил 23 февралдаги 11-0610/9753-сонли кассация қарори).

672-модда. Қурилишни материаллар ва усқуналар билан таъминлаш

Агар шартномада бутун қурилишни ёки унинг муайян қисмини моддий таъминлаш буюртмачи томонидан амалга оширилиши назарда тутилган бўлмаса, қурилишни материаллар, шу жумладан деталлар ва конструкциялар, шунингдек усқуналар билан таъминлаш мажбурияти пудратчи зиммасида бўлади.

Қурилишни таъминлаш мажбуриятини зиммасига олган тараф ўзи топширган материаллар (деталлар, конструкциялар)дан, шунингдек усқуналардан бажарилаётган ишлар сифатини ёмонлаштирмаган ҳолда фойдаланиб бўлмаслиги вужудга келганлиги учун, агар фойдаланиб бўлмаслик иккинчи тараф жавоб берадиган вазиятлар туфайли вужудга келганлигини исбот қилмаса, жавобгар бўлади.

Буюртмачи берган материаллар ёки усқуналардан бажарилаётган ишлар сифатини ёмонлаштирмаган ҳолда фойдаланиш мумкин эмаслиги аниқланган ва буюртмачи уларни алмаштиришдан бош тортган тақдирда, пудратчи қурилиш пудрати шартномасидан воз кечишга ва буюртмачидан ишнинг бажарилган қисмига мутаносиб равишда шартнома нархини тўлашни талаб қилишга ҳақли.

672-моддада қурилишни материаллар ва усқуналар билан таъминлаш бўйича мажбуриятлар белгиланган. Ушбу модданинг биринчи қисмига биноан қурилишни материаллар, шу жумладан деталлар ва конструкциялар, шунингдек усқуналар билан таъминлаш мажбурияти пудратчи зиммасида бўлишлиги белгиланган. Ушбу норма диспозитив хусусиятдаги норма бўлиб, қурилиш пудрат шартномасида буюртмачининг қурилишни тўлиқ ёки қисман материаллар ва усқуналар билан таъминлаши белгиланиши мумкин.

Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида белгиланишича, қурилишни таъминлаш мажбуриятини зиммасига олган тараф ўзи топширган материаллар (деталлар, конструкциялар)дан, шунингдек усқуналардан бажарила-

ётган ишлар сифатини ёмонлаштирмаган ҳолда фойдаланиб бўлмаслиги вужудга келганлиги учун, агар фойдаланиб бўлмаслик иккинчи тараф жавоб берадиган вазиятлар туфайли вужудга келганлигини исбот қилмаса, жавобгар бўлади. Фуқаролик кодексининг 643-моддасига биноан пудратчи буюртмачи берган материал, ускуналар, техник хужжатлар ёки қайта ишлаш (ишлов бериш) учун топширилган ашёнинг яроқсизлиги ёки сифатсизлигини аниқлаган тақдирда дарҳол буюртмачини огоҳлантириши ва ундан кўрсатмалар олгунга қадар ишни тўхтатиб туриши шарт. Ушбу ҳолатлар тўғрисида буюртмачини огоҳлантирмаган ёки огоҳлантиришга жавоб олиш учун шартномада кўрсатилган муддат ўтишини, бундай муддат кўрсатилмаган бўлса, оқилона муддат ўтишини кутмасдан ёхуд буюртмачи ишни тўхтатиб туриш тўғрисида ўз вақтида кўрсатма берган бўлишига қарамасдан ишни давом эттираверган пудратчи буюртмачи унга ёки пудратчи буюртмачига тегишли талаблар қўйганида мазкур ҳолатларни важ қилиб келтиришга ҳақли эмас. Агар буюртмачи пудратчининг ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар тўғрисида ўз вақтида ва асосли огоҳлантирганига қарамасдан, оқилона муддатда яроқсиз ёки сифатсиз материални алмаштирмаса, ишни бажариш усули тўғрисидаги кўрсатмаларини ўзгартирмаса ёхуд ишнинг яроқчилиги ёки пишиқлигини хавф остига қўядиган ҳолатларни бартараф этиш учун зарур бўлган бошқа чораларни кўрмаса, пудратчи шартномани бажаришдан бош тортишга ва етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли. Шунга қўра, Фуқаролик кодексининг 672-моддаси учинчи қисми 643-модда нормаларини эътиборга олган ҳолда қўлланади ва айтиш лозимки, пудратчи нафақат бажарилган иш учун тўловни, балки шартнома бекор қилиниши билан боғлиқ ҳолда келиб чиққан зарарни ҳам қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Пудратчи зарур бўлган материал турлари, қурилиш конструкциялари, технологик асбоблар (ускуналар) ва энергия манбаи асосий турлари эҳтиёжлари ҳақида лойиҳа ташкилотининг ҳисобларини талаб қилишга ҳақли. Ушбу ҳисоблар асосида тарафлар буюртма бериш ва унинг асосида асбоб-ускуналарни олиш имконини берувчи жамланма ведомостлар келишиб олинади.

Пудратчи қурилишда фойдаланиладиган материаллар ва конструкцияларни сифатини аниқлаш учун одатда қурилишга келиб тушаётган ҳар бир қурилиш материаллари ва конструкцияларини назорат текширувидан

ўтказади ва бу борада қабул қилиш далолатномасини тузиб, тегишли нуқсонлар топилган тақдирда уларнинг сифати бўйича тегишли эътирофлар тақдим этади.

Агар шартнома бўйича материаллар ва асбоб-ускуналар билан таъминлаш буюртмачига юклатилган бўлса, уларни қабул қилишда пудратчи нуқсонларни аниқлаган тақдирда, бу ҳақда буюртмачини огоҳлантириб, уларни сифатлисига алмаштирилгунига қадар сифатсиз маҳсулотни вақтинча сақлаш бўйича мажбуриятни ўз масъулиятига олиши лозим. Пудратчи агар бундай ҳолатда буюртмачи сифатсиз маҳсулотни шартномада белгиланган муддатларда алмаштириб беришдан бош тортган тақдирда ишни бажаришдан бош тортишга ҳақли. Бундай ҳолатларда буюртмачи объект бўйича амалда бажарилган ишлар учун ҳақни тўлашга мажбур (643-модда ва унга шарҳга қаранг).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сон қарори билан тасдиқланган Марказлаштирилган манбалар ҳисобига қурилишни ташкил этиш, молиялаштириш ва кредитлаш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 36-бандига мувофиқ қурилишни қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун зарур бўлган материаллар, конструкциялар ва буюмлар билан, шунингдек барча намунавий асбоб-ускуналар ва аппаратлар, ностандартлаштирилган, технологик ва энергетика асбоб-ускуналари билан, шу жумладан махсус материаллар билан таъминлаш пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

673-модда. Ишга ҳақ тўлаш

Буюртмачи пудратчининг бажарган иши учун сметада назарда тутилган миқдорда, қонун ёки қурилиш пудрати шартномасида белгиланган муддатда ва тартибда ҳақ тўлайди. Қонун ёки шартномада тегишли кўрсатмалар бўлмаса, пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ушбу Кодекснинг 638-моддасига мувофиқ ҳақ тўланади.

Қурилиш пудрати шартномасида ишларга объект буюртмачи томонидан қабул қилинганидан сўнг бир йўла ва тўлиқ ҳажмда ҳақ тўлаш назарда тутилиши мумкин.

Ушбу 673-модда пудратчининг қурилиш пудрати шартномасида белгиланган бажарган иши ҳақ тўлаш бўйича умумий қоидаларни белгилайди.

Бундан келиб чиқадики, ишга ҳақ тўлаш қурилиш пудрати шартномасининг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Сметада ишнинг баҳоси ёки уни аниқлаш механизми белгиланади. Қоида тариқасида ишга ҳақ тўлаш тартиби шартномада белгиланади, бундай шартлар мавжуд бўлмаган тақдирда баҳо Фуқаролик кодексининг 638-моддасига мувофиқ аниқланади. Тарафлар келишувига биноан иш учун тўлов иш натижаси қабул қилинганидан кейин ҳам амалга оширилиши мумкин, лекин бундай ҳолатни қурилиш пудратида кам учратиш мумкин, зеро бундай ишлар пудратчидан материаллар, асбоб-ускуналар сотиб олиш, ишчилар ва ходимларга иш ҳақи тўлаш билан боғлиқ бир қатор харажатларни талаб қилади.

Модданинг биринчи қисмида иш учун сметада кўрсатилган баҳони тўлаш имкониятини берилиши иш учун ҳақнинг ишни амалга ошириш жараёнида ва уни тугатгандан кейин амалга ошириш мумкинлигини билдиради. Ҳисоб-китоблар конструктив элементлар бўйича, алоҳида ишлар ва хизматлар учун, ишлар босқичлари бўйича ва ишнинг сифати ҳақида олинган камчиликларни бартараф этишни инобатга олиб, иш тугалланганидан кейин ҳам амалга оширилиши мумкин. Буюртмачи томонидан охириги ҳисоб-китоб иш тугаллангач ва аниқланган нуксонлар бартараф этилгач, пудратчига олдин ўтказилган маблағларни чиқариб ташлаб амалга оширилади.

Ушбу норманинг диспозитивлиги шунда кўринадики, иш учун ҳақ тўлаш бўйича қонун ёки шартномада тегишли кўрсатмалар бўлмаса, пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ушбу Кодексининг 638-моддасига мувофиқ ҳақ тўланади. Ушбу нормадан келиб чиқадики, башарти пудрат шартномасида бажарилган ишга ёки унинг айрим босқичларига олдиндан ҳақ тўлаш назарда тутилган бўлмаса, буюртмачи пудратчига шартлашилган ҳақни иш тегишли тарзда ва келишилган муддатда ёхуд буюртмачининг розилиги билан муддатидан олдин бажарилиб, унинг натижалари узил-кесил топширилганидан кейин тўлаши шарт.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида қурилиш пудрати шартномасида ишларга объект буюртмачи томонидан қабул қилинганидан сўнг бир йўла ва тўлиқ ҳажмда ҳақ тўлаш назарда тутилиши мумкинлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 12 декабрдаги «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги 719-І-сонли Қонуни 13-моддасига биноан инвестиция фаолияти жараёнида маҳсулот (ишлар, хизматлар) баҳоси, қоида

тариқасида, танлов (тендер) савдоси натижаларига кўра, келишилган нархларда белгиланади. Инвестиция фаолияти субъекти бозорда монопол ҳолатни эгаллаган ҳолларда нархларни давлатнинг ваколатли органи қонунларга мувофиқ тартибга солади.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 мартдаги 135-сонли қарори билан тасдиқланган Объект муддатидан илгари фойдаланишга топширилганлиги ва шартнома қийматига нисбатан маблағлар тежалганлиги учун пудратчи ташкилотни буюртмачи томонидан мукофотлаш Тартиби амал қилмоқда.

Суд амалиётида қурилиш пудрати шартномаси бўйича ҳақни ўз вақтида тўламаслик ҳолатлари билан боғлиқ низолар кўп учраб туради.

Аризачи АООТ «Автоматика» Бухоро вилоят хўжалик судига БНПЗ ташкилотидан 12 057 300 сўм (8 130 000 сўм асосий қарздорлик ва тугалланган ишнинг муддати ўтгани учун 3 907 140 сўм пеня) мурожаат қилди.

Бухоро вилоят хўжалик судининг 1998 йил 15 октябрдаги қарорига биноан аризадаги асосий қарз бўлмиш 7301937 сўм ундириб берилиб, пеня ҳақидаги даъво қисми қаноатлантирилмаган.

Томонлар апелляция тартибида судга мурожаат қилишмаган.

АООТ «Автоматика» Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судига кассация тартибида шикоят қилиб, хўжалик суди қарорини қисман ўзгартиришни, кечиктирилган тўлов учун бажарилган ишлар учун 3 907 140 сўм пеня ундиришни сўради. Олий хўжалик судининг кассация коллегияси 14.01.1999-йилдаги қарори билан 3 778 664 сўм пеняни ундириб берди.

Қарордан қониқмаган БНПЗ ариза билан Олий хўжалик судига назорат инстанциясига мурожаат қилиб, Олий хўжалик суди кассация инстанциясининг қарорини бекор қилиш ҳақида протест келтиришни сўраган.

БНПЗ аризаси бўйича келтирилган протестда кассация коллегиясининг қарорини бекор қилишни, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 326-моддасига биноан ўзгартиришни сўради.

Раёсат протестда келтирилган актларни кўриб чиқиб, протестни қуйидаги асослар асосида қаноатлантиришни лозим топди.

Иш материалларидан келиб чиқиб, томонлар ўртасида 1997 йил 30 апрелда 512-сонли шартнома тузилди, 1-қурилиш монтаж ишлари ва жиҳозлари ишга тайёрлаш бўртасида шартномада кўрсатилганидек

1997 йил июндан 1998 йил феврал ойига қадар 19 141 790 сўмлик иш бажарилди. Жавобгар бажарилган иш учун 1997 йил 8 октябрдан 1998 йил 24 августга қадар 9 000 000 сўм пул тўлайди, асосий қарздорлик эса 8 241 790 сўмни ташкил қилади.

Аризачи таъкидлашича, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 21 июлдаги 399-сонли қарорининг 13-бандига биноан бажарилган иш учун жавобгар ойма-ой иш ҳақини тўлаб бориши керак эди. Иш ҳақини кечиктиргани туфайли 14.09.1998 йил 14 сентябрдан ҳар ойда 3 фоиз пеня суммаси сифатида 3907140 сўм тўлаши белгиланди.

Суд коллегиясининг 1999 йил 14 январ қарорига биноан иш ҳақи кечиктирилгани учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қарорига биноан 3 фоизли қайта молиялаштириш ҳисобида ойма-ой 3 778 664 сўм пеня ундириш назарда тутилган.

Капитал қурилиш бўйича муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 21 июлдаги 369-сонли қарори билан тасдиқланган Қурилишни контракт асосида ташкил этиш тўғрисида Низом билан тартибга солинган эди. Ушбу Низомнинг «Шартнома бўйича келишмовчиликларни ҳал қилиш ва мулкий жавобгарлик»ка бағишланган 6-боби 7-бандига мувофиқ бажарилган ишлар, иккинчи томонга берилган (сотилган) материаллар учун ёки кўрсатилган хизматлар учун тўловлар банк тизимларида белгиланган муддатлардан кечиктирилган ҳолларда айбдор томон иккинчи томонга кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,04 фоиз миқдорида пеня тўлайди.

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 3 сентябрдаги 375-сонли қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотган ва ушбу қарор билан тасдиқланган қарор 1998 йил 3 сентябрдаги қарор бекор қилинган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 375-сонли қарори 52-бандида контракт асосида қурилишни ташкил қилиш ҳақидаги Низомнинг 52-бандида пеня ҳар кун учун 0,15 фоиз миқдорида ундириш кўрсатилган.

Юқорида келтирилган фактлар асосида аризачининг 1 306 261 сўм пеняни ундириш ҳақидаги талаби қаноатлантирилган.

Раёсат БНПЗ томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 16 мартдаги 112-сонли ва 1998 йил 21 августдаги 360-сонли қарорларини эътиборга олган ҳолда экиш ва ҳосилни йиғиб-териб олиш учун нефть маҳсулотлари

15 фоизлик бўнақларсиз берилганлиги ва пул маблағларини аризачининг ўз мақсадида ишлатилганини, мураккаб молиявий ҳолатини ва ҳисобкитоб пеняларини Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 326-моддасига биноан 50 %га қисқартириб 653 130 сўм пеняни ундириш ҳақида қарор чиқариб, қолган пеня қисмини тўлашни рад этган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг 1999 йил 13 июлдаги 645/4-сонли қарорига қаранг).

674-модда. Қурилиш учун ер участкаси бериш

Буюртмачи қурилиш учун ер участкасини қурилиш пудрати шартномасида кўрсатилган катталиқда ва ҳолатда ўз вақтида бериши шарт. Шартномада булар кўрсатилган бўлмаса, ер участкасининг майдони ва ҳолати ишнинг ўз вақтида бошланиши, нормал олиб борилиши ва муддатида тугалланишини таъминлаши шарт.

Ушбу моддада қурилиш учун ер участкаси бериш тартиби императив норма сифатида белгиланган. Қурилиш учун ер участкаси бериш масаласини қурилиш пудрати шартномасининг муҳим шартларидан бири деб ҳисоблаш мумкин. Бу ўз навбатида ер участкасисиз ҳеч қандай қурилиш ишларини амалга ошириб бўлмаслиги билан изоҳлаш мумкин. Бунда ер участкасини бериш ҳажмлари, муддатлари билан боғлиқ ҳолатлар қурилиш пудрати шартномасида назарда тутилган бўлиши лозим. Агар бу шартномада кўрсатилган бўлмаса, ер участкасининг майдони ва ҳолати ишнинг ўз вақтида бошланиши, нормал олиб борилиши ва муддатида тугалланишини таъминлаши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 67-моддасига мувофиқ фойдаланиш учун бериладиган ер участкасида жойлаштирилиши лозим бўлган иморат ва иншоотлар рўйхати ер участкаси ажратиш учун талабнома бериш чоғидаги бошланғич маълумотларда белгиланади. Фойдаланиш даврида қўшимча иморатлар ва иншоотларни жойлаштириш шаҳар ёки туман ҳокими ана шу ишлар хусусида қўшимча қарор қабул қилганидан кейин амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 37-моддасида келтирилишича, корхоналар, бинолар ва иншоотлар қуриш учун ер участкаларини олиб қўйишдан манфаатдор бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилот-

лар лойиҳалаш бошлангунга қадар ҳудудни комплекс ривожлантиришни таъминлашни инобатга олган ҳолда объект қуриладиган жойни, участканинг тахминий ўлчами ва уни ажратиш шартларини ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар, шунингдек тегишинча туман, шаҳар, вилоят ҳокими ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан олдиндан келишиб олишлари шарт. Бундай тарзда олдиндан келишиб олинмагунга қадар лойиҳа ишларини молиялашга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 8 сентябрдаги «Қишлоқ жойларда уй-жойларни лойиҳалаштиришни такомиллаштириш ва қурилишни яхшилаш буюртмасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1403-сонли Қарорига мувофиқ қишлоқ жойларда асосий қишлоқ хўжалик экинлари экиладиган ҳамда ҳайдаладиган майдонларнинг бевосита яқинида якка тартибдаги уй-жой қурилиши массивлари учун ер участкалари ажратилиши тақиқланган. Шунга биноан, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси кабиларга қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини лойиҳалаштиришни такомиллаштириш ва уни янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда: қишлоқ аҳоли пунктларини ривожлантириш бош режасидан келиб чиққан ҳолда, якка тартибдаги турар жойларни қуриш учун ер массивларини танлаб олишнинг аниқ ва очиқ-ойдин тизими яратилиш; қишлоқда якка тартибдаги уй-жойларни қуриш яшаш хоналарини оқилона режалаштириш, қуёшнинг ёритишини, шамолнинг йўналишини ҳисобга олиш ва бошқа табиий-иқлим омиллари ҳамда маҳаллий шарт-шароитлар ва хусусиятларни назарда тутган ҳолда тасдиқланган янги намунавий лойиҳаларга қатъий мувофиқ равишда амалга ошириш; объектларни ва муҳандислик-коммунал инфратузилма тармоқларини — автомобиль йўллари, водопровод, газ, электр тармоқлари, телекоммуникация тизимларини илдам лойиҳалаштириш ва қуриш орқали қишлоқ уй-жой массивларини комплекс барпо этиш; уй-жойларни «батамом тайёр» ҳолда қуришда замонавий маҳаллий қурилиш материалларидан фойдаланиб, илғор технологиялар ва янги конструктив ечимларни қўллаш асосида турар жойларнинг сифати оширилиши ва қиймати туширилишини таъминлаш ишлари топширилган. Таъкидлаш лозимки, бунда қурилиш жойларини аниқлаш ишларига

пудрат ташкилотларини жалб қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди, зеро пудратчи буюртмачи билан биргаликда қурилиш учун ер участкалари бериш ва ушбу участкаларни натура тарзида ажратиб бериш билан боғлиқ ишларга оид ҳужжатларни расмийлаштириш кабиларни ўз масъулиятларига олган бўлар эдилар. Қурилишга тайёргарлик кўриш жараёнидаги шунга ўхшаш ҳамкорлик қурилишнинг ўз вақтида бошланиши учун асос бўлиб хизмат қилади.

675-модда. Қурилиш пудрати шартномасидаги буюртмачининг қўшимча мажбуриятлари

Буюртмачи қурилиш пудрати шартномасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда пудратчига ишларни бажариш учун зарур бўлган бино ва иншоотларни фойдаланишга бериши, унинг манзилига юкларнинг ташиб берилишини, вақтинчалик электр таъминоти тармоқлари, сув ва буғ қувурлари ўтказилишини таъминлаши ва бошқа хизматлар кўрсатиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 674 ва 675-моддаларида кўрсатилганидан ташқари шартномага биноан буюртмачига куйидаги мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин: пудратчини қурилиш майдонида телефон ва телекс линиялари билан таъминлаш; капитал таъмирлаш муддатига ишчиларни турар жой билан буфет, ҳаммом, соғломлаштириш жойлари (тиббий пункт) билан таъминлаш, шунингдек дам олишига кўмаклашиши лозим. Агар ишчиларга жой бериш имконияти бўлмаса ва уларни транспорт воситалари бўлмаганлиги ҳолатида буюртмачи йўл хақи, яъни бориши ва қайтиши харажатларини тўлайди ёки белгиланган тартибда транспорт воситаси билан таъминлайди. Алоҳида ҳолларда буюртмачи пудратчини муайян соҳага оид мутахассис билан таъминлаши лозим.

Шарҳланаётган моддада пудрат шартномасидаги буюртмачининг қўшимча мажбуриятлари мустаҳкамланган. Шартномада қўшимча шартларни келиша туриб, тарафлар ушбу хизматлар учун ҳақ тўлаш тартибини ҳам келишиб олишлари лозим. Бундан келиб чиқадики, пудрат шартномаси бўйича буюртмачининг иккита асосий мажбурияти бор, биринчидан, ўзининг топшириғига тўлиқ мос келадиган иш натижасини

қабул қилиб олиш, иккинчидан, иш учун ҳақ тўлаш. Ушбу моддада Фуқаролик кодексининг 666-моддасидаги буюртмачининг қурилиш пудрати шартномаси бўйича пудратчи учун барча шарт-шароитларни таъминлаб бериш мажбуриятига шарҳ берилган. Ушбу моддадан келиб чиқиб, кўшимча мажбуриятларни уч гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳга пудратчига қурилиш ишларини амалга ошириш учун керак бўладиган бино ва иншоотни тақдим этиши ҳақидаги мажбурият киради. Иккинчи гуруҳга тегишли юкларни унинг манзилига юклаш, етказиб бериш кирса, учинчи гуруҳ ўз ичига қурилиш объектига вақтинчалик энергия, сув-буғни туташтирилган тармоқ орқали таъминлаш ва бошқа хизматлар кўрсатиш киради.

Шунга эътиборни қаратиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сонли қарори билан тасдиқланган Марказлаштирилган манбалар ҳисобига қурилишни ташкил этиш, молиялаштириш ва кредитлаш тартиби тўғрисида Низом 18-бандига биноан буюртмачи томонидан қуйидагилар таъминланади:

ер участкасини танлаш ва ажратиш, бирламчи-рухсат берувчи ҳужжатларни ва қурилиш ҳудудини тайёрлаш, лойиҳаолди ишларини ташкил этиш, лойиҳанинг, иш ҳужжатларининг (объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш ҳолларидан ташқари) ва танлов ҳужжатларининг тасдиқланадиган қисмини келишиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш; лойиҳаловчи ва пудратчини (бош пудратчини) танлов савдолари орқали танлаш;

ишларни бажариш ва молиялаштириш жадваллари билан биргаликда шартномалар тузиш;

қурилиш объектини давлат архитектура-қурилиш назорати органларида рўйхатдан ўтказиш;

пудратчига қуриш учун бирламчи-рухсат берувчи ҳужжатларни бериш; бузиладиган, кўчириладиган ёки реконструкция қилинадиган биноларда, шунингдек объект қурилиши ҳудудида яшаётган шахсларни кўчириш;

молиялаштириш, пудратчи томонидан қабул қилинган шартнома мажбуриятларига ва шартномада қайд этилган бошқа функцияларга риоя қилиниши устидан назорат қилиш;

техник кузатиш ва объект қурилиши устидан техник назорат қилиш;

қурилиши тугалланган объектни белгиланган тартибда фойдаланиш учун қабул қилиш;

кафолатли даврда аниқланган нуқсонлар бартараф этилиши устидан назорат қилиш.

Буюртмачи қонун ҳужжатлари ва шартнома шартларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам бажаради.

Буюртмачи билан пудратчи ўртасидаги вазифаларни аниқ тақсимлаш, шунингдек уларнинг мулкӣ жавобгарлиги даражаси қонун ҳужжатларига ва танлов савдоси шартларига мувофиқ аниқ бир пудрат шартномасини тузишда аниқлаштирилади.

676-модда. Буюртмачининг қурилиш пудрати шартномаси бўйича ишларнинг бажарилишини текшириши ва назорат қилиши

Буюртмачи, пудратчининг оператив-хўжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда, ишларнинг бажарилишини ва сифатини, уларни бажариш муддатларига (графикка) риоя этилишини, пудратчи берган материалларнинг сифатини, шунингдек буюртмачининг материалдан пудратчи тўғри фойдаланаётганлигини текширишга ва назорат қилишга ҳақли.

Буюртмачи ишларнинг бажарилиши устидан текширув ва назоратни амалга ошираётганда қурилиш пудрати шартномаси шартларидан ишлар сифатини ёмонлаштириши мумкин бўлган даражада чекинишни ёки бошқа камчиликларни аниқласа, бу тўғрида дарҳол пудратчига хабар бериши шарт. Буни хабар қилмаган буюртмачи аниқланган камчиликларни кейинчалик важ қилиб келтириш ҳуқуқини йўқотади.

Агар пудратчи буюртмачидан қурилиш жараёнида олган кўрсатмалар қурилиш пудрати шартномаси шартларига зид бўлмаса ва пудратчининг оператив-хўжалик фаолиятига аралашидан иборат бўлмаса, пудратчи бундай кўрсатмаларни бажариши шарт.

Ишни лозим даражада бажармаган пудратчи буюртмачининг бу ишларни текширмагани ва назорат қилмаганини важ қилиб келтиришга ҳақли эмас, қонун ҳужжатларида бундай текшириш ва назоратни амалга ошириш буюртмачининг зиммасига юкланган ҳоллар бундан мустасно.

Қурилиш пудрати шартномасининг ўз вақтида бажарилишида буюртмачининг қурилиш пудрати шартномаси бўйича ишларнинг бажарилишини текшириши ва назорат қилиши муҳим аҳамиятга эгадир. Бу қурилиш жараёнидаги буюртмачининг энг муҳим функция ва ҳуқуқларидан бири ҳисобланади. Унинг мақсади — қурилиш ишларини амалга ошириш чоғидаги ўзгаришларга тезкорлик билан муносабатда бўлиш, бу билан эса буюртмачи билан ҳамкорликда иш ҳужжатларига тегишли ўзгартиришларни ўз вақтида киритиш имконини беради. Техник назорат қурилишнинг бутун жараёнида амалга оширилади.

Модданинг биринчи қисмида буюртмачига пудратчининг оператив-хўжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда, ишларнинг бажарилишини ва сифатини, уларни бажариш муддатларига (графикка) риоя этилишини, пудратчи берган материалларнинг сифатини, шунингдек буюртмачининг материалдан пудратчи тўғри фойдаланаётганлигини текшириш ва назорат қилиш ҳуқуқи берилган.

Ушбу ҳуқуқни амалга ошириш жараёнида камчиликларнинг аниқланиши билан боғлиқ бир қатор ҳуқуқий оқибатлар келиб чиқади. Жумладан, буюртмачи ишларнинг бажарилиши устидан текширув ва назоратни амалга ошираётганда қурилиш пудрати шартномаси шартларидан ишлар сифатини ёмонлаштириши мумкин бўлган даражада чекинишни ёки бошқа камчиликларни аниқласа, бу тўғрида дарҳол пудратчига хабар бериши шарт. Бунда таъкидлаш лозимки, буни хабар қилмаган буюртмачи аниқланган камчиликларни кейинчалик важ қилиб келтириш ҳуқуқини йўқотади.

Шарҳланаётган модданинг учинчи қисмига мувофиқ агар пудратчи буюртмачидан қурилиш жараёнида олган кўрсатмалар қурилиш пудрати шартномаси шартларига зид бўлмаса ва пудратчининг оператив-хўжалик фаолиятига аралашидан иборат бўлмаса, пудратчи бундай кўрсатмаларни бажариши шарт.

Модданинг тўртинчи қисмида белгиланишича, ишни лозим даражада бажармаган пудратчи буюртмачининг бу ишларни текширмагани ва назорат қилмаганини важ қилиб келтиришга ҳақли эмас, қонун ҳужжатларида бундай текшириш ва назоратни амалга ошириш буюртмачининг зиммасига юкланган ҳоллар бундан мустасно.

Таъкидлаш лозимки, шартнома тузиш эркинлиги принципи доирасида (ФК 1 ва 354-моддалари) буюртмачининг қурилиш пудрати шартномаси

бўйича ишларнинг бажарилишини текшириши ва назорат қилиши мажбурияти нафақат қонун билан, балки шартнома билан назарда тутилиши мумкин, шунингдек тарафлар бундай шартномавий келишув орқали унда юқоридаги ҳолатлар бўйича нафақат белгиланган, балки бошқача ҳуқуқий оқибатларни ҳам келишиб олишлари мумкин.

677-модда. Қурилиш пудрати шартномасидаги тарафларнинг ҳамкорлик қилиши

Агар қурилишни ва у билан боғлиқ ишларни амалга оширишда қурилиш пудрати шартномасини лозим даражада бажаришга тўсиқлар борлиги маълум бўлса, тарафларнинг ҳар бири бундай тўсиқларни бартараф этиш учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма чораларни кўриши шарт. Ушбу мажбуриятни бажармаган тараф тегишли тўсиқлар бартараф этилмаганлиги туфайли етказилган зарарни ундириб олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Қурилиш пудрати шартномасида назарда тутилган ҳолларда бир тараф ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган мажбуриятларни бажариш учун қилган харажатларни бошқа тараф тўлаши лозим.

Ушбу нормада қурилиш пудрати шартномасидаги тарафларнинг ҳамкорлик қилишига доир нормалар ифодаланган. Бинобарин, тарафларнинг ҳамкорлиги мажбуриятларни бажаришнинг муҳим принципларидан бири ҳисобланади. Ҳамкорлик ва кўмаклашиш турли тушунчалар бўлса ҳам улар бир-бири билан ўзаро боғлиқдир.

Қурилиш пудрати шартномасини амалга оширишда нафақат буюртмачи ва пудратчи ўртасида, балки шартнома тарафлари ва учинчи шахслар ўртасида кенг ҳажмли муносабатлар вужудга келади. Ушбу муносабатлар фуқаролик ҳуқуқи нормаларидан ташқари, маъмурий, табиатни муҳофаза қилиш, ер ва ҳуқуқнинг бошқа соҳалари билан тартибга солинади. Бундай муносабатларнинг субъектлари сифатида давлат назорати ва руҳсат берувчи органлар, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари чиқади. Уларнинг фаолияти пудрат шартномасини тегишли даражада бажаришга тўсиқларни вужудга келтириши мумкин. Бундан ташқари атроф-табиий муҳит хусусиятдаги ҳолатлар тўсиқлар бўлиши мумкин ва улар пудрат

шартномасини бажаришга сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Тарафнинг ҳар бири бундай тўсиқларни бартараф этиш бўйича оқилона чораларни кўришга ҳақли.

Фуқаролик кодексининг 645-моддаси 1-қисмига кўра буюртмачи пудрат шартномасида назарда тутилган тартиб ва ҳажмда, ҳолатларда пудратчига ишни бажаришда кўмаклашиши керак (ФКнинг 645-моддаси шарҳига қаранг).

Шарҳланаётган модданинг 1-қисмига мувофиқ агар қурилишни ва у билан боғлиқ ишларни амалга оширишда қурилиш пудрати шартномасини лозим даражада бажаришга тўсиқлар борлиги маълум бўлса, тарафларнинг ҳар бири бундай тўсиқларни бартараф этиш учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма чораларни кўриши шарт. Ушбу мажбуриятни бажармаган тараф тегишли тўсиқлар бартараф этилмаганлиги туфайли етказилган зарарни ундириб олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Шунинг ҳам эътиборга олиш керакки, шарҳланаётган модданинг 1-қисмида белгиланган мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ бўлган харажатлар қурилиш пудрат шартномасида назарда тутилган ҳолларда, бошқа тараф томонидан қоплаш билан боғлиқ ҳолатларга тегишлидир.

678-модда. Пудратчининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва қурилиш ишларини хавфсиз олиб бориш мажбуриятлари

Пудратчи қурилиш ва у билан боғлиқ ишларни амалга ошираётган вақтда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва қурилиш ишларини хавфсиз олиб боришга доир қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этиши шарт ва бундай талаблар бузилганлиги учун учинчи шахслар олдида жавобгар бўлади.

Агар буюртмачи берган материаллар (деталлар, конструкциялар) дан ва ускуналардан ишни бажариш жараёнида фойдаланиш ёки унинг кўрсатмаларини бажариш атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва қурилиш ишларини хавфсиз олиб бориш тўғрисидаги тарафлар учун мажбурий бўлган талабларнинг бузилишига олиб келса, пудратчи бу материаллар ва ускуналардан фойдаланишга, кўрсатмаларни бажаришга ҳақли эмас.

Шарҳланаётган моддада пудратчининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва қурилиш ишларини хавфсиз олиб бориш киритиш ва бўйича

мажбуриятлари белгиланган. Ушбу модданинг нормаларини шартли равишда иккига бўлиш мумкин: пудратчининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ мажбуриятлари; пудратчининг қурилиш ишларини хавфсиз олиб боришни таъминлаш бўйича мажбуриятлари.

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш мажбурияти махсус ҳаракатлар, яъни табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари ёки атроф-муҳитга зиён етказадиган ёки етказиши мумкин бўлган ҳаракатлардан тийилиш билан боғлиқдир. Пудратчининг ҳаракатлари инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар уйғун мувозанатда ривожланишини, экология тизимлари, табиат комплекслари ва айрим объектлар муҳофаза қилинишини таъминлашга қаратилган бўлиши лозим. Пудратчи қатъий равишда табиатни муҳофаза қилишга доир қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиши шарт.

Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида пудратчига буюртмачи берган материаллардан ва ускуналардан ишни бажариш жараёнида фойдаланиш ёки унинг кўрсатмаларини бажариш атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва қурилиш ишларини хавфсиз олиб бориш тўғрисидаги тарафлар учун мажбурий бўлган талабларнинг бузилишига олиб келадиган материаллар ва ускуналардан фойдаланишни тақиқланган.

Шуни таъкидлаш жоизки, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва қурилиш ишларини хавфсиз бўйича аниқ мажбуриятлар бир қатор қонун ва ҳуқуқий ҳужжатларда мавжуд. Бундай ҳужжатлар жумласига Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 29 декабрдаги «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги 754-П-сонли Қонуни, 1999 йил 20 августдаги «Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида»ги 826-І-сонли Қонуни, 2000 йил 25 майдаги «Экологик экспертиза тўғрисида»ги 73-П-сонли Қонуни, 2000 йил 15 декабрдаги «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузилишлар учун юридик шахсларнинг жавобгарликлари тўғрисида»ги 173-П-сонли Қонуни, СНиП, турли стандартлар, низомлар ва қоидаларни киритиш мумкин. Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни 41-моддасига мувофиқ корхоналар, иншоотлар ва бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш, реконструкциялаш, кенгайтириш ва техника билан қайта ускуналаш, улардан фойдаланиш ва уларни тугатиш чоғида экология хавфсизлиги талаблари бажарилмоғи, табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари назарда тутилмоғи лозим.

Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, айрим шахслар чикитсиз ва камчиқит технологияларни жорий этишлари, чиқиндиларнинг ҳосил бўлишини камайтиришлари, уларни зарарсизлантиришлари ва қайта ишлашлари, чиқиндиларни навларга ажратиш, тўплаш, кўмиб ташлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этишлари шарт.

Фаолияти атроф табиий муҳитга анча зарарли экологик таъсир этиши мумкин бўлган йирик халқ хўжалик объектларини ривожлантириш ва жойлаштириш тўғрисидаги қарорлар давлат экология экспертизаси ҳулосасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинади. Шу билан бирга, «Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддасида гидротехника иншоотини лойиҳалаштириш, куриш, фойдаланишга топшириш, ундан фойдаланиш, уни фойдаланишдан чиқариш босқичларида, шунингдек уни реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, тиклаш ёхуд консервациялашдан кейин фойдаланувчи ташкилот гидротехника иншоотининг хавфсизлиги декларациясини тузиши белгиланган. Декларацияни тузиш тартибини эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Шунингдек, «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузилишлар учун юридик шахсларнинг жавобгарликлари тўғрисида»ги Қонуни 6-моддасига асосан бинокорлик материаллари, конструкциялари ва буюмларини ишлаб чиқаришда давлат стандартлари, курилиш нормалари ва қоидалари, техник шартларининг талабларини бузиш — реализация қилинган маҳсулот қийматининг эллик фоизи миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. Экологик талабларга жавоб бермайдиган объектларни эксплуатацияга киритиш тақиқланади.

Фуқаролик кодексининг 999-моддасига мувофиқ фаолияти теварак-атрофдагиларга ошиқча хавф туғдирадиган курилиш объекти эгаси ҳисобланмиш пудратчи, агар зарар бартараф қилиб бўлмайдиган куч ёки жабрланувчининг қасддан қилган ҳаракати оқибатида юзага келганини исботлай олмаса, зарарни тўлаши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 80-моддасига мувофиқ объектлар, иморатлар ва иншоотларни жойлаштириш, лойиҳалаш, куриш ва улардан фойдаланишга оид экологик талаблар табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Янги ҳамда реконструкция қилинадиган объектларни, иморатлар ва иншоотларни

жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш ва ишга тушириш, шунингдек ерларнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатадиган янги технологияларни жорий этиш чоғида ерларни муҳофаза қилиш тадбирлари назарда тутилади ва амалга оширилади. Ерларнинг ҳолатига ишга туширилаётган объект ёки жорий этилаётган технологиянинг салбий таъсирини ҳамда ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан назарда тутилган тадбирларнинг самарадорлигини баҳолаш экология экспертизаси асосида ўтказилади. Ерларни ҳосилдан қолишдан ёки бузилишдан ҳимоя қилиш чоралари билан таъминланмаган ҳамда экология экспертизасининг ижобий хулосаси бўлмаган объектларни фойдаланишга топшириш ва бундай технологияларни қўллаш тақиқланади. Ерларнинг ҳолатига таъсир кўрсатадиган объектларни жойлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда ер тузиш, табиатни муҳофаза қилиш органлари ва бошқа органлар билан келишиб олинади.

679-модда. Қурилиш консервация қилинганда буюртмачининг мажбуриятлари

Агар тарафларга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра қурилиш пудрати шартномаси бўйича ишлар тўхтатилган бўлса ва қурилиш объекти консервация қилинган бўлса, буюртмачи пудратчига консервация қилинган пайтга қадар бажарилган ишлар ҳақининг ҳаммасини тўлаши, шунингдек ишларни тўхтатиш ва қурилишни консервация қилиш зарурияти туфайли қилинган харажатларни тўлаши шарт.

Шарҳланаётган моддада қурилиш консервация қилинганида буюртмачининг мажбуриятлари белгиланган.

Ўзбекистон Республика Фуқаролик кодексининг 679-моддаси нормаларини қўллаш учун асос бўлиб енгиб бўлмас кучлар, яъни тарафлар шартномани тузиш чоғида олдиндан кўра олмайдиган ва ўз ҳаракатлари билан олдини ола билмайдиган фавқулотда ҳолатлар келиб чиққанда қурилишни тўхтатиб туриш ёки консервация (логинча «conservatio», яъни муайян ҳаракатни, жараённи вақтинча тўхтатиб туриш (масалан, қурилишни) қилиш ҳисобланади. Бунда фавқулотда ҳолат билан боғлиқ ҳодисалар қурилиш пудрати ишларини амалга ошириш имкониятининг мавжуд эмаслиги ўртасидаги сабабий боғланиш мавжуд бўлиши лозим.

Қурилиш объектини консервация қилиш давлат назорат органлари қарори билан ҳам амалга оширилиши мумкин, масалан, экологик талабларга қурилишнинг мос бўлмаслиги, молиялаштиришнинг мавжуд эмаслиги. Таъкидлаб ўтиш керакки, агар тарафларга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра қурилиш пудрати шартномаси бўйича ишлар тўхтатилган бўлса ва қурилиш объекти консервация қилинган бўлса, буюртмачи пудратчига консервация қилинган пайтга қадар бажарилган ишлар ҳақининг ҳаммасини тўлаши, шунингдек ишларни тўхтатиш ва қурилишни консервация қилиш зарурияти туфайли қилинган харажатларни тўлаши шарт.

Енгиб бўлмас кучга ҳавола қилаётган тараф ишни бажаришнинг имконсизлиги унга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар оқибатида содир бўлганлиги, ушбу ҳолатда бирор ишни қилиш имкони бўлмаганлигини исботлаши шарт. Бундай тўсик сифатида табиий офат, кенг кўламли ҳарбий ҳаракатлар, умуммажбурий давлат аҳамиятидаги норматив ҳуқуқий ҳужжат бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Қурилиш пудрат шартномасида консервация ҳолатида шартноманинг бекор бўлиши билан боғлиқ қўйидаги ҳолатлар назарда тутилади: консервация ҳақида ёзма огоҳлантириш, бажарилган ишлар учун тўловни амалга ошириш тартиби, тегишли далолатномани тузиш. Қоида тариқасида, консервация қилинган ҳолда қурилиш ишлари бўйича қабул қилиш-топшириш далолатномаси тузилиши лозим (680-модда ва унга шарҳга қаранг).

Шуни эътиборга олиш керакки, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги фойдаланилмаётган асосий воситаларни ва қурилиши тугалланмаган объектларни консервация қилиш ҳамда улардан фойдаланишни ва уларни қуришни қайтадан бошлаш, шунингдек тўхтатиб қўйилган қурилиш харажатларини ҳисобдан чиқариш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 16 сентябрдаги 401-сонли қарори билан тасдиқланган Фойдаланилмаётган асосий воситаларни, қурилиши тугалланмаган объектларни консервация қилиш тартиби тўғрисида Низомга мувофиқ белгиланган.

680-модда. Ишларни топшириш ва қабул қилиб олиш

Пудратчидан қурилиш пудрати шартномаси бўйича бажарилган ишлар натижаси ёки, агар шартномада назарда тутилган бўлса,

ишларнинг бажарилган босқичи топширишга тайёр эканлиги тўғрисида хабар олган буюртмачи дарҳол уни қабул қилиб олишга киришиши шарт.

Агар қурилиш пудрати шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, буюртмачи ишлар натижасини қабул қилиб олишни ўз ҳисобидан ташкил этади ва амалга оширади. Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ишларни қабул қилиб олишда давлат органларининг ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари иштирок этиши лозим.

Ишларнинг алоҳида босқичларини олдиндан қабул қилиб олган буюртмачи уларнинг пудратчи айбдор бўлмаган ҳолда нобуд бўлиш ёки шикастланиш хавфини, шу жумладан қурилиш пудрати шартномасида ишнинг пудратчи томонидан таваккал қилиб бажарилиши назарда тутилган ҳолларда ҳам, ўз зиммасига олади.

Ишлар натижасининг пудратчи томонидан топширилиши ва буюртмачи томонидан қабул қилиб олиниши иккала тараф имзолаган далолатнома билан расмийлаштирилади. Тарафлардан бири далолатномани имзолашдан бош тортса, бу тўғрида ушбу далолатномага ёзиб қўйилади ва далолатномани иккинчи тараф имзолайди.

Суд далолатномани имзолашдан бош тортиш сабабларини асосли деб топсагина, ишлар натижасини топшириш ёки қабул қилишнинг бир тарафлама далолатномасини ҳақиқий эмас деб топиши мумкин.

Қонунда ёки қурилиш пудрати шартномасида назарда тутилган ёки шартнома юзасидан бажариладиган ишнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолларда иш натижасини қабул қилиб олишдан олдин дастлабки синов ўтказилиши керак. Бундай ҳолларда ишлар фақат дастлабки синов ижобий натижа бергандагина қабул қилиб олиниши мумкин.

Бажарилган ишда ундан қурилиш пудрати шартномасида кўрсатилган мақсадда фойдаланиш имкониятини бермайдиган камчиликлар борлиги аниқланган ва уларни пудратчи, буюртмачи ёки учинчи шахс бартараф этиши мумкин бўлмаган тақдирда, буюртмачи ишлар натижасини қабул қилиб олишдан бош тортишга ҳақли.

680-моддада ишларни топшириш ва қабул қилиб олиш тартиби назарда тутилган. Ушбу модданинг биринчи қисмида пудратчидан қурилиш пудрати

шартномаси бўйича бажарилган ишлар натижаси ёки, агар шартномада назарда тутилган бўлса, ишларнинг бажарилган босқичи топширишга тайёр эканлиги тўғрисида хабар олган буюртмачи дарҳол уни қабул қилиб олишга киришиши шартлиги ҳақидаги норма мустаҳкамланган. Одатда ишларни қабул қилиш буюртмачининг ҳисобидан амалга оширилади, лекин шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми диспозитивлигидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, шартномада қабул қилиш билан боғлиқ харажатларни тақсимлашнинг бошқача тартиби назарда тутилган бўлиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, агар қурилиш пудрати шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, буюртмачи ишлар натижасини қабул қилиб олишни ўз ҳисобидан ташкил этади ва амалга оширади. Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ишларни қабул қилиб олишда давлат органларининг ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари иштирок этиши лозим.

Ушбу модданинг тўртинчи қисмида белгиланишича, ишлар натижасининг пудратчи томонидан топширилиши ва буюртмачи томонидан қабул қилиб олиниши иккала тараф имзолаган далолатнома билан расмийлаштирилади. Тарафлардан бири далолатномани имзолашдан бош тортса, бу тўғрида ушбу далолатномага ёзиб қўйилади ва далолатномани иккинчи тараф имзолайди.

Шарҳланаётган модданинг энг асосий жиҳатларидан бири шундаки, суд далолатномани имзолашдан бош тортиш сабаблари асосли деб топсагина ишлар натижасини топшириш ёки қабул қилишнинг бир тарафлама далолатномасини ҳақиқий эмас деб топиши мумкин.

Тарафлар томонидан шартномада улар мажбуриятлари бажарилгандан сўнг пудратда тугатилган объект қурилишини қабул қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Шартномада ишни қабул қилиш ва топшириш муддатлари, ижро ҳужжатларининг жамланмаларини топшириш тартиби аниқланади. Шартномада тарафлар алоҳида қабул қилиш босқичини объектни яқка тартибда синовдан ўтказгандан сўнг қурилиш-монтаж ишлари тайёрлигини ва ҳоказоларни келишиб олишлари мумкин.

Агар қабул қилиш-топшириш иштирокчилар ва технологик ускуналар тайёрловчиларнинг вакилларини мувоиқлаштиришни талаб этса пудратчи синов дастурини тақдим этади.

Ишларнинг алоҳида босқичларини олдиндан қабул қилиб олган буюртмачи уларнинг пудратчи айбдор бўлмаган ҳолда нобуд бўлиш ёки шикастланиш хавфини, шу жумладан қурилиш пудрати шартномасида ишнинг пудратчи томонидан таваккал қилиб бажарилиши назарда тутилган ҳолларда ҳам, ўз зиммасига олади.

Икки тараф имзолаган далолатнома бўйича объект қабул қилиш пайдидан бошлаб у буюртмачининг эгалигига ва фойдаланишига ўтади. Буюртмачи қабул қилинган объектни бузилиши ёки шикастланиши хавфини ўз зиммасига олади. Аммо пудратчи қабул қилиши далолатномаси расмийлаштиригандан сўнг, шартнома мажбуриятларни бажаришдан озод этилмайди.

Бу модданинг сўнгги қисмида ишнинг натижасини қабул қилишда буюртмачининг ҳуқуқлари белгиланган. Жумладан, бунда буюртмачи пудратчи ва буюртмачи томонидан олди олиниши мумкин бўлмаган камчиликлар аниқланган тақдирда иш натижасини қабул қилишдан бош тортишга ҳақли.

681-модда. Ишнинг сифати учун пудратчининг жавобгарлиги

Пудратчи қурилиш пудрати шартномасида, техникавий лойиҳада ва тарафлар учун мажбурий бўлган қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган талаблардан чекинишга йўл қўйилганлиги, шунингдек қурилиш объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган кўрсаткичларига, жумладан корхонанинг ишлаб чиқариш қувватига эришилмаганлиги учун буюртмачи олдида жавобгар бўлади.

Бино ёки иншоот реконструкция қилинганида (янгиланган, қайта қурилган, реставрация қилинганида ва ҳоказо) бинонинг, иншоотнинг ёки унинг бир қисмининг мустаҳкамлиги, барқарорлиги, ишончлилиги пасайгани ёки йўқолгани учун жавобгарлик пудратчи зиммасига юкланади.

Пудратчи буюртмачининг розилигисиз лойиҳа ҳужжатларидан буюртмачининг жиддий манфаатларига таъсир қилмайдиган тарзда озгина четга чиқиш ҳолларига йўл қўйганлиги учун, башарти бу ҳол қурилишнинг сифатига таъсир этмаганлигини исботлаб бера олса, жавобгар бўлмайди.

Шарҳланаётган моддада қурилишдаги сифат кўрсаткичларнинг аҳамиятига оид пудратчини ишнинг сифати учун жавобгарлиги белгиланган. Бунда иш бажарилаётган пайтда амалда бўлган қабул қилинган лойиҳа, смета, қурилиш нормалари ва қоидаларидан (ҳар бир иш тури учун СНиП) четга чиққан ҳолда ишни бажариш учун жавобгарлик назарда тутилмоқда.

Қурилиш пудрат шартномаси шартларининг бузилиши, умуман ишнинг сифати бузилиши хусусан ҳуқуққа хилоф ҳаракат тури сифатида қаралади.

Бундан келиб чиқадики, иш сифати қурилиш пудрат шартномасининг муҳим аҳамиятга эга бўлган шартларидан биридир. Шунинг учун ушбу моддада ишнинг сифати учун пудратчининг жавобгарлиги масаласига аниқлик киритилган. Биринчидан, пудратчи қурилиш пудрати шартномасида, техникавий лойиҳада ва тарафлар учун мажбурий бўлган қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган талаблардан чекинишга йўл қўйилганлиги учун; иккинчидан, у қурилиш объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган кўрсаткичларига, жумладан корхонанинг ишлаб чиқариш қувватига эришилмаганлиги учун буюртмачи олдида жавобгар бўлади.

Техник ҳужжатларда кўрсатилган пудратчининг талаблардан четга чиқиши ҳолатларини иккига бўлиш мумкин: жиддий чекиниш ва майда чекиниш. Жиддий чекиниш деганда иш сифатининг пасайишига олиб келувчи техник ҳужжатлардан чекиниш тушунилади.

Қонун чиқарувчи ишнинг сифатини баҳолашда айрим баҳо хусусиятидаги кўрсаткичлардан фойдаланишилишидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 681-моддасида объектив тусдаги камчиликлар назарда тутилган бўлиб ва зарурий ҳолларда экспертиза органлари томонидан аниқланиши мумкин.

Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида белгиланишича, бино ёки иншоот реконструкция қилинганда (янгиланган, қайта қурилган, реставрация қилинганда ва ҳоказо) бинонинг, иншоотнинг ёки унинг бир қисмининг мустаҳкамлиги, барқарорлиги, ишончлилиги пасайгани ёки йўқолгани учун жавобгарлик пудратчи зиммасига юкланади. Шу аснода ушбу моддада пудратчининг жавобгарлиги назарда тутилмайдиган ҳолатлар ҳам назарда тутилган. Жумладан, шарҳланаётган модданинг учинчи қисмида пудратчи буюртмачининг розилигисиз

лойиха ҳужжатларидан буюртмачининг жиддий манфаатларига таъсир қилмайдиган тарзда озгина четга чиқиш ҳолларига йўл қўйганлиги учун, башарти бу ҳол қурилишнинг сифатига таъсир этмаганлигини исботлаб бера олса, жавобгар бўлмаслиги белгиланган.

Бунда ишнинг сифати лозим даражада бўлмаганлиги учун пудратчининг жавобгарлиги мустаҳкамланган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 650-моддасини ҳам назарда тутиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 90-моддасига биноан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ерларнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатадиган объектларни жойлаштирганликда, қурганликда, лойиҳалаштирганликда, фойдаланишга топширганликда айбдор шахслар ҳам жавобгар бўладилар.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги Қонуни 5–7-моддаларида қурилиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг талабларини бузиш ва объектларни қуриш ва уларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган тартибини бузиш кабилар учун жавобгарлик назарда тутилган.

Хўжалик судлари амалиётида қурилиш пудрати бўйича ишнинг сифатида билан боғлиқ кўпгина низолар учраб туради. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ДСҚ Тошкент шаҳар хўжалик судига Тошкент шаҳар ҳокимияти ҳузурига ИКСЕЗ га (бундан буён матнда ИКСЕЗ) нисбатан 70 428 840 сўмлик зарарни ундириш юзасидан даъво аризаси билан мурожаат этган.

Биринчи инстанция суди даъвони қаноатлантириш ҳақидаги ҳал қилув қарорини қабул қилган.

Апелляция инстанция судининг қарорига мувофиқ, биринчи инстанция суди қарори ўзгартиришсиз қолдирилган.

ИКСЕЗ суд суд ҳужжатларидан қаноатланмасдан, суд қарорларини бекор қилиш ва ИКСЕЗнинг фойдасига янги қарор чиқариш учун биринчи инстанция судига юбориш талаби билан кассация инстанцияси судига шикоят берган.

Суд коллегияси, кассация шикояти важларини кўриб чиқиб, иш материалларини ўрганиб, қуйидаги асосларга кўра суд қарорларини ўзгартиришсиз қолдирилган.

Иш материалларидан кўринишича, 2004 йил 2 мартда Ўзбекистон Республикаси ДСҚ ва ИКСЕЗ ўртасида 12/2004 п-сонли шартнома тузилган, унга мувофиқ ИКСЕЗ ДСКнинг топшириғига биноан «Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон Республикаси ДСҚнинг соғломлаштириш комплексини қайта таъмирлаш» бўйича буюртмачи функциясини бажаришни ўз зиммасига олган.

Шу жумладан, лойиҳа ва капитал қурилиш соҳасидаги амалдаги норматив ҳужжатларга мувофиқ равишда асбоб-ускуналар ва жиҳозларни ўрнатиш-созлаш ишлари билан биргаликда ИКСЕЗ буюртмачи сифатида ишни амалга оширишни ўз зиммасига олган ва параллел равишда қурилишни «Туронмарказқурилиш» АЖга топшириб, унинг фаолиятини қурилиш меъёрлари ва қоидалари асосида техник назорат қилиш функциясини ҳам бажарган.

Шартноманинг 4.3-бандига мувофиқ ИКСЕЗ ДСҚ олдида объектларнинг норматив ҳужжатлар талаблари бузилган ҳолда лойиҳа ҳужжатларидан чекиниб фойдаланишга топширилиши учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

Шартноманинг 4.4-бандига мувофиқ шартномадаги мажбуриятларни бажармаганлик оқибатида келиб чиқадиган санкциялардан ташқари, шартномани бузган тараф тегишли тақдим этилган ҳужжатлар ёки ушбу шартнома шартларига мувофиқ қилинган харажат, нобуд бўлиши ёки зарар етказилишини ифодаловчи неустойка (жарима, пеня) билан қопланмаган фактик зарар суммасин бошқа тарафга қоплаб бериши лозим.

Объектлар фойдаланишга яқуний равшда қабул қилинган, объектнинг асосий бино (А блок) ва асосий кириши эшиги тепасидаги соябон ўртасида вертикал 4–5 см. кенглигидаги ёриқ пайдо бўлган ва бино томи асосий бинодан ажралиб қолган.

«Ташгипрогор» ОАЖ экспертизаси хулосасига биноан меъёрий ҳужжатлар талаблари бузилган ва лойиҳа ҳужжатларидан чекинган ҳолда қурилиш-монтаж ишларини бажарилиб буюртмачига томни тақдим этиш ва уни қайтадан қуриш лозимлиги белгиланган.

2009 йил 19 январдаги К-1122-сонли Тошкент давлат экспертиза бошқармасининг экспертлик хулосасига биноан лойиҳа ҳужжатларига биноан қурилиш нуқсонларини қоплашга кетадиган харажатлар ҚҚС билан биргаликда 70 428 840 сўм баҳоланган.

Аризачига жавобгар томонидан шартнома мажбуриятларини етарли даражада бажармаслик оқибатида зарар етказилган деб топилиб, аризачи жавобгардан 70 428 840 сўмни ундириб бериш ҳақида судга даъво аризаси билан муурожаат қилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 324-моддасига биноан, қарздор мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги туфайли кредиторга етказилган зарарни тўлаши шарт. Агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада ўзгача тартиб назарда тутилган бўлмаса, зарарни аниқлашда мажбурият бажарилиши керак бўлган жойда, қарздор кредиторнинг талабларини ихтиёрий қаноатлантирган кунда, борди-ю, талаб ихтиёрий қаноатлантирилган бўлмаса, — даъво қўзғатилган кунда мавжуд бўлган нархлар эътиборга олинади. Суд вазиятга қараб, зарарни тўлаш ҳақидаги талабни қарор чиқарилган кунда мавжуд бўлган нархларни эътиборга олган ҳолда қаноатлантириши мумкин.

Ушбу вазиятда даъвогарга етказилган зарар вужудга келган пайтда жавобгарнинг айби мавжудлиги «Ташгипрогар» ОАЖ ва Тошкент давлат экспертиза бошқармасининг экспертлик хулосаларига биноан тасдиқланади.

Жавобгарнинг илтимосига биноан суд иш юритишни тўхтатиб, суд экспертизаси тайинланиб уни ўтказиш (жавобгар таклифига биноан) «Сейсмочидамли курилиш» ИИМга топширилган, шунингдек ушбу экспертиза хулосасига биноан 2009 йил 29 апрелдан олдин тақдим этилган экспертиза хулосаси тасдиқланиб, биринчи инстанция суди асосли хулосага келиб, билдирилган талабни асосли деб топиб, қаноатлантиришни лозим топган.

Бундай ҳолатларда қарор ўзгартиришсиз қолдирилиб, кассация инстанцияси ҳал қилувчи қарори рад этилган ва суд харажатлари жавобгарга юклатилган (Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг 2009 йил 5 октябрдаги 10-0917/774-сонли қарори).

682-модда. Қурилиш пудрати шартномасида сифат кафолатлари

Агар қурилиш пудрати шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, пудратчи қурилиш объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган кўрсаткичларга эришишини ва объектни

кафолат муддати давомида шартномага мувофиқ ҳолда ишлатиш мумкинлигини кафолатлайди. Агар қонунда ёки шартномада бошқача кафолат муддати назарда тутилган бўлмаса, кафолат муддати объект буюртмачи томондан қабул қилинган кундан бошлаб ўн йилни ташкил этади.

Агар пудратчи кафолат муддати давомида аниқланган камчиликлар (нуқсонлар) объектнинг ёки унинг қисмларининг нормал эскириши, унинг нотўғри ишлатилиши ёхуд буюртмачининг ўзи ёки у жалб қилган учинчи шахслар ишлаб чиққан қўлланманинг нотўғрилиги, объектни буюртмачининг ўзи ёки у жалб қилган учинчи шахслар лозим даражада таъмирламаганлиги оқибатида вужудга келганлигини исботлай олмаса, бу камчиликлар учун жавобгар бўлади.

Кафолат муддати пудратчи жавобгар бўлган камчиликлар натижа-сида объектдан фойдаланиш мумкин бўлмаган бутун вақтга тўхтатиб турилади.

Кафолат муддати давомида ушбу Кодекс 681-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган камчиликлар аниқланган тақдирда, буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейинги оқилона муддат давомида улар ҳақида пудратчини хабардор қилиши керак.

682-моддада қурилиш пудрати шартномасида сифат кафолатларига доир умумий қоидалар белгиланган. Шархланаётган модданинг биринчи қисми диспозитивлиги шундаки, агар қурилиш пудрати шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, пудратчи қурилиш объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган кўрсаткичларга эришишини ва объектни кафолат муддати давомида шартномага мувофиқ ҳолда ишлатиш мумкинлигини кафолатлайди. Агар қонунда ёки шартномада бошқача кафолат муддати назарда тутилган бўлмаса, кафолат муддати объект буюртмачи томондан қабул қилинган кундан бошлаб ўн йилни ташкил этади.

Шарҳлаётган модданинг иккинчи қисми императив хусусиятга эга. Хусусан, унга кўра агар пудратчи кафолат муддати давомида аниқланган камчиликлар (нуқсонлар) объектнинг ёки унинг қисмларининг нормал эскириши, унинг нотўғри ишлатилиши ёхуд буюртмачининг ўзи ёки у жалб қилган учинчи шахслар ишлаб чиққан қўлланманинг нотўғрилиги,

объектни буюртмачининг ўзи ёки у жалб қилган учинчи шахслар лозим даражада таъмирламаганлиги оқибатида вужудга келганлигини исботлай олмаса, бу камчиликлар учун жавобгар бўлади.

Техник хужжатларга мувофиқ объектнинг кўрсаткичлари ва ундан фойдаланиш имконияти буюртмачи томонидан иш қабул қилингунгача бўлган вақт оралиғидаги ишлатиш кафолат синовлари (кафолатли фойдаланиш) давомида белгиланади. Кафолат муддати объект қабул қилиб олинган пайдан эътиборан ўта бошлайди. Пудратчи ушбу муддатда объектнинг белгиланган параметрларга ва уни ишлатиш мумкинлигини кафолатлайди. Агарда кафолат муддати пудратчи томонидан ўз вазифасини етарли даражада бажармаганлиги оқибатида келиб чикқан муайян нуқсонлар аниқланса, уни буюртмачи муайян муддат ичида уларни бартараф этишни пудратчидан талаб қилишга ҳақли. Буюртмачи томонидан объектни нормал тарзда ишлатиш деганда объектни ишлатиш йўриқномалари билан, йўриқнома бўлмаган тақдирда эса ушбу турдаги объектларга нисбатан қўлланиладиган одатдаги талабларга мос равишда нормал шароитларда буюртмачи томонидан ишлатилиши тушунилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу модданинг учинчи қисмига асосан кафолат муддати пудратчи жавобгар бўлган камчиликлар натижасида объектдан фойдаланиш мумкин бўлмаган бутун вақтга тўхтатиб турилади. Кафолат муддати давомида камчиликлар аниқланган тақдирда буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейинги оқилона муддат давомида улар хақида пудратчини хабардор қилиши керак.

683-модда. Камчиликларни буюртмачи ҳисобидан бартараф қилиш

Қурилиш пудрати шартномасида пудратчининг у жавобгар бўлмаган камчиликларни буюртмачининг талаби бўйича ва буюртмачи ҳисобидан бартараф қилиш мажбурияти назарда тутилиши мумкин.

Камчиликларни бартараф қилиш иши қурилиш пудрати шартномасининг нарчасига бевосита боғлиқ бўлмаган ёки бу ишни пудратчи ўзига алоқаси йўқ сабабларга кўра бажара олмайдиган

ҳолларда пудратчи ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган мажбуриятни бажаришдан бош тортишга ҳақли.

Ишни бажариш жараёнида қандайдир ҳолатларга кўра пудратчи жавобгар бўлмаган камчиликлар аниқланиши муносабати билан кўшимча ишларни бажариш зарурати бўлиши мумкин. Бу камчиликлар табиий офат, учинчи шахсларнинг ҳаракати, лойиҳа ҳужжатларидаги камчиликлар туфайли вужудга келиши мумкин. Бунда пудратчи буюртмачидан бажарилган кўшимча ишлари учун ҳақни талаб этишга ҳақли.

Ушбу модданинг биринчи қисмига биноан тарафлар шартномада кўшимча мажбуриятларни келишиб олишлари мумкин. Одатда бундай ҳолат ишлар жараёнида қўлланиладиган техника хавфсизлиги, ёнғинга қарши коидалар, алоҳида ишлар бўйича қурилиш нормалари ўзгариши билан боғлиқ ҳолда муайян талабларни бажариш зарурияти бўлганда юзага келади. Тарафлар шартномага шу шартларни киритган ҳолда, ишга ҳақ тўлаш тартибини ва уни бажариш муддатини келишиб олишлари мумкин. Кўрсатилган модданинг биринчи қисми мазмунан шуни билдирадики, қурилиш пудрати шартномасида пудратчининг у жавобгар бўлмаган камчиликларни буюртмачининг талаби бўйича ва буюртмачи ҳисобидан бартараф қилиш мажбурияти назарда тутилиши мумкин. Камчиликларни бартараф қилиш иши қурилиш пудрати шартномасининг нарчасига бево-сита боғлиқ бўлмаган ёки бу ишни пудратчи ўзига алоқаси йўқ сабабларга кўра бажара олмайдиган ҳолларда пудратчи ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган мажбуриятни бажаришдан бош тортишга ҳақли.

684-модда. Ер участкасининг ипотекаси

Буюртмачининг қурилиш пудрати шартномаси бўйича ўз зиммасига олган ҳар қандай мажбуриятларни бажариши, шу жумладан бажарилган ишлар ҳақини тўлаши, шартномада назарда тутилган ҳолларда пудрат нарчасини ушлаб қолиш билан бир қаторда қурилиш ёки унга боғлиқ ишлар олиб борилаётган ер участкасининг ипотекаси билан ҳам таъминланиши мумкин.

Шарҳланаётган модданинг мақсади буюртмачининг қурилиш пудрати шартномаси бўйича ўз зиммасига олган ҳар қандай мажбуриятларни бажариши, шу жумладан бажарилган ишлар ҳақини тўлаши, шартномада

назарда тутилган ҳолларда пудрат нарсасини ушлаб қолиш билан бир қаторда қурилиш ёки унга боғлиқ ишлар олиб борилаётган ер участкасининг ипотекаси билан ҳам таъминланиши мумкинлигига доир тартибни ўрнатишдир.

Ушбу норма ер участкасининг ипотекасига доир муносабатларни тартибга солади. Умуман, ипотека ва шу жумладан ер ипотекаси билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 4 октябрдаги «Ипотека тўғрисида»ги ЎРҚ-58-сонли Қонуни билан тартибга солинади. Ушбу Қонуннинг 6-моддасига мувофиқ кўчмас мулк, шу жумладан бинолар, иншоотлар, кўп квартиралар уйлардаги квартиралар, корхоналар, бошқа мулкӣ мажмуалар, юридик ва жисмоний шахслар мулки бўлган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, шунингдек турар жойлар улар жойлашган ер участкалари билан бирга, қонунда кўчмас мулк жумласига киритилган ва уларга бўлган ҳуқуқлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган бошқа мол-мулк ипотека нарсаси бўлиши мумкин.

Шунингдек, ипотека тўғрисидаги қоидалар қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ ер участкасида барпо этилаётган қурилиши тугалланмаган мол-мулк гаровига ҳам қўлланилиши мумкин.

«Ипотека тўғрисида»ги Қонуннинг 54-моддасига биноан ер участкасини, шу жумладан фермер хўжалиги юритиш учун ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи, яқка тартибда уй-жой қуриш ёки дехқон хўжалигини юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар гаров нарсаси бўлиши мумкин. Ижарага олувчи ер участкасига доир ўзининг ижарага олиш ҳуқуқларини ижарага берувчининг розилигисиз гаровга қўйишга фақат ижара шартномасида назарда тутилган ҳолларда ҳақли. Бундан ташқари, ушбу Қонуннинг 55-моддасига асосан, агар ипотекага қўювчига эмас, балки бошқа шахсга тегишли бино ёки иншоот жойлашган ер участкасига доир ҳуқуқ гаров нарсаси бўлса, ундирув ипотекага олувчи томонидан шу участкага бўлган ҳуқуққа қаратилган ва мазкур участка реализация қилинган тақдирда, ипотекага қўювчининг ер участкасига бўлган ҳуқуқ эгаси сифатида ўша шахсга нисбатан эга бўлган ҳуқуқлари ва мажбуриятлари олувчига ўтади.

685-модда. Қурилиш пудратини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш

Қурилиш пудрати шартномаси билан боғлиқ муносабатлар ушбу Кодекс билан бир қаторда қурилиш пудрати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солиниши мумкин.

Шарҳланаётган модда ҳаволаки норма ҳисобланади. Унинг ҳаволалик хусусияти қурилиш соҳасидаги норматив ҳуқуқий ҳужжатлар моҳиятини очиб берувчи сифатида хизмат қилади. Аввало, таъкидлаш жоизки, қурилиш пудрати шартномаси билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси билан тартибга солинади. Шунингдек, бу соҳадаги муносабатлар қуйидаги ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар билан ҳам тартибга солинади:

Биринчидан, кодекс ва қонунлар билан, жумладан Фуқаролик кодекси, Шаҳарсозлик кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Солиқ кодекси, «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Стандартлаштириш тўғрисида»ги, «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги, «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги, «Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида»ги, «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги, «Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги, «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги қонунлар.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республика Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш («Давархитектқурилиш») қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги (05.08.1993 й. ПФ-636-сонли Фармони), «Капитал қурилишни ташкил этишни тартибга солиш чоратадбирлари тўғрисида»ги (28.10.1997 й. ПФ-1875-сонли Фармони), «Ўзбекистон Республикасида архитектура ва шаҳар қурилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўз Р Президентининг 26.04.2000 й. ПФ-2595-сон Фармони), «Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги (06.05.2003 й. ПФ-3240-сонли Фармони), «Умумий фой-

даланиладиган автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланишни бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги (Ўз Р Президентининг 19.08.2003 й. ПФ-3292-сон Фармони) фармонлари;

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» (16.02.2005 й. ПҚ-10-сон Қарори), «Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (29.01.2009 й. ПҚ-1051-сон Қарори), «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (03.08.2009 й. ПҚ-1167-сонли Қарори), «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги (17.06.2010 й. ПҚ-1354-сонли Қарори) қарори қабиладир;

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Замонавий архитектура-шаҳарсозлик талабларини ҳисобга олган ҳолда аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини ташкил этиш Қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги (09.03.2009 й. 59-сон қарори), «Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш фаолиятини лицензиялаш тартибинини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (30.04.2009 й. 126-сон қарори), «Якка тартибда уй-жой қуриш (реконструкция қилиш)ни амалга оширишга рухсатномаларни расмийлаштиришнинг, лойиҳаларни ваколатли органларда бир жойнинг ўзида келишишнинг соддалаштирилган тартибинини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (30.04.2009 й. 127-сон қарори), «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида «Қишлоқ қурилиш Инвест» инжиниринг компанияси иштирокида уй-жойлар қуришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (26.10.2009 й. 280-сонли қарори), «2010 йилда қишлоқ жойларда якка тартибда уй-жой қурилишининг асосий параметрлари тўғрисида»ги (12.03.2010 й. 44-сонли қарори) қарори қабиладир;

Бешинчидан, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан: Аҳолининг кенг қатлами, шу жумладан, ёш оилалар учун уй-жой қурилишини ва реконструкция қилишни молиялаштириш ва кредитлаш тартиби тўғрисида Низом (Ўз Р АВ 12.10.2007 й. 1727-сон билан рўйхатга олинган), Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш

қўмитаси томонидан қурилиш иншоотлари учун қурилиш, реконструкция, техник қайта қуроллантириш, лойиҳа тайёрлаш, материаллар, конструкциялар ва жиҳозларни харид қилиш бўйича ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш тартиби ҳақида Низом (Ўз Р АВ 09.01.2008 й. 1757-сон билан рўйхатга олинган), «Трансйўлқурилиш» компанияси бажарган механизациялашган ишлар учун пудратчи ташкилотлар томонидан тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низом (Ўз Р АВ 22.04.2008 й. 1797-сон билан рўйхатга олинган), Аҳолининг кенг қатлами, шу жумладан, ёш оилалар учун қурилган ёки реконструкция қилинган уй-жойларни харид қилиш учун ипотека кредитлари бериш тартиби тўғрисида Низом (Ўз Р АВ 12.07.2008 й. 1835-сон билан рўйхатга олинган), Лойиҳа-тадқиқот ишларининг қийматини аниқлаш тартиби тўғрисида Низом (Ўз Р АВ 09.12.2008 й. 1879-сон билан рўйхатга олинган) ва ҳ.к.

Шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги Қонуни 2-моддасига мувофиқ юридик шахслар томонидан аҳоли пунктларини, бинолар ва иншоотларни режалаш ва қуриш бош режаларининг, лойиҳаларининг бузилиши, давлат стандартлари, қурилиш нормалари ва қоидалари, техник шартларига, лойиҳалаш ва қурилиш, шунингдек бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш соҳасидаги бошқа норматив ҳужжатларнинг талабларига бинолар, иморатлар, иншоотларнинг, уларнинг қисмлари ёки конструкция айрим элементларининг чидамлилиги, мустаҳкамлиги, пухталиги, ишлаб чиқарилаётган бинокорлик материаллари, конструкциялари ва буюмларининг чидамлилик параметрлари пасайиши ва йўқотилишига сабаб бўлган тарзда риоя этилмаслиги, шунингдек объектларни қуриш ва уларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган тартибини бузадиган хатти-ҳаракат қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарлик деб эътироф этилади.

Шунингдек, ушбу Қонуннинг 3-моддасида белгиланишича, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида лойиҳалаш, қурилиш-монтаж ишларини амалга оширувчи, бинокорлик материаллари, конструкциялари ва буюмларини ишлаб чиқарувчи, қурилишда буюртмачи ҳисобланувчи ёки бир йўла буюртмачи ва пудратчи вазифаларини бажарувчи юридик шахсларга қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун белгиланган тартибда жарима солинади.

4-§. ЛОЙИҲА ВА ҚИДИРУВ ИШЛАРИ ПУДРАТИ

686-модда. Лойиҳа ва қидирув ишлари пудрат шартномаси

Лойиҳа ва қидирув ишлари пудрат шартномаси бўйича пудратчи (лойиҳаловчи, қидирувчи) буюртмачининг топшириғи бўйича белгиланган муддатда лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва (ёки) қидирув ишларини бажариш мажбуриятини, буюртмачи эса уни қабул қилиб олиш ва ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

Агар қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, лойиҳа ва қидирув ишлари шартномасини тасодифан бажариш мумкин бўлмаслиги хавфи буюртмачининг зиммасига тушади.

686-моддада лойиҳа ва қидирув ишлари пудрат шартномасига норматив тушунча берилган. Моддада изоҳланишича, агар қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, лойиҳа ва қидирув ишлари шартномасини тасодифан бажариш мумкин бўлмаслиги хавфи буюртмачининг зиммасига тушади.

Лойиҳа ва қидирув ишлари пудрат шартномаси бўйича пудратчи (лойиҳаловчи, қидирувчи) буюртмачининг топшириғи бўйича белгиланган муддатда лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва (ёки) қидирув ишларини бажариш мажбуриятини, буюртмачи эса уни қабул қилиб олиш ва ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

Ушбу шартноманинг ўзига хослиги ушбу шартноманинг махсус предмети билан ифодаланади. Лойиҳа ва қидирув ишлари пудрати шартномаси алоҳида пудрат шартномаси турига киради, шунга кўра Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг тегишли муносабатларга 37-боб 4§-параграф қоидаларини қўллаш имкони бўлмаганда 37-боби («Пудрат») 1§-параграфидаги («Пудрат ҳақидаги умумий қоидалар») қоидалар қўлланади. Алоҳида қайд этиш керакки, лойиҳа, смета ва тегишли муҳандислик ҳужжатлари аввало қурилишнинг шарт-шароити, қонунийлиги, шунингдек, техник, технологик ва иқтисодий хусусияти ва қурилиш объектининг сифат хусусиятини кўрсатиб берувчи ҳужжатлардир. Қурилишда норматив-техник ҳужжатлар товар маҳсулотини ва пудрат шартномаси предмети бўлиб ҳисобланади. Лойиҳалаштириш шунингдек тадбиркорлик мақомига ва тегишли лицензияга эга бўлган жисмоний шахслар томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонуни 18-моддасига мувофиқ ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига киритилади. Ушбу Қонуннинг 19-моддасига биноан бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига, шунингдек чет эл инвестицияларини Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумати кафолати остида жалб этилган ҳолда молияланадиган инвестиция лойиҳалари экспертизадан ўтказилиши шарт. Экспертизани ўтказиш тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди. Бошқа манбалар ҳисобига молияланадиган инвестиция лойиҳалари санитария-гигиена, радиация, экология, архитектура-шаҳарсозликка оид ва бошқа талаблар бажарилишига доир қисмида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат экспертизасидан ўтказилиши лозим. Банкларнинг кредит ресурслари ҳисобидан молияланадиган кичик тадбиркорлик инвестиция лойиҳалари тижорат банки томонидан мазкур инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида экспертиза қилиниши лозим. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари доирасида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари шу шартномаларда назарда тутилган тартибда экспертиза қилиниши лозим.

Лойиҳа-смета ҳужжати ўз ичига иқтисодий мақсадга мувофиқлик, капитал қўйилмаларни амалга ошириш ҳажми ва муддатларини асословчи маълумотларни олувчи инвестиция лойиҳасининг таркибий қисмидир.

Объект қурилиши учун асосий лойиҳа ҳужжати бўлиб қоида тарихида объект қурилиши техник-иқтисодий асослантирилиши (лойиҳа) (ТИА) ҳисобланади ва унинг асосида иш ҳужжатлари ишлаб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси 2002 йил 14 апрелдаги 353-II-сонли Қонуни билан тасдиқланган Шаҳарсозлик кодексининг 3-моддасига биноан шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари шаҳарсозликнинг асоси бўлиб, улар шаҳарсозлик фаолиятини амалга оширувчи давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, юридик ва жисмоний шахслар ижро этиши учун мажбурийдир. Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари шаҳарсозлик соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Шаҳарсозлик нормалари ва

қоидаларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатга олиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари шаҳарсозлик фаолиятини амалга оширишда манфаатларига дахл этилиши мумкин бўлган кўчмас мулк объектларининг мулкдорлари, эгалари ва мазкур объектлардан фойдаланувчилар ҳуқуқлари, шунингдек юридик ва жисмоний шахслар ҳуқуқлари масалалари юзасидан давлат органлари қарорлар чиқариши учун асос бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 9 декабрда 1879-сон билан рўйхатга олинган Лойиҳа-тадқиқот ишларининг қийматини аниқлаш тартиби тўғрисида Низом асосан лойиҳа-тадқиқот ҳужжатларини (лойиҳа, ишчи лойиҳа ва ишчи ҳужжатлар) ишлаб чиқишда, шунингдек ишчи лойиҳалашдан олдинги дастлабки техник-иқтисодий асосланма, дастлабки техник-иқтисодий ҳисоблаш, техник-иқтисодий асосланма ҳамда техник-иқтисодий ҳисоблаш босқичларида лойиҳа-тадқиқот ишларининг асосланма материаллари қийматини аниқлашга мўлжалланган.

Шунга кўра, мазкур Низомга мувофиқ лойиҳа ишларининг жорий нархларда белгиланган қиймати қуйидагилар учун қўлланилади:

лойиҳа ишларининг ижрочисини белгилашда (танлов савдоларини ўтказишда бошланғич қиймат сифатида);

лойиҳа ишларининг буюртмачиси ва ижрочиси ўртасидаги музокаралар вақтида дастлабки тахминий нархнинг ўрнида;

инвестициялар ҳажмини режалаштиришда (шу жумладан, бизнес-режаларни ва мақсадли рўйхатларни тузиш вақтида).

687-модда. Лойиҳа ва қидирув ишлари учун бошланғич маълумотлар

Лойиҳа ва қидирув ишлари пудрат шартномаси бўйича буюртмачи пудратчига лойиҳалаш ҳақида топшириқ, шунингдек лойиҳа-смета ҳужжатларини тузиш учун зарур бўлган бошқа бошланғич маълумотларни бериши шарт. Лойиҳалаш ҳақидаги вазифани буюртмачининг топшириғи бўйича пудратчи тайёрлаши мумкин. Бу ҳолда вазифа буюртмачи томонидан тасдиқланган пайтдан бошлаб тарафлар учун мажбурий бўлиб қолади.

Пудратчи лойиҳа ва қидирув ишларини бажариш учун топшириқдаги ва бошқа бошланғич маълумотлардаги талабларга риоя қилиши шарт ва буюртмачининг розилиги билангина улардан четга чиқишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 687-моддасида буюртмачининг лойиҳа-смета техник ҳужжатларни тузиш учун зарур бўлган бошланғич маълумотларни тақдим қилиш мажбурияти белгиланган.

Лойиҳа ва қидирув ишлари пудрат шартномаси бўйича асосий ҳужжат бўлиб пудратчига буюртмачи томонидан тақдим этиладиган лойиҳалаш ҳақидаги вазифа ҳисобланади, лекин ушбу модданинг биринчи қисмига кўра бу буюртмачининг топшириғи бўйича пудратчи тайёрлаши мумкин. Бу ҳолда вазифа буюртмачи томонидан тасдиқланган пайтдан бошлаб тарафлар учун мажбурий бўлиб қолади.

Буюртмачи лойиҳа ташкилотига саноат ва умумий фойдаланишдаги объектларни лойиҳалаштиришга доир бошланғич маълумотларни, қурилиши мўлжалланган объектнинг намунавий техник-иқтисодий кўрсаткичларини тақдим этиши шарт.

Топшириқнинг таркиби тарафлар томонидан қурилишнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб белгиланади. Топшириқ билан бирга бошланғич материаллар, шу жумладан тегишли тартибда расмийлаштирилган объект қурилишини инвестицион асосланиши, ер участкаси ажратилиши билан боғлиқ ҳужжатлар ҳам тақдим этилади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида келтирилишича, пудратчи лойиҳа ва қидирув ишларини бажариш учун топшириқдаги ва бошқа бошланғич маълумотлардаги талабларга риоя қилиши шарт ва буюртмачининг розилиги билангина улардан четга чиқишга ҳақли.

687-модданинг иккинчи қисми нормаларини қўллашда 643-модда талабларини инобатга олиш зарур. Бу норма қуйидагиларни назарда тутади: биринчидан, пудратчи буюртмачи берган материал, ускуналар, техник ҳужжатлар ёки қайта ишлаш (ишлов бериш) учун топширилган ашёнинг яроқсизлиги ёки сифатсизлигини, буюртмачининг ишни бажариш усули тўғрисидаги кўрсатмаларини бажариш унинг учун ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ёки пудратчига боғлиқ бўлмаган, бажарилаётган иш натижаларининг яроқлилиги ёки пишиқлигини хавф остига қўядиган ёхуд ишни белгиланган муддатда ниҳоясига етказиш

мумкин бўлмайдиган қилиб қўядиган бошқа ҳолатларни аниқлаган тақдирда дарҳол буюртмачини огоҳлантириши ва ундан кўрсатмалар олгунга қадар ишни тўхтатиб туриши шарт; иккинчидан, кўрсатилган ҳолатлар тўғрисида буюртмачини огоҳлантирмаган ёки огоҳлантиришга жавоб олиш учун шартномада кўрсатилган муддат ўтишини, бундай муддат кўрсатилмаган бўлса, оқилона муддат ўтишини кутмасдан ёхуд буюртмачи ишни тўхтатиб туриш тўғрисида ўз вақтида кўрсатма берган бўлишига қарамасдан ишни давом эттираверган пудратчи буюртмачи унга ёки пудратчи буюртмачига тегишли талаблар қўйганида мазкур ҳолатларни важ қилиб келтиришга ҳақли эмас; учинчидан, агар буюртмачи пудратчининг юқоридагилар тўғрисида ўз вақтида ва асосли огоҳлантирганига қарамасдан, оқилона муддатда яроқсиз ёки сифатсиз материални алмаштирмаса, ишни бажариш усули тўғрисидаги кўрсатмаларини ўзгартирмаса ёхуд ишнинг яроқлилиги ёки пишиқлигини хавф остига қўядиган ҳолатларни бартараф этиш учун зарур бўлган бошқа чораларни кўрмаса, пудратчи шартномани бажаришдан бош тортишга ва етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

688-модда. Буюртмачининг мажбуриятлари

Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, буюртмачи лойиҳа ва қидирув ишлари пудрат шартномаси бўйича қуйидагиларни бажариши:

барча ишлар бажариб бўлинганидан кейин белгиланган нархнинг ҳаммасини пудратчига тўлаши ёки ишларнинг айрим босқичлари тугалланганидан кейин нархнинг тегишли қисмини тўлаши;

пудратчидан олинган лойиҳа-смета ҳужжатларидан фақат шартномада назарда тутилган мақсадларда фойдаланиши, лойиҳа-смета ҳужжатларини пудратчининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслиги ва ундаги маълумотларни ошкор қилмаслиги;

лойиҳа ва қидирув ишларини бажаришда шартномада назарда тутилган ҳажмда ва шартларда пудратчига хизмат кўрсатиши;

тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан келишиб олишда пудратчи билан бирга қатнашиши;

пудратчига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар туфайли лойиҳа ва қидирув ишларини бажариш учун бошланғич маълумотлар ўзгариши билан боғлиқ қўшимча харажатларни пудратчига тўлаши;

тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг ёки бажарилган қидирув ишларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан буюртмачига нисбатан қўзғатилган даъво юзасидан ишда қатнашишга пудратчини жалб қилиши шарт.

Шарҳланаётган модда башарти шартномада бошқача ҳолатлар кўзда тутилмаган бўлса, лойиҳа ва қидирув ишлари пудрати шартномасига мувофиқ, буюртмачининг мажбуриятларини белгилайди.

Қоида тарикасида иш учун ҳақ тўлаш шартномада белгиланган тартибда, тарафлар шартнома тузиш вақтида келишган нарх бўйича амалга оширилади. Ишнинг бажарилиш узок муддатга чўзилган ёки инфляция жараёнлари билан боғлиқ ҳолларда нархнинг ўзгариши, башарти якуний нарх белгиланмаган тақдирда, тарафлар розилигига биноан амалга оширилади (Ўз. Р. ФК 636-моддаси ва унга шарҳларга қаранг).

Буюртмачининг мажбуриятларига қуйидагилар киради: барча ишлар бажариб бўлинганидан кейин белгиланган нархнинг ҳаммасини пудратчига тўлаши ёки ишларнинг айрим босқичлари тугалланганидан кейин нархнинг тегишли қисмини тўлаши; пудратчидан олинган лойиҳа-смета ҳужжатларидан фақат шартномада назарда тутилган мақсадларда фойдаланиши, лойиҳа-смета ҳужжатларини пудратчининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслиги ва ундаги маълумотларни ошкор қилмаслиги; лойиҳа ва қидирув ишларини бажаришда шартномада назарда тутилган ҳажмда ва шартларда пудратчига хизмат кўрсатиши; тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан келишиб олишда пудратчи билан бирга қатнашиши; пудратчига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар туфайли лойиҳа ва қидирув ишларини бажариш учун бошланғич маълумотлар ўзгариши билан боғлиқ қўшимча харажатларни пудратчига тўлаши; тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг ёки бажарилган қидирув ишларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан буюртмачига нисбатан қўзғатилган даъво юзасидан ишда қатнашишга пудратчини жалб қилиши шарт.

Таъкидлаш лозимки, ФК 688-моддаси шартнома нархини унинг асосий шартлари сирасига киритади. Буюртмачи барча ишлар бажариб

бўлинганидан ва иш қабул қилингандан кейин белгиланган нархнинг ҳаммасини пудратчига тўлаши шарт. Шартномада ишни босқичларга бўлиб тўлаш тартиби назарда тутилиши мумкин. Ушбу шартнома бўйича лойиҳа ва қидирув ишларининг бажаришда смета нормалари (нархи)га оид аниқ шартларни қўллаш ФК 636-моддасида белгиланган қоидаларга риоя этган ҳолда тарафлар келишуви билан амалга оширилади.

Ушбу моддага биноан, буюртмачи зиммасига иш натижаларидан махфийликка риоя қилган ҳолда қатъий мақсадли фойдаланиш мажбурияти юкланган. Таъқиқловчи норманинг моҳияти шундаки, буюртмачи пудратчининг розилигисиз техник ҳужжатларни учинчи шахсларга беришга ҳамда ундаги махфий тусдаги маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас.

Ўз. Р ФК 688-моддасида кўрсатилган буюртмачининг бошқа мажбуриятлари амалга оширилаётган лойиҳалаштиришнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда шартномада аниқ ифода этилади.

Лойиҳалаш соҳасидаги шартномавий муносабатлар тарафлар ҳамкорлигига асосланади. Шу муносабат билан ушбу моддада буюртмачининг асосий мажбуриятларидан бири белгиланган. Буюртмачи лойиҳа ва қидирув ишларини бажаришда пудратчига ёрдам кўрсатади; тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан келишиб олишда пудратчи билан бирга қатнашади.

Буюртмачи томонидан пудратчига лойиҳалаш вазифаси билан биргаликда тақдим этилган бошланғич маълумотларнинг ўзгартирилиши пудратчида қўшимча, шартнома нархидан юқори харажатларга сабаб бўлиши мумкин. Бунда буюртмачи пудратчига ушбу харажатларни қоплаб бериши лозим. Буюртмачининг мажбуриятлари доираси бу билан чекланмайди. Буюртмачининг мажбуриятларига яна тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг ёки бажарилган қидирув ишларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан буюртмачига нисбатан қўзғатилган даъво юзасидан ишда қатнашишга пудратчини жалб қилиш ҳам қиради. Ушбу камчилик ва нуқсонлар қурилиш ва ишга тушириш босқичларида аниқланиши мумкин бўлиб, пудратчи томонидан ишларни бажаришда йўл қўйилган хато натижасида юзага келган бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексининг 14-моддасига кўра, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш орган-

лари, юридик ва жисмоний шахслар шаҳарсозлик фаолияти соҳасида буюртмачилар бўлиши мумкин. Шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги буюртмачилар: шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этишлари; шаҳарсозлик ҳужжатларининг белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилишини таъминлашлари; лойиҳалаштириш жараёнини текшириб боришлари ва қурилиш сифати устидан техникавий назорат қилишлари; шаҳарсозлик ҳужжатлари амалга оширилиши бўйича муаллифлик назорати олиб борилишини таъминлашлари; асос бўлувчи ва рухсат берувчи ҳужжатлар ўз вақтида тайёрланишини ва шаҳарсозлик ҳужжатлари тасдиқланишини таъминлашлари шарт. Шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги буюртмачилар зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

689-модда. Пудратчининг мажбуриятлари

Лойиҳа ва қидирув ишлари пудрат шартномасига мувофиқ пудратчи:

ишларни лойиҳалаш ҳақидаги топшириқ ва бошқа бошланғич маълумотларга мувофиқ бажариши;

тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини буюртмачи билан келишиб олиши, шунингдек, буюртмачи билан бирга тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан келишиб олиши;

тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини ва қидирув ишлари натижаларини шартномада белгиланган муддатларда буюртмачига топшириши;

буюртмачининг розилигисиз лойиҳа-смета ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслиги шарт.

Ўз. Р. ФК 689-моддаси пудратчининг пудрат шартномасига мувофиқ, лойиҳа ва қидирув ишларини бажариш бўйича мажбуриятларини белгилайди. Пудратчининг шарҳланаётган моддада белгиланган мажбуриятлари рўйхати тугал ҳисобланмайди, шу боис лойиҳа ва қидирув ишларини бажариш учун пудрат шартномаси, айрим ҳолларда эса, қонун асосида пудратчининг зиммасига бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

Ушбу моддага биноан мувофиқ пудратчи: ишларни лойиҳалаш ҳақидаги топшириқ ва бошқа бошланғич маълумотларга мувофиқ бажариши; тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини буюртмачи билан келишиб олиши, шунингдек, буюртмачи билан бирга тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан келишиб олиши; тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини ва қидирув ишлари натижаларини шартномада белги-ланган муддатларда буюртмачига топшириши; буюртмачининг розилигисиз лойиҳа-смета ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслиги шарт.

Пудратчи лойиҳа ҳужжатларини корхона, бино, иншоотлар қурилишига киритилган инвестициянинг лозим даражада тасдиқлаган асосларга биноан ишлаб чиқади. Ушбу асосларни капитални молиялаштиришнинг манбаи Республика бюджети маблағлари ҳисобидан бўлган ҳолларда, тегишли давлат органлари ёки молиялаштириш маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджети ҳисобидан бўлган тақдирда, мазкур органлар тасдиқлайди. Пудратчи буюртмачидан олинган лойиҳа топшириғига мувофиқ техник-иктисодий асосларни (ТИА) тайёрлайди ва унга кўра кейинчалик иш ҳужжатларини ҳам ишлаб чиқади.

Шуни таъкидлаш керакки, қурилаётган объектнинг мураккаблигига ва уни барпо этишнинг давомийлигига қараб томонлар лойиҳалаштириш босқичларини келишиб оладилар. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, қурилиши узоққа чўзиладиган ва технологик жиҳатдан мураккаб объектлар учун одатда пудратчи техник лойиҳа (икки томонлама лойиҳалаштириш) тайёр_лайди, унчалик мураккаб бўлмаган объектлар учун эса томонлар ТИА асосида иш ҳужжатларини ишлаб чиқишни келишиб оладилар. Одатда, бундай қарорлар биринчи ва такрорий қўлланаётган лойиҳаларга мувофиқ барпо этилаётган объектларга нисбатан қабул қилинади. Пудратчи буюртмачига таркиби ва мазмунига кўра шартноманинг шартларига ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларининг талабларига мувофиқ бўлган тайёр лойиҳа-смета ҳужжаларини топширади.

Лойиҳа ҳужжатлари далолатнома бўйича топширилгунига қадар буюртмачи билан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса давлат назорати органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиб олинади.

Лойиҳанинг таркиби ва мазмунига муҳандислик-геологик ва гидро-геологик шарт-шароитлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олувчи

меъморчилик-қурилишга оид қарорлар, шунингдек қарорларнинг асослари ҳамда уларнинг меъморчилик мазмуни ва шаҳарсозлик талабларини ҳисобга олган ҳолда белгиланган асослантиришлар ва унга мақсадга мувофиқлиги киради. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги кунда энг кенг тарқалган қоидабузарликлардан бири кўп сонли қурилишларнинг архитектура лойиҳаларисиз олиб борилаётганлиги билан боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексининг 54-моддасига мувофиқ, объектлар қурилиши учун рухсатнома — мулкдорнинг, мулк эгасининг ёки мулкдан фойдаланувчининг ер участкаси қурилишини амалга ошириш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатдир.

Объектлар қурилишига рухсатнома Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, унинг давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекциялари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда берилади.

Объектлар қурилишига рухсатнома буюртмачи томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг тегишли таркибий бўлинмасида рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Объектлар қурилишига рухсатнома мавжудлиги ҳақидаги ахборотни буюртмачи барча юридик ва жисмоний шахсларга уларнинг талабларига биноан тақдим этади. Буюртмачи қурилиш бошланадиган муддат тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг тегишли таркибий бўлинмасига ахборот тақдим этиши шарт.

Якка тартибдаги уй қурилиши уйнинг пойдевори, ертўласи, қаватлари, кесим ва олд томонларининг режалари, шунингдек ер участкаси режасидан иборат бўлган соддалаштирилган лойиҳа бўйича амалга оширилиши мумкин.

Архитектура лойиҳаси, шунингдек унинг асосида ишлаб чиқилган қурилиш ҳужжатлари ҳамда архитектура объектининг ўзи муаллифлик ҳуқуқи объектлари ҳисобланади. Архитектура асарини яратиш ва ундан фойдаланиш мобайнида юзага келадиган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августда қабул қилинган «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида» ги Қонун билан тартибга солинади. Архитектура асарларининг муаллифлари ўзлари яратган асарларга нисбатан мутлақ ҳуқуқларга эгадир.

690-модда. Пудратчининг кафолатлари

Лойиҳа ва қидирув ишлари пудрат шартномаси бўйича пудратчи учинчи шахсларда пудратчи томонидан тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида ишларни бажаришга қаршилик қилиш ёки бажаришни чеклаш ҳуқуқи йўқлигини кафолатлайди.

Шарҳланаётган моддада пудратчининг лойиҳа ва қидирув ишлари пудрат шартномаси бўйича кафолатлари белгиланган. Шунини таъкидлаш жоизки, ФКда буюртмачининг пудратчи томонидан учинчи шахсларда қаршилик қилиш ёки бажаришни чеклаш ҳуқуқининг йўқлиги, хусусан қурилиш объектларини лойиҳалаштиришда ихтиролардан фойдаланиш билан боғлиқ.

Тузилган лойиҳа ҳужжатларидан келгусида фойдаланиш учун қурилиш мақсадида ажратилган ҳудудда учинчи шахсларнинг қаршилик қилиш ҳуқуқи йўқлиги аниқланиши талаб этилади. Шу туфайли шарҳланаётган норма пудратчи зиммасига ана шундай эҳтимол тутилган қаршиликларни аниқлаш ва бартараф этишга доир ишларни амалга ошириш мажбуриятини юклайди.

Шунини таъкидлаш лозимки, давлат нормалари, қоидалари ва стандартларига мувофиқ ишлаб чиқилган лойиҳа ҳужжатлари лойиҳа учун масъул бўлган шахснинг (бош муҳандис, лойиҳанинг бош архитектори ва ҳоказо) тегишли ёзуви билан тасдиқланади. Қурилишдаги лойиҳа (ТИА) ва ишчи лойиҳалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат экспертизасидан ўтказилиши лозим. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган «Экологик экспертиза тўғрисида»ги 73-П-сонли Қонунига мувофиқ экологик экспертизани ўтказишнинг алоҳида тартиби белгиланган.

Пудратчининг мажбуриятлари буюртмачига тайёр техник ҳужжатларни ва қидирув ишлари натижаларини топшириш билан яқунланади.

691-модда. Пудратчининг ҳужжатлар ва ишлардаги камчиликлар учун жавобгарлиги

Лойиҳа ва қидирув ишлари пудрат шартномаси бўйича пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатлари ва қидирув ишларидаги камчиликлар

учун, шу жумладан кейинчалик курилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа-смета хужжатлари ва бажарилган қидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади.

Лойиҳа-смета хужжатларида ёки қидирув ишларида камчиликлар аниқланган тақдирда пудратчи буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета хужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва шунга мувофиқ зарур қўшимча қидирув ишларини бажариши, шунингдек, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, келтирилган зарарни буюртмачига тўлаши шарт.

Мазкур модда хужжатлар ва ишлардаги камчиликлари учун пудратчининг жавобгарлигини белгилайди. Лойиҳа-смета хужжатларида ёки қидирув ишларида камчиликлар топилганда, пудратчи буюртмачининг талабига биноан лойиҳа-смета хужжатларини қайтадан текин ишлаб чиқишга ва унга мувофиқ ҳолда зарур қўшимча қидирув ишларини ўтказишга мажбур, шунингдек, шунингдек агар қонун ёки шартномада бошқача ҳолатлар белгиланмаган бўлса, буюртмачига етказилган зарарни қоплаши лозим.

Шартномада тарафлар одағда шартнома бўйича мажбуриятлар бузилганда неустойка (жарима) шаклидаги санкцияни назарда тутадилар. Бундай жавобгарликни лойиҳалашни бошлаш учун зарур бўлган бошланғич маълумотларни етказиб бермаслик, хужжатларни етказиб бериш муддатини бузганлик, тақдим этилаётган хужжатнинг сифати ва таркибини бузганлик учун қўллаш кўзда тутилади. Таъкидлаш жоизки, ушбу норма лойиҳачи (қидирувчи)нинг ишнинг сифати учун жавобгарлигида қандайдир чегараларни назарда тутмайди.

ФКнинг 332-моддасига мувофиқ, муайян фаолият турлари билан боғлиқ бўлган мажбуриятлар ва мажбуриятларнинг алоҳида турлари бўйича, қонунда зарарни тўлиқ қоплаш ҳуқуқи чекланиши мумкин (чекланган жавобгарлик). Лойиҳа ва қидирув ишларини бажаришда пудрат шартномасига мувофиқ, қонун пудратчининг жавобгарлигини чегаралаш бўйича махсус нормани кўзда тутмайди. Лойиҳа-смета хужжатларидаги камчилик ва нуқсонлар учун пудратчининг жавобгарлигини чеклашга оид муайян ҳолатлар шартномада назарда тутилиши мумкин.

ФКнинг 650-моддаси биринчи қисмининг диспозитив нормасидан фарқли равишда, тегишли бўлмаган лойиҳа ва қидирув ишларини бажариш

учун пудратчининг жавобгарлиги тўғрисидаги шарҳланаётган модданинг 1-қисмидаги қоида императив тарзда ифодаланган, албатта бундай жавобгарликдан пудратчининг озод қилиниши ёки унинг чегараланиши қонунга зид бўлиб, ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир. Ушбу модда нормасининг тизимли таҳлили пудратчининг жавобгарлиги ишнинг ўзида аниқланган камчиликларда эмас, балки қурилиш ишлари бориши оқибатида аниқланган камчиликларда, шунингдек мазкур қидирув ишлари ва лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида қурилган объектни эксплуатация қилиш жарёнида ҳам жавобгарлик юзага келади.

Лойиҳа-смета ҳужжатларида ёки қидирув ишларида камчиликлар аниқланган тақдирда пудратчи буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва шунга мувофиқ зарур қўшимча қидирув ишларини бажариши, шунингдек, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, келтирилган зарарни буюртмачига тўлаши шарт.

692-модда. Лойиҳа ва қидирув ишлари пудратини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш

Лойиҳа ва қидирув ишлари пудрат шартномаси асосидаги муносабатлар ушбу Кодекс билан, шунингдек лойиҳа ва қидирув ишлари пудрати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

ФК 692-моддасида лойиҳа ва қидирув ишлари пудратини ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятлари белгиланган.

Шарҳланаётган модда лойиҳа ва қидирув ишлари пудратини ҳуқуқий тартибга солишга бағишланган. Ушбу модданинг моҳияти шунда намоён бўладики, унда лойиҳа ва қидирув ишлари пудратини ҳуқуқий тартибга солиш нафақат ФК нормалари, балки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ҳам тартибга солиниши мумкинлиги кўрсатилган.

Лойиҳа ва қидирув ишларига оид шартномаларни ҳуқуқий тартибга солишга оид қонунчилик тизимида 04.04.2002 йилдаги 353-П-сонли Шаҳарсозлик кодекси муҳим аҳамиятга эга. Ушбу Кодекснинг 26-моддасига биноан, шаҳарсозлик ҳужжатлари қуйидагилардан иборат бўлади: 1) Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудуди ҳамда қисмларини ривожлантиришни режалаштириш тўғрисидаги ҳужжатлар: Ўзбекистон Республикаси

худудида аҳолини жойлаштириш бош тарҳи; Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг икки ва ундан ортиқ минтақа ҳудудини ўз ичига олган қисмларини ва бошқа ҳудудларни ривожлантиришни режалаштириш тарҳлари; Ўзбекистон Республикаси ҳудудини режалаштириш тарҳи; Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ривожлантиришнинг тармоқ тарҳлари; 2) Ўзбекистон Республикаси минтақалари ҳудудини ривожлантиришни режалаштириш тўғрисидаги ҳужжатлар: Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудини режалаштириш тарҳлари; туманни (туманлар гуруҳларини) режалаштириш лойиҳаси; 3) аҳоли пунктлари ҳудудини ривожлантириш тўғрисидаги ҳужжатлар: аҳоли пунктларининг бош режалари; шаҳар ва посёлка чизиги лойиҳалари; аҳоли пунктлари ҳудудини ривожлантиришнинг тармоқ тарҳлари; 4) аҳоли пунктлари ҳудудини қуриш тўғрисидаги ҳужжатлар: батафсил режалаштириш лойиҳаси; қуриш лойиҳаси; 5) бинолар, иншоотлар ва бошқа объектлар қурилиши учун лойиҳа-смета ҳужжатлари.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ шаҳарсозлик ҳужжатларининг бошқа турлари ҳам белгиланиши мумкин. Шу билан бирга, 39-модда лойиҳа-смета ҳужжатларига бағишланган. Хусусан, лойиҳа-смета ҳужжатлари ҳажмий-режали, амалий ва техникавий ечимларни, бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларнинг қурилиши, реконструкцияси ҳамда капитал таъмирланиши, шунингдек ободонлаштириш ишлари қийматини белгилайди. Лойиҳа-смета ҳужжатлари шаҳарсозлик ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқ ишлаб чиқилади, қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг тегишли таркибий бўлинмалари, санитария-эпидемиология хизматлари, ёнғинга қарши назорат хизматлари, табиатни муҳофаза қилиш органлари ва бошқа хизматлар билан келишиб олинади. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, молиялаштириш, тасдиқлаш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилаш, уларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш буюртмачининг ташаббуси билан ва унинг ҳисобидан белгиланган тартибда амалга оширилади. Белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлари объектлар қурилиши учун рухсатнома беришга асос бўлади.

Ер кодексида ҳам ер участкаларидан қидирув мақсадларида фойдаланишга оид нормалар мустаҳкамланган. Чунончи, ушбу Кодекснинг 25-моддасида геология-суратга олиш, қидириш, геодезия ва бошқа қидирув ишларини амалга оширувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар

бу ишларни белгиланган тартибда қабул қилинган қарорлар ва тузилган шартномалар асосида барча тоифадаги ерларда ер эгаларидан, ердан фойдаланувчилардан, ижарачилардан ҳамда мулкдорлардан ер участкаларини олиб қўймаган ҳолда амалга оширишлари мумкинлигини назарда тутди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 июндаги 236-сонли «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги Қарори билан фаолиятнинг алоҳида турларини лицензиялашни амалга оширувчи органларнинг рўйхати белгиланган. Шаҳарсозлик кодексининг 21-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи сифатида шаҳарсозлик фаолияти айрим турларини амалга ошириш учун белгиланган тартибда лицензиялар беради. Ушбу Кодекснинг 27-моддасига биноан эса, шаҳарсозлик ҳужжатлари шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчилар томонидан шартномага асосан ҳамда буюртмачи берган ва Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг тегишли таркибий бўлинмаси билан келишилган топшириқ асосида ишлаб чиқилади. Шаҳарсозлик ҳужжатлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат экспертизасидан ўтказилади ҳамда тасдиқланади. Ушбу Кодекс 26-моддаси биринчи қисмининг 1–4-бандларида кўрсатилган шаҳарсозлик ҳужжатларининг тасдиқланган бир нухаси Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг тегишли таркибий бўлинмасига топширилиши лозим. Тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар ҳужжатларни тасдиқлаган органнинг қарорига кўра киритилади.

Шаҳарсозлик кодексининг 14-моддаси шунингдек, буюртмачиларнинг шаҳарсозлик фаолиятидаги мажбуриятларини ҳам белгилаб беради: шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этишлари; шаҳарсозлик ҳужжатларининг белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилишини таъминлашлари; лойиҳалаштириш жараёнини текшириб боришлари ва қурилиш сифати устидан техникавий назорат қилишлари; шаҳарсозлик ҳужжатлари амалга оширилиши бўйича муаллифлик назорати олиб борилишини таъминлашлари; асос бўлувчи ва рухсат берувчи ҳужжатлар ўз вақтида тайёрланишини ва шаҳарсозлик ҳужжатлари тасдиқланишини таъминлашлари шарт. Ушбу Кодекснинг 15-моддасига мувофиқ эса, шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчилар: қонун ҳужжатларига

мувофиқ шахарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқилишини таъминлашлари; ўзлари ишлаб чиққан шахарсозлик ҳужжатларини барча манфаатдор органлар ва ташкилотлар билан белгиланган тартибда келишиб олишлари шарт.

Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 28 сентябрдаги ЎРҚ-57-сонли «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг sanoat хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунининг 8-моддасига кўра, хавфли ишлаб чиқариш объектини куриш, кенгайтириш, қайта куриш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, консервациялаш ва тугатишни амалга ошириш учун лойиҳа ҳужжатлари sanoat хавфсизлиги экспертизасининг ижобий хулосаси бўлиши зарур. Хавфли ишлаб чиқариш объектини куриш, кенгайтириш, қайта куриш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, консервациялаш ва тугатиш жараёнида лойиҳа ҳужжатларидан четга чиқишларга йўл қўйилмайди. Хавфли ишлаб чиқариш объектини куриш, кенгайтириш, қайта куриш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, консервациялаш ва тугатишга доир лойиҳа ҳужжатларини ўзгартириш sanoat хавфсизлиги экспертизасидан ўтказилиши керак. Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиққан ташкилотлар хавфли ишлаб чиқариш объектини куриш, кенгайтириш, қайта куриш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, консервациялаш ва тугатиш жараёнида белгиланган тартибда муаллифлик назоратини амалга оширади. Хавфли ишлаб чиқариш объектини фойдаланишга қабул қилиб олиш белгиланган тартибда ўтказилади. Хавфли ишлаб чиқариш объектини фойдаланишга қабул қилиб олиш жараёнида хавфли ишлаб чиқариш объектининг лойиҳа ҳужжатларига мувофиқлиги, ташкилотнинг хавфли ишлаб чиқариш объектидан фойдаланишга ҳамда хавфли ишлаб чиқариш объектида авариянинг кенгайиб кетишига йўл қўймаслик ва унинг оқибатларини тугатиш бўйича ҳаракатларга тайёрлиги текширилади.

5-§. ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ, ТАЖРИБА-КОНСТРУКТОРЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯ ИШЛАРИ ПУДРАТИ

693-модда. Илмий-текшириш, тажриба-конструкторлик ва технология ишлари пудрат шартномалари

Илмий-текшириш ишлари пудрат шартномаси бўйича пудратчи (ижрочи) буюртмачи берган вазифада кўрсатилган илмий текши-

ришларни амалга ошириш, тажриба-конструкторлик ва технология ишлари пудрат шартномаси бўйича эса — янги буюм намунасини, унга тегишли конструкторлик ҳужжатларини, янги технологияни ишлаб чиқиш ёки намуна нусхасини тайёрлаш мажбуриятини олади. Бунда буюртмачи пудратчига (ижрочига) техникавий топширик бериш, ишни қабул қилиб олиш ва унинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

Пудратчи билан тузилган шартнома тадқиқот олиб бориш, намуналар ишлаб чиқиш ва тайёрлашнинг бутун жараёнини ҳам, уларнинг айрим босқичларини (элементларини) ҳам қамраб олиши мумкин.

Ўз. Р ФК 693-моддаси илмий-текшириш (ИТИ), тажриба-конструкторлик ва технология ишлари (ТКТИ) пудрат шартномаларини бажариш билан боғлиқ шартнома турларини белгилайди. Кўп ҳолларда уларнинг ҳар иккаласи учун ҳам умумий бўлган ИТТКТИ тарзидаги қисқартма ҳам ишлатилади.

ИТИ бажариш шартномаси бўйича ижрочи илмий текширишларни амалга ошириши лозим, яъни мезон — ишнинг мазмуни ҳисобланади. ТКТИ шартномаси бўйича эса, бундай мезон сифатида буюртмачига тақдим этилиши лозим бўлган ашёвий шаклдаги иш натижаси — маҳсулот намунаси, маҳсулот ҳужжатлари ёки технология намоён бўлади.

Шу билан бирга тадқиқот натижаси интеллектуал фаолият натижаси сифатида моддий кўринишда — илмий ҳисобот, хулоса ва х.к.да мужасам этилади.

Бажарувчининг мажбуриятлари илмий-текшириш ўтказиш ёки илмий техник ишлаб чиқаришга тааллуқлигидан қатъи назар, нафақат ишни бажариш, балки тугатиш шаклларини ҳам ўз ичига олади.

Мазкур моддага асосан, ушбу шартномаларнинг икки хил тури фарқланади. Биринчи, илмий-текшириш ишларини бажариш шартномаси ва иккинчиси, тажриба-конструкторлик ва технология ишларини бажариш шартномасидир. Илмий-текшириш ишларини бажариш шартномаси предмети илмий тадқиқот бўлса, тажриба-конструкторлик ва технология ишларини бажариш шартномасининг предмети янги маҳсулот намунаси (тажриба намунаси), унинг конструкторлик ҳужжатлари ёки янги технологиялар бўлади. Гарчи, ушбу шартномалар бажариладиган иш ҳажми жиҳатидан фарқлансада, уларнинг иккаласи ҳам хусусий аломатлари

билан белгиланадиган умумий белгиларга эга. Бундай белгилар каторига биринчидан, буюртмачининг ишни қабул қилиш ва тўловини амалга ошириш бўйича ўхшаш мажбуриятларининг белгиланганлиги; иккинчидан, бажарувчининг мажбуриятлари бутун иш даврини ҳам ёки унинг алоҳида босқичини (элементини) ҳам ўз ичига олиши мумкин; учинчидан, мажбурият тасодифан бажарилиши мумкин бўлмай қолиши билан боғлиқ таваккалчиликни буюртмачи ўз зиммасига олади; тўртинчидан, иккила шартноманинг ҳам шартлари қонунлар ва мутлақ ҳуқуқларга (интеллектуал мулк) оид бошқа ҳуқуқий меъёрларга мос бўлиши лозим.

Шуни таъкидлаш лозимки, бажариш мажбурияти нафақат ишга оид шартларнинг, балки уларни тугатиш шаклига қўйилган талабларнинг (илмий ҳисобот, тажриба намунаси, конструкторлик ва технологик ҳужжатлар) ҳам якунига етказилишини ҳам қамраб олади. Ушбу мажбуриятларнинг мазмуни техник вазифалар ва иш дастуридан келиб чиқади. Илмий (илмий-техник) маҳсулот деганда, амалга ошириш учун мўлжалланган илмий (илмий-техник) натижа, шу жумладан интеллектуал фаолият натижаси ҳам тушунилади.

Фан — инсоннинг интеллектуал ижодий фаолияти соҳаси бўлиб, унинг жараёнида табиат, жамият, инсон ва у яратган объектлар, уларнинг хусусиятлари, ривожланиш қонуниятлари, ҳодисалар ҳақида янги билимлар ўрганилиши амалга оширилади. Илмий фаолият деганда, янги билимларни олиш ва қўллашга қаратилган интеллектуал ва ижодий жараён тушунилади. Илмий-техник фаолият — илмий фаолият субъектлари томонидан технологик, муҳандислик, иқтисодий, ижтимоий, экологик ва бошқа муаммоларни ҳал қилиш, мавжуд технологияларни, маҳсулот ва техник воситаларни такомиллаштириш ёки янгисини яратиш билан боғлиқ муаммоларини ҳал қилиш учун янги билимларни олишга қаратилган фаолиятдир. Инновация фаолияти — илмий, технологик, ишлаб чиқариш, ташкилий, молиявий ва тижорат тадбирлари мажмуини қамраб олувчи, бозорда янги ва (ёки) мукаммаллашган маҳсулотни, амалий фаолиятда қўлланилаётган янги ёки мукаммаллашган жараёнларни ёхуд иқтисодий ва (ёки) жамоатчилик учун фойда келтирувчи янги ёки мукаммаллашган ташкилий-иқтисодий шаклларни яратишга қаратилган фаолият туридир. Илмий натижа ҳар қандай ахборот манбаида мустақамланган янги билим ёки ечимларни қамраб олувчи

илмий ва илмий назарий фаолиятнинг маҳсули ҳисобланади. Илмий ташкилот деб асосан илмий ва (ёки) илмий-техник фаолият билан шуғулланувчи юридик шахс тан олинади. Ушбу ташкилотлар илмий марказлар, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари, илмий-тадқиқот институтлари, тажриба-конструкторлик, лойиҳа-кидирув ва илмий фаолиятни амалга оширувчи бошқа ташкилотларга бўлинади.

Мазкур моддада белгиланган илмий-тадқиқот ишлари, тажриба-конструкторлик ва технологик ишларнинг фуқаровий-ҳуқуқий шакли ушбу шартномавий муносабатларнинг юридик табиатини аниқлаштиради. Бундай шартномалар ёзма шаклда тузилиб, тадқиқотлар ўтказиш, ишлаб чиқиш ва намуналарни тайёрлашнинг бутун босқичини ҳам, шунингдек, уларнинг алоҳида босқичларини (элементларини) ҳам камраб олади.

Илмий-текшириш, тажриба-конструкторлик ва технология ишлари шартномасини тасодифан бажаришнинг иложи бўлмай қолиш ҳоллари таваккалчилигини буюртмачи ўз зиммасига олади. Таваккалчиликни буюртмачининг зиммасига юкланиши ИТТКТИ шартномасининг муҳим шарти бўлиб, уларни пудратдан ажратиб турувчи ижодий хусусияти билан тавсифланади.

Илмий тадқиқот натижалари, ЭҲМ дастурлари ва маълумотлар базасидан фойдаланишда 20.07.2006 йилдаги 272-І сонли «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги, 06.08.1994 йилдаги 1060-ХІІ сонли «Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида»ги, 29.08.2002 йилдаги 397-ІІ сонли Ўзбекистон Республикасининг «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги (янги таҳрири), 12.05.2001 йилдаги 218-ІІ Ўзбекистон Республикасининг «Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, 30.08.1996 йил № 274-І «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги, 30.08.1996 йил 270-І Ўзбекистон Республикасининг «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги (янги таҳрири) ва бошқа қонунларга асосланиши лозим.

Мутлақ ҳуқуқ (интеллектуал мулк) объектларига ҳуқуқий мақоми махсус қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган шартномавий тадқиқотлар ва ишламалар қиради.

Илмий-текшириш, тажриба-конструкторлик ва технология ишлари натижаларидан фойдаланиш ва ўзлаштириш жараёни фан ва ишлаб

чиқариш ўртасидаги оралиқ бўғин ҳисобланиб, шу тариқа бозор иқтисодиётининг функционал соҳаларидан бири — инновация фаолиятини ташкил қилади. Иқтисодий ўсишнинг суръатларининг ошиши барча ишлаб чиқариш ресурсларидан, шу жумладан мамлакатнинг илмий-техник потенциалидан ҳам самарали фойдаланишни тақозо этади. Илмий-инновация соҳасидаги давлат сиёсати айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланган. Хусусан, илмий-техник ҳамкорлик бўйича чет эл ташкилотлари ва жамғармаларидан фойдаланиб, халқаро грантлар ва шартномалар доирасида чет элдан пул маблағлари ҳамда ускуна ва қурилмаларини олиб кириш тартиби 16.03.1998 йилда Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси тасдиқланган (438-сонли 18.05.1998 йилги); Илмий-техник дастурлар фундаментал ва амалий тадқиқотларни шакллантириш ва амалга ошириш низоми Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси Қарори билан 25.04.2007 йилда тасдиқланган; Инновацион ишлар илмий-техник дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш низоми Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси Қарори билан 25.04.2007 йилда тасдиқланган; Лойиҳа-қидирув ишлари баҳосини белгилаш низоми Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси қарори билан 10.11.2008 йилда тасдиқланган; Шартнома ва протоколлар мониторинги ва Республиканинг йиллик инновацион ғоя, технология ва лойиҳалар ярмаркасини ўтказиш низомлари Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси қарори билан 29.12.2008 йилда тасдиқланган.

694-модда. Ишларни бажариш

Пудратчи илмий текширишларни шахсан ўзи олиб бориши шарт. Агар илмий-текшириш ишлари пудрат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, у буюртмачининг розилиги билан шартномани бажаришга учинчи шахсларни жалб қилишга ҳақли.

Пудратчи тажриба-конструкторлик ва технология ишларини бажарган вақтида, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, уни бажаришга учинчи шахсларни ёрдамчи пудратчи сифатида жалб қилишга ҳақли. Ижрочи билан учинчи шахслар

Ўртасидаги муносабатларга ушбу Кодекснинг 634-моддасида назарда тутилган қоидалар қўлланади.

Шарҳланаётган модда пудрат шартномасининг икки турини тартибга солади. Улар бажарилаётган ишнинг ижодийлик туси даражасига кўра фарқланади. Бу, биринчидан, ИТИни бажаришда учинчи шахслар жалб қилиниши натижаларнинг ишончлилигини камайтириши ва бажарувчининг айби билан боғлиқ низолар эҳтимоли туғилиши, иккинчидан, хизмат ёки тижорат сирларига риязати зарурияти билан изоҳланади, зеро, ИТИ қоида тариқасида рақобатчиларнинг қизиқишини кучайтиради.

Биринчи қисмда кўзда тутилган пудратчининг илмий текширишларни шахсан ўзи олиб бориши шартли тадқиқот ишларининг муайян даражада ўзига хослиги ва шунга мувофиқ шартномада назарда тутилган натижага эришиш учун жавобгарлик даражасининг юқорилиги билан асосланади. Пудратчи илмий-текшириш шартномасини бажаришга учинчи шахсларни фақатгина буюртмачининг розилиги билан жалб қилишга ҳақли.

Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида ТКТИ шартномаси бўйича пудратчининг алоҳида ишларни (топшириқ, босқич ва х.к.) бошқа шахслар — ёрдамчи пудратчига топшириши мумкинлиги (айниқса, йирик лойиҳалар ва юқори технологиялар бўйича) белгиланган бўлиб, бу шаклланган амалиётга ҳам мос келади. Бу кўпгина техника соҳаларида чуқур ихтисослик бўйича ишлангани амалга ошириш учун қатнашиши муҳим бўлган мутахассислик ташкилотларини жалб қилиш зарурияти билан изоҳланади. Ушбу модданинг нормаси диспозитив хусусиятга эга бўлиб, ТКТИ шартномаси бўйича ҳам учинчи шахсларни жалб этиш таъқиқланиши мумкин. ФК 241-моддасига биноан, мажбуриятларни бажариш учинчи шахслар зиммасига юкланиши мумкин.

Шартномадан келиб чиққан мажбуриятни тўла ҳажмда ёки унинг бир қисмини бажариш, агар қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган бўлса, шунингдек агар учинчи шахс тарафлардан бири билан тегишли шартнома орқали боғлиқ бўлса, учинчи шахс зиммасига юклатилиши мумкин. Агар мажбуриятни қарздорнинг шахсан ўзи ижро этишга мажбурлиги қонун ҳужжатлари, шартнома ёки мажбуриятнинг моҳиятидан англашилмаса, кредитор қарздор учун учинчи шахс томонидан таклиф қилинган ижронини қабул қилиши шарт. Мажбурият бажарилмаганлиги учун, башарти қонун ҳужжатлари ёки шартномада учинчи шахснинг жавобгар

бўлиши назарда тутилган бўлмаса, шартномадаги тараф жавобгар бўлади (ФК 241-моддаси ва унга шарҳларга қаранг).

Пудратчи бунда зиммасига бош пудратчининг мажбуриятларини олади ҳамда ёрдамчи пудратчига топширилган ишларни бажариш учун буюртмачи олдида жавоб беради.

695-модда. Шартнома тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлиги

Агар илмий-текшириш ишлари ёхуд тажриба-конструкторлик ва технология ишлари пудрат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, тарафлар шартнома нарчасига, уни бажариш жараёни ва олинган натижаларга доир маълумотларнинг махфийлигини таъминлашлари шарт. Махфий деб ҳисобланадиган маълумотлар ҳажми шартномада белгилаб қўйилади. Пудратчи буюртмачининг ёзма розилиги билан мазкур шартномалар бўйича бажарилган ишларнинг натижаларини патентлашга ҳақли.

Тарафларнинг шартнома тўғрисидаги маълумотларни махфий саклаш бўйича мажбуриятлари шартнома мажбуриятларининг асосий шартларидан ҳисобланади. ИТТКТИ натижалари бошқача тарзда учинчи шахсларнинг ноқонуний фойдаланишидан муҳофаза қилиниши мумкин эмас.

Махфий маълумотларнинг таркиби ва ҳажми тарафлар томонидан белгиланади. Унинг таркибига тижорат сирига киритилиши мумкин бўлган ҳар қандай илмий, техник, иқтисодий, ташкилий тусдаги маълумотлар киради. Ушбу маълумотлар учинчи шахсга номаълум бўлиши лозимлиги ҳамда учинчи шахслар (қонуний асосда) фойдаланиши учун ёпиқлиги унинг тижорат қийматининг асосий шарти бўлиб хизмат қилади.

Махфийликни таъминлаш бўйича мажбуриятларнинг бузилиши сифатида нафақат тарафлардан бирининг иккинчи тарафнинг розилигисиз бошқа манфаатдор фойдаланувчиларга махфий маълумотларни тўғридан-тўғри бериб юбориши ва ошкор қилиши, балки маълумотларни эркин олиш ва уларнинг тарқалиб кетишининг олдини олишга қаратилган муҳофаза чораларини кўрмаслик ҳам тан олинади.

Шарҳланаётган модда шартноманинг предметини ташкил қиладиган маълумотларнинг махфийлигини белгилайди. Ушбу диспозитив норма шартноманинг предметига тегишли бўлган маълумотлар, олинган натижалар ва уни

бажариш тартиби шартномада тарафлар томонидан белгиланадиган ҳажмда махфий деб тан олиншидан келиб чиқади. Масалан, бундай маълумотлар сирасига: илмий, техникавий, ташкилий, тижорат ва бошқа маълумотлар киради. Бундай маълумотларнинг қимматлилиги шундаки, улар учинчи шахсга номаълум бўлиб, улардан эркин баҳраманд бўлиш мумкин эмас. Таъкидлаш жоизки, маълумотлар шартномани тузишда ҳам, ишни бажариш жараёнида ҳам олинши мумкин. Ихтиро, фойдали модел ёки саноат намунасининг мазмуни тўғрисидаги маълумотлар улар расман эълон қилингунга қадар махфий ҳисобланади. ФК 98-моддасига мувофиқ, фуқаролик қонун ҳужжатлари хизмат ёки тижорат сирини бўлган ахборотни, башарти бу ахборот учинчи шахсларга номаълумлиги сабабли ҳақиқий ёки нисбий тижорат қимматига эга бўлган, қонун йўли билан ундан эркин баҳраманд бўлиш мумкин бўлмаган ҳамда ахборот эгаси унинг махфийлигини сақлашга доир чоралар кўрган ҳолларда ҳимоя этади (ФК 98-моддаси ва унинг шарҳига қаранг).

Ушбу норма мазмунидан келиб чиқиб, тижорат ёки хизмат сирини ташкил қиладиган маълумотлар ФК ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган усуллар билан ҳимоя қилинишини қайд этиш мумкин. Хизмат ва тижорат сирини ташкил қиладиган маълумотларни ноқонуний йўллар билан олган шахслар етказилган зарарни қоплашлари шарт.

Тарафлардан бирининг иккинчи тарафнинг розилигисиз бошқа манфаатдор фойдаланувчиларга махфий маълумотларни ошкор қилиши ва бериб юбориши, маълумотларни олиш учун эркин баҳраманд бўлиши мумкин бўлмаган ва уларнинг тарқалиб кетишининг олдини олишга қаратилган муҳофаза чораларини кўрмаслиги ҳуқуқбузарлик сифатида тан олинади. Бошқача айтганда, ФКнинг шарҳланаётган моддаси ҳуқуққа хилоф муомаласи мулкдорига, эгасига, фойдаланувчисига ёки бошқа шахсларга зарар етказиши мумкин бўлган ҳар қандай маълумотга оид ҳужжатларнинг муҳофаза қилиниши лозимлигини батафсил тартибга солади. Махфий ҳужжатлашган маълумотга нисбатан ахборотни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий ҳолатини ахборот ресурсларининг мулкдори (давлат, юридик ёки жисмоний шахс) белгилайди.

Шунингдек, таъкидлаш жоизки, ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналаридан фойдаланиш ва ҳуқуқий муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ амалга оширилади.

696-модда. Иш натижаларига тарафларнинг ҳуқуқлари

Илмий-текшириш, тажриба-конструкторлик ва технология ишлари пудрат шартномаларидаги тарафлар иш натижаларидан, шу жумладан ҳуқуқий муҳофазага лойиқ натижалардан шартномада назарда тутилган доирада ва шартларда фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, буюртмачи ўзига пудратчи томонидан берилган иш натижаларидан, шу жумладан ҳуқуқий муҳофазага лойиқ натижалардан фойдаланиш ҳуқуқига эга, пудратчи эса, ўзи олган натижалардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланишга ҳақли.

Ўз. Р. ФК 696-моддаси ИТТКТИ шартномаси бўйича тарафларнинг иш натижаларига бўлган ҳуқуқларини аниқлаш тартибини белгилайди.

Ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ, пудратчи ва буюртмачи иш натижаларидан, шу жумладан ҳуқуқий муҳофазага лойиқ натижалардан шартномада назарда тутилган доирада ва шартларда фойдаланиш ҳуқуқига эга. Ҳуқуқий муҳофазага лойиқ иш натижалари деганда, интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасидаги қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар билан муҳофаза қилинадиган натижалар назарда тугилади. Мазмун-моҳиятига кўра, бу ўринда сўз ё патент олишга лаёқатли ва алоҳида тартибда рўйхатдан ўтказиладиган саноат мулк объектларига (ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари) ёки гарчанд рўйхатдан ўтказилмасада, ноқонуний нусха олиш ёки ўзлаштиришдан муҳофаза қилинадиган объектларга (муаллифлик ёки турдош ҳуқуқи асарлари, ЭҲМ дастурлари) тааллуқли институтнинг қатъий белгиланган тизими ҳақида боради. Фуқаролик қонун ҳужжатларига биноан, интеллектуал мулк объектларига нисбатан мулк ҳуқуқлар устав капиталида ҳисса, инвестиция объекти, гаров предмети бўлиши мумкин бўлиб, улар хусусийлаштириладиган мулк таркибига киритилади. Иқтисодий муомалага киритилган интеллектуал мулк ва шартнома ёки лицензия асосида қўлга киритилган унга нисбатан ҳосила ҳуқуқлар ташкилотларга бириктирилади, уларнинг номоддий активлари таркибида бўлади ва ўз қийматини (амортизация) уларнинг фойдали хусусиятлари муддати ва ишлатилиши нормаларига мувофиқ, маҳсулот (иш, хизмат) қийматига ўтказилади.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми тарафларга иш натижаларидан, шу жумладан ҳуқуқий муҳофазага лойиқ натижалардан шартномада назарда тутилган доирада ва шартларда фойдаланиш ҳуқуқини беради. Ушбу нормадаги ҳаракатлар ишларни молиялаштириш манбаларининг тааллуқлилиги ёхуд уларнинг мақсадидан келиб чиқиб изоҳланмаган. Шунингдек, давлат буюртмачиларининг алоҳида ҳуқуқларига оид изоҳлар ҳам назарда тутилмаган. Тарафларнинг иш натижаларига бўлган ҳуқуқларини тартибга солиш ўз таркибига муҳофазага лойиқ элементлар — техник, бадий конструкторлик ва бошқа қарорларининг ишланмаларини бажариш (ёки фойдаланиш) жараёнида яратилган ашёларга нисбатан ҳуқуқлар билан боғлиқ масалалар доирасини ҳам қамраб олади. Шартномада уларни ҳимоя қилиш ва олинган натижаларга бўлган ҳуқуқни бериш шартари келишилган бўлиши лозим. Таъкидлаш жоизки, шартнома бўйича олинган натижаларнинг муҳофазага лойиқ қисмларига бўлган ҳуқуқлар натижаларидан яхлит ҳолда фойдаланиш билан мувофиқлаштирилиши лозим. Акс ҳолда, ушбу ҳуқуқлар ҳуқуқ эгаси бўлган тараф томонидан реализация қилиниши мумкин бўлмайди.

Фойдаланиш шартлари усул ва ҳажм (натижалардан буюртмачи ва пудратчи томонидан ўз шахсий тадқиқотлари ёки ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш, ишлар бажариш ва ҳ.к. фаолиятида фойдаланиш чегаралари)ни, шунингдек, тарафлардан ҳар бирининг ўз ҳуқуқларини шартнома натижаларидан учинчи шахсларга фойдаланишга рухсатнома бериш ёхуд ундан тўлиқ воз кечиш орқали тасарруф этиш ҳуқуқини ўз ичига олади.

Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми диспозитив хусусиятга эга. Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, буюртмачи ўзига пудратчи томонидан берилган иш натижаларидан, шу жумладан ҳуқуқий муҳофазага лойиқ натижалардан фойдаланиш ҳуқуқига эга, пудратчи эса, ўзи олган натижалардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланишга ҳақли.

Ушбу ҳолатда қонун буюртмачининг иш натижаларидан имтиёзли фойдаланиш, шу жумладан, учинчи шахсга бериб юбориш йўли билан фойдаланиш ҳуқуқидан келиб чиқади. Пудратчи эса, ўзи олган натижалардан фақатгина ўз эҳтиёжлари учун фойдаланишга ҳақли. Юқоридагилар асосида таъкидлаш лозимки, пудратчи шартнома бўйича иш бажариш

жараёнида ёки бевосита иш бажариб бўлингач яратилиши мумкин бўлган интеллектуал мулк ҳуқуқи объектларига нисбатан муллик ҳуқуқи билан боғлиқ иш натижаларидан фойдаланиш шартларини, шунингдек, шартнома тарафларининг ушбу турдаги объектлардан фойдаланиш шартларини ҳам шартномада тартибга солишга ҳақли.

697-модда. Буюртмачининг мажбуриятлари

Илмий-текшириш, тажриба-конструкторлик ва технология ишлари пудрат шартномаси бўйича буюртмачи:

пудратчига техникавий топшириқ бериши ва у билан ишлар дастурини (техника-иқтисодий параметрларни) ёки мавзусини келишиб олиши;

пудратчига ишларни бажариш учун зарур ахборотни топшириши; бажарилган ишларни қабул қилиб олиши ва уларнинг ҳақини тўлаши шарт.

Шарҳланаётган модда ИТТКТИ шартномаси бўйича буюртмачининг мажбуриятларини белгилаб беради. Пудратчига зарурий ахборотни етказиб бериш нафақат ахборотни (техник вазифани ва ҳ.к.) бир марталик беришни, балки ишни бажаришга таъсир этиши мумкин бўлган янгидан юзага келган ахборотни ҳам узлуксиз бериб туришни қамраб олади.

Бажарилган ишларни топшириш ва қабул қилиш тарафлар имзолаган далолатнома билан расмийлаштирилади. ИТТКТИ шартномасида бажарилган ишни тугагандан кейин ёки ишнинг муайян босқичи якунланиши билан топширилиши назарда тутилиши мумкин.

Буюртмачининг асосий мажбуриятларига қуйидагилар киради: биринчидан, пудратчига техникавий топшириқ бериши ва у билан ишлар дастурини (техника-иқтисодий параметрларни) ёки мавзусини келишиб олиш; иккинчидан, пудратчига ишларни бажариш учун зарур ахборотни топшириш; учинчидан, бажарилган ишларни қабул қилиб олиши ва уларнинг ҳақини тўлаш. Қайд этилганлар асосида таъкидлаш лозимки, пудратчига зарур бўлган ахборот (хусусан, патентга оид, техник, норматив ва ҳ.к.) унга буюртмачи томонидан тарафлар келишган муддат ва иш жадвали бўйича етказилиши керак. Буюртмачи шунингдек,

шартнома тузилгандан кейин унга маълум бўлган ва ишни бажариш шартларига тааллуқли янги маълумотларни ўз вақтида етказиб бериши лозим. Жумладан, ушбу соҳадаги янги техник ютуқлар тўғрисидаги маълумотларни. Буюртмачи бажарилган ишларни (босқичма-босқич ёки тўлиқ тугаши билан) шартномада келишилган тартибда қабул қилиб олиши шарт. Буюртмачининг иш натижаларини олиш учун келмаслигининг оқибатлари ФК 644-моддасида белгилаб қўйилган (ушбу модданинг шарҳига қаранг).

Бажарувчига зарур ахборотни беришни кечиктирганлик учун ва бажарилган иш учун ҳақни ўз вақтида тўламаганлик учун шартномада неустойка белгиланиши мумкин.

Ишни топшириш ва қабул қилиш далолатнома билан расмийлаштирилиб, унда тарафларнинг ваколатли вакиллари имзо қўядилар. Буюртмачи техник ҳужжатларда камчиликни, техник вазифаларда назарда тутилган техник-иқтисодий норматив ва бошқа кўрсаткичлардан чекинишни аниқлаб, ишни қабул қилишдан бош тортса, ҳужжатда зарур қайта ишланишларнинг рўйхати ва уларни амалга ошириш муддати кўрсатилади.

Қабул қилиш-топшириш далолатномаси мазкур ҳолатда буюртмачига бажарувчи томонидан унинг айби билан йўл қўйилган камчиликларни тузатиш тўғрисида даъво қилиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Пудратчи бунда ишни бажаришнинг якуний муддатларини бузганлиги учун (ФК 337-моддаси ва 635-моддаси тўртинчи қисмига қаранг), шунингдек, камчиликларни тузатиш мажбуриятини бузганда — буюртмачига етказилган зарарни шартномада назарда тутилган ҳажмда қоплаш билан боғлиқ жавобгарликдан озод қилмайди. Қайд этиш лозимки, техник вазифа, дастур ва иш режаси одатда шартнома тузишдан олдин ёки уни имзолаш билан бир вақтда келишиб олинади. Шартнома ишларини бажариш вақтида (оралиқ натижаларни баҳолаш, янги ахборотни кириб келиши ва ҳ.к.) унга тарафлар келишуви билан зарур тузатишлар киритиб борилиши мумкин.

Буюртмачи иш учун ҳақ тўлашни шартномада назарда тутилган нархда ва келишилган тартибда, шу жумладан, ишнинг алоҳида босқичлари якунланиши ёки бутун иш тугаши билан амалга ошириши лозим. Иш нархини аниқлаш шартлари юзасидан ФК 636-моддаси қоидалари қўлланилади.

Салбий инфляция оқибатларини баргараф этиш мақсадида узок муддатли шартномаларда иш нархи маълум миқдордаги чет эл валютасига ёки шартли пул бирликлари (қарздорликнинг махсус қоидалари ва ҳ.к.) мутаносиб ҳолда белгиланиши мумкин. Ушбу ҳолатда сўмдаги тўлов тегишли валютанинг ёки шартли пул бирлигининг тўлов амалга оширилатган кундаги расмий курси бўйича амалга оширилади, башарти шартнома ёки қонунда бошқача курс ёки муддат белгиланмаган бўлса (ФК 245-моддаси ва унга шарҳларга қаранг).

ИТТКТИни бажариш бўйича ҳисоб-китоблар билан боғлиқ муносабатларга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.02.2005 йилдаги ПҚ-10-сонли «Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 17.09.2003 йилдаги 404-сонли «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларга солинадиган жарималарни ундириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 24.09.2003 йилдаги 410-сонли «Қурилиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 09.03.2009 йилдаги 59-сонли «Замонавий архитектура-шаҳарсозлик талабларини ҳисобга олган ҳолда аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини ташкил этиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори ҳам татбиқ этилади.

698-модда. Пудратчининг мажбуриятлари

Илмий-текшириш ишлари ёки тажриба-конструкторлик ва технология ишлари пудрат шартномаси бўйича пудратчи:

буюртмачи билан келишилган дастур (техника-иқтисодий параметрлар)га ёки мавзуга мувофиқ ишларни бажариши ва натижасини шартномада назарда тутилган муддатда буюртмачига топшириши; интеллектуал мулкни ҳуқуқий муҳофаза қилиш билан боғлиқ талабларга риоя этиши;

бажарилган ишларда ўзининг айби билан йўл қўйилган, буюртмачининг техникавий топшириғида ёки шартномада назарда тутил-

ган техника-иқтисодий параметрлардан чекинишга олиб келиши мумкин бўлган камчиликларни ўз кучи билан ва ўз ҳисобидан бар-
тараф этиши;

кутилаётган натижаларни олиш мумкин эмаслиги ёки ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланган тақдирда,
бу ҳақда буюртмачини дарҳол хабардор қилиши;

бундай шартномалар асосида топширилган натижаларга учинчи шахсларда алоҳида ҳуқуқлар йўқлиги ҳақида буюртмачига кафолат бериши шарт.

Агар илмий-текшириш ёхуд тажриба-конструкторлик ва техно-
логия ишлари шартномаларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, пудратчи:

ишларни бажариш жараёнида қўлга киритилган илмий-техника-
вий натижаларни буюртмачининг розилигисиз эълон қилмаслиги;

ишларни бажариш жараёнида қўлга киритилган ҳуқуқий муҳофазага лойиқ натижаларни ҳимоя қилиш чораларини кўриши ва бу ҳақда буюртмачини хабардор қилиши;

буюртмачига бажарилган ишларда қўлланилган ҳуқуқий муҳофазага лойиқ илмий-техникавий натижалардан фойдаланиш ҳақидаги махсус лицензияни бериши шарт.

ФК 698-моддаси ИТТКТИ шартномаси бўйича пудратчининг мажбуриятларини белгилайди. Ишни бажариш муддатлари ва уларни бузишнинг ҳуқуқий оқибатлари ФК 635-моддаси билан тартибга солинади.

Ушбу ўринда пудратчининг бундай шартномалар асосида топширилган натижаларга учинчи шахсларда алоҳида ҳуқуқлар йўқлиги ҳақида буюртмачига кафолат бериш мажбуриятига эътибор қаратиш зарур. Ушбу мажбурият шарҳланаётган модда мазмунидан келиб чиқадиган учинчи шахсларга тегишли бўлган интеллектуал фаолиятнинг муҳофаза қилинадиган натижаларидан фойдаланиш заруриятини келишиб олиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритиш мажбуриятидан келиб чиқади.

Бунда кўрсатилган кафолатлар пудратчи томонидан фақатгина маълум давлатларга (давлат) нисбатан ва муайян шартлар асосида берилади. Таъкидлаш лозимки, шарҳланаётган моддада императив шаклда белги-
ланган пудратчи мажбуриятларининг рўйхати тарафлар келишуви билан

қисқартирилиши мумкин эмас, шу билан бирга тарафлар ИТТКТИ шартномаси бўйича пудратчининг қўшимча мажбуриятларини ҳам келишиб олишлари мумкин.

Ушбу модда императив норма сифатида пудратчининг илмий-текшириш ишлари ёки тажриба-конструкторлик ва технология ишлари пудрат шартномаси бўйича мажбуриятларини атрофлича тартибга солади. Пудратчи авваламбор, буюртмачи билан келишилган дастур (техника-иқтисодий параметрлар)га ёки мавзуга мувофиқ ишларни бажариши ва натижасини шартномада назарда тутилган муддатда буюртмачига топширишга ҳамда интеллектуал мулкни ҳуқуқий муҳофаза қилиш билан боғлиқ талабларга риоя этишга мажбур ҳисобланади. Ушбу ҳолатда учинчи шахсларга тегишли бўлган муҳофаза қилинадиган интеллектуал фаолият натижаларига алоҳида эътибор қаратилган. Башарти, интеллектуал мулк объектига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар учинчи шахсларга тегишли бўлса, уни илмий-текшириш ишлари ёки тажриба-конструкторлик ва технология ишлари пудрат шартномаси бўйича қўллашга фақатгина ушбу шахснинг sanoat мулкчилиги ва муаллифлик ҳуқуқи қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолда расмийлаштирилган розилиги асосида амалга оширилиши мумкин.

Пудратчи бажарилган ишларда ўзининг айби билан йўл қўйилган, буюртмачининг техникавий топшириғида ёки шартномада назарда тутилган техника-иқтисодий параметрлардан чекинишга олиб келиши мумкин бўлган камчиликларни ўз кучи билан ва ўз ҳисобидан бартараф этиши лозим. Ишни бажариш муддатлари тўғрисидаги шартлар ва уларни бузиш оқибатларига нисбатан ФК 635-моддаси қўлланилади.

Умумий қоида тарикасида шартномани тасодифан бажара олмаслик таваккалчилиги буюртмачи зиммасида бўлади, пудратчи эса, қутилаётган натижаларни олиш мумкин эмаслиги ёки ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланган тақдирда, бу ҳақда буюртмачини дарҳол хабардор қилиши шарт ҳисобланади.

Шу билан бирга пудратчи зиммасига бундай шартномалар асосида топширилган натижаларга учинчи шахсларда алоҳида ҳуқуқлар йўқлиги ҳақида буюртмачига қафолат бериш мажбурияти ҳам юкланган.

Шарҳланаётган моддада шунингдек, илмий-текшириш ишлари ёки тажриба-конструкторлик ва технология ишлари пудрат шартномаси

бўйича пудратчининг мажбуриятларига оид диспозитив нормалар ҳам мавжуд. Бундай мажбуриятлар сирасига қуйидагилар киради: биринчидан, ишларни бажариш жараёнида қўлга киритилган илмий-техникавий натижаларни буюртмачининг розилигисиз эълон қилмаслиги; иккинчидан, ишларни бажариш жараёнида қўлга киритилган ҳуқуқий муҳофазага лойиқ натижаларни ҳимоя қилиш чораларини кўриши ва бу ҳақда буюртмачини хабардор қилиши; учинчидан, буюртмачига бажарилган ишларда қўлланилган ҳуқуқий муҳофазага лойиқ илмий-техникавий натижалардан фойдаланиш ҳақидаги махсус лицензияни бериши шарт.

699-модда. Илмий-текшириш ишлари шартномасидаги натижаларга эришиб бўлмаслик оқибатлари

Агар илмий-текшириш ишлари жараёнида пудратчига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар оқибатида натижага эришиш мумкин эмаслиги маълум бўлса, буюртмачи шартномада назарда тутилган натижаларга эришиб бўлмаслиги аниқлагунча амалга оширилган ишлар қийматини тўлаши шарт, аммо бу қиймат шартномада кўрсатилган ишлар баҳосининг тегишли қисмидан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Ўз. Р. ФК 699-моддаси илмий-текшириш ишлари шартномасидаги натижаларга эришиб бўлмаслик оқибатларини ва қоида тарикасида ИТИ шартномасини бекор қилишни назарда тутди. Бунда мажбурий шарт — пудратчига боғлиқ бўлмаган ҳолатларнинг бўлишлиги, яъни ИТИ натижаларга эришиб бўлмасликда унинг айбининг йўқлиги ҳисобланади.

Шуни инобатга олиш лозимки шарҳланаётган модда ФК 25-боби (341–352-моддалари) умумий қоидаларида кўзда тутилмаган ҳамда илмий-текшириш ишлари ёки тажриба-конструкторлик ва технология ишлари пудрат шартномаси бўйича пудратчининг айби бўлмаслигидан келиб чикувчи шартномавий муносабатларни тугатишнинг махсус асосларини белгилайди.

Таъкидлаш лозимки, ушбу моддада кўзда тутилган оқибатлар пудратчига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар натижасида келиб чиққан бўлса, буюртмачи шартномада назарда тутилган натижаларга эришиб бўлмаслиги аниқлагунча амалга оширилган ишлар қийматини тўлаши шарт, аммо бу қиймат шартномада кўрсатилган ишлар баҳосининг тегишли қисмидан

ортик бўлмаслиги лозим. Ушбу ҳолатда сўз натижага эришиш мумкин эмаслигига сабаб бўлган пудратчига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар, шунингдек, олдини олиш мумкин бўлмаган ижодий муваффақиятсизликлар оқибатида юз берган салбий натижа ҳақида бормоқда. Демак, бу императив норма кўра буюртмачи шартномада назарда тутилган натижаларга эришиб бўлмаслиги аниқлагунча амалга оширилган ишлар қийматини тўлаши шарт бўлиб, ҳисобланади.

700-модда. Тажриба-конструкторлик ва технолигик ишлари шартномасидаги натижаларга эришиб бўлмаслик оқибатлари

Агар тажриба-конструкторлик ва технолигик ишларни бажариш жараёнида пудратчининг айбисиз ишни бажаришнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги ёки мумкин эмаслиги топилса, пудратчи тоонидан етказилган харажатни буюртмачи тўлаши шарт.

ФК 700-моддаси тажриба-конструкторлик ва технология ишлари шартномасидаги натижаларга эришиб бўлмаслик оқибатларини белгилайди. ТКТИ шартномаси бўйича ишни бажаришнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги ёки мумкин эмаслиги шартномани бекор қилишга сабаб бўлади.

Бунинг учун зарурий шарт бўлиб, пудратчига боғлиқ бўлмаган ҳолатнинг мавжудлиги, яъни ТКТИ шартномаси бўйича ишни бажаришнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги ёки мумкин эмаслигида пудратчининг айбининг мавжуд эмаслиги ҳисобланади. Бунда айбининг йўқлигини исботлаш мажбурияти пудратчининг зиммасида бўлади.

ТКТИ шартномаси бўйича пудратчининг айбисиз ишни бажаришнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги ёки мумкин эмаслиги аниқланса, буюртмачи пудратчи томонидан етказилган харажатни тўлаши шарт (ИТИ шартномаси бўйича таққосланг, ФК 699-моддаси).

ФКнинг 699 ва 700-моддалари ўзаро боғлиқ. Шу боис шарҳланаётган моддаларнинг умумий қоидалари ўхшашдир. Ушбу моддага биноан, тажриба-конструкторлик ва технолигик ишлари шартномасидаги натижаларга эришиб бўлмаслик оқибатларининг бир жиҳатини ҳисобга олиш лозим. Бу мажбуриятни буюртмачининг айби билан бажариб бўлмаслигидир. Масалан, буюртмачи томонидан техник ёки бошқа бошланғич ҳужжатларни

беришда ёки келишишда муайян ҳолатларнинг ҳисобга олинмаганлиги ёки тушириб қолдирилганлиги ҳолатларида ҳам кутилган натижага эришиш мумкин бўлмай қолиши мумкин. Бироқ, ушбу ҳолатларда буюртмачи шарҳланаётган модданинг оқибатларидан фойдаланиш учун тажриба-конструкторлик ва технологик ишларни бажариш шартномасидан келиб чиқувчи мажбуриятларни бажаришнинг мумкин эмаслигида айби йўқлигига ҳавола қилиши кифоя бўлади. Демак, ТКТИ шартномаси бўйича мажбуриятларни бекор қилиш учун асос ишни бажаришнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги ёки мумкин эмаслиги ҳисобланади. Бу ерда ушбу асосларни ҳуқуққа мослигини тан олишнинг умумий талаби — пудратчи айбининг йўқлиги, шартномавий муносабатлар бекор бўлишига сабаб бўлган вазиятнинг объективлиги ҳисобланади. Уларнинг объективлигини исботлаш мажбурияти пудратчи зиммасида бўлади, бироқ, ишни бажаришни тўхтатиш тўғрисидаги қарор буюртмачи билан келишилиши лозим.

Шу шартлар бажарилса, яъни пудратчи шартнома бўйича мажбуриятларни бузмаган бўлса, бу ҳолда пудратчи қарши мажбурият, яъни иш ҳаққини тўлаш мажбурияти билан буюртмачига талаб қўйиши мумкин. Шунини қайд этиш керакки, иш ҳақи, қўйилган мақсадни хал қилиб бўлмаслик ҳақидаги маълумот олинганлиги тасдиқлангандан сўнг, шартнома баҳоси бўйича шу давргача бўлган, бажарилган ишнинг ўша қисми юзасидан тўланади.

Тажриба-конструкторлик ва технологик ишлари шартномаси бўйича буюртмачи пудратчининг барча сарф-харажатларини қоплаши шарт. Ушбу мажбуриятнинг қатъийлиги мулкый оқибатлар ва ишни бажариш имконсизлиги таваккалчилиги буюртмачи зиммасига юклатилганлиги билан изоҳланади.

701-модда. Шартномани бузганлик учун пудратчининг жавобгарлиги

Пудратчи илмий-текшириш ишлари ёхуд тажриба-конструкторлик ва технология ишлари шартномасини умуман ва тегишли даражада бажармаганлиги учун, агар шартноманинг бузилишида ўзининг айби йўқлигини исбот қилмаса, буюртмачи олдида жавобгар бўлади.

Агар шартномада ўзгача тартиб назарда тутилмаган бўлса, буюртмачининг ишлар қиймати доирасида кўрган реал зарарини пудратчи қоплаши шарт.

Ўз. Р ФК 701-моддаси ИТТКТИ шартномасини бузганлик учун пудратчининг жавобгарлиги доирасини белгилайди. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмига мувофиқ, пудратчининг ИТТКТИ шартномаси бўйича жавобгарлиги пудратчининг айби бўлган тақдирда келиб чиқади ва бунда айби йўқлигини исботлаш мажбурияти пудратчининг зиммасига юкланган.

Назаримизда, иш тадбиркорлик фаолияти доирасида амалга оширилаётганда, пудратчининг ИТТКТИ шартномасини бузганлиги учун жавобгарлиги ҳам шартнома унинг айби билан бузилган тақдирда келиб чиқади. ФК 701-моддаси иккинчи қисми пудратчининг ИТТКТИ шартномаси бўйича жавобгарлигини буюртмачининг ишлар қиймати доирасида кўрган реал зарари доираси билан чеклайди. Бирок, ушбу норманинг диспозитив хусусият касб этишини ҳисобга олган ҳолда, ИТТКТИ шартномаси бўйича тарафлар шартномага пудратчи томонидан олинмай қолган фойдани қоплаш бўйича шартни ҳам киритишга ҳақлидирлар.

Мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик асослари ФК 333-моддасида кўзда тутилган. Ушбу нормага мувофиқ, қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавоб беради. Қарздор мажбуриятни лозим даражада бажариш учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма чораларни кўрганлигини исботласа, у айбсиз деб топилади. Айбнинг йўқлиги мажбуриятни бузган шахс томонидан исботланади. ФКнинг ушбу ва бошқа нормалари мажбурий аҳамиятга эга бўлиб, ИТТКТИ шартномасини бажариш бўйича муносабатларга қўлланиш имкониятини истисно этади. Чунки, ИТТКТИ шартномасида жавобгарлик даражаси юқорироқ бўлиб, башарти, қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган шахс мажбуриятни лозим даражада бажаришга енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар

туфайли имкон бўлмаганлигини исботлай олмаса, жавобгар бўлади (ФК 333-моддаси учинчи қисми ва унга шарҳга қаранг).

Пудратчининг жавобгарлиги доирасини белгилашда, башарти шартноманинг бузилиши ҳар иккала тарафнинг мажбуриятларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги туфайли келиб чиқса, буюртмачининг айби ҳисобга олинади (ФК 335-моддаси ва унга шарҳга қаранг).

Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми диспозитив норма бўлиб, ишнинг сифатсиз бажарилиши натижасида буюртмачига етказилган зарар доирасини унинг ишлар қиймати доирасида кўрган реал зарари билан чеклайди. Ушбу ҳолатда «олинмай қолинган фойда» шартномада тўғридан-тўғри кўрсатиб қўйилиши лозим. Ушбу қоида бошқа шартнома мажбуриятларидан (масалан, махфийликни таъминлаш ёки патент билан боғлиқ муносабатлар) келиб чикувчи оқибатларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Агар тарафлар ижрочининг жавобгарлиги шартларини бошқа асосларга кўра белгилаб олмаган бўлсалар, зарар ҳажмини аниқлаш ФКнинг зарарни, шу жумладан, бой берилган фойдани қоплашга оид умумий қоидалари қўлланилади (ФК 14-моддаси ва унга шарҳга қаранг). Буюртмачидан пудратчининг айбини исботлаш талаб қилинмайди. Пудратчи жавобгарликдан озод бўлиш учун ўзининг айби йўқлигини исботлаши лозим.

ФК 701-моддасидаги норма пудратчининг ишда аниқланган камчиликлар юзасидан жавобгарлигини чеклаш тўғрисидаги қоидаларни ўрнатади. Пудратчи фақатгина реал зарар учун жавобгар бўлади, бироқ бой берилган фойда учун жавобгар ҳисобланмайди. Бажарувчининг жавобгарлиги шартнома қиймати, яъни, буюртмачи шартнома бўйича ижрочига тўлаши лозим бўлган миқдор билан чекланади. Шунга мувофиқ, бажарувчининг чекланган жавобгарлиги лозим даражадаги сифатда бажарилмаган ишлар учун татбиқ этилади. Бошқа ҳолларда ФК 701-моддасининг биринчи қисмидаги шартномани бузганлик учун пудратчининг жавобгарлигига оид умумий норма амал қилади. Бироқ, ФК 325-моддасига мувофиқ, тарафлар шартномада зарарни эмас, балки фақат неустойкани ундириб олишни (мутлак неустойка) кўзда тутишлари мумкин (ушбу модданинг шарҳига қаранг).

Таъкидлаш лозимки, шартнома томонларнинг манфаатини ҳимоя қилишнинг кенг тарқалган чораси бўлиб шартномани бекор қилиш ҳисобланади. Бунда манфаатлари бузилган томонлар шартномани бекор қилиш билан бир вақтнинг ўзида, шартноманинг бошқа тараф томонидан жиддий бузилиши аниқланган тақдирда етказилган зарарни қоплаш талаби билан чиқишлари ҳам мумкин. Шартномадан келиб чиқувчи низолар, шу жумладан шартноманинг жиддий бузилиши суд томонидан аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги «Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкий жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги 163-сонли Қарорининг 19-бандига биноан, зарарни қоплаш билан боғлиқ низоларни ҳал этишда судлар шуни назарда тутишлари лозимки, зарарга шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги муносабати билан тарафнинг қилган харажатлари, мол-мулк йўқолиши ёки шикастланиши, шунингдек агар иккинчи тараф шартнома мажбуриятларини бажарганда тараф олиши мумкин бўлган, лекин унинг ололмайд қолган даромадлари, ҳуқуқи бузилган шахснинг ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлари ҳам киради (ФК 14-моддасининг иккинчи қисми). Бундай харажатларнинг зарурийлиги ва уларнинг тахминий миқдори асослантирилган ҳисоб-китоб, товар, иш, хизмат кўрсатишдаги камчиликларни бартараф этиш учун кетадиган харажатлар сметаси (калькуляция) сифатидаги далиллар, мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик даражасини белгиловчи шартнома ва бошқалар билан тасдиқланган бўлиши керак. Ололмайд қолган даромаднинг миқдори (бой берилган фойда), агар мажбурият бажарилганида, кредитор қилиши лозим бўлган оқилона харажатларни ҳисобга олиб аниқланиши шарт. Хусусан, хом ашё ёки бутловчи буюмларни етказиб бермаслик натижасида ололмайд қолган даромад тарзидаги зарарни қоплаш ҳақидаги талаб бўйича бундай даромаднинг миқдори ушбу товарларнинг харидорлари билан тузилган шартномада назарда тутилган тайёр маҳсулотларни сотиш баҳосидан келиб чиққан ҳолда, етказиб берилмаган хом ашё ёки бутловчи буюмлар қиймати, транспорт-тайёрлаш харажатлари ва тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатларни чегириб ташлаш йўли билан аниқланиши зарур. Шартнома мажбуриятини бузганлик

оқибатида етказилган зарарни қоплаш алоҳида даъво талаби асосида кўриб чиқилиши мумкин. Шунингдек, агар мажбуриятни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун неустойка белгиланган бўлса, зарарнинг неустойка билан қопланмаган қисми тўланади.

702-модда. Илмий-текшириш, тажриба-конструкторлик ва технология ишлари пудрат шартномаларини ҳуқуқий тартибга солиш

Илмий-текшириш ишлари ёхуд тажриба-конструкторлик ва технология ишлари шартномалари асосидаги муносабатлар ушбу Кодекс билан бир қаторда, илмий-текшириш, тажриба-конструкторлик ва технология ишлари шартномалари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Шарҳланаётган моддада илмий тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишларда пудрат шартномасини ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари белгиланган.

Ушбу норма ҳаволаки ҳисобланади. Қонун чиқаруви илмий-текшириш ишлари ёхуд тажриба-конструкторлик ва технология ишлари шартномалари бўйича муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг рўйхатини назарда тутаяди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бир қатор масалалар ҳусусан, илмий-текшириш ишлари ёхуд тажриба-конструкторлик ва технология ишлари давлат контракти ФКда тартибга солинмаган. Шу боис, ФКда «Давлат эҳтиёжлари учун пудрат ишлари»ни тартибга солувчи нормаларни мустаҳкамлаш керак. Бундан ташқари «Давлат эҳтиёжлари учун пудрат тўғрисида» Қонун қабул қилиш зарур. Ушбу Қонунда илмий-текшириш ишлари ёхуд тажриба-конструкторлик ва технология ишлари давлат контракти билан боғлиқ бўлган барча масалалар махсус тартибга солиниши керак.

Таъкидлаш жоизки, илмий-текшириш ишлари ёхуд тажриба-конструкторлик ва технология ишларининг натижалари номоддий бойлик бўлиши билан бирга интеллектуал фаолият натижалари ҳам ҳисобланади. Ҳусусан, ФКнинг 97-моддасига мувофиқ, ФК ва бошқа қонунларда белгиланган ҳолларда ва тартибда интеллектуал фаолиятнинг аниқ ифода этилган натижалари ҳамда юридик шахснинг бу натижаларга тенглаштирилган ўзига

хос воситалари, ана шу ишлар ёки хизматларни адо этаётган жисмоний ёки юридик шахснинг маҳсулотлари (фирма номи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва ҳ.к.)га нисбатан фуқаронинг ёки юридик шахснинг мутлақ ҳуқуқи эътироф этилади. Мутлақ ҳуқуқ объекти бўлган интеллектуал фаолият натижалари ва ўзига хос воситаларидан учинчи шахслар ҳуқуқ эгасининг руҳсати билангина фойдаланишлари мумкин. Таъкидлаш лозимки, 1967 йил 14 июнда Стокгольмда қабул қилинган Халқаро интеллектуал мулк ташкилотини (ХИМТ) таъсис этиш (Ўзбекистон ушбу халқаро ташкилотнинг аъзоси ҳисобланади) тўғрисидаги Конвенция интеллектуал мулк ҳуқуқининг объектларини батафсил тартибга солиди (ФК 97-моддаси ва унинг шарҳига қаранг). Шу билан бирга ушбу Конвенция доирасида илмий-текшириш ишлари ёхуд тажриба-конструкторлик ва технология ишлари пудрат шартномасини тартибга солишда унинг «Интеллектуал мулк» деб номланган IV бўлими (59, 60, 61, 62, 63, 64-боблари) қоидалари, уларни ҳуқуқий тартибга солиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кенг қўлланилади (ФК ушбу бўлими шарҳларига қаранг).

25.04.1996 йилги 220–1-сонли «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ, эркин илмий-техникавий зоналар алоҳида ажратилган ҳудудлардан иборат бўлиб, у ерда илмий-ишлаб чиқариш ва ўқув марказлари жамланади ҳамда улар учун илмий ва ишлаб чиқариш имкониятини ривожлантиришга қаратилган махсус ҳуқуқий тартибот ўрнатилади. Эркин илмий-техникавий зоналар юксак технологиялар амал қиладиган зоналар, технопарклар, минтақавий инновация марказлари — технополислар шаклида ташкил этилади.

Бундан ташқари, ҳозирги кунда илмий-текшириш ишлари ёхуд тажриба-конструкторлик ва технология ишлари шартномалари бўйича муносабатлар қуйидаги норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 19 январдаги 31-сонли «Халқаро илмий-техникавий алоқаларни ривожлантиришни, халқаро ва хорижий ташкилотлар ва жамғармалар грантлари бўйича илмий дастурлар ва лойиҳаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Қарори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 августдаги ПҚ-436-сонли «Фан ва технологиялар ривожланишининг мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил

15 июндаги ПҚ-919-сонли «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 28 июнда 1706-рақам билан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Фанлар академиясининг «Инновация илмий-техника дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қўшма қарори ва ҳ.к. шулар жумласидандир.

38-БОБ. ҲАҚ ЭВАЗИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

703-модда. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси

Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича ижрочи буюртмачининг топшириғи билан ашёвий шаклда бўлмаган хизматни бажариш (муайян ҳаракатларни қилиш ёки муайян фаолиятни амалга ошириш), буюртмачи эса бу хизмат учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

Ушбу бобнинг қоидалари алоқа хизмати, тиббиёт, ветеринария, аудиторлик, маслаҳат, ахборот хизматлари, таълим бериш, сайёҳлик хизмати ва бошқа хизматлар кўрсатиш шартномаларига татбиқ этилади. Ушбу Кодекснинг 37, 39, 40, 43, 44, 45, 46, 48, 49 ва 51-бобларида назарда тутилган шартномалар бўйича кўрсатилган хизматлар бундан мустасно.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми Фуқаролик Кодексининг 81-моддасига кўра фуқаролик ҳуқуқининг объектлари ҳисобланган хизматларнинг муомиласини назарда тутди. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича ижрочи буюртмачига ашёвий шаклда бўлмаган хизмат кўрсатади. Натижада ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш ҳеч қандай моддий шакл касб этмайди. Ашёвий шаклнинг мавжуд эмаслиги билан хизматлар пудрат шартномаси асосида амалга ошириладиган ва натижаси моддий шаклга эга бўлган ишлардан фарқ қилади. Шарҳланаётган моддада шунингдек хизмат кўрсатишнинг моҳияти қуйидаги икки шаклда ифодаланади:

а) маълум ҳаракатларни амалга ошириш. Бунда, қоидага кўра бир марталик хусусиятга эга бўлган хизмат кўрсатиш назарда тугилади. Масалан, сартарошлик хизмати муайян ҳаракатларни бир марталик амалга ошириш орқали кўрсатилади.

б) маълум фаолиятни амалга ошириш. Айни вазиятда кўпмарталик ёки узок муддатга мўлжалланган хизмат кўрсатиш назарда тугилади. Масалан, телефон алоқаси хизматини кўрсатиш.

2. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасида тарафлар сифатида буюртмачи ва ижрочи иштирок этади. Буюртмачи — тегишли хизматларни қабул қилувчи шахс, ижрочи эса — хизмат кўрсатувчи шахсдир. Шарҳланаётган модда бирор чекловни назарда тутмаганлиги сабабли, ҳам юридик, ҳам жисмоний шахслар буюртмачи ва ижрочи бўлиши мумкин. Шу билан бирга, қонунчилик айрим хизматларни кўрсатишда чеклашларни назарда тутди. Масалан, телефон алоқаси хизматларини кўрсатувчи юридик шахсда тегишли фаолият лицензияси бўлиши керак. Хизмат кўрсатишнинг лицензия талаб қиладиган турларини фақат махсус фаолият лицензиясига эга бўлган шахсларгина амалга ошира олади. Лицензия талаб қилувчи фаолият турлари рўйхати 2001 йил 12-майдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 222-II-сонли қарори билан тасдиқланган.

3. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида хизматлар ҳисобланган ва 38 боб билан тартибга солинадиган муайян ҳаракат ёки фаолият мазмуни ёритилган. Булар — алоқа хизмати, тиббиёт, ветеринария, аудиторлик, маслаҳат, ахборот хизматлари, таълим бериш, сайёҳлик хизмати. Ушбу рўйхат тўлиқ ҳисобланмайди, чунки хизматлар ўз мазмунига кўра турли хил бўлиши мумкин.

Бундан ташқари 38 боб билан эмас, балки Фуқаролик Кодексининг бошқа боблари билан тартибга солинадиган бир қанча хизмат турлари кўрсатилади. Булар — пудрат (37-боб), Йўловчи, багаж ва юк ташиш (39-боб), транспорт экспедицияси (40-боб), банк омонати (43-боб), банк ҳисобварағи (44-боб), ҳисоб-китоблар (45-боб), топширик (46-боб), воситачилик (48-боб), мол-мулкни ишончли бошқариш (49-боб), омонат сақлаш (51-боб).

704-модда. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини бажариш

Шартномада бошқа кўрсатмалар бўлмаса, ижрочи шартномада назарда тутилган хизмат (хизматлар)ни шахсан ўзи кўрсатиши шарт.

Шарҳланаётган модда ҳақ эвазига хизмат кўрсатишнинг ўзига хос хусусиятини кўрсатади, унга кўра ижрочининг шахсан ўзи шартнома шартларини бажаришининг шартлиги, Фуқаролик Кодексининг 241-моддаси, яъни мажбуриятни бажаришни учинчи шахс зиммасига юклашни назарда

тутувчи умумий қоидадан истисно ҳисобланади. Шарҳланаётган моддага кўра, агар мажбуриятни бажариш учинчи шахс зиммасига юкланиши мумкинлиги шартнома шартларига киритилган бўлса, унда қўлланилиши мумкин.

705-модда. Хизматларга ҳақ тўлаш

Буюртмачи ўзига кўрсатилган хизматлар ҳақини ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасида кўрсатилган муддатларда ва тартибда тўлаши шарт.

Ижрочи ўзи айбдор бўлмагани ҳолда хизматни бажара олмаган тақдирда, буюртмачи ижрочига унинг харажатларини тўлаши шарт, бунда ижрочининг хизмат (хизматлар) кўрсатишдан озод қилиниши муносабати билан олган ёки олиши мумкин бўлган фойдаси чегириб қолинади. Буюртмачининг айби билан хизматни бажариш мумкин бўлмай қолган тақдирда, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, хизматлар баҳоси бутунлай тўланиши керак.

1. Кўрсатилган хизматларга ҳақ тўлаш шартномада кўрсатилган муддат ва тартибда амалга оширилади. Таъкидлаш жоизки, қонунчиликда турли хизматларга ҳақ тўлаш билан боғлиқ маълум нормалар мавжуд. Масалан, мобил алоқа хизматини кўрсатиш Қоидаларининг (№ 1900-сонли 06.02.2009 йилдаги) 44 бандига кўра — мобил алоқа хизмати учун ҳақ тўлаш нақд пулли ва нақд пулсиз, шунингдек аванс ёки ҳисоб-китобнинг кредит шаклида амалга оширилиши мумкин.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми ижрочининг айби бўлмаган ҳолда, шунингдек буюртмачининг айбига кўра мажбуриятни бажариш мумкин бўлмаган ҳолларда хизматга ҳақ тўлаш тартибини белгилаб беради.

Агар бажариб бўлмаслик на ижрочи, на буюртмачи жавоб бермайдиган ҳолатлар бўйича вужудга келган бўлса, унда буюртмачи ижрочига унинг хизмат кўрсатиш учун қилган ҳақиқий харажатларини тўлаши керак. Бунда ижрочининг хизмат кўрсатишдан озод қилиниши муносабати билан олган ёки олиши мумкин бўлган фойдаси бундай харажатлар сирасига кирмайди.

3. Буюртмачининг айби билан хизматни бажариш мумкин бўлмай қолган тақдирда, хизматлар баҳоси бутунлай тўланиши керак. Ушбу қоида диспозитив характерга эга бўлиб, қонун ҳужжатлари ва ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасида бошқача тартиб белгиланиши ҳам мумкин.

706-модда. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини бузганлик учун ижрочининг жавобгарлиги

Ижрочи ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини умуман ёки тегишли даражада бажармаган ҳолларда у келтирилган зарарни буюртмачига батамом тўлаши шарт, лекин бу тўлов шартномада назарда тутилган хизматлар баҳосининг икки бараваридан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш вақтида ижрочи мажбуриятини умуман ёки тегишли даражада бажармаган ҳолларда ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасида ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилгандан кучайтирилган жавобгарлик назарда тутилиши мумкин.

1. Шарҳланаётган модда шартнома шартларини бузганлик учун ижрочининг жавобгарлигини белгилайди. Модданинг биринчи қисми ижрочи жавобгарлигининг максимал миқдорини шартномада назарда тутилган хизматлар баҳосининг икки баравари билан чеклаб қўяди. Шундай қилиб, ижрочи шартномани умуман ёки лозим даражада бажармаган ҳолларда, у келтирилган зарарни буюртмачига батамом тўлаши шарт, лекин бу тўлов шартномада назарда тутилган хизматлар баҳосининг икки бараваридан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида ижрочи сифатида тадбиркор жавобгарлигининг ўзига хос хусусиятлари ёритилган. Унга кўра, агар ижрочи тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш вақтида ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини бузса, шартномага кўра кучайтирилган жавобгарлик назарда тутилиши мумкин, бу шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида аниқлаштирилган. Бизнинг фикримизча бу тадбиркорлик фаолиятининг таваккалчиликка асосланиб амалга оширилиши ва шартнома шартларининг бажармаслиги

оқибатида кўриладиган зарарнинг миқдори катта бўлиши мумкинлиги билан изоҳланади.

707-модда. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини бекор қилиш

Буюртмачи хизматларнинг белгиланган баҳосини батамом тўлаш шарти билан ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини бекор қилишни талаб қилишга ҳақли, шартнома ижрочининг айбли ҳаракатлари туфайли бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно.

Ижрочи шартнома бекор қилиниши туфайли буюртмачига етказилган зарарнинг ҳаммасини тўлаш шарти билангина ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини бекор қилишни талаб қилишга ҳақли, шартнома буюртмачининг айби билан бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно.

1. Шарҳланаётган модда буюртмачи ва ижрочининг шартнома ва унинг шартларини бажаришни рад этиш ҳуқуқи ҳамда у йўл қўйиладиган шартларни белгилайди. Мазкур модданинг қоидалари шартномани бажаришдан бош тортиш, тарафлар томонидан ўз мажбуриятларини бузиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда қўлланилади.

Ушбу модданинг биринчи қисми буюртмачи ижрочига шартномада кўрсатилган хизматларнинг тўлиқ баҳосини тўлаганда, шартномани бекор қилиши ҳуқуқини назарда тутати. Буюртмачи шартномани хизматлар кўрсатилишидан олдин, шунингдек бевосита хизмат кўрсатилаётган вақтда ҳам бекор қилиши мумкин. Бунда шарҳланаётган модда белгиланган баҳони тўлаш жараёнида рад қилиниши мумкинлигини аниқламайди. Бизнинг фикримизча, буюртмачи шартномани хизматлар бошида ёки бажариш вақтида бекор қилишидан қатъий назар, тўлиқ суммасини тўлаши шарт. Масалан, тўлиқ пулини тўлаб бир суткага меҳмонхонага жойлашган шахс у ердан сутканинг хоҳлаган вақтида чиқиб кетиши мумкин.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми ижрочининг шартномани бекор қилиш ҳуқуқини назарда тутати. Ижрочи шартномани бекор қилиши оқибатида буюртмачига етказилган зарарнинг ҳаммасини тўлаш шарти билангина шартномани ижро этишни рад этиши мумкин. Шартнома буюртмачининг айби билан бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно.

Таъкидлаш жоизки, бу қоидаларнинг оммавий шартномаларга нисбатан қўлланилиши мунозарали масала ҳисобланади. Оммавий шартномани тузишда ижрочининг ижродан бош тортмаслиги мажбурий шартноманинг шарти бўлиб ҳисобланади, шунга кўра хизмат кўрсатишдан бош тортган ижрочи буюртмачининг талабига кўра шартномани қайтадан яна тузиши керак.

708-модда. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш

Пудрат тўғрисидаги умумий қоидалар ва маиший пудрат тўғрисидаги қоидалар ушбу бобнинг қоидаларига зид бўлмаса, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасига нисбатан қўлланади.

Шарҳланаётган модда ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасига пудрат ва маиший пудрат тўғрисидаги қоидалар қўлланилишини белгилайди. Пудрат тўғрисидаги ва маиший пудрат тўғрисидаги қоидалар қўлланилишининг шарти, уларнинг Фуқаролик Кодексининг 38 боб қоидаларига мос келишлигидадир. Шунга кўра, моддий натижага эга бўлмаган хизматларга нисбатан, одатда камчиликларни аниқлаш муддатлари (651-модда) тўғрисидаги қоидалар қўлланилмайди, чунки ижрочи мажбурият бажарилгандан кейин (туристик хизмат, меҳмонхона хизматлари) эмас, балки фақат уни амалга ошириш давомида етказилган камчиликлар учун жавобгар бўлиши мумкин. Шунингдек, ёрдамчи пудратчилар жалб этилиши мумкин бўлган пудрат шартномасининг қоидалари хизмат кўрсатиш шартномасига нисбатан татбиқ этилмайди.

39-БОБ. ЙЎЛОВЧИ, БАГАЖ ВА ЮК ТАШИШ

709-модда. Йўловчи, багаж ва юк ташишнинг умумий қоидалари

Йўловчи, багаж ва юк ташиш (қуйида ташиш деб юритилади) ташиш шартномаси асосида амалга оширилади.

Ташишнинг умумий шартлари ушбу Кодекс, транспорт уставлари ва кодекслари, бошқа қонунлар ва уларга мувофиқ чиқарилган қоидалар билан белгиланади.

Транспортнинг айрим турларида йўловчи, багаж ва юк ташиш шартлари, шунингдек тарафларнинг уларни ташиш бўйича жавобгарлиги, агар ушбу Кодексида, транспорт уставлари ва кодексларида, бошқа қонунларда ва уларга мувофиқ чиқарилган қоидаларда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, тарафларнинг келишуви билан белгиланади.

1. Йўловчи, багаж ва юк ташиш хизмат кўрсатиш бўлиб, йўловчиларни, багаж ва юкларни белгиланган манзилгача етказиб беришда ифодаланади. Шарҳланаётган модданинг 1-қисми йўловчи, багаж ва юк ташишни шартнома асосида амалга оширишдан далолат беради.

2. Йўловчи, багаж ва юк ташиш шартномасига мазкур кодекснинг умумий қоидалари татбиқ этилади. Бу ўринда ФК йўловчи, багаж ва юк ташишнинг умумий хусусиятлари ва шартларини белгилайди. Йўловчи, багаж ва юк ташишнинг қўплаб масалалари транспорт уставлари ва кодекслари, бошқа қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Жумладан, бу соҳада Ҳаво кодекси, «Шаҳар йўловчи ташиш транспорти ҳақида»ги, «Темир йўл транспорти ҳақида»ги қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг 23.10.2008 йилдаги 232-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти Устави, Ўзбекистон Республикасининг «Ҳаво йўлларида йўловчилар ва багаж ташишнинг умумий қоидалари» (05.12.2005 йил) 1529-сон билан рўйхатга олинган) авиация қоидалари амал қилади.

3. Шунингдек йўловчи, багаж ва юк ташишга, агарда йўловчи, багаж ва юк ташиш бўйича хизматни олувчилар жисмоний шахслар бўлганда «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақида»ги Қонуннинг қоидалари татбиқ этилади.

4. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисмига кўра йўловчи, багаж ва юк ташиш бўйича шартномаларнинг шартлари, қонунда бошқача тартиб ўрнатилмаган бўлса, айрим транспорт хизматини олувчилар ва ташувчилар ўртасидаги келишув бўйича белгиланади. Ушбу қоида мазкур кодекснинг умумий қисми томонидан белгилаб қўйилган битим тузишнинг умумий **тамойилларига** мувофиқ келади.

710-модда. Йўловчи ташиш шартномаси

Йўловчи ташиш шартномаси бўйича ташувчи йўловчини, йўловчи багаж топширган бўлса — багажни ҳам белгиланган манзилга элтиб бериш ҳамда багажни олишга ваколат берилган шахсга топшириш мажбуриятини олади. Бунда йўловчи белгиланган йўл ҳақини, багаж топширган бўлса, багаж ташиш ҳақини ҳам тўлаш мажбуриятини олади.

Йўловчи ва багаж ташиш шартномаси тузилганлиги тегишли чипта ва багаж паттаси билан тасдиқланади.

Йўловчи тегишли транспорт устави ёки кодексда назарда тутилган тартибда:

ўзи билан болаларни бепул ёки бошқа имтиёзли шартларда олиб юриш;

белгиланган миқдор доирасида ўзи билан бепул багаж олиб юриш;

белгиланган миқдор доирасида бепул, миқдордан ортиқчаси учун эса — тариф бўйича ҳақ тўлаб, ташиш учун багаж топшириш ҳуқуқига эга.

1. Шарҳланаётган модда йўловчини ташиш шартномасининг умумий шартларини белгилайди. Ушбу шартноманинг тарафлари бўлиб ташиш хизматидан фойдаланувчи йўловчи ва ташиш хизматини бажарувчи ташувчи ҳисобланади. Йўловчи ташиш шартномасига кўра ташувчи йўловчини белгиланган манзилга етказиб бориш вазифасини олади. Шунингдек шартномада йўловчининг багажини ушбу шартномани бажариш доирасида элтиб бериш мумкинлиги кўзда тутилади.

2. Йўловчи ташиш шартномаси ёзма шаклда тузилади. Бу ҳолатда шартнома тузилганлиги чипта ва багаж паттаси билан гувоҳлантирилади. Шартноманинг ушбу тури ўз хусусиятига кўра оммавий ҳисобланишини таъкидлаш лозим.

3. Шарҳланаётган модда мазмунидан кўриниб турибдики, йўловчи ташиш пуллик хизмат ҳисобланади. Шунинг билан бирга, қонун томонидан транспортда бепул юриш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхати белгилаб қўйилиши мумкин. Масалан, «Шаҳар йўловчи транспортдан бепул фойдаланишни тартибга солиш ҳақида»ги Қонун билан шаҳар йўловчи транспортда бепул юриш ҳуқуқига эга бўлган йўловчилар рўйхати (тоифаси) белгилаб қўйилган. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Қонун томонидан депутатлар ва сенаторларнинг темир йўл ва ҳаво йўллари транспортда бепул юриш ҳуқуқи белгилаб қўйилган.

4. Шарҳланаётган модданинг 3-қисми йўловчиларнинг ўзи билан болаларни бепул ёки бошқа имтиёзли шартларда олиб юриш ва белгиланган миқдор доирасида ўзи билан бепул багаж олиб юриш ҳуқуқини бевосита белгилаб қўяди. Шу ўринда, багажга нисбатан уни қўлда олиб ўтиш мумкинлиги ёки ташиш учун топшириш белгилаб қўйилган.

Ушбу моддада кўзда тутилган шартлар умумий ҳисобланади ва йўловчи ташиш шартномаси тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тўлиқроқ тартибга солинади (ФК 709-м. шарҳига қаранг). Бундан ташқари, ташувчи йўловчининг багажига нисбатан маълум чеклашлар қўйиши ҳам мумкин. Масалан, ҳаво йўлларида ташишни амалга оширишда ташувчи томонидан багаж ёки қўл юки тариқасида муайян ашёлар қабул қилинмайди.

711-модда. Юк ташиш шартномаси

Юк ташиш шартномаси бўйича юк ташувчи юк жўнатувчи тарафидан ўзига ишониб топширилган юкни белгиланган манзилга етказиб бериш ва уни олишга ваколат берилган шахсга (олувчига) топшириш, юк жўнатувчи эса юкни ташиб берганлик учун белгиланган ҳақни тўлаш мажбуриятини олади.

Юк ташиш шартномаси тузилганлиги тегишли транспорт устави ёки кодексида назарда тутилган ҳужжат (транспорт юкхати, коноса-

мент ёки юкка доир бошқа ҳужжат)ни тузиш ва уни юк жўнатувчига топшириш йўли билан тасдиқланади.

1. Шарҳланаётган модда юк ташиш шартномасининг умумий шартларини аниқлаб беради. Ушбу шартномада юк ташишнинг объекти белгиланган манзилга етказиб берилиши лозим бўлган юк ҳисобланади.

Юк ташиш шартномасида юк ташувчи, жўнатувчи ва олувчилар иштирок этади. Ташувчи бу — юкни белгиланган манзилга етказиб берувчи шахс. Жўнатувчи бу — ташувчининг хизматидан фойдаланган ҳолда юкни юборувчи шахс. Юкни олувчи бу — юкни олишга ваколат берилган шахс.

Мазкур шартнома ҳақ эвазига тузиладиган шартнома ҳисобланади.

2. Шарҳланаётган модданинг 2-қисми шартноманинг тузиш усулини белгилайди. Яъни, ушбу шартноманинг тузилганлиги тегишли ҳужжатнинг тузилганлиги ва тақдим этилганлиги билан тасдиқланади. Ушбу нормада бундай ҳужжат тариқасида транспорт юкхати, коносамент ёки юкка доир бошқа ҳужжат санаб кўрсатилган. Шундай қилиб, мазкур шартнома тури ёзма тарзда тузилади.

Шу билан бирга, таъкидлаш лозимки, агарда юридик шахс ёки хусусий тадбиркорга тегишли юк ташилганда бундай шартнома «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси» тўғрисидаги Қонуннинг 3-моддасига биноан хўжалик шартномаси ҳисобланади ва бундай шартномага тегишли тартибда ушбу қонунда хўжалик шартномаларига белгилаб қўйилган талаблар ҳам қўлланилиши керак. Қайд этилган Қонуннинг 10-моддасига биноан, хўжалик шартномаси ўзида шартнома предметини, етказиб берилаётган товар (иш, хизмат)нинг сони, сифати, ассортиментни, баҳоси, бажариш муддати, ҳисоб-китоб қилиш тартиби, тарафлар мажбурияти, шартнома шартларини бажармаганда ёки лозим даражада бажармаганда тарафларнинг жавобгарлиги, низоларни ҳал қилиш тартиби, тарафларнинг реқвизитлари, қонун томонидан шу турдаги шартномаларга белгилаб қўйилган ёки уларга нисбаган тарафларнинг бири томонининг аризасига биноан шартнома тузилиши мумкин бўлган бошқа муҳим шартларни кўзда тутиши керак. Хўжалик шартномасида тўлов тартибини белгилашда товар (иш, хизмат) қиймати қонунда белгиланган миқдордан кам бўлмаган миқдорда олдиндан тўлаш шартни кўзда тутилиши лозим.

712-модда. Чартер (фрахтлаш) шартномаси

Чартер (фрахтлаш) шартномаси бўйича бир тараф (фрахтчи) иккинчи тарафга (фрахтловчига) ҳақ эвазига бир ёки бир неча транспорт воситаси сиғимининг ҳаммасини ёки бир қисмини йўловчи, багаж ва юк ташиш учун бир марта ёки бир неча марта қатнашга бериш мажбуриятини олади.

Чартер (фрахтлаш) шартномасини тузиш тартиби, унинг шакли ва турлари транспорт уставлари ва кодексларида белгилаб қўйилади.

1. Шарҳланаётган модда чартер шартномаси тушунчасини белгилайди. Ушбу норма мазмунидан англанишинича «чартер шартномаси» ва «фрахтлаш шартномаси» синонимлар ҳисобланади ва бу тушунчалар бир маънода қўлланилади. «Фрахт» термини денгиз ҳуқуқидан олинган ва юк ташиш учун тўловни билдиради.

Чартер шартномаси бир ёки бир неча транспорт воситаларининг сиғимига нисбатан тузилади. Ушбу шартномага биноан фрахтчи фрахтловчига ҳақ тўлаш учун транспорт воситаси сиғимининг юк хонасининг барчаси ёки бир қисмини тақдим этади. Транспорт воситаси сиғимининг тўлиқ қисми бир ёки унинг қисмига мос равишда ҳақ тўланган бўлиши керак.

Тарафларга нисбатан қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқий тартибни тўғри белгилаш учун шартнома предметини аниқ белгилаб олиш керак. Бундан ташқари, шартнома тузилган деб ҳисобланиши учун, энг аввало унинг мавжуд шартлари, шу жумладан, қонун биринчи ўринга қўйган шартноманинг предмети келишиб олинishi зарур.

Юкларни, шунингдек йўловчиларни ташиш учун фойдаланилиши мумкин бўлган транспорт воситасининг ҳажми чартер шартномасининг предмети бўлиб ҳисобланади. Ҳаво, темир йўл транспорти, автомобил транспорти ва бошқалар транспорт воситаси сифатида қатнашиши мумкин.

Фрахтлаш шартномасининг тарафлари бўлиб фрахтчи ва фрахтловчи ҳисобланади. Фрахтловчи сифатида транспорт воситасининг эгаси (унинг мулкдори ёки бошқа ҳуқуқий асосларда транспорт воситаси қарашли бўлган шахс) иштирок этади. Катта партиядagi юкларни ёки йўловчилар гуруҳларини фрахтлаш шартномасида кўзда тутилган, одатда белгиланган ташиш линиялари (йўналишлари)га тўғри келмайдиган маршрут бўйича, ташишдан манфаатдор бўлган юридик ёки жисмоний шахс фрахтловчи

ҳисобланади. Фрахтловчи юкни жўнатувчи ёки қабул қилувчи бўлиши мумкин, аммо, мисол учун, денгиз кемаси товар олди-сотди шартномасига биноан унинг сотувчиси томонидан фрахтланган бўлса, юкни қабул қилувчининг адресига товарни юборишни ҳам ушбу шахс амалга оширган бўлса, фрахтчи ва фрахтловчи бир шахсга тўғри келмасдан, алоҳида шахслар ҳам бўлиши мумкин.

2. Иккинчи қисм ҳаволаки ҳисобланади ва чартер шартномасини тартибга солувчи ҳуқуқий базани кўрсатади.

713-модда. Бир йўналишда ҳар хил транспортда ташиш

Ҳар хил транспортда ягона транспорт ҳужжати асосида йўловчи, багаж ва юк ташилганида (бир йўналишда ҳар хил транспортда ташиш) транспорт ташкилотларининг ўзаро муносабатлари, шунингдек бундай ташишни ташкил қилиш тартиби бир йўналишда ҳар хил (аралаш) транспортда ташишга доир қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли турдаги транспорт ташкилотлари ўртасидаги келишув билан белгиланади.

1. Бир йўналишда ҳар хил транспортда ташиш ташишнинг тури бўлиб, унинг ўзига хос томони қуйидагиларда ифодаланади:

- а) ташишда турли хил транспорт ташувчилари иштирок этади;
- б) ташиш бир транспорт ҳужжати асосида амалга оширилади;

Бу ҳолатда ташувчи транспорт ташкилотларининг ўзаро муносабатлари, шунингдек бундай ташишни ташкил этиш тартиби ташувчилар ўртасида тузилган келишувлар асосида тартибга солинади.

2. Шарҳланаётган моддада ташувчилар ўртасидаги келишувлар бир йўналишда ҳар хил (аралаш) транспортда ташишга доир қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилиши кўрсатилган. Таъкидлаш лозимки, бир йўналишда ҳар хил транспортда ташишга оид нормалар Ҳаво кодексида, «Автомобиль транспорти ҳақида»ги Қонунда, Ўзбекистон Республикасининг темир йўли Уставида (Вазирлар Маҳкамасининг 23.10.2008 й.№ 232 қарори билан тасдиқланган), Автомобил транспортида йўловчиларни ва багажни ташиш қоидалари (Вазирлар Маҳкамасининг 04.11.03 й. № 482 Қарори билан тасдиқланган), Ўзбекистон Республикасининг «Йўловчилар ва багажни ҳавода ташишнинг умумий қоидалари»да (05.12.2005 й.№ 1529 билан рўйхатга олинган) белгилаб қўйилган.

Бир йўналишда ҳар хил транспортда ташиш ташишни бевосита тартибга солувчи алоҳида қонун ёки бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас.

Умумий **тамойилдан** келиб чикиб, бу турдаги ташишга ФК ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар татбиқ этилади. Шунингдек, бир йўналишда ҳар хил транспортда ташишда тегишли транспорт турида ташишни тартибга солувчи уставлар, кодекслар, қоида ва тарифлар нормалари қўлланилади.

714-модда. Умумий фойдаланишдаги транспортда ташиш

Тижорат ташкилоти томонидан амалга ошириладиган ташиш, агар қонун ҳужжатларидан ёки ушбу ташкилотга берилган рухсатномадан (лицензиядан) унинг ҳар қандай фуқаро ёки юридик шахс мурожаатига мувофиқ йўловчи, багаж ва (ёки) юк ташиши шартлиги англашилса, умумий фойдаланишдаги транспортда ташиш деб эътироф этилади.

Умумий фойдаланишдаги транспортда ташиш шартномаси оммавий шартномадир.

1. Шарҳланаётган моддада умумий фойдаланишдаги транспортда ташишнинг тушунчаси белгиланади. Умумий фойдаланишдаги транспортда ташишнинг асосий ўзига хослиги ҳар қандай фуқаронинг ёки юридик шахснинг мурожаати бўйича ташишни амалга ошириш мажбуриятидир. Умумий фойдаланишдаги транспортда ташиш тижорат ташкилотлари томонидан амалга оширилади. Шарҳланаётган модданинг ушбу нормаси бундай ташишнинг нотижорат ташкилотлар томонидан амалга оширилишини истисно этади.

Бундан ташқари, тижорат ташкилотининг ҳар қандай шахснинг мурожаати бўйича ташиш мажбурияти қонун билан ёки ушбу ташкилотга рухсатнома (лицензия) билан ўрнатилган бўлиши керак.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми ушбу шартномани оммавий шартномага киритади. Шунинг билан бирга, умумий фойдаланишдаги транспортда ташиш шартномасига ФК 358 ва 377-моддалари қоидалари, шунингдек истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича қонун татбиқ этилади.

715-модда. Кира ҳақи

Агар қонун ҳужжатларида бошқа ҳол назарда тутилган бўлмаса, йўловчи, багаж ва юк ташиганлик учун тарафлар келишуви билан белгиланган миқдорда ҳақ олинади.

Умумий фойдаланишдаги транспортда йўловчи, багаж ва юк ташиганлик учун олинadиган ҳақ транспорт уставлари ва кодексларида белгиланган тартибда тасдиқланадиган тарифлар асосида жорий этилади.

Ташувчи томонидан юк эгасининг талаби билан бажариладиган ва тарифларда назарда тутилмаган иш ва хизматлар учун тарафларнинг келишувига мувофиқ ҳақ тўланади.

Агар қонун ҳужжатларида, ташиш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ёки у мажбурият моҳиятидан келиб чиқмаса, ташувчи ташиш учун топширилган юкларни ўзига тегишли кира ҳақини ва ташиш бўйича бошқа тўловларни таъминлаш мақсадида ушлаб туриш ҳуқуқига эга.

1. Шарҳланаётган модда ташиш учун ҳақ тўлашга бағишланган ва кира ҳақини аниқлашнинг турли хил тартибини кўзда тутди. Шарҳланаётган модданинг 1-қисми йўловчи, багаж ва юк ташиганлик учун тарафлар келишуви билан белгиланган миқдорда ҳақ олиншини билдиради. Мазкур модданинг иккинчи қисми умумий фойдаланишдаги транспортда ташишга тааллуқли бўлиб, бунда йўловчи, багаж ва юк ташиганлик учун олинadиган ҳақ, транспорт уставлари ва кодексларида белгиланган тартибда тасдиқланган тарифлар асосида белгиланади.

Шу билан бирга, қонунчилик томонидан ушбу қоидалардан муайян тоифадаги шахсларга имтиёзлар ўрнатиш ёки ташишни баҳоли тартибга солиш шаклида ифодаланган истиснолар кўзда тутилиши мумкин.

Маълум бир шахслар ташиш учун ҳақ тўлашдан озод этилиши ёки маълум бир тоифадаги фуқаролар учун имтиёзлар ўрнатилиши мумкин. Масалан, «Шаҳар йўловчилар транспортдан бепул фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида»ги қонуннинг 1-қисмида шаҳар йўловчилар транспортдан (таксидан ташқари) бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар тоифаси белгиланган. Уларга:

1941–1945 йиллардаги уруш қанташчилари жумласидан бўлмиш хабрий хизматчилар;

1941–1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва урушнинг I гуруҳ ногиронига ҳамроҳлик қилувчи шахс;

1941–1945 йиллардаги уруш даврида фронт ортида фидокорона меҳнати ва бенуксон ҳарбий хизмати учун орден ва медалар билан тақдирланган шахслар;

Афғонистон Республикасида ва бошқа мамлакатларнинг ҳудудидаги жанговар ҳаракатларда катнашган собик байналмилалчи жангчилар жумласидан бўлмиш фуқаролар;

ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар ва контраки бўйича оддий аскарлар ҳамда сержантлар таркибидаги ҳарбий хизматчилар; (Ўз Р 22.12.2009 й. ЎРҚ-238-сон Қонуни тахриридаги хатбоши)

Чернобиль АЭС ҳалокати оқибатида нурланиш касаллигига чалинган ва уни бошданкечирган шахслар;

кўзи ожиз ногиронлар ва кўзи ожиз ногиронга ҳамроҳлиқ қилувчи шархслар киритилган.

Шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенаги аъзосининг мақоми тўғрисида»ги қонуннинг 20-моддаси депутатнинг ва сенаторнинг транспортдан фойдаланиш соҳасидаги имтиёзларни белгилайди. Яъни, депутат ва сенатор Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаво, темир йўл, автомобиль йўловчилар транспортида (такси ва шаҳар йўловчилар транспортдан ташқари) бепул юриш ҳуқуқидан фойдаланади.

«Табийий монополиялар тўғрисида»ги қонунга биноан темир йўллар инфратузилмасидан фойдаланиш давлат томонидан баҳовий тартибга солиш тармоғига киради, темир йўл транспортида ташиш тарифлари декларация қилиниши ва Молия вазирлиги томонидан тасдиқланиши керак.

2. Ташувчилар юк эгасининг талаби бўйича ташувчининг мажбурияти доирасига кирмайдиган иш ва хизматларни бажариши мумкин. Тарифда кўзда тутилмаган бундай иш ва хизматлар учун ҳақ тарафларнинг келишуви бўйича тўланади. Темир йўл транспорти томонидан йўловчиларни ташишда бундай хизматларга буфет ва ресторани ташкил этиш киради.

3. Шарҳланаётган модданинг 4-қисми ташишга нисбатан ўзига тегишли кира ҳақини ва ташиш бўйича бошқа тўловларни таъминлаш мақсадида ушлаб туришнинг умумий қоидаларини аниқлаштиради.

Таъкидлаш лозимки, умумий ушлаб қолишдан фарқли ўлароқ, ташишда қонунга ёки шартномага мувофиқ ушлаб қолишга чеклашлар ёхуд бошқа тартиблар ўрнатилиши мумкин (ФК 290–291-моддалари шарҳига қаранг).

716-модда. Транспорт воситаларини бериш, юк ортиш (тушириш)

Ташувчи юк жўнатувчига тегишли юкни ташишга яроқли шай ҳолдаги транспорт воситаларини жўнатувчидан қабул қилинган талабнома (буюртма)да, ташиш шартномасида ёки ташишни ташкил этиш тўғрисидаги шартномада белгиланган муддатда юк ортиш учун бериши шарт.

Берилган транспорт воситалари тегишли юкни ташишга яроқсиз бўлса, юк жўнатувчи бундай транспортни рад этишга ҳақли.

Юк ортиш (тушириш) транспорт ташкилоти ёки жўнатувчи (олувчи) томонидан ташиш шартномасида назарда тутилган тартибда транспорт уставлари, кодекслари ҳамда уларга мувофиқ чиқарилган қоидаларга риоя қилган ҳолда амалга оширилади.

Юк жўнатувчи (олувчи)нинг куч ва воситалари билан амалга ошириладиган юк ортиш (тушириш) ишлари ташиш шартномасида назарда тутилган муддатларда, агар бундай муддатлар транспорт уставлари ва кодексларида ҳамда уларга мувофиқ чиқарилган қоидаларда белгилаб қўйилган бўлмаса, бажарилиши керак.

1. Шарҳланаётган модда ташиш шартномаси бажарилгунга қадар ташувчи юк жўнатувчига транспорт воситасини бериши шартлиги ва тартибини ўрнатади, шунингдек транспорт воситаларини бериш ва юкни ортиш (тушириш) шартларини, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди. Моддада ташувчининг қуйидаги мажбуриятлари кўзда тутилади:

а) ташувчи юк жўнатувчининг талабномаси (буюртмаси)да кўрсатилган муддатда транспорт воситасини беришга мажбур. Бинобарин, юк жўнатувчи ташувчига транспорт воситасини бериш тўғрисидаги талабнома (буюртма)ни барвақтроқ тақдим этиши лозим. Шарҳланаётган моддада талабномани тузишга ва унда кўрсатиладиган маълумотларга нисбатан талаблар қўйилмаган. Талабномада муддатдан ташқари, агар шартномада белгиланмаган бўлмаса, транспорт воситасини бериш жойи ҳам кўрсатилиши керак.

б) тегишли юкни ташишга ярокли шай ҳолдаги транспорт воситаларини жўнатишни таъминлаш. Бу ерда иккита шарт мавжуд: транспорт воситаси соз бўлиши керак; у юкни ташиш учун ярокли бўлиши лозим.

Агарда транспорт воситаси ушбу юқорида кўрсатилган талабларга жавоб бермаса, юк жўнатувчи бундай таранспорт воситасини рад этишга ҳақли.

Ушбу моддада кўзда тутилган мажбуриятларни бажармаганлиги учун ташувчи ва юк жўнатувчининг жавобгарлиги ФК 719-моддасида белгиланган.

2. Юкларни ортиш (тушириш) транспорт ташкилоти ёки жўнатувчи (олувчи) томонидан амалга оширилади. Ортиш (тушириш) тартиби транспорт уставлари, кодекслари ҳамда уларга мувофиқ чиқарилган қоидаларни ҳисобга олган ҳолда шартномага асосан белгиланади. Бу каби шартномаларга фрахтлаш шартномасини, ташишни ташкил этиш тўғрисидаги ва бошқаларни киритиш мумкин.

3. Шарҳланаётган модданинг охирги қисми юкни ортиш (тушириш) жўнатувчининг кучи ва воситалари билан амалга оширилгандаги муддатни белгилайди. Жўнатувчи ташиш шартномасида кўрсатилган муддатларда ортиш (тушириш)ни амалга ошириши керак. Агарда транспорт уставлари, кодекслари ҳамда уларга мувофиқ чиқарилган қоидаларда бошқа муддат белгиланган бўлса, юкни ортиш (тушириш) транспорт уставлари, кодекслари ҳамда уларга мувофиқ чиқарилган қоидаларга мувофиқ бажарилиши лозим.

"Мазкур модда юк ортиш(тушириш)ни ташувчи томонидан амалга оширилиши муддатини аниқ белгиламайди. Фикримизча, ташувчи юкни ортиш (тушириш)ни транспорт уставлари, кодекслари ҳамда уларга мувофиқ чиқарилган қоидаларда муддат кўрсатилмаган бўлса, оқилона муддатда амалга ошириши керак.

717-модда. Йўловчи, багаж ва юкни элтиб қўйиш муддати

Ташувчи йўловчи, багаж ёки юкни белгиланган манзилга транспорт уставлари, кодекслари ёки шартномада назарда тутилган тартибда белгиланган муддатда, бундай муддат бўлмаган тақдирда эса, оқилона муддатда элтиб қўйиши шарт.

1. Йўловчи, багаж ёки юкни манзилга элтиб қўйиш муддати транспорт уставлари, кодекслар ёки шартномада кўзда тутилган тартибда белгиланади. Агар бундай муддат белгиланмаган бўлса, элтиб қўйиш оқилона муддатда амалга оширилиши лозим.

2. Йўловчи ва юкни элтиб қўйиш муддати фаркланиши мумкин. Йўловчиларни элтиб қўйишда муддат жадвалга мувофиқ белгиланади. Аммо, узрли сабаблар бўлганда муддат бошқа вақтга ўтказилиши мумкин. Бундай ҳолатларда ташувчи йўловчи, багаж ва юкнинг кечикиб элтиб қўйилганлиги учун жавобгарликдан озод этилади. Ҳаво кодексининг 117-моддаси йўловчи, багаж ёки юк ташишнинг кечиккани учун ташувчи — агар у кечикишнинг олдини олиш учун барча чораларни кўрганлигини ёки бу чорларни қўришнинг иложи бўлмаганлигини исботлаб бера олмаса — жавобгар бўлишлигини белгилайди.

718-модда. Ташишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича жавобгарлик

Ташишдан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажармаган ёки тегишли суратда бажармаган тақдирда, тарафлар ушбу Кодекста, транспорт уставлари ва кодексларида, шунингдек тарафларнинг келишуввида белгиланган тарзда жавобгар бўладилар.

Транспорт ташкилотларининг йўловчилар ва юк эгалари билан ташувчининг қонунда белгилаб қўйилган жавобгарлигини чеклаш ёки бартараф этиш ҳақидаги келишувлари ҳақиқий эмас.

1. Шарҳланаётган модда ташишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича жавобгарликнинг умумий қоидаларини белгилайди. Мазкур кодекснинг 719–721-моддаларида, транспорт уставлари, кодекслар шунингдек тарафларнинг келишувларида ташувчи жавобгарлигининг келиб чиқиш асослари, унинг ҳажми ва миқдори аниқ белгилаб қўйилган. Масалан, Ҳаво кодексининг 113–118-моддаларида ҳаво транспортида ташишда ташувчининг мажбуриятларининг асоси ва ҳажми белгиланган. Темир йўл транспорти ташкилотининг жавобгарлиги «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги Қонуннинг 26-моддасида кўзда тутилган. Темир йўл транспортида ташиш шарномаси бўйича тарафларнинг жавобгарлиги Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2008 йил 23 октябрда № 232-қарор билан

тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг темир йўли Уставининг IX бобида ҳам белгиланган.

2. Ушбу модданинг 2-қисми ташувчининг қонунда белгилаб қўйилган жавобгарлигини чеклаш ёки бартараф этишга йўл қўймайди. Жавобгарликни чеклаш ёки бартараф этишни кўзда тутувчи ҳар қандай келишув ҳақиқий эмас. Ҳаво транспортида ташишга оид худди шундай норма Ҳаво кодексининг 119-моддасида мавжуд.

719-модда. Ташувчининг транспорт воситаларини бермаганлик, жўнатувчининг эса берилган транспорт воситаларидан фойдаланмаганлик учун жавобгарлиги

Ташувчи юк ташиш учун транспорт воситаларини қабул қилинган талабнома (буюртма)га ёки бошқа ташиш шартномасига мувофиқ бермаганлиги учун, жўнатувчи эса юкни тақдим этмаганлиги ёки берилган транспорт воситаларидан бошқа сабабларга кўра фойдаланмаганлиги учун транспорт уставлари ва кодекслари, шунингдек тарафларнинг келишувлари билан белгиланган тарзда жавобгар бўладилар.

Агар транспорт воситаларини бермаслик ёки ўз вақтида бермаслик, ёхуд транспорт воситаларидан фойдаланмаслик:

енгиб бўлмас куч ёки бошқа стихияли ходисалар, шунингдек ҳарбий ҳаракатлар туфайли;

муайян йўналишларда юк ташиш тегишли транспорт уставини ёки кодексини назарда тутилган тартибда тўхтатиб ёки чеклаб қўйилганлиги туфайли юз берган бўлса, юк ташувчи ва юк жўнатувчи жавобгарликдан озод қилинади.

1. Ушбу модданинг биринчи қисми ташувчининг ҳам, жўнатувчининг ҳам жавобгарлигини ўрнатади.

Ташувчи юк ташиш учун транспорт воситаларини қабул қилинган талабнома (буюртма)га ёки бошқа ташиш шартномасига мувофиқ бермаганлиги учун жавобгарлик келиб чиқади. Ташувчининг транспорт воситасини бериш мажбурияти ушбу Кодекснинг 716-моддасида кўзда тутилган.

Жўнатувчи эса юкни тақдим этмаганлиги ёки берилган транспорт воситаларидан бошқа сабабларга кўра фойдаланмаганлиги учун жавобгар бўлади. Жавобгарликнинг муайян ҳажми транспорт уставлари ва

кодекслари, шунингдек тарафларнинг келишувларига биноан аниқланади. Масалан, Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2008 йил 23 октябрда № 232-қарор билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг темир йўли Уставининг 120-бандига биноан ташиш режасини бажариш учун темир йўл томонидан вагонлар ва контейнерлар бермаганлиги ва юк жўнатувчи томонидан берилган вагонлар ва контейнерлардан фойдаланмаганлиги учун ёки режада кўзда тутилган вагонлар ва контейнерларни олмаганлиги учун қуйидаги миқдорда жарима тўланади:

тонна ва вагонларда ташиш режалаштирилган юклар бўйича — ортилмаган ҳар бир тонна юк учун энг кам иш ҳақининг 0,1 баравари миқдорида; фақат вагонларда ташиш режалаштирилган юклар бўйича — ҳар бир юкланмаган вагон учун энг кам иш ҳақининг 5 баравари миқдорида; контейнерларда ташиладиган юклар бўйича:

ҳар бир 3–5 тонналик юкланмаган контейнер учун — энг кам иш ҳақининг 0,5 баравари миқдорида;

ҳар бир 10, 20 футлик юкланмаган контейнер учун — энг кам иш ҳақининг 2 баравари миқдорида;

ҳар бир 30–40 футлик ва кўп тонналик юкланмаган контейнер учун — энг кам иш ҳақининг 4 баравари миқдорида жарима солинади.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми юк ташувчи ва юк жўнатувчининг жавобгарликдан озод қилиш асосини ўрнатади. Агар транспорт воситаларини бермаслик ёки ўз вақтида бермаслик, ёхуд транспорт воситаларидан фойдаланмаслик, агарда бу: а) энгиб бўлмас куч ёки бошқа стихияли ходисалар, шунингдек ҳарбий ҳаракатлар туфайли; б) муайян йўналишларда юк ташиш тегишли транспорт устави ёки кодексида назарда тутилган тартибда тўхтатиб ёки чеклаб қўйилганлиги туфайли юз берган бўлса, юк ташувчи ва юк жўнатувчи жавобгарликдан озод қилинади.

Энгиб бўлмас куч деганда ушбу ҳолатда фавқулотда ва баргараф қилиб бўлмайдиган ҳолатлар (сув тошқини, ер қимирлаши ва б.к.) тушунилади.

720-модда. Йўловчини жўнатиб юбориш кечиктирилгани учун ташувчининг жавобгарлиги

Йўловчи ташиш учун транспорт воситасини кечиктириб жўнатганлик ёки бундай транспорт воситаси манзилга кечикиб келганлиги учун, шаҳар

ва шаҳар атрофи йўналишларида ташиш бундан мустаном, ташувчи, агар кечикиш енгиб бўлмас куч ёхуд ташувчига боғлиқ бўлмаган бошқа ҳолатлар туфайли юз берганини исбот қилиб бермаса, йўловчига жарима тариқасида неустойка тўлайди. Жарима миқдори ва уни тўлаш тартиби транспорт уставлари ва кодекслари билан белгиланади.

Йўловчига жарима тўлаш ташувчини транспорт воситасини жўнатиш кечикканлиги ёки манзилга кечикиб етиб келганлиги сабабли йўловчи кўрган зарарни унга тўлаш мажбуриятдан озод қилмайди.

Транспорт воситаларини жўнатиш кечикканлиги сабабли йўловчи уларда жўнашдан бош тортган тақдирда, ташувчи йўловчига қира ҳақини ва у қилган бошқа ҳаражатларни қайтариши шарт.

1. Шарҳланаётган модда ташувчи йўловчини юборишни кечиктирганлиги учун жавобгарликни ўрнатади. Ташувчи бундай кечиктирганлик учун йўловчига жарима тариқасида неустойка тўлайди. Аммо, ушбу қоида шаҳар ва шаҳар атрофидаги йўналишларга татбиқ этилмайди. Жаримани тўлаш тартиби ва аниқ миқдори транспорт уставлари ва кодекслари билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳаво йўлларида йўловчилар ва багаж ташишнинг умумий қоидалари» (05.12.2005 йил 1529-сон билан рўйхатга олинган) авиация қоидаларининг 152-қисмига асосан ҳавода ташиганда тайинланган аэропортга йўловчини ва багажни кечиктириб етказганлиги учун жарима ҳар бир кечиктирилган соат учун тарифнинг 1% миқдорига белгиланади.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2008 йил 23 октябрда № 232-қарор билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг темир йўли Уставининг 119-қисмига биноан темир йўлда ташиганда багаж ёки юкни кечиктириб етказганлиги учун темир йўл ҳар бир суткага, тўлиқ бўлмаган суткаларни тўлиқ ҳисоблаб, ташиш суммасидан ҳар бир багажга 5%, аммо ташиш суммасининг 50% дан кўп бўлмаган миқдорда жарима тўлайди.

Йўловчига жарима тўлаш ташувчини транспорт воситасини жўнатиш кечикканлиги ёки манзилга кечикиб етиб келганлиги сабабли йўловчи кўрган зарарни унга тўлаш мажбуриятдан озод қилмайди. Зарарни қоплаш ФК 24-бобидаги қоидаларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим.

2. Мазкур модданинг 3-қисмида транспорт воситаларини жўнатиш кечикканлиги сабабли йўловчи уларда жўнашдан бош тортиш ҳуқуқини

кўзда тутати. Бундай тақдирда, ташувчи йўловчига кира ҳақини ва у қилган бошқа харажатларни қайтариши шарт. Йўловчининг бундай ҳукуки кечикиш муддатидан қатъи назар келиб чиқади.

721-модда. Юк ёки багаж йўқолганлиги, кам чиққанлиги ва уларга шикаст етказилганлиги (бузилганлиги) учун ташувчининг жавобгарлиги

Агар ташувчи юк ёки багажнинг йўқолиши, кам чиқиши ёки шикастланишида (бузилишида) ўзининг айби йўқлигини исбот қилиб бера олмаса, ташиш учун қабул қилиб олган юк ва багаж йўқолганлиги, кам чиққанлиги ёки уларга шикаст етказилганлиги (бузилганлиги) учун жавобгар бўлади.

Юк ёки багажни ташиш вақтида етказилган зарар ташувчи томонидан қуйидаги миқдорда тўланади:

юк ёки багаж йўқолган ёхуд кам чиққан тақдирда — йўқолган ёки кам чиққан юк ёхуд багажнинг қиймати миқдорида;

юк ёки багажга шикаст етказилган (бузилган) тақдирда — унинг қиймати қанча пасайган бўлса, шунча сумма миқдорида, шикастланган (бузилган) юк ёки багажни тиклаш мумкин бўлмаганида эса, унинг қиймати миқдорида;

баҳосини эълон қилган ҳолда ташишга топширилган юк ёки багаж йўқолган тақдирда — юк ёки багажнинг эълон қилинган қиймати миқдорида.

Транспорт ташкилоти реал зарарни тўлаш билан бирга йўқолган, кам чиққан ёки шикастланган (бузилган) юкни ташиш учун олган кира ҳақини, агар у юкнинг баҳосига кирмаса, жўнатувчи (олувчи) га қайтариб беради.

Жўнатувчи ташувчидан юклар йўқолиши, кам чиқиши ёки шикастланиши (бузилиши) туфайли етказилган бошқа зарарни ҳам тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Юк йўқолганлиги, кам чиққанлиги, шикастланганлиги (бузилганлиги) учун бир йўналишда ҳар хил транспортда ташувчилар юк жўнатувчи (юк олувчи) олдида солидар жавобгар бўладилар.

Агар охирги ташувчи юкнинг кечикиб келишида ташувчиларнинг айби йўқлигини исбот қилиб бера олмаса, юкнинг кечикиб келганлиги учун жавобгар бўлади.

1. Ташиш шартномасига биноан ташувчи багажни, юкни бут ҳолда етказиб бериши шарт. Мазкур модда юк ёки багаж йўқолганда, кам чиққанда ёки шикастланганда (бузилганда) ташувчининг жавобгарлиги келиб чиқишини белгилайди. Ташувчи юк ёки багажнинг йўқолиши, кам чиқиши ёки шикастланишида (бузилишида) ўзининг айби йўқлигини исбот қилиб бера олса, жавобгар бўлмайди.

2. Шархланаётган моддада юк ёки багажни таиннн вақтида етказилган зарар учун ташувчи жавобгарлигининг миқдори белгилаб куйилган булиб, юк ёки багажни ташишда келтирилган зарар ташувчи томонидан куйидаги миқдорда ундирилади:

юк ёки багаж йўқолган ёхуд кам чиққан тақдирда — йўқолган ёки кам чиққан юк ёхуд багажнинг қиймати миқдорида;

юк ёки багажга шикаст етказилган (бузилган) тақдирда — унинг қиймати қанча пасайган бўлса, шунча сумма миқдорида, шикастланган (бузилган) юк ёки багажни тиклаш мумкин бўлмаганида эса, унинг қиймати миқдорида;

баҳосини эълон қилган ҳолда ташишга топширилган юк ёки багаж йўқолган тақдирда — юк ёки багажнинг эълон қилинган қиймати миқдорида.

3. Юк ёки багаж қиймати Ўзбекистон Республикаси қўшилган тегишли халқаро конвенциялар принциплари ёки ваколатли давлат органлари томонидан тасдиқланган қоидалар (усуллар) бўйича транспорт ва ташишнинг турларига қараб тайинланган баҳоларда белгиланади.

Багаж йўқолганлиги, кам чиққанлиги ёки унга шикаст етказилганлиги (бузилганлиги) аниқланганда багаж эгаси, ташувчи ёки ҳайдовчининг вакили ва ҳуқуқни ҳимоя қилувчи орган ёки маҳаллий ижроия ҳокимиятларнинг вакили иштирокида икки нусхада баённома тузилади. Ҳужжатда багаж эгасининг фамилияси, исми, отасининг исми, олинган ва берилган жойлар сони, йўқолган нарсанинг номи ёки унга етказилган шикастнинг хусусияти, агарда ҳужжатлаштирилган бўлса багажнинг эълон қилинган қиймати кўрсатилади. Баённоманинг бир нусхаси багажнинг эгасига топширилади.

4. Транспорт ташкилоти зарарни тўлаш билан бир қаторда юк жўнатувчига (юк олувчи)га юк йўқолганлиги, кам чиққанлиги ёки уларга

шикаст етказилганлиги (бузил)ганлиги учун ундирилган ташиш суммасини, агарда бу тўлов юкнинг баҳосига кирмаса, қайтаради.

Жўнатувчи ташувчидан юклар йўқолиши, кам чиқиши ёки шикастланиши (бузилиши) туфайли етказилган бошқа зарарни ҳам тўлашни талаб қилишга ҳақли.

5. Юк йўқолганлиги, кам чиққанлиги, шикастланганлиги (бузилганлиги) учун бир йўналишда ҳар хил транспортда ташувчилар юк жўнатувчи (юк олувчи) олдида солидар жавобгар бўладилар.

Охирги ташувчи юкнинг кечикиб келишида ташувчиларнинг айби йўқлигини исбот қилиб бера олмаса, юкнинг кечикиб келганлиги учун жавобгар бўлади.

722-модда. Ташишни ташкил этиш шартномалари

Ташувчи билан юк эгаси мунтазам ташишни амалга ошириш зарур бўлганда ташишни ташкил этиш ҳақида узоқ муддатли шартномалар тузишлари мумкин.

Юк ташишни ташкил этиш шартномаси бўйича ташувчи шартлашилган ҳажмдаги юкларни белгиланган муддатларда қабул қилиб олиш, юк эгаси эса — топшириш мажбуриятини оладилар. Юк ташишни ташкил этиш шартномасида ташиш учун бериладиган транспорт воситаларининг ва топшириладиган юкларнинг ҳажми, уларни топшириш муддатлари ва бошқа шартлари, ҳисоб-китоб қилиш тартиби, шунингдек ташишни ташкил этишнинг бошқа шартлари белгилаб қўйилади.

1. Шарҳланаётган модда ташиш кўп мартали, мунтазам равишда амалга оширилганда юз берадиган муносабатларни тартибга солиш учун қаратилган. Моддада ташишни узоқ муддатли ташкил этиш мумкинлиги кўзда тутилади. Мунтазам ташиш йўловчиларга ҳам, юкларга ҳам тегишли бўлиши мумкин. Бундай шартнома ташиш шартномасининг ўрнини босолмайди.

2. Мазкур модданинг 2-қисми ташиш шартномасига бағишланган ва унда юкларни ташишни ташкил этиш шартномасининг муҳим шартлари белгиланган бўлиб, унга мувофиқ ташувчи ва юк эгасининг мажбуриятлари доираси, ташиши учун бериладиган транспорт воситалари ҳажми ва уларни

бериш муддати, юкларнинг ҳажми ва уларни тақдим қилиш муддати, ҳисоб-китоб қилиш тартиби ва ташишнинг бошқа шартлари белгиланади.

Ташиш шартномасига нисбатан ФК томонидан ўрнатилган мажбуриятлар тўғрисидаги умумий қоидалар татбиқ этилади.

Ўзбекистон Республикасининг темир йўл Устави ва Ҳаво кодексига бундай шартнома кўзда тутилмаган.

723-модда. Транспорт ташкилотлари ўртасидаги шартномалар

Ҳар хил транспорт ташкилотлари ўртасида юк ташишни таъминлашга қаратилган ишларни ташкил этиш ҳақида шартномалар (асосий келишувлар, юкларни марказлаштирилган тартибда ташиб келтириш (ташиб кетиш) шартномалари ва бошқалар) тузилиши мумкин. Бундай шартномаларни тузиш тартиби транспорт уставлари ва кодекслари, бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

1. Юкларни ташиш бўйича мажбуриятларни бажаришни таъминлаш мақсадида турли хил транспорт ташкилотлари юкни ташишни таъминлаш бўйича шартнома тузадилар.

Шарҳланаётган моддада транспорт ташкилотлари ўртасида энг кўп учрайдиган шартнома турлари санаб ўтилган. Ушбу шарномаларга асосий келишувлар, юкларни марказлаштирилган тартибда ташиб келтириш (ташиб кетиш) шартномалари ва бошқалар киради.

Мазкур моддада кўзда тутилган шартномалар тўғридан-тўғри аралаш ташишни ташкиллаштиришда тузиладиган келишувлардан фарқ қилади.

2. Транспорт ташкилотлари ўртасидаги шартномалар турли транспорт ва бошқа хизмат турларини кўзда тутиши мумкин. Бундай шартномалар ташиш шартномаси ҳисоланмайди.

Бундай шартномаларни тузиш, мазмуни ва уларни бажариш тартиби транспорт уставлари ва кодекслари, бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

724-модда. Юк ташишга нисбатан талаб ва даъволар

Ташувчига нисбатан юк ташишдан келиб чиқадиган даъвони қўзғатишдан олдин унга тегишли транспорт устави ёки кодексига назарда тутилган тартибда талаб қўйилган бўлиши шарт.

Агар юк ташувчи талабни қондиришни тўлиқ ёки қисман рад этса ёки ўттиз кунлик муддат ичида талабга жавоб қайтармаса, юк жўнатувчи ёки юк олувчи ташувчига нисбатан даъво қўзғатиши мумкин.

Юк ташишдан келиб чиқадиган талаблар бўйича даъво қўзғатиш муддати ушбу Кодекснинг 154-моддасига мувофиқ белгиланадиган пайтдан бошлаб бир йил қилиб белгиланади.

Ушбу модданинг қоидалари йўловчи ёки багаж ташишдан келиб чиқадиган талабларга тааллуқли эмас.

1. Шарҳланаётган модда ташувчини юкларни ташишда жавобгарликка тортишнинг ўзига хослигини белгилайди. Бу ўзига хослик юкларни ташишни бошқа турдаги ташишлардан фарқлайди.

Фуқаролик кодексининг умумий қоидаларига кўра шартнома шартлари бузилганда жавобгарлик юзага келади. Қоидага биноан, жабрланган тараф бошқа тарафга келтирилган зарарни қоплаш тўғрисида талаб қўйиш ёки судга тегишли даъво билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Мазкур модданинг 1-қисми юкларни ташиш бўйича даъво қўзғатишдан олдин талабнома юборилган бўлиши шартлигини белгилайди. Ушбу қоида бузган ҳолда судга тўғридан-тўғри даъво билан чиқиш Хўжалик-процессуал кодексининг 86-моддаси талабига биноан ишни юритишни тугатишга олиб келиши мумкин.

Ташувчига талаб қўйиш тартиби тегишли транспорт устави ёки кодекс билан белгиланади. Талаб қўйишга оид тегишли нормалар ҳавода ташиш бўйича Ҳаво кодексининг 122–129-моддаларида, темир йўлда ташиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 23.10.2008 йилдаги 232-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти Уставининг 147–154-қисмларида кўзда тутилган.

2. Ушбу модданинг 2-қисмига биноан ташувчига даъво қўйидагилар томондан қўзғатилиши мумкин:

- а) юк жўнатувчи томонидан;
- б) юк олувчи томонидан.

Ташувчи томонидан талабни қондириш тўлиқ ёки қисман рад қилиниши ёки ташувчидан ўттиз кун ичида жавоб олинмаганлиги даъво қўзғатиш учун асос бўлади.

3. Шарҳланаётган моддада юк ташишдан келиб чиқадиган талаблар бўйича аниқ даъво муддати белгиланган бўлиб, уч йиллик умумий

талабдан фарқ қилади, яъни ФК 154-моддасига биноан белгиланадиган пайтдан бошлаб даъво муддати бир йилни ташкил этади.

Мазкур моддада томонидан ўрнатилган қоида фақат юкларни ташишга дахлдор бўлиб, йўловчи ва багажни ташишга татбиқ этилмайди.

725-модда. Йўловчининг ҳаёти ёки соғлиғига шикаст етказилганлиги учун ташувчининг жавобгарлиги

Йўловчининг ҳаёти ёки соғлиғига шикаст етказилганлиги учун ташувчининг жавобгарлиги, агар қонунда ёки шартномада кучайтирилган жавобгарлик назарда тутилган бўлмаса, ушбу Кодекснинг 57-боби қоидалари бўйича белгиланади.

Ташиш пайтида йўловчининг ҳаёти ва соғлиғига шикаст етказилганлиги ташувчининг жавобгарлигини келтириб чиқаради. Шартнома йўловчи ва ташувчи ўртасида тузилса-да, йўловчининг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зиён деликтни, яъни зиён етказилишидан келиб чиқадиган зарарни тартибга солувчи ФК 57-боби тартибида ундирилади.

Ушбу қоида транспортдан фойдаланиш атрофдагилар учун оширилган хавф манбаи бўлганлиги сабабли ташувчига нисбатан қатъийроқ мажбурият ўрнатилганлигини билдиради.

Агарда қонунда ёки шартномада ташувчига нисбатан кучайтирилган жавобгарлик кўзда тутилган бўлса, ушбу қонун ёки шартноманинг қоидалари татбиқ этилади.

Халқаро ташувларда ташувчининг мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси ва тегишли хорижий мамлакат иштирокчиси ҳисобланган халқаро шартномалар билан белгиланади.

40-БОБ. ТРАНСПОРТ ЭКСПЕДИЦИЯСИ

726-модда. Транспорт экспедицияси шартномаси

Транспорт экспедицияси шартномаси бўйича экспедитор ҳақ эвазига ва мижоз (юк жўнатувчи ёки юк олувчи) ҳисобидан экспедиция шартномасида белгиланган юк ташиш билан боғлиқ хизматларни бажариш ёки бажаришни ташкил этиш мажбуриятини олади.

Транспорт экспедицияси шартномасида экспедиторнинг экспедитор ёки мижоз танлаган транспортда ва йўналишда юк ташишни ташкил этиш мажбурияти, мижоз ёки ўзининг номидан юк ташиш шартномаси (шартномалари)ни тузиш, юкнинг жўнатилишини ва олиншини таъминлаш мажбурияти, шунингдек ташиш билан боғлиқ бошқа мажбуриятлари назарда тутилиши мумкин.

Қўшимча хизматлар сифатида транспорт экспедицияси шартномасида экспорт ёки импорт учун талаб қилинадиган ҳужжатларни олиш, божхона расмийчиликлари ёки ўзга расмийчиликларни бажариш, юкнинг миқдорини ва ҳолатини текшириш, уни ортиш ва тушириш, мижоз зиммасига юклатиладиган божлар, йиғимлар ва бошқа ҳаражатларни тўлаш, юкни сақлаш, уни белгиланган манзилда олиш каби юкни етказиб бериш учун зарур бўлган ҳаракатларни амалга ошириш, шунингдек шартномада белгиланган бошқа операциялар ва хизматларни бажариш назарда тутилган бўлиши мумкин.

Ушбу бобнинг қоидалари транспорт экспедицияси шартномасига мувофиқ экспедиторнинг мажбуриятларини ташувчи бажарган ҳолларга ҳам тааллуқлидир.

Транспорт экспедицияси шартномасини бажариш шартлари, агар транспорт-экспедиция фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, тарафларнинг келишуви билан аниқланади.

1. Шарҳланаётган моддада транспорт экспедицияси тушунчаси ва шартноманинг асосий шартлари белгиланади. Юкларни ташишга оид хизматларни

бажариш ёки бажаришни ташкил этиш билан боғлиқ фаолият транспорт экспедицияси шартномасининг предмети ҳисобланади. Қайд этилган шартномага асосан экспедитор мижоз юк ташиш билан боғлиқ хизматларни бажариш ёки бажаришни ташкил этиш мажбуриятини олади. Транспорт экспедициясининг мазмуни юк жўнагувчини (юк олувчини) унинг ихтисослигига хос бўлмаган юк ташишни ташкил этиш ва таъминлаш мажбуриятларидан озод этишдан иборат. Экспедиторнинг мижози юк жўнагувчи ёки юк олувчи бўлиши мумкин. Транспорт экспедицияси мазмунига кўра ташиш билан боғлиқ бўлса-да, ҳақ эвазига хизмат кўрсатишнинг бир тури ҳисобланади.

Мазкур шартнома ҳақ эвазига амалга оширилади.

2. Транспорт экспедицияси шартномаси бўйича хизматларни асосий, яъни юкларни ташишни ташкил этиш билан бевосита боғлиқ бўлган ва кўшимча хизматларга бўлиш мумкин.

Ушбу модданинг 2-қисмида экспедиторнинг экспедитор ёки мижоз танлаган транспортда ва йўналишда юк ташишни ташкил этиш мажбурияти, мижоз ёки ўзининг номидан юк ташиш шартномасини тузиш, юкнинг жўнатилишини ва олинишини таъминлаш мажбурияти каби баъзи асосий хизматлар санаб ўтилган. Шартномада экспедиторнинг ташиш билан боғлиқ бошқа мажбуриятлари ҳам кўзда тутилиши мумкин.

3. Экспедитор транспорт экспедицияси шартномаси бўйича экспорт ёки импорт учун талаб қилинадиган ҳужжатларни олиш, божхона расмиятчиликларини бажариш, юкнинг миқдорини ва ҳолатини текшириш, уни ортиш ва тушириш, мижоз зиммасига юклатиладиган божлар, йиғимлар ва бошқа харажатларни тўлаш, юкни сақлаш каби кўшимча хизматларни кўрсатиш мумкин. Шунингдек юкни етказиб бериш билан боғлиқ бошқа хизматларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Транспорт экспедицияси шартномасини бажариш шартлари тарафларнинг келишуви билан белгиланади. Транспорт-экспедицияси фаолияти тўғрисидаги қонунчилик билан бошқача шартлар ҳам ўрнатилиши мумкин.

727-модда. Шартноманинг шакли

Транспорт экспедицияси шартномаси ёзма шаклда тузилади.

Агар экспедиторнинг ўз мажбуриятларини бажариши учун ишончнома зарур бўлса, мижоз уни бериши шарт.

1. Шарҳланаётган модда транспорт экспедицияси шартномаси шаклига бағишланган. Мазкур шартнома ёзма шаклда тузилади. Ёзма шаклга риоя қилмаслик ушбу Кодекснинг 109-моддасида кўзда тутилган оқибатларга олиб келиши мумкин. Унга кўра шартноманинг ёзма шаклига риоя қилмаслик шартноманинг бекор бўлишига олиб келмайди, бироқ низо чиққан тақдирда тарафларни битимнинг тузилганлигини, мазмунини ёки бажарилганлигини гувоҳларнинг кўрсатувлари билан тасдиқлаш ҳукукидан маҳрум қилади.

2. Агар транспорт экспедицияси шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бажариш учун экспедиторга ишончнома керак бўлса, мижоз ишончнома бериши лозим. Ишончнома ФК 134–139-моддаларига биноан берилади.

728-модда. Транспорт экспедицияси шартномаси бўйича экспедиторнинг жавобгарлиги

Транспорт экспедицияси шартномаси бўйича мажбуриятларни бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги учун экспедитор ушбу Кодекс 24-бобининг қоидаларига мувофиқ белгила-надиган асосларда ва миқдорда жавобгар бўлади.

Агар экспедитор мажбуриятнинг бузилиши ташиш шартномалари тегишли равишда бажарилмаганлиги туфайли келиб чиққанини исботласа, экспедиторнинг мижоз олдидаги жавобгарлиги тегишли ташувчи экспедитор олдида жавобгар бўладиган қоидаларга мувофиқ белгиланади.

1. Экспедиторнинг шартнома бўйича жавобгарлиги ФК 24-бобининг қоидаларига мувофиқ, яъни мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарликнинг умумий асослари бўйича белгиланади. Экспедитор шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун мижозга зарарни тўлаши шарт. Шунингдек мижоз экспедитордан қонунда ёки шартномада кўзда тутилган неустойкани тўлашни талаб қилиши мумкин.

Экспедиторнинг фаолияти тадбиркорлик бўлганлиги сабабли, унинг экспедиция шартномаси бўйича мажбуриятларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарлиги, агар у мажбуриятни енгиб бўлмас куч, яъни фавкулотда ва баргараф қилиб бўлмайдиган

ҳолатлар натижасида бўлганлигини исботлай олмаса, айбидан қатъи назар келиб чиқади.

2. Ушбу модданинг 2-қисмида экспедиторнинг жавобгарлиги чекланадиган алоҳида ҳолат кўзда тутилган. Агар экспедитор томонидан мажбуриятнинг бажарилмаганлиги ташиш шартномалари тегишли равишда бажарилмаганлиги туфайли келиб чиққан бўлса, экспедиторнинг жавобгарлиги тегишли ташувчи экспедитор олдида жавобгар бўладиган қоидаларга мувофиқ белгиланади.

729-модда. Экспедиторга бериладиган ҳужжатлар ва бошқа ахборот

Мижоз экспедиторга ҳужжатлар ҳамда юкнинг хоссалари, уни ташиш шартлари тўғрисидаги бошқа ахборотни, шунингдек экспедитор транспорт экспедицияси шартномасида назарда тутилган вазибаларни бажариши учун зарур бўлган бошқа ахборотни бериши шарт.

Экспедитор олинган ахборотдаги аниқланган камчиликлар ҳақида миждан хабар қилиши, ахборот тўлиқ бўлмаганида эса, миждан зарур қўшимча маълумотларни талаб қилиб олиши шарт.

Мижоз зарур ахборотни тақдим этмаган тақдирда, экспедитор бундай ахборот тақдим этилгунга қадар тегишли мажбуриятларни ижро этишга киришмасликка ҳақли.

Мижоз ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ахборотни тақдим этиш мажбуриятини бузганлиги муносабати билан экспедиторга етказилган зарар учун жавобгар бўлади.

1. Шарҳланаётган моддада мижданинг экспедитор олдидаги шартномани бажариш учун зарур ҳужжатлар ва ахборотни тақдим қилиш бўйича мажбуриятлари белгиланган.

Мижоз экспедиторга ҳужжатлар ҳамда юкнинг хоссалари, уни ташиш шартлари тўғрисидаги бошқа ахборотни, шунингдек экспедитор транспорт экспедицияси шартномасида назарда тутилган вазибаларни бажариши учун зарур бўлган бошқа ахборотни бериши шарт. Бу ерда юкнинг сифат хусусиятлари, унинг белгилари, уни ташиш шартлари эътиборга олинади. Бундай ахборот экспедитор учун асосий хизматлардан ташқари юкни сақлаш, божхона текширувидан ўтиш ва б.қ. қўшимча хизматларни амалга

оширганда алоҳида аҳамият касб этади. Бундай ахборотнинг мазмуни ва шакли транспорт экспедицияси шартномасида белгиланади.

2. Ушбу модданинг 2-қисми экспедиторнинг ахборотни текшириш ва камчиликлар аниқланган тақдирда мижозга хабар қилиш мажбуриятини кўзда тутаяди. Агар олинган ахборот тўлиқ бўлмаганида, экспедитор мижоздан зарур қўшимча маълумотларни талаб қилиб олиши шарт. Ушбу моддада ахборот тақдим этиш муддати кўрсатилмаган, шундай экан, муддат тарафларнинг келишуви билан белгиланиши лозим. Ҳар қандай ҳолатда ҳам экспедитор виждонли ҳаракат қилиши ва шартномани лозим даражада бажариш учун оқилона муддатларга риоя қилиши керак.

3. Мазкур модданинг 3-қисмида экспедиторнинг, мижоз зарур ахборотни тақдим этмаган тақдирда, ўз мажбуриятларини ижро этишга киришмаслик ҳуқуқи ўрнатилган. Бу ўринда мижоз томонидан тўлиқ бўлмаган ёки нотўғри ахборотни тақдим этганлик, ёки бўлмаса ўз вақтида тақдим этмаганлик ҳам зарур ахборотни тақдим этмаганлик каби қаралади.

4. Шарҳланаётган модданинг охириги қисми мижознинг ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ахборотни тақдим этиш мажбуриятини бузганлиги муносабати билан экспедиторга етказилган зарар учун жавобгарлиги белгиланган.

730-модда. Учинчи шахснинг экспедитор мажбуриятини бажариши

Агар транспорт экспедицияси шартномасидан экспедиторнинг ўз мажбуриятларини шахсан бажариши шартлиги келиб чиқмаса, экспедитор ўз мажбуриятларини бажаришга бошқа шахсларни жалб қилишга ҳақли.

Мажбуриятни бажаришни учинчи шахс зиммасига юклаш экспедиторни транспорт экспедицияси шартномасининг бажарилиши учун мижоз олдидаги жавобгарликдан озод қилмайди.

1. Ушбу шарҳланаётган модда транспорт экспедицияси шартномаси (ёки шартноманинг қисми) учинчи шахс томонидан бажарилиши мумкинлигининг умумий қоидаларини (ФК 241-м.) аниқлаштиради. Экспедитор агар шартномада ўз мажбуриятларини шахсан бажариши шартлиги келиб чиқмаса, шартномани бажаришга учинчи шахсларни жалб қилишга ҳақли.

2. Экспедиторнинг мажбуриятларини бажаришга учинчи шахсни жалб қилишлик экспедиторни мижоз олдида жавобгарлигидан озод қилмайди, чунки транспорт экспедицияси шартномасининг бажарилиши учун мижоз олдида экспедитор жавобгар бўлиб қолади.

731-модда. Экспедиция шартномасидан бош тортиш

Мижоз ёки экспедитор ўн кун олдин бошқа тарафни огоҳлантириб, транспорт экспедицияси шартномасини бажаришдан бош тортишга ҳақли.

Транспорт экспедицияси шартномасини бажаришдан бир томонлама бош тортилганида, бу ҳақда маълум қилган тараф шартноманинг бекор қилиниши туфайли кўрилган зарарни иккинчи тарафга тўлайди.

1. Шарҳланаётган модда транспорт экспедицияси шартномасидан, мажбуриятни бажаришдан бир томонлама бош тортишга йўл қўйилмаслиги (ФК 237-модда) ҳақидаги умумий қоидадан истисно тариқасида, бир томонлама бош тортиш имкониятини кўзда тутлади. Бунинг устига бош тортиш шартнома тарафи томонидан сабабини эълон қилмасдан амалга оширилиши мумкин.

Ушбу модданинг 1-қисми мижоз ёки экспедитор ўн кун олдин бошқа тарафни огоҳлантириб, транспорт экспедицияси шартномасини бажаришдан бош тортишга ҳақлилигини белгилайди.

Шартномадан бир томонлама бош тортилса, шартнома бекор қилинган ҳисобланади.

2. Шартномани бажаришдан бир томонлама бош тортган тараф, шартноманинг бекор қилиниши туфайли кўрилган зарарни иккинчи тарафга тўлайди.

41-БОБ. ҚАРЗ ВА КРЕДИТ

1-§. ҚАРЗ

732-модда. Қарз шартномаси

Қарз шартномаси бўйича бир тараф (қарз берувчи) иккинчи тарафга (қарз олувчига) пул ёки турга хос аломатлари билан белги-ланган бошқа ашёларни мулк қилиб беради, қарз олувчи эса қарз берувчига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб, ўшанча суммадаги пулни ёки қарзга олинган ашёларнинг хили, сифати ва миқдорига барабар ашёларни (қарз суммасини) қайтариб бериш мажбуриятини олади.

Қарз шартномаси пул ёки ашёлар топширилган пайдан бошлаб тузилган ҳисобланади.

1. Қарз шартномаси фақат пул суммаси ёки ашёлар топширилган пайдан бошлаб кучга кирадиган ва шу пайдан тегишли мажбуриятлар келиб чиқадиган анъанавий реал шартнома ҳисобланади. Бу шартнома фақат кўрсатилган ҳолатдан бошлаб тузилган ҳисобланиши мазкур модданинг қоидасидан бевосита келиб чиқади. Бу қоидага биноан қарз берувчини қарз беришга мажбур қилиш мумкин эмас, чунки қарзни беришга ваъда беришлик ҳуқуқий кучга эга бўлмайди.

2. Қарзнинг предмети пул ҳам, шунингдек алоҳида белгиси (масалан, ғалланинг таниқли сорти ёки қайсидир маркадаги металлнинг шартномада белгиланган миқдори)га қараб эмас, балки турга хос аломатларига қараб аниқланадиган кўчар мулклар ҳам бўлиши мумкин. Бинобарин, қарз предмети ҳисобланган мулк қарз олувчининг мулкига айланади ва қарз берувчининг мулки объекти бўлмай қолади. Шу сабабли қарз берувчи ўша қарзга берилган ашёларни эмас, балки уларнинг хили, сифати ва миқдорига барабар шундай ашёларнинг қайтариб берилишини талаб қилишга ҳақли. Чунки қарз олувчи ушбу ашёлардан ўз мақсадида, кўп ҳолларда уларни ўзининг худди шундай ашёлари билан аралаштирган

ҳолда фойдаланади. Айнан ўша пул купьюраси ёки ўша ашёни қайтариш мумкин эмаслиги табиий, аксинча бўлганда, қарз олувчи улардан ўз мақсадида фойдалана олмаган бўларди. Шунинг учун ўзининг шахсий ва қарзга олинган мулк (ашё)ни фарқлаш фақат ҳисобот (бухгалтерия) мақсадларида, жумладан, хўжалик юритувчи субъект соф активлари (суммаси, қиймати) миқдорини аниқлаган ҳолда олиб борилиши мумкин. Қарзга олинган нарсаларнинг мулкдори бўлиб қарз олувчи ҳисобланади, қарз берувчида эса фақат қарз шартномасига (мажбуриятга) асосланган тегишли талаб қилиш ҳуқуқи мавжуд.

Қарзнинг предмети оборотнинг айрим иштирокчиларигагина тегишли ёки муомилада бўлиши махсус рухсат бўйича йўл кўйилиши мумкин бўлган ашёлар бўлса, агарда қарз олувчи бундай иштирокчилар қаторига кирмаса ёки бундай рухсатга эга бўлмаса, қарз шартномасини тузиш мумкин эмас.

Бунга хорижий валюта ва валюта қимматликларидаги қарз битими энг ёрқин мисол бўла олади. Улар қонунда кўзда тутилган тартиб ва ҳолатлардагина амалга оширилиши мумкин.

Шунинг билан бирга қонун олинган қарзни катъий белгиланган мақсадда фойдаланишнинг аниқ шартларини ўрнатувчи аниқ мақсадли қарз шартномаси тузишга йўл беради (ФК 739-м.). Бу ҳолатда шартномада олинган мулкнинг аниқ мақсадли фойдаланиши устидан қарз берувчи томонидан назорат олиб бориш чоралари белгиланиши мумкин, назорат қилишга тўсқинлик қилиш (ёхуд қарзнинг аниқ мақсадли шarti бузилган бўлса) қарз берувчида қарз суммасини тегишли бўлган фоизлари билан муддатидан олдин қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқи келиб чиқади.

3. Қарз шартномасининг тарафлари ҳар қандай шахс, шу жумладан фуқаролар ва нотижорат ташкилотлари бўлиши мумкин. Бу ўринда гап фоизли бўлса-да, айнан қарз шартномаси ҳақида бормоқда, лекин кредит битимлари тўғрисида эмас. Мулкдор томонидан молиялаштирилдиган ташкилотлар қарз берувчи вазифасида бўлолмайди. Чунки уларнинг оператив бошқарув ҳуқуқи мазмунига мулкдорнинг мулкани тасарруф этиш имконияти кирмайди. Одатда давлат органлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари бундай ташкилотлар (агар фақат қонун тўғридан тўғри уларга тегишли оммавий-ҳуқуқий тузилма номидан мулкий муомалада иштирок этишга рухсат этмаган бўлса) бўлиши мумкин эмас.

733-модда. Қарз шартномасининг шакли

Фуқаролар ўртасида қарз шартномаси, агар бу қарзнинг суммаси энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ бўлса, оддий ёзма шаклда тузилиши шарт, шартномадаги тарафлардан бири юридик шахс бўлганида эса суммасидан қатъи назар ёзма шаклда тузилиши шарт.

Қарз шартномасининг ёзма шаклига риоя қилмаслик ушбу Кодекснинг 109-моддасида назарда тутилган оқибатларга олиб келади.

Агар қарз олувчининг тилхати ёки унга қарз берувчи томонидан муайян сумма ёки муайян миқдордаги ашёлар топширилганлигини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжат мавжуд бўлса, қарз шартномаси ёзма шаклда тузилган ҳисобланади.

Агар қарз мажбурияти қарз олувчи томонидан берилган вексель, облигация ёки қарз суммасини ва қарз берувчининг уни ундириб олиш ҳуқуқини белгилайдиган бошқа қимматли қоғоз билан тасдиқланган бўлса, қарз шартномасининг ёзма шаклига риоя қилинган ҳисобланади.

1. Шарҳланаётган модданинг 1-қисмига кўра, қарз шартномасининг оддий ёзма шаклини тузишда қуйидагилар талаб қилинади: биринчидан, бу шартнома фуқаролар ўртасида тузилиб, унинг миқдори энг кам иш ҳақи миқдорини ўн баробаридан кўп бўлса; иккинчидан, агарда қарз берувчи юридик шахс бўлса, у ҳолда қарз суммасидан қатъий назар шартнома ёзма тузилади. Шу билан бир вақтда, фуқаролар орасидаги маиший қарз, агар қарз суммаси энг кам иш ҳақининг ўн баробаридан кам бўлса, шартнома оғзаки тузилиши ҳам мумкин.

Ёзма равишдаги қарз шартномасини тузиш қондаси ёзма равишдаги битимларни тузиш умумий қоидаларининг махсус бир тури ҳисобланади. Шарҳланаётган модданинг 1-қисмида (ФК 108-м) умумий қоидалар баён қилинган бўлса, иккинчи қисмида эса, шу умумий қоидалардан юридик шахсларнинг ўзаро ва фуқаролар билан тузиладиган барча битимлар оддий ёзма шаклда тузилиши шартлиги ажратиб олинган.

ФК 733-моддаси мантиқий талқин қилинганда, бу нормаларни ишлаб чиқишдан мақсад жисмоний шахслар ўртасидаги кўп бўлмаган суммаларга қарз битимларини тузишни соддалаштириш назарда тутилиб, бу юридик шахслар иштирокидаги қарз шартномаларига тааллуқли эмаслиги келиб чиқади.

Амалиётда қарз берувчи бўлиб фуқаро, қарз олувчи бўлиб эса юридик шахс иштирок этган ҳуқуқий муносабатлар учрайди, бу муносабатлар вексел бериш ёки облигацияларни сотиш билан тасдиқланмаган бўлади. Бундай ҳолатда келишувнинг ёзма шакли ўзаро ҳуқуқий муносабатлар мавжудлигининг исботи бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари у бухгалтерия ва солиқ мақсадлари учун ҳам зарур.

Бундай битимлар юзасидан судда низоларни кўриб чиқишда юридик шахс иштирокидаги қарз шартномасининг ёзма шаклини тузиш қоидаларига риоя қилинганлиги кўрсатиб ўтилиши керак.

2. Юридик шахсларнинг ўзаро ва фуқаролар иштирокидаги оддий ёзма шаклдаги битимларини тузишнинг умумий қоидаларини ҳамда ФК 733-моддасини ва мавжуд ҳуқуқий амалиётни эътиборга олган ҳолда айтиш мумкинки, юридик шахслар иштирок этган шартномаларда улар қандай иштирокчи сифатида: қарз берувчи ёки қарз олувчилигидан қатъий назар оддий ёзма шаклда тузилиши шарт.

Шартноманинг ёзма шакли қоидаларига қўйидаги ҳолларда амал қилинган деб ҳисобланади: агарда келишув мазмуни ёритилган ҳужжат тузилган ва битим тузувчилар ёки уларнинг вакиллари томонидан имзоланган бўлса, ёки ҳужжатлар алмашинуви тарафлар томонидан амалга ошириладиганлигини аниқлаш имконини берувчи почта, телеграф, телефон телетайп, электрон ёки бошқа алоқа воситалари орқали амалга оширилган бўлса.

Қарз шартномаси бўйича ҳуқуқий муносабатларнинг юзага келиши учун фақат тарафларнинг ёзма равишдаги розилигигина эмас, балки қарз олувчига пул ёки бошқа нарсаларнинг берилиши шарт. Ёзма равишдаги шартномалар тузишнинг одатдаги шаклларида ташқари ФК 366-моддасида ёзма шартномаларга риоя қилишнинг янги усули кўрсатилган, бу — ёзма равишдаги оферта бўлиб, кўрсатилган шартлар юзага келган ҳолатда шу офертани олган шахс томонидан бажариладиган ҳаракатлардир. Бундай ҳолатда ҳаракатларни бажариш акцепт ва шартнома қоидаларига риоя қилиш ҳисобланади, агарда, қонунда ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ёки офертада бошқача кўрсатилмаган бўлса.

ФК 366-моддаси 5-қисми, 365-моддаси 2-қисмига кўра, қарз берувчини қарз олувчининг илтимосига кўра, унга пул маблағларини ўтказиб бериши ёзма шаклга амал қилиш деб ҳисобланади.

3. Шартноманинг ёзма шаклига амал қилмаслик оқибатлари ҳам ФК 109-моддасида кўрсатиб ўтилган. Бу қуйидаги процессуал оқибатлардир: агар томонлар орасида низо чиқса, у ҳолда улар битим тузилганлиги, мазмуни, амалга оширилганлиги ёки бажарилганлигини, гувоҳлик кўрсатмаларидан фойдаланиб тасдиқлаш имкониятидан маҳрум бўладилар, лекин ёзма, ашёвий далиллар ҳамда эксперт хулосаларидан фойдаланишлари мумкин.

4. Қарз шартномаси тузилганлигининг ёзма далили сифатида қуйидагилар тақдим қилиниши мумкин: қарз олувчининг тилхати; облигациялар; счет-фактуралар; бухгалтерия учун томонлар тузган бошланғич ҳисобга олиш ҳужжатлари; қарз берилганлигини тасдиқловчи, қарздорнинг қарзни қайтариш муддатини чўзиш ҳақидаги ёзма илтимосномаси; телеграмма, телекслар, барча иш қоғозлари ва битим тузилганлигини ёзма равишда тасдиқловчи барча нарсалар.

Қарз бериш шартномаси бир томонлама мажбурият бўлсада, ҳуқуқий муносабатларни келтириб чиқарувчи бундай шартнома бир юридик мақсадга эришишга қаратилган икки томонлама битим ҳисобланиб, унинг шартларини муҳокама қилишда иккала томон ҳам иштирок этади.

5. Тилхат, қарз ҳақида келишувдан фарқли равишда, бир томоннинггина ҳоҳиш-иродасини ифода этади. Тилхат икки томоннинг ҳоҳиш-иродасини рад этмаган ҳолда, кўпчилик ҳолларда ҳуқуқий муносабатларнинг келиб чиқиш асосини аниқлашга имкон бермайди. Масалан, бирор-бир миқдордаги пулни олганлик ҳақидаги тилхат томонлар ўртасидаги мулкӣ муносабатларда турли хил ҳуқуқий муносабатларни юзага келтириши мумкин. Тилхат ёрдамида олди-сотди шартномасига кўра олдиндан ёки пудрат шартномаси асосида аванс ўтказилганлигини, ёки қарз шартномаси асосида қарз суммасини тасдиқлаш мумкин. Шунинг учун тилхатни баҳолашда, биринчи навбатда томонларнинг ҳоҳиш иродаси қандай ҳуқуқий муносабатларга қаратилганлигини аниқлаш зарур. Қарз шартномаси томонлар орасида юзага келган шартнома ҳуқуқий муносабатларни турини аниқ кўрсатиб беради.

Бундан келиб чиқадики, қарз шартномаси ва қарз олувчининг тилхати айнан бир хил тушунчалар эмас. Қарз шартномаси бу — томонларнинг қарз ҳуқуқий муносабатларнинг келиб чиқишига қаратилган келишуви. Қарз олувчининг

тилхати ва бошқа ҳужжатлар унга маълум бир суммани ёки буюмларни берилишини тасдиқлайди ва оғзаки тузилган шартноманинг ёзма далили бўлиб хизмат қилади. Ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиёти ҳам тилхатга оғзаки тузилган шартноманинг ёзма далили деб қарайди. Бу ҳужжатларнинг мазмунига ва расмийлаштирилишига, агарда улар судга ҳавола қилинган тақдирда, суд мажлисида алоҳида эътибор билан қаралади. Чунки айнан шулардангина томонлар ўртасида қарз бўйича ҳуқуқий муносабатлар ўрнатилганлиги келиб чиқади.

734-модда. Қарз шартномаси бўйича фоизлар

Агар қонунда ёки қарз шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз берувчи (юридик шахс ёки фуқаро) қарз олувчидан қарз суммасига шартномада белгиланган миқдорда ва тартибда фоизлар олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Агар қарз шартномаси бўйича қарз олувчига турга хос аломатлари билан белгиланган ашёлар топширилса, уларнинг миқдори ва шакли (пул ёки натура ҳолидаги) шартномада кўзда тутилган ҳолларда фоизлар тўланиши керак.

Фоизлар тўлаш тартиби ва муддатлари қарз шартномаси билан белгиланади. Агар фоизлар тўлаш тартиби ва муддатлари шартномада белгиланган бўлмаса, улар асосий қарзни қайтариш учун шартномада назарда тутилган тартибда ва муддатларда тўланади.

1. Қарз шартномаси умумий қоидага кўра ҳақ эвазига тузиладиган шартнома ҳисобланади, фоиз миқдори эса (агар фақат қонун ёки шартномада фоиз тўланмаслик хусусияти ўрнатилмаган бўлса), ФКнинг 734-моддасига биноан шартнома билан белгиланади. Ушбу шартномада фоиз миқдори тўғрисида тўғридан-тўғри кўрсатмалар бўлмаса, бошқа шахсларнинг пул маблағларидан фойдаланганлик учун фоиз тўлаш (ФК 327-моддаси) бўйича қоидаларга биноан амалга оширилади. Тарафларнинг келишувига биноан фоизлар пул ёки натура шаклида тўланиши мумкин, бу қарзнинг предмети (унинг хусусияти) га боғлиқ бўлмайди. Агарда ашёларни қарзга олиш қонунда тўғридан-тўғри бошқача тартиб ўрнатилмаган бўлса, фоизсиз ҳисобланади.

Қарз шартномаси бўйича фоизлар тарафлар томонидан келишилган ҳар қандай ҳолатда тўланиши мумкин, махсус кўрсатма бўлмаган

тақдирда эса ҳар ойда, аммо шартномада қарз суммасини қайтариш муддатигача эмас, балки унинг ҳақиқий қайтарилиши кунигача, тўланиб борилиши лозим.

Ушбу қоидани қарздор томонидан тўланган тўлов суммасининг етарли бўлмаганлиги қоидасига мувофиқ, умумий қоидага биноан асосий сумма охириги навбатда қопланади. Демак, қарз фоизлари ҳам қарз суммасининг тўлиқ қопланганига қадар тўлаб борилади.

2. Шу билан бирга қонунда айрим хорижий мамлакатлар қонунчилигига маълум бўлган фоизлар устига устама фоизлар қўйиш мавжуд эмас. ФКнинг 327-моддасида пул мажбуриятини, шунингдек қарз мажбуриятини бажармаганлик учун «кредит учун тўлов» эмас, шартномани бузганлик учун чора ҳисобланган шартномада белгиланган фоиздан (ортиқ) ташқари қўшиб ёзилиши мумкин. Аммо бундай фоизлар қарз суммаси қайтарилиши лозим бўлган кундан бошлаб, унинг қарз берувчига ҳақиқий қайтарилган кунига қадар қўйиб борилади (ФКнинг 736-моддаси).

3. Қарз олувчи томонидан қарз берувчига шартнома бўйича ваъда қилинган қарзни қўшимча таъминлашни (масалан, гаров предмети, банк кафолати ёки бошқа шахснинг кафиллиги) қарз берувчига тақдим қилмаган бўлса, ёки бундай таъминлаш йўқолганда (масалан, гаров предмети нобуд бўлганда), ёки унинг шарти қарз берувчининг айби билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ёмонлашганда (масалан, кафил-тижорат ташкилоти ўзининг устав капиталини эълон қилмайди) бундай оқибатлар юз беради. Чунки қарзни тўлашни таъминлаш усуллари қарз олувчи тақдим қилган ва унинг ўзи унинг реаллигини таъминлаши лозим. Акс ҳолда қарз берувчи қарзни ФКнинг 327-моддасига биноан ушбу сумма фоизларига фоизларни қўйган ҳолда муддатдан олдин қайтаришни талаб қилишга ҳақли.

735-модда. Қарз олувчининг қарз суммасини қайтариш мажбурияти

Қарз олувчи олинган қарз суммасини қарз шартномасида назарда тутилган муддатда ва тартибда қарз берувчига қайтариши шарт.

Агар қарз суммасини қайтариш муддати шартномада белгиланган бўлмаса, қарз олувчи уни қарз берувчи қарзни қайтариш ҳақида талаб қўйган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида қайтариши керак.

Фоиhsиз қарз суммаси қарз олуvчи томонидан муддатидан олдин қайтарилиши мумкин.

Фоиhs эвазига берилган қарз суммаси, агар қарз шартномасида кўзда тутилган бўлса ёки қарз берувчининг розилиги билан, муддатидан олдин қайтарилиши мумкин.

1. Қарз мажбурияти субъектлари ўз мажбуриятларини шартномада кўрсатилган тартиб ва муддатда бажаришлари шарт. Агарда қарз шартномасида қарзни қайтариш тартиби ва муддатлари кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда қонун чиқарувчи ушбу моддада махсус диспозитив қоидалардан фойдаланишни назарда тутган. Бу қоидалар қарз шартномаларидаги камчиликларни тўлдирибгина қолмасдан, шартнома шартларини келишишда стандарт намуналар вазифасини ҳам ўтайди.

Шарҳланаётган моддада, агарда бундай муддат умуман ўрнатилмаган бўлса, қарз олуvчининг мажбуриятларини бажариш муддатларини аниқлаш тартиби кўрсатилган. Бундай ҳолда қарздор ўз қарзини қарздор талаб қўйган кундан бошлаб ўттиз кун муддат ичида қайтаришга мажбур. Ўз мажбуриятини бажариши учун ажратилган бу махсус ўттиз кунлик муддат қарздорнинг ҳолатини қарзни қайтариш муддати белгиланмаган ёки талаб қилиш муддати билан белгиланган умумий етти кунлик ижро муддатига қараганда анча яхшилайти (ФК 242-моддаси шарҳига қаранг).

2. ФК 735-моддасида шартнома предметини аниқлашда пул маблағлари суммасини англаувчи «қарз суммаси» атамаси ишлатилади. Бу қоидани ва бошқа моддаларни тўғридан-тўғри тушуниш ҳамда ашёлар пуллардан кўра қарз шартномаси предмети бўлиб кам ишлатилишини ҳисобга олган ҳолда, қарз ҳақидаги қоидалар пул сифатидаги қарзларга мўлжалланган ва улар ашё сифатидаги қарзларга қўлланилмайди деган хато фикр туғилиши мумкин. Шунинг учун предмети турларга хос ашё бўлган қарз мажбуриятларининг ижро муддати ва бошқа шартлар, агарда шартномада кўзда тутилмаган бўлса, у ҳолда улар қарз шартномаси қоидаларига нисбатан эмас, балки мажбуриятлар ижросининг умумий қоидаларидан келиб чиққан ҳолда белгиланиши керак.

Бу қарашни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ушбу фикр тарафдорлари турларга хос ашёларни қарзга бериш шартномасини ФК дан «чиқариб» юборадилар. Бундай нуқтаи назар баҳслидир, чунки қарз шартномаси дефинициясидан келиб чиқадики, шартнома предмети бўлиб пуллар

ҳам, ашёлар ҳам иштирок этиши мумкин. Шунинг учун пул ва ашёларни қарзга бериш шартномалари қарз шартномаларининг бир хил турдаги кўринишлари бўлиб ҳисобланади ва уларни тартибга солиш учун биринчи навбатда қарз ҳақидаги қоидалар, улар етарли бўлмаган ҳолларда эса мажбуриятлар ва шартномалар ҳақидаги умумий қоидалар қўлланилиши керак. ФК 735-моддасида ишлатилган «қарз суммаси» тушунчасини кенгрок маънода тушуниш керак. У ўз ичига нафақат пулни, балки турларга хос ашёларни ҳам ўз ичига олади.

3. Ижро мажбуриятлари муддати ўрнатилган тақдирда ҳам шартномада қарздорга ўз мажбуриятларини муддатдан аввал бажариш имкони берилган (ФК 735-моддаси 4-қисми). Лекин бундай имкониятдан шартнома характеридан келиб чиққан ҳолда турлича фойдаланиш мумкин: агар шартномада фоизлар тўлаш назарда тутилмаган бўлса, у ҳолда қарздор ўз мажбуриятини хоҳлаган муддатда ижро этиши мумкин; агар фоиз тўловлари кўрсатилган бўлса, у ҳолда ижрони муддатдан аввал бажариш учун қарз берувчининг розилигини олиш керак бўлади.

Шартнома мажбуриятларининг муддатидан аввал бажарилишига турли хил қарашлар ушбу шартноманинг ҳақ эвазига ёки текинлиги характерига боғлиқ. Биринчи ҳолда қарз берувчи шартнома предметини тақдим эта туриб, шартномадан бирор бир фойдани кўзламайди ва қарзнинг ўз вақтида қайтарилишини назарда тутаяди, холос. Қарз олувчининг қарз муддатидан аввал қайтариши қарз берувчининг мулкӣ манфаатларига алоқаси йўқ ва бу ҳолат уни қарз ўз муддатида тўланган ҳолатидан фарқ қилмайди. Шунинг учун қарзни муддатидан аввал қайтариш қарз берувчининг розилигини талаб қилмайди.

Аксинча, фоизлар тўлаш кўзда тутилган қарз шартномасида қарз берувчининг ҳолати жиддий равишда ўзгаради, чунки у қарзнинг қайтарилиши ва фоиз ҳисобига маблағи кўпайишига умид қилади. Умумий қоидага кўра фоизлар қарз қайтарилган вақтга қадар ҳисобланади. Шунинг учун қарзнинг муддатдан аввал қайтарилиши натижасида қарз берувчи шартнома бўйича оладиган фойданинг бир қисмидан, яъни қарз қайтарилган муддатдан қарзни қайтариш муддатигача бўлган вақт оралиғидаги фоизлардан маҳрум бўлади. Қарз берувчининг мулкӣ манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида, қонунда шартнома мажбуриятларининг муддатидан аввал бажарилиши мумкинлигига розилик

бериши шартлиги белгилаб қўйилган. Масалан, қарз берувчи шартнома мажбуриятларининг муддатидан аввал бажарилишига қарз олувчи қолган фоизларнинг бир қисмини ёки ҳаммасини тўлашга келишган ҳолда розилик бериши мумкин.

736-модда. Қарз олувчи томонидан қарз шартномасини бузиш оқибатлари

Агар қонун ҳужжатларида ёки қарз шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз олувчи қарз суммасини вақтида қайтармаган ҳолларда ушбу Кодекснинг 734-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган фоизлар тўланган бўлишидан қатъи назар, қарз қайтариб берилиши керак бўлган кундан бошлаб то у қарз берувчига қайтариб берилган кунгача бу сумма юзасидан ушбу Кодекснинг 327-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган миқдорда фоизлар тўланиши керак.

Агар қарз шартномасида қарзни қисмлаб (бўлиб-бўлиб) қайтариш назарда тутилган бўлса, қарз олувчи қарзнинг навбатдаги қисмини қайтариш учун белгиланган муддатни бузган тақдирда, қарз берувчи қарзнинг қолган барча суммасини тегишли фоизлар билан бирга муддатидан олдин қайтаришни талаб қилишга ҳақли.

Агар қарз шартномасида қарз бўйича фоизларни қарзнинг ўзини қайтариш муддатидан олдин тўлаш назарда тутилган бўлса, бу мажбурият бузилган тақдирда, қарз берувчи қарз олувчидан қарз суммасини тегишли фоизлари билан бирга муддатидан олдин қайтаришни талаб қилишга ҳақли.

Қарз берувчи қарз суммасини ўз вақтида қайтармаса, у ҳолда, ФК 736-моддасига мувофиқ ФКнинг 327-моддасида кўрсатилган тартиб ва миқдорда қарздор шу сумманинг қайтарилиши керак бўлган кундан, қайтарилган кунгача ҳисобланадиган фоизларни, Кодекснинг 734-моддаси биринчи қисмида кўзда тутилган фоизлардан қатъи назар тўлайди.

1. Агар қарз ёки кредит шартномасида муддати ўтганлик учун қарз фоизларини ўсиши кўзда тутилган бўлса, у ҳолда ФКнинг 327-моддасига биноан, қарздан фойдаланганлик учун фоиз тўлов ставка миқдори шартномада кўрсатилганидан ўзгаради.

Шарҳланаётган моддада кўрсатиб ўтилган фоизлар фуқаролик-хуқуқий жавобгарлик чоралари бўлиб хизмат қилади. Қарз суммасини қайтариш муддати ўтказиб юборилганлик учун тўланадиган фоизлар, шу сумма бўйича ҳисобланиб, бунга қарз тўланадиган кундаги фоизлар ҳисобга олинмайди, агарда иккала томон учун мажбурий қоидаларда фоиз ҳисоблашнинг бошқача тартиби тўғрисида аниқ қилиб айтилмаган бўлса.

Агарда қонунда ва шартномада бошқача айтилмаган бўлса, қарзнинг асосий суммаси қайтариш муддати келган бўлса-ю у ўз вақтида қайтарилмаган бўлса, у ҳолда қарздан фойдаланганлик учун ўз вақтида тўланмаган фоизлар суммаси ФК 736-моддасига биноан ҳисобланади.

Қарзни қайтариш муддати ўтказиб юборилган ҳолатда оширилган фоизларни ва бу неустойкаларни ҳисоблаш шартлари шартномада назарда тутилган бўлса, у ҳолда кредитор пул мажбуриятларини бажармаганлик натижасида кўрилган зарарларнинг фактини ва миқдорини аниқлаб ўтирмасдан жавобгарлик чоралардан бирини қўллашни талаб қилишга ҳақли.

2. ФК да (734-модда) умумий қоида сифатида пул қарзи қайтарилиши керак деб қаралади. Агар қонунда ва шартномада бошқача айтилмаган бўлса, ҳақдор қарздордан қарз суммасига фоизлар олишга ҳақли.

Қарздан фойдаланганлик учун устама пул, одатга кўра, шаклланган қарз суммасидан фоизлар тарзида аниқланади.

Текин деганда товарларни қарзга бериш тушунилади, бу шундай шартномаки, унга кўра қарз берувчига пул эмас, балки турларга хос ашёлар берилади.

Агар фоизлар миқдори шартномада аниқ кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда бу миқдор қарзни тўлиқ ёки қисман қайтариш кундаги қарз берувчи яшаб турган жойдаги фоизлар, агарда қарз берувчи юридик шахс бўлса у жойлашган жойдаги банк ставкалари (қайта молиялаштириш ставкалари) билан белгиланади. Агар бошқача кўрсатилмаган бўлса, фоизлар қарзни қайтириш кунигача ойма-ой тўлаб борилади.

3. Фоиз табиатидан келиб чиққан ҳолда, судларга уларни ундиришда, шу жумладан пул мажбуриятларини сўндириш навбатлилигини аниқлашда, фоизлар тўлашни тўхтатиш масалаларини ҳал қилишда, шартларнинг бузилиш ҳолларида жавобгарлик масалалари ва ҳ.к.ларда асосий қарзга тегишли қоидаларга амал қилиш тавсия этилади.

ФК фоиз ставкаси миқдорини чегараламайди, лекин бундай чегаралар маълум бир ҳолларда қонунлар билан ўрнатилиши мумкин. Фоизлар ўзгармас ёки ўзгарувчан ставкалар билан ҳисобланиши мумкин. Шу жумладан, ставка томонларга муайян маълумотлар, масалан, Марказий банкнинг катталаштирилган (кичиклаштирилган) маълум пунктларга оширилган қайта молиялаш ставкаси асосида белгиланиши мумкин.

4. Бир қатор ҳолларда қарз суммасига ҳисобланадиган фоизларнинг асосий суммага қўшилиб бориши қонун йўли билан ўрнатилиши мумкин.

Қарз шартномаси мажбуриятларини бажариш муддати ўтказиб юборилганда қарз берувчи қарздордан қуйидагиларни олишга ҳақли:

а) қарз суммасини;

б) шартномада келишилган миқдордаги фоиз суммасини ёки бундай келишув бўлмаган тақдирда ФК 734-моддасида кўрсатилган миқдордаги фоиз суммасини;

в) ФК 327-моддасида кўзда тутилган миқдордаги фоизлар сумма қайтарилиши керак бўлган кундан, уни қарз берувчига қайтариш кунигача, агарда қонунда ёки шартномада бошқача кўрсатилмаган бўлса.

Муддати ўтиб кетган қарзлар учун шартномадага кўрсатилган фоизларнинг оширилган миқдорини белгилаш билан томонлар ФК 327-м. да айтиб ўтилган, муддати ўтганлик учун фоиз миқдорларини ўзгартириш ҳуқуқларидан фойдаланадилар. Капиталдан қонуний фойдаланишдаги фоиз ставкаси миқдорга нисбатан ошган миқдор айнан қонунни бузганлик, яъни муддатни ўтказиб юборганлик учун тўланадиган жарима бўлиб хизмат қилади. ФК 736-моддасида келтирилган жавобгарликни қўллаш шарти ФК 327-моддасида кўрсатилган жавобгарликни қўллаш шартига ўхшаш. Жумладан, Олий Хўжалик суди Раёсати томонидан кўриб чиқилган ишларнинг бирида қарзни ўз вақтида қайтармаганлик учун оширилган фоизлар қарздорнинг мажбурияти деб топилган ва ФК 326-моддасига кўра камайтирилиши мумкин эмас деган хулосага келинган.

Қарз шартномаси ёки махсус қоидалар билан қарзни қайтаришни кечиктирганлик учун неустойка (пеня) шаклида жавобгарлик ўрнатилиши мумкин.

Шартномада қарздорга бирор бир мулкый таъсир ўтказиш кўзда тутилмаган бўлса (оширилган фоизлар, неустойкалар кўринишида), у ҳолда ФК 736-моддасига кўра қарздор сумма қайтарилиши керак бўлган кундан,

уни қарз берувчига қайтариш кунигача, ФК 327-моддасида кўрсатилган миқдорда, ФК 734-моддасида кўрсатилган фоизларни тўлашдан қатъи назар (кредит учун тўловлар), фоизлар тўлайди (яъни қайта молиялаш ставкалари миқдорида). Бу ерда гап қарздан фойдаланганлик учун қайтариш кунига ҳисобланган, лекин тўланмаган фоизлар ҳақида эмас, балки, фақат қайта молиялаш ставкалари бўйича фоизлар ҳисоблаш ҳақида кетмоқда.

Қоидага кўра, шунга ўхшаш тартиб, одатда қарз шартномасига кири-тиладиган, муддати ўтказиб юборганлик учун фоизлар маълум бир пунктларга оширилган ҳолда тўланиши кераклиги кўрсатилган шартлардан келиб чиқади.

5. Томонлар оширилган фоизларни ҳисоблашнинг бошқача тартибини белгилашлари мумкин, жумладан, маълум бир кундан бошлаб (одатда, фоизлар тўланадиган кундан бошлаб) қарз суммасига ҳам, қарздан фойдаланганлик учун фоизлар суммасига ҳам қўлланилади деб келишишлари мумкин (ФК 734-модда). Агарда шартномада қарз суммасини оширилган фоизларни ҳисоблашда капиталдан фойдаланганлик учун капиталлаштириш (асосий қарзга даврий равишда қўшиб бориш) шарти кўрсатилган бўлса, у ҳолда бошқача кўрсатилмаган бўлса, қарзни қайтариш кунига ҳисобланган миқдорда олинади.

ФК 736-моддаси қоидаларининг диспозитив хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, айтиш мумкинки, жавобгарлик чоралари сифатида фоизлар ҳисоблашни қўллаш ва қарз воситаларидан фойдаланганлик учун ўз вақтида тўланмаган фоизлар миқдори суммасини кўрсатиш мумкин. Шу билан бирга, бундай ҳуқуқдан фойдаланишда, кредитор оқилоналик ва инсофлилик қоидаларига амал қилиши керак.

737-модда. Қарз шартномаси юзасидан даъволашиш

Қарз олувчи пул ёки бошқа ашёларни қарз берувчидан амалда олмаганлигини ёки шартномада кўрсатилганидан кам миқдорда олганлигини исбот қилиб, қарз шартномаси юзасидан даъволашишга ҳақли.

Ёзма шаклда тузилиши лозим бўлган қарз шартномаси юзасидан гувоҳларнинг кўрсатмалари ёрдамида даъволашиш мумкин эмас, шартнома алдаш, зўрлик ишлатиш, таҳдид қилиш, қарз олувчининг

вакили қарз берувчи билан ёмон ниятда келишиши ёки қийин вазиятлар таъсирида тузилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар қарз олувчи қарз шартномаси юзасидан даъволашуви жараёнида пул ёки бошқа ашёлар ҳақиқатан ҳам қарз берувчидан олинмаганлиги аниқланса, қарз шартномаси тузилмаган ҳисобланади. Қарз олувчи қарз берувчидан пул ёки бошқа ашёларни шартномада кўрсатилганидан амалда кам миқдорда олган ҳолларда шартнома ана шу миқдордаги пул ёки ашёларга тузилган ҳисобланади.

1. Қарз шартномасини қонун йўли билан тартибга солишнинг хусусиятлари шундан иборатки, ФКда қарздорга ўзида пул маблағлари бўлмаган тақдирда маълум шартлар эвазига қарз шартномаси орқали пул олишнинг умумий қоидалари кўрсатилган. Қарз олувчи қарз шартномаси бўйича умуман пул олмаслиги ёки шартномада кўрсатилган пулнинг бир қисмини олиши мумкин. Бундан ташқари қарздордан алдов йўли билан тилхат олиниши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда қарздорни қарз берувчидан ҳимоя қилувчи восита бўлиб шартнома бўйича пул берилмаган деб қараш ҳисобланади.

Ушбу қоидаларни ФКга киритишнинг мақсади қарз шартномасининг реал табиатга эга эканлиги билан изоҳланади. Қарз беришга нисбатан томонларнинг келишуви қандай бўлганлигидан қатъи назар, ҳуқуқий муносабатлар шартнома предметининг қарз олувчига берилган тақдирдагина юзага келади ва шу вақтдан бошлаб қарздорнинг қарз берувчидан олган нарсаларини қайтариш мажбурияти келиб чиқади.

Қарз шартномаси бўйича пул берилмаган деб топилиши қарздорга бошқа ҳолларга нисбатан анча энгиллик туғдиради. Агар қарз шартномаси алдов, зўрлаш, қўрқитиш, ғаразли мақсадлар билан ёки оғир шароитларда тузилган бўлса ва мажбурий ёзма шаклга риоя қилинмаган бўлса, у ҳолда қарз олувчи қарз шартномасини бекор қилиш учун гувоҳ кўрсатмалардан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Лекин шарҳланаётган моддада кўрсатилган қарз шартномасини гувоҳ кўрсатмалардан фойдаланиб бекор қилиш асосларининг ҳаммаси тўла санаб ўтилган ва томонлар бу қоидаларни тўғридан-тўғри талқин қилишга мажбур.

Агар томонлардан бири пул олмаганлигини исботлай олса, у ҳолда шартнома тузилмаган деб ҳисобланади. Агар ҳақиқатда берилган пул шартномада кўрсатилгандан кам бўлса, у ҳолда шартнома шу суммага тузилган деб ҳисобланади.

738-модда. Қарз олувчининг мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш

Қарз олувчи қарз суммасининг қайтариб берилишини таъминлаш юзасидан қарз шартномасида назарда тутилган мажбуриятларни бажармаса, шунингдек қарзнинг таъминоти қарз берувчи жавобгар бўлмаган вазиятларда йўқотилса ёки унинг шартлари ёмонлашса, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз берувчи қарз олувчидан қарз суммасини муддатидан олдин қайтаришни ва тегишли фоизларни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Агар қарз олувчи қарз шартномасида кўрсатилган қарзни қайтариш мажбуриятларни бажармаган бўлса (масалан, қарз олувчи кўрсатган шахс шартнома кафиллигидан бош тортса ёки кафолатни тақдим этмаган бўлса), у ҳолда қарз берувчи қарз суммасини муддатидан аввал қайтариб олишга ҳамда, агарда шартномада бошқача кўрсатилмаган бўлса, келишилган фоизларни ундиришга ҳақли.

Бундай оқибатлар қарзни таъминлаш имконияти йўқотилганда (масалан, кафил банкрот бўлса) ёки қарз берувчига алоқадор бўлмаган ҳолатлар натижасида (масалан, гаровга қўйилган қадрсизланганда, одатда бундай ҳоллар гаров сифатида қимматбаҳо қоғозлар қўйилганда кўпроқ юз беради) қарзни қайтариш имконияти қисман ёмонлашганда ҳам келиб чиқиши мумкин.

739-модда. Аниқ мақсадли қарз

Агар қарз шартномаси қарз олувчининг маблағлардан аниқ мақсадда (аниқ мақсадли қарз) фойдаланиши шарти билан тузилган бўлса, қарз олувчи қарз берувчига қарз суммасидан аниқ мақсадда фойдаланилишини назорат қилиш имкониятини таъминлаб бериши шарт.

Қарз олувчи қарз шартномасининг қарз суммасидан аниқ мақсадда фойдаланиш ҳақидаги шартларини бажармаган тақдирда, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз берувчи қарз олувчидан қарз суммасини муддатидан олдин қайтаришни ва тегишли фоизларни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

1. Қарз шартномасида қарзни мақсадли ишлатиш кўзда тутилган бўлиши мумкин. Бу шартни бажарилмаслиги ҳамда қарз олувчи қарз воситаларини назорат қилишга имконият яратиб бера олмаганлиги, қарз берувчига қарз суммасини муддатдан аввал қайтариб олишга ва ҳисобланган фоизларни, агарда шартномада бошқача кўрсатилмаган бўлса, ундиришга ҳақлидир. Фоизлар қарз воситаларидан ҳақиқатда фойдаланиш даврига нисбатан эмас, балки уларни қайтариш муддати билан белгиланади.

Қарз олувчининг олинган қарзларни мақсадли ишлатиш мажбурияти деганда ўз ҳаракатларини ҳамда кредиторга қарз воситаларининг мақсадли ишлатилишини назорат қилишга имконият яратиб бериш назарда тутилади.

2. Фуқаролик ҳуқуқининг асосий тамойилларидан бири субъектларнинг тенглиги ва бир бирининг ишига аралашмаслиги тамойилидир. Қарз воситаларининг мақсадли ишлатилишини назорат қилишда бу тамойилларнинг бузилиши мумкин эмас. Қарз берувчининг назорати мақсадли қарзнинг қачон ва қандай муддатга олинганлиги ҳақидаги маълумотларни билишдан четга чиқиши мумкин эмас. Қарз берувчининг қарз олувчининг хўжалик ишларига аралашishi, унга иш юритишни ўргатишга интилиш ФК 1-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган фуқаролик қонунчилигининг умумий тамойилларига зид бўлиб, йўл қўйилмайдиган ҳолатлар деб қаралади.

3. Қарз берувчининг қарздан мақсадли фойдаланишни назорат қилишни ва у билан боғлиқ бўлган қарздорнинг мажбуриятлари аниқ бажариш ваколатларини ўрнатиш учун томонлар шартномада назорат чегараларини аниқ белгилаб олишлари керак. Унда қарз берувчининг мутахассислари томонидан қарздор фаолиятини, омборларини, ишлаб чиқариш биноларини текширишлар тартиби ва муддатлари; қарз олувчининг қарз берувчига этадиган молиявий фаолиятни тасдиқловчи ҳужжаталар (бухгалтерлик ва аудиторлик ҳисоботлар, тўлов ҳужжатлари, молиялаштириш шартномалари ва ҳ.к.) ва бошқа шартлар кўрсатилган бўлиши керак. Бир вақтнинг ўзида қарз олувчи қарз берувчи томонидан бундай текширувлар ўтказишга рухсат бериши керак, акс ҳолда қарз берувчи қарз суммасини, ҳисобланган фоизлар билан муддатдан аввал қайтариб олишни талаб қилишга ҳақлидир.

Мақсадли қарз шартномаларни тузиш қонун йўли билан кўзда тутилган бўлиб унда аниқ мақсадлар учун олинган қарзлардан фойдаланиш шартлари кўрсатиб ўтилган. Бу ҳолда берилган қарзни олинган мақсадларда

ишлатилмаганда кўриладиган назорат чоралари шартномада кўрсатилиши шарт бўлиб, бу шартлар бузилган ҳолда қарз берувчи қарз суммасини, ҳисобланган фоизлар билан муддатдан аввал қайтариб олишни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

740-модда. Вексель

Тарафларнинг келишувига мувофиқ қарз олувчи вексель берган бўлиб, бу вексель уни берувчининг (оддий вексель) ёки векселда кўрсатилган бошқа тўловчининг (ўтказма вексель) векселда назарда тутилган муддат келгач, қарзга олинган пул суммаларини тўлаш ҳақидаги ҳеч қандай шарт билан боғланмаган мажбуриятини тасдиқласа, тарафларнинг вексель бўйича муносабатлари қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Тижорат кредитлари оддий ёки тўловларни кечиктиришда кўп ишлатиладиган ўтказма векселлар кўринишида бўлиши мумкин. ФК 740-моддаси маъносидан келиб чиқиб, вексель берилган вақтда қарз ҳақидаги ФК қоидаларини бу муносабатларда «Ўтказма ва оддий векселлар ҳақида»ги Низомга зид бўлмаса қўллашга йўл қўйилади, деб тушуниш мумкин.

Вексель бўйича фоизларни ҳисоблаш тартиби ва шартлари «Ўтказма ва оддий вексель ҳақидаги Низом»да белгилаб қўйилган.

741-модда. Облигация

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда қарз шартномаси облигациялар чиқариш ва сотиш йўли билан тузилиши мумкин.

Облигация қимматли қоғоз бўлиб, уни сақловчининг облигацияни чиқарган шахсдан облигацияда назарда тутилган муддатда облигациянинг номинал қийматини ёки бошқа мулкый эквивалентини олиш ҳуқуқини тасдиқлайди. Облигация уни сақловчига облигациянинг номинал қийматидан облигацияда қайд этилган миқдорда фоизлар олиш ҳуқуқини ёки бошқа мулкый ҳуқуқларни ҳам беради.

Қарз шартномаси облигациялар чиқариш ва сотиш йўли билан ҳам тузилиши мумкин.

Облигация унинг эгаси (қарз берувчи) ва облигация эмитенти (қарз олувчи) орасида шартнома мавжудлигини тасдиқлайди. Облигация эгаси — қарз берувчи эмитентдан облигациянинг номинал миқдори (ёки бошқа мулк эквиваленти) ва келишилган фоизни олиш ҳуқуқига эга.

Облигация қимматли қоғоз ҳисобланади. Облигацияларни чиқариш ва муомалада бўлиши 2008 йил 13 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонунидаги қоидаларга ва қимматли қоғозларни чиқариш ва уларни муомалага кириштиш тўғрисидаги бошқа нормаларга мос бўлиши керак.

742-модда. Қарзни янгилаб, қарз мажбуриятига айлантириш

Тарафларнинг келишувига мувофиқ, олди-сотди, мулкни ижарага олиш ёки бошқа асослар туфайли пайдо бўлган ҳар қандай қарз қарз мажбурияти билан алмаштирилиши мумкин.

Қарзнинг қарз мажбурияти билан алмаштирилиши ушбу Кодекснинг 347-моддасида назарда тутилган мажбуриятни янгилаш тўғрисидаги қоидаларга риоя қилган ҳолда амалга оширилади ва қарз шартномаси учун белгиланган шаклда бажарилади.

Шарҳланаётган модда олди-сотди шартномасидан, мулк ижараси, қарз шартномасидан келиб чиқадиган қарз мажбуриятларини алмаштириш тартибини белгилайди. Бу ҳолат томонларнинг розилиги билан амалга оширилади.

Агарда қарз ҳаёт ёки соғлиққа етказилган зарарни қоплаш ва алимент тўлаш ҳолатларидан келиб чиққанда ушбу мажбуриятни бошқа мажбурият билан алмаштириб бўлмайди (ФК 347-моддаси).

Мажбуриятнинг қарз шартномаси билан алмаштирилиши шарҳланаётган модданинг 2-қисмида таъкидланганидек нафақат шаклан, балки қарз шартномаси учун мўлжалланган қоидаларга ҳам мувофиқ бўлиши керак.

743-модда. Давлат заёми шартномаси

Давлат заёми шартномаси бўйича давлат қарз олувчи, фуқаро ёки юридик шахс эса қарз берувчи бўлади.

Давлат заёмлари ихтиёрийдир.

Давлат заёми шартномаси қарз берувчининг қарз олувчидан унга қарзга берилган пул маблағларини ёки, заём шартларига боғлиқ ҳолда, бошқа мол-мулкни, белгиланган фоизларни ёки бошқа мулкий ҳуқуқларни заёмни муомалага чиқариш шартларида назарда тутилган муддатларда олиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган давлат облигациялари ёки бошқа давлат қимматли қоғозларини қарз берувчининг сотиб олиши йўли билан тузилади.

Муомалага чиқарилган заёмнинг шартларини ўзгартиришга (заёмни конверсиялаш), шу жумладан ушбу Кодекснинг 383-моддасида назарда тутилган асосларга кўра, ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Давлат заёми шартномаси бўйича давлат ушбу Кодекснинг қоидаларига мувофиқ жавобгар бўлади.

1. ФК давлат ва муниципал қарзларни қўллашда уларнинг ихтиёрийлик табиатини белгилайди (ФК 743-м.). Унда муомалага чиқарилган заёмларнинг шартларини ўзгартириш (масалан, тўлаш муддатларини, облигационер заём эгаси оладиган фоиз миқдорларини ўзгартириш) таъқиқланган. Томонларнинг шартномага ўзгартиш киритиш ҳуқуқи борлиги ҳақидаги ФК умумий қоидалари бу ерда, устига устак ҳар бир облигационер билан, бунинг устига эгасининг номи ёзилган эмас, балки тақдим қилувчига деб ёзилган облигацияларга нисбатан қўлланилмайди. Ушбу қоидаларни бузган оммавий-ҳуқуқий тузилмалар — қарз олувчилар фуқаролик қонунчилигига мувофиқ мулкий жавобгарликка тортиладилар.

2. Давлат заёмлари нафақат облигациялар билан, балки бошқа қимматбаҳо қоғозлар билан ҳам, масалан, ғазначилик мажбуриятлари, ғазначилик векселлари ёки Молия вазирлигининг «олтин сертификатлари» билан ҳам расмийлаштирилиши мумкин, улар тегишли муносабатларнинг на юридик, на иқтисодий табиатини ўзгартирмайди. Бунинг устига, давлат заёмлари заём берувчининг бир нечта махсус мулкий ҳуқуқларини тан олиш билан ҳам расмийлаштирилиши мумкин, буни «қоғозсиз шаклда» «чиқарилган» давлатнинг қисқа муддатли купонсиз облигациялари (ДҚО) «эгалари» учун қилинган муносабатда кўриш мумкин, улар «қоғозсиз шаклда»ги яъни, «ҳужжатсиз шаклдаги қимматбаҳо қоғозлар» — мулкий ҳуқуқларни ўрнатишнинг алоҳида усуллари ҳисобланади.

2-§. КРЕДИТ

744-модда. Кредит шартномаси

Кредит шартномаси бўйича бир тараф — банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тарафга (қарз олувчига) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш, қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ кредит ташкилотлари бўлмаган тижорат ташкилотларининг кредитлашни амалга оширишига йўл қўйилган ҳолларда кредит шартномаси тўғрисидаги қоидалар бундай тижорат ташкилотлари амалга оширадиган кредитлаш муносабатларига нисбатан қўлланади.

Агар ушбу параграфнинг қоидаларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ва у кредит шартномасининг моҳиятидан келиб чиқмаса, кредит шартномаси муносабатларига нисбатан ушбу боб 1-параграфининг қоидалари қўлланади.

1. Кредит шартномаси бу — қарзнинг алоҳида, мустақил кўринишларидан биридир. Ўзининг юридик табиатига кўра, у консенсуал, яъни томонлар орасида тегишли келишувга келингандан сўнг, қарз олувчига ҳали пул берилмасдан аввал кучга киради (бунинг устига пуллар бир мартаба эмас, балки даврий равишда ўтказилиб турилиши мумкин). Демак, бундай келишув мавжуд бўлган шароитда қарздор қарз берувчидан унга кредит берилишини талаб қилишга ҳақли. Аммо, қарз берувчи эса агар кредитнинг ўз вақтида қайтарилишига монелик қиладиган шароитлар вужудга келганда, масалан, қарздорнинг тўлов қобилиятининг йўқолиши сабабли, кредит беришдан бош тортиши ёки бир қисмини бериши мумкин. Бошқа бир томондан эса, агар қонунда, бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда ёки шартномада бошқача кўрсатилмаган бўлса, қарз олувчини кредитни (ва унинг устамасини) олишга мажбурлаб бўлмайди. Шундай қилиб, бу шартноманинг классик консенсуал табиати сезиларли даражада камайтирилган ва ўзининг юридик табиатига кўра қарз шартномасига яқинлаштирилган.

Кредит шартномасида қарз берувчи сифатида фақат банк ёки Марказий банк лицензиясига эга бўлган бошқа кредит ташкилоти қатнашиши мумкин. Кредит шартномаси предмети фақатгина пул бўлади, бошқа ашёлар эмас. Бунинг устига кредит кўпчилик ҳолларда фақат пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади, яъни кредит муносабатлари предмети бўлиб пул (купюра кўринишдаги) эмас, балки талаб қилиш ҳуқуқлари ҳисобланади.

2. Кредит шартномаси иккала томонга ҳам мажбурият юклайди. Ҳар бир томон иккинчи томон фойдасига мажбурият олади, масалан, кредитор қарздорга пул суммасини беришга мажбур ва келишилган муддат ўтганда, берилган пулни ва устама фоизларни талаб қилиш ҳуқуқига эга, қарз олувчи эса пул берилишини талаб қилишга ҳақли ва уни келишилган муддатда устамаси билан қайтаришга мажбур. Кредит шартномасида томонларнинг ҳар бири қарши томон шартнома мажбуриятларини бажаришидек ўз иктисодий манфаатларини ҳимоя қиладилар.

3. Қарз шартномасидан фарқли равишда, кредит шартномаси билан олинган пуллар ҳар доим ҳақ эвазига тузилиши шарт: қарзга олинган пул маблағларидан фойдаланганлиги учун қарздор маълум сумма асосида ҳисобланган фоизларни тўлашга мажбур. Кредит шартномасининг ҳақ эвазига эканлиги унинг ҳуқуқий табиатидан келиб чиқади. Пул маблағларини бериш кредит ташкилотлари ва банкнинг даромад манбаларидан биридир. Шунинг учун бу фаолият ҳақ эвазига бажарилади. Гарчи томонлар шартномада фоиз ставкаларини белгиламаган бўлсаларда, шартнома ҳақ эвазига ҳақиқий бўлиб ҳисобланади ва фоизлар қонунда белгиланган тартибда ҳисобланади.

4. Шарҳланаётган моддага кўра кредит муносабатларига қарз ҳақидаги қоидаларни қўллаш мумкин, чунки бу кредит шартномаси ҳақидаги қонун талабларига зид келмайди ва унинг моҳиятидан келиб чиқади. Жумладан, бу муносабатларга мақсадли қарзлар ҳақидаги ФК 739-моддасини, қарз берувчига берилган кредитнинг мақсадли ишлатилаётганлигини назорат қилишга имконият берган ҳолда ва кредитнинг мақсадли ишлатилиши шarti бузилган ҳолда шартномани бир томонлама бекор қилишни қўллаш мумкин.

745-модда. Кредит шартномасининг шакли

Кредит шартномаси ёзма шаклда тузилиши шарт.

Ёзма шаклга риоя қилмаслик кредит шартномасининг ҳақиқий бўлмаслигига олиб келади. Бундай шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

1. Кредит шартномаси ҳар доим фақат ёзма равишда тузилади.

Кредит шартномасида битим шакли муҳим элементлардан бири бўлиб, у қонунга кўра шартноманинг мавжудлиги билан тенг қучлидир. Шунинг учун кредит шартномасини ёзма равишда тузмаслик оқибатлари умумий ҳолларга қараганда нисбатан оғирроқдир. Кредит шартномасини тузишда унинг шаклига риоя қилмаслик битимнинг ҳақиқий эмас деб топилишига ва шартноманинг ўз ўзидан ҳақиқий эмаслигига олиб келади.

Кредит шартномаси шаклига, қарз шартномасига қараганда алоҳида эътибор берилиши унинг банклар фаолияти билан боғлиқ эканлигида тушунилади. Кредит шартномасини фақатгина банклар ва марказий банк лицензиясини олган кредит ташкилотларигина тузишлари мумкин. Кредит операцияларини амалга ошириш лицензияларини бериш билан бир вақтда, давлат унинг ишончилигига ва демак бу ташкилотлар билан тузилган битимларни тузишда юзага келадиган ҳуқуқий муносабатларга кафолат беради. Бир вақтнинг ўзида тегишли давлат идораларида кредит ташкилотлари устидан назорат ваколатлари пайдо бўлади. Шунинг учун назорат функцияларининг самарадорлигини таъминлаш мақсадида шартноманинг мажбурий ёзма шакли қабул қилинган. Кредит шартномаси шаклларига риоя қилиш усуллари қуйидагилардир: банк тақдим қилган шаклларни тўлдириш ёки ҳужжатларни тузиш ва уларнинг банк ходими ва қарздор томонидан имзоланиши ёки ўзаро ҳужжат алмаштириш, ҳамда қарздорнинг ёзма илтимосномасига кўра унга банк томонидан пул берилиши.

2. Кредит шартномасини тузишнинг бу усулига банк томонидан мижоз банк ҳисобрақамига (пул маблағлари йўқлиги ёки етарли эмаслиги шароитида) пул ўтказиши ёки мижознинг ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича тўловни амалга ошириш киради. Бу ҳолда айтиб ўтилган операцияларни амалга ошириш банк ҳисоб шартномасида аввалдан кўзда тутилган бўлиши керак.

3. Банклар кўпчилик ҳолларда қарздорларга банк ҳисобварақлари орқали нақдсиз пул берадилар. Кредитни бериш имкониятлари ва шартларини томонлар банк ҳисобварағи шартномасида келишиб олишлари

мумкин. Қарздор кредит маблағларига муҳтожлик сезганда, банкка муурожаат қилиши мумкинки, банк махсус кредит шартномаси тузиб ўтирмасдан, унинг ҳисобварағига пул ўтказиб юборади.

Кредит шартномасига кўра қарз олувчига, қарз шартномасига ўхшаш тарзда шартномани пул берилмаганлиги асоси билан бекор қилиш ҳуқуқи берилган. Тузилган кредит шартномасига кўра кредитор қарз олувчига пул беришга мажбур. Бу мажбурият бажарилмаган ҳолларда, қарз олувчида кредитни ва унинг фоизларини қайтариш мажбуриятлари юзага келмайди, акс ҳолда бу ҳолат кредиторнинг асоссиз равишда бойишига олиб келган бўлар эди. Шунинг учун қарз олувчи кредит шартномаси тузилган шароитда, шартномани пул берилмаганлиги асосига кўра бекор қилишни сўраб судга муурожаат қилиши мумкин.

746-модда. Кредит бериш ёки олишдан бош тортиш

Кредитор қарз олувчини тўловга қобилиятсиз деб ҳисобласа, қарз олувчи кредитни таъминлаш мажбуриятларини бажармаса, шартномада назарда тутилган кредитдан аниқ мақсадда фойдаланиш мажбуриятини бузса, шунингдек шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда қарз олувчига кредит шартномасида назарда тутилган кредитни беришдан бутунлай ёки қисман бош тортишга ҳақли.

Қарз олувчи кредит олишдан бутунлай ёки қисман бош тортишга ҳақли. Агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз олувчи бу ҳақда кредиторни кредит шартномасида белгилаб қўйилган кредит бериш муддатига қадар хабардор қилиши шарт. Қарз олувчи кредит шартномасида назарда тутилган кредитдан аниқ мақсадда фойдаланиш мажбуриятини бузган тақдирда кредитор шартнома бўйича қарз олувчини бундан бўён кредитлашни тўхтатишга ҳақли.

1. Шарҳланаётган моддада кредит шартномасини бир томонлама тартибда тўхтатиш асоси ўрнатилган. Кредитор кредит беришдан бутунлай ёки қисман воз кечиши мумкин. Бунинг учун шарҳланаётган модданинг 1-қисмида кўрсатилган асос керак бўлади.

2. Одатда кредит бериш учун рад жавобига иқтисодий ва ҳуқуқий омил асос бўлади, жумладан, қарз олувчининг кредитни қайтаришига

шубҳа бўлса, тўсатдан қарз олувчининг тўлай олмаслик ҳолатига тушиши, қарз олувчининг устав капиталининг камайиши, қарз олувчининг янги-дан ташкил этилиши ҳақидаги қарори, қарз олувчининг жавобгарликка тортилиши, қарз олувчининг иқтисодий ҳолатининг турғун эмаслиги (пул мажбуриятлари бажарилишининг бузилиши, солиқларни тўламаслик) ва бошқалар.

3. Одатда, кредит шартномаси тузишдан олдин банкнинг қарз олувчининг тўловни бажариш имконияти, молиявий шароитини аниқлаш бўйича иш олиб борилади, яъни қарз олувчининг кредитни қайтара олиш имкониятини аниқлаш бўйича иш олиб борилади, қарз олувчи маълум бир хужжатлар рўйхатини банкка тақдим этади, фақат текширув ўтказилгандан сўнг томонлар кредит шартномасини тузишади. Шубҳасиз, кредитлашнинг мувафакқияти қанчалик диққат билан таҳлил ўтказилишига боғлиқ бўлади.

Қарз олувчининг кредитни тўлай олишлигини баҳолаш кредит ташкилотининг бевосита мажбурияти эмас, бироқ мавжуд ҳуқуқий актларда кредит ташкилотига бу масалага эътибор қаратиш тавсия этилади. Бинобарин, ЎзР «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг 22-моддасида белгиланганидек, кредит ташкилоти ўзи ўтказаятган операциялар кўлами ва характериға мос равишда ишончли даражада таъминланган назоратни амалға оширишға мажбур. Бу шуни англатадики, кредит тақдим этаётганда қарз олувчинини ички текширувдан ўтказиш лозим.

Агар кредит қобилияти банкни қаноатлантирса, у ҳолда кредит шартномасини тузиш учун ижобий қарор қабул қилади. Шундан келиб чиқиб, кредит шартномани тузишдан олдин қарз олувчи синчковлик билан текшириб чиқилади, кредит олиш бўйича аризада кўрсатилган ёки кредит ташкилотига бошқа манбадан маълум бўлган фактлар тақдим этилади, шартнома тузгунча юз берган ёки кредит ташкилоти ходимлари томонидан шартнома тузишдан олдин билиши ёки анализ қилиши керак бўлган фактлар ФКнинг 746-моддасига мувофиқ кредит тақдим этишдан бош тортишға сабаб бўла олмайди.

Банк ходимларининг эътиборсизлиги туфайли муайян фактлар аниқланмаган, лекин буни кредит шартномасини тузишдан олдинги текширишларда аниқлаш мумкин ёки шарт бўлган ҳолат ҳам худди шундай ҳал этилиши лозим.

4. ФК 746-моддасининг тўғридан-тўғри талқин қилинишига кўра кредитор кредит беришдан бош тортиш ҳуқуқидан шартнома тузилгандан, то қарз суммаси тўлиқ ёки қисман берилгунга қадар фойдаланиши мумкин. Қарз тўлиқ берилгандан сўнг кредиторнинг бу ҳуқуқдан фойдаланиши ўз кучини йўқотади. Кредитор шартнома асосида берилган пулни асоссиз равишда олинган ҳисоблаб уни қайтаришни талаб қилишга ҳаққи йўқ. Лекин унда кредитни бошқа сабабларга кўра, масалан, шартнома ҳақиқий эмас деб топилганда, қайтариб олиши мумкин.

5. Кредитор кредит беришдан қисман бош тортиши мумкин. Бунга икки асос мвжуд:

1) Кредитор пул маблағларининг тўла равишда ўз муддатида қайтарилишига монелик қилувчи шароитлар вужудга келганда қарздорга келишилган сумманинг бир қисмини бериши мумкин. Бу ҳолда қисман бош тортиш шартномага ўзгартириш киритиш деб қаралади ва ФК кўра қарз олувчининг розилиги талаб этилади. Агар кредитор қарз олувчининг розилигисиз қарзининг фақат бир қисмини берган бўлса, у ҳолда у берилган суммани қарзни тўлаш муддати келгунча қайтариб олиш ҳуқуқидан маҳрум қилинади ёки ҳеч бўлмаганда бунинг учун ҳеч қандай қонуний асослар пайдо бўлмайди. Қарздор эса, аксинча, шартнома шартлари бузилгани учун пулларни фақатгина ишлатилган даврга тегишли фойзаларини кўшган ҳолда муддатдан аввал қайтариши мумкин.

2) Кредит шартномасида кредит линияси тарзида берилган пулларнинг бир қисми берилгандан сўнг ўз вақтида қайтарилмаслигидан далолат берувчи ҳолатлар юзага келиши мумкин. Бу ҳолда кредитор ФК 746-моддасига асосан шартномани бир томонлама бекор қилиши мумкиндай кўринади. Шундай бўлсада у ҳақиқий шартнома билан ўтказилган пуллар қисмини муддатидан аввал қайтаришни талаб қила олмайди.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам, ҳар бир муайян вазиятда кредитор қарз берувчига қарз беришдан бош торганлигининг қонунийлигини ўзи аниқлайди ва зарур бўлганда жумладан, суд йўли билан ҳам асослаб беради, қарз олувчи эса кредиторнинг қарз беришдан бош торганлигининг қонунга хилофлигини исботлаб бериши мумкин.

6. ФК 746-моддаси 1-қисмида кредиторга кейинги бўладиган кредитларни тўхтатишга имкон яратувчи ҳолат кўрсатиб ўтилган. Бу ҳолат кредитларни мақсадли ишлатмаслик ҳолатидир.

Кредит шартномалари кўпчилик ҳолларда фақат мақсадли ишла-тишни кўзда тутган ҳолдагина тузилади ва кредит бериш бир неча пул траншлари орқали амалга оширилиши мумкин. Қарздор томонидан пулларнинг мақсадсиз ишлатилиши ҳолатларида банк қарз олувчига кейинги кредитларни беришдан бош тортиши мумкин. Бундан ташқари, ФК 739-м. га кўра у аввал берилган кредитларни ҳам, унга ҳисобланган фоизлари билан қайтариб олиш ҳуқуқига эга.

7. Қарз олувчи кредит олишдан бутунлай ёки қисман бош тортиши мумкин. Бунда ундан ҳеч қандай асос талаб қилинмайди. Фақатгина кредит олишдан воз кечилганлиги ҳақида ариза берилиши ва у шартномада кўрсатилган кредит бериш муддатидан аввал тақдим қилиниши керак. Кредит олишдан бош тортганликдан келиб чиқадиган оқибатлар ФКда кўрсатиб ўтилмаган, шунинг учун ундан қарз олувчи ўзига бирон бир зиён етмаган ҳолда бу ҳуқуқдан фойдаланиши мумкин. Қарз олувчининг шартномани бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқи билан таъминловчи ФК 746-моддаси диспозитив табиатга эга эканлиги эътиборни тортадиган ҳолатдир ва қонунда ёки шартномада бошқача кўрсатилмаган тақдирдагина кучга киради. Амалда, кредит шартномасини тузишда банк-кредитор томонидан ишлаб чиқилган шартнома нусхасини имзолаш талаб қилиниши қарз олувчининг ҳуқуқларини чегаралайди. Шартномада қарз олувчига қарзни олишдан ёки унинг бу бир томонлама бекор қилинишидан келиб чиқадиган кредитор кўрган зарарларини тўлашдан бош тортиши тақиқланади.

747-модда. Ашёларни кредитга бериш шартномаси

Тарафлар бир тарафнинг кредит шартномаси шартлари асосида турга хос аломатлари билан белгиланган ашёларни иккинчи тарафга бериш мажбуриятини назарда тутувчи шартномани тузишлари мумкин.

Ашёларни кредитга бериш тўғрисидаги шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартноманинг берилётган ашёларнинг миқдори, ассортимент, тўлиқлиги, сифати, идиши ва (ёки) ўралиши ҳақидаги шартлари товарларни олди-сотди шартномаси тўғрисидаги қоидаларга мувофиқ бажарилиши шарт.

1. Товар кредити деб аталадиган шартномасининг предмети, қарз шартномаси каби турларга хос аломати билан белгиланган ашёлар бўлиши мумкин. Лекин ашёларни кредитга бериш уларни қарзга беришдан шуниси билан фарқ қиладики, унда қарз олувчи кредитор томонидан ашёларни талаб қилишга ҳақли.

Кўрсатиб ўтилган шартнома кредит шартномасидан томонларнинг субъект таркиби билан фарқланади. Кредит шартномасида кредитор сифатида банклар ёки кредит ташкилотлари иштирок этишлари мумкин. Ашёларни кредитга беришда ҳар қандай шахс қатнашишлари мумкин. Амалда, бу шартномаларни одатда тижорат ташкилотлари тузадилар.

2. Агар шартномада бошқача кўрсатилмаган бўлса, топширилаётган ашёларнинг сифати, ассортименти, комплекти, миқдори ҳақидаги шартлар олди-сотди шартномасининг умумий қоидалари билан тартибга солинади.

Ашёларни кредитга бериш ҳақидаги шартномага, агарда ашёларни кредитга бериш шартномасида бошқача кўрсатилмаган бўлса ҳамда улар мавжуд мажбуриятлардан келиб чиқмаса, кредит шартномаси ҳақидаги умумий қоидалар қўлланилади (шартнома шакли ҳақида, кредит олишдан ёки беришдан бош тортиш ва б.). Ашёларни кредитга бериш шартномаси, одатда, бошқа кредит шартномалари каби ашёларни қайтиришни тақозо этади.

748-модда. Тижорат кредити

Бажарилиши учун пул суммаларини ёки турга хос аломатлари билан белгиланадиган бошқа ашёларни иккинчи тарафга мулк қилиб топшириш талаб қилинадиган шартномаларда, агар қонун ҳужжатларида бошқа ҳол белгилаб қўйилган бўлмаса, кредит бериш, шу жумладан бўнак, олдиндан ҳақ тўлаш, товарларга, ишлар ёки хизматларга ҳақ тўлашни кечиктириш ва бўлиб-бўлиб тўлаш шаклида кредит бериш (тижорат кредити) назарда тутилиши мумкин.

Тегишли мажбурият баён қилинган шартнома тўғрисидаги қоидаларда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ва у мазкур мажбуриятнинг моҳиятига зид келмаса, тижорат кредитига нисбатан тегишли суратда ушбу бобнинг қоидалари қўлланади.

1. Шарҳланаётган моддага кўра, тижорат кредитига товарга, бажарилган иш ва хизматларга пул тўлашнинг муддатини узайтириш ёки чўзиш

ҳамда аванс тарзида берилган пуллар ёки аввалдан пулини бериш каби фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятлари киради.

Агар ушбу мажбуриятларни вужудга келтирган шартнома ҳақидаги қоидаларда бошқача кўрсатилмаган бўлса ва бу каби мажбуриятлар моҳиятига зид келмаса, у ҳолда тижорат кредитларига қарз шартномалари ҳақидаги қоидалар қўлланилади.

Тижорат кредитларидан (шу жумладан аванс ва олдиндан тўланган суммалар) фойдаланганлик учун тўланадиган фоизлар, пул маблағларидан фойдаланганлик учун тўлов ҳисобланади. Тижорат кредитларидан фойдаланганлик учун тўланадиган фоиз миқдорлари ва тўлаш тартиблари қонунда ёки шартномада кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда судлар ФК 734-моддаси қоидаларига амал қилишлари керак бўлади. Тижорат кредитларидан фойдаланганлик учун тўланадиган фоизларни қонунда ёки шартномада кўрсатилган вақтдан бошлаб тўлаш керак бўлади. Агар қонунда ёки шартномада вақт кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда бу мажбурият товар олинган, ишлар бажарилган ёки хизматлар кўрсатилган (тўлов муддати кечиктирилганда) вақтдан ёки пул маблағларини (аванс ва олдиндан тўланган суммалар) тақдим этиш вақтидан бошлаб кучга киради ва кредит олган томон ўз мажбуриятларини бажарган ёки тижорат кредитлари сифатида олинган нарсаларни қайтарган вақтда тўхтатилади.

Шарҳланаётган модда тижорат кредитлаш муносабатлари қатнашувчиларининг субъектив таркибига ҳеч қандай махсус талаблар қўймайди, лекин «тижорат» сўзининг ўзи кўпчилик ҳолларда фақат тижорат ташкилотлари иштирокидаги муносабатлардагина қўлланилиши мумкин деб талқин қилинади. Ваҳоланки, на ушбу модда, на у ёки бу тижорат кредити қараладиган ФК моддалари, на шартномаларнинг алоҳида турларини тартибга солувчи қоидалар субъектив таркибга махсус талаблар қўймайди.

2. Кодексда етарлича аниқ кўрсатилган тижорат кредитлари тушунчасига кирадиган муносабатлар доираси бундай шартномаларни пул ёки товарни қарзга бериш бўйича ҳақ эвазига тузиладиган фуқаролик-ҳуқуқий бошқа битимлар доирасига киритиш учун асос бўла олмайди.

Тижорат кредитларини ФК 748-моддасида кўрсатилган маънода банк кредитларига қарши қўйишга ҳам ҳеч қандай асос йўқ. Махсус субъект таркибли кредит битимларини бошқа, қатнашчилари махсус тартибга

солинмайдиган битимларга (пул ва товар кўринишидаги қарз, товар кредити, тижорат кредити) қарши қўйиш аниқроқ бўлар эди.

ФК 748-моддасининг шарҳланаётган қисми судларга тижорат кредитига товарга, бажарилган иш ва хизматларга пул тўлашнинг муддатини узайтириш ёки чўзиш ҳамда аванс тарзида берилган пуллар ёки олдиндан ҳақ тўлаш каби фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятлари киришига эътибор қаратишни тақазо қилади. Равшанки, аванслаштириш ва олдиндан пул ўтказиш ҳақ эвазига бажариладиган мажбуриятлар доирасида амалга оширилиши керак.

Тижорат кредитларидан фойдаланиш имкониятларига ФКнинг олди-сотди шартномалари қоидаларида кўрсатмалар берилган.

3. ФК 748-моддасига кўра тижорат кредитига, агарда бу каби мажбуриятларни юзага келтирган шартнома қоидаларида бошқача кўрсатилмаган бўлса ва унинг моҳиятига зид келмаса, 41-боб «Қарз ва кредит» қоидалари қўлланилади. Гўёки бу қоида худди кредит шароитларида юзага келадиган ҳуқуқий тартибга солишни тўлдиради.

Бундай аниқлаштириш тижорат кредити бўйича муносабатларга, агарда бу мажбурият шартларидан келиб чиқса, кредит ҳақидаги қоидаларни қўллашга халақит бермайди. Шу жумладан, агар томонлар олди-сотди шартномасида аванс тўланмаган шароитда юзага келадиган неустойка шартларини келишиб олган бўлсалар, у ҳолда аванс суммасини ҳақиқатда амалга ошган битим деб ҳисоблашга асос йўқ. Бундай битим консессуал битим бўлади ва кредитор мажбуриятларига нисбатан ФК 746 ва 745-моддаларида кўрсатилган қоидаларни қўллашга имконият туғилади.

Агар шартномада аввалдан олинган ёки товарлар олингандан сўнг тўлов муддати келгунча сакланидиган пул маблағларидан фойдаланиш ҳақида тегишли шартлари кўрсатиб берилган пул маблағларидан ҳақ эвазига фойдаланиш тўғрисидаги умумий қоидага кўра қонуний ҳисобланади (ФКнинг 734-м.) ва ҳақ тўланиши лозим.

Бундан келиб чиққан ҳолда, бошқаларга тегишли капиталдан — тижорат кредитидан фойдаланганлик учун тўланадиган фоизлар пул маблағларидан фойдаланганлик учун тўловлар деб қаралиши керак деб ҳисоблаймиз. Қонунда ёки шартномада фоиз ставкалари миқдори ва тўлаш тартиблари кўрсатилмаган бўлса, ФК 748-моддаси талабларидан

келиб чиққан ҳолда ФК 734-моддасида кўрсатилган қоидалардан фойдаланиш лозим.

Тижорат кредитларининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, агарда шартнома ёки қонунда қайси вақтдан бошлаб тижорат кредитларидан фойдаланганлик учун фоизлар тўланиши кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда товар олиш, бажарилган иш ва хизматларни қабул қилиб олиш вақтидан бошлаб ёки пул маблағларини тақдим этган вақтдан бошлаб аниқланади ва кредит олган томон ўз мажбуриятларини бажарганидан ёки тижорат кредити сифатида олинган нарса қайтарилгандан сўнг тўхтатилади.

42-БОБ. ПУЛ ТАЛАБНОМАСИДАН БОШҚА ШАХС ФОЙДАСИГА ВОЗ КЕЧИШ ЭВАЗИГА МОЛИЯЛАШ

**749-модда. Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш
эвазига молиялаш шартномаси**

Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномаси бўйича бир тараф (молия агенти) иккинчи тарафга (мижозга) шу мижознинг (кредиторнинг) учинчи шахсга (қарздорга) товарлар беришидан, унинг ишларини бажаришидан ёки унга хизматлар кўрсатишидан келиб чиқадиган пул талабномаси ҳисобидан пул маблағларини беради ёки бериш мажбуриятини олади, мижоз эса молия агентига ушбу пул талабномасини беради ёки бериш мажбуриятини олади.

Мижоз ўзининг молия агенти олдидаги мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш мақсадида ҳам қарздорга нисбатан пул талабномасидан молия агенти фойдасига воз кечиши мумкин.

Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномаси бўйича молия агентининг мажбуриятлари мижоз учун бухгалтерия ҳисобини юритишни, шунингдек мижозга бошқа шахс фойдасига воз кечиш нарсаи бўлган пул талабномалари билан боғлиқ бошқа молиявий хизматлар кўрсатишни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

1. Шартноманинг бу тури адабиётларда факторинг шартномаси деб ҳам аталади (инглиз тилидан factor-комиссионер, агент, ўртада турувчи), яъни шартнома тузилаётганда унинг номи «Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаштириш» ёки «факторинг шартномаси» деб белгиланади.

ФК 42-боби қоидаларида Халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини унификациялаш институти томонидан ишлаб чиқилган ва халқаро иқтисодий

муомилада факторинг шартномалари бўйича муносабатларни тартибга солувчи ягона қоидаларни шакллантиришга йўналтирилган УНИДРУА Конвенциясининг халқаро фактор операциялар (факторинг) низомлари ҳисобга олинган.

2. Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаштириш шартномаси ўз моҳиятига кўра бир тараф (молия агенти) иккинчи тарафга (мижозга) шу мижознинг (кредиторнинг) учинчи шахсга (қарздорга) товарлар берилишидан, унинг ишларини бажаришдан ёки унга хизмат кўрсатишдан келиб чиқадиган пул талабномаси ҳисобидан пул маблағларини беради ёки бериш мажбуриятини олади, мижоз эса молия агентига ушбу пул талабномасини беради ёки бериш мажбуриятини олади.

Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаштириш шартномаси халқаро тадбиркорликда қўлланилган ва қўлланаётган бўлсада, ҳозирги амалдаги ФК қабул қилингунга қадар қонунчиликда назарга олинмаган эди. Бу шартноманинг моҳияти келажакда бажариладиган пул талабномасини пул маблағларига «айлантиришдан» иборат. Факторинг мижоз коммерсантини товарлар (иш, хизмат) учун харидорлардан пул кутишдан озод қилади: пулларни молиявий агент (фактор) дан олиб, мижоз унга ўз талабномасини харидорга беради, қарздор билан ҳисоб-китоб қилишдан ўзини озод қилиб, факторнинг пул маблағларини ўз иқтисодий оборотига киритади. Бундан ташқари, молиявий агент мижоз учун бухгалтерия ҳисобини ҳам олиб бориши ва бошқа молиявий хизматлар кўрсатиши ҳам мумкин.

3. Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш фуқаролик ҳукукида «цессия» номи билан маълум. Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаштириш муносабатларида цессия кредитлаш билан узвий боғланган ва шу сабабга кўра ФКда ўз аксини топган. Факторинг шартномаси шаклига пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечишнинг умумий қоидалари қўлланилади.

Ушбу моддада пулларни ўтказишда молиявий агентнинг мажбуриятлари баёни бўлиб, у бу шартноманинг ҳақиқийлиги ва консенсуал бўлиши мумкинлигини келтириб чиқаради. Бундан ташқари, пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаштириш ҳақ эвазига ва икки томонламадир.

4. Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаштириш шартномаси томонлари бўлиб куйидагилар ҳисобланадилар: молиявий агент у пул талабномасидан воз кечиш эвазига молиялаштиришни амалга оширишга рухсат этилган шахс; мижоз — юридик ёки жисмоний шахс бўлиб у товар, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи тадбиркор. Молиявий агент ва мижоздан ташқари пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш муносабатларида ва пул талабномасининг ижросида у билан мижоз ўртасидаги шартнома асосида юзага келадиган ён берилган пул талабномасини тўлаши керак бўлган учинчи шахс ҳам қатнашади.

Шартнома бўйича асосий корреспондент мажбуриятлар сифатида шарҳланаётган модданинг 1-қисмида молиявий агентнинг мижозга пул маблағларини ўтказиши ва мижознинг молия агентига учинчи шахсга (қарздорга) ён бериши бўйича мажбурияти деб номланади.

Бунга қўшимча қилиб айтиш мумкинки, шарҳланаётган модданинг 2-қисмига мувофиқ шартномада мижозни молиявий хизмат кўрсатишдаги молиявий агентнинг мажбуриятлари кўрсатиб ўтилиши мумкин. Бу мажбуриятларнинг зарурлиги юзага келган муносабатларнинг характери билан, жумладан, молиялаштириш ва пул талабномасидан воз кечиш турларига боғлиқ. Томонларнинг бошқа мажбурият ва ҳуқуқлари ва бу билан боғлиқ учинчи шахснинг (қарздор) мажбурият ва ҳуқуқлари ФК 42-бобида шартноманинг алоҳида шартларига алоқадор қисмида ёритиб берилган.

5. Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаштириш шартномасида бир марталик ҳамда бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаштириш билан боғлиқ операцияларни мунтазам равишда ўтказиб туриш белгилаб қўйилган бўлиши мумкин. Охирги ҳолда шартнома ташкилий тизимли алоқалар кўринишини олади. Бундай шартнома бўйича молия агенти мижозга унинг учинчи шахсларга хўжалик фаолияти давомида юзага келадиган пул талабномаси ҳисобига пул ўтказиб беради, мижоз эса бу пул талабномасидан молия агенти ҳисобига воз кечади. Шартномада пул талабномасидан воз кечиш ва молиялаштиришнинг умумий шартлари кўрсатиб ўтилиб, унга воз кечиладиган талабномалар, алоҳида операцияларни амалга ошириш тартиблари, молия агентининг мукофот миқдорлари, шартноманинг амал қилиш муддати ва томонларнинг бошқа талаблари кўрсатилади.

6. ФК 749-моддасининг 1-қисми ва 756-модда мазмунидан келиб чиқадики, шартномада пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига пул маблағларини ўтказиш икки хил усулда амалга оширилади: 1) пул талабномасини сотиб олиш йўли билан; 2) қарзга пул маблағларини тақдим этиш билан.

Молиялаштиришнинг тегишли шаклидан фойдаланиш молия агентига юзага келадиган мажбуриятлардаги фарқларни белгилаб ўтади.

Мижоздан талабномани сотиб олиш қарздор билан молия агенти орасида мажбуриятлар юзага келишига сабаб бўлиб, бу мажбуриятлар мазмуни қарздор томонидан молия агентига ўтган пул талабномаларини тўлашдан иборатдир. Молия агенти томонидан мижозга пул талабномасини тақдим қилиш фақат ФК 752-моддасида кўрсатилган асосларда ва мижознинг молия агенти олдидаги жавобгарлиги тўғрисидаги талабларни бажармаганлиги билан боғлиқ пул талабномаси бўлиб, воз кечиш предмети ва қарздор томонидан унинг тўланмаганлигидир.

Пул талабномасидан воз кечиш билан таъминланган ҳолда пул маблағларини қарзга бериш билан молиялаштириш иккита мажбурият муносабатларини — асосий ва таъминловчи муносабатларни келтириб чиқаради. Биринчисининг моҳияти шундан иборатки, унда молия агенти томонидан берилган пул маблағлари мижоз томонидан қайтариледи. Иккинчисининг моҳияти эса, пул талабномасини қарздор томонидан мижознинг молия агентига қарзларини тўлаш бўлсада, унинг асосий мажбуриятга нисбатан таъминловчилик функцияси устун туради.

7. Пул мажбуриятлари бўйича кредитор ҳуқуқларининг мижоздан молия агентига ўтиши талабномадан воз кечишнинг махсус тури ҳисобланиб, ФК 42-боби билан тартибга солинади. Ушбу қоидалар етарли бўлмаган ҳолда ФК 23-бобининг кредитор ҳуқуқларини бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги умумий қоидалари қўлланади.

Бу маънода, талабномадан воз кечиш шакллари тўғрисидаги ФК 320-моддаси қоидаларини эслатиб ўтиш зарурки, улар шартнома шакллари аниқлашда ва шартномани рўйхатдан ўтказиш масалаларини белгилашда муҳим аҳамиятга эга: пул талабномасидан воз кечиш воситаси бўлиб хизмат қилувчи шартнома шакли (оддий ёки нотариал гувоҳлантирилган), воз кечиш предмети бўлган талабнома учун асосланувчи битим шакли билан белгиланади, давлат томонидан рўйхатга олинмаган битимга

асосланган пул талабномасидан воз кечиш шартномаси битимни рўйхатга олиш тартибларига кўра рўйхатдан ўтиши керак.

Шарҳланаётган модда воз кечиш предмети бўлиши мумкин бўлган пул талабномаларининг турларини фақат мижозларни учинчи шахсларга товар етказиб бериш, иш бажариш ёки хизмат кўрсатиш талабномалари билан чегаралайди. Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаштириш шартномаси доирасига қимматбаҳо қоғозларда (вексель, чек, облигация) ифодаланган муомиладаги қарз мажбуриятларидан воз кечиш кирмайди.

8. Мижоз томонидан пул талабномаларидан воз кечиш талабномаларни молия агентига ўтказиш мақсадида ҳамда мижознинг молия агенти олдидаги мажбуриятларини бажаришни таъминлаш мақсадида амалга оширилади.

Пул талабномаларидан воз кечиш мижозни молия агенти олдидаги мажбуриятларни бажаришни таъминлаш учинчи шахсни мижоз мажбуриятларини унга берилган пулларни қайтариш учун жалб қилишдан иборат. Бундай таъминлашнинг хусусияти шундан иборатки, унда воз кечиш предмети бўлган пул талабномасини бажаришга тақдим этиш, контрагентнинг асосий мажбуриятларни бажармаслиги ёки қоникарсиз бажарганлигига боғлиқ эмас. Бу мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашнинг қонунда кўрсатилган усулларига хосдир. Аксинча, пул талабномаларидан шартнома доирасида воз кечишда молия агенти аввал пул талабномаси тўловларини тўлаши ва агар қарздордан олинган, пул талабномасидан воз кечиш билан таъминланган сумма мижознинг молия агенти олдидаги қарзидан кам бўлган ҳолда эса қарзни қолган қисмини тўлаш мижозга тақдим этилади (ФК 756-моддаси 2-қисмига қаранг). Пул талабномасидан воз кечишнинг таъминот функцияси шунга асосланганки, молия агенти мижозга берилган пулни қайтариш талаби билангина чекланиб қолмасдан, мижоз қарзини узишга маблағ манбаси вазифасини ўтовчи учинчи шахсга (қарздорга) пул талабномасини ҳам ўз зиммасига олади. Шу билан бир қаторда томонлар одатдаги муносабатлар тартибидан ҳам фойдаланишлари мумкин бўлиб, унда молия агенти пул талабномаси қийматини қаноатлантириш ҳуқуқига фақатгина мижоз молия агенти олдида таъминланган пул талабномасидан воз кечиш мажбуриятини бажармаган тақдирда эга бўлади.

Мажбуриятлар ижросини таъминлаш усули сифатида пул талабномасидан воз кечишга таъминловчи ёки асосий мажбуриятлар ҳақиқий эмас деб топилганда келиб чиқадиган оқибатлар ҳақидаги ФК 259-моддаси тартиблари қўлланилади.

9. Ушбу модданинг 3-қисми муҳокама қилинаётган шартномани қўшимча шартларга эга бўлган ҳолда тузиш имкониятларини кўзда тутди.

Шартнома бўйича бажарилаётган операциялар мунтазам характерга эга бўлган ҳолларда молия агенти билан мижоз ўртасидаги умумий қоидаларга асосланган муносабатлар моҳияти молиялаштириш ва пул талабномасидан воз кечиш билан тугамайди. Пул талабномаси билан пулларни ҳақиқатдан ҳам келиб тушишини таъминлаш учун молия агенти мижознинг молия-хўжалик фаолиятида фаол иштирок этиши ва учинчи шахслар томонидан пул талабномаларининг ўз вақтида бажарилиши талаб этилади. Ўз томонидан мижоз, айниқса корхона унча катта бўлмаса, унга малакали молиявий хизмати кўрсатишдан манфаатдордир. Бу мақсадларда молия агентининг пул талабномаларидан воз кечилган ҳолда шартномага кўра молиялаштиришдаги мажбуриятлари мижозга бир қатор молиявий-бухгалтерия, маслаҳат ва маълумот хизматларини (мижоз учун бухгалтерия хизматлари, учинчи шахсларнинг тўлов қобилиятини текшириш ва улардан дебитор қарзларини ундириш, шу жумладан суд йўли билан жарималарни ундириш) ўз ичига олиши мумкин.

Молия агентининг мижозга кўрсатадиган хизматларининг хусусияти шундаки, улар воз кечиш предмети бўлиб хизмат қиладиган пул талабномалари билан боғланган. Кўрсатиладиган хизмат турлари ва ҳажми мижоз талабларига, молиялаштириш ва пул талабномаларидан воз кечиш шартларига боғлиқ равишда ўзгариши мумкин.

750-модда. Молия агенти

Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномаларини молия агенти сифатида банклар ва бошқа кредит ташкилотлари, шунингдек бундай турдаги фаолиятни амалга ошириш учун рухсатномаси (лицензияси) бўлган бошқа тижорат ташкилотлари ҳам тузиши мумкин.

1. Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаштириш шартномаси томонлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланадилар: пул талабномаларидан воз кечувчи шахс (мижоз-кредитор); талабномани қабул қилувчи ва ўрнига пул маблағлари берувчи шахс (молия агенти-фактор).

Қонун фақат молия агентигагина алоҳида талаблар қўяди. Молия агентлари банклар ва кредит ташкилотлари ҳамда тегишли лицензияга эга бўлган бошқа тижорат ташкилотлари бўлиши мумкин. Бундан келиб чиқадики, пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаштириш тадбиркорлик фаолияти сифатида ФК 42-боби қоидаларига асосан лицензиялаштирилиши керак.

2. Молия агенти-банклар, банкларни ташкил қилиш ва фаолиятини тугатиш Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелдаги «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунда кўзда тутилган. Масалан, мазкур қонуннинг 1-моддасида банк бу — юридик шахс ва тижорат ташкилоти ҳисобланиб, банк фаолияти сифатида қараладиган қуйидаги фаолиятларни амалга ошириши мумкин: юридик ва жисмоний шахслардан қўйилмалар олиш ва уларни кредитлаш ёки инвестиция билан шуғулланиш; тўловларни амалга ошириш.

Банк фаолиятидан ташқари банклар бошқа турдаги операцияларни ҳам бажаришлари мумкин. Улар қаторига мажбуриятларнинг ижроси бўйича талаб қилиш ҳуқуқини учинчи шахслардан сотиб олиш ҳам киради.

Банк, шу жумладан чет эл банклари ҳам ўз фаолиятларини Марказий банк томонидан бериладиган лицензия асосида амалга оширадилар. Лицензияда банк бажариши мумкин бўлган операциялар рўйхати келтирилади. Лицензияларсиз банк фаолиятини амалга ошириш ноқонуний ҳисобланади ва бундан тушган даромад давлат фойдасига ундирилади.

3. Кредит уюшмаларини тузиш, фаолияти, қайта ташкил қилиш ва тугатиш муносабатлари 2002 йил 4 апрелда қабул қилинган «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги қонун 2012 йил 29 декабрда ўз кучини йўқотди. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига узгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида» қонуни. «Халқ сўзи» 2013 йил 4 январь. Мазкур Қонуннинг 2-моддасига биноан кредит уюшмаси бўлиб кредит бериш ва бошқа молиявий хизматлар кўрсатиш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар томонидан тенг ҳуқуқли аъзолик асосида ихтиёрий равишда тузилган кредит ташкилоти ҳисобланар эди.

Кредит ташкилоти давлат рўйхатидан ўтган вақтдан бошлаб юридик шахс мақомини олади. Кредит уюшмаси фаолияти лицензия асосида амалга оширилган эди. Кредит уюшмаларини рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан амалга оширилар эди.

Қонуннинг 10-моддасида кредит уюшмаларининг ҳуқуқлари, шу жумладан шартнома тузиш ҳуқуқлари ва ўз низомига кўра фуқаролик-ҳуқуқий битимларни амалга ошириши кўрсатиб ўтилган эди.

4. Бундай фаолият тури билан бошқа тижорат ташкилотлари фақат лицензия асосидагина шуғулланишлари мумкин.

751-модда. Маблағ олиш мақсадида бошқа шахс фойдасига воз кечиладиган пул талабномаси

Тўлов муддати келган пул талабномаси ҳам (мавжуд талабнома), шунингдек келажакда вужудга келадиган пул маблағларини олиш ҳуқуқи (бўлажак талабнома) ҳам молиялаш эвазига бошқа шахс фойдасига воз кечиладиган нарса бўлиши мумкин.

Молиялаш эвазига бошқа шахс фойдасига воз кечиш нарсаси бўлган пул талабномаси миқознинг молия агенти билан тузадиган шартномасида шундай белгиланган бўлиши керакки, мавжуд талабнома шартнома тузиш пайтига монанд бўлсин, бўлажак талабнома эса — кечи билан талаб вужудга келган пайтга монанд бўлсин.

Бўлажак пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечилганида, у шартномада назарда тутилган талабномадан бошқа шахс фойдасига воз кечиш нарсаси бўлган пул маблағларини қарздордан олиш ҳуқуқи вужудга келганидан кейин молия агентига ўтган ҳисобланади. Агар пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш маълум воқеага боғлиқ бўлса, бошқа шахс фойдасига воз кечиш ушбу воқеа юз берганидан кейин кучга киради. Бундай ҳолларда пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечишни қўшимча расмийлаштириш талаб қилинмайди.

1. Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаштириш шартномаси предмети бўлиб, молиялаштирилиш мақсадида пул талабномасидан воз кечишдир. Пул талабномаси деганда кредитор-

нинг мажбурият муносабатларига асосланган ҳолда учинчи шахслардан пул маблағлари олиш ҳуқуқи тушунилади.

ФК 94-моддасига биноан Ўзбекистон Республикасининг пул бирлиги қилиб сўм белгиланган (шунингдек, 1991 йил 31 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Конституциявий қонуннинг 11-моддаси, 1995 йил 21 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги қонунининг 32-моддаси иккинчи ва учинчи қисмлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 16-июндаги «Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида»ги №VII-870-сонли Фармонига қаралсин).

2. Икки турдаги пул талабномалари молиялаштиришга имкон берадиган воз кечиш предмети бўлиши мумкин (шарҳланаётган модданинг 1-қисми):

пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаштириш шартномаси тузилган сана бўйича тўлов муддати келган талабномалар;

муддати мижоз ва учинчи шахс орасидаги битимга кўра пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаштириш шартномаси тузилгандан кейин вужудга келадиган бўлажак талабнома.

Биринчи ҳолда мижознинг қарздордан пул маблағларни вужудга келган олиш ҳуқуқидан воз кечиши назарда тутилган. Иккинчи ҳолда эса келажакда вужудга келадиган пул олиш ҳуқуқидан воз кечиш назарда тутилган.

Воз кечиш предмети бўлган пул талабномаси хақиқий ҳамда муайян бўлиши керак.

3. Шарҳланаётган модданинг 2-қисмига биноан воз кечиш предмети ҳисобланадиган мижоз ва молия агенти ўртасида тузилган пул талабномаси хақидаги шартнома шартлари шартнома тузилган вақтдаёқ ёки қарздордан пул маблағлари олиш ҳуқуқи юзага келмасдан олдинроқ (келажак талабномаси), воз кечиладиган пул талабномаси (мавжуд талабнома) бошқа талабномалардан фарқ қиладиган белгиларга эга бўлиши керак.

Пул талабномаси қарздорни аниқ кўрсатиш, талаб суммаси, унинг вужудга келиш асослари ва пул талабномасини идентификациялайдиган бошқа характерлари билан индивидуаллаштирилган бўлиши керак, пул талабномаси пул суммаси ёки қарздор кўрсатилмаган тақдирда ҳам пул талабномаси сифатида тан олинishi учун етарли.

Агар мижоз молия агентига алоҳида талабномадан эмас, балки бир неча пул талабномаларидан воз кечган ҳолда, улар кирадиган гуруҳ белгиларини кўрсатиш етарли бўлади. Бу белгиларга мижознинг талабнома келтириб чиқарадиган тадбиркорлик фаолияти; талабнома қаратилган қарздорлар гуруҳи; талабномада вужудга келиши билан боғлиқ ҳудудлар ёки қарздорлар жойлашган жойлар; воз кечиладиган талабномалар амал қилган давр; воз кечиладиган талабномаларнинг умумий суммаси.

Шарҳланаётган моддада воз кечиш предмети бўлган талабномани идентификация қилишнинг иложи бўлмаган ҳоллардан келиб чиқадиган оқибатлар қараб чиқилмаган. Молия агентининг идентификация қилишнинг иложи бўлмаган талабномалар бўйича олинмаган суммалар натижасида кўрган зарарларини молия агенти мижоздан талаб қилиш ҳуқуқига эга деб қаралади.

4. Бўлажак пул талабномаларидан воз кечишда мижознинг талабномадан воз кечиши мажбурияти юклатиладиган шартномани тузиш ва талабноманинг молия агентига ўтиши вақтлари бир хил эмас. Шунинг ҳисобга олган ҳолда, шарҳланаётган модданинг 3-қисми, тўлов муддати келиши билан боғлиқ равишда, яъни талабноманинг бўлажак шаклдан мавжуд шаклга айланиши билан молия агентига талабноманинг ўтиш вақтини аниқлайди. Бошқача қилиб айтганда, бўлажак пул талабномалари улар юзага келиши вақтига қараб молия агентига ўта бошлайди. Агар пул талабномасидан воз кечиш бирор бир ҳодиса билан боғланган бўлса, у ҳолда талабнома шу ҳодиса юз бергандан кейин, албатта, бу талабнома бўйича тўлов муддати келмасдан аввалроқ, молия агентига ўтади.

Кўриб чиқилган ҳолларда пул талабномасидан воз кечишда томонларнинг хоҳишлари шартномада кўрсатиб ўтилгани учун воз кечишнинг қўшимча шартларини расмийлаштиришга ҳожат йўқ (шарҳланаётган модданинг 2-қисми). Қарздордан пул маблағларини олиш ҳуқуқи, бунда гўёки бу ҳуқуқни бирламчи кредитор сифатида мижозда вужудга келадиган зарур оралик босқични четлаб ўтилгандек, бевосита молия агентига юзага келади.

752-модда. Мижознинг молия агенти олдидаги жавобгарлиги

Агар пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномасида ўзгача тартиб назарда тутилган

бўлмаса, мижоз бошқа шахс фойдасига воз кечиш нарсаси бўлган пул талабномасининг ҳақиқийлиги учун молия агенти олдида жавобгар бўлади.

Агар мижоз пул талабномасини топшириш ҳуқуқига эга бўлса ва ушбу талабномадан бошқа шахс фойдасига воз кечиш пайтида у қарздор бу ҳуқуқни бажармасликка ҳақли бўладиган вазиятлардан беҳабар бўлса, бошқа шахс фойдасига воз кечиш нарсаси бўлган пул талабномаси ҳақиқий ҳисобланади.

Агар мижоз билан молия агенти ўртасидаги шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, молия агенти бошқа шахс фойдасига воз кечиш нарсаси бўлган талабномани ижрога тақдим этганида қарздор бу талабномани бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги учун мижоз жавобгар бўлмайди.

1. Мижознинг шартнома бўйича асосий мажбурияти бу — пул талабномасидан воз кечиши бўлиб, бунда мажбурият бир шахсдан иккинчисига ўтади ва мижоз ўрнини молия агенти эгаллайди. Талабномдан воз кечиши билан бир вақтнинг ўзида мижоз молия агентига талаб қилиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни ҳам бериши ва талабномани амалга оширишга алоқадор маълумотларни тақдим этиши зарур. Мижоз воз кечилаётган талабноманинг ҳақиқийлигига қафолат бериши керак. Бу талабнома агар мижоз талабномани бериш ҳуқуқига эга бўлса ва воз кечиш вақтида қарздор бажармаслик ҳуқуқига эга бўлган ҳолатлар унга маълум бўлмаса ҳақиқий деб ҳисобланади.

2. Шарҳланаётган модда ФКнинг пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаштириш шартномасига тааллуқли талабномадан воз кечган кредиторнинг жавобгарлиги ҳақидаги 321-моддасининг умумий қоидаларини ойдинлаштиради.

Умумий қоидага кўра пул талабномасининг ҳақиқий эмаслиги хавфига мижоз жавоб беради, қарздор томонидан бажарилмаслик хавфи эса молия агентлигига юклатилади. Бунда биринчи ва учинчи қисмларда баён қилинган қоидалар диспозитив характерга эга.

Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаштириш шартномасида таваккалчилик бурчини тақсимлашнинг бошқа қоидалари ҳам кўзда тутилган бўлиши мумкин.

3. Шарҳланаётган моддага кўра мижоз молия агенти олдида воз кечиш предмети ҳисобланган пул талабномасининг ҳақиқийлиги учун, яъни мижоз талабнома бериш ҳуқуқига эга бўлиши ва воз кечиш вақтида қарздор бажармаслик ҳуқуқига эга бўлган ҳолатлар унга маълум бўлмаганлиги аниқлиги учун жавобгардир. Мижознинг пул талабномасини бериш ҳуқуқида талабнома ҳақиқатда ҳам мавжуд ва мижозга тегишли ва у ҳақиқий битимга асосланганлиги ва у бошқа шахсларга ўтказилмайдиган тоифага кирмаслиги, мижоз талабномадан воз кечиш шартларига риоя қилганлиги кўзда тутилади. Қарздор пул талабномасини бажармаслик ҳуқуқига эга ҳолатларга пул мажбуриятларининг тўла ёки қисман тўхтатилганлиги, даъво муддатининг ўтиб кетганлиги, ҳамда мижознинг қарздор билан тузган шартномада кўзда тутилган шартларнинг мижоз томонидан бузилганлиги киради.

Мижоз молия агентига талаб қилиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни ва талабномани амалга оширишга алоқадор маълумотларни (қарздор билан тузилган шартнома матни; товар жўнатилганлигини, ишлар бажарилганлигини, хизматлар кўрсатилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар; қарздорнинг муқобил талаблари) беришга мажбур. Молия агенти воз кечиш предмети бўлган пул талабномаси ҳақиқий эмаслиги оқибатида кўрилган зарарларни мижоздан талаб қилишга ҳақли.

4. Шарҳланаётган модданинг қарздорнинг предмети воз кечиш бўлган талабномани бажармаганлиги ёки қоникарсиз бажарганлиги учун мижоз жавоб бермаслиги ҳақидаги умумий қондаси мижоз ва молия агенти орасидаги муносабатлар мантиғига мос келади. Мижознинг пул талабномасидан воз кечишининг маъноси молиялаштиришдан ташқари кўпинча айнан молия агентининг маълум бир сумма эвазига интизомсиз қарздорлардан қарз ундиришни ўз бўйнига олишидир ва мижозни бундай ташвишлардан озод қилишидир. Агар шартномада пул талабномаси қарздор томонидан тўланмаган ҳолда мижозга жавобгарлик юклатилган бўлса, у ҳолда қарздордан ўз мажбуриятларини бажаришга эриша олмаган молия агенти мижозга берилган, лекин қарздор томонидан қайтарилмаган пул маблағларини қайтариш талаби билан мижозга мурожаат қилишга ҳақлидир. Бундай тартиб мижознинг молия агенти олдидаги мажбуриятларини бажаришни таъминлаш мақсадида пул талабномаларидан воз кечиш учун характерлидир (ФК 756-моддасига қаранг).

753-модда. Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечишни тақиқлашнинг ҳақиқий эмаслиги

Мижоз билан унинг қарздори ўртасида талабномадан бошқа шахс фойдасига воз кечишни тақиқлаш ёки чеклаш ҳақида келишув бўлган тақдирда ҳам, пул талабномасидан молия агенти фойдасига воз кечиш ҳақиқий ҳисобланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида белгилаб қўйилган қоида талабномадан бошқа шахс фойдасига воз кечишни тақиқлаш ёки чеклаш ҳақида миждоз билан қарздор ўртасидаги келишувни бузган ҳолда талабномадан бошқа шахс фойдасига воз кечилиши муносабати билан миждозни қарздор олдидаги мажбуриятлар ёки жавобгарликдан озод қилмайди.

1. Шарҳланаётган ушбу моддани шахсларнинг ўз мажбуриятларини ўзгартириш тартибини белгиловчи Фуқаролик кодексининг 23-боби бўйича таҳлил қилиб чиқиш керак. Бу модда кредитор ва қарздор ўртасидаги шартнома талабларига зид келадиган бўлса шартларни энгиллаштириш мумкин эмаслигини белгилаган Фуқаролик кодексининг 319-моддаси 1-қисми қоидасидан келиб чиқишни англатади.

Шарҳланаётган модданинг 1-қисмига асосан миждоз ва қарздор ўртасидаги пулни талаб қилишдаги ёнбосишларни чеклаш ёки ман этадиган ҳар қандай келишувлар миждоздан молиявий агентга талаб ҳуқуқлари ўтиши мумкин эмаслигини инкор этмайди. Бу қоида авваламбор бундай ман этиш ёки чеклаш молиявий жиҳатдан бақувватроқ қарздорнинг кучсизроқ кредиторларга бундай тазйиқ ўтказа олишининг олдини олади. Ва бундан келиб чиқиб кредиторнинг ўз ҳақини ундиришидаги молиялаштириш тизимини ривожлантиришга хизмат қилади. Шуниси диққатга сазоворки пул талабномасидан кейинги навбатда воз кечилганда унинг эгаси молиявий агент пул талабларидаги ёнбосиш эгаси бўлиб қолганида бошқача қоида қўлланилади (ФК 754-моддасига қаралсин).

2. Шу билан бир пайтда ушбу модда нормалари миждоз ва қарздор ўртасидаги муносабатларда пул талабларни энгиллаштирувчи келишувлар ҳақиқийлигини шубҳа остига олмайди. 2-қисмда мавжуд шартнома талабларига зид равишда бундай воз кечиш-ёнбосишнинг оқибати ҳақида сўз юритилади холос. Бундай ҳолларда миждоз ўз қарздори олдида қонун ва шарт-

нома асосида маълум бир мажбуриятлар ва масъулиятларни ўз зиммасига олишига тўғри келиб қолиши мумкин. Бунинг устига етказилган зарарни қоплаш, жаримани тўлашга ўхшаш мажбуриятлар ва жавобгарлик миқоздан пул тўловларидаги янги қарз ундирувчи бўлиши молиявий агент зиммасига ўтиб қолмайди: талаблардаги ёнбосиш чегаралаш ёки бундай ёнбосишларни ман этиш тўғрисидаги келишув бузилгани бўйича қарздор томон миқозига даъво қилиши мумкинлиги тўғрисидаги қоидалар молиявий агентга нисбатан қонуний кучга эга эмас (ФК 737-модда 2-қисмига қаралсин).

754-модда. Пул талабномасидан ўз навбатида бошқа шахс фойдасига воз кечиш

Агар пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, молия агентининг пул талабномасидан ўз навбатида бошқа шахс фойдасига воз кечишига йўл қўйилмайди.

Шартномада пул талабномасидан ўз навбатида бошқа шахс фойдасига воз кечишга йўл қўйилган ҳолларда унга нисбатан ушбу модданинг қоидалари тегишли суратда қўлланади.

1. Умумий қоидаларга кўра, молиявий агент томонидан бошқа шахс фойдасига талабдан воз кечиш мумкин эмас. Агар бундай ҳол рўй берса шартнома бошқача тузилиши мумкин. Талабга навбатдаги ёнбосиш натижасида молиявий агент миқозга айланади.

2. Шарҳланётган модда пулни молиявий агент томонидан илгари олинган талаб қилишдан воз кечиш шартларига алоқадордир. Пулни талаб қилишда навбатдаги ёнбосиш фақатгина пулни талаб қилиш шартномада кўрсатилган бўлсагина мумкин. Шартномага бундай шартларни киритишдан энг аввало молиявий агент манфаатдордир. Чунки бу иш унинг фаолиятини банклар ва бошқа кредит ташкилотлари томонидан молиялаштириш имкониятларини кенгайтиради.

3. Пул талабларини навбатдаги бошқага ўтказиш натижасида талабларни сотиб олувчи билан муносабатда талаблардан воз кечувчи молиявий агент миқоз ролида иш юритади. Шунга асосан қарздорнинг ва миқознинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ФКнинг қайд этилган моддаларига асосан белгиланади.

755-модда. Қарздорнинг пул талабномасини молия агентига ижро этиши

Қарздор мижоздан ёки молия агентидан пул талабномасидан ушбу молия агенти фойдасига воз кечилганлиги ҳақида ёзма билдиришнома олган ва унда ижро этилиши керак бўлган пул талабномаси белгиланган, шунингдек тўлов амалга оширилиши керак бўлган молия агенти кўрсатилган тақдирда қарздор тўловни молия агентига амалга ошириши шарт.

Қарздорнинг илтимосига кўра молия агенти оқилона муддатда қарздорга пул талабномасидан ҳақиқатан ҳам молия агенти фойдасига воз кечилганлигининг исботини тақдим этиши керак. Агар молия агенти ушбу мажбуриятни бажармаган бўлса, қарздор ушбу талабнома бўйича тўловни мижозга нисбатан амалга ошириб, унинг олдидаги ўз мажбуриятини бажаришга ҳақли.

Қарздорнинг пул талабномасини ушбу модданинг қоидаларига мувофиқ молия агенти фойдасига бажариши қарздорни мижоз олдидаги тегишли мажбуриятдан озод қилади.

1. Қарздорнинг мижоз ёки молиявий агентнинг тўловини амалга оширилиши фақатгина қарздор мижоз ёки молиявий агент томонидан пул талаблари муайян молиявий агентга ўтказилганлиги тўғрисида ёзма равишда билдирилганидан кейин бошланади. Шунингдек, тўлов бажарилиши зарур бўлган молиявий агент қайд этилиши керак. Мижоз ёки молиявий агент томонидан қарздорни огоҳлантириш мажбурияти бажарилмаслиги қарздор томонидан қарзни дастлабки кредиторга тўлаш ҳуқуқини сақлаб қолади, бу пайтда тўлов амалга ошган ҳисобланиб қарздор ва кредитор ўртасидаги тўлов мажбуриятлари бекор қилинади.

2. Бу ҳолатда қарздор томонидан молиявий агентнинг тўлов талабларининг бажарилишида мажбуриятларнинг бажарилиши борасидаги умумий қоида қўлланилади. Шарҳланаётган модда қарзни бошқага кўчириш орқали молиялаштириш тўғрисидаги шартномага тааллуқли бўлиши ФК 313-модда 3-қисмидаги кредиторлик ҳуқуқлари бошқа шахсга ўтказилганлиги ҳақида қарздорни хабардор қилмаслик оқибатлари, ФК 240-моддасидаги муайян шахнинг мажбуриятларини бажариши тўғрисидаги, ФК 316-моддасидаги қарздорнинг ўз қарздорлиги ушбу

шахсга ўтказилганлиги исботланмагунга қадар унинг талабларини бажармаслик ҳуқуқлари тўғрисидаги, ФК 341-моддасидаги бажарилганлиги туфайли мажбуриятлар бекор қилиниши тўғрисидаги жиҳатларни умумийлаштиради.

3. Қарз талаблари бошқа шахсга ўтказилганда кредиторлик мажбуриятлари ўзгартирилмаган ҳолда кредитор алмашади. Шарҳланаётган модданинг 1-қисми қарздорнинг молиявий агентга янги кредитор сифатида тўловни бажариш мажбуриятлари шартларини белгилайди. Бунда қарздорнинг ўз пул қарзлари бошқа шахсга кўчирилгани тўғрисидаги маълумот бошқа пул тўловлари талабларидан ажратиб кўрсатилган тўланиши шарт бўлган қарзи тўғрисидаги маълумот, шунингдек тўловни олувчи молиявий агент тўғрисидаги маълумотларнинг ёзма равишда олгани назарда тутилади. Шарҳланаётган модданинг 1-қисмига биноан тўлов талаблари мижоз тарафидан ёки молиявий агент тарафидан юборилиши мумкин. Лекин, шуни назарда тутиш кераки, ФК 313-моддаси 3-қисми мазмунига кўра қарздорлик кўчирилгани тўғрисида қарздорни хабардор қилиш мажбурияти молиявий агент зиммасига юклатилади. Чунки, қарздор хабардор этилмагани учун юзага келиши мумкин бўлган нохуш оқибатларда айнан у дучор бўлиши мумкин. Англашинмовчиликларнинг олдини олиш учун қарздорликни ўтказиш тўғрисидаги шартномада хабардор қилиш тартиби ва шартларини белгилаб қўйиш керак. Қарздор қарз бошқача кўчирилгани тўғрисида хабар олмай туриб аввалги мижозга тўловни амалга оширган бўлса, тўлов талабларини бажарган ҳисобланади.

4. Шарҳланаётган модданинг 2-қисмига асосан қарздорлик кўчирилгани тўғрисидаги далилларни қарздорга тақдим этиш молиявий агент зиммасига юклатилади. Бундай далил бўлиб энг аввало мижоз ва молиявий агент ўртасида тузилган шартнома матни хизмат қилади. Агар қарздор молиявий агентдан қарздорлик кўчирилгани тўғрисидаги шартномани олмаган бўлса, тўловнинг мижоз ҳисобига амалга оширилиши мажбуриятини бажарган бўлиб ҳисобланади.

5. Шунингдек, қарздорлик кўчирилгани тўғрисида қарздорни хабардор қилмаслик ёки унга далил тақдим этмаслик молиявий агентни янги кредитор сифатидаги мавқеига путур етказмайди: молиявий агент ўзига тегишли бўлган, аммо мижозга тўланган пулга эгалик ҳуқуқидан маҳрум

бўлмайди. Мижоз олган пулни молиявий агентга қайтаришга мажбур. Ўз навбатида бу ҳолда мижоз томонидан пулни қайтармаслик эҳтимоли билан ҳисоблаш зарур. Ёзма равишда хабардор этилган ёки қарздорлиги молиявий агентга кўчгани тўғрисидаги далил олганига қарамай қарздорнинг ўз қарзини мижозга тўлаши уни молиявий агентдан қарздорлик мажбуриятдан халос этмайди. Бу ҳол қарзни бошқа бир кредиторга тўлаш деб баҳоланади.

6. Қарздор томонидан қарздорлик тўловларини шарҳланаётган модда-нинг биринчи ва иккинчи қисмларидаги қоидага асосан молиявий агентига тўлаши дастлабки кредитор бўлиши мижоз олдидаги мажбуриятлари бажарилган деб баҳоланади ва у мажбуриятларидан халос этилади.

756-модда. Молия агентининг қарздордан олинган суммаларга ҳуқуқлари

Агар пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномаси шартларига кўра молия агенти мижоздан бу талабни сотиб олиб, шу йўл билан уни молияласа, молия агенти қарздор талабни бажариш учун тўлайдиган ҳамма суммани олиш ҳуқуқини қўлга киритади, мижоз эса молия агенти олган суммалар у сотиб олган талабноманинг баҳосидан кам бўлиб чиққанлиги учун агент олдида жавобгар бўлмайди.

Агар мижознинг мажбуриятлари молия агентига бажарилишини таъминлаш мақсадида пул талабномасидан унинг фойдасига воз кечилган бўлса ва талабномадан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномасида бошқа ҳол назарда тутилган бўлмаса, молия агенти мижозга ҳисобот тақдим этиши ҳамда мижознинг талабномадан бошқа шахс фойдасига воз кечиш билан таъминланган қарздан ортиб қолган суммани мижозга бериши шарт. Агар молия агенти қарздордан олган пул маблағлари мижознинг молия агентига талабномадан бошқа шахс фойдасига воз кечиш билан таъминланган қарзи суммасидан кам бўлиб чиқса, мижоз қарзнинг қолдиғи учун молия агенти олдида жавобгар бўлиб қолаверади.

1. Ушбу модда нормаларини тўғри қўллаш учун молиявий агентнинг қарздордан олинган пулга эгаллик қилиш ҳуқуқини белгилашда тўлов

қандай шаклда амалга оширилгани ва қарздорлик талаблари кўчирилиши мақсадларига эътибор бериш керак. Мижозга тўланиши керак бўлган суммадан кўра молиявий агент олган сумма кам бўлишида молиявий агент олдида мижоз жавобгарлигини ажратиш ҳам шунга қараб белгиланади.

2. Пулни талаб қилиш ҳуқуқини сотиб олиш орқали молиялаштириш шу модданинг 1-қисмида агент қарздордан олинadиган барча суммага, шу жумладан ундириладиган жарималар, қарздорнинг тўлов мажбуриятларини бажармаганликдаги тўлайдиган жарималарига ҳам эгалик ҳуқуқини сотиб олади (ФКнинг 327-моддасига қаралсин).

Бу ҳолатда молиявий агентнинг ҳуқуққа эга бўлишидан ташқари ўзи кўзлаган суммага етмайдиган миқдордаги пул олиш эҳтимоли борлиги каби таваккалчиликка боришини ҳам таъкидлаш муҳимдир. Хусусан, мижоз томонидан ўтказилувчи пулнинг қиймати шартнома тузилаётган пайтда аниқлаш имкони бўлмай қолиши мумкин (ФК 751-модда ва унинг шарҳига қаралсин).

Қарзни ундириш талаблари ҳуқуқини молиявий агентга бераётган мижоз агент уни сотиб олган пайтдагидан кўра камроқ суммага эга бўлиб қолишида жавобгар эмас.

3. Қарзни ундириш ҳуқуқларини молиявий агентга ўтказиш ушбу модданинг 2-қисмидан мақсад мижознинг молиявий агент олдидаги мавжуд қарз тўловини кафолатлашдир. Молиявий агентнинг қарздорга тўлов талабларини қўйиши гаров эвазига қарз берувчининг гаровга қўйилган мулкни сотиш натижасидаги кўрадиган даромадига ўхшашдир (ФКнинг 281-модда 8, 9-қисмларига қаралсин). Агар қарзни ундириш ҳуқуқини сотиб олиш натижасида қарздордан ундирилган сумма мижоз қарзидан ортиқ бўлса, молиявий агент ортиқча пулни мижозга қайтаришга мажбур; агар ундирилган сумма молиявий агент мижози қарзидан кам бўлса мижоз молиявий агент олдида қолган қарзни тўлаш мажбуриятида қолади. Қарзни ундиришдаги ортиқча ёки камомад тўғрисидаги факт молиявий агентнинг мижозга тақдим этган ҳисоботномасида кўрсатилади.

757-модда. Қарздорнинг муқобил талаблари

Молия агенти қарздорга мурожаат этиб, тўловни амалга оширишни талаб қилган тақдирда, қарздор ушбу Кодекснинг 343–345-мод-

даларига мувофиқ, ўзининг миждоз билан тузилган шартномага асосланган, қарздор талабномадан молия агенти фойдасига воз кечилганлиги ҳақида билдириш олган пайтда ихтиёрида бўлган ўз пул талабномаларини инобатга олиш учун тақдим этишга ҳақли.

Миждоз талабномадан бошқа шахс фойдасига воз кечишни тақиқлаш ёки чеклаш тўғрисидаги келишувни бузганлиги муносабати билан қарздор миждозга қўйиши мумкин бўлган талаблар молия агентига нисбатан кучга эга эмас.

1. Ушбу модданинг 1-қисми молиявий агентнинг пулни тўлаш тўғрисидаги талабларига қарши қарздор ҳам ўз талаблари билан чиқиш ҳуқуқи борлигини белгилайди. Лекин, бунинг учун чегирма қилинадиган сумма шартномада қайд этилган бўлиши ва иккинчидан бу ҳақдаги ҳужжат қарздорлик молиявий агентга ўтказилганлиги тўғрисидаги хабар олинганда қарздорнинг қўлида бўлиши керак.

2. Қарздорнинг қарама-қарши даъволари шартнома мажбуриятларини тўхтатишга асос бўлувчи ҳисобга ўтказиш ФК 343–345-моддалари асосида (343-модда), ҳисобга ўтказишга йўл қўйилмаслиги (344-модда), талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечилганда ҳисобга ўтказиш (345-модда) асосида ўтказилади.

3. Ушбу модданинг 2-қисмига асосан қарздорнинг қарздорликни кўчириш ёки чегаралаш битимларининг миждоз томонидан бузилгани тўғрисидаги даъвоси молиявий агентнинг пул талабларини рад этиш учун асос бўла олмайди. Молиявий агентга нисбатан ҳисобга ўтказишда чиқарилган талабларни қарздор умумий тартибда миждозга тақдим этадиган талабларда ҳисобга ўтказишга ҳақли (ФК 753-модда, 2-қисмига қаралсин).

758-модда. Молия агенти олган суммаларнинг қарздорга қайтарилиши

Миждоз қарздор билан тузган шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бузган тақдирда, қарздор молия агентига ўтган талабнома бўйича тўланган суммаларни, агар қарздор бундай суммаларни бевосита миждоздан олишга ҳақли бўлса, ундан қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли эмас.

**Қарздор талабномадан бошқа шахс фойдасига воз кечиш натижа-
сида молия агентига тўланган суммаларни бевосита мижоздан олиш
ҳуқуқига эга бўлишига қарамай, агар молия агенти талабномадан
бошқа шахс фойдасига воз кечиш билан боғлиқ ваъда қилинган
тўловни мижозга тўлаш мажбуриятини бажармаганлиги ёки мижоз
талабномадан бошқа шахс фойдасига воз кечиш билан боғлиқ тўловни
олиши керак бўлган қарздор олдидаги мажбуриятини бузганлигини
била туриб, бундай тўловни амалга оширганлиги исбот қилинган
бўлса, ушбу суммалар молия агенти томонидан қайтарилишини
талаб қилишга ҳақли.**

1. Ушбу модда мижоз томонидан ўз мажбуриятларининг бажарилиши
бузилган ҳолларда қарздор молиявий агентга тўланган суммани қайтаришни
талаб қилиб чиқиш имкониятларини белгилайди. 1-қисмда умумий қоидалар
кўрсатилган, 2-қисмда ундан истиснолар қайд этилган.

2. Ушбу модданинг 1-қисмидан келиб чиқадики, қарздор тўланган
суммани қонунга биноан ёки шартномага асосан қайтарилиши тўғрисида
мижозга нисбатан қиладиган даъволарини молиявий агентга қўллаши
мумкин эмас. Ушбу модданинг 2-қисми қарздорнинг мижоз билан бир-
галикда молиявий агентдан ҳам ундирилишига диққатни қаратишни
кўрсатадиган икки ҳолатни кўрсатиши мумкин: агар молиявий агент
мижозга ваъда қилинган тўловни амалга оширмаган бўлса; молиявий
агент мижознинг ўз қарздори олдидаги мажбуриятларини билганлигини
била туриб, тўловни амалга оширган бўлса.

3. Кўрсатиб ўтилган ҳолатлардан бирининг борлиги, шунингдек,
тўланган ёки ваъда қилинган сумма билан қарздорликни кўчириш ва
мажбуриятлар бузилиши ўртасидаги алоқадорлик мавжудлигини қарздор
исботлаши керак.

43-БОБ. БАНК ОМОНАТИ

759-модда. Банк омонати шартномаси

Банк омонати шартномаси бўйича биринчи тарафдан (омонатчидан) қабул қилиб олган ёки унинг номига келган пул суммасини (омонатни) қабул қилиб олган иккинчи тараф (банк) шартномада назарда тутилган шартлар асосида ва тартибда омонат суммасини қайтариш ва унга фоизлар тўлаш мажбуриятини олади.

Банк омонати шартномаси омонат суммаси банкка келиб тушган кундан бошлаб тузилган ҳисобланади.

Фуқаро омонатчи бўлган банк омонати шартномаси оммавий шартнома деб ҳисобланади.

Банк билан омонатчининг омонат қўйилган ҳисобварақ бўйича муносабатларига нисбатан банк ҳисобварағи шартномаси тўғрисидаги қоидалар, агар ушбу бобнинг қоидаларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ёки у банк омонати шартномасининг моҳиятидан келиб чиқмаса, қўлланилади.

Ушбу бобнинг банкларга доир қоидалари қонун ҳужжатларига мувофиқ юридик шахслардан омонатлар қабул қилувчи бошқа кредит ташкилотларига нисбатан ҳам қўлланади.

1. Банк омонати шартномаси қарз шартномасининг (ФК 732-моддаси) бир кўриниши бўлиб, бунда қарз берувчи — банкка пул қўювчи, қарз олувчи эса банк ҳисобланади. Банкка омонат қўювчи сифатида фуқаролик ҳуқуқининг барча субъектлари иштирок этиши мумкин.

2. Фуқаро ва банк ўртасидаги банк омонати шартномаси оммавий (ФК 358-моддаси) бўлганлиги учун банк фуқаронинг омонат қўйишини қуйидаги ҳолларда рад эта олмайди:

а) таъсис ҳужжатлари ва лицензияга асосан банк омонат (жамғарма) операцияларини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлса;

б) омонатни қабул қилиш амалдаги қонунчилик ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган мажбурий иқтисодий нормативларни бузилишига олиб келмаса;

в) иқтисодий ёки бошқа сабабларга кўра банк аҳолидан омонат қабул қилишни тўхтатмаган бўлса;

г) банкда омонат қабул қилишнинг зарур ташкилий ва техник имкониятлар (бўш операционистлар, операция зали ва ҳ.к.) бўлса;

д) омонат қабул қилиш учун банк имкониятларини чекловчи бошқа сабаблар бўлмаса.

Юқорида санаб ўтилган шароитлар мавжуд бўлиб, банк омонат қабул қилишни рад этганида фуқаро судга ушбу банкнинг бошқа омонатчилари шартлари асосида унинг ўзи билан банк мажбурий равишда шартнома тузиши тўғрисида ва банкдан бундай шартномани тузишдан бўйин товлаши сабабли кўрган зарарини қоплашни ундириб беришни сўраб судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Шартнома тузаётганда банк бир мижозни бошқасидан афзалроқ кўришга ҳақли эмас (масалан, банк ходимлари томонидан қўйилган омонатга бошқа фуқаролар омонатига нисбатан юқорирок фоиз қўйиш). Лекин, бу қоида айнан бир хил шартлар асосида қўйиладиган омонатларга тегишли. Банк қўйилган омонатлар миқдори, уларни қайтариш муддати ва шартноманинг амал қилиш муддатига қараб ўз фойдали фоизларини тақсимлаш ҳуқуқига эга. Чунончи, юридик шахслар ва фуқаролар омонатига турлича фоизлар белгилаши мумкин. Чунки амалиётда бундай омонат кўювчилар билан тузиладиган шартнома бир биридан анча фарқ қилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелдаги «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, фуқароларнинг банклардаги омонатлари кафолатлаш объекти ҳисобланади. Шу мақсадда фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди тузилади. Қонуннинг 11-моддасига асосан, фуқароларнинг банклардаги омонатлари бўйича ҳақ тўлаш мақсадида банкнинг тугатиш комиссияси лицензия чақириб олинган кундан эътиборан икки ой мобайнида кредиторларни аниқлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг мажбурий захиралари фондига депозитга қўйилган дебиторлик қарзлари ва маблағларини олиш чораларини кўради. Мазкур маблағлар биринчи навбатда тугатилаётган банкнинг фуқаролар омонатлари бўйича қарзларини тўлашга йўналтирилади.

3. Омонат қабул қилиш депозит ҳисоб очишдан бошланади. Шунинг учун банк ва омонатчи ўртасидаги муносабатларга нисбатан агар ФК

43-бобидан ва банк омонати шартномаси моҳиятидан бошқача ҳол келиб чиқмаса, тегишлича банк ҳисобварағи тўғрисидаги нормалар қўлланилади. Масалан, банк омонати шартномаси (банк ҳисобварағи шартномасидан фарқли равишда) товарлар, ишлар ва хизматлар учун ҳисоб-китоб операцияларини амалга оширишга йўл қўймайди. Шунинг учун ФК 44-боби мазмунида белгиланган нормалар банк омонати шартномасига доир ҳуқуқий муносабатларга нисбатан татбиқ қилинмайди. Шу боисдан шарҳланаётган модданинг 2-қисмида банк омонати шартномаси банкка омонат пули келиб тушган кундан бошлаб тузилган ҳисобланиши аниқ белгилаб қўйилган.

Омонат қўювчи юридик шахс билан тузилган депозит шартнома муддати тугаганидан кейин омонат суммаси омонатчига нақд пулсиз шаклда ёки қонунда назарда тутилган ҳолларда нақд пул шаклида қайтарилиши мумкин. Аммо омонатчи юридик шахс ушбу суммани учинчи шахс ҳисобига кўчириш тўғрисида банкка кўрсатма беришга ҳақли эмас. Ушбу норма омонат қўювчининг банкка нисбатан омонат суммасини талаб қилиш ҳуқуқини учинчи шахсга ўтказиш имкониятидан маҳрум этмайди башарти, бу шартнома белгиланган таъқиқни четлаб ўтиш мақсадида тузилмаган бўлса (ФК 9-моддаси). Фуқаро билан тузилган банк омонати шартномасида ҳам учинчи шахслар ҳисобварағига омонат суммасини ўтказиш имкониятини назарда тутмайди, чунки бундай ҳаракатларни ҳам ҳисоб китоб операциялари сифатида кўриш лозим. Банк омонати шартномасига бундай шартларни киритиш уни банк ҳисобварағи шартномасига айлантиради.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелдаги «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунининг 31-моддасига асосан, мижозлар қонунчиликда белгиланган тартибда бир ёки бир неча банкда миллий ва хорижий валютада талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақларини очиш ҳуқуқига эга.

760-модда. Пул маблағларини омонатларга жалб қилиш ҳуқуқи

Пул маблағларини омонатларга жалб қилиш ҳуқуқига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лицензия берилган банклар эга бўладилар.

Бундай ҳуқуққа эга бўлмаган шахс фуқародан омонат қабул қилган тақдирда, омонатчи дарҳол омонат суммасини қайтариб беришни, шунингдек бу суммага ушбу Кодекснинг 327-моддасида назарда тутилган фоизларни тўлашни ҳамда фоиз суммаларидан ташқари омонатчига етказилган ҳамма зарарни қоплашни талаб қилиши мумкин.

Агар бундай шахс банк омонати шартномаси шартлари асосида юридик шахснинг пул маблағларини қабул қилган бўлса, ушбу Кодекснинг битимлар ҳақиқий бўлмаслигининг асослари ва оқибатларига доир тегишли қоидалари қўлланади.

Агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган оқибатлар, ким бўлишидан қатъи назар, фуқаролар ва юридик шахсларнинг пул маблағларини:

омонат сақловчиларга омонатни талаб қилиши биланоқ олиш ва омонатчининг ушбу боб қоидаларида қўзда тутилган бошқа ҳуқуқларини амалга ошириш имкониятини бермайдиган векселлар ёки бошқа қимматли қоғозлар бериш;

уларга ғайриқонуний чиқарилган деб топилган акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни сотиш йўли билан омонатларга жалб қилиш ҳолларига нисбатан қўлланади.

1. Шарҳланаётган модданинг 1-қисмига асосан пул маблағларини омонатларга жалб қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан берилган лицензияга асосан банклар томонидан амалга оширилиши керак. Банкларни ташкил этиш ва улар фаолиятини тўхтатиш Ўзбекистон Республикаси «Банклар ва банклар фаолияти тўғрисида»ги 1996 йил 25 апрелдаги қонунида белгиланган.

Шу қонуннинг 1-моддасига асосан банк бу — тижорат ташкилоти бўлиб, банк фаолияти деб ҳисобланадиган куйидаги фаолият турлари мажмуини амалга оширадиган юридик шахсдир: юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилиш ҳамда қабул қилинган маблағлардан таваккал қилиб кредит бериш ёки инвестициялаш учун фойдаланиш; тўловларни амалга ошириш. Омонат (депозит) — талаб қилиниши биланоқ ёки тўловни амалга оширувчи шахс билан тўловни олувчи шахс ёхуд уларнинг қонуний вакиллари ўртасида келишилган муддатда фоизлар ёки

устама ҳақ тўлаган ҳолда ёхуд бундай тўловларсиз ҳаммасини қайтариб бериш шarti билан топшириладиган пул суммаси.

Банк, шу жумладан чет эл банки Ўзбекистон Республикасида ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан бериладиган лицензия асосида юритади. Лицензияда банк томонидан амалга оширилган операциялар рўйхати кўрсатилади. Лицензиясиз банк фаолияти ноқонуний деб ҳисобланади, бу фаолиятдан тушган фойда давлат бюджети ҳисобига олиб кўйилиши лозим. (Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги 1996 йил 25 апрелдаги қонунининг 5-моддаси).

Банк операциялари жумласига: жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан, вакил банкларнинг ҳисобварақларини очиш ва юритиш, ҳисобварақлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш; омонатларни жалб этиш; кредитларнинг қайтарилиши, фоизлилиги ва муддатлилиги шarti билан ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар ҳисобидан ўз номидан кредитлар бериш. Шунингдек, банклар бошқа турдаги операцияларни ҳам амалга оширишлари мумкин, чунончи: маблағ эгаси ёки маблағни тасарруф этувчи билан тузилган шартномага биноан пул маблағларини бошқариш; чет эл валютасини нақд пул ва нақд бўлмаган пул шаклларида юридик ҳамда жисмоний шахслардан сотиб олиш ва уларга сотиш; пул маблағлари, векселлар, тўлов ва ҳисоб-китоб ҳужжатларини инкассо қилиш; учинчи шахслар номидан мажбуриятларнинг бажарилишини назарда тутувчи кафолатлар бериш; учинчи шахслардан мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини олиш; қимматли қоғозлар чиқариш, харид қилиш, сотиш, ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш, миждоз билан тузилган шартномага биноан қимматли қоғозларни бошқариш, қимматли қоғозлар билан бошқа операцияларни бажариш; банк фаолияти юзасидан маслаҳат ва ахборот хизмати кўрсатиш; жисмоний ва юридик шахсларга ҳужжатлар ва бошқа бойликларни сақлаш учун махсус бинолар ёки улар ичидаги пўлат сандиқларни ижарага бериш; молиявий лизинг; халқаро банк амалиётига мувофиқ, лицензияда махсус кўрсатилган бошқа операциялар.

Қонун ҳужжатларида чекланган фаолият тури ҳам белгиланиши мумкин. Чунончи, банклар бевосита ишлаб чиқариш, савдо ва суғурта фаолияти билан шуғулланишга ҳақли эмаслар, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно (Қонуннинг 4-моддаси).

2. Шарҳланаётган модданинг 2 ва 3-қисмларида Марказий банк лицензиясини олмай туриб омонатлар қабул қилинишининг омонатга пул кўювчи юридик ва жисмоний шахслигидан келиб чикиб турлича фуқаролик-ҳуқуқий оқибатлар кўрсатилган. Агар омонатчи жисмоний шахс бўлса, омонатга кўйилган пул суммасини шунингдек, ФКнинг 327-моддасида кўрсатилган устама фоизларнинг муддатидан олдин қайтарилишини ҳамда ўзига етказилган зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли (лекин мажбур эмас). Шартномада назарда тутилган устама фоизлар бу ҳолда тўланмайди. Омонатга кўювчи юридик шахс бўлса, агар депозит шартномаси лицензияга эга бўлмаган шахс билан тузилган бўлса, ФКнинг битимларнинг ҳақиқий эмаслиги асослари ва унинг ҳуқуқий оқибатлари тўғрисидаги тегишли қоидалари татбиқ қилинади. Депозитни асоссиз қабул қилган шахс омонат суммасини асоссиз орттирилган бойлик (ФК 1023-моддаси) сифатида уни қайтариши шунингдек, омонатчи ололмай қолган фойдани (ФК 1028-модда) шу жумладан, ФКнинг 327-моддасида белгиланган фоизларни қоплаши лозим.

3. Пул маблағлари омонатчига турли қимматли қоғозларни сотиш орқали жалб этилиши мумкин. Бундай битимларни банк омонати шартномаси деб ҳисоблаб бўлмайди, лекин ушбу битимлар кўзбуямачилик битимлари бўлмаса ва қонунчиликка зид келмаса ёки қимматли қоғозларни сотиб олувчиларнинг ҳуқуқларини бузмаса қонуний ҳисобланади.

4. Шарҳланаётган модданинг 4-қисми омонатчилар ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган нормаларни турли йўллар билан четлаб ўтилишига қарши йўналтирилган. Шунинг учун шарҳланаётган модданинг 2, 3-қисмларида кўрсатилган оқибатлар омонат вексель, облигация ва ҳ.к. қимматли қоғозлар кўринишида қабул қилинганда ҳам қўлланилади. Чунки, бундай қоғозлар ФК 43-бобида кўрсатилган ҳуқуқларни бермайди, шунингдек, қимматли қоғозлар (акциялар ҳам) ноқонуний деб топилганда ушбу модданинг 2, 3-қисмлари қўлланилади.

761-модда. Банк омонати шартномасининг шакли

Банк омонати шартномаси ёзма шаклда тузилган бўлиши керак.

Агар омонатнинг кўйилганлиги омонат дафтарчаси, жамғарма (депозит) сертификати ёки банк томонидан омонатчига берилган,

қонунда, қонунга мувофиқ белгиланган банк қондаларида ва банк амалиётида қўлланиладиган иш муомаласи одатларида бундай ҳужжатлар учун назарда тутилган талабларга жавоб берадиган бошқа ҳужжат билан тасдиқланган бўлса, банк омонати шартномасининг ёзма шаклига риоя қилинган ҳисобланади.

Банк омонати шартномасининг ёзма шаклига риоя қилмаслик бундай шартноманинг ҳақиқий бўлмаслигига олиб келади. Бундай шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

1. Банк омонати шартномаси шартнома шартларини келишиб олиш учун зарур бўлган оддий ёзма шаклда тузилиши лозим. Шартноманинг ўзи реал шартнома ҳисобланиб шартнома ёзма шаклда тузилиши билан бирга банкка омонатга қўйиладиган пул суммаси ҳам тақдим этилиши шарт.

2. Шартнома битта ҳужжат тарзида икки нусхада тузилиб, улардан бири омонатчига берилади, шунингдек, шартнома ФК 336-моддасида кўрсатилиб ўтилган бошқа усулларда ҳам расмийлаштирилиши мумкин. Бундан ташқари шартнома пул қўювчига омонат дафтарчаси, жамғарма (депозит) сертификати ёки қонунчиликда, банк амалиётида, иш муомаласи одатлари талабларига жавоб берадиган бошқа ҳужжат бериш орқали тузилиши мумкин. Жисмоний ва юридик шахсларнинг бўш пул маблағларини жалб қилиш амалиётда мижозга турли қимматли қоғозларни: векселлар, акциялар, облигациялар бериш билан расмийлаштирилиши ҳам мумкин. Бу битимлар қонунчиликда тўғридан-тўғри таъқиқланмайди (ФК 760-моддаси 4-қисми). Бироқ, мазкур ҳолатда мижоз ва банк ўртасида банк омонати шартномаси ҳуқуқий табиатидан фарқ қилувчи ҳуқуқий муносабат вужудга келади. Низоларни судда кўриш жараёнида тарафлар акция, облигациялар сотиб олиш тўғрисида шартнома тузиш ёки вексель орқали битим тузиш йўли билан аслида банк омонати шартномаси тузилганлигини яширишга ҳаракат қилганликлари аён бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда ФК 124-моддасида назарда тутилган ҳуқуқий оқибат қўлланилади.

3. Банк омонати шартномасининг ёзма шаклига риоя қилмаслик унинг ўз-ўзидан ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаради. Тақдим қилинган маблағлар асоссиз орттирилган бойлик (ФК 1023-моддаси) сифатида қайтарилиши зарур. Омонатчи ололмай қолган фойдасини ундиришни

(ФК 1023-моддаси) талаб қилиши, шунингдек ФК 327-моддасида назарда тутилган устама фоизларни қўшишни ҳам талаб қилишга ҳақли.

762-модда. Омонатларнинг турлари

Банк омонати шартномаси омонатни талаб қилиниши биланок бериш (талаб қилингунча сақланадиган омонат) ёки омонатни шартномада белгиланган муддат тугаганидан кейин қайтариш (муддатли омонат) шarti билан тузилади.

Банк омонати шартномасида қайтариб беришнинг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа шартлари асосида омонатлар қўйиш ҳам назарда тутилиши мумкин.

Банк омонати шартномаси бўйича, омонатнинг туридан қатъи назар, банк омонатчининг талаби билан омонат суммасини ёки унинг бир қисмини бериши шарт, юридик шахслар томонидан қайтариб беришнинг шартномада назарда тутилган бошқа шартлари асосида қўйилган омонатлар бундан мустасно.

Банк омонати шартномасининг фуқаро омонатни талаб қилиши биланок олиш ҳуқуқидан, муддатли ёки бошқа омонатни эса хабардор этишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган муддати ўтганидан кейин олиш ҳуқуқидан воз кечиш ҳақидаги шarti ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Агар омонатчи муддатли ёки бошқа омонатни, талаб қилиб олингунча сақланадиган омонат бундан мустасно, муддат тугагунга қадар ёхуд банк омонати шартномасида кўрсатилган бошқа ҳолатлар юз бергунга қадар қайтариб беришни талаб қилиш ниятида бўлса, у ўзининг бу ниятидан банкни омонатни олишни мўлжаллаётган санадан камида бир ой олдин хабардор қилиши шарт.

Муддатли ёки бошқа омонат, талаб қилиб олингунча сақланадиган омонат бундан мустасно, муддат тугагунга қадар ёхуд банк омонати шартномасида кўрсатилган бошқа ҳолатлар юз бергунга қадар омонатчининг талаби билан унга қайтарилган ҳолларда, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, омонат юзасидан фоизлар тўланмайди.

Омонатчи муддатли омонат суммасини муддат тугаганидан кейин ёки қайтаришнинг бошқа шартлари билан қўйилган омонат сумма-

сини банк омонати шартномасида назарда тутилган ҳолатлар вужудга келганидан кейин қайтариб беришни талаб қилмаган ҳолларда, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартнома омонатни талаб қилиб олингунча сақлаш шартлари асосида узайтирилган деб ҳисобланади.

1. Шарҳланаётган модданинг мазмунида ифодаланишича, омонатларни (депозитларни) омонатчига қайтаришнинг шартномада белгиланган тартибига кўра, талаб қилиб олингунча ва муддатли омонат турларига бўлинади.

Муддатли омонат муайян муддатга тузилган бўлиб, унинг шартлари бўйича омонатчи шартномада белгиланган муддат келишидан олдин омонатни қайтаришни талаб қилмайди. Муддатли омонатларнинг энг кўп тарқалган шакли бу муайян давргача (масалан, 3 ой, 6 ой, 12 ой каби) тузиладиган банк омонати шартномаларидир. Ушбу давр мобайнида омонатчи томонидан қўйилган пул маблағларидан банк фойдаланишга ҳақли. Муддатли омонатларнинг бошқа турлари ҳам мавжуд. Чунончи, учинчи шахс фойдасига қўйиладиган омонатлар ҳам мавжуд бўлиб, кимнинг фойдасига омонат қўйилган бўлса, ушбу шахс мазкур омонатни омонат қўйилаётганда назарда тутилган шартлар мавжуд бўлган ҳолларда тасарруф қилиши мумкин.

Талаб қилиб олингунча (омонатни талаб қилиниши биланок бериш) назарда тутиладиган банк омонати тури сифатида юридик шахсларнинг ҳисобварағига ўтказиладиган маблағларни кўрсатиш мумкин. Ушбу омонат турида нисбатан паст фоизлар (одатда бир фоиз) тўланади. Чунки, банк миждоз талаб қилиши биланок ушбу маблағларни бериш мажбуриятини олади. Шунингдек, банк амалиётида айрим ҳолларда жисмоний шахс томонидан муддатли омонат муддатидан олдин қайтарилганда ҳам (гарчи муддатли омонат сифатида юқори фоизлар белгиланган бўлса ҳам, омонат муддатидан олдин қайтарилганлиги боис) омонатга фоизлар талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатлар бўйича ҳисобланиши мумкин.

2. Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида банк омонати шартномасида қайтариб беришнинг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа шартлари асосида омонатлар қўйиш ҳам назарда тутилиши мумкинлиги белгиланган. Масалан, банклар ўз миждозларининг талаб қилиб олингунча сақланаётган пул маблағларини бир-икки ойга муддатли омонат сифатида юқори фоиз

тўлаш шарти билан ҳам олишлари мумкин. Бу эса, мижозга ҳам банкка ҳам муайян манфаат келтириши табиий.

3. Шарҳланаётган модданинг учинчи ва тўртинчи қисмлари банк билан шартнома тузган фуқарога муддатли қўйилган омонатнинг ҳаммаси ёки бир қисмини муддатидан олдин қайтариб олишни талаб қилиш ҳуқуқини назарда тутади. Омонатчининг ушбу ҳаракатини қонунда назарда тутилган ҳолларда (ФК 237-модда) шартнома шартларини бир томонлама ўзгартириш сифатида қараш мумкин. Натижада муддатли омонат шартномаси талаб қилингунча сақланадиган омонат шартномасига айланади. Кўрсатилган қоида бузилмаслиги учун фуқаро билан вексель воситасида расмийлаштириладиган омонатга оид муносабатларни расмийлаштиришда «Талаб этилганда» деган муддат кўрсатилиши шарт. Акс ҳолда ФК 760-моддасининг 4-қисмида назарда тутилган оқибатлар келиб чиқади. Омонатчи ҳуқуқий муносабатда нисбатан заиф тараф ҳисобланади. Шу боисдан қонунчиликда унинг манфаатларини ҳимоялашга кўпроқ эътибор қаратилган. Чунинчи, фуқаро омонатни талаб қилиши биланоқ олиш ҳуқуқидан, муддатли ёки бошқа омонатни эса хабардор этишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган муддати ўтганидан кейин олиш ҳуқуқидан воз кечиш ҳақидаги шарти ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Юридик шахснинг депозитни муддатидан олдин қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқи шартномада кўрсатиб ўтилиши мумкин (ФК 237-моддаси). Акс ҳолда депозитни муддатидан олдин қайтариш масаласи фақат банкнинг розилиги билан амалга оширилиши мумкин.

4. Шарҳланаётган модданинг 5-қисмида агар омонатчи муддатли ёки бошқа омонатни муддат тугагунга қадар ёхуд банк омонати шартномасида кўрсатилган бошқа ҳолатлар юз бергунга қадар қайтариб беришни талаб қилиш ниятида бўлса, у ўзининг бу ниятидан банкни омонатни олишни мўлжаллаётган санадан камида бир ой олдин хабардор қилиши шартлигини белгилайди. Бунда талаб қилиб олингунча сақланадиган омонат бундан мустаснолиги ҳақида қоида ўрнатилган (чунки, номидан кўриниб турганидек, омонат талаб қилиниши билан қайтариб берилади). Қонун чиқарувчи ушбу ҳолатда омонатчини шартномада белгиланган муддатидан олдин омонатни олиш истагида бўлган ҳолларда камида бир ой олдин хабардор қилиши шартлигини назарда тутади. Чунки, банк муддатли ёки бошқа омонатни қабул қилганда ушбу омонатдан ўз таваккалчилиги

асосида фойдаланади (масалан, муайян муддатли кредитга йўналтиради). Мазкур муддат ичида банк омонатни муддатидан олдин қайтариш ҳақида огоҳлантирилгандан сўнг, ушбу омонатни қайтариш чораларини кўра олади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 августдаги ПҚ 147-сонли «Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, нақд пуллар узлуксиз тўланишини таъминлаш мақсадида тижорат банклари ўз бўлинмаларида нақд пул маблағларига бўлган талаб тезкорлик билан тўлдирилишини ва мижозларнинг буюртмалари қондирилишини таъминлайдиган нақд пул захирасини яратишлари белгиланган.

5. Шарҳланаётган модданинг 6-қисми омонатчининг ташаббуси билан муддатли омонатларни талаб қилингунча сақланадиган омонатларга айланиши оқибатларини назарда тутади. Бундай ҳолларда шартнома амалда бўлган давр оралиғида банк омонатчининг пул маблағларидан фойдаланганлик учун шартномада назарда тутилган фоизларни тўлаш мажбуриятидан ҳоли бўлади.

6. Шарҳланаётган модданинг 7-қисми шартнома муддати тугагач омонатчи муддатли омонат суммасини муддат тугаганидан кейин ёки қайтаришнинг бошқа шартлари билан кўйилган омонат суммасини банк омонати шартномасида назарда тутилган ҳолатлар вужудга келганидан кейин қайтариб беришни талаб қилмаган ҳолларда, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартнома омонатни талаб қилиб олгунча сақлаш шартлари асосида узайтирилган деб ҳисобланишини белгилайди. Яъни, омонатчи муддатли омонат шартномасини тузишда муайян миқдорда фойда олишни кўзлайди ва шартнома муддати тугагач, янги муддатга шундай шартлар асосида шартнома тузиши ёхуд бундай шартларни дастлабки тузилган муддатли омонат шартномасида назарда тутиши лозим.

763-модда. Омонатга тўланадиган фоизлар

Банк омонатчига омонат суммаси учун банк омонати шартномасида белгиланадиган миқдорда фоизлар тўлайди.

Банк омонати шартномасида тўланадиган фоизлар миқдори ҳақида шарт бўлмаган тақдирда, банк талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатларга тўланадиган миқдорда фоизлар тўлаши шарт.

Агар банк омонати шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, банк талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатларга тўланадиган фоизлар миқдорини ўзгартириш ҳуқуқига эга.

Банк фоизлар миқдорини камайтирган тақдирда, фоизларнинг янги миқдори фоизлар камайтирилганлиги ҳақида омонатчиларга хабар берилганидан кейин қўйилган омонатларга нисбатан қўлланади. Агар банк омонати шартномасида бошқа муддат назарда тутилган бўлмаса, ушбу хабарга қадар қўйилган омонатларга нисбатан камайтирилган фоизлар миқдори тегишли хабар берилган пайтдан бир ой ўтганидан кейин қўлланади.

Омонатни муайян муддат ўтгач ёки шартномада назарда тутилган вазиятлар юз берганидан кейин қайтариш шarti билан қўйилган омонат юзасидан банк омонати шартномасида белгиланган фоизлар миқдори, агар шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, банк томонидан бир томонлама камайтирилиши мумкин эмас.

1. Банк омонати шартномаси ҳақ эвазига тузилишини ҳисобга олиб банкнинг омонатчига фоиз тўлаш мажбурияти шартноманинг муҳим шarti ҳисобланади. Таъкидлаш керакки, шартномада мазкур шартнинг кўрсатилмаслиги шартномани ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқармайди, балки шарҳланаётган модданинг 2-қисми билан қопланади. Бу ҳолда банк талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатларга тўланадиган миқдорда фоизлар тўлайди.

«Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тўғрисида»ги низом (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 30 январь, рўйхат рақами 1306-сон билан рўйхатга олинган) ҳамда «Банкларнинг депозит (омонат) сертификатларини чиқариш ва муомалада бўлиш тартиби тўғрисида»ги низом (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 24 сентябрда 1859-сон билан рўйхатга олинган) ларда фоизларни ҳисоблаш тартиби белгиланган. Жумладан, сертификатлар бўйича фоиз ставкалари, ушбу сертификатларни муомалага чиқараётган банк томонидан белгиланади. Сертификат бўйича фоизларни тўлаш банк томонидан сертификатни тўловга тақдим этиш билан бир вақтда

тўланади ёки сертификат чиқарилиш шартларида белгиланган бўлса сертификатнинг муомалада бўлиш муддати давомида ҳар бир даврдан кейин тўлаб борилади.

Агар шартномада банкнинг омонатчига пул маблағларидан фойдаланганлик учун фоиз тўлашга мажбур эмаслиги кўрсатилган бўлса, бу шартномани банк омонати шартномаси сифатида тушунмаслик лозим. Бу шартноманинг ҳуқуқий табиати бошқача масалан, фоизсиз қарз шартномаси сифатида баҳоланиши мумкин.

2. Талаб қилинганча сақланадиган омонатлар бўйича агар шартномада бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, банк бир томонлама омонатчининг маблағларидан фойдаланганлик учун фоизлар миқдорини ўзгартириши (ошириши ёки камайтириши) мумкин.

Банкнинг омонатлар бўйича тўлайдиган фоизларни ошириши тўғрисида қарори банк томонидан белгиланади ва омонатчига билдирилиши шарт эмас.

3. Агар банк омонати шартномасида бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, фоиз миқдорини камайтириш тўғрисидаги қарор ҳақида биринчидан, омонатчига хабар бериши, янги фоиз миқдори омонатчига фоизлар камайтирилганлиги ҳақида хабар берилгандан сўнг қўйилган омонатларга қўлланилади ва учинчидан, камайтирилган фоизлар тегишлича омонатчига хабар берилгандан сўнг бир ой ўтгандан сўнг қўлланилади.

Банкнинг фоизларни камайтириши тўғрисидаги қарорини амалга киритиш тартиби шартномада кўрсатилиши мумкин. Масалан, банкнинг фоизларни камайтиргани тўғрисидаги бир томонлама қарори ўша кундан кучга кириши ва бу ҳақда омонатчи банкка келганида хабардор қилиниши шартномада кўрсатилиши мумкин.

Банк фоиз ставкаларининг камайтирилганлиги тўғрисида омонатчи турли воситалар билан масалан, тилхат асосида, почта орқали буюртма хат орқали ва ҳ.к. хабардор қилиниши мумкин. Омонатчини хабардор қилиш усули шартномада (масалан, модем, факс ва ҳ.к. воситасида) назарда тутилиши мумкин.

4. Шарҳланаётган модданинг 5-қисми муддатли омонатлар бўйича шартномада келишилган фоизлар миқдори бир томонлама камайтирилишига йўл қўйилмаслигини белгилайди. Бунда бошқача тартиб шартномада назарда тўтилади. Демак, 3-қисмда белгиланган нормалар ФКнинг

237-моддасида кўрсатилган истисно ҳоллардир. Бошқача айтганда, муддатли омонатлар бўйича банкнинг бир томонлама фоизларни камайтириши ҳақидаги шартлар шартномада кўрсатилиши мумкин.

Агар омонатчи омонатнинг бир қисмини муддатидан олдин олиш ҳуқуқидан фойдаланса (ФКнинг 762-модда 3-қисми), муддатли банк омонати талаб қилинганча сақланадиган омонат шартномасига айланади. Шу сабабли келгусида банк бундай омонатлар бўйича фоиз миқдорини умумий асосларда камайтириши мумкин.

764-модда. Омонатга фоизлар ёзиш ва тўлаш тартиби

Банк омонати суммасига фоизлар омонат банкка тушган куннинг эртасидан бошлаб, то у омонатчига қайтарилган ёки бошқа асосларга кўра омонатчининг ҳисобварағидан ўчирилган кундан олдинги кунгача ёзилади. Омонатчининг ҳисобварағи хатланганлиги оқибатида банк ушбу ҳисобварақдаги пул маблағларидан фойдалана олмаган давр учун фоизлар ёзилмайди.

Агар банк омонати шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, банк омонати суммасига фоизлар ҳар бир ой ўтганидан кейин унинг талаби билан омонат суммасидан алоҳида тўланади, бу муддатда талаб қилиб олинмаган фоизлар эса фоизлар ёзиладиган омонат суммасига қўшилиб боради.

Омонат қайтарилганида шу пайтгача ёзилган ҳамма фоизлар тўланади.

1. Шарҳланаётган модда омонатчининг маблағларидан фойдаланганлик учун фоизларни ҳисоблаш ва тўлаш тартибини белгилайди. Унда императив норма мавжуд бўлиб, банк омонати суммасига фоизлар омонат банкка тушган куннинг эртасидан бошлаб, то у омонатчига қайтарилган ёки бошқа асосларга кўра омонатчининг ҳисобварағидан ўчирилган кундан олдинги кунгача ёзилиши белгиланган.

Шарҳланаётган модданинг 1-қисмида омонатларга фоиз ҳисобланмайдиган истисно ҳолат ҳам назарда тутилган. Бундай истисно ҳолатлар бўлиб, омонатчининг маблағини хатлаш ҳисобланади. Натижада банк ушбу пул маблағлардан фойдалана олмайди. Ушбу истисно ҳолат омонат хатланган муддат мобайнида давом этади. Тегишлича, омонат хатловдан

чиқарилгандан сўнг фоизларни ҳисоблаш давом этади. Қонун чиқарувчи ушбу ҳолатда омонатга ҳисобланадиган фоизлар даврини аниқ белгилаб қўймаган. Омонатчининг пул маблағларидан фойдаланганлик учун фоизлар ҳисоблаш ва тўлашнинг умумий қоидаларидан келиб чиққан ҳолда, омонат учун фоизлар ҳисоблаш омонат хатловга олинган кунга қадар давом этиши ва хатлов туфайли фоиз ҳисоблаш тўхтатилган ҳолатда, хатловдан чиқарилган куннинг эртасидан бошлаб фоиз ҳисобланиши мантиқан тўғри бўлади.

2. Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида омонатлар бўйича фоизларни ҳисоблаш ва тўлаш муддати (кун, ой, квартал, йил ва ҳ.к.) ва тартиби (капиталлаштириш ва капиталлаштирмаслик) тарафлар томонидан шартномада кўрсатилиши керак. Банк омонати шартномасини тузишда омонатчи омонат бўйича фоизларни ҳар ойда олиши ёки олмаслигига эътибор қаратиши мақсадга мувофиқ. Бошқа ҳол белгиланмаган бўлса, омонатчи устама фоизларни ҳар ойда тўлашни талаб қилишга ҳақли шунингдек, омонат бўйича тўланмаган фоизлар дастлабки қўйилган омонат суммасига қўшилади (капиталлаштиради) ҳамда кейин унга ҳам фоиз ҳисобланади.

3. Қўйилган омонат қайтарилганда, омонатга ҳисобланган барча фоизлар ҳам асосий омонатга қўшиб тўланади. Яъни, омонатчи омонатга қўйган пул қийматини тўлиқ олиши билан бирга унга ҳисобланган фоизларни ҳам олади.

765-модда. Омонатнинг қайтарилишини таъминлаш

Банк қабул қилиб олган омонатларнинг қайтарилишини таъминлаш учун фойдаланиши шарт бўлган воситалар ва усуллар қонун билан ва банк омонати шартномаси билан белгиланади.

Банк омонатчининг талабига мувофиқ омонатнинг қайтарилиши таъминланганлиги тўғрисида ахборот бериши шарт.

Банк омонатнинг қайтарилишини таъминлаш бўйича мажбуриятларини бажармаган, шунингдек таъминотни йўқотган ёки унинг шартларини ёмонлаштирган тақдирда, омонатчи банкдан омонат суммасини дарҳол қайтариб беришни, ушбу Кодекснинг 327-моддасига мувофиқ унга фоизлар тўлашни ҳамда ўзига етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

1. Шарҳланаётган модданинг 1-қисмига кўра, банк томонидан омонатларни қайтариб берилишини таъминлаш учун қўлланиладиган воситалар ва усуллар қонун ва банк омонати шартномаси билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунининг 39-моддасига биноан, банклар маблағларнинг сақланиши ҳамда омонатчилар олдидаги мажбуриятларининг бажарилиши учун, шу жумладан, тўловлар бир банкдан бошқа банкка ўз вақтида ўтиши ҳамда маблағларнинг корхоналар ва ташкилотлар ҳисоб-китоб варақларига киритилиши учун ўз мижозлари ва омонатчилари олдида жавобгардирлар. Банк тугатилганда унинг жисмоний шахс бўлган омонатчилари банкни тугатишдан келадиган тушумлар ҳисобидан ўз омонатларини олишда имтиёзга эгадирлар.

Мижозлар омонатини қайтариш фуқаролик ҳуқуқида қўлланиладиган аъъанавий усулларда ҳам таъминланиши мумкин (ФК 259–312-моддалар).

2. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунининг 39-моддаси 3-бандига асосан, банклар депозит ва кредит операцияларига доир муддатлар ва шартлар, шу жумладан, Марказий банк чиқарган қоидаларга мувофиқ ҳисоблаб чиқилган йиллик фоиз ставкалари, мукофотлар ва йиғимлар тўғрисида ўз мижозларига мунтазам равишда ахборот бериб боришлари шарт.

Банк томонидан қўлланиладиган мижозлар омонатлари бўйича омонатни қайтариш тўғрисидаги ахборот турли воситалар билан шу жумладан, хабар эълон тариқасида банк амалиётлар залига осиб қўйилиши ҳам мумкин.

3. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эллик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси банкларидаги омонатлари ҳимояланишини таъминлаш мақсадида омонатларни кафолатлаш фонди тузилади. Фонд фаолиятининг мақсади банкнинг банк операцияларини ўтказиш ҳуқуқини берувчи лицензияси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан чақириб олинган тақдирда фуқароларнинг банклардаги омонатлари бўйича ҳақ тўланишини ушбу Қонунда назарда тутилган шартларда ва миқдорда кафолатлашдан иборатдир. Фуқароларнинг банклардаги омонатлари бўйича Фонднинг ҳақ тўланишини кафолатлаши банк қайта ташкил этилганлиги муносабати билан лицензия чақириб олинган ҳолларга тааллуқли бўлмайди. Фонднинг мол-мулки банклар-

нинг мажбурий бадаллари, маблағ қўйилишидан олинган даромадлар, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тушумлар ҳисобидан шакллантирилади. Фонднинг пул маблағлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида сақланади. Фонднинг ўз маблағларини давлат қимматли қоғозларига ва бошқа активларга қўйишдан олган даромадлари солиқ солиш объекти ҳисобланмайди. Фондни бошқариш Фонднинг кузатув кенгаши ва Фонднинг ижро этувчи органи томонидан амалга оширилади. Шунингдек, фонд молиявий ёрдам кўрсатиш ва ҳайрия фаолияти билан шуғулланиши, шунингдек юридик шахсларнинг муассиси бўлиши мумкин эмас.

Бир йўла тўланадиган ва календарь бадаллар банкларнинг Фондга тўлайдиган мажбурий бадаллари ҳисобланади. Банкнинг Фондга бир йўла тўлайдиган бадали банкнинг амалда шаклланган устав капитали миқдорининг 0,1 фоизини ташкил этади. Календарь бадал банклар томонидан Фондга йилнинг ҳар чорагида ўтказиладиган пул маблағларидан иборат бўлади. Календарь бадалларнинг миқдори қонунга мувофиқ кафолатланиши лозим бўлган фуқаролар омонатларининг йил чорагидаги амалдаги қолдиғига қараб Фонд кузатув кенгаши томонидан белгиланган, аммо омонатлар умумий суммасининг 0,5 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда белгиланади. Календарь бадалларнинг тўланган суммаси фуқароларнинг банкдаги омонатлари қолдиғи умумий суммасининг 5 фоизига етганда банклар томонидан календарь бадалларни тўлаш тўхтатилади. Фуқароларнинг банкдаги омонатлари қолдиғининг умумий суммаси ўзгарганда Фондга тўланган календарь бадалларнинг суммаси қайта ҳисоблаб чиқилиши керак. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан банклар учун фуқароларнинг пул маблағларини омонатларга жалб этишга тақиқ жорий этилиши банкларни Фондга календарь бадалларини тўлашдан озод этмайди (Ўзбекистон Республикасининг Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди тўғрисидаги қонуннинг 8-моддаси).

4. Шарҳланаётган модданинг 3-қисмида таъминотнинг йўқолиши ёки унинг шартларининг ёмонлашининг ҳуқуқий оқибатлари назарда тутилган. Бундай ҳолда омонатчи банк омонати шартномасини бир томонлама бекор қилинишини (ФК 237-модда), омонат суммасини дарҳол ўзига қайтарилишини, унга фоизлар тўланиши ҳамда ўзига етказилган зарар қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

ФКнинг 327-моддасига асосан, фоизлар миқдори кредитор яшайдиган жойда, кредитор юридик шахс бўлганида эса, унинг жойлашган ерида пул мажбурияти ёки унинг тегишли қисми бажарилган кунда мавжуд бўлган банк фоизининг ҳисоб ставкаси билан белгиланади. Қарз суд тартибида ундириб олинганида суд кредиторнинг талабини даъво қўзғатилган кундаги ёки қарор чиқарилган кундаги банк фоизининг ҳисоб ставкасига қараб қондириши мумкин. Ушбу қоидалар қонунда ёки шартномада бошқа фоиз миқдори белгиланган бўлмаса қўлланилади.

766-модда. Омонатни қайтариш ҳақидаги талабни бажармаганлик учун жавобгарлик

Банк омонатчининг омонатни ёки унинг бир қисмини қайтариш ҳақидаги талабини ушбу Кодекснинг 762-моддасида назарда тутилган муддатларда бажармаган тақдирда, ушбу Кодекснинг 327-моддасига мувофиқ банк омонатга фоизлар тўлашдан қатъи назар, келтирилган зарарни тўлаши шарт.

1. Шарҳланаётган моддада кўрсатилганидек, омонат қўювчининг кўрган зарарлари ФКнинг 327-моддасига асосан тўланади. Унга кўра, ўзганинг пул маблағини ноқонуний ушлаб қолиш, қайтаришдан бош тортиш, уни тўлашни кечиктириш натижасида фойдаланиш ёхуд ўзга шахсдан асоссиз олган ёки тежаб қолганлик учун фоиз тўланади.

Фоизлар миқдори кредитор яшайдиган жойда, кредитор юридик шахс бўлганида эса, унинг жойлашган ерида пул мажбурияти ёки унинг тегишли қисми бажарилган кунда мавжуд бўлган банк фоизининг ҳисоб ставкаси билан белгиланади. Қарз суд тартибида ундириб олинганида суд кредиторнинг талабини даъво қўзғатилган кундаги ёки қарор чиқарилган кундаги банк фоизининг ҳисоб ставкасига қараб қондириши мумкин. Ушбу қоидалар қонунда ёки шартномада бошқа фоиз миқдори белгиланган бўлмаса қўлланилади.

2. ФКнинг 327-моддаси 1-қисмига кўра қарз суммаси банк томонидан кечиктириб тўланган бўлса, агар шартномада фоиз тўловларини тўлашнинг бошқа тартиблари белгиланмаган бўлса, суд томонидан фоизлар ундиришда пул мажбуриятлари амалда бажарилган кундаги даъво

тақдим қилинган ёки суд қарори чиқарилган кундаги банк фоизининг ҳисоб ставкаси қўлланилади.

Ушбу ҳолатда тегишлича банк фоизининг ҳисоб ставкасини қўллашда пул мажбуриятлари қайси муддат давомида бажарилмаганлиги, ушбу муддат мобайнида банк фоизининг ҳисоб ставкаси ўзгарганлиги ёки ўзгармаганлигига ҳам эътибор қаратиш зарур.

Пул мажбуриятлари бажарилмаган даврда банк фоизининг ҳисоб ставкаси ўзгарган бўлса, тўлов кечиктирилган давр учун энг яқин бўлган (даъво тақдим қилинган ёки суд қарори чиқарилган кундаги) банк фоизининг ҳисоб ставкасини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

«Ҳисобварақлар очиш, мижозлар ҳисобварақларига маблағ ўтказиш ва ҳисобдан чиқариш, иш ҳақи ва қонунларда назарда тутилган бошқа эҳтиёжлар учун нақд пул бериш тартиби бўйича белгиланган талабларни бузганлик учун тижорат банкларига нисбатан жарима жазо чораларини қўллаш тартиби тўғрисидаги» Низомга (Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлигида 2006 йил 21 февралда 1044-сон билан рўйхатга олинган) мувофиқ, банклар томонидан иш ҳақи ва қонунларда назарда тутилган бошқа эҳтиёжлар учун ўз вақтида нақд пул бермаганлик учун мижозларга, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларига улар ҳисобварақларида маблағ бўлганида банк устав сармояси белгиланган энг кам миқдорининг 0,005 фоизи миқдорида жарима тўлаши белгиланган.

767-модда. Омонатчининг ҳисобварағига учинчи шахсларнинг пул маблағларини қўйиши

Агар банк омонати шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, омонатга учинчи шахслардан омонатчининг ҳисобварағи тўғрисидаги зарур маълумотларни кўрсатган ҳолда тушган пул маблағлари киритиб қўйилади. Бунда омонатчи бундай шахсларга омонат бўйича ҳисобварақ тўғрисидаги зарур маълумотларни бериш билан улардан пул маблағларини олишга рози бўлган деб ҳисобланади.

Шарҳланаётган модда ҳар қандай шахсга банк омонатчисининг ҳисобига пул маблағларини қўйиш имкониятини беради. Бунинг учун маблағ қўювчи банкка пул маблағлари қўйилиши лозим бўлган ҳисобварағи

тўғрисидаги тегишли маълумотларни тақдим этиши зарур. Пул қўювчи ва банк ўртасидаги битимни учинчи шахс фойдасига тузилган шартнома сифатида кўриш лозим (ФК 362-моддаси). ФК 767-моддасида учунчи шахс томонидан омонат қўювчининг ҳисобварағига пул қўйиши учун розилиги презумпцияси ўрнатилганлиги туфайли, учинчи шахс омонатчининг розилигисиз банк билан тузилган шартномасини бекор қила олмайди. Ҳар қандай презумпция каби бу ҳам иш ҳолатидан келиб чиқиб рад қилиниши мумкин.

768-модда. Учинчи шахс фойдасига қўйилган омонат

Омонат банкка муайян учинчи шахс фойдасига қўйилиши мумкин.

Номига омонат қўйилаётган фуқаронинг исмини ёки юридик шахснинг номини кўрсатиш банк омонати тўғрисидаги тегишли шартноманинг муҳим шартидир.

Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, номига омонат қўйилган учинчи шахс пул ўз ҳисобварағига келиб тушган пайтдан бошлаб омонатчи ҳуқуқларини қўлга киритади.

Номига омонат қўйилган учинчи шахс ундан воз кечган ҳолларда учинчи шахс номига банк омонати шартномаси тузган шахс омонатни қайтариб беришни талаб қилишга ёки уни ўз номига ўтказишга ҳақли.

1. Шарҳланаётган модда (ФК 767-моддаси каби) бир шахснинг бошқа шахс номига омонат қўйиши билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади. Бироқ шарҳланаётган модда нормаларини татбиқ этиш учун биринчидан (ФК 767-моддасидан фаркли равишда), банкка омонат қўйиш учун янгидан депозит ҳисобварағи очиш ва иккинчидан, омонат эгасининг номи кўрсатилиши шарт. Омонат қўйилаётган фуқаро ёки юридик шахс номининг кўрсатилиши ушбу банк омонати шартномасининг муҳим шarti ҳисобланади. Учинчи шахс фойдасига қўйиладиган омонатда кимнинг фойдасига тузилганлиги кўрсатилмаса, у ўз ўзидан ҳақиқий ҳисобланмайди.

2. Бошқа шахс номига омонат қўйиш битимини учинчи шахс фойдасига тузилган шартнома сифатида қараш керак (ФК 362-модда) ва унинг ўзига хос хусусиятлари ФК 768-моддасида белгиланган. Учинчи шахс фойдасига қўйилган маблағ унинг ҳисобварағига тушиши ва унинг

томонидан ушбу омонатни қабул қилмаслиги тўғрисида эътироз мавжуд бўлмаса шу вақтдан бошлаб мажбуриятда шахслар ўзгариши содир бўлади. Яъни, маблағ киритувчи омонатчининг ўрнига учинчи шахс омонатчига айланади. Ҳуқуқий муносабатдаги бундай ўзгаришлар соф маънода учинчи шахс фойдасига тузиладиган шартномага хос эмас (ФК 362-моддаси).

3. Шарҳланаётган модданинг 3-қисмида кўрсатилганидек, агар шартномада бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, учинчи шахс номига пул маблағи қўйилиши ва бу маблағ келиб тушган вақтдан эътиборан ушбу учинчи шахс омонатчи ҳуқуқини қўлга киритади. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, банк билан учинчи шахс фойдасига омонат қўювчи шахс ўртасидаги шартнома ушбу пул маблағлари учинчи шахс ҳисобига ўтказилгунга қадар муддатидан олдин бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин. Кўрсатилган муддат келгунча пул маблағларини қўювчи омонатчи ҳисобланади ва ушбу омонатни тўлиқ тасарруф этиши мумкин.

Шартномада учинчи шахс қўйилган омонатга нисбатан учинчи шахснинг омонатчи ҳуқуқларини қўлга киритиш вақти ҳам белгиланиши мумкин. Омонатчининг ўз ҳуқуқларидан фойдаланиши унинг томонидан банкка биринчи маротаба ҳуқуқларини амалга ошириш истагини билдирган ёки бошқача тарзда билдирган вақтдан бошлаб ифодаланган ҳисобланади. Ушбу талаблар омонатни тўлиқ ёки қисман олиш, ўзи фойдасига очилган депозит ҳисобварағига янги омонат қўйиш, омонатга нисбатан васиятнома расмийлаштириш, омонатни тасарруф қилиш бўйича ишончнома бериш ва ҳ.к. тўғрисида бўлиши мумкин.

4. ФК 767-моддаси шарҳида омонатчининг пул маблағларини қўювчидан омонатни қабул қилишга розилиги презумпцияси мавжудлиги ва учинчи шахснинг розилигисиз пул маблағларини омонатга қўювчи шахс банк билан тузилган шартномани бекор қилишга ҳақли эмаслиги ҳақида сўз юритилган эди. Бунга қўшимча қилиб ФК 768-моддасининг 4-қисмида учинчи шахс ўз номига омонат қўйилишини рад этган ҳолларда учинчи шахс фойдасига омонат қўювчи шахс ушбу омонатни қайтариб олиши ёки ўз номига ўтказишга ҳақли эканлигини назарда тутди. Фойдасига омонат қўйилган шахс омонатчи ҳуқуқларидан фойдаланишга рози эмаслиги унинг ўз истаги тўғрисида банкка ёзма равишда ёки

бошқача тартибда билдирган пайдан бошлаб ифодаланган ҳисобланади. Бундай рад этиш нотариус томонидан тасдиқланган ёки тегишли тарзда расмийлаштирилган ва нотариал тасдиқлашига тенглаштирилган ёхуд почта алоқаси орқали юборилган бўлиши мумкин.

769-модда. Омонат дафтарчаси

Агар тарафларнинг келишувида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, фуқаро билан банк омонати шартномаси тузиш ҳамда унинг ҳисобварағига омонат бўйича пул маблағларини киритиб қўйиш омонат дафтарчаси билан тасдиқланади.

Омонат дафтарчасида банкнинг ёки унинг тегишли филиалининг номи, унинг жойлашган манзили ҳамда омонат бўйича ҳисобварақ номери, шунингдек ҳисобвараққа киритилган ҳамма пул маблағлари суммаси, ҳисобварақдан ўчирилган ҳамма пул маблағлари суммаси ва омонат дафтарчаси банкка тақдим этилган пайтда ҳисобварақдаги пул маблағларининг қолдиғи кўрсатилган ва тасдиқланган бўлиши шарт.

Агар омонатнинг бошқа ҳолати исбот қилинган бўлмаса, омонат тўғрисида омонат дафтарчасида кўрсатилган маълумотлар банк билан омонатчи ўртасида омонат бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун асос бўлади.

Банк омонати шартномасида эгасининг номи ёзилган омонат дафтарчасини бериш назарда тутилади.

Банк омонат дафтарчаси тақдим этилганида омонатни беради, унга фоизлар тўлайди ҳамда омонатчининг омонат бўйича ҳисобварақдаги пул маблағларини бошқа шахсларга ўтказиш ҳақидаги топшириғини бажаради.

Агар эгасининг номи ёзилган омонат дафтарчаси йўқотилган бўлса ёки тақдим этиш учун яроқсиз ҳолга келтирилган бўлса, банк омонатчининг аризасига мувофиқ унга янги омонат дафтарчаси беради.

1. Банк омонати шартномасида эгасининг номи кўрсатилган омонат дафтарчаси бериш назарда тутилади.

Эгасининг номи ёзилган омонат дафтарчаси фуқаро билан банк омонати шартномаси тузилганлигининг ҳамда омонатга пул маблағлари

қўйилганлигининг ёзма исботи бўлиб ҳисобланади. У қимматли қоғоз ҳисобланмайди ва битта ҳужжат тарзида расмийлаштирилган банк омонати шартномаси билан бирга ёки шартномасиз ҳам берилиши мумкин. Агар банк омонати шартномаси битта ҳужжат тарзида тузилган ва омонат дафтарчаси бирон сабабга кўра расмийлаштирилмаган бўлса, пул маблағларини киритилганлик факти банк паттаси, кассир томонидан тасдиқланган кириш касса ордери билан тасдиқланиши мумкин.

2. Омонат дафтарчасида ФК 769-моддасида кўрсатилган бир қатор маълумотлар чунончи, қўйилган ва олинган пул маблағлари, банкка тақдим қилинганда ҳисобварақда қолган пул маблағлари ҳақида маълумотлар бўлиши лозим. Омонат дафтарчаси доим омонатчида сақланиши туфайли фуқароларнинг банклардаги омонатлари бўйича амалга ошириладиган операцияларни унда акс эттириш бир қатор хусусиятларга эга. Шу боисдан учинчи шахслар томонидан (ФК 767-модда) ҳисобвараққа қўшимча маблағ қўйилганлигига доир маълумотлар омонатчи банкка ташриф буюргунига қадар омонат дафтарчасида акс этмайди. Демак, ФК 769-моддасида презумпция мавжуд бўлса ҳам, омонат дафтарчаси ҳар доим ҳам омонатнинг ҳолатини объектив равишда ифода қилай олмайди.

3. Омонатни бериш (нақд ёки нақд пулсиз шаклда), фоизлар тўлаш ва бошқа операцияларни амалга ошириш банкка омонат дафтарчаси тақдим қилинган тақдирдагина амалга оширилиши лозим.

Омонат дафтарчаси йўқотилган ёки тақдим этиш учун яроқсиз ҳолга келганлиги учун махсус қоидалар белгиланган. Эгасининг номи ёзилган омонат дафтарчаси омонат эгасининг аризасига кўра янги омонат дафтарчаси билан алмаштирилиши лозим.

770-модда. Омонат (депозит) сертификати

Омонат (депозит) сертификати эгасининг номи ёзилган қимматли қоғоз бўлиб, банкка қўйилган омонат суммасини ҳам, омонатчининг (сертификат сақловчининг) белгиланган муддат тамом бўлганидан кейин сертификатни берган банкда ёки ушбу банкнинг исталган филиалида омонат суммасини ва сертификатда кўрсатиб қўйилган фоизларни олиш ҳуқуқини ҳам тасдиқлайди.

Омонат (депозит) сертификати пул тўлаш учун муддатидан олдин тақдим этилган тақдирда банк, агар сертификатнинг шартларида фоизларнинг бошқача миқдори белгилаб қўйилган бўлмаса, омонат суммасини ва талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатлар бўйича тўланадиган фоизларни тўлайди.

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 24 сентябрда 1859-сон билан рўйхатга олинган «Банкларнинг депозит (омонат) сертификатларини чиқариш ва муомалада бўлиш тартиби тўғрисида»ги Низом талабига кўра, депозит (омонат) сертификати — банкка қўйилган депозит (омонат) суммасини ва омонатчининг (сертификат сақловчининг) депозит (омонат) суммасини ҳамда сертификатда шартлашилган фоизларни сертификатни берган банкдан ёки шу банкнинг исталган филиалидан белгиланган муддат тугаганидан кейин олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ноэмиссиявий эгасининг номи ёзилган қимматли қоғоз ҳисобланади. Сертификатлар бланкалар тарзида ҳужжатли шаклда чиқарилиши белгиланган. Сертификат бланкасида сертификатни чиқариш ва унинг муомалада бўлиш шартлари шу жумладан, талаб қилиб олиш ҳуқуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш ҳамда сертификат йўқотилганда сертификат бўйича ҳуқуқларни қайта тиклаш тартиби ақс эттирилган бўлиши лозим. Сертификатлар икки турда а) «депозит сертификатлари» — юридик шахслар учун; б) «омонат сертификатлари» — жисмоний шахслар учун чиқарилиши мумкин.

Сертификатни товарлар олди-сотдиси ёки кўрсатилган хизматлар (ишлар) учун ҳисоб-китоб қилишда тўлов воситаси сифатида қўллаш мумкин эмас. Депозит сертификатларининг олди-сотдиси ва улар бўйича суммаларни тўлашга доир пуллик ҳисоб-китоблар нақдсиз шаклда, омонат сертификатлари бўйича — нақдсиз ҳамда нақд шаклида амалга оширилади.

2. Сертификатларнинг қиймати Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади. Сертификатларни хорижий валютада чиқариш тақиқланади. Сертификатлар 6 ойдан 3 йилгача бўлган муддатга (сертификат берилган вақтдан бошлаб сертификат сақловчиси сертификат бўйича депозитни талаб қилиб олиш ҳуқуқини қўлга киритиш вақтига қадар) чиқарилади.

Сертификат бланкасида қуйидаги мажбурий реквизитлар ақс эттирилган бўлиши шарт а) «депозит сертификати» ёки «омонат сертификати»

деган ном; б) сертификат рақами ва серияси; в) депозит ёки омонат қўйилган сана; г) сертификат бўйича суммани талаб қилиб олиш санаси; д) сертификат билан расмийлаштирилган омонат ёки депозит миқдори (рақамлар ва сўзлар билан); е) банкнинг депозит ёки омонатга қўйилган суммани қайтариш ва тегишли фойзаларни тўлаш юзасидан мажбурияти; ж) депозит ёки омонатдан фойдаланиш учун фойз ставкаси; з) тўланиши лозим бўлган фойз суммаси (рақамлар ва сўзлар билан); и) банкнинг номи, жойлашган манзили; к) депозит сертификатида омонатчи — юридик шахснинг номи ва жойлашган манзили; л) омонат сертификатида омонатчи — жисмоний шахснинг фамилияси, исми, шарифи ва паспорт маълумотлари (серияси, номери, ким томонидан ва қачон берилганлиги); м) банк томонидан сертификатни имзолаш ҳуқуқи берилган икки нафар мансабдор шахснинг банк муҳри билан тасдиқланган имзолари. Сертификат бланкининг матнида юқорида кўрсатилган мажбурий реквизитлардан бири кўрсатилмаган тақдирда сертификат ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

3. Омонат (депозит) сертификати эгасининг номи ёзилган қимматли қоғоз ҳисобланади ва талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечиш (цессия) шартномасини тузиш орқали бошқа шахсларга ўтказилиши мумкин. Депозит сертификати бўйича талаб қилиб олиш ҳуқуқи фақат юридик шахсга ўтказилиши мумкин. Омонат сертификати бўйича талаб қилиб олиш ҳуқуқи фақат жисмоний шахсга ўтказилиши мумкин. Сертификат бўйича талаб қилиб олиш ҳуқуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш бундай сертификатнинг орқа томонида ёки қўшимча варақларда (иловалар) ўз ҳуқуқини бераётган (цедент) ва ушбу ҳуқуқни сотиб олаётган шахснинг (цессионарий) икки томонлама битими билан расмийлаштирилади. Сертификат бўйича талаб қилиб олиш ҳуқуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш сертификат муомалада бўлган даврдагина амалга оширилиши мумкин.

Сертификатда талаб қилиб олиш ҳуқуқидан бошқа шахснинг фойдасига воз кечиш (цессия) сертификат бланкасининг орқа томонида расмийлаштирилади. Агар цессияни расмийлаштириш учун қўшимча варақлар талаб этилса, унда сертификатнинг иловалари ҳам бўлиши мумкин. Ушбу иловалар сертификат сақловчисининг талаби билан сертификатни муомалага чиқарувчи банк томонидан расмийлаштирилади. Сертификатнинг иловалари рақамланган, сертификат бланкасига тикил-

ган ва сертификатни имзолаш ҳуқуқи берилган икки нафар мансабдор шахс томонидан имзоланиши ҳамда банк (банк филиали) муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим. Сертификат бланкасида сертификатни чиқариш ва унинг муомалада бўлиш шартлари, шу жумладан, талаб қилиб олиш ҳуқуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш ҳамда сертификат йўқотилганда сертификат бўйича ҳуқуқларни қайта тиклаш тартиби акс эттирилган бўлиши лозим.

Сертификат бланкаси банк томонидан чоп этилади, кўлда шарикли ручкада, ёзув машинкасида ёки компьютернинг ёзув мосламасида (принтерда) тўлдирилади. Сертификат билан расмийлаштирилган омонат ёки депозит миқдори рақамлар ва сўзлар билан ёзилади. Сертификатнинг рақамда ёзилган қийматидан олдин ва кейинги бўш жойлар, шунингдек номиналнинг сўзда ёзилган қийматидан кейин қолган бўш жойлар икки параллел чизиқ тортиш йўли билан тўлдириб қўйилиши керак. Сўзлар билан ёзилган ҳамда рақамлар билан белгиланган суммалар ўртасида фарқ бўлган тақдирда сўзлар билан ёзилган сумма ҳақиқий ҳисобланади. Сертификатда имзо ва банк муҳрларини босмаҳона усулида қўйиш тақиқланади.

Омонат сертификати цессиясини расмийлаштиришда тузатишлар киритиш нотариал тартибда ёки сертификатни берган банкда амалга оширилади. Сертификат бланкасини омонатчига беришда тўғри расмийлаштириш ва тўлдириш учун жавобгарлик банк зиммасига юклатилади. Депозит (омонат) сертификати бланкалари, шунингдек сертификатларга қўшимча варақлар (иловалар) фақат қимматли қоғозлар бланкаларини ишлаб чиқариш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган корхоналар томонидан тайёрланади. Сертификатга қўшимча варақлар (иловалар) сертификат бланкаси билан бир вақтда тайёрланади.

4. Сертификат сақловчиси сертификатни муддати тугагунга қадар ёхуд сертификатда кўрсатилган бошқа ҳолатлар юз бергунга қадар қайтариб беришни талаб қилиш нияти бўлса, у ўзининг бу ниятидан банкни омонатни олишни мўлжаллаётган санадан камида бир ой олдин хабардор қилади. Бунда банк томонидан депозит (омонат) суммасига тўланадиган фоизлар, агар сертификатнинг чиқарилиш шартларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатлар бўйича тўланадиган фоизлар миқдорида тўланади.

Сертификатлар банк ташаббуси билан қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатларда муддатидан олдин тўловга тақдим этилганида, банк томонидан депозит (омонат) суммасига сертификатнинг амалда бўлган муддати учун фоизлар тўланади. Бунда, банк сертификатларнинг муддатидан олдин тўловга тақдим этилиши ва уларни тўловга тақдим этиш шартлари тўғрисида камида бир ой олдин оммавий ахборот воситалари орқали эълон бериши лозим.

Агар сертификат бўйича депозитни (омонатни) олиш муддати депозит сакловчиси томонидан ўтказиб юборилган бўлса, у ҳолда банк сертификатда белгиланган депозит суммаси ва ҳисобланган фоизларни сертификат эгасининг талабига кўра тўлашга мажбурдир. Сертификат суммасини талаб қилиш кунидан ҳақиқатда сертификатни тўлов учун тақдим этиш кунигача бўлган муддат учун фоизлар, агарда сертификатнинг чиқарилиш шартларида бошқалар кўзда тутилмаган бўлса, талаб қилиб олингунча омонатлар бўйича тўланадиган фоизлар миқдорида тўланади.

44-БОБ. БАНК ҲИСОБВАРАҒИ

771-модда. Банк ҳисобварағи шартномаси

Банк ҳисобварағи шартномаси бўйича бир тараф — банк ёки бошқа кредит муассасаси (бундан буён матнда — банк) иккинчи тарафнинг — мижознинг (ҳисобварақ эгасининг) ҳисобварағига тушаётган пул маблағларини қабул қилиш ва киритиб қўйиш, мижознинг ҳисобварақдан тегишли суммаларини ўтказиш ва тўлаш ҳамда ҳисобварақ бўйича бошқа операцияларни амалга ошириш ҳақидаги фармойишларини бажариш мажбуриятини олади.

Ушбу бобнинг банкларга тааллуқли қондалари бошқа кредит ташкилотлари ўзларига берилган рухсатнома (лицензия)га мувофиқ банк ҳисобварағи шартномасини тузиш ва бажариш чоғида уларга нисбатан ҳам қўлланади.

1. «Ҳисобварақ» сўзи турли хил маъноларда қўлланиши мумкин. Банк ҳисобварағини пул маблағларини ва моддий қимматликларни бухгалтерия ҳисобини юритиш усули сифатида қараш мумкин. Масалан, ссуда ҳисобварақами, банк фонди ҳисобини юритиш ҳисобварағи. Мижозлар ўз маблағларини қўядиган ҳисобварақлар кўрсатиб ўтилган вазифалардан ташқари бошқа вазифаларни ҳам бажаради. Булар аввало — шартномалардир. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, мижозлар банкларда қуйидаги турдаги банк ҳисобварақларини очишлари мумкин: а) талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари; б) жамғарма депозит ҳисобварақлари; в) муддатли депозит ҳисобварақлари; г) ссуда ҳисобварақлари; д) бошқа депозит ҳисобварақлари. Фуқаролик кодексининг 44-бобида айнан улар ҳақида сўз боради.

Амалиётда аксарият ҳолларда талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари очилиши кузатилади ва ҳисобварақдаги маблағлар банкка мижозларнинг биринчи талаби биланоқ берилади, шунингдек ҳисобвараққа ўтказиб бериладиган маблағларнинг ҳисоби юритилади ҳамда маблағлар бўйича операциялар амалга оширилади. Хўжалик юри-

тувчи субъектнинг давлат рўйхатидан ўтганидан сўнг биринчи марта миллий валютада очган талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи унинг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи ҳисобланади. Хўжалик юритувчи субъект асосий ҳисобварағини очгандан кейин миллий ва чет эл валютасида очадиган барча талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари унинг иккиламчи ҳисобварақлари бўлиб ҳисобланади.

Жамғарма депозит ҳисобварағи эса, мижозларнинг даврий бадаллари асосида шаклланиб, муайян мақсадни амалга ошириш учун жамғариладиган ва шу мақсад учун йўналтириладиган ёхуд шартнома бекор қилиниши натижасида қайтариладиган маблағлар ҳисоби юритиладиган ҳисобварақ ҳисобланади. Муддатли депозит ҳисобварағи бўйича шартномада қатъий келишилган муддатга қўйилган мижозларнинг маблағлари ҳисоби юритилади. Ссуда ҳисобварағида белгиланган тартибда мижозларга берилган кредитларнинг ҳисоби юритилиши назарда тутилади.

Банк ҳисобварағини очишда икки гуруҳга мансуб муносабатлар юзага келади:

Биринчидан, банк ҳисобвараққа (мижоздан ёки учинчи шахслардан) тушаётган пул маблағларини қабул қилиш ва киритиб қўйиш ҳамда қонунда ва шартномада назарда тутилган тартибда мижознинг биринчи талаби биланоқ унга пул маблағларини бериш мажбуриятини олади.

Мижознинг ҳисобварағига қўйилган пул маблағларини талаб қилиб олингунга қадар сақланадиган омонат сифатида қараш лозим. Ушбу муносабатлар қарз шартномаси конструкцияси доирасида бўлиб, бунда банк — қарз олувчи, мижоз эса, қарз берувчи ҳисобланади. Банк ўз ихтиёридаги маблағларни ўзи хоҳлаган тарзда, шу жумладан кредит беришда ҳам фойдаланиши мумкин. Шу сабабли банк, одатда, мижознинг ҳисобварағида қолган маблағларга шартномада кўрсатилган фоизларни тўлайди.

Иккинчидан, банк мижознинг ҳисобварақдан тегишли суммаларини ўтказиш ва тўлаш ҳамда ҳисобварақ бўйича бошқа операцияларни амалга ошириш ҳақидаги фармойишларини бажариш мажбуриятини олади. Бу муносабатларда ҳар бир аниқ ҳолатдан келиб чиқиб, нақд пулсиз ҳисобкитобларни амалга ошириш шаклларига боғлиқ равишда банкни воситачи ёки мижознинг ишончли вакили сифатида қараш мумкин. Демак, банк

ҳисобварағи шартномаси аралаш турдаги шартнома бўлиб, у ўзида қарз ва агентлик шартномаларини ифодалайди.

Банк ҳисобварағи шартномаси қўшилиш шартномасининг бир кўриниши (ФК 360-моддасига қаранг), фуқаро билан тузилган банк ҳисобварағи шартномаси эса, оммавий шартнома бўлиб ҳисобланади (ФК 358-моддасига қаранг).

2. Шарҳланаётган модданинг 2-қисми банк ҳисобварағи шартномасини нафақат банклар билан, балки бошқа кредит ташкилотлари билан ҳам тузиш мумкинлигини назарда тутади. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунининг 5-моддаси талабига кўра, бунинг учун Марказий банкнинг қонунда тегишли тартибда бериладиган лицензияга эга бўлиши талаб этилади. Банк, шу жумладан хорижий банклар ҳам, ўз фаолиятини Марказий банк томонидан бериладиган лицензия асосида амалга оширади. Лицензияда амалга оширилиши мумкин бўлган операциялар рўйхати кўрсатилади. Лицензиясиз банк фаолиятини амалга ошириш ноқонуний ҳисобланади ва бундай фаолиятдан олинган фойда давлат бюджетига олиб қўйилади. Бирок, ҳозирги вақтда банк фаолиятини лицензиялашни тартибга солувчи норматив ҳужжатларда нобанк кредит ташкилотларига (жисмоний ҳамда юридик шахслар учун) ҳисоб-китоб ва жорий ҳисобварақлар бўйича бошқа операцияларни амалга ошириш имконияти назарда тутилмайди.

772-модда. Банкнинг мижозга қарашли пул маблағларидан фойдаланиши

Банк мижознинг банк ҳисобварағида мавжуд бўлган пул маблағларидан ҳисобвараққа талаблар қўйилган вақтда маблағларнинг мавжуд бўлишини ҳамда ҳисобварақ эгасининг ушбу маблағларни ҳисобварақда турган суммалар доирасида монеликсиз тасарруф этиш ҳуқуқини кафолатлаган ҳолда фойдаланиши мумкин.

ФК 771-моддасига шарҳларда кўрсатиб ўтилганидек, мижознинг банк ҳисобварағига қўйган пул маблағлари талаб қилиб олингунга қадар сақланадиган омонат сифатида қаралади ва бу муносабатлар қарз шартномаси конструкцияси доирасида бўлиб, унда банк — қарз олувчи, мижоз эса — қарз берувчи ҳисобланади. Ушбу тушунчадан келиб чиқиб, банк ўз

ҳисобидаги маблағлардан ўзи хоҳлаган тарзда фойдаланиши, жумладан кредит мақсадида ҳам фойдаланиши мумкин.

Айни пайтда, қонун миқоз талаб қилган ҳолларда миқозга тегишли маблағларни банкда мавжуд бўлишини ва миқоз талаб қилган ҳолларида унинг ўз хоҳишига кўра ҳисобрақамга қўйилган маблағларни эркин тасарруф қила олишини кафолатлайди. Шунга кўра, банк ўз миқозининг тўловни амалга ошириш тўғрисидаги топшириқларини бажариш ва миқоз ҳисобварағига келадиган пулларни қабул қилиб олиш мажбуриятини олади.

773-модда. Миқознинг пул маблағларини тасарруф этиши

Миқоз банкдаги ҳисобварақда турган ўз пул маблағларини мустақил тасарруф этади.

Банк миқознинг пул маблағларидан қай тарзда фойдаланишни белгилашга ва назорат қилишга ҳамда унинг пул маблағларини ўз хоҳишига кўра тасарруф этиш ҳуқуқларига қонунда ёки банк ҳисобварағи шартномасида назарда тутилмаган бошқа чеклашларни белгилашга ҳақли эмас.

Миқознинг банкдаги ҳисобварақда турган пул маблағлари Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нақд пул шаклида олиниши мумкин.

1. Миқоз ҳисобварағига тушган пул маблағларидан банк миқознинг манфаатларига ҳамда эрк иродасига мос ҳолда фойдаланади.

Қонунда назарда тутилган ҳолларда ҳисобварақда мавжуд маблағлар хатланган ёки ҳисобварақ бўйича операцияларни амалга ошириш таъқиқланган ҳоллардан ташқари миқознинг ўз ҳисобварағидаги пул маблағларидан эркин фойдаланиш ҳуқуқини чеклашга йўл қўйилмайди. Чунончи, банк томонидан миқознинг ҳисобварағидаги пул маблағларини унинг топшириғисиз бошқа ҳисобварақларга ўтказиш, турли ҳайрия мақсадларига йўналтиришни талаб қилиш ноқонуний ҳисобланади. Шунингдек, банк миқознинг пул маблағларидан қай тарзда фойдаланишни белгилашга ва назорат қилишга ҳамда унинг пул маблағларини ўз хоҳишига кўра тасарруф этиш ҳуқуқларига қонунда ёки банк ҳисобварағи шартномасида назарда тутилмаган бошқа чеклашларни белгилашга ҳақли эмас.

2. Банк мижоз учун ушбу ҳисобварақ учун қонунда, банк қоидаларида ҳамда банк амалиётида қўлланиладиган иш муомаласи одатларига мос равишда барча операцияларни амалга оширишга мажбур.

Асосий ҳисобварақ бўйича операциялар фақат ҳисобварақ эгасининг фармойишига кўра ёки ҳисобварақдаги пул маблағлари суриштирувчи, терговчи қарори бўйича ёхуд суд ажримига кўра хатланганда, шунингдек, қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ҳолларда тўхтатиб қўйилиши мумкин. Бундай ҳолда, пул маблағлари фақат қарор ёки ажримда кўрсатилган суммага хатланади. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш суд тартибида амалга оширилади. Юқоридаги тартибда хатланган ёки тўхтатилган ҳисобварақларни (ҳам асосий, ҳам иккиламчи) бошқа банкларга ўтказиш ҳамда ушбу ҳисобварақлар эгаларининг бошқа ҳисобварақларни очишига йўл қўйилмайди.

3. Банкка пул маблағларни ўтказиш ҳақидаги фармойиши ёзма равишда (тўлов топшириқномаси) берилади ва у бундай фармойиш берувчини аниқлаш имконини берадиган даражада бўлиши лозим. Кейинги пайтларда амалиётда банк ҳисобварағидаги пул маблағларни тасарруф этишда электрон воситалардан кенг фойдаланилмоқда (кодлар, пароллар ва ҳ.к.). Масалан, интернет-банкнинг. Бунда мижозга банк томонидан очиқ ҳамда ёпиқ калит (пароллар) берилади. Бундай тарзда электрон воситалардан фойдаланиш сиртдан қараганда содда ва оддий туюлсада, аслида бутун дунёда тан олинадиган восита сифатида қаралмоқда. Чунки, биринчидан, электрон рақамли имзони қалбакилаштириш эҳтимоли кам бўлади. Иккинчидан, одатдаги оддий қўл билан қўйиладиган имзодан кўра, электрон рақамли имзо ишончли саналади. Учинчидан, масофадан туриб ҳисобварақдаги пул маблағларини тасарруф этиш вақтни ҳамда бошқа ортиқча ҳаражатларни тежайди. Тўртинчидан, мижозга ҳисобварақдаги пул маблағларини тасарруф қилиш учун берилган очиқ ва ёпиқ калитлар (пароллар, кодлар) бошқа учинчи шахсларга маълум бўлмайди. Яъни, бунда электрон рақамли имзонинг очиқ калити-электрон рақамли имзо воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳосил қилинган, электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитига мос келувчи, ахборот тизимининг ҳар қандай фойдаланувчиси фойдалана оладиган ва электрон ҳужжатдаги электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун мўлжалланган бел-

гилар кетма-кетлиги бўлса, электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити эса, электрон рақамли имзо воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳосил қилинган, фақат имзо кўювчи шахснинг ўзига маълум бўлган ва электрон ҳужжатда электрон рақамли имзони яратиш учун мўлжалланган белгилар кетма-кетлигидан иборат бўлади. Бешинчидан, банк амалиётида ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун қўлланиладиган босқичлар бир мунча мураккаб саналади. Тижорат банкларида автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш хизмати ташкил этилади. Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш Ўзбекистон Республикасининг «Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ амалга оширилади.

Чунончи, электрон тўловлар тижорат банкларида қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

а) файл кўринишида (off-line). Банк филиалининг бош бухгалтери масъул ходимлар киритган маълумотларни текшириб ва уни ўзига бириктирилган электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити билан тасдиқлайди ва Бош банк Тўлов марказига жўнатади. Тўлов марказига келиб тушган электрон ҳужжатнинг электрон рақамли имзоси ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун текширилади, электрон рақамли имзо тасдиқланса, электрон ҳужжат ишлов бериш учун қабул қилинади. Агар электрон рақамли имзо тасдиқланмаса, электрон ҳужжат ишлов беришга қабул қилинмайди. Электрон ҳужжатни ҳосил қилган филиалга электрон ҳужжатнинг қабул қилинмаганлиги тўғрисида маълумот юборилади. Қабул қилинган маълумот ишлов берилиб, Тўлов марказининг тегишли электрон рақамли имзосининг ёпиқ калити билан тасдиқланиб, филиалга жўнатилади. Агар электрон ҳужжат банклараро тўлов бўлса, Бош банкнинг Тўлов маркази ўз электрон рақамли имзосининг ёпиқ калити билан тасдиқлаб, Марказий банк Ахборотлаштириш Бош Маркази «Ҳисоб-китоблар маркази»га жўнатади. Узатилган электрон ҳужжатнинг электрон рақамли имзоси ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун текширилади, Бош банкнинг электрон рақамли имзоси тасдиқланса, Ахборотлаштириш Бош Маркази «Ҳисоб-китоблар маркази томонидан электрон ҳужжат қайта ишланишига рухсат берилади. Агар Бош банкнинг электрон рақамли имзоси тасдиқланмаса, тасдиқланмаганлиги тўғрисидаги маълумот Бош банкка юборилади. Ахборот Банк амалиёт куни дастурида

автомат тарзда шифрация жараёнидан ўтиши ва мазкур банкнинг Тўлов марказига жўнатилиши лозим.

б) аниқ вақтда (on-line). Тижорат банки филиалининг ҳар бир масъул ходими ҳужжатнинг асл нусхасидан макет асосида маълумотларни Тўлов маркази серверига киритади ва ўзига бириктирилган электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити билан тасдиқлайди, сўнг киритилган жадвалдаги электрон тўлов маълумотларини бош бухгалтер текшириб, тўловни амалга оширишга рухсат беради. Электрон ҳужжатнинг электрон рақамли имзоси ҳақиқийлиги текширилиб, ишлов беришга олинади. Ишлов бериш натижа-сида тўлов маълумоти шу банкка тегишли бўлса, ўша филиалга тегишли ҳисобварақда акс эттирилади. Агар электрон рақамли имзо тасдиқланмаса, электрон ҳужжат қайта ишланишга қабул қилинмайди. Электрон ҳужжатни ҳосил қилган филиалга электрон ҳужжат қабул қилинмаганлиги тўғрисида маълумот юборилади. Банклараро тўлов маълумоти эса Ахборотлашти-риш Бош Маркази «Ҳисоб-китоблар марказига Бош банк Тўлов маркази электрон рақамли имзосининг ёпиқ калити билан тасдиқланиб, узатилади.

Асосийси, электрон тўлов тизими орқали жўнатилаётган ёки қабул қилинаётган барча электрон тўлов ҳужжатлари сўнгги базага эга антивирус дастури текширувидан ўтказилиши шарт. Яъни, турли ғаразли мақсадларда фойдаланишга қарши муайян текширув ўтказилади. (Ўзбекистон Респуб-ликаси тижорат банклари автоматлаштирилган банк тизимларида ахбо-ротни муҳофаза қилиш тўғрисида низом, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 13 мартда 1552-сон билан рўйхатга олинган).

4. Мижознинг ҳисобварағидаги пул маблағларини тасарруф қилиши топшириқларни берилиш навбатига қараб амалга оширилади. Бироқ, ҳисобварақдаги пул маблағлари етарли бўлмаган тақдирда (ФК 784-мод-дасида) қатъий тартиб назарда тутилган.

5. Мижознинг ўз ҳисобварағидаги пулларни нақд пул шаклида олиш тартиби қонунчиликда белгилаб қўйилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 августдаги ПҚ 147-сонли «Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки нақд пул маблағлари беришни мунтазам кечиктириш ҳоллари мавжуд бўлганида тижорат банкларига нисбатан қаттиқ жавоб-гарлик чоралари, ҳатто банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини

берадиган лицензияни қайтариб олиш чораларини қўллаши белгиланган. Нақд пуллар узлуксиз тўланишини таъминлаш мақсадида тижорат банклари ўз бўлимларида нақд пул маблағларига бўлган талаб тезкорлик билан тўлдирилишини ва мижозларнинг буюртмалари қондирилишини таъминлайдиган нақд пул захирасини яратиб боради.

«Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисида»ги Йўриқнома (Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлигида томонидан 2005 йил 26 октябрда 1518-сон билан рўйхатга олинган)га кўра, аҳоли ва мулкчилик шаклларида катъи назар хўжалик юритувчи субъектларга нақд пулларни бериш уларнинг депозит ҳисобварақларидаги маблағлар чегарасида тўлов ҳужжатларида кўрсатилган мақсадлар учун амалга оширилади. Банклар аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга нақд пулларни уларнинг биринчи талаби бўйича узлуксиз беришни таъминлайдилар. Бунда нақд пулларни бериш биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларга, пенсия, нафақа, стипендия, хизмат сафари харажатлари, шунингдек аҳоли омонатларини тўлаш учун амалга оширилади. Жисмоний шахсларга, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган фаолияти учун берилиши лозим бўлган нақд пуллар уларнинг Ўзбекистон Республикаси банкларидаги омонат ҳисобварақларига ўтказилиши мумкин.

Юридик шахслар билан меҳнатга ҳақ тўлаш учун нақд пул беришнинг аниқ муддатларини келишиш пайтида банклар юридик шахсларга жамоа шартномалари ёки бошқа локал меъёрий ҳужжатларда белгилаб қўйилган меҳнатга ҳақ тўлаш муддатларини ҳисобга олган ҳолда, пул беришни бутун банк бўйича ойдаги кунларга мумкин қадар бир меъёрда таксимлаш зарурлигини ҳисобга оладилар. Бюджет ташкилотларига меҳнатга ҳақ тўлаш учун пул бериш, агар бюджет ташкилотининг жамоа шартномалари ёки бошқа локал меъёрий ҳужжатларида бошқа тартиб назарда тутилмаган бўлса ойда икки марта яъни, ойнинг биринчи ярми учун — шу ойнинг 16–20 кунларида ва ойнинг иккинчи ярми учун — кейинги ойнинг 1–5 кунларида амалга оширилади.

774-модда. Банк ҳисобварағи шартномасининг шакли

Банк ҳисобварағи шартномаси ёзма шаклда тузилиши керак.

Банк ҳисобварағи шартномасининг ёзма шаклига риоя қилмаслик ушбу шартноманинг ҳақиқий бўлмаслигини келтириб чиқаради. Бундай шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

1. Банк ҳисобварағи шартномасини мажбурий равишда ёзма шаклда тузилиши қўйидаги омилларга асосланган:

биринчидан, бу икки томонлама, консесуал, ҳақ бараварига тузиладиган (банк мижознинг маблағаридан фойдаланганлик учун фоиз тўлайди) шартномадир;

иккинчидан, юридик шахслар ва яқка тадбиркорларнинг мулкӣ муносабатларини ташкил қилиш ва амалга оширишларидаги асосий келишув ҳисобланади. Фуқаролар билан тузиладиган банк ҳисобварағи шартномаси нисбатан кам тарқалган шартномадир. Чунки, мазкур шартнома бир ҳисобварақдан бошқа ҳисобвараққа ўтказиладиган нақд пулсиз ҳисобкитобларни амалга оширишга, шунингдек нақд пул маблағларини олишга мўлжалланган. Банк ҳисобварағида турган пул маблағлари моҳиятан бир хил ашё бўлмай, балки банкка нисбатан қўйиладиган мажбурият ҳуқуқий талаб ҳисобланади. Бу билан банк ҳисобварағи шартнома масалан, омонат сақлаш шартномасидан фарқ қилади.

2. Шарҳланаётган модданинг 2-қисмига биноан, банк ҳисобварағи шартномасининг ёзма шаклига риоя қилмаслик ушбу шартноманинг ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаради. Бундай шартнома ўз ўзидан ҳақиқий саналмайди (ФК 113-моддасига қаранг).

775-модда. Банк ҳисобварағи шартномасини тузиш

Банк ҳисобварағи шартномаси банк томонидан мижозга ёки у кўрсатган шахсга банкда тарафлар келишган шартларда ҳисобварақ очиш йўли билан тузилади.

Юридик шахслар ва фуқаролар ўзларига ҳисоб-китоб ва касса хизмати кўрсатадиган банкларни мустақил танлайдилар.

Банк муайян турдаги ҳисобварақлар очиш учун эълон қилган, қонунда ва қонунга мувофиқ белгилаб қўйилган банк қоидаларида назарда тутилган тегишли талабларга мос келадиган шартлар асосида ҳисобварақ очишни таклиф қилиб мурожаат этган мижоз билан банк ҳисобварағи шартномаси тузиши шарт.

Банк тегишли операцияларни амалга ошириш қонунда, банкнинг таъсис ҳужжатларида ва унга берилган лицензияда назарда тутилган ҳисобварақни очишни рад этишга ҳақли эмас, ана шундай рад этишга банкда банк хизмати кўрсатишга қабул қилиш имконияти йўқлиги сабаб бўлган ҳоллар бундан мустасно.

Банк банк ҳисобварағи шартномасини тузишдан асосиз равишда бош тортган тақдирда, мижоз унинг олдига ушбу Кодекс 377-моддасининг олтинчи ва еттинчи қисмларида назарда тутилган талабларни кўйишга ҳақли.

1. Банк ҳисобварағи шартномасини очиш амалиётда қоида тариқасида икки усулда, яъни: ягона ҳужжат тарзида шартнома тузиш ва имзолаш; бундай ҳужжатни расмийлаштирмасдан амалга оширилади. Банк ҳисобварағи шартномасининг мавжуд эмаслиги шартномавий муносабатлар мавжуд эмаслигини англамайди. Масалан, мижоз ҳисобварағининг бир банкдан бошқа банкка ўтказишга розилик берилиши аввалдан улар ўртасида шартнома тузилганлигини англамайди. Шу сабабли мижоз томонидан ҳисобварақ очиш тўғрисида ариза беришнинг ўзи (шартнома тузишга) оферта, банк бошқарувчисининг унга имзо қўйиши эса, акцепт (шартнома тузишга розиликни) англатади.

Банк ҳисобварағи шартномасида банк мижознинг ҳисобварағига келиб тушаётган маблағларни ҳисобвараққа кирим қилиш ва уни киритиб қўйиш, мижознинг ҳисобварақдаги маблағларни тасарруф этиш борасидаги топшириқларини ижро этиш шартлари, бу борадаги мижоз ҳамда банк ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, банк хизматлари учун тўланиши лозим бўлган комиссиялар ҳамда бошқа шартлар белгилаб олинади.

Банк ҳисобварағи учинчи шахс фойдасига ҳам очилиши мумкин (ФК 362-модда).

Мижозлар томонидан ҳисобварақлар очиш учун банкка тегишли ҳужжатлар тақдим қилинган кундан сўнг, банклар икки иш куни мобайнида, агар қонун ҳужжатларида бошқача ҳоллар назарда тутилмаган бўлса, уларга ҳисобварақлар очишлари шарт. Ҳисобварақлар очиш учун ҳужжатлар мижознинг имзо намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчасида кўрсатилган ёки мижознинг ишончномаси асосида вакил қилинган шахслар томонидан шахсан тақдим қилинади. Банклар томонидан қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳужжатлардан бошқа қўшимча ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

Мижозлар ҳисобварақ очиш учун тақдим қилинган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги учун жавобгар ҳисобланади. Хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобварақ очиш учун асос бўлган ҳужжатлари, банк ҳисобварағи шартномаси, шунингдек унга киритилган ўзгартиришлар, таъсис ҳужжатлари (таъсис шартномаси, устав) ҳамда уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг нусхалари, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва хорижий сармоя иштирокидаги бошқа корхоналарнинг таъсис ҳужжатлари ва уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг нотариал тасдиқланган нусхалари, иккиламчи ҳисобварақлар очилганлиги тўғрисидаги асосий ҳисобварағини очган банкка юборган хабарнинг нусхаси ҳамда бекор қилинган имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчалар, шунингдек мижоз номидан пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини имзолаш ваколатига эга шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати (паспорт ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжат)нинг нусхаси мижознинг юридик йиғмажилдида сақланади.

Тадбиркорлик субъектларига банкларда ҳисобварақлар очиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 0,5 баробари, кишлоқ жойларда эса энг кам ойлик иш ҳақининг 0,1 баробари миқдорида ҳақ олинади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги ПФ-4354-сонли «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармониغا асосан, 2011 йил 1 сентябрдан кичик бизнес субъектларидан тижорат банкларида миллий валютада ҳисоб рақами очганлик учун тўлов ундириш бекор қилинган.

2. Юридик шахслар ва фуқаролар ўзларига ҳисоб-китоб ва касса хизматларини кўрсатиш учун банкларни мустақил равишда танлайдилар. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунининг 31-моддасига мувофиқ, мижозлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўзлари танлаган битта ёки бир нечта банкда миллий валютада ва чет эл валютасида талаб қилиб олгунча сақландиган депозит ҳисобварақлар очишга ҳақли.

Банкка банк ҳисобварағи шартномасини тузиш учун мурожаат қилган ҳар бир шахс билан шартнома тузиш мажбурийдир (ФК 377-моддасига қаранг).

Банк мижознинг банк ҳисобварағини очиш тўғрисидаги талабини қуйидаги ҳоллар мавжуд бўлганда рад этиши мумкин эмас: а) таъсис ҳужжатлари ва лицензиясига кўра банк бундай турдаги ҳисобварақлар очиш ва уни юритиш ҳуқуқига эга бўлса; б) ҳисобварақ очиш қонунга ҳамда Марказий банк томонидан ўрнатилган қоидаларнинг бузилишига олиб келмаса; в) банк иқтисодий ёки бошқа сабабларга кўра вақтинча юридик ва жисмоний шахсларга ҳисобварақлар очишни тўхтатмаган бўлса; г) банкнинг пул маблағларини қабул қилиш учун зарур ишчи кучи ва техник имкониятларга (бўш операционистлар, амалиёт заллари ва ҳ.к.) эга бўлса; д) банкнинг ҳисобварақни очишга тўсқинлик қиладиган бошқа сабаблар мавжуд бўлмаса.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳоллар мавжуд бўлса, банкка ҳисобварақ очиш учун зарур ҳужжатлар йиғмажилдини тақдим қилиб, рад жавобини олган ҳар қандай шахс ФК 377-моддасининг олтинчи ва еттинчи қисмларида кўрсатилган тартибда шартнома тузишга мажбур қилиш талаби билан судга мурожаат қилишлари мумкин. Бундай шартноманинг шартлари ҳисоб-китобларга оид норматив ҳужжатлар ва муайян банк амалиётида қўлланиладиган тегишли турдаги ҳисобварақлар бўйича амалга ошириладиган операциялар учун тўланадиган ҳақ миқдори, ҳисобварақда сақланадиган пул маблағларига қўшиладиган фоизлар ставкаси билан белгиланади. Бундан ташқари мижоз банкдан ўзига шартнома тузишдан асоссиз бош торгганлиги сабабли етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақлидир.

Ҳисобварақ очишдан бош тортиш қонун ҳамда бошқа норматив ҳужжатларда белгилаб қўйилиши мумкин.

776-модда. Ҳисобварақда турган пул маблағларини тасарруф этиш ҳуқуқини тасдиқлаш

Мижоз номидан ҳисобварақдаги маблағларни ўтказиш ва бериш ҳақида кўрсатма берадиган шахсларнинг ҳуқуқлари мижоз томонидан банкка қонунда назарда тутилган, қонунга мувофиқ банк қоидалари ҳамда банк ҳисобварағи шартномаси билан белгиланган ҳужжатларни тақдим этиш йўли билан тасдиқланади.

Мижоз учинчи шахсларнинг талабига мувофиқ, шу жумладан мижознинг ушбу шахслар олдидаги мажбуриятларини бажариши

билан боғлиқ талабига мувофиқ пул маблағларини ҳисобварақдан ўчириш ҳақида фармойиш бериши мумкин. Банк тегишли талаб қўйилган вақтда уни қўйишга ҳақли бўлган шахсни аниқлаш ва бундай талабнинг характери ва асосларини белгилаш имконини берадиган зарур маълумотлар бу фармойишларда ёзма равишда кўрсатилган тақдирда уларни қабул қилади.

Банк ҳисобварағи шартномасида ҳисобварақда турган пул маблағларини тасарруф этиш ҳуқуқини электрон тўлов воситаларидан ҳамда уларда мижознинг ўз имзоси, кодлари, пароллари ҳамда фармойиш тегишли ваколати бўлган шахс томонидан берилганлигини тасдиқлайдиган бошқа воситаларнинг ўхшатмаларидан фойдаланилган бошқа ҳужжатлар билан тасдиқлаш назарда тутилган бўлиши мумкин.

1. Қонунчиликда белгиланган тартибга асосан, ҳисоб-китоб ҳужжатлари раҳбар ва бош ҳисобчи томонидан имзоланиши шарт ва уларнинг имзо намуналари банкда сақланади. Демак, ташкилотнинг ҳисобварағидаги маблағларни тасарруф этиш учун: 1) у тегишли лавозимда бўлиши; 2) унинг имзоси намунаси ва ташкилот муҳри нусхаси банкда мавжуд бўлиши талаб қилинади.

Бундан ташқари, юридик ёки жисмоний шахснинг ҳисобварағини тасарруф этиш ҳуқуқи ишончнома асосида ҳам амалга оширилиши мумкин (ФК 134-моддаси). Масалан, ишончнома орқали корпоратив карточкаларни беришда юридик шахсни ҳисобварағини тасарруф этиш учун ходимларга ваколат берилиши мумкин.

Банкка ҳисобварақ эгасининг имзолари намуналари ва муҳр изи қўйилган варақча икки нусхада тақдим қилинади. Варақчанинг бир нусхаси бухгалтерда, иккинчиси эса пул чекларини расмийлаштирувчи назоратчида туради. Юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларнинг имзолари намуналари ва муҳр изи қўйилган варақча нотариал тасдиқланади. Уларнинг ваколатхона ва филиалларининг имзолари намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчалари ҳам нотариал тасдиқланади, тасдиқни талаб қилмайдиган давлат муассасалари ва норезидент банкларнинг имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчалари бундан мустасно. Имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчага юридик шахсларга берилган асосий муҳр ёки юридик шахс филиалининг ёхуд

ваколатхонасининг муҳр изининг намунаси қўйилиши шарт. Махсус мақсадлар учун, масалан, «Пакетлар учун», «Рухсатномалар учун», «Девонхона» ва шу кабиларга мўлжалланган муҳрлардан фойдаланган ҳолда муҳр босишга йўл қўйилмайди.

Амалиётда шундай ҳолатлар ҳам бўлиши мумкинки, банкларда мижозларнинг бир нечта ҳисобварақларига хизмат кўрсатиладиган бўлса, улардан қўшимча равишда имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчалари юқорида кўрсатилган тартибда талаб қилиниши мумкин. Имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчаларда ҳисобварақларнинг рақамлари кўрсатилган бўлади.

Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунининг 8-моддасига мувофиқ, юридик шахс раҳбари имзолар намуналари варақчасига киритиладиган имзолаш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг иккита рўйхатини тасдиқлайди. Биринчи рўйхатга — раҳбарлик вазифаларини амалга оширувчи шахслар, иккинчисига — бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи шахслар киради. Биринчи имзо ҳуқуқи иккинчи имзо ҳуқуқига эга бўлган бош бухгалтер ёки бошқа шахсларга берилиши мумкин эмас. Имзолар намунаси ва асосий муҳр изи қўйилган варақча нотариал тасдиқланади. Мижозлар имзоларни бевосита ўз қўллари билан қўйишлари шарт (факсимиле имзо муҳри қўйилишига йўл қўйилмайди). Раҳбар шахсларга вақтинча биринчи ёки иккинчи имзо ҳуқуқи берилганда, шунингдек, раҳбар томонидан ваколат берилган шахслардан бирортаси вақтинча ўзгарганда, вақтинча ваколат берилган шахснинг имзо намунаси қўйилиб, амал қилиш муддати кўрсатилган қўшимча варақча тақдим қилинади. Ушбу вақтинчалик варақча раҳбар томонидан имзоланиб, муҳр қўйилади.

Янги тузилган ташкилотда, шунингдек, ташкилот қайта ташкил этилганлиги, номи ёки бўйсунуши ўзгарганлиги сабабли муҳр вақтинча йўқ бўлганда, эскирганда ёки йўқолиб қолганда банк раҳбари ҳисобварақ эгасига муҳр тайёрлатиш учун зарур бўлган муҳлатни беради. Бир вақтнинг ўзида у муҳр бўлмаган вақтда ҳисоб-китоб-пул ҳужжатларини расмийлаштириш тартибини белгилайди, вазиятдан келиб чиққан ҳолда ҳужжатлар муҳр изисиз топширилишига руҳсат беради. Бундай ҳолларда банк раҳбари ёки бош бухгалтери имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчага тегишли қайдларни киритади. Шунингдек, юридик шахснинг муҳри

ўзгарганда, варақчада кўрсатилган имзолардан бирортаси алмаштирилганда ёки қўшилганда, ҳисобварақ эгаси нотариал тасдиқланган янги имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчани тақдим қилади. Бекор қилинган имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчалар юридик шахснинг юридик йигмажилдига тикилади («Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисида йўриқнома» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 27 апрелда 1948-сон билан рўйхатга олинган).

2. Ҳисобварақ эгаси ва унинг кредитори шартнома шартларида тегиш-лича ҳисобварақдаги пул маблағларни акцептлашсиз ўтказиш тўғрисида шартларни киритиш ҳуқуқига эга. Бунда тўловчи банкка бу ҳақда ёзма равишда маълумот бериши ва ўзининг бундай тарзда пул маблағларини ўтказилишига розилигини билдириши керак. Мазкур хат (маълумот)да қайси кредитор ва қандай ишлар, хизматлар, товарлар учун миқдорнинг ҳисобварағидаги пул маблағларини олиш ҳуқуқига эгаллиги кўрсатилади. Миқдорнинг кредитор билан тузган шартномасига мувофиқ ҳисобварақдаги пул маблағларини акцептсиз ҳисобдан чиқариш бўйича операциялар қонун ва шартномага мувофиқ банк ҳисобварағи шартномасида назарда тутилган хизматлар доирасига кирмайди. Шу сабабли ушбу операцияни амалга ошириш учун банкнинг розилиги талаб қилинади, яъни банк ҳисобварағи шартномасига тегишли ўзгартириш киритилиши лозим (ФК 796-моддасига қаранг).

3. Банк ҳисобварағи шартномасида ҳисобварақдаги пул маблағларини тасарруф этиш электрон шаклдаги ҳужжатларни тақдим этиш орқали амалга оширилиши назарда тутилиши мумкин. Бу ҳолда тақдим қилинган ҳужжатлар қуйидагиларни ўз ичига олиши шарт: а) тарафлар ўртасида ўзаро келишилган белгиларга эга бўлиши ва ушбу тўлов ҳужжати тарафлардан бири томонидан берилаётганлигини тасдиқлаш имкониятини бериши (ФК 366-модда 4 қисми); б) ваколатли шахслар томонидан имзоланган бўлиши.

Амалиётда бу ўринда ҳужжатнинг ҳақиқийлиги, унинг муаллифини аниқлаш имконини берувчи электрон рақамли имзолардан фойдаланилади. Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизими банк ва унинг миқдори ўртасидаги муносабатларни автоматлаштиришга мўлжалланган бўлиб, пул маблағларини бошқаришнинг тезкорлигини ҳамда банк опера-

цияларининг сифатли қайд қилинишини таъминлайди. Тизимнинг асосий вазифалари бўлиб а) мижозни аутентификация қилиш; б) электрон тўлов ҳужжатларини киритиш; в) электрон тўлов ҳужжатларини шифрлаш ва уларни банк ахборот тизимларида қайта ишлаш учун алоқа каналлари орқали узатиш; г) ахборот хабарларини қабул қилиш-узатиш; д) ҳисобот шакллари (шахсий ҳисобварақлар, электрон тўлов ҳужжатлари, киритилган ҳужжатларнинг рўйхатини) кўриш ва чоп этиш. Тизимдан фойдаланиш ва тизим хизматлари учун ҳақ миқдори банк ва мижоз ўртасида тузилдиган шартнома асосида амалга оширилади (“Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларида ишлаш тартиби тўғрисида” низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2010 йил 19 ноябрда 2155-сон билан рўйхатга олинган).

Мазкур ҳолларда банк мижозининг ва банкнинг амалга ошириши лозим бўлган ҳаракатлари ўзига хос хусусиятларга эга. Чунончи, телекоммуникация провайдерлари ва операторлари ёки коммунал хизмат ташкилотлари фойдасига бир хил турдаги операцияларни амалга ошириш учун тўловчи — мижознинг фақат идентификация маълумотларини (телефон рақамлари, шахсий ҳисобварақлари ва бошқаларни) киритишга рухсат этилади. Ҳужжатларни тизимга киритиш тугатилгандан сўнг яқка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахснинг масъул ходими (бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи шахс) ҳужжатнинг асл нусхасини унинг электрон нусхаси билан таққослаб текшириши ва электрон ҳужжатни ўзининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқлаши керак бўлади. Тизим орқали банкдан қабул қилинган ахборотни мижоз фақатгина кўриш ва чоп этиш имкониятига эга бўлади. Мижоз томонидан электрон рақамли имзо ёпиқ калити йўқотилган тақдирда ёки идентификация ва аутентификация маълумотлари учинчи шахсларга маълум бўлиб қолгани бўйича шубҳа туғилганда, мижоз Тизим орқали хизмат кўрсатишни тўхтатиш юзасидан банкни дарҳол хабардор қилиши керак. Шундан сўнг, тизим орқали мижоз ҳисобварақларидан амалга оширилган операциялар бўйича жавобгарлик банк зиммасига юклатилади.

Банк томонидан эса, ўз навбатида мижозлардан келган барча ахборотлар дастурий равишда дешифрланади, реквизитлар бўйича назорат қилинади ва қайта ишлаш учун банк амалиёт кунига узатилади. Тўлов амалга

оширилгандан сўнг электрон тўлов ҳужжатлари реестр кўринишида чоп этилади ва банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикилади. Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига мувофиқ банкнинг масъул ходими қўшимча текширилиши лозим бўлган электрон тўлов ҳужжатларини чоп этиши ва уларни банкнинг тегишли бўлимлари билан келишиши мумкин. Мижознинг ҳисобварағида тўлов учун маблағлар етарли ёки мавжуд бўлмаса, агар банк ҳисобварағи бўйича шартномада бошқа тартиб кўзда тутилмаган бўлса, мижоз томонидан тизим орқали банкка юборилган электрон тўлов топшириқномаси қайта ишлаш учун банк амалиёт кунига қабул қилинмайди ва бу ҳақда мижозга хабар берилади. Мижозлардан олинган барча ахборот банкда ҳар куни архивланади ва Ўзбекистон Республикаси банкларида электрон архив ишларини юритиш тартиби тўғрисида йўриқнома талабларига мувофиқ сақланади.

777-модда. Ҳисобварақ бўйича банк бажарадиган операциялар

Агар банк ҳисобварағи шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, банк қонунда, қонунга мувофиқ белгилаб қўйилган банк қоидаларида ва банк амалиётида қўлланадиган иш муомаласи одатларида ушбу турдаги ҳисобварақлар учун белгилаб қўйилган операцияларни амалга ошириш йўли билан ҳисобвараққа келиб тушаётган пул маблағларини қабул қилиши ва киритиб қўйиши ҳамда мижознинг пул маблағларини қўлга бериш ҳақидаги топшириқларини бажариши шарт.

Ҳисобварақ бўйича амалга ошириладиган банк операциялари тегишли норматив ҳужжатлар, шартнома ҳамда банк амалиётида қўлланиладиган иш муомаласи одатлари билан белгиланади. Масалан, банк тўловчи ва унинг кредитори ўртасидаги шартнома бўйича ҳисобварақдаги пул маблағларини акцептсиз ҳисобдан чиқариш мажбуриятини олмаган. Бирок, бу шарт банк билан мижоз ўртасидаги тузилган шартномада кўзда тутилиши мумкин (ФК 776-моддаси 2 қисмига қаранг). Банк амалиётида иш муомаласи одатлари ҳар турлича шаклланган бўлиши мумкин. Масалан, амалдаги қонунчилик банк-эмитентни аккредитив ҳақидаги аризаларни

бажарувчи банкка юбориши шартлигини назарда тутмайди. Ҳозирда бундай банк операциялари банк — эмитент томонидан бир неча мартаба аккредитив очиш ҳолатларининг қайтарилиши натижасида банкда қўлланиладиган иш муомаласига кўра амалга оширилади.

778-модда. Ҳисобварақ бўйича операцияларни амалга ошириш муддатлари

Агар қонунда ёки банк ҳисобварағи шартномасида бошқача муддатлар белгилаб қўйилган бўлмаса, банк тегишли тўлов ҳужжати банкка тушган куннинг эртасидан кечиктирмасдан тушган пул маблағларини ҳисобвараққа киритиб қўйиши, мижознинг топшириғига мувофиқ ҳисобварақдан пул маблағларини қўлга бериши ёки ўтказиши шарт. Ҳисобварақ бўйича операцияларни амалга ошириш муддатларини бузиш банк учун ушбу Кодекснинг 327-моддасида назарда тутилган оқибатларни келтириб чиқаради.

1. Шарҳланаётган моддада қўлланилган «кун» деганда, «банк операция кунини» яъни, ушбу операцияларни амалга ошириш учун банкнинг иш кунининг муайян қисмини тушиниш керак. Агар банк ҳисобварағи шартномасида бошқа муддатлар кўзда тутилмаган бўлса, банк тегишли тўлов ҳужжати банкка келиб тушган кунда (агарда у банк операция кунини ичида келиб тушган бўлса) пул маблағларини мижоз ҳисобварақига киритиши ёки унинг ҳисобварақидан ўтказиши шарт. Тўлов ҳужжати операция кун тугагандан кейин келиб тушган ҳолда банк кейинги иш кунидан кечиктирмасдан тўловни амалга ошириши шарт.

Банклар «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига мувофиқ мижозларнинг ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туришга ёки уларни бажаришни рад этишлари мумкин.

2. Тўлов ҳужжати сифатида қонунда белгиланган талабларга мувофиқ равишда тўлдирилган, тегишли реквизитларга эга бўлган ҳамда ваколатли шахс томонидан тақдим қилинган ҳужжат тушунилади. Бу ўринда банкнинг вакиллик ҳисобварағидан кўчирмалар, иловаларсиз таққослаш учун қилинган тўлов топшириқномалари ва бошқалар бундай ҳужжатлар

вазифасини ўтай олмайди, чунки улар орқали олувчини аниқлашни имконини бермайди.

Қонунда ёки мижоз билан тузилган шартномада тўловни амалга оширишнинг қисқароқ муддатларини назарда тутилган бўлиши мумкин. Шу боисдан банклар ФК 778-моддасида назарда тутилган муддатдан кўра қисқа муддатда ҳисоб-китобларни операцияларини амалга ошириши мумкин. Бундай ҳолларда олувчининг ҳисобварағига пул маблағларини қабул қилишнинг шартномада кўрсатилган муддатларини қўллаш ҳақида сўз юритиш мумкин.

Маблағлар олувчиларнинг розилиги мавжуд бўлганидан қатъий назар, маблағлар олувчиларнинг талаб қилиб олинadиган депозит ҳисобварағини четлаб ўтган ҳолда мижознинг топшириғи бўйича учинчи шахслар томонидан тўловларни амалга оширишга йўл қўйилмайди. Маблағларни олувчининг ҳисобварағига ўтказиш, ушбу маблағларни тўловчининг ҳисобварағидан ҳисобдан чиқарилгандан сўнг амалга оширилади, ҳисоб-китоблар ҳисоб-китоб чеклари, шунингдек пластик карточкаларда амалга оширилган ҳоллар бундан мустасно.

3. Тўлов ҳужжатлари келиб тушган куннинг эртасидан кечиктирмаган ҳолда банк мижознинг нақд пулсиз ҳисоб-китоб амалга ошириш ҳақидаги топшириғини бажаришга: а) пул маблағларини ҳисобдан чиқариш; б) ҳисоб китоб ҳужжатларини бошқа банкка қонунда ҳамда шартномада кўрсатилган тартибда алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда жўнатишга киришади. ФК 778-моддасида нафақат банк ўтказмалари (аккредитив билан ҳисоб-китоб қилиш, чекни тўлаш ва ҳ.к.) балки, мижознинг нақд пулсиз шаклда амалга ошириладиган барча топшириқларини бажариш ҳақида сўз юритилади. Айнан ушбу муддатларда мижознинг топшириғига мувофиқ ҳисобварақдан пул маблағларини қўлга бериши ҳам амалга оширилиши лозим. ФК 778-моддасида белгиланган пул маблағларини бериш ва ўтказиш ҳақидаги топшириқлари қонун ёки шартномага мувофиқ узайтирилиши ёки қисқартирилиши мумкин.

4. Ҳисобварақ бўйича операцияларни амалга ошириш муддатларини бузиш банк учун ушбу Кодекснинг 327-моддасида назарда тутилган оқибатларни келтириб чиқаради. Жумладан, ушбу моддада бошқа шахсларнинг пул маблағларини ғайриқонуний ушлаб қолиш, уларни қайтариб беришдан бош тортиш, уларни тўлашни бошқача тарзда кечиктириш

ёхуд бошқа шахс ҳисобидан асоссиз олиш ёки жамғариш натижасида улардан фойдаланганлик учун ушбу маблағлар суммасига фоиз тўланиши кераклиги кўрсатилган.

Фоизлар миқдори кредитор яшайдиган жойда, кредитор юридик шахс бўлганида эса, унинг жойлашган ерида пул мажбурияти ёки унинг тегишли қисми бажарилган кунда мавжуд бўлган банк фоизининг ҳисоб ставкаси билан белгиланади. Қарз суд тартибида ундириб олинганида суд кредиторнинг талабини даъво кўзғатилган кундаги ёки қарор чиқарилган кундаги банк фоизининг ҳисоб ставкасига қараб қондириши мумкин. Ушбу қоидалар қонунда ёки шартномада бошқа фоиз миқдори белгиланган бўлмаса қўлланилади.

Агарда кредиторга унинг пул маблағларидан қонунга хилоф равишда фойдаланганлик оқибатида етказилган зарарлар ФК 327-моддасида кўрсатилган фоиз ставкаларидан ортиқ бўлса, у ҳолда кредитор қарздордан ушбу суммадан ортиқ бўлган зарарларни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

779-модда. Ҳисобварақни кредитлаш

Банк ҳисобварағи шартномасига мувофиқ банк миқознинг ҳисобварағида пул маблағлари йўқлигига қарамай, миқознинг талабларига мувофиқ тўловларни амалга оширган ҳолларда банк миқозга тўлов амалга оширилган кундан бошлаб тегишли суммага кредит берган (ҳисобварақни кредитлаш) ҳисобланади.

Тарафларнинг ҳисобварақни кредитлаш билан боғлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятлари, агар банк ҳисобварағи шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз ва кредит тўғрисидаги қоидалар билан белгиланади.

1. Банк миқозга шартномада назарда тутилган ҳолларда ҳисобварақда маблағ мавжуд бўлмаган (овердрафт) ҳолларда кредит тақдим қилиши мумкин. Бундай шартлар ҳамма банк ҳисобварағи шартномаларида ҳам кўрсатилмаслиги мумкин. Бунинг учун тегишлича ҳисобварақ очилиши ва унинг учун белгиланган ҳуқуқий қоидаларда бу ҳолат назарда тутилган бўлиши керак.

Тўлов ҳужжатларини амалга ошириш учун ҳисобварақда маблағлар етарли бўлмаганда кредит бериш зудлик билан банк ҳисобидан шарт-

номада кўрсатилган миқдор доирасида амалга оширилади. Шартномада кредит даври, кредитдан фойдаланганлик учун фоиз ставкалари миқдори ва муайян давр оралиғида бериладиган кредит сони келишилган бўлиши керак.

2. Ҳисобварақни кредитлаш кредитнинг бир тури бўлиб ҳисобланади ва ушбу муносабатларга ФК 41-бобининг қоидалари қўлланилади.

780-модда. Банкнинг ҳисобварақ бўйича операцияларни амалга оширишга қилган ҳаражатларини тўлаш

Мижоз банкнинг ҳисобварақда турган пул маблағлари билан операция қилиш бўйича хизматларига банк ҳисобварағи шартномасида назарда тутилган шартлар асосида ҳақ тўлайди. Мазкур операцияларни амалга ошириш борасидаги банк хизматларининг нархи банк ҳисобварағи шартномасида белгилаб қўйилмаган ҳолларда хизматлар учун тўланадиган ҳақ ушбу Кодекснинг 356-моддасига мувофиқ белгиланади.

Банкнинг хизматлари учун ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳақ, агар банк ҳисобварағи шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, банк томонидан ҳар ойнинг охирида миջознинг ҳисобварағида турган пул маблағларидан ундириб олинади.

1. Мижозга ҳисоб-китоб ва касса хизматларини кўрсатиш амалиётда одатда, ҳақ эвазига амалга оширилади.

Банк ҳисобварағи шартномасида ҳисобварақ бўйича амалга ошириладиган операциялар учун тўланадиган ҳақ миқдори аниқланган бўлиши керак.

Агар банк ҳисобварағи шартномасида ҳисобварақ бўйича амалга ошириладиган операциялар учун ҳақ тўлаш кўрсатиб қўйилмаган бўлса, банк томонидан кўрсатилган хизматлар ҳақи ФК 356-моддасига мувофиқ аниқланади.

Банк амалиётида одатда, миջоз билан тузиладиган банк ҳисобварағи шартномасида кўрсатиладиган хизматлар учун тўланадиган ҳақ миқдори банк томонидан белгиланган тарифларга кўра амалга оширилиши келишиб олинади. Бунда ҳар бир тижорат банкида ҳисоб-китоб ва касса хизматларини кўрсатганлик учун олинadиган ҳақ миқдори турлича бўлиши

мумкин. Асосийси, банк ҳисобварағи шартномасида мижозларнинг банк ҳисобварағига келиб тушган маблағларни киритиб қўйганлик учун (кредит айланмаси учун) воситачилик ҳақи ундириш борасида шарт белгиланиши тақиқланади («Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисида йўриқнома» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 27 апрелда 1948-сон билан рўйхатга олинган).

2. Банк ҳар ойда ҳисоб-китоб ва касса хизматлари кўрсатганлиги учун ўзи олиши лозим бўлган ҳақни мижознинг ҳисобварағидан акцептсиз унинг ҳисобдан чиқаради ва ўзига кирим қилади. Банк ҳисобварағи шартномасида бундай тўловларни амалга оширишнинг бошқа муддатлари ва даврлари кўрсатилган бўлиши ҳам мумкин. Банклар мижозлар билан ҳисоб-китобларни амалга оширганда ва ўз операцияларини ўтказганда одатда, мемориал ордерлардан фойдаланади.

3. Муқобил тўлов мажбуриятлари мавжуд бўлган ҳолларда ҳисобга ўтказишга йўл қўйилади (ФК 782-моддаси ва унинг шарҳига қаранг).

781-модда. Ҳисобварақда турган пул маблағларидан банкнинг фойдаланганлиги учун фоиз тўлаш

Агар банк ҳисобварағи шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, банк ҳисобварақда турган пул маблағларидан фойдаланганлиги учун мижозга фоизлар тўлайди, уларнинг суммаси ҳисобвараққа киритиб қўйилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган фоизлар банк томонидан банк ҳисобварағи шартномасида белгиланадиган миқдорда, шартномада тегишли шартлар назарда тутилмаган тақдирда эса — одатда банк талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатлар юзасидан тўлайдиган миқдорда тўланади.

Фоизлар суммаси банк ҳисобварағи шартномасида назарда тутилган муддатларда, бундай муддатлар банк ҳисобварағи шартномасида назарда тутилмаган ҳолларда эса — йилнинг ҳар чораги тамом бўлгач, ҳисобвараққа киритиб қўйилади.

1. Банк ҳисобварағи шартномасида қуйидаги шартлардан бири кўзда тутилган бўлиши мумкин: а) банк ҳисобварағида қолган пул маблағи учун мижозга ҳақ тўлашга мажбур; б) банк ҳисобварақда қолган пул

маблағи учун мижозга ҳақ тўлашга мажбур эмас. Юқорида санаб ўтилган шартларнинг биронтаси мавжуд бўлмаган тақдирда ФК 781-моддасининг 1-қисми қўлланилади ва банк мижознинг ҳисобварағида қолган пул маблағлари учун тегишлича ҳақ тўлайди.

Мижозга тўланадиган ҳақ қоида тариқасида йиллик фоиз тариқасида ҳисобланади. Тўланадиган ҳақ миқдори мижоз ҳисобварағига ҳар чорақда кириб қилинади. Шартномада фоизларни ҳисоблаш ва тўлашнинг бошқача тартиби ҳам белгиланиши мумкин.

2. Агар шартномада ҳисобварақда қолган пул маблағлари учун фоиз тўловлари миқдори аниқ кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда мижознинг пул маблағларидан фойдаланганлик учун тўланадиган фоиз миқдори талаб қилиб олингунга сақланадиган омонатлар бўйича аниқланади (ФК 763-моддаси).

3. Муқобил тўлов мажбуриятлари мавжуд бўлган ҳолларда ҳисобга ўтказишга йўл қўйилади (ФК 782-моддаси ва унинг шарҳига қаранг).

782-модда. Банкнинг ва мижознинг муқобил талабларини ҳисобга олиш

Банкнинг ҳисобварақни кредитлаш ҳамда банк хизматлари учун ҳақ тўлаш билан боғлиқ ҳолда мижоз олдига қўйиладиган пул талаблари, шунингдек мижознинг пул маблағларидан фойдаланганлик учун фоизлар тўлаш ҳақида банк олдига қўядиган талаблари, агар банк ҳисобварағи шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, бир-бирларининг талабларини ҳисобга олиш йўли билан бекор қилинади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган талаблар банк томонидан ҳисобга олиниб, у талаблар ҳисобга олинганлиги тўғрисида мижозга банк ҳисобварағи шартномасида белгилаб қўйилган тартибда ва муддатларда, бордию тегишли шартларни тарафлар келишиб олишмаган бўлса, банклар одатда тегишли ҳисобварақдаги пул маблағларининг ҳолати тўғрисида мижозларга ахборот берадиган тартибда ва муддатларда ахборот бериши шарт.

1. Шарҳланаётган модданинг 1-қисмида санаб ўтилган ҳолларда ўзаро пул мажбуриятлари ҳисобга олиш йўли билан (ФК 343-моддаси)

агарда шартномада бошқача ҳолат кўрсатилмаган бўлса бекор қилинади. Бошқа ҳолларда ФКнинг тегишли моддаларида назарда тутилган тартибда ҳисоб-китобни амалга ошириш қоидалари қўлланилади (ФК 779, 781-моддалари).

2. Ҳисобга олиш йўли билан мажбуриятни бекор қилиш ташаббускори бўлиб банк ҳисобланади ва унинг зиммасига ҳисобга олиш амалга оширилганлиги ҳақида миқозга маълум қилиш масъулияти юклатилади. Бундай маълумот бериш тартиби ва муддати шартномада келишилган бўлиши лозим. Бундай келишув мавжуд бўлмаган ҳолларда ҳисобга олинганлик ҳақидаги маълумот миқозга ҳисобварақдан бериладиган навбатдаги кўчирма билан биргаликда юборилади.

3. Муқобил бир хил мажбуриятларни узиш учун ҳисобга олиш усулидан фойдаланиш ҳуқуқи ФК 343-моддасига мувофиқ ҳар иккала ҳуқуқий муносабат иштирокчисига тегишлидир ва банк буни амалга оширмаган ҳолларда миқознинг ўзи банкка муддати етиб келган муқобил пул мажбуриятларини ҳисобга олиш ҳақида ариза бериши мумкин.

783-модда. Ҳисобварақдан пул маблағларини ўчириш асослари

Банк ҳисобварақдан пул маблағларини миқознинг топшириғи асосида ўчиради.

Миқознинг топшириғисиз ҳисобварақда турган пул маблағларини ўчиришга суднинг қарори билан, шунингдек ушбу Кодексда ёки бошқа қонунда белгилаб қўйилган ёхуд банк билан миқоз ўртасидаги шартномада назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади.

1. Умумий қоидага кўра одатда, маблағлар ҳисобварақдан фақат миқознинг топшириғига мувофиқ ўчирилиши мумкин.

2. Миқознинг топшириғисиз унинг ҳисобварағидан пул маблағларини ўчириш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади: а) суд қарори асосида; б) ФК ёки бошқа қонун ҳужжатлари назарда тутилган ҳолларда; в) банк ва миқоз ўртасидаги шартномада назарда тутилган ҳолларда.

Акцентсиз ҳисобварақдаги маблағларни ўчириш миқознинг контрагенти билан тузилган шартномада ҳам кўзда тутилган бўлиши мумкин. Бундай шартномани қўллаш учун тўловчи ўзининг банки билан тегишли келишувга эришган бўлиши керак ва бу келишув банк ҳисобварағи

шартномасига киритилган қўшимча сифатида баҳоланиши мумкин (ФК 776-моддаси).

Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида Низомга мувофиқ, қуйидаги ҳолларда тўловчиларнинг ҳисоб рақамларидан маблағларни акцептсиз ҳисобдан чиқариш амалга оширилади: а) иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китобларда. Бу ҳолда сотилган иссиқлик энергияси учун тўлов топшириқномаси ва ҳисобварақ-фактура етказиб берувчи томонидан истеъмолчига хизмат кўрсатадиган банкка қўйилади; б) талабномага даъво суммасини тан олиш тўғрисида қарздор ёзма жавобининг асл нусхаси илова қилинган тақдирда. Бошқа ҳужжатларнинг (дебиторлик-кредиторлик қарзларини солиштириш далолатномаси, бажарилган ишлар (хизматлар) тўғрисида далолатнома ва ҳоказоларнинг) талабномага илова қилиниши акцептсиз ҳисобдан чиқариш учун асос бўла олмайди; в) банклар томонидан — хўжалик юритувчи субъектлар томонидан кредитлар бўйича қарз ўз вақтида сўндирилмаганида, қарздорларнинг бошқа банкларда очилган иккиламчи ҳисоб рақамларида.

784-модда. Ҳисобварақдан пул маблағларини ўчириш навбати

Ҳисобварақда унга қўйилган ҳамма талабларни қаноатлантириш учун етарли миқдорда пул маблағлари бўлса, бу маблағларни ҳисобварақдан ўчириш мижознинг фармойишлари ва ўчириш учун бошқа ҳужжатлар тушган тартибда (календарь навбат), агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, амалга оширилади.

Ҳисобварақдаги пул маблағлари унга қўйилган барча талабларни қондириш учун етарли бўлмаган тақдирда, пул маблағлари қуйидаги навбатда ўчирилади:

биринчи навбатда мутаносиб равишда бюджетга, бюджетдан ташқари фондларга тўловларни ҳамда иш ҳақи тўлаш учун пул маблағлари берилишини назарда тутувчи тўлов (ижрочи) ҳужжатлари бўйича, алиментларни ундиришга доир талабларни қондириш учун ҳисобварақидан пул маблағларини ўтказиш ёки пулни беришни назарда тутувчи ижрочи ҳужжатлар бўйича, муаллифлик шартномаларига биноан мукофотларни тўлаш бўйича, шунингдек ҳаёти ва саломатлигига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича,

бюджетга тўловлар бўйича ҳамда меҳнатга оид ва унга тенглаштирилган ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган тўловлар бўйича хўжалик субъектларининг мажбуриятлари тенг даражада бажарилишини таъминловчи ижрочи ҳужжатлар бўйича пул ўчирилади;

иккинчи навбатда бошқа пул талабларини қондиришни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари бўйича пул ўчирилади;

учинчи навбатда бошқа тўлов ҳужжатлари бўйича календарь навбат тартибида пул ўчирилади.

Бевосита ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжларга пул маблағларини қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда ҳисобдан чиқариш, календарь навбат тартибидан ташқари навбатда амалга оширилади.

1. Тўловларни амалга ошириш навбати — бу қонунчиликда белгилаб қўйилган муддати етиб келган тўловларни бир ёки бир нечта ҳисобкитоб ҳужжатларига асосан ҳисобварақдан ўчиришдир. ФК 784-моддаси ҳисобварақдан пул маблағларини ўчиришнинг мижозга ҳам, кредит ташкилотларига ҳам тегишли бўлган иккита қонунда белгилайди.

Булардан биринчиси ҳисобвараққа нисбатан қўйиладиган барча талаблар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун маблағлар етарли бўлган ҳолларда қўлланилади. Бу ҳолда тақдим қилинган тўлов ҳужжатлари календарь тартибида, яъни тўлов ҳужжатларининг тўловчининг банкига келиб тушиши навбатида амалга оширилиши керак. Истисно ҳолатлар шарҳланаётган модданинг 3-қисмида кўрсатиб ўтилган. Унга кўра, бевосита ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжларга пул маблағларини қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда ҳисобдан чиқариш, календарь навбат тартибидан ташқари навбатда амалга оширилади.

Ҳисобварақ эгасининг бевосита ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ бўлган кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлари учун ўтган ой давомида унинг асосий талаб қилиб олинган депозит ҳисобварағига келиб тушган жами тушумларнинг 5 фоизи миқдоригача, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ўрнатиладиган рўйхатга асосан, ўта муҳим объектларни қўриқловчи бўлинмалар хизматидан фойдаланувчи ҳисобварақ эгасиники учун эса, 6 фоиз миқдоригача навбатсиз амалга оширилади. Бунда ҳисобварақ эгаси ўзига тегишли

бўлган кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлар учун маблағларни ҳисоб-китобни ва аризани банкка такдим этган кундан бошлаб жорий ой давомида тўлиқ ёки қисман-қисман олиши мумкин. Кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлар учун маблағлар лимитининг ишлатилмаган қисми жорий ойнинг охириги кунигача ишлатилиши мумкин ва кейинги ойга ишлатиш учун ўтказилмайди. Банклар кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлар учун сарфланадиган маблағлар лимитининг тўғри аниқлашини ва унга риюя қилинишини назорат қилиб борадилар.

2. Иккинчи қоида тўловчининг ҳисобварағида унга қўйилган барча талабномаларни қондириш учун пул маблағлари етарли бўлмаган ҳолларда қўлланилади. Бунинг учун шарҳланаётган моддада тўловларни амалга ошириш навбатининг учта гуруҳини кўрсатиб ўтади. Биринчи ва иккинчи гуруҳга тегишли ижро ҳужжатлари билан асосланиб тасдиқланган талабномалар қиради. Тегишли ижро ҳужжатлари билан асосланмаганлари эса, учинчи навбатга амалга оширилади.

«Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги» йўриқнома (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1999 йил 30 январда 615 сон билан рўйхатга олинган) юридик шахсларнинг банк ҳисобварақларидаги пул маблағлари уларга қўйилган талабларни қондириш учун етарли бўлмаган ҳолда улардан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш навбатини белгилаб беради.

3. Маълум гуруҳга киритилган тўловлар, аввалги гуруҳга киритилган барча тўловлар амалга оширилгандан кейингина бажарилиши мумкин.

Ҳисобварақдан биринчи навбатда ўчирилиши керак бўлган маблағлар ҳужжатларнинг келиб тушишидан ёки тўлов муддати етиб келганлигидан қатъий назар мутаносиб (пропорционал) тартибда амалга оширилади. Мутаносибликни ҳисоблаш учун маблағнинг қолдиғи 1000 сўмдан кам бўлмаслиги керак. Бунда картотека 1000 сўмдан ортиқ бўлиши шарт. Қисман тўловни амалга оширишда ва картотекадан ҳисобдан чиқаришда унинг энг кам суммаси (миқдори) 100 сўмдан кам бўлмаслиги керак («Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги» йўриқнома, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1999 йил 30 январда 615 сон билан рўйхатга олинган).

Иккинчи гуруҳга тегишли бўлган талабларга асосан ҳисобварақдан маблағларни ўчириш календарь тартибида ёки тўлов муддатларига қараб амалга оширилади.

4. Шарҳланаётган модданинг 2-қисми ҳисобварақ эгасининг қарзларини тўлаш навбатини аниқлашда қўлланилади. Шунинг учун у иш берувчи ташкилот ҳисобварағидан ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоб қилинаётган пайтда қўлланилиши мумкин эмас. Ушбу тўловларни амалга ошириш ташкилот зиммасига қонунга мувофиқ (ижро варақаси бўйича алиментлар, даромад солиғи, бюджетдан ташқари пенсия фондига тўловлар) ёки ходимнинг топшириғига (ихтиёрий алиментлар, кредитга сотиб олинган товарлар учун тўловлар ва ҳ.к.) юкланган бўлиши мумкин. Бу тўловларни қандай кетма-кетликда амалга ошириш керак, деган савол туғилади. Агар ходимнинг иш ҳақидан ушлаб қолинмаган тақдирда, у ўзига тегишли пул маблағларини биринчи навбатда олиши ҳамда ўз қарзларини ўзи мустақил равишда тўлаш имконига эга бўлган бўлар эди. Шунинг учун бу тўловларни учинчи гуруҳга киритиш мантқан тўғри бўлмайди. Демак, ходимнинг иш ҳақидан корхона томонидан ушлаб қолинадиган суммалар ойлик иш ҳақи билан бир гуруҳга, яъни биринчи гуруҳга киритилиши керак.

5. Амалиёт ходимлари аксарият ҳолларда бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга жарима санкцияларини тўлаш учун ҳисобварақдан маблағларни ўчириш кетма-кетлиги борасида қийинчиликка дуч келадилар. Кўрсатиб ўтилган санкцияларни шарҳланаётган модданинг 2 қисмининг иккинчи хатбошисида қайд қилиб ўтилган бюджетга ёки тегишли бюджетдан ташқари фондларга «тўлов» ёки «ажратмалар» деб қараш мумкин. Шунинг учун бу суммалар зудлик билан ўтказилиши керак бўлган бадаллар ёки боқимандалик сифатида қаралиши керак (яъни учинчи навбатга эмас, балки биринчи навбатга киритилиши керак).

6. Шарҳланаётган моддада кўрсатилган тўловлар кетма-кетлиги фақат нақд пулсиз шаклда амалга ошириладиган ҳисоб-китобларда, шунингдек, ундирув қарздорнинг нақд бўлмаган пуллариға қаратилган ҳолларда ҳам қўлланилади. Юридик шахс банкрот деб топилган ҳолларда, унинг ҳисобварағидан амалга ошириладиган тўловлар ФК 56-моддасига биноан амалга оширилади.

7. Агар бир банкнинг ўзида бир нечта ҳисобварақ мавжуд бўлса, у ҳолда ФК 784-моддасида кўрсатилган тўловар кетма-кетлиги ҳар бир ҳисобвараққа нисбатан алоҳида қўлланилади.

785-модда. Ҳисобварақ бўйича операциялар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги ва пул маблағлари асоссиз ўчирилганлиги учун банкнинг жавобгарлиги

Мижозга келган пул маблағлари ҳисобвараққа ўз вақтида киритиб қўйилмаган ёки банк ҳисобварақдан маблағларни асоссиз равишда ўчирган ҳолларда банк мижознинг талаби билан тегишли суммани дарҳол ҳисобвараққа киритиб қўйиши шарт, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Банк ўз вақтида киритилмаган ёки асоссиз ўчирилган суммага ушбу Кодекснинг 327-моддасига мувофиқ фоизлар тўлаши ва зарарнинг ўрнини қоплаши ҳам шарт. Банк ҳисобварақдан маблағларни ўз вақтида бермаганлиги ва мижознинг ҳисобварақдан маблағларни ўтказиш ҳақидаги фармойишларини ўз вақтида бажармаганлиги учун ҳам жавобгар бўлади, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

1. ФК 785-моддасини қўллашга асос бўлиб, биринчидан, мижозга тегишли бўлган маблағларни тўловчи банкнинг вакиллик ҳисобварағига келиб тушганлигига қарамасдан банк томонидан мижоз ҳисобварағига ўз вақтида кирим қилинмаганлиги; иккинчидан, мижоз ҳисобварағидан пул маблағларини асоссиз равишда ўчириш (масалан, нотўғри расмийлаштирилган ҳисоб-китоб ҳужжатларига асосан низосиз (акцептсиз) ўчириш); учинчидан, мижознинг ҳисобварақдаги пул маблағларини ўтказиш ҳақидаги ёки нақд пул бериш ҳақидаги фармойишини бажарилмаслиги (яъни, тўловчининг ҳисобварағидаги пуллар ўчирилгандан кейин бошқа банкка пулни ҳисобга олиш ҳақидаги ҳисоб ҳужжатларини тақдим қилмаслик) ҳисобланади.

Ҳисобварақдан маблағлар асоссиз равишда ўчирилган ҳолларда банк йўл қўйилган хатони тузатишга ва ўз ихтиёрида бўлган пул маблағларини мижознинг банкдаги ҳисобварағига кирим қилиш орқали мажбуриятларни асл ҳолида бажарилишини таъминлашга мажбур. Агар нотўғри ўчирилган

ёки ўтказилган пул маблағларини қайтаришнинг иложи бўлмаса, у ҳолда баҳсли суммани банк ўз маблағлари ҳисобидан мижоз ҳисобварағига ўтказди.

2. Юқорида кўрсатилган хатоликлар юз берган ҳолатда, банк мижозга ФК 327-моддасида кўрсатилган тартиб ва миқдорда фоизлар тўлашга мажбур, фоизлар билан қопланмаган ноқонуний ҳаракатлар натижасида етказилган зараларни қоплаши лозим. Бунда ҳисобварақдаги баҳсли пул маблағи қолдиғи учун фоизлар тўланмайди.

ФК 327-моддасига кўра, фоизлар миқдори кредитор яшайдиган жойда, кредитор юридик шахс бўлганида эса, унинг жойлашган ерида пул мажбурияти ёки унинг тегишли қисми бажарилган кунда мавжуд бўлган банк фоизининг ҳисоб ставкаси билан белгиланади. Суд амалиётида «банк фоизининг ҳисоб ставкаси» деганда, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкалари тушунилади.

3. Шарҳланаётган моддада банк томонидан йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоларнинг тўла бўлмаган рўйхати келтирилган. Кўрсатиб ўтилган хатоликлардан ташқари, банк ҳисобга кириш қилишни нотўғри бажариши ҳам мумкин (масалан, бошқа ҳисобвараққа) ёки маблағларни ўз вақтида ўчирмаслиги ҳам мумкин.

4. «Ҳисобварақлар очиш, мижозлар ҳисобварақларига маблағ ўтказиш ва ҳисобдан чиқариш, иш ҳақи ва қонунларда назарда тутилган бошқа эҳтиёжлар учун нақд пул бериш тартиби бўйича белгиланган талабларни бузганлик учун тижорат банкларига нисбатан жарима жазо чораларини қўллаш тартиби тўғрисида»ги низом тижорат банкларига нисбатан жарима жазо чоралари миқдори ва уларни қўллаш, шунингдек уларни тижорат банкларининг ноқонуний ҳаракатлари туфайли ҳуқуқ ва манфаатлари бузилган мижозлар фойдасига ўтказиш тартибини белгилаб беради. Унга кўра, а) ҳисобварақлар очиш тартибини бузганлик учун банкларга нисбатан қўлланиладиган жазо чоралари (банк устав сармояси белгиланган энг кам миқдорининг 0,005 фоизи миқдориди); б) маблағ мавжуд бўлганида иш ҳақи ва қонунларда назарда тутилган бошқа эҳтиёжлар учун ўз вақтида нақд пул бермаганлиги учун банкларга нисбатан қўлланиладиган жазо чоралари (банк устав сармояси белгиланган энг кам миқдорининг 0,005 фоизи миқдориди); в) мижозлар ҳисобварақларига маблағ ўтказиш ва ҳисобдан чиқаришнинг белгиланган тартибига риоя

қилмаганлик учун банкларга нисбатан қўлланиладиган жазо чоралари (банк устав капиталининг энг кам миқдорининг 0,1 фоизи миқдорида) қўлланилиши, бунда электрон тўловларни амалга оширишнинг қонун ҳужжатларида ўрнатилган муддатлари банк томонидан бузилган тақдирда, у мижозга кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган электрон тўлов суммасининг 0,1 фоизи миқдорида, лекин кечиктирилган электрон тўлов суммасининг 10 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлаши шартлиги кўрсатиб ўтилган.

Банклар жарима тўлашдан: а) форс-мажор ҳолатлари, шу жумладан, банклараро электрон тўловлар тизимида рўй бериши мумкин бўлган узилиш; б) банк мижози томонидан амалдаги қонунларда белгиланган талабларга мос келмайдиган тўлов ҳужжатлари тақдим қилинганда; в) қонунларда белгиланган тартибга банк ёки мижоз ҳисобварақлари бўйича операциялар тўхтатилганда озод қилинади.

786-модда. Банк сир

Банклар банк ҳисобварағи ва банк омонати, ҳисобварақ бўйича операциялар ҳамда мижоз ҳақидаги маълумотлар сир сақланишини кафолатлайди.

Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар фақат мижозларнинг ўзларига ёки уларнинг вакилларига берилиши мумкин. Давлат органларига ва уларнинг мансабдор шахсларига бундай маълумотлар қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда берилиши мумкин.

Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар банк томонидан ошкор қилинган тақдирда, ҳуқуқлари бузилган мижоз келтирилган зарарнинг ўрнини қоплашни банкдан талаб қилишга ҳақли.

1. Банк сирини сақлаш банклар, кредит ташкилотлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва аудитор ташкилотларига тааллуқлидир.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунининг 38-моддасига мувофиқ банклар ўз мижозлари ва вакилларининг операциялари, ҳисобварақлари ҳамда жамғармаларига доир маълумотлар сир сақланишига кафолат беради. Банкнинг барча хизматчилари банк, унинг мижозлари ва вакилларининг банк опера-

циялари, ҳисобварақлари ва жамғармаларига доир маълумотларни сир сақлашлари шарт. Банк сирини ташкил қилувчи маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунининг 4-моддасида назарда тутилган банк операцияларини ва бошқа битимларни амалга ошириш жараёнида кредит ташкилоти томонидан олинган бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 августдаги «Банк сирини тўғрисида»ги қонунининг 3-моддасида кўрсатилишича, банк сирини банк томонидан муҳофаза қилинадиган қуйидаги маълумотлардан иборатдир: а) ўз миждларининг (вакилларининг) операциялари, ҳисобварақлари ва омонатларига доир маълумотлар; б) банк ўз миждозига (вакилига) банк хизматлари кўрсатиши муносабати билан мазкур миждоз (вакил) тўғрисида олган маълумотлар; в) миждознинг (вакилнинг) банк сейфлари ва биноларида сақлаб турилган мол-мулки, унинг хусусияти ва қиймати ҳақидаги маълумотлар; г) миждоз (вакил) топшириғига биноан ёки унинг фойдасини кўзлаб амалга оширилган банклараро операциялар ва битимлар тўғрисидаги маълумотлар; д) банк сирини ташкил этувчи маълумотларнинг банклар ўртасида муомалада бўлиши натижасида маълум бўлиб қолган, бошқа банкнинг миждозига (вакилига) доир маълумотлар; е) жамғариб бориладиган пенсия тизимининг иштирокчилари, пенсия бадалларининг миқдори ва суммаларининг ҳаракати, фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги пенсия жамғармалари тўғрисидаги маълумотлар.

3. Шарҳланаётган модданин 1-қисмида кўрсатилган маълумотлардан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қонунда белгиланган ҳоллардан ташқари кредит ташкилотлари ҳисоботларидан, лицензияловчи органи сифатида назорат функцияларини амалга ошириш натижасида олинган ҳисобварақлар, омонатлар, муайян битимлар ва банк операциялари ҳақидаги маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас. Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар хизмат вазифасини бажариши муносабати билан ўзига ишониб топширилган ёки маълум бўлиб қолган ёхуд қонунда белгиланган тартибда тақдим этилган шахслар томонидан бу маълумотларнинг ошкор қилиниши ёки улардан шахсий мақсадда ёхуд учинчи шахсларнинг манфаатлари йўлида фойдаланилиши тақиқланади.

Банк сирини ташкил этувчи маълумотларни оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиш, оғзаки ёки ёзма шаклда ёхуд бошқа йўсинда тарқатиш ёки маълум қилиш, учинчи шахслар эътиборига етказиш, бундай маълумотларни қўлга киритиши учун учинчи шахсларга бевосита ёки билвосита, шу жумладан ана шундай маълумотлар хизмат вазифасини бажариши муносабати билан ўзига ишониб топширилган ёхуд маълум бўлиб қолган ёки қонунда белгиланган тартибда тақдим этилган шахслар томонидан бундай маълумотларни сақлаш тартибининг бузилиши оқибатида имконият яратиб бериш банк сирининг ошкор қилиниши деб ҳисобланади.

4. Аудиторлик ташкилотлари кредит ташкилотларининг ҳисобварақлари, омонатлари ва банк операциялари, уларнинг мижозлари ҳақида текширув жараёнида олинган маълумотларни қонунда кўзда тутилган ҳолатлардан ташқари учинчи шахсларга ошкор қилиши мумкин эмас. Шарҳланаётган модданинг 2-қисмига ва Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунининг 38-моддасига кўра, юридик шахслар ва бошқа ташкилотларнинг операциялари ҳамда ҳисобварақларига доир маълумотномалар ана шу ташкилотларнинг ўзига, прокурор, судларга, жиноий иш кўзга тилган бўлса суриштирув ва тергов органларига берилади.

Жисмоний шахсларнинг ҳисобварақлари ва омонатларига доир маълумотномалар мижозларнинг ўзига ва уларнинг қонуний вакилларига; мижозларнинг ҳисобварақлари ва омонатларида турган пул маблағлари ҳамда бошқа қимматбаҳо нарсалар хатланиши, уларга ундирув қаратилиши ёки мол-мулк мусодара этилиши мумкин бўлган ҳолларда юритилаётган ишлар бўйича судлар, суриштирув ва тергов органларига берилади.

Ҳисобварақлар ва омонатнинг эгалари вафот этганда ушбу ҳисобварақлар ҳамда омонатга доир маълумотномалар мазкур ҳисобварақ ёки омонат эгаси банкка топширган васиятномасида кўрсатган шахсларга, вафот этган омонатчиларнинг жамғармаларига доир мерос ишларини юритаётган давлат нотариал идораларига, чет эл фуқароларининг ҳисобварақларига доир маълумотномалар эса — чет эл консуллик муассасаларига берилади.

Банклар пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган

ахборотни қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда махсус ваколатли давлат органига тақдим этади.

5. Банк сирини ташкил этувчи, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган ахборот қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда махсус ваколатли давлат органига тақдим этилади. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси банк сирини ташкил этувчи маълумотларни, агар бу маълумотлар унинг зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириши учун зарур бўлса, олишга ҳақлидир.

Қонунга мувофиқ, қуйидаги органларга банк сирини ташкил қилувчи маълумотлар тақдим қилиниши мумкин:

А) банк сирини ташкил этувчи маълумотлар прокуратура, тергов ва суриштирув органларига мазкур банк мижозига (вакилига) нисбатан қўзғатилган жиноят иши мавжуд бўлган тақдирда, етказилган зарар ундириб олинишини ёки унинг мол-мулки хатланишини таъминлаш мақсадида терговчи ёхуд суриштирувчининг асослантирилган қарорига биноан прокурор санкцияси билан тақдим этилади.

Б) Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар судга унинг ёзма сўрови асосида, мазкур банк мижозига (вакилига) нисбатан суднинг иш юритувидаги ишлар бўйича тақдим этилади. Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар суд ижрочисига унинг ёзма сўрови асосида, суднинг ундирувчи мазкур банк мижозининг (вакилининг) мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги ёки бу мижознинг (вакилнинг) мол-мулкини хатлаш ҳақидаги қонуний кучга кирган қарори бўлган тақдирда тақдим этилади.

В) Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар давлат солиқ хизмати органларига банк мижозига (вакилига) солиқ солиш масалаларига тааллуқли ҳолларда қонун ҳужжатларига мувофиқ тақдим этилади («Банк сирини тўғрисида»ги қонуннинг 9–11-моддалари)

Агар банк сирини ташкил этувчи маълумотларни тақдим этиш тўғрисидаги талаб қонунда белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаса, банк бундай маълумотлар тақдим этишни рад қилиши шарт. Банк сирини ташкил этувчи маълумотларни тақдим этишни рад қилганлик устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

6. Банк сирини ошкор қилганлик учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, кредит ва аудиторлик ташкилотлари келтирилган зарарни қоплаш тарзида жавобгарликка тортилишлари мумкин. Бундан ташқари мижоз ФК 1021-моддасида кўрсатилган тартибда маънавий зарарни тўлашни ҳам талаб қилиши мумкин. Уларнинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари интизомий, агарда жинойт таркиби мавжуд бўлса, жинойий жавобгарликка тортиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 февралдаги «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ 3968 сонли Фармонида кўра, банklar жисмоний шахсларнинг ҳисобварақлари ва пул қўйилмалари борасида, шунингдек, улар бўйича амалга ошириладиган операциялар хусусида банк сирини сақланишини кафолатлашлари шарт шунингдек, банк сирини ҳисобланган маълумотларни ноқонуний ошкор этгани ёки учинчи шахсларга бергани учун айбдор бўлган мансабдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка, ҳатто жинойий жавобгарликка ҳам тортилиши белгиланган.

787-модда. Ҳисобварақни тасарруф қилишнинг чекланиши

Мижознинг ҳисобварақда турган пул маблағларини тасарруф қилиш ҳуқуқларини чеклашга йўл қўйилмайди, ҳисобварақда турган пул маблағларини хатлаш ёки қонунда назарда тутилган ҳолларда ҳисобварақ бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш ҳоллари бундан мустасно.

1. Банк ҳисобварағини хатлаш деганда, банк ҳисобварағи шартномаси бекор қилинмаган ҳолда ушбу ҳисобварақ бўйича операцияларни вақтинча тўхтатилиши тушунилади. Банк ҳисобварағини хатлашнинг чегараси хатлаш ҳақидаги қарорда кўрсатилган бўлиши шарт. Агар бир банкда мижознинг бир нечта ҳисобварағи мавжуд бўлса, у ҳолда хатлаш айнан қайси ҳисобвараққа қўйилиши кўрсатиб ўтилиши керак. Акс ҳолда банк хоҳлаган ҳисобварақни хатлаш ҳуқуқига эга.

Фуқаролик суд ишларини юритишда қарздорнинг ҳисобварағини (пул маблағларини) хатлаш даъвони таъминлаш ва суд қарорини ижро этиш мақсадида амалга оширилиши мумкин. Даъвони таъминлаш мақсадида

хатлаш суд ёки хўжалик суди ажримига асосан амалга оширилади. Суд қарори ижросини таъминлаш мақсадида хатлаш шунингдек, суд ижросини томонидан ҳам амалга оширилади. Жиноят процессуал ҳуқуқи тегишли моддаларига асосан, мол-мулк, шу жумладан банк ҳисобварағида мавжуд пул маблағлари хатланиши мумкинлигини назарда тутади.

2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 290-моддасига кўра, ҳукмнинг фуқаровий даъвога ва бошқа мулкий ундиришларга доир қисмининг ижросини таъминлаш учун суриштирувчи, терговчи ёки суд гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки фуқаровий жавобгарнинг мол-мулкани хатлаши шарт. Хатлаш тўғрисидаги қарорда ёки ажримда у ким томонидан, қачон ва қайси иш бўйича чиқарилгани, нима мақсадда ва кимнинг мол-мулки хатланиши лозимлиги, фуқаровий даъвони таъминлаш учун хатланаётганда эса, хатланаётган мол-мулк суммаси ҳам кўрсатилади. Юридик шахснинг ҳисобварағини хатлаш ҳам қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

3. Ҳисобварақ бўйича операцияларни тўхтатиб туриш ҳуқуқи қонунда белгиланган тартибда давлат органларига берилиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонунининг 5-моддасининг биринчи қисми 8-бандига кўра, солиқ текширувини ўтказишга солиқ тўловчи томонидан тўсқинлик қилинган ёхуд давлат солиқ хизмати органи мансабдор шахсларининг солиқ тўловчи томонидан даромадлар олиш учун фойдаланилаётган ёхуд солиқ солиш объектини сақлаш билан боғлиқ ҳудудлар, бинолар, шу жумладан жойларни кўздан кечириш учун кириши рад этилган ҳолларда солиқ тўловчининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш юзасидан суд тартибда чоралар кўриш, бундан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришнинг аниқланган ҳоллари мустасно.

Солиқ тўловчининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини тўхтатиб туриш қуйидаги ҳолларда давлат солиқ хизмати органларининг қарорлари асосида ҳам амалга оширилиши мумкин:

а) солиқ ва (ёки) молиявий ҳисобот уни тақдим этишнинг белгиланган муддати тугаганидан кейин ўн беш кун ичида солиқ тўловчи — юридик шахс томонидан тақдим этилмаганда;

б) солиқ тўловчи — юридик шахс кўрсатилган манзилда бўлмаганда.

Юкорида кўрсатилган норманинг мантикий давоми сифатида Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддаси 3 қисми 6-бандида, солиқ тўловчи — мижозларнинг ҳисоб-китоб ёки бошқа ҳисобварақларидан пул маблағлари бериш, ўтказиш ёки уларни ҳисобдан чиқаришга доир операцияларни давлат солиқ хизмати органларининг ёзма талаби бўйича тўхтатиб қўйилиши белгиланган. Банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш суд тартибида амалга оширилади, ушбу Қонун 5-моддаси биринчи қисмининг 8-бандида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

788-модда. Банк ҳисобварағи шартномасини бекор қилиш

Банк ҳисобварағи шартномаси мижознинг аризасига мувофиқ исталган вақтда бекор қилинади.

Банкнинг талабига кўра банк ҳисобварағи шартномаси қуйидаги ҳолларда суд томонидан бекор қилиниши мумкин:

мижознинг ҳисобварағида сақланаётган пул маблағлари суммаси банк қоидаларида ёки шартномада кўзда тутилган энг кам миқдордан оз бўлса, агар бундай сумма банк бу ҳақда огоҳлантирган кундан бошлаб бир ойда тикланмаса;

агар шартномада бошқа муддат назарда тутилган бўлмаса, ушбу ҳисобварақ бўйича бир йил давомида операциялар қилинмаган бўлса.

Ҳисобварақдаги пул маблағларининг қолдиғи мижознинг тегишли ёзма аризаси олинганидан кейин кечи билан етти кун ичида мижозга берилади ёки унинг кўрсатмасига мувофиқ бошқа ҳисобвараққа ўтказилади.

Банк ҳисобварағи шартномасининг бекор қилиниши мижоз ҳисобварағини ёпиш учун асос бўлади.

1. Мижоз банк ҳисоби шартномасини бир томонлама сабабларини кўрсатмаган ҳолда муддатидан аввал бекор қилиш ҳуқуқига эга. Бунда шартнома мижоз аризасига мувофиқ бекор қилинади.

2. Шарҳланаётган моддага кўра, банк шартномани қуйидаги ҳолларда фақат суд тартибида муддатдан олдин бекор қилиши мумкин:

а) мижознинг ҳисобварағида сақланаётган пул маблағлари суммаси банк қоидаларида ёки шартномада кўзда тутилган энг кам миқдордан

оз бўлса, агар бундай сумма банк бу ҳақда огоҳлантирган кундан бошлаб бир ойда тикланмаса. Кўрсатилган муддатда ушбу миқдордаги пул маблағини ҳеч бўлмаганда бир маротаба энг кам миқдорга тенг ёки ундан ортиқ бўлиши бу муддатни қайтадан ҳисоблашга олиб келади. Банк судга мурожаат қилиш имконияти вужудга келиши учун мижозга қайтадан огоҳлантириш юбориши керак. Банк қоидалари ҳисобварақда мавжуд бўлиши мумкин бўлган қолдиқ пул миқдорини назарда тутмайди, шунинг учун у фақат шартномада белгиланиши мумкин. Мижоз билан тузилган шартномада бундай шартнинг мавжуд бўлмаслиги, банк томонидан шартномани кўрсатиб ўтилган асослар бўйича бекор қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилади. Бунда банк бошқа мижозларга қўллаётган амалиётини ҳам, банк одатларини ҳам асос сифатида кўрсата олмайди.

б) агар шартномада бошқа муддат назарда тутилган бўлмаса, ушбу ҳисобварақ бўйича бир йил давомида операциялар қилинмаган бўлса (одатда бу ҳолат мижознинг бошқа банкда ҳисобварақ очиши натижасида биринчи ҳисобварақни ишлатмаслигини ёки бутунлай ўз фаолиятини тўхтатганлигини англатади). «Операция» сўзини ҳисобвараққа пул кириш қилиш ёки ундан пулларни ўчириш (яъни, ҳисоб-китоб операциялари) маъносида тушуниш керак. Мижознинг банк операцияларидан кўчирмалар олиши, мижознинг номи ўзгариши муносабати билан ҳисобварақни қайта расмийлаштириш ва ҳ.к.лар белгиланган йиллик муддатнинг узилишига олиб келмайди. Шартномани бекор қилишнинг бошқа усуллари шартномада назарда тутилиши мумкин.

ФК 25-бобида кўрсатиб ўтилган мажбуриятларни бекор қилиш ҳақидаги умумий қоидаларда ҳам банк ҳисобварағи шартномасини бекор қилиш учун асос бўлиши мумкин.

3. Банк ҳисобварағи шартномасини бекор қилиш ҳисобварақларнинг ёпилишига олиб келади ва банкнинг мижозга ҳисобварақдаги қолдиқ пул маблағларини қайтариш, шартномада кўрсатилган ва ёпилиш кунда ҳисобланган фоизларни тўлаш мажбуриятини вужудга келтиради. Мижоздан тегишли ариза олгандан кейин банк унинг ҳисобварағидаги пул маблағларини етти кун мобайнида касса орқали нақд пул шаклида бериши ёки у кўрсатган ҳисобвараққа ўтказиб бериши шарт. Ариза берилмаган ҳолларда банкка ёпилган ҳисобварақ бўйича тўловларни амалга ошириш мажбурияти юқлатилмайди. Мижознинг ёпиладиган ҳисобварақдаги пул маблағларини бериш

тўғрисидаги фармойиши ҳисобварақ ёпилиши ҳақидаги аризада ҳам кўрсатиб ўтилиши мумкин (шарҳланаётган модданинг 1-қисмига қаранг).

4. Кредиторга нақд пул маблағларини тўлаш қонун талабларига мувофиқ ҳолда амалга оширилади (ФК 790-моддаси).

5. Юридик шахс қайта ташкил этилганда (қўшилиш, бирлашиш, ажралиб чиқиш, ўзгариш шаклида) пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини тўлаш ваколатли органнинг қарорига биноан қайта ташкил этилаётган юридик шахснинг мажбуриятлари бўйича жавобгарлик юклатилган ўша юридик шахснинг асосий депозит ҳисобварағидан амалга оширилади. Кредиторлар ва ҳуқуқий ворис ўртасида низо пайдо бўлган ҳолларда ҳуқуқий вориснинг ҳисобварағидаги маблағларни ҳисобдан чиқариш фақатгина суд қарорига биноан амалга оширилади.

Юридик шахсни тугатишда тугатиш комиссияси тузилиб, ушбу комиссия белгиланган тартибда субъект тугатилганлиги тўғрисида кредиторларни ва манфаатдор томонларни огоҳлантиради ва банкка тугатиш комиссиясининг топшириғига биноан тугатилаётган юридик шахснинг ҳисобварағидан маблағларни ҳисобдан чиқариш зарурлиги тўғрисидаги аризани тақдим қилади. Тугатилаётган юридик шахснинг ҳамма ҳисобварақлари тугатиш комиссиясининг ихтиёрига ўтади, бунда тугатилаётган юридик шахснинг имзо намуналари туширилган карточка кучга эга бўлмайди ва тугатиш комиссияси аъзоларининг имзо намуналари туширилган янги карточка расмийлаштирилади. Банклар тугатиш комиссиясини тузган ташкилот ёки тугатиш комиссияси томонидан имзо намуналари бекор қилинмаган шахсларнинг топшириқларига асосан тугатилган юридик шахснинг ҳисобварақларидан маблағларни ҳисобдан чиқариш учун жавобгар бўлмайдилар.

789-модда. Банкларнинг ҳисобварақлари

Ушбу бобнинг қоидалари, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, вакиллик ҳисобварақларига, вакиллик ёрдамчи ҳисобварақларига, банкларнинг бошқа ҳисобварақларига ҳам татбиқ этилади.

1. Банкларнинг вакиллик ҳисобварақлари (субсчетлар) одатдаги банк ҳисобварақларининг бир тури ҳисобланади. Шунинг учун вакиллик

ҳисобварақларининг очилиши ва уни юритиш банк ҳисобварағи шартномасининг бир кўриниши сифатида унга ФКнинг 44 ва 45-бобларида назарда тутилган қоидалар қўлланилади.

2. Қонунда ёки норматив ҳуқуқий ҳужжатларда бошқача тартиб белгиланиши мумкин. Тижорат банкларида вакиллик ҳисобварақлари билан амалга ошириладиган операцияларни амалга ошириш хусусиятлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади. Масалан, «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасига мувофиқ, Марказий банкнинг асосий вазифаси сифатида Ўзбекистон Республикасида ҳисоб-китобларнинг самарали тизимини ташкил этиш ва таъминлаш кўрсатилган. Шунингдек, мазкур қонуннинг 51-моддасига кўра, Марказий банк банк операцияларини амалга ошириш, бухгалтерия ҳисоби ва банк статистика ҳисоботини юритиш, йиллик ҳисоботлар тузиш юзасидан банклар учун мажбурий бўлган қоидаларни белгилайди.

45-БОБ. ҲИСОБ-КИТОБЛАР

1-§. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТЎҒРИСИДА УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

790-модда. Нақд пуллар билан ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар

Фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишлари билан боғлиқ бўлмаган ҳолда улар ўртасидаги ҳисоб-китоблар ва фуқаролар иштирокидаги ҳисоб-китоблар нақд пуллар билан ёки нақд пулсиз суммаси чекланмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Юридик шахслар ўртасидаги ҳисоб-китоблар, шунингдек фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ ҳолда улар иштирокидаги ҳисоб-китоблар нақд пулсиз тартибда амалга оширилади. Кўрсатиб ўтилган шахслар ўртасидаги ҳисоб-китоблар, агар қонунда бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, нақд пулда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Агар қонундан бошқача тартиб келиб чиқмаса ва бундай тартибни фойдаланилаётган ҳисоб-китоблар шакли тақозо этмаса, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар уларда қатнашаётган шахсларнинг ҳисобварақлари очилган банклар, бошқа кредит ташкилотлари (бундан буён — банклар) орқали амалга оширилади.

1. ФК 94-моддаси 3-қисмига мувофиқ тўловлар нақд пул ва нақд пулсиз амалга оширилади. Ҳисоб-китобларни чет эл валютасида амалга ошириш қонун йўли билан аниқланади.

2. ФК фуқароларнинг иштирокидаги тадбиркорлик фаолиятига боғлиқ равишда ҳисоб-китоблар тартибининг ҳар хил турларини белгилайди.

Фуқаролар тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ўзаро ҳисоб-китоблари нақд пул билан ёки нақд пулсиз амалга оширишлари мумкин. Фуқароларнинг тадбиркорлик билан боғлиқ ҳисоб-китоблари одатда нақд пулсиз амалга оширилиши керак. Лекин ҳозирги пайтда фуқаро-тадбиркорлар иштирокидаги ҳисоб-китобларни амалга оши-

ришда нақд пулларни ишлатилишига ҳеч қандай чеклов ёки тақиқлар қўйилмаган.

Юридик шахсларнинг ўзаро ҳисоб-китоблари нақд пулларсиз амалга оширилади.

791-модда. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг шакллари

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар амалга оширилганда тўлов топшириқ-номалари, аккредитивлар, чеклар билан ҳисоб-китоб қилишга, инкассо бўйича ҳисоб-китоб қилишга, шунингдек қонунда, қонунга мувофиқ чиқариладиган банк қоидаларида ҳамда банк амалиётида қўлланилаётган иш муомаласи одатларида назарда тутилган бошқа шаклларда ҳисоб-китоб қилишга ҳам йўл қўйилади.

Шартномадаги тарафлар ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳисоб-китоб қилиш шаклларининг исталганини танлаб олишга ва шартномада назарда тутишга ҳақли.

1. Шарҳланаётган модда нақд пулсиз ҳисоб-китобнинг юқорида келтирилган шакллари

дан бирини (нисбатан кенг тарқалган) қўллаш имкониятини беради. Жисмоний ва юридик шахслар юқоридаги шакллар қонунда белгиланган бўлса ва банк қоидаларига мос келса, банк соҳасида қўлланиладиган тажрибаларига мувофиқ бўлса, нақд пулсиз ҳисоб-китобнинг бошқа исталган шаклидан фойдаланиши мумкин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ваколатига банк ва банк операциларининг қоидаларини белгилаш мажбурияти киритилган (Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида» ги қонунининг 51-моддаси). Нақд пулсиз ҳисоб-китобнинг барча шакллари Фуқаролик кодекси нормаларига зид бўлмаслиги лозим. “Ўзбекистон Республикасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида”ги Низоми илгари амалда бўлган низом ўрнига 2002 йил 25 апрелда кучга кирган бўлиб, Адлия Вазирлиги томонидан 2002 йил 15 апрелдаги № 1122-сон билан рўйхатга олинган. (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2002 йил 12 январдаги № 60-сонли «Ўзбекистон Республикасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тўғрисида»ги Низомини тасдиқлаш (янги нашр) тўғрисида»ги қарорига қаранг (№ 1/4).

2-§. ТЎЛОВ ТОПШИРИҚНОМАЛАРИ БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ

**792-модда. Тўлов топшириқномалари билан қилинадиган
ҳисоб-китоблар тўғрисида умумий қоидалар**

Тўлов топшириқномаси билан ҳисоб-китоб қилинганида банк миқдорнинг топшириғига мувофиқ унинг ҳисобварағидаги маблағлар ҳисобидан маълум миқдор пул суммасини миқдор кўрсатган шахснинг шу ёки бошқа банкдаги ҳисобварағига қонун ҳужжатларида назарда тутилган муддатларда, агар банк ҳисобварағи шартномасида қисқароқ муддат назарда тутилган бўлмаса ёки у банк амалиётида қўлланиладиган иш муомаласи одатларида белгиланган бўлмаса, ўтказиш мажбуриятини олади.

Тўлов топшириқномасида маблағларни олувчи сифатида кўрсатилган шахс банкдан тўловни амалга оширишни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлмайди, бундай ҳуқуқ қонунда ёки миқдорнинг банк билан тузган шартномасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

1. Шарҳланаётган модданинг 1-қисмида таърифланган тўлов хабарномасини банк орқали ўтказиш учун қабул қилиб олган банк, маблағни учинчи шахсга — яъни маблағни қабул қилиб олувчига тўловни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади, лекин тўловчи — миқдор ҳисобига.

Яъни банк нафақат талаб қилинган миқдордаги маблағни тўловчидан олибгина қолмасдан, пулни қабул қилиб олувчининг шу ёки бошқа банкда очилган ҳисоб рақамига ўтказиб беришни ҳам таъминлашга мажбур. Ўз миқдорнинг топшириғини амалга ошираётган банк комиссиясиз сифатида иш кўради. Шу сабабдан тўлов хабарномаларида ҳисоб-китобнинг бу меъёри бўлмаганда, банк маблағлари ўтказмалари комиссия шартномалари асосида амалга оширилади.

2. Шарҳланаётган модданинг 1-қисмига мувофиқ банк орқали пул ўтказиш муддати бошидан (яъни, тўловчининг ҳисобидан чиқариш дақиқасидан) охиригача (яъни, маблағ ҳисоб рақамига ўтгунча) қонунга мувофиқ ўрнатилиши мумкин. Шартномага ёки банк одатларига мувофиқ қонунда белгиланган муддатга нисбатан, қисқа вақт белгиланиши мум-

кин (ҳисобдан маблағни чиқариш ёки ҳисобга киритиш муддатларини белгилаш имкониятлари ҳақида ФК 778-моддадаги шарҳига қаранг).

Ўзбекистон Республикасининг нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тартиби 3-пунктига мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2002 йил 12 январдаги № 60 (N ¼) қарорига қаранг) «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш Тартибини тасдиқлаш ҳақида», Ўзбекистон Республикасининг Адлия Вазирлигида 2002 йил 15 апрелда (янги таҳрирда) № 1122-сон қайд қилинган) агар банк ҳисобидаги шартномада бошқа муддат назарда тутилмаган бўлса, банк миждоз ҳисобига ёки унинг ҳисобидан пул маблағларини, банкка келиб тушган куни тўлов хабарномаси ҳужжатларига мувофиқ, агар у банкнинг операция куни келиб тушган бўлса, ўтказиб беришга мажбур. Агар тўлов хабарномаси ҳужжатлари операция кунидан сўнг келиб тушган ҳолда, банк тўловни кейинги бир иш кунидан кечиктирмасдан амалга оширишга мажбур.

3. Шарҳланаётган модданинг 2-қисми банкдан ўз ҳисобида бўлган маблағдан маълум бир миқдордаги пулни ўтказишни талаб қилиш, фақат банкнинг миждозига тегишлилигини белгилайди. Шундай қилиб, тўлов хабарномасида маблағни оловчи шахс томонидан банкдан тўловни амалга оширишни талаб қилиш ҳуқуқи истисно қилинади. Айти пайтда бундай қоида қонун ёки банк ва миждоз ўртасидаги шартномада назарда тутилиши мумкинлиги айтиб ўтилади.

793-модда. Тўлов топшириқномасини банкнинг қабул қилиш шартлари

Тўлов топшириқномасининг ҳамда у билан бирга тақдим этиладиган ҳисоб-китоб ҳужжатларининг мазмуни ва шакли банк қоидаларида белгилаб қўйилган талабларга мос келиши керак.

Миждознинг топшириғи унинг ҳисобварағида маблағлар бўлган тақдирдагина, агар миждоз билан банк ўртасидаги шартномада бошқа ҳол назарда тутилган бўлмаса, банк томонидан ижрога қабул қилинади.

1. Тўлов хабарномасининг банкка тақдим этиш — миждознинг банк ҳисоб-китоб шартномасини бажаришдаги қилаётган ҳаракати (бир томон-

лама келишув) ҳисобланади. Банк бу топширикни, агар у қонунга ҳилоф равишда бўлса бажармасликка ҳақли.

Банк орқали пул ўтказиш абстракт келишув бўлиб, тўловчи ва ҳисоб-китоб бўйича маблағни олувчи ўртасидаги шартномага боғлиқ эмас.

Ҳисоб рақами бўлмаган шахснинг банкка тўлов хабарномасини тақдим этишини оферта (шартнома тузиш ҳақида таклиф) деб қараш керак. Бундай топшириқни бажаришга қарор қилишни акцепт деб қараш керак, яъни банкни мижоз билан банк орқали ўтказиш шартномага розилигини билдиради.

Тўлов хабарномасининг шакли ва мазмуни қонун талабларига жавоб бериши керак (Ўзбекистон Республикасининг Марказий банк бошқаруви томонидан 2002 йил 12 январдаги № 60 (N: ¼) тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоб ҳақида Низомга қаранг).

Низомнинг 11-пункти билан Ўзбекистон Республикасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш ҳужжатлари мазмунига талаблар ўрнатилган, шу жумладан тўлов хабарномаси бунга мувофиқ қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак:

а) ҳужжат рақами; б) «К. О. Й» шаклидаги ҳужжат санаси бўлиб, бу ерда «К» — кун, «О» — ой, «Й» — йил; в) тўловчининг номи; г) тўловчининг ҳисоб рақами; д) солиқ тўловчининг идентификацион рақами (ИНН) (чекдан ташқари); е) тўловчи банкнинг номи; з) олувчининг номи; и) олувчининг ҳисоб рақами; к) олувчи банкнинг номи; е) олувчи банкнинг коди; м) тўланаётган миқдорни рақам ва сўз билан; н) тўловнинг мақсади (чекда кўрсатилмайди).

2. Тўлов хабарномаси билан ҳисоб-китоб қилиш тартиби қонун бўйича, шунингдек, банк қоидаларига мувофиқ ёзилган ва банк амалиётидаги қўлланиладиган пул муомиласи одатлари бўйича йўлга қўйилади.

Демак, ФК 799-моддасининг 2-қисмида ўрнатилган умумий қоида бўйича, мижознинг топшириғини бажаришга банк, агар банк билан мижоз ўртасида ўзаро шартномада бошқа ҳолат назарда тутилмаган бўлса, мижознинг ҳисоб рақамида маблағ бўлган ҳолатдагина киришади. Ўзбекистон Республикасининг нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш Низомининг 6-пунктига мувофиқ мижоз ҳисоб рақамида етарли маблағ бўлмаган тақдирда унга қўйилган маблағни ҳисобдан чиқариш талабини қондириш хўжалик субъектларнинг банк ҳисобидаги пул маблағларини

ҳисобдан чиқариш тартиби Қўлланмасига мувофиқ тартибда амалга оширилади (Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 30 январь 1999 йил № 615-сон билан рўйхатга олинган).

Хабарнома қонун бўйича ўрнатилган тўловлар навбатига риоя қилган ҳолда амалга оширилади.

794-модда. Топширикни ижро этиш

Мижознинг тўлов топширикномасини қабул қилган банк тегишли пул суммасини топширикномада кўрсатилган шахснинг ҳисобварағига ўтказиш учун уни маблағ олувчининг банкига ушбу Кодекснинг 792-моддаси биринчи қисмида белгилаб қўйилган муддатларда ўтказиши шарт.

Банк мижознинг топширикномасида кўрсатилган ҳисобвараққа пул маблағларини ўтказиш операцияларини бажариш учун бошқа банкларни жалб қилишга ҳақли.

Банк мижознинг талабига кўра, агар қонунда бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, топширикнинг бажарилганлиги ҳақида унга дарҳол хабар бериши шарт.

1. Тўловчи банкнинг мажбурияти мижозни пул ўтказиш ҳақидаги топшириғи, олувчиларнинг ҳисобига пул келиб тушган вақтдан бошлаб бажарилган деб ҳисобланади. Шу дақиқадан бошлаб тўловчининг олувчи олдидаги маблағни етказиб бериш ҳақидаги шартномаси натижасида вужудга келган пул мажбурияти тугалланган деб ҳисобланади (олдидан, пудрат ва ҳ.к.).

Банк орқали ўтказишни учинчи шахс учун бажариш шартномаси деб қараш мумкин (учинчи шахснинг фойдаси учун эмас). Шунинг учун, маблағларни олувчи сифатида кўрсатилган шахс, ўтказишда қатнашаётган банклардан ўтказилаётган пулларни талаб қилиш ҳуқуқини қўлга киритмайди, фақат ўзининг — маблағни олувчи банкдан ташқари. Ўтказилаётган маблағни унинг ҳисобига ўтказилган дақиқадан бошлаб, олувчи бу пулларни ўз ҳисобига ўтказишни талаб қилишга ҳақли. Бундай ҳуқуқ банк ҳисоби шартномасидан келиб чиқади.

2. Мижоз хабарномасида кўрсатилган ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш бўйича жараёнларини бажариш учун, тўловчи банк бошқа банк-

ларни жалб қилишга ҳақли. Ҳуқуқ нуқтаи назаридан бундай ҳаракатлар мажбуриятни бажаришни учинчи шахсга юклаш деб қаралади (ФК 241-моддаси).

3. Шарҳланаётган модданинг 3-қисмига мувофиқ мижоз банкдан топшириқни бажарганлиги ҳақида маълумот ҳисобот талаб қилишга ҳақли. Топшириқнинг бажарилганлиги ҳақидаги билдиришни расмийлаштириш ва мазмунидаги талаб қонун ёки томонлар келишувида назарда тутилади. Қонун бундай тартибни ўрнатмайди ва шунинг учун у шартномада келишилган бўлиши мумкин. Мижозга ундан тегишли сўров олгандан сўнг модданинг 3-қисмига мувофиқ бир марталик ҳисоботдан ташқари, бўлиб ўтган операциялар ҳам тақдим этилиши мумкин, банк шартномада белгиланган вақтда мижозга у томонидан маълум бир вақтда бўлган ҳамма операциялар ҳақида маълумот беришга мажбур (яъни ҳисоб рақами бўйича кўчирма).

795-модда. Топшириқни бажармаганлик ёки тегишли даражада бажармаганлик учун жавобгарлик

Мижознинг топшириғи бажарилмаган ёки тегишли даражада бажарилмаган тақдирда, банк бунинг учун ушбу Кодекснинг 327-моддасига мувофиқ жавобгар бўлади.

Тўлов топшириқномаси бўйича ҳисоб-китоб операцияларини амалга оширишда иштирок этадиган банклар ушбу топшириқни берган шахс олдида солидар жавобгар бўладилар.

1. Шарҳланаётган модданинг 1-қисмига мувофиқ, жавобгарликка тортилаётган банк, тўловлар натижасида, қоидаларни бузиш натижасида етказилган зарар учун тўловчига зарарни қоплаб бериши зарур. Бундай қоидаларнинг бузилиши пул маблағларининг ноқонуний ушланиб қолишига олиб келса, у ҳолда банк ФК 327-моддада кўрсатилганидек зарарни ва фоизни тўлаши керак.

2. Мижознинг топшириғини бажармаган ёки тўғри бажармаган ҳолда банк фақат ўзининг ҳаракатлари учун жавоб бериб қолмасдан, ўзи топшириқни бажаришга берган банк ҳаракатлари учун ҳам жавоб беради (ФК 334-модда). Шунинг учун тўловчи фақат ўз шахсий банкига тегишли талабни қўйиши мумкин, у эса ФК 795-модданинг 2-қисмига мувофиқ қоида бузувчи банк ҳисобига тўлашга ҳақли.

3. Баъзида тўлов хабарномасида, пул ўтказилиши керак бўлган банк аниқ кўрсатилади, яъни тўловчи банк бундай топшириқни бажаришни кимга юклашни танламайди — мижоз ўзи хал қилади. Бундай ҳолатларда жавобгарликни фақат тўловчи банкка юклаш адолатсизликдир. Бу ерда, шунингдек шунга ўхшаш бошқа вазиятларда суд ФК 795-модданинг 2-қисмига мувофиқ жавобгарликка айнан айбдор банкни тортишга ҳақли.

3-§. АККРЕДИТИВ БЎЙИЧА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

796-модда. Аккредитив бўйича ҳисоб-китоблар ҳақида умумий қоидалар

Аккредитив бўйича ҳисоб-китоб қилинганида мижознинг (тўловчининг) топшириғи билан ва унинг кўрсатмаларига мувофиқ аккредитив очган банк (банк-эмитент) маблағларни олувчи ёки у кўрсатган шахс (бундан кейинги матнда-мблағларни олувчи) ҳужжатларни тақдим этган ва аккредитивда назарда тутилган бошқа шартларни бажарган тақдирда тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

Қопланган (депонентланган) аккредитив очилган тақдирда банк-эмитент уни очиш вақтида мижознинг ўз маблағларини ёки унга берилган кредитни банк эмитентнинг мажбуриятлари амал қилиб турадиган бутун муддатга ижрочи банк ихтиёрига ўтказиши шарт.

Қопланмаган аккредитив очилган тақдирда банк-эмитент ижрочи банкка аккредитивнинг бутун суммасини банк-эмитентнинг ижрочи банкда юритилаётган ҳисобварағидан ўчириш ҳуқуқини беради.

1. Аккредитив банк операцияси бўлиб, унга биноан банк мижознинг кўрсатмасига мувофиқ, агар маблағни олувчи аккредитивда назарда тутилган ҳужжат ва бошқа шартларни бажарганлиги тақдим этилган бўлса, учинчи шахсга тўловни бажариш мажбуриятини олади. Банк томонидан тайёр эканлигидан далолат берувчи барча ҳаракатларни содир этиш мижознинг топшириғини бажариш аккредитивга қўйилмоқ деб номланади.

Аккредитивга нисбатан муносабат, банк ва мижоз — тўловчи, шунингдек банк ва маблағни олувчи ўртасида вужудга келган, тўловчи ва олувчи ўртасидаги тузилган шартномага боғлиқ бўлмаган муносабат. Бу муноса-

батларнинг ўзига хослиги, абстрактлиги шунда ифодаланадики, банклар аккредитивлар шартлари тўловчи ва олувчи ўртасидаги шартномага мувофиқлигини текширишга мажбур эмаслар (шартлар кўрсатмаси ўзгарганини, муддатлар ўзгарганини ва ҳ.к.).

Аккредитив бўйича ҳисоб-китоб қилганда уни қўйган банк ўз номидан, лекин мижоз ҳисобига иш юритади. Шундай қилиб, аккредитив бўйича муносабат комиссия шартномасининг кўриниши сифатида қаралади, шунинг учун бу муносабатларни тартибга солувчи, йўлга қўювчи махсус нормалар бўлмаганда комиссия шартномасидаги тегишли меъёрларни қўллаш мумкин.

2. Аккредитив бўйича ҳисоб-китоб қилишда вужудга келган ҳуқуқий муносабатларнинг тартиби Фуқаролик кодексининг 45-боб, 3-§, Ўзбекистон Республикасининг нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш Низомининг 7-§ бўйича амалга оширилади.

Мижознинг аккредитивни очиш ҳақидаги банкка топшириғи аккредитив очиш тўғрисидаги ариза шаклида расмийлаштирилади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2002 йил 12 январдаги № 60 (N ¼) қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш Низомининг 63-бандига мувофиқ аккредитив очиш ҳақидаги ариза икки нусхада банк-эмитентга тақдим қилинади: а) биринчи нусхаси банкнинг кундалик ҳужжатларига тикиб қўйилади; б) иккинчи нусхаси маблағни тўловчининг шахсий ҳисобидан нусхага илова қилинади.

Мижознинг аризасини олган ва аккредитив очишга мажбур бўлган банк банк-эмитент деб номланади. Очилган аккредитив банк-эмитентнинг абстракт мажбуриятини ифодалайди.

3. Маблағни олувчи ва тўловчига бир банк томонидан хизмат кўрсатилган тақдирда, банк-эмитент ўзига тақдим этилган аккредитивни мустақил бажаради. Маблағни олувчига бошқа банк хизмат кўрсатган тақдирда, аккредитив банк-эмитент томонидан маблағни олувчи банкда очилади ва у унинг ижросини амалга оширади (ижрочи банк). Очилган аккредитивни мустақил бажарувчи банк-эмитентга нисбатан ижро қилувчи банк фаолиятини тартибга солувчи нормалар тадбиқ этилади.

4. ФК 796-моддасининг 2 ва 3-қисмларидаги нормалар Ўзбекистон Республикасининг нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш Низомида ҳам ўз

ифодасини топган, унинг 57-бандига кўра аккредитивлар қопланган (депозитга қўйилган) ёки қопланмаган аккредитивлар тариқасида очи-лиши мумкин.

Қопланган (депозитга қўйилган) ёки қопланмаган аккредитив очил-ганда, банк-эмитент у очилиши пайтида миждознинг барча маблағларини ёки унга берилган кредитни иждо қилувчи банкнинг ихтиёрига банк эмитентнинг маждуриятининг бутун муддати давомига ўтказишга маждур.

Қопланмаган аккредитивни очиш пайтида банк-эмитент иждочи банкка аккредитивдаги барча маблағни, банк-эмитентнинг иждочи банкдаги бошқариб борувчи ҳисоб рақамидан кўчиришга ҳуқуқ беради.

797-модда. Аккредитивнинг амал қилиш муддати ва у бўйича ҳисоб-китоб қилиш тартиби

Аккредитивнинг амал қилиш муддати ва у бўйича ҳисоб-китоб қилиш тартиби пул маблағларини тўловчи билан олувчи ўртасидаги шартномада белгилаб қўйилади.

Шартномада яна қуйидагилар бўлиши керак:

банк-эмитентнинг номи;

аккредитивнинг тури ва уни бажариш усули;

маблағларни олувчини аккредитив очилганлиги ҳақида хабардор қилиш усули;

аккредитив бўйича маблағлар олиш учун олувчи томонидан тақдим этиладиган ҳужжатларнинг тўлиқ рўйхати ва аниқ тавсифи;

товарлар жўнатилганидан (хизматлар кўрсатилган, ишлар бажарилганидан) кейин ҳужжатларни тақдим этиш муддатлари, уларни расмийлаштиришга қўйилладиган талаблар.

1. Аккредитив маждуриятнинг вужудга келишига асос бўлиб тўловчининг унга хизмат қилаётган банкка (банк-эмитентга) аккредитив очиш ҳақидаги топшириғи хизмат қилади. Лекин конун, тўловчи ва пул маблағларини олувчи ўртасида тузилган шартномада шартнома шартларини мустаҳкамлаш фактига эътибор қаратмасдан, кўрсатилган шартномада уларнинг борлигини тасдиқлайди. Акс ҳолда, аккредитив бўйича ҳисоб-китоблар ўтказилмаслиги мумкин. Бундай мулоҳаза ФК 600-моддаси 1-қисми қоидасидан келиб чиқади, яъни аккредитивни

бажариш учун, маблағни олувчи ижрочи банкка, аккредитивнинг ҳамма шартларини тасдиқловчи барча ҳужжатларни тақдим этишни ҳал қилади. ФК 797-моддасининг 2-қисмига биноан олувчининг аккредитив бўйича маблағ олиши учун тўла рўйхати ва аниқ хусусиятлари тўловчи ва маблағни олувчи ўртасидаги шартномада бўлиши керак.

2. Аккредитив бўйича ҳисоб-китоб қилиш учун тўловчи ва маблағни олувчи ўртасидаги шартномада аккредитив шартлари бўлиши мажбурий талаб бўлганини аниқлаб, шуни таъкидлаш керакки, бу шартларнинг орасида асосийлари 797-моддага мувофиқ қуйидагилар бўлади:

аккредитив бўйича ҳаракат муддати ва ҳисоб китоб тартиби;

банк — эмитентнинг номи;

аккредитивнинг тури ва унинг бажаришнинг усули;

маблағ олувчининг аккредитив очилганлиги ҳақида хабардор қилиш усули;

аккредитив бўйича маблағ олиш учун тақдим этган ҳужжатларнинг тўлиқ рўйхати ва аниқ характеристикаси;

юкни ортиб жўнатгандан сўнг ҳужжатларни тақдим этиш муддати (хизмат кўрсатиш, вазифаларни бажариш), уларни расмийлаштиришга талаблар.

Қонунда аккредитив бўйича ҳисоб китоб қилиш муддати учун қандайдир чегаралашлар ўрнатилмайди.

798-модда. Чақириб олинадиган аккредитив

Банк-эмитент томонидан маблағ олувчини олдиндан хабардор қилмаган ҳолда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин бўлган аккредитив чақириб олинадиган аккредитив дейилади. Аккредитивни чақириб олиш банк-эмитент зиммасига маблағларни олувчи олдида бирон-бир мажбурият юкламайди.

Агар ижро этувчи банк операцияларни бажариш пайтигача аккредитивнинг шартлари ўзгартирилганлиги ёки у бекор қилинганлиги ҳақида билдириш олмаган бўлса, у чақириб олинадиган аккредитив бўйича тўловни ёки бошқа операцияларни амалга ошириши шарт.

Агар аккредитивнинг матнида бошқа нарса назарда тутилган бўлмаса, у чақириб олинадиган аккредитив бўлади.

1. Умумий қоида бўйича, ўзининг муддати тугагунча аккредитив банк-эмитент томонидан маблағни олувчининг розилигисиз ва бунинг учун жавобгарликка тортилишидан хавф-хатарсиз ўзгартириши ёки рад қилиши мумкин. Бундай аккредитив чақириб олинмайдиган аккредитив деб аталади. Аккредитив бўйича ўзгариш ва бекор қилиш (қисман ёки тўла) тўловчининг кўрсатмасига биноан банк-эмитент томонидан амалга оширилади. Чақириб олинмайдиган аккредитив тасдиқланган бўлиши мумкин эмас (ФК 799-моддаси шарҳига қаранг).

Агар маблағни олувчи аккредитив шартларини бажарган, тўлов эса амалга оширилмаган бўлса, у қуйидагиларга ҳақли:

а) маблағни олувчи олдида у аккредитив шартларини бажаргандан сўнг вужудга келадиган мажбуриятни, банк-эмитентга тегишли талабларни тақдим этиш;

б) маҳсулот етказиб бериш (пудрат ва ҳ.к.) шартномасидан келиб чиқадиган мажбурият талабларини тўловчига тақдим этиш.

2. Тўловчининг чақириб олинмайдиган аккредитивни ўзгартириш ёки муддатидан олдин бекор қилувчи ҳамма топшириғи ҳақида банк-эмитент ижрочи банкни, у эса — маблағни олувчини хабардор қилиши керак. Агар маблағни олувчи ижрочи банкдан бундай хабарномани олгунча аккредитивнинг бошланғич шартларига жавоб берувчи ҳужжатларни тақдим қилган бўлса, бажарувчи банк тўловни ва бошқа операцияларни олдинги шартлар бўйича амалга ошириши керак.

3. Ҳар бир аккредитив чақириб олинмайдиган аккредитивми ёки чақириб олинмайдиган аккредитив эканлиги аниқ кўрсатиши керак. Бундай шартлар бўлмаганда аккредитив чақириб олинмайдиган аккредитив бўлади.

799-модда. Чақириб олинмайдиган аккредитив

Маблағ олувчининг розилигисиз бекор қилиниши мумкин бўлмаган аккредитив чақириб олинмайдиган аккредитив дейилади.

Банк-эмитентнинг илтимосига биноан аккредитив бўйича операцияни ўтказишда иштирок этаётган ижрочи банк чақириб олинмайдиган аккредитивни тасдиқлаши мумкин (тасдиқланган аккредитив). Бундай тасдиқлаш ижрочи банк банк-эмитентнинг мажбуриятига қўшимча суратда аккредитив шартларига мувофиқ

тўловни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олганлигини билдиради.

Ижрочи банк томонидан тасдиқланган чақириб олинмайдиган аккредитив ижрочи банкнинг розилигисиз ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин эмас.

1. Чақириб олинмайдиган аккредитив маблағни олувчининг розилигисиз ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин эмас. Бу нормалар бузилганда маблағни олувчи банк-эмитентга аккредитив келишувга асосланиб зарарни қоплашни, тўловчига эса — етказиб бериш (пудрат ва х.к.) шартномасига асосан келиб чиққан пул мажбурияти ҳисоб-китобини амалга оширишини талаб қилишга ҳақли.

2. Чақириб олинмайдиган аккредитивнинг тури бўлиб тасдиқланган аккредитив ҳисобланади. Ижрочи банк чақириб олинмайдиган аккредитивни банк-эмитент сўровига биноан тасдиқлайди. Бундай тасдиқлаш шуни англатадики, бажарувчи банк банк-эмитент билан бирга аккредитив бўйича мажбуриятни ўз зиммасига олади. Агар маблағни олувчи аккредитив шартини бажарса, бу банклардан ҳар бири унинг олдида мустақил равишда жавобгарликка эга бўлади, ва у банклардан хоҳлаганига, ёки тўловчига — ўз танловига биноан тегишли талабни қўйиши мумкин.

Чақириб олинмайдиган тасдиқланган аккредитив маблағни олувчи ёки бажарувчи банкнинг розилиги билангина ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

800-модда. Аккредитивни ижро этиш

Аккредитивни ижро этиш учун маблағ олувчи ижрочи банкка аккредитивнинг ҳамма шартлари бажарилганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатларни тақдим этади. Ушбу шартлардан бирортаси бузилган тақдирда аккредитив ҳисобидан пул тўланмайди.

Агар ижрочи банк аккредитив шартларига мувофиқ тўловни амалга оширган ёки бошқа операцияни бажарган бўлса, банк-эмитент унга қилинган харажатларни тўлаши шарт. Банк-эмитентнинг ушбу харажатлари, шунингдек аккредитивни бажариш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳамма харажатлари мижоз томонидан қопланади.

1. Банкнинг аккредитивни бажариш мажбурияти, агар маблағни олувчи унинг шартларини бажармаган бўлса, вужудга келмайди. Бу шартлар тўловчи томонидан ишлаб чиқилади ва бажарувчига банк-эмитент орқали хабар берилади.

Аккредитив очиш ҳақидаги ариза, улар бўйича аккредитив тўлов ўтказиладиган ҳужжатларнинг аниқ ва тўлиқ номлари, уларнинг расмийлаштириш тартиби ва муддати бўлиши керак.

Аккредитивнинг бажарилиши учун зарур бўлган ҳужжатлар, маблағни олувчи томонидан ижрочи банкка аккредитивнинг муддати тамом бўлмасидан олдин тақдим этилиши керак. Улар унинг ҳамма шартларини бажарганлигини тасдиқлаши керак. Кўрсатилган талаблар бузилган тақдирда аккредитив бажарилмайди, тақдим этилган ҳужжатлар эса рад этилиши керак.

2. Ижрочи банкнинг харажатлари агар аккредитив бўйича бажарилган операциялар унинг шартларига мос бўлса, банк-эмитент томонидан қопланиши керак. Бу харажатлар ўз ичига маблағни олувчига тўланадиган маблағни ва бажарувчи банкнинг операцион харажатларини олади.

Ижрочи банкнинг харажатларини қоплаш тартиби қонун томонидан аниқ кўрсатилмаган ва шартнома бўйича ҳал қилиниши мумкин.

Қилинган харажатларни қоплашдан ташқари, ижрочи банк банк-эмитентдан бажарилган топширик учун мукофот олишга ҳақли. Бу масала ҳам шартномада ҳал қилиниши мумкин.

801-модда. Ҳужжатларни қабул қилишдан бош тортиш

Агар ижрочи банк ташқи аломатлари бўйича аккредитив шартларига мувофиқ келмайдиган ҳужжатларни қабул қилишдан бош тортса, у бу ҳақда дарҳол маблағ олувчига ва банк-эмитентга сабабларни кўрсатган ҳолда маълум қилиши керак.

Агар банк-эмитент ижрочи банк томонидан қабул қилинган ҳужжатларни олгач, улар ташқи аломатларига кўра аккредитив шартларига мос келмайди деб ҳисобласа, уларни қабул қилишдан бош тортишга ҳамда ижрочи банкдан маблағ олувчига аккредитив шартларини бузган ҳолда тўланган суммани талаб қилишга, қопланмаган аккредитив бўйича эса тўланган суммани қоплашдан бош тортишга ҳақли бўлади.

1. Маблаг олувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларни баҳолаб, ижрочи банк, уни аккредитив шартларига расман белгилари мос келиш-келмаслигини аниқлаши керак. Бу банк ҳисоб реестрини расмийлаштирилганининг тўғри эканлигини, етказиб берувчининг аризасидаги нусхасига имзо ва муҳрнинг мос келишини ва ҳ.к. текширади. Жумладан, ҳисоб-реестр агар юкнинг жўнатилиш санаси, юк-транспорт ҳужжатнинг рақами, почта квитанция рақами (юкни алоқа муассасаси орқали жўнатилганда), юк жўнатилган уловнинг тури ва қабул қилиш-топшириш ҳужжатининг санаси ва рақами кўрсатилмаган бўлса, молни қабул қилиб олаётганда олувчи вакили билан етказиб берувчининг жойида бўлганда тўлов учун қабул қилинмаслиги керак. Агар аккредитив шартлари бўйича харидорнинг вакилига акцепт назарда тутилган бўлса, акцепт ёзувнинг борлиги ва вакилнинг имзоси тақдим этилган нусхага мос эканлиги текширилади.

Норматив ҳужжатларда маблағни олувчи томонидан ижрочи банкка тақдим этилган бошқа ҳужжатларни баҳолашнинг батафсил қоидалари мавжуд эмас. Унутмаслик керакки ижрочи банк улар аккредитив шартларига мос келадими, буни фақат ташқи кўринишидан аниқлашга мажбур. Масалан, баъзи бир ҳолларда ижрочи банкка тақдим этилган ҳужжатларнинг номини, аккредитив ариза келтирилган ҳужжатлар билан солиштиришнинг ўзи етарли. Бироқ аккредитивга ҳужжатлар қайси орган томонидан берилиши ва уларнинг мазмуни ва расмийлаштирилиши қандай бўлиши кераклиги хақида аниқ кўрсатма бўлса, бу шартлар ижрочи банк томонидан текширилиши керак бўлади. Ҳар қандай ҳолатда банк унга тақдим этилган ҳужжатлар тўлов учун аккредитив қўйилган товарларга тегишлими ёки йўқлигига ишонч ҳосил қилиши керак. Бунинг учун аккредитивга аризада юқлар хақидаги маълумотни ва маблағни олувчи томонидан банкка тақдим этилган юк-транспорт ҳужжатларни реестр ҳисоблари ва бошқа ҳужжатларни солиштириш кифоя қилади. Агар ҳужжатлар юк хақида ҳар хил маълумотга эга бўлса, тўлов рад қилиниши қонуний бўлади. Лекин, шу билан бирга, бу ҳужжатлар аккредитивга ариза кўрсатмалари билан айнан бир хил ифодаланиши талаб этилмайди. Мижоз кўрсатмасидаги сўзлар билан тақдим этилган ҳужжатлар бир хил маънони англатиши етарли.

Низоли вазиятлардан чиқиш йўли банк-эмитентга кейин эса — тўловчига унинг кўрсатмасининг хусусиятини аниқлаш учун сўров юборишдир. Агарда буни қайсидир сабаблар билан бажаришнинг иложи

бўлмаса, ижрочи банкни, агар у олинган кўрсатмани оқилона тушунтириб бера олса, жавобгарликдан озод қилиш керак бўлади.

Агар бажарувчи банк унга тақдим этилган ҳужжатларни қабул қилишдан бош тортса, у бу ҳақда маблағ олувчига дарҳол маълумот юборишга мажбур ва шунингдек бундай рад этишнинг сабабини маълум қилиш керак.

2. Ижрочи банк (комиссионер) банк-эмитентга (комитентга) топшириқни бажаргани ҳақида ҳисобот тақдим этиши керак. Ҳисобот тариқасида банк-эмитентга ижрочи банк томонидан аккредитив ҳисобига тўланган ҳужжатлар тақдим этилиши мумкин. Агар, банк-эмитентнинг фикрича, бу ҳужжатлар ташқи кўриниши билан аккредитив шартларига мос келмаса, у ҳолда уларни рад этишга ҳақли. Бундай ҳолатларда ижрочи банкка тегишли хабар жўнатилиши керак. Бир вақтнинг ўзида банк-эмитент ижрочи банкдан нотўғри тўланган маблағни талаб қилишга ҳақли, очик (кафолатланган) аккредитив бўйича — бажарувчи банкнинг чиқимларини қоплашдан бош тортиши мумкин, банк-эмитентнинг корреспондент ҳисоб рақамидан кўчириш йўли билан. Агар бу маблағ кўчирилган бўлса — у ҳисоб рақамида қайта тикланади.

802-модда. Аккредитив шартлари бузилганлиги учун банкнинг жавобгарлиги

Аккредитив шартлари бузилганлиги учун мижоз олдида банк-эмитент, банк-эмитент олдида эса ижрочи банк жавобгар бўлади, ушбу моддада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ижрочи банк қопланган ёки тасдиқланган аккредитив бўйича пул маблағларини тўлашдан асоссиз бош тортган тақдирда маблағларни олувчи олдидаги жавобгарлик ижрочи банк зиммасига юклатилиши мумкин.

Ижрочи банк аккредитив шартларини бузиш оқибатида қопланган ёки тасдиқланган аккредитив бўйича пул маблағларини нотўғри берган тақдирда, мижоз олдидаги жавобгарлик ижрочи банк зиммасига юклатилиши мумкин.

1. Умумий қоидалар бўйича, бажарилмаган, ёхуд лозим даражада бажарилмаган аккредитив операциялар бўйича жавобгарлик шартномавий характер касб этади. Шунинг учун банк эмитент тўловчилар

олдида, ижрочи банк эса банк эмитент олдида жавобгардирлар. Тўловчи томонидан айнан бажарувчи банкка даъво тақдим этиши мумкин эмас, фақат шарҳланаётган модданинг учинчи қисмида кўрсатилган ҳолатдан ташқари.

2. Шунини ҳисобга олиш керакки, аккредитив эмитент банкнинг пуллик мажбурияти-ижрочи банк асосиз равишда олувчига керакли миқдордаги маблағни беришдан бош тортса, олувчи ўз талабларини банкка, яъни, эмитентга қўйиши мумкин. Умумий қоидаларга кўра, бажарувчи банк олувчи олдида мажбуриятга эга эмас. Аввало бу қоидалар тўлалигича қопланмаган (кафолатланган) ёки тасдиқланган аккредитивларга тегишли. Аммо, олувчининг маблағ олиш талаби, ижрочи банк томонидан қопланган (депонентланган) туридаги ёки тасдиқланган аккредитив шартларига риоя қилмаслигига асосланса, у ҳолда суд ижрочи банкни жавобгарликка тортишга ҳақли.

Агар маблағ олувчининг ижрочи банкка талаблари тасдиқланган аккредитив (хоҳ қопланган, хоҳ қопланмаган) дан келиб чиқса, унинг талаблари қониқтирилиши керак.

Бу ҳолда ижрочи банк эмитент банк билан бирга жавобгарликни ўз бўйнига олади, муайян бир жавобгарни танлаш эса маблағ олувчининг ўз ихтиёрида.

3. Қопланган ёки тасдиқланган аккредитивлар бўйича тўловлар нотўғри амалга оширилса, тўловчи ўз талабларини айнан ижрочи банкка қўйиш ҳуқуқига эга.

803-модда. Аккредитивни ёпиш

Аккредитив ижрочи банкда:

аккредитив муддати тамом бўлгач;

маблағ олувчининг аккредитивнинг амал қилиш муддати тамом бўлгунича ундан фойдаланишдан воз кечиши ҳақидаги аризасига кўра, агар бундай воз кечиш мумкинлиги аккредитив шартларида назарда тутилган бўлса;

пул тўловчининг аккредитивни бутунлай ёки қисман чақириб олиш ҳақидаги талабига мувофиқ, агар бундай чақириб олишга аккредитив шартлари бўйича йўл қўйилса, ёпилади.

Аккредитив ёпилганлиги ҳақида ижрочи банк банк-эмитентни хабардор қилиши керак.

Депонентланган аккредитивнинг фойдаланилмаган суммаси аккредитив ёпилиши билан бир вақтда банк-эмитентга қайтариб берилиши керак. Банк-эмитент қайтариб берилган суммаларни тўловчининг маблағлар депонентланган ҳисобварағига киритиб қўйиши шарт.

1. Шарҳланаётган модданинг 1-қисмида аккредитивнинг ёпилиши учун асос назарда тутилиб, улар қуйидагилардан иборат бўлади:

а) аккредитивнинг ёпилишига тўловчи томонидан аккредитив аризада белгиланган ижрочи банкдаги ҳаракат муддатининг яқунланиши сабаб бўлиши мумкин;

б) маблағни олувчининг аризасига мувофиқ у муддат яқунланишидан олдин ёпилиши мумкин, агар шундай вазият аккредитив шартлари бўйича назарда тутилган бўлса. Агар у назарда тутилган бўлмаса ижрочи банк маблағ олувчининг аккредитивни ёпиш тўғрисидаги топшириғини бажармаслиги керак;

в) агар аккредитив қақриб олинадиган бўлса, тўловчининг талабига мувофиқ ёпилади.

Аккредитивни ёпилиши ҳақида ижрочи банк банк-эмитентни, у эса тўловчини хабардор қилиши керак.

2. Қопланган (депонентли) аккредитив бўйича ишлатилган маблағлар ҳар қандай ҳолатда ҳам тўловчининг ҳисоб рақамига киритиш учун банк-эмитентга қайтарилиши керак. Бунда ижрочи банкдаги «Аккредитив» ҳисоб рақами ёпилади.

Аккредитивнинг ишлатилмаган маблағини банк-эмитентга қайтариш муддати қонунда кўрсатилмаган. Шунинг учун бундай қайтариш одатдаги маблағни ўтказиш операциялари вақтида ижрочи банкка тегишли ҳужжатлар келиб тушгандан кейин кейинги банк кунидан кечиктирмасдан ёки тегишли муддат тугагандан сўнг амалга оширилиши керак.

Банк-эмитент унга келиб тушган маблағларни у депонент қилинган тўловчининг ҳисоб рақамига, уларни «Аккредитив тўловга» ҳисоб рақамидан ўчириб, ижрочи банк томонидан келиб тушганидан кейинги банк кунидан кечиктирмасдан киритиши керак. Бу мажбуриятни бажаришни кечиктирганлиги учун банк-эмитент ФК 785-моддасига кўра жавобгарликка тортилиши мумкин.

4-§. ИНКАССО БЎЙИЧА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

804-модда. Инкассо бўйича ҳисоб-китоблар ҳақида умумий қоидалар

Инкассо бўйича ҳисоб-китоб қилинганида миждоз ўз банкига (банк-эмитентга) пул тўловчидан тўловни ва (ёки) тўлов акцептини миждоз ҳисобидан қабул қилиш ҳақида топшириқнома юборади.

Инкассо топшириғини олган банк-эмитент уни бажариш учун бошқа банкни (ижрочи банкни) жалб қилишга ҳақли.

Инкассо бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби қонун ҳужжатлари билан ва банк амалиётида қўлланиладиган иш муомаласи одатлари билан бошқарилади.

Миждознинг топшириғи бажарилмаган ёки тегишли суратда бажарилмаган тақдирда, банк-эмитент унинг олдида ушбу Кодекснинг 24-бобида назарда тутилган асосларга кўра ва миждорда жавобгар бўлади.

Агар ижрочи банк томонидан ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириш қоидалари бузилганлиги муносабати билан миждознинг топшириғи бажарилмаган ёки тегишли суратда бажарилмаган бўлса, миждоз олдидаги жавобгарлик ушбу банк зиммасига юклатилиши мумкин.

1. «Инкассо операциялари» — термини қарздорлардан (тўловчининг) тўлов ва/ёки акцептларни олишга йўналтирилган тижорат банкларнинг ҳар хил ҳаракатларини белгилашда ишлатилади. Улар тўловни олувчининг инкассо талабномасига асосан унинг номидан ва унинг ҳисобидан амалга оширилади. Баъзи бир инкассо операция турлари бўйича тўловчига ундан акцепт ва /ёки тўлов олинаётганда тижорат ҳужжатларни бериш мажбурияти банкка юклатилади.

Инкассо операцияси абстракт келишув бўлиб, тўловчи ва маблағни олувчи ўртасидаги ҳисоб-китоб қилинаётган шартномага боғлиқ эмас.

Инкассо топшириғи ҳар хил ҳисоб-китоб ҳужжатлари (тўлов талабномаси, тўлов талабномаси-топшириқномаси, инкассо топшириқномаси) ва бошқа усуллар (чек, вексел) ёрдамида расмийлаштирилиши мумкин.

Мижоздан инкассо топшириғини олган банк, банк-эмитент деб аталади. Тўлов ва/ёки акцептни бажаришни талаб қилиш учун айнан маъсул шахсга тақдим этган банк, ижрочи банк деб аталади.

Агар банк-эмитент ҳам тўловчининг, ҳам маблағни олувчининг ҳисоб-касса хизматларини амалга оширган ҳолатларда у бир вақтнинг ўзида бажарувчи банк бўлади. Бундай вазифани банк-эмитент банк қодаларига мувофиқ маблағни олувчи ҳисоб-китоб ҳужжатларини ўзининг банкини четлаб ўтиб айнан шу банкка жўнатганида бажаради.

2. Инкассо тартибида тўловлар акцепт билан ҳам ва тўловчининг акцептсиз ҳам амалга оширилиши мумкин.

Агар ҳисоб-китоб тўловчининг акцепти (акцепт шакл) билан амалга оширилса ёки сўз фақат мажбур шахсдан акцепт олиш ҳақида кетаётган бўлса, у ҳолда банк-эмитентга куйидаги мажбуриятлар кўйилади: а) маъсул шахсга тўлов ва/ёки акцептни бажарилганлиги тегишли ҳужжатлар билан тақдим этилишини таъминлаш; б) олувчининг ҳисоб рақамига тегишли маблағни ўтказишни таъминлаш ёки агар тўловчи томонидан тўлов ёки акцепт бажарилган бўлса унга акцептли ҳужжатларни топшириш.

Агар ҳисоб-китоблар тўловчининг акцептсиз амалга оширилса, олувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатлар қонун талабларига тўлиқ мос келса, у ҳолда банк-эмитентга низосиз (акцептсиз) тўловчининг ҳисоб рақамидан — агар унда пул бўлса маблағни ўчириш ва уни тўловни олувчининг ҳисоб рақамига ўтказиш мажбурияти юклатилади.

Инкассо топшириқни бажараётган банк-эмитент ўз миջозининг номидан ва унинг ҳисобидан ҳаракат қилаётгани учун, у миջознинг вакили бўлиб ҳисобланади.

3. Миջознинг топшириғини олган банк-эмитент, уни бажариш учун бошқа банкни (ижрочи банкни) жалб қилишга ҳақли, бунинг учун унга тегишли ҳужжатларни жўнатган ҳолда. Инкассо операциялари амалга ошириш бўйича қонун ҳужжатлари ҳисоб-китоб ҳужжатларини бир банкдан бошқа банкка жўнатишга улар орасида шартнома муносабатлари бўлмаганда ҳам йўл қўяди.

Банк орқали ўтказишдан фарқли равишда ижрочи банк ФК нинг 241-моддасига (мажбуриятни бажаришни учинчи шахсга юклаш) асосан инкассо топшириғини бажаришга жалб қилиниши мумкин эмас. Инкассациялаш мажбур шахсдан пул олишни кўзда тутади. Бундай ҳолда мажбур

шахсга нисбатан тўловни бажариш (ёки акцепт) талаби, унинг кредитори томонидан эмас, учинчи шахс томонидан изҳор қилиниши керак. Учинчи шахсга тўлов фақат шундай ҳолда мажбуриятни тугашига олиб келиши мумкин, қачонки бу учинчи шахс кредитордан маълум бир тегишли ваколатга эга бўлса, яъни унинг ишончли вакили бўлса. Акс ҳолда қарздор тегишли бўлмаган шахсга тўловни амалга оширишга таваккал қилади. Бинобарин, ижрочи банк фақат кредиторнинг — тўловни олувчининг вакили бўлиши мумкин. Шундай қилиб ижрочи банк банк-эмитент томонидан инкассация операциясини бажаришга топшириқни бажаришни бошқа шахсга ишониб топшириш асосида жалб қилиниши мумкин. Бу охирги ҳолат маблағни олувчи ва тўловчи банк (ижрочи банк) вакиллари ўртасидаги муносабат тўловчи банкнинг инкассо топшириғини олишдан ва айнан қонун томонидан вужудга келади.

Инкассо операциясининг ўзига хослиги тўловчи банкнинг икки тарафлама вакиллик ҳолатида кўринади. Бир томондан, ўзининг миқозига тўлов (ёки акцепт) учун талаб ҳужжатларини тақдим этиб ва олинган маблағ (акцепт)ни маблағни олувчи банкка жўнатиб, тўловчининг банки ижрочи банкдек ҳаракат қилади, яъни худди маблағни олувчининг вакилидек бошқа томондан ўз миқозининг ҳисоб рақамидан у тақдим этган, акцептланган ҳужжатларга асосан пулларни чиқариб, тўловчининг вакилидек ҳаракат қилади. Икки томонлама вакиллик банк ишида нормал ҳолатдир.

Юқорида кўрсатилган инкассо операциянинг ўзига хослигини етказиб берилган маҳсулот (бажарилган иш, кўрсатилган хизмат) учун тўлов мажбуриятини бажариши вақти ўзгартиради. ФКнинг 246-моддасига мувофиқ пуллик мажбуриятнинг бажарилиш жойи кредитор-юридик шахснинг мажбурияти вужудга келиш жойи ҳисобланади. Бирок, Фукаролик кодекси томонидан белгиланган пул мажбуриятини бажариш жойи қонун томонидан ишбилармонлик қоидаларига мувофиқ ёки мажбуриятнинг бошқа мазмунини кўзда тутган ҳолда ўзгартириш мумкин. Юқорида кўрсатилган инкассо операциясини амалга ошириш шартли равишда ФКнинг 246-моддасида диспозитив норма билан белгиланган пуллик мажбуриятни бажариш жойида бутунлай бошқа нарсани кўзда тутди (кўрилаётган муносабатларнинг мазмунига кўра). Кредиторнинг вакилига тўлов кредитор эмас, айнан унинг вакили бўлган жойда пуллик мажбурият тугатилади (бу кредиторнинг ўзи билан бажарилгандек). Айнан қарздор тўловчидан унинг қарз маблағини

олувчи кредиторнинг вакили бўлиб ижрочи банк ҳисобланади. Бундан келиб чиқадики, тўловчининг маблағи олувчи билан етказиб берилган маҳсулот учун (бажарилган иш, кўрсатилган хизмат) ҳисоб-китоб қилиш мажбурияти ижрочи банк жойида тугалланган деб ҳисобланади. Бу пуллик мажбуриятни бажарилган деб қарзни тўловчининг ҳисоб рақамидан ўчирилган пайтидан ҳисоблаш мумкин. Айнан мана шу пайтдан бошлаб тўловчининг ҳисоб-китоб қилинган пуллик мажбурияти тегишли равишда бажарилган деб ҳисобланади.

4. Инкассо бўйича ҳисоб-китоб тартиби Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки Бошқармасининг 2002 йил 12 январь № 60-сонли (№ 1/4) Қарорида тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш ҳақида Низомнинг 6-§ бўйича йўлга қўйилади.

5. Инкассо тартиби бўйича ҳисоб-китоб қилингандан сўнг тўловчининг пуллик мажбурияти унинг ҳисоб рақамидан ўчирилгандан сўнг бажарилган деб ҳисобланади, бундан кейин тўловни олувчи олинмаган маблағларни инкассо операциясида қатнашган банклардан талаб қилиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Банк-эмитент ва ижрочи банк тўловни олувчининг вакили бўлганлиги учун, улардан ҳар бири ишончли вакил сифатида топшириқни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарликка тортилиши мумкин. Яна шундан келиб чиқиш керакки, бу банклар ва тўловни олувчи ўртасида шартнома муносабатлари мавжуд, шунинг учун улар фақат шартномавий жавобгарликка тортилиши мумкин (шартномавийдан ташқари эмас). Бу ҳулоса, олувчи банкка (банк-эмитентга) нисбатан шак-шубҳасиз бўлса, тўловчи банк (ижрочи банк)ка нисбатан тегишли равишда тушунтиришга зарурат пайдо бўлади. Ижрочи банк ва тўловни олувчи ўртасида аниқ бир инкассо операциясини бажариш бўйича шартномавий муносабатлар юзга келади. Шунинг учун шарҳланаётган модданинг 5-қисмига мувофиқ бажарувчи банк маблағни олувчи олдида унинг топшириғини етарли даражада бажармаганлик учун жавобгарликка тортилиши мумкин.

805-модда. Инкассо топшириғини бажариш

Бирон-бир ҳужжат бўлмаган ёки ҳужжатлар ташқи аломатларига кўра инкассо топшириқномасига мос бўлмаган тақдирда ижро этувчи банк бу ҳақда дарҳол инкассо топшириқномасини берган

шахсга хабар қилиши шарт. Мазкур камчиликлар бартараф этилмаган тақдирда, банк топшириқларни бажармасдан ҳужжатларни қайтариб юборишга ҳақли.

Ҳужжатлар қандай шаклда олинган бўлса, ўша шаклда тўловчига тақдим этилади, инкассо операциясини расмийлаштириш учун зарур бўлган банк белгилари ва ёзувлари бундан мустасно.

Агар ҳужжатлар олиниши биланок улар бўйича пул тўланиши шарт бўлса, ижрочи банк инкассо топшириқномасини олган заҳоти тўловга тақдим этиши шарт.

Агар ҳужжатлар бўйича пул бошқа муддатда тўланиши керак бўлса, ижрочи банк тўловчининг акцептини олиш учун ҳужжатларни инкассо топшириқномаси олиниши биланок, дарҳол акцептга тақдим этиши керак, тўлов талаби эса ҳужжатда кўрсатилган тўлов муддати бошланадиган кундан кечиктирмасдан қўйилиши керак.

Қисман бажариладиган тўловлар банк қоидаларида белгилаб қўйилган ҳолларда ёки инкассо топшириқномасида махсус рухсат бўлса қабул қилиниши мумкин.

Олинган (инкассоланган) суммалар ижрочи банк томонидан дарҳол банк-эмитент тасарруфига топширилиши, у эса бу суммаларни миջознинг ҳисобварағига киритиб қўйиши шарт. Ижрочи банк инкассо қилинган суммадан ўзига тегишли ҳақни ва харажатларни қоплашга кетадиган пулни ушлаб қолишга ҳақли.

1. Эмитент банкдан зарурий ҳужжатлар билан биргаликда инкассо топшириғини олган банк бу топшириқни ижро этиш учун қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириши зарур:

Акцепт шаклидаги ҳисоб-китобларда:

а) тақдим этилган ҳужжатларнинг қонунийлиги, банк тартиблари ва одатларига мос келишини формал текшириш;

б) тўловчига акцепт учун бу ҳужжатларни кўрсатиш;

в) тўловчи томонидан ушбу талаб акцептланган ва унинг ҳисоб рақамида пул мавжуд бўлганида бу пулни унинг ҳисобидан чиқариб, қабул қилувчининг банкига унинг ҳисобига тушириш учун ўтказиш.

Низосиз (акцептсиз) тартибда маблағларни ўчиришда:

а) ҳужжатларнинг қонунийлиги, уларнинг банк қоидаларига ва анъаналарига риоя қилинган ҳолда тўлдирилганини формал текшириш;

б) тўловчининг ҳисоб рақамидан тегишли маблағни чиқариб қабул қилувчининг банкига унинг ҳисобига тушириш учун кўчириш.

2. Инкассо топшириқлари ва унга иловаларни текширганда уларнинг тўғри тўлдирилганлиги, реквизитларнинг тўғри ёзилганлиги, норматив актларга мослиги аниқланади. Бунда инкассо топшириқларига илова қилинаётган ҳужжатлар унга сиртдан шаклан мос тушиши керак. Агар банк ўзига тақдим этилган ҳужжатлардан бирор хатолик топса, бу ҳақда ҳужжатларни юборган шахсни дарҳол хабардор қилиши шарт. Бундай шахс эмитент банк ёки маблағни қабул қилувчининг ўзи бўлиши мумкин. Шундан кейин ижрочи банк топшириқ ижросини тўхтатиши мумкин. Аммо узоқ муддатга эмас. ФК да бу муддатнинг қанчалиги аниқ кўрсатилмаган. Гап бу ўринда ижрочи банкни почта (ёки бошқа алоқа воситалари) орқали оладиган хабарномаси, унга жавоб тайёрлаш ва юбориш учун зарур бўлган «оқилона»муддат тўғрисида бормоқда. Агар инкассо топшириғи ижрочи банкка эмитент банкдан келиб тушган бўлса, хабарнома адресати маблағни олувчи бўлади. Бу ҳолда хабарнома аввал эмитент банкка йўлланади ва жавоб муддати узаяди. Қайд этилган камчиликларни тузатиш ҳаддан ортик муддатга чўзилганида банк уларни ижро этмай қайтариши мумкин.

3. Агар ҳисоб-китоблар тўловчи розилиги асосида (акцепт) амалга оширилса, ижрочи банк унга тегишли ҳужжатларни ҳеч бир ўзгаришсиз акцепт учун тақдим этади. Тўловчи тўлов талабларини рад этишга ҳақли. Акцептни рад этиш жорий тартибда амалга оширилади. Уч кунлик муддат ичида акцептни рад этиш тўғрисида маълумот олинмаса, акцепт берилган деб ҳисобланади ва тўлов топшириқлари ижросига киришилади.

Тўлов талабномаси — топшириқномалари бўйича ҳисоб-китобларда тўловчининг розилиги ҳисоб (жорий) рақамини тасарруф этишга ваколатли шахслар имзолари ва тегишли нусхаларда босилган муҳрлар билан расмийлаштирилади.

4. Ижрочи банк қарз ҳақидаги ҳужжатларни тўловчига тайин этилган муддат ичида тақдим этади. Улар бўйича тўловлар амалга оширилиши шарт. Шунинг учун бундай ҳужжатлар ижрочи банкка ўз вақтида етказилиши жуда муҳим. Акс ҳолда у қарз тўғрисидаги ҳужжатлар кечикишига жавобгар эмас.

Агар ҳужжатлар бўйича пул дарҳол тўланиши шарт бўлса ижрочи банк тўлов учун тақдим этиши шарт. Уларнинг тўлови учун бошқа

муддат белгиланган бўлса, ижрочи банк уларни акцепт учун дарҳол тақдим этиши ва кейинчалик белгиланган муддатда тўловларни амалга ошириши шарт.

Акцепт ёки тўлов учун ҳужжатлар тақдим этиш тартиби 1997 йил 29 мартдаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тасдиқланган 321-сонли «Тижорат банклари томонидан вексел (аваль) тўловларини амалга ошириш тартиби»да расмийлаштирилади (Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан 1998 йил 9 ноябрда 521-сонли рўйхатдан ўтказилган).

5. Чакана тўловлар айрим ҳоллардагина банк қоидалари ёки инкассо топшириғида махсус рухсат этилган бўлса амалга оширилади.

6. Инкассо килинган суммаларни ижрочи банк дарҳол эмитент банкка кўчириши шарт. Бу дегани, ижрочи банк ушбу маблағларни эмитент банкнинг алоқа ҳисоб рақамига киритиши (тўғридан-тўғри алоқа муомиласи бўлса) ёки тўловни қабул қилувчининг ҳисобига киритиш учун банк-эмитентнинг алоқа ҳисоб рақамига ўтказишга топшириқ бериши лозим.

ФКнинг ижрочи банк томонидан юқоридаги ҳаракатларни дарҳол амалга ошириши тўғрисидаги талаби ФК 778-моддаси шарҳларига асосан амалга оширилиши шарт эканлигини билдиради.

Ижрочи банк инкассо суммасидан (бошқа тартиб белгиланган бўлмаса) ўзига тегишли суммани сақлаб қолишга ҳақли. Эмитент банк ва ижрочи банк ўртасида тўғридан-тўғри алоқа қилиш имкони мавжуд бўлса, улар ушбу тўловларни тўлаш масаласини ўзгача ҳал қилишга келишишга ҳам ҳақли. Масалан, эмитент банкнинг ижрочи банкда акцептсиз тартибда алоқа ҳисоб рақамидан ижрочи банк бу суммани чиқариб ташлаши мумкин.

806-модда. Тўловдан бош тортишни хабар қилиш

Агар тўлов ва (ёки) акцепт олинган бўлмаса, ижрочи банк пул тўланмаганлигининг ёки акцептдан бош тортилганлигининг сабаблари тўғрисида банк-эмитентни дарҳол хабардор қилиши шарт. Банк-эмитент бу ҳақда дарҳол мижозга хабар бериши, ундан навбатдаги ҳаракатлар хусусида кўрсатмалар сўраши шарт.

Бундан кейинги ҳаракатлар тўғрисида банк қоидаларида белгиланган муддатда кўрсатмалар олинмаса, ижрочи банк ҳужжатларни инкассо топшириқномаси юборган банкка қайтаришга ҳақли.

1. Ушбу модданинг 1-қисми тўлов ёки акцепт қабул қилинмагани тўғрисида эмитент банкни ижрочи банкка аниқ сабабларини кўрсатган ҳолда дарҳол хабар қилишга мажбур эканини кўрсатган.

Ижрочи банк қуйидаги хабарни юбориши керак:

а) уч кун ичида тўловчи шахс тўлов талабномалари бўйича ҳисобкитобларда тўлов талабномаси акцептидан воз кечгани тўғрисида;

б) тўлов талабнома-топшириқномалари бўйича ҳисобкитобларда уч кун ичида тўловчи шахс томонидан тўлов тўғрисида масъул шахс имзоси ва муҳри билан тасдиқланган топшириқнома келмаган тақдирда.

Тўловни асоссиз рад этганлиги учун уларнинг банклари эмас тўловчилар жавобгардир. Банклар бундай тортишувларни ҳал этишда деярли қатнашмайди. Ижрочи банк фақат тўлов талабномаси акцептидан воз кечганлик тўғрисидаги аризанинг тўғри расмийлаштирилганини, шунингдек унда воз кечиш асослари мавжудлиги ва бу асос белгилаб қўйилган маблағни олувчи билан тўловчи ўртасидаги шартноманинг бандига ҳавола борлигини текширишга мажбур.

Банк-эмитент мижозни тўлов ва/ёки акцепт келмагани ҳақида дарҳол хабардор қилади ва ундан нима қилиш кераклиги тўғрисида кўрсатмасини сўрайди.

2. Инкассо топшириқномасида алоҳида кўрсатилмаган бўлса, банк векселни қайтаришга мажбур эмас. Шунинг учун қонун векселни рад этишга кам вақт берганини ҳисобга олиб, мижоз бирданига ўз кўрсатмаси билан биргаликда инкассо учун векселни тақдим этиши керак.

Мижознинг кейинги кўрсатмалари, масалан, акцепсиз ёки тўловсиз оддий ёки ўтказма векселга қўйишга тааллуқли бўлиши мумкин. Шуни қайд этиш лозимки, умумий қоидага кўра, индоссамент кафиллиги (инкассо) асосида ҳаракатланувчи банк агар инкассо топшириқномасида мажбурият тўғридан-тўғри назарда тутилган бўлмаса, у векселга норозилик келтиришга мажбур эмас. Шунинг учун, тўловсиз векселга норозилик келтириш учун қонунчиликда анча қисқа муддат белгиланганлигини ҳисобга олиб, шуни айтиш мумкинки, бундай турдаги кўрсатмаларни банкка векселни инкассога топшириш билан бир вақтда бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

5-§. ЧЕКЛАР БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ

807-модда. Чеклар билан ҳисоб-китоб қилишнинг умумий қоидалари

Чек берувчининг чекда кўрсатилган суммани чек сақловчига тўлаш ҳақида банкка ҳеч қандай шарт қўйилмаган топшириғи мавжуд бўлган қимматли қоғоз чек дейилади.

Чек билан ҳисоб-китоб қилинганида фақат чек берувчининг чек бериш йўли билан тасарруф этишга ҳақли бўлган маблағлари сақланаётган банкгина чек бўйича пул тўловчи қилиб кўрсатилиши мумкин.

Чекни тақдим этиш муддати ўтмагунича уни чақириб олишга йўл қўйилмайди.

Чекнинг берилиши-бажариш учун чек берилган пул мажбуриятини бекор қилмайди.

Тўлов муомаласида чеклардан фойдаланиш тартиби ва шартлари ушбу Кодекс ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

1. Чеклар билан ҳисоб-китобни амалга оширишнинг тўла тартибини назорат қилиш ФК чек қонунчилигини имкони борича 1931-йилда қабул қилинган «Чек тўғрисидаги бирхиллаштирилган қонун» ҳақида Женева Конвенцияси қоидаларига мувофиқлаштириш мақсадини кўзлайди.

2. ФК чек орқали ҳисоб-китобни амалга ошириш ҳақидаги меъёрлари бошқа қонунлар ва улар асосида тузилган банк қоидалари билан тўлдирилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 21.02.2002 йилда 514-сонли қарори билан тасдиқланган «Чеклардан фойдаланиш ва чеклар бериш тўғрисида»ги Низом (Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги № 1115-сонли 14.03.2002 йилда рўйхатга олинган) амал қилади.

3. Чекда кўрсатилган суммани тўлаш мажбурийлиги чек асосидаги битим шартлари ва ҳақиқийлигига боғлиқ эмас. Ушбу келишувнинг ҳақиқий эмаслиги чек орқали тўлов амалга оширилмаслиги учун асос бўлолмайди.

4. Чек эгаси ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахс бўлиши мумкин. Тўловчи эса фақат чек берувчи ўз ҳисоб рақамига эга ва унга чек дафтарчасини берган банк бўла олади.

5. Чек тўлов воситаси эмас. Чек берилиши тўлов бажарилганини эмас, чек эгаси, чек берувчи ва бошқа шахслар орасидаги муносабатлар ўртасида янги муносабатлар пайдо бўлганини билдиради. Қарздорнинг шартнома бўйича мажбурияти у берган чек бўйича тўлов амалга оширилганидан кейингина тўхтатилади.

808-модда. Чекнинг реквизитлари

Чекда қуйидагилар бўлиши шарт:

ҳужжат матнига киритилган «чек» деган ном;

муайян пул суммасини тўлаш ҳақида тўловчига топширик;

тўловчининг номи ва тўлов қайси ҳисобварақдан амалга оширилиши кераклиги;

тўлов валютаси;

чек тузилган сана ва жой;

чекни ёзиб берган шахснинг — чек берувчининг имзоси.

Ҳужжатда мазкур реквизитлардан биронтасининг бўлмаслиги чекни кучдан маҳрум қилади.

Тузилган жойи кўрсатилмаган чек чек берувчи турган жойда имзоланган деб ҳисобланади.

Чекнинг шакли ва уни тўлдириш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

1. Чек қимматли қоғоз ҳисобланади ва у ФК да кўрсатилган мажбурий реквизитларни ўзида акс эттириши шарт. Бу реквизитлар тўлик бўлмаслиги уни юридик кучдан маҳрум этади. Чекда қўшимча шартлар борлиги унинг ҳақиқийлигига таъсир этмайди.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 21.02.2002 йилда 514-сонли қарори билан тасдиқланган «Чеклардан фойдаланиш ва чеклар бериш тўғрисида»ги Низом (Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги № 1115-сонли 14.03.2002 йилда рўйхатга олинган) га кўра йўл чеклари чет эл валютасида тўловлар амалга ошириладиган тўлов ҳужжати ҳисобланади ва ўз матнида «йўл чеки» деган ёзуви, йўл чеки эмитент банк номи, унинг масъул кишилари имзоси, эмитентнинг маълум суммани тўлаши ҳақидаги мажбурияти, шунингдек чек эгасининг чекни тўлаш пайтида солиштириш учун керак бўладиган имзоси намунасини ифодалайди.

Ваколатли банклар хорижий банклар йўл чеклари учун тўловни ўзлари билан хорижий мамлакатлар эмитент банклари ва йўл чеки эмитентлари алоқа банклари ўртасида тузилган банклараро шартномаларда қайд этилган тартиб ва шартларда амалга оширади.

3. «Чеклардан фойдаланиш ва чеклар бериш тўғрисида»ги Низомнинг 3-бандига асосан хорижий банк-эмитентлар йўл чеклари шакли, реквизитлари ва тўлов тартиби тўғрисидаги барча ўзгаришларни кузатиб боради ва бу ўзгаришлардан ўз филиалларини хатлар орқали ўз вақтида хабардор қилиб туради. Банкларда бу хабар ҳақидаги хатлар ҳужжатда чет эл банклари тўғрисидаги ахборотлар билан бирга сақланади (йўл чеклари наъмуналари ва уларни тўлаш йўриқномаси). Бекор қилинган ҳужжатлар устига «Бекор қилинди, асос: ____ йил ____ ____ даги ____-сонли хат» деб ёзиб қўйилади. Шундан кейин бу ҳужжатлар тегишли чет эл банк-эмитенти ҳужжатидан олиниб йўл чекларининг тўлови бўйича бекор қилинган ҳужжатлар жилдига қўшиб қўйилади.

Йўл чеклари билан амалга оширилган операциялар учун Ўзбекистон Республикаси резидентларидан миллий валюта — сўмда, резидент бўлмаганлардан эса операция амалга оширилган валютада воситачилик ҳақи олиб қолишга йўл қўйилади. Унинг миқдори ваколатли банк раҳбари томонидан тасдиқланади.

Банклар операция ўтказиши мумкин бўлган йўл чеклари рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилайди.

809-модда. Чек бўйича пул тўлаш

Чек бўйича пул чек берувчининг маблағлари ҳисобидан тўланади.

Чек қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган муддатда тўловга тақдим этилган тақдирдагина у бўйича пул тўланади.

Чек бўйича пул тўлаган шахс чекнинг тўлов олинганлиги ҳақидаги тилхат билан бирга ўзига берилишини талаб қилишга ҳақли.

1. Чекда кўрсатилган суммани чек берувчининг ҳисобида мавжуд бўлган маблағдан тўловчи банк беради, лекин бу сумма банкнинг чек берувчига берган кафолатидаги суммадан ортиқ бўлмаслиги керак.

2. Чек берувчининг ҳисобида вақтинча маблағ бўлмаганида, чек берувчи билан келишган ҳолда бу суммани банк ўз ҳисобидан тўлаши

мумкин. Чек эгаси ва тўловчини бир-бири билан ҳеч қандай мажбурият боғлаб турмайди. Тўловчининг чек бўйича тўловни амалга ошириши, чек берувчи ва тўловчи банк ўртасидаги шартномадан келиб чиқади.

3. Вексел бўйича тўловдан фарқли ўлароқ чек бўйича тўлов муддати қонунчиликда белгиланади. ФК чекни тўлашнинг аниқ муддатини белгиламайди.

«Чеклардан фойдаланиш ва чеклар бериш тўғрисида»ги Низомнинг 10-бандига мувофиқ йўл чеклари йил мобайнида муайян ҳаракат муддатларида тўланиб борилади. Муддати ўтказиб юборилган чеклар ёки банклараро келишувларда кўзда тутилмаган эмитент чеклари, шунингдек бланклар ёки имзоларнинг ҳақиқийлигига шубҳа туғдирувчи ва эмитент томонидан ўрнатилган сумма бўйича чеклар банклар ва уларнинг пул алмаштириш шаҳобчалари томонидан фақат инкассога қабул қилиниши мумкин.

4. Тўловчи чекнинг ҳақиқийлигини, чек карточкасидаги маълумотларни ва чекни берувчининг имзосини, унинг ҳисоб варагини чек карточкасида таққослаш йўли билан чек эгасининг ваколатларини текшириб кўришга мажбур.

Банкка тўловга тақдим этилган чекни тўлаш вақтида тўловчи индоссаментларнинг тўғрилигини текшириши шарт (уларнинг узлуксизлигини, тўловчи томонидан берилган индоссаментнинг ҳозир эмаслигини). Тўловчи индоссаментлар имзоларининг ҳақиқийлигини текширишга мажбур эмас.

810-модда. Чек бўйича ҳуқуқларни бошқа шахсга бериш

Чек бўйича ҳуқуқлар ушбу моддада назарда тутилган қоидаларга риоя қилган ҳолда бошқа шахсга берилади.

Эгасининг номи ёзилган чек бошқа шахсга берилиши мумкин эмас.

Ўтказма чекда пул тўловчига қилинган индоссамент тўловни олганлик учун тилхат кучига эга бўлади.

Тўловчи томонидан қилинган индоссамент ҳақиқий эмас.

Агар индоссамент бўйича олинган ўтказма чекка эга бўлган шахс ўзининг ҳуқуқини узлуксиз (бир-бирини тақозо этувчи) индоссаментлар қатори билан асослаб берса, у ўтказма чекнинг қонуний эгаси деб ҳисобланади.

1. Ушбу модда айрим чеклашларни (эгасининг номи кўрсатилган чек бошқага берилмайди, тўловчи томонидан киритилган индоссамент ҳақиқий эмас, ўтказма чекдаги тўловчига индоссамент тўлов олингани ҳақида тилхатни англатади) ҳисобга олмаганда чекдан фойдаланиш учун ҳуқуқларни бировга беришни белгилайди.

2. Индоссамент чек орқасига ёзиб қўйилади ёки унга қўшиб қўйилган варақда индоссамент имзоси ва индоссамент тузилган муддат қайд этилган бўлиши керак.

3. Индоссамент орқали ордер чеклари берилиши мумкин. Индоссаментда чек берилган шахс кўрсатилганида эгаси кўрсатилган ҳисобланади, кимлиги кўрсатилмаса, бланкли индоссамент бўлади. Индоссамент воситасида чек исталган кишига берилиши мумкин. Индоссаментлар сони чегараланмайди.

4. Чекдаги индоссамент кафиллик бўлиши мумкин. Ордер чекига «валютали тўлов», «инкассога», «ишонч билдирилган» деб ёзиш чек бўйича ҳуқуқларни ҳимоя қилишга ва бу ҳуқуқларни амалга оширишга қаратилган. (Масалан: нарзозилик билдириш учун нотариусга тақдим қилишда).

5. Индоссамент қандайдир шартларга боғлиқ эмас, уни чекловчи ҳар қандай шартлар юридик кучга эга эмас.

6. Индоссамент чек бўйича тўлов учун чек берувчи, авалист ва бошқа индоссамент билан бир хил солидар жавобгардир.

811-модда. Тўлов кафолати (аваль)

Чек бўйича тўлов кафолат (аваль) воситасида тўла ёки қисман кафолатланиши мумкин.

Авални тўловчидан бошқа ҳар қандай шахс бериши мумкин.

Аваль чекнинг олд томонига ёки қўшимча вараққа «аваль деб ҳисоблансин» деган ёзув билан ва у ким томонидан ҳамда ким учун берилганини кўрсатган ҳолда қўйилади. Агар аваль ким учун берилганлиги кўрсатилмаган бўлса, аваль чек берувчи учун берилган ҳисобланади.

Аваль авалчи томонидан имзоланиб, унинг яшаш жойи (турган ери) ва устхат ёзилган сана кўрсатилади.

Авалчи у авални ким учун берган бўлса, ўша шахс сингари жавобгар бўлади.

Агар авалчи кафолатлаган мажбурият шаклга амал қилмасликдан бошқа ҳар қандай асосларга кўра ҳақиқий бўлмаган тақдирда ҳам, авалчининг мажбурияти ҳақиқий бўлаверади.

Чек бўйича пул тўлаган авалчи у кафолат берган шахсга нисбатан ҳам, бу шахс олдида мажбурияти бўлган шахсларга нисбатан ҳам чекдан келиб чиқадиган ҳуқуқларни қўлга киритади.

1. Авалчи жавобгарлиги кафолат берилган шахс жавобгарлигига биноан аниқланади. Чек бўйича тўлов кафолати чек берувчи ёки индосант учун берилади. Аваль тўловчидан ташқари ҳар қандай шахсга берилиши мумкин. Авалчининг ўз яшаш жойини кўрсатган ҳолда авальга имзо чекиши шарт (авалчи юридик шахс бўлса жойлашган жойи). Аваль имзоланган сана ҳам аниқ ёзилиши керак.

2. Чек бериш ёки кафолат (аваль) бериш уларни алоҳида-алоҳида ёки биргаликда берилганда ҳам мажбуриятларни бекор қила олмайди. Мажбуриятлар фақат чек бўйича тўлов амалга оширилган пайтдан бажарилган деб ҳисобланади. Шундай экан, мажбуриятнинг юридик факт тарихида бажарилиши охир-оқибатда тўловнинг амалда қабул қилинганлигида ифодаланиши лозим (тегишинча, ўртадаги барча ҳаракатлар: чекни имзолаш ва бериш, кафолат (аваль) бериш, чек берувчи ёки авалчи томонидан амалга оширилган тўлов қобилиятлигини тасдиқловчи бошқа ҳаракатлари, чек бўйича мажбуриятнинг бажарилиш факти ҳисобланмайди.

3. Агар ҳужжат шаклга риоя қилинмаганлиги (масалан, мажбурий реквизитларнинг бирортасининг бўлмаслиги) сабабли чек ўз кучини йўқотганда авалчи жавобгарликдан озод қилинади. Бошқа ҳолатлар бўйича (шаклдаги камчиликдан ташқари) чекдан келиб чиқадиган жавобгарликнинг ҳақиқий эмаслиги авалчининг жавобгарлигини истисно қилмайди.

4. Авалчи томонидан чек бўйича мажбурият бажарилган ҳолда, авалчида пул талабларини бировга кўчириш асосида молиялаштириш тўғрисидаги шартнома тузишда келиб чиқадиган ҳуқуқларга ўхшаш ҳуқуқлар юзага келади. Лекин бу ҳолатда чек тўлаган авалчи фақатгина ўзи кафолат берган шахсга нисбатан, ва бу шахс олдида мажбурияти бўлган шахсларга нисбатан чекдан келиб чиқадиган ҳуқуқларни қўлга киритади.

812-модда. Чекни инкассо қилиш

Чек сақловчига хизмат қиладиган банкка тўловни олиш учун чекни инкассога тақдим этиш тўловга тақдим этиш деб ҳисобланади.

Чек бўйича ушбу Кодекснинг 805-моддасида белгилаб қўйилган тартибда пул тўланади.

Инкассоланган чек бўйича маблағларни чек сақловчининг ҳисобварағига киритиш, агар чек сақловчи билан банк ўртасидаги шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тўловчидан тўлов олинганидан кейин амалга оширилади.

1. Чекни сақловчига хизмат қиладиган банкка пулни олиш учун чекни инкассога тақдим этиш чекни тўловга тақдим қилиш ҳисобланади. Чек тўловининг таомили, муддати, вақти ва тартиби инкассо топшириқларини бажариш тўғрисидаги фуқаролик қонунчилиги нормалари билан белги-ланган (ФК 805-моддаси ва унинг шарҳига қаранг).

2. Чекни тўловга тақдим қилиш чек сақловчи банк ҳисоби шартномасини тузган банк орқали амалга оширилиши мумкин. Чекни сақловчининг банки тўловчи банкка чекни тўлов учун тақдим этади, зарур бўлса тўланмаган чек бўйича ўз норозилигини ифода этади (ФК 814-моддаси).

Чекни сақловчи банкдан инкассо топшириғини зарур ҳужжатлар билан бирга олган тўловчи банк унинг бажарилиши учун инкассо топшириғига хизмат қилувчи ҳаракатларни амалга оширишга мажбур.

3. Тўловчи банк тўловчининг ҳисобидан чиқарилган (инкассо қилинган) суммаларни чек сақловчининг банкига дарҳол кўчириши шарт. Бу дегани, тўловчи банк, чек сақловчининг банки корреспондент ҳисобига бу суммани кўчириши (тўғридан-тўғри корреспондент алоқалари мавжуд бўлганида) ёки чек сақловчининг банки корреспондент ҳисобига уни олувчининг ҳисобварағига кўчириш тўғрисида топшириқ бериши лозим.

4. Тўловчи банк инкассоланган суммадан, шартномада ёки банк қоидаларида кўрсатилган тўловларни амалга оширишнинг бошқача тартиби кўрсатилган бўлмаса, ўзига тегишли мукофот суммаси ва бошқа чиқим ва ҳаражатлар суммасини сақлаб қолишга ҳақли. Чекни сақловчи ва тўловчи банк ўртасида тўғридан-тўғри корреспондент муносабатлар мавжуд бўлганда улар кўриб чиқиладиган тўловлар масаласини бошқача ҳал қилишга ҳақли. Масалан, улар тўловчи банк томонидан

чекни сақловчининг банки корреспондент ҳисобидан акцептсиз тартибда чиқариб ташланиши мумкин.

813-модда. Тўловчининг мажбуриятлари

Чек бўйича тўловчи чекнинг ҳақиқийлигига, шу жумладан тақдим этувчи чек бўйича вакил қилинган шахс эканлигига ҳам имкониятидаги ҳамма усуллар билан ишонч ҳосил қилиши керак.

Инкассоланган чек бўйича пул тўланганида тўловчи индоссантларнинг имзосини эмас, балки индоссаментлар тўғрилигини текшириши шарт.

Сохта, ўғирланган ёки йўқотиб қўйилган чек бўйича тўловчи пул тўлаши оқибатида кўрилган зарар кимнинг айби билан етказилганлигига қараб, тўловчининг ёки чек берувчининг зиммасига юклатилади.

1. Тўловчи чекнинг ҳақиқийлигини, чек сақловчининг юридик кучини чек берувчининг маълумотлари ва имзосини, ҳисоб рақамини чек қарточкасида кўрсатилган маълумотлар билан солиштириб текширишга мажбур.

Банкка инкассога тақдим этилган чекни тўлаётганда тўловчи индоссаментларнинг тўғрилигини текшириши шарт (уларнинг узлуксизлигини, тўловчи томонидан ўтказган индоссаментнинг йўқлигини). Тўловчи индоссант имзосининг ҳақиқийлигини текширишга мажбур эмас.

2. Банклар чет эл банклар-эмитентларнинг йўл чекларини тўлаш шаклида, реквизишларда ва тартибида содир бўлаётган барча ўзгаришларни кузатиб боради ва улар ҳақида ўзининг филиалларига ўз вақтида ахборот хатлари билан хабар юборади. Бу хатлар банкларда досъеда чет эл банкларининг назорат ҳужжатлари билан биргаликда сақланади). Бекор қилинган назорат материаллари «Бекор қилинди, асос _»-» ___ йилдаги ___-сонли хат»деб ёзиб қўйиб ҳаракатдан тўхтатади. Шундан кейин бу материаллар тегишли чет эл банк-эмитент досъесидан олиниб йўл чекларининг бекор қилинган материаллари папкасига жойлаштирилади.

3. Тўловчи томонидан бордию қалбаки, ўғирланган ёки йўқотилган чеклар бўйича тўловлар амалга оширилган бўлса, зарарларни қоплаш кимнинг айби билан улар содир этилганлигига қараб тўловчи ёки чек берувчи зиммасига юклаталади.

814-модда. Чек бўйича пул тўлашдан бош тортганликни тасдиқлаш

Чек бўйича пул тўлашдан бош тортганлик қуйидаги усуллардан бири билан тасдиқланиши керак:

нотариус томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда норозилик билдириш;

пул тўловчи чекка у бўйича пул тўлашдан бош тортганлиги ҳақида белги қўйилиб, чек ҳақ тўлаш учун тақдим этилган санани кўрсатиш;

инкассо қилувчи банкнинг чек ўз вақтида тақдим этилганлиги ва у бўйича пул тўланмаганлиги ҳақида, санасини кўрсатган ҳолда белги қўйиши.

Норозилик ёки шу каби ҳаракат чекни ҳақ тўлаш учун тақдим этиш муддати тугагунча амалга оширилиши керак.

Агар чек муддатнинг охириг кунда тақдим этилган бўлса, норозилик ёки шу каби ҳаракат кейинги иш кунда амалга оширилиши мумкин.

1. Векселни тўлашдан бош тортганликнинг тасдиқланишидан фарқли ўларок, чекни тўлашдан бош тортганлик фақат нотариус томонидан норозилик асосидагина эмас, балки инкассо қилувчи банк ёки тўловчининг тегишли ёзуви билан ҳам тасдиқланиши мумкин.

2. Чек норозилиги тўловчи жойлашган манзилдаги нотариусга тўланмаган чекни тақдим этиш йўли билан амалга оширилади. Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги тегишли ўзгаришлар киритилган Низом (2010 йил 30 мартдаги № 2090 рўйхатга олинган) билан чек норозилигини билдириш тартиби белгиланган (Ўзбекистон Республикаси қонунлари тўплами, 2010 й., № 13, 99-бет.).

Нотариус чекни тўловчига кўрсатиши шарт. Агарда чек бўйича у тўловни рад этса, бу ҳақда нотариус норозилик тўғрисидаги белгиланган шаклда акт тузади. Бу ҳақда реестрда ёзув юритади, шунингдек чекда тўланмаганлиги бўйича норозилик ҳақида белги қўйилади.

3. Шарҳланаётган моддада чек бўйича тўловдан бош тортганликни тасдиқлашнинг аниқ муддатлари белгиланган. Демак, норозилик ёки унга тенглаштирилган акт чекни тўловга тақдим этиш муддати ўтгунга қадар

амалга оширилиши керак. Агар чекни тўловга тақдим этиш муддатнинг охири кунида амалга оширилган бўлса, норозилик ёки унга тенглаштирилган акт кейинги иш кунида амалга оширилиши мумкин.

815-модда. Чек бўйича пул тўланмаганлигини хабар қилиш

Чек сақловчи пул тўланмаганлиги ҳақида норозилик билдирилган ёки шу каби ҳаракат амалга оширилган кундан кейинги икки иш куни мобайнида ўз индоссантига ва чек берувчига хабар қилиши шарт.

Ҳар бир индоссант билдириш олган кундан кейинги икки иш куни ичида ўзи олган билдириш ҳақида ўзининг (олдинги) индоссантига хабар бериши шарт. Ўша шахс учун аваль берган шахсга ҳам шу муддатда хабар юборилади. Кўрсатилган муддат давомида хабар юбормаган шахс чек бўйича ўз ҳуқуқларидан маҳрум бўлмайди. У чек бўйича пул тўланмаганлигини хабар қилмагани туфайли келтирилган зарарнинг ўрнини чек суммаси доирасида қоплаши шарт.

1. Мажбуриятларни ўз вақтида бажаришни таъминлаш ва маблағларнинг тўғри айланишини таъминлаш мақсадида манфаатдор шахсларни хабардор қилиш муҳлатлари ушбу моддада аниқ кўрсатилган. Индоссант ва чек берувчини тўлов амалга оширилмагани ҳақида норозилик билдирилган кундан кейинги икки иш куни ичида хабардор қилиш керак.

2. Ҳар бир индоссант ўзи хабар олганидан кейинги икки иш куни ичида ўзидан олдинги индоссант (чек эгаси) ни хабардор қилиши шарт. Бу шахсга аваль (кафолат) берган шахс ҳам икки иш куни ичида хабардор қилинади.

Бу муддат ичида хабар юбормаган чек сақловчи чек бўйича ўз ҳуқуқларидан маҳрум бўлмайди. Бу ҳолда чек сақловчи ўз вақтида хабар юбормагани учун чекдаги сумма чегарасида индоссант ёки авалистга етган зарарларни қоплашга мажбур (агар олдинги индоссоментлар ёхуд авалистда бундай ҳолат рўй берган бўлса).

816-модда. Чек бўйича пул тўламаслик оқибатлари

Тўловчи чек бўйича пул тўлашдан бош тортган ва бу ҳол ушбу Кодекснинг 814-моддасига мувофиқ тасдиқланганида чек сақловчи ўз хоҳишига кўра чек бўйича мажбуриятли бўлган битта, бир неча

ёки барча шахсларга (чек берувчи, авалчилар, индоссантларга) нисбатан даъво қўзғатишга ҳақли бўлиб, улар чек сақловчи олдида солидар жавобгар бўладилар.

Чек сақловчи мазкур шахслардан чек суммасини, чек бўйича пул олишга қилган ўз чиқимларини, шунингдек фоизларни ушбу Кодекс 327-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган микдорда ва тартибда тўлашни талаб қилишга ҳақли. Худди шундай ҳуқуққа чек бўйича пул тўлаши шарт бўлган шахс ҳам чек бўйича пул тўлаганидан кейин эга бўлади.

Чек сақловчининг ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахсларга нисбатан даъвоси чекни ҳақ тўлашга тақдим этиш муддати тамом бўлган кундан эътиборан олти ой мобайнида қўзғатилиши мумкин. Мажбуриятли шахсларнинг бир-бирларига нисбатан даъволари бўйича регресс талаблари тегишли мажбуриятли шахс талабни қондирган кундан ёки унга даъво қўзғатилган кундан бошлаб олти ой ўтгач қопланади.

1. Тўловчи агар чек бўйича тўловларни рад этса, чек сақловчи чек берувчига, индоссант ва авалистларга даъво қилишга ҳақли. Улар чек рад этилганидан ўз вақтида хабардор этилиши шарт. Солидар қарздорлар мажбуриятлар тўлиқ бажарилмагунича қарздор ҳисобланадилар.

2. Чек бўйича талаб қилувчи ким бўлишидан қатъий назар қуйидагиларни олиш ҳуқуқига эга:

- чекдаги кўрсатилган суммани;
- чек бўйича тўловларга алоқадор устамаларни;
- суднинг ҳал қилув қарори чиққан ёки даъво берилган кунда банк ҳисоб ставкалари фоизларни олишга ҳақли. Бу қоида шартнома ва қонунчиликда бошқача фоиз микдорлари кўрсатилмаганда қўлланилади (ФК 327-модда ва унинг шарҳига қаралсин).

3. Фуқаролик кодекси чек сақловчи даъво билдириши учун ва чек бўйича мажбуриятли шахсларга регресс даъво бериши учун қисқартирилган муддатларни белгилайди. Бу муддат уларнинг чек бўйича даъво билдириш ҳуқуқи вужудга келганидан бошлаб олти ой қилиб белгиланган.

46-БОБ. ТОПШИРИҚ

817-модда. Топширик шартномаси

Топширик шартномаси бўйича бир тараф (вакил) иккинчи тараф (топширик берувчи)нинг номидан ва унинг ҳисобидан муайян юридик ҳаракатларни содир этиш мажбуриятини олади. Вакил тузган битим бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар бевосита топширик берувчида вужудга келади.

Топширик вакил томонидан бир ёки бир неча муайян юридик ҳаракатларни содир этиш ҳақида ёки топширик берувчининг ишларини унинг кўрсатмаларига мувофиқ юритиш ҳақида берилиши мумкин.

Вакил алоҳида ҳуқуқларга эга бўладиган топширик шартномаси бўйича бир тараф (топширик берувчи) иккинчи тарафга (алоҳида ҳуқуқларга эга бўлган вакилга) топширик берувчи номидан ва унинг ҳисобидан маълум соҳада ёки (ва) маълум ҳудудда топширик берувчи учун юридик аҳамиятга эга бўлган ҳамма ҳаракатларни содир этишни топширади.

Топширик шартномаси ёзма шаклда тузилади.

Топширик шартномаси вакил топширик берувчининг номидан иш олиб боришга ҳақли бўладиган муддатни кўрсатган ёки бундай муддатни кўрсатмаган ҳолда тузилиши мумкин.

1. Ушбу модда 1-қисмидаги топширик шартномасининг (топширик — ингл. commission contract; нем. Auftrag m., Order f.) мазмуни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига (МДХга аъзо давлатлар фуқаролик кодексларидаги шундай нормалар каби) 1804 йилдаги Франциянинг Фуқаролик кодексига ўхшаш қабул қилинган. (1984-модда). Мазкур шартнома мазмуни Рим юристларининг фикрига кўра «ex officio utque amicitia» (жамоа манфаати ва мажбуриятдан келиб чиқиб), шахсан-вакиллик характерида эга; унинг зарурий белгиси бўлиб — тарафларнинг ўзаро ишончи ҳисобланади. Ушбу ҳолатлар топширик шартномасининг қўлланилиши,

бажарилиши ва тугатилишига доир ўзига хос хусусиятларни белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида белгиланган топширик шартномаси тўғрисидаги нормалар аввалдан мавжуд бўлган (ЎзССРнинг 1963 йилги Гражданлик қонунчилиги асослари) анъанавий, классик конструкцияга эга бўлган қонунчилик асосига таянади. У билан таққослаганда ҳозирги Ўз. Р ФКда мазкур институт бир оз такомиллашган ҳолда ўзида бир қатор янгича қоидаларни белгилайди. Биринчидан, Ўз. Р ФК мавжуд қоидаларни маълум маънода кенгайтирди ва аниқлаштирди. Ишонч билдирувчи (вакил) томонидан битим бўйича амалга оширилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар бевосита топширик берувчида (вакиллик қилувчида) вужудга келишини, вакил учинчи шахслар билан топширик берувчининг номидан ва унинг манфаатлари йўлида тузилган битим бўйича тараф сифатида иштирок этмайди. Иккинчидан, тижорат вакиллигига алоқадор бўлган қатор махсус кўрсатмалар киритилди.

Топширик шартномасида вакил топширик берувчи номидан ҳаракат қилиш мажбуриятини олиб, ўз юридик мазмунига кўра вакиллик қилиш шартномаси сингари аҳамият касб этади. (Ўз. Р ФКнинг 10 боби 129–133-моддалари). Шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар вакилнинг юридик ҳатти ҳаракатларидан келиб чикиб унинг ўзида эмас, топширик берувчида ўзгаради ва бекор бўлади. Топширик шартномасининг ушбу муҳим белгиси бошқа ҳар қандай вакилик учун характерли бўлиб ҳисобланади. Шу жиҳатдан топширик шартномаси бир шахснинг бошқа шахс номидан вакиллик қилишига ўхшайди. У вакиллик қилишга оид муносабатларнинг асосини ташкил этади. Шу боис, Ўз. Р ФКнинг 46 бобидаги нормалар унинг 10 бобидаги қоидалар билан бир хилликда татбиқ этилади.

Шарҳланаётган модда топширик шартномасида қатнашадиган шахслар доирасини чегараламайди. Топширик шартномасининг тарафлари бўлиб вакил ва топширик берувчи — муомалага лаёқатли юридик ҳамда жисмоний шахслар ҳисобланади. Ушбу шартномада тараф сифатида 16 ёшга тўлган Ўз. Р ФКнинг 28-моддасига мувофиқ (эмансипация қилинган) жисмоний шахс, юридик шахс эса агар, унинг уставида назарда тутилган ёки бу унинг фаолиятига мувофиқ бўлса, қатнашиши мумкин.

Вакил — топширик шартномаси бўйича иккинчи тарафга (топширик берувчига) топширик берувчи номидан ва унинг ҳисобидан топширик

берувчи учун юридик аҳамиятга эга бўлган муайян ҳаракатларни содир этувчи шахсдир.

Топширик берувчи — топширик шартномасига мувофиқ ўзининг номидан ва ўз ҳисобидан муайян юридик ҳаракатларни амалга оширишни бошқа шахсга (вакилга) ишонган тарафдир.

Топширик шартномасининг тузилиши ўзга шахсга субъектив ҳуқуқларга эга бўлиш ва мажбуриятларни бажариш бўйича ҳаракатларни амалга ошириш заруриятини тақозо этади. Мазкур шартнома фуқаролар ўртасида тузиладиган шартномаларнинг нисбатан кенг тарқалган тури ҳисобланади (ижарага бериш, уй жойни сотиш, моддий қимматликларни олиш, топширик ва хизматларни бажариш в.ҳк).

2. Топширик шартномасининг предмети — вакилнинг шундай юридик ҳатти ҳаракатларики, улар топширик берувчида муайян субъектив ҳуқуқлар ва юридик мажбуриятларнинг пайдо бўлиши, ўзгариши ва бекор бўлишига олиб келади (хужжатларни имзолаш, битим тузиш, товар ва хизматларни қабул қилиш ва.ҳк). Ушбу юридик ҳатти-ҳаракатлар ўртасида битимлар энг асосий ўринни эгаллайди. Умуман, топширик шартномасининг предмети ҳаракатлар ташкил этмайди. Шундан англаш мумкинки, ҳар қандай юридик ҳаракатлар ҳам топширик шартномасининг предмети ташкил этавермайди. Бу шундай юридик ҳаракатларки, у чуқур шахсий характер касб этиши билан бирга, қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилгани ҳолда вакиллик орқали амалга ошмайди (васиятнома тузиш, никоҳ шартномасини тузиш ва бекор қилиш, ота оналик ҳуқуқларини амалга ошириш, меҳнат шартномасини тузиш ва бекор қилиш ва.ҳк).

Топширик шартномасининг мақсади — вакилнинг топширик берувчи эга бўладиган субъектив ҳуқуқлар ва мажбуриятларни ўзгартириш ва бекор қилишга қаратилган ҳуқуқларини амалга ошириши.

Ушбу шартнома ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг пайдо бўлиш асосига кўра консенсуал шартнома ҳисобланади.

Топширик шартномаси ҳақ эвазига ва текин тузилиши мумкин. Ҳақ эвазига тузиладиган шартнома икки томонлама бўлади деган тушунча мавжуд. Топширик шартномаси ҳар қандай ҳолларда ҳам (ҳақ эвазига ёки текин) икки томонлама ҳисобланади — текинга тузиладиган шартномаларда нафақат вакилнинг мажбуриятлари, ҳеч бўлмаганда топширик берувчининг ижрони қабул қилиш мажбурияти ҳам мавжуд бўлади.

3. Кўпчилик ҳолларда вакилга топшириқ берувчига ўтиши билан тугайдиган бир хил ҳаракатларни бажариш мажбурияти юклатилади. Амалиётда шартнома шартларини келишиш, молиявий ҳисоб-китоблар ва бошқаларга ўхшаш катта ҳажмдаги турли ҳаракатларни бажариш сингари мураккаб топшириқлар бўлади.

Фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида юридик хизматларни зарур профессионал даражада (судда ҳимоя қилиш, мулкни тасарруф этиш ва ҳ.к.) кўрсата олдиган айрим ташкилотлар (вакилнинг мутлоқ ҳуқуқлари) билан ҳам топшириқ шартномалари тузилади.

4. Илгариги қонунчиликда топшириқ шартномасининг шакли ҳақида махсус қондан назарда тутилмаган ва уни умумий асосларда шаклан битимга ва шартномага тенглаштирилган эди, эндиликда шартноманинг ёзма шаклига риоя қилиш белгилаб қўйилди.

5. Мазкур қоида топшириқ шартномасини унинг ҳаракатда бўлиш муддатини кўрсатиш ёки кўрсатмасдан, уни тузиш имконини беради.

Топшириқ шартномаси муддати вакил томонидан амалга оширилиши лозим бўлган топшириқнинг характерни ҳисобга олиб аниқланади.

Агар, топшириқ шартномасида кўрсатилган топшириқдаги юридик ҳаракатлар белгиланган муддатда бажарилиши лозим бўлса, унинг бузилиши қарздорнинг ўз вақтида етказиб бермаганлиги натижасида зарарни қоплаш, неустойкани тўлаб бериш сифатида кўриб чиқилиши мумкин. Хусусан, олдин белгиланган вақтда топшириқ берувчи учун юборилган маҳсулотларни вакил иштирокида қабул қилиб олишда.

Кўпинча топшириқни бажаришнинг аниқ муддати кўрсатилмайди, бунда вакил ва топшириқ берувчи ўзаро топшириқни бажарилиши лозим бўлган даврни келишиб олишади, яъни белгиланган вақт чегарисида вакил ушбу топшириқ шартномасини бажариши мақсадга мувофиқ. Ушбу давр топшириқ берувчининг вакилган берган ишончномасининг муддатидан ташқарига чиқиши мумкин эмас.

Ноодатий усулда муддатни белгилаш топшириқ шартномасининг табиати билан белгиланади. Топшириқ берувчи манфаатлари доирасида топшириқ шартномасини бажаришда вакил кўзланган натижага эришиш учун тўлиқ қафолат булмайди, фақатгина ушбу натижага эришиш учун барча саъй ҳаракатларни амалга ошириши тўғрисида ваъда беради (бошқа

давлатга доимий яшаш учун кетган топширик берувчининг турар жойини, автомашинасини қатъий белгиланган муддатда сотиш). Шунинг учун топширик шартномасининг муддатининг ўтиши вакилнинг қарздорлигини келтириб чиқармайди.

Топширик шартномасига асосан топширик берувчи вакилга ишончнома бериш орқали вакилнинг учинчи шахслар олдида ишончли вакил эканлигини легаллаштиради (расман ваколатлайди). Ушбу ишночнома вакилнинг ваколатларини белгилаб топширик шартномасининг шартларини ўзида ақс эттиради. Ишончномада топширик шартномасида назарда тутилган юридик ҳаракатларнинг фақатгина бир қисми қамраб олиниши мумкин. Топширик берувчи ва вакил ўртасида низо келиб чиққанда топширик шартномасига асосланиб иш кўриш лозим бўлади. Шундай қилиб, вакил фақатгина топширик берувчи номидан ишончнома бўлгандагина иш кўриши мумкин. Ишончноманинг муддати Ўз. Р ФК 139-модда 1 қисмига асосан 3 йилдан ошиши мумкин эмас. Демак, агар топширик шартномаси бу муддатдан кўпроқ муддатга тузилган бўлса янги ишончнома тақдим қилиш зарур.

818-модда. Топширик шартномаси бўйича ҳақ тўлаш

Агар қонун ҳужжатларида ёки топширик шартномасида назарда тутилган бўлса, топширик берувчи ишончли вакилга ҳақ тўлаши шарт.

Агар топширик шартномаси иккала тараф ёки улардан бирининг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ бўлса, топширик берувчи, агар шартномада бошқа ҳол назарда тутилган бўлмаса, ишончли вакилга ҳақ тўлаши шарт.

Ҳақ тўлаш назарда тутилган топширик шартномасида тўланадиган ҳақнинг миқдори ва уни тўлаш ҳақидаги шартлар бўлмаса, ҳақ ушбу Кодекс 356-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ шунга ўхшаш хизматлар учун одатда қабул қилинган нархлар бўйича белгиланади ва топширик бажарилганидан кейин тўланади.

Вакил талаб қилинган ҳамма ҳаракатларни тегишли даражада амалга оширган, бироқ топширик у айбдор бўлмаган ҳолда бажарилмай қолган тақдирда ҳам ҳақ тўланиши керак.

Тижорат вакили сифатида иш олиб борувчи ишончли вакил ушбу Кодекснинг 290-моддасига мувофиқ, топшириқ берувчига топширилиши керак бўлган ўз қўлидаги ашёларни топшириқ шартномаси бўйича ўз талабларини таъминлаш учун ушлаб туришга ҳақли.

1. Ушбу модданинг мазмуни қарийиб тўлиқлигича янги ҳисобланди. Умумий қоидага асосан бу турдаги шартнома ҳақ олинмайдиган ҳисобланади. Қочонки топшириқ берувчи томонидан ҳақ тўлаш мажбурияти қонун ҳужжатларида ёки топшириқ шартномасида назарда тутилган бўлсагина ҳақ тўланадиган ҳисобланади.

2. Топшириқ шартномасининг мустақил тури сифатида тижорат вакили билан муносабатларни тартибга солувчи шартнома кўрилади (ФК 133-модда). Тижорат вакили билан тузиладиган шартномада бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса ҳақ тўланадиган ҳисобланди. Ҳақ тўланмайдиган топшириқ шартномасидан фарқли равишда тижорат вакили билан тузиладиган шартнома ҳақ тўланадиган ҳисобланади (ФК 133-модда 3-қисм). Шундай қилиб, бу ерда тўлаб бериш презумпцияси амал қилади.

3. Ҳақ тўланадиган топшириқ шартномасида нархлар томонлар келишувига асосан белгиланади. Топшириқ шартномасининг нархи борасида қонунчиликда қандайдир тарифлар, прејксурантлар ёки нархларни меъёрлаштирувчи императив (мажбурлов) нормалар мавжуд эмас. Тўлаб бериладиган ҳақнинг миқдори масаласига, бошқа ҳолатлардаги каби муҳим аҳамият берилмайди. Шартномада тўлаб бериладиган ҳақнинг миқдори кўрсатилмаган бўлса, ФК 356-модда 4-қисмига асосан шунга ўхшаш ҳолатларда айнан шундай хизматлар учун тўланадиган миқдорда тўланиши лозим.

Демак, ҳақ тўланадиган топшириқ шартномаси учун тўлаб бериладиган ҳақнинг миқдори муҳим шарт ҳисобланмайди, миқдор белгиланмаган бўлса тўлаб бериладиган ҳақнинг миқдоридан келиб чиқиб одатда бундай юридик хизмат учун тўланади ҳақ миқдоридан тўлаб берилди.

4. Вакил талаб қилинган ҳамма ҳаракатларни тегишли даражада амалга оширган, бироқ топшириқ у айбдор бўлмаган ҳолда бажарилмай қолган тақдирда ҳам ҳақ тўланиши керак. Мисол учун, ҳақ тўланадиган топшириқ шартномасига асосан вакил турар жойни сотиш бўйича барча ҳаракатларни амалга оширди. Лекин кўчмас мулк бозоридаги нархларнинг кескин тушиши оқибатида белгиланган муддатда ушбу уйни топшириқ берувчи томонидан қатъий белгиланган нархда сота олмади.

5. Ушбу модданинг 5-қисмида назарда тутилган қоидалар янги ҳисобланади. Тижорат вакилининг манфаатлари одатдаги вакилнинг манфаатларидан фарқли равишда катта миқдорда ҳимояга эга. Тижорат вакилига, топшириқ берувчига топширилиши керак бўлган ўз қўлидаги ашёларни топшириқ шартномаси бўйича ўз талабларини таъминлаш учун ушлаб туриш ҳуқуқи берилган. Бундай талабларга ҳақ тўлаш, топшириқни бажариш билан боғлиқ ҳаражатларни қоплаш киритилиши мумкин.

819-модда. Топшириқни топшириқ берувчининг кўрсатмаларига мувофиқ бажариш

Вакил ўзига берилган топшириқни топшириқ берувчининг кўрсатмаларига мувофиқ бажариши шарт. Топшириқ берувчининг кўрсатмалари аниқ, йўл қўйиладиган ва бажариладиган бўлмоғи керак.

Агар ишнинг ҳолатларига кўра топшириқ берувчининг манфаатлари учун унинг кўрсатмаларидан четга чиқиш зарур бўлса ҳамда вакил топшириқ берувчидан бу ҳақда олдиндан сўрай олмаган ёхуд ўз сўровига оқилона муддатда жавоб олмаган бўлса, у топшириқ берувчининг кўрсатмаларидан четга чиқишга ҳақли. Бундай ҳолларда вакил хабар бериш имкони туғилиши биланок йўл қўйилган четга чиқишлар ҳақида топшириқ берувчига хабар бериши шарт.

Топшириқ берувчи тижорат вакили сифатида иш олиб борадиган вакилга топшириқ берувчининг манфаатларини кўзлаб олдиндан сўров юбормаган ҳолда топшириқ берувчининг кўрсатмаларидан четга чиқиш ҳуқуқини бериши мумкин. Бундай ҳолларда тижорат вакили, агар топшириқ шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, йўл қўйилган четга чиқишлар ҳақида топшириқ берувчига оқилона муддатда хабар бериши шарт.

1. Биринчи қисм фуқаролик конунчилигида олдин бўлган ҳолатни акс эттиради. Топшириқ берувчининг ишончли вакилга берадиган кўрсатмалари аниқ, йўл қўйиладиган ва бажариладиган бўлмоғи кераклиги тўғрисидаги ҳолат янги ҳисобланди.

Ушбу нормага мисол сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин: вакил бозордаги ҳолатнинг ўзгараётганлигини билиб нархлар тушиб

кетмасдан имкон даражасида максимал нархларда товарларни сотиш тўғрисида қарор қабул қилади, чунки тезда қарор қабул қилиш лозим. Чунки бу борада топширик берувчининг кўрсатмасини қисқа муддатда олиш имкони йўқ, вакилнинг ҳаракатлари топширик берувчининг манфаатларига мос келади. Ушбу шартлардан бири мавжуд бўлмаганда (айтайлик, вакил имконияти бўла туриб топширик берувчидан рухсат олмади) шартнома бўйича етказилган салбий оқибатни қоплаш вакил зиммасига юклатилади. Агар ишнинг ҳолатларига кўра топширик берувчининг манфаатлари учун унинг кўрсатмаларидан четга чиқиш зарур бўлса ҳамда вакил топширик берувчидан бу ҳақда олдиндан сўрай олмаган ёхуд ўз сўровига оқилона муддатда жавоб олмаган бўлса, у топширик берувчининг кўрсатмаларидан четга чиқишга ҳақли. Бундай ҳолларда вакил хабар бериш имкони туғилиши биланок йўл қўйилган четга чиқишлар ҳақида топширик берувчига хабар бериши шарт.

2. Тижорат вакили билан бўладиган муносабатларда қонунчиликда топширик берувчининг кўрсатмаларига риоя қилиш бўйича бошқа қоидалар ўрнатиш имконияти назарда тутилган: топширик берувчи шартномада олдиндан хабардор қилмасдан кўрсатмалардан четга чиқиш ҳуқуқини мустаҳкамлаб қўйиши мумкин агарда барча кўрсатмалардан четга чиқишлар топширик берувчи манфаатларини кўзлаб амалга ошириладиган бўлса. Ушбу ҳолатларда тижорат вакили оқилона муддатда содир этилган четга чиқишлар тўғрисида хабардор қилишга мажбур. Ёки топширик шартномасида четга чиқиш ҳолатларида хабардор қилиш муддатлари ёки хабардор қилиш усуллари тўғрисидаги қоидалар мустаҳкамланиши лозим.

Ушбу модданинг 3 қисмида мустаҳкамланган қоидалар диспозитив ҳисобланади, топширик берувчи четга чиқишлар тўғрисида хабардор қилиш борасида вакилга эркин ҳаракат қилиш ҳуқуқини бериб қисқа муддатларда хабардор қилиш мажбуриятини олиб ташлаши мумкин.

820-модда. Вакилнинг мажбуриятлари

Вакил қуйидагиларни бажариши:

ўзига берилган топширикни ушбу Кодекснинг 822-моддасида кўрсатилган ҳоллардан ташқари, шахсан ўзи бажариши;

топширик берувчининг талабига мувофиқ унга топширик қандай бажарилаётганлиги ҳақида маълумот бериб туриши;

топширикни бажариш учун тузилган битимлар бўйича олинган ҳамма нарсани кечиктирмасдан топширик берувчига топшириши;

топширик бажариб бўлинганидан кейин амал қилиш муддати тамом бўлмаган ишончномани кечиктирмасдан топширик берувчига қайтариб бериши ва, агар шартнома шартларига ёки топшириқнинг хусусиятига кўра зарур бўлса, ҳисобот тақдим этиб, унга исботловчи ҳужжатларни илова қилиши шарт.

1. Топширик шартномаси ҳақ тўланиши ёки тўланмаслигидан қатъий назар ўзаро тузилган шартнома ҳисобланади. Топширик берувчи ҳам вакил ҳам шартномага асосан ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

Топширик шартномасида шахсан ишонч билдирилганлигини инобатга олиб вакилнинг бош мажбурияти бу топширикни шахсан бажариши ҳисобланади. Жисмоний шахслар учун бу топширик бўйича юридик ҳаракатларни шахсан бажариш ҳисобланса, юридик шахслар учун эса — унинг органлари ёки ишчилари томонидан бажарилиши ҳисобланди. Шартнома предметида келиб чиқиб шахсан бажариш тўғрисидаги мажбурият фақат юридик ҳаракатлар учун тегишли.

Объектив сабабларга кўра вакил ҳар доим ҳам топшириқларни шахсан ўзи бажара олмаслиги мумкин (касаллик, хизмат сафари, енгиб бўлмайдиган кучлар таъсирида ва бошқалар). Бу ҳолатларда топширик берувчининг манфаатларини таъминлаш бўйича юридик ҳаракатлар содир этиш лозим бўлса, вакил истисно тариқасида ушбу топширикни бажаришни бошқа шахсга ўринсбосарига топшириши мумкин. (ФК 822-моддасининг шарҳига қаранг).

2. Вакил топширик берувчининг талабига мувофиқ топширик қандай бажарилаётганлиги ҳақида маълумот бериб туришга мажбур, яъни шартнома мақсадларига эришиш учун тўсқинлик қилувчи барча ҳолатлар тўғрисида хабар бериши лозим. Бу топширик берувчига доимо хабардор бўлиб бориш имкониятини беради ва зарурият туғилганда ўз вақтида муносабат билдириш ва ўз манфаатларига таҳдид солиши мумкин бўлган ҳолатнинг олдини олиш ёки кўрсатмани ўз фойдасига хизмат қиладиган тарзда ўзгартириш имкониятини беради.

3. Топширик берувчига топширилиши лозим бўлган пуллар, буюмлар, ҳужжатлар ва бошқа нарсалар вакил томонидан қабул қилиб олингандан

бошлаб топширик берувчига топширилган ҳисобланади. Шу сабабли, ушбу нарсаларни топширишда вакил айби билан кечиктириш ёки рухсатсиз ҳаражат қилиш ҳолатларида топширик берувчи нафақат унга тегишли бўлган нарсаларни қайтариш балки етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Вакил топширик берувчига топширилиши керак бўлган ўз қўлидаги ашёларни топширик шартномаси бўйича ўз талабларини таъминлаш учун ушлаб туриш ҳуқуқи берилган (Ўз. Р ФК 818-модда 5 қисми).

4. Вакил топширикни бажариб бўлинганидан ёки шартнома бекор қилингандан кейин амал қилиш муддати тамом бўлмаган ишончномани кечиктирмасдан топширик берувчига қайтариб бериши шарт.

Вакил топширикни бажариб бўлгани ҳақида топширик берувчига тўлиқ ҳисобот тақдим этиши, унга исботловчи ҳужжатларни илова қилиши шарт. Ушбу мажбуриятларни бажариш мураккаб топшириклар учун муҳим аҳамият касб этади.

821-модда. Топширик берувчининг мажбуриятлари

Агар топширик шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, топширик берувчи қуйидагиларни бажариши:

вакилни топширикни бажариш учун зарур маблағлар билан таъминлаши;

вакил шартномага мувофиқ бажарган ишни кечиктирмасдан қабул қилиб олиши;

вакил топширикни бажариш учун қилган зарур ҳаражатларни тўлаши;

топширик бажарилганидан кейин, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада назарда тутилган бўлса, вакилга ҳақ тўлаши шарт.

1. Модомики, вакил топширик берувчи манфаатлари юзасидан ҳаракат қилар экан, у топширик берувчи ҳисобидан ҳаракат қилади. Шундай экан, топширик берувчи вакилни топширикни бажариш учун зарур маблағлар билан таъминлашга мажбур.

2. Топширик берувчи томонидан ишни кечиктирмасдан қабул қилиб олиш тўғрисида гап кетар экан шартномага асосан уни бажариш назарда тутилади. Топширик берувчи вакил шартномага мувофиқ бажарган

ишни кечиктирмасдан қабул қилиб олишга мажбур. Қабул қилиб олман тақдирда топшириқ берувчи муддатини ўтказиб юборган кредитор ҳисобланади.

3. Шартномада бундай ҳолат назарда тутилганми ёки йўқми бундан қатъий назар топшириқ берувчи вакил топшириқни бажариш учун қилган зарур харажатларни тўлашга мажбур. Шартномада вакилнинг топшириқни бажариш учун зарур маблағлар билан олдиндан таъминлаш ёки кейинчалик қилинган харажатларни қоплаш тўғрисида шарт мавжуд бўлган ҳоллар бундан мустасно.

Вакилнинг топшириқни бажариш учун ўз ҳисобидан харажат қилиб кейинчалик топшириқ берувчидан ундириб олиш масасали қонунчиликда назарда тутилмаган. Лекин вакил топшириқ берувчининг манфаатларини кўзлаб топшириқни бажариш мақсадида ўз маблағларини сарфлаши мумкин. Вакилнинг харажатлари миқдори чегараси қонунчилик билан белгиланмаган. Топшириқ шартномасида томонлар харажатларнинг максимал чегарасини белгилаб қўйган бўлсаларда, бу ҳолат вакилга қўшимча қилинган ишни бажариш билан боғлиқ зарур харажатларни талаб қилишга тўсқинлик қилмайди.

4. Номоддий хизматлар кўрсатиш бўйича мажбуриятларда ҳақ тўлаш иккинчи даражали элемент ҳисобланди. Қонунчилик топшириқ шартномасининг қўлланиш доирасини нафақат мажбурий муносабатларда балки, топшириқ шартномасини ихтиёрий вакиллик пайдо бўлишига асос сифатида кўриб чиқади. Бунга ҳақ тўланмайдиган тошириқ шартномаси мисол бўла олади.

Топшириқ шартномасига асосан ҳақ тўлаш агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада топшириқ берувчининг вакилга ҳақ тўлаш мажбурияти назарда тутилган бўлса, вакилга ҳақ тўлаши шарт.

822-модда. Топшириқни бажаришни бошқа шахсга ишониб топшириш

Агар топшириқ шартномасида назарда тутилган бўлса ёки вакил топшириқ берувчининг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида вазият тақозоси билан мажбур бўлса, вакил топшириқнинг бажарилишини бошқа шахсга (ўринбосарга) топширишга ҳақли.

Топшириқни бажаришни бошқа шахсга ишониб топширган вакил бу ҳақда дарҳол топшириқ берувчини хабардор қилиши шарт.

Топшириқ берувчи вакил танлаган ўринбосарни рад этишга ҳақли, ўринбосарнинг номи топшириқ шартномасида келтирилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар вакил ўринбосарининг номи шартномада кўрсатилган бўлса, вакил ишларнинг ўринбосар томонидан олиб борилиши учун жавобгар бўлмайди.

Агар ишларнинг ўринбосар томонидан олиб борилиши топшириқ шартномасида назарда тутилган бўлса-ю, лекин ўринбосарнинг номи унда кўрсатилган бўлмаса, вакил ўринбосарнинг айбли ҳаракатлари учун жавобгар бўлмайди.

Агар вакилнинг ўринбосари томонидан иш юритилиши топшириқ шартномасида назарда тутилмаган бўлса, вакил ўз ўринбосарининг ҳар қандай ҳаракатлари учун жавобгар бўлади.

1. Ушбу модда умумий қоидадан истиснолар қилиш мумкинлигига руҳсат беради, юқорида таъкидлаб ўтилганидек (ФК 820-модда 1-қисми), вакил топшириқни шахсан бажариши лозим. Бундай номоддий восита-чилик хизматларида вакилнинг шахси муҳим аҳамият касб этади. Вакил топшириқни бажаришда у ёки бу шахсларнинг ёрдамига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга, уларга алоҳида вазифалар бериши мумкин, масалан, олинган товарларни санаш, омбордан товарларни олиб бериш, ҳисоб-китоб ишларни амалга ошириш ва бошқалар. Агар, ишончномада ёки топшириқ шартномасида бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, ёрдамчиларнинг ҳаракатлари топшириқ берувчининг зиммасига мажбурият юкламайди. Бироқ топшириқни бажарилишини тўлиқ ёки қисман бошқа шахсга топширишга (ФК 140-моддасида) назарда тутилган ҳолатларда ва шартларда амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Топшириқнинг бажарилишини бошқа шахсга топшириш ўзига хос мажбурият юклайди, чунки ишончномада назарда тутилган бўлса ёки топшириқ берувчининг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида вазият тақозоси билан мажбур бўлсагина бошқа шахсга алмаштириш ҳуқуқига эга.

Чунки, вакилнинг ўзи ишонч билдирилган шахс ҳисобланади, шу сабабли у топшириқнинг бажарилишини ўринбосарига топширганлиги тўғрисида дарҳол топшириқ берувчига бу ҳақда хабар бериши лозим.

Мисол учун, қарзни бошқага ўтказиш тўғрисидаги ишларда, бундай ишларни бошқа шахсга топширишда кредитор-топшириқ берувчининг розилиги керак бўлади, шу сабабли вакил томонидан тайинланган ўринбосар топшириқ берувчи томонидан четлаштирилиши мумкин.

2. Ушбу модданинг 3-қисмида кўрсатилган ҳолатлар янги ҳисобланади. Топшириқ берувчининг топшириғини бажаришни ўринбосарга топширган вакил ўринбосарнинг ҳатти-ҳаракатлари учун жавоб берадими деган саволга ойдинлик киритади. Ўз-ўзидан тушунарлики, агар ўринбосар топшириқ берувчи томонидан тайинланган бўлса, унинг ҳаракатлари учун вакил жавоб бермайди.

3. Қонунчиликдаги барча талабларга риоя қилган ҳолда топшириқни бажаришни ўринбосарга топширган вакил топшириқ берувчи олдида фақатгина танлаган ўринбосари учун жавоб беради, ўринбосарнинг ҳатти-ҳаракатлари учун эмас. Мисол учун, вакил мураккаб ускунани қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаш масаласини, ушбу ускунанинг характеристикаси, хусусияти ва бошқа ҳолатлар тўғрисида тасаввурга эга бўлмаган шахсга ўринбосар сифатида топширса, нолайиқ ўринбосарга топширгани учун топшириқ берувчи олдида ушбу танлови учун жавоб беради. Бироқ топшириқ шартномасида бўлиши мумкин бўлган ўринбосар кўрсатилиши мумкин. Бундай ҳолатларда вакил топшириқ шартномасида кўрсатилган ўринбосарга топшириб топшириқ берувчи олдида на ўринбосарнинг танлови учун, на унинг ҳатти-ҳаракати учун жавоб бермайди.

Агарда, топшириқ шартномасида ўринбосар томонидан ишларни юритиш масаласи кўрсатилмаган бўлса, вакил ўз ўринбосарининг барча ҳатти-ҳаракатлари учун жавоб беради.

823-модда. Топшириқ шартномасининг бекор бўлиши

Топшириқ шартномаси:

топшириқ берувчи топшириқни бекор қилиши;

вакил топшириқдан бош тортиши;

топшириқ берувчининг ёки вакилнинг вафот этиши, улардан бирининг муомалага лаёқатсиз, муомала лаёқати чекланган ёки бедарак йўқолган деб топилиши натижасида тўхтатилади.

Топширик берувчи истаган вақтда топширикни бекор қилишга, вакил эса топшириқдан бош тортишга ҳақли. Бу ҳуқуқдан воз кечиш ҳақидаги келишув ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

Агар вакил топширик шартномасининг бекор қилингани ҳақида билмаган ва билиши лозим бўлмаган бўлса, унинг топширик берувчининг кўрсатмасига мувофиқ қонуний равишда қилган ҳаракатлари топширик берувчи (унинг қонуний вориси) зиммасига учинчи шахслар ва вакилга нисбатан мажбурият юклайди.

Тадбиркор сифатида иш олиб бораётган вакил билан топширик шартномасидан бош тортаётган тараф шартномани бекор қилиш тўғрисида иккинчи тарафни, агар шартномада узоқроқ муддат назарда тутилган бўлмаса, камида ўттиз кун олдин хабардор қилиши шарт. Тижорат вакили бўлган юридик шахс қайта ташкил этилганида топширик берувчи ўз топшириғини ана шундай олдиндан хабар бермай туриб бекор қилишга ҳақли.

1. Вакил томонидан мажбуриятларнинг тўлиқ бажарилиши билан ҳамда бошқа асосларга кўра мажбуриятларнинг тугаши билан топширик шартномаси бекор бўлади.

Томонлардан бирининг бир томонлама шартномани бекор қилиши мумкинлиги топширик шартномасининг ўзига хос томонларидан бири ҳисобланади.

2. Топширик берувчи ёки вакилнинг ўлими билан боғлиқ вазиятлар, улардан бирини муомалага лаёқатсиз, муомала лаёқати чекланган ёки бедарак йўқолган деб топилган ҳолатлари топширик шартномасини бекор қилиш учун алоҳида ҳолат ҳисобланиб қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбуриятларнинг бекор бўлиши билан бир қаторда бекор бўлиши мумкин. Демак, вакилнинг ўлими билан топширик шартномасини бажариш имконияти қолмайди. Бу турдаги шартномаларга ҳуқуқий ворисликни қўллаб бўлмайди. Лекин, вакилнинг ворисларига топширик шартномасининг бекор бўлганлиги тўғрисидаги ахборотни хабар қилиш мажбурияти ҳамда топширик берувчининг мулкани қўриқлаш чораларини кўриш юклатилади. Хусусан, ворислар топширик берувчининг мулкани кўрсатиши ва сақлаши ҳамда унга мулкни ва ҳужжатларни топшириши лозим. Худди шундай мажбурият топширик берувчининг вазифаларини бажарувчи юридик шахсни тугатувчига ҳам юклатилади (825-модда 1-қисми). Топширик берувчи ҳисобланган фуқаронинг ўлими,

унинг номидан юридик ҳаракатлар олиб боришни, вакилнинг ўлими эса — шахсан топшириқни бажаришни истисно қилади.

Вакилни муомалага лаёқатсиз, чекланган муомала лаёқатли ёки бедарак йўқолган деб топиш ҳолатларда топшириқ шартномасини шахсан бажариш автоматик равишда мумкин эмас.

Топшириқ берувчининг бедарак йўқолганлиги, вафот этганлиги ёки муомалага лаёқатсиз бўлиб қолганлиги ёхуд муомала лаёқатининг чекланганлиги туфайли топшириқ берувчининг манфаатларини кўзлаб ҳимоя қилиш вазифаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бирор-бир шахсга, масалан, васийга, ҳомийга юклатилгунга қадар вакил ишни олиб боришга, топшириқни адо этишга мажбур бўлади.

3. Топшириқ берувчи истаган вақтда топшириқни бекор қилишга, вакил эса топшириқдан бош тортишга ҳақли. Шундай қилиб, топшириқ шартномаси исталган вақтда томонлардан бирининг хоҳишига кўра бир томонлама бекор қилиниши мумкин. Шу билан бирга, топшириқ шартномасини бажаришдан бош тортиш ҳуқуқий ҳисобланиб ва мажбуриятларнинг бузилиши сифатида кўриб чиқилмайди. Бундан ташқари, ушбу нормада топшириқ шартномасидан бир томонлама бош тортиш ҳуқуқини ҳақиқий эмас деб топиш масаласи ҳам кўриб чиқилган. Ушбу қоида императив ҳисобланди. Бу ҳолат сабаблими ёки сабабсизми, асослими ёки асоссизми, топшириқ шартномасининг томонлари учун тегишли, жисмоний шахсми ёки юридик шахсми бунга боғлиқ эмас.

Одатда ушбу қуйидагича изоҳланади, топшириқ берувчи билан вакил ўртасида ўзаро ишончли муносабатлар мавжуд бўлиши лозим, исталган вақтда ушбу сифатнинг йўқолиши билан топшириқ берувчи ҳам вакил ҳам топшириқ шартномасини бажаришдан бош тортиши мумкин. Бирок, ушбу муносабатлардан томонлар ўртасидаги ишонч муносабатлари қанчалик муҳим аҳамият касб этса, топшириқ шартномасининг предмети сифатида номоддий хизматларнинг иқтисодий ўзига хослиги ҳам шу даражада муҳим ҳисобланди. Топшириқ берувчи томонидан агар вакил топшириқни бажаришни хоҳламаса уни ушбу топшириқни бажаришга мажбурлайдиган ҳуқуқий таъсир ўтказиш усуллари мавжуд эмас. Топшириқ берувчи вакилга тўлиқ ишониши лозим.

Модомики, топшириқ берувчи томонидан топшириқнинг бекор қилиниши ва вакилнинг топшириқни бажаришдан бош тортиши топшириқ

шартномасини бекор қилишга ҳуқуқий асос бўлиб, умумий қоидага асосан, топшириқ шартномасини бир томонлама бекор қилиниши иккинчи томонга шартномани бекор бўлиши билан боғлиқ етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги талаб қилишга асос бўлмайди.

ФКда ушбу қоидани истисно қиладаган ҳолат кўзда тутилмаган. Шу билан бирга, шунга ўхшаш ҳолатларда томонларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш механизми РФ қонунчилигида кўзда тутилган бўлиб унда вакил ёки топшириқ берувчининг бир томонлама ҳаракати натижасида шартномани бекор қилиш имконияти мавжуд. РФ ФК 978-моддасининг 2 ва 3-қисмлари қуйидаги қоидаларни кўзда тутди: «Топшириқ берувчининг топшириғини бажаришдан вакилнинг бош тортиши топшириқ шартномасини бекор бўлиши билан боғлиқ етказилган зарарни қопламасликка асос бўлмайди, лекин топшириқ берувчи ўз манфаатларини бошқача ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаган ҳолатлар бундан ташқари ҳамда вакилнинг тижорат вакили сифатида шартномани бажаришдан бош тортиши истисно қилиниши мумкин». Масалан, топшириқ берувчи узоқ вақт чет элда хизмат сафарида бўлган вақтда вакил топшириқ шартномаси бажаришдан бош тортса, у дарҳол ўринбосар қўйишга ёки бошқа вакил тайинлашга имконияти бўлмаса. Вакилнинг бош тортиши натижасида ўз вақтида мулкни топширмаслик, мулкни сақлаш билан боғлиқ харажатларни ўз вақтида тўлай олмаслик ва бошқа топшириқ берувчи зарар етади. Модомики топшириқ берувчининг ҳолати ўша вақтда ўз манфаатларини ҳимоя қилишган имкон бемаган бўлса, вакил топшириқ берувчига етказилган зарарни қоплашга мажбур. Бу қоидани (вакил томонидан етказилган зарарни қоплаш) Ўз. Р ФКда мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

4. Агар, вакил топшириқ шартномасининг бекор қилинганлигини билмаган ёки билиши мумкин бўлмаган бўлса, унинг топшириқ берувчининг кўрсатмасига асосан содир этган ҳатти-ҳаракатлари топшириқ берувчининг (унинг ҳуқуқий ворисининг) учинчи шахслар ва вакил олдида мажбурият юклайди.

Тадбиркор сифатида иш олиб бораётган вакилнинг топшириқ шартномасини бекор қилиши ўзига хос қоида белгиланган. Ушбу ҳолатда тадбиркор сифатида иш олиб бораётган вакил билан топшириқ шартномасидан бош тортаётган тараф шартномани бекор қилиш тўғрисида

иккинчи тарафни, агар шартномада узоқроқ муддат назарда тутилган бўлмаса, камида ўттиз кун олдин хабардор қилишга мажбур. Бу қоида топшириқ берувчининг ҳам вакилнинг манфаатларига тўғри келади. Тижорат вакили бўлган юридик шахс қайта ташкил этилганида топшириқ берувчи ўз топшириғини ана шундай олдиндан хабар бермай туриб бекор қилишга ҳақли.

824-модда. Топшириқ шартномасини бекор қилиш оқибатлари

Агар топшириқ шартномаси топшириқ вакил томонидан тўлиқ бажарилишидан олдин бекор қилинган бўлса, топшириқ берувчи вакилга топшириқни бажариш вақтида қилинган чиқимларни тўлаши, вакилга ҳақ берилиши керак бўлганида эса, унга бажарилган ишга мувофиқ ҳақ тўлаши ҳам шарт. Бу қоида вакил топшириқнинг бекор қилинганини билган ёки билиши лозим бўлганидан кейин бажарган топшириққа татбиқ этилмайди.

Агар, топшириқ шартномаси вакил томонидан тўлиғича бажарилгунча бир томонлама бекор қилинса, қайси томоннинг ташаббуси билан шартнома бекор қилинганлигидан қатъий назар томонлар белгиланган мажбуриятларни бажариши лозим. Вакил топшириқ берувчига тегишли бўлган барча нарсаларни шу жумладан, ишончномани қайтаришга мажбур ҳисобланса, топшириқ берувчи вакилга топшириқ шарномаси бекор қилингунга қадар бўлган вақтда қилинган чиқимларни тўлашга мажбур. Бундан ташқари, ҳақ тўланадиган топшириқ шартномаларида топшириқ берувчи топшириқ шарномаси бекор қилингунга қадар бўлган вақтга тўланиши лозим миқдордаги ҳақни вакилга тўлаб беришга мажбур. Агар вакил топшириқ берувчи томонидан топшириқ шартномаси бекор қилингундан кейин ҳам уни бажаришда давом этса, бу ҳақда хабардор бўлган ёки билиши лозим бўлган вақтдан бошлаб қилган чиқимларни ундириш ҳукуқидан маҳрум бўлади.

825-модда. Топшириқ шартномасида ҳукуқий ворислик

Вакил вафот этган тақдирда, унинг меросхўрлари ёки мерос мулкнинг сақланишини таъминлаш мажбурияти юклатилган

бошқа шахслар топширик шартномаси бекор қилиниши ҳақида топширик берувчига кечиктирмай хабар беришлари ҳамда топширик берувчининг мол-мулкани муҳофаза қилиш учун зарур чораларни кўришлари, хусусан, топширик берувчининг ашёларини, шунингдек ҳужжатларини сақлаб қўйишлари, сўнгра эса унга топширишлари шарт. Вакил (ишончли вакил) бўлган юридик шахсни тугатаётган шахснинг зиммасида ҳам шундай мажбурият бўлади.

Вакил (ишончли вакил) сифатида иш олиб бораётган юридик шахс қайта ташкил этилганида топширик берувчи бу ҳақда дарҳол хабардор қилиниши керак. Мазкур ҳолатда бундай юридик шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, агар топширик берувчи ўттиз кунлик муддатда топширик шартномасидан бош тортишини маълум қилмаса, унинг қонуний ворисига ўтади.

Вакил вафот этган тақдирда ёки вакил ҳисобланган юридик шахс тугутилганда мазкур модда учинчи шахсларга белгиланган мажбуриятлар юклайди. Ушбу ҳолатларда вафот этган шахснинг ворислари ёки юридик шахсни тугатган ликвидатор топширик берувчининг манфаатларини таъминловчи чоралар кўришга мажбур. Вафот этган шахснинг ворислари топширик берувчига тегишли бўлган буюмларни, ҳужжатларни сақлашга ҳамда ушбу мулкларни топширишга мажбур деган олдин мавжуд бўлган қоидани тўлдиради. Худди шу қоиданинг юридик шахснинг ликвидатори учун ҳам қўлланиши янги ҳисобланади.

47-БОБ. БЕГОНА ШАХСНИНГ МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ ТОПШИРИҚСИЗ ҲАРАКАТ ҚИЛИШ

826-модда. Бегона шахснинг манфаатини кўзлаб ҳаракат қилиш шартлари

Манфаатдор шахсга ёки унинг мол-мулкига зарар етказилишининг олдини олиш, унинг мажбуриятларини бажариш ёки унинг қонунга зид бўлмаган бошқа манфаатларини кўзлаб, унинг топшириғисиз, бошқа кўрсатмасисиз ёки олдиндан ваъда берилган розилигисиз қилинган ҳаракатлар (бегона шахснинг манфаатини кўзлаб қилинган ҳаракатлар) очик кўриниб турган манфаат ёки фойдадан ҳамда манфаатдор шахснинг ҳақиқий ёки эҳтимол тугилган ниятларидан келиб чиқиб ҳамда ишнинг ҳолатларига кўра зарур ғамхўрлик ва эҳтиёткорлик билан қилинмоғи керак.

Ушбу бобда назарда тугилган қоидалар бундай ҳаракатлар фаолиятининг мақсадларидан бири бўлган давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бошқа шахслар манфаатлари йўлида амалга оширадиган ҳаракатларга нисбатан қўлланмайди.

1. Ҳаётда шундай вазиятлар юз берадики, бир шахс бошқа бир шахс манфаати йўлида ундан бирор-бир ваколат олмаган ҳолда, маълум ҳаракатларни амалга оширади. Бу турдаги мажбуриятлар хали рим ҳукуки давридаёқ *неготиорум гестио* — топшириқсиз бегона ишларни юритиш (ёки умуман бегона ишлар ҳақида ғамхўрлик). *Неготиорум гестио* рим терминига «топшириқсиз» сўзи римлик юристлар томонидан емас, кейинги адабиётларда мазкур мажбуриятнинг зарурий белгиси — шартнома йўқлигини таъкидлаш учун қўшимча қилинган. Мазкур ҳолатда шартнома ҳам, деликт ҳам ҳисобланмайдиган бир томонлама битимлар ёки бир қанча бошқа фактлар мажбуриятнинг тузилиши асоси бўлиб ҳисобланган. Римлик юристлар бундай мажбуриятларга «шартномадан келиб чикувчи мажбуриятлар» номини бераётиб, шундай амалий хулоса

қилганларки, бундай ҳолатларда томонларнинг жавобгарлиги чегараси ва шароитлари ҳақида вужудга келувчи баҳсли масалалар шунга мос келувчи ўхшаш шартномаларга мувофи равишда ҳал қилинади.¹

Бегона шахснинг манфаатини кўзлаб топшириқсиз ҳаракат қилиш «де-юре» институти фуқаролик ҳуқуқида 1961 йилги ССР иттифоқи ва иттифокдош республикалари фуқаролик қонунчилиги Асослари қабул қилиниши билан ўз тасдиғини топган. Унинг 118-моддасида шундай мажбурият топшириқсиз бошқа шахснинг манфаати ёки тегишли ваколатсиз бошқа шахснинг мулкый манфаатларига таҳдидни бартараф этиш бўйича ҳақиқий ҳаракатлари йўлида қилинган битим сифатида тулиши мумкинлиги ҳақидаги қоидалар мустакамлаб ўйилган. Шу билан бирга, адабиётларда таъкидланганидек, Асослар кўриб чиқиладиган мажбуриятларнинг вужудга келиши шароитларига тааллуқли қатор принципиал масалаларни ҳал қилиш билан чегараланиб, шу билан бирга вужудга келувчи муносабатларни бироз муфассал тартибга солинишини кўзда тутмаган.²

Таъкидлаш керакки, 1963 йилги Ўзбекистон ССР фуқаролик кодекси мазкур институтни нисбатан муфассал тартибга солган — бу ҳақда тегишли 43-боби «Социалистик мулкни қутқариш оқибатида вужудга келувчи мажбуриятлар», 44-боби — «Топшириқсиз бегона шахснинг ишини юритиш оқибатида вужудга келувчи мажбуриятлар» ва 45 боби «Мулкни сақлаш ёки унга асоссиз ега бўлиш оқибатида вужудга келувчи мажбуриятлар» боблари шундан гувоҳлик беради.

Юқорида баён қилинганлар муносабати билан шуни айтиш мумкинки, амалдаги ФК 47-бобида шарҳланаётган институт ўзининг келгусидаги ривожланишини олган.

2. Бегона шахснинг манфаатини кўзлаб топшириқсиз ҳаракат қилиш муносабатлари шартномадан ташқари, бир томонлама характерга ега. Мазкур муносабатлар асосан табиий, айрим ҳолларда ахлоқий тушуниш бўйича (ахлоқий-этик аспект), фуқаронинг соғлиги ёки ҳаётига ёки доимий турар жойи бўлмаган ёхуд ўз манфаатларини ҳимояси ҳақида ўзлари ғамхўрлик қила олмайдиган шахсларнинг (квартирадан мулкни

1 Sm. Novitskiy I. B. Rimskoe pravo. — М.: 1994. S. 209.

2 Sm. Grajdanskoe pravo. Ch. 2/pod red. A. P. Sergeeva, Yu. K. Tolstoga. — М.: 1997. S. 671.

чиқариб ташлаш, ёнғин вақтида болаларни ва ёрдамга мутож кишиларни қутқариш, қўшнининг касал боласини унинг йўқлигида даволаш ва унга ғамхўрлик қилиш ва бошқалар) мулкый манфаатларига зарар етказишни бартараф қилиш мақсадида вужудга келади. Шу ўринда таъкидлаш керакки, назарий адабиётларда бегона шахснинг манфаатини кўзлаб топшириқсиз ҳаракат қилиш фактик ва юридик йўналишларга бўлиниши ҳақида фикр мавжуд. Бундан олдинги хатбошида фактик ҳаракатларга мисоллар келтирилди. Юридик ҳаракатлар қандайдир битимни тузишда (ўзини ёмон ҳис қилиши муносабати билан уни қолдиришга мажбур бўлиб, бозордаги қўшнисига тегишли маҳсулотни сотиш, ваколатли шахс томонидан бошида келишилганидан кўра бошқа шартларда шартнома тузиш) ифодаланиши мумкин.

Бегона шахснинг манфаатини кўзлаб ҳаракат қилиш институтини томонлари бўлиб манфаатдор шахс ва амалда топшириқсиз бегона шахснинг манфаатини кўзлаб ҳаракат қилаётган шахс (амалдаги шахс) ҳисобланади. Улар юридик шахс ҳам жисмоний шахс ҳам бўлиши мумкин. Лекин, шу ўринда кўрсатиб ўтиш керакки, мазкур ҳолатда бегона шахснинг манфаатини кўзлаб ҳаракат қилиш улар фаолиятининг масадларидан бири бўлган давлат органлари ва фуқороларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари учун қонун чиқарувчи томонидан мустасно ҳолат қилинган (ФК 826-модда 2-қисми).

3. Мазкур мажбуриятнинг предмети бегона шахснинг манфаатини кўзлаб ҳаракат қилиш (бегона шахснинг ишини юритиш) ҳисобланади. Шу ўринда ушбу ҳаракатлар нафақат мулкый муносабатларни, балки шахсий номулкий муносабатларни ҳам (соғлиққа, ҳаётга таҳдидларни бартараф этиш, шахсий дахлсизликни таъминлаш ва бошқалар) бевосита ифодалайди.

Бегона шахснинг манфаатини кўзлаб ҳаракат қилиш институтининг мазмунини шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ташкил қилади.

Бегона шахснинг манфаатини кўзлаб ҳаракат қилиш мазкур бода ўз ичига олинган қоидаларга тўғри келиши учун улар қуйидаги шартларга мувофиқ келиши зарур ва шу ўринда топшириқсиз бегона шахснинг манфаатини кўзлаб ҳаракат қилаётган амалдаги шахснинг хулқ-атворини ҳуқуқий деб тан олишга йўл қўювчи қонунда кўзда тутилган маълум белгиларни тушуниш керак.

Назарий адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, айрим муаллифлар манфаатдор шахснинг ҳаракатлари шартларининг, тўғридан-тўғри кўзда тутилмаганларини ҳам қўшиб, уларнинг турли миқдорини белгилайдилар. Масалан, ФК 826-моддаси 1-қисмида, ёки Фуқаролик кодекси тегишли бобининг кейинги моддалари мазмунидан келиб чиқади, шуни ҳам назарда тутиш керакки, улар турли хил изчилликда жойлашган (масалан, ҳаракатлар уларни амалга ошираётган шахснинг ташаббуси билан бошланиши керак; топшириқсиз бегона шахснинг манфаатини кўзлаб ҳаракат қилиш рақобатдош шароитда, унинг мақсади ва заруриятига мувофиқ равишда бўлиши керак; ҳаракатлар бошқа шахснинг манфаатини кўзлаб амалга оширилган бўлиши керак, яъни шу шахс учун объектив фойдали бўлиши керак; ҳуқуққа хилоф масадларни кўзламаслиги ва ҳуқуққа қарши характер касб этмаслиги керак; манфаатдор шахснинг реал ёки эҳтимолий мақсади билан зиддиятга киришмаслиги лозим ва бошалар).

Биз бегона шахснинг манфаатини кўзлаб топшиқрисиз ҳаракат қилишни тўрт белгисини ажратиб кўрсатишни масадга мувофиқ деб билувчи қараш³ тарафдоримиз, чунки айнан улар ФК 826-моддаси 1-қисмида кўзда тутилган. Шу ўринда уларни қуйидаги изчилликда жойлаштириш зарур:

а) топшириқнинг, бошқа кўрсатма ёки манфаатдор шахснинг олдиндан ваъда қилинган розилигининг йўқлиги;

б) шахсга ёки мулкый манфаатдор шахсга етказиладиган зарарни бартараф қилиш, унинг мажбуриятларини ёки ҳуқуққа хилоф бўлмаган бошқа манфаатларини бажариш масадида амалга оширилган ҳаракатлар;

в) муқаррар фойдадан, манфаатдор шахснинг ҳақиқий ёки эҳтимолий мақсадларидан келиб чиқиб амалга оширилган ҳаракатлар;

г) бегона шахснинг манфаатини кўзлаб топшириқсиз ҳаракат қилаётган шахс эҳтиёткорлик ва ғамхўрлик билан иш ҳолатлари бўйича зарурият билан ҳаракат қилади.

Шундай қилиб, юқорида баён қилинганларни инобатга олиб таъкидлаш мумкинки, топшириқсиз бегона шахснинг манфаатини кўзлаб қилинадиган ҳаракатлар, биринчидан, нафақат тўридан-тўғри топшириқнинг (ишонч-нома ёки шартнома билан расмийлаштирилган), балки турли хил бошқа

3 Sm. Svalova N. A.

(хеч бўлмаса оғзаки) кўрсатмалар ёки манфаатдор шахснинг олдиндан ваъда қилинган розилигининг йўқлиги ҳолатида амалга оширилиши керак. Шу ўринда кўзда тутиладики, охириги белги нафақат шу сабаб билан ўзининг хоҳиш-истагини билдирмаяпти, балки кўп ҳолларда ҳаттоки унинг манфаатларига ҳаракат қилаётганини билмайди ҳам. Агар, санаб ўтилган пунктлардан бири мавжуд бўлса, бу ҳаракатларга улар восита-чилик қилаётган шартнома қоидалари татбиқ этилиши лозим(пудрат, хизмат кўрсатиш, омонат салаш, топшириқ ва бошқалар).

Иккинчидан, бегона шахснинг манфаатини кўзлаб топшириқсиз ҳаракат қилиш оддийгина уни амалга ошираётган шахснинг ихтиёри билан эмас, фақатгина манфаатдор шахснинг мулкига(ёнаётган иншоатдан қимматбаҳо расмларни чиқариш) ёки шахсга (инсоннинг соғлиги учун таҳдидларни бартараф этиш, ҳаётини қутқариш) етказилаётган зарарни бартараф этиш, унинг мавжуд мажбуриятларин ижро этиш(даъволанишдаги қўшнисини учун коммунал ва бошқа тўловларни тўлаш), ёки унинг бошқа ҳуқуққа хилоф бўлмаган манфаатлари йўлида(вакцинчалик қўшнисининг уй ҳайвонларига ғамхўрлик қилиш) каби мақсадларда амалга оширилиши лозим.

4. Мазкур бобнинг биринчи қисми кўрсатмаларидан яна шу ҳам маълум бўладики, бегона шахснинг манфаатини кўзлаб ҳаракат қилиш манфаатдор шахснинг тахминий ёки ҳақиқий фойдаси ёки аниқ фойдасидан келиб чиқиб, ишнинг зарурий ҳолатлари бўйича ғамхўрлик ва эҳтиёткорлик билан амалга оширилиши лозим. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, шахс бажарилган мажбуриятга мос келувчи ёки кўлга киритилган натижани сезиларли даражада афзал билувчи ҳаддан ташқари харажатлар қилмаслиги лозим. Мазкур ҳаракатлар манфаатдор шахснинг ўзи томонидан айнан шундай вақтда ёки фуқоралик ҳуқуқий муносабатларнинг тежамкор, оқилона, ғамхўр, эҳтиёткор иштирокчиси сифатида қандай амалга ошириш керак бўлса, шундай амалга ошириш лозим.

Бегона шахснинг манфаатини кўзлаб топшириқсиз ҳаракат қилиш санаб ўтилган барча белгиларга бир вақтда жавоб берса юридик аҳамиятли ҳисобланади. Улардан биттасини мавжуд бўлмаслиги бегона шахснинг манфаатини кўзлаб ҳаракат қилаётган шахсга етказилган реал зарарни қоплашдан бош тортишга манфаатдор шахсга беради.

5. ФК 826-моддаси 2-қисмига мувофиқ, бегона шахснинг манфаатини кўзлаб ҳаракат қилиш фақат улар ҳаракатланаётган шахснинг касбий маж-

буриятига кирмаса ёки уларни бажариш тўғридан тўғри қонунда назарда тутилмаган бўлсагина мазкур институт томонидан тартибга солинади. Шу муносабат билан, бошқа шахсларнинг манфаатлари йўлида ҳаракат қилиш мажбурияти бўлган ўзини ўзи бошқариш органлари ва давлат органлари хизматчилари томонидан амалга оширилган ҳаракатларга мазкур бобда назарда тутилган қоидалар татбиқ этилмайди. Масалан, ёнғинни ўчириш бўйича ёнғин хавфсизлиги ходимларининг, пенсионерларга пенсияни етказиш ёки кўчириш бўйича ижтимоий муҳофаза органлари мансабдор шахсларининг фаолияти ёзқур бобга тушмайди.

827-модда. Бошқа шахснинг манфаатини кўзлаб топшириқсиз ҳаракат қилувчи шахснинг мажбуриятлари

Бошқа шахснинг манфаатларини кўзлаб, унинг топшириқсиз ҳаракат қилувчи шахс биринчи имконият туғилиши биланоқ, бу ҳақда манфаатдор шахсга хабар бериши шарт. Агар манфаатдор шахс бу ҳаракатларни маъқулласа, шундан кейин топшириқ шартномаси тўғрисидаги қоидалар тарафларнинг муносабатларига нисбатан қўлланади. Мазкур ҳаракатлар маъқулланмаган тақдирда улар бўйича жавобгарлик топшириқсиз ҳаракат қилган шахс зиммасига юклатилади.

Манфаатдор шахсни хабардор қилиш мумкин бўлмаса, ҳаракатларни топшириқсиз бошлаган шахс уларни охирига етказиши, манфаатдор шахс учун салбий мулкӣ оқибатларнинг олдини олиш бўйича ўзига боғлиқ бўлган ҳамма чораларни кўриши шарт. Бунда топшириқсиз ҳаракат қилган шахс ишни юритиш билан боғлиқ бўлган ҳамма нарсани, шу жумладан тузилган битимлар бўйича мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олиши шарт.

Агар бошқа шахснинг манфаатларини кўзлаб унинг топшириқсиз ҳаракат қилаётган шахс биринчи имконият туғилиши биланоқ бу ҳақда манфаатдор шахсни хабардор қилмаса, у қилинган ҳаракатларни қоплашни талаб қилишга ҳақли эмас.

Бошқа шахснинг манфаатини кўзлаб топшириқсиз ҳаракат қилаётган шахс тегишли фаолиятнинг амалга оширилишидан манфаатдор бўлган фуқаро вафот этган ёки юридик шахснинг фаолияти

тўхтатилган тақдирда ҳам манфаатдор шахснинг меросхўрлари (қонуний ворислари) унинг ўрнини олгунларича бошланган фаолиятни давом эттириши шарт.

1. Ушбу моданинг 1-қисмида бегона шахснинг манфаатини кўзлаб ҳаракат қилаётган шахсга қўйиладиган асосий талаблардан бири мавжуд. Ушбу шахс биринчи имконият туғилиши билан ўз ҳаракатлари ҳақида манфаатдор шахсга хабар қилиши шарт.

Шунингдек, бу ҳолатда манфаатдор шахс томонидан унинг манфаатлари йўлида амалга оширилган ҳаракатларни маъқуллаши оқибатлари ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Модомики ҳаракатланаётган шахс ўз ҳаракатлари билан ўз иродасини ифодаласа, манфаатдор шахс ушбу ҳаракатларнинг оқибатларини ўзига қабул қилиб ўзининг муқобил иродасини ўз маъқуллаши билан ифодалайди ва шу маъқуллаган пайдан бошлаб томонлар тегишли шартномани тузган ҳисобланадилар. Агар юридик характердаги хизматлар кўрсатилган ҳаракатлар (битим тузилган, манфаатдор шахснинг мажбурияти бажарилган) бўлса томонлар тасдиқлаганидан кейин топшириқ шартномаси тузилган бўлади; агар ҳаракатлар маълум ишларни амалга оширишда ифодаланса томонлар пудрат шартномасини тузган ҳисобланадилар; агар шахснинг ҳаракатлари, масалан, мулкни сақлашда ифодаланса манфаатдор шахснинг маъқуллаши омонат сақлаш шартномасининг тузилганлигини англатади. Бунда манфаатдор шахснинг оғзаки маъқуллаши етарлидир.

Шунингдек, модданинг бу қисмида манфаатдор шахс томонидан унинг манфаатлари йўлида амалга оширилган ҳаракатларни маъқулламаслиги оқибатлари ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Ҳаракатланаётган шахсга манфаатдор шахснинг маъқулламаганлиги маълум бўлиши биланок у дарҳол ўз ҳаракатларини тўхтатиши керак, акс ҳолда унинг келгусидаги барча ҳаракатлари унинг ўзида қолади. Манфаатдор шахс ушбу ҳаракатлар бўйича уларни амалга оширган шахсга нисбатан ҳам, учинчи шахсларга нисбатан ҳам мажбур ҳисобланмайди. Бу шунини англатадики, агар маъқулланмагандан кейин ҳаракатларни амалга ошираётган шахс қандайдир ҳаражатларни кўтарадиган бўлса, бу ҳаражатларни қоплаш талаб қилинмайди. Агар, у манфаатдор шахснинг маъқулламаганига қарамасдан бирор битим туздиган бўлса, бу битим бўйича мажбурият унинг манфаатлари йўлида ҳаракат қилган шахснинг эмас, балки унинг ўзида қолади.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, умумий қоидадан мустасно, бошқа шахснинг манфаатлари йўлида унинг иродасига қарши ҳаракатлага ҳам йўл қўйилади, лекин фақат агар бу ҳаракатлар қутқарилаётган шахснинг ҳаёти учун хавфни бартараф қилишга қаратилган бўлса. Бошқа бир мустасно ҳолат шундан иборатки, қандайдир шахсни боқиш, масалан, ёш бола ёки қария ёки бемор кишини, уни боқиш мажбурияти бўлиб, лекин бу мажбуриятни бажармаганда ушбу масъул шахснинг хоҳишига қарамадан бажарилади.

2. Агар, ҳаракатланаётган шахс объектив сабабларга кўра манфаатдор шахсни хабардор қила олмаса, яни унга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бўйича, унда у бу ҳақида ҳаракатларни амалга ошириш ёки уни мантикий охирига етказиши керак бўлган шахсга хабар қилиш имконияти пайдо бўлгунча ўз ҳаракатини амалга оширишни давом эттириши лозим.

Фикримизча, бошланган ишни охиригача етказиш мажбуриятини қонунчилик даражасида мустақамлаб қўйилиши, амалга ошираётган шахснинг ўзи томонидан уни тугатишни мақсадга мувофиқлиги — чунки кўриб чиқилаётган институтнинг квалификациявий белгиси бегона шахснинг манфаатини кўзлаб ҳаракат қилишнинг ихтиёрийлиги ҳисобланади, яъни шартномадан ёки қонундан келиб чиқувчи мажбурият мавжуд бўлмаганда у ёки бу шаклда ҳаракат қилишдир.

Барча ҳаракатларни тўғридан-тўғри ушбу ҳолатда бошлаган шахс томонидан тўлиқ тугатилиши манфаатдор шахсдан зарарни қоплашни тўла ҳажмда талаб қилиш имкониятини ҳам ифодалайди.

3. Агар, бошқа шахснинг манфаати йўлида унинг топшириғисиз ҳаракатланаётган шахс биринчи имконият туғилиши билан манфаатдор шахсни хабардор қилмаса, у сарфланган харажатларни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлмайди. Юридик характердаги ҳаракатлар билан боғлиқ ҳолатда ҳаракатланаётган шахс, айтايлик, битим тузишда маълум таваккалчиликка боради, яъни у манфаатдор шахснинг унинг манфаатлари йўлидаги битимни тузишга бўлган ҳаракатини маъқулламаслигини ҳисобга олиши керак. Шу муносабат билан бу битимларни тузишда унда барча «тарафдор» ва «қарши» ларни чамалаб кўриш имконияти мавжуд, у шубҳага борадиган бўлса бу битимларни тузмаслиги мумкин. Агар, бу ҳаракатлар фактик характерга эга бўлса, бунда ҳолат бирмунча бошқачарок. Бу ерда бу ҳаракатлар уни амалга ошираётган шахснинг ихтиёри билан эмас, фақатгина манфаатдор шахснинг

мулкига(ёнаётган иншоатдан қимматбаҳо расмларни чиқариш) ёки шахсга (инсоннинг соғлиги учун таҳдидларни бартараф этиш, ҳаётини қутқариш) етказилаётган зарарни бартараф этиш мақсадларида амалга оширилади. Бу ерда чуқур ўйлаб ўтиришга вақт йўқ. Шу муносабат билан, мазкур ҳаракатланаётган шахс хабар қилишнинг биринчи имконияти пайдо бўлгунча унда вужудга келган зарарни қоплашни талаб қилиши ҳуқуқига эга.

Уларнинг манфаати йўлида тегишли фаолият амалга оширилган фуқаронинг ўлими ёки юридик шахснинг тугатилиши факти илгариги манфаатдор шахснинг бу ҳақида хабари бор ёки йўқлигидан қатъи назар ҳаракатланаётган шахснинг бошлаган фаолиятини тугатиш учун асос бўлмаслиги керак. Бу ерда шу нарса кўзда тутиляптики, муносабатлар ихтиёрий асослар қурилиши лозим.

828-модда. Бошқа шахснинг манфаатини кўзлаб битим тузиш

Бошқа шахснинг манфаатини кўзлаб тузилган битим бўйича мажбуриятлар битим тузилишидан манфаатдор бўлган шахс мазкур битимни маъқуллаган пайтдан бошлаб унга ўтади, башарти бошқа тараф мажбуриятларнинг бундай ўтишига эътироз билдирмаса ёки битимни тузиш пайтида битим бошқа шахснинг манфаатини кўзлаб тузилганлигини билган ёхуд билиши лозим бўлган бўлса. Бундай битим бўйича мажбуриятлар битим тузилишидан манфаатдор бўлган шахсга ўтганида, ушбу битим бўйича ҳуқуқлар ҳам шу шахсга берилиши зарур.

Битим тузган шахс бошқа шахснинг манфаатларини кўзлаб амалга оширилган фаолият туфайли қилган харажатлари қоплангунча ҳуқуқларни топширишни кечиктириб туриши мумкин.

Мазкур бобда (ФК 47-боб) битим бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларни манфаатдор шахсга ўтиш тартиби тартибга солинган, бу муносабатлар вакиллик институт нормалари билан ва хизмат кўрсатиш, ишларни бажариш ва бошқа тегишли институтлари билан батафсил тартибга солинган. Шу муносабат билан ФК 132 ва 828-моддалари тегишинча уммий ва махсус нормаларни ифодалайди.⁴ Шарҳланаётган модданинг

4 См. Комментарий к гражданскому кодексу Республики Узбекистан. Т. 1 (часть 1.) — Т. «Vektor press», 2010. с. 328–329.

1-қисми битим бўйича жавобгарликни ким бўйнига олади саволига жавоб беради-уни амалга оширган шахсми ёки унинг манфаатларида амалга оширилган шахсми. Бегона шахснинг манфаатини кўзлаб битим бўйича мажбуриятлар бир вақтда иккита шарт бўлганда манфаатдор шахсга ўтади. Биринчиси. Агар, битим бу шахс томонидан тасдиқланган бўлса. Масалан, шунга ўхшаш муносабатлар акционерлик жамиятини ташкил этишда ҳам туғилиши мумкин — муассислари, одатда, ҳали у рўйхатдан ўтгунга қадар ҳам жамият учун муҳим битимлар тузадилар. Барча ушбу битимлар бўйича солидар жавобгарликни муассислар ўз бўйнига оладилар. Агар, акционерларнинг умумий йиғилиши муассислар ҳаракатларини маъқуллаган ҳолатдагина улар томонидан амалга оширилган битимнинг томони сифатида жамиятнинг ўзи шаклланади.⁵ Иккинчиси. Бегона шахснинг манфаатини кўзлаб, унинг манфаатлари йўлида содир этилган шахсга нафақат у томонидан битимни маъқулланиши шартини, балки агар бошқа томон (кредитор) бундай ўтишга қаршилиқ қилмаса ёки битимни тузишда битим бегона шахснинг манфаатини кўзлаб тузилаётганлигини билган ёки билиши лозим бўлган бўлсагина битим бўйича мажбуриятлар манфаатдор шахсга ўтади. Манфаатдор шахсга шундай битим бўйича мажбуриятларни ўтишида шу битимлар бўйича ҳуқуқлар ҳам унга ўтади.

Шу ўринда яна шуни қўшимча қилиш мумкинки, мазкур нормалар ФК 23-боби мажбуриятдаги шахсларнинг ўзгариши қоидаларига ҳавола қилади.

2. Қонун чиқарувчи ҳаракатланаётган шахснинг бегона шахснинг манфаатини кўзлаб қилган фаолияти муносабати билан сарфлаган ҳаракатларини қоплаш пайтигача бўлган ҳуқуқларини ўтказишни тўхтатиб туриш ҳуқуқини кўзда тутади.

829-модда. Топшириксиз қилинган ҳаракатлардан манфаатдор шахснинг мажбуриятлари

Топшириксиз қилинган ҳаракатлардан манфаатдор бўлган шахс унинг манфаатларини кўзлаб иш олиб борган шахсга зарур ҳаракатларни ва бошқа ҳақиқий зарарни қоплаши шарт. Мазкур мажбурият

⁵ Комментарий части 1 Гражданского кодекса Российской Федерации для предпринимателей. — М. Фонд «Правовая культура», 1995. с. 212.

бошқа шахснинг манфаатлари йўлидаги ҳаракатлар оқилона бўлиб, бироқ кўзланган натижага эришилмаган ҳолларда ҳам сақланиб қолади. Лекин бошқа шахснинг мол-мулкига зарар етказишнинг олди олинган ҳолларда ўрнини қоплаш ҳақининг миқдори мол-мулкнинг қийматидан ошиб кетмаслиги керак.

Агар шахснинг ҳаракатлари бевосита бошқа шахснинг манфаатларини таъминлашга қаратилган бўлмаса, шу жумладан уларни амалга оширган шахс ўз манфаатларимни кўзлаб ҳаракат қилишман деб хато ўйлаган ва унинг ҳаракатлари бошқа шахснинг асоссиз бойиб кетишига олиб келган ҳолларда ҳам ушбу Кодекснинг 58-бобида назарда тутилган қоидалар қўлланади. Бошқа шахснинг манфаатларини кўзлаб қилинган ҳаракатлар унинг тадбиркорлик фаолияти доирасига кирган тақдирда, бу шахс ҳақиқий зарарнинг ўрнини қоплаш билан бир қаторда тегишли миқдорда ҳақ тўланишини ҳам талаб қилишга ҳақли.

Бошқа шахснинг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилган шахснинг манфаатдор шахс маъқуллаганидан кейинги ҳаракатлари муносабати билан қилган ҳаражатлари ва кўрган бошқа зарарлари тегишли турдаги шартнома тўғрисидаги қоидаларга мувофиқ қопланади.

Шарҳланаётган модда бегона шахснинг манфаатини кўзлаб топшириқсиз ҳаракат қилишнинг моҳиятини очиб беради. Ушбу мажбурият шартномадан ташқари ҳимоя қилувчи ҳуқуқий муносабат бўлиб, бунга биноан бир шахс — қарздор реал зарарни қоплаши ва қонун, иш муомаласи одатлари ёки келишувда кўзда тутилган ҳақни бошқа шахсга — кредиторга охириги ҳаракатини топшириқсиз, унинг мулкни ёки шахсига етадиган зарарни бартараф этиш мақсадида бошқа кўрсатма ёки олдиндан ваъда қилинган унинг розилигисиз амалга ошириши шарт, бунда унинг мажбуриятларини ижро этиш ёки натижасидан қатъи назар ҳуқуққа хилоф бўлмаган манфаатлари йўлида, агар улар аниқ фойдадан ёки қарздорнинг аниқ ёки тахминий мақсадидан келиб чиқиб, ғамхўрлик ва эҳтиёткорлик билан ишнинг ҳолатлари бўйича зарурият билан амалга оширилади.

Шу ўринда бегона шахснинг манфаатини кўзлаб топшириқсиз ҳаракат қилиш бажарилиши натижасида кредиторда зарар туғилиши мумкин. Шундай қилиб, кўриб чиқиладиган мажбурият фақатгина кредитор томонда мулкий зарар бўлгандагина туғилади. Қоплаш зарур бўлган мулкий зарар

кредиторнинг соғлигига шикаст етказиш, унинг мулкани йўқотиш ёки шикаст етиши, ҳамда ўз маблағларидан сарфлаши натижасида қарздор манфаатини кўзлаб у ёки бу ҳаракатни ўзаро амалга ошириши натижасида туғилиши мумкин.⁶

Юқорида баён қилинганларга асосланиб шуни таъкидлаш мумкинки, бу ерда туғилаётган ва ушбу модда жавоб бераётган биринчи масала бегона шахснинг манфаатини кўзлаб ҳаракат қилган шахсга у томонидан қилинган харажатлар қопланиши масаласидир. Кўришимиз мумкинки, биз бу саволга ижобий жавоб оламиз: манфаатдор шахс унинг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилган шахсга у томонидан сарфланган харажатлар ва кўрилган зарарларни қоплаши лозим, мустасно сифатида бу харажатлар ва зарарлар унинг маъқулламаганидан кейинги ҳаракатлари натижасида туғилган бўлса қопламайди.

Манфаатдор шахс ҳаракатланётган шахсга сарфланган харажатларини қоплаши шарт, лекин ҳаммасини эмас, фақатгина зарурийларини. Айнан шу ўринда ҳаракатланаётган шахснинг эҳтиёткорлиги ётади, яъни у ҳаддан ташқари кўп харажатлар қилмаслиги керак. Шунингдек, манфаатдор шахс унинг реал зарарини ҳам қоплаши зарур. Реал зарар сифатида, масалан, соғлигига шикаст етиши ҳамда ҳаракатланаётган шахсга тегишли мулкка зарар етиши тушунилади. Агар, зарар ҳаракатланаётган шахснинг соғлигига шикаст етиши натижасида бўлса, бунда у қопланиши керак. Аммо манфаатдор шахс, масалан, бой берилган фойдани қоплаши шарт эмас. Реал зарар ва харажатлар ҳақидаги масала ҳал қилинаётганда бегона шахснинг манфаатини кўзлаб қилинган ҳаракат ижобий натижага олиб келишини тахмин қилишнинг аҳамияти йўқ. Бу шуни англатадики, ҳаракатланаётган шахс, масалан, бошқа шахснинг мулкани ёнғиндан қутқараётиб, бу мулкни ҳақиқатда қутқара олган ёки йўқлигидан қатъи назар кўрилган зарарни қоплатиш ҳуқуқига эга. Лекин, бошқа шахснинг мулкига етказилаётган зарарни бартараф этишга қаратилган қутқариш бўйича ҳаракатлар бўлса, қоплашнинг миқдори қутқарилаётган мулкнинг қийматидан ошиб кетмаслиги лозим. Масалан, фуқаро ёнаётган

6 См. Свалова Н. А. Обязательства вследствие действий в чужом интересе без поручения: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. — Екатеринбург, 2008. с. 17, 18.

уйдан (музейдан) суратни асраб қолишга ҳаракат қилиб кўрди, лекин бунга муваффақ бўлмади-сурат ёниб кетди ва бунда унинг кўли қаттиқ куйиб қолди. Бу ҳолатда фуқаро куйган кўлини даъволаш харажатларини талаб қилишга ҳақли, лекин у асраб қолишга ҳаракат қилган суратнинг қиймати чегеарасида.

2. Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида мустаҳкамланган шартлар бегона шахснинг манфаатини кўзлаб топшириксиз ҳаракат қилиш ва бошқа бир қанча фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар мажбуриятлари ўртасида уларни фарқлаш учун асослар бўлиб ҳисобланади, жумладан, асоссиз бойиш ва ҳада мажбуриятларидан. Масалан, агар шахс ҳаракатини амалга ошираётиб бу ҳаракатларни ўз манфаатларим йўлида амалга ошираяпман деб ўйласа (ёнғиндан ўз мулкимни қутқараяпман деб ўйлаб кўп қаватли уйдан нарсаларини чиқарса) ва бу бошқа шахснинг асоссиз бойишига олиб келса, томонларнинг бу муносабатларига бегона шахснинг манфаатини кўзлаб ҳаракат қилиш мажбурияти ҳақидаги эмас, балки асоссиз бойиш ҳақидаги қоидалар (ФК 58-боб) қўлланилади.⁷

Бегона шахснинг манфаати йўлида ҳаракатланаётган шахсга етказилган зарарни қоплаш тартибини қатъий белгилаб, ФК 829-моддаси бой берилган фойда ва олинмаган даромадларни истисно этиб, фақатгина реал зарарни қоплаш зарурлигини аниқ белгилаб бермоқда. Ушбу қоида тўла адолатлидир, чунки бегона шахснинг манфаатини кўзлаб амалга ошириладиган ҳаракатлар, қандайдир моддий фойда ёки даромад олиш мақсадида эмас, балки унинг мазмунидан ҳам келиб чиқиб айтиш мумкинки, айнан манфаатдор шахснинг мулкига ёки шахсига етказилиши мумкин бўлган зарарни бартараф қилиш ёки бошқа ҳуқуққа хилоф бўлмаган манфаатларига қаратилган бўлиши керак. Лекин, бегона шахснинг манфаатини кўзлаб ҳаракатланаётган шахснинг ҳаракатлари барибир манфаатдор шахс учун ижобий натижага олиб келса, у муқофот олиш ҳуқуқига эга, аммо бу ҳуқуқ фақатгина қонун, манфаатдор шахс билан келишув ёки иш муомаласи одатларида кўзда тутилган бўлса.

Шундай қилиб бу ерда манфаатдор шахснинг муқофот тўлаш мажбурияти фақатгина бир вақтнинг ўзида иккита шарт мавжуд бўлсагина

7 См. Гражданское право. Том III. Учебник для вузов (академический курс)/ отв. Ред. М. К. Сулейменов, Ю. Г. Басин. — Алматы, 2004. с. 55–56.

юзага келади. Биринчидан, бегона шахснинг манфаатини кўзлаб ҳаракат қилиш манфаатдор шахс учун ижобий натижага олиб келган бўлиши керак. Агар аниқ оқилона кўрилган чораларга қарамасдан улар натижа бермаса, шахснинг реал зарарни ёки зарурий харажатларни қоплаш мажбурияти чекланади. Иккинчидан, мукофот тўлаш учун қонун, манфаатдор шахс билан келишув ёки иш муомаласи одатларида кўзда тутилган бўлиши талаб этилади. Масалан, манфаатдор шахснинг унинг фойдасига бажарилган ишларни маъқуллаши ҳолатида томонларнинг муносабатларига пудрат шартномаси қоидалари, жумладан ушбу шартноманинг ҳақ бараваридаги нормаси ҳам қўлланилади.⁸

3. Келтирилган қоидалар фақатгина манфаатдор шахснинг маъқуллашигача амалга оширилган ҳаракатлар натижасида юзага келган зарар ва харажатларни қоплашга татбиқ этилади. Шундай маъқуллашдан кейин кўрилган зарарлар ва бошқа харажатлар тегишли шартнома қоидалари бўйича қопланади (омонат сақлаш, пудрат, топшириқ ва бошқа шартномалар).

830-модда. Бошқа шахснинг манфаатларини кўзлаб қилинган ҳаракатлар туфайли етказилган зарарни қоплаш

Бошқа шахснинг манфаатларини кўзлаб қилинган ҳаракатлар туфайли манфаатдор шахсга ёки учинчи шахсга етказилган зарарни қоплаш соҳасидаги муносабатлар ушбу Кодекс 57-бобининг қоидаларига мувофиқ тартибга солинади.

ФК 826-моддаси 1-қисмида ва унга шарҳларда кўрсатилганидек. Ҳаракатланаётган шахс иш ҳолатлари бўйича зарурий эҳтиёткорлик ва ғамхўрлик билан ҳаракатланиши лозим, яъни қонунчилик даражасида унга шундай талаб қўйиляптики, унинг ҳаракатлари манфаатдор шахснинг ўзи томонидан айнан шундай вақтда ёки фуқоролик ҳуқуқий муносабатларнинг тежамқор, оқилона, ғамхўр, эҳтиёткор иштирокчиси сифатида қандай амалга ошириш керак бўлса, шундай амалга ошириш лозим. Шу ўринда ҳаракатланаётган шахс қўпол хатолар қилмаслиги,

8 См. Гражданское право. Том III. Учебник для вузов(академический курс)/ отв. Ред. М. К. Сулейменов, Ю. Г. Басин. — Алматы, 2004. с. 58–59.

бепарволик қилмаслиги ва ўз ўзига ишонишга йўл қўймаслиги лозим. Шу муносабат билан, бегона шахснинг манфаатини кўзлаб топшириқсиз ҳаракат қилаётган шахснинг хулқ-атворида қасд ёки қўпол эҳтиётсизлик айб шакллари бўлса, мажбурият юзага келмайди. Ушбу ҳолатга қарама қарши ушбу шахсни манфаатдор шахс ёки учинчи шахсга етказган зарари учун жавобгарликка тортиш (агар улар юқорида кўрсатилган ҳаракатлар натижасида юзага келган бўлса) имконияти мавжуд.

Мазкур модда ҳаволаки ҳисобланади ва бегона шахснинг манфаатини кўзлаб ҳаракат қилишда манфаатдор шахсга ёки учинчи шахсга зарар етса, уларни қоплаш бўйича муносабатларга ЎР ФК 57 бобида кўзда тутилган умумий қоидалар бўйича амалга оширилиши кўрсатилмоқда.

831-модда. Бошқа шахснинг манфаатини кўзлаб ҳаракат қилган шахснинг ҳисоботи

Бошқа шахснинг манфаатини кўзлаб ҳаракат қилган шахс кимнинг манфаатини кўзлаб фаолият олиб борган бўлса, ўша шахсга олинган даромадлар, қилинган харажатлар ва кўрилган зарарни кўрсатган ҳолда ҳисобот тақдим этиши шарт.

Мазкур модда бегона шахснинг манфаатини кўзлаб ҳаракат қилаётган шахсга манфаатдор шахсга ҳисобот топшириш мажбуриятини юкламоқда. Бунда ҳисобот, бир томондан, сарфланган харажатлар ва бошқа зарарлар ҳақида, бошқа томондан олинган даромадларни, агар улар бўлса, тўлиқ маълумотларни ўз ичига олиши лозим. Олинган даромадлар деганда, ҳаракатланаётган шахс учинчи шахсдан манфаатдор шахс фойдасига олган ҳамда сақланган мулк (масалан, назоратсиз қолган уй ҳайвонини сақлаш ва унга нисбатан ҳаракатланаётган шахс томонидан боқиш ва муҳофаза қилиш бўйича чоралар кўриши) ни тушуниш керак. Ҳисоботга даромадлар ва харажатларни ўзида акс эттирувчи маълум ҳужжатлар (квитанция, маълумотнома, акт, чек ва бошқалар) илова қилиниши шарт. Бу шахслар ўртасидаги ҳисоб-китоблар харажатлар ва даромадларнинг ўзаро нисбатини инобатга олиб амалга оширилиши лозим.

48-БОБ. ВОСИТАЧИЛИК

832-модда. Воситачилик шартномаси

Воситачилик шартномаси бўйича бир тараф (воситачи) иккинчи тарафнинг (комитент) топшириғи бўйича ўз номидан, бироқ комитент ҳисобидан бир ёки бир неча битимни ҳақ эвазига тузиш мажбуриятини олади. Воситачилик шартномаси ёзма равишда тузилиши шарт.

Воситачи томонидан учинчи шахс билан тузилган битим бўйича, гарчи битимда комитентнинг номи тилга олинган ёки у битимни бажариш бўйича учинчи шахс билан бевосита муносабатларга киришган бўлса ҳам, воситачи ҳуқуқларга эга бўлади ва зиммасига мажбурият олади.

Воситачилик шартномаси муайян муддатга ёки амал қилиш муддати кўрсатилмаган ҳолда, қайси ҳудудда бажарилиши кўрсатилган ёки кўрсатилмаган ҳолда, комитент воситачига топширган комитентнинг манфаатларини кўзлаб ва унинг ҳисобидан битим тузиш ҳуқуқини учинчи шахсларга бермаслик ҳақида мажбурият олган ҳолда ёки бундай мажбуриятни олмаган ҳолда, воситачилик нарсаи бўлган товарларнинг ассортименти хусусида шартлар қўйилган ёки қўйилмаган ҳолда тузилиши мумкин.

Қонун ҳужжатларида айрим турдаги воситачилик шартномасининг хусусиятлари назарда тутилган бўлиши мумкин.

1. Воситачилик шартномаси (инг. contract of comission) тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда тузиладиган фуқаролик-ҳуқуқий келишувларининг энг кенг тарқалган турларидан бири ҳисобланади. У юридик хизмат кўрсатишда восита бўлиб хизмат қиладиган шартномалар турига киради. Унинг ёрдамида мулкни ҳақ эвазига реализация қилиш бўйиса битимлар амалга оширилади. Бундай битимларнинг тузилиши, авваламбор, мулк эгаси учун фойдалидир, чунки бундай битим ёрдамида у харидор излаш заруратидан, у билан шартнома тузиш ва уни расмийлаштириш

каби бошқа ташвишлардан ҳалос бўлади. Унинг ўрнига бу вазифани профессионал воситачи бажаради.

Шартли равишда биз ушбу шартномани мулк олди-сотди воситачиликси (ушбу шартномада комитент воситачига ўз мулкни келишилган нархларда муайян мукофот эвазига сотишни топширади) ҳамда мулкни қўлга киритиш воситачиликсига (бу ҳолатда воситачи мукофот эвазига комитент учун келишилган нархларда мулкни қўлга киритиш мажбуриятини олади) бўлишимиз мумкин. Шу билан бирга ушбу ытим харидор учун ҳам фойдали ҳисобланади.

Воситачилик шартномаси бўйича ҳуқуқий муносабатларда уста субъект иштирок этади: воситачи (воситачи), комитент (мулкни сотадиган ёки харид қиладиган шахс), учинчи шахс (комитент ҳисобига ва унинг манфаатлари учун воситачи битим тузадиган шахс). Аммо, фақат воситачи ва комитент шартнома тарафлари ҳисобланади.

Воситачилик шартноаси иккитомонлама ва консенсуал шартномадир.

2. Воситачилик шартномаси топшириқ шартномаси билан ўхшаш хусусиятларга эга. Масалан, ҳар иккала шартномада ҳам ижрочилар топширувчининг манфаатлари йўлида ҳаракат қиладилар; шартномалар ёзма равишда тузилиши керак. Шу билан бирга уларнинг муайян фарқлари ҳам бор. Биринчиан, топшириқ шартномаси ҳам ҳақ эвазига, ҳам бепул бўлиши мумкин. Воситачилик шартномаси ҳар доим ҳақ эвазига бўлиб, бу унинг шахсий ишончга асосланишинига йўл қўймайди. Демак, воситачи топширилувчидан фарқли равишда бир томонлама тартибда ҳамда сабабсиз шартнома ижросидан бош тортишга ҳақли эмас, фуқаро-комитентнинг ўлими ёки юридик шахс-комитентнинг тугатилиши шартноманинг тугатилишига олиб келмайди, чунки бунда ҳуқуқий ворисликка йўл қўйилади. Иккинчидан, воситачилик шартнома предмети бўлиб битимлар хизмат қилади (одатда, комитент мулки олдиғ-сотдиси бўйича), топшириқ шартномаси предмети сифатида эса топшириқ берувчининг муайян юридик ҳаракатларини бажариш (ҳужжатларни имзолаш, битимлар тузиш, иш ва товарларни қабул қилиш кабилар) эътироф эилади. Шундай қилиб, юқорида таъкидланганидек, ёзма равишда тузилиши шарт. Ушбу норма императив характерга эга бўлиб, ушбу шартга риоя қилинмаслиги шартноманинг тузилган вақтидан бошлаб ҳақиқий эмаслигига олиб келади (ФК 832-модда 1-қисм).

Учинчидан, воситачи бевосита битим тарафи ҳисоблаади. Комитент эса ҳатто, битимда номи келтирилган ёки битимни ижро этиш бўйича учинчи шахс билан бевосита муносабатга киришганда ҳам битим ишти-рокчисига айланади (ФК 832-модда 2-қисм). Шунинг учун воситачи билан ҳуқуқий муносабатга киришадиган учинчи шахс воситачини товар эгаси деб ўйлаши мумкин. Шунга боғлиқ ҳолда, воситачи билан учунчи шахс томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар айнан восита-чида вужудга келади. Ушбу хусусиятдан келиб чиқиб, учинчи шахс барча низоларни воситачи билан бирга ҳал этади. Шу нуқтаи назардан, битим бўйича барча ҳужжатлар воситачига расмийлаштирилади ва воситачи комитент топшириғига кўра ҳаракат қилаётганлигини билдириш маж-буриятига эга бўлмайди. Бундан фарқли равишда топширилувчи ҳар доим топширувчининг кўрсатмаси бўйича ва унинг манфаатлари йўлида ҳаракат қилувчи шахс сифатида намоён бўлади.

3. ФК 832-модда 3-қисмига кўра келишилган ҳудудда белгиланган муддатда ёки муддат белгиланмасдан комитентга товарни мустақил ёки бошқа воситачилар орқали сотиш ҳуқуқини бериш орқали муайн турдаги товардар юзасидан воситачилик шартномасини тузишда катта имконият яратилган. Шунга кўра комитент воситачига шу ҳудуддаги бошқа шахс-ларнинг шундай товарлари бўйича воситачи бўлишни таъқиқлаб қўйиши мумкин. Шунингдек, воситачи шундай шарт қўйиши мумкинки, унга кўра комитент учинчи шахсларга унга топширилган битимларга ўхшаш битимларни тузишни топширмаслиги лозим бўлади ва ҳқз.

4. Шуни таъкидлаш керакки, тадбиркорлик муносабатларида қонунлар ва қонуности актлари билан воситачилик шартномасининг бошқа турлари ҳам тартибга солиниши мумкин. Шу нуқтаи назардан, уларга нисбатан Фуқаролик кодексининг умумий қоидалари қўллаанилади.

833-модда. Воситачилик ҳақи

Комитент воситачига ҳақ тўлаши, воситачи битимнинг учинчи шахс томонидан бажарилиши учун кафолатни ўз зиммасига олган (делькредере) ҳолларда эса шартномада белгиланган миқдорда қўшимча ҳақ ҳам тўлаши шарт. Агар шартномада бу миқдор назарда тутилган бўлмаса ва у шартноманинг шартларидан келиб чиққан

ҳолда белгиланиши мумкин бўлмаса, ҳақ миқдори ушбу Кодекс 356-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ белгиланади.

Агар воситачилик шартномаси комитентга боғлиқ сабаблар билан бажарилмаган бўлса, воситачи воситачилик ҳақиға, шунингдек қилинган харажатларнинг қопланишига бўлган ҳуқуқини сақлаб қолади.

Воситачилик шартномасининг таърифидан келиб чиқиб, комиссиявий келишув ҳақ эвазига тузиладиган шартномани назарда тутаяди — воситачи ҳақ эвазига комитентга хизмат кўрсатади. Бундан ташқари, агар воситачи учинчи шахс (делькредере) томонидан битимнинг ижро этилганлиги учун масъулиятни зиммасига олса, у алоҳида, қўшимча мукофот олиш ҳуқуқини кўлга киритади, Агар шартномада бу мукофот суммаси назарда тутилмаган бўлса ва белгиланиши мумкин бўлмаса, ушбу шартлардан келиб чиқиб, унинг ижро этилиши ўхшаш товарлар, ишлар ва хизматлар учун қиёсий ҳолатларда кўзда тузиладиган нархлар билан белгиланади (Ўз Р 833-модда 4 қисм).

Комиссион мукофот миқдори қуйидаги кўринишда белгиланиши мумкин:

воситачи томонидан бажарилган битимнинг нархига боғлиқ бўлмаган белгиланган нархда;

комитент тайинлаган нарх билан воситачи битимни бажарадиган кўпроқ фойдалироқ нарх ўртасидаги фарқ кўринишида;

воситачи томонидан амалга оширилган битимнинг фоизларида;
тарафлар томонидан келишилган бошқа усулда.

1. Воситачи воситачилик шартномаси комитентнинг айби билан бажарилмаган ҳолларда комиссия мукофот ва ўзи томонидан қилинган харажатларни қоплашга бўлган ҳуқуқни сақлаб қолади.

834-модда. Воситачилик топшириғини бажариш

Воситачи учинчи шахс билан ўзи тузган битимдан келиб чиқадиган ҳамма мажбуриятларни бажариши ва ҳамма ҳуқуқларни амалга ошириши шарт.

Воситачи ўз зиммасига олган топшириқни комитентнинг кўрсатмаларига мувофиқ, воситачилик шартномасида бундай кўрсатмалар

бўлмаганда эса — иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ комитент учун энг фойдали шартлар асосида бажариши лозим. Агар воситачи битимни комитент кўрсатганидан ҳам фойдалироқ шартлар асосида тузган бўлса, қўшимча фойда, башарти шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тарафлар ўртасида баравар тақсимланади.

Воситачи битимнинг ижроси учун комитентга кафолат берган (делькредере) ҳолларда у воситачилик шартномасида келишилган миқдорда қўшимча ҳақ олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Комитент ҳисобидан учинчи шахс билан тузилган битим учинчи шахс томонидан бажарилмаганлиги учун воситачи комитент олдида жавобгар бўлмайди, воситачи ушбу шахсни танлашда зарур эҳтиёткорлик қилмаган ёки битимнинг бажарилишига кафолат берган (делькредере) ҳоллар бундан мустасно.

Воситачи учинчи шахс билан тузган битимни учинчи шахс бажармаган тақдирда, воситачи бу ҳақда дарҳол комитентга хабар бериши, зарур далил-исботларни тўплаши ва таъминлаши, шунингдек комитентнинг талабига кўра бундай битим юзасидан ҳуқуқларни талабларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги қоидаларга риоя қилган ҳолда (ушбу Кодекснинг 313–317, 319, 320-моддалари) унга топшириши шарт.

Ушбу модданинг бешинчи қисми асосида битим бўйича ҳуқуқларни комитентга топширишга, воситачининг учинчи шахс билан ҳуқуқларни бундай беришни тақиқлайдиган ёки чеклайдиган келишувидан қатъи назар, йўл қўйилади. Бу ҳол воситачи ҳуқуқни топширишни тақиқлаш ёки чеклаш ҳақидаги келишувни бузиб ҳуқуқни топширганлиги муносабати билан уни учинчи шахс олдидаги жавобгарликдан озод қилмайди.

1. Воситачи комитент ҳисобига ва унинг манфаатлари учун битим тузар экан, у учинчи шахс билан тузилган битимдан келиб чиқадиган барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини виждонган бажариши лозим; комитент томонидан берилган топшириқларни комитентнинг кўрсатмаларига биноан унинг учун фойдали бўлган шароитларда, воситачилик шартномасида бундай кўрсатмалар мавжуд бўлмаганда эса-одат ҳуқуқи тамойилларига асосан бажаришга мажбур. Комитент томнидан кутилган ёки унинг

кўрсатмасига биноан олинган фойда, агар шартномада бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, тарафлар ўртасида тенг тақсимланади. Бундай ҳолатда, қўшимча фойда олиш учун асос бўлган нафақат, воситачининг аниқ ҳаракатлари ҳисобга олинади, балки ўша вақтда мазкур товарга нисбатан бўлган талаб ва таклиф конъюктурасининг ўзгариши ҳам ҳисобга олинади.

2. Бошқа тараф билан шартнома тузар экан, биринчи тараф доимо ҳам шартнома контрагент томонидан қай даражада (тўлиқ ёки қисман, виждонан ёки инсофсиз равишда ва ҳоказо) бажарилишини билавермайди. Агар биринчи тараф шартноманинг тўлиқ бажарилишини олдиндан билган-да эди, тарафлар ўртасида тузиладиган шартнома юзасидан низолар келиб чиқмаган бўлар эди. Бундан келиб чиқадики, воситачи ҳам комитент сингари контрагент томонидан қай даражада ижро этилишини билмайди ва шартноманинг контрагент томонидан бажарилиши учун жавоб бермайди.

1. Шу билан бирга воситачилик шартномасининг бошқа хусусиятлари ҳам бор. Юқорида таъкидланганидек, бундай битимлар тузиш биринчи навбатда, товар эгаси учун фойдалидир. Бунинг сабаби бундай битимлар ёрдамида у харидор излаш заруратидан, у билан шартнома тузиш ва уни расмийлаштириш каби бошқа ташвишлардан ҳалос бўлади. Унинг ўрнига бу вазифани профессионал воситачи бажаради. Кўп ҳолларда айнан профессионализм нуқтаи назаридан воситачига мурожаат этилади ва унинг иштироки контрагент (учинчи шахс) томонидан шартноманинг ижро этилишини таъминлашига ишонч билдирилади. Шунга боғлиқ ҳолда қонунчилик томонидан воситачининг учинчи шахс томонидан улар ўртасида комитент фойдасига тузилган шартноманинг ижро этилмаганлиги учун жавобгарлиги асослари белгиланган. Ушбу асосларга қуйидагилар киради:

1) Воситачи учинчи шахсни тўғри танлашда етарлича эътибор бермаган бўлса (муомала лаёқатига эга бўлмаган ёки муомала лаёқати чекланган шахс билан битим тузилиши, тўлов қобилиятини йўқотган деб эълон қилинган ёки тугатилиши арафасида бўлган юридик шахс билан битим тузиш),

2) Воситачи битимнинг учинчи шахс томонидан бажарилишини ўз зиммасига олган бўлса (делькредере).

Фуқаролик кодексининг 833-моддаси 1-қисмида белгиланганидек, воситачи битимнинг учинчи шахс томонидан бажарилишини ўз зиммасига олган бўлса (делькредере), қўшимча мукофот олиш ҳуқуқига эга ғ демак, бу ҳолатда битим тўлиқ текширилган контрагент билан тузилиши кутилади. Ушбу шартнинг киритилиши комитентга битим бажарилмаганда ёки тўлиқ бажарилмаганда воситачи олдига муайян талаб қўйиш имкониятини беради. Делькредере тўғрисидаги шартлар топшириқ шартномасининг Ўз. Р ФК 292-моддаси билан тартибга солинадиган ҳолатларида ҳам назарда тутилган. Ўз. Р ФК 293-моддаси 1-қисмига асосан воситачи учинчи шахснинг шартнома шартларини бажармаганлиги учун комитентга нисбатан солидар ва субсидиар жавобгар бўлади.

Шу ўринда яна бир асос ҳақида эслатиш керакки, унга кўра ҳам воситачи учинчи шахс томонидан шартноманинг бажарилмаганлиги учун комитент олдида жавоб беради — бу битим бўйича талабларнинг ҳақиқийлигидир.

Юқорида таъкидланган асослар мавжуд бўлмаганда воситачи комитент олдида учинчи шахснинг шартномани ижро этмаганлиги учун жавоб бермаслиги лозим.

Агар, учинчи шахс битимни бажармаган бўлса, воситачи бу ҳақида дарҳол комитентга хабар қилиши, керакли далиллар (битим бажарилмаганлигини тасдиқловчи) тўплаши ва таъминлаши лозим. Шу ўринда, аввало, воситачининг тўзи шартнома тарафи бўлганлиги учун у комитентнинг талабига кўра кнга бу битим бўйича ҳуқуқлар бериши лозим.

Бундай ҳолат фуқаролик ҳуқуқнинг қарзни ўтказиш ва талабдан воз кечиш тўғрисидаги умумий қоидаларига мос келиши лозим (ФК 23-боб).

1. Воситачилик шартномаси бўйича воситачи бевосита битим тарафи ҳисобланади, комитент эса битим битим иштирокчиси ҳисобланмайди. Шунинг учун, воситачи ҳуқуқий муносабатга киришадиган учинчи шахс шарт тарафи сифатида асосий сотувчи ёки харидор эмас, балки айнан воситачини назарда тутиши мумкин. Учинчи шахс шартномага ундан келиб чиқадиган ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказишни таъқиқлаш тўғрисида ёки уларни фақат унинг махсус розилиги билан бериш тўғрисидаги шартларни киритиш ҳуқуқига эга. Агар шартномага бундай шартлар киритилган бўлса, воситачи комитентга ушбу шартномадан келиб чиқадиган ҳуқуқларни бериш ҳуқуқига эга эмас. Бу ҳолатда

қонунчиликда учинчи шахснинг ўзи мазкур шартларга риоя қилмаган ҳолда истисно бор, шундай вазиятда, ҳатто, битимда таъкиловчи шарт бўлса ҳам, воситачи шартномадан келиб чиқувчи ҳуқуқларни комитентга ўтказиши мумкин. Лекин, шундай бўлса-да, воситачи учунчи шахс томонидан шартноманинг ушбу шартига риоя қилимаганлиги учун комитент олдида жавобгар бўлиб қолади.

835-модда. Қўшимча воситачилик

Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, воситачи воситачилик шартномасини бажариш мақсадида бошқа шахс билан қўшимча воситачилик шартномаси тузишга ҳақли бўлиб, қўшимча воситачининг ҳаракатлари учун комитент олдида жавобгар бўлиб қолаверади.

Қўшимча воситачилик шартномаси бўйича воситачи қўшимча воситачига нисбатан комитент ҳуқуқлари ва мажбуриятларига эга бўлади.

Қонун бирон-бир битимни фақат махсус вакил қилинган шахслар билан тузишга йўл қўядиган ҳолларда қўшимча воситачилик шартномаси фақат ана шундай шахс билангина тузилиши мумкин.

Агар воситачилик шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, воситачилик шартномаси бекор қилингунга қадар комитент воситачининг розилигисиз қўшимча воситачи билан бевосита муносабатларга киришишга ҳақли эмас.

1. Агар, шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, воситачи воситачилик шартномасини бажариш мақсадида бошқа шахс билан қўшимча воситачилик шартномаси тузишга ҳақлидир ва бунда у қўшимча воситачининг ҳаракатлари учун комитент олдида жавобгар бўлиб қолади. Бу ҳолатда шартномани ижро этиш, ФК 241-моддасида кўрсатилгандек, бошқа шахсга юклаш имконияти назарда тутилади.

Қўшимча воситачилик шартномаси воситачилик шартномаси шахсий ишонч характериға эга бўлмаганлиги сабабли мумкин ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, у бундай турдаги битимни тузишни тўғридан тўғри тақиқловчи шартларға эга бўлмаслиги лозим. Яна шуни таъкидлаш керакки, фуқаролик қонунчилиғига биноан қўшимча воситачилик

шартномасини тузиш воситачини комитент олдидаги жавобгарлигидан озод қилмайди (агар воситачилик шартномасида бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса).

2. Воситачи қўшимча воситачига нисбатан комитент сифатида намоён бўлади. Шунга кўра воситачи муайян ҳуқуқларга эга бўлади ҳамда муайян мажбуриятларни олади.

3. Қонун бирор битимни фақат махсус ваколатга эга бўлган шахслар билан тузишга йўл қўядиган ҳолда қўшимча воситачилик шартномаси фақат шундай шахс билан тузилиши мумкин.

4. Агар, воситачилик шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, воситачилик шартномаси бекор қилинганга қадар комитент воситачининг розилиги билангина қўшимча воситачи билан бевосита муносабатларга киришиши мумкин.

836-модда. Воситачи сотадиган мол-мулкнинг баҳоси

Воситачи сотадиган мол-мулкнинг баҳоси, агар қонун ҳужжатларида ёки воситачилик шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, комитент билан келишган ҳолда белгиланади.

Воситачи сотадиган мол-мулкнинг баҳоси, агар қонун ҳужжатларида ёки воситачилик шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, комитент билан келишган ҳолда белгиланади. Ва шундай ҳолатда воситачи комитентнинг манфаатларини ҳисобга олиши керак. Ушбу ҳолатда мисол сифатида юқорироқ нархда товар сотиш билан боғлиқ ҳолатни олиш мумкин, бу биринчи қарашдаёқ комитентга фойдали, лекин агар у ушбу бозорни эгаллашни хоҳласа, бунда бу ҳаракатлар унга фойдасиз бўлиб шаклланади. Дастлабки руҳсатсиз ҳаракат қилиш ҳуқуқи тадбиркорлик фаолиятининг субъекти сифатида ҳаракатланаётган воситачи билан шартномада ўрнатилиши мумкин. Бундай имконият бозорда малакали мутахасис сифатида ҳаракатланаётган воситачи-тадбиркорга берилади.

837-модда. Комитентнинг кўрсатмаларидан четга чиқиш

Воситачи комитентнинг кўрсатмаларидан ушбу Кодекснинг 819-моддасида назарда тутилган ҳолларда четга чиқишга ҳақли.

Мол-мулкни комитент билан келишилган нархдан арзон сотган воситачи мол-мулкни келишилган нархда сотиш имконига эга бўлмаганлигини ва арзон нархда сотиш натижасида яна ҳам кўпроқ зарарнинг олди олинганлигини исбот қилиб бермаса, орадаги фарқни комитентга тўлаши шарт. Воситачи комитентдан рухсат сўраши шарт бўлган ҳолларда у комитентнинг кўрсатмаларидан четга чиқишга комитентнинг розилигини олдиндан олиш имкониятига эга бўлмаганлигини ҳам исбот қилиши шарт.

Агар воситачи мол-мулкни комитент билан келишилгандан юқорироқ нархда сотиб олган бўлса, бундай харидни қабул қилишни истамаган комитент воситачидан учинчи шахс билан битим тузилганлиги ҳақида билдириш олганидан кейин оқилона муддатда бу ҳақда воситачига маълум қилиши шарт. Акс ҳолда харид комитент томонидан қабул қилинган деб ҳисобланади.

Агар воситачи нархдаги фарқни ўзи тўлашини маълум қилса, комитент ўзи учун тузилган битимдан бош тортишга ҳақли эмас.

1. ФК 819-моддаси 2 ва 3-қисмларига мувофиқ, воситачи комитентнинг кўрсатмаларидан четга чиқишга ҳақли, агар иш ҳолатлари бўйича бу комитентнинг манфаатлари йўлида зарур бўлса ва воситачи комитентдан олдиндан рухсат сўрай олмаса ёки ўзининг сўровига оқилога муддатда жавоб олмаса. Ушбу ҳолатда воситачи йўл қўйилган четга чиқишлар ҳақида хабар қилиш имконияти бўлиши биланоқ комитентни хабардор қилиши шарт.

Савдо-сотик вакили сифатида ҳаракатланаётган воситачига комитент томонидан комитент манфаатлари йўлида унинг рухсати тўғрисидаги кўрсатмасидан четга чиқиш ҳуқуқи берилиши мумкин. Бундай ҳолатда савдо-сотик вакили оқилона муддатда комитентни йўл қўйилган четга чиқишлар ҳақида хабардор қилиши шарт, агар воситачилик шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса.

2. Мол-мулкни комитент билан келишилган нархдан арзон сотган воситачи мол-мулкни келишилган нархда сотиш имконига эга бўлмаганлигини ва арзон нархда сотиш натижасида яна ҳам кўпроқ зарарнинг олди олинганлигини исбот қилиб бермаса, орадаги фарқни комитентга тўлаши шарт. Бундай исботлар мавжуд бўлмаган тақдирда у шартнома шартларини бузган ҳисобланади. Шунингдек, комитентдан унинг кўрсатмаларидан

четга чиқишга розилик олиш имкониятига эга бўлмаган тақдирда воситачига исботлаш мажбурияти юклатилади.

3. Агар востиачи мол-мулкни комитент билан келишилгандан юқорироқ нархда сотиб олган бўлса, комитент ушбу мулкни воситачидан қабул қилмасликка ва шартнома лозим даражада бажарилмаган деб ҳисоблашга ҳақли. Лекин бу ўринда комитент бу ҳақда воситачига оқилона муддатда — давомийлиги бўйича энг қисқа муддатда — ундан тегишли битим тузилганганлиги тўғрисида хабарнома олганини билдириши шарт. Агар бу бажарилмаса, харид комитент томонидан қабул қилинган ҳисобланади.

4. Агар воситачи мол-мулкни комитент билан келишилгандан юқорироқ нархда сотиб ола туриб, олдиндан нархтаги фаркни ўз ҳисобига қабул қилишини унга хабар қилса ёки бу ҳақда комитентдан юқорироқ нархда мол-мулкни сотиб олишдан норозилиги тўғрисида хабарнома олгандан кейин хабар қилса, комитент ўзи учун тузилган битимдан бош тортишга ҳақли эмас. Бундай ҳолатда комитентнинг кўрсатмасини тўлиқ риоя қилинган деб ҳисоблаш лозим.

838-модда. Воситачилик нарсаси ҳисобланган ашёларга бўлган ҳуқуқ

Комитентдан воситачига ўтган ёки воситачи комитент ҳисобидан сотиб олган ашёлар комитентнинг мулки бўлади.

Воситачи ушбу Кодекснинг 290-моддасига мувофиқ ўз қўлида бўлган, комитентга ёки комитент кўрсатган шахсга топширилиши керак бўлган ашёларни воситачилик шартномаси бўйича ўз талабларини таъминлаш учун ушлаб туришга ҳақли.

Комитент ночор (банкрот) деб эълон қилинган тақдирда воситачининг мазкур ҳуқуқи бекор қилинади, унинг ўзи ушлаб турган ашёлар қиймати доирасида комитентга қўядиган талаблари ушбу Кодекснинг 291-моддасига мувофиқ гаров билан таъминланган талаблар қаторида қаноатлантирилади.

1. Комитентдан воситачига ўтган ёки воситачи комитент ҳисобидан сотиб олган ашёлар комитентнинг мулки бўлади. Бундан шу нарса келиб чиқадики, тасодифий нобуд бўлиш хавфи ва уни сақлаш вазифаси коми-

тентда қолади. Мазкур хавфни воситачига ёки бошқа шахсга юклаш шартини киритиш қонун билан таъқиқланмаган. Мазкур шарт қўшимча ҳақни талаб этади. Бу ҳолат ушбу мол-мулкни юз бериши мумкин бўлган суғурта қилиш учун муҳим аҳамиятга эга. Воситачи уни тўғридан-тўғри кўрсатмаси бўйича ва воситачи ҳисобидан суғурта қилиши мумкин. Шунингдек, мол-мулкни воситачи томонидан суғурта қилиш ҳақидаги шарт тўғридан-тўғри воситачилик шартномасида назарда тутилиши ёки иш муомаласи одатларида бўлиши мумкин.

2. Модданинг мазкур қисмида ҳақ олиш ва бошқа комитент томонидан қўшиладиган суммалар бўйича воситачи учун қўшимча кафолатлар белгиланган — воситачи воситачилик шартномаси бўйича ўз талабларини қондиргунча ўзида турган комитентнинг мол-мулкидан чегириб қолиш ҳуқуқидан фойдаланади. Бу ўринда ЎР ФК 290-моддасида мустаҳкамланган қоидаларга асосланиш лозим.

3. Воситачи учун юқоридаги ўрнатилган кафолатлар билан бир қаторда қонун чиқарувчи томонидан комитентнинг бошқа кредиторлари манфатлари ҳам ҳисобга олинган, улар орасида навбати бўйича имтиёзга эга бўлган кредиторлар мавжуд бўлиши мумкин. Комитент ночор — банкрот — деб эълон берилган тақдирда воситачининг мазкур ҳуқуқи бекор қилинади, унинг ўзи ушлаб турган ашёлар қиймати доирасида комитентга қўядиган талаблари ушбу кодекснинг 291-моддасига мувофиқ гаров билан таъминланган талаблар қаторида қаноатлантирилади.

839-модда. Воситачининг талабларини комитентга тегишли суммалардан ушлаб қолиш

Воситачи ушбу Кодекснинг 343-моддасига мувофиқ воситачилик шартномаси бўйича ўзига тегишли бўлган суммаларни комитент ҳисобидан ўзига тушган ҳамма суммалардан ушлаб қолишга ҳақли. Бироқ комитентнинг ўз талабларини қондириш навбати бўйича гаров сақловчилар олдида имтиёздан фойдаланадиган кредиторлари бу талабларни воситачи ушлаб қолган суммалардан қаноатлантириш ҳуқуқидан маҳрум этилмайдилар.

Шунга ўхшаш оқибатлар — қаранг ФК 838-модданинг 3-қисми — воситачи томонидан унга тегишли суммаларни ҳисоблашда комитент

маблағлари ҳисобидан ҳам бўлади. Агар комитентда воситачи олдида талабларини қондириш бўйича навбатда турган кредиторлар мавжуд бўлса, улар воситачи томонидан чегириб қолинган суммаларни ҳисоблаш тартибида ҳам ўз талабларини қондиришни талаб қилиши мумкин.

840-модда. Комитентнинг мол-мулки йўқолганлиги, етишмаслиги ёки шикастланганлиги учун воситачининг жавобгарлиги

Воситачи ўз ихтиёридаги комитент мол-мулкининг йўқолишига, етишмаслигига ёки шикастланишига олиб келган ҳар қандай камчилик учун комитент олдида жавобгар бўлади.

Агар воситачи комитент юборган ёки воситачига комитент учун келган мол-мулкни қабул қилиб олаётганида бу мол-мулкда ташқаридан кўздан кечирганда сезиб қолиниши мумкин бўлган шикастланиш ёки етишмовчилик мавжуд бўлса, шунингдек комитентнинг воситачи кўлида турган мол-мулकिга бирон-бир шахс зарар келтирган тақдирда воситачи комитентнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чораларини кўриши, зарур далил-исботларни тўплаши ва буларнинг барчаси ҳақида дарҳол комитентни хабардор қилиши шарт.

Ўз ихтиёридаги комитентнинг мол-мулкни суғурталамаган воситачи бунинг учун фақат комитент унга мол-мулкни комитент ҳисобидан суғурталашни буюрган ёки воситачининг бу мол-мулкни суғурталашни воситачилик шартномасида ёки иш муомаласи одатларида назарда тутилган ҳоллар жавобгар бўлади.

Комитентнинг мол-мулкни сақлаш бўйича мажбурияти воситачига юклатилади. Воситачи ўз ихтиёридаги комитент мол-мулкининг йўқолишига, етишмаслигига ёки шикастланишига олиб келган ҳар қандай камчилик учун комитент олдида жавобгар бўлади деган қонидани ўз ичига олувчи норма комитентда вужудга келадиган зарар бўйича воситачининг айби бўлишини шарт қилиб қўяди.

Шунингдек, комитент томонидан бериб юборилган ёки комитент учун воситачига берилган мол-мулкининг аниқ етишмовчиликлари — буюмларни ташқи томонидан кўздан кечиришда сезилиб турган шикастланиши ёки етишмаслиги — тўғрисида комитентни хабардор қилиш мажбурияти воситачига юклатилади. Шунингдек, воситачида бўлган комитентнинг

мол-мулкига ким томонидандир зарар етказилиш ҳолатида воситачи комитентнинг ҳуқуқларини қўриқлаш чораларини кўриши, керакли ҳужжатларни йиғиши ва ҳаммаси ҳақида дарҳол комитентни хабардор қилиши шарт.

2. Воситачи комитентнинг мол-мулкни фақатгина комитент унга ўз ҳисобидан шундай ҳаракатни амалга оширишга буйруқ берганда ёки бу мол-мулкни воситачи томогидан суғурта қилиниши воситачилик шартномасида ёхуд иш муомаласи одатларида кўзда тутилганда суғурта қилиши керак.

841-модда. Комитентнинг воситачилик шартномаси бўйича ижрони қабул қилиши

Комитент:

воситачилик шартномаси бўйича ижро этилган ҳамма нарсани воситачидан қабул қилиши;

ўзи учун воситачи томонидан сотиб олинган мол-мулкни кўздан кечириши ва ушбу мол-мулкда аниқланган камчиликлар тўғрисида дарҳол воситачини хабардор қилиши;

воситачини воситачилик топшириғини бажариш юзасидан учинчи шахс олдида ўз зиммасига олган мажбуриятлардан озод қилиши шарт.

Комитентнинг мажбуриятига воситачилик шартномаси бўйича ижро этилган ҳамма нарсани воситачидан қабул қилиш киради. Бу ўринда комитент ўзи учун воситачи томонидан сотиб олинган мол-мулкни кўздан кечириши в ушбу мол-мулкда аниқланган камчиликлар тўғрисида дарҳол воситачини хабардор қилиши керак. Агар бу бажарилмаса, комитент ушбу мол-мулкни қаршиликсиз қабул қилган ҳисобланади. Ва охиригиси, комитент воситачини воситачилик топшириғини бажариш юзасидан учинчи шахс олдида ўз зиммасига олган мажбуриятлардан озод қилиши шарт.

842-модда. Воситачилик топшириғини бажариш учун қилинган харажатларни қоплаш

Комитент воситачилик ҳақини, тегишли ҳолларда эса делькре-дере учун қўшимча ҳақни ҳам тўлашдан ташқари, воситачилик

топширигини бажариш юзасидан воситачи сарфлаган суммаларни ҳам унга тўлаши шарт.

Агар қонун ҳужжатларида ёки воситачилик шартномасида бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, воситачи ўз ихтиёрида бўлган комитентнинг мол-мулкани сақлаш юзасидан қилган харажатлари қопланишига ҳақли эмас.

1. Комитент воситачилик ҳақини тўлаш, лозим ҳолларда делькредере учун қўшимча ҳақни ҳам тўлашдан ташқари воситачилик топширигини бажариш юзасидан воситачи сарфлаган суммаларни ҳам унга тўлаши шарт(масалан, транспорт харажатлари, меҳмонхонада яшаш тўлови ва бошқ.).

2. Агар қонун ҳужжатларида ёки воситачилик шартномасида бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, воситачи ўз ихтиёрида бўлган комитентнинг мол-мулкани сақлаш юзасидан қилган харажатлари қопланишига ҳақли эмас. Кўрсатилган норма воситачи ўз ихтиёрида бўлган комитентнинг мол-мулкани сақлашга ҳаракат қилган ҳолда ўзининг бўйича мажбуриятларини фаол амалга оширади(комитент товари қанчалик тез сотиш, ёки мулкни кечиктирмай комитентга етказиб бериш).

843-модда. Воситачилик топширигининг комитент томонидан бекор қилиниши

Комитент воситачига берган топширигини истаган вақтида бекор қилиб, воситачилик шартномасини бажаришдан бош тортишга ҳақли. Бунда воситачининг топшириқ бекор қилиниши муносабати билан кўрган зарари умумий асосларда қопланади.

Воситачилик шартномаси амал қилиш муддати кўрсатилмаган ҳолда тузилган тақдирда комитент шартномани бекор қилиши ҳақида, агар шартномада хабар қилишнинг узоқроқ муддати назарда тутилган бўлмаса, камида ўттиз кун олдин воситачини хабардор қилиши шарт. Бундай ҳолда комитент воситачига у шартнома бекор қилингунча тузган битимлар учун ҳақ тўлаши, шунингдек воситачи шартнома бекор бўлгунча қилган харажатларни тўлаши шарт.

Топшириқ бекор қилинган тақдирда комитент воситачи ихтиёридаги ўз мол-мулкани воситачилик шартномасида белгиланган муд-

датда, борди-ю бундай муддат белгиланмаган бўлса, дарҳол тасарруф этиши шарт. Агар комитент бу мажбуриятни бажармаса, воситачи мол-мулкни комитент ҳисобидан сақлаб қўйишга топширишга ёки уни комитент учун иложи борича фойдали баҳода сотишга ҳақли.

1. Комитент воситачига берган топшириғини истаган вақтида ҳеч қандай важларсиз бекор қилиб, воситачилик шартномасини бажаришдан бош тортишга ҳақли. Бунда топшириқдан бош тортиш оқибатида келиб чиққан воситачининг зарари умумий асосларга кўра қопланади, яъни унга етказилган барча зарарлар олинмаган қолинган фойдалар ҳам битим учун тўлов шаклида қопланиши керак.

2. Амал қилиш муддати кўрсатилмаган ҳолда тузилган воситачилик шартномалари ўзига хос хусусиятларга эгадир — бундай ҳолатда комитент воситачига шартномани бекор қилиш ҳақида ўттиз кундан кам бўлмаган муддат олдин хабар қилиши лозим (агар давомийроқ муддат шартномада назарда тутилмаган бўлса). Воситачи шартнома бекор қилинишидан олдин тузилган битимлар бўйича тўловларни, шунингдек шартнома бекор бўлишидан олдинги харажатларни талаб қилишга ҳақли.

3. Топшириқ бекор бўлган ҳолатда комитент воситачилик шартномасида кўрсатилган муддатда, агар бундай муддат кўрсатилмаган бўлса, кечиктирмай, ўзининг воситачида бўлган мулкни тасарруф этиши лозим. Агар бундай тасарруф этиш амалга оширилмаса, воситачи мулкни комитент ҳисобидан сақланишга топширишга ёки имкони борича комитентга фойдали бўлган нархларда сотиб юборишга ҳақли.

844-модда. Воситачининг топшириқни бажаришдан бош тортиши

Агар воситачилик шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, воситачи шартномани бажаришдан бош тортишга ҳақли эмас, шартнома амал қилиш муддати кўрсатилмасдан тузилган ҳоллар бундан мустасно. Бундай ҳолда воситачи комитентга шартномани бекор қилиши ҳақида, агар хабар қилишнинг узокроқ муддати шартномада назарда тутилган бўлмаса, камида ўттиз кун олдин хабар бериши шарт.

Воситачи комитентнинг мол-мулки сақланишини таъминлаш учун зарур чора-тадбирларни кўриши шарт.

Воситачи топшириқни бажаришдан бош тортаётганлиги ҳақида хабардор қилинган комитент воситачининг топшириқни бажаришдан бош тортаётганлиги ҳақида билдиришнома олган кундан эътиборан, агар шартномада бошқа муддат белгиланган бўлмаса, ўн беш кун ичида воситачи ихтиёридаги ўз мол-мулкни тасарруф этиши шарт. Агар комиссионер ушбу мажбуриятни бажармаса, воситачи ё мол-мулкни сақлаб қўйишга топширишга ёки уни комитент учун иложи бориचा фойдали баҳода сотишга ҳақли.

Агар воситачилик шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, топшириқни бажаришдан бош тортган воситачи шартнома бекор қилингунча ўзи тузган битимлар учун воситачилик ҳақи олишга, шунингдек шу пайтга қадар қилган харажатларининг қопланишига бўлган ҳуқуқини сақлаб қолади.

1. Агар комитент воситачилик шартномасидан ҳеч қандай сабаб кўрсатмасдан бош тортишга ҳақли бўлса, воситачи бир томонлама тартибда топшириқни бажаришдан бош тортишга ҳақли эмас. Истисно ҳолатлари ушбу ҳуқуқ воситачилик шартномасида бириктирилган ёки муддатини кўрсатмасдан тузилган ҳолатлардир. Бундай ҳолатда воситачи комитентни шартномани бекор қилиш ҳақида ўттиз кундан кам бўлмаган муддат олдин хабардор қилиши лозим(агар давомийроқ муддат шартномада назарда тутилмаган бўлса).

2. Воситачи комитентнинг мулкни сақлаш учун зарурий чораларни кўриши лозим. Бу ерда ЎР ФК 843-моддаси 3 қисмига ўхшаш қоида(фарқи — ўн беш кунлик муддатнинг белгиланиши) бириктириган. Воситачининг топшириқдан бош тортиши ҳақида хабардор қилинган комитент, шартномада бошқача муддат кўзда тутилмаган бўлса, бундай хабарни олган кунидан эътиборан ўн беш кунлик муддат ичида воситачида бўлган мулкни тасарруф қилишга киришишга мажбур. Агар у ушбу мажбуриятни бажармаса, воситачи мулкни сақлашга топширишга ёки уни комитент учун иложи бориचा фойдали баҳода сотишга ҳақли.

3. Топшириқни бажаришдан бош тортган воситачи шартнома бекор қилингунча ўзи тузган битимлар учун воситачилик ҳақи олишга, шунингдек шу пайтга қадар қилган харажатларининг қопланишига бўлган ҳуқуқини сақлаб қолади(агар воситачилик шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса).

845-модда. Воситачилик шартномасининг бекор қилиниши

Воситачилик шартномаси: комитент шартномани бажаришдан бош тортганлиги; воситачи шартномани бажаришдан бош тортганлиги; воситачи вафот этганлиги, у муомалага лаёқатсиз, лаёқати чекланган, бедарак йўқолган ёки ночор деб топилганлиги оқибатида бекор қилинади.

Икки ҳолат — комитент шартномани бажаришдан бош тортганлиги ва воситачи шартномани бажаришдан бош тортганлигидан ташқари, воситачилик шартномаси — воситачи вафот этганлиги, у муомалага лаёқатсиз, лаёқати чекланган, бедарак йўқолган ёки ночор деб топилганлиги оқибатида ҳам бекор қилинади. Ночор деб топилган деганда воситачи — якка тадбиркорнинг ёки юридик шахснинг банкротга учраганлиги назарда тутилади. Воситачининг ночорлиги ҳолатида унинг шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари комитентга ўтади. Воситачилик шартномасининг бекор қилинишига яна бир асос бу юридик шахснинг тугатилишидир (ЎР ФК 848-моддаси 1-қисмига қаранг).

846-модда. Комитентнинг муддати кўрсатилмай тузилган воситачилик шартномасини бажаришдан бош тортиши

Комитент муддати кўрсатилмай тузилган воситачилик шартномасини бажаришдан истаган вақтда бош тортишга ҳақли бўлиб, бу ҳақда воситачини, агар шартномада узокрок муддат назарда тутилган бўлмаса, камида ўттиз кун олдин хабардор қилади.

Бундай ҳолда комитент воситачилик шартномаси бекор қилинганга қадар тузган битимлари учун воситачига ҳақ тўлаши, шунингдек воситачи шартнома бекор бўлгунча қилган харажатларни унга тўлаши шарт.

Комитент воситачилик шартномасини бажаришдан бош тортган тақдирда ушбу Кодекс 844-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган мажбуриятларни бажариши шарт.

ФК 843-моддаси 2 ва 3-қисми шарҳига қаранг.

847-модда. Воситачининг воситачилик шартномасини бажаришдан бош тортиши

Воситачи муддати кўрсатилмасдан тузилган воситачилик шартномасини бажаришдан истаган вақтда бош тортишга ҳақли бўлиб, бу ҳақда комитентни, агар хабардор қилишнинг узоқроқ муддати шартномада кўзда тутилган бўлмаса, ўттиз кундан кечиктирмасдан хабардор қилади.

Бундай ҳолда воситачи ўз ихтиёридаги комитентнинг мол-мулки тўлиқ сақланиши учун чоралар кўриши шарт. Комитент воситачилик шартномаси бекор бўлгунча воситачининг ихтиёридаги мол-мулкни тасарруф қилиши шарт. Агар у мана шу мажбуриятни бажармаса, воситачи ё мол-мулкни комитент ҳисобидан сақлашга топширишга ёки уни комитент учун мумкин қадар фойдали баҳода сотишга ҳақли.

Воситачилик шартномасини бажаришдан бош тортган воситачи воситачилик ҳақини олиш ҳамда шартнома бекор бўлган пайтда ўзига тегишли бўладиган харажатларни ундириб олиш ҳуқуқига эга. ФК 844-моддаси шарҳига қаранг.

848-модда. Фуқаронинг вафот этиши ёки юридик шахснинг тугатилиши оқибатлари

Фуқаро вафот этган ёки воситачи юридик шахс тугатилган тақдирда воситачилик шартномаси бекор қилинади.

Воситачи юридик шахс қайта ташкил этилганида унинг воситачи сифатидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари, башарти қайта ташкил этиш юз берганлиги ҳақидаги маълумотни олган кундан бошлаб ўттиз кун ичида комитент шартномани бекор қилганлиги ҳақида хабар бермаса, қонуний ворисларга ўтади.

Комитент фуқаро вафот этган, у муомалага лаёқатсиз ёки лаёқати чекланган деб топилган тақдирда, шунингдек комитент юридик шахс тугатилган тақдирда воситачи ўзига берилган топшириқни комитентнинг меросхўрларидан ёки ҳуқуқий ворисларидан (вакилларидан) тегишли кўрсатмалар келгунча бажариб туриши шарт.

1. Шарҳланаётган модданинг 1-қисми тасдиқловчи характерга эгадир ва унга мувофиқ фуқаронинг ўлими ёки воситачи — юридик шахснинг тугатилиши билан унинг фаолияти тугайди, шунга кўра воситачилик шартномаси ҳам тугашига. Бунда назарда тутиладики, воситачида бўлган мулк қонунчилик талабларига мувофиқ, комитентга берилиши лозим.

2. Воситачи — юридик шахснинг қайта ташкил этилиши воситачилик шартномасини бекор қилмайди. Бу ерда иштирокчилар ўртасида ҳуқуқий ворисликка тўсқинлик қилувчи шахсий-ишонч муносабатлари мавжуд эмас. Шунинг учун, воситачининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳуқуқий ворисга ўтиши мумкин — лекин бу комитентнинг хоҳишига боғлиқ. У ушбу қайта ташкил этишни билгани ҳолда, хабардор қилинганидан сўнг ўттиз кун ичида шартномани бекор қилиш ҳақида хабар қилиши мумкин.

3. Шарҳланаётган модданинг 3-қисмида кўрсатилган ҳолатларда ҳам иштирокчилар ўртасида ҳуқуқий ворисликка тўсқинлик қилувчи шахсий-ишонч муносабатлари мавжуд эмас. Фуқаро-комитент вафот этганлиги, у муомалага лаёқатсиз, лаёқати чекланган, бедарак йўқолган ёки ночор деб топилганлиги, шунингдек юридик шахс-комитентнинг тугатилганлиги ҳолатларида ҳам мазкур шартноманинг амал қилишининг сақланиб қолиши шунинг билан англатилади. Бунда воситачи ворислар ёки ҳуқуқий ворислар(вакиллар)дан тегишли кшрсатмалар келмагунча ўзига берилган топшириқ ижросини давом эттиришга мажбур.

49-БОБ. МОЛ-МУЛКНИ ИШОНЧЛИ БОШҚАРИШ

849-модда. Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси бўйича бир тараф (бошқарувнинг муассиси) иккинчи тарафга (ишончли бошқарувчига) мол-мулкни муайян муддатга ишончли бошқарувга топширади, иккинчи тараф эса ушбу мол-мулкни бошқарувнинг муассиси ёки у кўрсатган шахс (фойда олувчи) манфаатларини кўзлаб бошқариш мажбуриятини олади.

Мол-мулкни ишончли бошқаришга топшириш бу мол-мулкка мулк ҳуқуқининг ишончли бошқарувчига ўтишига олиб келмайди.

Ишончли бошқарувчи мол-мулкни ишончли бошқарар экан, ишончли бошқариш шартномасига мувофиқ ушбу мол-мулкка нисбатан фойда олувчининг манфаатларини кўзлаган ҳолда ҳар қандай юридик ва амалий ҳаракатларни қилишга ҳақли. Қонунда ёки шартномада мол-мулкни ишончли бошқариш бўйича айрим ҳаракатларга нисбатан чекловлар назарда тутилиши мумкин. Ишончли бошқаришга топширилган мол-мулк юзасидан битимларни ишончли бошқарувчи ўз номидан амалга оширади, бунда у ўзининг шундай бошқарувчи сифатида иш олиб бораётганини кўрсатади. Агар ёзма тарзда расмийлаштиришни талаб қилмайдиган ҳаракатлар амалга оширилаётганида иккинчи тараф ишончли бошқарувчи бу ҳаракатларни ана шундай бошқарувчи сифатида амалга ошираётганлигидан хабардор қилинган бўлса, ёзма ҳужжатларда эса ишончли бошқарувчининг исми ёки номидан кейин тегишли белги қўйилган бўлса, мазкур шартга риоя қилинган ҳисобланади.

Ишончли бошқарувчининг ана шундай бошқарувчи сифатида ҳаракат қилиши тўғрисида кўрсатма бўлмаса, у учинчи шахслар олдида шахсан мажбурият олади ва улар олдида фақат ўзига қаршли мол-мулк билан жавоб беради.

1. Мол-мулкни ишончли бошқариш мол-мулк эгасининг қонуний ҳуқуқларини мол-мулкдан янада самаралироқ фойдаланиш мақсадида учинчи шахслар томонидан амалга ошириш имконини беради. Мол-мулкни ишончли бошқарувга бериш эҳтиёжи мол-мулк эгасининг унга тегишли мол-мулкнинг айрим объектларидан самарали фойдалана олишдаги имконсизлиги ва малакасизлиги; вақтни иқтисод қилиш ёки бунинг учун тажрибали профессионаллارни жалб этиш хоҳиши; шунингдек, учинчи шахсларга, ишончли бошқарувчи хизматига мурожаат қилган ҳолда, ўз мол-мулки ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатиш ниятини ифодалаш и мумкин.

Бошқа шахснинг мулкни бошқаришдаги фаолият бу нафақат мулкка нисбатан уни кўриқлаш табиатидаги ҳаракатларни малга ошириш, балки ўша шахснинг барча ҳаракатларини амалга оширишдан иборат. Бу мулкни кўпайтиришга йўналтирилган бўлиши ҳам мумкин, ҳам мулкни қоникарли аҳволда сақлаш учун маълум бир онгли харажатларни амалга ошириш назарда тутилиши ҳам мумкин. Ушбу фаолият ҳам тадбиркорлик, ҳам нотижорат табиатини касб этади.

Мол-мулкни ишончли бошқаришнинг ўзига зос хусусиятлари қуйидагилардир:

Мол-мулкни ишончли бошқаришга бериш мулк ҳуқуқини ишончли бошқарувчига ўтишига олиб келмайди, ишончли бошқарувчи мол-мулк эгасининг қонуний ҳуқуқларининг шартномада ёки қонунда белги-ланган у ёки бу чегарада амалга оширади, мулкдорнинг ўзи эса айни ўша чегарада ушбу қонуний ҳуқуқларини амалга оширмайди. Бунда бошқарувчи мулкка нисбатан ўз шахсий манфаатларидан эмас, балки фойда олувчи — мулкдор ёки у кўрсатган учинчи шахс манфаатларидан келиб чиққан ҳолда иш тутади.

Мол-мулкни ишончли бошқариш институти мажбурият ҳуқуқининг янги, мустақил институти бўлиб, у шахслар ўртасида мавжуд шартнома ва ушбу шартномага мувофиқ келиб чиқувчи ҳуқуқ ва мажбуриятларга асосланган. Кўрсатилган шартнома-икки томонлама, реал; ишонч (фиду-циар) шартномаси эмас.

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасида учта субъект: бошқарув таъсисчиси, ишончли бошқарувчи ва фойда олувчи иштирок этади. Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси тўлов эвазига, ҳамда тўловсиз

ҳам бўлиши мумкин. Бу уни, комитент томонидан комиссиянерга тўлов ажратиш шартноманинг асосий шarti бўлган, комиссия шартномасидан ажратиб туради. Шартномада бошқарувчига бериладиган тўловнинг шакли ва миқдори белгиланган тақдирдагина у тўловлилик табиатига эга бўлади. Тўловсиз мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси деб қачонки қонунда ёки шартноманинг ўзида ишончли бошқарувчи тўловсиз фаолиятни амалга ошириши кўриб чиқилган тақдирда тан олинади. Ишончли бошқарувчига унга берилган мол-мулкка нисбатан мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси предметини ташкил этувчи нафақат юридик, балки амалий ҳаракатларни ҳам амалга ошириш ҳуқуқи берилади. Шунинг билан ишончли бошқариш, ишончли вакил томонидан бошқа шахс манфаати учун фақат юридик ҳаракатларни амалга оширишни назарда тутувчи топшириқ шартномасидан фарқланади.

Мол-мулкни ишончли бошқариш бўйича муносабатлар ҳам юридик, ҳам хусусий мол-мулкка нисбатан пайдо бўлиши мумкин. Шунинг учун, мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг таъсисчиси сифатида ҳар қандай мол-мулк эгаси муносабатга киришиши мумкин.

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси бир марталик эмас доимий давом этувчи вазифаларни амалга оширишга йўналтирилган ҳолатда амалда бўлиши мумкин.

Бошқарув айнан мол-мулк билан амалга оширилади ва уни ташкилотларни бошқаришдан фарқлаш лозим. Кўрсатилган муносабатларнинг юридик табиати жуда хилма хил.

Ишончли бошқарувчи истисно тариқасида ўз номидан иш юритади. Бунда у ўзининг ушбу мақомини ёзма ҳужжатларда бошқарувчининг номланиши ёки номидан кейин «И.Б.» белгисини кўрсатиши шарт.

Ишончли бошқарувчи ҳаракатларининг рўйхати ва табиати на қонунда ва на шартномада белгилаб берилади, чунки бу шартнома предмети ва объектига, ундан ташқари ишончли бошқарувчининг касбий сифати, малакаси, мамлакатда ёки минтақада мавжуд иқтисодий шарт шароит оқибатида йўл қўйиладиган таваккалчилик даражаси сингари жиҳатларга боғлиқ.

Ушбу вазифаларни юклаш учун ҳар қандай вазиятларда ишончли бошқарувчининг розилиги талаб этилади, яъни ҳар доим шартнома тузилган бўлиши керак, лекин эътиборли жиҳати, баъзи ҳолларда бундай шартномадан олдин ҳукм акти(васий, ликвидация комиссияси тайинлаш

ва ҳок.). Ушбу актда белгиланган орган бошқарувчини топишни ва у билан шартнома тузишни таъминлаши лозим. Бунда, қатор ҳолатларда шартномани мулк эгаси эмас, балки бошқа шахс тузади (масалан васийлик ва ҳомийлик органи — бедарак йўқолганда).

Бошқарувчи ўзининг эмас, балки мулк эгаси манфаатларидан келиб чиқиб фаолият юритади ва бу ўз навбатида ҳам шахсан мулк эгасининг ўзига, ҳам учинчи шахс-фойда олувчига фойда келтиришини назарда тутиши мумкин. Бу ҳолатда учинчи шахс фойдасига шартнома тузилиши мумкин.

Мол-мулкни бошқариш фаолиятини амалга оширувчи ва мол-мулк эгасини даромад олишини таъминловчи шахс бунинг учун ҳақ олиш ва қилинган чиқимлар учун компенсация олиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Хуллас, мол-мулкни ишончли бошқариш-ишончли бошқарувчининг мол-мулк эгаси(бошқариш муассиси) томонидан ўзига берилган мол-мулкни мол-мулк эгаси ёки кўрсатилган учинчи шахс(фойда олувчи) манфаатларидан келиб чиқиб юридик ва фактик ҳаракатларни амалга оширишидир.

2. Мол-мулкни ишончли бошқаришга бергани ҳолда, мол-мулк эгаси бошқарувчига эғалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш қонуний ҳуқуқини бермайди(улар илгаригидек, мол-мулк эгасида қолади), фақатгина ишончли бошқарувчига ушбу қонуний ҳуқуқлардан ўзининг номидан амалга ошириш ҳуқуқини беради.

Шунинг билан биргаликда, мол-мулк эгасининг ўзи ишончли бошқариш шартномаси амалда бўлган пайтда унга тегишли бўлган ишончли бошқаришга берилган мол-мулкка эғалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш қонуний ҳуқуқларини амалга ошира олмайди.

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг предмети ишончли бошқарувчининг даромад олувчининг манфаатларидан келиб чиқиб ҳар қандай юридик ва фактик ҳаракатларни амалга оширишидир.

Шу билан биргаликда, қонун ёки шартномадан келию чиқиб, мол-мулкни ишончли бошқариш бўйича алоҳида ҳаракатларга нисбатан чекловлар қўйилиши мумкин (масалан, бошқарувда бўлган мулкни текинга бегонаштириш бўйича ҳаракатлар).

3. Бегона мол-мулкни бошқарувчи шахс ҳар доим ўз номидан зарурий ҳаракатларни амалга оширади, лекин, у айнан шундай мақомда ҳаракат

қилаётганлигини кўрсатиши лозим. Бунга учинчи шахсларни оғзаки хабардор этиш ёки ёзма битимлар ва хужжатларда ишончли бошқарувчининг номи ёки номланишидан сўнг «И. Б» белгисини қўйиш йўли билан эришилади. Фақатгина ушбу шартга риоя қилган ҳолдагина бошқарувчи тузилаётган битимларда тараф ҳисобланади, ушбу мажбуриятлардан келиб чиқадиган қарзлар эса биринчи навбатда ишончли бошқарувга берилган мол-мулк ҳисобидан қопланади.

Юқоридаги маълумотлар мавжуд бўлмаган тақдирда, бошқарувчи ўз номидан битим тузган ҳисобланади ва бу бўйича контрагентлари олдида унга бошқаришга берилган мол-мулк билан эмас, ўзининг шахсий мол-мулки билан жавоб беради.

850-модда. Мол-мулкни ишончли бошқаришнинг вужудга келиш (жорий бўлиш) асослари

Мол-мулкни ишончли бошқариш қуйидаги асосларда вужудга келади (жорий этилади):

муассис билан ишончли бошқарувчи ўртасида тузиладиган мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси;

васиятнинг ижросиси (ишончли бошқарувчи) тайинланган васиятнома;

суд қарори;

васийлик ва ҳомийлик органининг васийликка олинган шахснинг мол-мулки устидан васийлик белгилаш тўғрисидаги қарори; қонунда назарда тутилган ҳолларда бошқа юридик фактлар.

1. Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси-томонлар ихтиёрига кўра тузиладиган, эркин шартномадир.

Шу билан бирга, мол-мулкни бошқариш муносабатлари нафақат шартнома асосида, балки бошқа, қонунда тўғридан-тўғри кўрсатиб қўйилган ҳолларда(Ўз. Р ФК 850-моддаси 3–6 қисмлари) ҳам юзага келиши мумкин. Бундай ҳолатларда шартнома мажбурий характерга эга бўлади. Лекин, айтиб ўтиш жоизки, ишончли бошқарувчининг розилиги бўлиши ҳар доим мажбурийдир.

2. ФК 1131-моддасига мувофиқ, васият қилувчи васиятнинг тўғри ижро этилиши ва мероснинг меросхўрга ўтишини таъминлаш мақсадида васият

ижрочисини тайинлаши мумкин. Васият ижрочиси фақатгина муомалага лаёқатли жисмоний шахс бўлиши мумкин. Ушбу шахснинг розилиги ё унинг ўз қўли билан васиятга ёзган хатида, ё васиятга илова қилинган аризада акс этиши лозим. васият ижрочиси ўз вазифаларини, меросни қарзлардан озод бўлиши ва барча меросхўрларни меросни қабул қилиб олишлари учун зарур бўлган, онгли муддат мобайнида амалга оширади. Ҳар қандай ҳолатда, кўрсатилган муддат мерос очилганидан кейин бир йилдан ошмаслиги лозим.

Васият ижрочиси меросни бошқариш ва васиятни ижро этиш билан боғлиқ зарурий харажатларни мерос ҳисобидан қоплаш ҳуқуқига эгадир. Васиятда васият ижрочисига мерос ҳисобидан ҳақ тўлаш назарда тутилиши мумкин.

Васият ижрочиси меросхўрлар талабига кўра васиятни ижроси бўйича ҳисоботлар тақдим этишга мажбур.

3. Мол-мулкни ишончди бошқариш шартномаси бедарак йўқолган деб топилган фуқаронинг мол-мулкни доимий бошқариш заруриятини назарда тутувчи суд қарори кучга кирган тақдирда мисол учун васийлик ва ҳомийлик органлари учун мажбурий бўлади.

4. Қонунда назарда тутилган бошқа юридик фактлардан мисол тариқасида банкротга учраган мол-мулк эгасининг мулкни реализация қилиш бўйича конкурс бошқарувисини келтиришимиз мумкин.

851-модда. Мол-мулкни ишончли бошқариш объекти

Ишончли бошқариш объектлари корхоналар ва бошқа мол-мулк комплекслари, кўчмас мулкка мансуб бўлган алоҳида объектлар, қимматли қоғозлар, алоҳида ҳуқуқлар ва бошқа мол-мулкдан иборат бўлиши мумкин.

Қонунда кўзда тутилган ҳолларни истисно этганда, пул ишончли бошқаришнинг мустақил объекти бўла олмайди. Хўжалик юритувида ёки оператив бошқарувда бўлган мол-мулк ишончли бошқарувга топширилиши мумкин эмас. Хўжалик юритувида ёки оператив бошқарувда бўлган мол-мулк уни хўжалик юритувида ёки оператив бошқарувда сақлаб турган юридик шахс тугатилганидан ёки мол-мулкка хўжалик бошқаруви ёки оператив бошқарув ҳуқуқи

бекор қилинганидан ҳамда у қонунда назарда тутилган бошқа асосларга кўра мулкдорнинг ихтиёрига ўтганидан кейингина ишончли бошқарувга топширилиши мумкин.

1. Объект-бу шундай мол-мулкки, ҳуқуқ суюъектлари унинг устида ҳуқуқий муносабатга киришадилар, ўзларининг субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширадилар. Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг предмети бўлиб бошқариш таъсисчисининг мол-мулкни ишончли бошқаришга бериш бўйича ҳаракатлари; ишончли бошқарувчининг ушбу мулкка нисбатан даромад олувчининг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ҳар қандай юридик ва фактик ҳаракатларни амалга ошириши ҳисобланади. ФК 81-моддасида фуқаролик ҳуқуқи объектларига ашёлар, шу жумладан пул ва қимматли қоғозлар, бошқа буюмлар, мол-мулк, шу жумладан мулккий ҳуқуқлар, ишлар ва хизматлар, ихтиролар, саноат намуналари, фан, адабиёт, санъат асарлари ва интеллектуал фаолиятнинг бошқа натижалари, шунингдек шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа моддий ҳамда номоддий бойликлар кириши бириктирилган.

Шунга мувофиқ тарзда, ишончли бошқаришнинг объектлари бўлиб корхона ва бошқа мол-мулк комплекслари, кўчмас мулкка кирадиган алоҳида объектлар, қимматли қоғозлар, махсус ҳуқуқлар ва бошқа мол-мулклар ҳисобланади (ФК 851-модда).

Тахмин қилинишича, пул кўчар ашёларнинг бир тури сифатида, ўз ўзича(мол-мулкнинг таркибида эмас), қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари, мол-мулкни ишончли бошқариш объекти бўла олмайди. 1996 йил 25 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси «Банклар ва банклар фаолияти тўғрисидаги» Қонунига мувофиқ, банклар пул маблағларини, уларнинг эгалари ва тасарруфчилари билан шартнома тузган ҳолда, бошқариш бўйича операцияларни амалга ошириши мумкин. Қонунда руҳсат этилган ҳолларда пул маблағларини шартнома бўйича бошқаришга берилар экан, ФК ушбу муносабатларга ҳам ФКнинг мазкур шартнома тўғрисидаги нормаларини қўллашни кўзда тутлади.

2. Бошқаришга берилаётган мол-мулк таъсисчига эгалик ҳуқуқи бўйича тегишли бўлиши лозим. Хўжалик юритиш, оператив бошқариш каби бошқа ашёвий ҳуқуқлар эгалари ишончли бошқариш таъсисчилари бўлиши мумкин эмас. Хўжалик юритиш ва оператив бошқариш ҳуқуқидан фойдаланиш ушбу ҳуқуқ эгаларининг юқоридаги ҳуқуқларидан фақатгина

мулк эгасининг ваколати биланга амалга оширишларини кўзда тутлади. Ушбу қонуний ҳуқуқлар иккинчи звенода амалга ошириладиган иккиламчи ҳуқуқлар эмас.

Шу билан биргаликда, шу ерда ҳам истиснолар кўзда тутилган. ФК 852-моддаси 5-қисми хўжалик юритиш ҳуқуқига эга бўлган корхонага ишончли бошқариш таъсисчиси бўлишига рухсат беради. Бу ерда битта шартга риоя этиш-мулк эгасининг розилигини олиш зарур.

852-модда. Мол-мулкни ишончли бошқариш субъектлари

Қуйидагилар мол-мулкни ишончли бошқариш муассислари бўладилар:

мол-мулкнинг эгаси;

ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахс;

ваколатли давлат органи давлат мулки бўлган мол-мулкка нисбатан;

мол-мулкка хўжалик юритуви ҳуқуқи асосида эгалик қиладиган корхона — мулкдорнинг рухсати билан;

қонунда назарда тутилган ҳолларда — нотариус, васийлик ва ҳомийлик органи, суд ёки бошқа ваколатли орган.

Қуйидагилар ишончли бошқарувчи бўлишлари мумкин:

фуқаро;

юримдик шахс.

Мол-мулк давлат органига ишончли бошқарувга берилиши мумкин эмас.

Ишончли бошқарувчи фақат ўз розилиги билангина тайинланиши мумкин.

Ишончли бошқарувчидан ташқари ҳар қандай шахс фойда олувчи бўлиши мумкин.

Мол-мулкни ишончли бошқариш бўйича ҳуқуқий муносабатларда уч субъект иштирок этади: бошқариш таъсисчиси (таъсисчи), ишончли бошқарувчи (бошқарувчи) ва фойда олувчи (учинчи шахс). Шу билан бирга, шартнома тарафлари ёки контрагентлари фақатгина бошқарув таъсисчиси ва ишончли бошқарувчи ҳисобланади.

Бошқариш таъсисчиси деб мол-мулкни берувчи, ишончли бошқарувчи деб эса уни қабул қилувчига айтилади.

Бошқарув таъсисчисининг кўрсатмасига кўра, кимнинг манфаатлари учун ишончли бошқариш амалга оширилаётган шахс фойда олувчи деб аталади.

Эътиборга олиш лозимки, умумий қондаларга кўра фақат мулк эгасигина бошқарув таъсисчиси бўлиши мумкин.

1. Бошқарув таъсисчиси: мулк эгаси; ер участкасини умрбод мерос қилиб олган шахс; давлат мулки ҳисобланган мулкка ваколатли бўлган орган; мулк эгаси рухсати билан-хўжалик юритиш ҳуқуқига эга бўлган корхона; қонунда назарда тутилган ҳолларда, нотариус, ҳомийлик ва васийлик органи, суд ёки бошқа ваколатли орган.

2. Ишончли бошқаришда бошқарувчи, мулкни бошқаришни амалга оширади. Таъсисчидан фарқли равишда, ишончли бошқарувчи сифатида фақат тижорат субъектлари бўлиши мумкин-тижорат ташкилотлари ва якка тадбиркорлар. Бу мол-мулкни ишончли бошқаришга бериш моҳиятини: мулк эгасининг мулкни профессионаллар, юқорида кўрсатилган тадбиркорлик субъектлари қўлига бериш истагини таъминлайди. Лекин, бу ерда ҳам маълум истиснолар мавжуд. Биринчидан, мол-мулкни ишончли бошқаришни амалга ошириш имкониятини назарда тутувчи махсус ҳуқуқ лаёқатига эга бўлмаган, унитар корхонага ўхшаган, тижорат ташкилотлари ишончли бошқарувчи бўла олмайди. Ундан ташқари, унитар корхонани ишончли бошқарувчи ролини ўйнашига бўлган таъқиқ давлат мулкни «ишончли бошқарув»даги унитар корхонанинг бирон-бир мансабдор шахсига махфий тарзда бериб юборишни олдини олишга имкон беради. Иккинчидан, шартноманинг бу тарафини тавсифлашда шунингдек, ижро ишончли бошқарувини ажратиб кўрсатиш зарур. Уни амалга оширишда ишончли бошқарувчи сифатида нафақат тижоратчи фуқаролар ва якка тадбиркорлар, балки, тижоратчи бўлмаган фуқаролар ва нотижорат ташкилотлари(масалан, фонд), идорларни истисно этган ҳолда, иштирок этиши мумкин. Муҳим жиҳати, бу ишончли бошқарув мол-мулк эгасининг мулкни кўпайтириш учун эмас, балки уни сақлаш ёки тақсимлаш, яъни нотижорат мақсадларида таъсис этилади. Ушбу ҳолатларда бошқарувчининг қанчалик профессионаллиги эмас, бошқарув таъсисчисининг унга бўлган синалган ишончи муҳимдир.

Ишончли бошқарувчи фуқаро ва (ёки) юридик шахс бўлиши мумкин. Мол-мулк давлат органина ишончли бошқарувга берилмайди.

Ишончли бошқарувчини тайинлаш фақат унинг розилиги билан амалга оширилади.

3. Ишончли бошқариш бўйича ҳуқуқий муносабатларда даромад олувчи алоҳида мақомга эга. Юқорида айтиб ўтилганидек, даромад олувчи мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаларида тараф ҳисобланмайди — унинг мақоми мажбуриятда учинчи шахс мақомига мосдир.

Даромад олувчи мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасида кимнинг фойдаси ва манфаатларига ишончли бошқариш амалга оширилаётган шахс ҳисобланади. Қонун чиқарувчи даромад олувчи шахсига қандайдир алоҳида талаблар қўймайди. Улар ҳар қандай шахс: ҳам яқка тадбиркорлар, ҳам тадбиркор бўлмаган фуқаролар; тижорат ва нотижорат ташкилотлари ва бошқ. бўлиши мумкин. ягона истисно шуки, ишончли бошқарувчининг ўзи ўзи ишончли бошқарувчи ҳисобланган шартномада ҳар қандай шароитда ҳам даромад олувчи бўла олмайди — бу ҳолатда мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси ўзининг бутун моҳиятини йўқотади.

853-модда. Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг муҳим шартлари

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасида қуйидагилар назарда тутилиши керак:

шартнома бўйича ишончли бошқаришга бериладиган мол-мулк рўйхати;

foyda oлуvчи тўғрисидаги кўрсатма;

ишончли бошқарувчининг ҳисоботлар тақдим этиш муддатлари;

ишончли бошқариш бекор қилинган тақдирда мол-мулкни оладиган шахс;

агар ҳақ тўлаш шартномада назарда тутилган бўлса, ишончли бошқарувчига тўланадиган ҳақнинг миқдори ва шакли.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган шартлар бўлмаган тақдирда, шартнома тузилмаган ҳисобланади. Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси беш йилдан ортиқ бўлмаган муд-

датга тузилади. Шартноманинг амал қилиш муддати тамом бўлганида тарафлардан бирининг шартномани бекор қилиш тўғрисидаги аризаси бўлмаса, шартнома унда назарда тутилган муддатга ва шартлар асосида узайтирилган деб ҳисобланади.

Ишончли бошқаришга топшириладиган айрим турдаги мол-мулклар учун қонунда шартнома амал қилишининг бошқа энг кўп муддатлари белгилаб қўйилиши мумкин.

1. Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг мазмуни томонлар шартномага киритишлари лозим бўлган мавжуд шартлар мажмуини ташкил қилади.

Улар сирасига, авваламбор, ишончли бошқаришга берилаётган мол-мулк таркиби ҳақидаги шарт-булар фақат маълум-индивидуал ашёлар ва ҳуқуқлар ёки мулкӣ ҳуқуқлар мажмуасидир. Ундан ташқари ишончли бошқаришга берилаётган барча мол-мулк мулк эгаси ва ишончли бошқарувчининг бошқа мулкларидан ажратилган бўлиши ва ишончли бошқарувчида мустақил ҳисоб олиб борган ҳолда алоҳида балансида акс этиши лозим.

Ушбу шартноманинг кейинги мавжуд шarti бу мол-мулкни бошқариш кимнинг манфаати юзасидан амалга оширилаётган юридик шахснинг номланиши ёки фуқаронинг исмидир. Бу ишончли бошқариш шартномаси ишончли бошқарувчи ўзининг эмас, бошқа шахснинг манфаатлари юзасидан амалга оширишдаги моҳиятини белгилайди.

Мазкур шартноманинг яна бир мавжуд шarti ишончли бошқарувчи томонидан ҳисоботларни топшириш муддатларидир; ишончли бошқариш тугатилганда мулкни олувчи шахсни кўрсатиш; ишончли бошқарувчи оладиган ҳақнинг суммаси ва миқдори, агар бу шартномада кўрсатилмаган бўлса.

Юқоридаги шартлардан бирортасига амал қилинмаганлигида шартнома тузилмаган деб ҳисобланади.

2. Қонунда ишончли бошқариш шартномасининг амал қилиш муддати кўрсатилган-у беш йилдан ошмаган муддатга тузилади. Томонлардан бирининг шартноманинг амал қилиш муддати тугаганлиги ҳақидаги аризаси бўлмаган тақдирда у шартномада кўрсатилган шартларда муддатга узайтирилган ҳисобланади.

3. Ишончли бошқаришга берилаётган мол-мулкнинг алоҳида турлари учун қонун билан бошқа амал қилиш муддатлари ўрнатилган бўлиши

мумкин. Масалан, ФКининг 1131-моддасига мувофиқ, Васият ижрочиси ўз вазифаларини, меросни қарзлардан озод бўлиши ва барча меросхўрларни меросни қабул қилиб олишлари учун зарур бўлган, онгли муддат мобайнида амалга оширади. Ҳар қандай ҳолатда, кўрсатилган муддат васият очилгач бир йилдан ошмаслиги керак.

854-модда. Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг шакли

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси ёзма шаклда тузилади.

Кўчмас мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси кўчмас мол-мулкни бошқа шахсга бериш ҳақидаги шартнома учун назарда тутилган шаклда ва тартибда тузилади. Кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши қайси тартибда давлат рўйхатидан ўтказилса, бу мулкни ишончли бошқаришга топшириш ҳам шу тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси шаклига ёки кўчмас мулкни ишончли бошқаришга топширишни рўйхатга олиш талабига риоя қилмаслик, унинг ҳақиқий бўлмаслигини келтириб чиқаради.

1. Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси ёзма шаклда тузилиши керак. Бунда шартнома ҳам тарафлар томонидан имзоланган бир ҳужжат шаклида, ҳам ҳужжат, шартнома тарафларининг бири томонидан чиққанлигини аниқлашга имкон берувчи почта, телефон, телеграф ёки бошқа алоқа воситасида ҳужжатларни алмашиш йўли билан тузилиши мумкин. Ушбу шартнома реал шартномалар сирасига кирар экан, уни тузиш учун нафақат томонлар розилигини ёзма расмийлаштириш, балки мулкни ишончли бошқаришга бериш ҳам зарурдир.

2. Шартноманинг ёзма шаклига бўлган юқори талаб кўчмас мулкни ишончли бошқаришда кузатилади. Қонун кўчмас мулкни бегоналаштиришни (олди сотди ва бошқалар) назарда тутувчи шартномани расмийлаштирувчи барча ҳаракатларни амалга оширишни талаб қилади, яъни унга мувофиқ ҳужжатларни илова қилиш, масалан, топшириш акти, инвентаризация акти, бухгалтерлик баланси мустақил баҳоловчи акти, талаб қилинган ҳолларда мулкнинг қиймати ва таркиби тўғрисида

мустақил аудитор хулосаси ва бошқ. Хужжатлар мажмуаси мулкнинг кўчар, кўчмаслиги турига(яшаш уйи, корхона, ер участкаси ва ҳок.) ва ҳуқуқий акт ёки шартнома томонларининг талабларига боғлиқ. Кўчмас мулкни ишончли бошқаришга беришнинг яна бир ўзига хослиги бундай мулкни ишончли бошқаришга беришда давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги қонун талаблари ҳисобланади. Давлат рўйхатидан ўтказиш ушбу мулкка эгалик ҳуқуқини ўтиши сингари расмийлаштириши керак.

3. Мол мулкни ишончли бошқариш шартномасининг шаклига ёки кўчмас мулкни ишончли бошқаришга беришда давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги қонун талабларига риоя қилмаслик шартномани ҳақиқий эмаслигига олиб келади.

855-модда. Ишончли бошқарувда бўлган мол-мулкни ажратиб чиқариш

Ишончли бошқаришга топширилган мол-мулк бошқарув муассисининг бошқа мол-мулкдан, шунингдек ишончли бошқарувчининг мол-мулкдан ажратилади. Ушбу мол-мулк ишончли бошқарувчида алоҳида балансда акс эттирилади ва у бўйича мустақил ҳисоб юритилади. Ишончли бошқарув билан боғлиқ фаолият бўйича ҳисоб-китоб юритиш учун алоҳида банк ҳисобварағи очилади.

Бошқарув муассисининг қарзлари бўйича ундирувни у ишончли бошқаришга топширган мол-мулкка қаратишга йўл қўйилмайди, ушбу шахс ночор (банкрот) бўлган ҳоллар бундан мустасно. Бошқарув муассиси банкрот бўлганида, ушбу мол-мулкни ишончли бошқариш бекор қилинади ва у кимошди савдосига қўйилган мол-мулкка қўшиб юборилади.

1. Айтиб ўтилганидек, ФК 851-моддасига мувофиқ, ишончли бошқаришнинг объектлари бўлиб корхона ва бошқа мол-мулк комплекслари, кўчмас мулкка кирадиган алоҳида объектлар, қимматли қоғозлар, махсус ҳуқуқлар ва бошқа мол-мулклар бўлиши мумкин. Бу ва бошқа мулклар(кўчар ашёлар) кўрилаётган шартноманинг объекти сифатида фақатгина уларни алоҳида ажратилган, алоҳида балансда ёки алоҳида банк ҳисобида турганидагина бўлиши мумкин. бундай ажратилишга эҳтиёж мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг табиатининг

Ўзидан келиб чиқади, ишончли бошқарувдаги мулкни тахсисчининг бошқа мулки билан ёки бошқарувчининг шахсий мулки билан аралашиб кетишини олдини олади. Бу ўз навбатида, ишончли бошқарувга юридик жиҳатдан (алоҳида баланс очиш ёўли билан) ажратиб бўлмайдиган, масалан истеъмол учун мўлжалланган кўчар ашёларни истисно этади. Бошқа жиҳатдан — таркибига кўчар ашёлар ҳам кирадиган турар жой ёки мулк комплекси бутунлай ишончли бошқариш объекти бўла олади.

2. Ишончли бошқаоишда бўлган мулк эгасининг мол-мулки бошқариш таъсисчисининг қарзлари бўйича ундириб олиниши мумкин эмас. Истисно унинг ночор(банкротлиги)лигини ташкил этади. Бу ҳолатда ишончли бошқариш тугатилади ва мусобақа массаига киритилади. Ушбу қоида ишончли бошқарувнинг моддий асослари дахлсизлигини кафолатлайди.

856-модда. Учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари бўлган мол-мулкни ишончли бошқариш

Ишончли бошқарувчи шартнома тузилгунга қадар ўзига бошқариш учун топширилаётган мол-мулкка учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари борлиги ҳақида хабардор қилиб қўйилиши керак. Ушбу шарт бузилган тақдирда ишончли бошқарувчи шартномани ҳақиқий эмас деб ҳисоблаб, реал зарарни қоплашни ва мутаносиб ҳақ тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Агар ишончли бошқаришга топширилган мол-мулкка шартнома тузилганидан кейин учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари пайдо бўлса, ишончли бошқарувчи эса бу ҳақда ўн кунлик муддатда хабардор қилинмаган бўлса, у мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасини бекор қилиб, ўзига келтирилган ҳақиқий зарарнинг қопланишини ва мутаносиб ҳақ тўланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

1. Тажрибада, масалан гаровдаги мулкларни мол-мулкни ишончли бошқаришга бериш ҳолатлари ҳам истисно эмас. Бу қонун билан таъқиқланмаган. Лекин, ушбу ҳолат ўзининг хусусиятларига эга — шарҳланаётган модданинг мазмунига кўра гаровга берган шахс ишончли бошқаришга берилган гаровдаги мулкни ундириш тўғрисидаги мурожаат билан чиқиш ҳуқуқига эга ва охир-оқибатда бу кўрсатилган муносабатларнинг барқарорлигига таъсир қилади. Бундай ҳолатда мулк эгаси — бошқариш

таъсисчиси — мажбурий равишда ишончли бошқарувчига унга оддий мулк эмас, учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари бўлган мулк бераётганлиги ҳақида хабардор қилиши керак. Ушбу шартга риоя қилмаслик ёки ишончли бошқарувчи бу ҳақда билмаган ва билишимконига эга бўлмаган ҳолларда етказилган реал зарарни қоплаш ва мутаносиб равишда (одатда йиллик) ҳақ тўлаш тааби билан шартномани ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилишга ҳақли.

2. Мулк эгаси-бошқарув таъсисчиси ҳам мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси амалда пайтида ишончли бошқарувчига берилган мулкни қўйиши мумкин. Ушбу ҳаракатларни ишончли бошқарувчи билан келишган ҳолда амалга ошириш идеал вариант бўлади. Қонунда бошқарув таъсисчисини гаров шартномаси тузилганлиги ҳақида 9 кун ичида ишончли бошқарувчига хабар беришни бириктирилган. Агар/бу амалга оширилмаса, ишончли бошқарувчи мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасини бекор қилишни ва ўзига етказилган реал зарар ва мутаносиб ҳақни талаб қилишга ҳақли.

857-модда. Ишончли бошқарувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Ишончли бошқарувчи қонунда ва мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасида назарда тутилган доирада ишончли бошқаришга топширилган мол-мулкка нисбатан мулкдор ҳуқуқларини амалга оширади.

Ишончли бошқарувчи мол-мулкни бошқариш соҳасидаги ҳаракатларни амалга ошириш натижасида қўлга киритган ҳуқуқлар ана шундай мол-мулк таркибига киритилади. Ишончли бошқарувчининг ана шундай ҳаракатларни амалга ошириши натижасида вужудга келган мажбуриятлар шу мол-мулк ҳисобидан бажарилади. Ишончли бошқарувчи бошқарувга топширилган қўчмас мол-мулкни бошқа шахсга беришни ва гаровга қўйишни фақат бу ҳол мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасида назарда тутилган ҳолларда амалга оширишга ҳақли.

Ишончли бошқарувда бўлган мол-мулкка ҳуқуқларни химоя қилиш учун ишончли бошқарувчи ўзининг ҳуқуқлари ҳар қандай бузилишини бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқига эга (ушбу Кодекснинг 228, 229, 231, 232-моддалари).

Ишончли бошқарувчи бошқарувнинг муассисига ва фойда олувчига мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси билан белгиланган муддатларда ва тартибда ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот тақдим этиб туради.

1. Ишончли бошқарувчининг унга ишониб топширилган мулкни лозим даражада бошқариши бошқарувнинг муассиси олдидаги ҳуқуқи ва бир пайтнинг ўзида мажбуриятидир. Бу бошқарувнинг муассиси манфаати учун мулкни бошқариш бўйча инсофли ва муқобил ҳаракатларни қонун ва шартномага мувофиқ шахсан бажарашни назарда тутлади.

Мулкни ишончли бошқарувга топшириб, мулкдор бошқарувчига егалик қилиш, фойдаланиш ҳамда тассаруф этиш ҳуқуқини бермайди, балки ишончли бошқарувчига ўз номидан бу ҳуқуқларни амалга ошириш ваколатини беради.

Шу билан бирга ишончли бошқарув шартномаси амалда бўлган муддатда, мулкдор ишочнома асосида берилган мулкка егалик қилиш, фойдаланиш ҳамда тассаруф этиш ҳуқуқини амалга ошира олмайди.

2. Ишончли бошқарувчи алоҳида мол-мулкнинг ишончли бошқарувини амалга ошираётгани учун, бундай ҳаракатлар давомида вужудга келган ҳуқуқлар ушбу мол-мулк таркибига киритилади, ва мажбуриятлар шу мулк ҳисобидан бажарилади.

3. Ишончли бошқарувчининг тассаруф этиш ҳуқуқи, ишончли бошқарувчи бошқарувига топширилган кўчмас мол-мулкни бошқа шахсга беришни ва гаровга қўйишни фақат бу ҳол мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасида назарда тутилган ҳолларда амалга оширилиши мумкин.

4. Ишончли бошқарувчи муассис мулкнинг қонуний егаси сифатида мол-мулкни бошқа шахснинг қонунсиз егалигидан талаб қилиб олиш (ФК 228, 229) ва фойдаланишда дуч келадиган тосиқларни бартараф этиш (ФК 231) ҳуқуқига эга. Шунингдек, бу шахс ўз егалигини мулкдордан ҳам ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга (ФК 232-модда).

5. Ишончли бошқарувчининг бошқарувнинг муассисига ва учинчи шахсга-фойда олувчига ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот тақдим этиб туриши мажбурият сифатида белгиланган. Ҳисобот муддатлари ва тартиби ишончли бошқариш шартномаси билан белгиланади. Ҳисоботларни менеликсиз қабул қилиш мажбуриятнинг лозим даражада бажарилганлиги

ҳақида гувоҳлик беради. Бу эса бошқарувчига шартномада белгиланган кўрсатган хизматлари учун ҳақ тўлаш ва зарурий чиқимларни қоплашда муҳим ўрин тутаети.

858-модда. Мол-мулкни ишончли бошқаришни бошқа шахсга бериш

Ишончли бошқарувчи мол-мулкни шахсан ўзи бошқаради, ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ишончли бошқарувчи бошқа шахсга ишончли бошқарувчи номидан мол-мулкни бошқариш учун зарур бўлган ҳаракатларни амалга оширишни топшириши мумкин, башарти унга мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасида ана шундай ваколат берилган бўлса ёки у бунга муассиснинг ёзма розилигини олган бўлса, ёхуд бошқарув муассисининг ёки фойда олувчининг манфаатларини таъминлаш учун вазият тақозоси билан бунга мажбур бўлса ва бунда бошқарув муассисининг кўрсатмаларини оқилона муддатда олиш имконига эга бўлмаса.

Ишончли бошқарувчи ўзи танлаган ишончли вакилнинг ҳаракатлари учун ўзининг ҳаракатлари каби жавобгар бўлади.

1. Мазкур нормага мувофиқ, ишончли бошқарувчи муассис мулкни бошқаришда шахсан юридик ва фактик ҳаракатларни амалга ошириши тушунилади. Ишончли бошқарув шартномаси, хусусий-ишончли битимлар қаторига кирмаса ҳам, бошқарувчининг мажбуриятлари шахсий хусусият касб этади.

2. Шарҳланаётган норма бошқарувчининг шартнома бажарилишини учинчи шахслар зиммасига юклаши мукинлиги каби истисно ҳолатларни белгилайди. Хусусан, ишончли бошқарувчи бошқарувнинг муассиси ёки фойда олувчи манфаатларини таъминлаш учун вазият тақозоси билан бунга мажбур бўлса ва бунда бошқарув муассисининг кўрсатмаларини оқилона муддатда олиш имконига эга бўлмаса қайта ишончма тузиш ҳолати юзага келиши мумкин (ФК 140-моддасида қаранг.) Шунингдек, ишончли бошқарувчи бошқа шахсга ишончли бошқарувчи номидан мол-мулкни бошқариш учун зарур бўлган ҳаракатларни амалга оширишни

топшириши мумкин, башарти унга мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасида ана шундай ваколат берилган бўлса ёки у бунга муассиснинг ёзма розилигини олган бўлса.

3. Бу ҳолатда ишончли бошқарувчи ўзи танлаган ишончли вакилнинг ҳаракатлари учун ўзининг ҳаракатлари каби жавобгар бўлади.

859-модда. Ишончли бошқарувчининг жавобгарлиги

Мол-мулкни ишончли бошқариш пайтида фойда олувчининг ёки бошқарув муассисининг манфаатлари тўғрисида етарли ғамхўрлик қилмаган ишончли бошқарувчи фойда олувчига мол-мулкни ишончли бошқариш вақтида бой берилган фойдани, бошқарув муассисига эса мол-мулкни йўқотиш ёки унга шикаст етказиш билан келтирилган зарарни, шунингдек бой берилган фойдани тўлайди.

Агар ишончли бошқарувчи ушбу зарарлар энгиб бўлмайдиган куч туфайли ёки фойда олувчининг ёхуд бошқарув муассисининг ҳаракатлари туфайли келиб чиққанлигини исбот қилиб бера олмаса, етказилган зарар учун жавобгар бўлади.

Ишончли бошқарувчи ўзига берилган ваколатлардан четга чиққан ёки ўзи учун белгилаб қўйилган чеклашларни бузган ҳолда тузган битим бўйича мажбуриятларни ишончли бошқарувчи шахсан ўзи бажаради. Агар битимда қатнашувчи учинчи шахслар ваколатлардан четга чиқилганлигини ёки белгилаб қўйилган чеклашларни билмаган бўлсалар ёки билишлари керак бўлмаган бўлса, вужудга келган мажбуриятлар ушбу модданинг тўртинчи қисмида белгилаб қўйилган тартибда бажарилиши керак. Бу ҳолда бошқарув муассиси ишончли бошқарувчидан у келтирган зарарнинг ўрнини қоплашни талаб қилиши мумкин.

Мол-мулкни ишончли бошқариш муносабати билан вужудга келган мажбуриятлар бўйича қарзлар ушбу мол-мулк ҳисобидан тўланади. Ушбу мол-мулк етарли бўлмаган тақдирда ундирув ишончли бошқарувчининг мол-мулкига, унинг мол-мулки ҳам етарли бўлмаганида эса — бошқарув муассисининг ишончли бошқаришга топширилмаган мол-мулкига қаратилиши мумкин.

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси уни тегишли суратда бажармаслик туфайли бошқарув муассисига ёки фойда олувчига етказилиши мумкин бўлган зарарнинг ўрнини қоплашни таъминлаш учун ишончли бошқарувчининг гаров беришини назарда тутиши мумкин.

1. Ишончли бошқарувчининг ўз мажбуриятларини бузиши, бошқарув муассиси ва фойда олувчинг манфаатлари тўғрисида етарли ғамхўрлик қилмаганда намоён бўлади ҳамда ФКнинг 333-моддасида назарда тутилган ҳолатларда жавобгар бўлади: умумий қоидалар асосида — айб мавжд бўлган тақдирда, тадбиркорлик фаолияти асосида мулкни бошақараётган бўлса-айб мавжуд бўлиши-бўлмаслигидан қатъий назар.

Мазкур норма, агар ишончли бошқарувчи бошқарувнинг муассиси ва фойда олувчинг манфаатлари тўғрисида етарли ғамхўрлик қилмаса, уларни манфаатларини бузса, ишончли бошқарув шартномасига асосан ўз мажбуриятини лозим даражада бажармаса, у бошқарув муассиси ва фойда олувчи олдида зарарни қоплаши зарур еканлиги кўрсатиб ўтилган.

Ишончли бошқарувчининг фойда олувчи олдида ишончли бошақарув пайтидаги бой берилган фойда учунгина жавобгар бўлади, чунки фойда олувчи ишончли бошқарувга берилган мулкнинг егаси ҳисобланмайди ва фақатгина фойда олинмаган қисмида зарар кўради. Бошқарувнинг муассиси эса ўз мулкни ишончли бошқарувчига ишониб топширганлиги учун, ҳақиқий зарар кўринишида ҳам кўриши мумкин. Шунинг учун бошқарувнинг муассисига мол-мулкнинг табиий эскиришини ҳисобга олган ҳолда, мулкнинг йўқолиши ёки шикастланиши каби зарарлар қопланади.

Мулкни ишончли бошқариш бошқарувнинг муассиси фойдасига таъсис етилган бўлса, унга нафақат ҳақиқий зарар, балки бой берилган фойда қопланиши (тўпланиши) лозим.

2. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ишончли бошқарувчининг жавобгарлиги таваккалчиликка асосланади. У ушбу зарарлар енгиб бўлмайдиган куч туфайли ёки фойда олувчининг ёхуд бошқарув муассисининг ҳаракатлари туфайли келиб чиққанлигини исбот қилиб бера олмаса, етказилган зарар учун жавобгар бўлади. Бу ерда бир қармақаршилиқ ҳақида тўхталиб ўтиш зарур. Бир томондан, гап ишончли бошқарувчининг жавобгарлиги бошқарув муассиси ва фойда олувчинг манфаатлари тўғрисида етарли ғамхўрлик қилмаганда, яъни айб мавжуд

бўлган тақдирда. Иккинчи томондан эса, ишончли бошқарувчи, агар зарар энгиб бўлмайдиган куч туфайли ёки фойда олувчининг ёхуд бошқарув муассисининг ҳаракатлари туфайли келиб чиққанлиги исботлай олмаса жавобгарликдан озод етилмайди, яъни айб мавжуд бўлган тақдирда.

Бундай ҳолда ишончли бошқарувчининг бошқарувнинг муассиси ва фойда олувчи олдида жавобгарлиги юқори даражада бўлади, чунки жавобгарлик энгиб бўлмайдиган куч чегарасигача бўлади. Бу эса ишончли бошқарувчи ҳам унинг айби мавжуд бўлганда ҳам ҳодиса юз берган ҳолларда жавобгар бўлишни назарда тутати. Масалан, мулкка зарар ишончли бошқарувда бўлган мулкни ташишни амалга оширувчи транспорт ташкилоти айби билан етказилган бўлса; қимматли қоғозлар сертификатини сақлаш фаолиятини амалга оширувчи мулкни сақловчи ёки депозитарий айби билан ва бошқалар.

Шундай қилиб, қонун ишончли бошқарувчининг профессионал тадбиркор мақомидан келиб чиқади ва шу боис унга тадбиркорнинг юқори даражадаги жавобгарлиги қондаси тадбиқ етилади. Ишончли бошқарувчи ўз айбини исботлаши учун ушбу зарарлар энгиб бўлмайдиган куч туфайли ёки фойда олувчининг ёхуд бошқарув муассисининг ҳаракатлари туфайли келиб чиққанлигини исбот қилиб бера олиши лозим. Масалан, мулкнинг йўқолиши ёки шикастланиши муассиснинг мулкни сақлаш ва експлуатасия қилиш шарт-шароитлари тўғрисидаги нўтўғри кўрсатмалари, мулкнинг нобуд бўлишига олиб келган шикастланган мулкни топшириш туфайли келиб чиқиши мумкин ва бошқалар.

Ишончли бошқарувда бўлган мулкка энгиб бўлмайдиган куч туфайли етказилган зарарга фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) мисол бўла олади

3. Ишончли бошқарувчи ўзига берилган ваколатлардан четга чиққан ёки ўзи учун белгилаб қўйилган чеклашларни бузган ҳолда тузган битим бўйича мажбуриятларни ишончли бошқарувчи шахсан ўзи бажаради. Бунда, агар битимда қатнашувчи учинчи шахслар ваколатлардан четга чиқилганлигини ёки белгилаб қўйилган чеклашларни билмаган бўлсалар ёки билишлари керак бўлмаган бўлса, вужудга келган мажбуриятлар ФКнинг 859-моддаси 4-қисмида белгилаб қўйилган тартибда бажарилади. Бу ҳолда бошқарув муассиси ишончли бошқарувчидан у келтирган зарарнинг ўрнини қоплашни талаб қилиши мумкин.

4. Мазкур қисмда ишончли бошқарувчининг контрагентлар олдида мажбуриятларни бажариш кафолати назарда тутилади. Шунингдек, мажбурият бажарилишнинг кетма-кетлиги(заруратга қараб) кўрсатиб ўтилган. Мулкнинг ишончли бошқарув пайтида вужудга келган мажбуриятлар мазкур мол-мулк ҳисобидан қопланади. Мол-мулки ҳам етарли бўлмаганида эса-бошқарув муассисининг ишончли бошқаришга топширилмаган мол-мулкига қаратилиши мумкин.

Бу ерда ишончли бошқарув саҳртномаси шартлари, профессионал ишончли бошқарувчи томонидан бажарилиши назарда тутилади. Агар шартнома шартлари, лозим даражада бажарилмаган бўлса ва бундай ҳаракатлар зарарга олиб келган бўлса, ишончли бошқарувчининг жавобгарлиги. 859-модданинг биринчи қисмидаги асослар бўйча келиб чиқади.

5. Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси уни тегишли суратда бажармаслик туфайли бошқарув муассисига ёки фойда олувчига етказилиши мумкин бўлган зарарнинг ўрнини қоплашни таъминлаш учун ишончли бошқарувчининг гаров беришини назарда тутиши мумкин.

860-модда. Ишончли бошқарувчига тўланадиган ҳақ

Ишончли бошқарувчи мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасида назарда тутилган ҳақни олиш, шунингдек у мол-мулкни ишончли бошқариш чоғида қилган зарур харажатларни бошқаришга топширилган мол-мулк ҳисобидан ёки ушбу мол-мулкдан фойдаланишдан келган даромадлар ҳисобидан қоплатиш ҳуқуқига эга.

Ишончли бошқарувчига ҳақни олиш, шунингдек у мол-мулкни ишончли бошқариш чоғида қилган зарур харажатларни бошқаришга топширилган мол-мулк ҳисобидан ёки ушбу мол-мулкдан фойдаланишдан келган даромадлар ҳисобидан қоплатиш ҳуқуқига эга. Бу қоида бошқарувнинг афзаллигини ҳамда фойдалигини оширишга қаратилган.

861-модда. Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг бекор бўлиши

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси қуйидаги ҳолларда бекор бўлади:

тарафлардан бирининг шартнома муддати тугаши муносабати билан шартномани бекор қилиш тўғрисидаги аризасига мувофиқ;

агар шартномада бошқа ҳол назарда тутилган бўлмаса, фойда олувчи фуқаронинг вафот этиши, фойда олувчи юридик шахснинг тугатилиши муносабати билан;

ишончли бошқарувчи фуқаро вафот этганида, у муомалага лаёқатсиз, муомала лаёқати чекланган ёки бедарак йўқолган деб ҳисобланганида, шунингдек яқка тадбиркор ночор (банкрот) деб топилганида;

ишончли бошқарувчи юридик шахс тугатилганида, у ночор (банкрот) деб топилганида;

фойда олувчи, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартнома бўйича фойдани олишдан бош тортганида;

ишончли бошқарувчи ёки бошқарув муассиси ишончли бошқарувчи учун мол-мулкни ишончли бошқаришни шахсан амалга ошириши мумкин эмаслиги муносабати билан бошқарувни амалга оширишдан бош тортганида;

бошқарув муассиси ишончли бошқарувчига шартномада келишилган ҳақни тўлаган ҳолда ушбу модданинг тўртинчи бандида кўрсатилганидан бошқа сабабларга кўра шартномани бажаришдан бош тортганида;

ишончли бошқарувчи ўзининг мажбуриятларини тегишли даражада бажармаган тақдирда шартнома суднинг қарорига мувофиқ бекор қилинганида;

қонунда ёки шартномада назарда тутилган бошқа асосларга кўра.

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси бекор қилинганида ишончли бошқаришда бўлган мол-мулк, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, бошқарув муассисига топширилади.

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси тарафлардан бирининг ташаббуси билан бекор қилинганида иккинчи тараф, агар шартномада бошқача муддат белгиланган бўлмаса, камида уч ой олдин бундан хабардор қилиб қўйилиши керак.

1. ФК 853-моддасининг 3-қисмида ишончли бошқарув шарномасининг амал қилиш муддатлари тўғрисида тўхталиб ўтилган эди, унда мулкни ишончли бошқариш шартномасининг муддатлари кўрсатилган

бўлиб-бу шартнома 5 йилдан ошмайдиган муддатга тузилиши белги-ланган. Томонларнинг биринининг шартномани тўхтатиш тўғрисидаги талаби бўлмаган тақдирда шартнома муддати тугаши билан унинг амал қилиши ўша шартномада кўрсатилган муддат ва шартларда узайтирилган ҳисобланади. Агар, у ёки бу томон шартноманинг беш йиллик муддати етарлича деб ҳисобласа, у шартнома муддати тугаши муносабати билан шартномани тугатиш тўғрисида арзнома бериши лозим.

Давоми. Шартнома тарафларидан бири, шунингдек даромад олув-чининг шартномада бошқа иштирок эта олмаслигини аён қилувчи ҳар қандай юридик факт шартномани тугатиш учун асос бўлади. Бу даро-мад олувчи ҳисобланган фуқарони вафоти, даромад олувчи-юридик шахснинг тугатилиши(агар шартномада бошқача назарда тутилмаган бўлса); ишончли бошқарувчи бўлган фуқаронинг ўлими, уни муомалага лаёқатсиз, муомала лаёқати чекланган, бедарак йўқолган деб топилиши; якка тартибдаги тадбиркорнинг синиши (банкрот); ишончли бошқарувчи-юридик шахснинг тугатилиши, қарздорлигини тўлаш қобилиятига эга эмас(банкрот) деб топилишидир.

Ундан ташқари, мазкур нормада шартномани тугатишга олиб келувчи шартномани инкор этишнинг уч шакли кўрсатилган. Уларга: а) даромад олувчининг шартнома бўйича фойда олишдан бош тортиши, агар шарт-номада бошқача назарда тутилмаган бўлса; б) ишончли бошқарувчи ёки бошқарув таъсисчисининг ўз мажбуриятларини шахсан бажариш имконсизлиги сабабли шартномани бажаришни инкор этиши. Бунда у бутун муддат учун ҳақ талаб қилишга ҳақли эмас. в) бошқарув таъсис-чисининг шартномани бажаришда ишончли бошқарувчининг шахсан имконсизлигидан бошқа сабабларга кўра инкор этиши. Ушбу ҳолатда бошқарувчи бекор қилишда ўзига тўланиши келишилган бутун суммани талаб қилишга ҳақли.

Шунингдек, ушбу нормада ишончли бошқариш шартномаси ишончли бошқарувчи ўз мажбуриятларини номуносиб бажариши оқибатида суд қарори билан ҳам тугатилиши мумкинлиги ҳам бирктирилган.

Ишончли бошқариш шартномаси қонунда ёки шартномада кўзда тутилган бошқа асосларга кўра ҳам бекор бўлиши мумкин. Ишончли бошқаришда турган мулкка эгалик ҳуқуқининг ўтиши ҳам ушбу мулкка нисбатан ишончли бошқаришнинг бекор бўлишига олиб келади. Агар

ишончли бошқаришга кирган мулк қимматликлари тамом бўлмаса, ишончли бошқарувнинг ўзи тугамайди, фақат баъзи объектлар унинг таркибидан чиқиб кетади. Агар ушбу қимматликлар ишончли бошқаришдаги бутун мулкни ташкил этса, ишончли бошқарув батамом тугатилади.

2. Агар шартномада бошқача кўрсатилмаган бўлса, ишончли бошқариш шартномасининг тугаши билан ишончли бошқарувдаги мулк бошқарув таъсисчисига берилади.

3. Ишончли бошқариш шартномасининг бир тарафи инкор этганда, бошқа тараф шартнома тугашидан кмида уч ой олдин хабардор қилиниши лозим, лекин шартномада бошқача назарда тутилиши ҳам мумкин. Ушбу қоида даромад олувчининг инкор этишига тааллуқли эмас.

Шу тарика, ишончли бошқарув бўйича муносабатларнинг тугатилишига барча асосларни шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин. Улардан бири томонлардан бирининг инкор этиши оқибатида тугатилади. Ушбу инкорлар ўзининг маълум ўзига хос хусусиятларига эга, унинг устига улар шартномани бажаришдан бош тортиш бўйича умумий талабларга мувофиқ келади. Бошқа гуруҳ асослар шартномадаги ҳеч бўлмаганда бир тарафнинг иштирокини имконсиз қилувчи юридик фактлар (ҳодиса ёки ҳаракатлар) ташкил этади.

МУНДАРИЖА

3-КИЧИК БЎЛИМ.

МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ АЙРИМ ТУРЛАРИ 7

29-БОБ ОЛДИ-СОТДИ 7

1-§. ОЛДИ-СОТДИ ТЎҒРИСИДА УМУМИЙ ҚОИДАЛАР 7

386-модда. Олди-сотди шартномаси 7

387-модда. Шартноманинг товар тўғрисидаги шарти 12

388-модда. Товарни топшириш юзасидан
сотувчининг мажбуриятлари 14

389-модда. Товарни топшириш мажбуриятини
бажариш муддати 14

390-модда. Сотувчининг товарни топшириш мажбуриятини
бажариш пайти 16

391-модда. Сотувчининг сотилган мол-мулкни
сақлаш мажбурияти 18

392-модда. Товарнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан
шикастланиши хавфининг ўтиши 18

393-модда. Сотувчининг товарни учинчи шахслар
ҳуқуқларидан озод ҳолда топшириш мажбурияти 20

394-модда. Товарни олиб қўйиш тўғрисида даъво қилинган
тақдирда сотиб олувчи ва сотувчининг мажбуриятлари 21

395-модда. Сотиб олувчидан товар олиб қўйилган тақдирда
сотувчининг жавобгарлиги 22

396-модда. Сотувчи товарни топширишдан бош тортишининг оқибатлари	23
397-модда. Товарга мансуб ашёларни ва хужжатларни топшириш мажбуриятини бажармаслик оқибатлари	24
398-модда. Товарнинг миқдори	25
399-модда. Шартноманинг товар миқдори тўғрисидаги шартларини бузиш оқибатлари	25
400-модда. Товарларнинг ассортименти	27
401-модда. Шартноманинг товар ассортименти тўғрисидаги шартини бузиш оқибатлари	28
402-модда. Товарнинг сифати	31
403-модда. Товар сифатининг кафолати	33
404-модда. Товарнинг кафолат муддатини ҳисоблаш	35
405-модда. Товарнинг яроқлилиқ муддати	36
406-модда. Товарнинг яроқлилиқ муддатини ҳисоблаш	37
407-модда. Товарнинг сифатини текшириш	38
408-модда. Тегишли даражада сифатли бўлмаган товарни топшириш оқибатлари	40
409-модда. Товарнинг сотувчи жавобгар бўладиган камчиликлари	41
410-модда. Топширилган товарнинг камчиликларини аниқлаш муддатлари	42
411-модда. Товарнинг бутлиги	45
412-модда. Бут товарлар	46
413-модда. Бут бўлмаган товарни топшириш оқибатлари	46
414-модда. Идиш ва ўраш	48
415-модда. Товарни идишсиз ва (ёки) ўрамаган ҳолда ёхуд тегишли идишга жойламаган ва (ёки) тегишли даражада ўрамаган ҳолда топшириш оқибатлари	49

416-модда. Олди-сотди шартномаси тегишли даражада бажарилмагани ҳақида сотувчини хабардор қилиш	49
417-модда. Сотиб олувчининг товарни қабул қилиш мажбурияти . . .	51
418-модда. Товарнинг баҳоси	53
419-модда. Товар ҳақини тўлаш	54
420-модда. Товар ҳақини олдиндан тўлаш	56
421-модда. Насияга сотилган товар ҳақини тўлаш	58
422-модда. Товар ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш	60
423-модда. Товарни суғурталаш	61
424-модда. Мулк ҳуқуқининг сотувчи ихтиёрида сақланиб қолиши.	62
2-§. ЧАКАНА ОЛДИ-СОТДИ	63
425-модда. Чакана олди-сотди шартномаси	63
426-модда. Товарнинг оммавий офертаси	64
427-модда. Сотиб олувчига товар ҳақида ахборот бериш	65
428-модда. Товарнинг сотиб олувчи томонидан белгиланган муддатда қабул қилиниши шарти билан сотиш	67
429-модда. Товарни намуна бўйича сотиш	69
430-модда. Автоматдан фойдаланган ҳолда товар сотиш	70
431-модда. Товарни сотиб олувчига етказиб бериш шарти билан сотиш	72
432-модда. Товар баҳоси ва унинг ҳақини тўлаш	73
433-модда. Тегишли сифатли товарни алмаштириш	75
434-модда. Сотиб олувчига сифати тегишли даражада бўлмаган товар сотилганида унинг ҳуқуқлари	76
435-модда. Товарни алмаштирганда, харид нарҳини камайтирганда ва сифати тегишли даражада бўлмаган товарни қайтарганда баҳолардаги фарқни тўлаш	78

436-модда. Сотувчининг жавобгарлиги
ва мажбуриятни асл ҳолида бажариш 80

3-§. МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ 81

437-модда. Маҳсулот етказиб бериш шартномаси 81

438-модда. Маҳсулот етказиб бериш шартномасининг
амал қилиш муддати 84

439-модда. Маҳсулот етказиб бериш шартномасини тузиш
вақтида келиб чиқадиган келишмовчиликларни ҳал қилиш 85

440-модда. Маҳсулот етказиб бериш даврлари 88

441-модда. Товарларни етказиб бериш тартиби 90

442-модда. Товарларни олиб бориб бериш 93

443-модда. Тўлиқ етказиб берилмаган товарлар
ўрнини тўлдириш 95

444-модда. Етказиб бериш муддати ўтказиб юборилган
товарларни қабул қилишни рад этиш 98

445-модда. Тўлиқ етказиб берилмаган товарлар ўрнини
тўлдирганда уларнинг ассортименти 99

446-модда. Товарларнинг сотиб олувчи томонидан
қабул қилиниши 101

447-модда. Сотиб олувчи қабул қилмаган товарни
масъулиятли сақлаш 103

448-модда. Товарларни танлаб олиш 105

449-модда. Етказиб бериладиган товарлар учун
ҳисоб-китоблар 107

450-модда. Идишлар ва ўраш материалларини қайтариш 110

451-модда. Тегишли даражада сифатли бўлмаган товарларни
етказиб бериш оқибатлари 111

452-модда. Бут бўлмаган товарлар
етказиб бериш оқибатлари 114

453-модда. Товарлар тўлиқ етказиб берилмаган, товарларнинг камчиликларини бартараф этиш ёки товарларни бутлаш тўғрисидаги талаблар бажарилмаган ҳолларда сотиб олувчининг ҳуқуқлари	116
454-модда. Товарларни тўлиқ етказиб бермаганлик учун неустойка	119
455-модда. Маҳсулот етказиб бериш шартномасини бажаришдан бир томонлама бош тортиш.	120
456-модда. Шартномани бекор қилиш вақтида зарарни ҳисоблаш	123

**4-§. ТОВАРЛАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТЎҒРИСИДАГИ
ДАВЛАТ КОНТРАКТИ 126**

457-модда. Давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш	126
458-модда. Давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш юзасидан давлат контракти	128
459-модда. Давлат контрактини тузиш асослари	130
460-модда. Давлат контрактини тузиш тартиби.	132
461-модда. Давлат контрактини бажариш	134
462-модда. Давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномасини тузиш	137
463-модда. Сотиб олувчининг давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномасини тузишдан бош тортиши	140
464-модда. Давлат контрактининг бажарилиши ёки бекор қилиниши муносабати билан етказилган зарарни қоплаш.	141

5-§. КОНТРАКТАЦИЯ 143

465-модда. Контрактация шартномаси	143
466-модда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчининг мажбуриятлари.	147

467-модда. Тайёрловчининг мажбуриятлари	148
3-§. ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИ	152
468-модда. Энергия таъминоти шартномаси	152
469-модда. Энергия таъминоти шартномасини тузиш ва муддатини узайтириш	155
470-модда. Энергия миқдори	157
471-модда. Энергия таъминоти шартномасининг энергия миқдори тўғрисидаги шартини бузиш оқибатлари	159
472-модда. Энергия сифати	161
473-модда. Тармоқлар, асбоб ва ускуналарни сақлаш ва ишлатиш бўйича абонентнинг мажбуриятлари	163
474-модда. Энергия ҳақини тўлаш	164
475-модда. Абонент томонидан энергиянинг бошқа шахсга берилиши	166
476-модда. Энергия таъминоти шартномасини ўзгартириш ва бекор қилиш	167
477-модда. Энергия таъминоти шартномаси бўйича жавобгарлик	170
478-модда. Энергия таъминоти шартномаси қоидаларини туташтирилган тармоқ орқали таъминлаш борасидаги бошқа муносабатларга нисбатан қўллаш	171
7-§. КЎЧМАС МУЛКНИ СОТИШ	172
479-модда. Кўчмас мулкни сотиш шартномаси	172
480-модда. Кўчмас мулкни сотиш шартномасининг шакли	174
481-модда. Кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтганлигини давлат рўйхатидан ўтказиш	176
482-модда. Бино, иншоот ёки бошқа кўчмас мулк сотилганида улар жойлашган ер участкасига бўлган ҳуқуқ	179

483-модда. Ер участкаси сотилганида кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ	181
484-модда. Кўчмас мулкни сотиш шартномасида шартнома нарсасини белгилаш	183
485-модда. Кўчмас мулкни сотиш шартномасида баҳо	184
486-модда. Кўчмас мулкни топшириш	186
487-модда. Тегишли даражада сифатли бўлмаган кўчмас мулкни топшириш оқибатлари	189
488-модда. Уй-жой биноларини сотишнинг хусусиятлари	191
8-§. КОРХОНАНИ СОТИШ	193
489-модда. Корхонани сотиш шартномаси	193
490-модда. Корхонани сотиш шартномасининг шакли ва уни давлат рўйхатидан ўтказиш	195
491-модда. Сотиладиган корхона таркибини аниқлаш ва қийматини баҳолаш	196
492-модда. Корхонани сотишда кредиторларнинг ҳуқуқлари	198
493-модда. Корхонани топшириш	200
494-модда. Корхонага мулк ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши	202
495-модда. Корхонани камчиликлар билан топшириш ва қабул қилиш оқибатлари	203
496-модда. Корхонани сотиш шартномасига нисбатан битимларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатлари ва шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги қоидаларнинг қўлланилиши	207
30-БОБ. АЙИРБОШЛАШ	209
497-модда. Айирбошлаш шартномаси	209
498-модда. Айирбошлаш шартномаси бўйича баҳо ва харажатлар	210

499-модда. Айирбошлаш шартномасига мувофиқ товарни топшириш мажбуриятини муқобил бажариш	212
500-модда. Айирбошланадиган товарларга бўлган мулк ҳуқуқининг ўтиши	213
501-модда. Айирбошлаш шартномаси бўйича олинган товарни олиб қўйганлик учун жавобгарлик	215
31-БОБ. ҲАДЯ	217
502-модда. Ҳадя шартномаси	217
503-модда. Ҳадя олувчининг ҳадяни қабул қилишни рад этиши	219
504-модда. Ҳадя шартномасининг шакли	220
505-модда. Ҳадяни чеклаш	222
506-модда. Ҳадя шартномасини бажаришдан бош тортиш	224
507-модда. Ҳадяни бекор қилиш	225
508-модда. Ҳадя шартномасини бажаришдан бош тортиш ва ҳадяни бекор қилиш мумкин бўлмаган ҳоллар	227
509-модда. Камчиликлари бўлган мол-мулкни ҳадя қилиш оқибатлари	228
510-модда. Ҳадя ваъда қилинганида ҳуқуқий ворислик	229
511-модда. Хайр-эҳсон	230
32-БОБ. РЕНТА	234
1-§. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР	234
512-модда. Рента шартномаси	234
513-модда. Рента шартномасининг шакли	235
514-модда. Мол-мулкни рента тўлаш шарти билан бошқа шахсга бериш	236

515-модда. Кўчмас мулкдан рента олиш	237
516-модда. Рента тўлашни таъминлаш	238
517-модда. Рента тўлашни кечиктирганлик учун жавобгарлик	240
2-§. ДОИМИЙ РЕНТА	240
518-модда. Доимий рентани олувчи	240
519-модда. Доимий рента шакли ва миқдори	241
520-модда. Доимий рентани тўлаш муддатлари	242
521-модда. Тўловчининг доимий рентани сотиб олиш ҳуқуқи	243
522-модда. Рента олувчининг талабига кўра доимий рентани сотиб олиш	244
523-модда. Доимий рентани сотиб олиш баҳоси	246
524-модда. Доимий рента тўлаш шарти билан топширилган мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиш ёки тасодифан бузилиш хавфи	247
3-§. УМРБОД РЕНТА	248
525-модда. Умрбод рента олувчилар	248
526-модда. Умрбод рента миқдори	249
527-модда. Умрбод рентани тўлаш муддатлари	250
528-модда. Умрбод рента шартномасини рента олувчининг талаби билан бекор қилиш	250
529-модда. Рента тўлаш шарти билан топширилган мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиш ёки тасодифан бузилиш хавфи	252
33-БОБ. УМРБОД ТАЪМИНЛАШ ШАРТИ БИЛАН УЙ-ЖОЙ (КВАРТИРА)НИ БОШҚА ШАХСГА БЕРИШ	253
530-модда. Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномаси	253

531-модда. Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномасининг шакли ва шартлари	254
532-модда. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари	256
533-модда. Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномасини ўзгартириш ёки бекор қилиш.	257
534-модда. Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномаси бўйича мажбуриятларнинг ворисларга ўтиши	260
34-БОБ. МУЛК ИЖАРАСИ	262

1-§. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР 262

535-модда. Мулк ижараси шартномаси.	262
536-модда. Ижарага олувчининг ижарага олинган мол-мулкдан олинадиган маҳсулот, мевалар ва даромадларга бўлган мулк ҳуқуқи	263
537-модда. Мулк ижарасининг объектлари	263
538-модда. Ижарага берувчи	264
539-модда. Мулк ижараси шартномасининг шакли.	265
540-модда. Мулк ижараси шартномасининг муддати	267
541-модда. Ижарага олувчига мол-мулкни топшириш	269
542-модда. Ижарага топширилган мол-мулкдаги камчиликлар учун ижарага берувчининг жавобгарлиги.	271
543-модда. Ижарага топширилаётган мол-мулкка нисбатан учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари	273
544-модда. Мол-мулкдан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш	274
545-модда. Ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш	278
546-модда. Ижарага олинган мол-мулкни тасарруф қилиш	279

547-модда. Ижарага берувчининг ижарага олинган мол-мулкни сақлаш мажбуриятлари	281
548-модда. Ижарага олувчининг ижарага олинган мол-мулкни сақлаш мажбуриятлари	283
549-модда. Тарафлар ўзгарганда мол-мулк ижараси шартномасининг ўз кучида қолиши	284
550-модда. Мулк ижараси шартномаси муддатидан олдин бекор қилинганида иккиламчи ижара шартномасининг бекор бўлиши.	285
551-модда. Ижарага берувчининг талаби бўйича мулк ижараси шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш.	286
552-модда. Ижарага олувчининг талаби билан мулк ижараси шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш.	288
553-модда. Янги муддатга мулк ижараси шартномаси тузишда ижарага олувчининг имтиёзли ҳуқуқи	290
554-модда. Мол-мулкни ижарага берувчига қайтариш	293
555-модда. Ижарага олинган мол-мулкни яхшилаш	294
556-модда. Ижарага олинган мол-мулкни сотиб олиш	296
557-модда. Мулк ижараси айрим турларининг ва айрим турдаги мол-мулкни ижарага беришнинг хусусиятлари	297
2-§. ПРОКАТ	298
558-модда. Прокат шартномаси	298
559-модда. Прокат шартномасининг муддати	300
560-модда. Ижарачига мол-мулкни топшириш	301
561-модда. Ижарага топширилган мол-мулкдаги камчиликларни бартараф этиш	302
562-модда. Прокат шартномаси бўйича мол-мулкдан фойдаланганлик ҳақи	303
563-модда. Ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш	304

3-§. ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ИЖАРАСИ	305
564-модда. Транспорт воситасини ижарага бериш шартномаси . . .	305
565-модда. Транспорт воситасини ижарага бериш шартномасининг шакли	313
566-модда. Транспорт воситаси уни сақлаш, бошқариш ва техник фойдаланиш бўйича хизмат кўрсатган ҳолда ижарага берилганда ижарага берувчининг мажбуриятлари	316
567-модда. Транспорт воситасини тижорат мақсадида ишлатиш билан боғлиқ харажатларни тўлаш бўйича ижарага олувчининг мажбурияти.	322
568-модда. Транспорт воситаси уни сақлаш, бошқариш ва техник фойдаланиш бўйича хизмат кўрсатмаган ҳолда ижарага берилганида ижарага олувчининг мажбуриятлари	323
569-модда. Транспорт воситасидан фойдаланиш ҳақида учинчи шахслар билан тузиладиган шартномалар	326
570-модда. Транспорт воситасига етказилган зарар учун жавобгарлик.	328
571-модда. Транспорт воситаси билан етказилган зарар учун жавобгарлик.	328
572-модда. Айрим турдаги транспорт воситаларини ижарага бериш хусусиятлари.	330
4-§. БИНОЛАР ВА ИНШООТЛАР ИЖАРАСИ.	331
573-модда. Бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномаси.	331
574-модда. Бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномасининг шакли ва уни давлат рўйхатидан ўтказиш	334
575-модда. Бино ёки иншоот ижарага берилганида улар жойлашган ер участкасига бўлган ҳуқуқлар	342
576-модда. Ер участкаси сотилганида ундан фойдаланиш ҳуқуқининг бино ёки иншоотни ижарага олувчида сақланиб қолиши.	345
577-модда. Ижара ҳақининг миқдори.	346

578-модда. Бино ёки иншоотни топшириш	349
5-§. КОРХОНАНИ ИЖАРАГА БЕРИШ	351
579-модда. Корхонани ижарага бериш шартномаси	351
580-модда. Корхонани ижарага бериш шартномасининг шакли . . .	358
581-модда. Ижарага олинган корхонани топшириш	359
582-модда. Ижарага олувчининг корхонани сақлаш ва уни ишлатиш харажатларини тўлаш бўйича мажбуриятлари	361
583-модда. Ижарага олинган корхона мол-мулкдан фойдаланиш	362
584-модда. Ижарачининг ижарага олинган корхонани яхшилаши .	365
585-модда. Корхонани ижарага бериш шартномасига итимларнинг ҳақиқий эмаслиги ҳамда шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш оқибатлари ҳақидаги қоидаларнинг татбиқ этилиши	366
586-модда. Ижарага олинган корхонани қайтариш	368
6-§. ЛИЗИНГ	369
587-модда. Лизинг шартномаси.	369
588-модда. Лизинг объекти	375
589-модда. Лизинг субъектлари.	378
590-модда. Лизинг тўлови	379
591-модда. Мол-мулкни лизингга топшириш тўғрисида сотувчини хабардор қилиш	380
592-модда. Лизинг шартномаси нарчасини лизинг олувчига топшириш	382
593-модда. Мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан бузилиши хавфининг лизинг олувчига ўтиши	383
594-модда. Лизинг берувчининг мажбурияти ва жавобгарлиги . . .	385
595-модда. Лизинг олувчининг ҳуқуқлари.	387
596-модда. Қўшимча лизинг	388

597-модда. Лизинг олувчининг мажбурияти ва жавобгарлиги.	389
598-модда. Сотувчининг жавобгарлиги	391
599-модда. Лизинг объекти бошқа мулкдорга ўтганида лизинг шартномасининг ўз кучида қолиши	393

35-БОБ. УЙ-ЖОЙ ИЖАРАСИ 395

600-модда. Уй-жойни ижарага бериш шартномаси	395
601-модда. Аниқ мақсадга қаратилган коммунал уй-жой.	398
602-модда. Уй-жойни ижарага бериш шартномасининг объекти	408
603-модда. Уй-жойни ижарага бериш шартномасининг шакли	411
604-модда. Уй-жойга бўлган мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтганида уй-жойни ижарага бериш шартномасининг сақланиши	415
605-модда. Уй-жойни ижарага берувчининг мажбуриятлари.	416
606-модда. Ижарага олувчи ва у билан бирга доимий яшайдиган фуқаролар	417
607-модда. Уй-жойни ижарага олувчининг мажбуриятлари.	420
608-модда. Уй-жойни ижарага олиш шартномасига ижарага олувчининг янги оила аъзоларини киритиш	421
609-модда. Вақтинча яшовчилар	424
610-модда. Ижарага берилган уй-жойни таъмирлаш	426
611-модда. Уй-жой учун тўланадиган ҳақ	429
612-модда. Уй-жойни ижарага бериш шартномасининг муддати	431
613-модда. Уй-жойни иккиламчи ижарага бериш	434
614-модда. Уй-жойни ижарага бериш шартномасида ижарага олувчини алмаштириш	438
615-модда. Ижара шартномасини бекор қилиш	439
616-модда. Уй-жойни ижарага бериш шартномасини бекор қилишнинг оқибатлари	443

36-БОБ ТЕКИН ФЙДАЛАНИШ	445
617-модда. Текин фойдаланиш шартномаси тушунчаси	445
618-модда. Ссуда берувчи	446
619-модда. Ашёни текин фойдаланиш учун бериш	448
620-модда. Ашёни текин фойдаланишга бермаслик оқибатлари . . .	449
621-модда. Текин фойдаланиш учун берилган ашёнинг камчиликлари учун жавобгарлик	450
622-модда. Текин фойдаланишга топширилаётган ашёга учинчи шахсларнинг ҳуқуқи	451
623-модда. Ссуда олувчининг ашёни сақлаш мажбуриятлари	452
624-модда. Ашёнинг тасодифан нобуд бўлиш ёки тасодифан бузилиш хавфи	452
625-модда. Ашёдан фойдаланиш натижасида учинчи шахсга етказилган зарар учун жавобгарлик	453
626-модда. Текин фойдаланиш учун олинган ашёни учинчи шахсга топшириш	454
627-модда. Текин фойдаланиш шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш	454
628-модда. Текин фойдаланиш шартномасидан воз кечиш	456
629-модда. Текин фойдаланиш шартномасидаги тарафларнинг ўзгариши	456
630-модда. Текин фойдаланиш шартномасининг бекор бўлиши . . .	458
37-БОБ. ПУДРАТ	459
1§. ПУДРАТ ТЎҒРИСИДА УМУМИЙ ҚОИДАЛАР	459
631-модда. Пудрат шартномаси	459
632-модда. Пудрат шартномаси бўйича бажариладиган ишлар . . .	461

633-модда. Материалларнинг тасодифан нобуд бўлиш ёки тасодифан бузилиш хавфи	463
634-модда. Бош пудратчи ва ёрдамчи пудратчи.	464
635-модда. Ишни бажариш муддатлари	466
636-модда. Ишнинг баҳоси	467
637-модда. Пудратчининг тежами	473
638-модда. Ишга ҳақ тўлаш тартиби.	474
639-модда. Пудратчининг ушлаб қолиш ҳукуқи	476
640-модда. Ишни буюртмачининг материалидан фойдаланиб бажариш	478
641-модда. Буюртмачи берган мол-мулкнинг сақланмаганлиги учун пудратчининг жавобгарлиги	479
642-модда. Пудратчи ишни бажараётган вақтда буюртмачининг ҳуқуқлари.	482
643-модда. Пудратчи буюртмачини огоҳлантириб қўйиши шарт бўлган ҳолатлар	484
644-модда. Буюртмачининг пудрат шартномаси бўйича муқобил мажбуриятларни бажармаслиги	485
645-модда. Буюртмачининг ёрдами.	487
646-модда. Буюртмачининг бажарилган ишларни қабул қилиши.	488
647-модда. Ишнинг сифати	490
648-модда. Ишнинг сифатига кафолат бериш	492
649-модда. Кафолат муддатини ҳисоблаш тартиби	493
650-модда. Ишнинг сифати лозим даражада бўлмаганлиги учун пудратчининг жавобгарлиги	495
651-модда. Иш натижасининг лозим даражада сифатли эмаслигини аниқлаш муддатлари	498
652-модда. Иш сифатининг лозим даражада эмаслиги хусусида даъво қўзғатиш муддати.	500

653-модда. Пудратчининг буюртмачига ахборот бериш мажбурияти	502
654-модда. Тарафлар олган ахборотнинг махфийлиги	503
655-модда. Буюртмачига материал ва ускуналарни қайтариб бериш	504
2-§. МАИШИЙ ПУДРАТ	505
656-модда. Маиший пудрат шартномаси	505
657-модда. Буюртмачи ҳуқуқларининг кафолатлари	507
658-модда. Таклиф этилаётган иш тўғрисида буюртмачига ахборот бериш	508
659-модда. Бажарилган ишдан фойдаланиш шартлари тўғрисида буюртмачини огоҳлантириш	510
660-модда. Ишни пудратчининг материалдан фойдаланиб бажариш	512
661-модда. Ишни буюртмачининг материалдан фойдаланиб бажариш	513
662-модда. Ишнинг баҳоси ва уни тўлаш	514
663-модда. Бажарилган ишда камчиликлар борлигини аниқлаш оқибатлари	516
664-модда. Буюртмачи иш натижасини қабул қилиш учун келмаслигининг оқибатлари	519
665-модда. Маиший пудрат шартномаси бўйича иш лозим даражада ёки умуман бажарилмаган тақдирда буюртмачининг ҳуқуқлари	520
3-§. ҚУРИЛИШ ПУДРАТИ	521
666-модда. Қурилиш пудрати шартномаси	521
667-модда. Пудрат объектнинг тасодифан нобуд бўлиш ёки тасодифан шикастланиш хавфи	526
668-модда. Бажарилаётган ишларнинг хавфсизлиги учун жавобгарлик	527

669-модда. Қурилиш объектини суғурталаш	530
670-модда. Лойиҳа-смета ҳужжатлари	531
671-модда. Лойиҳа-смета ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш . . .	539
672-модда. Қурилишни материаллар ва ускуналар билан таъминлаш	545
673-модда. Ишга ҳақ тўлаш	547
674-модда. Қурилиш учун ер участкаси бериш	551
675-модда. Қурилиш пудрати шартномасидаги буюртмачининг қўшимча мажбуриятлари	553
676-модда. Буюртмачининг қурилиш пудрати шартномаси бўйича ишларнинг бажарилишини текшириши ва назорат қилиши	555
677-модда. Қурилиш пудрати шартномасидаги тарафларнинг ҳамкорлик қилиши	557
678-модда. Пудратчининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва қурилиш ишларини хавфсиз олиб бориш мажбуриятлари	558
679-модда. Қурилиш консервация қилинганда буюртмачининг мажбуриятлари	561
680-модда. Ишларни топшириш ва қабул қилиб олиш	562
681-модда. Ишнинг сифати учун пудратчининг жавобгарлиги	565
682-модда. Қурилиш пудрати шартномасида сифат кафолатлари . .	569
683-модда. Камчиликларни буюртмачи ҳисобидан бартараф қилиш	571
684-модда. Ер участкасининг ипотекаси	572
685-модда. Қурилиш пудратини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш	574
4-§. ЛОЙИҲА ВА ҚИДИРУВ ИШЛАРИ ПУДРАТИ	577
686-модда. Лойиҳа ва қидирув ишлари пудрат шартномаси	577
687-модда. Лойиҳа ва қидирув ишлари учун бошланғич маълумотлар	579

688-модда. Буюртмачининг мажбуриятлари	581
689-модда. Пудратчининг мажбуриятлари	584
690-модда. Пудратчининг кафолатлари	587
691-модда. Пудратчининг хужжатлар ва ишлардаги камчиликлар учун жавобгарлиги	587
692-модда. Лойиҳа ва қидирув ишлари пудратини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш	589

**5-§. ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ, ТАЖРИБА-КОНСТРУКТОРЛИК
ВА ТЕХНОЛОГИЯ ИШЛАРИ ПУДРАТИ 592**

693-модда. Илмий-текшириш, тажриба-конструкторлик ва технология ишлари пудрат шартномалари	592
694-модда. Ишларни бажариш	596
695-модда. Шартнома тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлиги	598
696-модда. Иш натижаларига тарафларнинг ҳуқуқлари	600
697-модда. Буюртмачининг мажбуриятлари	602
698-модда. Пудратчининг мажбуриятлари	604
699-модда. Илмий-текшириш ишлари шартномасидаги натижаларга эришиб бўлмаслик оқибатлари	607
700-модда. Тажриба-конструкторлик ва технологиик ишлари шартномасидаги натижаларга эришиб бўлмаслик оқибатлари	608
701-модда. Шартномани бузганлик учун пудратчининг жавобгарлиги	609
702-модда. Илмий-текшириш, тажриба-конструкторлик ва технология ишлари пудрат шартномаларини ҳуқуқий тартибга солиш.	613

38-БОБ. ҲАҚ ЭВАЗИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ 616

703-модда. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси	616
---	-----

704-модда. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини бажариш	617
705-модда. Хизматларга ҳақ тўлаш	618
706-модда. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини бузганлик учун ижрочининг жавобгарлиги	619
707-модда. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини бекор қилиш	620
708-модда. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш	621
39-БОБ. ЙЎЛОВЧИ, БАГАЖ ВА ЮК ТАШИШ	622
709-модда. Йўловчи, багаж ва юк ташишнинг умумий қоидалари	622
710-модда. Йўловчи ташиш шартномаси	623
711-модда. Юк ташиш шартномаси	624
712-модда. Чартер (фрахтлаш) шартномаси	626
713-модда. Бир йўналишда ҳар хил транспортда ташиш	627
714-модда. Умумий фойдаланишдаги транспортда ташиш	628
715-модда. Кира ҳақи	629
716-модда. Транспорт воситаларини бериш, юк ортиш (тушириш)	631
717-модда. Йўловчи, багаж ва юкни элтиб қўйиш муддати	632
718-модда. Ташишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича жавобгарлик	633
719-модда. Ташувчининг транспорт воситаларини бермаганлик, жўнатувчининг эса берилган транспорт воситаларидан фойдаланмаганлик учун жавобгарлиги	634
720-модда. Йўловчини жўнатиб юбориш кечиктирилгани учун ташувчининг жавобгарлиги	635

721-модда. Юк ёки багаж йўқолганлиги, кам чиққанлиги ва уларга шикаст етказилганлиги (бузилганлиги) учун ташувчининг жавобгарлиги	637
722-модда. Ташишни ташкил этиш шартномалари	639
723-модда. Транспорт ташкилотлари ўртасидаги шартномалар	640
724-модда. Юк ташишга нисбатан талаб ва даъволар.	640
725-модда. Йўловчининг ҳаёти ёки соғлиғига шикаст етказилганлиги учун ташувчининг жавобгарлиги.	642
40-БОБ. ТРАНСПОРТ ЭКСПЕДИЦИЯСИ	643
726-модда. Транспорт экспедицияси шартномаси	643
727-модда. Шартноманинг шакли	644
728-модда. Транспорт экспедицияси шартномаси бўйича экспедиторнинг жавобгарлиги.	645
729-модда. Экспедиторга бериладиган ҳужжатлар ва бошқа ахборот.	646
730-модда. Учинчи шахснинг экспедитор мажбуриятини бажариши.	647
731-модда. Экспедиция шартномасидан бош тортиш	648
41-БОБ. ҚАРЗ ВА КРЕДИТ.	649
1-§. ҚАРЗ.	649
732-модда. Қарз шартномаси	649
733-модда. Қарз шартномасининг шакли	651
734-модда. Қарз шартномаси бўйича фоизлар	654
735-модда. Қарз олувчининг қарз суммасини қайтариш мажбурияти	655

736-модда. Қарз олувчи томонидан қарз шартномасини бузиш оқибаглари	658
737-модда. Қарз шартномаси юзасидан даъволашиш	661
738-модда. Қарз олувчининг мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш	663
739-модда. Аниқ мақсадли қарз	663
740-модда. Вексель	665
741-модда. Облигация	665
742-модда. Қарзни янгилаб, қарз мажбуриятига айлантириш	666
743-модда. Давлат заёми шартномаси.	666

2-§. КРЕДИТ. 668

744-модда. Кредит шартномаси.	668
745-модда. Кредит шартномасининг шакли.	669
746-модда. Кредит бериш ёки олишдан бош тортиш	671
747-модда. Ашёларни кредитга бериш шартномаси	674
748-модда. Тижорат кредити	675

**42-БОБ. ПУЛ ТАЛАБНОМАСИДАН БОШҚА ШАХС
 ФОЙДАСИГА ВОЗ КЕЧИШ ЭВАЗИГА МОЛИЯЛАШ 679**

749-модда. Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномаси	679
750-модда. Молия агенти	684
751-модда. Маблағ олиш мақсадида бошқа шахс фойдасига воз кечиладиган пул талабномаси	686
752-модда. Мижознинг молия агенти олдидаги жавобгарлиги.	688
753-модда. Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечишни тақиқлашнинг ҳақиқий эмаслиги	691

754-модда. Пул талабномасидан ўз навбатида бошқа шахс фойдасига воз кечиш	692
755-модда. Қарздорнинг пул талабномасини молия агентига ижро этиши	693
756-модда. Молия агентининг қарздордан олинган суммаларга ҳуқуқлари	695
757-модда. Қарздорнинг муқобил талаблари	696
758-модда. Молия агенти олган суммаларнинг қарздорга қайтарилиши	697
43-БОБ. БАНК ОМОНАТИ.	699
759-модда. Банк омонати шартномаси	699
760-модда. Пул маблағларини омонатларга жалб қилиш ҳуқуқи	701
761-модда. Банк омонати шартномасининг шакли	704
762-модда. Омонатларнинг турлари	706
763-модда. Омонатга тўланадиган фоизлар	709
764-модда. Омонатга фоизлар ёзиш ва тўлаш тартиби	712
765-модда. Омонатнинг қайтарилишини таъминлаш	713
766-модда. Омонатни қайтариш ҳақидаги талабни бажармаганлик учун жавобгарлик	716
767-модда. Омонатчининг ҳисобварағига учинчи шахсларнинг пул маблағларини кўйиши	717
768-модда. Учинчи шахс фойдасига кўйилган омонат	718
769-модда. Омонат дафтарчаси	720
770-модда. Омонат (депозит) сертификати	721
44-БОБ. БАНК ҲИСОБВАРАҒИ	726
771-модда. Банк ҳисобварағи шартномаси	726

772-модда. Банкнинг мижозга қарашли пул маблағларидан фойдаланиши	728
773-модда. Мижознинг пул маблағларини тасарруф этиши.	729
774-модда. Банк ҳисобварағи шартномасининг шакли.	733
775-модда. Банк ҳисобварағи шартномасини тузиш.	734
776-модда. Ҳисобварақда турган пул маблағларини тасарруф этиш ҳуқуқини тасдиқлаш.	737
777-модда. Ҳисобварақ бўйича банк бажарадиган операциялар.	742
778-модда. Ҳисобварақ бўйича операцияларни амалга ошириш муддатлари	743
779-модда. Ҳисобварақни кредитлаш.	745
780-модда. Банкнинг ҳисобварақ бўйича операцияларни амалга оширишга қилган ҳаражатларини тўлаш	746
781-модда. Ҳисобварақда турган пул маблағларидан банкнинг фойдаланганлиги учун фоиз тўлаш	747
782-модда. Банкнинг ва мижознинг муқобил талабларини ҳисобга олиш.	748
783-модда. Ҳисобварақдан пул маблағларини ўчириш асослари	749
784-модда. Ҳисобварақдан пул маблағларини ўчириш навбати	750
785-модда. Ҳисобварақ бўйича операциялар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги ва пул маблағлари асоссиз ўчирилганлиги учун банкнинг жавобгарлиги	754
786-модда. Банк сири	756
787-модда. Ҳисобварақни тасарруф қилишнинг чекланиши	760
788-модда. Банк ҳисобварағи шартномасини бекор қилиш.	762
789-модда. Банкларнинг ҳисобварақлари.	764
45-БОБ. ҲИСОБ-КИТОБЛАР	766

1-§. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТЎҒРИСИДА	
УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.....	766
790-модда. Нақд пуллар билан ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар.	766
791-модда. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг шакллари	767
2-§. ТЎЛОВ ТОПШИРИҚНОМАЛАРИ БИЛАН	
ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ.....	768
792-модда. Тўлов топшириқномалари билан қилинадиган ҳисоб-китоблар тўғрисида умумий қоидалар.	768
793-модда. Тўлов топшириқномасини банкнинг қабул қилиш шартлари	769
794-модда. Топшириқни ижро этиш	771
795-модда. Топшириқни бажармаганлик ёки тегишли даражада бажар- маганлик учун жавобгарлик.	772
3-§. АККРЕДИТИВ БЎЙИЧА ҲИСОБ-КИТОБЛАР.....	773
796-модда. Аккредитив бўйича ҳисоб-китоблар ҳақида умумий қоидалар.	773
797-модда. Аккредитивнинг амал қилиш муддати ва у бўйича ҳисоб-китоб қилиш тартиби	775
798-модда. Чақириб олиннадиган аккредитив	776
799-модда. Чақириб олинмайдиган аккредитив.	777
800-модда. Аккредитивни ижро этиш.	778
801-модда. Ҳужжатларни қабул қилишдан бош тортиш.	779
802-модда. Аккредитив шартлари бузилганлиги учун банкнинг жавобгарлиги	781
803-модда. Аккредитивни ёпиш	782
4-§. ИНКАССО БЎЙИЧА ҲИСОБ-КИТОБЛАР	784
804-модда. Инкассо бўйича ҳисоб-китоблар ҳақида умумий қоидалар.	784

805-модда. Инкассо топшириғини бажариш	787
806-модда. Тўловдан бош тортишни хабар қилиш	790

5-§. ЧЕКЛАР БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ 792

807-модда. Чеклар билан ҳисоб-китоб қилишнинг умумий қоидалари	792
808-модда. Чекнинг реквизитлари.	793
809-модда. Чек бўйича пул тўлаш	794
810-модда. Чек бўйича ҳуқуқларни бошқа шахсга бериш	795
811-модда. Тўлов кафолати (аваль)	796
812-модда. Чекни инкассо қилиш	798
813-модда. Тўловчининг мажбуриятлари	799
814-модда. Чек бўйича пул тўлашдан бош тортганликни тасдиқлаш	800
815-модда. Чек бўйича пул тўланмаганлигини хабар қилиш	801
816-модда. Чек бўйича пул тўламаслик оқибатлари	801

46-БОБ. ТОПШИРИҚ 803

817-модда. Топшириқ шартномаси	803
818-модда. Топшириқ шартномаси бўйича ҳақ тўлаш	807
819-модда. Топширикни топшириқ берувчининг кўрсатмаларига мувофиқ бажариш	809
820-модда. Вакилнинг мажбуриятлари	810
821-модда. Топшириқ берувчининг мажбуриятлари	812
822-модда. Топширикни бажаришни бошқа шахсга ишониб топшириш	813
823-модда. Топшириқ шартномасининг бекор бўлиши	815
824-модда. Топшириқ шартномасини бекор қилиш оқибатлари . . .	819

825-модда. Топшириқ шартномасида ҳуқуқий ворислик 819

**47-БОБ. БЕГОНА ШАХСНИНГ МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ
ТОПШИРИҚСИЗ ҲАРАКАТ ҚИЛИШ 821**

826-модда. Бегона шахснинг манфаатини кўзлаб ҳаракат қилиш шартлари 821

827-модда. Бошқа шахснинг манфаатини кўзлаб топшириқсиз ҳаракат қилувчи шахснинг мажбуриятлари 826

828-модда. Бошқа шахснинг манфаатини кўзлаб битим тузиш 829

829-модда. Топшириқсиз қилинган ҳаракатлардан манфаатдор шахснинг мажбуриятлари 830

830-модда. Бошқа шахснинг манфаатларини кўзлаб қилинган ҳаракатлар туфайли етказилган зарарни қоплаш 834

831-модда. Бошқа шахснинг манфаатини кўзлаб ҳаракат қилган шахснинг ҳисоботи 835

48-БОБ. ВОСИТАЧИЛИК 836

832-модда. Воситачилик шартномаси 836

833-модда. Воситачилик ҳақи 838

834-модда. Воситачилик топшириғини бажариш 839

835-модда. Қўшимча воситачилик 843

836-модда. Воситачи сотадиган мол-мулкнинг баҳоси 844

837-модда. Комитентнинг кўрсатмаларидан четга чиқиш 844

838-модда. Воситачилик нарсаси ҳисобланганашёларга бўлган ҳуқуқ 846

839-модда. Воситачининг талабларини комитентга тегишли суммалардан ушлаб қолиш 847

840-модда. Комитентнинг мол-мулки йўқолганлиги, етишмаслиги ёки шикастланганлиги учун воситачининг жавобгарлиги 848

841-модда. Комитентнинг воситачилик шартномаси бўйича ижрони қабул қилиши	849
842-модда. Воситачилик топшириғини бажариш учун қилинган харажатларни қоплаш	849
843-модда. Воситачилик топшириғининг комитент томонидан бекор қилиниши	850
844-модда. Воситачининг топширикни бажаришдан бош тортиши	851
845-модда. Воситачилик шартномасининг бекор қилиниши	853
846-модда. Комитентнинг муддати кўрсатилмай тузилган воситачилик шартномасини бажаришдан бош тортиши	853
847-модда. Воситачининг воситачилик шартномасини бажаришдан бош тортиши	854
848-модда. Фуқаронинг вафот этиши ёки юридик шахснинг туғатилиши оқибатлари	854
49-БОБ. МОЛ-МУЛКНИ ИШОНЧЛИ БОШҚАРИШ	856
849-модда. Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси	856
850-модда. Мол-мулкни ишончли бошқаришнинг вужудга келиш (жорий бўлиш) асослари	860
851-модда. Мол-мулкни ишончли бошқариш объекти	861
852-модда. Мол-мулкни ишончли бошқариш субъектлари	863
853-модда. Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг муҳим шартлари	865
854-модда. Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг шакли	867
855-модда. Ишончли бошқарувда бўлган мол-мулкни ажратиб чиқариш	868
856-модда. Учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари бўлган мол-мулкни ишончли бошқариш	869

857-модда. Ишончли бошқарувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари	870
858-модда. Мол-мулкни ишончли бошқаришни бошқа шахсга бериш.	872
859-модда. Ишончли бошқарувчининг жавобгарлиги.	873
860-модда. Ишончли бошқарувчига тўланадиган ҳақ.	876
861-модда. Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг бекор бўлиши.	876

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИГА

ШАРҲ

2-ЖИЛД

Муаллифлар таркиби: Рахмонқулов Ҳ. Р., ю.ф.д. (рахбар); Огай Д. А., ю.ф.н.; Асьянов Ш. М., ҳуқуқ доктори; Анартаев И., ю.ф.н.; Убайдуллаев З. С., ю.ф.н., Канъязов Е. С., ю.ф.н.; Ахрарова Д. Г., ю.ф.н.; Рўзиназаров Ш. Н., ю.ф.д.; Жўраев Н. С.; Суюнова Д. Ж., ю.ф.н.; Чуллиев Ш. А.; Самарходжаев Б. Б., ю.ф.д.

Босишга 06.01.2013 рухсат этилди.

Бичими: 90×60 1/16.

Ҳажми шартли н.т. 56,5.

Босма табағи 52,5.

Адади 1000.

Нашриёт уйи МЧЖ «ВАКТРИА PRESS»
Лицензия АИ № 203 28.08.2011 й., АИ № 229 16.11.2012 й
100000, Ташкент, Буюк Ипак Йўли мавзеси, 15-25
тел.: +998 (71) 233-23-84

Mega Basım босмахонасида чоп этилди:
Baha Is Merkezi, Haramidere, Istanbul, Turkey.
www.mega.com.tr

ISBN 978-9943-4062-4-7